



Тохир  
Малик

Жинойтнинг узун  
йўлига яна бир назар

*tohir malik*

ҚУЁШИНГИЗ  
БОТМАСИН



Тоҳир  
Малик



---

ҚУЁШИНГИЗ  
БОТМАСИН



«O'zbekiston milliy ensiklopediyasi»  
Давлат илмий нашриёти  
Тошкент – 2018

821.512.133 - 32 *рақсқозды*

**УЎК: 808.5**

**КБК: 84(5Ў)6**

**М - 22**

**Малик, Тоҳир**

Қуёшингиз ботмасин. Тоҳир Малик. – Тошкент: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» давлат илмий нашриёти, 2018. – 496 б.

ISBN 978-9943-07-624-2

Зиёли оиланинг боласи жиноят оламига кириб қолди. Яна кимнингдир ёлғиз фарзанди ичкиликка ёки гиёҳвандликка мубтало. Бошқасининг фарзанди ўғирлик қилиб қамалган.

Нима учун баъзи болалар жиноят оламига кириб қолмоқда? Оилада бу каби нохуш ҳолатлар рўй беришига ким айбдор?

Китоб муаллифи ана шу саволларга ҳаётда учрайдиган мисоллар орқали жавоб беришга, бу каби иллатлар илдинини топишга ҳаракат қилади.

Жондан азиз фарзандларимиз тўғрисиўз, билимли, ақлли, имонли бўлиб вояга етиши учун тарбиянинг қайси жиҳатларига эътибор қаратиш зарурлиги ҳақидаги қимматли тавсиялар ҳам мазкур китобдан ўрин олган.

**УЎК: 808.5**

**КБК: 84(5Ў)6**

ISBN 978-9943-07-624-2

© Тоҳир Малик. «Қуёшингиз ботмасин». «Янги аср авлоди», 2017.

© Тоҳир Малик, «Қуёшингиз ботмасин». «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» давлат илмий нашриёти, 2018 йил.

2018/69	Alishar Navoiy
Ac138	nomidegi
	O‘zbekiston MK

*PO 45089*  
*4*

Онанинг фарёди кўкларни тутди – ўгли ўзини ўзи осибди! Имом келиб, «Бундайларга жаноза ўқилмайди», деб кетди. Онанинг бир алами минг бўлди. Ўлига ҳамманинг ҳаваси келарди. Бўйлари ўсиб, овози раста бўлиб кўзга ташланиб қолган эди. Нима бўлди? Кўз тегдимми?

Аёллар йиғи-сиги орасида гўшанга ясадилар. Бу дунёдан гўшангасиз кетмасин...

Гўшангага кирди... Ҳис-ҳаяжон билан эмас, совуқ жасадда... тобутда...

Совуқ юзларига гуллар сочилди...

\* \* \*

Она дод-фарёдидан йиғилганлар титраб кетди – қизи ўзини ёқибди! Бўйи етиб, дуркунгина бўлувди-я! Совчилар ўрдинча қараб-қараб қўйишарди-я! Мактабни битиргач, файзли бир хонадонга келинсалом билан кириб борарди-я! Бир йигитни бахтлигина қиларди-я! Гўшангага кирмай кетди... Келинсалом қилмай кетди...

Совуқ қабр уни бағрига олди. Унга жаноза ўқилмади. Ундан сўнги хотира – бир парча қоғоз ва ундаги сўнги ўтинч: «Онажон, мени кечиринг...»

У совуқ қабрда ётибди, атрофда эса у ҳақдаги совуқ миш-мишлар...

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм.

Бизларни яратган, бу кунларга етказган, фарзанду набиралар берган раббимиз Аллоҳга беҳисоб-беҳисоб равишда ҳамдларимиз бўлсин. Аллоҳ таолони поклаб ёд этганимиз ҳолда бермиш энг улўф неъматлари – фарзанду набираларимизни ёмон назарлардан, қора ниятларнинг ёвуз ниятларидан, золимларнинг зулмидан ҳаммиша асрамоғини, соғлик ва омонлик, иймон ва диёнат билан вояга етмоқликларини насиб этмоғини сўраб дуолар қиламиз.

Фарзандлар ҳаққиға дуо қилиб сўз бошлашим бежиз эмас. Мазкур рисола ни қўлга олган сиз – азизларнинг бирингиз эҳтимол кечагина тўнғич фарзандингиз ёки набиранингизнинг туғилиши муносабати билан суюнчилар улашгандирсиз. Бирингиз ўғлингиз ёки қизингизни унаштириб, уларга Аллоҳдан бахт тилаётгандир-

сиз. Фурсатдан фойдаланиб, биз ҳам сизга қўшилиб уларни дуо қиламиз. Яратган Аллоҳ кўпнинг қаторида уларга ҳам ширин-ширин фарзандлар берсин.

Хонадонда фарзанднинг туғилиши – Аллоҳ насиб этган улуғ неъматга эга бўлиш беқиёс бахт ҳисобланади. Бола туғилиши билан ота билан онанинг, бобо билан бувининг ва бошқа қариндошларнинг қалбида ширин бир умид ҳам туғилади. Энди хонадон келажақда ушалажақ умид билан яшай бошлайди. Бу умид баъзан тилга кўчади: «Фарзандимиз фалон-фалон мартабаларга эришсин...» каби ниятлар айтилиб, дуолар қилинади. Фарзанд улғая борган сайин қалбдаги умид қанотларини кенг ёйверади.

Ана шунда... Худо кўрсатмасин-у... аммо кимларнингдир қалбларидаги умид қанотлари бехос синади. Кутилажақ бахт қора тунга, шодлик қайғуга айланади.

Ана шунда... «Бу фожиага ким сабабчи?» «Фожиа қачон бошланган эди?» деган саволларга жавоб излаш бошланади.

Ана шунда... Айбни ўзимиздан эмас, бошқалардан қидирамиз.

Қалбда ширин умиднинг туғилгани яхши. Хайрли дуолар янада яхши. Бироқ фарзанднинг бахтиёрлиги учун бу кифоя эмас.

Ҳеч ким боласи туғилганида «Болам ўғрилиқни касб этсин» ёки «Гиёҳвандларга қўшилсин», деб умидвор бўлмайди. Дуо ҳам қилмайди. Афсуски, айрим ҳолларда яхши умиди ушалмай, кутмагани бир фожиага йўлиқиб, доғда қолади.

Нега шундай?

Яқинда маҳкама (суд) идорасида бир кишининг ҳўнграб йиғлагани диққатимни тортди. У ҳукмдан норози бўлиб, «Ўғлим ўғри эмас, у молларни сотган холос, ўғирланганини билмаган», деб йиғларди. Унга кимдир ачинарди. Кимдир эса... Биз ҳам ачинамиз. Ҳар ҳолда ўзи емай едириб, ўзи киймай кийдириб, боласининг оёғига тикан кирса, ўз қалби яраланган ота ёки онанинг бундай фожиага дуч келгандаги аҳволини тушуниш керак. Лекин бу жиноятга олиб келган **узун** йўлни ҳам диққатдан қочирмаслик лозим. «Узун» сўзига урғу берганим бежиз эмас. Шунчаки «Жиноят йўли», деб қўйсам ҳам бўларди. Ўйлаб қаралса, баён қилганим жиноятнинг тарихи узун эмасдек: кимдир ўғирлик молларни олиб келиб берган-у, йигитча сотаётганида қўлга тушган. Бу воқеа учун ота ёки онани ҳам айблаб бўлмас. Лекин масалани чуқурроқ таҳлил этсак, ўзгача манзарани кўрамиз.

Бу воқеанинг таҳлилига насиб этса яна қайтарман. Ҳозир эса рисола ни ёзишдан мақсадни англатсам. Демак, жиноятнинг йўлини «узун» деб изоҳладим. Хўш, бу узун йўл қачон ва қайси нуқтада бошланади? Ҳеч бир бола жиноятчи бўлиб туғилмас экан, ҳеч бир ота-она фарзандининг ёмон йўлларда санқишини орзу қилмас экан, ҳаёт йўлининг қайси нуқтасида нохуш бурилиш содир бўлди? Бу бурилишни ким биринчи бўлиб пайқаши, ким биринчи бўлиб чора кўрмоғи жоиз эди? Ота-онами, мактабми, милициями ё қўни-қўшниларми? Мазкур рисола орқали сизлар билан шу

хусусда баҳс юритишни ният қилганман. Аввалдан узр сўраб айтаманки, мақсадим сиз азизларга ақл ўргатиш эмас. Мазкур рисола қўлга олувчилар орасида ҳаётнинг энг мураккаб муаммоларига ҳам жавоб топишга қодир донишманд биродарларимиз борлигини ҳозирдан сезиб турибман. Камина ҳам кўп қатори ҳаётни, хусусан, ўсмирлар ҳаётини, янада аниқроқ айтсам, жиноят оламига кириб қолганлар ҳаётини кузатиб, таҳлил қилиб, маълум бир фикрларга келганман. Баён қилажагим фикрлар сизларни балки ўйлантирар, балки рад этарсиз. Шу боис ҳам, рисоладан мақсадни шунчаки суҳбат эмас, балки сизлар билан ғойибона тарзда бўлсада, баҳслашмоқдан иборат деб белгиладим.

Азизларим, мазкур рисоланинг дастлабки саҳифалари анча йиллар илгари ёзилган эди. «Жиноятнинг узун йўли» номи билан рисола бир неча марта қайта нашр қилинди. Турли учрашувларда ота-оналар, айниқса болалар ва ўсмирлар билан ишловчи мураббийлар, милиция ходимлари кўрилаётган масалалар жамият учун муҳимлигини назарга олиб, мазкур рисола янада тўлдириб нашр қилиш лозимлиги ҳақида таклифлар айтишди. 2013 йили Истанбул дорилфунуни таклифи билан Туркияда бўлганимда ҳам шундай таклиф билдирилди. Истанбулнинг Тил марказида маъруза қилаётганимда бир жувон шошилиб кириб, биринчи қатордан жой олди. Маъруза ниҳоясига етиб, савол-жавоб бошланганда у хоним биринчи бўлиб сўз олди. Аммо савол бермай, минбарга чиқди. Қўлидаги китобга аҳамият бердим: «Жиноятнинг узун йўли» китобининг Тошкентда чиққан биринчи нашри. Кўп ўқилганидан муқоваси анча уриниб қолган.

– Мен ҳозиргина Кипрдан учиб келдим, сизнинг ташрифингиздан хабар топиб, атайин келдим, – деди у. – Мен бу китобингизни турк тилига алоҳида қизиқиш билан таржима этдим, сўнг шу асар бўйича диссертация ҳимоя қилдим. Бу асар мавзуининг долзарблиги мени ўзига сеҳрлаб олди. Бу китоб ҳар бир оилада, ҳар бир ота ва онанинг қўлида бўлиши керак, деб ўйлайман. Насиб қилса, йиллар ўтиб, мен бу китобни набираларимга ҳам ўқитаман...

Хоним афандининг бу мақтовлари камина учун кутилмаган ҳол эди. Анжумандан кейин у билан суҳбатлашдим. Фикрмулоҳазаларини тингладим. Болалар ва ўсмирларнинг тарбияси, айниқса, улар орасида жиноятчиликнинг тобора ортиб бораётгани дунаёдаги барча мамлакатлар учун ғоят долзарб масала бўлиб қолгани хусусида ҳамфикр эканмиз. Чиндан ҳам, фарзанднинг қамоққа тушиб қолиши дини ва ирқидан қатъи назар, барча оила учун фожиадир. Дунёдаги барча жамиятлар бу фожиа, аниқроғи, бу хасталикка шифо топишга уриняпти.

Туркиядан китобни янги маълумотлар, янги фикрлар билан тўлдириш аҳдида қайтдим. Мавзуни қайтадан ўргана бошладим. Чунки 20 – 30 йил аввалги жиноятчи болаларнинг руҳий олами бугунгиларникидан фарқ қилади. Жиноят турлари кўпайган, энг ёмони – жиноят олами сезиларли даражада ваҳшийлашган. Мен

шу ўзгаришларни инобатга олиб, «Алвидо... болалик» деб номланган қиссани қайтадан ёзиб, «Талваса» деган номда нашр эттирган эдим. Энди бадий асарда баён қилинган муаммоларни илмий-оммабоп тарзда таҳлил қилиш вазифасини бажаришга киришдим. Яширмайман, иш аввалига анча сушт борди. Лекин иккинчи синф боласининг ўзини осиб қўйгани ҳақидаги маълумот билан танишгач, барча ижодий ишларимни четга суриб, рисола ниҳоясига етказишга киришдим.

Оиламизда фарзанд туғилиб, осмонимиз қувонч қуёшидан нурафшон бўлганда, дастлаб «Тойчоғим» ёки «Эркатойим» ёки «Асал қизим», деб эркалаймиз. Кейинроқ «Умидим юлдузи» ёки «Орзуим чечаги» деб, оталар ҳатто «Белимнинг қуввати», деб алқайдилар. Фарзандни қуёшга ҳам ўхшатадилар. Менга шуниси маъқулроқ. Чунки юлдузли осмон ҳар қанча чиройли бўлмасин, юлдузлар биздан ғоят узоқ ва иситмайди. Қуёш нуридан танамиз қанчалик лаззатланса, бағримизга босган фарзандимизнинг илиқ нафаси юрагимизга ҳаёт иссиқлигини беради. Бемор ётган ота ёки онанинг юзига фарзанд юзини босса, дард қочгандай бўлади. Ота ёки она сафардаги фарзандини соғинса, уйи зимистонга айлангандай туюлади. Фарзанди сафардан тун чоғи қайтса, зимистон қувилади, хонадон осмонида қувонч қуёши чарақлаб кетади. Шу сабабли кўп оилаларда фарзандларини «Қуёшим!» деб эркалаганларини ҳам эшитганман. Биламиз, Қуёш ботади, чиқади. Шомда уфққа кузатар эканмиз, хайрли тонгда кутиб олишимизга ишонамиз. Эртақларни эслайдиган бўлсак, элга ёмонлик қасдида ёпирилган аждаҳо Қуёшни ютади. Ёки шомда ботган Қуёш тонгда бош кўтармайди. Шундай бўлишдан Аллоҳ сақласин! Бунақа фожиалар эртақларда қолиб кетаверсин. Ҳамонки, биз фарзандимизни «Қуёшим!» деб эркалар эканмиз, осмондаги Қуёшдан фарқли ўлароқ, бағримиздаги қуёшимиз сира ботмасин, деган ниятда мазкур китобнинг номини энди «Қуёшингиз ботмасин», деб қўйдим. Буни фақат китоб номи эмас, балки хайрли дуо ўрнида ҳам қабул қилгайсиз, омиён!

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР

#### БИРИНЧИ БОБ

#### БУРИЛИШ НУҚТАСИ ЁКИ КИМ АЙБДОР?

- «Фалончи»нинг касри
- Бигизга айланган тўғонагич
- Ўғрининг боласи ўғримми?
- Ўғил исён этдимми?

Масалани «бурилиш нуқтаси» деб белгиладиму, аммо бунга ҳеч ким аниқ ва узил-кесил жавоб беролмаса керак, деб ўйлайман. Ҳар бир жиноят йўлининг ўзига хос бошланиш нуқтаси мавжудлиги маълум. Уни белгилашда ота-она бир, мактаб бошқа, милиция эса ўзга фикрда бўлади. Юқорида баён қилинмиш судда йиғлаётган ота воқеасига қайтсак, милиция учун муҳими – ўғирлик моллар сотилаётган пайтда жиноятчи қўлга олинди. Сотувчи ўсмир мактабда яхши ўқиганми, отасининг гапини икки қилмаганми, каби масалалар милицияни мутлақо қизиқтирмайди. Агар бу воқеадан мактаб (ёки лицей, коллеж) аҳли хабар топса, «Отаси боланинг ўқишидан бохабар бўлиб турганида, интизомга риоя қилишни ўргатганида бошига бу ташвиш тушмас эди», деган хулоса билан маломат қилишади. Демак, улар тўғри ҳаёт йўлининг жиноят сўқмоғига бурилувчи нуқтасини айнан боланинг дарслардан қочиб юрган пайтларидан деб белгилашади. Ота-она эса боланинг бозорда «фалончи» билан топишиб қолган кунини лаънатлашади. «Ўша «фалончи» билан яқинлашмаганида бу кўргилик йўқ эди», деган тўхтама келишади.

Менимча, бу балоли йўлнинг бошланишини анча илгарироқдан излаш керак бўлади. Бир ривоятни турли хилда кўп эшитамиз: ота донишманддан «Боламнинг тарбиясини қачон бошлай?» деб сўрабди. «Болангиз неча ёшда?» деб қизиқибди донишманд. «Бир ойлик бўлди», деган жавобни эшитган донишманд: «Бир ой кечикибсиз», деган экан. Бу гап айримларга шунчаки олиб қочишдек



туюлади. Кўпчилик болани туғилган онидан бошлаб қандай тарбия қилиш мумкинлигини тасаввур эта олмайди. Бола уч кунлигидаёқ онасини бошқалардан ажрата олиши тўғрисидаги ҳақиқатга ҳам айримлар ишонишмас. Унда мана бу илмий тадқиқотга нима деймиз? Тадқиқотчи олимлар бир ҳомиладор аёлга ҳар куни айна бир вақтда фақат битта эртакни сўзлашган. Бола туғилиб, олти ёшга етганда турли эртакларни сўзлаб бера бошлаган. Аёл ҳомиладорлик даврида тинглаган эртакка гал келганида, дастлабки жумлаларни эшитибоқ, бола «Мен бу эртакни биламан», деб сўзлаб берган. Бу ривоят эмас, илмий ҳақиқат! Демак, бола онанинг қорнида эканидаёқ ташқи дунё билан алоқада бўлар экан. Шунданмикин, донишмандлар «тарбия бола туғилмасидан аввал бошланса янада яхши», дейишган экан.

Фарзанд гўдаклик чоғида нимага ўргатилса, тез ўзлаштириб олади. 2,3,4 ёшлигида ўргана олган нарсасини ёшлигида ўрганолмаслиги ҳам мумкин. Кузатайлик: бола осонгина ўрганган хунарни катта одам қийинчилик билан эгаллаши мумкин. Бунини судралувчи қурт ва чивин тезлигига қиёсласак бўлар. 20 – 25 ёшдагилар ўқишга эринадилар. 5 ёшли бола эса ўқишни орзу қилади. Хориж тилларини ўзлаштириш, фортепьяно ёки ғижжак чалишни ўрганиш (бунга иқтидорлари бўлса-да) катталар учун гоёқ машаққатли машғулотдир. Улар йиллар давомида машқ қилсалар ҳам ўрганолмасликлари мумкин. Лекин бола ёшида бу машаққат йўли осонлик билан босиб ўтилади. Бунга ўзимнинг ҳаётимдан мисол келтирай: 5-синфда ҳафтасига икки соат немис тили дарси бўларди. Ўшанда кўп нарсаларни ўрганган эдим. 8-синфда мен кўчган мактабда инглиз тили ўқитиларкан. Ҳарфлар ўхшаса-да, тилни ўрганиш жуда қийин бўлган. Университетда ўқиганимда хориж тили ўргатилмас эди. Лекин менда иштиёқ бўлган. Ҳарбий хизматдан қайтганимдан кейин форс тилини ўрганиш мақсадида икки йиллик ўқишга кирдим. Лекин эплай олмадим. Бугун ёдлаган сўзларим, ҳарфларим эртага ёдимдан чиқиб кетавериб, кўпинча устоз олдида уялиб қолдим ва бу машғулотдан юз ўтиришга мажбур бўлдим. Сөз чалишни ўрганиш масаласи ҳам шундай салбий натижасини топган.

Агар 3 ёшли боланинг ота-онасига «Фарзандингизга чет тилларни ўргатинг», десак, «Ҳали эрта, бу ўқиш боланинг миясига оғирлик қилади», деган жавобни эшитишимиз мумкин. Агар машғулотлар бетартиб олиб борилса, оғирлик қилиши табиий. Лекин жуда кўп мамлакатларда, хусусан, ўзимизда ҳам гўдакларнинг тил ўрганишига доир ижобий мисоллар бор. Япониялик муаллим Масао Кагата «Шафқатсиз ота», деб танқид қилишган экан. Фарзандларига чет тилини ўргатишни бошлаганида ўғли икки ярим ёш, қизи эса уч ойли бўлган экан. Унинг «шафқатсиз» деб сифатланишига сабаб болаларига бир пайтнинг ўзида инглиз, француз, итальян, немис тилларини ўргатган. У машғулотларни радиодан бериладиган дарслар асосида олиб борган. Биронта дарсни ҳам назардан чет-

да қолдирмаган. «Бугун бўлмаса, эртага ўзлаштириб олади», деган баҳонага ўрин қолдирмаган. Гўдаклар бу машғулотларни худди ўйин ўйнаётгандай қабул қилишган. Отани шафқатсизликда айблаганлар бу машғулотлар боланинг миясига оғирлик қилади, асаб тизимини ишдан чиқаради, деб даъво қилишган. Орадан йиллар ўтиб, болалар беш тилни мукамал ўзлаштиришгач, ўтказилган тиббий текширувларда болаларнинг ақлий ривожланишида ҳеч қандай чарчаш ёки бошқа салбий ҳолатлар сезилмаган. Аксинча, улар ўқиш ва ўрганишда тенгдошларига нисбатан фаолроқ бўлганлар.

Кўпчилик рус тилини яхши билади ёки тушунади, китобларини бемалол ўқийди. Аммо равон гапира олмайди. Бизда йўқ «Ы», «Щ» товушларини ифода этишда қийналади. «Пришёл» билан «приехал»ни, «он» билан «она»ни фарқлашда ҳам янглишади.

Етим қолган эгизаклардан бирини амма, бирини амаки тарбиясига олади. Амма бола тўрт ёшга кирганида рус ва инглиз тилини ўргата бошлайди. Амаки бу ишни кечроқ, таъбир жоиз бўлса, «тил қотганда» бошлайди. Эгизаклар тилни ўрганишади, лекин кеч бошлаганининг талаффузида камчилик сезилиб туради.

Ёш оиладаги эр хизмат юзасидан хорижга кетади. Хотин эса чақалоғини олиб, қишлоқдаги ота-онаси уйида яшай бошлайди. Бир неча ойдан кейин эр хизматдан қайтгач, она-бола ҳам қайтишади. Бу орада қизалоқ тилга кириб гапира бошлайди. Қизалоқнинг қишлоқ шеvasида гапириши ота-онани ҳайратга солади. Қизалоқ ўсмир ёшига етганда ҳам бу шева унинг тилида сақланиб қолади. Ҳолбуки, у қишлоқда яшаётганида гапирмаган, фақат эшитган. Эшитганлари миясига сингиб қолган.

Кимки азиз фарзандининг улғайганида кўп хорижий тилларда бемалол сўзлаша олишини, машҳур чолғувчи, рассом ёки бошқа ҳунарларнинг моҳир устаси мартабасига етишини истаса, энг аввало уни севиши (бу соҳада камчилигимиз йўқ – барчамиз фарзандимизни жонимиздан ортиқ севамиз), ҳурмат қилиши (бу соҳада камчилигимиз бор) ва боланинг қизиққан нарсасини эгаллаши учун барча шароитларни яратиб бериши керак. Агар бола ўсмирлик ёшига қадар ҳунар асосларини эгаллаб олса, дунёқарашлари кенгая бошлагач, фалсафани, дунёвий фанлар ва дин асосларини ўргана бориб, камолот сари интилади. Агар дунёдаги барча одамлар болалик ва ўсмирлик чоғида яхши тарбияни эгаллаганларида эди, оламда уруш бўлмасди, қотиллик йўқоларди, ҳамма бой-бадавлат, ҳузур-ҳаловат билан яшарди. «Дунёни кана каби сўриб ётган ҳарбийга ва полицияга ажратиладиган харажатларни йўқотиш мумкинми?» деган саволга ҳозир ҳеч ким ижобий жавоб беролмайди. Дунёни танкларсиз, ракетааларсиз, полиция ва қамоқ лагерларисиз тасаввур қила олмай қолганмиз. Ҳолбуки, яхши тарбия буларнинг барчасига барҳам бериши мумкин. Кичкинтойларимизга чиройли ва қимматбаҳо ўйинчоқлар олиб берамиз. Аммо унинг қизиқиши, онгининг ривожланиши Микки Маус, ўргимчак одам ёки гапирувчи кўғирчоқ билан чекланмаслигини англамай-

миз. Мавлоно Румий ёки Алишер Навоий, Микеланджело ёки Леонардо да Винчи, Рембрант ёки Камолитдин Беҳзод, Моцарт ёки Чайковский даҳолари билан таништиришни ҳаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Афсус билан айтсам, кўп ота-она бу даҳоларни ўзлари ҳам билмайди.

Моцартнинг 3-4 ёшида чолғу чалишни мукамал эгаллагани, 6 ёшида мусиқа ижод қила бошлагани, 9 ёшида биринчи симфониясини яратгани ҳақида кўп эштамиз. Аммо ҳазрат Алишер Навоийнинг гўдаклик чоғларида ғазал ёдлаганликлари ва ёзганликлари ҳақида кам гапирамиз. Ўрни келганда эслайлик, балки тарбияга доир ишларимизда асқотар:

Бўлажак шоир уч ёшида форс тилидаги ғазални ёд олган. Орадан йиллар ўтиб, шоир «Мажолис ун-нафоис» асарида ўша ғазалнинг бир байтини келтиради:

*Риндему ошиқему жаҳонсўзу жома чок,  
Бо давлати ғами ту зи фикри жаҳон чи бок.*

Энди байтнинг мазмунига эътибор берайлик: «Риндмиз, ошиқмиз, жаҳон ўртовчи ва ёқавайронлармиз, сенинг ғаминг турганда дунё фикридан не фойда». Диний-фалсафий маънони ўзига сингдирган бу байтни катталар ҳам тушуниши қийин. Уч ёшли боланинг маънони англаши унинг зеҳни ва дунёқарашининг қувватида дарак беради. Ҳазрат Навоий боланинг гўдак ёшида илм олишга жалб қилишнинг афзаллигини асарларида ҳам қайд этганлар. «Фарҳод ва Ширин»ни диққат билан ўқиш жараёнида бу сатрларга аҳамият берайлик: Фарҳод «учинчи ойда саводи шарра чиқди. Биринчи йилда Қуръонни ёд олди. Агар ҳар бир дарсни бир марта кўрса, ўша варақни қайтадан очиш йўқ эди. Нима сўзники ўқиса, кўнглига ва балки жон лавҳасига ёзилиб қолар эди. Бутун ўқиганлари саҳифа ба саҳифа ёдида қолар эди». Бу сатрлар дoston қаҳрамони Фарҳоднинг болалиги эмас, шоирнинг ўз болалиги ҳақида ёзилгандай бўлиб туюлади менга.

Шу ўринда ўзимизга савол берайлик: бугун биз уч ёшли фарзандимизга қандай шеърларни ўқиб беряпмиз, нималарни ёд оляпти? Ёд олганларининг маъносига ўзи тушунадими? Бўлажак шоир 4 ёшида мактабга борган. Ҳозир 6 ёшли болани мактабга бериш катта муаммо бўлиб қолган. 7 ёш қатъий қилиб белгиланган. Қуръони каримни мукамал ёд олган 6 ёшли қизчани менинг ўзим кўрганман. Дунёнинг таниқли уламолари саволларига жавоб берганда ҳайратда қолганман. Ўша кунлари телевизорда 12 ёшли болани роса мақташди: у бир неча юз ашулани ёд олибди. Ота-она боланинг зеҳнини кераксиз нарсага сарф этибди. Бунинг ўрнига зарур тенгламалар ечимини ўрганмайдими, ҳайвонот ва наботот олами билан танишмайдими?

Мен телевизорда болалар ҳаётидан ҳикоя қилувчи кўрсатувларни қизиқиш билан кузатаман. Гўдакларнинг қилаётган ишларидан

хайратга тушаман. Австралияда уч ойли эгизакларнинг ҳовузда бемалол сузишини, америкалик 4-5 ёшли гўдакларнинг маҳоратли гимнастикачилар қийналиб бажарадиган мураккаб ҳаракатларни осонгина ўзлаштириб олганларини, 5 ёшли япон болакайнинг машҳур созандага скрипкада жўр бўлганини, бразилиялик уч ёшли боланинг уч тилдаги китобни ўқиб берганини, Дакота штатида яшовчи икки ёшли гўдакнинг чавандозлик маҳоратини, япониялик 4 ёшли болакайларнинг инглиз тилида эркин сўзлашаётганларини телевизорда сиз ҳам кўргандирсиз. Буни фавқулотдаги мўъжиза деб қабул қилгандирсиз. Тўғри, бунақа зеҳни Аллоҳ ҳаммага ҳам беравермайди. Лекин синчиклаб кузатсак, биз ҳам фарзандларимизда ана шундай қобилиятни кўришимиз мумкин. Лекин биз чақалоғимизни ҳовузга ташлаб, сузишга ўргатмаймиз. Аниқроғи, кўрқамиз. Тўғри, миллиондан (ёки юз миллиондан) бир бола 4 ёшида пианино чалишни ўрганар. Лекин ҳар ўн гўдакдан биттаси сузишни ўргана олар, деб ўйлайман. Сиз айтарсизки, Моцартнинг отаси созанда эди, Алишер Навоийнинг отаси санъат аҳлига яқин бўлган, тоғалари эса шеър ёзишган... Лекин Хоразмийнинг ёки Эйнштейннинг отаси математик ёки физик бўлмаган-ку? XIX асрда яшаган улуғ математик Карл Фридрих Гаусс арифметикага оид дастлабки формуласини 8 ёшида кашф этган. Унинг отаси илмдан анча узоқ, оддий гишт терувчи бўлган. Баъзан фарзандини ишга олиб борган. Кичкина Карл отасининг қўлига олиб бераётган гишталарни санаш жараёнида ўша машҳур формуласини яратган экан.

Япон болаларининг инглизчада эркин сўзлашаётганини телевизорда кўрганимда Тошкентдаги бир учрашув кўз олдимга келди. Шаҳардаги кичик бир ўқув марказига каминани таклиф қилишди. Англия элчихонасидан ҳам бир меҳмон чақирилган экан. Мен гапимни тугатганимдан кейин болалар билан суҳбат бошланди. Бир қизалоқ айниқса фаол бўлди. Кўп савол берди, ҳатто қайсидир масалада баҳслашди. Камина тилга нўноқ бўлганим сабабли жим ўтиравердим. Аммо қизчанинг ота ва онасига ҳавасим келди. Суриштириб билсам, қизча биринчи синфда ўқиркан, ота-онаси оддий ишчи ва хизматчилардан экан.

Мен таржимон ёрдамида меҳмондан болаларнинг билимига баҳо беришни сўрадим. Аъло баҳолади, ғоят таъсирланганини билдирди. Шунда мен «Таъсирланишингизнинг сабаби бу халқ болаларининг бунчалар даражада истеъдод эгаси эканини кутмаганлигингиздими?» деб сўрадим. Шубҳасизки, фикримни рад этди. Бундай савол беришимнинг сабаби, 1949 йилда инглиз лорди юқори минбарда гапира туриб, бизларни «ёввойи қабила» деб атаган, улуғ шоиримиз Фафур Фулом эса унга жавобан ушбу сатрларни ёзган эди:

*Қадим ўзбек халқисан, асл Одам авлоди,  
Миср эҳромларидан тарихинг қарироқдир.  
Хоразмнинг ҳар гиштида боболарнинг ижоди,  
Англо-саксонлардан анча юқорироқдир.*

*Бизда логарифманинг мушкул муаммолари  
Қўлдаги бармоқлардай оддий қилинганда ҳал,  
«Олий ирқ» даъвогари Черчиллнинг боболари  
Ҳатто санай олмасди ўн бармоқни мукаммал.  
...Биз эккан пахталардан Ер юзида бор киши  
Уятини ёнганда устма-уст, қават-қават,  
Ҳозирги жанобларнинг маърифат ва дониши  
«Пахта дарахт қўзисин жуни» деб билганлар фақат...*

Мен яқин ўтмишдаги ўша кибри ва нодон инглиз лордининг гапини ва шоиримиз жавобини ёдга олиб, элчихона вакилига шундай дедим:

– Ўзини кеча олий ирқ ҳисоблаган одам бугун кибр отидан туша қолмайди. Сиздан миннатдоримиз, болаларимизга аъло баҳо қўйдингиз. Лекин ўша инглиз лордининг фикрида юрганлар юртингизда ҳали ҳам борлигига ишонаман. Мабодо шунақалардан битта ёки иккита қолган бўлса ҳам ва сиз ўша одам билан учрашиб қолсангиз, кўрганингиз бу болаларимизнинг қанчалар ақлли эканини айтинг-да, бу болалар «сиз ёввойи қабила» дея камситган халқнинг фарзандларидир, озод Ўзбекистоннинг келажагидир», деб танбеҳ беринг.

Моцарт ёки Алишер Навоийнинг гўдакликдаги қобилиятдан сўз очилса, кўпчилик «Улар даҳолар эди», деб ва бу даҳоликнинг сабабини ирсий мўъжиза, яъни отадан болага ўтувчи қобилият, дея исбот қилишга уринишади. Мен бу тахминга қисман қўшиламан. Моцартга ҳам, Алишер Навоийга ҳам оталари чақалоқлигиданоқ тарбия беришган. Эҳтимол, улар бола туғилмасидан илгариеқ унинг келажаги ҳақида ўйлашгандир. Бола туғилиши билан буюклик сари етакловчи тарбияни бошлашгандир. Бу фикрни туғридан-туғри қабул қилманг. Чунки «Болам келажақда буюк математик бўлсин», деб орзу қилган ота чақалоққа карра жадвални ўргатгани билан фойдаси йўқ. Энг муҳими, болага қачон ва нимани ўргата бошлаш нуқтасини аниқлай олишда.

Атроф-муҳитнинг қандай бўлиши чақалоқнинг онгига ҳам таъсир этади. 1920 йили Ҳиндистоннинг Калкутта шаҳри яқинидаги бир гордан икки қиз топилади. Қизчалар бўрилар маконида вояга етгани учун уларни «бўри қизлари» деб аташган. Қизларга Амола ва Камола деб исм бериб, тарбия беришга кўп уринишган, аммо қизлар бўриларга хос одатдан қутула олишмаган. «Бўрининг боласи – бўри, одамнинг боласи – одам», деган фикрни инкор этмасам-да, дастлабки тарбия туфайли болага сингдирилган иллатлардан қутулиш қийин эканини таъкидлайман. Шунга ўхшаган воқеа Европада ҳам юз берган. Уст-боши бинойи бир йигит одамларга ваҳшийларча ташланиб, тишлаб ташлайверган. Аввалига уни қутуриш касалига учраган, деб ўйлашган. Кейин маълум бўлишича, бир одам итининг ўлимида қўшнисини айблаган, жанжал қилган. Кейин унинг икки ёшли ўғлини ўғирлаб, нимқоронғи ертўлада 15 йил сақлаган. Бола

бу вақт ичида фақат итларнинг вовиллашларини эшитган, дарча ўрнидаги телеэкрандан қутурган итларнинг ваҳшийликларини кўрган, шу тарзда ёввойи итлар муҳитида улғайган. Кунларнинг бирида эгасига ташланиб, кекирдагини узгану, ёруғликка чиққан. Одамларни кўриб, уларга ташланаверган. Уни ушлаб, даволаб, тарбиялашга кўп уринишган. Одам ҳолига сал-пал келгани билан ғазабланганда ириллашини канда қилмаган...

Биз оилада гўдакларимиз 5 – 7 ёшга етганда ниманидир ўргатишга ҳаракат қиламиз. Уч ёшга киргунча кўп нарсаларни ўргана олиш қобилияти борлигига аҳамият бермаймиз. Бунга кўпроқ оналар айбдор, чунки бу вақтда бола билан кўпроқ улар шуғулланишади. Бола туғилган ондан мия фаолиятининг ривожланиши бошланади. 3 ёшга тўлганда ривожланишнинг 70 – 80 фоизига эришилади. Миянинг дастлабки беш йилдаги ривожланиш тезлиги одамнинг кейинги умридаги мия фаолиятининг ривожланиши тезлиги билан тенг бўлади. Соддароқ айтсам, беш ёшли боланинг миясида ярим миллиард ҳужайра туғилган бўлса, 70 ёшга тўлгунича яна шунча ҳужайра туғилади. Мутахассис гўдак хотирасини қузатганида боланинг 50 та одам билан учрашиб, уларнинг ташқи кўринишлари, ҳатто исмларини ҳам ёдлаб қолганига гувоҳ бўлган. Бир мартагина кўрган одамлардан бештасини ярим йилдан кейин рўпара қилишганда барчаларининг исмларини адашмай айтиб берган. Ҳолбуки, катталар йилда 50 та одам билан танишсалар, уларни иккинчи марта кўрганларида эслашлари қийин бўлиб қолади. Бир она ҳали икки ёшга тўлмаган ўғлига расмни китоб беради. Китобда акс этган табиат манзараларини бола биринчи марта кўриб турибди. Бола уларни томоша қила туриб, бирдан «мошин, мошин», деб бир нуқтага тикилиб қолади. Она ҳайрон бўлиб, суратга синчиклаб қарайди ва машина суратини кўрмайди. Бола эса бармоқчасини бир нуқтага қадаганича «мошин» деяверади. Шунда она бола кўрсатган нуқтага қарайди. Ўрмон манзарасидаги бир шакл чиндан ҳам машинага ўхшаркан. Бола ўзи учун нотаниш бўлган манзара ичидан ўзига таниш бўлган машина суратини дарров илғаб олган. Бошқа бир оилада болага эртақ-китоб берган она суратларга қараб, воқеани баён қилган: кичкина бола боғчасидан келаётганида қўлидаги ўйинчоғини бўри олиб қўйибди. Бола уйга келиб хафа бўлганида онаси унга ширин пирог берибди. Бола мазза қилиб еб, мазза қилиб кулибди... Она «мазза қилиб кулибди», дейиши билан бола «Йўқ, роса йиғлабди», деб эътироз билдиради. Она ҳайрон, эртақнинг охирида ширинлик еб, қувнаб ўтирган бола сурати чизилган. Ўғилчаси эса ўжарлик билан «Йиғлаяпти», деб туриб олган. Она кейин қарасаки, муқованинг тўртинчи саҳифасига рассом кичкинагина қилиб йиғлаётган боланинг расмини чизиб қўйган экан. Она муқовага эътибор бермаган, бола эса бир қарашда эслаб қолган.

Боланинг «қобилиятли» ёки «қобилиятсиз»лигини гўдаклик чоғида фарқлаш бироз мушкулроқ. Бошланғич синфларда, айниқса,

Ўсмирлик чоғида бу фарқ аниқ кўрина бошлайди. Япониялик тарбиячи-созанда ва болалар руҳшуноси Сузуки аввал ўсмирлар билан кичкинтойларни скрипка чалишга ўргатган. Ўсмирларда бу соҳада қобилият аниқ сезилиб турса-да, улар маҳоратни кичкинтой укаларига нисбатан кечроқ эгаллаганлар. Болаларга билим бериш ва тарбиялашда соддадан мураккабга қараб борилади. Масалан, аввал арифметика сўнг алгебра ўргатилади. Таниқли математик олима Ришени Феликс хонимнинг фикрича, кичик ёшдаги болага ҳам математика билимини бериш мумкин. «Соддадан – мураккабга» қондасига қатъий амал қилувчилар кичкинтойларнинг мия қобилиятини назарга илмайдилар. Олимлар бу борада қуйидаги мисолни келтирадилар: Арифметика дарслигида бир масала берилган: «Ҳайвонот боғида тошбақа ва лайлакдан иборат 8 жонивор бор. Уларнинг оёқлари 20 та. Ҳайвонот боғида нечта тошбақа ва нечта лайлак бор?» Бу масаланинг арифметика ва алгебра йўналишида икки хил ечими бор. Алгебра услубида бундай ечилади: Лайлаклар сонини «Х» деб, тошбақаларни «У» деб белгилаймиз. Демак,  $X+U=8$ ,  $2X+4U=20$ . Ҳисоблаймиз:  $X+2U=10$ , яъни  $X=8-U=10-2U$ ; демак,  $U=2$ . Ҳайвонот боғида 2 тошбақа ва 6 лайлак бор экан. Масала арифметика йўлида бундай ечилади: агар барча жониворлар тошбақа деб ҳисобласак, уларнинг оёқлари 32 та бўлади. Лекин масалада оёқ 20 та дейилган, демак, 12 оёқ ортиқча бўлиб чиқяпти. Бунга сабаб, биз барча жониворлар тошбақалар ва уларнинг 4 тадан оёқлари бор, деб ҳисобладик. Ҳолбуки, лайлакнинг оёғи иккита бўлади. 12 ни иккига бўлсак, 6 чиқади. Яъни, 6 лайлак. 8дан бни олсак, 2 чиқади. Яъни, жониворларнинг иккитаси тошбақа.

Олимлар бу каби мисолларни турли ёшдаги болаларга бериб, уларнинг алгебра усулида осонроқ ечганларига гувоҳ бўлганлар. Ҳозир катталар 1-2 синф математикаси ғоят мураккаб бўлиб кетганлигидан нолишади. Фарзандларига ачинишади. Математика сизу биз учун мураккаб туюлади. Кичкинтойлар озгина кунт қилишса, бу билимни осонгина эгаллашлари мумкин.

Француз олими 4-5 ёшдаги болаларни тўплаб, иккита бир хил ҳажмдаги думалоқ пластилинни олиб, бирини колбаса каби чўзган-да, «Қай бирида пластилин кўпроқ», деб сўраган. 5 ёшли болалар иккаласи бир хил, деб жавоб беришган. 4 ёшдаги болалар эса чўзинчоқ шаклга келтирилган «колбаса»да пластилин кўпроқлигини айтишган. Бу мисол болаларнинг кузатиши, фикрлашидаги ўсишни кўрсатади.

Бир танишим вояга етган фарзандларидан нолиб, «Мақомни эшитишмайди, мумтоз мусиқага тоқатлари йўқ», деди. Бундай ҳолни кўплаб оилаларда учратиш мумкин. Нега шундай? Бу саволга жавоб топиш учун Япон олимларининг тадқиқотларига мурожаат қилайлик. Жаҳонга машҳур «Сони» фирмасида махсус болалар боғчаси мавжуд. Масару Ибука фақат фирма асосчиларидан бири бўлиб қолмай, болалар руҳиятини ўрганувчи олим ҳамдир. Фирма боғчасида болалар қандай мусиқани ёқтирар экан, деган

саволга жавоб топиш мақсадида тажриба ўтказишган. Тажриба яқунидан уларнинг ўзлари ҳам таажжубда қолишган. Болаларга япон миллий ва эстрада кўшиқлари эмас, Бетховеннинг 5-симфонияси кўпроқ ёққан! Телевизор ва радиода эрталабдан кечгача бериладиган «хит» кўшиқлар кейинги ўринларни эгаллаган. Бугунги ёш ота-она мумтоз мусиқани ўзи ҳам эшитмайди, бешикдаги боласига ҳам эшиттирмайди. Биз гўдак мусиқанинг фарқига бормайди, деб адашарканмиз, аслида ундай эмас экан. Доктор Сузукининг кузатишича, 5 ойли чақалоқ Вивалди концертини бошқа мусиқадан ажратар экан. Масару Ибуканинг ёзишича, ёш ота ва она унга мурожаат қилишган. Улар Европа мумтоз мусиқасини ёқтиришаркан. Янги туғилган чақалоқларига ҳар куни Бахнинг 2-сюитасини қўйиб беришган. 3 ойдан кейин гўдак куй оҳангида ҳаракат қила бошлаган. Куй авжга чиққанда унинг ҳаракатлари янада жонланган. Куй тугаганда норозилигини ифода қилиб овоз чиқарган. Гўдак нимадандир норози бўлиб инжиқданганида ёки йиғлаганида шу мусиқани қўйишгач, дарров овунган. Замонавий рок мусиқани қўйишганда гўдак чинқириб йиғлай бошлаган.

Гўдакнинг бундай мураккаб мумтоз мусиқага маҳлиё бўлиши ажойиб мўъжизадай туюлади. Менинг дадам мақомни соатлаб эшитишлари мумкин эди. Чунки бу мусиқа уларнинг қонига гўдакликларида сингган. Мен ва менинг тенгдошларимда ҳам шу фазилат мавжуд. Ҳозирги ёшларда эса ниҳоятда кам. Ҳатто ёш кўшиқчилар ҳам мақомни чуқурроқ тушунмай, ҳиссиз айтадиган бўлиб қолишган. Чунки улар бу оҳанглар билан чақалоқликларида эмас, улғайганларида танишишган.

Ҳозир чақалоқларнинг ҳовузда чўмилишларини телевизорда кўрсам, ўзимнинг сузишни билмаслигимдан уялиб кетаман. Юқорида айтганимдай, биз чақалоғимизни ҳовуз эмас, ваннадаги сувда чўмилтиришдан ҳам кўрқамиз. Чақалоқнинг нималарга қодир эканлигини яхши билмаганимиз учун ҳам кўрқамиз. Чақалоқни мустақил сузишга ўргатиш осмондан олинган гап эмас, аниқ тажрибаларга асосланган илмий изланишнинг натижаси. Белгияда Бенесейл исмли киши чақалоқлар учун махсус сузиш мактаби очган. Юраги дадил ота-оналар бир ойлик чақалоқларини ҳам унга ишониб топширганлар. Натижада уч ойли чақалоқ сувда чалқанчасига суза бошлаган, 9 ойли бўлганда сувда тўғри нафас олишни ўрганган. Спортчи аёлларнинг халқаро конференцияси раиси Ризе Дим ҳам бу соҳада ҳайратланарли натижаларга эришган. У 1 ёшгача бўлган гўдакларни ҳарорати 32 даража бўлган ҳовузда сузишга ўргатган. Биринчи марта сувга шўнғиган 5 ойли чақалоқ уч ойдан кейин сувда ёлғиз ўзи 6 дақиқа суза олган. Кейинчалик 8 дақиқа 46 сония сузиб, ўзига хос рекорд ўрнатган. Қаранг-а, чақалоқ ерда эмаклашни ўрганишдан олдин сувда сузаяпти! Бу унинг янада кўпроқ нарсаларга қодир эканидан далолат эмасми?

Бу мисолларни келтиришимдан мақсад, ҳамонки гўдак кўп нарсаларга қодир экан, «Темирни қизигида бос», деганларидек,



яхши хулқ тарбиясини ҳам жуда эрта бошлаш керак. Гўдак олти ойлигида сузишни ўрганмаса, ўн ёшида ўрганар, уч ёшида шеър ёдламаса, 7 ёшида ёд олар. Лекин вақтида берилмаган тарбия туфайли кўп нарса йўқотилади. Таъбир жоиз бўлса, совиб қолган темирни қанчалик зўр босқон билан урманг, ишлов бера олмайсиз.

Ҳозир айрим оилаларда энага ёллаш одат тусига кирапти. Бу ҳол Европада айниқса кенг тарқалган. Ўзингизга маълум, болани яхши тарбиялай олмайдиган энагалар ҳам бор. Болага вақтида овқат бериб, иштонини янгилаб, ҳовлида сайр қилдиргани билан яхши энага бўлиб қолмайди. Бир оиланинг 5 ва 3 ёшли ўғли боғчага боради. Кичик ўғилни ҳамма яхши кўради. Каттаси кўпол ва қайсар бўлгани учун ёқтиришмайди. Ота-она тўнғичнинг хулқидаги бу ўзгаришдан хавотирланиб, руҳшуносга мурожаат қилишади. Руҳшунос боланинг туғилган онидан бошлаб кимлар билан кўришгани билан қизиқди. Аниқланишича, бола бир ёшга тўлмай, унга энага ёллашган экан. Руҳшунос ўша энагани ҳам излаб топиб, суҳбатлашди. Энага болага меҳр бера олмайдиган, кўпол сўзловчи аёл экан. Бу аёл гарчи етти ойгина энагалик қилган бўлса-да, гўдакнинг онгига салбий таъсир ўтказишга улгурган. Ҳар ҳолда она меҳри ва тарбияси билан бегонанинг меҳри ва тарбияси орасида фарқ бор. Энага ғоят меҳрибон бўлгани билан она меҳри ўрнини боса олмайди.

Ровийлар дерларки, бир шаҳарнинг мешкобчиси тақводор донишмандга арз қилибди: «Ўғлингиз ҳар куни бигиз билан мешларимни тешяпти. Сиздай улуғ одамнинг фарзандига шу иш муносибми?» Донишманд мулзам бўлиб узр сўрабди, мешларнинг ҳақини тўлабди-да, хотинини чақириб, воқеани баён қилибди. Сўнг: «Биз боламизга бундай тарбия бермаган эдик. Луқмасига ҳаром аралашиб қолмадимми экан?» деб сўрабди. Хотини пича ўйлагач: «Эй хошам, сиз нима топиб келган бўлсангиз, биз ўшанигина еймиз. Биздан гумонингиз ноўриндир», дебди. Донишманд эса: «Мен уйга ҳаром луқма келтирганимни эслай олмаяпман. Тонгга қадар яна ўйлайлик», дебди. Тонгда хотини айбдор одамнинг синиқ овози билан дебди: «Эй муҳтарам хошам, бир воқеани бехос ёдладим: шу болага ҳомиладор эканимда меҳмонга бориб эдим. Дастурхон ноз-неъматга тўла эди. Ундаги пўртаҳўл (апельсин) иштаҳамни қитиқлаб, нафсимни ўзимга ҳукмрон қилиб қўйди. Эшитиб эдимки, ҳомиладорлик чоғида аёл егиси келган нарсдан татиб кўра олмаса, боласи ногирон бўлиб туғилмоғи мумкин экан. Мезбон нечундир «олинг, енг» демади. Нафсим эса тинчимасди. Оқибат, мезбон чиқиб кетгач, пўртаҳўлни қўлимга олиб, тўғнағич игнаси билан аста тешдим-да, бир томчи шарбатини симирдим. Сўраб олинмагани учун балки шу луқма ҳаром бўлгандир?» Хотинининг иқрорини эшитган тақводор донишманд: «Ҳа, баракалла. Англаб етибсиз. Сиз ўн йил аввал ризоликсиз қўлга олган кичкина пўртаҳўл бугун катта мешга, тўғнағичингизнинг кичкина игнаси эса энди ўғлингиз қўлидаги бигизга айланибди. Тезда ўша хонадонга

боринг-у, воқеани баён қилиб, ўша бир томчи шарбат учун розилик олинг», деган экан.


Ҳали туғилмаган боланинг тарбияси ҳақида гапирилганда, истаймизми-истамаймизми, нафс ва луқмаи ҳалол ҳақида ўйлаб кўришимизга тўғри келади. Болани ҳалол йўл билан топилган нон ила таомлантирмоқнинг афзаллиги ҳақида барча замонларда, барча жамиятларда, барча динларда таъкидлаб келинган. Ҳаром йўл билан, яъни бировнинг ҳақига хиёнат қилиб, кимнидир норизо этиб топилган ноннинг оқибат ҳалокат келтирмоғидан огоҳлантиришган. Биров бу таъкидларга, бу огоҳлантиришларга қулоқ тутган. Луқманинг ҳалоллигига қатъий риоя қилган. Бир эмас, ярим коса таом билан кифояланган, йилда уч-тўрт эмас, икки-уч йилда бир янги кийим кийган, сабрни ҳар нарсадан устун қўйган ва бунинг эвазига икки дунё саодатини топган. Бошқа бировлар эса бу таъкид, бу огоҳлантиришларни назар-писанд қилмаган. Оқибатда ҳам жисмоний, ҳам руҳий азоблар билан тақдирланган.

Бир ривоятни ҳадис тариқасида айтиб беришган эди. Уламолардан бу ҳадиснинг саҳиҳлиги ҳақида сўраганимда «Бундай ҳадисни эшитмаганмиз, аммо инсоннинг тарбияси учун фойдали ҳикоя экан», дейишган эди. Ҳали туғилмаган болани ҳалол луқма билан таъминлаш ҳақидаги фикримни шу ривоят билан қувватлантиришни лозим топдим. Ҳадис саҳиҳ бўлмагани сабабли ибратли ҳикоя тарзида баён қиламан.

Бир бола Пири комилга салом берган экан, у зот алик олиб, «Ҳа, ҳароми, сенмисан», деб қўйибди. Бу гапдан боланинг кўнгли оғриб, уйига йиғлаб борибди. Боланинг отаси воқеадан огоҳ бўлгач, ажабланиб, муршидга учраб дебдики: «Пирим, мени хотинимга ўзингиз никоҳлаб қўйган эдингиз. Бизнинг фарзандимиз нечун ҳароми бўлсин?» Муршид муриднинг норизолигига жавобан айтибдики: «Никоҳлаб қўйганим рост. Аммо фалон йилнинг фалон куни сен кўчадан ўтатуриб, катта бир ўтинни кўрдинг-у, уни уйингга олиб келдинг. Хотининг шу ўтинни ёқиб, таом пиширди. Икковинг шу таомни едиларинг ва қўшилдиларинг. Бунинг оқибатида шу боланг туғилди. Ўйлаб кўр-чи, ўша ўтинни сен ҳалол йўл билан топиб, уйингга келтирганмидинг?»

Ҳаётда инсон баъзан ҳалол (поқ) ва ҳаром (нопоқ)ни ажратиб турувчи икки айри йўлга тўғри келиб қолади. Улардан қайси бирини танлаш унинг ақлига, ирода кучига, виждон амрига боғлиқ бўлади. «Ҳалоллик билан қилинмаган иш яхши бўлмас, ип калаваси ҳасса бўлмас», деганлар. Ҳалол ва ҳаромга дуч келганда баъзан катта ёшдаги одамлар ҳам довдираб қолар эканлар, болалар ва ўсмирлар нима қилсин?

Дейдиларки, «Қуш уясида кўрганини қилади». Изоҳ беришим мумкинки, қуш ҳали уясида кўрмасиданоқ нималар қилишни билади. Инсон боласига келсак, айтадиларки, бола уйда намоз ўқиётган ота-онасини кўрса, у ҳам шунга эргашади. Чекаётган ёки ичаётган ота-онани кўриб, уларга тақдир қилиши, улар-



нинг қилиғини қайтаради. Болаларнинг «меҳмон-меҳмон» ўйинини кузатсангиз, бунга гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бола ниҳоятда синчков, кузатувчан бўлади. Сиз билан биз эътибор қилмаган ҳаракатни дарров ўзлаштиради, сиз билан биз эътиборсиз айтиб юборган сўзни қулоғига дарров қўйиб олади. Лекин намозхоннинг боласи ҳамиша ҳам намозхон бўлавермайди, баъзи ароқхўрларнинг болалари эса ароқхўрликни касб қилишмайди. Бунга нима деймиз? Кўп ҳолларда зийрак болалар ароқхўрликнинг халокатли оқибатини ёш эканликларидаёқ тушуниб етишади. Оталарининг ёки оналарининг бу шармандали ҳолларидан уялишади. Ароқхўрликка қарши қалбларида нафрат уйғонади ва улар шу нафрат билан улғайиб, бу иллатдан узоқлашадилар. Энди намозхоннинг бенамоз фарзандлари ҳақида сўзлай: Уламолардан биридан «Илмли, ҳатто қори одамларнинг фарзандлари нима учун эътиқодсиз чиқиб қолишади?» деб сўраганимда, у жаноблари: «Ўша илмилар томоқларидан ўтаётган таомнинг ҳалол ёки ҳаромлигига безътибор бўлганлар. Бу демак, илмларига амал қилмаганлар. Бунинг мукофотини эса фарзандлари орқали олдилар», деб жавоб қайтардилар. Камина бу жавобдан қаноатландим. Сизга ҳам бу хулоса маъқул тушар, деган ўйда диққатингизни бу ривоятга тортаман.

Ҳазрати шайх Аҳмад Ҳарб уйларига Нишопурнинг улуғлари келдилар. Шайхнинг бир ўғиллари бор эди. Сархуш бўлиб келиб, баланд овоз бериб, эшикдан кирди. Отасидан ва бу улуғлардан уялмади. Улуғларнинг ранглари ўзгарди. Шайх Аҳмад:

– Нечун малул бўлдингиз? – деб сўрадилар.

– Ўғлингиз учун, – деб жавоб қилди меҳмонлар.

– Ул маъзурдур. Сабаби будирки, бир кеча қўшнидан таом келди, едик. Онаси билан суҳбат қилдик. Ўша кеча бу ўғлон она раҳмига тушди. Кейин мени шундоқ уйқу босдики, вазифам фавт бўлди. Тонг отганида сўраб билсак, бу таом бошқаларни талаб, зўрлик билан олинган ош экан. Бизга шундан берган эканлар...

Тушунган одам учун бу ривоятда улуғ ҳикмат бор: ҳалол луқма шайхнинг ихтиёридан нарида эди, яъни у зот билмаган эдилар. Шунга қарамасдан, орадан йиллар ўтиб, ўғилнинг хулқида ўзининг хунук кўринишини берди. Бугун фарзандлардан нолиб қўядиган айрим биродарларимиз шу масалада ҳам бир ўйлаб кўрсалар чакки бўлмас.

Иккинчи ривоят: Ҳазрати Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) суюкли саҳобаларидан бўлмиш Абу Дардо (р.а.) барча намозларини Масжиди набавияда, Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ортларида туриб ўқишга ҳаракат қилардилар. Шунинг учун масжидга эрта келиб, кеч қайтардилар. Расули акрамнинг (с.а.в.) намоздан кейинги суҳбатларини диққат билан тинглардилар. Бироқ хурмо териш мавсуми бошланганида Абу Дардо намозга кечроқ келиб, эртароқ кетадиган бўлдилар. Бу ҳол Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) диққатларини тортди. Абу Дардони ёнларига чақириб сўрадилар:

– Сенинг масжидга келиб-кетишингда бир ўзгариш кўряпман, нима бўлди?

Абу Дардо шундай жавоб қилдилар:

– Шу кунларда қўшнимизнинг хурмо дарахти меваларини тўка бошлади. Хурмолар бизнинг ҳовлига ҳам тушяпти. Болаларим қўшнимдан бесўроқ еб қўйишмасин, деган хавотирдаман. Бомдодга келишдан олдин тўкилган хурмоларни тўплаб, қўшнимнинг боғига ўтказиб қўяман. Шу сабаб масжидга кеч келяпман. Мен масжиддалигимда ҳам дарахтлардан хурмо тўкилади. Уларни йиғиб, қўшнимникига қўйиш учун шошиламан. Шундай қилсам, болаларим ҳаром емайди, қўшнимга ҳам зарар етмайди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) Абу Дардонинг бу сўзларидан мамнун бўлдилар ва унинг ҳаққига дуо қилдилар.

*Кўнгли Ҳақ файзига бўлсун десанг чок,  
Ки, аввал мартаба халқингни қил пок.*

Сўфий Оллоҳёр демоқчиларки, агар кўнглингни Аллоҳ таолонинг илҳоми кириши учун очиқ қилай десанг, унинг биринчи шарти томоғингни буткул ҳаромдан пок қилмоғинг кераклигидир. Чунончи:

*Ема зарра ҳаром огушта нондин,  
Бўлулур чоҳи нажас бир қатра қондин.*

Дейилмоқчики, бўғизни пок қилмоқлик аввал бошда ҳаром аралашган неъматларни емаслик билан бўлади. Агар еган неъматингда бир заррача ҳаром бўлса-да, ул таомни емаслик керак. Чунки қудуққа бир томчи қон ёки хамр (ароқ) тушса, нажас қилар. Шунга ўхшаб, кўп ибодатдан ҳосил қилган савобинг бир оз ҳаром қатишган неъматдан ейиш билан йўққа чиқар. Уламолар айтурларки, биров ҳаром луқма билан тоату ибодат қилса, гарчи кечалари уйғоқ туриб, кундузлари рўза тутса-да, қабул бўлмас. Агар биров Аллоҳ таолодан қўрқиб, шубҳали нарсалардан сақланса, юз карра Каъбага бориб Ҳаж қилганликнинг савобини топар экан. «Танбеҳул ғофилун»да зикр этилган ҳадисда айтилишича, агар бир кишининг кияр кийимига ҳаром аралашган бўлса, ўша тўнда ўқилган намоз қабул бўлмас экан.

*Агар ош манҳий бўлса, кўз юмиб ош,  
Ва гар на, тонгла қорнингдин чиқар тош.*

Дейилмоқчики, агар емоқчи бўлганинг бир неъматда ҳаром нарсалар бўлса, кўзингни юмиб ундан ўт, унга қарама, уни ейишга майл қилма. Агар шундай қилмасанг, Қиёматда қорнингдан тош чиқар. Яъни, турли азобларга гирифтор бўлурсан.

*Эрур хардалча манҳий захри қотил,  
Қилур бир қатраси хум сувни ботил.*

Дейилмоқчики, агар ҳаром нарса қалампир уруғичалик кичик ва кам бўлса-да, уни ўлдиргувчи оғу деб билгил. Яъни, оз ҳаром кўп ибодатларнинг савобини бузар. Шунга ўхшаш бир томчи май бир хум сувни нажасу ботил қилади.

«Болани тоза Ислом фитратида ўстириш учун илк тадбир уни ҳалол луқма билан таомлантиришдир» – Абу Ҳомид Ғаззолийнинг мазкур ҳикматларига амал қилган ота-онанинг келажаги шарафли бўлади.

Тиббий жиҳатдан, аниқроғи, ирсият қонунлари доирасида кузатадиган бўлсак, ота-оналарда мавжуд хафақонлик, сил, қанд каби хасталиклар орадан йиллар ўтиб фарзандда бош кўтаради. Ота-онанинг ташқи кўринишлари, овози, ҳатто юриш йўсини ҳам фарзандга кўчади. Шундай экан, феъл-атвори ҳам ўтиши маълум. Айни шу ўринда баҳсли мулоҳаза уйғониши мумкин: демак, ўғрининг боласи ўғри, тўғрининг боласи тўғри бўларкан-да? Фарзанд ота-онасининг ёмон иллатларидан қутула олмас экан-да? Мен бу даъвони инкор этувчилар қаторидаман ва аввалроқ баён этган фикримда собит қоламан. Ҳиндларнинг «Дайди» деган бир фильми бўларди. Раж Капурни илк марта танитган бу фильмни ўтган асрнинг эллигинчи йилларида одамлар йиғлаб-йиғлаб томоша қилишарди. Фильмда муҳим ижтимоий масалалар кун тартибига қўйилган эди. Жага исми ўғри судьянинг: «Ўғрининг боласи ўғри бўлади», деган шиорини йўққа чиқариш учун унинг ўғлини ўғри қилиб тарбиялайди. Унинг мақсади ва ҳаракатлари замирида «Болани атрофидаги муҳит ўғри қилиб тарбиялайди», деган ҳаётий ҳақиқат ётади.

Шоирлар ҳаётни гулшанга қиёслашади. Чиндан ҳам жиноятлардан холи ҳаёт беқиёс даражада гўзалдир. Аммо афсус шуки, бу гулшан орасида тиканаклар ҳам мавжуд. Диёнат олами билан ёнма-ён шайтанат олами ҳам яшайди. Улар орасида мустаҳкам девор йўқ. Адашган банда, айниқса ёш авлод шайтонлар етовидаги оламга ўтиб қолиши мумкин. Бу оламнинг фақат битта йўлаги бор. Бу йўлак ҳар қандай одамни хорлик даштидаги ўлим чангалига олиб боради.

Юсуф Товаслий ҳазратлари бир ривоят айтадилар:

Халифа ҳазрат Умар яқинлари билан суҳбат қуриб ўтирганларида, бир кекса одам хонага ўғлини бошлаб кириб, шикоятини баён қилибди:

– Эй Амрал мўминин! Кўриб турганингиз бу йигит каминанинг ўғлидир. Аммо у фарзандлик бурчидан бўйин товлайди, сўзларимга қулоқ осмайди.

Бу шикоятни эшитиб, ажабланган ҳазрат Умар нобоп ўғилга хитоб қилибдилар:

– Эй ўғил, сен Аллоҳдан қўрқмайсанми! Ўғилнинг отага қарши чиқмоғини қайдан ўргандинг? Отангнинг сендан ҳақлари бор, уларни қандай узмоқчисан?

Йигит бир оз мулзам бўлгани ҳолда аста жавоб қайтарибди:

– Менга бағоят тўғри танбеҳ бердингиз, эй Амрал мўминин. Отанинг ўғилга бўлган ҳақлари бениҳоядир. Аммо фарзанднинг ҳам ота-онада ҳақлари борми? Отанинг ўғил олдида бурчлари йўқми?

Ўғилнинг итоат ҳудудида туриб, донолик билан берган саволи ҳазрат Умарни таъсирлантириб, у зот батафсил жавоб қайтарибдилар:

– Шубҳасизки, отанинг бурчлари мавжуд. Бу бурчларнинг айрим-ларига ҳали бола туғилмасидан аввал риоя этмоққа мажбур. Хусусан, уйланиш вақти келганида номусли аёлни никоҳига олиши керак, токи бола туғилгач, онасининг ўтмишидан уялмасин. Фарзанд туғилгач, унга яхши исм қўйиши жоиз, токи бола ўзининг исмини эшитганида изза чекмасин. Болага яхши тарбия бериши, хусусан, ақли етганича динни ўргатмоғи шарт, токи фарзанд болалик чоғиданоқ тўғри яшамоқликнинг сирларидан хабардор бўлсин, ҳаётнинг тиканли сўқмоқларида қоқилиб, азият чекмасин. Сўнг эса уйланиш ёшига етганида, бесабаб пайсалга солмай, ақлли, ифбатли, бокира қизга уйлантириши зарур. Бунинг акси бўлса, фарзандига ёмонлик қилган бўлади. Чунки ота-онанинг ёмон феъли болага ҳам ўтади. Шунинг учун номус аҳлидан бирини топиш ота-она бурчидир.

Ҳазрат Умарнинг жавобини эшитган йигит сўзламоққа изн сўраб дебдики:

– Айни ҳикматларни сўзладингиз, эй мўминларнинг амири. Аммо ҳақиқат шуки, сиз баён этганларнинг ҳеч бирини отам адо этмаганлар. Бу бурчларини бажармаганлар. Онам бўлмиш аёлни қул бозоридан сотиб олиб, феъл-атворларини, насл-насабларини билмаганлар. Сиз чиройли исм қўймакликни таъкид этдингиз. Отам эса «Жуал», (яъни саҳронинг қора қўнғизи) деб исм қўйганлар. Тарбия бермакни, динни ўргатмакликни буткул унутганлар. Ёшим анчага борди, бироқ уйлантириш ҳақида ўйламайдилар.

Йигитнинг сўзларидан таъсирланган ҳазрат Умар шундай дебдилар:

– Эй одам! Сен ўзингни «отаман» деб даъво қиляпсан. Яна «Ўғлим менга исён қилади, гапларимга қулоқ солмайди, менга азоб беради», деб нолияпсан. Аслида эса сен ўғлингга исён этгансан. Сен ўғлингга ёмонликларни раво кўрибсан. Унга сен ўзинг жафо қилибсан. Хатони сен қилгансан. Энди мен сенга нимани раво кўришим мумкин? Энди сенга мен қандай ёрдам берай? Энди ҳарна бўлса ҳам чидайсан – бошга тушганни кўз кўрар. Сен ўзингга ўзинг ёмонликни раво кўрибсан, бошқалардан айб қидирма...

Ривоятдан маълум бўляптики, биз излаётган жиноят йўлига бурилиш нуқтасини фақат онанинг ҳомиладорлик вақтидан эмас, балки ундан анча илгарироқдан изласак ҳам бўлар экан. Шарафли ҳадисларнинг бирида зикр этилишича, бола пок равишда туғилади. Оқибатда мўмин ёки кофир бўлмоқлиги эса ота-онанинг тарбиясига боғлиқ. Мазкур мазмунни суҳбатимиз мавзусига кўчирсак, боланинг тўғри ёки жиноят йўлини танлаши ота-онанинг хатти-ҳаракати билан белгиланади, дейиш мумкин. Айбдорларни мактабдан ёки милициядан қидирмоғимизда эса маъно йўқлигини инкор этмасак ҳам бўлар. Зотан, маълум нуқталарда уларнинг хатоси туфайли ҳам асосий бурилиш нуқтаси содир бўлмоғи мумкин.

Уч-тўрт ёшли гўдак қўшнисиникидан тухум олиб чиқиб, онасига беради. У бу қилмишининг ўғирлик эканини билмайди. Тухум кўзига чиройли кўрингани учунгина олган. Ҳаром ва ҳалолнинг фарқига бориши лозим бўлган, аммо бунга амал қилмайдиган жоҳил она эса боласини қайтариш ўрнига тухумни унинг қўлидан олиб:

– Менинг ақлли болагинам, онасига меҳрибонгинам, – деб алқайди.

Бола эса қўшнисиникидан тухум (**ўғирлаб**) олиб чиқишни одат тусига киритади. Чунки онасининг мақтовларидан бу ишни хайрли деб билади. Оқибатда бола улғайгани сайин ўғирлик миқдори ҳам орта боради. Тухумдан товукқа, товукдан қўйга... Ниҳоят, у ашаддий жиноятчига айланади-ю, қўлга тушиб ўлимга ҳукм қилинади. Она эса ёлғиз ўғлига шафқат қилишларини сўраб ёлборади. Онанинг илтижолари эътиборсиз қолдирилиб, ўғри йигит дор остига келтирилади. Унга: «Сўнгги тилагингни айт, бажарайлик», дейдилар. Йигит: «Ўлимим олдида онажонимнинг тилларидан бир ўпай», деб илтимос қилади. Онани яқин келтирадилар. Йигит онасининг тилини ўпиш ўрнига тишлаб узиб ташлайди. Оломон: «Бу қаттол бунча бемеҳр экан», деб уни лаънатлаганда, йигит: «Мени жиноят йўлига буриб, дор остига олиб келган шу тилдир. Аввал у жазо олмоғи керак эди», деган экан.

Ҳазрат Умар даврларидан ҳикоя қилувчи ривоятни эслаш баҳонасида 1400 йил аввал фарзандлар қандай ҳуқуқларга эга экани билан танишдик. Хўш, бугун-чи, улар қандай ҳуқуқларга эгалар, биламизми? Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида» қонунидан хабардормисиз? Кўпчилик бе-хабардир, деган фикрда бўлганим учун қонуннинг айрим бандлар тарбия соҳасидаги ишларингизда асқотар деган ниятда баён қилай:

– Ўзбекистонда болани Ўзбекистон халқининг тарихий ва миллий анъаналари, маънавий қадриятлари ҳамда жаҳон маданияти ютуқлари билан таништириш; унинг шахсини, илмий техникавий ва бадиий ижодкорлигини ривожлантириш; улар ташаббусларини қўллаб-қувватлаш **бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг** асосий йўналишларидир;

– оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек, ҳар қандай суд муҳокамаси ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақлидир;

– ҳар бир бола ўзининг соғлиғи, ахлоқий ва маънавий камол топишига зиён етказмайдиган ахборотни олиш ҳуқуқига эга;

– ҳар бир бола ҳар қандай ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга, **қонунда назарда тутилган чеклашлар бундан мустасно**;

– порнография, шафқатсизлик ва зўравонликни намойиш этувчи, инсон қадр-қимматини таҳқирловчи, болаларга зарарли таъсир кўрсатувчи ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишига сабаб бўлувчи оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш, адабиётларни тарқатиш ҳамда фильмларни намойиш этиш тақиқланади;

- бола қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк ҳуқуқига эга бўлиши мумкин;
  - боланинг шахсий фойдаланишида бўлган, бола томонидан ҳада, мерос тариқасида олинган, шахсий меҳнати эвазига ёки бошқа қонуний усулда олинган буюмлар, мол-мулк унинг хусусий мулкидир;
  - ҳар бир бола ўзининг ёши, соғлиғининг ҳолати ва касбий тайёргарлигига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меҳнат қилиш, фаолият турини ёки касбни эркин танлаш, **адолатли меҳнат шароитларида** ишлаш ҳуқуқига эга;
  - ишга қабул қилишга **ўн олти ёшдан** йўл қўйилади. Ўн беш ёшга тўлган шахслар ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилиниши мумкин;
  - болаларни меҳнатга тайёрлаш учун умумтаълим мактаблари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларининг ўқувчиларини уларнинг соғлиғига ва ривожланишига зиён етказмайдиган, таълим олиш жараёнини бузмайдиган енгил ишни ўқишдан бўш вақтларида бажариш учун – улар ўн тўрт ёшга тўлганларидан кейин ота-онасидан бирининг ёки ота-онасининг ўрнини босувчи шахслардан бирининг ёзма розилиги билан ишга қабул қилишга йўл қўйилади;
  - давлат ўн саккиз ёшга тўлмаган ишловчи шахсларга ишни таълим билан қўшиб олиб бориши учун зарур шароитларни яратиб бериш ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа чораларни қўриш орқали боланинг меҳнат қилиш ҳуқуқи таъминланишини кафолатлайди;
  - ижтимоий ҳимояга муҳтож болалар жамият ҳаётида иштирок этишда бошқа болалар билан тенг ҳуқуқларга эгадир;
  - таълим, тиббиёт ва маданий-маърифий муассасалар ногирон болалар ҳамда жисмоний ва (ёки) руҳий ривожланишида нуқсонлари бўлган болаларнинг эркин ҳаракатланишлари учун мослаштирилган бўлиши керак;
  - давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни реабилитация қилиш тизимини шакллантириш ва ривожлантиришни ташкил этади ҳамда бунга кўмаклашади;
  - ногиронлик белгиланган кундан бошлаб бола тегишли давлат органлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган яқка тартибдаги реабилитация дастуридан фойдаланиш ҳуқуқига эга...
- Қонун билан танишгандан сўнг ҳар биримиз ўзимизга савол берайлик: болаларимиз ўз ҳуқуқларидан тўла ва эркин равишда фойдалана олишяптими?



ШАЙТОННИНГ МАСЖИДИ

Энди бозорда ўғирлик молни сотгани учун жазоланган йигитнинг отасини эслайлик: унинг тили фарзандига: «Болам, сен ҳали ёшсан, бозорга интилаверма. Бозор шайтоннинг масжиди экан, унда ҳар турли найранглар борки, яхши-ёмонни ажратишга ҳали сенинг мурғак ақлинг заифлик қилади. Биров сенга молини арзонроққа сотишга интилса билки, у мол гумонлидир. Кўпроқ фойда олиш ҳисси кўзларингни кўр қилиб қўймасин...» деганмикин? Демагандир... Бу каби танбеҳларни ким бериши керак эди? Ота айблаётган милициями ёки маҳкама идорасими ёки мактабми? Йигит белгиланган жазо муддатини ўтаб чиққанидан кейин, шубҳасиз, бўлиб ўтган воқеа оилада муҳокама қилинади. Ажаб, улар қандай хулосага келишар экан? Ота ёки она: «Болам, энди бозорга йўлама, бу сен қиладиган иш эмас экан», дейишармикин? Менимча, улар тўғри хулоса чиқара олмасалар керак. Аксинча, қамоқдан қутқариб қолишга ёки бошқа ишларга сарфланган харажатларни чиқариб олишни ўйлашар. Ана шунда ҳаёт йўлидаги иккинчи бурилиш нуқтаси бошланмаса эди... Кўр ҳассасини бир марта йўқотади, дейишади. Басир кўзлар эса кетма-кет йўқотаверадилар, афсусли ери шунда...

Кейинги йилларда болалар, ўсмирлар ва айниқса ёшларнинг бозорга интилишлари кучайди. Бу интилишга сабаб: енгил йўл билан бойлик орттириш. Уларнинг назарларида бозор тиллага тўла ажабтовур бир кўлки, челақ ташласанг бас, истаганча олаверасан. Авваллари болаларнинг бозорда савдо қилишларига йўл қўйилмас эди. Ҳозир бундай тўсиқ йўқ. Аслида эса бўлиш керак. Боланинг йўлини куч билан эмас, ақл билан тўсиш лозим. Унга бозорнинг талабини, сотувчининг бурчини англатиш, тарозидан урмасликни, харидорни алдамасликни, ҳаромдан қандай сақланишни ўргатиш керак. Бозорда енгил йўл билан бойиш мумкин эмас, бундай йўл билан каттами-кичикми бир балага дуч келиш аниқ. Чунки енгил йўлни кўзлаган одам ҳаромдан қайтмайдиган бўлади.

Пайғамбар алайҳиссалом «Ким бизни алдаса, биздан эмас», деганлар. Ул муҳтарам зот бозорни кузатганлар. Бир марта савдогарнинг қопда турган молига муборак қўлларини ботириб, аралаштириб кўрдилар. Қарасалар, усти қуруқ, таги ҳўл. Молнинг таги ёмон, усти эса чиройли. Шунда: «Бундай қилма!» дедилар.

Савдонинг, тарозининг, ўлчовнинг ҳалол бўлишига оид оятларгина эмас, ҳатто сура ҳам бор. «Мутаффифун» (бировларнинг ҳақидан уриб қолувчилар) деб номланган сура кофирларга хос ёмон хулқлардан бири – ўлчовда бировнинг ҳақидан уриб қолиш зикри билан бошланади. Сўнгра фожирлар, уларнинг ахлоқлари, Аллоҳ таоло уларнинг қалбларини муҳрлаб қўйганлиги ҳақида сўз юритилади. Шу билан бирга аброр-мўминлар сифати ҳақида ҳам

баён қилинади. Оятлар маъносининг таржимаси бу тарзда баён этилган: «Ўлчов ва тарозидан уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлмай (Сураи каримадаги «вайл» сўзи икки хил маъно англатади: биринчиси – уларнинг аҳволига вай бўлсин, иккинчиси – «вайл» дўзахнинг номларидан бири. Яъни, ўлчовдан уриб қолувчиларга «вайл дўзах» азоблари насиб бўлсин, деган маънони ҳам уқиш мумкин). Улар одамлардан бирон нарсани ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улғу бир Кунда – барча одамлар бутун оламлар Парвардигори ҳузурда тик туриб ҳисоб-китоб берадиган Қиёмат кунда қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?»

Ўтмишда азобга тортилган гуноҳ бугун жазосиз қоляптими? Бу воқеага диққат қилинг-а: уламоларимиздан бирига одамлар келишиб: «Ўлим тўшагида ётган бир беморимиз бор, дам солиб қўйинг», дейишибди. Тунги соат учда боришса, бемор беҳуш, ғоят оғир аҳволда экан. Устоз калимаи таҳвид, калимаи шаҳодатни айтиришга ҳаракат қилибдилар. Бир маҳал бемор ҳушига келиб дебди: «Нимага мени мажбур қиляпсиз? Кўрмаяпсизми, тарозининг бош қисмидаги темирини томоғимга санчиб-санчиб олмоқдалар!» Шундай дегач, жон таслим қилибди. Устоз унинг жон талвасасидаги гапидан ажабланиб, бунинг сабабини хотинидан сўрабдилар. «Бу ҳақда сўраб, ярамга туз сепманг, устоз, – дебди бева ўкинч билан. – Эрим тижоратчи эдилар. Тарозилари иккита эди. Кам кўрсатадиганини мол сотиб олаётганларида, кўп кўрсатадиганини сотаётганларида ишлатардилар». У киши бир тарозида тортган саккиз юз грамм мол иккинчисида бир кило чиқаркан. Шу тарзда халқни алдаб яшаган одамнинг аянчли ўлимидан хабар топдингиз, шундай экан, хулоса чиқариш ўзингизга ҳавола. Ҳар ҳолда ўша савдогар «Ҳалол, ишончли савдогар пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан бирга бўлади» дейилган шарафли ҳадисдан ё беҳабар бўлган ё назарига илманган. Ўзи-ку, азобли ўлим топди. Фарзандларини ҳам шу йўлда тарбия қилган бўлса, оқибатни ўзингиз тасаввур қилаверинг.

Амир Темур ҳазратлари ҳаётлари давомида, хоҳ мамлакатда бўлсин, хоҳ сафарда, ҳалол ва ҳаром масаласига алоҳида эътибор берганлар. Ул зотнинг хотираларидан бирида Бушравия шаҳридаги ибратли воқеа акс этган, танишиб кўринг-а:

«Баққол дўкони олдида бир хотун киши савдо қилиб турганига кўзум тушди. Баққол тарозуга қўлини тегузмай туруб: «Вайлул-лил мутаффифун. Аллазийна изак талу алан-носи йастафвуна», деб оят ўқуди. Мен баққолни, Қуръон ўқушни билмаса керак, деб хаёл қилур эдим. Хотун киши савдосини тугатиб жўнагандан кейин баққолнинг олдида бориб:

– Ўқиғон оятларингнинг маънисини биласанми? – деб сўрадим.

– Ҳа, биламан, – деб жавоб берди у.

– Ундоғ бўлса, «Вайлул-лил-мутаффифун»нинг маъноси нима? – деб сўрадим.

– «Сотувчиларга ҳалоклик бўлсун», деганидир.

– «Аллазийна изак талу алан-носи йастафвуна» маъноси-чи?

Баққол киши тамом истеъдоди билан жавоб берди:

– Бу оятнинг маъноси аввалгининг такмилидур, Аллоҳу таоло айтадур: «Сотувчиларга ҳалоклик бўлсунки, улар ўлчовни яхшилаб оладурлар, аммо...» – деб тўхтади. Мен ундан:

– «Аммо...» демак ила тўхташдан мақсадинг нима? – деб сўрадим. Баққол деди:

– Бу оятдан кейин яна оят бор, ҳали ўқуганим йўқ, унда мукамал маънони англатадур.

– Ўша оятни ҳам ўқуғил, – дедим. У бундай ўқуди:

– «Ва иза калу ҳум ав-вазану ҳум йуксирун». Бу оят иккинчи оятнинг такмиласидур, маъноси: «У одамларки, ўзлари бир жинс молни олганларида вазни тамомлаб тортиб олади, сотишда эса вазн ёки ўлчовда кам бериб, олғувчига зиён беради», дейдур. Бу сурадаги уч оятни ўқувчи кишилар бир-бирига муттасил ўқишлари керак, токи ўқуғувчи ва эшитгувчилар унинг маъносини яхши идрок қилгайлар.

– Эй яхши киши, менинг ёшлигимдаги устозларим ҳам сен каби Қуръонни яхши тафсир қилолмас эдилар. Сен бу мавқеъда нима учун бу оятни ўқийсан?

– Эй амирлар амири, мен ҳар вақт қўлумга тарози олсам, Аллоҳу таолони ҳозир у нозир билиб, Аллоҳнинг махлуқларига нуқсон бериб қўймайин, деб бу оятни такрорлаб турадурман, – деди.

«Мутаффифун» сурасидаги ояти кариманинг ўзбекча маъноси билан юқорида танишган эдик. Амир Темур ҳазратларининг баёнидаги воқеа бандаларнинг мазкур сурадаги вазифаларга қандай зийраклик ва виждон ила амал қилганларига аниқ мисолдир. Болаларга бозор илмига доир дарс берилар бўлса, бу каби хикматларни албатта ёдлатиш керак.

Атрофга қарайлик, кимнингдир боласи ўғирлик қилиб қамалган. Кимнингдир боласи жиноят қилиб қўйиб қочиб юрибди. Яна кимнингдир қизи фақш кўчасига кириб кетган... Бу қўргиликларнинг илдизи қаердан сув ичади? «Қозонингга меҳнат ҳосилидан бўлак ҳаром-хариш нарса тушмасин, билакс, уни истеъмол қилган фарзандларинг сенга бемеҳр, бемурувват бўладилар», деган оддий ҳақиқатни билмайдиганлар кўпми орамизда? Ҳазрати Умар «Биз ҳаром иш қилишдан кўрқиб, ўнта ҳалолдан тўққизтасини тарк этардик», деганлар. Ҳалолга ҳаром аралашаверса, бировнинг ҳақидан кўрқув ҳисси танамизни бир марта ҳам жимирлатиб қўймаса, энг ёмони – бу тирикчилик воситасига айланиб улгурган бўлса, биз қандай одам бўлдик?! Фарзандларимиз эртага қай аҳволда бўладилар?

«Ўлчаган чоғингизда тўлиқ ўлчанг ва тўғри тарози ила тортинг. Ана ўша яхшидир ва **оқибати гўзалдир**» (Исро сурасидан). Бу қалб поклигининг аломатидир, ўзаро ишончга боғлиқ нарсадир, хайр-барака омилидир. «Ўлчовни тўла ўлчанглар ва камайтириб тортувчилардан бўлманглар ва тўғри тарози билан тортинглар. Одамлар-

га нарсаларини камайтириб берманглар ва ер юзида бузгунчилик қилиб, санқиб юрманглар» (*Шуаро сурасидан*). Тафсир: Хижоз билан Фаластин ўртасида Ақаба кўрфазида яшовчи Мадян халқига Аллоҳ таоло Шуайб алайҳиссаломни пайғамбар этиб юборган. Мадянликлар ичида ўлчовда алдаб, бировнинг ҳақини уриб қолиш авжида экан. Уларнинг диёри савдо карвонлари ўтадиган асосий марказ бўлиб, у ерда савдо ривожланган. Бу қавм фақат тарозида эмас, бошқа соҳаларда ҳам бировнинг ҳақини уриб қолишга уста экан. Шуайб алайҳиссалом уларни инсофга чақирганларида улар ул зотни ёлғончига чиқардилар. Шунда Аллоҳ таоло уларни азобга тортди. Ўлкани ғоят иситиб юборди. Нафас олиб бўлмайдиган даражага етганда осмонда булут кўриниб, ҳамма унинг соясида ором топмоқ истагида тўпланди. Шунда булутдан чақмоқ чақиб, ўт-олов чиқиб, барчаларини куйдириб юборди.

Бу ўтмиш ибрати. Бутун шакл ўзгача бўлгани билан, мазмун-моҳият бир хил. Бўёқчи усталар ишлатилган идишларни пачоқлаб ташладилар. «Нега пачоқладингиз, бирон нимага, масалан, гултувак ўрнида ишлатса булар эди-ку?» деган саволга жавоб бердилар: «Бу идишлар бозордаги ноинсофлар қўлига тушса, ичига сифатсиз ва арзон бўёқ солиб, хорижники, деб қимматга сотишади». Усталарга раҳмат айтиб, ноинсофларга инсоф тилаймиз! Афсуски, бундай кўзбўямачилик бошқа соҳаларда ҳам кўп учрапти. Маҳсулотнинг идиши хорижники, кийимнинг ёрлиғи машҳур фирмаларники, аслида эса сифатсиз бир матоҳ. Бўёқ ёки кийимга чидармиз, лекин дори-дармон, озиқ-овқат соҳасидаги бу ярамасликлардан у ноинсофлар нечун кўрқмайдилар? Энг ёмони шуки, бу ҳаромхўрлик фарзандлари кўз олдида қилинади. Ҳаромдан топилган пулларни дабдабали тўйларга сарфлаб, эл орасида обрў топмоқчи бўладилар. Шундай шароитда улғайган одамни келажакда нима кутади? Тўғри, буларнинг барчаси қамоққа тушмайди. Лекин қиёматдаги ҳукмдан қутулиш чорасини топа олармикинлар? Ҳаётда учраб турадиган кўпдан-кўп бахтсизликларнинг илдизи шундаки, ёшлиқданоқ болани ўз хоҳишларини тизгинлашга, бу ишни қилиш мумкин, бунисини албатта қилиш керак, буни қилиш эса мумкин эмас, деган тушунчаларга тўғри ёндашишга ўргатилмайди.

«Ҳаром» сўзининг луғавий маъноси – тақиқлашдир яъни, қилиши, фойдаланиши, истеъмол этилиши шаръан ман этилган нарсадир. Ҳеч нимадан сақланмасдан тановул қилишни «ҳаром-хариш емоқлик» дейилади яъни, «ҳаром-хариш» (хариш – қаттиқ, қўпол) ўта ҳаромликни англатади. «Ҳаромзода» – ҳаромдан туғилган, оқпадар бўлган кимса. «Ҳароми» – кимсанинг молига, ҳаром нарсага қўл узатувчи одам, ўғри, йўлтўсар, ғоратгар, безори ҳам шундай аталади. «Ҳаромнамаклик» эса ношукурликни билдиради. «Ҳалол» (ҳаллол) эса ечиш, яъни ҳаромни ечиб, йўлни очиш, соддароқ айтсак, ҳаромнинг акси, яъни мумкин бўлган, демақдир. Таом аслида ҳалол, аммо у ҳаром йўл билан қўлга киритилгани учун ҳам «ҳаром луқма» ҳисобланади. Аксини «луқмай ҳалол» дейишга одатланганмиз.

«Э Одам фарзанди, – дейилади қудсий ҳадисда, – билгилки, инсонга ҳалоллик қатра-қатра келур. Ҳаром эса сел каби мўл-қўл келур. Ҳар кимнинг емиши ҳалолдан бўлса, дини пок бўлур». Набий муҳтарам (с.а.в.): «Шубҳали нарсаларга яқинлашган инсон ҳаромга кириб қолиши мумкин», деганларидан қуйидагилар англашилади: 1. Ҳаромга қўл уради. 2. Ҳаромга жудаям яқин келиб қолади. Зеро, ёмон амаллар ўз эгасини куфрга етаклайди. Чунки нафс бир ёмонлик қилганидан кейин янада каттароқ ёмонлик қилишни истаб қолади. Бугун синфдошининг қаламини ўғирлаган бола эртага унинг телефонини ўғирлашни хоҳлайди. Бунинг уддасидан чиқса, кейинги ҳафтада маош олган муаллимасининг сумкасини мўлжал қилади. Кейин эса автобусда киссавурлик қилишни ўрганади. Шу тарзда ҳаром ҳаромни чақираверади. Кичик ҳаромлардан ўтиб, катталарига қўл бўлади.

Айтганларим ҳаромнинг моддий кўринишлари. Бу иллатнинг маънавий кўринишлари ҳам бор. Чақимчилик, ғийбат, ёлғончилик, ифво... ҳам ҳаромдир. Яъни, Аллоҳ томонидан тақиқлангандир. Телефон ўғриси билан ғийбатчининг орасида катта фарқ борга ўхшайди. Лекин ҳаром нуқтаи назаридан қаралса, икковига ҳам Аллоҳ катта жазо тайёрлаб қўйган. Шу боис Цицероннинг бу ҳикматига қулоқ тутган афзал: «Жиноий хоҳишлар – бадбахтликдир. Нопоклик билан қўлга киритганингдан кўра, истагингни қўлга киритмаслигинг аълороқдир».

Иккинчи жаҳон уруши даврида Москвадаги макарон корхонасидан тўрт киши уч қоп макарон ўғирлайди. Жиноятчилар қўлга олингач, қоп кўтарган ўғрилар ўлимга ҳукм қилинади, қоровулни ўлдириб, ўғри шерикларига йўл очиб берган қотил эса 15 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинади. Бир қараганда ажабланарли туюлган бу ҳукмда менимча, адолат бор. Ҳаром билан қотиллик жазоси бир даражада бўлиши мумкин эмас.

Ҳаётда кўп қийинчиликларни бошидан кечирган ва уларни енгиб ўтган инсоннинг босиб ўтган йўлига қаралса, унинг поклигига ва ички дунёси гўзаллигига ишонч ҳосил қилиш мумкин. Ҳалол ютуққа эришиш қийин бўлса-да, унинг завқи тотли, ширин бўлади. Шунинг учун ҳам яхшилар дедиларки: «Ризқингни топиш учун яхши йўлларга отлан. Фойдани ҳалол йўл билан топ. Ҳаром йўллардан фойда топиш осон бўлса ҳам, охири азобдир». Ёмонлик эшиги ҳаром фойда билан очилади, яхшилик эшиги эса ҳалол фойда билан очилади. Ҳалол ҳам, ҳаром ҳам тугайди. Боқийлик эса шуларга қараб, ё азоб бўлади, ё роҳат! Одам ҳаром-хариш воситалар билан молу дунё, ҳузур-ҳаловат топса ҳам, лекин маънавий жиҳатдан ҳалок бўлади. Ҳаромга берилган кимса ҳар одимда ҳаром еб, гуноҳ топгани каби ҳалолга интилган инсон ҳар ҳалолдан савоб топади. Ҳалол топиб, бу топганидан муҳтожга ёрдам қилса, савоби янада ортади. Фарзандлари онгига шу ҳақиқатни сингдириб тарбия қилган ота-она эртага уларнинг камолидан ҳузурланади.

Дунёни севган киши бу ҳаётни севади. Агар ҳаётдаги иймонсизлар каби елиб-югуришни, ҳаром мол тўплашни, тўс-тўполон, талон-та-

роҳ қилишни истаса, ҳуш кўрса нима бўлади? Унда кўзни ҳирс пардаси қоплайди, ҳирсга берилиб, ҳаром ишлар қилади, ҳаром молга қўл узатади, бировни шилади, ўғрилиқ қилади ва... пора олади.

Дарвоқе, пора... Юзаки қарасак, болаларнинг жиноят йўлига кириб кетиши сабабларини ўрганаётган киши учун бу чет мавзудек туюлиши мумкин. Лекин порахўрлик боланинг кўз ўнгида содир бўлса-чи? Бундан ҳам кўз юмамизми?

Шарафли ҳадисларда пора олган ҳам, пора берган ҳам дўзахий экани таъкидланган. «Пора» атамасини «рушват» шаклида ҳам учратамиз. Турклар «пул»ни «пора» дейдилар, бизнинг тушунчамиздаги «пора»ни «рушват» атайдилар. Араблар талаффузида «ришват»дир. Яъни, «роши-ришват» – пора берувчи, «мурташи-ришва» – пора оладиган киши. Поранинг тури кўп. Масалан, пора – ҳақи бўлмаган ишни бажариш учун ишнинг бошида турган раҳбарларни ҳаром йўлга, ғайриқонуний йўлга бошлаш, тўғри йўлдан кўз юмиш, ноҳақлик қилиши учун бериладиган пул ёки бошқа бирон нарса. Натижада ҳар икки томон ҳаром ишга қўл урган бўлади.

Хоҳ суд, хоҳ солиқ, хоҳ божхона, хоҳ ҳокимият маъмурияти бўлсин, хоҳ мактаб, лицей, коллеж ёки олий ўқув юрти ёки шу каби бошқа жой бўлсин, у ерда давлат томонидан ҳар бир фуқаронинг ҳақини ҳисоб-китоб қиладиган, ишчи-хизматчиларга маош берадиган ходими бўлади. Бу ходим, албатта, адолатли қонунга кўра ишлаши, ҳар бир фуқаро ҳақини кўз қорачиғидек асраши керак. Лекин пора бериб, ўз ишини бажарадиган киши: «Сен **халқ ҳақи** билан ишинг бўлмасин, лавозимингни ҳам ўйлама, мен сенга шунча пора бераман, менинг ишимни бажар. Ноҳақ бўлсам ҳам ишим битсин. Мен сени кўрмадим, сен мени кўрмадинг, тамом-вассалом!» – деб ишини бажариб кетганлар оқибатни, дўзах оловини ўйламайдиларми? Олганлар-чи?! Гугурт чўпининг олови бармоқни куйдирса, неча кун азоб чекилади, а? Жаҳаннам олови-чи?

Пора берувчи қонунни, низомни бузган, адолатли қонун мажмуасини ўз фойдасига ишлатган, ҳақсизлик қилиб ишини бажариб кетган ҳисобланади. Пора олувчи виждонини еган, ноҳақликка, адолатсизликка рози бўлган, ўз манфаатини ўйлаган, халқ ҳақига хиёнат қилган бўлади.

Мана шундай йўллар билан жамиятдаги қонунлар оёқости бўлади, ривожланиш оқсайди, ҳақлар топталади, мазлум ва бегуноҳ халқнинг ҳақи ҳимояланмайди. Золимлар халқ пулини, молини, давлат хазинасини талон-тарож қиладилар, халқ манфаатини асло ўйламайдилар. Девор дарз кетса, уй оқибат қулайди. Тўғонда игнадек тешиқ пайдо бўлса, оқибат уни сув ювиб кетади. Оламнинг таъсис этган низом-қонунлари пора туфайли бузилади, даҳшатли зарарлар юзага келади.

Билим олишга хоҳиши ҳам, лаёқати ҳам йўқ бола пора туфайли ўқишга киради. Кимнинг ўрнига? Илмга ўч боланинг ўрнига! Оқибати маълум...

Пора туфайли жиноятчига жазо бериш ўрнига лутф кўрсатилади... «Чораси борми?», «Иложи борми?»

Пора бергувчининг саволи шундай бўлади.

«Бор... озгина чиқими бор...»

Бу олувчининг жавоби. Униси «пора берайинми?» демайди, буни-си «бер» демайди. Чиройли ишоралар билан сўзлашадилар-а! Баъзилар бу олди-бердини «пора» деб атамайдилар, «ҳадя» ёки «қўл ҳақи» ёки «атаганим бор эди», «кейин хурсанд қиламан», дейдилар.

Жиноят қилиб қўлга тушган ўсмирларни, ёшларни жазодан қутқариб қолиш учун биринчи галда юқори идоралардан таниш излайдилар. Улар топилмаса ёки сўзи ўтмаса, пора ишга тушади. Пора иш бериб, ўсмир жазодан қутулиб қолди. Лекин ёмонлигидан қутулдими? Гуноҳи нима эканини англаб етдими? Эртага яна шу йўлга қайтмайдими? Отасининг пули кўп бўлса, ақлини топиб ололмайдди. Чунки бу ақли «пора билан ҳамма муаммони хаширдан қил суғургандек қилиб осон ҳал этиш мумкин», деган тушунча қора парда билан чирмаб ташлайди.

Бир олий ўқув юртидаги давлат имтиҳонида котиблик вазифасини бажарган ёш мутахассисга «Сенинг хизмат ҳақинг», деб беш юз минг сўм беришибди. Йигит: «Бу пул талабалардан олинган поралар ҳисобидан бериляпти, мен ҳаром емайман», дейишга журъат эта олмабди. Агар шундай деса, унга тазйиқ қилишарди, ишдан кетишга мажбур бўларди. «Аслида-ку, мусулмон сифатида шундай қилиши лозим эди», демоқчимисиз? Ҳа, лозим эди. Лекин... лекин барча ҳалол одамлар четга чиқиб кетаверса нима бўлади? Хуллас, ҳалол йигит виждон азобида юриб, дўстига маслаҳат солди. У пулни бир камбағал етимга беришни лозим кўрди. Шундай қилишди. Хўш, етим учун бу пул ҳалолми ё ҳаромми? Садақа ҳалол ишлаб топилган пулдан берилади, деган қоидага кўра, ҳаром. Лекин бу садақа эмас-ку? Агар етимга бу пулнинг қаердан топилгани айтилса, эҳтимол у ҳам олмасди.

Барча динларда пора ҳаром қилинган, барча жамиятларда жиноят ҳисобланади. Ажабки, порахўр на унисидан, на бунисидан чўчийди. Олаверади, тиқилиб ўлгунича олаверади. Русларнинг бир ёзувчиси айтган экан: «Пора – бир аёл кабидир, ёши ўтиброк қолган бўлса-да, жозибаси билан ўзига тортаверади». Ўша аёл кўринишидаги шайтон жозибаси билан бандани қаёққа тортади? Ҳақни эшитмаслик ва ҳаромдан ҳазар қилмаслик ўлимни ҳали узоқ деб билишдан пайдо бўлади. Пайғамбар алайҳиссалом дедилар: «Аллоҳ бир қавмга нимани ҳаром қилса, унинг орқасидан келадиган пулни ҳам ҳаром қилади».

Диний қонунлар ҳам, дунёвий қонунлар ҳам порани жиноят ҳисобласа, нима учун бу касалликка неча минг йиллардан бери даво топилмайди? Бу савол сиз учун оддийми ё мураккабми? Бугунги порахўр Худодан кўрқмаса, қамоқдан кўрқмаса?! Мен бу касалликнинг илдизини юқорида айтганим – ҳаром луқмада, сўнг бола тарбиясидаги камчиликда кўраман. Фарзандларимиз-

га поранинг ҳаромлиги, порахўрликнинг оқибати ҳасрат эканини неча мартаба айтиб тушунтирганмиз? Саволни бошқачароқ баён қилай: порахўрлиги туфайли қамоқда ўтирганлар болаликларида ота-оналаридан бу мавзуда қандай ҳикматларни эшитганлар. Порахўрлиги туфайли қамоқда ўтирган собиқ прокурорга ота-онаси: «Болам, сен адолатли бўл, одамларнинг дуосини ол, пора олма!» деб насиҳат қилишганмикин? Фарзандининг пули кўпайиб, дастлаб қимматбаҳо автомашина сотиб олганида, сўнг сароймонанд иморат қурдирганида «Бу пулларни ҳаром йўл билан топмадингми, ишқилиб?» деб хавотирланишганмикин? Энди умиди юлдузи қамоққа тушгач, ҳасратларидан не фойда? Баъзи ота-оналар фарзандларининг порахўрлигини била туриб, «Топган-тутганингга Худо барака берсин, сени Худо паноҳида асрасин, топганинг тўйларга буюрсин», деб дуолар қилишади. Ғалати ҳолат, а? Худо ҳаром қилган порага қанақасига барака бериши мумкин? Шайтон паноҳида лаззатланаётган гуноҳкор бандани қандай қилиб Аллоҳ ўз паноҳида асраши керак?

Ароқхўрнинг боласида ароққа нисбатан нафрат бўлиши мумкин, дедим. Қамоқда ўтирган порахўрнинг фарзандларида порага нисбатан нафрат уйғониши мумкинми? Уларда «Пора олмай, ҳалол яшаш керак», деган тушунча уйғонадими?

Бир одам «Мен ҳалолликка тупурдим, мен бахтли яшашни истаيمان!» дейди. Ажаб! Ҳаромлик ботқоғига ботган ҳолда бахтли бўлиш мумкинми? Эҳтимол, у одам ҳаром йўлдан оқиб келган бойликни бахт деб ўйлар? Эҳтимол, кунда-кунора ёш фоҳишалар билан айш қилиш унга бахт бўлиб туюлар? Буниси сизу бизга қоронғи. Бу одам ҳақиқий бахт саройига фақат ҳалол йўл орқали етиб бориш мумкинлигини қачон англаб етади? Буниси ҳам сизу бизга номаълум. Сиз «фарқламай ўлиб кетади», демоқчимисиз? Йўқ, умрининг сўнгги дақиқасида бўлса ҳам англайди ва афсус билан кўз юмади. Бу афсуси эса охиратда асқотмайди. Яна бир масала бор: «Ҳалолликка тупурдим!» деган шиор унинг қалбида бугун туғилмаган, унинг ҳаётидаги «бурилиш нуқтаси»ни балки порахўр отасининг дастурхон атрофидаги мақтанишлари пайтидан қидириш керакдир?

Тасаввур қилинг: бир тужжор уйда, дастурхон атрофида, фарзандлари даврасида, божхона ходимига пора бериб, иш битирганини айтиб, мақтаниб ўтирибди. «Беш юз доллар сўраган эди, уч юз билан оғзини ёпдим», деб керилиб ҳам қўяди. Дастурхон атрофида ота ва она айтган ҳар бир сўз тарбиявий аҳамиятга эга. Шу дастурхон атрофида «Истаган номаъқулчилигингни қилавер, қўлга тушсанг, «пора» деган зўр ҳимоячинг бор», деган тушунчани бола онгига сингдираётганини ота билмайди. Пора берувчига нисбатан пора олувчи бу борада фаросатлироқ. Олиб келган порасини темир сандиғига индамай яшириб қўя қолади. Оиласи даврасида «Фалончидан шунча пора олдим», деб мақтанмайди. Порахўр барча пулни ўзи кемирмайди, хўжайинларига ҳам уза-



тиб туради. Оила даврасида: «Фалончининг ишини тўғрилаб, минг доллар олган эдим, саккиз юзини нафси бузуқ хўжайиним илиб кетди», деб нолиш эҳтимоли бор. Бу ҳолатни норасида боланинг онги қандай таҳлил этиб, қандай хулоса чиқаради? Келажагини қандай тасаввур этади?

Хориждан мол олиб келган бир тужжор аёл каминага шикоят қилган эди. Чегара постини айланиб ўтишаётганда қўлга тушишибди. Келишув учун тужжордан катта миқдорда пул талаб қилинибди. «Сал инсоф билан сўранг», дебди аёл. Гапни қаранг: порахўрдан инсоф талаб қиляпти! Порахўр ходим ҳам «Менда инсоф нима қилсин», деб ўтирмай, дангалига кўчибди: «Мен ўқишга кириб битиргунимча, адам шунча минг доллар сарфлаганлар, шуни чиқариб олишим керакми ё йўқми?» Буни кимёда «занжир реакция» дейдилар. Ёки болалардаги «Ур, кетди» ўйинига ўхшайди. Бир бола «Ур, кетди», деб ёнидаги болани туртади, туртки егани бошқасини, шу тарзда давом этаверади.

Ички ишлар вазирлигининг ташаббуси билан тизимдаги порахўрликка қарши курашни кучайтириш мақсадида ҳужжатли кино ишланибди. Порахўрлиги туфайли қамоқда ўтирган, афсусланаётганларнинг гаплари ёзиб олинган. Фильмдаги бир йигит диққатимни тортди. У бир йил аввал милиция Академиясини битирган эди. Терговчи бўлиб ишлаётган экан, ўн минг доллар пора олаётганида ушланибди. Ҳали уйланмаган йигит чимидиқда ҳаяжон билан ўтириш ўрнига қамоқда ҳижрон билан ўтирибди. Болаларни ва ўсмирларни қамоқдан асраб қолиш ўрнига ўзи шу ботқоқ сари бошлаяпти... Ўзи аламдан кўйяпти, ота-оналари исноддан ёнишяпти. Бунга ким айбдор?

Болалар хоссатан маълум бир оиланинг фарзанди, омматан эса мамлакатнинг, бутун дунёнинг фарзандидир. Ижтимоий-сиёсий ҳаёт нуқтаи назаридан қарасак, улар эртанинг тарихини яратувчилардир. Оилавий томондан олсак, улар ҳам эртами-индин ота-она бўладилар. Эртами-индин улар ҳам ўз фарзандларини тарбия этадилар. Айни замонда (агар тирик бўлишса), ўз ота-оналарига меҳрибонлик қиладилар. Қуръони карим оятидаги таъбир билан айтилса, хокисорлик қанотларини пастлатмоқлари (фарзанд отонанинг ҳузурда ўзини қанчалик хокисор тутса, шунчалик яхши) лозим бўлади.

Бизнинг фарзандларимиз – бизнинг қарилигимиздир. Тўғри тарбия – хайрли оқибат, яъни саодатли қарилик. Ёмон тарбия – ғам-аламга, хорликка қоришган қарилиқдир. Фақат бугина эмас, эл-юрт олдидаги бурчимизни бажара олмаганимиз оқибатида бўйнимизга тушадиган гуноҳдир. Айрим ота-оналар учун эса тавқи лаънатдир. Аллоҳ шундай бўлишдан асрасин, ҳидоятдан адаштирмасин.

### ФАРЗАНДИНГИЗНИ БАХТЛИ ҚИЛА ОЛАСИЗМИ?

Ўсмир ёшидаги фарзандни тарбиялашда аввало ота ва онанинг ўзгариши шарт, деган фикрга қандай қарайсиз? Албатта, кўпчилигингиз «Болам ўзгариш ёшида, мен эмас, ўғлим (қизим) ўзгариши керак», деб эътироз билдирарсиз? Сиртдан қараганда, шундай дейишга ҳақлисиз. Аммо табиатан олиб қарасак, одам ўзгармас мавжудот эмас. Дейлик, сиз 20 ёшингизда ўғил фарзанд кўрдигиз. Сиз 33 ёшга етганда ўғлингиз ўсмирлик дунёсига кира бошлайди. Унда ҳар томонлама ўзгариш юз беради. Сизда-чи? Сиз 20 ёшингизда жисмонан ва ақлан қандай бўлсангиз, 33 ёшингизда ҳам шу ҳолатда қоласизми? Ахир бу фожиа-ку?! Сиз истасангиз ёки истамасангиз ҳам, жисмоний томондан ўзгарасиз. Лекин ақлий камолотингиз фақат истакка боғлиқ эмас. Агар ҳаётий тажриба илм булоғидан сув ичмаса, комиллик ҳақида орзу қилиш ҳам ортиқча. Агар болангиз ўсмир ёшига етганида сизда ақлий комиллик сари ўсиш бўлмаса, фарзандингизга қандай тарбия беришингиз мумкин? Ўсмирлик оламига кирган фарзандингизни кўча тарбиясидан асрашга қодир ақл ва тажрибага эгамисиз?

Дунёдаги оилаларнинг барчаси ирқи ва динидан қатъи назар, бир муаммога албатта дуч келади. Даврлар ўтаверади, ҳаёт тарзи ўзгараверади, лекин оиладаги ўсмир ва ота-она муносабатида юзага келадиган муаммолар ўзгармайди. Аниқроқ айтсам, даврга қараб шакл ўзгаради, мазмун ўзгармайди. Ўсмир фарзанди хулқидаги ўзгаришлар билан муроса қила олмаган ота-онага уй дўзах каби кўринади. Яқин танишларига беҳаловат боласининг қилиқларидан шикоят қилишни истайди, аммо дардини ичига ютади. Чунки қизининг кўчадан кеч қайтадиган бўлиб қолгани, ўғлининг оғзидан тамаки ҳиди келгани камлик қилиб, энди пиво ҳиди ҳам келаётганини қандай айтсин? Фарзандининг ёмон томонга ўзгараётгани ота-онанинг бола тарбиясидаги 13-14 йиллик фаолиятига ҳаёт томонидан қўйилган «икки» баҳо ҳисобланади. Мактаб ўқувчиси ёмон баҳосини яширишга ҳаракат қилганидек, ота-она ҳам атрофидагилардан уялади.

Агар сиз ўсмир фарзандингиздаги ўзгаришдан ташвишда бўлсангиз, тушкунликка тушманг. Чунки бу борада сиз ёлғиз эмассиз. Қўшниларингиз, қариндошларингиз, ҳамкасбларингиз оиласида ҳам худди сизники каби муаммолар бор. Тўғри, барча ўсмирлар бевош юрмайди, барчасининг оғзидан тамаки ҳиди келмайди. Лекин ҳар бир оилада боланинг шу ёмон кўчага кириб кетиши хавфи сақланиб туради.

Баъзан ўсмир ўзининг қайсидир ютуғидан фахрланиб, уйга қувноқ ҳолда қайтади. Иштаҳа билан овқатланади. Буюрилган ишни аъло даражада бажаради. Шунда ота-онанинг қалбида чироқ ёқилади. Баъзан болани мактабда ёки кўчада кимдир ран-

житади ёки ҳар куни кўришни истагани гўзал қиз бетоблиги сабабли 3-4 кун ўқишга келмайди. Боланинг кўнгли зулматга айланади. Иштаҳа йўқ. Дарс тайёрламайди, иш қилгиси келмайди. Онасининг яхши гапини ҳам малол олиб, қўпол жавоб қайтаради. Ана шунда боланинг кўнглидаги зулмат ота-она қалбига кўчади. Отага нисбатан кўпроқ она эзилади. Боласидаги ўзгаришда ўзининг айбини излайди: «Ўзимда нимадир етишмаяпти», «Ўғлим билан яқинлашиш ўрнига узоқлашиб кетяпман», «Ўғлим мени фақат она ўрнида эмас, ҳатто одам ўрнида кўрмаяпти», «Ҳа, ўзим ёмон бўлсам керак», «Мен бутун ҳаётимни боламга бағишлаганим керак эди. Бунинг ўрнига ишдан ортмайман... Пул топишдан бошқа дардим йўқ», «Болам эмас, ундан мен ўзим узоқлашяпман»...

Агар отада ёки онада шундай туйғулар уйғонса, тарбиядаги ўз хатосини қидирса, излаб топса – **яхши**, жуда яхши! Баъзи ота-оналар бунинг ўрнига ўжар болаларини невропатолог, психолог ҳатто психиатрга олиб борадилар. Мутахассис билан маслаҳатлашиш яхши, аммо ҳадеб олиб бораверсангиз, фарзандингиз ўзининг руҳий бемор эканига ишона бошламасмикин? Бу нозик нуқтани ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Бир мен эмас, тарбия ҳақида сўз айтувчи ёки ёзувчи ҳар бир одам гапни ота ва она масъулиятдан бошлайди. Қаранг-да, камдан-кам ўсмир томоғи оғриси, мустақил равишда ўзи врачга боради. Ўсмирларнинг кўпчилиги беморлик бошланганини ҳатто онасига ҳам айтмайди. Дард кучайгач, муолажага эҳтиёж сезади. Руҳий ўзгариш ҳам шундай. Ўзгаришни дастлаб ота ва она эмас, боланинг ўзи сезади, аммо қўрқиб ёки уялиб, яширади ёки айтгиси келмайди. Масалан, сигаретга тобора қаттиқроқ боғланиб бораётгани яхши эмаслигини билади, дарсдан қочиб юришларининг, бир-икки қултумдан бўлса ҳам мусаллас ича бошлагани, атрофидаги болаларнинг безорилиги, кундан-кун кўпроқ ёлғон гапирётгани каби иллатларнинг куч олаётганини сезади, бироқ булардан қутулиш йўлини кўрсатиб берувчи мутахассисга учрамайди. Иллатлар сезила бошлагач, бу вазифани ота ва она бажаришга киришади. Иллат туфайли фарзанд жиноят жарлигига қуласа, ота-онанинг юрагига ханжар санчилгандай бўлади. Агар иллатга шифо топилса, биринчи гада ота ва она қувонади.

Тушуниш қийин бўлган муаммо: ота ва она фарзандини севади, унинг бахтли ҳаёти учун жонини беришга ҳам тайёр. Фарзанд ҳам ота-онасини севади. Ота-онасининг қувончи учун у ҳам жонини беришга тайёр. Лекин нима учун бу икки севувчи қалб орасида жарлик пайдо бўлади ва тобора кенгайиб бораверади? Бу саволга энг зукко мутахассис ҳам аниқ жавоб бера олмайди. Аниқ жавобни ота ва она топиши керак.

Агар фарзандингиз фақат қайсарлик қилаётган, уй тозалашдан бўйин товлаётган бўлса, бу ҳали фожиа эмас. Атрофингиздаги ота-оналарнинг ҳасрати билан танишиб кўринг ва бу фожиаларнинг оилангизда содир бўлмаслиги чораларини кўринг:

\* \* \*

«14 ёшли ўғлим уйдан пул ўғирлаб чиқиб, ўртоқлари билан пиво ичибди».

\* \* \*

«Қизим уйда ўтиришни истамайди, ҳатто шомдан кейин ҳам кўчага отилади. «Дугоналарим билан гаплашиб турдим», деб баҳона қилади. Ярим кун мактабда бирга бўлган дугоналари билан яна нима ҳақда гаплашиб туриши мумкин?»

\* \* \*

«Ўғлим коллеждаги ўртоқларига қўшилиб дарсдан қочибди. Ташландиқ бинода наша чекибди».

\* \* \*

«Қизим дарсдан қочиб, юқори синфда ўқийдиган болалар билан шаҳарда дайдиб юраркан».

\* \* \*

«Жияним ўн еттига тўлмай ҳомиладор бўлиб қолибди. «Аборт қилдираман», деб менинг олдимга келибди. Ота-онасига қандай айтишни билмай, юрагим қон бўлиб кетди».

\* \* \*

«Ўғлим каратегга бораман, кийим олишим керак, деб пул сўради. Бердим. Лекин кийим ҳам олмади, каратегга ҳам бормади. Пулни йўқотиб қўйганмиш. Бу ёлғонига ишонмадим, чунки аввал «Футболга бораман, бутси олишим керак», деб алдаган эди».

\* \* \*

«Ўғлимнинг дарсдан қочиши одат тусига айланди. Ҳеч қандай гап таъсир қилмаяпти. Отаси икки марта саваласа ҳам фойда бўлмади».

\* \* \*

«12 ёшли ўғлим дўконда ўғирлик қилиб, қўлга тушибди. Милиция рўйхатга олиб, махсус мактабга юбормоқчи».

\* \* \*

«17 ёшга тўлган қизим одамови бўлиб қолди. Биров билан гаплашгиси йўқ. Хонасидан чиққиси келмайди. Дугоналари чақириб келса ҳам қарамайди».

\* \* \*

«Ўғлим мен билан ҳам, адаси, акаси билан ҳам бирга ўтиришни истамайди. Биз билан бирга меҳмонга боришни ҳам хоҳламай қолган. Унга кўчадаги ўртоқлари бўлса бас».

\* \* \*

«13 ёшли ўғлим уйдан қочиб кетди. Олти кун деганда ўртоғиникидан топдик».

\* \* \*

«12 ёшли ўғлимнинг акасини сўкаётганини эшитиб қолдим. Бизнинг оиламизда бунақанги беҳаё сўзлар сира айтилмаган эди»...

Шикоятларнинг мазмуни турлича, бироқ хулосаларда яқинлик бор: «Болам кундан кунга ёмон бўлиб кетяпти», «Биз ёмон ота-онамизми?», «Болам мени яхши кўрмай қолган», «Буни одамлар билиб қолса, шармандаликка қандай чидайман? «Ўғрининг онаси» деган юкни кўтара олмайман»...

Ота ва она фарзандини турли йўллар билан тарбиялашга уринган. Аввалига «Қайсарлик қилаверсанг, якшанба куни уйда қимирламай ўтирасан» ёки «Шу кўйлакни киядиган бўлсанг, остона ҳатлаб кўчага чиқмайсан», деганга ўхшаш пўписалар билан яхши натижаларга эришишни ўйлаб, адашган. Сўнг «Агар бу ҳафта дарсдан қочмасанг, айтганингни олиб бераман (ёки фалон минг пул бераман)», «Уйни йиғиштириб қўйсанг, ўртоқларинг билан боққа борасан»... деб болани ўзига хос порахўрликка ўргатган. Оқибатда бола ота-онасидан ҳафтада бир марта фалон минг сўм олишдан кўра, ҳар куни дарсдан қочиб, кўчада дайдиб юриш ҳаловатини афзал кўришга одатланган. Уйни йиғиштирмай, ота-онасидан бесўроқ равишда ўртоқлари билан боққами ё тоққами жўнаб қолаверган.

Ота-оналарнинг айрим тарбия усуллари бир-бирлариникига ўхшайди. Худди уйга вазифани бир-бирларидан кўчириб оладиган болалар каби иш юритишади:

«Ўғлим, сен бир соат ҳам дарс қолдирмаслигинг шарт. Агар дарсдан қочиб кетаверсанг, катта бўлганингда ўзинг хоҳлаган жойда ишлай олмайсан».

(Шундай дегач, ўйлаб кўриш керак: бола улғайганида бирон жойда ишлаш нияти борми ё текинхўрликни маъқул кўрадимми?)

«Ўғирлик қилиш ҳаром, ўғрилар дўзахга тушишади».

(Бола ҳаром-ҳалолнинг фарқига борадимми? Дўзах азоби ҳақида тушунчаси борми? Бўлган тақдирда ҳам, узоқ ва мавҳум азобдан кўра, ўғирлаган пули туфайли қўлга киритилган нақд ҳузур-ҳаловатни афзал билмайдими?)

«Сени эрталаб 7.00да уйғотаман. Юз-қўлингни ювиб, нонушта қилганингдан кейин мактабингга ўзим олиб бориб қўяман. Дарсдан чиқишингда мактабингга ўзим кутиб оламан».

(Онанинг бу қарорини эшитган бола қатъий назорат остида эканини англаса-да, эътироз билдирмайди. Чунки 8.00дан 13.00га қадар назоратдан ҳоли эканини билади. Кўчада ёлғиз дайдигиси келса, шу вақт оралиғида нима қилса қилаверади.)

Қатъийликка ўтгунга қадар ўсмирга меҳрингиз баландлигини сездириб турганингиз маъқул эмасми? Ўсмир отаси ухлаб ётган

пайтда яширинча калитни олиб, автомашинани ҳайдаб келади. Ота, албатта, дарғазаб бўлади. Ҳазабнинг икки сабаби бор: биринчиси – автомашинани бесўроқ ҳайдагани, иккинчиси – «Бир фалокатга учраса нима бўларди?!» – деган кўрқув. Дарғазаб отадан нимани кутиш мумкин? Камида тарсаки. Дўппослаб уриб ташла-са – унинг энг катта хатоси ҳисобланади. Фарзанд қанчалик ёмон иш қилиб кўйса ҳам, ота-она энг аввало ўз ҳазабларини енгишлари керак. Чунки ҳазаб ўсмир тарбияси бобида энг ёмон маслаҳатчи ҳисобланади. Ҳазабини енга олган ота: «Ўғлим, нега бунақа қилдинг, ҳеч тушуна олмаяпман?», «Кел, иккаламиз бирга ўйлаб кўрайлик, шу ишинг яхшими?», «Ўғлим, мен сени яхши кўраман. Ёшинг ўн саккизга етганида ҳайдовчилик гувоҳномасини олишинг билан шу машина сеники ёки яп-янгисини олиб бераман», деса ижобий натижага етишади. Дўппосланган бола эса маълум муддат кўрқиб юради, кўрқув сал кўтарилгач эса шу қилиғини такрорлайди.

Ҳазабни енгиш учун «Нодонлик қилиб машинага минибди. Худо, Ўзингга шукр, бешикаст қайтибди. Энди уни бу аҳмоқликдан Ўзинг асра!» – деб дуо қилгани маъқул. Ҳазабини енга олган ота ўғлининг ўтган кунларини фикр чиғириғидан бир-бир ўтказди. «Нега шундай қилди?» деган саволга ўзи жавоб топишга уринади. Дўппослаган дарғазаб отада бундай туйғу бўлмайди. 2-3 ой «Яна минармикин?» деган хавотирда пойлайди, кейин унутади.

2015 йили Тошкентда бир фожиа юз берди. Ўсмир ёшидаги ўғил кечки пайт «Ювиб бераман», деб отасининг автомашинасини кўчага олиб чиққан. Ота ҳам, она ҳам ишонган. Бола ўртоғини чақириб, машинани ювган. Кейин кўзни шамғалат қилиб, шаҳар сайрига чиққан. Тезликни ошириб, бошқаролмай қолгани натижасида четда турган икки милиция ходимини босиб, ҳалок қилган. Боланинг автомашина ҳайдашидан ота ва она беҳабар бўлишганми? Билишган. Ҳатто «Ўн беш ёшида бинойи ҳайдаяпти», деб мақташган. Аслида 30 – 40 йиллик тажрибаси бор одам ҳам «Машинани зўр ҳайдайман», деб мақтанмаслиги керак. Чунки кўча фалокатга тўла, Худо асрасин! Боласининг автомашина ҳайдашига бефарқ қараётган ота-оналарга эса айтадиганим: кўза кунда эмас, кунда синади. Сиз қор қоплаган тоғ чўққисидан пастга қараб чанғида ўқдай учиб тушаётган спортчини кўрган-сиз. Пастликка тушган сайин чанғичининг тезлиги ортиб боради. Уни тепада, дастлабки метрларда тўхтатиб қолиш мумкин. Ярим йўлдан ўтгач, бунинг иложи бўлмай қолади. Тўхтатишга уринсангиз, ҳалокат юз беради. Хулқи салбий томонга ўзгара бошлаган ўсмирни ўша чанғичига ўхшатиш мумкин. Жиноят жарлиги томон сирпана бошлаганда тўхтатиш чорасини кўриш керак.

Ўғил болаларнинг автомашина ҳайдашга ишқибозлиги табиий. Гўдаклигида ҳам ўйинчоқ машина ўйнаб чарчамайди. Гўдаклигида ҳам отасининг ўрнига ўтириб олиб, автомашинани хаёлан бошқаради. Кейинги пайтда қизларда ҳам шу қизиқиш кучаяётгани кузатиляпти. Бир киши шикоят қилиб қолди. Тўй кун

18 ёшли келинига «Спарк» совға қилган экан. Келинпошшанинг ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлгани сабабли автомашинада кўчага чиқишига монелик қилишмаган. Кўчага иккинчи марта чиқишида бир машинанинг орқасидан уриб, шикастлабди. Ўзининг «Спарк»и устахонада бўлгани учун эртасига эрининг «Ласеттиси»ни бесўроқ олибди. Ўша куниёқ уни ҳам пачоқ қилибди. Кейин гал қайнотанинг автомашинасига келибди. «Тўйдан олдин адасининг машинасини ҳам пачоқ қилган экан, нима қилишга ҳайронман», деб менадан маслаҳат сўради. Мен нима дердим? Отасидан қўрқмаган, қайнотасини ҳурмат қилмаган келин менинг насиҳатимни эшитармиди? Келиннинг тарбиясини бундан 5-6 йил илгари, отасининг машинасини ҳайдашга уринган пайтдан бошлаш керак эди.

Болани ёмонликдан қайтариш қанчалик қийин бўлмасин, отонанинг ғазабни енгиши ундан-да қийинроқ. Айниқса, она ўзини-ўзи еб адо қилиши мумкин. Шунинг учун мавзуни давом эттирмай туриб, ота-оналарга ғазабни енгишга доир маслаҳат берай:

Асаб ҳужайралари таранг тортилиб, ғазаб вулқони отилай деб турганда бир хонада ёлғиз ўтиринг. Фикрингизни жамлаб, вужудингиздаги бор қувватни бир нуқтага тўплашга ҳаракат қилинг. Бу зўриқиш ҳолати 1-2 дақиқадан ошмасин. Кейин оғзи тўсатдан очилган пуфак сингари бирдан бўшашинг. Шундай бўшашинг-ки, қўл-оёғингизни қувват гўё тарк этгандай бўлсин. Бир неча дақиқа давомида ҳеч нарсани ўйламасликка тиришинг. Бу осон жараён эмас. Ҳар турли яхши-ёмон (кўпроқ ёмон) хаёллар оқими сизни ўргимчак тўридай ўраб ташлайверади. Лекин сиз енгилманг. Энди кўзингиз нимага тушса, ўша ҳақда ўйлай бошланг. Кўзани кўрдингизми, нафис гулларини синчиклаб кузатинг: «Бу гулни нега сариққа бўяпти, қизилга бўяса чиройлироқ бўлмасмиди?» «Стулнинг суюнчиғини тўрт энлик баландроқ қилиб ишлаганида ҳузурланиб ўтириш мумкин бўларди»... Пашша учиб қолса, пашша ҳақида ўйланг. Ари кириб қолса, арини, болагингизда чақиб олгандаги ҳолатингизни эсланг. Кўзингиз тушган нарсалар сизда ўтган кунларингиздаги қандайдир ҳузурли эсдаликларни уйғота олса, янада яхши. Деворга осифлиқ фотосуратлар ана шундай хотираларни уйғотса, чекламанг. Деворда ўзингиз ёқтирган рассом чизган сурат турибди. Ўша манзара, агар тарихий мавзуда бўлса, хаёлан мозийга кўчинг. Қадимги минорага чиқиб, шаҳарни томоша қилинг. Хаёлингиз жиловини шундай қўйиб юборинг-ки, қулоғингизга азон чақирғи, бозорнинг шовқини, отларнинг кишнаши... эшитилсин. Ўша давр ўсмирларини кўз олдингизга келтиринг. Ўша замонларда ҳам ўсмирлар қайсар, шўх ёки бефарқ бўлган. Қайсидир ўғил дадасининг тулпорини миниб қочган...

Агар хонада аквариум бўлса, балиқларнинг ҳаракатини синчиклаб кузатинг. Балиқларнинг гўзаллиги, уларнинг ҳаракатлари хаёлингизни бутунлай банд этсин. Кундалик одатий юмушларингиз қаторига балиқларни томоша қилишни ҳам қўшиб қўйинг. Ҳар куни камида ярим соат вақтингизни шунга ажратинг.

Шу каби ўйлардан сўнг асабларингиздаги таранглик сал бўшаш-гач, жазо чораси ёки тарбия усуллари ҳақида фикр юритинг. Ўсмир то 18 ёшга қадар ота-онасидан аста-аста узоқлашиб боради, сўнг яқинлашишга интилади ва оқибат 20 ёшдан бошлаб энг яқин сирдош дўстига айланиши ёдингиздан кўтарилмасин.

Ота-онадан узоқлашиш ҳиссининг уйғонишида ўсмирни айбламаслик керак. Бу нарса ҳар бир одамнинг фитратида бўлса керак. Фақат юз очиб, кўриниш бериши турлича бўлади. Тибетликлар фарзандларини чақалоқлик пайтидаёқ роҳибларга беришади. Бола ота ва онадан узоқда қатъий интизом ҳукм сурган муҳитда улғаяди. Улғайиб, уйига қайтганда оилага сингиши оғир кечади. Ота-онаси билан муомалада ҳам, уй таомларини тановул қилишда ҳам қийналади. Қатъий интизомга кўниккан ўсмир уйда ота-онасининг меҳрибонликлари, эркалалашларини қабул қила олмайди. Марказий Америкадаги ҳиндулар гўдакни атроф-муҳитдан ажратиб олиб, қоронғи кулбаларда боқиб, катта қилишади. Яна бир қанча мамлакатларда ҳам шу каби ҳолатни кузатиш мумкин. Қадимда Спарта мамлакатаида ўғил туғилса, совуқми-иссиқми – фарқи йўқ, чақалоқни пичан устига ташлаб қўйишаркан. Бола соғлом туғилган бўлса, яшаб қоларкан, нимжонроқлари ўлиб кетавераркан. Бу ҳозир бизга ярим ёввойилик, ваҳшийлик бўлиб кўринадди. Спарта учун у замонлар кучли жангчилар керак эди. Нимжон туғилган бола келажакда буюк олим бўлиши уларни мутлақо қизиқтирмаган. Бугун эса аксинча.

Ота-она бахтли ҳаёт кечирришни истайди. Худди шу истак болада ҳам мавжуд. Лекин уларнинг бахт ҳақидаги тушунчаларида фарқ бор. Ана шу фарқ уларни бир-бирларидан узоқлаштиради. Қизининг ҳамиша ёнида бўлиши – онанинг бахти. Қизнинг бахти эса дугоналари билан ўйнаб-қулишда. «Онанинг кўнгли болада, боланинг кўнгли далада» деган мақол бекорга айтилмаган.

Ота-она ўзининг бахтини фарзанди бахти билан боғлайди. Лекин фарзандини бахтли қилиш учун зиммасига қандай вазифалар юкланган, аниқ биладими? Бу борадаги масъулиятини ҳис этадими, фарзанди бахтсизликка учраса, ўзини айбдор деб биладими? Минг-минг афсуски, ота-оналар орасида фарзандининг бахтли бўлиши йўлидаги вазифаларни бажармайдиганлар ҳам учраб туради. Баъзи ота-оналар эса ҳаётда ўз ўрнини, ўз бахтини топишга интилаётган фарзандларини худди автомобилни бошқараётгандек бошқаришни маъқул кўрадилар.

Фарзандининг хулқидаги салбий ўзгаришдан ташвишга тушган ота ва онага мен кичик бир тадқиқот ўтказишни таклиф этаман. Дафтар ва қалам олинг-да, болангиздаги салбий ўзгаришларни синчиклаб кузатиб, ёзиб боринг. Ота бошқа дафтарга, она эса бошқа дафтарга ёзсин-да, бир ҳафталик кузатишларини ўзаро ўргансинлар. Шубҳасиз, икки дафтарда умумий ҳолатлар баён этилиши баробарида, бир-бирини такрорламайдиган баёнлар ҳам бўлади. Масалан, онанинг дафтаридаги «Ошхонада тухум пишириб еб,



пўчоқларини сочиб кетибди», деган баён отанинг кузатувида учрамайди. Чунки ота ошхонага кирмайди ва ундаги аҳволдан беҳабар.

Мен милиция рўйхатида турувчи бевош болаларнинг ота-оналарига худди шу таклиф билан мурожаат этганимда баъзилари бажонидил қабул қилдилар. Айримлари «Ўзимнинг ташвишим ҳам етарли», дегандай қўл силтаб қўя қолдилар. Кузатув дафтари тутишга рози бўлганларнинг 80 фоизи аёллар эди. Чойхонада ошхўрликдан бўшамайдиган оталарнинг бу тадқиқотни ўтказишга вақтлари ҳам, хоҳишлари ҳам йўқ.

Турли оилаларда, ҳатто турли мактабларда тарбияланган болаларнинг дафтарларда қайд этилган ҳаракатларини кузатсак, ахлоқларидаги салбий ўзгаришларда яқинлик кўрамиз:

«Уйқуга ётадиган пайт келса ҳам, ивирсиб юраверди».

«Кеча кўрпага ўраниб олиб телефон ўйнаган эди, бугун ҳам шундай қилди».

«Кўзини лўқ қилиб туриб, уч марта ёлғон гапирди».

«Дарсимни тайёрладим, девди. Текшириб қарасам, уйга вазифа берилган дарсликни ҳатто қўлига ҳам олмаган».

«Тайёр ҳаммом, иссиқ сув бўлса ҳам, чўмилгиси келмайди. Бугун жавраб-жавраб, зўрлаб киритдим. Чўмилиши беш дақиқага ҳам бормади».

«Овқатланиб бўлгач, «Косангни ошхонага олиб чиқиб, ювиб қўй», девдим, ошхонага олиб чиқди, аммо ювмади. «Нега айтганимни қилмадинг?» десам, «Эсимдан чиқибди», деди. Уялмасдан айтди бу гапини. Келин бўлиб тушганида қайнонасига шунақа қилиқ қилишидан қўрқаман».

«Лицейига менинг туфлимни кийиб кетибди».

«Коллежига адасининг соатини тақиб кетиб, йўқотиб қўйганмиш. Адасига қандай айтаман? Ростдан йўқотганмикин ё...»

«Менинг атир-упаларимни ишлатди. Мен 14 ёшимда лабимни бўямаган эдим, қизимга нима бўлди?»

«Бугун кулиб ўтирганини кўрмадим. Кеча ҳам қовоғи солиқ эди. «Тобинг йўқми, бирон еринг оғрияптими ё ўқишингда кўнгилисизлик бўлдимми?» деган саволимга жавоб бермади»

«Ўртоқларини кўрдим. Сўхтаси совуқ болалар, менга ёқмади».

«Ўқишдан қайтгач, кийимини алмаштирмади. Ҳар куни аҳвол шу, юз гапирай, минг гапирай – фойдасиз».

«Телевизорга ёпишиб олган, кўчага ҳам чиқмайди».

«Совуқда бошингга рўмол ўраб ол», десам қулоқ солмайди. Бугун қаттиқ уришган эдим, менга аччиқ қилиб ўраб олди. Деразадан қараб турдим, кўчага чиқиши билан рўмолни ечиб, сумкасига тикди» .

Ота ва оналарнинг дафтарларга тушган ҳасратларида шу каби яқинлик мавжудлиги баробаринда бир-бирига ўхшамаган қалб фарёдлари ҳам бор эди:

«Нега гапимга кирмаяпсан?» десам, бобиллаб берди: «Чунки сиз мени яхши кўрмайсиз!» деди. Жавоб қайтаришга улгурмай қолдим. «Шунинг учун мен ҳам сизни ёмон кўраман!» деб бақирди.

Фақат бақирса майли эди. Кўзлари ғалати ёнди. Бир нарса қилиб қўймаса эди, деб қўрқиб кетдим».

«Ҳар куни овқатланишига 10 минг сўмдан берардим. Кеча 30 минг сўм беришимни талаб қилди. Ҳа, сўрамади, қўполлик билан талаб қилди. Бугун ҳам сўради. «Нима қиласан?» деб сўрасам, айтмади».

«Уйга кеч қайтди. Дадаси ухлаб қолган эдилар. Ўзим кутдим. Кўзлари қизарибди. Оғзидан қўланса ҳид келди. Пиво ичган бўлса керак. Дадаси билиб қолсалар... жаҳллари ёмон... Вой Худойим, энди нима қилдим?!»

«Жавондаги чиройли жемперим йўқолиб қолди. Қизимдан гумон қилишдан тийилдим. Бугун бари бир сўрашга мажбур бўлдим. «Мен олдим, дугонамга бердим», деди. «Нега сўрамай олдинг?», десам, «Шу матоҳни ҳам сўраш керакми? Мунча зикнасиз», деб бақирди».

«Кечаси нимадир тақирлаб уйғониб кетдим. Ўғлимнинг хонаси-га чиқиб қарасам, дераза очиқ. Кўчага чиқиб кетибди. Тонг отарда келгунча ухламай кутдим. «Қаёқда эдинг?» деган саволимга қўрслик билан: «Керакли жойда», деди. Пешингача ухлади, ўқишга бормади».

«Синглизи жаҳлини чиқарса, бақирарди. Бугун эрталаб уриб кетди. Аёвсиз урди. Ажратиб олмаганимда ўлдириб қўйиши ҳам мумкин эди».

«Уч кун биз билан гаплашмади. Бугун кўз ёши қилган эдим, дардини айтди. Бир қизнинг яшаш жойини билдириб, «Совчиликка боринг», деди. «Коллежингни битириб ол», десам, «У ҳомиладор, уйланмасам, мени қаматворади», деди».

«Ўртоғи отасининг машинасини яширинча миниб чиққан экан, ўғлим ҳам ҳайдаб, дарахтга урибди»...

Азизлар, сизлар таклифимни қабул қилиб, дафтар тутган бўлсангиз, ёзганларингизни бу баёним билан солиштириб чиқинг. Мен танишган дафтарларда шундай аянчли, ҳатто ўсмир ёшидаги қизларнинг беҳаё қилиқлари ҳақидаги баёнлар ҳам бор эдики, уларни кўчириб ёзиб, сизларга ҳавола қилишдан андиша қилдим.

Кузатувлардан маълум бўладики, айрим нохушликларни тез бартараф қилиш мумкин, баъзилари эса сабр-тоқат билан ҳаракат қилишни талаб этади. Масалан, она атир-упа ва лаб бўёғини қизидан яшириб қўйиши мумкин. Лекин деразани очиб қочган боласини неча кунлар, ҳатто ҳафталар давомида пойлаши керак.

Ўсмирнинг кечаси ухламай ўтириши ёки юришига бефарқ қарамайдиган ота-оналар унинг руҳий ҳолатидан ташвишга тушадилар. Ўсмирнинг қалбида муҳаббат куртаги кўз очган ёки кўчадами, ўқишдами кўнгилсизлик юз берган, ё қандайдир ҳаяжонли воқеага гувоҳ бўлса, уйқуси ўчиб кетади. Боланинг уйқусизлигига бефарқ қарашлик унда касаллик уйғонишига сабаб бўлиши мумкин. Деразадан қочган бола кўп тунларни уйқусиз ўтказгач, уйда сиқилиб кўчадан паноҳ излаган.

Уйқусиз ўтирган болага қараган она «Менга айтолмаётган дарди бордир?» деган хулосага келади. Онанинг иккинчи ташвиши: бола вақтида ухламаса, эрталаб туришга қийналади, кўзлари қизаради, ланж, эзилган бир аҳволда ўқишга кетади.

Фарзандининг телевизорга боғланиб қолганидан шикоят қилувчи она ёки ота бу ҳолатга кенгроқ қарасин: бола шунчаки томоша қилмаяпти, телевизорнинг овозини баландлатиб қўйгани сабабли катталарнинг асабини бузаяпти. Онанинг ёқтирган сериали бошланганида телевизор икки ўртада талаш бўлади. Фарзанднинг «телебола»га айланишида вақт исрофидан ташқари тиббий ва руҳий зарарлар ҳам мавжудлигини яна бир бор эслатиб ўтай. Телевизорга тикилавериш натижасида кўз қорачиғи чарчайди ва оқибатда шикастланади. Онгига кераксиз воқеалар ва ахборотлар селдай ёпирилиб, илм олиш ва дарс тайёрлаш унга ҳузур бағишламайди, аксинча, азобга айланади. Болада ижодий топқирлик сўнади. Телефон, компьютерга боғланишнинг оқибатлари ҳам шу каби зарарлидир.

Боланинг ювинишни истамаслиги ялқовлигиданми ё бошқа сабаблари борми? Ўсмир ўғлингизнинг ўн йилдан кейинги аҳволини кўз олдингизга келтиринг: 25 ёшга тўлган ўғлингиз кўчада ўртоқлари билан кетаяпти. Дўстлари ораста кийинган, ҳамма (айниқса қизлар) уларга ҳавас билан қарайди. Ўғлингиз эса фиким шимда, қўйлагининг ёқаси кир, тирноқлари ўсган, саримсоқ еганиданми ё тишини ювмаганиданми, ундан ёмон ҳид таралаяпти. Бу ҳам етмагандай, таомни чапиллатиб еяпти... Дўстлари (айниқса қизлар) унинг даврани тезроқ тарк этишини исташаяпти. Айнақса, пойабзалини ечиб уйга кирганида айримлар ошкора равишда бурнини рўмолча билан тўсиб, унга «чиқиб кет», демаса ҳам, афтини бужмайтириб қарайди. Хунук манзара, тўғрими? Болалигида озода юриш, озода кийинишни одат қилмаган болани келажакда яна қандай манзара кутиши мумкин? Бутун 30 – 40 ёшлилар орасида шунақаларни учратмаймизми? Уларнинг болалиги қандай ўтган экан.

Ҳар бир одам оиласини боқиш ташвишида тинмай ишлайди. Рўзғордан орттириб, уйга чиройли ашёлар олади. Мебелини ёки гиламини кўз қорачиғидай асрашга интилади. Гўдак гиламни ҳўл қилса ёки мураббо тўкиб юборса, ё мебелни миҳ билан тирнаса, ота аввал унинг ўзини уради, кейин «Боллага қарамайсанми!» деб хотинига ўдағайлайди. Хотин гап қайтаргудай бўлса... Арзимас матоҳ деб оиладаги ҳаловат бузилади. Гўдакнинг айби йўқ, лекин ўсмир гиламга лой пойабзали билан чиқса ёки уй ашёларини авайлашга аҳамиятсиз бўлса-чи? Демак, ота ва она боллага исроф ҳамда фаросат нима эканини яхши тушунтира олмабди.

«Болалик уй – бозор», деганлар савдо-сотикни эмас, бозордаги шовқинни назарда тутганлар. Битта (ҳатто иккита) болали оилада шовқин бўлмайди. Аксинча, баъзан кишини зериктирувчи сукунат ҳукм суради. Биз ота-она ёлғиз фарзандига яхши қарайди, яхши тарбия беради, деб ишонамиз. Тўғри, 5 – 10 фарзанди хонадондаги боланинг кийиниши, юриш-туриши билан ёлғиз ўғилнинг фарқи сезилиб туради. Ёлғиз фарзанд жиноят кўчасига кирмайди, деб ишонсак, янглишамиз. Ўсмир ёшидаги ёлғиз фарзанд уйда зерика бошлагач, кўчага интилади. Кўнгилочар давраларни қўмсайди. Гиёҳвандлар даврасига ҳам шундай болалар тезроқ қўшилади.

Кўп болали оилаларнинг ташвиши ака-укалар, опа-сингилларнинг ўзаро жанжалида. Кичиклигида ўйинчоқ ёки ширинлик талашган болалар улғайган сайин жиддийроқ нарсалар ёки жиддийроқ гап туфайли жанжаллашадилар. Ҳазабланган гўдак қўли остида нима бўлса, акасига шуни отади. Оқибатини ўйламайди. Ўсмир эса акаси ёки опасига қараб отган пичоқ уни жароҳатлаши ҳатто ўлдиришини билса ҳам тийилмайди. Юқоридаги баёнда синглисини аёвсиз калтаклаётган ака ҳақида нима деймиз? Синглисининг қўли ёки қовурғасини ё бурнини синдириб қўйиши мумкинлигини билмайдими? Тилимизда «Ўласи қилиб калтаклаш» деган ибора бор. Ҳазабини босолмаган ота ёки она боласини «ўласи қилиб калтаклайди». Лекин ака синглисини, опа укасини аёвсиз урса, ота-она уларни ажратиб қўйиш билан кифояланадими? Биринчи гада каттага танбеҳ берадими? Ҳа. Шу билан жанжалга доир масъулиятли вазифасини бажарган бўлади. Оиладаги жанжалларни болалик шўхликларига йўйиб, жиддий тарбиявий чоралар кўрмаётган ота-она йиллар ўтиб вафот этгач, бугун ширинлик талашиб, бир-бирини юлган ака-ука энди уй талашиб муштлашди. Ака қўлига илинган кетмон билан укага ташланади, ука қўлига илинган паншахани акага отади. «Бир қоринга сиққан ака-укалар бир ҳовлига сифмайди», деган мақол оиладаги нотўғри тарбиянинг меваси эканини унутмаслик керак.

Ака укасини аямай урди. Демак, унда шафқатсизлик иллоти шакллана бошлаган. Унинг жиноят сари оғишини кутиш мумкин. Кўчада тасодифий тўқнашувда нотаниш йигитни ўласи қилиб калтакласа, ўзини қамоқда кўради. Қамоқда ҳам тийилмаса, ўзини лаҳадда кўриши ҳеч гапмас. Хўш, калтак еган, табиатан заиф болачи? У жиноятдан нари юрадими? Йўқ. Бу тоифа болалар ҳам жиноят оламига кириб қолади. Жанжалкаш бола бу оламга мушт билан кирса, булар ҳийла ва хиёнат билан кирадилар. Жанжалкашни тийиб олиш мумкин, бу тоифани қайта тарбиялаш эса ғоят мушкул.

Тарбияни шундай олиб бориш керакки, ўсмир «Мен соат саккизда мактабга етиб боришга мажбурман», демасин, балки: «Мактабга кечикмай боришни истайман», десин. «Хоҳласам-хоҳдамасам дарс тайёрлашга мажбурман», эмас, «Дарс тайёрлашни истайман. Бугун физикадан берилган вазифа мени нурларнинг сирли оламига олиб киради», десин. «Бугун экинларни суғориб қўйишга мажбурман», эмас, «Экинларни ўзим суғориб қўйишни истайман, икки ойдан сўнг мевасини мазза қилиб ейман», десин.

Болаларни сўроққа тутганингизда ёки жаҳл билан гап бошлаганингизда, шубҳасиз, унинг кўзларига қарайсиз. Юзидаги ўзгаришни кузатасиз. Ота-она норозилиги ифода қилаётганида болаларнинг бир тоифаси қовоқ солиб, сиқилиб туради. Иккинчи тоифаси Ҳазабланаётганини ошкор қилиб қўяди. Ота-онанинг назарида у мушт билан ташланишга тайёрланаётгандай туюлади. Учинчи тоифа кўзларида қўрқув учқунлари зоҳир бўлади. Ҳамонки, болангизнинг кўзларига қарадингизми, унинг ичидаги руҳий бўронни

ўзингиз ҳам ҳис қилинг ва шунга қараб муомалангизни ўзгартиринг. Ҳазабланаётган бола билан қўрқувдаги боланинг ҳолати бир хил эмаслигини сизга эслатиш ортиқча.

Биллиардчиларнинг халқаро мусобақасида икки «зўр» рўпара келибди. Бири, тажрибалироғи сал семизроқ экан, ёшроғи эса хипча ва эпчил бўлгани сабабли бўш келмабди. Кундузи бошланган олишув кечаси ҳам давом этибди. Иккала биллиардчи ҳам ўлардай чарчабди. Кўзлари қизариб, шишиб кетибди. Ҳайинда қисқа танаффус эълон қилинганида семиз Ҳайинчи ювиниш хонасига ўтиб, юз-қўлини, бўйинини муздек сувга ювиб, эгнига енгил тоза қўйлак кийибди. Бу ишидан ҳам жисмоний, ҳам руҳий қувват олиб, ёш рақибини енгибди. Ота-она билан ўсмир фарзанд орасидаги «тарбия олишуви» ҳам шундай бўлиши керак. Ишни бир хил тарзда олиб бормай, услубда ўзгаришларга йўл бериш лозим. Шунда ғалаба катталар томонида бўлади.

Ҳайимизда ҳар биримизнинг шахсий мулкимиз бор. Автомашинани ёки қимматбаҳо гиламми, мебелми... кўз қорачиғидай асрашга интиламиз. Артамиз, тозалаймиз. Эскириб қолса, сотиб, янгисини оламиз. Қўполроқ бўлса ҳам, айтиш мумкинки, фарзанд ҳам ота-онанинг шахсий мулки. Автомашинани сотиб, алмаштириш мумкин, лекин хулқи бузилган тақдирда ҳам, фарзандни алмаштириб бўлмайди.

## **ТЎРТИНЧИ БОБ**

### **ҲОИЗ ЎЗГАРГАНИ БИЛАН ҚИЙМАТИ ЎЗГАРМАЙДИ**

Агар эътибор берган бўлсангиз, «Ким айбдор?» деган саволга аниқ жавоб қайтаролганим йўқ. Бир неча йиллар аввал кичик тадқиқот ўтказган эдим. «Боланинг ёмон йўлга кириб кетишига ким айбдор?» деган саволни ўртага қўйиб, унга:

1. Ота-она.
2. Мактаб.
3. Милиция.
4. Маҳалла, қўни-қўшни.

5. Телевизор, видео каби жавобларни ҳавола қилганимда умумий ҳисобда, сўралганлардан тахминан 20 Ҳоиз киши - ота-она, 15 Ҳоизи – мактаб, 10 Ҳоизи – милиция, 15 Ҳоизи – маҳалла ва қўни-қўшни, 35 Ҳоизи – телевидение ва видео, деб жавоб берган эди. Жавоблар хулосасини «умумий ҳисобда, тахминан» деб белгилаганимнинг сабаби бор. Сўров бир эмас, бир неча жойларда, турли касб эгалари орасида ўтказилди. Жавоблар ҳам бир-биридан кескин фарқ қилди. Бир маҳалладаги сўровда иштирок этганлар ота-онани кўпроқ айбдор, деб билсалар, бошқа маҳаллада аксинча бўлиб чиқди. Фақат бир жавоб: «Телевизор ва видео айбдор», деган фикр барча ерда ғолиблигича қолаверди. Болалар қамоқхонасида фарзандларини йўқлаб келганларга шу савол берилганда «Ота-

она айбдор», деган жавоб 11 фоизни ташкил этди. Бу табиий ҳол, камдан-кам ота ва она боласининг балога учрашига ўзини айбдор деб ҳисоблайди. Шу боис, «Милиция айбдор», деган жавоб энг кўп фоизни ташкил этди.

Айни шу тадқиқотни яқинда жавобларга бир ўзгартириш киритган ҳолда яна ўтказдим: бу сафарги «Интернет ва телефон», деган жавоб «Телевизор ва видео», деган жавобни четга чиқариб қўйди. «Ота ва она айбдор» деган жавоб фоизи ҳам кўпайди. Ота ва она ўзини айбдор ҳис этса, боланинг келажагига умид қилиш мумкин.

Мазкур тарздаги тадқиқот кенгроқ миқёсда, қайта-қайта ўтказилган тақдирда ҳам, фоизлардаги фарқ ўзгариши мумкин, аммо мутлақ тўхтамга келиш мумкин эмас. Чунки жиноятларга доир ҳолатлар ҳамма ерда ҳар хил. Одамларнинг кузатиш нуқталари ҳам турлича. Таҳлил қобилиятлари ҳам бир хил эмас. Масалан, сўров муаллимлар орасида ўтказилса, «ўқитувчи айбдор», деган жавоб энг кам фоизни ташкил қилиши тайин. Бир мактабдаги сўровимизда бу жавобга фақат биттагина одам овоз берибди. Милиция ходимлари орасидаги сўровнинг натижаси ҳам шундай. Ҳеч бир милиция ходими «Болаларнинг жиноят оламига кириб қолишига биз айбдормиз», демайди-да! Агар сизу бизда шундай даъво мавжуд экан, адолатсизлик қилган бўламиз.

Болаларнинг жиноят йўлига киришига мактаб айбдор эмас, дегувчиларнинг далиллари бор: агар куну тун йигирма тўрт соатни ташкил этса, шундан 8-9 соати уйқуга кетади. Бола 5-6 соат мобайнида мактабда, қолган пайт уйда, ота-онаси бағрида бўлади. Шу 5-6 соат мобайнида болага илм берилсинми ё тарбия қилинсинми? Дуруст, ҳозир «Одоб дарси» мавжуд. Лекин болага бир ҳафтада бир-икки соатни ташкил этувчи бу дарсда одоб бериб бўлармикин? Бу дарс саҳро бағрига томган ёмғир томчиси каби бўлмасмикин? Мактабда «Сўкиш ёмон иллат», дейилса-ю, уйда отанинг тили сўкишдан бўшамаса. Бола қайси тарбияга оғади?

Агар ўсмирнинг наша чекаётганига шубҳа туғилса ёки бу ҳолат исботини топса, ота-онаси чақирилиб, бу нохушлик билдирилса, қандай жавоб бўлишини тасаввур этиб кўринг. Ота ёки онанинг аксари: «Огоҳлантирганингиз учун раҳмат», демайди, аксинча, «Кўриб олганингиз менинг болам, нуқул ёмонлайсиз», деб жанжал кўтаради. Мактабнинг огоҳлантиришига қулоқ осмаган ота-она вақт ўтиб, бола қамоққа тушганида ҳам, мактабни айблашдан тоймайди. Айрим ҳолларда мактабнинг айби борлиги инкор этилмайди. Аммо мазкур ҳолатда мактаб мутлақ айбсиз. Бола наша чекишни мактабда ўрганмаган эди. Тўғри, эрталаб «Мактабга кет-япман», деб уйдан чиққан. Бироқ дарсдан қочиб, қурилиши чала қолган бинода нашаванд тенгдошларига қўшилган.

Якшанба куну шомга яқин маҳаллага хабар келади: мактабнинг ҳожатхонасида уч ўсмир наша чекишаётган экан. Маҳалла фаоллари билан милиция нозири боришади. Кайфдаги болалар милицияга эмас, маҳалла идорасига олиб келинади. Уйларига қўнғироқ

қилинади. Бирининг отаси «Боришга вақтим йўқ», деб жавоб беради. «Ўғлингиз наша чекар экан, шуни биласизми?» деб сўралганда, «Биламан, нима қилсаларинг қилаверинглар», деган жавоб эшитилади. Уч наставанд ўсмирнинг ота-оналари ҳам мактабни айблашлари ажабланарли. Мактабнинг ҳожатхонасида чекишса, мактаб айбдор бўлиб қолмайди-ку?

Фарзандининг хулқидаги салбий кўринишлар учун мактабни айблайдиган ота ва онанинг ўзини тарбиялаш учун бир услубни таклиф қилай: АҚШнинг Вашингтон штатида бўйсунмас боланинг ота-онаси суд ҳукми билан мактабга «бадарга» қилинади. Яъни ота-она маълум муддат фарзанди билан бирга мактабга боради, синфда бирга ўтиради. Тарбия масаласини муаллимлар билан бамаслаҳат ҳал қилади. Ота-она ва мактаб бир-бирларини айбламай, болани биргаликда тарбия қилади.

«Ким айбдор?» масаласидаги талашув азалдан мавжуд. Йигирманчи асрнинг сўнгги ўн йиллигидаги жавоблар баҳсида «телевидение» деган фикр тобора кенгроқ ўрин ола бошлаган эди. Телевидение ва видео шарқона тарбия, одоб билан чиқиша олмай қолди. Франциялик ёзувчи Мопассан беҳаё воқеаларни тасвир этиши билан олам аро машҳур бўлган. Ҳиндистонлик улуғ адиб Рабиндранат Тҳакур: «Ишқилиб, менинг халқимга Мопассан етиб келмасин», деб умид қилган экан. Тҳакур миллатига хос одоб покизалигини сақлаш қайғусида шундай деган. Ҳинд киноларида севишганларнинг ўпишишларини кўрсатмаслик шу одоб талаби асосидадир. Не ажабки, айна шу Ҳиндистондаги яширин киностудиялар ишлаб чиқараётган беҳаё фильмлар дунёда етакчи ўринларда ҳисобланади. Бугунги ўсмир ёшларга Отеллонинг рашкли муҳаббати бегона, Отабек ва Кумушнинг тақдирини йиғлаб ўқимайдилар. Уларда сурур (романтика) йўқми ёки қаҳри қаттиқ бўлиб ўсяптиларми? Ғарб кинолари сел каби ёғдираётган «Эркин муҳаббат» «ғоя»си, яъни истаган кишиси билан ит сингари кўшилиб кетавериш одати одамийлик одобидан голиб келяптими?

Россия телевидениесида машғум фожиа ҳақида хабар бериб, бунда ғарб кинолари айбланди. Маълум бўлишича, ўн олти ёшли ўсмир уйига сал кечроқ келганида онаси ва акалари томонидан танбеҳ эшитади. Бу танбеҳ унга ёқмай, ошхонадан болта кўтариб чиқиб, онаси билан акаларини совуққонлик билан чопиб ташлайди. Кўрқиб кетган укасига пул бериб, бувисиникига жўнатади. Ўзи эса хотиржам ҳолда кўчага чиқиб, пивохонога боради. Мен унинг жавобларини эшитиб, ҳайратга тушдим. У ўзини айбдор ҳис қилмади, аксинча, ўз эркини ҳимоя қилган эмиш. Назаримда, фақат руҳий касалга мубтало одамгина ўз онасини чопиб ташлаши мумкин. Бу ўсмирда руҳий хасталик аломати сезилмади. Суҳбатлашаётган мухбирнинг таъкидлашича, йигитча зулм, қотилликлар акс эттирилган бир фильмни саксон олти марта кўрган экан. Мухбирнинг фикрича, айнан шу кинофильмларнинг ғояси болани совуққон қилиб қўйган ва оқибатда онасини чопаёт-

ганда қўли қалтирамаган. Мухбирнинг хулосасига эътироз билдирмайман. Бироқ бир саволни ўртага ташлаб, фикрлашга даъват қиламан: телевидение йўқ пайтида, бемаъни кинолар ишланмаган даврларда ҳам жинойтлар бўлиб турарди. Бунга нима деймиз?

Бу саволга жавоб топгунингизга қадар диққатингизни бошқа ҳолатга тортаман: 50-60 йил муқаддам нимадандир норози бўлган ёки ғазабланган 4-5 ёшли гўдак катталарни қўрқитиш учун «Ҳозир тош олиб отаман», дерди. Ёки дастурхон устидаги қошиқни отмоқчи бўларди. Бугунги гўдак нима дейди, эътибор берасизми? «Қилич олиб, қорнингни ёраман», дейди. «Нега бунақа деяпсан?» деб ажаблансангиз, «Телевизордаги кинода шунақа қилди-ку?» дейди. Корея, Япония ёки Хитой тарихидан ҳикоя қилувчи киносериялар катталар учун зарарсиз кўринса-да, ундаги жанг саҳналари гўдакларнинг онгига салбий таъсир қилади. Аввало пичоқ, ханжар, қилич, болта каби қуроллар билан душманидан ўч олишни ўрганади. Қолаверса, кечаси тушида ҳам шу манзараларни кўриб, қўрқиб чиқади, оқибатда асаб касалига йўлиқиши ҳам мумкин.

Энди бу рақамларга диққат қилайлик: ҳозир кўп оилалар Россия телевидениесидаги сериалларни тўхтовсиз равишда томоша қилишади. Беҳаё саҳналар, одамларнинг тинмай ароқ ичиб, сигарет чекишларини айтмай, мени Россия телевидениесининг бир соатлик кўрсатувларида 4-5 зўравонлик саҳнаси мавжудлиги ташвишга солади. Демак, ёнингизда ўтирган ўсмир фарзандингиз ёки гўдак набирангиз онгига ўша зўравонлик саҳнаси сингиб қолади. «Ҳаётда шундай яшаш ҳузурли экан», деган тушунча билан яшай бошласа, келажакда ундан ҳар қандай қабиҳликни кутса бўлади. Европадаги болалар 18 ёшга етгунларига қадар кинофильмларда 18 минг қотиллик, 200 минг зўравонликни кўрадилар. Аввалари кинофильмларни кинотеатрларда томоша қилишарди, кейин телевизорда, сўнг видеода, энди кафтдек келадиган телефонларида истаган жойларида кўравердилар. Бу борада уларга тўсиқ йўқ. Шунинг учун ҳам Европадаги оғир жинойтларнинг 20 фоизи кинофильмларда кўрилган томошалар таъсири остида амалга оширилгани аниқланган. АҚШда эса ўсмирлар орасидаги жинойтларнинг 68 фоизи кинотомошаларга тақлидан амалга оширилган экан. Европада, АҚШда коллеж ёки мактабга қурол билан келиб, тенгдошлари ва муаллимларини бераҳмларча отиб ташлаётган болалар бу зулмни қаерда ўрганганлар? Катталарнинг кинофильмларини қўя турайлик, гўдаклар учун ишланган мультфильмларда ҳам бир соатлик томошада 26 зўравонлик саҳнаси мавжуд экан, ўсмирларнинг ёвузликларидан ажабланмаса ҳам бўлади. Бу мисоллар бизга тааллуқли эмас, деб хотиржам бўлиш лоқайдликни туғдиради. Катталарнинг лоқайдлиги эса ўсмирлар рўпарасида турган жинойт эшикларини ланг очиб, ўзига мафтун этади.

АҚШ ёки Европадаги ёмонликлар бизда йўқми? Худога шукр, йўқ деб ўйлайлик. Лекин ўшандай жинойтлар тоғлар, уммонларни осонлик билан ошиб ўтиб, бизга ҳам етиб келиши мумкин эмасми?



30 йил муқаддам муаллимларидан ранжиган ўқувчи бола кечаси келиб, мактабига ўт қўйиб юборган эди. Бизда бу каби фожиалар ҳақида гапирилмайди, социологлар ҳам таҳлил қилишмаса керак. Эҳтимол, мен янглишаётгандирман. Агар сиз бундай таҳлилларнинг хулосалари билан танишсангиз, эътиборсиз бўлманг.

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **ОДАМ КАККУ ЭМАС**

Оила ва бола тарбияси ҳақида сўз кетса, мен кўпроқ танқидий оҳангда гапираман. Балки пашшадан фил ясарман? Шундай бўлса, бу менинг камчилигим. Лекин жамиятимизда битта нобоп оила бўлса ҳам, биттагина жиноятчи ўсмир бўлса ҳам биз – ота-оналар айблизмиз. Чунки тарбия бобидаги бугунги битта бемор эртага иккита бўлади, индинга тўртта, сўнг ўн олтита... Какку тухумини бошқа қушларнинг уясига қўйиб кетаркан. Боланинг дунёга келишига сабабчи бўлган, аммо тарбиясига эътибор бермаган ота ва онани камина ўша каккуга ўхшатаман.

Бир ҳамкасбимиз: «Бугун оилаларимизда насиҳатгўйлик камайиб кетган» деб жуда тўғри гапни айтди. Оила аъзолари, одатда, қайси пайтда жамулжам бўлади? Асосан, дастурхон бошида! Бу жамулжамлик кунда ўртача 30-40 дақиқа давом этади. Кечки овқат тановул қилинади, тарбияли оила бўлса, дастурхонга фотиҳа ўқилади. Одобдан йироқ бўлса, овқатини еб бўлганлар бирин-кетин индамай туриб кетаверишади. Қорин тўйгач, ота-она телевизор томоша қилади ёки ўзаро суҳбатлашади, фарзандлар эса компьютер, телефон (аниқроғи, интернет) билан андармон бўлади. Агар кундузи бола беадаблик қилиб қўйган бўлса, она томонидан отага етказилади. Ота болани қаттиқроқ койиб қўяди. Вассалом! Ҳозирги аксар оилаларда тарбия йўсини шу!

Оиладаги бола тарбиясига доир муаммолар, бошқача айтганда, жамиятнинг дарди кўпчилиқни қийнайди. Агар ўтган йилларга қарайдиган бўлсак, устозлар ҳам шу дард билан ўтишган. Шу сабабли ул азизларнинг ҳикматли сўзларини ҳамиша ёдимизда тутсак, кам бўлмаймиз.

Аввало устоз Абдулла Авлонийдан:

«Ахлоқ уламози инсонларнинг хулқларини иккига бўлмишлар: агар нафс тарбият топиб, яхши ишларни қилурга одат қилса, яхшиликга тавсиф бўлуб «яхши хулқ», агар тарбиятсиз ўсуб, ёмон ишлайдурган бўлуб кетса, ёмонликга тавсиф бўлуб «ёмон хулқ» деб аталур. Жаноби Ҳақ инсонларнинг асл хилқатда истеъдод ва қобилиятли, яхши ила ёмонни, фойда ила зарарни, оқ ила қорани айирадурган қилуб яратмишдур. Лекин бу инсондаги қобилиятни камолга еткурмак тарбия ила бўладур. «Қуш уясинда кўрганин қиладур». Инсон жавҳари қобилдур. Агар яхши тарбия топиб, бузуқ хулқлардан сақланиб, гўзал хулқларга одатлануб катта бўлса, ҳар

ким қошида мақбул, бахтиёр бир инсон бўлуб чиқар. Агар тарбият-сиз, ахлоқи бузулуб ўсса, Аллоҳдан қўрқмайдурган, шариатга амал қилмайдурган, насиҳатни қулоғига олмайдурган, ҳар хил бузуқ ишларни қиладурган, нодон, жоҳил бир расвойи олам бўлуб қолур».

«Боланинг саломати ва саодати учун яхши тарбия қилмак, танини пок тутмак, ёш вақтидан маслакини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмак, ёмон хулқлардан сақлаб ўстурмакдур. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касалига даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига «яхши хулқ» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан беруб, катта қилмак лозимдур. Зероки, «Ҳассину ахлоқикум» амри шарифи узра хулқимизни тузатмакга амр ўлинганмиз. Лекин хулқимизнинг яхши бўлишининг асосий панжаси тарбиядур. Ахлоқимиз биносининг гўзал ва чиройли бўлишига тарбиянинг зўр таъсири бордур. Баъзилар «тарбиянинг ахлоққа таъсири йўқ, инсонлар асл яратилишида қандай бўлсалар, шундай ўсарлар, табиат ўзгармас», демишлар. Лекин бу сўз тўғри эмасдур.

*Э, оталар! Жонларингиздан сучук фарзандингиз,  
Файрат айланг, ўтмасун вақт-замони тарбият.  
Мояи зилли хумодур тарбиятнинг сояси,  
Бизда анқо тухумидек йўқ ошиёни тарбият».*

«Эмди очуқ маълум бўлдики, тарбияни туғилган кундан бошламак, вужудимизни қувватландурмак, фикримизни нурландурмак, ахлоқимизни гўзалландурмак, зеҳнимизни равшанландурмак лозим экан.

«Тарбияни кимлар қилур? Қайда қилинур?» – деган савол келадур. Бу саволга: «Биринчи – уй тарбияси, она вазифасидур; иккинчи – мактаб ва мадраса тарбияси, ота, муаллим, мударрис ва ҳукумат вазифасидур», деб жавоб берсак, бир киши: «Қайси оналарни айтурсиз, билимсиз, боши паҳмоқ, қўли тўқмоқ оналарми? Ўзларида йўқ тарбияни қайдан олиб берурлар?» – дер. Мана бу сўз кишининг юрагини эзар, бағрини ёндурур. Отасига нима дерсиз, десак, «Қайси ота? Тўйчи, улоқчи, базмчи, дўмбирачи, карнайчи, сурнайчи, илм қадрини билмаган, илм учун бир пулни кўзлари қиймаган, замондан хабарсиз оталарни айтурсизми? Аввал ўзларини ўқитмак, тарбия қилмак лозимдур», – дер. Мана бу сўзни эшитгач, умид қўллари қўлтукқа урилур.

Хайр, бўлмаса, муаллим-чи десак, «Қайси муаллим? Мақсади пул, маслаги шуҳрат, юқори мактабларда ўқимаган, «усули таълим» кўрмаган муаллимларни айтурсизми? Аввал ўзлари «дорилмуаллимин»ларда ўқимақлари, сўнгра дарс бермақлари лозимдур», – дер. Ману бу сўз инсонни ҳайрат дарёсига фарқ қилур.

Мударрисларга не дерсиз десак, «Қайси мударрис? Матлаблари ош, мақсадлари чопон, дарслари беимтиҳон, ислоҳ яқинидан юрмаган мударрисларни айтурсизми? Булар ўз вазифаларини билуб,

нафсларидан кечуб, замонга мувофиқ равишда дарсларини ислоҳ қилуб, имтиҳон бирла ўқутмаклари лозимдур», – дер. Мана бу сўз ҳар кимни «ал-ислоҳ» демакка мажбур қилур...

**«Бугунги кунда жамиятимизнинг юзини қора қилувчи пасткашлар, ёмонлар, бебошлар, ўғрилар, гиёҳвандлар ва нашавандлар... кеча тарбияларига эътибор берилмаган болалардир».**

*Самоворга чиқишуб, ёшу қари чулдирашур,  
Эртадан кечгача чойни ичадур шўлдур-шўлдур.  
Ўлтуруб мақташадур отини, эшшакларини,  
Бири дер: – Йўрга, бири дер: – сеники дулдур-дулдур.  
Уйда оч ўлтурадур хотуни – эр тўкма еяр,  
Келтуруб бачча базмларга кетар пулдур-пулдур.  
Ўйнабон қарта-қимор, пулларини бой берибон,  
Том тешуб, бўгча ўгурлаб, одам ўлдур-ўлдур».*

Бу сатрларнинг ёзилганига юз йилдан ошди. Кун тартибидаги масаланинг сиртида озгина ўзгариш бор, аммо моҳият ўзгармаган. Юз йил олдин от билан эшак мақталган бўлса, ҳозир «Мерседес» билан «Лимузин» мақталади. Уларнинг фарзандлари эса бошларидаги ақл билан эмас, қўлларидаги телефонлари билан керилишади. Мударрислар эса (бугун Олий ўқув юртларининг муаллимлари деймиз) энди битта чопону битта зиёфатга қаноат қилишмайди...

Устоз Мунаввар қорининг фикрлари ҳам замондошлари ва маслакдошлари Абдулла Авлонийга ҳамоҳангдир:

«Тарбияли бола улуғларни иззат ва ҳурмат қилур. Ўзи баробариға яхши муомала қилур. Ва ўзидан кичикларга шафқат ва марҳамат қилур. Ҳар кимнинг қадрини билур. Ўзидан рози қилмоқға ҳаракат қилур. Қўлидан келганича бошқа инсонларга ёрдам берур. Инсонликга ярашган ишлардан ўзини тортмас. Ярашмаган ишларнинг (қанча фойдалик бўлса ҳам) яқинига бормас. Ўзи билмайдурғон сўзларга ва қўлидан келмайдурғон ишларга асло аралашмас. Доимо яхшини яхши, ёмонни ёмон дер. Ҳар сўзни вақтиға ва жойиға қараб сўзлар. Ҳар ишда бир фойдани кўзлар. Ўзлариға ёки бошқа инсонларға фойдаси тегмайдурғон ишларға қадам қўймас. Ҳеч кимнинг ишиға, кучиға зарар еткурмас. Тарбиясиз, ёмон болаларға қўшилмас. Ота ва онасининг, муаллим ва халфаларнинг сўзларидан чиқмас. Ҳар ишда инсофни қўлдан бермас. Бировдан бир яхшилик кўрса, эсидан чиқармас. Қўлидан келмаган ишни устиға олмас. Устиға олган хизматини қилмай қолдирмас. «Миллат» деган сўзни жонидан ортиқ суяр».

«Одобли бўлурман деган киши ҳар нарсаға иззат кўзи ила боқуб, иззат олур. Қайси иш кўзига яхши кўрунса, ул ишни қилмоқға ҳаракат қилур. Ва қай иш кўзига ёмон кўрунса, ул ишдан ўзини тортур. Бундай қилган киши, албатта, одобли бўлур».

«Кўрайлик-чи, биз, мусулмонлар, хусусан, туркистонликлар, ўз фарзандларимизга тарбия беряпмизми ёки йўқми? – устоз Абдурауф Фитрат шу саволни кун тартибига қўйиб, бу жавобни берганлар:

– Саволнинг охиридаги сўз бунга жавоб бўла олади, яъни «йўқ!» Мен буни шундай исбот қиламан: биз, туркистонликлар болаларимиздан кўра молларимизга яхшироқ қараймиз. Эшак ва қўйларимизни фарзандларимиздан ҳам кўпроқ яхши кўрамиз, деб айтмаяпман. Йўқ-йўқ, болаларимиз жонимиздан ҳам азиз. Улар назаримизда ҳаммадан суюкли ва ардоқли. Лекин бахтимизга қарши шуни эътироф қилиш лозимки, шунча муҳаббат ва меҳрга қарамасдан, эшак ва қўйларимиздан камроқ тарбиялаймиз! Менинг бу сўзларимдан ҳайрон бўлманг, сабр қилинг, даъвомни исботлайман. Фалон нарса-ни тарбиялаш, яъни уни аста-секин камолга етиштиришдир. Назаримизда, қўйнинг камоли унинг семизлиги ва соғломлигидадир. Эшакнинг камоли унинг кучи, оёқларининг бақувватлиги ва яхши юришидадир. Фараз қилинг, қўзи ёки хўтик сотиб олиб уйга келтирасиз. Диққат билан уларга қараб, бир муддатдан кейин қўйни семиртириб, эшакни бақувват ва йўрға қиласиз, яъни уларни тарбиялаб, камолга етиштирасиз. Аммо азиз фарзандларингизга шундай диққат билан тарбия бермайсиз. Баҳона қиласизки, болангиз ҳам камолга етишган. Эътироз билдиришингиз мумкинки, биз молларимизни боқишга қанча уринсак, фарзандимиз тарбиясига улардан юз баробар кўпроқ ҳаракат қиламиз, деб.

Бу даъвоингиз маълум бўлса-да, аммо тўғри эмас. Далил шулким, кимнинг уйида моли бўлса, текширса кўрадики, йил давомида унинг молларидан биттаси ҳам касал бўлмаган, аммо фарзанди ҳеч бўлмаса, уч марта хасталикка чалинган. Бас, маълум бўладики, у киши молининг касал бўлмаслигига кўпроқ эътибор берар экан. Сўзингиз тўғри бўлса ҳам, менинг даъвоимга ҳеч зарари йўқ, чунки боланинг соғлиғига эътибор бериш ҳам фарзанд тарбияси билан шуғулланишни билдирмайди. Ҳақиқатдан, агар одам қўй ва эшакка ўхшаб камол топиши, соғлиқ, билакларининг кучлилиги билан чегараланиб қолганида эди, биз ҳам фарзанд соғлиғи учун бўлган ҳаракатни, фарзанд тарбияси деб атардик. Тану тўшли ва соғлом болани камолга етишган деб қабул қилардик.

Одамнинг камоли фақат соғлиқ ва кучдан иборат бўлмай, балки **жисмонан, ақлан ва ахлоқан юксалишдан** иборат. Одамнинг жисми, ақли ва ахлоқи турли касаллик ва нуқсонлардан узоқ бўлиши лозим. Одам ҳам ўз манфаатини ўйлаб, ҳам яқинларини бахтиёр қилишга қодир бўлиб ўсиши лозим. Зотан, бу мантиқий олишувларга нима ҳожат бор?»

**«Болалар ахлоқий тарбияни муҳитдан оладилар, бошқача қилиб айтганда, болалар сувга ўхшайдилар, сув идишнинг шаклини олганидек, болалар ҳам муҳитнинг одоб-ахлоқини қабул қиладилар».**

«Тарбия уч қисмдан иборат: бадан тарбияси, ақлий тарбия ва ахлоқ тарбияси».

Ана энди биз ҳам фарзандларини тарбия қилаётган ота-оналарга савол берайлик: қайси тарбияга кўпроқ эътибор беряпсиз? Ўғил-қизингиз тонготарда туриб, бадантарбия билан шуғулланадими?

Ўғил-қизингиз мактабда уйга берилган вазифаларни вақтида бажариш баробаринда маънавий оламини бойитадиган китобларни ҳам ўқийдимми? Салом беришни, одамларни қадрлашни ўрганадимми?

Энди бу саволни сал ўзгачароқ тарзда берайлик: ўзингиз бадан-тарбия билан шуғулланасизми? Фарзандингизни эрталаб уйғотиб, бадантарбияга даъват қиласизми? Ўзингиз китоб ўқийсизми? Ўқисангиз «баракалла!» – деймиз-да, яна бир савол берамиз: ўқиган китоблардан олган маъноларингизни фарзандларингиз билан баҳам кўрасизми? Ўзингиз кўшниларингиз, ҳамкасбларингизни ҳурмат қиласизми? Силаи раҳм талабларини бажарасизми? Эрингизга итоатлимисиз, кўп гап қайтармайсизми? Хотинингизни беҳаё сўзлар билан сўкмайсизми, урмайсизми? Ота-онангиз билан бошқа-бошқа уйда яшасангиз, ул азизларни ҳафтада неча бор йўқлайсиз? Қабристонда ётган яқинларингизни ойда неча бор зиёрат қиласиз, зиёратга фарзандларингизни олиб борасизми?..

Агар шу каби саволлар билан ота-оналарга чиндан ҳам мурожаат қилсагу, улар чин юракдан рост жавоб берсалар, 60 – 70 фоиз салбий жавоб олишимизга ишонаман.

Бир-биримизни дуо қилсак, албатта «фарзандларингизнинг роҳатини кўринг», деган ниятни ҳам айтамиз. Ҳар бир ота ва она боласи туғилган дақиқасидан бошлаб, унинг улғайишини, камол топишини умид қилади. Боланинг камолга етиши, унинг роҳатини кўриш фақат дуо билан бўлмайди. Келажақда роҳат кўрмоқ учун бугун тарбия заҳматини чекиш керак. Ҳа, «заҳмат» деб бекорга айтмадим. Тарбия осон иш эмас. Унинг ҳар кунлик машаққати бор. Болага ҳар он, ҳар соат даф қилувчи ёмон хулқ ўқларига ота-она кўкракларини қалқон қилишлари керак. Бунга чидаган ота ва она эртага унинг камолини кўради.

Болалар қамоқхонасида ҳозир вояга етмаган мингта маҳкум ўтирибди, деб тахмин қилсак, унинг бу жойга тушишига фақат ўзининг гуноҳи сабабчи эмас. Унинг гуноҳида мингта ота, мингта она (агар ҳаёт бўлишса, мингта бобо ва мингта буви), мингта амма ва мингта хола, мингта амаки ва мингта тоғанинг, «битта болага етти кўшни ота-она» деган мақолга кўра, мингларча кўшнининг улуши бор. Агар амма-холалар, тоға-амакилар уч-тўрттадан бўлса, бу рақам янада ошади. Демак, мингта боланинг қамоқда азобланиб ётишига камида ўн мингларча одамнинг айби бор.

Бола уйида эканида кимдан нималарни ўрганади? Тарбиянинг асосий юки ота зиммасида. Демак, ота ишдан кейин ёки дам олиш кунларида неча соат вақтини болаларига ажратади? Тасаввуримизда бир осма тарози ясайлик-да, бир палласига боласи учун ажратган вақтни, иккинчисига улфатчилик, ошхўрлик, тўй базмлари... ни кўяйлик. Баъзи оталарнинг 4-5 улфатлари бор. Демак, ҳафтада 4-5 кун уйга келганида болалари ухлаб ётган бўлади. Бу ҳам етмагандай, ҳозир аёлларимиз орасида ҳам «гап» аталмиш зиёфатлар урф бўляпти. Шу ота-оналар фарзандларининг келажақдаги бахтини қандай тасаввур қилар эканлар? Боласи қамоққа тушганида

(Аллоҳ асрасин!) чойхонада совурган вақтини эслаб афсусланармикан? Ишдан барвақт келса-да, ёнбошлаб телевизор кўрувчи ота ёки она билан уйга кеч келганларнинг айби бир хилдир. Болаларга вақт ажратиш дегани – улар билан суҳбатлашиш, бирга китоб ўқиш, бирга дарс тайёрлаш, донишмандларнинг ҳикматларини айтиб бериш... киради. Ҳар бир ота ва она фарзандини севишини, лозим бўлса фарзанди учун жонини фидо қилишини айтади. Бу баландпарвозлик эмас, мен уларнинг гапларига ишонаман. Бобур мирзо жонларини Ҳумоюн мирзога садақа қилганлари каби, бугунги ота-оналар орасида бемор фарзандига кўзи, буйраги ёки жигарини бераётганлар бор. Иккинчи Жаҳон уруши пайтида концлагердаги сафда турган хотин «Қизингизни олинг, кўтаравериб кўлим толиб кетди», деб бағрига босиб турган гўдакни ёнидаги хотинга беради. Аслида қиз уники. Гап шундаки, сафдаги ҳар иккинчи аёл газ камерасига – ўлимга ҳайдалади. Она қизининг ҳаётини сақлаб, ўзи ўлим сари юради...

Шуларни мисол қилганим ҳолда, фарзандининг тарбиясига лоқайд ота ва оналарга дейманки, болангизга жонингизни беришга тайёр эканингиз таҳсинга лойиқ жасорат, лекин сиз бугун жасорат кўрсатинг: **болангизга жонингизни эмас, ҳар куни озгина-озгина вақтингизни беринг.**

Отанинг тарбияси туфайли фарзанд илмнинг қайсидир соҳасида даҳо бўлиши мумкин, лекин фақат онагина уни яхши одам қилиб тарбиялай олади. Бунга XVII асрда яшаган французларнинг буюк олими Блез Паскал ҳаёти мисол бўла олади. Уч ёшида онасидан айрилган болани отаси тарбия қилган. Ҳаддан ташқари талабчанлик ва қатъийлик билан ўқитган. Китобларни шунчаки ўқиш, тенгламаларни шунчаки ёдлашни эмас, ўқиб-фикрлашни, таҳлил этиб, хулоса чиқаришни талаб қилган. Фарзандини улўф олим бўлишини истаган эди, тилаги тўлиқ амалга ошди. Паскал 39 йиллик ҳаёти давомида дунёга буюк математик, физик, диний файласуф ва ёзувчи сифатида танилди. Албатта, ота ўғлининг ютуқларидан қувонган. Лекин Паскал ўзини ҳеч қачон бахтли ҳисобламаган. Тинимсиз ўқиш, ўрганиш, изланиш унинг саломатлигига салбий таъсир қилган.

Европалик мутахассисларга тақдид қилиб, шаҳардаги тўрт мактабда кичик бир тадқиқот ўтказдим. «Адангизга ўхшашни хоҳлайсизми?» деган саволга 2-синф ўқувчиларининг 87 фоизи «Ҳа, хоҳлайман», деб жавоб берди. Юқори синфларда аҳвол ўзгарди: 7-синф ўқувчиларининг 53 фоизи, 8-синф ўқувчиларининг 45 фоизи оталарига ўхшашни исташар экан. Бу рақамларга бефарқ қараш мумкинми?! Мутахассисларнинг кузатишлари натижасига кўра, оталарнинг учдан икки қисми фарзандининг дарс тайёрлашига ёрдам бермайди, бирга китоб ўқимайди, бирга кинофильм кўрмайди, табиийки, муҳокама ҳам қилмайди. Бола ўзини қийнаган ҳаётини масалани ҳал этиш учун онасига, бобоси ва бувисига, ҳатто кўчадаги танишларига муурожаат қилиши мумкин,

лекин камдан-кам ҳолларда отасидан мадад сўрайди. Отаси бор ҳолда отасиздек яшаш боланинг руҳиятига салбий таъсир кўрса-тади. Бола қайсар, беҳаловат равишда улғаяди. Бола билан бир-га яшаш бир том остида ҳаёт кечирish эмас, балки ота ва бола қалбларининг бирлигидир.

«Нима учун болалар тарбияси билан оналар, аёл тарбиячилар шуғулланадиган бўлиб қолишди. Оталар қани? Эрлар қани?» деб ҳайқиргим келади.

«Болалар – келажагимиз» деган шиорни тез-тез такрорлаб тура-миз. Бу тўғри гап. Лекин болалар орасидаги жиноятчилик ҳақида сўз кетганда бу шиорни сал ўзгартириб: «Болалар бизнинг кела-жакдаги қувончимиз ёки кўз ёшларимиздир», десак ҳам бўлади. Ривожланган мамлакатлардаги аҳволга назар ташласак, бугун болалар ўртасидаги жиноятларнинг 60 фоизини ўғрилиқ, 8-9 фо-изини босқинчилик, 7 фоизини безорилиқ ташкил этади. Жиноят-ларнинг 65 фоизи якка ҳолда эмас, балки жиноий тўда томонидан содир этиляпти. Авваллари тўда ожиз, кўпи билан 2-3 кишидан иборат бўлган ва содир этилган 1-2 жиноятдан сўнг тарқаб кетган. Кейинги чорак асрда ўсмирларнинг жиноий тўдаларга бирлаши-ши кучайди, худди катталар каби қуролланишди, гиёҳвандликка берилишди. Аввал ўғирлик билан кифояланган тўдаларнинг жино-ятлари янада ваҳшийлашди, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлиб кетишди. Пул ёки кийим-кечак ўғирлаш билан кифояланишмай, энди тилла, қурол, афюн учун одам ўлдиришдан ҳам тоймайдиган бўлишди. Ўсмирларнинг катталар жиноий гуруҳига кириб бориш-лари ҳам фаоллашди. Айрим мамлакатларда ўсмирлар орасидаги жиноятчилик катталар ўртасидаги жиноятчиликдан 2-2,5 маро-таба тезроқ ўзиб кета бошлади. Ёш жиноятчиларнинг жинсига эътиборни қаратсак, 10 фоизи қизлар, 90 фоизи ўғил болалардир. Ўсмирлар орасида рецидивистлар сони ҳам ошяпти. То 18 ёшга киргунича икки ҳатто учинчи марта қамалаётганлар оз эмас. Энг хавотирлиси – ўсмирларнинг жиноят олами тобора ёшариб боряп-ти. 14 ёшга етмаган болаларнинг жиноят оламига кириб келиши ҳар қандай жамият учун ғоят хатарли ҳолдир.

Жиноятга кириб келувчи болалар ва ўсмирлар тенгдошларидан қайси иллатлари билан фарқ қиладилар?

Ўқишга қизиқишнинг сўниши; жамиятдаги муаммоларга бе-фарқлик; жамоат ишларидан четда қолиш ва бунинг оқибатида жи-ноий тўдага яқинлашиш; кўпчилик бўлиб майхўрлик, гиёҳвандлик қилиш; китоб ва газета-журнал ўқимаслик; маъно олиш учун эмас, бекорчи вақтни тўлдириш учун саёз мазмунли кинофильмларни кўриш; вақтни безорилар даврасида бетартиб ва мақсадсиз ўтка-зиш... Мақсад, маслак, бурч, виждон ҳақидаги тушунчалар ода-мийлик камолоти эмас, балки жиноят олами талаблари асосида шаклланади.

Болалар ва ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг ўсиши ҳақида гапирганда бир нарсани назардан четда қолдирмаслик керак: дунё

бўйича, хусусан, мамлакатимизда ҳам аҳоли сони йилдан йилга ўсиб борапти. Демак, болалар ва ўсмирлар ёшидагилар ҳам кўпайяпти. Шунга қараб жиноятлар сони ҳам ошяпти. Шунинг учун «2000 йилда мингта жиноят содир этилганди, бугун бир ярим мингтага етди», деб аҳволга баҳо беришимиз унча тўғри эмас. Шунинг учун «2000 йилда 4 миллион бола ўқувчи ёшида эди, бугун уларнинг сони 6 миллиондан ошган», деб фоизни шунга қараб чиқарсак аниқроқ бўлади. Бу томондан республикамизда яхши томонга илгарилаш бор. Лекин дунё миқёсидаги, айниқса, МДХ давлатларидаги аҳволга мурожаат қилсак, аҳоли сони, хусусан, болалар ва ўсмирлар сонига нисбатан жиноятлар сони тезроқ ўсаётганига (6 марта тез!) гувоҳ бўламиз. Бизнинг хавотиримиз шундан. Ҳар ҳолда «Қўшнинг тинч, сен тинч» деган мақол бор. Ўсмирлар орасидаги жиноятнинг янада ваҳшийлашиб бораётгани сабабларига мурожаат қилсак, нималарни кўрамиз? Интернет, телефон, телевизорни айблайдиганларнинг фикри бир томонлама тўғри. Нега? Катталар ўз ёшлигини эсласин: айрим кинофильмлар бошланмасидан олдин «16 ёшга тўлмаганларнинг томоша қилиши мумкин эмас», деган огоҳлантирувчи ёзув чиқарди. Кинотеатрларда ёш болалар бундай фильмларга қўйилмасди. Ҳозир-чи? Интернетга бундай ёзув қўйиб бўлмайди-ку? Бола компьютерда ваҳшийлар ҳаёти билан танишадими ё порнография биланми – ота-она биладими? Интернет, телефон, телевизорни йўқ қилиб бўлмайди. Буларга ҳадеб эътироз билдираверишга вақт сарфламаслик керак. Бунинг ўрнига ота-она фарзандини назорат қилишни ўргансин. Фарзандининг эътиборини яхши китоблар ўқишга тортишга уринсин, дастурхон атрофида қизиқарли суҳбатлар уюштирсин.

Оила гурунгига ота ва она ҳар куни кўп эмас, ярим соат вақт ажратишса ҳам, олам гулистон бўлар эди. Агар бугун ёлгон гапиришнинг зарари ҳақидаги бир ривоятни биргаликда ўқиб, муҳокама қилишса, эртага ғийбатнинг гуноҳи, кейин чақимчилик балоси ҳақида, сўнг ҳалол билан ҳаромнинг фарқи ҳақида суҳбатлашишса ва бу хайрли одат йил бўйи давом этса, бола камида 350 – 400 ҳикмат билан танишади. Шунинг ярми эсида қолса ҳам, юзтасига амал қила бошласа ҳам, унинг келажагидан ташвишланмаса бўлади. Бу бизнинг хом хаёлларимиздан бири. Ҳаётимизда эса ўтган асрда ёзувчи Ромен Роллан айтган: «Дунёда ота-оналарнинг фарзандлари билан очиқ гапиришларидек кам бўладиган нарса йўқ», деган фикр ҳақиқат бўлиб турибди. Афсуски шундай!

Луқмони Ҳаким ўз ўғилларига дебдилар: «Қариндош-уруғлардан алоқангни узма, ўйлаб иш тут. Одамларни ғийбат қилма, одамлар ёмон ишга бош қўшса, сен уларга қўшилма. Шошилиб иш тутма, бойлик деб ўзингни ғам-қайғуга ташлама. Ўз қадрини билмаган одамдан яхшилик умид қилма. Ўтиришларда ўз жойингни бил, одамларнинг сўзларига қулоқ сол, одамлар сўраса гапир, ўзингдан улуғлар олдига тушиб юрма, одамлар ичида бошингни қуйи солиб ўтирма, ўнгу чапга қарайверма, меҳмонлар олдида бировга



ўшқирма, меҳмонга эса иш буюрма. Маст ва девона одамлар билан ҳамсуҳбат бўлма. Бекорчи одамлар билан кўчада ўтирма. Ўз фойдангни ўйлаб, обрўйингни тўкма. Ўзига бино қўювчи такаббурлардан бўлма. Хусуматдан узоқ бўл, сенга иш буюрсалар бажар, ваъда қилсанг, албатта уддасидан чиқ. Ҳеч кимни ранжитма...»

Асрлар оралаб бизга етиб келган бу насиҳатни эслашдан мурод: қай биримиз ўз фарзандимизга шу каби насиҳатлар қиламиз? Насиҳатгўй ота ва оналарга шарафлар бўлсин! Бошқаларга-чи? Фарзандларига насиҳат қилиш учун уларга нима етишмайди? Вақтми ё фаросатми?

«Болани ўз ҳолига қўйиб эмин-эркин ўстирган маъқулми ёки мудом тергаб, қаттиққўллик билан вояга етказган дурустми?» деган саволни кўп эшитаман. Боғбон ниҳолни ўтқазганидан кейин «Олма пиш – оғзимга туш», деб пойлаб ўтирмаслигини ҳамма билади. Лекин дарахт экканларнинг ҳаммаси ҳам уни парвариш қилиш илмини билавермайди. Баъзилар вақтида сув қўйиб туриш билан чекланади. Новдаларнинг қандай ўсиши уларни қизиқтирмайди ёки шакл бериш илмини билишмайди. Ҳолбуки, боғбончиликда нотўғри ўсаётган новдаларни кесиб, шакл бериш муҳим ҳисобланади. Ҳамонки, ота ва онани боғбонга, болани ниҳолга ўхшатар эканмиз, тарбияни шакл беришга қиёслашимиз тўғри бўлар?

Болаларнинг аъзойи бадани ва руҳияти Аллоҳнинг илоҳий мўъжизаси ила яралади. Лекин одам боласи қандай яралган бўлса, шундайлигича қолмайди. Танаси катталашгани сайин ақли ҳам тўлишиб боради. Ота-она боласи туғилганда қандай бўлса, шундайлигича қолишидан қониқмайди. Уларнинг тарбияси ва ўқиши ҳақида ғамхўрлик қилади, токи яхши янада яхшилансин, ёмон эса ўзгариб, яхши бўлсин. «Дунёда куртак пайтиданоқ мукаммалликка эришадиган ҳеч бир нарса йўқ, аксинча, ҳар қандай ҳодисада ҳам аввало оддийгина ҳадикли умидлар, сўнгра эса шак-шубҳасиз тўла қиёфа намоён бўлади» – II асрда яшаган Рим адиби Апулейнинг бу ҳикматига XVI асрда яшаган инглиз олими Френсис Бэконнинг бу гапи ҳамоҳангдир: «Табиат ҳар бир одам замирига донли бошоқ ёинки бегона ўт уруғини ташлайди; шунинг учун ўз вақтида биринчисини парваришлас, иккинчисини қийратмоқ лозим».

Болага эркинлик бериш керакми ё йўқми, деган муаммо баҳсталаб, узоқ асрлардан буён дониш аҳлини ўйлантириб келади. Бирлари болани ўз ҳолига қўйиб эмин-эркин ўстирган маъқул, деб ўргатадилар, бошқалари эса мудом тергаб, қаттиққўллик билан вояга етказган дурустлигини таъкидлайдилар. Донишмандлар шу тарзда иккига бўлингач, ота ва оналар, мураббийлар нима қилишсин? Шубҳасиз, улар орасида ҳам бу борада баҳс мавжуд. **«Ортиқча қаттиққўллик ва ҳаддан зиёда шафқатлилик бўлади: буларнинг ҳар иккаласидан ҳам бирдек қочиш керак»** – назаримда, тарбиядаги энг тўғри йўл шу. Яъни, вақтида эркалаб, вақтида қаттиққўллик керак. Буни балки юракни операция қилаётган жароҳнинг маҳоратига ўхшатсак бўлар.

Болани бутунлай ўз ҳолига қўйиш, ҳар бир яхши иши учун тақдирлайвериш ярамайди. Агар шундай қилинса, бу талтайтиришнинг оқибатида улар ўзларига бино қўя бошлайдилар ва уларда сал нарсага ўзларини тарозига солиш фикри кучайиб боради. Аксинча бўлса-чи? Эркинлик ҳавоси бутунлай тўсиб қўйилса-чи? Боланинг сазасини ўлдиравериш ва барча ҳаракатлари, ўй-фикрларини тинимсиз йўлга солавериш уни ҳаётга яроқсиз қилиб боришини назардан четда қолдирмаслигимиз керак.

Японияда узоқ йил ишлаб келган одамдан «Японлар болаларини қайси усулда жазолашади?» деб сўралганида «Японларда болани жазолаш, деган гап йўқ», деб жавоб қайтарган эди. Худди шунга ўхшаш, яҳудийларнинг тарбиясида ҳам болалар қаттиқ жазоланмайди, балки ҳар томондан авайлаб-асралади. Уларда фарзанд илоҳий мўъжиза сифатида улуғланади. Биз бирон танишимиз ёки меҳмонга боламизни таништирсак, «Ўғлингиз азамат йигит бўлиб қолибди-ку», деган лутфига жавобан: «азамат-ку, лекин сал ялқовроқ-да (ёки сал аҳмоқроқ-да)», деймиз. Яҳудийларда бунақасини учратмайсиз. Улар болаларини фақат мақтайдилар. Зеҳни паст бўлса ҳам, «Менинг болам шундай ақлики...» деб алқайдилар. Биз эса ҳалиги «сал аҳмоқроқ-да» деган гапимизни боламизнинг ўзига эшиттириб айтамыз ва бу билан ундаги яхшилик уруғларини қуритишга хизмат қилиб қўйганимизни (ўзимиз ақлимиз-да!) фаҳхламаймиз.

Японларнинг машҳур созанда-тарбиячиси доктор Сузуки бир қишлоқдаги мусиқа мактабига борганида у ердаги устозлар қобилиятсиз боладан шикоят қилишади. Шунда Сузуки боланинг рўпарасига ўтириб, «Менга ўзинг ёқтирадиган куйни чалиб бер», дейди. Бола уқувсизлик билан чалади. Устозлари «Ана, ўзингиз ҳам ишондингизми?» деб имлашади. Сузуки эса уларга эътибор бермай, болани мақтайди: «Баракалла, анча ўрганибсан. Энди шу куйни мен чаламан, сен эса диққат билан эшит», деб Сузуки куйни уч марта чалиб беради-да: «Яхшилаб тинглаган бўлсанг, энди менга ўхшаб чалишга уриниб кўр», дейди. Бола ўзига ишонмаган ҳолда чала бошлайди. Сузуки «Баракалла, анча яхши», деб олқишлаб туради. Эртасига ҳам бу машғулот шу тарзда давом эттирилади. Ҳамиша дакки эшитган, «Сендан скрипкачи чиқмайди», деган маломатлардан эзилган болада ўзига нисбатан ишонч уйғонади. Оқибатда, бир неча ой ичида мактабнинг энг маҳоратли ўқувчисига айланади. «Болаларни зўрлаб, танқид қилавериш ўрнига, мактаб-мақтаб тарбиялаш керак» – Сузуки шу усулда иш олиб боради. Ота-оналар 2-3 ёшли фарзандини етаклаб Сузуки мактабига олиб келишади. Боланинг тўполон қилмай, скрипка чалишни ўрганишини талаб қилишади, талабни бажармаса, уришишади. Сузуки эса бунга йўл қўймайди. Чунки боланинг қўлига скрипка зўрлаб тутқазилаверилса, у чолғудан безиллаб қолади. Чапиш у ёқда турсин, тинглашни ҳам истамайди. Сузуки ўқишга келган гўдакларга тўла эркинлик беради. Улар мактабда югуриб, ўйнаб кулади-

лар. Шубҳасизки, тенгдошларининг скрипка чалаётганларига ҳам эътибор қаратадилар. Қулоқларига ёқимли куйлар ҳам киради. Бугун фақат югуриб, сакраш билан банд бўлган бола эртага скрипка чалаётган тенгдошига ҳавас билан қарайди. Унинг ҳам чалгиси келади. Шу тарзда у мусиқанинг сеҳрли оламига ўз истаги билан кириб келади. Сузуки мактабига келган гўдакка узоғи билан 6 ой шундай эркинлик бериб қўяди. Шунинг учун унинг мактабидан ҳеч ким кетиб қолмайди. Айрим оналар фарзандини Сузуки қўлига топшираётиб: «Боламдан бирон нима чиқармикин?» деганда устоз «Болангиздан ҳеч нима чиқмайди», деркан. Бу гапдан ранжиган онага қараб, изоҳ бераркан: «Ҳеч нима чиқмайди, аммо болангиздан улуғ инсон чиқиши мумкин». Бир она: «Худо менга бола эмас, бало берибди. Бунинг ғалваларидан ўлар бўлсам ўлиб бўлдим», деб шикоят қилганда Сузуки: «Болангиз бинойидек. Фақат сиз уни ҳадеб тергайверасиз, бекордан бекорга уришаверасиз. Шунинг учун у доимий равишда асабий ҳолатда бўлади. Шунинг учун сал нарсага портлайди. Ҳеч бўлмаса бир-икки марта болангиз олдида хатога йўл қўйганингизни тан олинг. Шунда бола сизга ишонч билан қарайдиган бўлади», деганда она унинг маслаҳатига амал қилиб, тарбияда яхши натижага эришган экан.

Бошқа соҳаларда ҳам тарбиячи **зўрлаш, мажбурлаш** эмас, **қизиқтириш** услубида иш юритса, яхши натижаларга эришади. Қизиқтириш учун эса шу нарсага доир барча шароитлар муҳайё қилиниши лозим. Масалан, болага «Расм чизишни ўрган», деб юз марта айтгандан кўра стол устига керакли миқдорда рангли қалам ва расм дафтари қўйиш маъқул эмасми? Дарвоқе, расм чизиш масаласи. Эмаклаб юрган бола ҳам қўлига қалам тушса, аввал уни тишлаб ўйнайди, кейин акасининг чизаётганини кўрса, у ҳам шунга уринади. 2-3 ёшда эса чизишга астойдил киришади. Китоб талашини ва йиртиш, қалам талашини ва дафтарга чизиб ташлаш можароси деярли ҳар бир оилада бор. Биз мактабда ўқиётган фарзандимизга рангли қаламлар ва расм дафтар олиб берамиз, кичкинтойимизни эса негадир унутамиз. Кичкинтойнинг қўлига қалам берсак ҳам, истақлари йўлини «мумкин эмас» деган тўсиқлар билан чегаралаб ташлаймиз: «Қаламни бундай ушламайди», «Олмани сариққа эмас, қизилга бўя», «Чойнак думалоқ бўлади», «Қоғозни ғижимлама, йиртма», «Дастурхонга чизма»... Битта кичкинтой учун бу тўсиқлар кўплик қилмайдими? Боланинг қизиқишини шу каби чеклайверсак, онгининг шаклланишига халақит берган бўламиз.

Болаликни буюк илоҳий мўъжиза деб билиб, унга буюк ҳурмат-эҳтиром билан қараш лозим. Лекин болага сажда қилмаслик керак, агар шундай қилинса, улғайганида у кўп қурбон беришларини талаб қила бошлайди.

Болани ортиқча эркалатиш билан унинг эҳтиёжларини қондиришни аралаштириб юбормаслик керак. Ортиқча эркалатиш иллатни юзага чиқаради, боланинг эҳтиёжини қондириш эса, аксинча, иллатлардан асрайди. Катталар ўзларининг эҳтиёжлари

ҳақида кўп гапирадилар, янада кўпроқ нолийдилар. Болаларнинг эҳтиёжларини ўрганиш ва бу эҳтиёжларини қондириш эса эътибордан четда қолади. Масалан, отанинг барча ҳаракатлари автомашина сотиб олишга (ёки ҳашамдор тўй қилиш ҳаракатига) қаратилган. Шу ниятда туну кун тинмай ишлайди. Бола мактабда овқатланиш учун пул сўраса, бермайди, «Ана, нонга сарёғ суриб, олиб кет», дейди. Ҳаёли ўз эҳтиёжини қондиришда бўлган ота ўғлининг катта танаффус пайтида ошхонада мазза қилиб овқатланаётган ўртоқларига қараб эзилаётганини тасаввур ҳам қила олмайди.

Бир одамнинг уч ўғли бор. Фарзандларини севади ва эркалайди. Икки ёшида уч оёқли велосипед, сўнг яхшироғи, кейин янада яхшироғи. Тўнғичи 18 ёшга тўлганда автомашина соға қилган. Кенжаси 14 ёшга тўлганда унга тенгдошларининг ҳавасини келтирувчи энг яхши велосипедни олиб берган. Бола икки кунда уни пачоқ қилган. Тузатиб миниш мумкин бўлса-да, эртасигаёқ янги олиб берилган. Қаранг-ки, буниси ҳам енгилгина пачоқ бўлган. Ота «Шуни тузатиб минавер», деса бола: «Янгисини олиб бермангиз, уйдан кетиб қоламан!» деб шарт қўйибди. Бу ҳолатда болани ёмон хулқли, тантиқ деб айблашга шошилмайлик. Отанинг айбини ҳам таъкидлаб ўтирмайлик. Бу болани қандай келажак кутаётганини ҳам тасаввур этмайлик-да, вазиятни баҳолайлик: бола бу ўринда ўзининг ҳақ-ҳуқуқини талаб қиляпти. У гўдаклигидан то шу кунгача «Мен талаб қилиш ҳуқуқига эгаман, ота-онам бу талабларимни бажаришга мажбур», деган ғояда улғайган. Учинчи велосипеднинг олиб берилмаслиги назарида ҳуқуқини поймол этган ва бу адолатсизликка қарши исён эълон қилган. Бу боғбоннинг ўғли билан шаҳзоданинг шахмат ўйинини эслатади. Боғбоннинг ўғли кичкина шаҳзодага шахмат ўйинини ўргатади. Шаҳзоданинг мавқеини ҳурмат қилиб, ўзи ютқизаверади. Йиллар шу тарзда ўтади. Оқибатда, шаҳзодада «Фақат мен ютишим керак, энг зўр шахматчи менман», деган кибр пайдо бўлади. Иттифоқо, боғбоннинг ўғли ким билан ўйнаётганини унутиб, ўйинда ютиб қўяди-ю, шаҳзоданинг қаҳрига йўлиқади. Мазкур ҳикоятда боғбоннинг ўғли жазоланди. Ҳаётини воқеада эса ўсмир отасини жазоламоқчи.

Боланинг уйдан беизиши, қочиб кетишига эҳтиёжларининг қондирилмаётгани сабаб десам, фикримга қўшиларсиз? Тўғри, бу соҳада ҳам ўрта йўлни белгилаб олишимиз керак. Бола нима деса, талабини бажариш унинг эҳтиёжини қондиришга кирмайди. Балки эҳтиёжни «баланд» ва «паст» деб белгилаганимиз маъқул бўлар? Боланинг бўйнига тилла занжир, янги смартфон ёки велосипед олиб беришларини исташи баланд даражадаги эҳтиёж ва уни албатта бажариш шарт эмас. Титила бошлаган портфелини янгилаш эса паст даражадаги (буни «зарур даражадаги» дейиш ҳам мумкин) эҳтиёж ва бу иложи борича тезлик билан қондирилиши керак. Қачонки боланинг зарур эҳтиёжлари вақтида қондирилса, унда ҳиссий эҳтиёж ва таъсирланиш ривожланади. Энди у ўз ақлий эҳтиёжларини қондириш учун ҳаракат қилади. Бунинг

учун боланинг атрофини меҳр-муҳаббат бера оладиган, севиш ва дўстлашишни ўргатишга ҳаётий тажрибаси етарли одамлар ўраб туришлари керак, токи ёмон эҳтиёжлар унга даф қилмасин. Ота-оналик боланинг фақат овқат ёки кийимга бўлган эҳтиёжларини қондиришдангина иборат эмас. Ота ва онанинг бу борадаги биринчи бурчи боланинг соғлом ўсишига бўлган эҳтиёжини тўғри англаш ва қондиришдан иборат. Фарзанд гўдаклик пайтида уни шифокор кўригидан ўтказиб туриш, белгиланган дориларни топиб ичириш вазифаси мавжуд. Ўсмирлик ёшига етганида бу вазифани бажариш услуби ўзгаради. Энди дори мажбурлаб ичирилмайди, аммо вақтида ичиш назорат қилинади. Чунки ўсмирлар бир баҳона билан дори ичмаслик йўлини топишлари мумкин. Ўсмирда вужуди ва руҳиятида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашиш эҳтиёжи туғилади. Ота ва онанинг асосий эътибори энди шу эҳтиёжни қондиришга қаратилади. Бу суҳбатлар тарзида бўлиб, жинсий ривожланиш, жинсий маданият ҳақида етарли маълумотлар ва маслаҳатлар берилади ҳамда соғлиққа зарар келтирувчи турли воситалардан фойдаланишнинг оқибатлари мисоллар орқали айтилади.

Ҳар бир болада керакли билимларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж туғилганидан бошлаб, ақлий ривожланиши билан боғлиқ барча соҳаларни ўз ичига олади. Билим олишга бўлган эҳтиёжни қондириш болани мактабга юбориш, дарс тайёрлашини назорат қилиш билан чекланмайди. Бошқа болалар билан ўйнаши, мулоқотга киришиш учун зарур бўлган имкониятларнинг мавжудлиги, хусусан, китоблардан фойдалана олиш имконияти ҳам шу доирага киради. Боланинг таълим олиш жараёнида эришаётган ютуқларига қизиқиш ва рағбатлантириш ёки аксинча, камчиликлар юз берганда тушкунликка туширмаслик чораларини кўриш ҳам шу эҳтиёжни қондириш демакдир.

Боланинг моддий кўринишдаги ҳиссиётларини кўриб-билиб турамыз. Аммо хулқини ривожлантириш борасидаги эҳтиёжларини англашимиз қийинроқ бўлади. Боланинг ҳис-туйғулари унинг хатти-ҳаракатларида қай даражада кўринаётганини кузатиш жуда муҳим. Дастлаб, ота ва онанинг ёки бошқа яқин кишиларнинг иштирокидаги боланинг ҳолати, кейин эса катта бўлиб боргани сайин нотаниш кишилар олдида ўзини тута билиши эътиборда туриши керак. Бола атрофидагиларга қай даражада боғлана олади, ўзгарувчан шароитларга тез мослаша оладими, стрессга жавоби қандай бўлади, руҳий талвасага тушгудай бўлса ўзини бошқара оладими?

Эмаклай бошлаган беш болани деворию шифтлари оппоқ, тўшагию чойшаби ҳам оппоқ уйда, яна беш гўдакни деворларига ва шифтларига гул солинган, гулдор гиламли, гулдор чойшабли уйда тарбия қилишган. Сўнг бу ўн гўдакни катта хонага олиб чиқиб, этак томонга ялтираб турувчи ўйинчоқ қўйишган. Табиийки, гўдаклар унга интилишган. Шунда маълум бўлганки, гулдор уйда яшаган болаларнинг ақлий қобилиятлари ўсиши оппоқ хонадаги болалардан

анча фарқ қилган. Улар ўйинчоқ сари биринчи бўлиб интилишган, ҳаракатлари ҳам анча тез бўлган. Бундан аён бўладики, атрофмуҳит бола онгининг ўсишига сезиларли таъсир ўтказди.

Биз гўдақларимиз ҳеч нимани билмайди, ҳеч нимани тушунмайди, деб ўйлаймиз, ҳолбуки, улар идрокли вужуддир. Бола улғайиб боргани сайин ўз ҳаётидаги эҳтиёжлар, қийинчиликлар ва тўсиқларни яхши билади. Бу ўринда унга нисбатан золимона амру фармонлар, мажбурий тартиб-интизом, ишончсиз назорат эмас, балки ширин муомалали мураса, тажрибага ишонч, ҳамкорлик, аҳил яшаш кўпроқ қўл келади. Болага «Сен ёмонсан, сен аҳмоқсан!» дейиш керак эмас, бунинг ўрнига «Сен ҳали кичкинасан, шунинг учун ҳали кўп нарсаларга тушунмайсан, улғайганингда шу қилган ишининг ёмонлигини ўзинг англаб етасан», дейиш керак.

2-3 ёшдаги бола шоколад ейишни истайди, аммо бунга етишиш осон эмаслигини, тўсиқлар борлигини билади, энг муҳими – бу тўсиқларни қандай енгишни ҳам билади. Унинг фарёди ёлгон эканини билиб турсак ҳам, таслим бўламиз. Агар болага шу тарзда ён бераверсак, у бизга ҳукмдор бўлади; ҳатто уни итоат эттириш учун ҳам, дақиқа сайин айтганига кўнишимизга тўғри келади. Болани бахтли қиламан деб, уни гўдақликдан эркалатиб-талтайтириб юбориш ақлдан эмас. «Қизни эркалатсанг – эрнингга (*номусинга*) тепар, ўғилни эркалатсанг – бурнингга тепар», деган мақолни унутмаганимиз яхши.

Бемаъниларча кўнгилчан бўлиш ҳам ҳаддан ташқари қаттиққўл бўлиш сингари ақлсизлик ҳисобланади. Майли, бола шўхлик ҳам, тўполон ҳам қилсин, фақат бу шўхлиги ва тўполони зарарли бўлмасин, жисмоний ва ахлоқий ҳаёсизликка айланиб кетмасин; майли, бу шўхлиги ва тўполони беихтиёр, ўйланмай қилинган бўлсин, аммо аҳмоқона ва бемаъни бўлмасин, бинобарин, аслида руҳсизлик ва жонсизликдан ёмони йўқ.

Фарзандимизнинг жисмоний камолоти жараёни ҳамиша кўз олдимизда бўлса-да, бу ҳолатга унча аҳамият бермаймиз. Қариндошларимиздан бири келиб, «тўрт-беш ойда ўғлингиз бўйга ҳам ўсибди, тўлишибди ҳам», дегач, ўзгаришга диққат қиламиз. Ёки пойабзали оёғини сиқса, ўсаётганини сезамиз. «Жисмоний камолот» ёки «Жисмоний ривожланиш» дейилганда мутахассислар тили билан айтилганда, антропометрик ва биометрик кўрсаткичлар назарда тутилади. Бу содда тилга кўчирилса, боланинг бўйи, тана оғирлиги, қўл мушак кучи, кўкрак қафаси айланаси, ўпканинг ҳаётий сифими каби кўрсаткичларни ўз ичига олади. Тадқиқотлар 1-синф ўқувчиларининг ўртача оғирлиги 10,9 килограммга (қизларники – 9,2); 2-синф ўқувчилариники – 13,0 (10,3); 3-синф ўқувчилариники – 16,1 (15,1); 4-синф ўқувчилариники – 16,8 (15,3) килограммга эгаллигини кўрсатган. Шунга яраша болада ақлий камолот жараёни ҳам тўхтамайди. Фақат ота ва она бу жараёни дуруст кузата олмайди. Натижада, беш ёшли ўғлини қандай эркаласа, бола 10 ёшга етганида ҳам шундай талтайтиради.

«Болага талабчан бўлиш шарт», деган фикрни «Болани эркалатиш керак эмас», деган маънода тушунмаслик зарур. Болани вақтида ва меъёрида эркалаб туриш яхши фазилат саналади. Ҳазрати Умар бир муътабар одамни шаҳар ҳокими этиб тайинламоқчи бўдилар. Котиб фармонни ёзишга киришган онда бир гўдак кириб амиралмуслиминнинг тиззаларига чиқиб, ўтириб олди. Халифа болакайни ўпиб эркаладилар.

Ҳокимликка тайинланаётган киши буни кўриб:

– Бу гўдак ўз ўғлингизми? – деб сўради.

– Йўқ, бу бир камбағалнинг фарзанди. Ота-онаси вафот этган. Болани ўз тарбиямга олганман, – дедилар ҳазрати Умар.

У киши халифанинг мулойим қалбли, шафқатли, марҳаматли эканликларига ажабланиб деди:

– Менинг ўнта фарзандим бор. Мен ўз болаларимни эркалаб ўпмайман. Болаларим мени кўришганда зириллаб туришади. Ота шундай бўлиши керак эмасми?

Халифа бу сўзларни эшитиб, ёзилган фармонни олиб, йиртиб ташладилар-да дедилар:

– Бу одамни ҳоким этиб тайинлашни истамайман. Ўз фарзандларига тошкўнгил бўлган одам халққа қандай манфаат етказиши мумкин?

Афсуслар бўлсинки, орамизда «Бола отадан қўрқиб, зириллаб туриши керак», деган нотўғри қоидага риоя қилувчилар ҳам топилади. Агар умр бўйи болаларини шундай тутишга интилган одам вафот этса, фарзандлари «Қутулганимизга шукр», дейишмасмикин?

Абу Ҳурайра айтадилар: «Расулуллоҳ бир куни набиралари имом Ҳусайнни ўпдилар. Бу вақт ҳузурларида Ақраъ ибн Ҳобис ўтирган эдилар. У киши: «Менинг ўнта болам бор, улардан биттасини ҳам мен ўпган эмасман», дедилар. Жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.) унга қарадилар-да, дедилар: «Марҳаматли бўлмаган кишига Аллоҳ таоло ҳам марҳамат назари билан қарамайди».

Бугун ўз фарзандларига меҳр беролмаганлар қариганларида хорлансалар, бошқалардан ўпкаланмасликлари керак бўлади.

Табиатан шундайки, боласини суйишни товуқ ҳам билади. Шундай экан, ота ва она фарзандини яхши тарбиялай олиши қобилият ва кенг ҳаётий билимларни талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк иш эканини ҳис этмоғи лозимдир.

«Аксар оилаларда ота-онанинг фарзандлар олдида жанжаллашиши, сўкиниши, қарғаши, айниқса кимларнидир ғийбат, иғво қилиши каби иллатли ҳолатларни кузатамиз. Бола етти ёшида шундай бўлган, 20 ёшга тўлганида ҳам аҳвол ўзгармаган. Бу борада қандай иш тутиш керак?» – деган саволга ҳам дуч келиб тураман. Бунинг жавоби ҳам осон, ҳам мушкул. Осони шуки, биринчи галда ота-оналарни тарбия қилиш керак. «Дарё чучук – ариқ чучук, дарё аччиқ – ариқ аччиқ», «Игна қаёққа юрса, ип ҳам шу ёққа юрар», «Бешиқда теккан, кафанда кетар», деган мақолларимиз бор. Абулқосим Фирдавсийнинг байтлари бу борада ибратлидир:

*Табиб ўзи касалманд бўлса агар,  
Бемор дардин ошириб, дилни яралар.*

Шайх Саъдий ҳазратларининг ҳикматлари бу мавзудаги суҳбатимизга узукка ёқут кўз қўйгандек бўлар:

«Ҳаммомда менга бир сиқим тупроқ – гил бердилар. Гил гул каби ёқимли ҳид таратди. Мен ажабланиб гилга дедим:

– Эй гил, сен гулмисан ё анбармисан? Гулдек ҳид таратишинг мени маст қилди.

Гил деди:

– Эй Саъдий!.. Гул ҳам, анбар ҳам эмасман. Балки тупроқларнинг да энг хокисориман. Лекин мен гул билан ошно бўлдим. Шу гулнинг хушбўй ҳиди кўксимга ёйилди. Мендаги ёқимли ҳид ўша гулнинг ҳидидир. Йўқса, мен оддий бир гил – тупроқман холос...

Шайх ҳазратнинг бу ҳикоятлари бир ибрат дарси бўлиб, гўё бизларга хитоб қияптиларки:

– Эй инсон!.. Фарзанд гўзал феъл-атворли кишилар оиласида униб-ўсса, ота ва онасининг гўзал феъллари унга таъсир этади. Оқибатда фарзанд ҳам улар каби гўзал хулқли бўлади. Гул ҳиди гилга таъсир қилгани каби, ота ва онанинг гўзал ахлоқи ҳам фарзандига таъсир этади ва ҳақиқий инсон бўлиб етишади. Яхши оилада тарбия топмоқ – мушк-анбар дўконида ўтирмоққа ўхшайди. Киши бу дўконда ҳеч нарса харид қилмаса ҳам, доимо фойда олади. Аввало кўнгли ёқимли ҳидлардан баҳра олиб, роҳатланади. Бадфеъл ота-она бағрида ўсган болани, темирчи дўконида ўтирмоққа қиёс қилса бўлади. Ким бу жойда ўтирса, у албатта дўконнинг нохуш ҳидидан ёки оташ учқунларидан зарар кўради.

Бугун кўп ёшлар одабийлик фазилати ва ҳайвоний иллат нима, ҳаром нима, ҳалол нима – фарқига бормай туриб оила қуришяпти. Фарзанд тарбияси ҳақида эса умуман илмлари йўқ, фаросатда ҳам оқсайдилар. Бола туғилганда суюнчи беришади, ота бўлган йигит дўстларини зиёфат қилади. Ота бўлиш энгил, оталик қилиш эса анча машаққатли эканини тасаввур ҳам қила олмайди. Тўғри, фарзандини тарбиялаши лозимлигини озми-кўпми англайди. Лекин фарзанд тарбияси катта бир идора ишини бошқаришдан ҳам мушкулроқ экани, бола тарбиясида катталарга раҳбарлик қилишдан кўра теранроқ мушоҳада, чуқурроқ донишмандлик талаб этилишини тушунмайди. Тарбия ниҳоятда машаққатли вазифа экани шундаки, мана энди ҳаммаси жой-жойига тушди, деб ўйлаб хотиржам бўлай деганингизда қарасангиз, ишлар бошқача: ҳаммаси энди бошланаётган бўлади. Юзларча одамларни атрофига тўплаб ваъз айтиш, минбарда ҳаммани оғзига қаратиш – битта болани тарбиялашдан кўра хийла энгилроқ юмуш ҳисобланади.

Болага муносабат масаласида ўз хулқи ахлоқий бўлиши учун ҳам ота ва она зарур билимларга эга бўлишлари шарт. Нодон ота ва она эса меҳру муҳаббати қанчалик кучлилигидан қатъи назар, ёмон тарбиячи бўлиб қолавериши жамият учун аччиқ ҳақиқатдир.



Ахлоқий таъсир кучи ҳар қандай кучдан устундир. Инсон ҳис-туйғулари кўпинча сўзга нисбатан намунадан кучлироқ ўт олади ёки бўшашади. Насиҳатгўйлик билан яхшиликка олиб келиш мушкул, ўрнак кўрсатиш орқали эса осонроқдир. Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида эса ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин оладиган ибрат йўқ.

Бола билан гаплашаётган, бирор нарса ўргатаётган ёхуд унга бирор иш буюраётганда уни тарбиялаяпман, деб ўйламаслик лозим. Ота ва она фарзандини гоҳи-гоҳида эмас, балки ҳаётининг ҳар сониясида тарбиялаб боради. Сўзларининг оҳангида зиғирдек ўзгаришни ҳам бола сезиб ёки ҳис этиб туради, билдириляётган фикрларидаги озгина бурилиш ҳам кўринмас йўллар билан болага етиб турадики, буни ота ва онанинг ўзи ҳам сезмай қолади. Шу боис донишмандлар деганларки: «Фикрларингизга эътибор қилинг – сўзларга айланади; сўзларингизга эътибор қилинг – муомала тарзига айланади; муомалангизга эътиборли бўлинг – одатга айланади; одатларингизга эътиборли бўлинг – феъл-атворга айланади; феъл-атворингизга диққат қилинг – тақдирингизга айланади». Болани, жуда-жуда ёқимли, аммо ишда исботланмаган қуруқ сўзлар эмас, ҳаётдан олинадиган намуна тарбиялайди.

Ота-онанинг фарзандлар олдида жанжаллашиши, сўкиниши, қарғаши, айниқса, кимларнидир ғийбат, иғво қилиши... оддий гап эмас, оиланинг фожиаси ҳам эмас, буни жамият фожиаси, деб қабул қилишимиз керак. Чунки бу шароитда улғайган боладан қайси инсоний фазилатларни талаб қиламиз? «Отаси бузуқнинг бири бузуқ, онаси бузуқнинг бари бузуқ», деган ўзбек халқ мақолини кўпчилик билса керак. Тулки пўстинини алмаштиради, лекин ота-онадан ўтган феъл-атвор асло ўзгармайди. Ота-она болани дунёга келтиргани учун эмас, уни одобли, ахлоқли қилиб вояга етказганлари учунгина олқишга сазовор бўладилар. Шу боис ҳам айтилади: «Ота-онаси ўлган одамни эмас, **одоб-ахлоқи бўлмаган одамни етим дегин**».

Аёллар эрларини «хўжайиним» деб атайдилар. Ҳар бир эркак ўзини оилада хўжайин деб ҳисоблаб керилгани ҳолда зиммасидаги асосий вазифа – тарбия билан кам шуғулланишини яна такрорлайман. Қадим замонларда Қўрқут ота айтганларидек, «Ўғил отанинг сиридир, икки кўзининг биридир». Маҳмуд Қошғарий ҳикматларига кўра, ўғил хулқда, албатта, отасига ўхшайди... Отаси аччиқ олма еса, ўғилнинг тиши қамашади.

Ёшлар оталари уларга яхши тарбия бермаганлари учунгина ҳаётда ўз йўлларини топишга қийналадилар, кўп қоқиладилар, ўзларини яхши тутмайдилар, боши берк кўчаларга кириб қолиб азобланадилар. Фарзандини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаётган одам ўғрини боқаётган бўлади. Ёшларнинг, айниқса, йигитларнинг бошларига қандай бало ёғилса, мен биринчи галда оталарни айблайман.

Муҳаммад Зеҳний ҳазратлари: «Болалар ўз оталаридан мерос қилиб оладиган уч афзал нарса бор: хушмуомалалик, одоб ва

садоқат», деганлар. Дуруст, агар отанинг олтини бўлса, боласига шу олтин тегади, яъни бор нарса мерос бўлиб қолади. Хушмуомалалик, одоб, садоқат ва бошқа одамийлик фазилатларини мерос қилиб қолдирмоғи учун отада шу маънавий бойлик камолга етган бўлиши керакми?

«Ота болаларни бино қилиш, уларни едириб-ичириш билан ўз зиммасидаги вазифанинг учдан бир қисминигина бажарган бўлади, – деган эди француз адиби Жан Жак Руссо. – У фарзандини фазилатли одамзот қаторига қўшмоғи, жамиятга эса фаол кишиларни етиштириб бермоғи керак. Шу учала қарзини узиши мумкин бўлгани ҳолда бу ишни бажармаган ҳар қандай ота айбдордир. Борди-ю, бу қарзнинг ярминигина узса, янада баттарроқ айбдор бўлади. Кимки зиммасидаги оталик бурчини бажармаса, у ота бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдир». Бу ҳикмат айтилганига асрлар ўтган бўлса-да, биз бугун маҳкама ҳукми билан оталик ҳуқуқидан маҳрум этилаётганларни кўриб турибмиз. Оталик, айниқса, оналик ҳуқуқидан маҳрум этилиш нақадар даҳшат! Бир ота ёки она ёмонлик кўчасига кириб кетган фарзандини оқ қилса, бузуқ ишларга берилиб кетгани учун ота ёки она бу шарафли номдан маҳрум этилса! Бу даҳшатлар орасида яшаш нақадар оғир!

Ота-оналар ўз болаларини серташвиш ва саховатли қалб билан севадиларки, бу нарса бола тарбиясига зарар етказди. Бошқача бир зийрак осойишта муҳаббат ҳам борки, у болаларни виждонли қилиб тарбиялайди. Ҳақиқий оталик муҳаббати худди шундай бўлади. Қоровулдан тортиб вазиргача – истаган ходимни худди шундай ёки ундан ҳам қобилиятлироғи билан алмаштириш мумкин. Яхши отани эса бошқа яхши ота билан алмаштириб бўлмайди. Битта ота юзта ўқитувчидан устун демакдир. Шу боис ҳам мактаблар кўплигига қарамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди.

Фарзандларининг бемехрлигидан шикоят қилувчилар ҳам учраб туради. Шулардан бири: «Мен отам ўлганида йиғламадим, онам ўлганида йиғламадим, ич-ичимдан эзилдим. Энди шу ёшга кириб, болаларимдан меҳр кўрмай йиғлаяпман», деди. Балки ота-онаси билан видолашаётганда йиғлаганида ва унинг изтиробларига фарзандлари гувоҳ бўлишганида ҳозир ўз қадрига йиғламасмиди...

Фарзандларидан нолийдиган одамлар оз эмас. Отанинг фарзанддан нолишига ҳаққи борми? Йўқ. Боғбон шафтоли данагини экиб, ниҳол ундирса, сўнг бошқа нав шафтолининг новдасини олиб келиб, пайванд қилса, сўнг парваришласа-ю, у дарахт ширин эмас, аччиқ ёки нордон мева тугса. Бунга дарахт айбли бўладими ёки ўша мевами? Боғбон қандай данак эккан эди, аниқ билармиди? Қандай новда улади, сувдан вақтида хабар олиб турдими, кераксиз новдачаларни кесиб қўйдими, дарахт барглари офтоб нуридан етарли баҳра олдимми?

Фарзанд отанинг пушти камаридан дунёга келган бўлса, уни ўзи тарбия қилгани ҳолда яна ўзи нолиса? Илмий жиҳатдан, ирсият қонунлари нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ота-онанинг

феъли, табиати фарзандига ўтажагини айтиб эдим. Меҳрибон одамдан бемеҳр бола туғилмайди. Тўғри, кейинчалик атроф-муҳит бола онгига, хулқига таъсир қилади. Лекин ота-она ана шу таъсирни ҳам бошқаришлари шарт. Агар ота ўз ота-онаси, ака-укалари, опа-сингилларига меҳрибон, ширинсўз бўлса, уларнинг қадрига етса ва буни боласи кўриб, билиб турса, бу фарзандга ортиқча гапнинг ҳожати йўқ.

Ота фарзандидан нолишдан олдин «Ўзим фарзанд бўлиб ота-онамга қандай ҳунарлар кўрсатган эдим?» деб ўйлаб кўрсин. Балки ота-онасига кўрсатган қилиқлари энди фарзанди воситаси билан ўзига қайтаётгандир? Балки орадан йиллар ўтиб, ҳаёт кўзгусида ўзини ўзи кўраётгандир?

Кўшиқчи синглимизнинг телемухбир билан қилган суҳбатлари кишини таажжубга солди. Синглимиз санъат чўққисини кўзлаб, шаҳарга келибди. Эри билан ажрашибди. Уч ёшли фарзанди қишлоқда, онаси тарбиясида экан. «Уйга борсам, болам мени танимайди», деб кулди. (Ақлли она бундай ҳолда йиғлаши керакмасми?) Устоз кўшиқчи опасидан «Оиламни нима қилай?» деб сўраб, «Сен санъатни ўйла», деган «доно» насиҳатни қулоққа олибди.

Ҳеч ким «Аввало она бўлинг!», демабди.

Ҳозир «Уйга борсам болам танимайди», деб куляпти.

Кейин-чи, йиллар ўтиб йиғламасмикин?

Икки туяқуш оила қуриб, кўпайиш илинжида тухум қўяркан-у, оғирлиги туфайли уни синдириб, кейин фиғон чекаркан. Охири улар доно туяқушдан маслаҳат олмоқ учун неча куну неча тун йўл босиб, саҳронинг нариги четига бориб:

– Бизга ёрдам беринг, биздан ҳам насл қолсин, – деб ялинишибди.

Уларнинг изтиробларини тинглаган доно туяқуш:

– Насл қолдириш учун фақат истак-хоҳишнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу осон иш эмас, машаққатни енгишингиз лозим бўлади, – дебди.

– Қандай машаққатлигини айтинг, биз ҳаммасига тайёрмиз, – дейишибди икки туяқуш.

– Ундай бўлса, диққат билан тингланг-у, ёдингизга муҳрланг: насл қолдиришнинг энг муҳим шартини – юрак тафтидир. Қўйган тухумингизга фақат юрагингизнинг ҳароратигина жон бера олади. Шунинг учун унга энг қадрли, энг азиз нарсадай муносабатда бўлинг ва эҳтиётланг.

Эр-хотин туяқуш бу маслаҳатга амал қилишибди. Тухум қўйилгач, ҳар қандай роҳатдан воз кечиб, фақат унинг учун парвона бўлишибди. Очлик, сувсизликка ҳам чидашибди. Оқибат улуғ мукофотга эришишибди – тухум ёрилиб, жажжи туяқушнинг бошчаси кўринибди...

Ашулачи синглимизга Худо овоз берибди, фарзанд ҳам берибди-ю, юрагига ҳарорат бермабди-да, аттанг...

Инсон тарбияси у туғилиши ҳаманоқ бошланади; чақалоқ ҳали гапирмайди, сўзга қулоқ солмайди, аммо ўргана бошлайди. Буни илк

тарбия деб белгиласак ҳам бўлар. Отанинг тарбиядаги бурчини озайтирмаган ҳолда айтиш мумкинки, илк тарбия ҳамма нарсадан ҳам муҳимлиги сабабли, у, шубҳасиз, аёллар гарданида бўлади. Одамзотнинг биринчи тарбиячилари оналар экани хусусида барча замонларда, барча донишмандлар иттифоқ этганлар ва **«Бизга яхши оналарни беринглар, биз яхши одамлар бўлиб етишамиз»**, деган хитоб шу яқдиллик мевасидир. «Ёмон ўғил кўп бўлса ҳам, ёмон она бўлмайди», деган Бенгал мақоли ҳам борки, бу фикр билан баҳслашиш мумкин. Оналарни қанчалик шарафламайлик, улар орасида ёмонлари ҳам борлигидан кўз юмиш мумкин эмас. Алҳол, «Қандай оналар ёмон?» деган саволга жавоб излаш мавриди эмас. «Фарзандига яхши тарбия бера олмайдиган она ёмондир», деб гапни қисқа қиламанда, аввалроқ тилга олганим какку қушининг қилиғини эслатаман: биларсиз, бу қуш тухум қўяди-ю, ўзи босмайди. Чумчуқсимон қушлардан бирининг уясидаги тухумларни тушириб юбориб, ўрнига ўзининг тухумларини жойлаштиради. Қуш бечора бегона тухумларни босиб, бола очади. Энди какку болаларининг қилиғини қаранг: юрак ҳароратини бериб, бола очган қушнинг ҳақиқий болаларини бирма-бир уядан тушириб юборишади. Бечора қуш ўз болаларидан айрилганини фаҳм этмай, какку болаларини боқиб, учирма қилади. Табиат каккуни шу тарзда яратган, уни айблашга ҳаққимиз йўқ. Аммо бу қилиғини ёмон деб ҳисоблаймиз. Болаларининг жиш қушчаларни тириклайин тушириб юбориши эса бизнинг назаримизда ваҳшийликдир. Табиат қонунлари нуқтаи назаридан қарасак, ҳаммаси ўз ўрнида. Қушларни-ку, айблашга ҳаққимиз йўқ экан. Лекин ҳаётда каккуга ўхшаган оналарни ҳам учратмаймизми? Гап туғиб ташлаб кетувчи виждонсизлар ҳақида эмас, балки туғиб тарбия қилмайдиган оналар хусусидадир. Қизчасини қишлоқдаги онасига ташлаб, ўзини шаҳарда санъатга бағишлаган қўшиқчи хонимни каккуга ўхшатсак ранжимасмикинлар?

**«Бола – лой, она – кулол»**, деганларидек, чиройли ҳайкалча ясаб, унга ҳаёт бахш этмоқлик яхши; аммо ёш ақлни улғайтириш, ёш қалбни ўзига хос шакллантириб, унда одамийлик фазилатларини жонлантириш янаям яхшидир. Дастлабки пайтларда бола учун она тарбияси ҳамма нарсадан муҳимроқдир. Бинобарин, ахлоқ болага туйғу сифатида сингдириб юборилмоғи керак. Ўз фарзандларини бахтли қилишга интилувчи меҳрибон она кўп ҳолларда ўзининг тор қарашлари, калтабин мўлжаллари, кераксиз гамхўрлик ва меҳрибонликлари билан уларнинг қўл-оёқларини боғлаб қўяди. Фарзандларини ўта ясантириб қўйиш ва уларни эркалатиб юбориш яхши самара бермаганидек, болаларни турли-туман ширинликлару сақичлар билан тўхтовсиз равишда сийлаган билан улардан соғлом кишилар етиштириб бўлмаслигини англаган одам маънавий озиқ ҳам худди егуликка ўхшаб оддий ва тўйимли бўлмоғи кераклигини билади. Бола шоколад ёки «кола»сиз ҳам жисмонан бақувват ўсаверади, аммо онгга қувват берувчи билимга «тўймаса», маънавий заиф бўлиб қолади.

«Ташқи гўзаллик, қиёфадаги жамол – булар иккови ҳам ёқимли бўлиши керак, одамлар ўзаро учрашганларида ушбу гўзал жамолни кўришга рағбат қиладилар, – деганлар Абу Райҳон Беруний. – Лекин шакл чиройи она қорнида ато қилинади, уни ўзгартиришга ҳеч бир зот қодир эмас. Аммо хулқ-атворга келсак, уни Аллоҳнинг амрларига мувофиқ даволаб, тарбиялаб, гўзал, покиза тутиб, ёмон ҳолларга туширмаслик мумкин». Агар ота ва она номлари халқ орасида ҳурмат билан ёд этилишини истаса, оиласининг доимий роҳатини кўзласа, болаларига гўзал тарбия бермоғи, бирор ҳунар эгаси қилиб етиштирмоғи, уларнинг юриш-туришларини текшириб турмоғи шарт. Токи улар ёмон одамлардан узоқ бўлсинлар, яхшилар билан суҳбатдош бўлиб, баҳра олсинлар.

Донишмандлар дейдиларки, инсон бошида учта кулфат бор: ўлим, қариллик ва ёмон фарзандлар. Қариллик ва ўлимга ҳеч ким ўз эшигини ёпа олмайди. Бироқ ёмон фарзандлардан уйни ота-оналарнинг ўзлари асрашлари мумкин.

Бугунги ёш ота ва она билсинларки, уларга қувонч бахш этган йўрғақдаги гўдак – уларнинг кексалигидир. Яхши тарбия – уларнинг бахтли кексалигини, ёмон тарбия – бўлғуси ғам-аламлари, кўз ёшлари, бошқа одамлар олдидаги, бутун мамлакат олдидаги айблари демақдир. Шунинглаб етган ҳолда иш юритсалар, Худонинг олдида ҳам, жамият олдида ҳам юзлари ёруғ бўлажак.

Ҳаётда қора ранг ёнида албатта оқ ва бошқа гўзал ранглар мавжуд. Демокчиманки, нобоп оилалар қанчалик кўп бўлмасин, яхши, ибратли, ҳаётининг мазмунини боласи тарбиясидан иборат деб белгилаган оилалар, боласи учун вақтинигина эмас, жонини беришга тайёр ота-оналар борки, улар ҳақиқага дуолар қилайлик. Уларнинг сафлари кўпайишини Аллоҳдан сўрайлик.

## **ОЛТИНЧИ БОБ**

### **ҚЎРҚУВ БОР ЖОЙДА БАХТ ЙЎҚ**

Халқ орасида «Боланинг юраги тушиб қолибди» деган гап юради. Бунинг нималигини биласизми? Юрак қанақасига тушиб қолиши мумкин?

Кимнингдир боласи кеча оқшомда тили бийронгина эди. Тонгда турганда дудуқлана бошлади ёки бутунлай тилдан қолди. Шубҳасизки, ота ва она врачга югуради. Врач «Болангизни қўрқитмадингизми?» деб сўраганида ота-она «йўқ» дейди. Чиндан ҳам кеча оқшомда қўрқитишмаган эди. Лекин ундан олдин-чи? Ўзлари билмаган ҳолда болани гўдаклик чоғиданоқ қўрқитиб келишганини англашлари қийин. Агар икки ёшли боласи овқатини емай инжиқлик қилаётганида «Ҳозир ажинага бериб юбораман», деганини эслатсангиз, «Шунга шунчаликми!» деб айбига иқрор бўла қолмайди.

Дунёда тирик жон борки, ҳаммаси нимадандир қўрқади. Ҳайвон қўрқувини дарров ошкор этиб, ҳимояга шайланади. Одам,

айниқса катта ёшда қўрқувини яширишга интилади. Гўдак эса дарров йиғлайди. Қўрқувга мубтало бўлган киши фақат қочишдан нажот излайди. Шайх Саъдий дейдиларки:

*Ҳар кимки сендин қўрқувда бўлса,  
Ундан тинчлик кутиб, бўлмагил гофил.  
Чаён санчар экан одамга нишин,  
Кўпинча қўрқувдан санчар, яхши бил.*

Қўрқиш, қўрқитиш энг ёмон иллатлардан саналгани учун до-ниш аҳли неча-неча асрлардан бери бу ҳақда фикрлаб, бизларга кўплаб ҳикматларни мерос қилиб қолдирган. Болаларни тарбия қилишдан олдин қўрқув асида нима эканини, ўзимизнинг нима-лардан қўрқишимизни ва бу қўрқувларни қандай қилиб енгаётга-нимизни ўйлаб кўрайлик. Кейин эса азиз фарзандларимизни қай ҳолда ва қандай қўрқитаётганимизни ҳам ақл чиғириғидан ўт-казиб кўрайлик. Бу борада ҳар биримизга асқотар деган ниятда ўт-миш ҳикматларидан айримларини эътиборингизга ҳавола этаман. Бу ҳикматларни бир марта ўқиш билан чекланманг. Қайта-қайта ўқинг, уқинг ва фикрланг. Бу ҳикматлар аввалига турли манбалар-да, масалан, Абулқосим Замахшарий ва Жалолиддин Румий, Арасту ҳақим ва Суқрот ҳақим, Бальзак ва Шекспир каби улуғларнинг ки-тобларида баён қилинган. Мен уларни битта-битталаб ўқиб, кунда-лик дафтаримга кўчириб олганман. Агар сиз ҳам кўчириб олишга кунт қилсангиз, янада яхши. Марҳамат, танишинг:

«Бераҳмлиқ ва қўрқув яккаш бир-бирини қўллайди».

«Виждоннинг буюк қудрати бор: гуноҳсизни ҳар қандай қўрқувдан фориф этган ҳолда ва гуноҳкорнинг тасавбурида у ўзи лойиқ бўлган ҳамма жазоларни муттасил тиклагани ҳолда икковини ҳам баравар ҳаяжонга солиб туради».

«Қайси жамиятда порахўрлик кенг тарқалса, ўша жамиятда қўрқув ва ҳузурсизлик ҳукм суради».

«Улар бу дунёга шунчалар алданганларки, барча нарсалар-нинг тарк бўлишини билганлари ҳолда, талон-тарождан жуда қўрқадилар. Ҳолбуки, яланғоч кишининг ўзини ўғрилар талон-та-рож қилишидан қўрқиши ажаб ғалати ишдир. Инсон бу дунёга яланғоч ҳолда келиб, яланғоч ҳолда кетади. Аҳвол шундай бўла ту-риб, улар ўғриларнинг номини ҳатто эшитмай туриб, юраклари така-пука бўлади. Ўлим онлари етганда бойликлари ўзлариники эмаслигини тушунадилар. Афсуски, вақт бой берилган бу пайтда надоматлардан заррача наф йўқ. Кўзлари очиқлигида уларнинг бойликларидан ажраб қолиш ваҳимаси этагига тошчалар тўплаб ўзини бой ҳисоблаётган ва бу «бойлигини» йўқотиб қўйишдан чў-чиётган болаларнинг нодонларча қўрқуви кабидир. Агар шу тош-чалардан бир нечтасини боладан олиб қўйсангиз, у алам билан йиғлай бошлайди. Қайтариб берсангиз, бағоят севинади. Бола-ни бу қилиғи учун ҳеч ким айбламайди. Бироқ уларга ўхшаган аҳмоқлар эса дунёнинг ўткинчи сарватини ўзининг мол-мулки деб

билгани учун бу ёлғончи бойликдан ажралиб қолишдан ўлгудек қўрқадилар».

«Қўрқувларнинг умидларингизни таъқиб этишига йўл қўйманг».

«Қўрқув ва нодонлик доимо кишилар камчиликларининг сабаби бўлган».

«Ҳаддан ошган ғазаб қўрқув туғдирар».

«Қўрқувга мубтало бўлган киши фақат қочошдан нажот излайди».

«Қўрқув нималигини билмай, ўлимга мардона тик борган одамни мард деса бўлади».

«Қўрқув хушомадгўйликни вужудга келтиради».

«Энг тубан туйғулар ичидаги энг тубани – қўрқув».

«Қўрқув ноҳақликнинг доимий йўлдошидир».

«Қўрқоқлар бир неча маротаба ўлади, жасурлар эса бир марта».

«Доимо қўрқиб юргандан кўра, даҳшатли ўлим яхши».

«Қўрқоқлик кучайганда қаттиққўлликка ўтади».

«Одамларни қўрқитишни истаганлар айна пайтда ўз қўрқоқликларини намоён этадилар».

«Инсонларни мағлубиятга олиб борадиган дунёдаги энг ёмон нарса – қўрқув».

«Қўрқувга қул бўлиш – энг ёмон қуллик».

«Қўрқув эртанинг ташвишини йўқ қила олмайди, бугуннинг имкониятидан воз кечади, холос».

«Инсонлар қарзлари ва масъулиятлари ўрнига эга бўлган бойликлари ҳақида ўйласалар эди, чўчишдан воз кечган бўлишарди».

«Қўрқув ақллиларни тентак, кучлиларни ожиз қилади».

«Қўрқоқни ҳар қандай фирибгар ҳам хўрлайди».

«Йўқотишдан қўрқмаган пайтинг ютуқларга эришасан».

«Қўрқоқ одам ўтмас пичоққа ўхшайди».

«Қўрқув ичида яшаган одам асло озод эмас».

«Қўрқувни енга олганимиздагина яшашни бошлаймиз».

«Қўрқоқ – таҳликага тушиб, оёқлари билан фикр юритадиган одам».

«Қуёнюррак одам таҳликадан қўрқади, қўрқоқ воқеалар содир бўлаётган пайтда, жасур инсон эса воқеалар тутагандан кейин қўрқади».

«Қанчалик кам қўрқсак, шунча оз таҳликада юрамиз».

«Жасорат олға юриш, қўрқув эса ортда қолиш билан кучаяди».

«Қўрқоқ одамнинг омади ҳам келмайди».

«Қўрқув қобилиятлилар олдига сим тўсиқ тортади».

«Қўрқув бор жойда мантиққа ўрин қолмайди».

«Соялардан асло қўрқманг. Булар яқин жойда бир нур борлигидан далолатдир».

«Бошқаларни қўрқитадиган одамнинг ўзи ҳам қўрқув ичида яшайди».

«Қўрқув туйғуси, ҳойнаҳой, инсон табиатига хос барча асабий сезгилар ичидаги энг оғирроғи бўлса керак».

«Доимо даҳшатда титраб турсанг, ҳеч қачон бахтли яшолмайсан».

«Кўрқиш инсон туйғулари ичидаги энг азоблисидир».

«Кўрқув – иллатлар макони».

«Кўрқиш хавфи хавфнинг ўзидан минг чандон кўрқинчлидир».

«Кўрқидан ҳам кўрқинчлироқ нарса йўқ».

«Кўрқоқлик шунинг учун ҳам ғоятда зарарлики, у иродани фойдали ишлардан четга тортади».

«Хаста вужуд аъзоларининг бари бўшашганидек, кўрқоқ юракда ҳам ғайрат сўнади».

«Кўрқоқ бошқа ҳар қандай одамдан хавфлидир, ундан кўпроқ кўрқиш керак».

«Кўрқоқлик – ожизлар қисмати. Ким журъатли ва тутган иши виждонига монанд бўлса, у ўз эътиқодини умрининг охиригача ҳимоя қила олади».

«Кўрқув гоҳ оёққа қанот беради, гоҳ уни ерга михлаб қўяди».

«Кўрқоқлик – раҳмсизликнинг боши».

«Кимки азобдан кўрқса, у энди кўрқувдан азоб чекади».

«Кимки табиатан кўрқоқ бўлса, ўзи бирон-бир жасорат кўрсатиши у ёқда турсин, ҳатто ўртоқларини ҳам ваҳимага солади».

«Бир марта кўрқоқлик қилган одам келаси сафар ҳам қилади».

«Кўрқувни енгиш – одамнинг энг биринчи вазифаси. Тиззалари қалтираб турса, ҳаракатлари қулларча давом этаверади».

«Одамнинг одамлиги кўрқувни қай даражада енгишидан билинади».

«Кўрқоқ мард бўламан деб кўкрагига муштлагани беҳуда; мардлик унда аввалдан бўлиши керак ва мардлар билан мулоқотда фақат уни мустаҳкамлаш зарур».

«Кўрқувимизнинг ярми ҳеч бир асоссиз, ярми эса расмана уятлидир».

«Ҳодисанинг ҳақиқий аҳамиятини ошириш кўрқувга хос хусусиятдир».

«Ҳар қандай ғам-алам ҳам унинг олдида кўрқидан оғир эмас».

«Кўрқув ирода ожизлигидан келиб чиқади».

«Кўрқмай яшаш керак. Кўрқоққа доим қўш кўринади, мард одамга эса ҳар қандай оғир иш ҳам осон туюлади».

«Кўрқоқлар! Сизларнинг ҳаётингиз учун бошқа дўстларнинг бошлари кетса-ю, бу қандай ҳаёт бўлди?!»

«Кўрқоқнинг тирик қолиши ўлгандан ёмон».

«Хавф-хатар чоғида оёғи билан ўйлайдиган киши кўрқоқдир».

«Бизнинг бебурд асримизда кўрқоқлик, эҳтимол, энг олий истеъдод, энг олий фазилат бўлса керак».

«Ёвдан кўрқиб, қочиб қолган одам ҳам бир кун ўлади. Лекин унга гўр топилмайди».

Боболаримиз ва момоларимиз тилидан ёзиб олинган мақолларни ўрганиб, болаларимизга айтиб турсак, фойдадан ҳоли бўлмас:

\* Ит кўрқоқни талар. \* Қочоққа шафқат йўқ, кўрқоққа ҳурмат.\*  
Қуён ўз кўланкасидан ҳам кўрқар. \* Кўрқдинг – тутилдинг,  
кўрқмадинг – қутулдинг. \* Кўрқиш – енгилишнинг чораги. \* Доимо



Ўлимдан қўрқиб юрадиган киши тириклар орасидаги ўликдир. \* Қўрқоққа ҳам ҳокимият керак, ҳам шуҳрат. \* Қўрқоқ олдин мушт кўтарар. \* Қўрқоқ итнинг думи қизиқ. \* Қўрқоқ кўзидан маълум. \* Қўрқоқ ўлмасидан олдин ўлар, ўликдан нима кутиб бўлар. \* Қўрқоқ – қўрқоққа ўртоқ. \* Қўрқоқ қўрғон ололмас. \* Қўрқоқда уят бўлмас. \* Қўрқоқни ажал қувлар. \* Қўрқоқнинг бошидан мушт кетмас. \* Қўрқоқнинг кўзи катта, аҳмоқнинг – сўзи. \* Қўрқоқнинг ўз қуроли ўзига ёв. \* Қўрқоқнинг қони чиққани – жони чиққани. \* Қўрқоққа ип илон бўлиб кўринар. \* Қўрқоққа кўланкаси – азроил. \* Қўрқоққа қир ҳам тор, гўр ҳам тор. \* Қўрқоққа қўй боши қўш кўринар, Қўмшоғи билан беш кўринар. \* Қўрқоққа сичқоннинг ини – минг танга. \* Қўрқсанг – айтма, айтсанг – қўрқма. \* Қўрқув ўлимдан қутқармас. \* Қўрққан ит уч кун ҳурар. \* Қўрқувнинг ўлимга фойдаси йўқ. \* Бирор нарсадан қўрққан инсон ўз устидан назорат қилишларига шароит яратади.

Агар баён этилган ҳикматлар ва мақоллар қалбингизни титратган, сизни ўйга толдирган бўлса, мавзунинг асосий қисмига ўтсак ҳам бўлади. Демак, қўрқоқлик бола бошидаги бало булутти экан. Бу булутдан кутилмаган пайтда бало дўллари ёғилиши мумкин. Ҳозир фарзандингиз ўн беш ёшдами? Келинг, 10 – 12 йил ортга қайтайлик-да, болаларнинг қўрқувга тушиш сабаблари ва уларнинг оқибатлари ҳақида фикрлашайлик.

Тасаввур қилинг, қалин ўрмонзорга тушиб қолдингиз. Атрофингизни дарахтлар ўраб олган, кўзингизга бир неча сўқмоқ ташланади-ю, бироқ қайси бири кенгликка олиб чиқишини билмайсиз. Болани ўраб турган муҳитни ҳаёт ўрмонзори дейишимиз ҳам мумкин. У гангиб турибди. Ўзига ишонмайди. Бола нимани англамаса, тушунмаса, ўша нарсадан қўрқа бошлайди. Масалан, «тиқ» этган товушдан ҳам чўчиб тушади. Бу ақлий тарбиянинг таъсирига боғлиқ. Агар болага ўрмонзорда қуриган шохнинг синиши оқибатида «қирс» этган товуш чиқиши ва бу хатарли эмаслиги тушунтирилса, чўчиб тушмайди. Агар яшин нури ва момақалди роқ овози сабаблари англашилса, ваҳимага берилмайди. Бола инжиқлик қилиб турганда момақалди роқ гумбурласа, қўрқиб онаси бағрига интилади. Шунда «Қўрқма, осмондан ҳеч нима тушмайди», деб қайта-қайта такрорласангиз, ишонади. Аксинча, «Ана, яна бақирсанг, осмондан ажиналар тушиб, сени олиб кетади», десангиз, уни баттар ваҳима тўрига ўраб қўясиз. Бир мартагина шундай дедангиз, лекин ўша биттагина нодонлигингиз туфайли бола йиллар бўйи қўрқувда яшайди. Сиз ошхонадалигингизда момақалди роқ гумбурлаб, қаттиқ шамол туриб, бунинг устига чироқ ўчиб қолса, уйда ёлғиз ўтирган болангизнинг нечоғлик қўрқувга тушишини тасаввур этиб кўринг.

Бир оиладаги беш ёшли бола қоронғиликдан қўрқади. Ухлаш олдидан фақат ётоқxonанинг эмас, уйдаги барча чироқларнинг ёниб туришини талаб қилади. Ухлаганидан кейин чироқни ўчириб қўйишса, ярим тунда уйғониб, чириллаб йиғлайди. Она, айниқса,

ота бундан безиб, уни шифокорларга ҳам кўрсатишади. Ҳатто уйқу дори беришади. Бир куни ота ғазабига чидолмай болани уриб ташлайди. Шунда бирдан ўзининг болалиги ёдига тушади. Ўзининг ҳам қўрқоқ бўлганини эслайди. Ўшанда отаси уни урмаган эди. Балки «Ўғил болалар бекордан бекорга қўрқмайди», деб яхши гапириб, бошини силаб, ёнида ётарди. У отасининг қўлини маҳкам ушлаб ётарди. Шу тарзда ота ва ўғил қўрқувни енгган эдилар. Болалик хотираси унинг тарбия бобидаги ишларини ислоҳ қилди. Отасининг ширин гапларини фарзандига айтиб, унинг ёнида ётди. Ўша тун фарзанди қўрқув билан уйғонмади, чириллаб йиғламади.

Метрода бир воқеага дуч келган эдим: эскалаторни биринчи марта кўрган қизча унга оёқ қўйишдан қўрқиб, чиқмайман деб туриб олди. Онаси қўлидан судраган эди, баттар қўрқиб йиғлай бошлади. Бола кўпчилиكنинг орасида йиғласа, ҳеч ким ҳеч нима демаса ҳам, оналарнинг ғазаблари ошиб-тошиб кетади. Овутиш ўрнига болани силтайдилар, ҳатто савалаб ташлайдилар. Оналарнинг энг катта камчиликларидан бири айнан шу. Ҳали ҳеч бир она калтаклаш билан боласини овута олмаган. Аксинча, боланинг руҳини синдирган. Метродаги ҳолат ҳам айнан шундай эди. Гал калтакка келганида ўрта ёш бир аёл қизчага яқинлашиб, эгилди, унинг бошини силаб: «Мунча ширин қиз экансан, отинг нима?» деб сўради. Қизча кутилмаган бу меҳрибончиликдан ажабланиб, жавдираб қаради-ю индамади. Унинг ўрнига онаси «Шоҳиста», деб жавоб берди. «Вой, Шоҳистахон, отинг ҳам чиройли экан», – деди бегона аёл, кейин кўрсаткич бармоғи билан эскалаторни кўрсатиб давом этди: «Бунинг нималигини биласанми?» Қизча «билмайман» деган маънода бош чайқади. «Телевизорда кичкина қуёнчаларни кўргансан-а? Боғчангда ҳам қуёнчалар борми?» Қизча энди йиғидан тўхтаб, бош ирғади-да, тасдиқ ишорасини қилди. Аёл эса унинг бетларини силади: «Мана булар ўша қуёнчаларнинг зинапоялари. Улар ҳар куни кечқурун шу ерга келиб, зинапоялар устида сакраб-сакраб ўйнайдилар. Эрталабгача мазза қиладилар. Кеча ҳам ўйнадилар. Кейин «Бугун бу ерга Шоҳистахон келади, у ҳам мазза қилиб, сакраб-сакраб, пастга тушиб олсин, унгача биз мазза қилиб ухлаб олайлик», деб уйларига кетишди. Уларни ўзим кўрдим. Сени танишар экан. Ҳозир иккаламиз тушиб олсак, кейин қуёнчалар келишади», деб қизчанинг қўлидан ушлади. Қизча хавотир билан сал тисарилгандай бўлди-ю, лекин аёлнинг кулимсираб турган кўзларига қараб, қўрқувни енгди. Бегона хотиннинг қўлини ушлаб, эскалатор зинасига астагина оёқ қўйди. Онасига ишонмаган боланинг юрагидаги қўрқувни бегона хотин кўзларидаги меҳр нури қува олди. Ақлли оналар учун мана шу воқеа ибрат бўлиши лозим.

Бир болакай йўлбарсдан қўрқарди. Ўрнига ётиши билан тасавуридаги йўлбарс келиб, унга ҳамла қилишга шайланиб, наъра тортарди. Бундан хабар топган ота «Йўлбарс уйма-уй юрмайди, ҳайвонот боғидаги қафасда ўтиради», деб ишонтиришга ҳаракат қилади-да, чироқни ўчириб, ўз ётоғига кириб кетади. Бола-

кай йўлбарснинг қафасда ўтиришини билади, ҳайвонот боғида ўзи кўрган. Отаси гапираётганида тасаввуридаги йўлбарс ҳам қафасда ўтирган бўлади. Отаси чиқиб кетиб, ўзи ёлғиз қолгач, йўлбарс қафасни бузиб чиқиб, яна унинг рўпарасида наъра торта бошлайди. Ўғлини овутиганига ишонч ҳосил қилган нодон ота эса роҳатланиб ухлайверади.

Боладаги кўрқув ҳисси ўзи берган саволларда ва сизнинг жавобингизни англашида кўринади. Бола икки ёшга қадар «Бу нима?» ёки «Бу ким?» деган саволларни кўп беради. Унинг мақсади рўпарасидаги одам ёки буюм билан фақат танишиш эмас, унга ўша буюм, одам ёки ҳайвон хатарлими ё йўқми – билиш жуда муҳим. Янги олиб келган дазмолнингиз аввалгисига ўхшамайди, «Бу нима?» сўрайди. Тушунтирасиз ва «Ушласанг, қўлинг куяди», деб огоҳлантирасиз. Бола дазмолни ушлаб кўрмагунча, қўли куймагунча гапингизга ишонмайди. Гўдак уйга келган нотаниш одамга чўчиб қарайди. Сиз: «Бу амакинг яхши», деб таништирсангиз, «яхши амаки» шоколад билан сийласа ҳам, хавотир билан қарайверади. Боланинг кўрқувдан қутулиши, «яхши амаки»нинг чиндан яхшилигига ишониши учун вақт керак, меҳмоннинг шоколади эмас, ширин муомаласи керак. Агар у баланд овозда гапирса, боланинг юрагига ваҳима оралайди.

Бола уч ёшга етганда унинг саволлари ҳам ўзгаради: «Қаерда?», «Қаёққа?», «Қаёқдан?», «Қачон?» деб сўрайверади. Энди у чуқур-чуқурда, узоқ-узоқда, орқада, бурчақда ёки жавон ортида, диван тагида, томда хатар борми-йўқми – билишни истайди. «Чуқурда илонлар бор», «Тўполон қилаверсанг, узоқ-узоқларга кетиб қоламан», «Диван тагида динозавр бор»... дейишингиздан олдин ўйлаб кўринг, болангизнинг аҳволини тасаввур этинг. Бола тўрт ёшга етганда «Нима учун?» деган саволга жавоб талаб қилади. Атрофидаги одамларнинг нима сабабдан бундай ҳаракат қилаётганига тушунмайди («Адам нима учун сизга бақирдилар?»), мультфильм қаҳрамонларининг ҳаракатини англамайди («Динозавр нима учун айиқни еб қўйди?»). Диққат қилинг: «Нима учун?» шунчаки оддий савол эмас, унинг замирига кўрқув ва хавотир яширинган. Кўрқув ўладими ё куч оладими – бу сизнинг жавобингизга боғлиқ.

Бола беш ёшдан ўтганда «Нима бўлади?» деган саволга жавоб излайди. Яъни, қиладиган ишининг оқибатини билишни истайди. «Агар тўполон қилаверсанг (опанг билан уришаверсанг, овқатингни еб олмасанг), динозаврга (бўрига) бериб юбораман», «Дорингни ичиб олмасанг, касалхонага бериб юбораман, дўхтирлар катта игнада укол қилишади»... Диққат қилинг: бу ёшда бола фақат «катта игна»дан кўрқиб билан чекланмайди. Касалхонада одам ўлишини билади. Демак, энди ўлимдан ҳам кўрқиб бошлайди. Онаси касал бўлиб қолса ҳам, «Ойижон, ўлиб қолмайсизми?» деб хавотирланади. Бир куни бошим айланиб, йиқилдим. Набирам «Опоқ дадам йиқилиб тушдилар», деб қичқириб, ёрдамга шошилади. Қўлимдан торта туриб «Энди ўлиб қоласизми?» деб ха-

вотир билан сўради. «Йўқ, ўғлим, ўлмайман, Худо хоҳласа, куёв бўлганингни кўраман», деб овутдим. Сал туриб, саволининг сабабини сўрадим. «Ўртоғимнинг бувиси йиқилиб ўлиб қолибди», деди. Бола катталарнинг, ҳатто болаларнинг турли сабаблар билан ўлиб қолишини ҳар куни телевизордаги томошалардан ҳам кўриб, билиб ўлимдан кўрқишни бошлайди. Онгида «Ҳамма ўлар экан, мен ҳам ўламанми?» деган хавотирли фикр уйғонади. Ёши улғайгани сайин бу кўрқув кучая бораверади. Боланинг «Нима бўлади?» деган саволига ақлли жавоб бериш бу кўрқувнинг олдини олади. Кичик ёшдаги болаларни қариндошларнинг жанозаларига олиб борманган маъқул. «Бобоси билан хайрлашиб олсин», деб майитнинг тепасига олиб келиш ҳам боланинг руҳиятига салбий таъсир қилади. Бобосининг эркаловчи сўзлари, кулиб турган чехраси эмас, юмуқ кўзли нурсиз юзи кўз олдига муҳрланиб қолади. Оила даврасидаги суҳбат чоғида ҳам ўлим ҳақида гапирмаслик керак.

Икки ёшли шаҳарлик бола қишлоққа борганида онасини эмаётган кучукчаларни кўради-ю, даҳшатга тушади. Унинг кўзига кучукчалар катта итни тишлаб-тишлаб ўлдираётгандай кўринади. Бу даҳшатли манзара уни яна уч йил таъқиб этади. Кечалари бақириб уйғонадиган бўлади. Ўша пайтда онаси «Кўрқма, тишламаяпти, эмяпти», деб овутгандай бўлган. Лекин болани кўрқув домидан қутқаришга бу гапнинг ўзи кифоя қилмайди. Агар «Катта ит буларнинг онаси», деб кучукчалардан бирини ёки иккитасини олиб, силаб-сийпаб, эркалаганда кучукчаларнинг ваҳший эмаслигига ишонтира олган бўларди.

Ақли заифроқ болада кўрқув бўлмайди. Қўли неча бор куйса ҳам, дазмолни ушлайверади, онасини эмаётган кучукчаларни чангаллаб, қийнаб-ўйнаши ҳам мумкин. Ақли расо бола эса ўзини қизиқтираётган нарса ҳақида қанчалик кўп маълумот олса, ундаги кўрқув камайиб боради. Агар катталарнинг тушунтиришларидан қониқмаса, саволларига ўзи жавоб топишга интилади ва бу интилиш кўпинча нотўғри хулосаларга олиб келиб, кўрқувини кучайтиради. Кўп болалар уйқуга ётишдан олдин ота ва онасидан эртак айтиб беришни талаб қилади. Айрим ота ва оналар боланинг талабини бажара олмайдилар. Бола билан бирга мультфильмларни кўрган бўлса-да, қизиқарли қилиб айтиб бера олмайди. Чунки мультфильмни қизиқишсиз кузатган, «Ўрганиб олай, ҳали боламга айтиб бераман», деган ният бўлмаган. Айрим оталар (асосан оналар) эртакни ғоят таъсирли оҳангда айтиб беришга киришиб, ҳатто чегарадан чиқиб кетганларини ўзлари ҳам сезмай қоладилар. Масалан, «Бўри қизил қалпоқчага қараб: «Сени ейман», деди» жумласини оддий оҳангда айтса ҳам бўлади. Лекин бўри ролига кириб, ириллаб, хунук овозда айтилса, боланинг юрагига кўрқув оралайди ва ўша тун даҳшатли туш кўради (Ҳамма қизиқиб томоша қиладиган АҚШ мультфильмларининг бир соатида 26 зўравонлик ва даҳшат манзараси кўрсатилишини яна бир марта эслатиб ўтай).

Болага маълумот беришнинг ҳам чегараси бўлиши керак. Боланинг ёши, ақлий ривожланиш даражаси ҳам албатта ҳисобга олинмоғи лозим. Саволига жавобан ҳаддан кўп маълумот беришга тиришиш яхши эмас. Кинофильмдаги қўрқинчли одамсимон махлуқ (бошида шохи, думи бор, сўйлоқ тишлари катта-катта) олти ёшли боланинг онгига муҳрланиб қолган бўлса, бу қўрқув уни ўн ёшида ҳам тарк этмайди. Уйда, боғчада, ҳатто синфда ёлғиз қолишдан қўрқади. Қўргани эртақ эканига тушуниб етганда ҳам қўрқув уни тарк этмайди. Қўзига қўринаверади.

Бир танишим 14 ёшли ўғлига қандайдир касаллик илашганидан шикоят қилди. Табиб ўсмирнинг томир уришларига аҳамият бериб, жисмида касаллик йўқлигини, лекин руҳида ўзгариш борлигини аниқлагач, «Ўғлингиз нимадандир қўрқиб, юраги тушибди», деди. Шунда ота бўлган воқеани айтиб берди: унинг катта ўғли хасталаниб вафот этган экан. Кичик ўғил 14 ёшга етгунига қадар акаси билан ҳамиша бирга бўлган. Аканинг вафоти ўсмир қалбини оғир яралаган, лекин дардини ҳеч кимга билдирмаган. Бир куни кечқурун ҳовлига чиққан пайтида қўйхонадаги катта қўчқор чиқиб кетган экан. Унга кўзи тушибди-ю, қўрқувдан тахтадай қотибди. Болалигида эшитган ваҳимали эртаклари ўсмирни шу аҳволга келтирган.

Чақалоқ 1-2 ойлигида илк марта сизга кулиб қараб, қўнглингизни шодлантиради. Сиз уни қайта-қайта кулдиришга интиласиз. Худди шу онда унда қўрқув ҳам уйғонганини сезасизми? Гўдак уйғонганида онасини кўрмаса, бунинг устига қорни очса, йиғлай бошлайди. Мана шу ҳолат унинг қўрқувини кўрсатади. Она бағрига босса, овунади – қўрқуви чекинади. 6 ойлик бўлганда нотаниш одамни кўриб, хавотирга тушади, лабини буради. 7-8 ойлигида онасидан ажраб қолиш хавотири кучаяди. Чақалоқ онасининг қўлида эканида ҳам бегона одамдан ҳадиксирайди, бешикда ёки беланчакда ётганида бегона одам энгашса, атрофга олазарақ қараб, ҳимоя излайди. Бегона одам қўлига олиб эркаламоқчи бўлса, талвасага тушади. Онаси келиб бағрига олганда ҳам хўрсиниб-хўрсиниб йиғлайверади, бу унинг қўрқувдан қутулмаганидан дарак беради.

Бир ёшдан ошганда қўрқув бошқача мазмун касб этади. Чақалоқда «Бу она фақат меники» деган хўжайинлик ҳисси уйғониб, энди онасини ўзгалардан қизғана бошлайди. Онасини акаси ёки опаси, бегона бола эгаллаб олишидан қўрқади. Шу тарзда ёш улғайгани сайин қўрқув турлари кўпайиб, айни ҳолда ўзгариб бораверади. 1-2 ёшли бола оқ халат кийган одамдан қўрқади. 7-8 ёшли бола томоғини кўриб қўядиган врачдан қўрқмайди, қўлига игна олган ҳамширадан қўрқади. Тиш шифокоридан эса жуда-жуда қўрқади.

Болангизнинг ёшига қараб, унинг нимадан кўп ва нимадан камроқ қўрқиши билан қизиқиб кўринг, иложи бўлса, тест усулида ёзма савол тайёрланг. Масалан, «Нималардан қўрқишингни айт-чи» деб, бу саволларни баён қилинг:

Уйда бир ўзинг қолганда; ўғриларнинг ҳужумидан; касал бўлиб қолишдан ёки мактабда касал юктириб олишдан; ўлиб қолишдан; ота-онанинг вафот этишидан; бегона одамлардан; ота-онанинг жазолашидан; эртақлардаги ажина, жин, шайтонлардан; динозавр каби махлуқлардан; мактабга (болалар боғчасига) кечикиб боришдан; уйқудан олдин; қўрқинчли тушдан; қоронғилиқдан; илон, чаён, бўри, ўргимчак...дан; автомашина, поезд, самолётдан; бўрон, зилзила, момақалди роқдан; баландликдан; чуқурликдан; тор хонадан; оқар сувдан; ёнғиндан; урушдан; гоят кенг майдондан; кутилмаганда жаранглайдиган ёки тарақлайдиган овозлардан...

Агар уч фарзандингизнинг нималардан қўрқишини ўргансангиз, улар орасида катта фарқларни кўрасиз. Айниқса, қизларнинг кўпроқ қўрқишини аниқлайсиз ва аканинг сингилни қўрқитиб завқланишларига чек қўясиз.

Мен бир мактаб ва боғчада мазкур ҳолат бўйича кичик тадқиқот ўтказиб, ушбу натижаларга гувоҳ бўлдим (фоиз ҳисобида): сўралган болаларнинг **уколдан** қўрқиши: ўғил болалар – 8, қизлар – 9; кичкинтойлар – 25, қизалоқлар – 31; **кутилмаган товушдан**: мактабдаги ўғил болалар – 28, қизлар – 37; кичкинтойлар – 28, қизалоқлар – 40; **транспортдан**: мактабдаги ўғил болалар – 9, қизлар – 12; кичкинтойлар – 15, қизалоқлар – 17; **оловдан**: мактабдаги ўғил болалар – 21, қизлар – 39; кичкинтойлар – 34, қизалоқлар – 49; **ёнғиндан**: мактабдаги ўғил болалар – 49, қизлар – 68; кичкинтойлар – 49, қизалоқлар – 58; **ўлимдан**: мактабдаги ўғил болалар – 55, қизлар – 60; кичкинтойлар – 47, қизалоқлар – 70; **ота-оналарининг ўлимидан**: мактабдаги ўғил болалар – 93, қизлар – 95; кичкинтойлар – 53, қизалоқлар – 61; **ҳайвонлардан**: мактабдаги ўғил болалар – 23, қизлар – 28; кичкинтойлар – 35; қизалоқлар – 48; **қўрқинчли тушдан**: мактабдаги ўғил болалар – 14, қизлар – 94; кичкинтойлар – 11, қизалоқлар – 39; **эртақ қаҳрамонларидан**: мактабдаги ўғил болалар – 4, қизлар – 6; кичкинтойлар – 40, қизалоқлар – 55.

Мана шу рақамларнинг ўзидан болаларнинг руҳиятидаги ўзгаришларни англашимиз мумкин. Агар ота-оналарининг ўлимидан қўрқишларига эътибор қилсак, боғча ёшидаги болалар ҳали ота ёки онанинг ўлими нечоғлик фожиа эканини яхши ҳис этмайдилар. 4 ёшли боланинг «Онамни қаёққа олиб кетишди?» деган саволига «Бозорга. Ҳозир қайтиб келади», деб жавоб берилса, у ишонади. Ҳатто 6-7 ёшли болалар ҳам ота-оналарининг қайтишларига умид қилишади. Ота-онанинг вафоти ўсмир ёшидаги қизлар учун таъсир этиш қийин бўлган даражада фожиа ҳисобланади. Баъзиларида ҳатто ҳаётдан совиш жараёни бошланади. Отасиз, айниқса, онасиз ҳаётда дунё кўзларига тор ва мазмунсиз, ҳатто кир, нурсиз бўлиб кўринади.

Баъзи қўрқувлар одамни умр бўйи таъқиб этиши мумкин. Гўдаклигидан сувга чўкиш хавфидан қўрққан боланинг сузишни ўрганиши қийин бўлади. Агар сузиш ўргатилмаса, у 60 ёшга етганда ҳам дарё ёки денгиз соҳилига яқинлашишдан қўрқаверади.

### БЎЙСУНМАС БОЛАЛАР

- *Ўчдан бошланган жиноят*
- *Фил бўлгиси келган бола*
- *Ёлгон – ёвузлик тимсоли*
- *Дўстлик ва хоинлик*

Халқимизда «Шўх бўлса майли-ю, шум бўлмасин», деган гап бор. Тарбияга оид илмий асарларда «тарбияси оғир болалар», «оғир болалар» деган атамаларни учратамиз. Булар русча атамаларнинг сўзма-сўз таржимаси бўлгани сабабли мен тилимизда мавжуд «бўйсунмас» иборасини маъқул кўраман. Чунки тарбия оғир бўлмайди, тарбия мезонларига бўйсунмайдиганлар бўлади. Бундайларни халқда турли ном билан атайдилар: «шум», «шумтака», «бевош», «безори», «хулиган»... («Хулиган» – англиялик бир безорининг насаби (фамилияси), ҳеч кимга сўз бермай, жанжал қилишда ном чиқарган бу йигитнинг насаби дунё бўйича атамага айланиб қолган. Авваллари безори болаларни «самарска» деб ҳам аташарди. Ўттизинчи йилларда Самара шаҳридан ёпирилиб келган очюпун болалар ўғирлик, талончилик билан шуғулланишган. Халқ шуларга ўхшаган болаларни «самарска» (самаралик) деб атаган.) Бундай болаларни шўхлик билан жиноятчи орасидаги тоифа десак ҳам бўлар. Шўхлик меъеридан ошса, шумлик бошланади, бу ҳам вақтида тўхтатилмаса, жиноят эшикларини очади. Биз «меъёр», «мезон» каби атамаларни кўп эшитамиз. Хўш, меъёр нима, унинг аниқ чегараси борми? Бошқа соҳаларда бордир, аммо хулққа доир масалаларда аниқ ўлчов йўқ. Математиклар ибораси билан айтилганда, 50 фоиздан кам ҳар қандай нарса меъёрдан паст, юқориси эса «меъерий» ҳисобланади. Араб тилидан бизга ўтган «меъёр» сўзи ўлчам ёки андозани англатади. «Мезон» ҳам деярли шундай. Фақат бу сўз «тарози» маъносига ҳам қўлланилади. Хулққа доир тушунчаларда «мезон» сўзи учраганда айнан «тарози» маъносини англаш маъқулроқ. Яъни: тарозининг бир палласида яхшилик, иккинчисида ёмонлик турибди. Палланинг «яхшилик» томони оғир келса (50 фоиздан юқори), демак, у одам фазилатли экан, илмий тилда айтсам, «ахлоқ меъёрларига» жавоб берар экан.

Болалар руҳиятига доир илм тилида «оғишган хулқ» атамаси ҳам бор. Буни «девиант (лотинчасига «оғишган» демакдир) ахлоқ» деб ҳам атайдилар. Бу ўзига хос илм ўзида психология, педагогика, психиатрияга доир тушунчаларни жамлайди. «Оғишган хулқ» руҳий касалликлар, патологик ҳолат, неврозлар, психосоматик парокандалик каби тушунчалар атрофида ўрганилади. «Оғишган хулқ»ни «бўйсунмаслик» билан аралаштирмаслик керак. Тўғри, хулқи оғишган бола ахлоқ меъёрига бўйсунмайди. Бўйсунмас бола билан хулқи оғишган боланинг жинояти сабаблари ўртасида ҳам жиддий фарқ мавжудки, бу ҳақда кейинроқ тўхталамиз.

**«Хулқи ёмон кимса йиртқич ҳайвонга қараганда минг ба-  
равар кўпроқ ёвузлик қилишга қодир».**

Табиат инсон қўлига қурол – интеллектуал ахлоқий куч-қудрат берди, лекин бу қуролни акс томонга хизмат қилдириши ҳам мумкин, бинобарин ахлоқий эътиқоди, жинсий ва дид инстинктлари паст бўлган одам энг нопок ва ваҳший кимсага айланиб қолади.

Илмий ва расмий тилда «Назоратсиз бола», «Қаровсиз бола», «Ижтимоий етимлик» ва «Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган бола» деган атамалар учрайди. «Вояга етмаганлар ўрта-сида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда бу атамаларга қуйидагича изоҳ берилган:

Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган бола; аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган бола «қаровсиз бола»дир; ижтимоий етимлик – боланинг ота-онаси, уларнинг ўрнини босувчи шахслар бўла туриб, уни назоратсиз ва қаровсиз қолдириш. Ижтимоий етимликнинг келиб чиқишига асосий сабаблардан бири – оилавий муҳит, оиладаги тарбиянинг етишмаслигидир; вояга етмаган шахснинг назоратсизлиги ёки қаровсизлиги оқибатида унинг ҳаёти, ё соғлиги учун хавф туғдирадиган ёхуд уни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган, ҳуқуқбузарлик ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этаётган бола ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаган шахс ҳисобланади.

Илмий тилда «Делинквент ахлоқ» деган атама бор, буни «аксил-ижтимоий» яъни, «Қонун меъёрларига қарши чиқувчи, ижтимоий тартиб ва атрофдаги одамлар фаровонлигига хавф солувчи ахлоқ» деб тушунамиз. Бу иллатли хулқ қонунчилик билан тақиқланган исталган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни ўз ичига олади. 5-12 ёшдаги болаларнинг бу зарарли хулқ таъсирига тушиб қолишлари ўзидан кичик ёшдаги болалар ва тенгдошларига нисбатан зўравонлик, ҳайвонларга шафқатсиз муносабат, ўғрилиқ, майда безорилиқ, мулкни бузиш, ёндириш каби шаклларда кўринади. 13 ёшдан ўтган ўсмирларда бу иллат безорилиқ, майда ўғрилиқ, ўғрилиқ, вандализм (маданий-тарихий обидаларни ваҳшийларча бузиш), жисмоний зўрлик, афюнни сотиш билан шуғулланишда кўринади.

Шахслараро муносабатларнинг тинчлигига бевосита хавф солувчи, ахлоқий маънавий меъёрларни бажаришдан қочишни руҳшунос олимлар «Ассоциал ахлоқ» доирасига киритадилар. Буни «Тажовузкор ахлоқ» десак ҳам бўлади. Бу иллат ўсмирнинг девиация (тартибсиз жинсий алоқалар, фоҳишабозлик), қиморбозлик каби ёмон йўлга киришларида, деворларга беҳаё суратлар чизиш ёки ёзувлар ёзишда, баданига тиртиқ тортиш ёки татуировка қилишда, дайдилиқ ёки боқимандаликни касб қилишларида намоён бўлади.



Булардан ташқари «Ўз-ўзини парчаловчи ахлоқ» деган тушунча ҳам бор. Олимлар «Аутодеструктив» деб юритадиган бу ахлоқ ўсмирнинг ўз ҳаётига хавф солиб туради. Бу боланинг ўз жонига қасд қилишида, кимёвий моддаларга муҳтожлигида, зарарли диний оқимларга мутаассибларча берилишларида, шунингдек, спортнинг экстремал турларига, хусусан, автомобилда тез юришга интилишида кўринади.

Баъзи болалар ҳаётни тўғри англамаганликлари сабабли жиноят оламига кириб қолса, айримлари руҳий ўзгариш таъсирида кирадилар. Биринчи тоифани «адашганлар», деб белгиласак, уларни тўғри йўлга қайтариш мумкин. Лекин руҳий ўзгариш билан бошланган жиноят йўлида ортга қайтиш жуда маҳол. Эҳтимол, дастлабки қадамларда тўхтатиш мумкин бўлар. Бунинг учун ҳар бир боланинг хатти-ҳаракатлари катталарнинг доимий назоратида бўлиши шарт. Боланинг гап-сўзида, ўйин ўйнашида, хаёл суришида ўзгариш рўй бера бошласа, дарҳол чора кўриш лозим.

Масалан, ўсмир арзимаган нарсадан ғазабланаверса ёки катталар билан баҳслашаверса, буюрилган ишдан ҳадеб бош тортаверса ёки катталар белгилаган йўлдан юришни очикчасига инкор этаверса, буни ёшдаги ўзгариш эмас, руҳдаги ўзгариш деб қабул қилган маъқул. Руҳий томондан ёмон томонга ўзгараётган бола катталарнинг жаҳлини чиқариш учун атай турли қилиқлар ва кўнгилсиз ишлар қилишни бошлайди. Хато қилаётгани айтилса, тан олмайди ва бу хато учун бошқаларни айблайди. Унинг ҳаракати ва гап-сўзларида тез ранжиш ёки ўксиниш, ғазабланиш оқибатида қасоскор руҳнинг уйғониши сезилади. Кичиклигида қўрқиб ёлғон гапирган бўлса, энди каттароқ фойда олиш ёки мажбуриятдан қочиш учун алдайди ёки ваъдасини бузади. Уйда ака-укалар, опа-сингилларнинг ўзаро талашиб-тортишувлари, жанжаллари одатий ҳол. Лекин руҳий ўзгариш жараёнида ўсмир йўқ жойдан жанжал чиқариб, муштлашишни истаб қолади. Бора-бора оддий мушт туширишдан қоникмай қолади ва кўлига тош ёки синган шиша парчаси, кейинроққа бориб, пичоқ ёки тўппонча олади. Агар руҳий ўзгариш 13 ёшга кирмай бошланган бўлса, ота-она қанчалик жаврамасин, қоронғи тушганда ҳам кўчада юраверади. Танишми ё нотаниш одам билан жанжал бошлагач, уларнинг азобдан тўлғанишидан лаззатланади. У қурбонини боғлайди, ҳар жойини тилиб-тилиб чиқади ёки куйдиради. Бу илмий тилда «садизм» дейилади. Ўғрилар тилида эса «беспредельшик» дейилиб, шафқатсизлигининг чеки-чегараси йўқ золим назарда тутилади. Шафқатсизликнинг бу даражасини у анча илгари, ҳайвонларни азоблашдан бошлайди.

Руҳий ўзгариш домига тушиб бораётган ўсмирларнинг баъзилари, айниқса, камбағалроқ оиланинг фарзандлари ўзгалар мулкига зарар келтиришдан ҳузурланишади. Қўшниларнинг машиналарини мих билан тирнашади, филдирагига пичоқ ёки бигиз санчишади, ҳатто уйларини ёқиб юборишади. Кейинги босқичда аввал қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб, кейин ёқишади. Бу жиноятлар

пинҳона тарзда қилинади. Лекин айрим ўсмирлар очикчасига ҳамла қилишади, ҳамённи юлиб олиш билан қаноатланмай, жабрдийданинг бошига уришади ёки тепкилашади. Қиз-жувонларни зўрлашади, номусига тегишади ва бу жиноятларининг оқибатидан сира қўрқишмайди.

Руҳнинг парчаланиши оқибатида жиноят оламига кириб келган ўсмирларни икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифадагилар жиноятчи гуруҳ аъзолари билан тез тил топишадилар, яъни бу оламга мослашувлари осон кечади. Жиноят содир этаётганларида руҳий-ҳиссий бузилиш белгиларини намойиш этмайдилар. Иккинчи тоифадаги ўсмирлар бошқалар билан ёмон муносабатда бўладилар. Улар душманлик, қасоскорлик руҳи билан яшайдилар.

Болада бундай ўзгаришлар бошланишининг турли сабаблари бор. Биологик омилларга бош миянинг, айниқса, пешона қисмининг лат ейиши, миянинг ички касалликлари, асаб тизимидаги кўз илғамас иллатлар киради. Биокриминология доирасида ирсиятга оид тадқиқот олиб борган олимлар бу ўзгаришларни насл билан боғлашади. Улардан бири уруш иштирокчиларининг фарзандларидаги жамиятга қарши ахлоққа мойилликни ўрганиш жараёнида шу хулосага келган. Мен бу соҳанинг мутахассиси бўлмасамда, ёвузлик ота-онадан болага ўтади, деган фикрга қўшилмайман. Мен урушдан кейин туғилганман. Қариндошларим, кўп дўстларим, танишларимнинг оталари уруш даҳшатларини кўрганлар. Агар олимларнинг хулосаси тўғри бўлса, қариндошу дўстларим ва уларнинг фарзанду набиралари руҳида ёвузлик зоҳир бўлиши мумкин эди. Худога шукрки, бундай иллат йўқ, бўлмасин ҳам. Иллатнинг ўқ илдизини бошқа омиллардан излаш керак. Бу борада австриялик психиатр ва психолог В.Франкнинг фикрлари аҳамиятлидир. У ўсмирлар руҳиятидаги ўзгаришларни эътиқод, озодлик ва масъулият туйғулари билан боғлайди. Жиноятчиликнинг келиб чиқиши эътиқодсизликдан бошланади, деган хулосасига ҳаётда мисоллар кўп.

Мазкур бобнинг сарлавҳасини «Қандай болалар жиноят йўлига кирадилар?» деб номласам ҳам бўларди. Бу саволга ҳар ким ҳар хил жавоб қайтаради. Бўйсунмас болалар фақат ўсмир ёшида эмас, балки барча ёшларда учрайди. Бўйсунмаслар кимлар? Фақат жиноятчилар ёки жиноят кўчаси томон бурилаётганларми? Булар барчалари албатта қамоқхона шўрвасини тотиб кўрадиларми? Йўқ. Бўйсунмаслик аввало нотўғри тарбиянинг ёки болага нисбатан нотўғри муносабатнинг натижаси. «Бола қалби мисоли беғубор тахта, унга ҳар қандай тасвирни осонгина чизавериш мумкин». Ҳазрат Жалолоддин Даввонийнинг бу ҳикматлари фикримни тасдиқлайди. Бир неча марта қамалган одам бўйсунмасликнинг бошланишини, юқоридаги таъбир билан айтсак, **бурилиш нуқтасини** айнан ўзига бўлган адолатсиз муносабатда кўради. Унинг айтишича, еттинчи синфда ўқиётганида муаллим уни ўғирликда айблайди. Гумон исбот этилмаса-да, кўпнинг ҳузурида

уни изза қилади. Муаллим ўз хаёлида ўқувчини шу тарзда тарбия қилган. Бу ерда ҳам нотўғри тарбия, ҳам адолатсиз муносабат бир нуқтада учрашиб, боланинг руҳиятини парчалаб ташлаган. Унинг қалбида бўйсунмаслик, ўзига хос исён туғилган. «Сен мени ўғри дедингми, ўғирлаш мана бунақа бўлади», деб ўч олмоқчи бўлган.

Болада одамийлик фазилатлари аста-секин шаклланади, аммо кутилмаганда ер билан яксон бўлиши ҳам мумкин. Мазкур воқеа болада уйғониб келаётган одамийлик фазилатларини бўғиб қўйган. Ўша бола биринчи марта қамалганида айби бўйнига қўйилган. Шубҳасиз-ки, унинг жиноят кўчаси томон бурилишига сабабчи бўлган муаллимни ҳеч ким айбламаган. Собиқ ўқувчисининг қамалганини эшитган ўша муаллим ўзини айбли ҳис қилганмикин? Йўқ. Аксинча, «Ўзи бузуқ бола эди, қамаб тўғри қилишибди», дегандир. Арасту ҳаким: «Турлича хато қилиш мумкин, аммо тўғри йўл эса битта, шу сабабли ҳам тўғри йўлдан кўра хато қилиш осон; мўлжалга тегишдан кўра тегмаслик ўнғай», деганлар. Афсуски, тарбия бобида тўғри йўлни топиш мураккаб бўлгани учун осон кўринган хато йўл танланади, оқибат эса ҳисобга олинмайди. Жан Жак Руссо таъкид этишича: «Тарбия соҳасидаги энг оғир нуқсон ҳаддан ташқари шошқалоқликдир». Биз бу нуқсонни мактаб ҳаётида тез-тез учратиб турамыз.

Ислом динига хос тарбия усулларига кўра, киши бир нотўғри иш қилса, унинг хатосини биродари албатта айтиши шарт. Лекин... кўпнинг орасида изза қилиш ёки шармандасини чиқариш йўли билан эмас, **якка ўзига, холи жойда** босиқлик билан тушунтириши керак. Совет тарбия усули буни рад этди. Кўпнинг таъсири – «коллектив» тарбияни маъқул кўрди. Ҳолбуки, кўпчилик ҳамиша ҳам тўғри хулоса чиқаравермайди. Кўпчилик ўзининг фикрига эмас, балки жамоанинг етакчи шахси гапига қарайди.

Мактабда энг кўп қўлланиладиган баҳона – «дафтарим уйда қолибди». Бир синфда шундай ҳолат юз берганида муаллим «Болалар, ўртоғингиз дарс тайёрламагани учун баҳона қилиб мени алдаётганга ўхшайди, уйига бориб дафтарини олиб келсинми?» деб сўрайди. Болалар бу таклифга юз фоиз қўшилишади. Муаллим ўша ўқувчини синфдан чиқариб, «Кетмай, шу ерда тур», деб даҳлизда қолдириб қайтади-да: «Болалар, кўчада қор ёғяпти. Совуқда ўртоғингиз қийналади. Балки сирпаниб йиқилиб тушар, балки оёғини синдириб олар, балки машина уриб кетар. Уни шу пайтда уйига юбориб тўғри қилдикми, балки мени алдамагандир, юбормасак бўларди, а?» дейди. Болалар яна бир овоздан «Тўғри, юбормаслик керак эди, чақириб келайлик», дейишади. Муаллим бу ўринда тарбиянинг яхши, ишончли усулини қўллаган. Бу ўринда болаларнинг бир-бирларига меҳр-муҳаббатлари, бир-бирларининг тақдирларига бефарқ қарамасликлари йўлидаги тарбияни ҳам кўрамыз. Ҳақиқий тарбия ҳаёт кечирини доир қоидаларни болаларга ёдлатишдан эмас, балки аниқ мисолларга асосланган амалий машғулотлардан иборатдир. Абу Наср Форобий ҳазратлари

айтганларидай: «Таълим фақат сўз ва ўргатиш билан бўлади. Тарбия эса амалий иш, тажриба билан бўлади». Ўткир найза билан бажариб бўлмайдиган ишни мўъжаз игна билан бажариш мумкин. Энг муҳими шундаки, ингичка қамишдан қалам яшаш учун нозик, ўткир пичоқ турганда, бу ишни ялтилаб турган ўткир қилич ёрдамида амалга оширишнинг ҳожати йўқ. Ҳеч бир мураббий ўзининг асосий вазифаси ўз тарбияланувчиларини ақлий меҳнатга ўргатишдан иборатлигини ва бу вазифа дарс ўқитишдан ҳам кўра муҳимроқ эканлигини унутмаслиги лозим. Болалар олами учун ва истаган ёшдагилар учун ҳам ғоятда зарур бўлган битта ахлоқий сабоқ борки, у ҳам бўлса, ҳеч кимга ёмонлик қилмасликдир. Зотан, барча кашфиётлар ичида энг гўзали яхши тарбия олган инсондир.

Тарбиянинг буюк сири ва буюк кучи ҳам шундан иборатки, у одам табиатидаги ҳар хил жиҳатларни, ҳатто нуқсонларни ҳам эзгуликка йўналтиради. Бола ҳақида ҳаққоний ва адолатли фикр юритмоқ учун катталар уни ўз оламидан юлиб олиб, ўзи билан тенг қўймаслиги, балки уларнинг руҳий оламига кириб бормоқлари зарур. Юқоридаги ҳолатда муаллим шундай йўл тутган.

Яқинда корейсларнинг бир фильмини кўриб ғоят таъсирландим. Сиз ҳам балки кўргандирсиз, биргаллашиб эслайлик: дарахтларга бурканган гўзал тоғ бағридаги кўл. Кўл ўртасида кичик оролча ва бу оролчада биттагина уй бор. Бу уйда роҳиб ўзининг 6-7 ёшлар чамасидаги шогирди билан яшайди. Роҳиб доривор гиёҳларни термоқчи бўлган шогирдига «Илонларга тегма!» деб тайинлайди. Бола устозининг айтганига қулоқ солади. Тошлар орасидан ўрмалаб чиққан илонни ушлаб, нарига отади. Устоз бола терган гиёҳларни саралаб, қайси бири шифобахш, қайси бири заҳарли эканини тушунтиради. Бола – бола-да! Ўйинқароқлик қилиб, зилол сувга тушади. Кичкина балиқни қўли билан тутиб, қорнига ип боғлайди, ипнинг бир учига эса тошчани тугади. Сўнг тошчани судраб биланглаётган балиқчанинг ҳаракатини кузатиб, ўз ишидан қувониб, ҳузурланиб кулади. Устоз эса ўзини панага олиб, уни кузатади. Бола энди қурбақани тутуди-да, унинг ҳам қорнига ип боғлаб, тошчани тугиб, сувга қўйиб юборади. Яна мазза қилиб, қиқир-қиқир кулади. Кейин илонни ушлайди. Унга ҳам тошча боғлайди. Устоз бу ишларнинг яхши эмаслигини ўша заҳоти айтмайди, шунисиға эътибор берайлик. Бола ухлаб қолгач, япалоқ бир тошни олиб, унинг орқасига боғлаб қўяди. Бола уйғонгач, бундан ажабланади. Устозидан нима учун бундай қилганини сўрайди.

– Сен нима учун балиқнинг, қурбақанинг, илоннинг қорнига тош боғладинг? – дейди устоз танбеҳ оҳангида.

– Тош орқамни оғритяпти, – дейди бола зорланиб.

– Балиқнинг, қурбақанинг, илоннинг бадани оғримаганмиди? Буни ўйламадингми? Ҳозир уларни топасан, тошдан озод қиласан. Агар ўлиб қолишган бўлса, умрининг охиригача орқангдаги шу тош билан яшайсан!

Бола амрга итоат этиб, сувга тушади. Балиқни излаб топади, қорнига ўралган ипни ечади. Лекин балиқ ўлиб қолган бўлади.

Бола йиғлай-йиғлай уни қирғоққа кўмади. Қурбақани ҳам топади. Уни тошдан озод қилиб, сувга қўйиб юборади, сал енгил тортади. Лекин тошлар орасида ўлиб ётган илонни кўриб, хўнграб-хўнграб йиғлай бошлайди. Аввал қанчалик ҳузурланиб кулган бўлса, энди қайғу-аламдан йиғлайди. Ўз ишидан астойдил афсусланади.

Аслида роҳибнинг тарбия услуби биз учун янгилик эмас. Шарқ халқлари фарзандларини қуруқ гап билан эмас, ибрат услубида тарбия қилганлар. Ўтмишдан бизга мерос бўлиб қолган ҳикматлар, ривоят ва ҳикоятлар бунга далил. Афсус шундаки, биз ҳозир бу услубдан анча узоқлашиб кетдик. Роҳибнинг тарбиясидаги энг муҳим фазилат – унинг сабр билан иш юритиши. У болага «Бундай қилма!» деб бақирса кифоя эди. Лекин бола жониворларнинг азобини юракдан ҳис қилмай, кейинроқ бу ўйинни яна такрорлаши мумкин эди. Ёши улғайганда бир кишини дўшбўсалася ёки ўлдирса, қўли қалтирамасди. Юрагида астойдил пушаймон уйғонган бола энди чумолига ҳам озор бермайдиган бўлади.

Яна мавзуга қайтайлик: баъзи болалар мактабдан безиб қолишади, ўсмир ёшига етгач эса лицей, коллежга боргиси келмайди. Бунга нима сабаб? Ота-она ва муаллимнинг уларда илмга меҳр уйғота олмаганларидами? Баъзи муаллимлар болани илмга тортиш учун ҳар дарсда ундан сўрайверади, оқибатда бола баттар бўлади. Болани ўқишга мажбурлаш эмас, аста-секин тушунтириш керак. Бу дарров ижобий натижа бермайди, демак, тарбиячилардан бу борада ҳам сабр-тоқат талаб этилади.

Боланинг мактабга боришдан бўйин товлашига яна бир қанча сабаблар бор: вужудида ва руҳиятида юзага келаётган психологик, биологик ва физиологик ўзгаришлар туфайли унда ўзига ишончсизлик пайдо бўлиши мумкин, баъзан ўзининг қобилиятига паст баҳо бера бошлайди. Баъзи болалар эса билим олиш фаолиятларининг пастлиги туфайли ўқишдан безор бўлишади. Боланинг дўстлари ва яқинлари компьютер ўйини клубларига, интернет кафеларга ва шу каби жойларга серқатнов бўлса, бу иллат унга тезда юқади ва мактабга боргиси келмай қолади. Бир муаллимнинг ўрнига иккинчисининг дарсга кириши одатий ҳолга айланган. Бунинг узрли сабаблари ҳам бор. Лекин ўқитувчи ҳадеб алмашаверса, болада ўқишга бўлган қизиқиш сусаяди. Вақтинчалик муаллим ҳам бола кўнглига йўл топишга ҳаракат қилмайди. Оиладаги иқтисодий қийинчилик боланинг мактабдан бешишига олиб келади. Бола ўқишни хоҳлайди, аммо ота-онаси кийим-кечак, ўқув қуролларини етарли даражада олиб беролмайди. Бундан ташқари, мактабларда турли баҳоналар билан пул йиғиш одати кучайса кучайяптики, камаймаяпти. Бугун мактаб фондига, эртага синф фондига, кейин синф деразасига парда ёки гултувак олиш учун, охирида бўёқ сотиб олиш учун, яна театр, кинотеатрларга бориш учун пул... хуллас, ҳафта йўқки, «Уйдан пул олиб келинлар», деган топшириқ бўлмаса. Кам таъминланган оиланинг фарзандидан талаб қилишмаса ҳам, пул олиб келмагани учун ўртоқларидан

уялади. Энг ёмони – пулдор болалар камбағалроқ синфдошларини очикчасига менсимайдиган бўлишади.

Мактабдан безган болалар «бўйсунмас», «ахлоқсиз» тоифага кирмайди. Мен «бўйсунмас» деб таърифлаётган болаларнинг турли тоифалари мавжуд. Шулардан бири – қўполлиги, шумлиги, интизомсизлиги билан ажралиб туради. Мактабда ҳам, маҳалла-кўйда ҳам бу болалардан бешишади. Бу болалар охир-оқибат жиноятчига айланишади, деб ўйлашади. Менимча, бу хато фикр. Шумтакаларнинг барчаси ҳам жиноят оламига кириб кетмайди. Катталар уларни тушунишга ҳаракат қилишлари керак. Интизомсизликларни сабабини аниқлаш зарур. Шундай сабаблардан бири – уларнинг ўйинқароқлигида бўлиши мумкин. Бундай болаларда ички ғайрат, ички ҳаяжон ва шунга яраша маълум бир нарсага ёки ҳолатга нисбатан кучли қаршилиқ ҳам мавжуд бўлади. Бундай болалар ҳақида сўз кетса «У ўт-оловнинг ўзи» деб таъриф ҳам берилади. Демак, катталар ўша «ўт-олов»нинг алангасидан тўғри фойдаланишни билишлари керак бўлади. Бундай болаларга майда иш, айтайлик, гуручнинг курмагини тозалашни буюрсангиз, аввало бўйин товлайди, зўрласангиз, вазифани чала бажаради. Майда ишларни қилишда юраги сиқилиб кетади. Ўқишга муносабатлари ҳам шундай. Ўзларига ёқмаган фанлардан қочишга ҳаракат қилишади. Бундай болаларга куч ва ғайрат талаб қиладиган, қизиқарлироқ иш топширилса, бажонидил бажаришади. Энг муҳими, улар қилаётган ишларини барча кўриб туришини, мақташини ишташади. Гуруч курмагини тозаласа, ким кўради-ю, ким мақтайди. Бир дарахтни кесиб, шохларини майдаласа – бошқа гап!

Болалар ва ўсмирлар келажакда қоқилмасинлар, равон йўлни топиб олсинлар десак, уларнинг мустақил фикрлаши, ташаббускорлик, шижоат, ташкилотчилик қобилиятини ривожлантириш учун оилада, мактабда, ҳатто кўчада ҳам зарур шароит яратиб беришимиз керак.

«Энг учқур бедовлар, агар яхшилаб тарбия берилса, яхшилаб совитилса, энг ҳуркак тойлардан чиқади» – I асрда яшаган юнон файласуф адиби Плутархнинг мазкур ҳикматини турли учрашувларда тилга олганимда XVIII асрда яшаган француз адиби Жан Жак Руссонинг бу гаплари билан қувватлайман:

«Болаликка болалик онларида пишиб етилиш имконини беринг. Болаликни севинг, унинг ўйин ва эрмакларига, мурғаккина табиий туйғуларига эътибор беринг! Лабдан кулги аримайдиган, қалб шу оламдан тўхтовсиз ҳузурланадиган ўша дақиқаларни қай бирингиз, ахир, армон билан эсламайсиз? Болани ақлли ва мулоҳазали қилмоқ учун уни бақувват ва соғлом ўстиринг: майли, у ишласин, тинмасин, югуриб-елсин, бақириб-чақирсин, ишқилиб, доимий ҳаракатда бўлсин. **Агар болалардаги шўхликни ўлдирсангиз, сиз ҳеч қачон доноларни етиштира олмайсиз.**»

Болага таълим-тарбия беришдан мақсад, уни келгусида бошқаларнинг кўмагисиз униб-ўсишга лаёқатли қилишдир. Тарбия иши-

да ҳар бир кишининг ўзига хос қобилиятини ривожлантириш ҳақида гамхўрлик қилиш билан айнаи чоғда, уларда атрофидагиларга нисбатан масъулият ҳиссини тарбиялашга ҳам эътибор бермоқ зарур.

Тарбия соҳасидаги энг оғир нуқсонлардан бири ҳаддан ташқари шошқалоқлик ҳисобланади. Биз фарзандимизнинг жуда тезлик билан олим бўлиб етишмоғини истаймиз. Агар ўғлимизнинг математика фанига қизиқиши борлигини билсак, тез орада Эйнштейн даражасига етиб олиши, мактабнинг ўзидаёқ олий математикани эгаллашни хоҳлаб қоламиз. Қаранг, 15 ёшли ўғил тош кўтариш спорти билан шуғулланса, катталар ўртасида чемпион бўлишини истаб, 200 килоли штангани кўтаришга мажбур қилмаймиз-ку? Нима учун ёш ақлга шунчалик оғир юкни ортмоқчи бўламиз? Тана аста-секин ўсиб, жисмоний кучга тўлиб боради, мия қуввати ҳам шундай.

Болаларни ўқитишдаги бош масала уларга **нима** ўргатилаётганида эмас, балки **қандай** ўргатилаётганлигидадир. Болага яхши ва моҳирона уқтирилган одатдаги, кундалик нарсалар унинг тушунчасига мос тушмайдиган, ғализ изоҳланган юксак ҳақиқатлардан кўра келажақда унга юз карра кўпроқ фойда беради.

Ким болаларни уларнинг ўзлари ўзлаштира оладиган даражада эмас, балки «Мен ўзим истаган даражада ўқитишим зарур», деб ҳисобласа, у мутлақо калтабиндир... Амалга ошириш мумкин бўлмаган топшириқлар болани фақат бузади ва ўз бурчига масъулиятсиз муносабатда бўлишга ўргатади.

Болалар диққатини фанда ечилмай келаётган масалаларга қаратиш яхши, уларда интилиш туғилади. Лекин бу масалаларни ҳозирданоқ ечишга ундаш ёки мажбурлаш зарарлидир. Чунки бола бу масалаларни ечолмай ҳафсаласи пир бўлиб ёки ўз қобилияти ва кучига ишончсизлик уйғониб, бу фандан юз ўтиради. Ақл-идрок қолган барча қобилиятлардан кейин тараққий этади. Бинобарин, ишни ақлни бевақт пешлашдан бошлаш – тескари иш юритиш деган сўз. Агар барча нарсаларнинг сабаб-моҳияти, изоҳи болаларга маълум бўлганда, уларни тарбиялашга зарурат қолмаган бўлар эди.

Агар биз фарзандларни ҳадеб чеклайверсак, уларни атрофмуҳит, ташқи дунёдан ихоталаб қўямиз. Бу масалада ҳам ўртача йўлни танлаш, тўғрироғи, топиш керак бўлади. Мактаб болаларини зийраклик билан кузатсак, зеҳни ўткир ва ҳар нарсага қизиқувчан, лекин одамови, ўжар, болаларни учратамиз. Мактабда бундайларни кўргани кўзлари йўқ, доимо уларга ишончсизлик билан қарайдилар ва ҳар бир қадамларини назорат остига олиб, чекловларни кўпайтириб юборадилар. Ваҳоланки, яхши тарбия берилса, улардан буюк одамлар чиқади.

Болалар ҳамиша нима биландир бажонидил банд бўладилар. Бу жуда фойдали, шунинг учун унга халақит бериш эмас, аксинча, уларнинг доимо бирор-бир иш билан машғул бўлишларининг чора-тадбирларини кўриш керак.

Агар ўқувчиларда ташаббускорлик ва фаолиқ ривожланмас экан, ҳар қандай билим жонсиздир; ўқувчиларни фақат

фикрлашга эмас, истакка ҳам ўргатиш керак. Болаларга хос бўлган ҳар нарсага қизиқувчанлик фазилатдир ва бу фазилат келажакда олимлар ва шоирлар...ни етиштиради. Кишини ирода эркинлигидан маҳрум этиш – унинг ҳаракатларини ҳар қандай ахлоқийликдан маҳрум этиш демакдир. Донишманднинг: «Болалар вояга етганларида нима ишлар билан шуғуллансалар, шунга ўргансинлар, унутишлари керак бўлган нарсаларга эмас», деган гапи нечоғлик ҳақиқат эканига ҳаётда кўп мисоллар мавжуд.

### **САККИЗИНЧИ БОБ**

#### **«ЁВИНГ КИМДИР, БИЛАСАНМИ? НОДОНЛИКДИР, ЯЛҚОВЛИКДИР»**

Бир мактабнинг спорт майдончаси ғоят чанг бўлиб, болалар тўп ўйнашганда девор ортидаги хонадон азият чекаркан. Ҳам болаларнинг шовқинидан, ҳам чангдан безган хонадон соҳиби ҳар куни болалар билан уришади, ҳайдайди. Болалар ўйинни бир зумгина тўхтатишади. Кейин давом эттираверишади. Можаро тўхтовсиз давом этади. Ман этилган ишни бажариш ёки ўйинни янада баравж ўйнаш болаларга хос одат. Шу боис ман этишдан аввал ўринга-ўрин бошқа бирон юмушни таклиф этиб кўриш керак. Ўша хонадон эгаси болаларни ҳақоратлаб, ҳадеб ҳайдайвермасдан бошқача йўл тутиши мумкинмиди? Айтайлик, болалар ўйинни бошлашганда челақ кўтариб чиқиб «Болаларим, мен сизларга сув сепиб берай, чанг ютманглар, сизларга ачиняпман», деб иш бошласа, шубҳа йўқки, болалар: «Амаки, ўзимиз сепамиз», деб челақни қўлдан олишади. Биринчи сафар чала-чулпа бўлса ҳам, ўзлари сув сепадилар. Лекин бу билан масала ҳал бўлмайди. Сув сепишни болалар дарровгина одат қила қолмайдилар. Бунинг учун у киши бу одобга даъватни чидам билан бир неча марта такрорлаши зарур бўлади. Агар қўшнилар билан келишиб, пул йиғиб резина ичак сотиб олиб беришса яна яхши. Бу ҳолатда болаларни ҳайдашга эмас, уларни спортнинг бу тури билан мунтазам шуғулланишга даъват этиш мақсадга мувофиқдир. Спорт майдончасини чангитиб тўп сурган бола яхшими ё ҳожатхонада биқиниб наша чекаётганми?

Яна бир тоифа болалар борки, булар аввалгиларининг аксидир. Аввалгиларида ички ғайрат бўлса, буларида ялқовлик, дангасалик, беғамлик, лоқайдлик ҳукмронлик қилади. Аввалгилари бир ишни рад этиб, иккинчисини жону дили билан бажарса, булари учун ҳар қандай иш жоннинг азоби ҳисобланади. Булари майдонни чангитиб тўп суришга ҳам эринишади. Латифанамо бир ривоят бор: икки ялқов ётган уйга ўт кетибди. Улар ўринларидан туриб қочишга ҳам, ёрдам сўрашга ҳам эриниб ётаверишибди. Олов бирининг оёғини куйдира бошлаганда эринибгина «Эй, Худо!» деб қўйибди. Шунда иккинчиси шеригига «Мен учун ҳам Худо деб қўйгин», деган экан. Катталар орасида ҳам бундайлар топилади.



Дангасаликда суяги қотган катталарни тарбия этиш мумкинмас-дир. Аммо болалик ва ўсмирликда уриниб кўриш керак. Бу ҳолатда катталардан чидам ва қунт билан биргаликда зийраклик ҳам талаб қилинади. Ҳар қандай ялқов болада йилт этган ғайрат чўғи, оз бўлса-да, нимагадир нисбатан қизиқиш мавжуд экан, ана шу чўғни, қизиқишни вақтида илғаб ола билиш зарур. Ана шу чўғни аланга олдириш тарбиячининг бурчи ҳисобланади. Ана энди икки тоифа болани сизга рўпара қилиб: «Буларнинг қай бири жиноятга мойил», дейилса, шумтакаларни кўрсатарсиз. Ҳолбуки, дангасаларнинг жиноятчига айланишлари эҳтимоли ҳам кам эмас. Ялқовларни жиноятга нима даъват этади? Улар ҳам бошқалар каби яхши яшашни, маишатлар денгизида сузиб юришни орзу қилишади. Уларнинг маълум бир қисми тақдирга тан бериб, «Берсанг – ейман, урсанг – ўламан» қабилида яшайвериши мумкин. Озроқ қисми эса ўз олдига: «Нима учун у яхши яшайди-ю, мен муҳтожликда кун кўришим керак?» деган саволни қўйиб, уни ўзича ҳал қилмоқчи бўлади. Ялқов «У ғайратли бўлгани учун яхши яшаяпти, сенам жон куйдиргин», деган ҳақиқатни четлаб ўтиб, энгилроқ йўлни излайди. Бу йўл, шубҳасиз, уни жиноят оламига етаклайди. Шумтака жиноят оламига адашиб кириши мумкин ва интилса, ундан чиқиб кета олади. Ялқов эса онгли равишда киради, ундан чиқиб кетишга интилмайди. Бу оламда у ўзи орзу қилгандек яйраб-яшнамайди. Хорлик ва хўрликнинг турли кўринишларини татиб кўради.

Бир ялқов иккинчисига дебди:

– Фил бўлгим келяпти: хартуми билан овқатни олиб, шошилмай ейди. Хартумини қаёққа узатса ҳам етади.

– Бўлмайди, – деди иккинчи ялқов, – илон бўлган яхши. Илон ётганича овқат еяверади...

Катталар ёшлардан норози бўлганларида уларни кўпроқ дангасаликда айблайдилар.

\*Ўғлим (кам ҳолларда қиз тилга олинади) ялқов, уйқучи, кун ёйилгунича ётади.

\*Ўғлим эгилиб ишламайди.

\*Қизим идишларни чала ювади...

Азизлар, бунақанги даъволарни ҳар биримиз деярли ҳар куни эшитамиз, шундай эмасми? Эринчоқ, ғайратсиз фарзандларни меҳнатсеварлик кўчасига буриш шартлигини барча ота ва оналар биладилар-у, бироқ тарбиянинг бу соҳасида ўзлари ғайрат қилмайдилар. Гап меҳнатсеварлиги туфайли бошқаларга яхши кўринишда эмас. Оддий ҳақиқат шуки, ялқов қурувчи қандай бино қуриши мумкин? Ялқов ёшлар «Келажак» деб аталмиш кўркам саройларини қандай қурадилар? Таъбир жоиз бўлса, ялқов, ишёқмаслар икки нарсани орттирадилар: зорлик ва бадбахтлик. Эринчоқлик дунёдаги мавжуд ҳамма нарсанинг душманидир. Танбаллик, ғайратсизлик, журъатсизлик, камбағаллик каби балоларнинг ҳаммаси эринчоқликдан келиб чиқади. Кайковуснинг:

«Ялқовлик – танни ишдан чиқаришдир. Мажбур этиш билан ўз танингни итоатли қилдир ва уни мақсадга мувофиқ қилиб бўйсунини ўргат» деган ҳикматини Муҳаммад Заҳирий Самарқандийнинг бу фикри қувватлайди: «Модомики, беғамлик ва ношудлик кўрсатилар экан, қулай фурсат қўлдан бериб қўйилади. Вақт ўтганидан кейин афсусланиш бемаъни ва бефойдадир».

Юқорида баён қилганим икки латифадаги воқеаларни ҳаётда учратмаймизми? Бундан баттарларига ҳам дуч келамиз. Афсуски, ардоқли ёшларимиз замон ялқов одамларнинг беомон душмани эканини етарли тушунмайдилар. Танбаллик ва фаоллик икки йўлдир, унинг бири эл нафратига дучор қилади, иккинчиси эл ҳурматиغا сазовор этади. Набий муҳтарам дедилар: «Танбаллик, дангасалик қалбни тош қотиради, қаттиқ қилади, қорайтиради». «Камбағаллик айб эмас», деган мақол бор. Агар бу камбағаллик дангасалик оқибатида бўлса, ғоят улуг айбдир. Мирзо Бедил ҳазратлари ёздилар: «Ишсизлик хирмонидан бошоқ териб юрганлар, яъни ялқовликлари, дангасаликлари туфайли тиланиб юрганлар, албатта, **хўрлик** чекдилар. Булар тиришмоқликдан кечгани, дангасаликлари кучайгани сайин хирслари ортиб, ҳасадлари тобора ўса борадир».

«Лисонут-тайр»дан бир ҳикоят:

«Халқ орасида бир иш ёқмас, танбал киши бор эди. Одамлар унинг беғайратлигидан ҳайрон қолар эдилар. У одамлардан туртки, шапалоқ ер, бунинг эвазига улардан бир бурда нон ёки таом олиб, кун кўрарди. Кишилар уни қувиб юборсалар ҳам, у ҳеч қаерга кетмай, ўзининг ёмон қилиқларини тарк этмасди. У тортадиган жафоларига ўзича маълум бир нарх тўғрилаб қўйган ҳам эди. Қайси бир киши уни бир тепса ёки урса, у ўша кишидан бунинг ҳақини талаб қилиб олар, қўлига тушган нарсани дарҳол оғзига солар эди.

Кунлардан бир куни кимдир унинг қўлига озгина нон бериб, эвазига шундай мушт туширдик, натижада танбал ер тишлаб қолди. Гарчанд у шапалоқлар еб, қорнини тўйгазиб юрган бўлсада, бир мушт билан энди қайта ўрнидан турмайдиган бўлди...»

Фақат ўз ҳузур-ҳаловатини ўйлаш, ялқовлик – муваффақият қувватини кесувчи бир касалликдир. Ҳа, бу касаллик танбалликнинг ҳосилдир. Хасталикнинг оқибати нима бўлиши эса маълум: агар ўхшатиш қўпол туюлмаса – танбаллик ўлимнинг бир туридир. Инсон бу ўлим туфайли ҳамма нарсани йўқотади. Ялқовлик – эркисизликдир. Киши инсонларга юк бўлган куни эркини йўқотади. Инсоннинг саодатдан маҳрум бўлиб, маънос яшаши шу ялқовлик, ғайратсизлик натижасидир. Ҳақиқат шуки, ҳали ҳеч ким муваффақият нарвонига қўлини чўнтагига суқиб чиқмаган. Танбаллик ҳеч бир одамга фазилат эмас, лекин олим ва илм толиби дангасалик қилса янада хунук.

Одамлари танбал, дангаса бўлган, илму фан ривожланмаган, қонун топталган юрт сира ривож топмайди. Халқи ўзгаларга қарам бўлади, душманлар бу юртни истаганларича талайдилар, топтайдилар. Натижада халқ улкан моддий ва маънавий зарар кўради.

Фақат Ватани эмас, жонидан ҳам маҳрум бўлади. Роҳати, тинчлиги, эрки, ҳурмати, осойишталиги бир тийинга ҳам арзимас бўлади. Шу боис Мунаввар қори ҳазратлари юз йил муқаддам ёшларга қарата хитоб қилганлар:

*Жаннат каби гўзал юртинг йиғлаб, сендан иш кутадир.  
Сенда кўргач ишсизликни, ҳасрат чекиб, қон ютадир.  
Тур ўрнингдан, оч кўзингни,  
Айт ёвингга сўнг сўзингни.  
Ёвинг кимдир, биласанми – нодонликдир, ялқовликдир,  
Ёвга қарши курашмаслик – қўрқоқликдир, анқовликдир.  
Иш қиличин, тур, қўлга ол!  
Ёвга қарши чиндан қўзғол!*

Англагандирсиз, киши энг аввал ўзининг вужуди руҳини бошқараётган душмани – ялқовлигини енгиши шарт экан. Жисмоний меҳнатдан қочиш кўп ёшларга хос одат бўлиб қолди. Баъзан ҳашарга чиқарилган ўсмирларни, ёшларни кўраман: қўл учида ишлашади, эгилгилари келмайди. Бирон соат ишлаб, муаллимларининг кўзларини шамғалат қилиб, қочиб қолиш пайида бўладилар. Мен «ҳашарга чиққан» эмас, «**чиқарилган**» деб ёздим. Ўзлари яшайдиган кўча, маҳалла, шаҳарни озода сақлашга ҳисса қўшишни онгли ва ихтиёрий равишда амалга оширмайдилар. Мен мана шунга афсусланаман. Бугунги кунда шаҳарлик болалар, ўсмирлар, ёшлар қўлларини совуқ сувга урмайдиган бўлиб ўсяптилар. Қишлоқда туғилиб ўсганлар орасида ҳам ялқовлар кўп учраяпти. Улар қишлоқдаги меҳнатдан қочиб, шаҳардаги енгил ҳаётга учяптилар. Учяптилар-у, лекин «қанотлари куйиб» яна изларига қайтяптилар. Бу ҳам афсусли ҳол.

Азизлар, мени тўғри тушунинг, мақсадим ёшларни ёмонлаш эмас. Замон одамларни ялқовлаштириб қўйяпти. Электр ва автоматлаштириш деган нарсалар жисмоний меҳнатни қисиб чиқаряпти. Бугунги қизларимиз қўлларини қавартириб ишлашлари шарт эмас. Ошпичоқда қийма чопмайдилар, кир ювадиган машина, чангюткич, музлаткичу микротўлқинли иситкич ва яна шунга ўхшаш ўнлаб мосламалар хизматларида. Ҳатто телевизорни (ҳатто чироқни!) ёқиб-ўчириш учун ўриндан туриш шартмас – диванда ёнбошлаб, тугмалар босилаверади. Шунақа шароит бўлгач, одам дангасалик ҳовузига чўкмай яна нима қилсин?!

Жисмоний меҳнат бир масала, ақлий ялқовлик, яъни маънавий танбаллик янада оғирроқ масаладир. Ёшларнинг илм олишга эринишлари жамият учун ҳам зарарлидир. Агар дарё суви денгизга қуйилиб турилмаса, ҳар қандай катталиқдаги денгиз ҳам қурийди. Бекорчи ва ишёқмас – иродасиз одамдир. Агар одам фикрлашда дангаса бўлса, жаҳолатга ботиши, гуноҳи ортиши шубҳасиздир. Олимлар сафи ёшлар ҳисобига тўлиб турмаса, мамлакат инқирозга юз тутади. Айрим ёшларнинг билим олиш-

га ялқовлик қилишларига сабаб – ота-оналарининг ҳамёнлари ёки юқори мартабали танишларидир. Пул эвазига ёки таниш ёрдамида имтиҳондан ўтишини билган йигит ёки қиз бошини оғритиб китоб ўқирканми, дарс тайёрлар эканми? Ўша пулдор ёки мартабали ота ва оналар фарзандларининг бу касалини биладилар. Касалликнинг олдини олиш ёки муолажа қилиш чорасини кўрмай, аксинча, рағбатлантириб турар эканлар, кимни айблашимиз керак бўлади? Ялқов фарзандними ё рағбатлантирувчи ота ва онаними? Эртага бу ялқовликнинг аччиқ ва заҳарли мевасидан қайси бирлари кўпроқ зарар кўрадилар?

Тилимизда «боқиманда» деган атама бор. Ўзи ишламай, ота-онасининг бошига ўтириб олиб яшовчи ялқовлар шундай аталади. Болалар ва илм толиблари «боқиманда» доирасига кирмайдилар. Лекин бола ўсмир ёшига етгач, ўзини ўзи эплаш тадбирларини ўргана бориши шарт. Албатта, фарзандини боқиш ота-онага малол келмайди. Лекин ота ҳам, она ҳам бир куни дунёдан ўтади. Улар ўтгандан кейин боқиманда боланинг аҳволи не кечади?

Бир киши дўстига ҳасрат қилди: «Ўғлимнинг боласи яқинда иккита бўлади. Лекин ҳалигача оиласини боқишни ўйламайди, ҳатто ҳовлининг ишларига эғилмайди». Дўсти уни овутиди: «Ҳозир сизга эркалик қиляпти. Ўғлингиз ақлли йигит, кейин эплаб кетади». Боқимандаликка ўрганиб қолган бу ўғил отаси вафот этганидан кейин ҳаётда ўз ўрнини топа олармикин? Рўзғорини эплаб кетиши осон бўлармикин?

Масал: Бир бойнинг икки кўппаги бор эди. Бирини уйни кўриқлашга, иккинчисини овга ўргатган эди. Бой уйга кириши билан уйни кўриқлашга ўргатган кўппаги думини ликиллатиб унга пешвоз чиқарди. Бой уни эркалатарди. Овдан олиб келган ўлжалари билан сийларди. Бунга овчи итнинг жаҳли чиқарди. Бир куни у уй кўппагига деди:

– Менга қара! Бу ўлжанинг кетидан югурган, сувдан олиб чиққан менман-ку? Сен эса мен тутган ўлжани уялмасдан еяпсан-а!

– Менга нима учун даъво қиласан? – деди уй кўппаги. – Сен бу арзингни хўжайинга айт. Мени тайёр овқатга ўргатган у эмасми?

Қиссадан ҳисса шуки, болаларни танбал қиладиган ҳам, ишчанликка ўргатадиган ҳам ота ва она! Шундай экан, уларнинг ўзлари фарзандларига ўртак бўлишлари, танбалликдан қочиш хусусида бетўхтов равишда насиҳат қилишлари, ҳамиша яхшиликка, меҳнатсеварликка бошлашлари зарур. Болаларини ҳунар ўрганишга қизиқтириш, билимли бўлишга ундаш зиммаларидаги бурч эканини унутмасликлари керак. Танбалликнинг охири надомат эканини унутиб, болаларини дангаса, тайёр ейишга ўргатган ота-оналар, шубҳасиз, фарзандларига энг катта ёмонлик қилган, ҳатто уларни ўлимга маҳкум этган бўладилар.

Лаббай, «Жуда-а оширвордингиз», демоқчимисиз? Асти ундай эмас! Мен бу гапларни осмондан олиб, дастурхонга қўймайман, бор гапни – ҳақиқатни ёзйман! «Танбаллик орни ўлдиради», деган

ҳикматга кўра, ялқов ва беор одамни тирик мурда деб аташларига сиз қандай қарайсиз? Танбаллик ёмон ахлоқни вужудга келтиради. Ёшлар орасида учраб турган кўпгина жиноятлар айти танбаллик оқибатида юзага чиқяпти. Меҳнатсеварлик яхши хулқни юзага чиқаради. Интилган ёмонликдан қутулади, танбаллик ёмонликка яқинлаштиради.

Шундай тарбия қилиш лозимки, токи фарзанд тайёр ошдан эмас, меҳнат билан топилган луқмадан роҳатлансин. Фақат ўз оиласигина эмас, балки мамлакатнинг порлоқ келажаги меҳнатсевар инсонларга боғлиқ эканини, текинтомоқ эса мамлакатга, халққа зараркунанда эканини тушуниб етсин. Ғайратли одам инсониятга хизмат қилишини, ғайратсиз танбал эса инсониятга юк эканини ҳам англасин. Меҳнатсевар инсон фақир бўлса ҳам, доимо ҳурматда, танбал одам бой бўлса ҳам, доимо беобрў эканини билган фарзанд камол топади. «Наф келтирувчи киши ўғилдан ҳам яхши бўлиши мумкин. Беҳуда ишлар билан банд бўладиган ўғил эса ёвдан ҳам ёмон» деган ҳикмат бекорга айтилмаган.

Ривоят: Бир одамнинг битта оти ва икки ити бор эди. Итлар оч қолишиб, зорланиб ўтиришганида от: «Нега бунча қайғули кўринасиз?» деб улардан ҳол сўради. Итлар отга маъюс боққанларича ҳасратларини бошладилар:

– Аҳволимиз чатоқ, очлик туфайли ўлар ҳолга келдик. Хўжайинимиз бизга яхши илтифот қилмайди, берган сарқитига қорнимиз тўймайди. Овқат талабида ёнига яқинлашамиз десак, болалари тепиб ҳайдашади. Бундан алам қилиб, тоққа чиқиб кетган эдик. Йўлда ҳаво айтиб, селга дуч келдик. Мана, титраб-қақшаб, аввалгидан ҳам баттар ҳолда жойимизга қайтдик. Бахтсиз эканмиз, энди зорланишдан бўлак иложимиз қолмади.

От уларнинг сўзларини тинглагач, деди:

– Э дўстларим! Иззат ва саодатни фақат бахт-толедан кутиб, ишламасдан ялқовланиб ётиш аҳмоқликдир. Сизлар кунда бир эринбгина ҳуриб қўйиш билан чекланмай, менга ўхшаб ишлаганингизда эди, хўжайинимиз мени яхши тўйдиргани каби сизларни ҳам сийлаган бўларди. Ҳеч ишламай, ялқов бўлиб ётиш ва ўтган-кетганга акиллашнинг фойдаси йўқ. Дунё иши - меҳнат уйидир.

Масаллар ва ривоятларда бекорга жониворлар ҳаётига мурожат қилинмайди. Қаранг, уй ҳайвонларини одамлар боқадилар. Жониворлар инсон марҳаматига муҳтожлар, чунки улар офилхонада ёки катакда бандилар. Далага чиқарилсалар, барчалари ўз емишларини топиб еяверадилар. Лекин юқорида тилга олганим «боқиманда»лар-чи?

Ҳайвонот боғида туғилиб улғайган йўлбарс ўрмонга қўйиб юборилса, ов қилолмай оч қолиб, ўлиши мумкин экан. «Боқиманда»лар шундай аҳволга тушмасмикинлар? Тушадилар! Бунақаларни ҳаётда учратиб турибмиз. Улар оталарининг мулкани совурган нодонлар каби кун кечирадилар. Ҳаётлари нолиш билан ўтади. Баъзилар ўзларини ўзлари имтиҳон қилиб: «Мен ҳеч нима қила ол-

майман, қўлимдан ҳеч нима келмайди», деган фикрда ўзларига ишонмаган ҳолда юрадилар. Бу хато тушунчадир. Одам шундай яралганки, у ҳеч нима қилмай туролмайди. Одамнинг онги бекорчиликни қабул қила олмайди, тугён кўтаради. Ана шунда одам ҳалокатга учрайди. Ҳа, одам айни бекорчиликдан ҳалок бўлади. «Ҳалок бўлишни» ҳам рамзий, ҳам айни маънода тушунавериш керак. Рамзий маъно – боланинг жиноят кўчасига кириб кетишини ҳам ўз ичига олади.

Ялқовларни «онадан шундай туғилган», деб айбласак, инсофдан бўлмас. Бу туғма касаллик эмас, уни келтириб чиқарадиган турли омиллар бор. Шуларнинг энг асосийси – боладаги ироданинг сустлиги. Ялқовликдан қутулмоқчи бўлган одам, ёш ёки қари бўлишидан қатъи назар, аввало иродасига ҳукм ўткази оладиган бўлиши лозим. «Мен керакли ишни қила оламан, менинг ишимни кутяптилар, мен фойда келтиряпман!» деб ўзини ўзи ишонтириши шарт. «Ғайрати бор одамни эр дегил, ғайрати йўқни қаро ер дегил». «Қаро ер» – дунёда хор бўлиш демак. Хор бўлмаслик учун ялқовликдан ғайрат сари ўтиш зарурлигини ҳар бир ота ва она кундалик тарбия ишларида фарзандига тушунтириб боришлари лозим.

Меҳнатни севмайдиган одам ҳар бузуқликни қилишга тайёрдир. Меҳнатнинг кишига бахт-саодат келтиришига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Ялқовлик, бекорчиликнинг эса фалокат гирдобига ташлашини ҳамма ҳам ўйлаб кўравермайди. Шундайларга бу ривоят ибрат бўлар, деган умиддаман:

Балиқчи тутган балиқларини уйига олиб келар экан, бир золим йўлтўсар овини тортиб олди, балиқчининг инсоф ҳақидаги илтижоларига қулоқ солмай, уни дўппослади. Ночор қолган балиқчи Худога зорланди: «Э Раббим! Мени заиф, у ноинсофни эса кучли қилиб яратибсан, қара, у менга зулм қилди. Махлуқотингдан бирини энди унга рўпара қил, токи бутун олам ундан ибрат олсин. Э Раббим, Ўзинга сиғинаман ва Ўзингдан нажот кутаман, Сен ҳар нарсага қодирсан!»

Текинтомоқ йўлтўсар балиқларни пишириб еяётган пайтда томоғига қилтанок тиқилди. Нафас ололмай қолди. Табибларга югуриб, даво топмади. Доно табиблардан бири уни тавба қилишга даъват этди. Золим Аллоҳ таолога ёлбориб, қилган гуноҳларига тавба қилди. Кечаси тушида: «Балиқчининг ҳақини берасан, кейин хасталикдан қутуласан», деган нидони эшитди. Уйғонди-ю, балиқчини қидириб топди. Ҳақини берди, узр сўради. Ана шундан сўнг шифо топди.

Меҳнатсиз нон тишлайдиган одам бу ривоятни унутмаса яхши бўларди. Бугун бўлмаса эртага, эртага бўлмаса кунлар ёки ойлари ўтиб, текинтомоқлиги учун жавоб беришига тўғри келиб қолади. Жазо муддати келишини кутмай яхшилик томон ўзгаргани аълороқ эмасми? Шу ривоятни ҳар эслаганимда хаёлимга бир фикр келади: порахўрлиги ёки ўғрилиги, ё товламачилиги туфайли кимгадир зулм қилиб, қамоқ жазосини ўтаб чиққан киши

азият чеккан одам ҳузурига бориб тавба қилармикин? Эҳтимол, сиз шунақасини эшитгандирсиз, мен эса гувоҳ бўлмаганман. Менинг билганим: улар қамоқдан «Шу одам туфайли қамалдим», деб аламзада бўлиб чиқишади. Тавба қилишмайди, жабрдийдага лаънатлар ўқиб юраверишади. Оқибатда, бир гуноҳлари икки бўлади. Тавба – ёмонликдан тўхташ демақдир. Тавба қилмаган одам эртага яна ўша жиноят кўчасига қайтиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Саъй-ҳаракат инсонга шод-хуррамлик инъом этади. Ялқовлик, иш ёқмаслик эса маъюслик, умидсизликка туширади, жондан бездиради ва бир қанча кулфату машаққатларга гирифтор қилади. Шу сабабларга кўра, донолар ёшларга хитобан дедиларки: «Ғайрат ва матонат билан ишланг, меҳнатни севинг, саъй-ҳаракатни қўлдан берманг, ялқовлик, бекорчилик иллатидан ҳазар қилинг. Вужудингизнинг ҳузур-ҳаловатини меҳнат таъмин қилади». Асрлардан бери янграб келаётган бу хитобга қўшимча қилиш шартмикин?

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Оламда энг ёмон нарса – бекорчиликдир», деганлар. Халқимизда «Бекорчидан Худо безор», «Бекор ўтиргунча бекор ишла», деган ҳикматлар ҳам бор. Ҳаракат қилмаган киши танбал бўлиб қолишини айтдик. Танбал киши эса бекорчи гаплар билан машғул бўлади. Чунки бекор юриш – иллатларнинг онаси, ғурбатларнинг маконидир. Бекорчи гаплардан эса турли миш-мишлар, ифволар туғилади. Миш-мишлар тарқалган жойда эса дўст – душманга, душман эса думи босиб олинган илонга айланади. Донолар дейдиларки: «Эркакнинг бекорчилиги – ғафлат, аёлнинг бекорчилиги – шаҳват».

Ҳаётда ўзингиз кўриб турибсиз, оиладаги икки ўғилнинг бири серғайрат бўлса, иккинчиси имиллаб ҳаракат қилади. Балки ғайратлисининг иши чалароқдир, имиллагани эса ишни пухта қилиши мумкин. Иккови ҳам касаллик эмас. Секин ҳаракат қиладиган болани ҳадеб ялқовликда айблаб, турткилайверсангиз, ўчакишиб, ростданам дангасаликни касб қилиб олади. Шунинг учун ҳар икки ҳолда ҳам, болаларни ширин сўз билан йўлга солиш керак. Тез ҳаракат қиладиган болани батартиб ишлашга ўргатиш осонроқ. Лекин имиллайдиганини тезлатиш қийинроқ бўлади. Демак, бу борада ота ва онадан сабр талаб қилинади. Баъзи оилаларда ўғилдан бирига «Чалавой», иккинчисига «Ялқовтой» деб лақаб қўйиб олишади. Бу сўзларни ҳазил тариқасида ҳам тилга олмаслик керак. Айниқса, бегоналар олдида айтиб юборилса, боланинг кўнгли оғриди.

Баъзи ота-оналар ўзлари билмаган ҳолда ғайратли ва ялқов ўғилларини бир-бирларига ёвлаштириб қўядилар. «Акангга ўхшаб чаққон-чаққон ҳаракат қилсанг бўлмайдими?» деб танбеҳ бераверадилар. Бунақа гапни ҳатто кўпчилик орасида ҳам айтиб юборадилар. Ана шунда ялқовликдан қутулиши лозим бўлган бола «Хизматни ғайратли ўғлингиз қилаверсин», деб ўчакиша бошлайди. Боланинг хизматига баҳо беришда, чаққонликка ўргатишда бировдан ўртак олишга даъват этмай, «Жон болам, дард кўрмагин илойим, ҳамма ишларинг ажойиб, фақат тезроқ бажарсанг,

ўзингга ҳам яхши...» деганга ўхшаш ширин гаплар билан тарбия қилинса, муддаога етишиш шубҳасиз. Ялқовроқ болага барчанинг бири олиб, бири қўйиб иш ўргатавериши ҳам яхши эмас. Ақл ўргатувчиси кўп бўлган ишдан фойда чиқмайди.

Дангасалик иллатидан қутулишга даъват қилганим ҳолда яна бир масалага диққатингизни тортсам: ҳар қандай иш ўз вақтида ва ўз ўрнида қилиниши керак. Қишда тунука том бўялмайди, шундай эмасми? Фунча баҳорнинг илиқ нафасига алданиб бемаврид кулгани учун совуқ ел уни поралаб кетгани каби беҳуда ва бемаврид бошланган иш оқибати яхши бўлмайди. Ҳеч бир иш ғайрат ва шижоатсиз бўлмайди, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат ва жасоратдан маъно йўқ. «Ақл ва тажрибаси ҳали етарли даражада ўсмаган ва жисмоний қуввати кам бўлган одам бир ишга киришиб, ҳаддидан ошса, натижада паришон ҳолга тушади», деган эдилар мавлоно Румий.

Ялқовлик иллатининг муқобилида «ғайрат» ва «шижоат» деб атаувчи гўзал фазилатлар бор. Бу фазилат ярми назокатдан, ярми садоқатдан иборат, десак ҳам бўлади.

Шижоат хавфли вазиятларда кишини тўғри йўл ва асл мақсаддан чекинишга йўл қўймайдиган куч бўлиб, олти хислатни ўзига жамлайди:

1. «Кибр-и нафс». Яъни, руҳий улуғворлик бўлиб, бу хислат туфайли киши улуғ ишларни амалга ошираётганда роҳат ёки машаққатларга парво қилмайди. Масалан, урушда икки йўл мавжуд: бири – қаҳрамонлик йўли, бунда жон хатари мавжуд; иккинчиси – хиёнат йўли, бунда жон ҳаловати бор. Руҳан заиф киши жон ҳузур-ҳаловатини танлайди. Аммо бу нарса вақтинчалиқдир ва бу йўлнинг охир-оқибати хорликдир. Тарихда бунга мисол кўп. Азиз фарзандларимизга ибрат бўлсин учун яна бир ривоятни баён қилай:

Маълумингизким, шайтоннинг «хиёнат» деган қуроли ҳам бор. Бу қуролидан тинмай ўқ узади. Баъзи ўқлар, айрим бандаларга тегиб, қалбини жароҳатлаб қўяди. Шу учун ҳикмат аҳли Сўфий Оллоҳёр ҳазратлари айтганларидай: «Кел, э комил, камол этсанг диёнат, кишига қилмагил ҳаргиз хиёнат», деб ўгит берадилар.

Искандар Зулқарнайн Эронга ҳужум қилиб, Ҳамадон шаҳрини қамалга олди. Сўнгра Эрон шоҳи Дородан хирож талаб қилди. Доро унинг талабини қабул этмади. Шундан сўнг Искандар жангни давом эттиришни маъқул кўрди. Бироқ қанча уринса-да, Дорони мағлуб эта олмади. Ниҳоят, макр-ҳийла йўлига ўтди.

Доронинг икки энг яқин, ишончли қули бор эди. Доро уларни тарбиялаб, ўзига вазир қилиб олганди. Искандар хуфяларини юбориб, бу икки вазирни ҳузурига чорлатди. Вазирлар бу даъватни жону диллари билан қабул этиб, Искандар ҳузурига келдилар. Искандар уларни яхшилиб меҳмон қилгач, муддаосини айтди:

– Агар орзуимнинг рўёбга чиқишига ёрдам берсангиз, қилган хизматларингиз учун сизларга **энг юқори ўринни** ҳадя қиламан.

Вазирлар Искандарнинг вазифасини бажариб, эртасигаёқ Дорони ўлдирдилар. Шаҳарга кириб келган Искандар Дорони дафн



етишни ва майдонга иккита баланд дор қуриб, икки хоин вазирни осишни буюрди.

Искандардан зўр мукофот, айниқса, баланд мартаба умидидаги хиёнаткорлар бу буйруқни эшитиб қўрқиб кетдилар.

– Буйруғингизни бажо келтирсак, бизга энг юқори ўрин беришни ваъда қилган эдингиз. Энди ваъдага вафо этмоқ ўрнига ўлимга буюряпсиз, шу ишингиз инсофданми? – дедилар.

– Мен виждонсизлик қилмадим, ўзимга инсоф-адолатни раҳбар қилиб иш юритмоқчиман, – деди Искандар. – Тўғри, сизларга энг юқори ўрин беришни ваъда қилдим. Мана энди шу ваъдага вафо қиламан. Доро сизларни тарбиялаб етиштирди, ниҳоят ўзига вазирлик мартабасига кўтарди, аммо сизлар унинг яхшиликлари эвазига ёмонлик қайтардингиз. Ўз тарбиячисига ёмонлик қайтарган кўрнамак хоинлар, албатта, менга ҳам вафо қилмасликларини яхши биламан. Туз ҳақини сақламай, хиёнат кўчасига қадам қўйганларга мана шундай мукофот берилади. Менинг қўшинимда **дордан юқори ўрин йўқ**, марҳамат, энди ўз ўрнингизни эгалланг.

Чиндан ҳам, хиёнаткор ва мунофиқнинг мукофоти яна нима бўлсин? Шижоатсизлик, яъни руҳий пасткашлик меваси айнан шудир. Мазкур ҳикоятдан оладиган ибратимиз: яхши тарбия сифати ҳақида кўп мулоҳаза юритадилар. Тарбия деганлари гарчи яхши хислатларни ўз ичига олса-да, ундан болаларни, энг аввало, сотқинлик иллатидан муҳофаза қилишни талаб этмоқ жоиз.

2. «Улувв-и ҳиммат» – кишининг инсонга хос камолот йўлида гов бўладиган ҳар қандай қийинчиликка эътибор бермай эзгуликка интилишидир («улув» – энг олий). Бунга илм олишда лозим бўлган шижоатни мисол қилиб олишимиз мумкин. Маълумки, шижоатсиз киши илм ололмайди.

3. «Ҳилм» – ҳар қанча ғазаб қўзғайдиган иш содир бўлганда ҳам ўзини босиб, мулойимлик кўрсатишдан иборат.

4. «Тавозуъ» – ўзгаларга, айниқса мартаба ва фазилатда ўзидан қуйи бўлганларга нисбатан ўзини улуғ ҳисобламаслиқдир.

5. «Ҳамият» – ўз халқининг ва ўзга элларнинг урфу одатларини ҳурмат қилиш, жамиятнинг қонун-қоидаларига риоя қилиш, оиласининг, дўстларининг шарафини сақлашдан иборат (яъни, ор-номус сақлаш ва уни ҳимоя қилиш).

6. «Риққат» – луғавий маъноси нозиклик. Кишининг ўз жинсига, яъни жони бор ҳамма нарсага раҳмдил ва шафқатли бўлиши, ўзгаларнинг дарду аламларини, қийин аҳволини ҳисобга олиб, шунга яраша, лекин изтиробга тушмасдан амал қилишидир.

Йўқчилик бу дунё юзидан ҳеч қачон йўқолмайди. Ҳали у ерда, ҳали бу ерда бош кўтараверади. Аммо ғайратли, шижоатли, ишчан одамнинг эшигидан мўралайди-ю, ичкарига кира олмайди. Киши бир ишга киришган чоғда оғирлиқлар юз берса, мақсади манзилига етишмоқ йўлида меҳнат ва машаққатлар чекса, ноумидлик кўчасига қадам қўйишдан ўзини тийишга куч топа олиши керак. Бунинг учун талаб этиладиган шижоат ва матонатга эга

бўлсагина оёғини тўғри ва қаттиқ қўйиш билан бу мушкул йўлни босиб ўта олади.

Англадикки, шижоат ва матонат инсонга ҳар ишда муваффақият бахш этади. Шижоат – ботирлик, мардлик билан ишга киришиш, матонат эса бардошлилик, мустаҳкам ва қатъий иродали, деган сўздир. Бу хислатларга эга бўлган фарзанд келажақда бахту саодатга эришади. Ҳеч бир иш ғайрат ва шижоатсиз бўлмас экан, аммо жойида ишлатилмаган ғайрат, жасоратдан маъно йўқ. Имом Ғаззолий ҳазратлари бундай ёзганлар: «Шижоат билан хулқланган инсон олийҳиммат, мард, жасур, довюрак, мулоҳазали, нафси синиқ, сабр-тоқатли, ҳалим, босиқ, салобатли, мулоим бўлади. Аммо шижоатнинг ҳаддан ошиши ўзни тута билмаслик, ўйла-масдан иш қилиш каби оқибатларга олиб келади. Натижада киши бир нафасда мақтанчоқ, димоғдор, ғазабнок, такаббур, иззатталаб, шуҳратпарастга айланиб қолади. Шижоат меъеридан кам бўлса, унинг ўрнини хорлик ва хўрлик, доимий безовталиқ, қўрқоқлик, ҳақни бой бериш, майдалашиш эгаллайди». Луқмони ҳаким дедиларки: «Саъй-ғайратсизлик – умид ва муваффақиятнинг кучини битирадиган бир мараздир. Инсоният саодатидан маҳрум бўлиб маъюсона яшаш – саъй-ғайратсизлик асаридир».

Меҳнатдан қочиш хору зорлик билан натижаланар экан, муроду мақсад хазиналари меҳнат кўприги устидадир. Кишини ҳаётдаги мушкулликлардан фақат тадбир ва меҳнат қутқаради.

Бир деҳқон ўлими олдидан болаларини йиғиб деди:

– Болаларим! Бу дунё фонийдир, ҳар бир тирик жон ўлади. Мен ҳам ўляпман. Сизга васиятим шуки, даламизга бир хазина кўмиб қўйганман, вафотимдан сўнг уни қидириб топинглар. Далани ҳеч қачон сотманглар.

Фарзандлар оталари жанозасини ўтказишгач, далага отландилар. Хазинани қидириб, далани кавлаб чиқдилар. Лекин ҳеч нарса топмадилар. Жуда маъюсландилар. Кейин далани текислаб, буғдой уруғи сепдилар. Ер мўл ҳосил берди. Болалар буғдойни сотишиб, олтинларни ўзаро бўлишдилар. Шундагина оталарининг васиятларидаги хазина ҳақидаги гапнинг маъносини ангадилар. «Хазина кўмиб қўйдим» деган гапи замирига – далага яхшилаб ишлов берсангиз, барака топасиз, хазинага меҳнат орқали эришилади, деган ҳикмат яширинган экан. Худди донишманд шоир Фирдавсий айтганларидай:

*Меҳнат тагидадир, эй оқил, ҳар ганж,  
Ганж топмас ҳеч кимса тортмас эрса ранж.*

Бу ҳикоят ҳар бир киши учун бир сабоқдир. Дунёда пешона тери билан ишлаб топилган нондай қадрли хазина йўқ. Меҳнат билан топилган луқма энг тотли луқмадир. Шундай экан, ҳар одамнинг ўзи бир хазина. Унинг меҳнат қилиб топган нони эса энг ширин, энг тотли луқмасидир. Дангаса бажараётган ишидан меҳнатсевар деҳқончалиқ роҳат топа олмайди, мамнун ҳам бўла

олмайди. Зеро, ишчи ишлаб иштаҳаси очилади, луқмаси ҳам ширин бўлади. Табобат ходимлари берган маълумотларга кўра, ишчи ва деҳқонлар жамиятнинг жисмонан энг соғлом одамлари экан.

Ҳа, меҳнатга ўрганган одам саодатга эришади. Чунки меҳнат билан банд одамнинг ёмонлик қилишга вақти қолмайди. Меҳнатни севиш, ғайрат ва матонат билан ишлашнинг учта ширин меваси бор: тан саломатлиги, кўнгил роҳати, ақл ва зеҳннинг ортиши. Меҳнат инсонни уч балодан асрайди: юрак сиқилишидан, ахлоқий бузуқликдан, муҳтожликдан. Меҳнат меҳмон бўлмаган ер ҳеч қачон бахт-саодат ўрни бўла олмайди. Инсон меҳнатдан тўхтаса, камолотдан ҳам тўхтайдди. Чунки камолот саройининг пойдевори ҳам, девори ҳам меҳнатдир. Меҳнат ҳосили билан яшаган инсон ўз эркига ҳоким, юлғичлик билан бойлик тўплаган хасис эса ўз иқболига золим. Ҳикмат аҳли айтганидек, вужудимиз – ерники, шарафли ишларимиз – элники! «Инсоннинг тилак ва хоҳишлари меҳнат туфайлигина амалга оширилиши мумкин, – деб ёзганлар Беруний ҳазратлари. – Шон-шавкатга, мартабага меҳнатсиз эришган киши ҳурматга лойиқми? Юқори мартабага меҳнатсиз эришган киши маълум бир муддат ичида роҳат ва фароғатда яшайди, яхши кийинади. Аммо у улуғлик либосидан маҳрум, яланғоч кимсадир». Яхши номни меҳнат билан орттириш керак, яхши ном чиройли сўзлар учун, ваъдалар учун берилмайди. Балки меҳнат натижаси учун, меҳнатга астойдил қўйилган меҳр учун берилади.

Нодон одам меҳнатдан қочади. Бир нарсасига диққат қилиш керак: ҳаром луқма топаётган ҳам меҳнат қилади. Лекин унинг меҳнати жамиятга наф бермагани, аксинча, бошқа бировларга зарар келтиргани учун савобдан маҳрумдир. Буни хайрли меҳнат доирасига киритиш ножоиздир. Асалари, қовоқари ҳам, итпашша ҳам меҳнат қилади. Лекин бу меҳнатларнинг натижаси қандай?

Қуввати ва тоқати етмаган ишга киришиб, ўзига заҳмат ва машаққатни юклаш ҳам тўғри эмас. Ўзига ва халққа манфаати тегмайдиган ишлар билан машғул бўлиб, умрни зое кетказишдан сақланиш керак. Ҳар бир ишга самимий дўстларнинг иттифоқи ва маслаҳатлари билан киришилгани маъқул. Киши кучи етадиган ишга майл қилмай, номуносиб ишга қадам қўйса, оқибатда уддасидан чиқа олмай, пушаймон ейди.

Эътиқодли кишилар яхши-ёмон, осон-қийин, пуллик-пулсиз ишларда ҳам бирдай ўз ишларини севиб-севиб бажарадилар ва истиқомат қилаётган жойларию ишларидан мамнун бўлаверадилар. Ҳатто иссиқ-совуқ муҳит, тоғ-адир бўлсин, турган жойларига рози ҳолда қилаётган ишларида саботли бўладилар.

Биздаги «меҳнат» атамасини туркманлар «заҳмат» дейдилар. Бизда «заҳмат» «қийинчилик, машаққат» маъносида қўлланилади. «Меҳнат – заҳмат» деганимизда, тил қоидасига кўра, маънодош сўз – такрор отлар назарда тутилмайди. Балки меҳнат қилиш жараёнида дуч келинадиган қийинчиликлар назарда тутилади. Дунёда осон иш йўқ. «Осон» ёки «қийин» дейишимиз нисбий тушун-

ча. Шаҳар шароитида улғайган қиз учун тонгда туриб кафтдек ҳовлини супуриб қўйиш дунёдаги энг машаққатли иш бўлиб кўри-ниши мумкин. Лекин қуёшдан олдинроқ уйғониб сигир соққан, самоварга ўт қалаган, бобоси ва бувисининг таҳоратига илиқ сув тайёрлаб берган, тандирни қизитиб, онаси билан бирга нонуштага нон ёпган, кейин катталар қаторида далага чиқиб, қуёш ботгу-нига қадар тинмаган, уйга қайтиб овқат пиширган, кир ювган... қиз учун ҳовли супуриш арзимаган иш экани табиий. Кўп қаватли уйларда яшаб, жисмоний меҳнатга кўникмаган эрка қизларимиз каттароқ ҳовлига келин бўлиб тушишса қийналадилар ва нолий бошлайдилар. Шундай эркатойларга айтадиганимиз: нолишдан фойда йўқ. Астойдил меҳнат қилмоқликни ўрганишга киришинг. Бу масалада ўғил эркатойларнинг аҳволи ночорроқ бўлади. Йи-гит киши чиниққан, ғайратли бўлиши керак. Ғайратсиз, заиф йигитлар ҳаёт йўлининг ҳар қадамида қоқилаверадилар. Салгина қийинчиликка дуч келсалар қизлардан баттар йиғлаш ҳолига ту-шадилар. Бу – уят, шундай эмасми?

Фарзанд тарбияси ҳақида сўз кетганда кўпчилик бу борада асосий эътиборни меҳнатга қаратиш тарафдори. Бу йўлни тўла маъқуллаган ҳолда, болаларимизни меҳнатга қандай қизиқтиришимиз керак, деган саволга диққатингизни тортмоқчиман. Тўғри, меҳнат бар-ча замонларда ва барча жамиятларда буюк ҳуқуқ, буюк зарурат ҳисобланган. Маданият юксаклиги меҳнатга бўлган муҳаббатга боғланади. Ўзгачароқ таъбир билан айтилса, маданият қанчалик юксак бўлса, меҳнат шунчалар юксак қадрланади. Чунки меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асосини ташкил этган. До-нишманд айтмоқчи, агар ҳаёт кемаси меҳнат лангарига суянмаса, ҳамма шамоллару довулларга дош беролмайди.

Азизлар, бундай таърифларни ўзингиз ҳам биласиз. Аммо бу ҳақиқатларни болалар онгига қандай сингдиришимиз керак? Ши-орлар биланми ё аниқ ҳаракатлар биланми? Бир киши болала-рига насиҳат қилиб дер эканки: «Одам маймундан пайдо бўлган, агар меҳнат қилмасаларинг, яна маймунга айланиб қоласанлар». Бу насиҳатда чуқур рамзий маъно бор. Бунда одамнинг жисмо-нан эмас, маънан маймунга айланиб қолиши назарда тутиляпти. Диққат қилайлик, дунёда тирик жон борки, ҳаммаси ҳаракатда, ҳаммаси меҳнат билан банд. Лекин инсон билан бошқа тирик жонлар меҳнати орасида «ОНГ», «ВИЖДОН», «ҲАЛОЛЛИК», деган тушунчалар бор. Кўполроқ таъбир билан айтсак, ўғри ҳам, ғар ҳам ўзича меҳнат қилади. Шундай экан, биз инсонга хос тушунчалар асосидаги меҳнатни, фақат ўзига эмас, жамиятга ҳам наф кел-тирадиган меҳнатни назарда тутишимиз керак. Рисола аввалида баён қилганим – қамалган боласи ҳажрида куйган ота «Фарзан-дим меҳнат қиляпти, санқиб юрмаяпти», деб фикр қилган. Бироқ ҳалолликни четлаб, осон йўл билан пул топиш инсонга хос эмас-лигини ўйлаб кўрмаган. Тижорат – ўзига хос меҳнат, унинг ҳам машаққатлари бор, буни инкор этмайман. Ҳамма ҳам тижоратчи

бўлолмайди, бу соҳага ҳам қобилият керак, буни ҳам билмоқ жоиз. Тижоратда нима ҳалолу нима ҳаром – буни дин аниқ белгилаб берган. Бу белгилаш жамият талабларига ҳам мосдир. Демак, тарбияда меҳнатнинг ҳалол бўлоғига эътиборни қаратиш керак бўлади.

Ҳиндларнинг оламари машҳур адиби Рабиндранат Тҳакур меҳнатни маданиятнинг бир кўриниши деб ҳисоблайди. У 1935 йили шундай ёзган эди: «Бир куни талабалар билан сайр-ҳаво қилиб юрганимизда, йўлда бир жуфт ҳўкиз қўшилган аравага дуч келдик; арава лойга тиқилиб қолган экан. Мен билан бирга кетаётган талабалар ёрдамлашиб, аравани қуруқ жойга чиқариб қўйишди. Шантиникетонга келган қандайдир бир киши юк кўтаришга хизматкор топа олмаган экан. Талабаларимиздан бири ўйлаб ўтирмасдан, унинг юкини елкасига олиб, айтган жойига элтиб берди. Талабалар шундай тарбия олган эдиларки, бирор жойдан келган одамга ёрдам кўрсатиш ва уларнинг хизматида бўлишни ўз вазифалари деб билардилар. Яқинда улар Шантиникетон йўлини қуришда ишладилар, ҳамма ўнқир-чўнқирларни тўлдириб текисладилар. Бу ишларнинг ҳаммасини улар ўзларидаги **ички рағбат** таъсири остида бажардилар. Улар китобга ҳам, адабиётга ҳам қарамасдан, **ҳақиқий маданият нимани талаб қилса**, шуни идрок қилиб олдилар. Бир вақтлар мен бу талабаларнинг барчасини, номларини ҳам яхши билардим. Орадан кўп йиллар ўтди, улар ҳар томонга тарқаб кетишди. Умид қиламанки, улар ҳали ҳам бошқа кишиларга шундай меҳр-муҳаббат билан қараётгандир, **ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар** ва ҳамиша заифларга ёрдам қўлини чўзарлар. Олижаноб кишининг қандай бўлишини билишларига ва олижаноб кишилар қандай бўлса, улар ҳам шундай иш тутишларига ишончим комил».

Адибнинг мақоласидаги «ички рағбат» ва «ҳақиқий маданият нимани талаб қилса», «ҳасад деган нарсани ва бошқаларнинг ютуғига кўз олайтиришни билмаслар» деган сўзларга алоҳида эътибор беришингизни истардим.

Ҳалол меҳнатга муҳаббати бўлмаган одам тўғри йўлни йўқотиб қўяди. Оқибатда барчаси ҳалокат жарига борувчи турли сўқмоқларга дуч келади: бири ҳамиша норозилик ҳиссига тўла бўлади ва бола шу ҳис билан яшайди. Бири зерикиш, қоникмаслик ботқоғи, яна бири ўз-ўзини аста-секинлик билан маҳв этишдан иборат бўлади. Бу йўллардаги боланинг онги, нафси молниқидан фарқланмай қолади. Агар «Ҳалол ва онгли меҳнат – ҳаёт асоси», деган шиордан келиб чиқсак, бошқа йўлларни танлаган ўсмир тириклайин ўлиб бораверади.

Ҳалол меҳнатнинг афзаллигини фарзанд онгига сингдиришда атроф-муҳитнинг салбий таъсирини ҳисобга олмасак бўлмас. Жамият «бой» ва «камбағал» деган тоифаларга бўлинган паллада боланинг дунёни англаши анча мураккаб кечади. Боланинг оиласи ҳалол меҳнат билан кун кўради. Ота-онаси ҳамиша иш билан банд. Шубҳасиз, фарзандининг ҳузурида баъзи-баъзида бўлса-

да, нолиб қўйишади. Уларнинг қўшниси эса бадавлат. Ҳамиша иш билан эмас, маишат билан банд. Бола бу фарқни кўзи билан кўриб турибди. Унда «Яхши яшаш учун ҳалол меҳнат қилиш шарт эмас», деган тушунча шаклланиб боради. Ҳалол меҳнат билан кун кўрувчи ота-онаси унинг кундан-кун ортиб бораётган талабларини қондира олмайди. Ҳалолликдан нарида юрувчи ота-она эса фарзандини ошириб-тошириб таъминлаб қўйган. Ана энди боладан сўранг-чи, қай бири афзал экан.

Бу ўринда бадавлат оиланинг фарзанди онгидаги тушунчани ҳам назардан соқит қилмаслик керак. У ҳам ҳалол меҳнат ҳақида кўп эшитади. Қўшниси мисолида ҳалол меҳнат туфайли қандай яшаш мумкинлигини кўради. Шу ўринда амалдаги кўриниш билан назария тўқнашади ва амалдаги кўриниш болалар онгига ҳукмронлик қилиб олади. Виждон, ҳалоллик – олий даражадаги фазилат экани ҳақидаги гапларни улар ҳазм қила олмайдилар. Шайх Саъдийнинг: *«Есам арпа нонини меҳнат билан, шириндир бировларнинг оқ нонидан»* байтларини бу тоифа болаларга сингдириш осон кечмайди. Хаёлан бир тажриба қилиб кўрайлик: ўсмирларнинг рўпарасига иккита нон қўяйлик-да, биттасига оғирроқ меҳнат билан етишасиз, иккинчиси учун меҳнат шарт эмас, денг-чи, қанчаси меҳнат билан олинувчи нонни танлар экан?

Меҳнат тарбиясини боланинг суяги қотгач бошлаш керак, дегувчилар янглишадилар. Бола эмаклаганда ёки хонтахтани ушлаб юра бошлаганида билибми-билмайми бу тарбияни бошлаб юборамиз. «Пиёлани олиб бер», «Қошиқни узатиб юбор», дейишимиз меҳнат тарбиясининг дебочасидир. Шу ўринда гўдакнинг ҳаракатини кузатайлик: у ҳали «Меҳнат – ички эҳтиёж самараси», деган тушунчадан йироқ. Лекин сиз айтган пиёлани узатиб юборгач, уни мақтаб, эркалаб қўйсангиз, у шодланади ва иккинчи, учинчи пиёлани ҳам узата бошлайди.

Демак, меҳнат учун рағбатлантириш лозим экан. Ўша гўдак сиз айтишингиз билан пиёлани узатмади, шунда сиз уни меҳнатга ўргатиш учун зўрлай бошлайсиз. Пиёлани мажбурлаб ушлатасиз, узатишга ҳам зўрлайсиз. Йўқ, азизлар, буни меҳнат тарбияси доирасига киритишимиз қийин. Меҳнатга зўрлаш болада меҳнатга нисбатан нафрат уйғотиб қўйиши мумкин.

Меҳнат тарбияси шаҳарга нисбатан қишлоқда осонроқ ҳал этилади, деб ўйлайман. Айнан қишлоқда меҳнатга мажбурлаш усули кучлироқ. Бола истаса-истамаса отаси ёки онаси қанотида меҳнат қилишга мажбур. Айрим болаларда меҳнат мажбурияти мавжуд, меҳнатга севги эса заиф бўлади. Шундайлар шаҳар шароити билан танишгач, қишлоққа қайтишни истамай қолади. Россиядаги қишлоқларнинг бўшаб қолишини айнан шу билан изоҳлаш мумкин. Тўғри, бизда у даражада эмас, аммо шундай ҳоллар мавжудлигини инкор этмаслигимиз ҳам керак.

Ўзингизга маълум, шаҳарда, айниқса кўп қаватли уйларда яшовчиларни меҳнатга жалб этиш анча қийин. Бу уйларда яшов-

чи болаларнинг асосий иши, аввалроқ айтганимдай, кунда бир марта нон дўконига бориб келиш, ҳафтада бир марта ахлатни олиб чиқиб тўкиш. Бу иш ҳам зўр машаққат билан бажарилади. Катта ака ўртанчага буюради, ўртанча эса кичигига. Униси «Ҳадеб мен қилавераманми...» деб нолийди, оқибатда ғавғодан безиган ота ёки она бу ишни ўзи бажариб қўя қолади.

Бу уйларда яшовчи болаларни атрофни тозалаш учун ҳашарга жалб этиш ҳам қийин. Ота-онаси зўрлаб чиқарса ҳам, аввалроқ айтганимдай, қўл учида ишлайди. Ҳовлини тозалашни ўзлари учун паст иш деб билади. Шунинг учун ҳам кўпгина уйларнинг атрофи ахлатхонани эслатади. Кўчани супуриб қўйишнинг улуғ савоб эканини вақтида фарзанди онгига сингдирмаган ота-она энди боласининг ишёқмаслигидан нолимаса ҳам бўлади. Агар бола 16 – 18 ёшигача ҳалол меҳнатга ўргатилмас экан, демак, унда «интизом» деган фазилат шаклланмайди. Бу фарзанд иродасиз, танбал, ҳавойи бўлиб қолади. Ҳаётга қизиқиши ҳам заиф бўлади. Айнан шу тоифа болалар ароқхўр ва гиёҳвандлар чангалига осон тушадилар.

Ўсмирлар билан учрашувларимда меҳнат мавзуини четлаб ўтмайман. Турли ҳикматлар, ривоятлар айтиб бериш баробарида уларнинг меҳнатга бўлган муносабатини билишга қизиқаман. Мана, шулардан бири:

– Ёшингиз нечада, ўғлим?

– Икки ойдан кейин ўн бешга кираман.

– Уйингизда ким таом пиширади?

– Ойим.

– Идиш-товоқни ким ювади?

– Ойим.

– Сиз ювсангиз бўлмайдимиз?

– Мен ўғил боламан-ку!

– Уйларни ким йиғиштиради?

– Ойим.

– Ким супуриб-сидиради?

– Ойим.

– Ахлатни ким олиб чиқиб ташлайди?

– Ойим. Ахлат ташийдиган машина келганда мен мактабда бўламан.

– Ҳовлидаги гулларга ким қарайди?

– Гулларга қарашни адам яхши кўрадилар.

– Ўрин-кўрпани ким тўшайди, йиғади. Чойшаб, ёстиқ жилдларини ким алмаштиради?

– Ойим.

– Нега ойингиз?

– (Елкасини қисиб) Булар ойимнинг вазифалари.

– Сизнинг вазифангиз-чи?

– (Яна елкасини қисиб) Менинг вазифам ўқиш бўлса керак. Ойим ишламайдилар, шунинг учун уй ишларини ўзлари қиладилар.

Бир танишим ҳасрат қилган эди: «Ишдан кейин уйга келганимда дурадгорчилик устахонамга кириб, овунаман. Ўғлимга ҳунар ўрга-

тай десам, бўйни ёр бермайди. Кеча зўрлагандай бўлдим. Ранда тортди, арралади. Кейин дарси кўплигини баҳона қилди. «Майли, чиқа қол, фақат олдин устахонани тозалаб, асбобларни жой-жойига қўй», дедим. У эса менга қараб, «Нега мен тозалайман, устахона сизники-ку?» деди-я?!»

Баён этилган ҳар иккала ҳолатда ким айбдор? Болами? Бизга шундай туюлади. Лекин биз боланинг бу хулқида ота-онанинг тарбияси ҳосилини кўриб турибмиз-ку?

Қанотимиз остидаги азиз ва суюкли фарзандимизнинг кундан кунга кибр либосига бурканиб, худбинликни касб қилаётганини сезмаймиз. Ўсмирнинг «Ойи, патир нон (ёки пиёз, сабзи...) қолмабди-ку?» деган саволини кўп оилаларда эшитиш мумкин. Она «Қолмаган бўлса, югуриб гузарга чиқиб, олиб кел», дейди-ми ёки «Адангга телефон қил, ишдан қайтишда ола келсинлар», дермикин? Боланинг кичкинагина саволида кибр ва худбинлик, энг муҳими, дангасалик иллоти кўринмаяптими? Агар кўринмаса, «Ойижон, патир нон қолмабди, югуриб гузарга чиқиб келайми?» – деган бўларди. «Ада, машинангизда мени теннис кортига олиб бориб қўйинг», деган истак илтимос эмас, буйруқ майлида айтилаётганига эътибор қаратинг. Бунда худбинликдан ташқари боқимандалик иллоти ҳам кўриниб турибди. «Ўғлим, кортга олиб бориб қўяйми?»- деган саволга «Адажон, пиёда бора қоламан», деса қувониш керак. «Маҳалланинг оқсоқоли тайинлаб кетди, кўчадаги дарахтларни оҳақда оқлаб қўйиш керак экан», деган хабарда сиз ҳеч қандай илат кўрмадингизми? Ўйлаб кўринг, илат бор. Бола оқсоқолнинг топшириғида ўзининг масъулиятини англамаяпти. Оқсоқолнинг топшириғини айтиб, «Ўзим оқлаб қўяман», деган аҳдини билдирса, бошқа гап эди.

**Ривоят:** бир темирчи тиним билмасдан кечаю кундуз ишлар эди. У баҳорнинг нафис гулларига бурканган водийларни, шаршараларни кўрмас эди. Бир куни дўсти келиб, баҳор гўзалликларини таъриф қила кетди. Шунда темирчи унга деди:

– Дўстим, гарчи бу дунёда жаннатдай гўзал жойлар кўп бўлсада, лекин ишимни чала қўйиб кетсам, ўша жаннатмакон жойлар гўзаллиги менга татимайди.

Бу ҳикоятни ёшлар қулоққа қўйиб олсалар арзийди. Чунки иш-лаш саодатдир. Инсон қанча ишласа, бу булоқдан шунча ичиб, шифо топаверади. Ҳикмат аҳлининг: «Пул йўқ, деб қайғурма, иш йўқ, деб қайғур», дейишлари бежиз эмас. Иш пайтида сайр қилмоқ эса ўзини ва жамиятни фалокатга тортиш демакдир. Иш вақти ва сайр вақтини белгилаб олган киши ҳаёт лаззатини тотади. Буюк Раббимиз барчани фақат ишлаб, меҳнат қилиб яшашга буюрган. Аксинча, бу ҳақиқатни билатуриб, вақтни беҳуда сарфлаш кишини мусибатга олиб боради.

Дунёнинг тамали меҳнат асосига қурилган. Бу бир суннати илоҳийдир. Буни беҳуда деб билганлар залолатга, бу йўлдан юрганлар эса саодатга юз бурадилар. Меҳнат ҳаёт чироғига мой



қуяди, тафаккур эса уни ёритади. Бу ҳикматни ёшлар унутмасалар, ишлари ўнгидан келаверади: «Ишла болам, қарилик сендан «ёшлигинг қаерда эди?» деб сўрайди.

*Ўзингни меҳнат куни овутинг,  
Не гам келса даврондин, осон тутинг.*

Ҳазрат Навоийнинг бу байтларига осетин халқининг «Кўп ишловчи кўп яшайди», деган мақолини илова қиламан. Мақол оддий гапга ўхшайди, а? Яъни, кўп ишловчи жисмонан бақувват бўлади, ҳар турли хасталик уни осонлик билан енга олмайди. Мақолга яна бир маъно яширинган: кўп ишловчи одам ўзидан кўп яхшилиқлар мерос қолдиради ва унинг номи ўлиmidан кейин ҳам яшаб қолади. «Бу кашфиётни фалончи олим қилган», «Бу кўприкни фалончи уста қурган», «Бу безакни фалончи заргар ясаган», «Бу бўз ерларни фалончи деҳқон обод қилган»... Оғир меҳнатнинг ширин мевалари мана шулар бўлади.

Ҳаётдан ҳамма лаззат топишни истайди. Лекин барча ҳам унга эриша олмайди. Нега? Ҳар қандай меҳнат ҳам ширин мева беравермайди. Нега? Русларда «Телба ақл оёққа дам бермайди», деган мақол бор. Ҳар бир иш ақл билан бажарилиши керак. Шошма-шошарлик, чалакам-чаттилик яхши натижа бермайди. Шунинг учун доно халқимиз «Етти ўлчаб, бир кес», дейди.

#### **Ривоят:**

Султон Маҳмуднинг қирқ вазири ва бир севимли қули бор эди. Подшоҳ бу қулни қирқ вазирдан кўра устунроқ қўярди. Барча вазирларига тайин этган маошнинг тенг ярми миқдоридан қули Аёзга ҳам ҳақ тўларди. Шу боис барча вазирлар қулни ёмон кўрардилар. Уни султон назаридан қолдиришга уринардилар. Бир куни ўнг қўл вазир:

– Олампаноҳ! Қулингиз Аёзни ҳаммамиздан устун кўришингизнинг боиси нима? – деб сўради.

Ақлли подшоҳ бу саволга сукут билан жавоб берди. «Унинг аъло фазилатини вақти келганда айтаман», деб қўйди ичида.

Кунларнинг бирида султон вазирлари ҳамроҳлигида овга чиқди. Узоқда бир қора нуқта кўринди. Подшоҳ вазирларидан бирига бу нуқтанинг нима эканини аниқлаб келишни буюрди. Вазир отини елдириб, ўша жойга бориб келди-да: «Олампаноҳ, кўзингизга кўринган бу нуқта бир карвон экан», – деб ҳисоб берди.

– Бу карвон қаердан келаётган экан? – деб сўради подшоҳ. Вазир буни сўрамаган эди, афсусланиб бош эгди.

Подшоҳ буни билиб келиш учун иккинчи вазирни жўнатди. Вазир тезлик билан бориб қайтди-да: «Олампаноҳ, бу карвон Ҳиндистондан келаётган экан», деди. Подшоҳ: «Ҳиндистоннинг қайси шаҳридан келаётган экан?» деб сўраганда вазир жавоб беролмай уялди. Подшоҳ буни аниқлаш учун учинчи вазирни жўнатди. Вазир карвоннинг Деҳли шаҳридан келаётганини билиб келди,

лекин подшоҳнинг: «Қаерга кетаётган экан?» деган саволига жавоб бера олмади. Буни аниқлаш учун тўртинчи вазир юборилди. У карвоннинг Ҳамадон шаҳри томон йўл олганини билиб келди-ю, карвонда қандай юк борлигини айтиб бера олмади. Шунда бешинчи вазир карвонга бориб, дори-дармон ва ипак матолар олиб кетилаётганини аниқлаб қайтди. Подшоҳ: «Карвон Деҳлидан қачон йўлга чиққан экан, бу ерда яна неча кун бўларкан?» деб сўрагач, вазир ер чизиб қолди. Шунда подшоҳнинг жаҳли чиқиб «Аёз қаерда?» деб бақирди. Хизматчилар югуриб бориб, Аёзни бошлаб келишди.

– Аёз, ўғлим, отга мингин-да, анави қора нуқта нималигини билиб кел, – деди подшоҳ.

Қул таъзим қилиб, отга минди. Шамол каби учиб бориб келди-да, деди:

– Олампаноҳим! У кўрганингиз қора нуқта бир карвондир. Ипак матолар ва дори-дармонларни юклаган бу карвон фалон куни Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳридан йўлга чиқиб, Ҳамадонга йўл олибди. Карвон уч кун бу ерда қолар экан. Фалончи сарбоннинг ҳимоясида уч кундан кейин Ҳамадон сари йўлини давом эттирар экан.

Шу тариқа қирқ вазир қирқ марта бориб билиб келган гапларни Аёзнинг бир ўзи бир марта боришида билиб қайтди. Шунда подшоҳ вазирларига қараб:

– Аёзни нима учун қадрлашимни энди билдиларингми? – деб танбеҳ берди.

Румий ҳазратларининг «Маснавий»ларида баён этилган бу қиссада жуда муҳим ибрат дарси бор. Ҳамма ҳам ишлайди. Лекин диққат билан ишлайдиганлар кам топилади. Инсон диққат қилсагина бирор масаланинг асл моҳиятидан хабардор бўлади. Мана шу қиссада Аёзнинг қирқ вазирдан устунлиги масаланинг руҳи ва моҳиятини тўла англаб олиши туфайлидир. Ҳаётда муваффақиятга эришишнинг энг муҳим сирларидан бири ҳам айнан шунда, яъни топширилган, бажариладиган ишнинг моҳиятини яхши тушуниб етишда. Бирон ишни бошлаб юбориш осон. Аммо ишни охиригача етказиб, натижа ҳосил этиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

*Чу деҳқон чекмаса жавру жафосин,  
Емишларнинг киши кўрмас вафосин.*

Киши эгаллаган яхши фазилатлари учун ҳаётда оладиган мукофотлари кўп. Масалан, салом берса, ўша заҳоти алиқ олинади. Тез бериладиган мукофот тез тугайди. Айрим яхши хулқлари учун бериладиган мукофотга эса маълум муддатдан кейин эришади. Масалан, аёзли қиш чоғи далада иш бошлаган деҳқоннинг меҳнати кеч кузга борганда ўз мевасини беради. Илм олиш борасидаги меҳнат мукофотини эса узоқ йиллар кутишга тўғри келади. Бу ҳолатда одам ҳам меҳнати, ҳам сабру қаноати эвазига мукофотланади. Бу мукофот тез тугаб қолмайди, балки умрининг охирига қадар етгулик бардавом бўлади.

### ОЗГИНА ЗАҲАР ҲАМ ҲАЛОК ҚИЛҒУВЧИДИР

Бўйсунмас болаларнинг яна бир тоифасига ёлғончилик хос бўлади. Улар ёлғончи бўлиб туғилмаганлар. Бу иллатни гўдаклик чоғлариданоқ ота ва оналаридан ўрганганлар. Тўғри, ҳар бир оилада болани ёлғон гапиришдан қайтаришга ҳаракат бор. Бола деярли ҳар куни ота ёки онасидан «Ёлғон гапирма!» деган танбеҳни эшитади. Ёлғон гапиргани учун калтакланган кезлари ҳам бўлади. Лекин ўша танбеҳ берувчи ёки калтакловчи ота ёки онанинг ўзи ёлғон гапирмайдами? Диққат қилиб кузатайлик, оилада болага нисбатан ота ва она кўпроқ ёлғон гапиради. Оддий мисол: хархаша қилган гўдакни овутиш учун «Ҳозир сенга зўр нарса бераман» ёки «Йиғламасанг, ўйнагани боққа олиб бораман», дейди, аммо ваъдасининг устидан чиқмайди, тўғрироғи, ваъдани бажаришга ҳаракат ҳам қилмайди. Ваъда беради-ю, гўдак овуниши билан унутади. Бола эса эсдан чиқармайди, кутади. Кошки эди, бундай ҳолат бир марта такрорланса?! Кунда бир неча марта такрорланади, десам, фикримга қўшиласизми? Болаларингиз эшитмайдиган қилиб шивирлаб, ўзингиздан сўрай: ўзингиз ёлғон гапирмайсизми, азиз фарзандларингизни алдамайсизми? Бу саволни ўқиб, юзингиз биров қизардими? Ҳа, афсуски, оилада барча ота ва она ёлғон гапиради. Бир оила билан иккинчисининг фарқи – ёлғоннинг кам-кўплигида. Ростгўйлик ёш танламайди. Аммо болалар билан муомалада тўғрисўз бўлиш ҳамма нарсдан ҳам муҳимроқ: катталар болага бирон нарса ваъда қилдиларми, албатта бажарсинлар, акс ҳолда уни ёлғончиликка ўргатган бўладилар. «Болаларни шафқатсизлик билан ҳам кўрқитолмайсан, – деб ёзган эди Лев Толстой, – улар фақат ёлғонгагина тоқат қила олмайдилар».

Аҳли дониш биз – катталарга шундай ўғит қолдирган: «Ўзингиз шубҳа билан қараган нарсани болага мутлақо ўргата кўрманг, агар сиз унинг нозик-ниҳол йилларида болалик онларининг покизалиги ва илк таассуротлари унда муҳрланиб қолсин, деб унинг қалбига нима биландир таъсир этмоқчи бўлсангиз, у ҳолда ҳаммадан ҳам ёлғон гапиришдан огоҳ бўлинг, чунки айтилаётган нарсанинг ёлғонлигини ўзингиз сезиб турасиз».

Ёлғончилик оғир гуноҳлардан ҳисобланишини кўпчилик биледи. «Тўғри сўз сўзланглар», деб буюрган Тангри таоло амрга итоат этган солиҳ бандаларини шарафлаган. Бу хусусда қудсий ҳадисда марҳамат қилинади: «Эй, Одам фарзанди! Ҳазабли ва хурсанд ҳолларингда ҳам тўғри сўзлашинг мартаба ва даражангни менинг наздимда юқори қилади». Набий муҳтарам (с.а.в.) дедилар: «Рост гапиринглар, чунки ростгўйлик яхшилиқларга бошлайди ва бу яхшилиқлар эса жаннатга йўллайди. Киши рост гапираверса, у Аллоҳ таоло ҳузурида «жуда ростгўй», деб ёзилиб қолади». Яна дедилар: «Банданинг иймони мукамал бўлмайди, токи унинг қалби

тўғри бўлмагунча. Қалби тўғри бўлмайди, токи унинг тили тўғри бўлмагунча».

Кўп жиноятларнинг туғилиши айнан шу ёлғончиликка банди бўлишдан бошланади, десам фикримга қўшиларсиз. Французларнинг буюк адиби Виктор Гюго «Ёлғончилик – ёвузлик тимсоли», деган экан. Яна бир ёзувчиси Жюль Ренар эса «Ёлғончилик – ўғриликдан баттар», деб таъриф берган. Болаликдан юқтирилган бу хасталикни кейин даволаш қийин. Буни гиёҳвандликка қиёслаш ҳам мумкин. Агар бундай одам ёлғончиликдан сал нари кетса, атрофидагиларнинг барчаси унга зерикарли туюла бошлайди. Рус адиби Антон Чехов «Ёлғончи ўлаётганида ҳам ёлғон гапириб ўлади», деганида мутлақо ҳақ эди. Шу ўринда катталар боладаги қуруқ ёлғон билан хаёлотга мойилликни (фантазияни) ажратиб ола билишлари керак. Киши янглишган пайтда буни сезиш қийин эмас, аммо алдаётганида ҳамма ҳам фарқлайвермайди. Агар ёлғон ҳақиқат каби бир хил бўлганда, алдовнинг тескарисини тушуниш билан масала осон ҳал бўларди. Ҳақиқат битта. Унинг акси бўлмиш ёлғоннинг қиёфаси беҳисоб, унинг ҳад-чегараси ҳам йўқ. Шу боис бола ёлғон ишлата бошлаганида ниҳоятда эҳтиёткорлик билан муносабат билдириш керак. Айрим болаларда хаёлот қуввати анча кучли бўлиб, орзу қанотида учишни хушлайдилар. Баъзан орзулари ҳақиқат каби кўриниши ҳам мумкин. Катталар бу пайтда уларнинг орзуларини парчалаб, хаёлларини бўғиб қўймасликлари лозим. Ўт-олов болаларнинг ғайратини тўғри йўналтириш қанчалик зарур бўлса, бу орзуларни ҳам жонлантиришга ёрдам бериш шунчалик муҳимдир. Олти ёшли бола ариқ бўйида ўйнаб туриб, калишини сувга тушириб юборади-да, онасига келиб: «Ойи-чи, ойи, биз ка-атта балиқ тутдик», дейди. Она: «Тутган балиғинг қани?» деб сўраганида, бола: «Ўша балиқ калишимни кийиб қочиб кетди», деб жавоб беради. Шунда она: «Ёмон балиқ экан-да, энди ариқ бўйида ўйнама, калишингни эҳтиёт қил», қабилида ширин гап билан болани овутиши ёки «Калишингни йўқотдингми, ҳали мени алдамоқчимисан?» деб калтаклаб қолиши ҳам мумкин.

Боланинг ёлғон гапиришини оилада кўп учратамиз. Агар гўдак ёмон иш қилиб қўйса, бунга яраша жазо олишини биларди ва бу жазодан қочиш чорасини излайди. Зўрлик мавжуд жой ёлғончиликнинг туғилиши учун энг қулай муҳит ҳисобланади. Унинг учун энг яхши чора – алдов. Агар алдови иш бериб, жазодан қутулиб қолса, ёлғончилик унинг учун ҳимоя воситасига айланади ва бунга тобора банди бўлиб бораверади. Бола ёлғончилиги туфайли елкасида қанчалик оғир юк борлигини фаҳмламайди, билмайди. Дастлабки ёлғонини давом эттириш, уни қувватлаш, ҳақиқатга айлантириш учун яна ўнлаб ёлғонларни тўқийверади. Ўн эмас, минг ёлғон тўқиганида ҳам катталарни тўла ишонтира олмаслигини у ҳали англаб етмайди. Катталар эса алдовга турли муносабатда бўлишади. Айримлар «Мураббони мушук еб қўйди», деган алдовга кулимсираб қўя қоладилар. Баъзилар «Пиёлани опам

синдирди», каби алдовдан ғазабланиб кетадилар. Бу ўринда фарзандига «Нима ёмон иш қилсанг ҳам, айбингни ўзинг тан олгин, тўғриси гапирсанг жазоламайман», деб тарбия берувчиларнинг услубини маъқуллаш мумкин.

Болада ёлғончиликнинг туғилишига асосан катталардан кутилажак жазо сабаб бўлади. Бир аёл овқат пиширишга уннаётиб, гўдагини катта қизига беради-да: «Укангга яхши қара, йиқитсанг – ўлдираман», деб пўписа қилади. Бундай пўписаларни кўп эшитамиз, қуруқ гап эканини ҳам биламиз. Иттифоқо, қизча укасини йиқитиб юборади, табиий-ки, гўдак йиғлайди. Боланинг йиғисини эшитган аёл пиёз тўғраётган пичоғини қўйишни ҳам унутиб, шошқич равишда кўчага чиқади. Онасининг қўлида пичоқ кўрган қизча «йиқитсанг – ўлдираман», деган пўписани эслайди-ю, кўрққанидан тилдан қолади. Гарчи она қизини ўлдиришни хаё қилмаган бўлса-да, уни турли сабаблар билан тез-тез жазолаб турган ва сўнгги пўписа ҳам болага амалга ошувчи иш бўлиб туюлган. Бунга ўхшаган воқеа ўзгача оқибат билан тугаши ҳам мумкин. Жамиятда оз бўлса-да, боланинг уйдан қочиб кетиш ҳолати учраб туради. Қочиб кетишнинг сабабларидан бири ота-онанинг нобоплиги – ароқхўрлиги ёки тинмай жанжаллашишлари бўлса, иккинчиси айнан ўша кўрқувдир. Яна турли сабаблар борки, бу ҳақда кейинроқ фикрлашамиз.

Болалар ўзларига нисбатан эътиборсизлик мавжудлигини сезсалар ҳам баъзан ёлғон тўқий бошлайдилар. Бунақа ҳол кўп болали оилаларда учрайди. Тўғри, ота-она учун барча фарзанд суюмли. Беш бармоқнинг қай бирини тишламанг, оғрийди. Аммо ота-она ўзлари билмаган тарзда фарзандларидан бирига кўпроқ, иккинчисига камроқ эътибор беришлари мумкин. Агар болалардан бири нимжонроқ ёки касалвандроқ бўлса, унга кўпроқ парвона бўлинади. Бу парвоналик бошқа фарзандга ўзгача туюлади. Болалик онги «Аканг (ёки уканг) касал, онанг (ёки отанг) шу сабабдан унга кўпроқ қарашади», демайди. Аксинча, «Мендан кўра уни кўпроқ яхши кўришади», деган ўксикли хулосага келади. Мактабда айрим муаллимлар суюкли ва ёқимсиз ўқувчиларига муносабатларини ошкор қилиб қўядилар. Агар уйда ўксиган бола синфда ҳам шундай эътиборсиз бўлса, унда атрофидагиларга нисбатан норозилик, ҳатто нафрат уйғонади. Ўзини эътиборлилар қаторида кўриш учун ёлғондан фойдаланади. Уйда мактаб ҳақида, мактабда уй ҳақида ёлғон гапларни айта бошлайди.

Дўстлик ҳақидаги нотўғри тушунча ҳам болани ёлғон айтишга мажбур қилади. Агар ўртоғи бирон ножўя иш қилган бўлса, бола унинг айбини яшириш учун ёлғон сўзлайди. Болага айбни яшириш эмас, хатони тузатишга ёрдам бериш – чин дўстликдир, деган тушунчани сингдириш осон эмас. Орада «хоинлик» деган тушунча ҳам бор. Агар бола дўстининг айбини ошкор қилса, унга «хоин» деган тавқи лаънат ёпиштирилади. Демак, ёлғоннинг биринчи сабаби дўстининг тақдирдан чинакамига қайғуриш бўлса,

иккинчиси «хоин» деган ном олишдан қўрқишдир. Кўриниб турибдики, ёлғоннинг илдизларидан бири қўрқувнинг яна бир турига тақалаяпти. Илдизлардан яна бири иккиюзлаамачилик, лаганбардорликка ҳам бориб уланади. Юқорида зикр этганим – атрофидагиларнинг диққатини ўзига жалб этиш истаги болани шу йўлга ундайди. Бошқаларни ёмонлаш учун ёлғон тўқилади.

Тўғрилиқка малака ҳосил қилдириш қасди билан болаларга буйруқ бериш, уришиш ва сўкиш фойдали эмас, балки зарарлидир. Бола нима учун ёлғон гапирари? Бирон жазодан қутулиб қолиш учун, шундай эмасми? Эндигина тўрт ёшга тўлган бола қосани синдириб қўйди ёки мураббони тўкиб юборди. У онаси ёки отасининг бақаришидан ёки уришидан қўрқари. «Бу ишни мен қилмадим», деган ёлғон унинг учун нажот бўлиб кўринади. Таҳдид оҳанги билан «Ким қилди?» деб сўралса, оддий ёлғон туҳматни чорлайди: айбсиз одамнинг номи айтилади. Бу одат оиладан боғчага, ундан мактабга кўчади. Болага тарбия беришнинг йўли ота-она ўзлари болалар олдида рост сўзлашлари, ёлғон гапирмасликлари, болаларга ўрнак бўлишлари ва фарзандларининг муҳаббатларини қозонишга эришишлари орқали бўлади. Одам болаларини эзгуликка ва жаннатга олиб борадиган тўғрилиқ ана шундай бўлиб, сиддиқлар худди шундай кишилар орасидан етишиб чиқдилар. Оталар ва оналар ўзлари қилмайдиган иш ҳақида болаларига, «Ундай қиламиз, бундай қиламиз» дейишлари ёки юпатиш учун ваъда беришлари бола тарбияси учун жуда зарарлидир.

Ҳамонки, ёлғон энг ёмон иллатлардан экан, биз – катталар бу ҳақда нималар биламиз? Фарзандларимизга бу ҳақда нима дея оламиз? Агар бу хусусда кўп ҳикматларни билсангиз, нур аланнур, эндиги суҳбатимиз сиз учун бир такрор ўрнида ўтади.

Ёлғончи одам таҳқир ва койишгагина сазовор эмас, у жуда ҳам мушкул, ноаниқ, мужмал ҳаёт кечиришга мажбурдир. Чунки биринчи сўзлаган ёлғонини хаспўшлаб беркитиш учун иккинчи ёлғонга, буни ҳам беркитишга ҳаракат қилиб, учинчи ёлғонга эҳтиёж сезишини айтдим. Шундай қилавергач, катта ва кўрқинчли хатоларга дучор бўлади. Ўзининг иззат ва обрўсини халқ орасида йўқотгани соясида доимо қайғу-алам билан умр ўтказади. Демак, ёлғончилик ва иккиюзлаамачилик жуда ҳам нафрат этиладиган иллатлардан саналади, ёлғон сўзлаш – ўзини камситиш ва таҳқир қилишдир. Бу ёмон иллатни тарк этиш лозимлигини билишнинг ўзи кифоя эмас. Афсусларки, орамизда буни яхши билганлари ҳолда ундан қутулишга бепарво одамлар ҳам топилади. Шундайлар борки, ёлғон топа олмаган ҳоллардагина рост сўзлашга мажбур бўладилар. Ёлғончи одамлар ўз ёлғонларига бошқаларни ишонтириш учунгина рост сўзлайдилар. Бу ёлғончиларнинг юзлари кулиб тургани билан қалблари қорадир. Кўринишлари одам шаклида бўлгани билан, ёлғон гапирганлари учун инсонийликдан узоқлашганлар. Ибн Масъуд дедиларки: «Энг яхши озуқа тақводир, энг ёмон кўрлик қалб кўрлигидир. Хатоларнинг энг

каттаси ёлғондир». Бу ҳикматдан келиб чиқадиган маъно: қалби кўр одам ёлғони оқибатида келувчи ҳасратни кўра олмайди. Ёлғончиларнинг бу илатдан қутулишлари учун Арасту ҳакимнинг: «Тўғриликда ўлиш – ёлғончи бўлиб узоқ умр кўришдан кўра хайр-лидир», деган ҳикматлари асқотармикин? Эҳтимол, ҳазрат Навоийнинг: «Бировким, эрур ростликдан йироқ, анингдек киши бўлмағон яхшироқ», деган доно сўзлари таъсир қилар?

Бу гаплар-чи?

*«Ҳар кимнингки сўзи ёлғон, ёлғонлиги билинган – уятга қолгон. Ёлғонни чиндек гапирувчи сўз устомони – кумушга олтин қоплаб сотувчи заргар. Ёлғон – афсоналар билан уйқу келтирувчи, ёлғончи – алаҳловчи. Ёлғон гапирувчи гафлатдадир. Сўзнинг бир-биридан фарқи кўпдир. Аммо ёлғондан ёмонроқ тури йўқдир. Ёлғон гапириш билан ўз вақтини ўтказувчи одам, бу қилиги ёмон туюлиши ўрнига, кишиларни алдагани билан фахрланади ҳам. Ёлғончи ўз гапига гўллик билан қулоқ солувчини топса, уларга ёлғонни чинга ўтказса, муродига етган бўлади. Ёлғончи – Ҳақ қошида гуноҳкор, халқ олдида шарманда. Бундай наҳснинг беор юзи ёмонликка ўгирилган бўлади. Бундай наҳсга ботган одам қутлуғ уйдан нари бўлмай.*

**Байт:**

*Ул кишини қутлуғ эвдин ташқари сурмак керак,  
Қутлуғ эв дунёдурур, яъники, ўлтурмак керак».*

Яъниким, ёлғон сўзлагувчини қутлуғ уйдан суриб чиқармоқ керак. Ҳазрат Навоий «қутлуғ уй» деб дунёни назарда тутяптилар, суриб чиқармоқдан мурод эса – ўлдирмоқдир. Демак, ёлғончининг жазоси ўлимдир. Бу ўринда Навоий ҳазратлари ўлим жазосини тайин этганларида жисмоний маҳв этилмоқни назарда тутмаган бўлсалар керак. Бунда кишидаги ёлғонни ўлдирмоқлик, уни ёлғонлардан холис этмоқликка ундалгандир.

*«Кимки ёлғон сўзни бировга тўнकाгай, ўз қора юзини ёгга булгагай. Озгина ёлғон ҳам улуг гуноҳдир.*

**Байт:**

*Заҳрнинг оз эса миқдори даги муҳликдур,  
Игнанинг нўғи заиф эрса даги кўр қилур».*

(Таъкид этилмоқдаким, заҳарнинг озгинаси ҳам кишини ўлдиради. Игнанинг учи кучсиздай бўлса ҳам, кишини кўр қилади.)

*«Ёлғончи одам – унутувчи. У андиша ва эҳтиётдан четда турувчи. Ҳар кимнинг сўзи чин бўлмаса, ростгўйлар кўнглига у сўз қабул бўлмас. Ёлғончи ўзининг ёлғон сўзига бир-икки марта ишонтиради. Кейин нима қилади? Ёлғончилиги маълум бўлган, у расво бўлади. Унинг сўзига халқ ишончи йўқолади. Кўнгул хазинасининг қулфи – тил. У хазинанинг калити – сўз бил.*

*Кўнгул ҳолати сўз дегач билгурур –  
Ки, махзанда дур ё садафрезадур».*

(Кўнгилинг ҳолати сўраганда билинади. Унинг хазинасида инжу борми ёки садаф майдаси – дарҳол кўринади.)

*«Чин сўзни ёлгонга чулғам, чин гапира оладиган тилни ёлгонга булғам. Ёлгончи – киши эмас, ёлгон айтмоқ – яхшилар иши эмас. Ёлгон сўз – айтувчини безътибор қилади. Чунки у гавҳарни оддий тошдек хор қилади. Кимки чин сўзни ёлгонга қотади, бебаҳо дурни нажосатга отади.*

*Гавҳареким, шоҳларга зеби тожу тахт эрур,  
Ташлагон они нажосатга ажаб бадбахт эрур».*

(Шоҳларнинг тож ва тахтига безак бўлган гавҳарни нажосатга ташлаган ажаб бадбахт кишидир.)

Навоий ҳазратларининг зикр этилмиш фикрлари катталарга хос. Биз ўрганаётган ёшларнинг тоифаси вақтида тарбия топмас экан, жиноят кўчасига кириб кетмаган тақдирда ҳам, наҳсга ботгани ҳолда халқ олдида шарманда бўларкан. Ўзининг шарманда бўлгани майли, лекин унинг зурриётидан нимани кутиш мумкин? У боласини қай йўсинда тарбия этар экан? «Болам, мен кичиклигимда ёлгончилик касалига мубтало бўлиб, маънан қашшоқлашдим, эларо обрўсизландим, сен бу хасталиқдан қоч», демоқликка фаросати етармикин? Навоий ҳазратларининг таъбирларига қайтсак, болани ёлгондан қайтармаслик – унга аста-секин таъсир этувчи заҳар бериш билан баробар экан. Агар бола бирон овқатдан заҳарланса, дарров чора кўриш бошланади. Руҳий оламининг заҳарланаётганини билиб туриб, нега чора-тадбир кўрилмайди?

Ҳазрати шайх Аҳмад Мағрибий дедилар:

– Онамдан мерос қолган бир уйни сотдим. Бадалини Каъба мужовирларига улашмоқчи бўлдим. Баррияди кетаётган эдим, бир қароқчи араб рўпарамдан чиқди:

– Ниманг бор? – деб сўради.

– Элик тиллам бор, – дедим-да қўлига бердим. Санади-да, ўзимга қайтариб берди ва туясини чўктирди.

– Бу туяга мин, кетамиз, – деди.

– Мени нима қиласан? – дедим.

– Тўғрилигингни кўриб, кўнглим сени севди, – деди.

Мен хоҳласам – хоҳламасам, туясига миндирди. Каъбага бордик. Биргаликда тоат ва риёзатга машғул бўлдик. Ўша қароқчи оқибатда Аллоҳ таолонинг валийларидан бўлди.

Мазкур ҳикоятга «Гулистон»дан бир байт илова қилинса, узукка кўз қўйгандай бўлар:

*Ҳақни билган кимса айлар ростлиг,  
Ростга йўқ камлику ҳам костлиг.*

Тилимиздаги «ростлик» ва «тўғрилик» сўзлари айри-айри маъноларни англатмайди. Бу сўзларнинг зидди – «эгрилик» ва «ёлгон»дир



(яна «кизб» ҳам дерлар, ёлғончи эса «каззоб» аталур). «Амин» сўзи ростгўйлиги учун ишончли кишига айланган фазилат эгаларига нисбатан айтилади. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ростгўй бўлганликлари учун ҳали пайғамбар бўлмасларидан олдин ҳам шу ном билан иззатланганлар. Яна тўғрисиўзли одамларга «Сиддиқ» деб сифат берадиларки, ҳазрат Абу Бақр бу ҳурматга эришганлар.

Инсондаги ажойиб хулқлардан бири ростлик – тўғрилиқдир. Тўғрилиқ одамдаги барча ишларнинг тартиб ва маромда кетишини таъминлайди. Тўғрилиқ издан чиқдими, демак, ҳамма ишларнинг тартиби бузилади. Хоҳ катта ва улуғ ишлар бўлсин, хоҳ кичкина ва арзимас амаллар бўлсин, агар диққат кўзи билан қаралса, уларда тўғрилиқ йўқ экан, ҳаммаси хароб бўлади. Барча турдаги ишларнинг бари тўғрилиқ билан барқарор, шу ишларни амалга оширувчилар эса тўғрилиқ билан бардам ва устувордирлар. Ҳаётда одамнинг узоқ яшаши эмас, тўғри яшамоғи муҳимроқ. Тўғрилиқка ишонмаган ақлнинг ўткир бўлганидан фойда йўқ. Соатнинг ҳам югуриб кетиши эмас, тўғри юриши муҳимроқ. «Сен то қувватинг бор экан, доимо ростлик ва тўғрилиқ йўлини тут, – дейди дониш аҳли. – Шунда сен саодат чаманидан муддао гулини терасан. Ўқни қара, тўғри бўлгани учун юзи доим гулгун. Камон эгри бўлгани учун каноп билан боғланиб, банди қилинган».

Ҳазрат Навоийдан яна бир ўғит: «Агар сўз гўзаллик зийнати билан безалмаган бўлса – унга чинлик беағи етарлидир. Ёлғончининг гапи қанчалик чиройли бўлса – шунчалик қабиҳдир. Чин сўз қанчалик бетакаллуф бўлмасин, сўзловчи учун таассуф йўқдир. Гул либоси йиртиқ бўлса ҳам зиёнсиз, садаф хунук бўлса ҳам, инжу учун нуқсонсиз».

*Сўзда Навоий не десанг, чин дегил,  
Рост наво назмага таҳсин дегил.  
Ростдур улким, назари тўғридур,  
Ким илиги эгридур – ўғри эрур.*

Ҳикматларга бой эртақларимиз орасидаги «Эгри билан тўғри» чўпчаги фарзандларимизни тарбия қилишимизда ғоят муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман. Ажабланарлиси шуки, тарбия соҳасидаги ишларимизда бу каби эртақларга аҳамият бермай қўйганмиз. Ўтган асрнинг эллигинчи йилларида «Эгри билан тўғри» эртаги болалар театри саҳнасида ўйналарди. Ҳар қандай мушкулликда ҳам нажот тўғрилиқда экани, тўғри одамнинг бахтга эришиб, эгри одамнинг ваҳший ҳайвонларга емиш бўлиши болаларнинг онгига таъсир қиларди. Нечундир бундай асарларга энди саҳнада ҳам, дарсликларда ҳам жой йўқ.

Халифа Ҳорун ар-Рашид янги сарой бино қилишни ихтиёр этди. Унинг истаги бўйича сарой ўртасига тўғри бир устун қўйиш зарурати туғилди. Халифанинг буйруғига кўра, шундай устунбоп ёғочни қидира-қидира Бағдодга яқин бир қишлоқдан топдилар.

Устунбоп ёғоч Бағдодга келтирилганда Ҳорун ар Рашид ёнига амалдорларини олиб, устун кўрмоқ мақсадида қурилиш майдони-га келди. Амалдорлар орасида донишманд Баҳдул ҳам бор эди. У устунга яқин келиб, энгашиди-да, нимадир деб пичирлади. Сўнг янада энгашиб, устунга қулоғини тутди.

Унинг бу қилигидан барча таажжубланди. Халифа эса бу ҳаракатининг сабабини сўради. Донишманд бундай жавоб берди:

– Мен устундан: «Ўзинг бир ёғоч бўлсанг-да, халифа жаноблари сенга пешвоз чиқиб, кўргани келдилар. Бундай иззат ва ҳурматга лойиқ бўлишинг сабаби недир?» – деб сўраган эдим, бундай жавоб қайтарди: «Мен эгри бўлмадим, тўппа-тўғри ўсдим, тўғрилигим туфайли шундай иззатга муносиб кўрилдим. Эгри бўлсам эдим, майдалаб, ўтин қилиб ёқиб юборардилар. Тўғри ўсганим учун мени экиб, парваришлаган кишининг хонадонини ҳам бойитдим».

Тарихда золимлиги билан ном чиқарган Ҳажжож қўлига асир бўлиб тушган асирларга оғир жазони маъқул кўрди. Шунда асирлар орасидаги бир киши унга:

– Эй амир, менга жазо берманг, сизга хайрли хизмат бор, – деди.

Ҳажжож бу гапдан ажабланиб, қандай хайрли хизмат қилганини сўради. У киши:

– Бир душманингиз сизни ғийбат қилиб, «золим», деб таърифлай бошлаганида мен унга гапиришни ман этдим, – деди.

Ҳажжож бу гапнинг исботи учун гувоҳ талаб қилди. У кишининг рост гапини тасдиқлайдиган гувоҳ йўқ эди. Шунда у таваккалига асирлар орасидаги одамни гувоҳ деб кўрсатди. У одам бу кишининг жазодан қутулиб қолишини истагани учун гувоҳликка ўтди-ю, Ҳажжожнинг қаҳрига йўлиқди:

– Ўша даврада сен ҳам бор экансан, душманимнинг ғийбатини тўхтатган бу кишига сен нима учун қўшилмадинг? – деди Ҳажжож.

– Мен сизни ашаддий душманим деб биламан. Шунинг учун у душманингизни сўздан тўхтатишни истамадим.

Бу гап Ҳажжожнинг газабини баттар қўзитган бўлса-да, рост сўзлагани туфайли уни жазодан озод қилди.

Мазкур ҳикоятдаги бир ҳолат озгина баҳс уйғотиши мумкин. Яъни, гувоҳ ёлғон гапирди-ю, лекин жазодан озод этилди. Аввало у одамнинг ёлғон гувоҳлигида бир жонни сақлаб қолиш хайрли нияти бор. Иккинчидан, у гувоҳлиги учун эмас, золимга бўлган муносабатини яширмагани учун афв этилди. Учинчидан, ҳар қандай ростни айтавериш ҳам фазилат саналмайди. Бу хусусда ҳазрат Навоий дедиларки:

*Хирадманд чин сўздин ўзга демас,  
Вале бори чин ҳам дегулик эмас.*

Ақабба ибн Аби Муъитнинг қизи Умми Кулсумдан (розиоллоҳу анҳо) ҳадис: «Мен Расулуллоҳдан (с.а.в.) уч ҳолатдан ташқари, яъни, одамлар орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон сўзлаш, эр ўз хо-

тинининг кўнглини кўтариш учун унга ёлғондан ваъда қилиш ва хотин эрининг муҳаббатини ўзига жалб қилиш учун баъзан ёлғон гапларни сўзлашидан бошқа вақтда кишилар орасида бўладиган ёлғон гаплардан ҳеч бирига рухсат берганларини эшитмадим». Ўтмиш донишмандлари бу ҳақда фикр юритганларида ёлғон ишлатишни уч ҳолатда жоиз эканини айтганлар: кофирлар билан тўқнашганда, икки кишини яраштираётганида ва эр-хотин муносабатида доир айрим ҳолатларда.

Шу ҳикматларга биноан ҳазрат Навоий ёзадилар:

«Ақлли одам ёлғон гапирмас. Аммо барча рост гапни айтавериш ҳам тўғри эмас. Бировнинг кўзи гилай – ногирондир, бироқ у бунга айбдор эмасдир. Бировни ноҳақ хижолатга солмоқ – ўз нодонлигини изҳор қилмоқ ва бир кўнглини оғритмоқдир. Бу каби кишини хафа қиладиган чин сўздан кўра зарурат юзасидан ўрни билан гапирилган ёлғон яхшироқдир».

Байт:

*Ёлғон ўлса мулояматомиз  
Ваҳшатангиз чиндан англа азиз.*

(Дейилмоқчики: ёлғон агар тасалли, таскин берса, даҳшатли чиндан азизроқ бил.)

Тўғрилиқ ва хиёнат, ёлғончилик ва диёнат бир-бири билан сира чиқиша олмайди.

Қадим адабиётимизда кўплаб учрайдиган бу каби ҳикматлар китоблар саҳифасидан кўчиб, хонадонларимизга кирса, уларга аввало ўзимиз риоя қилсак, сўнг фарзандларимизни шу руҳда тарбия этсак, икки дунё саодатига элтувчи йўлдан адашмаган бўлардик.

Аллома Ризо ҳазрат (Ризоуддин ибн Фаҳриддинни илм аҳли шундай шарафлайди) «Жавомеъул калим» деб номланган асарларида тўғрилиқ ҳақида ибратли фикрларни баён қилганларки, ўрни келганда улардан баҳраманд бўлиш айни муддаодир.

«Инсонларда яхши ва ёмон хулқлар жуда кўп бўлса ҳам, ахлоқ олимлари уларнинг ҳаммасини икки хилга – тўғрилиқ ва ёлғончиликка тақсимлашган. Қанча яхшилик (фазилат) бўлса, шуларнинг ҳар бири тўғрилиқ (сиддиқлик) остига ва қанча бузуқлик (разолат) бўлса, ҳаммаси ёлғончилик (каззоблик) остига киради.

Тўғрилиқни фикрда, сўзда, муомалада, ваъдада тўғри бўлиш каби турларга айириш мумкин.

**Фикрда тўғри бўлиш** ўзини ўзи алдамасликдан ҳамда йўқ нарсалар билан ҳақиқатни ўзидан пардаламасликдан иборатдир. Инсон бир нарсани фикрлайди ва шу нарсага эътиқод қилади-да, кейин тама ва бахиллик ёки ғазаб ва адоват сабабли ўзининг шу эътиқодига шубҳалана бошлайди. Ҳақиқатни ўзидан яширишга чоралар излайди ва топади ҳам. Агар бахиллик ва тамани, ғазаб ва адоватни бир четга ташласа, у вақтда аввалги эътиқоди очиқ

суратда майдонга чиқади ҳамда шу эътиқоднинг дурустлигига ва ҳақиқат эканига унда ҳеч бир шубҳа қолмайди.

Баъзи кишилар бир нарсанинг (фикр, иш, эътиқод) бузуқлик эканини билишади ва шунга кўнгиллари мойиллиги сабабли ўзларига уни тузук кўрсатишга тиришишади ва йўл излашади. Бу ишлари тўғрилиқ эмас, балки ёлғон ҳамда ўзини ўзи алдашдир.

**Сўзда тўғри бўлиш ва муомалада тўғри бўлиш** бутун ҳаёт ва маишатнинг тиргагидир. Яхши мол сотиш, қарзларни вақтида бериш, омонатни сақлаш, бировнинг ҳаққини емаслик ва олиб қолмаслик муомалада тўғри бўлишга киради. **Ваъдада тўғри бўлиш** ҳам муомала ҳукми остига киради.

«Ваъдага вафо – марднинг иши» деган мақолни эшитгансиз. Ҳа, вафо ўз сўзига нисбатан ҳам бўлиши керак. Суюкли ёшларимизда баъзан ана шундай вафо етишмай қолади. Бунинг сабаблари: баъзан бир жойга боришга ваъда берадилару оила катталаридан руҳсат тегмагани учун бажаролмайдилар. Бу ҳолда ваъдалашган кишини дарров огоҳлантириб, узр сўраш керак бўладикки, шундай қилинса, ваъдани бажармаслик бевафоликка йўйилмайди. Баъзан эса лоқайдлик ёки эриниш туфайли ваъда бажарилмайди. Масалан, қор ёғаётгани учун кўчага чиқишга эриниб, ваъдалашган жойга боришмайди. Огоҳлантирилмайди, узр ҳам сўралмайди. Буни бевафолик деймиз, гуноҳ эканини ҳам эслатамиз. «Боролмайман», деб ёлғон баҳона билан огоҳлантирилган тақдирда ҳам гуноҳ соқит бўлмайди.

Бизда, одамнинг ёшидан қатъи назар, ваъдабозлик кенг тарқалган ва ваъдага вафо қилмаслик оддий ҳол бўлиб қолган. Ҳолбуки, «Арбаин»да таъкидланганидек:

*Кимки ҳар кимга ваъдае қилди –  
Шарт эрур ваъдага вафо қилмоқ.*

Ҳазрат Сўфий Оллоҳёрдан байт:

*Кел, эй содиқки қилдинг сидқ лофин,  
Ўланча қилмагил ваъда хилофин.*

Дейилмоқчики, эй банда, энди сен ростлик даъвосини қилсанг, ўлар кунгача ваъданга хилоф қилмасдан тур. Чунки ваъдада тўғри турмоқ яхши ахлоқнинг юқори мартабасидир.

Болаларни, ёшларни ваъдасизликда айбламай турайлик, ўзимизга четдан қарайлик: бир кишининг чақириғига ваъда қиламиз-у бормаймиз ёки белгиланган соатда бора олмаймиз. У киши ўз ишларини ташлаб, кутиб туради ва хавотирланади. Биз унинг ишдан қолганини ва хавотир олганини бир чақага ҳам олмаймиз. «Ваъда – қарз» эканини, ваъдага хилоф эса, мунофиқлик эканини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Ҳатто кўпимиз бажариш ниятида эмас, балки шунчаки суҳбатдошнинг сўзини қайтаришдан уялиб ваъда бериб юбораверамиз. Бу ҳол ваъдада турмаслик эмас, балки ваъдабозлик нияти билан бўлганидан икки карра қабоҳатдир.

Кишининг лафзида турмоқлиги қадим адабиётимизда «Вафо гулини очти» тарзида ҳам баён этилади: «Абнойи замонғаким, бир вафо гули очтиким, алардин юз жафо тикани бағриға санчилмади».

Иброҳим Халидуллоҳнинг ўғиллари Исмоил алайҳиссалом Маккадан Фаластин ерига бориш учун чиққанларида Абдурраҳмон исмли кимсага йўлиқдилар. Бу кимса дедик:

– Эй Аллоҳнинг Расули, агар сизлар мени йўлдошликка олсангиз эди, мен ҳам сизлар билан борур эдим.

Исмоил алайҳиссалом кўндилар. У киши яна дедик:

– Уйимда баъзи ишларим бор, бир оз кутсангизлар, уларни бажариб келсам, сўнг бирга борур эдик.

Исмоил алайҳиссалом «Яхши, кутамиз», деб ваъда қилдилар. «Келурман», деб кетган Абдурраҳмон ваъдасини унутиб, қайтиб келмади. Исмоил алайҳиссалом ваъдаларига хилоф қилмай, ваъда берган ерларида уни олти йил кутдилар. Абдурраҳмон еттинчи йили шу йўлдан тасодифан ўтиб, Исмоил алайҳиссаломга дуч келди-ю, ваъдасини эслади. Уят ели билан тутдек тўкилиб йиқилди. Исмоил алайҳиссаломга узрлар дафтарини очиб, оёқлари остига кўз ёш дурларини сочди. Исмоил алайҳиссалом эса лутф билан: «Хуш келдинг, сафо келдинг, айтган сўзингда турдинг», деб тавозуъ қилдилар.

Аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмаслиги сир эмас. Шундай экан, нима учун айрим одамлар тўғрилиқни одат этмайди, ёлғондан ва ваъдага вафо қилмасликдан сақланмайди?

Сабаби маълум: болалик ва ёшлик вақтида яхши тарбия олмаганидан, рост сўзлашга ва ёлғондан сақланишга одатланмаганидандир. Бу одат болалигида ота-она тарафидан ҳосил қилиниши зарур. Болалик вақтида тўғрилиқка ўрганмаган киши учун китобларда ёзилган, минбарларда айтилган ва мўътабар кишилар сўзлаган сўзларнинг самараси оз бўлади. «Қайсики она ёки ота боласига бир нима бераман, деса-ю бермаса, ёлғончи бўлиши учун шунинг ўзи кифоя» эканини Расулуллоҳ (с.а.в.) таъкидлаганлар. Чиндан ҳам овутиш учун қанча кўп ёлғон гапиришимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Болага ёлғончиликни биров атайин ўргатмаса ҳам, бу иллатни ўз ота-онасидан ўрганади. Ҳатто ҳали тили чиқмай туриб ҳам, отаси ва онасининг ёлғонларига тақлид қила бошлайди. Агар такрор айтаётган бу гапларимни малол олсангиз, хотиржам пайтингизда фарзандларингизни ёки жиянларингизни кузатинг.

Имом Бухорий ҳазратларининг фаолиятлари ҳақидаги ҳикояларда баён этиладик, ул зот бир ҳадисни ишончли манбадан ёзиб олиш учун узоқ кунлар давом этувчи сафар машаққатидан ҳам қайтмаганлар. Саҳро барханларини ошиб ўтиб, бир қишлоққа борганларида ишончли ҳадис сўзлаб бериши лозим бўлган киши тушови бўшаб кетган отни ушлаш учун бўш этагини очганича, гўё арпа бермоқчидай, жониворни алдаб чорлаётган экан. Ҳазрат Бухорий бу ҳолатни кўриб «Бу киши ёлғончи экан, айтадиган ҳадиси ишончли эмас», деб изларига қайтган эканлар.

Кема ва поезд машинистлари бир дақиқа ҳам бепарволик қилмай, машиналарига қараб боришга қай даражада мажбур бў-

лишса, ота-оналар ҳам ёш болаларига шу даражада қараб туришлари, тўғрилиқка ўргатиб, ёлғончиликдан сақланишга кўникама ҳосил қилдиришлари лозим. Болаларга яхши тарбия шу равишда берилади. Тўғрилиқка малака ҳосил қилган болаларнинг бошқа бузуқликлардан сақланишига умид боғлаш мумкин, чунки дунёдаги бузуқликларнинг ҳеч бири тўғрилиқ билан бир ерда жам бўлмайди.

Ривоят қилишларича, фуқаролардан бири амир Алининг олдига келиб:

– Ё амир, исломда ман қилинган нарсалар кўп. Мен ёлғон сўзлайман, ўғрилиқ қиламан, шароб ичаман, бошқа гуноҳларим ҳам бор. Лекин мен ана шу гуноҳ ишларнинг ҳаммасидан бирданига халос бўлолмаяпман. Бинобарин, яхши фазилатлардан бирини ўргатинг, токи гуноҳ қилмоқдан халос бўлай, – деди.

– Ёлғон сўзлашдан ўзингни сақлагин, – деб насиҳат қилди амир Али.

У киши Алининг ҳузуридан чиқиб, ўз йўлига кетди. Йўл устида майхона бор эди. Унинг дилида шароб ичишга майл туғилди ва шу ниятда майхона сари юрди. Юра туриб ўйлади: «Агар амир мендан «Шароб ичдингми?» деб сўраса, мен «ҳа», деб тўғрисини айтсам, у ҳолда жазога рўпара бўламан. Агар «йўқ» деб жавоб берсам, алҳол «ёлғон гапирмайман», деб аҳду паймон қилганман». У киши ўйлай-ўйлай нафсини енгди-ю, шароб ичмоқ фикридан қайтди.

Шунингдек, йўлда бир хотинни учратиб, шаҳвоний ҳирси кўзгаб, зино қилмоқ ҳаракатига тушди. Бироқ аввалгидек, қилган аҳду паймони ёдига келиб, бу бузуқликдан ҳам воз кечди. Натижада, қайси бир гуноҳ ишнинг устидан чиқса, эсига ёлғон гапирмаслик ҳақидаги қилган аҳду паймони тушиб, ўзини тўхтатаверди. Шундан сўнг у амир Алининг ҳузурига келиб деди:

– Ё амир! Бир гуноҳдан тўхташим туфайли қаршимда очиладиган барча тўғри йўлларни кўрсатдинг. Барча ёмонликларнинг бошланиши ёлғон гапиришдан вужудга келишини энди тушундим.

Ёлғончиликдан ҳазар қилмай яшаётганлар агар «бу гапларни ўзимизга ўхшаган бир одам айтган-да», деб ўжарлик қилсалар, уларга Аллоҳ таборак ва таолонинг бу огоҳлантиришларини эслатаман:

«Албатта, Аллоҳ (иймонда) содиқ кишиларни билур ва, шунингдек, ёлғончиларни ҳам аниқ билур» (*Анкабут сурасидан*). «Қасамларингизни ўзаро алдов воситаси қилиб олмангиз» (*Наҳл сурасидан*).

Ҳазрат Сўфий Оллоҳёрдан байт:

*Қилич бошинга келса, айма ёлғон,  
Ўлумдиндур батар чунки у ёлғон.*

Дейилмоқчики: биров бошинг узра қилич кўтариб чопмоққа шай турса-да, ёлғон гапирма. Чунки ёлғон эртами-кечми, бари бир очилади. Шунда сен халқ орасида уятга қоларсан. Шунинг учун уят – ўлимдан ёмон, деб бекорга айтмаганлар.

*Нажас мурдор эмас ёлгончиликдин,  
Мусулмонегашарм эт бу қилиқдин.*

Дейилмоқчики: кўриб турибсан, нажасларнинг нажаслироғи ёлгончилик экан. Шунинг учун зинҳор ба зинҳор бундайин ёлгончи кимсалардан, уларнинг қилиқларидан уялгин, ёлгон сўзни сўзламагил, дея мусулмонларга ўгит қилавер.

Ёлгон ва алданиш турларини ҳаётда ҳар куни кўплаб учратамиз. Оилада зарарсиз туюлган кичик ёлгонни тимсоҳ тухумига ўхшатиш мумкин. Тимсоҳ боласи тухумни ёриб чиқиб, ваҳший махлуққа айланади. Хотинини ёлгон гап билан алдаётган эр (ёки эрини алдаётган хотин) бу одатни қачон ва қаерда ўрганганини бир мулоҳаза қилиб кўрса ёмон бўлмас эди. Корхоналарда, идораларда ёлгон либосига ўралган баҳоналарнинг саноғи йўқ. Бозордаги ёлгон дўллари-чи?

– Олма неча пул?

– Минг сўм.

– Саккиз юздан беринг...

– Нима деяпсиз, ўзим саккиз юз эликдан олганман...

Аслида олти юз элик сўмдан олган. Ёлгон ишлатмаса ҳам фойдасига сотади. Ким ҳаромга аралаштириб топилган фойдани нақадар афзал билса, унинг келажағи шунчалар аянчли!

Ёлгончилар орасида кўрс, тўнг феълли одамлар кам учрайди. Аксинча, улар ширин муомалалари билан кишининг жонини суғуриб олишга қодир бўладилар. Бунга мисол:

Бир қарға пишлоқ парчасини олиб, дарахт шохига қўниб турарди. Оч тулки қарғанинг оғзидаги пишлоқни кўриб, шошилганича дарахт остига келди:

– Кунингиз хайрли бўлсин, қарға ҳазратлари! Бунчалар чиройлисиз-а! Гўзал ипак каби патларингиз кўзларимни қамаштиряпти. Майин патларингиз каби овозингиз ҳам гоят ёқимли. Шубҳасиз, барча қушлар сизни булбулдан ҳам афзал деб биладилар, – деди.

Қарға бу сўзларни эшитиб, севинди. Севинганидан шохдан шохга сакради. Сўнгра булбулдан афзал эканини намоён қилиш учун бутун қуввати билан «Қағ! Қағ!» деб қағиллаганида оғзидаги пишлоқ тушиб кетди. Тулкига худди шу керак эди. У пишлоқни илиб олиб, паққос туширди-да, қарғага қайрилиб ҳам қарамай кетворди. Қарға эса бу воқеадан лол қолди. Ҳайратланиб ўйга толди. «Бундай тотли сўзларга энди алданмайман», деб қасам ичди.

Бу дунёда худди шу тулки каби айёр кимсалар бордирки, улар ширин сўз ва мадҳлари билан кишини алдаб, қўлидагини олиб қўйишга уринадилар. Кейин эса хайр-маъзурсиз қочиб қоладилар. Бундай одамларни «товламачи», деб ҳам атайдилар ва жамият қонунига кўра, уларга жиноий жазо ҳам белгиланади. Эсли одам учун бу дунёда энг зарур вазифалардан бири тулки феълли товламачиларнинг ёлгон сўз ва сохта хушомадларига алданмасликдир. Тулкифеъл айёр кимсалар қанча подшоҳлар ва бойларни гў-

зал сўз ва мадҳлари билан ҳалокатга етаклаганлар. Ҳар бир хушомадгўй мазкур масалдаги тулкига ўхшайди. Яқинлашган инсонни ҳалокатга етаклайди. Ёлғончининг ширин сўзи соф дил кишиларга бир тузоқ эканини унутмаслик зарур.

Ер юзини ёлғон баҳоналар уммони босганга ўхшайди. Гўдакликда одат тусига кирган бу иллатдан айримлар қарилик ёшига етганларида ҳам айрилгилари келмайди. Баъзи қарияларнинг юзларига қарасангиз, «нуроний» деб иззатлашга арзигулик нур йўқ. «Ёлғон сўзламоқдан парҳез қилмагани сабабли шундаймикин?» деб ўйлаймиз.

Ўттиз беш йил муқаддам бир воқеа содир бўлган эди. Мен мудирлик қилаётган бўлимда ишловчи ёш ижодкор дўстимиз «онам оғир касаллар», деб барвақт кетишга ижозат сўради. Бундай ҳолда ким рухсат бермайди? Орадан тўрт соат ўтиб, иш вақти тугагач, кўчада кетаётиб уни бир қиз билан қўлтиқлашиб кетаётганини кўрдим. У эртасига ҳам ишга келмади. Индинига хафаҳол кўришида пайдо бўлди. Қизни кузатгач, қишлоғига бориб келгандир, деб ўйлаб, «Онангиз тузукмилар?» деб ҳол сўрадик. «Мазалари йўқ», деб жавоб қилди. Бир соатдан сўнг унинг опаси қишлоқдан қўнғироқ қилиб, «укамга насиҳат қилиб қўйинг, икки ойдан бери уйга келмайди», деди. Қисқаси, мен у йигитга танбеҳ бердим у ариза ёзиб, бўшаб кетишини талаб қилдим. Мен унинг ёлғон гапиришини кечирсам бўларди. Лекин соғлом онасини «оғир касал» дейишини кечириш мумкин эмасди...

Ёлғон сўзлаш ироданинг заифлигидан далолат беради. Одам истаса-истамаса, сергаплик уни ёлғон кўчасига бошлаб кетади. Жаноби Расули акрам (с.а.в.): «Эшитганини гапиравериш кишининг ёлғончилигига кифоя қилади», деганлар. Таомланиш лозим бўлса, қозонга бошимизни тиқмаймиз, керагини сузиб еймиз. Гап ҳам шундай бўлиши керак. Унни ёки қумни элаб ишлатганимиз каби, тилимиздан учаётган сўзларга илашган ёлғонни ушлаб қолиш учун ақл ва тафаккур элагида элаб олишимиз шарт.

Бир лофчи ёлғон сўзларни кўп сўзлар эди. Бир куни мажлисда денгизларнинг аҳволдан ва денгиз саёҳатида кўрган томошаларидан ҳикоя қилди. Мажлисдаги кишиларнинг бири сўради: «Эй биродар, сиз денгизда кўп саёҳат қилганга ўхшайсиз. Денгизларнинг балиқлари дарё балиқларидан ўзгачадир? Улар қандай бўлар экан?»

Саволдаги пичинг оҳангини англамаган лофчи у кишига боқиб деди:

– Ҳалигача сиз денгиз балиқларини кўрганингиз йўқми? Денгиз балиқлари туяга ўхшаш икки узун шоҳли бўлулар...

Мажлис аҳли билдиларки, ул бечора на туяни кўрган экан ва на денгиз балиғини. Барчалари кулиб юбордилар. Лофчи эса уялиб, мажлисни тарк этди.

Ҳикматлар, ривоятлар билан танишдингиз. Энди яна кундалик ҳаётимизга қайтайлик. Бола ота-она ҳамда устоз томонидан тақиқланган бирон нимага осон етишмоқ ёки айбини яширмоқ, учун



ёлгон тўқир экан. Агар унинг рўпарасида бундай тўсиқ кўринмаса, кичик айби учун калтакланиш хатари бўлмаса, ёлгон тўқишига ҳожат қолмайди. Бола ўсмир ёшига етганида ота-она ўз зиммасидаги масъулиятнинг, жавобгарликнинг бир қисмини унга берса, кўпгина ёлгонларга барҳам берилади. Бола Фалончи ўртоғи билан қуш бозорига бормоқчи. Лекин она бунга рухсат бермайди. Чунки Фалончи аввалги сафар бозорда жажжигина тўтиқушни ўғирламоқчи бўлганида қўлга тушиб, ўша ернинг ўзида калтакланган. Бола дўстининг ҳаракатини жиддий ўғирлик эмас, тасодиф деб билади. Чунки бундан олдин ҳам бирга бозорга тушган, аммо бунақа ҳолат юз бермаган эди. Бола онасининг феълини билгани учун «Пистончи ўртоғимникига бораман. У математикага уста, менга ўргатмоқчи», деб ёлгон гапиради. Она «Ўртоғи яна ўғирлик қилса, касри боламга ҳам уради», деган хавотирда. Агар ўсмир мустақил фикрлаш, тўғри хулоса чиқариш қобилиятига эга бўлса, «Ўртоғимнинг ўғирлаётганини кўрсам ҳам индамадим. Бугун ҳам шундай қилса, ёнида турганим учун мени «ўғрига шериксан», деб жазолашлари мумкин. Бозорда қиладиган ишим бўлмагандан кейин унга эргашиб нима қилдим?» – деса, ёлгон гапиришдан қочган бўлади.

Бу воқеа ўзгача тарзда юз бериши ҳам мумкин. Бола кўчага чиқиб кетганича 2-3 соатдан кейин уйга қайтгач, савол-жавоб бошланди:

- Қаерларда санқиб юрибсан?
- Фалончи билан қуш бозорига бориб келдим.
- Нега айтмай кетдинг?
- Айтсам, рухсат бермасдингиз.
- Ўғри билан юрма, демаганмидим?
- У ўғри эмас.
- Ўғрилигини ўзинг айтгансан.
- Мен ўғри демаганман, ўғри деб гумон қилишди, деганман...

Агар бола шундай тарзда гапирса, ундан сира аччиқланмаслик керак. Тўғри гапиряптими – демак, тўғри йўлда экан. Бундай болага юриш-туришига доир кўп саволлар беравермаслик керак. Савол беришдаги оҳанг ўзгартирилса, янада яхши. Дарсингни қилдингми? ўрнига «Дарсингни тайёрлаб бўлдингми, чарчамадингми?» дейилгани яхши эмасми?

14 ёшли қизнинг онасига коллеждан қўнғироқ қилиб, дарсга келмаганини айтишди. Ҳар қандай она бундан ҳам хавотирланади, ҳам газабланади. Бир она қизи остона ҳатлаши билан газаб ўқларини соча бошлайди, ҳатто боласининг юзига шапалоқ тушириб қолади. Иккинчи она арқонни узун ташлайди: «Ўқишга яхши бориб келдингми? Коллежда нима гаплар?» Она бу саволи билан қизи оёғи остига сиртмоқ ташлайди. Уни ёлгон гапиришга мажбур қилади. Қизи алдай бошлагач, онанинг бир газаби икки бўлиб, шунга яраша жазо берилади. Бунинг ўрнига «Ўқишга бормай юришни ўзинг қандай баҳолайсан?» деган савол билан ёки «Директоринг қўнғироқ қилди, шунақа гапларга сира тоқатим йўқ.

Ўзинг ақлли қизсан, мени шу азоблардан қутқаргин», деб гап бошлангани яхши эмасми?

Фарзанд гўдаклик пайтида ота-онасига кўп савол беради, аммо улғайгач, катталарнинг савол беришларини ёқтирмайди. Айниқса, мактабдаги ҳаракатлари қатъий назорат остига олинса, бу саволлардан ёлғон гап ёрдамида қутулиб қолиш йўлини ахтаради. Бир танишим 8 ёшли ўғлининг ёлғон гапиришидан нолиб қолди. Отонанинг муомаласини суриштириб кўрсам, бола бечора ҳар куни саволлар дўли остида яшаркан: «Мактабда нима бўлди?», «Нега паст баҳо олдинг?», «Кўчада нега югурдинг?», «Адангнинг атрини нега сепдинг?», «Қўлингни ювдингми?» ... Тўғри жавоби учун жазо берилажagini билган бола нима десин? Оилада ота-она билан бола ўртасида ўзаро ишончга асосланган шундай дўстона муҳит яратилиши керакки, бола катталарни қизиқтирган хоҳ ижобий, хоҳ салбий ҳолат бўлсин, ўзи гап бошласин.

Фитрат – яратилиш жиҳатидан олиб қарасак, одам ахлоқнинг барча турлари, жумладан, ҳар хил ёмон хулқларга ҳам эга бўлиши мумкин. Аммо унинг табиатида ёлғон билан хиёнат бўлиши сира ҳам мумкин эмас. Бу икки иллат ҳар бир инсон учун катта қусур ва қабоҳат эканини фарзандига англата олган ота-онанинг келажаги нурлидир.

Табобатда бир хасталикнинг иккинчи касалликни уйғотишига доир мисоллар кўп. Маънавият ва руҳиятга доир иллатлар ҳам шундай. Фарзандини ёлғончилик иллатидан сақлаб қололмаган ота ва она уни аввал бўйсунмаслар сафида, кейинроқ эса жиноятчилар қаторида кўрса, ажабланмасин. Баъзи жабрдийда ота ва оналар «Терговчи боламни урибди», деб нолишади, терговчини қарғашади. Сўроқ пайтида ҳам жисмоний, ҳам руҳий қийнаш мумкин эмас. Болани урган терговчини оқламайман, лекин уни уришга мажбур этган сабабга диққатингизни тортаман. Терговчи бирданига уриб кетмайди. Процессуал кодексга риоя қилган ҳолда сўроқни бошлайди. Айбланувчи эса тўғрилиқдан кўра ёлғонни афзал биледи, терговчини чалғитишга уринаверади. Ёлғон гаплардан безган иродаси заиф терговчи энди осон йўлга ўтади: мушт ёрдамида рост сўзни суғуриб олмоқчи бўлади. Калтак азобидан қийналган айбланувчи гуноҳини бўйнига олади, маҳкама жараёнида эса гапидан тонади. Ёлғон гаплар шу зайлда чигаллашиб кетаверади. Қолбуки, ёлғон гувоҳлик берилгани учун ҳам жазо белгиланади.

## **ЎНИНЧИ БОБ**

### **БОЛА НИМА САБАБДАН ЖИНОЯТ КЎЧАСИГА КИРАДИ?**

Бир бола асабийроқ – арзимаган нарсага жазавага тушади, иккинчиси димоғдор, учинчиси мақтанчоқ, тўртинчиси аразчи, яна ҳасадгўй, жиззаки, такаббур, шуҳратпараст... Булар қисман туғма бўлиши эҳтимол, лекин мазкур иллатларнинг туғилишига катталарнинг болага нисбатан эътибори сабабчидир. Бу иллатга

учраган болалар билан жамоа орасида ўзига хос келишмовчилик, баъзан тўқнашув вужудга келади. Ана шу тўқнашувда эзилаётган боланинг жиноят кўчасига бурилиб кетиши осонроқ кечади. Биз яхшилик олами деб атаётган жамоада бола доимий камситилиши эвазига ҳеч нима олмайди. У жиноят оламида баттарроқ камситилиши мумкин, лекин бунинг эвазига у моддий рағбат олади. Бола учун шу рағбат ҳам муҳимроқдир. Ундан ташқари, жиноят олами бағрига олган болани яхшилик оламидаги эътиборсизлик, камситишлардан асрайди. Кечагина синфда биров менсимайдиган бола жиноятчи тўдага аралашиб қолса, унга нисбатан эътибор ўзгаради. Унга зўрлик қилиб юрганлар ҳам энди ўзларини тиядилар. Камситилган болага айнан шу эътиборнинг ўзгариши муҳим бўлиб туюлади. Бу онларда у оқибатни ўйламайди.

Бўйсунмас болалар орасида ёмон ўқийдиганлар алоҳида ажралиб туради. Ёмон ўқийдиганлардан мактаб аҳли безор бўлади, улардан тезроқ қутулиш чорасини излашади. Агар мажбурий таълим қонуни бўлмаганда эди, мактабнинг ўзи кўп болаларни бешинчи-олтинчи синфданоқ ҳайдаб юборармиди. Советлар даврида мактаб бундай болаларга то саккизинчини битиргунича чидарди. Сўнг ҳунар билим юртларига жўнатишга уринишарди. Ўша даврдаги тадқиқотлар хулосасига кўра, мактаб ўқувчиларига нисбатан ҳунар билим юрти талабалари орасида жиноятга мойиллик кўпроқ эди. Чунки саккиз йил бадалида мактабнинг қаттиқ назоратида турган бола ҳунар билим юртига боргач, бўшалган қушдек ўзини эркин ҳис қилади. То билим юрти муаллимлари унинг феълени англаб етгунларича у истаган қилиқларини қилаверади. Ўсмир уйдан ҳам, маҳалла назоратидан ҳам узоқлашгач, жиноят кўчасига яқинлашиб қоларди. Айрим ўсмирлар бу янги ҳаётга кўникмай ўқишни ташлашарди. Боланинг ёмон томонга ўзгараётганини сезган айрим ота-оналарнинг ўзлари фарзандларини билим юртидан чиқариб олишиб, яна мактабга қайтарардилар. «Нима бўлса ҳам ўқиш битгунича шу мактабда юра турсин», деб ялинардилар. Улар учун бу нуқтада боланинг ўқиши, илм олиши муҳим эмас, муҳими – бола ярим кун бўлса-да, назорат остида юради.

Ёмон ўқийдиган болаларга нисбатан кўпинча нотўғри муносабатда бўлинади. Диққат қилиниши лозимки, зеҳн бобида барча бола тенг эмас. Бирови муаллимнинг гапини дарров англайди, дарсдаги мавзунинг синфнинг ўзидаёқ ўзлаштиради. Айрим болаларга Пифагор теоремасини йигирма йил ўргатинг – фойдаси йўқ, ўзлаштира олмайди. Демак, ўқишни истаса ҳам, зеҳни пастлиги туфайли ўзлаштира олмайдиганлар бор, зеҳнли бўла туриб дангасалик қиладиганлар мавжуд. Мактаб ҳам, ота-она ҳам буни ажратиб олишлари шарт. «Фалончи аъло ўқийди, нега сен ёмон ўқийсан», деб болани сиқавермаслик керак. Баъзан «фалончи қамалибди», деган хабарга жавобан: «Ўзи мактабда ёмон ўқирди», деган гапларни эшитамиз. Бу хулосаларда асос кам. Бир неча мактабдаги ҳолат ўрганилганда маълум бўлдики, ёмон ўқийдиган

болаларнинг тўрт-беш фоизигина оқибатда жиноят йўлига кирар экан. Қамоқдаги болаларнинг етмиш беш-саксон фоизида яхши ўқишга қобилият мавжудлиги, истак борлиги аниқланди.

Биз бўйсунмасликка асос бўлувчи айрим иллатларни жиноят кўчасига бошловчи омил, деб таърифлаяпмиз. Аслида эса бу иллатларнинг барчаси жиноятнинг мурғак кўринишидир.

Эътиборингизга ҳавола этилган муаммолардан келиб чиққан ҳолда фикрларни жамлашга ҳаракат қилайлик. Бўйсунмас болаларни гуруҳларга бўлиб ўрганайлик:

**Биринчи гуруҳга** жамият билан очиқчасига келиша олмайдиганлар киради. Улар жамиятда одат тусига кириб қолган барча нарсалардан норози бўладилар, бу норозилиklarини амалда намоён этишга уринадилар. Хушахлоқ талабларини рад этиб, бадахлоқликни касб қилиш уларни бошқалардан ажратиб туради. Бу болаларда дўстлик, қаҳрамонлик ҳақидаги тушунча бузилган, беҳаёлик, уятсизлик эса очиқ кўринишда бўлади. Бу бўйсунмаслар бошқалардан фарқли ўлароқ, кўпол муомалали, сурбет, уришқоқ, босқинчиликка мойил, дарғазабдирлар. Худбинлик, ўзгалар тақдирига бефарқлик, танбаллик, манфаатпарастлик, юлғичлик, боқимандалик... иллатлари оқибатда буларни жиноят оламининг бандаларига айлантириб қўяди. Тарбия бобида барчани азобга солувчилар ҳам айнан шу тоифадаги болалардир. Биз бу каби болаларга бир оз насиҳат қиламиз, сўнг «Бу безбетга гап таъсир қилмайди», деб нари кетамиз. Назаримизда, бундай болаларнинг борар жойи тайин – қамоқ. Биз катталар айна шу нуқтада хатога йўл қўямиз. Боласининг бебошлигидан куйган айрим ота-оналар ҳатто «Майли қамашсин, ўша ёқдан одам бўлиб чиқади», дейдилар. Бу ғоят янглиш фикрдир. Тўғри, қамоқда боланинг кўзи очилиши мумкин. Аммо акси бўлиб чиқса-чи? Биз биринчи оғир гуруҳга мансуб деб билган болалар иллатларга бутунлай кўмилиб кетмаган. Уларда ҳам яхши фазилатлар бор. Айнан шу фазилатлар уларни тарбиялашда «олтин калит» вазифасини ўтайди. Уларда (аввал зикр этганимдек) серғайратлик, ўз муддаосига етишдаги матонат, ҳар соҳада ўзини биринчи қилиб кўрсатишдаги интилиш... фазилатидан тарбиячи усталик билан фойдаланиши керак. Бу худди атом қувватини қаёққа қараб йўналтиришга ўхшайди. Атомдан бомба ясаб, портлатиб ҳамма ёқни вайрон қилиш ёки электр қуввати олиб, атрофни чароғон қилиш мумкин. Боланинг тақдири ҳам шундай.

**Иккинчи гуруҳга** мансуб болалар аввало хоҳиш-истакларининг беқарорлиги билан ажралиб туришади. Уларда бир нарсага қатъий интилиш йўқ. Бундай болалар биринчи гуруҳга мансуб тенгдошларига эргашмоқликни маъқул кўришади. Аммо улар каби жамиятдаги ахлоқий талабларга очиқ қарши чиқа олишмайди. Улар ўзларига нисбатан ожизроқ болаларга ҳукм ўтказиш йўли билан маълум мавқени эгаллашни маъқул кўришади.

Бир маҳаллада беш-олти бола ўйнаётган эди. Шу кўчада турувчи бола уйдан чиқди-ю, ўйинга қўшилмади. Уни бошқалар чор-

лашмади. Бир оздан сўнг болалар ўйинни бас қилиб тарқалишди. Қўшилмаган боланинг ўзи ёлғиз қолди. У аввалига бир ўзи ўйнай бошлади. Кейин бошқа болалар кўринишиб, ўйинга қўшилдилар. Бунга ўхшаш ҳолатни кўп учратамиз, аммо аҳамият бермаймиз. Бола аввалги ўйинга нима учун қўшилмади? Ўйиндаги болалар ундан зўрроқмиди? У оддий ўйинчи эмас, етакчи бўлиш истагида эдими? Кейинги ўйинда у ниятига етди – даврабоши бўлди. Аҳамият беринг: у мақсадга эришишга шошилмади, сабр қилди, кутди. Дастлабки даврада ўйнаётган болалар уни нима учун ўйинга қўшишмади? Ундаги даврабошилиқ даъвосини билишармиди ё бошқа иллатлари туфайли ёқтиришмасмиди? Агар бола юқорида белгилаганимиз биринчи гуруҳга мансуб бўлганида четда туриб фурсат пойламас эди. Дангал ўйинга қўшиларди ёки ўйинга қўшишларини талаб қиларди. Керак бўлса, давранинг зўри билан муштлашарди. Биз назар ташлаётган иккинчи гуруҳ эса бошқача эканига ўзингиз гувоҳ бўлдингиз.

Бундай болалардаги беқарорлик катталарнинг эътиборидан четда турмаслиги керак. Уларни фойдали ишларга жалб қилишда бу айниқса муҳим. Улар битта ишни муқим давом эттиролмайдилар. Катталар томонидан мажбурлаш уларда ўзига хос исён уйғотади. Бир ишни узоқ давом эттиришлари учун улардаги етакчиликка бўлган яширин ҳавасдан фойдаланиш керак. Бунинг учун уларни ишбошилиқка тайин этиш ҳам маъқул.

**Учинчи гуруҳга** мансуб болаларнинг истак-хоҳишлари, дунёга қарашлари, муносабатлари, қизиқишларида бир хиллик мавжуд эмас. Кўполроқ айтилганда, нима исташларини ўзлари ҳам аниқ билмайдилар. Шу сабабли мавжудлик билан ҳавасдаги тез-тез ўзгаришлик орасида тўқнашув ҳосил бўлади. Бола ўз онгидаги ўша ички тўқнашув таъсирида юради. Бу гуруҳдаги болалар аввалгилардан фарқли равишда, қилаётган ишларининг жамият учун номақбул эканини англаб турадилар. Аммо бу англаш фазилати уларда ҳали ақида даражасига етмаган. Яъни, «Бу иш жамиятга зидми, демак, қилмаслик шарт», деган тушунча уларнинг онгига эгалик қилиш қудратига эга эмас. Шу ишдан лаззат олиш ҳисси, ундаги худбинлик иллоти устун келиб, ахлоқ талабларини четлашга ундайверади.

Бу тоифа болаларни жамоа билан бир иш бажаришга жалб этиш, уларнинг тасавуридаги қизиқарли юмушларни амалга оширишга ҳаракат қилиш яхши натижа бериши табиий.

**Тўртинчи гуруҳдаги** болаларда беқарорлик нисбатан заифроқ бўлади. Уларнинг қизиқишлари ҳадеб турланавермайди. Бундай болаларда иродасизлик, тез таъсирчанлик, ҳатто енгилтаклик устунроқ туради. Улар ўзларининг кучларига ишонмайдилар. Иродаси бақувват ўртоқлари олдида ўзларини ғоят ожиз ҳис қиладилар. Бундай болаларни бирон ҳунарга ёки ишга жалб қилганда яхши гап билан рағбатлантириб туриш жуда муҳим. Бажарган вазифаси таҳсинга лойиқ бўлмаса-да, унга офарин айтиб қўйиш керак бўлади. Бунинг аксича: «Э, галварс, шуни ҳам эплай

олмадингми!» деб камситиш ундаги барча қизиқиш ва интилишларни ўлдиради. Олдинги гуруҳдагиларга шундай дейилса, улар ранжиб, чекинмай «Мен қанақа галварслигимни сенга кўрсатиб қўяман», деб ишга қайтадан уннаши мумкин. Бу тоифадаги эса бутунлай совийди.

**Бешинчи гуруҳдагиларни** бўйсунмаслик кўчасига адашиб кириб қолганлар, десак бўлар. Уларда эркисизликка мойиллик, ҳар қандай оқимга қўшилиб кетавериш одати кузатилади. Уларнинг қизиқишини инобатга олиш муҳим. Ўзгарувчан эмас, доимий иш билан банд этиш уларнинг тарбиясидаги зарур омил ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирларнинг табиатига, феълига хос кўринишларни ўргана туриб, ўзимча уларни гуруҳларга бўлиб, мана бу гуруҳнинг йўли албатта жиноятга олиб боради, буниси гумон... деган аниқ тўхтама келмоқчи эмасман. Тан олиш қанчалик оғир бўлмасин, ҳар бир боланинг кутилмаган бир дамда жиноят кўчасига бурилиб кетиши эҳтимоли борлигини унутмасак бас.

**«Бола нима сабабдан жиноят кўчасига киради?»** деган саволга беш жавоб ёзиб кичик тадқиқот ўтказдим. Бу сафар бир неча маҳаллада эмас, битта маҳаллада турли вақтда ва турли одамларга мурожаат қилдим. Бир маҳалладаги одамларнинг бу масаладаги фикрлари яқин бўлар, деб ўйлаган эдим. Акси бўлиб чиқди. Шу боис жавобларнинг фоизини кўрсатмайман-да, сиз азизларга мурожаат этаман: жавобларни диққат билан ўқинг. Дўстларингиз, қўни-қўшниларингиз, қариндошларингиз билан фикрлашсангиз янада яхши. «Менинг хонадонимда бундай муаммо йўқ, ҳаммаси одобли», деб ўзингизни четга олманг. Хонадонингизнинг баодоб экани аъло! Бироқ атрофга бирон касалик тарқалса, хонадонингизда бу касал билан ҳеч ким оғримаса-да, хасталикни юқтирмаслик чорасини кўрасиз-ку?

«Бола нима сабабдан жиноят кўчасига киради?» деган саволнинг жавобларига эътиборингизни тортаман:

1. Боланинг ўзига нисбатан қилинган адолатсизликдан.
2. Кўча зўрларининг ҳаётига маҳлиё бўлиб.
3. Кўча зўрларидан қўрқиб.
4. Биронта ўртоғига эргашиб.
5. Атрофидаги ҳамма нарсадан безиб.
- 6 ...      7...      8...

Камина келтирган жавоблар сизни қониқтирмаслиги ҳам мумкин. Шу сабабли сизнинг шахсий мулоҳазангизга бўш ўрин қолдирдим.

Ҳаётнинг ёзилмаган ажабтовур қонунлари бор. Барча замонларда, барча мамлакатларнинг ўз шоирлари, ўз олимлари, ўз санъаткорлари ва... ўз жиноятчилари бўлган. Шоирлар ва санъаткорлар ўз маҳоратларини ошириш, олимлари илмларини юксак чўққига кўтариш ҳаракатида бўлганлар. Жиноятчилар олами ҳам жим турмаган, жамиятнинг қаршиликлари, кураш олиб бори-

шига қарамай, ҳар томонлама юксалаверган. Шуни назарда тутиб, баъзилар жиноятчиликни енгиб бўлмайди, шундай экан, курашишнинг фойдаси ҳам йўқ, деган фикрни илгари сурадилар. 80 фоиз ўсмир-жиноятчининг иккинчи марта қамалишини фикрларига далил қилиб оладилар. Иккинчи марта қамалганлар учинчи марта қамалишдан сира чўчимайдилар. Демак, уларни тарбия қилишга ҳожат йўқ. Шу фикрни қатъий ҳимоя қилган дўстларимиздан бири ҳатто қадим адабиётдан ҳам мисол келтирди: «Телба қулоғига панд – қуюн оёғига банд» (яъниким, нодонга насиҳат қилганинг – бўроннинг оёғини кишанлаб олишга уриниш кабидир). Яна бир донишманд: «Ким илон инидан бўлмиш ярадор, атрофидан ўтмас у иккинчи бор», деб ёзган. Хўп, булар-ку, «тамом бўлган инсонлар» экан (шахсан мен бу ҳукмга қўшилмайман), қамоқда ўтирганларнинг 20 фоизи – адашганлар, тасодифан кириб қолганлар... буларни ҳам меҳр қаноти остига олмаслигимиз керакми? Биз уларни инкор этсак, улар 80 фоизни ташкил этаётганлар сафига қўшилмайдиларми?

Болалар ўғирликни, қотилликни, зўрвонликни, номусга тегишни кимлардан ўрганишади? Фақат кинофильмларданми? Йўқ, албатта! Болалар бу жиноятчиларни ҳаётда кўришади. Бу жиноят учун қанча вақт қамоқда ўтиришни ҳам ёки пора бериб жазодан қутулиб кетишни ҳам яхши билишади.

Болалар ва ўсмирларнинг жиноятларига яраша жазо олишлари ҳақида биласиз. Ҳуқуқ идоралари болалар ва ўсмирлар орасидаги жиноятчилик ҳақидаги тўла маълумотларни бизга бермайдилар. Таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш билан махсус мутахассислар шуғулланишади. Биз эса «Фалончининг ўғли қамалиб қолибди», деган узуқ-юлуқ хабарларнигина эшитамиз. Агар болалар ва ўсмирларнинг барча жиноятлари очиқ-ойдин айтилса, барчамиз ҳайратдан, балки кўрқувдан бир сесканиб олармидик? Ўн ёшли болакайларнинг ҳимоясиз қарияни аёвсиз уриб ўлдириб, чўнтақларини кавлаганларини эшитганимизда қандай ҳолга тушамиз? 18 ёшгача бўлган қотиллар ва босқинчиларнинг ҳар ўнтасидан олтитаси мактаб ўқувчилари экани бизларни хавотирга солмайдими?

Болалар ва ўсмирлар жинояти ҳақида сўз кетганда баъзилар жазо усули енгилигидан нолишади. Кўпчиликнинг талабига қулоқ солинса, 10 ёшли босқинчи қотилларни ҳам қамоққа тиқиш керак. Камина бу талабларга қўшила олмайман. 10 ёшли болакайни қамаш унинг жиноят оламида муқим қолишига сабаб бўлмасмикин?

Болаларни неча ёшдан қамаш мумкин, деган саволга аниқ жавоб йўқ. Турли мамлакатлар бу масалага турлича ёндашадилар. Ҳиндистон, Ирландия, Сингапурда жиноят қилган 7 ёшли бола қамалади. АҚШ, Австралия, Буюк Британия ва Швейцарияда 10 ёшдан қамалади. АҚШнинг Пенсильвания штатида ҳомиладор аёлни отиб ўлдирган 11 ёшли болани суд умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилган.

Россияда бугунги кунда мазкур масала долзарблиги билан кўпчилик эътиборини ўзига қаратяпти. Чунки бу мамлакатда қамоққа

олиш 14 ёшдан деб белгиланган. Оқибатда ҳар йили 100 мингдан ортиқ жиноятчи бола қамоқдан қутулиб қолади. 2015 йилда Нижегород вилоятида содир бўлган ваҳшийликдан телевизор орқали сиз ҳам хабардор бўлгандирсиз. Хабарингиз бўлмаса, баён қилай: 12 ёшли бола 16 ёшли қўшниси билан аввалига компьютердаги ўйинда жанжаллашиб қолади. Сўнг ғазабини қўзитган ўсмирни кўчага чорлайди. Қўлига отасини милтиғини олади-да, уни совуққонлик билан отиб ташлайди. Кейин чалажон ўсмирни судраб панага олиб ўтгач, унинг жон беришини хотиржамлик билан кузатади. Ўсмирнинг ўлганига ишонч ҳосил қилгач, уйига қайтиб, қўлидаги, кийимидаги қонни ювади, милтиқни тозалаган бўлади-да, компьютердаги ўйинини то милиция келгунига қадар давом эттиради. Агар бу воқеа Сталин даврида бўлса, ўша давр қонунига кўра, 12 ёшли жиноятчи ваҳший қотиллиги учун ўлим жазосига ҳукм қилиниши мумкин эди. Лекин Россиянинг ҳозирги қонуни бунга йўл бермайди. Баъзилар 12 ёшли бола оғир жиноят қилса албатта қамаш керак, деб ҳисоблайди. Яна бировлар «Агар бола 12 ёшида қамалса, вояга етгунига қадар ваҳший қонхўрга айланиб қолади», деб хавотирланади. Ахир бола 12 ёшидаёқ қонхўрга айланиб қолган бўлса, нима қилиш керак? Москвада юз берган жиноятнинг ваҳшийлик даражаси олдингисидан пастроқ эмас. 18 ёшли йигитча бадмаст ҳолида қўшниси билан жанжаллашиб уни ура бошлайди. Унга ҳамшишалари 15 ёшли йигитча ва 13 ёшли қизча қўшилишади. Иш бир-икки мушт тушириш билан яқунланмайди. Жабрдийдани ура-ура, пастак уй томига судраб чиқиб муштлаш билан кифояланмай, пичоқча билан баданини тила бошлайдилар. Тун бўйи бечорани азоблаб, унинг инграшларидан, фарёдидан ҳузурланадилар. Шафқатсизларнинг чангалидан қутулиш учун жабрдийда ўзини томдан ташлаб, оёғини синдириб олади. Шундан сўнг азобдан типирчилаб ётган йигитчани тошбўрон қилиб ўлдирадилар. Бу ваҳшийликнинг сабабларини таҳлил қилмайман, натижасига диққатингизни тортаман. Асосий айбдор 18 ёшдан ошгани учун 15 йилга қамалди. Иккинчи қотилнинг руҳи соғлом эмас, деган тўхтама келинди. 14 ёшга етмагани учун қизчани қамаш мумкин эмас экан. Бегона мамлакатнинг қонунларига аралашинишга ҳаққим йўқ, лекин мен бу ҳукмда адолатсизликни кўряпман. Иккинчи қотилни махсус руҳий шифохонада даволашга уриниб кўришар. Лекин унинг яна ваҳшийлик қилмаслигига ким кафолот беради? 13 ёшли қиз ароқ ичишни, наша чекишни ташлайдими ёки баттар авжига чиқадими?

Яна бир-икки мисолга эътиборимизни қаратайлик:

Салехард деган шаҳардаги уч мактаб ўқувчиси икки кун давомида етти ёшли қизчани зўрлашган. Зинокорларнинг каттаси 6-синфда, иккитаси 4-синфда ўқийди! Бошқа бир шаҳарда уч ўқувчи биринчи синфда ўқийдиган қизалоқни синфнинг ўзида қўл-оёқларини боғлаб, оғзига латта тиқиб, зўрлашган. Ўша куни қизча фожиани ота-онасига айтмаган. Бу зулм эртасига ҳам шу



ҳолда давом эттирилгач, айтган. Ота-она, шубҳасиз, полицияга арз қилган. Жиноят иши қўзғатилган, лекин зўрловчилар 14 ёшга етмагани учун қамоқдан қутулиб қолаверган.

Бошқирдистонда 13 ёшли бола пичоқ чиқариб, 8 ва 10 ёшдаги ака-укани «сўяман» деб қўрқитиб, дарахтзор панасига олиб ўтиб, икковини ҳам зўрлаган. Сўнг икковини ҳам ўлдириб, ёқиб юборган. Челябинскдаги болалар касалхонасида ётган икки ўсмир ўзларидан кичик болани бир неча кун давомида зўрлашган. Улар ҳам 14 ёшга етмаганлари учун қамоқ жазосидан қутулиб қолишган.

Мана шундай ваҳшийликларга чек қўйиш учун Россияда бу борадаги қонунларга ўзгартириш киритишга уринишлар бошланган эди (Эҳтимол қонун ўзгартирилгандир, бундан хабарим йўқ). Қонун лойиҳасига кўра, 16 ёшли жиноятчига қўлланиладиган жазо 14 ёшли ўсмирга ҳам қўлланилади. Қотиллик, одам ўғирлаш, одамни гаровга олиш, ўғирлик, номусга тегиш каби жиноятлар учун 14 эмас, балки 12 ёшдан ошган жиноятчиларни ҳам қамаш мумкин.

Қамоққа олиш имконини берувчи ёшни белгилаш Францияда ҳам муаммо саналади. Аввалги йили бу борада галати хабар эълон қилинди. Париж яқинида йўлтўсарлик қилаётган 18 ёшли йигит қўлга олинган. Ажабланарлиси шуки, бу йигит 4-5 йил давомида йўлтўсарлик, босқинчилик, ўғирлик қилган, ҳамёнини беришни истамаган қарияларни аямай дўппослаган. Унинг қилиқлари полицияга маълум бўлган. Кўп марталаб жиноят устида қўлга олган, суд эса вояга етмаган ўсмирни қамашга ҳаққи йўқлиги учун насиҳат қила-қила унга эркинлик бераверган. Ниҳоят, йигитча 18 ёшга етганда чинакамига жиноий иш қўзғатилган. Жиноятлари рўйхати саналганда полициянинг ўзи ҳам ҳайратга тушган. У кейинги уч йил ичида 500 (!!!) марта ўғирлик, босқинчилик қилиб, қарияларни аёвсиз калтаклабди. Бу кунига 4 – 7 марта жиноят қилган, демакдир. Бу қадар тезкорлик, аёвсизлик, энг муҳими, ҳеч нимадан чўчимаслик ҳатто катта ёшдаги ўғрилarda ҳам учрамайди. Энди савол туғилади: уни нечадир йилга қамайдилар. Неча йилдан кейин қамоқдан яхши одам бўлиб чиқадими?

Кейинги йилларда Франция яна бир муаммога дуч келди. Мактаб ўқувчиларининг ўқитувчиларни калтаклаши 21 фоизга кўпайган. Ўқитувчилар гимназиянинг ўзидами ё бошқа жойдами калтакланишади, ҳатто оғир тан жароҳати олишади. Бу жиноятларга барҳам беришни талаб қилган ўқитувчилар уч кунлик иш ташлаш ҳам эълон қилишди. Улар безори болаларни ўқув даргоҳидан қувишни талаб қилишди. Жамоатчилик эса «Ўқув даргоҳидан қувишдан фойда йўқ, уларни қамаш керак», деган талабни илгари сурди.

Россия ички ишлар вазирлиги маълумотига қараганда, 2016 йилда болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги аввалги йилгига нисбатан 5 фоизга ошган. Бу 36 минг ўсмир жиноят оламига кириб келди, деган гап. Бу жиноятчи ёш тўдалар кучга киргач, фақат Россиянинг ўзида тирикчилик қилишса майли эди. Қанчадан-қанча мамлакатларга тариқдай сочилиб, қанчадан-қанча одамларнинг

ёстигини ёки ҳамёнини қуритар экан?! Россия Бош прокуратура-си маълумотига кўра эса балоғатга етмаганлар орасидаги жиноятчилик 8,3 фоизга ошган. Назаримда, шу рақам тўғри бўлса керак. Чунки Бош прокуратура ҳисоботида 2015 йилнинг биринчи ярмида Россияда ўтган йилга нисбатан жиноятчилик 5,2 фоизга ошган. 2014 йилнинг январ-июн ойлари оралиғида 1 миллион 91 минг 459 жиноят содир этилган бўлса, 2015 йилнинг биринчи ярмида бу рақам 1 миллион 148 минг 352ни ташкил этган (Россия Ички ишлар вазирлиги маълумотномасида 1 миллион 332 минг деб кўрсатилган. Икки идоранинг маълумотида бунчалар фарқ мавжудлиги сабаби каминага қоронғи). Жиноятларнинг 45 фоизи ўғирлик экан. Эҳтимол, бу Россиядаги иқтисодий кризис натижасидир? Бизнинг кўнглимизни хира қиладиган нарса – ўғрилар орасида ватандошларимиз ҳам учраб турибди.

Россиянинг ён қўшниси, собиқ Совет Иттифоқидаги энг обрўли, энг бой республика бўлган Украинадаги аҳвол бундан-да ачи-нарли. Ҳозир фуқаролар уруши давом этаётгани, мамлакатда тартибсизлик авжга чиққани барчага аён. Бундай ҳолатда жиноятчи-ликнинг авжга чиқиши ҳам маълум. Шунинг учун бу машмашалар бошланмасидан олдинги ҳолатдан бир-икки мисол келтирай: 2011 йили Украинада ўсмирлар содир этган жиноятлар сони 18 мингга яқинлашиб қолган. 2010 йилдаги аҳволга солиштирганда 3 фоиз кўп демакдир. Бундан ташқари йил давомида полиция идорасига олиб келинган 16 ёшгача бўлган дайди болаларнинг сони 11 мингдан ошган. Ҳар 10 жиноятдан биттасини ўсмирлар маст ҳолда содир этишган. Ҳар беш ўсмир жиноятчининг биттаси иккинчи марта қамоққа тушган.

Дунё мамлакатларига назар солиб, далиллар шодасини ўргана-ман, десангиз, мавжуд аҳволдан даҳшатга тушишингиз ҳеч гап эмас. Биздаги жиноятчилик қайсидир мамлакатга кўра камроқ, қайсидир мамлакатдан эса кўпроқ бўлиши мумкин. Бу ҳақда кейинги бобларда яна батафсилроқ суҳбат қурамиз. Каминанинг айни пайтдаги вазифаси шу жиноятларнинг келиб чиқиш сабаб-ларни ўрганишга уриниш.

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

### ЕЧИЛИШИ МУШКУЛ МУАММО

#### БИРИНЧИ БОБ

#### БЎШ ВАҚТ

- *Ҳалокат жари*
- *«Кўча» тарбияси*
- *Ким фикрлашдан тўхтайди?*
- *Дискотека балоси*

Биз бўйсунмасларни тарбиялашда асосан насиҳат йўлини танлаймиз. Ҳолбуки, бўйсунмас, қайсар, интизомсиз болаларни қуруқ насиҳат билан тарбия қилиб бўлмайди. Уйда насиҳат, кўчада насиҳат, мактабда насиҳат, радио-телевидениеда насиҳат – буларнинг барчаси боланинг гашини келтира бошлайди. Насиҳат бошланиши билан пешонасини тириштиради, индамай эшитишга мажбурлиги учунгина тинглайди. Хаёли эса бутунлай бошқа томонда бўлади. Баъзи болалар насиҳатдан безганларини очик ошкор қилишдан ҳам тоймайдилар. Насиҳатнинг тарбиядаги ўрнини бутунлай рад этмайман, лекин унинг таъсири озлигини ҳам тан олишимиз керак. «Хўш, унда қандай йўл билан тарбия қилишимиз керак. Жиноят томон кетаётган болани нима тўхтатади?» деган савол туғилиши табиий. Саволга жавоб топишга биргаликда уриниб кўрамиз. Аввало таъкид этаманки, ҳар бир бола – бир олам. Ҳар бирига алоҳида йўл топмоқ керак. Ёмон йўлга юрмаслик, яхши ўқишга даъват барча учун бир хилда бўлмайди.

Барча мамлакатлар учун боланинг бўш вақти масаласи муҳим муаммолардан ҳисобланади. Мактабдан кейинги ярим кунда боланинг нима билан шуғулланиши унинг тақдирини белгилайди. Шаҳардаги маҳаллаларда, қишлоқларда бола катталарнинг эътиборида бўлади. Бу бола кимнинг фарзанди эканини катталар билишади ва ундаги ноҳўя ҳаракатни эътиборсиз қолдиришмайди. Кўп қаватли уйларда эса бунинг акси. Қўшнилари бир-бирларини танишмайди. Ноҳўя иш қилаётган болани тартибга чақиришмайди.

Шунданми, қамоқдаги болалар яшаш жойларига ажратилиб ўрганилганда, маҳалла ва қишлоққа нисбатан кўп қаватли уйларда истиқомат қиладиганлари кўпроқ экани аниқланди.

Бўш вақт ҳақида ҳадеб гапираверамиз-у, аммо «Қандай вақтни «бўш» деб белгилаймиз, вақт исрофи деганда нимани тушунамиз?» деган саволга жавоб бера оламизми? Каттами-кичикми, ҳар бир одамнинг паловга муносабати, иштаҳаси турлича бўлганидек, бўш вақтга доир тушунчаси ҳам турличадир. Бироқ фикрларни бирлаштириб турадиган умумийлик ҳам борки, энди шу ҳақда ҳам гаплашиб олсак.

Олтиндан қадрли, жавҳардан қимматли бир нарса бор бўлса, у ҳам – вақтдир. Вақт бизнинг ҳар турли ишни қилишга кучимиз етадиган фурсатдир. Бир соатнинг бекор ўтгани – ихтиёримизда бўлган фурсатнинг зое бўлгани, демак. Ҳолбуки, шу фурсат ичида фойдали ишларга ихтиёримиз бор эди. Фурсатни ганимат билган одам вақтдан унумли фойдалана олади. Вақт қадрини билган одам ҳавойи нафсдан тийила олади. Вақт қадрини билган одам буюк бўлишга ҳақлидир. Ақлсизларнинг энг ярамас кўриниши – вақтни бекорга ўтказишдир. Шоир айтганидек:

*Гарчи пиёдамиз, гарчи отлиқмиз,  
Ким яхши, ким эса ёмонотлиқмиз.  
Қанчалар фурсатни ўтказдик зое,  
Худонинг олдидан кўп уётлиқмиз.*

Миқдори кўп нарса қадр-қийматини тез йўқотади. Аммо ақл эгалари учун вақт сира қадрсизланмайди. Юз йил қанча қимматга эга бўлса, бир соат ёки дақиқанинг, ҳатто сониянинг қадри ҳам шу кабидир. Агар бир сония кечикилса, коинотга учирилган фазо кемаси белгиланган манзилга етиб боролмаслиги мумкин. Хирург амалиёт пайтида бир сонияга кечикиши одамнинг ҳаёт-мамот масаласини ҳал қилиб беришини ўзингиз ҳам биласиз. Шу боис ҳам, вақт одамига қараб, энг қиммат ёки энг арзон матоҳдир. Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «Икки нарса борки, кўпчилик уларнинг қадрига етмайди: бири – соғлиқ, иккинчиси – бўш вақт». Киши умрининг ҳамма соатларини, ҳатто дақиқаларини фойдали ва соғлиққа мувофиқ машғулот билан тўлдириши керак, токи қайғу-алам бош суқадиган бўш жой қолмасин.

Одамларнинг ўзаро муомалаларида «бўш вақт» деган ибора тез-тез тилга олинади. Мана бу узрхоҳликларни сиз ҳам эшитгандирсиз?

«Узр, биродар, сизни йўқлаш кўнглимда бор-у, аммо сира бўш вақтим бўлмади».

«Сиз айтган ишни бажариб қўйишга ҳеч бўш вақтим бўлмади, айбга буюрмайсиз».

«Тонг отади... бирпасда кеч ҳам киради. Китобга қарай десам, бўш вақт йўқ...»

Бир кеча-кундузда одам ихтиёрида йигирма тўрт соат вақт бор. Шундан саккиз соати уйқуга ажратилса, демак, ўн олти соатга

ўзимиз ҳукмронмиз. Бу вақтни қандай **совуриш** ўз ихтиёримизда. «Совуриш» сўзига атайин урғу бердим. Чунки айрим одамлар кўп вақтларини айнан совурадилар. Битта ноннинг ярмини еб, ярмини ташлаб юборсангиз – исроф. Бу қилиғингизни кўрган баъзи одамлар танбеҳ беради, баъзилари эса сиздан нафратланади, тўғрими? Хўш, вақт-чи? Вақтнинг исрофи борми? Сиз ўзингизга шу саволни бериб кўрганмисиз?

Вақтнинг ҳам исрофи борлигини кўп донишмандлар таъкидлаганлар. Вақтнинг исрофи – умрнинг исрофи, демак. Умр беҳуда сарф бўлди, демак, одам яхши ишларни амалга ошира олмабди. Одамлар учун, жамият учун фойда бермабди. Вақтнинг исрофи – мевасиз дарахт каби умр кечиришдир.

Вақтдан фойдаланишни ҳамма ўзича белгилайди. Биров китоб ўқишни яхши кўрса, биров чойхонада шахмат ўйнашни хушлайди. Яна бошқаси спортдан баҳра олади. Шундай аёллар борки, кунда беш маҳал бешик тўйи бўлса, ҳаммасида иштирок этишга шошилади. Шундай эрлар борки, ҳар ярим соатда бир тўй оши бўлса, барчасига боришга улгуради. Бугунни тўйларга сарфлаб, эртани тўй таассуротларини баён қилишга бағишлайди. Шубҳасизки, бу таассуротлар холис эмас, гийбат, ҳасад, ҳатто иғво билан тўйинтирилган бўлади. «Элакка чиққан хотиннинг элик оғиз гапи бор», деганларидай, кўчада қўшнилар билан соатлаб валақлашадиганларни ҳам кўп учратамиз.

Мени бир нарса кўп маънос қилади. Ўн уч йил илгариги расмий тадқиқот натижаларига кўра, европалик бир одамнинг кунлик иш унумдорлиги етти соатдан кам бўлмас экан. Аммо бир мусулмон кишининг иш унумдорлиги бор-йўғи ўттиз дақиқа атрофида экан. Азизлар, инсоф билан айтайлик, аслида мусулмоннинг ҳаёти шундай бўлиши ва шундай ўтиши керак эмасми?! Ўзини мусулмон ҳисоблаган киши мана шундай мазмунсиз ва самарасиз яшаши мумкинми?

Бугун кучлилар (АҚШ ва Европа давлатлари каби) уммонун фазоларга ҳар дақиқада эгалик қилишга ошиқаётган бир даврда биз – мусулмонлар ўзларимиз тушиб қолган ҳозирги даражаларимизга қониқиш қилиб яшашимиз дуруст эмас. Ҳолбуки, вақт мусулмонлар ҳаётида энг аҳамиятли масалалардан биридир. У Аллоҳ таоло томонидан инсонларга берилган буюк неъматлардан ҳисобланади. Бинобарин, вақт – ҳаёт демак. Ўтаётган ҳар дақиқаю сония, кун инсон умрининг хатосиз ўлчовидир. Буни англамаганлар вақтни кўпинча фойдасиз совурадилар. Улар на дунё аҳлининг шаъни бўлмиш бу дунёларини обод қилиш учун ишлайдилар ва на дин аҳлининг шаъни бўлмиш охиратларини обод қилиш учун уринадилар. Бундайлар вақт неъматига эътиборсизликлари учун икки дунёларини ҳам барбод қилаётганларини билмайдилар. Натижада икки яхшиликдан – дунё ва охират ноз-неъматларидан маҳрум бўлмоқдалар.

Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар: «Банда қиёмат куни тўрт хислатидан сўралмагунча, бир қадам ҳам олдинга силжий

олмайди: бу саволлардан биринчиси – умрини нима билан ўтказгани; иккинчиси – **ёшлик даврида нима билан машғул бўлгани**; учинчиси – мол-дунёни қай йўсинда (қай касб орқали) топгани ва нималарга сарфлагани; тўртинчиси – ўрганган илмига қандай амал қилгани сўралади». Азизлар, эътибор бердингизми, инсон умрининг ҳар бир давридан умумий равишда, ёшлик давридан эса ўзига хос шаклда сўралаши айтиляпти. Ёшлик – умрнинг бир бўлаги, лекин унинг бошқа даврлардан ажратиб турувчи ўзига хос қийматдор тарафи ҳам бор. Ёшлик ғайрату шижоатга, ўткинчи мақсадларга тўлган даврдир. Ҳамда икки заифлик – гўдаклик ва кексалик орасидаги қувватга тўлган йиллардир.

Болаликни ўйин, ёшликни шаҳват, балоғат ёшини ғафлат билан ўтказиш ва кексаликда қўлдан кетганлар учун ҳасрат чекиш, ўзини ҳар томон уриб, надомат кўз ёшларини тўкиш – гофиллик билан умр ўтказишнинг аломатларидир.

Вақтдан тўғри фойдаланишни ўрганиш болаликдан бошланади. Чунки вақтни тўғри тақсимлай олиш ҳам яхши хулқлар сирасига киради. Болаликнинг маълум йилларига қадар ота-оналар ва мактаб муаллимлари боланинг бўш вақтига «эғалик қиладилар». Яъни улар «дарс тайёрла», дейишса, бола тайёрлаши керак, «ухла» дейишса ухлаши шарт. «Телевизор кўрма» деб буюришса бажариши лозим. Бундай ҳолат сизнинг ҳам бошингиздан ўтган, унутмагандирсиз. Катталарнинг бола ҳаётига аралашуви доим ҳам тўғри бўлавермайди ва доим ҳам болага хуш ёқавермайди. Бола кун тартибини ўзича белгилашни истайди. Дейлик, телевизорда мультфильм берилаётганда уни дарс тайёрлашга мажбурлаш яхши натижа бермаслиги мумкин. Бола ўсмир ёшига етганда бу зиддият анча кескинлашади. Бола ўз вақтига ўзи эғалик қилишни хоҳлайди. Катталар эса унинг бу ҳуқуққа эга бўлишига вақт эрта, деб ўйлашади. Болалар орасида вақт қадрига етадиганлари ҳам бор. Уларнинг асосий вақти ўқиш ва ўрганишга сарф бўлади. Лекин шундай болалар ҳам борки (афсуски, бундайлар кўпчиликни ташкил этишади) улар вақтдан фойдаланишни билмайдилар.

Айрим ота-оналар фарзандларини мақтай туриб: «Компьютерга жуда қизиқади, компьютерхонадан бери келмайди, бошқа ишларга сираям вақти йўқ», дейишади. Боланинг бу соҳага қизиқиши яхши. Лекин у компьютерда бир неча соат давомида нима иш билан банд бўлади? Агар уларнинг юмушларига разм солсангиз, турли бекорчи ўйинлар билан банд эканларига гувоҳ бўласиз. Хўш, энди айтинг-чи, бу болалар вақтларини бекорга совурыптиларми? Агар улар ярим соат ёки бир соат ўйнашса, айблаш нотўғри бўларди. Аммо бошқа фойдали ишлар ўрнига, масалан, дарс тайёрлаш, уй ишларига қарашиш ёки ҳунар ўрганиш ўрнига бекорчи ўйин билан бандлар-ку?

Яхши тарбия кўрган болалар уйқудан ташқаридаги вақтининг ярмини, эҳтимол ундан кўпрогини илм олишга бағишлайди. Бу хислатлари таҳсинга лойиқ. Шундай болалар орасида илм

олишдан бошқасини тан олмайдиганлари ҳам бор. Аммо уларнинг бу ҳаракатларини аъло фазилат дея олмаймиз. Чунки илм олишдан ташқари дам олишга, жисмоний тарбияга, уй ишларига, бошқаларга ёрдам беришга ҳам вақт ажратиш зарур.

Оилаларимизда кун тартибини белгилаш одати деярли йўқ. Ҳар биримизнинг кун тартибимиз тахминий бўлади. Яъни: эрталаб туриш, нонушта қилиш, ўқиш, ўқишдан кейинги машғулот ва шу кабилар. Ўқиш ва айрим машғулотларнинг вақти аниқ. Бошқа юмушларники мавҳум. Айтайлик, фарзандингиз бадий китоб ўқияпти. Уни ҳар кун ўқимаслиги ҳам мумкин. Мактабда ёки машғулотда кўпроқ вазифа беришса, у албатта бошқа юмушлар эвазига, айна дамда бадий китоб ўқиш ўрнига бу топшириқни бажаради. Баъзан уй ишларидан бўйин товлаш ҳисобига бошқа ишлар амалга оширилади. Хўш, аниқ кун тартиби асосида яшаш мумкинми? Агар ўз тажрибамга асослансам, қисман мумкин, деб жавоб бераман. «Қисман» дейишимнинг боиси: эртанги кун режалаштирилганда одам фақат ўз имкониятларини чамалайди. Кутилмаган воқеалар инobatта олинмайди. Масалан, эрталаб уйга меҳмон келиб қолиши мумкин ёки бола мактабга борганида муаллими уни бошқа юмушга жалб этиши мумкин. Шунда кун тартибига мажбурий ўзгартириш киритишга тўғри келади.

Ҳар кун эрталаб ўзимизга бир ишни тайин этиб, бу ишларни қандай бажаришимизни фикр қилайлик. Жаҳоннинг ҳозирги ободлиги, инсоният ва маданиятнинг бу қадар тараққийси албатта маърифат эгаларининг битмас-туганмас ғайратлари соясида вужудга келган. Шу боис бир дақиқа вақтни ўринсиз ва фойдасиз ерга сарф этиш – исрофдир. Ҳар кун кечқурун бутун вақтимизни нималарга сарф этганимизни ўзимизча ёки бирон яқин одамимиз билан бирга муҳокама этишимиз, кейинги ишларимизнинг ҳар бирига вақт тайин этиб, шу вақтлардан кечиктирмай бажариш учун бир тартиб-интизом остига олишимиз лозим бўлади. Оилага доир ишларимизга ажратадиган вақтимизнинг асосини тирикчилик ва рўзгор масалалари ташкил этиши табиий. Лекин бу борада биринчи ўринга фарзанд тарбиясини қўйган бўлардим. Чунки бутун олишимиз керак бўлган пиёзни эртага олсак ҳам бўлаверади. Лекин бутун берилиши лозим тарбияни эртага қолдириш яхши эмас. Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) бир ишни эртага бажараман, деб орқага сурганлар ҳалок бўлишини айтиб, огоҳлантиришларини бу мавзуга ҳам оид деб англашимиз керак. Халқимиз «Уй ёнса сув ўчиради, вақт ёнса нима ўчиради?» деб бежиз айтмаган.

Бутун ҳаётимизни телевизорсиз тасаввур эта олмаймиз-а? Ҳамма шундай ўйлайди. Мен ҳам бутунлай инкор эта олмайман. Вақт исрофига фақат телевизор айбли эмас. Телевизор йўқ пайтида ҳам одамлар вақтларини исроф қилишдан қайтмаганлар. Вақтни совуришни истаган одам баҳона топа олмас эканми?! Телевизорга ҳаётимиздан ўрин бердик. Лекин бутун ўй-хаёлимизни, вақтимизни унга бахш этиб қўймаслигимиз шартлигини унутиб қўяётганимиз ёмон.

Телевизорга михланиб кино кўрувчи «телебола»ларга эса мас-лаҳатимиз шу: бир кунда битта кинофильм кўриш онгимиз учун кифоя қилади. Икки кунда бир кўрилса яна яхши. Чунки кинофильм фақат вақт ўтказиш учун кўрилмади. Ундаги воқеаларни, қаҳрамонларнинг гап-сўзларини ўйлаш, таҳлил қилиш, хулоса чиқаришга уриниш керак. Бунинг учун эса вақт талаб этилади. Кинолар шунчаки кетма-кет кўрилаверилса фикр чалғийди, кишининг маъно хазинаси бойимайди, аксинча, зеҳннинг ўтмаслашуви-га олиб келади. Одамнинг мияси чексиз ахборот оқимларини қабул қилиш қудратига эга эмас. Бир челак ҳажмдаги чуқурчага ўн челак сув қуйсангиз тошиб кетади, атрофни балчиққа айлантиради.

Қайси мактабда ёки маҳаллада ёки уйда зериктиш касали мавжуд бўлса, ўша ерда ўғричаларнинг, ёлғончиларнинг, зулм сари оғаётган ўзга шумликларнинг туғилишини кутмоқ керак.

Энди яна «бўш вақтим йўқ» дейдиганларга келсак, бундайлар шу баҳона билан ўзларини ўзлари алдайдилар. Ҳар бир одамнинг вақти ўз қўлида. Агар ақл билан иш юритилса, ҳар қандай юмушга улгуриш мумкин. Фарзандларимизнинг айнан шундай фазилат эгалари бўлишларидан умидвормиз.

Демак, ота-она аввало ўз онгини, энг муҳими, фарзанди онгини ортиқча юкдан эҳтиёт қилиши баробарида вақтнинг хусусиятларини аввало ўзи англаб етиши керак. Хўш, вақтнинг қандай хусусиятлари бор экан? Бу саволга жавобни «Вақтнинг қиймати» рисоласидаги фикрлардан фойдаланган ҳолда топамиз.

Вақтнинг ажралиб турадиган ўзига хос хусусиятлари ҳам бор. Биз уни тўғри маънода тушунишимиз ва унинг нури билан иш кўришимиз лозим.

**«Вақт тез ўтади»** деймиз кўп ҳолларда. Хоҳ шод-хуррамлик ва қувонч билан ўтсин, хоҳ қийин, машаққатли бўлсин, у булут тезлигида юриб, шамол тезлигида ўтаверади. Бизга хурсандчилигимиз кунлари бирмунча тезроқ, қайғули кунларимиз секин ва офир ўтаётгандек туюлади. Лекин инсоннинг ўзига шундай туюлади, холос. Шоир айтган экан:

*Бахту саодатга тўла ойларим,  
Гўё давом этди кундан ҳам қисқа.  
Ва лекин ҳижронга тўла кунларим,  
Йиллардек кўринди менинг кўзимга.  
Наҳот энди ўтди йиллар, дўстларим,  
Ҳайрат-ла боқаман бу кун ўзимга.*

Бу ёруғ дунёда инсон умри қанчалик узун бўлмасин, модомики ўлим ҳар тирикликнинг ниҳояси экан, бас, у қисқадир.

Ўлим пайтида ўзи яшаб ўтган йиллар ва бир-бирига боғлиқ воқеалар лаҳзада тез ёниб-сўнувчи чақмоқ каби қисқа туюлади инсонга. Ҳазрати Нуҳ алайҳиссалом ҳақларида ривоят қилишларича, минг йилдан ортиқроқ умр кўрганларидан кейин у кишининг жон-



ларини олиш учун ўлим фариштаси келиб: «Э пайгамбарларнинг энг узун умр кўргани, сиз дунёни қандай тушундингиз?» – деб сўради. Шунда Нуҳ алайҳиссалом дедилар: «Дунё гўё бир ҳовлининг икки эшиги бўлиб, уларнинг биридан кириб, бошқасидан чиқиб кетдим!»

Бу ривоят ҳаётини ҳақиқат учун бир ибратдир. Ундаги ҳақиқат инсон умрининг ўлим вақтигача аста-аста сўниб боришидир. Шунингдек, қиёмат бўлганида ҳам инсонга йўқотган ва бой берган нарсаси билдирилганида, у вақтнинг қанчалик тез ва қисқа ўтганини тушуниб етади. Туғилмоқ ва ўлмоқ дея аталмиш икки манзилнинг ўртасида сарсон қолган инсон идроки, дунёга таалуқли ҳақиқий қонун-қоидалар билан бошқарилмаса, бу нисбий оламдан ҳақиқий Ватанга маънавий йўл топиб бўлмайди. Кишининг ҳар бир дақиқаси, ҳатто ҳар бир нафаси фазилатли амалларга бағишланиши керак. Таъбир жоиз бўлса, вақт намланган совунга ўхшайди. Уни қўлда тутиб туриш жуда қийин. Сирғалиб, тушиб кетаверади.

**Ўтган вақтнинг ортга қайтмаслиги ва ўрнига алмашмаслигини** англамайдиган одам йўқ. Ҳар бир кун ўз якунини, ҳар бир соат ҳам ўз ниҳоясини топади. Кунни, соатни ҳатто лаҳзани қайтариш ёки бошқаси билан алмаштиришга ҳеч ким уриниб ҳам кўрмаган. Отилган ўқ изига қайтмаганидек, умр ҳам изига қайтмайди. Ўтган вақтнинг ўрнини келаётгани босмайди. Бой берилган вақти ўрнини тўлдириб, хотиржам яшаётган инсонни ким кўрган? Ортга қайтиш, вақт чизигидан илгарилаш ёки ўтмишга саёҳат қилиш фақат фантастик асарлардагина учрайди. Аслида эса бу ақлга сиғадиган нарса эмас. Ҳасан Басрийнинг ажойиб ҳикматлари бор: «Ҳар бир тонг ёришадиган кун борки, инсон боласига нидо қилади: «Мен янги яратилдим. Ишларингга шоҳидман, мендан фойдаланиб қол. Кетар эканман, қиёматга қадар қайтмайман». Кўп кексаларни учратамиз, улар ёшлик даврларининг яна бир бора қайтишини орзу қиладилар. Лекин бу амалга ошмайдиган орзу холос. Бунақанги орзуларнинг озию кўпи ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Шоир айтадики:

*Кошки қайтсайди ортга агар бир кунга ёшлик,  
Унга айтардим бошга нелар солди кексалик.*

Бошқа бир шоир умрнинг қай тарзда ўтишини тасвирлаб, унинг кечаю кундузлари ортга қайтмасдан кетади ва бунга умид йўқ, деб ёзади:

*Киши кетар умрининг жиловин тутиб,  
Ойу кунлар оралаб фонийлик сари,  
Туну кунлаб тонглару тунларини кутиб,  
Дунёдан кўчар мудом қабрга сари.*

**Вақт инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси** эканини ўтмиш донишмандлари кўп таъкидлашган. Модомики, вақт тез

ўтувчи ва ортга қайтмас экан ва уни бирон нима билан алмаштириб бўлмас экан, у инсон эга бўлган нарсаларнинг энг нафиси ва қийматлисидир. Вақтнинг нафислиги ҳар бир амал ва ишлаб чиқариш учун манба, асос бўлишидир. У ҳаётда хоҳ шахс, хоҳ жамият бўлсин, инсон учун асл сармоя ҳисобланади.

Донолардан бири айтганидек: «У ҳаётдир. Инсон ҳаёти эса унинг туғилган онидан токи вафот онигача яшаб ўтадиган вақтидир». Бу хусусда Ҳасан Басрий ҳазратлари яна дедиларки: «Э Одам боласи, сен ташкил топган кунлардан иборатсан. **Сен учун бу куннинг кетиши умринингнинг бир қисми кетиши демакдир**».

Биз туғилган кунларимизни имкон борича дабдаба билан ўтказишга ҳаракат қиладиган бўлиб қолдик. Албатта, маълум бир ёшга етганимиз учун Яратганга шукр қилишимиз керак. Шукр қилиш учун йилда бир марта туғилган кун келишини кутишимиз шарт эмас. Назаримда туғилган кун фақат шодиёнадан иборат эмас. Бу кун инсон умрининг бир йили ўтганига далилдир. Бошқачароқ айтсам, бу дунёдаги ҳаётимиз бир йилга қисқариб, боқий дунёга ўтишимиз яна бир йилга яқинлашди, демак. Абу Али Даққоқ айтганларидай, «Ҳар бир кун менинг бир қисмимни олиб, ўтиб кетади. Қалбда ҳасрат қолдириб, ўзи бедор кетади»... Шодликка, тантананага ажратилган соатларнинг озгина қисмини фикрлашга ажратсак ёмон бўлмас эди. Фикрлаш чоғида Абдуллоҳ ибн Масъуд ҳазратларининг бу гапларига диққат қилишни тавсия этаман: «Мен бир куннинг қуёши ботиб, ажалим билан орамиздаги масофа қисқариб, ўша кунлик яхши ишларим кўпаймаганига қилган пушаймонимдек қаттиқ пушаймон қилмадим!.. Агар кун ўтган ва мен ўзимни Аллоҳ таолога яқин қиладиган илмимни зиёда қилмаган бўлсам, шу куннинг чиққан қуёши мен учун баракали бўлмагандир».

Инсон умри давомида кўп пушаймонлар ейди. Айрим ҳолларда пушаймон туфайли тавба қилиб, тўғри йўлга тушиб олади. Лекин икки ҳолда унинг пушаймони асқотмайди. Биринчиси – жон бериш, охират остонасидан ўтиш пайтидаги пушаймони. Инсон охират сари юзланган маҳалда унга яна бир оз муҳлат берилишини ёки йўқотган нарсасини тўғрилаб, бузганини тузатиб олиш учун озгинагина вақтнинг ортга қайтарилишини орзу қилади. Лекин бу иложсиз бир нарса!

Иккинчиси – охират диёрига кўчилганида ҳар бир жон амалига яраша мукофотланиб ёки жазоланиб, жаннатийлар жаннатга, дўзахийлар дўзахга киритилган бир пайтда дўзахийлар дунё ҳаётига яна бир бор қайтишни, ҳаётларини янгидан бошлаб, яхши амаллар қилишни хоҳлаб қоладилар. Бироқ улар истаётган нарса ҳақиқатдан нақадар узоқ! Чунки у вақтда муҳлат замони тугалланиб, ҳисоб бериш замони келган бўлади. Бу борада Фиръавннинг тавбаси, Аллоҳнинг «Энди кеч», жавобини унутмаслигимиз шарт.

Аҳли дониш: «Манфурликнинг аломати вақтни зое кетказишдир», деб таъкидлашган. Ва яна: «Вақт бир қиличдир, гар сен уни кесмасанг, у сени кесади!» дейишган. Демак, бу қиличга ҳоким бўлиш

учун моҳирлик талаб этилади. Бу қилишни яхши ишлата билиш, аҳамиятли нарсаларни олиб, аҳамиятсизларини четда қолдириш лозим. Бу эса ҳақиқатни англаб етган ақл билан бўлади. Вақтни қадрлашнинг энг синалган йўли – яхши ишларни бажаришга интилиш ва шошилишдир. Қуръони каримда бундай баён этилган: «Ҳар кимнинг ўз юзланадиган тарафи бор. Бас, яхши ишларга шошилишгиз! Қаерда бўлманг, Аллоҳ таоло сизларнинг барчангизни ҳисоб-китоб учун келтиради» (*Бақара сураси*). (Бу ўринда изоҳ зарур: яхши ишларни қилишга шошилиш билан шошқалоқлик бир нарса эмас. Биринчиси – фазилат, иккинчиси – иллатдир.)

Биз бу фазилатни эгаллашда вақтнинг қадрига ета олган олимлар ҳаётидан ўрнак олсак арзийди. Бундай олимлар ўзлари турган мавқедан яна ҳам гўзалроқ даражага интилганлар. Шу жиҳатдан уларнинг бугуни кечасидан, эртаси бугунидан афзалроқ бўлар эди. Бу хусусда улардан бири: «Кимнинг бугуни кечаги каби бўлса, у алдангандир ва кимнинг бугуни кечасидан ёмон бўлса, у лаънатлангандир», деган эди. Улар вақтларини манфаатли илм таҳсил қилишга, фойдали ишларга ё нафс тарбияси ёки бошқаларга фойда келтиришга ишлатишларидан ташқари, бирор кунни ёки ярим кунни ва ё қисқа муддатни бўлсин, беҳуда сарф этишдан қизганишар эди. Токи ўзлари сезмай қолиб, умрлари бўш ишларга сарф бўлиб, гарду ғуборга, кўпикка айланиб кетмасин. Ўтаётган ҳар бир кунни ҳам ўзи учун ва ҳам атрофидагилар учун илм, маърифат, иймон ҳамда эзуликларни юксалтиришда фойдаланмасликни улар Аллоҳ таоло неъматига ношукурлик ва вақтга ҳурматсизлик бўлади, деб ҳисоблашар эди. Хорижга сафар қилганимда шундай бир аллома билан учрашиш бахти менга насиб қилган эди.

Азизлар, эҳтимол «Ўгай она», «Қайнона» романларини, «Саодат асри қиссалари» китобини ўқигандирсиз. Бу асарлар муаллифи Аҳмад Лутфи билан кўришмоқ умидида Туркиянинг Бурса шаҳрига бордик. Университетнинг илоҳиёт факультети декани ниятимизни билиб, алломага кўнғироқ қилдилар-да «Хўжам ҳозир келадилар», дедилар. Биз «У киши уйда эканлар-у бирор соатларда келиб қолар эканлар», деб ўйлаб кутдик. Тахминан икки соат кутдик. Декан яна бир кўнғироқ қилдилар-да, «Хўжам ғоят банд эканлар, ҳузурларига чиқа қолайлик», дедилар. Аҳмад Лутфи биз кутаётган хонадан икки қават юқорида, ўз кутубхоналарида иш билан банд эканлар. Суҳбатимиз охирида ўзбек китобхонлари номидан у кишини шаҳримизга таклиф қилдик. «У ерга бориб нима қиламан, мен қиладиган зарур иш борми?» дедилар. Декан эса қулимсираганича деди: «Хўжам сафарда юриб вақт сарфлашни ёқтирмайдилар. Вақтни ғоятда қадрлайдилар. Ўтган йили хориждаги илмий кенгашга юборган эдик, мажлисдаги сафсатабозлик ёқмай, эртасигаёқ қайтиб келдилар...»

Фалак ва Ер тинмай айланар экан, инсонлар ҳолати ҳам енгилик ва қийинчилик, бойлик ва камбағаллик, саломатлик ва хасталик, хурсандчилик ва маҳзунлик, машаққат ва роҳат орасида ай-

ланаверади. Булар ақли бор кимсаларга бир дарс, қалби борларга панду насиҳат, басират эгаларига ибратдир. Аммо ақл эгалари тафаккурдан, қалб эгалари шуурдан, басират эгалари ибрат назаридан маҳрум бўлсалар, улар учун кеча ва кундузнинг алмашинуви ҳеч қандай маъно касб этмайди. Вақт – олий муаллимдир. Аммо не кўргиликки, у барча ўқувчиларини ҳалок қилади. Ҳа, вақт чиндан ҳам кескир қиличдир, у ҳеч нарсага қарамай ўтади-кетади. Инсон эса вой-войлаганича қолаверади. Бизнинг «Вақт ўтмоқда» деган ўйимизда андак хатолик бор, вақт эмас, ўзимиз ўтиб боряпмиз.

Азизлар, агар бир одам вақтнинг шариф ва азиз бир нарса эканини ҳис эта олса, ишонингки, у одам умрини роҳат ва фароғатда кечиради. Вақт нақд олтиндир, уни зое этганларнинг бозор айлаиб, бўш қўл билан қайтганлардан фарқлари йўқдир, бунга диққат қилиш шарт. «Молу пулинг кетса кетсин, бироқ вақтнинг зое кетмасин», дейдилар. Вақтни фойдали ишларга сарф этишни билган киши молу дунёсини ҳам керакли жойларга сарфлашни билади ва саодат йўлида унга тўсиқлар бўлмайди.

Мазкур мавзуга илова равишда ақл исрофи мавжудлигини айтиб ўтмоқчиман. Кишининг бир илми ёки ҳунарни эгаллаб, сўнг бошқа ишлар билан шуғулланиб юриши ана шу исрофга киради. Менга бир одамни мақтаб: «Жуда зийрак одам, тўртинчи қаватга нечта зина босиб чиққанигача билади», дейишди. Мен эсам ажабландим: зинанинг нечталигини билиши шартми? Шунга исроф бўлган зеҳни ва хотирасини фойдалироқ нарсага сарф қилса бўлмасмикин? Бу нарсани жиноятга доир текширув ўтказувчи билиши зарурдир. Лекин меҳмонга келган одамнинг «Уйингизга бир юз элик зинани босиб кўтарилдим», дейишидан маъно борми? Ё «шунга яраша эҳтиром қилинг», демоқчими? Ундан кўра юқорига кўтарилганича тасбеҳ айтиб, савобини мезбонга бағишлагани дурустроқ эмасми?

Ҳаётда ақли беихтиёр равишда исроф қилиш ҳоллари ҳам учрайди. Биздан олдинги, хусусан, бизнинг авлодда шундай бўлган. Мактабда, сўнг олий ўқув юртида мутлақо кераксиз, ҳатто «Дарвинизм» каби зарарли фанларни ўрганиш учун ақлимизни сарф этганмиз. Ўзингиз айтинг, жарроҳ ёки муҳандис учун Лениннинг бемаъни асарларини йиллар давомида ўқиш шартмиди?

Ҳар биримизни исроф васвасаси ҳар он, ҳар дақиқа, ҳар қадамда таъқиб қилади. Демак, исрофдан сақланиш лозимлигини бир нафас ҳам унутмаслигимиз шарт экан.

Энди бўш вақт масаласига ҳуқуқшунослик нуқтаи назаридан қарайлик. Ота ва она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар боланинг бўш вақтини мазмунли ўтказишга масъул эканликлари қонунларда белгиланган. Улар болани доимий назоратда тутиб, ўқиш ва ишдан бўш вақтларида қандай машғулотлар билан машғул бўлиши, бу вақтларни кимлар билан ўтказишини билиб боришлари лозим; биринчи навбатда ўзлари ёки зарур ҳисобласалар, педагог ёинки мутахассис психолог ёрдамида боланинг қизиқиши,

қобилияти ва истеъдодини аниқлашлари; шунга қараб, болани мактабдаги, мактабдан ташқари маданият муассасаларидаги ва милиция таянч пунктлари негизда ташкил этилган турли хил тўғарақлар, спорт машғулотлари ҳамда кичик ва ўрта бизнес шахобчаларига касб ўрганишга жалб этишлари; ёзги таътил вақтида болани лагер ва оромгоҳларга юбориш орқали уларнинг ижтимоий фойдали машғулотлар билан банд бўлишини таъминлашлари керак.

Азизлар, «Болам (жияним, қўшним ёки ўқувчим) нима сабабдан вақтни беҳуда ва мазмунсиз ўтказди?» деб ўзингизга ўзингиз савол бериб кўрганмисиз?

Болангизда ўқиш, меҳнат, касб, умуман олганда, ижтимоий фойдали бирор нарсага қизиқиш йўқлигини сезганмисиз? Болангизни назоратсиз, қаровсиз қолдирасизми? Унинг кун тартибини қизиқарли ташкил қилиб берганмисиз ёки бунга бефарқ қарайсизми? Балки ҳаддан ташқари меҳнат фаолияти билан бандлигингиз туфайли фарзандингизнинг тарбиясига вақт ажрата олмаётгандирсиз? Балки унга ҳаддан зиёд меҳр қўйишингиз натижасида керагидан ортиқ ишониб, ўз ҳолига ташлаб қўйгандирсиз? Болангиз оилада ҳам, мактабда ҳам ижтимоий фойдали машғулотларга, тўғарақларга жалб қилинмаганига нега бефарқсиз? Баъзи ўқитувчиларнинг ўқувчиларга уй вазифаларини бермаслигидан ва берилган уй вазифаларининг бажарилганлигини назорат қилмаслигидан хабарингиз борми? Сиз фарзандингиздан «Дарс тайёрадингми?» деб сўрайсиз, у «Ўқитувчи уйга вазифа бермаган», деса ишона қоласизми? Ҳа, ишонасиз. Баъзи ота-оналар эса уйга кўпроқ вазифа берган муаллимлардан норози бўлишади, нолишади. Масалан, адабиёт муаллими ёзги таътилда ўқиш учун бир неча китобларнинг рўйхатини беради. Шу китоблар уйингизда борми, йўқ бўлса, китоб дўконидан сотиб оласизми ё болангизни кутубхонага юборасизми? Йўқ, йўқ, йўқ... Болангиз тавсия этилган китобларнинг биронтасини ҳам қўлга олмайдди, сиз эса... Бу ёғини гапирмай қўя қолай, дардим ичимда.

Сизу биз Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг бу сўзларини унутмаганимиз дуруст: «Ишсизлик, ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлмасликнинг энг салбий оқибатларидан бири – жиноятчилик, шу жумладан уюшган жиноятчилик билан боғлиқлиги, яъни уни «озиқлантириши» ва ўстиришидир. Бошимизга тушаётган кўпгина муаммолар, бало-қазолар, авваламбор, энди вояга етаётган ёшларимиз, фарзандларимиз тақдирини оладиган бўлсак, ўзи кўпинча ишсизликдан бошланади». Вояга етмаганларнинг бекорчилиги, яъни ишсизлиги ўн фоизга кўпайгудай бўлса, жиноятчиликнинг 4-7 фоизга ошажагига ҳам эътиборимизни қаратайлик.

ЧЕКМАҒУСИ ХОРЛИҒ АҲЛИ ҲУНАР

Бўш вақт масаласини ҳамма ўзича ҳал этади. Кўпчилик тарбиянинг бу соҳасида асосий эътиборни меҳнатга қаратиш тарафдорли. Бу йўлни тўла маъқуллашим аввалги суҳбат давомида маълум бўлгандир. Шу боис энди меҳнатнинг асосини ташкил этувчи ҳунар ҳақида ҳам фикрлашиб олсак.

Айрим ота-оналар фарзандларини биронта ҳунар эгасига шогирдликка берадилар. Тўғри, жамиятда болаларни оғир меҳнатга жалб этиш мумкин эмас. Корхоналар бу талабга амал қилишни баъзан меъёридан ошириб юборишади. Ўсмир бажарадиган юмуш мавжудлигига қарамай, уларни яқинлаштиришмайди. Ҳунарманд усталар эса аксинча. Сувоқчими, кулолми, дурадгорми... болаларни ёнларига оладилар. Болалиқдан устанинг ёнида юрганларнинг ҳам кўзи пишади, ҳам қўли ўрганади. Оқибатда улар моҳир уста бўлиб етишадилар. Энг муҳими, бекорчиликдан санғимайдилар. Меҳнатсеварликнинг хайрли экани ҳақида юзта насиҳатдан кўра шу усул дуруст эмасмикин? Тўғри, усталарнинг ҳам ҳар хили мавжуд. Ҳаммаси ҳам бегона болага ҳунарини очиқ кўнгил ва қунт билан ўргатавермайди. Устанинг қанотига кирган ўсмирларнинг барчалари ҳам тўғри ва ҳалол йўлга киравермайдилар. Алдов ёки айёрлик билан ҳунардан бўйин товлашга интиладилар. Бу ўринда яна ота-она ва устанинг биргаликдаги тўғри муносабати муҳим. Афсуски, усталар кўп эмас, бекорчи болаларнинг барчасини қанотларига ололмайдилар.

Ҳар қандай меҳнатнинг зийнати ҳунар эканини барчамиз биламиз. «Ҳунар қўлингдаги тилла узукдан ҳам аъло эканини унутма», деганлар ҳикмат аҳли. Бир ҳақим ўғилларига бундай панд берур эдики: «Э жон фарзандларим, ҳунар ўрганинглари, нединки, мулк ва молга эътимод йўқдир. Сийм ва зар хатар маҳаллидадир – ё ўғри барчасини бирдин олур ва ё ҳоқим оз-оз олиб йўқ этар. Аммо ҳунар чашмаи равон ва давлати бепоёндулки, агар ҳунарманд одам давлатдин тушса, ҳеч ғам ва алами йўқдур. Нединки, ҳунар унинг зотида улуғ давлатдир ва ҳар ергаки борса, соҳиби қадр бўлур ва мажлисининг юқорисида ўлтурур ва ҳунарсиз киши гадоилик қилур ва ҳар жойгаки борса, беқадр ва безътибор бўлур.

**Байт:**

*Ота меросини гар истасанг, ўрган ота илмин,  
Ки қолган мол отадин саҳл муддатда тамом ўлгай.*

Ҳорун ар-Рашидга тобе шаҳарлардан бирининг ҳукмдори шундай ҳикоя қилган:

– Отам ҳар вақт мени ҳунар ўрганишга тарғиб қилиб: «Ўғлим, ёшлигингни ғанимат билиб, ҳунар ўрган, мансаб ва давлатингга

ишонма, бир кун буларинг қўлдан кетиши мумкин, бироқ ҳунар доимо сен билан бирга бўлади, сени ҳеч бир муҳтожликка туширмайди», – деб насиҳат қилардилар. Мен отамнинг насиҳатларини жону дилим билан қабул қилиб, ҳунар ўрганишга бел боғладим. Ҳунарлар орасида гилам тўқиш менга хуш ёқди. Энг моҳир гилам тўқувчига шогирд тушиб, бу ҳунарнинг нозик сир-асрорини пухта эгалладим.

Отамнинг вафотларидан кейин Ҳорун ар-Рашид шаҳарга мени ҳукмдор қилди. Орадан кўп ўтмай, икки йўлдошим билан Бағдод сари йўлга чиқдик. Бир неча кун сафар ранжини тортиб, пойтахтга доҳил бўлдик. Қорнимиз оч эди. Жуда зийнатланган ва озода бир емакхонага кирдик. Емакхона соҳиби бизни кўрган замони дарҳол ёнимизга келиб, ҳол-аҳвол сўрашиб, айтди:

– Сизлар бошқа шаҳардан келган обрўли кишиларга ўхшайсизлар, бозорда овқатланиш сизлар учун айбдир. Шу яқин орада бир озода жойимиз бор, сизларга ўша емакхонада таомланиш ярашади.

Биз унинг таклифини қабул қилдик. Хизматчиси бизни айтилган шинам уйга бошлаб борди-да: «Пича ўтира турунлар, ҳозир таом келтираман», деб эшикни беркитди. У кетиши билан биз ўтирган уй иккига ажралиб, барчамиз ертўлага тушиб кетдик. Ўзимизга келишга улгурмай туриб, уй яна асл ҳолига қайтди. Бир оздан кейин ертўла эшиги очилиб, пичоқ ушлаган икки хизматкор пайдо бўлди. Жонимиздан умидимизни уздик. Бизни йўлдан урган емакхона эгаси одамларни алдаб бу ерга келтирарканда, сўйиб, гўштини таомга солар экан. Шу тобда бошимга бир фикр келиб дедимки:

– Биз моҳир гилам тўқувчилармиз, бизларни ўлдиришдан фойда кам. Бошлиғингизга чиқиб айтинг, керакли нарсаларни етказса, ажойиб гиламлар тўқиб беражакмиз.

Таклифим маъқул келиб, эртасигаёқ айтган нарсаларимни муҳайё қилишди. Шерикларим кичикроқ ҳажмдаги гилам тўқишди, мен подшоҳга аталганини тўқишга киришдим. Иш ниҳоясига етгач, хўжайинга дедимки:

– Буни бозорга олиб чиқманг, бу гилам подшоҳ саройини безаши керак. Ҳорун ар-Рашидга тортиқ қилсангиз, кўп фойда оласиз.

Хўжайинга бу таклиф хуш ёқди. Ўша куниеъ гиламни кўтартириб, саройга равона бўлди. Ҳорун ар-Рашид гиламни қизиқиш билан кузатиб, бурчагига тикилиб қолибди. Мен бу бурчакка гуларга мослаб, ўз муҳримни тўқиган эдим. Бизнинг Бағдод сари йўлга чиққанамиздан, сўнг изимиз йўқолганидан хабар топиб, нима қилишини билмаётган Ҳорун ар-Рашид бу муҳрни кўрибоқ бошимизга мусибат тушганини англабди-ю, емакхона хўжайинини ҳибсга олиб, сўроққа тутибди. Ҳунар шарофатидан ўзимнинг ва йўлдошларимнинг жони омон қолди...

*Бўлса гариб айрилибон шаҳридин,  
Чекмагуси хорлиг аҳли ҳунар.  
Мамлакатидин агар ўлса жудо,  
Ёнгуси оч подшоҳи баҳру бор.*

Хунар доно билимдан афзал, дейдилар. Яъни, ҳар кимнинг хунари бўлмаса, у қуруқ девор билан тенг. «Йигит кишига қирқ хунароз», дейдилар. Бу мақол олимга ҳам, авомга ҳам тааллуқди. Биламизки, яхши олимларимиз орасида рўзғорга зарур хунарлардан ҳам беҳабарлари бор. Айтайлик, битта михни эплаб қоқа олмай-диганлар ҳам бор, десак балки ишонмасиз. Балки «Олим одамга шу хунар шартми?» дерсиз. Бизнингча, ҳар бир одам касби ва илми даражасидан қатъи назар, айрим хунарларни ўрганиб олгани дуруст. Ота-оналар ҳам «болам ўқияпти», деб уни жисмоний меҳнатдан, хусусан, хунар эгаллашдан четламаганлари яхши.

Арасту ҳаким ёшлари етмишга борганда чолғу чалишни ўрганибдилар. Шогирдлари: «Оппоқ сочингиз билан чолғу машқ қилгани уялмайсизми?» дейишса, жавоб қилибдиларки:

– Даврада ўтирган одамлар бу хунарни билганлари ҳолда, мен кўзимни мўлтиллашиб ўтирсам, ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму хунардан хабардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунинг маъносига тушунмайди ва фойдасини билмайди.

«Мулки Ажам тарихи» деган китобда бундай ҳикоя қилинади: «Эроннинг афсонавий подшоҳларидан Гуштасп Румга бориб, Қустантанияда (ҳозирги Истанбул) манзил қурганида қўлида ҳеч вақоси йўқ экан. Бировдан бирон нима сўрашга иззат-нафси йўл бермабди. Гўдаклик чоғларида отасининг саройида бир темирчи бўлган экан. Гуштасп ўша темирчининг пичоқ, тиг ва узанги ясашига ҳаваси келиб, ҳар гал унинг олдига борганида темирчининг хунарини завқ билан томоша қиларкан. Қустантанияда пулсиз қолганида темирчиларнинг олдига бориб: «Менинг бу хунардан хабарим бор», дебди. Уни мардикор қилиб ёллашибди. Кунига қанча пул тушса, бир қисмини унга беришаркан. Шу тариқа муҳтож бўлмай, ўз тирикчилигини ўтказибди. Вақтики келиб, ватанига қайтиб, тахтга ўтирганида: «Мол-дунёсининг кўп ёки кам бўлишидан қатъи назар, ҳамма фарзандларига касбу хунар ўргатсин, хунарли одам ҳеч қачон бировга муҳтож бўлмайди», деб фармони олий берибди.

Хунар – туганмас хазина эканини таъкид этган ҳолда, хунарсиз инсоннинг доимо қўрқув, таҳлика ичида яшашига диққатингизни тортаман. Ҳа, дунёнинг таназули уни қўрқувга солади. Очлик қўрқуви уни ҳар доим чўчитади. У доимо ҳаёт ташвишларига асир бўлиб юради. Фақат хунар соҳибигина ҳар чоғ эркин, озоддир. Шу боис, ҳар киши эркин ва озод яшаши учун аниқ бир хунар соҳиби бўлиши лозим. Юқорида зикр этилган ҳикоятда катта ибрат бор. Инсон олим бўлиши баробарида бир хунар соҳиби ҳам бўлса, у мустақил ва ҳур бўлади. Акс ҳолда, у ҳатто илмини асирликка маҳкум қилади.

Ҳазрати шайх Аҳмад Мағрибийнинг тўрт ўғиллари бор эди. Тўрттовига ҳам хунар, касб-кор ўргатдилар ва сўраганларга айтдиларки: «Хунарни шунинг учун ўргатдимки, мenden кейин ўзларининг қўллари меҳнати нонини есинлар. Бориб: «Мен фалончи-



нинг ўғлиман!» деб сиддиқлар жигарини ёқмасинлар. Нечукким, Пайғамбаримиз (с.а.в.) марҳамат этганлар: «Қўлнинг меҳнати, пешонанг тери билан егин-у, динингни емагин» (Бу ерда «динни пулга сотмагин», деган маъно бор).

Айримлар «Илм ололмаганлар ҳунар эгаллашар», дейдилар. Бу хато фикр! Бу ҳунарни, ҳунар эгаларини камситишдир. Ҳунарга ҳам Худо берган қобилият зарур. Масалан, кибернетика профессорига ҳарчанд ўргатинг, заргарлик ҳунарини эгаллай олармикин?

Одамнинг баракали ва бадавлат бўлиши учун касбу ҳунардан қимматроқ мато йўқ ва улуғлик ҳамда саодат осмони учун эса қобилиятдан ёрқинроқ юлдуз йўқдир. Ҳунар суви билан суғорилмаган киши гўёки мева ва сояси йўқ қуруқ дарахтга ўхшайди. Ёки ҳид ва рангдан холи гулга монанддир. Дарҳақиқат, бу фирдавсмонанд гулшаннинг райҳонлари ҳидидан димоғини муаттар қилган киши хилма-хил камёб, лаззатли неъматлардан баҳраманд бўлади. Бу неъматнинг ёқимли майидан бир журъа топмаган киши доимо бахтсизлик ва ожизлик билан боши оғриб, хумор бўлиб юради. Кўп азоб ва уқубатлар юкини елкасида кўтариб юришга мажбур бўлади. Билим ва ҳақиқат боғининг боғбонлари касбу ҳунарсиз кишиларни жамиятнинг разил ва пасткаш кишилари деб ҳисоблаганлар. Касбу камолсиз кишининг муҳаббати ҳеч бир дилдан жой топмайди ва ҳеч ким касбу ҳунарсиз кишига ёрдам қўлини чўзмайди.

Ким ўз қўлидан келадиган ишни ташлаб, қўлидан келмайдиган бир ишга ёпишса, албатта муваффақиятсизликка учраб, расво бўлади. Кейинги пушаймони ёрдам бермайди. Дейдиларки, ҳунар ёддан чиқмаса-да, лекин нозик томонлари унутилади. Инсон ўз ишини яхшилаб ўрганиб, уни ҳеч қачон қўлдан бермаслиги керак. Бўлмағур хаёлларга берилиб, шохдан шохга қўнмаслиги, ҳар қандай гулнинг гўзаллигига учавермаслиги керак.

Шу ўринда бугунги кунимизнинг жароҳати деб қаралаётган бир ҳолатга эътиборни қаратсак: «Мардикор бозори»ни барчамиз биламиз. Афсуски, шундай «бозор»лар Русиянинг бир қатор катта шаҳарларида ҳам пайдо бўлди. Ҳамма ерда манзара бир: кучга тўлган йигитлар «Биров ишга ёллаб олиб кетармикин», деган илинжда мўлтиллаб юришибди. Булар кимлар? Нечун бу қадар маъюслар? Бу ҳолатга тушишларига жамият айбдорми? Йўқ. Ота-оналари ва ўзлари айбдорлар. Бу йигитларда на ҳунар бор, на илм. Русияга ризқ излаб борганларнинг кўпчилиги ҳам шундай. Илму ҳунари борлар бир амаллаб тирикчиликларини ўтказиб келяптилар. Ҳунарсиз йигитлар эса қул бўлишга ҳам тайёрлар. Иқтисодий бўҳрон бошланганида уларнинг кўплари кўчада қолдилар. Уйга қайтиш учун пуллари қолмаган, емоққа нони йўқ бу йигитлар жинойтга қўл уришга ҳам мажбур бўлдилар. Оқибати эса маълум. Ўзларининг хор бўлишлари ўз йўлига, лекин миллат шаънига доғ туширишлари-чи?

Бир уста ҳикоя қилиб берган эди. Ўзига вақтинчалик ёрдамчи зарур бўлиб «мардикор бозори»дан бир йигитни ишга ёллабди. Икки-уч кунлик иш жараёнида қарасаки, йигитда шу ҳунарга

қобилият ва қизиқиш бор. Уста унга ҳунарини ўргата бошлабди. Тўрт-беш ҳафтадаёқ йигит бинойи уста даражасига кўтарилибди. Кейин қишлоқдаги акаларини ҳам чорлабди. Уста уларга ҳам ҳунарини ўргатибди. Йигитлар устанинг асбобларидан фойдаланиб, ишлай бошлабдилар. Устанинг қўлини совуқ сувга урдирмай, тенг шерик сифатида иш юритибдилар. Бу воқеада аввало уста гўзал инсоф намунасини намоён қилди, шогирдлар эса унга садоқатларини амалда кўрсатдилар. Шу ўринда савол туғилади: шундай ҳунар эгаси йигитлар яшаган жойда йўқмиди? Бор эди. Унда нима учун йигитлар ҳунарни ўз қишлоқларида ўрганмадилар? Ҳазрат Навоийнинг «Ҳунарни асрабон нетгумдир охир, олиб туфроққами кетгумдир охир» ҳикматларини тўғри англаб, унга амал қилган ҳунарманд усталарнинг фазилатлари энг улуғ таҳсинларга лойиқ. Уста ёш авлодда келгусидаги рақобатчисини эмас, балки ишининг давомчисини кўриши керак. «Ишнинг давомчиси» дегани – шогирди яхши ишлари учун қандай дуо олади: «Ота-онангга раҳмат, устозингга раҳмат!»

Аввалги суҳбатимизда ғайрат-шижоатни ноўрин ишлатиш хусусида фикрлашган эдик. Шунинг давоми сифатида ҳунарни исроф қилишга доир бир ҳикоят билан танишсак:

Одатдан ташқари ажойиб ҳунар кўрсатишга қодир эканини даъво қилган бир кишини подшоҳ ҳузурига олиб келишди. У киши ёнидан бир қутича игна олди. Бир жуводдизни бир устунга қадади. Кейин сал нарига тисарилиб, игналарни жуводдиз кўзидан отиб чиқара бошлади. Ҳунарини кўрсатиб бўлгач, таъзим қилди. Подшоҳ бу ҳунари эвазига юз олтин бериб, орқасига юз қамчи уришни буюрди. Сарой аҳли бундан ажабланган эди, подшоҳ тушунтирди:

– Бу одам жуда зўр истеъдод ва қобилиятга эга, лекин уни фойдасиз ишларга сарф қилади. Ҳунарини тақдирлаб, юз олтин беришга, истеъдодни фойдасиз нарсаларга исроф қилгани учун юз қамчи уришга буюрдим, токи бундан кейин истеъдодини халқ, юрт манфаати йўлида сарф этсин.

Ҳунар эгаларининг халқ орасида баобрў экани айтилди. Лекин аҳли ҳунар орасида бир иллат борки, бундан кўз юмиб бўлмас. Ҳасад, ичқоралик, иғво... каби хасталиклар қобилиятли ҳунар аҳлини кўп нохуш этади. Биз ҳасад ва туҳмат қурбонлари – қамалган, отилган олимлар, ёзувчиларни кўп тилга оламиз. Ҳолбуки, бундай қирғинлар ҳунар аҳли орасида ҳам бўлган. Қўли гул заргарлар, наққошлар, ганчкорлар, мисгарлар... таъқиб қилиндилар, қамалдилар, сургун қилиндилар, отилдилар...

«Калила ва Димна»да бу баён бор: «Ҳунар эгаларини ҳамиша истеъдодсиз ва бахил одамлар оёқости қиладилар, улар олчоқ ва разил одамларнинг нафрат ва ғазабига сабаб бўладилар. Истеъдодсиз, бахил ва олчоқ одамлар истеъдодли ва олижаноб одамлардан кўпдир, шунинг учун ғийбат ва бўҳтон билан яхшиларни ҳалок этадилар. Хасис сахийни кўрса, жоҳил олим билан мажлисга тушса, аҳмоқ оқил билан суҳбат қурса, юраклари сиқилиб, қонлари

қайнаб кетади. Истеъдодсиз одамлар ҳунар эгаларини ерга уриб, уларни гуноҳкор қилиб кўрсатишга ҳаракат этадилар. Диёнатни жиноят қилиб кўрсатадилар, бахт-саодат воситаси бўлган ҳунар ва истеъдодни бахтсизлик василасига айлантирадилар». Неча минг йил аввал баён этилган бу ҳикматнинг долзарблиги ўтмиш жамиятда, айниқса Сталин зулми йилларида аниқ кўрилади. Бу масалага эътиборни қаратишимдан мақсад, ҳунар эгаллаётган ёшлар йўлларида шундай нохушликларга учрасалар, чекинмасликлари керак. Кўпни кўрган устозлар шогирдларига бу ҳақда ҳам ўғит берсалар, ёшлар ҳасадгўйга дуч келганда довдираб қолмайдилар, туҳматчилардан кўрқиб ҳунарларини тарк этмайдилар. Эл-юрт миннатдорчилигига сазовор бўлиб, фароғатли умр кечирадилар.

Яна болаларнинг бўш вақти масаласига қайтсак, бу ўринда давлат аниқ тадбирларни белгилаб бериши керак. Корхоналарда ўсмирлар учун махсус иш жойларини тайин этиш шу тадбирлардан бири бўлса нур-аланнурдир. Халқ маорифи тизимида (илгари «пионерлар уйи» дейиларди) кўшимча «Таълим марказ»лари мавжуд. Бу марказларда турли ҳунар ўргатадилар. Санъатга жалб этадилар. Нақш, ганчкорлик, ўймакорлик, дурадгорлик, чеварлик, тўқувчилик каби тўғарақларда болалар деярли тўла бўлади. Ҳозир қизлар орасида либосларга оид дизайнерлик санъатига қизиқиш кучайган. Санъат турларига қизиқиш ҳам кучли. Лекин бу марказларга яқин атрофдаги мактаб ўқувчилари қатнайдилар. Узоқроқдаги мактабларнинг ўқувчиларини ота-оналари юбормайдилар. Бориб-келишидан хавотирланадилар. Ундан ташқари мазкур тўғарақларга асосан ўн уч-ўн тўрт ёшгача бўлган болалар қатнайдилар. Ўсмир ёшидагилар учун эса шуғулланадиган юмуш яна йўқ. Авваллари болалар учун футбол бўйича «Чарм тўп», «Зарница» (Яшин шуъласи) каби ҳарбий ўйинлар ўтказиларди. «Қувноқ стартлар», «Светофор» каби ўйинлар ҳозир ҳам мавжуд. Лекин бу ўйинларда ҳам ўсмирлар иштирок этишмайди. Демак, ўсмирларнинг бўш вақтлари тўлалигича ўзларининг ҳукмига топширилган, деб ўйласак ҳам бўлар. Бўйсунмаслар тарбиясининг энг нозик, айни дамда хатарли нуқтаси ҳам шу ерда. Бўш вақтига ўзи хўжалик қилувчи болалар кўп ҳолларда кўча ёки маҳалла зўравонлари таъсирига тушадилар ва бунинг оқибати нима бўлиши барчага маълум.

Ана энди яна бир нарсага диққат қилайлик. Биз бўйсунмас деб атаётган болалар оилада, синфда фақат танқид эшитадилар. Синфда уларнинг ҳимоячилари йўқ ҳисоби. Улар дўстлашмоқчи бўлган болалар катталар томонидан ўргатилган «Ёмонга яқин юрма!» шиорига амал қилиб ўзларини нари оладилар. Кўчада эса аксинча, аҳил дўстлик мавжуддай кўринади. Бўйсунмас йигитча ёки қизчага бу улуғ бир неъмат бўлиб кўринади-ю, кўча жамоасига боғланади.

### «СТОЛБА ҚОРОВУЛЛАРИ»

«Кўча тарбияси» дейилганда кўз олдимизга фақат безори, жиноятчи болаларни келтирамиз. Кечки пайт кўчада тўпланиб турган болаларни кўрсак, хаёлимизга фақат йўлтўсарлар келади. Ҳолбуки, кўча таъсирида барча жиноятчига айланиб қолмайди. Айни чоғда тўгаракка қатновчи болаларнинг ҳаммаси ҳам яхши бўлиб қолмайди. Бу ҳам ҳақиқат. Ҳозир эл оғзида «столба қоровуллари» деган ибора пайдо бўлган. Кўп ерларда кеч тушиши билан симёғоч яқинига ўсмирлар тўпланишни одат қилишган. Улар шунчаки гаплашиб ўтирадилар. Уйда ота-онаси ёки ака-опаси билан суҳбатлашишнинг уларга қизиғи йўқ. Бошқа шуғулланадиган ишлари ҳам йўқ. Ўртоқлари билан гаплашиб ўтирадиган жой ҳам йўқ. Айрим ота-оналар болаларни уйга таклиф этадилар. Лекин улар таклифни қабул қилмайдилар. Чунки ота-оналар ҳузурида улар истаган мавзуларида суҳбатлаша олмайдилар. Ёки катталардан истиҳола қиладилар. Айрим ерларда «ўсмирлар клублари» ташкил этишга ҳаракат ҳам бўлган. Лекин ўсмирлар бу клубларга ҳам боришмайди. Чунки клубларда ўзлари истаган мавзуда эмас, тарбиячилар тавсия этган мавзуда гаплашишни ёқтирмайдилар. Демак, бу ўринда «Ўсмирлар клублари ташкил қилиш керакми? Бу клублар ташкил қилинган тақдирда қандай йўналишда иш олиб бориши лозим? Улар ўсмирларни, айниқса бўйсунмасларни жалб қила оладиларми?» деган саволларга жавоб топиш керак бўлади.

«Столба қоровуллари» суҳбатлашадиган аниқ мавзу йўқ. Каллага нима гап келса, ўша томон оғаверадилар. Шу боис уларнинг суҳбатини маъносиз, дейишга ҳақлимиз. «Болалар шунчаки гаплашиб ўтиришибди, уларнинг орасида безорилар йўқ», деб хотиржам бўлишга эса ҳаққимиз йўқ. Уларнинг орасида бугун безори йўқдир, бироқ эртага қўшилиб қолар. Қўшилиб қолганини, нашага ўргатишни бошлаганини вақтида пайқаймизми?

«Беозор» «столба қоровуллари» наша чекиб ўтиришганда, бир одам уларни тартибга чақиради. «Отанг баобрў одам, бу ишинг чакки», дейди. Унга жавобан «беозор» «Мияни ачитманг, братан, биз билан битта тортинг», деб таклиф қилади. Натижада жанжал чиқади ва тартибга чақирган одам ўлдирилади. Қаранг, болалар бу ерга бекорчилик оқибатида тўпланишган, бировга ёмонлик қилиш фикрлари бўлмаган. Ҳуқуқ тили билан айтилганда бу «қасддан одам ўлдириш»га кирмайди. Кечки пайт тўпланган болаларнинг беозор суҳбатлари жар ёқасида туришни эслатади. Жарга қулаш учун салгина туртки кифоя.

Кейинги йилларда болаларнинг бўш вақтлари кўпроқ телевидение ва видео томошалари билан банд бўляпти. Ҳатто ҳазил аралаш «телебола» деган атама ҳам пайдо бўлди. Бу «телебола»лар атрофларидаги барча гўзалликларни рад эта бошлайдилар. Францияда

қизиқарли тадқиқот ўтказишибди. Уч мингта болага «телевизор яхшими ё отангми?» деган саволни бериб, қарийб икки мингта-сидан «Телевизор яхши», деган жавобни олишибди. Буни бир неча давраларда айтиб, эшитганлар юзида ташвиш кўрмадим. Деярли барча латифа эшитгандай кулимсираб қўйди. Аслида бундай хабар барчани ўйлантириб қўйиши керак. Францияда бу тадқиқотни шунчаки бекорчиликдан ўтказишмагандир. Тарбияга доир ишларида нималарга эътибор қаратиш лозимлигини аниқлаш учун қилишгандир. Шунга яраша чоралар кўришар. Хўш, бу ҳолатнинг бизга алоқаси йўқми? Тўғри, бизда икки мингта бола «отамдан телевизор яхшироқ», деб жавоб бермас. Агар уч мингта боладан учтаси шундай жавоб қайтарса ҳам ташвишланишимиз зарур эмасмикин? Бугун учта бола шундай деб турса, эрта-индин уларнинг сони ошмасмикин? Орадан кўп вақт ўтмай ўша Франциядаги натижа бизда ҳам қайд этилмасмикин? Бу муаммо хусусида қачон бош қотирамиз? Уч мингта боланинг ҳаммаси бир овоздан отадан кўра телевизор афзаллигини таъкид этгандами?

### **ТўРТИНЧИ БОБ**

#### **КИТОБХОНЛИК НАДИР?**

«Столба қоровуллари» ва «телебола»ларнинг ҳузурларига қайтиб, уларга четдан разм солайлик: китоб ўқиш улар учун азоб, театрда юраклари сиқилади, музейларда роҳатланмайдилар. Мусиқанинг фақат энгил турларини тинглашлари мумкин. Ёзувчилар бу «телебола»ларни бадиий адабиётга қайтариш керак, дейдилар, аммо қандай қайтаришни аниқ билмайдилар. Агар бизда ўсмирлар учун бадиий адабиёт деярли йўқлиги, болалар ёзувчиларининг ҳам ғоят камлиги инobatга олинса, бу фикрнинг амалга ошуви мушкул экани ойдин бўлади. Европа мамлакатларида болалар ва ўсмирлар адабиётига жуда жиддий аҳамият берадилар. Бизнинг болаларимиз ўқийдиган китобларнинг ҳам асосан таржима асарлар экани сир эмас. Болаларнинг севимли қаҳрамонлари ҳам Европа адабиётининг фарзандлари. Яхши бадиий асар миллат танламайди, чегара билмайди. Бироқ халқнинг ўз адабий қаҳрамонлари бўлса яна яхши. Бу соҳадаги тарбиямизда битта камчилигимиз бор. Аввало кўп хонадонларда оиланинг катталари китоб ўқимайдилар. Ўзлари ўқимай туриб, фарзандларини китобга жалб қила олармикинлар? Ўша ота-оналар ўйлаб кўрсинлар, фарзандлари бўш вақтларини кўча безорилари ёки беҳаё кинолар қуршовида ўтказганлари маъқулми ё фикр тарбиясини берувчи китоб билан дўстлашганлари афзалми? Донолардан бири «Китоб ўқимаган киши фикрлашдан тўхтайдди», деган экан. Кимдир бунга қарши чиқиб айтарки: «Мен умримда китоб ўқимаганман, лекин фикрлайман-ку?» Тўғри, ўқиган ҳам, ўқимаган ҳам фикрлайди. Бироқ қай тарзда фикрлайди? Фикрининг маъноси борми? Бу фикри билан ўзгалар

орасида эътибор қозона оладими? Дуруст, ота ёки она ўқишнинг афзаллигини тушуниб етдилар. Фарзандларини ўқишга даъват эта бошладилар. Лекин бола ёши улғайгач, бу даъватга дарров бўйсунма қолмайди. Ҳатто қизиқарли китобни ҳам четга суриб қўяди. Баъзи ота-оналар мана шундан зорланишади. «Фалон сўмлик китоб олиб келдим, ўғлим бир бет ҳам ўқимади», дейди. «Ўша китобни ўзингиз ўқидингизми?» деб сўраймиз. «Бе, ўқишга вақт борми?» деган жавобни эшитамиз. Чойхонада кунда, кунора ошхўрлик қилишга, маишатга вақт топилади. Бешик тўйларидами соатлаб валақлаб ўтиришга фурсат бор, аммо фарзанднинг тарбиясига вақтимиз йўқ. Шахсий намуна деган тушунчадан узоқмиз. Бизнинг назаримизда «Мана, сенга китоб олиб келдим, ўқи», дейиш – тарбия. Шу билан биз бурчимизни бажаргандаймиз. Боламизнинг китоб ўқимаслиги эса... Худодан. Уни Худо шундай яратган...

Бир киши фарзандини донишманд ҳузурига олиб келиб: «Тақсир, насиҳат қилиб қўйинг, ўғлим жуда кўп хурмо ейди. Бир ўтиришда эллик хурмони кўрдим демайди. Кўп емоқлик зарар эканини тушунтиринг», деб илтимос қилибди. Донишманд «Бир ойдан кейин келинглари», дебди. У одам яна бир ойдан кейин рўпара бўлганида донишманд: «Эй ўғил, кўп хурмо емоқлик зарарлидир», дебди. Бу қисқа насиҳатни эшитган киши: «Шу гапни бир ой олдин айтсангиз бўлмасмиди?» деб ажабланибди. Шунда донишманд: «Бир ой аввал бундай дейишга ҳаққим йўқ эди. Чунки мен ҳам хурмони яхши кўриб кўп ердим. Бир ой давомида нафсимни тийиб, камайтирдим ва насиҳат қилмоқ ҳуқуқига етдим», деган экан. Айтмоқчимизки, тарбиянинг барча кўринишларида, хусусан, китоб ўқишга даъватда шахсий намунанинг фойдаси кўп. Тарбиянинг барча турлари каби китоб ўқишга ўргатиш ҳам болаликдан бошланади. Европа мамлакатларидаги нашриётларда «Ойижон, ўқиб беринг», туркумида китоблар кўп чиқарилади. Номидан кўриниб турибдики, бу китоблар мактаб ёшигача бўлган болаларга аталган. Бу ёшдаги болаларда «Китобни кўрсам бошим оғрийди», деган гаплар бўлмайди. Барчаси қизиқиш билан китобни варақлайди. Баъзилари расмлардан завқ олади, унда нима акс этганини билишни истайди. Баъзилари китобни йиртиб завқ олади. Ота ёки онанинг китобни ўқиб бериши ёки расмлар мазмунини тушунтириши боласининг келажаги учун жуда-жуда зарур. Бола учун ажратилган беш-ўн дақиқа вақт келажақда ойлаб-йиллаб давом этадиган қайғу-аламлар олдини олишини англаб етган ота-она нақадар бахтли!

Болалар қамоқхонасида ўтказилган сўровларимдан маълум бўлди-ки, у ерга тушганларнинг қарийб тўқсон фоизи битта ҳам бадий китоб ўқимаган. Етмиш фоизи театр остонасини босиб ўтмаган. Юз фоизи рассомларнинг кўрғазмаси нима эканини билмайди. Бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ҳақидаги фикримни қувватлаш учун яна қандай далил керак?

Бир куни болалар қамоқхонасида адабий учрашувга бордик. Бу ерга биринчи марта кирган шоир Шукур Қурбон болаларнинг жи-

ноятлари ҳақидаги ҳикояни эшитиб гангиб қолди. Ҳаяжонга берилиб, «Мен бу ерда шеър ўқий олмайман», деди. Мен ундан Усмон Носирнинг «Муҳаббат» шеърини ўқиб беришни илтимос қилиб, аранг кўндирдим. Бир хил кийинган, сочлари бир хилда қиртишланган, кўзлари бир хилда маъносиз боқувчи бир неча юз бола тўпланган жойга кирганимизда шоир биродаримиз бу нигоҳларга қарай олмай кўзларини юмиб олди. Шу ҳолда шеърни ўқиди. Бу шеърни ўқитишдан мақсад – кичкина ижтимоий тадқиқот ўтказиш эди. Йиғилганларнинг барчаси севги ёшидаги ўсмирлар. Кўпчилиги севишга, аёл билан бўлишга улгурган. Севги туйғуси бегона эмасдир, деган фикрни синаб кўрмоқчи эдим. «Севги! Сенинг ширин тилингдан ким ўпмаган, ким тишламаган!» деб бошланувчи шеър ҳар қандай ёшнинг дилини қитиқлаши тайин. Аммо жиноятчи ўсмирларга бу таъсир этмади. Уларнинг юзларида, қарашларида ўзгариш сезилмади. Оддий гапни эшитгандай ўтираверишди. Шеърда «Уфқда ботар қуёшни шарт кесилган бошга ўхшатдим», деган сатр бор. Шу сатр ўқилганда, не ажабки, ўтирганларда жонланиш сезилди. Бундагиларнинг оз қисми қотиллиги туфайли қамалган, лекин бошқа жиноятлар билан ўтирганларга ҳам «шарт кесилган бош» таъсирли бўлди.

Уч ўсмир кечқурун ҳомиладор аёлга дуч келиб, «Хотиннинг туғишини кўрамиз», деб қийнашган. «Эси бутун одам бундай қилмайди, улар жиннидир», дерсиз? Йўқ, уларнинг кўриниши ҳам бинойи, эслари ҳам жойида. Камина улар билан суҳбатлашганда «Нега бундай қилдинглар?» деб саволга тутмадим. Ўқиган китоблари, кўрган театрлари, кинофильмлари билан қизиқдим. Жангари, бадахлоқ кинотомошаларини кўришда камчиликлари йўқ. Учтадан иккитаси болалигида синфдошлари билан «Ёш томошабинлар театри»га неча мартадир борган, лекин нимани кўргани эсида йўқ. Биттаси умуман театрга қадам босмаган. Уччаси ҳам бадиий китобни қўлига олмаган. Биттаси мактабдаги адабиёт дарсида ўқиганларини сал-пал эслайди. Улар билан суҳбатлаша туриб ўйладим: «Агар бадиий китоб ёки саҳна санъати орқали фақат инсонга хос севги-муҳаббатни қалбларига сингдиришганда эди, жиноят кўчаларида тентирамасмидилар...»

Китоб ўқишни ўргатишдаги ота-онанинг масъулиятини театрга ёки музейга, рассомлар кўрғазмасига... олиб боришда ҳам таъкидлашимиз керак бўлади. Жуда оз ота-оналар фарзандлари билан бу жойларга борадилар. Театр-музейларга олиб бориш асосан мактабларнинг зиммасида. Ота ёки она «Бутун театрга борибсан, нимани кўрддинг, нимани тушундинг?» деб беш дақиқагина суҳбатлашармикин? Агар суҳбатлашсалар, шарафлар бўлсин бу зотларга!

Кузатувлардан аниқки, болалар ва ўсмирлар феъл-атворининг шаклланишида бўш вақтдан тўғри фойдаланиш ғоят муҳим эканлиги тан олингани ҳолда бу зарур масаланинг ечимига эътиборсиз қаралади. Бошқачароқ айтсам, бўш вақтдан фойдаланишга доир мавжуд тадбирлар етарли самара бермай қўйган. Бунинг

акси ўлароқ, кўчанинг таъсири кучлироқ бўляпти. Айтайлик, кўчанинг бир бетида болалар кутубхонаси жойлашган. Иккинчи бетида бевош ўспиринлар қарта ўйнаб ўтиришибди. Кўчанинг ўртасида эса биз тарбияламоқчи бўлган юзта бола турибди. «Ихтиёр ўзингизда, бўш вақтингизни ким билан ўтказасиз?» деб кўрайликчи? Ишонаманки, шу юз боладан кўпи билан йигирма-йигирма бештаси кутубхона томон юради. «Янги китоб олиб келинган», деб мақтасангиз ҳам фойдаси йўқ. Яна бир ачинарли томони, «Гул-ливернинг саргузаштлари» деган китобни олиб ўқишинг мумкин», десангиз, гўдаклигидан Дисней мультфильмларини, кейинроқ эса Гарри Потер саргузаштларини севиб томоша қилган болада бу китобга нисбатан қизиқиш уйғота олмаймиз.

Ўзбек болалар адабиёти фарзандларимиз олдида катта қарздор эканини кўп гапираман ва ҳозир яна бир карра таъкидлайман. Айниқса, илмий-оммабоп нашрларда биз Европадан анча орқадамиз. Ўтган асрда «Кимлардан ўрناق олиш керак?» деган ном остида туркум асарлар нашр этилар эди. Бу асарлар буюк тарихий шахсларнинг болалиги ҳақида ҳикоя қиларди. Буюк шахсларнинг ҳаёти эса коммунистик ғоя талабига жавоб бериши шарт эди. Болалар биринчи галда Лениннинг ҳаётидан ўрناق олишлари лозим эди. Яна бир қатор қаҳрамон-пионерлар мавжуд эди. Шулардан бири ва энг кўп такрорланадигани – Павлик Морозов. Катталар эслашар, ёшлар билишмас, Павлик Морозов – Совет болаларининг қаҳрамони. Ҳамиша Павлик Морозовдай бўлишга даъват қилишарди. У ҳақда китоблар ҳар йили узлуксиз нашр қилинарди, театрда спектакл қўйиларди. Унинг «қаҳрамонлиги» отасини сотишдан иборат эди. Отаси – қулоқ, совет ҳокимиятидан буғдойни яшириб қўйган. Павлик Совет тузумига содиқ бўлгани учун отасининг қилмишини «Ч.К.»га хабар қилади. Шунақа! Совет болалари сотқиннинг ҳаётидан ўрناق олишлари керак эди.

Тарихда ўтган барча буюкларни болалигида ота-оналари ва устозлари тарбия этганлар. Уларнинг болаликлари ҳақидаги ҳикоялар бўлганда эди, бугунги ота-она ва устозга яхши дарслик бўларди. Афсуски, улуғларнинг болалиги ҳақида узук-юлуқ ривоятлар бор холос. Устоз Ойбекнинг ҳазрат Навоий болалиги ҳақидаги асаридан бошқа китобни эслолмайман. Буюк алломаларнинг, хусусан, Амир Темур ва Мирзо Улуғбекнинг болалиги акс этган асарлар юзага келишига умид қиламан.

Ўсмирларни тарбия қилишда ҳатто ўтмишдаги салбий шахслар ҳаётига ҳам мурожаат қилиш мумкин. Чунки тарихда ўтган ваҳшийларни ҳам болаликда кимлардир, қай йўсиндадир тарбия этганлар. Масалан, XX асрдаги ваҳший ҳукмдор Адольф Гитлери кимлар ва қай тарзда тарбия қилганлар? Унинг яхудийларга нисбатан нафрати қайси ёшида ва қай тарзда уйғонган? Адольфнинг отаси майхўр, шафқатсиз муштумзўр бўлган. У 13 ёшида уйдан қочиб кетиб, ўн йилдан сўнг қайтган. Ўзидан 23 ёш кичик бўлган хотинини ҳамиша калтаклаб турган. Отасининг кал-



таклари остида улғайган Адольф Гитлер қалбида қандай шафқат бўлиши мумкин? Аксинча, болалигидаёқ унда садизмга, ҳатто қотилликка майл уйғонган. Тарбиячи булардан хабардор бўлса, болани шафқатсизлик кўчасига қайси нуқтада бурилиши мумкинлигини билади ва бу фожиадан сақлаб қола олади. Демокриманки, бадий адабиёт ёрдамида ёмонлар ҳаёти билан танишиб, улардан ёмон бўлмасликни ўрганиш керак.

Китобнинг буюк куч эканини исботлашга ҳожат йўқ. Ҳар қандай жамиятдаги гўзал маънавият саройининг мустаҳкам пойдевори ҳам айнан китоб экани ҳам ҳақиқат. Агар китобдан юз ўгирган бирон жамоа маънавият саройи қурибди, деб эшитсангиз билинг-ки, улар бу бинони туздан барпо қилибдилар. Ҳатто қисқа муддат давомида майдалаб ёққан ёмғир ҳам оз фурсат ичида бу «сарой» аталмиш нобоп иморатни эритиб йўқ қилиб юборади. Тарих ҳақида, айниқса, дунё мўъжизалари ҳақида сўз кетса, Бобил минораси, Тож Маҳал каби етти обида тилга олинади. Буни инкор этмаган ҳолда айтаманки, инсон заковати билан яратилган энг бебаҳо ва ўхшаши йўқ, ҳайратланарли биринчи мўъжиза – китобдир. Бошқа барча кашфиётлар китоб олдида қарздорлар десак, ҳақлимиз. Электр лампочкаси милтилаб ёнаётган шамни масхара қилиб: «Шу ҳам нурми, менинг порлашимни қарагин!» деб мақтанганида, шам: «Ҳа, яхши порлаяпсан. Лекин сени менинг нуримда ихтиро қилишган», деган экан. Улуғ адиб Стефан Цвейг «Китоб ҳар қандай билимнинг жони ва юраги, ҳар қандай фаннинг ибтидосидир», деб ғоят тўғри фикрни баён қилган.

Китоб ҳақида юзлаб донишмандлар мингларча ажойиб фикрларни бизларга мерос қилиб қолдирганлар. Уларнинг китобни шарафловчи сатрлари тўпланса, эҳтимол юзларча жилдни ташкил қилар. Китобхонликнинг аҳамияти ҳақида кўп гаплар айтилган, айтиляпти. Мустақил юртимизнинг маънавий оламини бойитишдаги китобнинг хизматини ҳеч ким инкор этмайди. Миллий истиқлол ғояси ва маънавият масалаларига бағишланган ҳар бир катта ёки кичик анжуманда китобхонликка жиддий эътибор бериш таъкидланади.

Китобхонлик масаласидаги жиддий муаммоларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Биринчиси – бугун нашр этилаётган барча китоблар маънавий олам хазинасига бойлик қўша оладими ёки аксинча, қашшоқлаштириб қўядими? Бу китоблар дид ва тафаккурни тарбия қилишга қандай хизмат эта олади? Китобхонга бузуқ тушунча бериб, жоҳилни баттар жоҳил қилиб қўймайдими? Бугун нашр этилаётган китобларнинг барчасини ўқиш учун бир одамнинг умри етмайди. Шундай экан, танлаб-саралаб ўқиш эҳтиёжи туғилади. «Китобхон» сўзи менинг назаримда, одамнинг фазилатини шарафловчи атама. Баъзи-баъзида қўлга китоб олувчи одам «китобхон» деб шарафланишга арзимади. Китобхон – китобларни бардавом ўқувчи, ўқиганда ҳам тушуниб ўқувчи, тушунганларига амал қилувчи зиёли одам. Одамлар «Ўқиш бошқа – уқиш бошқа», деб бекорга таъриф бермаганлар.

Хўш, китоб пештахтаси рўпарасида турувчи ёш китобхонга бу масалада ким ёрдам беради, ким устозлик қилади?

Китоб муҳоби биринчи галда асарнинг яхши ёки ёмон эмаслигини сотувчидан сўрайди. Сотувчиларнинг юздан тўқсонтаси умрида биронта китоб ўқимаган бўлса, бу ерда фақат тирикчилик ваҳжи билан ўтирган бўлса, қандай маслаҳат берсин? Худди ўзи етиштирмаган сабзини сотишга уринган бозор чайқовчиси каби мақтовини келтираверадими? Кийим-кечак дўконида ҳисоб-китобни билувчи ҳар қандай одам ишлай олиши мумкин. Аммо китоб дўконида ишлаш учун бу билимнинг ўзи кифоя қилмайди. Буни дўкандорлар ҳам, сотувчилар ҳам тушуниб етадиган замон келди. Албатта, бир неча ойда ёки бир йилда бу муаммони ҳал қилиб бўлмайди. Лекин ечими мушкул муаммони ечими йўқ муаммо сифатида четга суриш инсофдан эмас.

Ёшларга китобнинг яхши ёки савияси саёз экани ҳақида мактаб, лицей, коллеж, олий ўқув юрти кутубхоначилари маслаҳат беришга масъулдирлар. Ҳар ҳолда улар билан китоб дўкони сотувчиси орасидаги фарқ сиртдан қаралганда ҳам сезилиб туриши керак. Чунки китоб сотувчисининг билими ўрта мактаб даражасидан юқори эмас. Кутубхоначи эса бу соҳада ишлаш учун махсус ўқув даргоҳларида билим олади. Уларнинг кўпчилиги олий маълумотли мутахассис ҳисобланганлари ҳолда китоб ўқимайдилар десам, каминани бадбинликда ёки туҳматда айбламассизлар, деб ўйлайман.

Ёшларни китобнинг мўъжизали оламига олиб киришдек сурурли вазифани бажаришлари шарт бўлган адабиёт муаллимларининг китобга муҳаббатлари қай даражада экан? Эҳтимол уларни китоб ўқиш-ўқимасликларини суриштириш, имтиҳон қилиш уятлидир. У ҳолда уйларига бир қарайлик, ҳеч бўлмаса беш-ўнта китобдан иборат шахсий кутубхоналари бормикин? Кичкинагина кутубхонаси бўлмаган, ўзи асар ўқиб завқланиш нималигини билмайдиган муаллим шогирди қалбида китобга муҳаббатни қай йўсинда уйғота оларкин – буниси менга қоронғи. Дарсда боланинг қай даражада билим олганини иншо ёки баён орқали белгилаймиз. Бу анъанавий услуб. Камина мактабда ўқиган эллигинчи йилларда ҳам, ҳозир ҳам ўқувчининг ёки талабанинг бадий асар ўқигани сира ҳисобга олинмайди, тақдирланмайди. Дарслик китобидан «Кумуш – чин муҳаббат эгаси» деб кўчириб берган бола аълочи бўлиб юраверади. Бир институтдаги учрашувда талабаларга «Абдулла Қодирийнинг «Ойбек» романида нима учун Кумушни ўлдиришади?» деган саволни ҳазил тариқасида бериб, «Биз мактабда бу китобни ўқимаганмиз», деган жиддий жавобни олдим. Эътибор беряпсизми, «Бундай асар йўқ», дейишмади, «Бундай асарни ўқимадик», дейишди?! Шу болаларнинг шаҳодатномасида ва тест синовиди адабиёт фанидан аъло баҳо қўйилган бўлса ҳам ажабланманг. Бир мақолни ўзгартириб айтайлик: «Ўқувчиларининг савиясини кўринг-у, ўқитувчининг билим даражасига баҳо бераверинг».

Авваллари ҳар йили баҳорги таътилда республика бўйича мактаб ўқувчилари учун китоб байрамлари ўтказиларди. Мустақилликнинг

дастлабки йилларида ёзувчилар уюшмаси бу тадбирни сентябр ойининг биринчи ярмида ўтказиш ташаббуси чиққанда Республика раҳбарияти қўллаб-қувватлаган эди. Раҳбариятнинг эътибори туфайли ҳозирги Миллий боғ бир кун давомида болалар ихтиёрига берилганди. Болалар ёзувчиларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўлишиб, актёрлар ижросидаги китоб қаҳрамонлари билан учрашиб қувнаган эдилар. Вилоятларда ҳам шундай байрамлар ўтказиш йўлга қўйилаётган эди. Кейинчалик Ёзувчилар уюшмасидаги ички муаммолар сабаб бўлибми, бу яхши одат унутилди. Халқ таълими вазирлиги ҳам бу тадбирни эътибордан четда қолдирди. Хайриятки, бу анъана тикланди. Уч йилдан бери йилда икки марта Тошкентдаги Фафур Фулом номидаги боғда, шунингдек, вилоятларда ҳам Китоб байрамлари ўтказиляпти. Бу байрамларда барча нашриётлар иштирок этаётгани, кўргазма-савдо ташкил этаётгани янада қувонарлидир. Бу хайрли тадбирга «Камолот» ташкилоти, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва махсус таълим вазирлиги, шунингдек, республика «Маҳалла» жамғармаси ҳам қўшилиб, уларни қўллаб-қувватлашса, маънавиятга доир ишларимизда сезиларли ютуқларга эришган бўлардик. Мазкур асар нашрга тайёрланаётган пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг китобхонликни жонлантиришга қаратилган махсус фармони эълон қилиниб, бу борадаги умидларга қанот берди. Фармонни қоғоздан ҳаётга кўчириш учун сизу биздан астойдил ҳаракат қилиш талаб этилади. Бу савоб ишдан ўзимизни четга олмасак бас.

Китоб ҳақида тўғри йўналиш берувчи энг асосий маслаҳатгўй ким? Албатта ота ва она! Бува ва бувилар, амаки ва тоғалар, амма ва холалар ҳам бу борада четда турмасалар қандай яхши! Атрофимизга қараб кўрайлик-чи, ўзи китоб ўқиб, фарзандларида ҳам бу хайрли фазилатларни тарбия этишга уринувчи ота-оналар бисёрми ё «Ўқиб менга шаҳар олиб берармидинг, қўй, китоб ўқиб бошингни оғритма!» дегувчилар кўпроқми? Бозорга тушганларида фарзандларига қурт, писта, сақич олувчиларга нисбатан китоб харид қилувчилар озроқми ё кўпроқми? Уйдаги жавонларини виски, коньяк, бренди, ароқнинг ўнлаб турлари билан тўлдириб қўювчилар тарозининг бир палласига, китоб жавонларига меҳр қўйганлар иккинчи палласига қўйилса, қандай манзаранинг гувоҳи бўламиз? Булар ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз?

Шу муаммолар ҳақида сўз очилиши билан албатта китобларнинг нархи баландлиги ҳақида нолиб қолишади. Каттақўрғонда бир воқеани эшитган эдим: урушнинг дастлабки йили, совуқ қиш фаслида кичик дўконда Алишер Навоий газаллари жамланган китобча сотилаётган экан. Бир бола ҳар куни дўкончага келиб, шу китобга меҳр билан боқиб-боқиб кетаркан. Сотиб олай деса, пули йўқ. Отаси урушда. Онасининг топгани нонга аранг етади. Шундай ҳолатда ҳам китобдан кўнгил уза олмаган бола сотувчи аммакига бир таклиф билан мурожаат этади. Совуқ ва очлик азобидан ҳимоя қилиш мақсадида мактабда ҳар куни ўқувчиларга битта-

дан бўғирсоқ берилар экан. Бола сотувчи амаки билан савдолашиб, ўн кун бўғирсоқ емай тўплаб, китобга алмаштиради. Худога шукр, биз ҳозир бундай аянчли ҳолатда эмасмиз. Китобни қиммат дегувчи одам улфатлари билан ичаётган коньякнинг пулига фарзандлари учун қанча китоб сотиб олиши мумкин эканлигини бир мартагина ўйлаб кўрса эди! Китобни қиммат деб нолиётган одамнинг ўзи ёки фарзанди кутубхонага бориб, китобни текинга ўқиш мумкинлигини билишмасмикин? Ҳаммасини билишади. Фақат турли баҳоналар билан ўзларини ўзлари алдайдилар. Билмайдиларки, бу алдовлари билан аввало ўзлари маънавий қашшоқ ҳолларида қоладилар, фарзандларини эса маънавий қашшоқлик ботқоғида тарбия қила-қила оқибатда «Нега боламнинг афти-ангорига балчиқ чапланган?» деб фиғон қиладилар.

Китоб дўконида жиззахлик бир одам билан танишиб қолган эдим. Ҳар икки-уч ойда фарзандларига китоб сотиб олиш учун Тошкент марказидаги «Шарқ зиёкори» китоб дўконига келар экан. Нақадар гўзал одат! Нақадар онгли ота ва она! Қани эди, ҳаммамиз шулар каби бўла олсак!

Китобни офтобга ўхшатишади. Қуёш нури тегмаган ер ҳосил бермайди. Кўнгил ҳам шундай. Офтоб нуридан бебаҳра жойларни мунаввар этилишига лоқайд бўлмасак эди...

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **ГАП ФАҚАТ ОЛТИН МЕДАЛДА ЭМАС**

Совет жамиятининг сўнгги йилларида бўш вақт масаласи бўйича масъул идоралар берган маълумотга кўра, ўрта ёшдаги ўқувчиларнинг етмиш фоизи, юқори синф ўқувчиларининг олтмиш фоизи мактабдан ташқаридаги турли тўғарақлар, клубларда шуғулланар эканлар. Совет Иттифоқидаги болаларнинг йигирма тўрт фоизи спорт билан доимий банд экан. Ўн уч фоиз ўқувчи бўш вақтларини техникага доир ҳунарларни эгаллашга сарфлар эканлар.

Бу кўрсаткич 2000 йилда олий даражага етказилиши мўлжалланганди. Кўнгилни хотиржам қилувчи бу рақамлар фақат қоғозда эди. Ўшанда қайта текширишдан сўнг «спорт билан шуғулланияпти», деган маълумотдан 12 миллион болани ўчиришга тўғри келган. Рўйхатда бор-у, аммо асли йўқ бўлган минглаб тўғарақлар аниқланган. Яна аниқландики, 1980 йилдаги кўрсаткич 1990 йилда озгина бўлса-да, яхшиланмабди. Ўша даврда мактаб ўқувчиларининг 5-6 фоизигина тўғарақларга қатнашар эканлар.

Янги жамиятга ўтар чоғидаги қийинчиликлар сабаб бўлиб, юртимизда аввалига бу масалада илгарилаш етарли бўлмади. Кейинги йилларда бу камчиликларга барҳам бериляпти. Айниқса, болалар ва ўсмирларни спортга жалб этишга берилаётган эътиборни собиқ иттифоқ ҳудудидаги ҳеч бир мамлакатда учратмаймиз. Шунга қарамасдан, бўш вақтга доир масалаларда қилинадиган ишлар мавжуд.

Тадқиқотим давомида бир қанча тўғарақларнинг ишлари билан қизиқдим. Рўйхат дафтари ҳавасни келтиради. Агар шу рўйхатга ишонилса, тўғарақ бола билан тўла. Аслида эса рўйхатдагиларнинг ярмиси ҳам йўқ. «Болалар бирон сабаб билан келмагандир», деб ўйлаган эдим. Бироқ тўғарақ раҳбарлари уларни охирги марта қачон кўрганларини эслай олмадилар. Мен «Болалар рўйхатга атай қўшиб ёзилган, бундай бола умуман бу ерга қадам босмаган», деган даъводан узоқман. Гап шундаки, расм тўғарагигами ё боксгами ўша болалар келишган, бироқ уч-тўрт марта қатнашиб, сўнг ташлаб кетишган. Сабаб?

1. Тўғарақ иши учун зарур шароит йўқдир.

2. Болага етарли эътибор берилмагандир.

3. Тўғарақ раҳбари боладаги қизиқиш чўғини алангага айлантира олмагандир.

4. Тўғарақ раҳбари ўзининг нотўғри муомаласи билан болани бездириб қўйгандир.

Бу ўринда асосий айбдор тўғарақ раҳбари, дейман. Тўғарақ раҳбари яхши рассом ёки яхши боксчидир. Лекин унда бу ишда гоёт муҳим ҳисобланмиш тарбиячилик иқтидори йўқдир. Санъатга ёки спортга меҳри аълодир, бироқ болаларга меҳри саёздир. Бошқа иш йўқлигидан шу тўғарақка келгандир. Бундай одамларни ўз соҳаларидаги юксак маҳоратларидан қатъи назар, болалар билан ишлашга жалб этмаган маъқулроқ. Вақтида чемпионлик шоҳсупасига кўтарилган, энди тренерликни касб этган одам агар сабрли бўлмаса, болаларга хос феъл-атворни билмаса, болалар руҳиятини англай олмаса, болалардаги қайсарлик каби иллатларга чидами етмаса, бу соҳада ишлай олмайди. Болага катта талаб қўяди. Бола бажара олмаса, бақиради, ҳақорат қилади. Оқибат эса аён. Баъзан эса болани тўғарақдан раҳбарларнинг ўзлари ҳайдаб юборадилар. Бу ишлари учун ҳеч кимга ҳисобот бермайдилар. Чунки бола ҳайдалгани билан рўйхатда иштирокчи сифатида тураверади. Мактаб бола ҳар қанча ёмон бўлмасин, уни ҳайдай олмайди. Чунки мажбурий таълим ҳақида қонун бор, бола ҳайдалса, қонун бузилади. Бу қонун тўғарақка тааллуқли эмас. Ҳайдаса бўлаверади. Мактаб боланинг ота-онаси билан доимий алоқада. Боланинг ахлоқи масаласида отани ёки онани тез-тез йўқлаб туради. Мактабда «Ота-оналар қўмитаси», «Ота-оналар мажлиси» деган гаплар бор. Тўғарақда эса булар йўқ. Тўғарақ раҳбари шогирдининг оилавий аҳволини деярли билмайди. Суҳбатларим даврида камина шунга амин бўлдим. «Шунча бола тўғарагингизга келмай қўйибди, сабаби билан қизиқмадингизми?» деган саволимга эса тайинли жавоб ололмадим. Болалар қалбида у ёки бу ишга истак уйғотмайдиган тарбия қалбни хароб этувчи тарбиядир. Тарбиячи болаларни қизиқтира олиши ҳам зарур. Тарбия чинакам тарбия бўлсагина юксак эзгуликдир, акс ҳолда у ҳеч нимага ярамайди. Тарбия – буюк иш: тарбия билан инсон қисмати ҳал этилади... Таълим ва камолотнинг тури кўп, уларнинг ҳар бири ўзича муҳим, аммо санъат соҳасидами ёки

спорт соҳасидами - ахлоқий таълим уларнинг барчасидан юқори турмоғи лозим... Яхши тарбия ҳар қандай нодон кишини ҳам одам қаторига қўшажагини унутмаслик лозим. Тарбиянинг бош вазифаси одамни яхши хатти-ҳаракатларга мажбур этишигина эмас, балки улардан ҳузурланишга ҳам ўргатишдир; фақат ишлабгина қолмай, ишни севиш ҳам керак. Бошқача айтганда, спорт (ёки санъат) билан шуғулланиш олтин медал сари интилишигина эмас, балки ҳар томонлама камолотга етишиш санъатини эгаллашдир.

Муваффақиятли тарбиянинг сири – ўқувчини ҳурмат қилишда. Болаларга ҳурмат – уларни эркалатиб қўйиш, айтганларига сўзсиз юравериш эмас. Болалар ўз тарбиявий талабларини ҳаётга қатъият билан татбиқ этувчи устозларни ҳурмат қиладилар. Тарбиячи ўзининг қайсидир эҳтиросига ўзи эрк берар экан, унинг эҳтиросларни жиловлаш ҳақидаги гаплари фойдасиз; ўзи йўл қўядиган иллат ёки номуносиб одатларни шогирдларида тугатишга уриниши ҳам самарасиз бўлиб чиқади. Тарбияловчининг ўзи зеҳли, ниҳоятда босиқ, хушфёъл, юксак ахлоқий хислатларга эга бўлмоғи керак, яъни тарбияловчининг ўзи тарбияланган бўлмоғи зарур. Тарбиячининг маънавий даражаси қанчалик тубан, ахлоқий қиёфаси бемаза бўлса ва у фақат ўз тинчи ва оромини ўйласа, болаларнинг ташвишига алоқаси бўлмаган ҳар хил буйруқ ва тақиқларни шу қадар кўп чиқараверади. Оқибатда эса ўртадаги ишонч йўқолади.

Тарбиячи ўз тарбияланувчисини ҳар жиҳатдан билиши баробарида тарбиячи билан тарбияланувчи орасида тўла ишонч бўлмоғи шарт. Катта ишончни катта талаб билан қўшиб олиб бориш – энг маъқул тарбия усулидир. Агар одамдан кўп нарса талаб этилмаса, ундан кўп нарса олиб бўлмайди. Инсон тарбиясининг бош йўли – ишончдир... Тарбиячи болани ҳар томонлама тарбиялашни истаса, даставвал ўзи боланинг феъл-атворини ҳар томонлама ўрганмоғи лозим. Тарбиячи, тарбия кучи шу қадар беқиёски, ундан ҳеч қачон бутун борлигича фойдалана олмаслигига ишонган бўлиши керак. Тарбиячи фақат буйруқ беришни биладиган мансабдор тўра эмас, агар у мансабдор тўра бўлса – тарбиячи эмас. Болаларни қилмаган гуноҳлари учун қийнаш ёки лоақал арзиманган айблари учун уларга қаттиқ жазо бериш уларнинг ишончи ва ҳурматидан бутунлай маҳрум бўлиш демакдир.

Тўғарақларда ишлаётганлар ўзларини энг аввало тарбиячи деб ҳисоблашлари шарт. Тарбиячи тарбияланувчиларга муайян билим бериш билангина эмас, балки одоби, турмуш тарзи, ҳар кунги воқеаларга муносабати билан ҳам таъсир кўрсатади. Ўз болалигини унутган тарбиячи – ёмон тарбиячидир. Тўғарақ раҳбарининг моҳир рассом, раққоса, наққош, боксчи ёки футболчи... эканликлари иккинчи даражали масала. Афсуски, бизда бундай талаб қўйилмаган. Тўғарақ раҳбарларидан «Тўғарагингизда нечта бола бор, нечтаси кўриқда (ёки мусобақада) голиб бўлди?» деган ҳисобот сўралади. «Тарбияга доир нима иш қилдинг?» деб сўралмайди. Тўғарақ раҳбари: «Мактабда қандай ўқияпсан, машғулотдан чиқиб тўғри уйга кетяпсанми

ёки бирор овлоқдаги болаларга қўшилиб бевошлик қиялпсанми?» деб қизиқмайди. Айни чоғда ота ёки оналарнинг аксари «Болам кимдан нимани ўргангани қаерга боряпти, машғулотларни канда қилмай қатнашяптими ёки тўгарак баҳонасида уйдан чиқиб санқиб юрибдими?» деб суриштиришмайди. Бола мактабдаги ўқишдан қолса, ота-онасига дарров хабар боришини билади ва интизомга бўйсунушга мажбур бўлади. Тўгаракда интизом йўқлигини ҳам билади ва бундан усталик билан фойдаланади.

Тўгарак раҳбари бола қалбини кашф эта олиш маҳоратига эга бўлиши шарт. Унда мактаб ўқитувчисига бўлмаган имконият ва имтиёз мавжуд. Бола у ёки бу фанни ёқтирмаса ҳам шу дарсда ўтиришга мажбур. Лекин тўгаракни ўзи танлаган, ўзи хоҳлаб келган, демак, айни шу хоҳишни ўлдиришдан эҳтиёт бўлишга тўғри келади. Пойтахт атрофидаги тўгараклардан айримларини ўрганганимда тўгарак раҳбарларидан 55-60 фоизигина ўргатаётган мутахассислиги бўйича олий маълумотли экани аниқланди. Буларнинг ҳам ярмидан кўпи педагогика фанидан бебаҳра (Бундан ажабланмасак ҳам бўлади. Чунки педагогика йўналишидаги ўқув даргоҳларида ҳам бу соҳа етарли даражада ўтилмайди. Умумий ўтиладиган дарсларнинг беш-олти фоизини ташкил этади). Тўгарак раҳбарлари орасида ўрта маълумотлилар ҳам анчагина. Энг ачинарлиси, бу тўгарак раҳбарларининг ярмидан сал кўпрофигина ўз соҳасида муқим ишлайди. Бир йил, ҳатто ярим йил ишлаб кетувчилар ҳам бор. Болаларнинг қизиқишини ошириб, у ёки бу ҳунарга жалб этиш қандай аҳволда эканини тасаввур этишга шу мисоллар кифоя қилади.

Бу соҳадаги жиддий камчиликлардан бири – мактаб билан тўгараклар орасида алоқа, боғлиқлик йўқ. Тўгарак раҳбари мактабга келмайди, ўқитувчи тўгарак билан қизиқмайди. Тўғри, талаб қилинган маълумотномаларни тўлдириш учун синф раҳбари ўқувчиларнинг қандай тўгаракларга қатнашиши билан қизиқади. «Синфимдаги шунча бола шунча тўгаракка қатнашади», деб ҳисобот беради. Сентябрь ойидаги ҳисобот май ойига қадар собит туради, ўзгармайди. Ундан ташқари айрим шўхроқ болаларни тарбиялаш мақсадида уни тўгараклар билан банд этишга интилишади. Бир мактабдаги ҳисобот билан қизиқиб, айрим болаларнинг беш, ҳатто етти тўгаракка аъзо эканидан ажабландим. «Наҳот, бу болалар шунча тўгаракка қизиқсалар?» деб сўраганимда «Қизиқишга қизиқмайди, мажбур қиламиз. Буларга бўш вақт қолдирмаслик керак, бўш вақти кўп бўлса бузилиб кетади», деган жавобни эшитдим. Болаларнинг ўзлари билан суҳбатлашганимда уларнинг мазкур тўгаракларга мутлақо қизиқмаслиги, энг муҳими ва энг ачинарлиси – қатнашмаслиги маълум бўлди. Улар синф раҳбарининг зўри билан тўгаракка ёзилиб қўйишган-у, машмашадан қутулишган.

Ота-она ҳам, мактаб ҳам, хуллас, ўсмир атрофидаги барча ундан яхши ўқишни, меҳнаткаш бўлишни талаб қилади-ю, унинг тўғри дам олиши билан ҳамма ҳам қизиқавермайди. Қизиққанлар ҳам бир хил режа бўйича иш олиб боришади. Ҳолбуки, Тошкент-

даги ўсмир билан Гиждувондаги ўсмирнинг қизиқиши, шароити, имконияти бутунлай бошқа-бошқа-ку? Ундан ташқари боланинг ёши улғайгани сайин у ҳам жисмонан, ҳам маънан шаклланиб боради. Унинг бўш вақтига мос дам олишни ташкил этиш эса қийинлашади. Ўн тўрт ёшгача бўлган болаларнинг 43 фоизини бўш вақтдан унумли фойдаланишга жалб этиш мумкин экан. 57 фоизи эса бўш вақтидан ўзича фойдаланишни истайди. Ёш улғайган сайин бу рақамлар ҳам ёмон томонга ўсиб боради. Яъни, 14-15 ёшли болаларнинг 38 фоизи, 16-17 ёшлиларнинг эса 35 фоизини фойдали дам олишга жалб этиш мумкин бўларкан. Қизлар орасида эса аҳвол бундан-да ёмонроқ. Ўн тўрт ёшгача бўлган қизларнинг 41, 14-15 ёшлиларнинг 21, 16-17 ёшли қизларнинг 14 фоизигина катталар таклиф этган тадбирни қабул қилади. Биз мана шу ўсиш, шаклланиш жараёнини ҳисобга оламизми? Сўровларимиздан аён бўлдики, мактаб ўқувчиларининг 36, коллеж талабаларининг 42, ишловчи ўсмирларнинг ва ишламайдиган, ўқимайдиганларнинг 67 фоизи бўш вақтни самарали ўтказиш бўйича катталар томонидан таклиф этилган тадбирларда иштирок этишни истамайдилар. Баъзи ўсмирлар учун эса бундай тадбирларда иштирок этиш ҳам, этмаслик ҳам фарқсиз. Баъзилари ота-онаси ёки ўқитувчининг зўри билан иштирок этиши мумкин. Мисолга мурожаат этайлик: сир эмаски, театрларимизга болалар зўрлаб олиб борилади. Ўрта ёшдаги болаларга чипта тарқатиш унча машаққат туғдирмайди. Ўсмирлар эса бўйин товлашга уринишади ва синф раҳбарининг танбеҳларидан безиб пул тўлашади-ю, театр томошасига эса боришмайди. Борганлари ҳам тўполон қилиб, атрофдагиларни беэдиришади. Мактабда дарс пайтида қилолмаган қилиқларини ўша ерда қилишади. Ўзига ишонган ўсмирлар эса пул тўлаш чоғида «Сазангиз ўлмасин, деб тўлаяпман, томошангизга бормайман», деб синф раҳбарини огоҳлантириб қўйишади. Ўқитувчига шуниси ҳам тузук. Кўчага қанча кам бола билан чиқса, шунча бежавотир. Театрга ҳам шуниси тузук: қанча кам бола келса, шунча тинчлик бўлади. Энг муҳими, чипталар тўла сотилган. Янада муҳими, ўқув масканлари раҳбарлари ўз улушларини олганлар.

Мактабдаги тадбирларга ўғил болаларни тортиш қийин. Ҳар турли тадбирлар асосан қизларнинг иштирокида ўтади. Жалб қилинган ўғил болалар ёдлаб бериши шарт бўлган шеърни ҳам чайналиб-чайналиб зўрға айтади. Йиғилганлар ҳузурида хижолат бўлаверади. Мажбурлаш орқали ёдлагани, мажбурлаш орқали саҳнага чиққанини сезиш қийин эмас. Тошкентнинг Юнусобод мавзеидаги бир мактабда шунинг аксини кўрдик. Адабиёт муаллимаси ўзининг шахсий ташаббуси билан драма тўғараги ташкил этган. Мактаб ўқувчилари ўзларига ёққан асарни саҳналаштира бошлашган. Муаллима театрда ишлайдиган артист дугонасини ҳам бу ишга жалб қилган. Тўғарақдаги иш учун артист ҳам, муаллима ҳам бир тийин ҳақ олмайди. Эътиборли жойи шуки, саҳналаштирилган асарда ўттиздан ортиқ ўғил бола иштирок этган. Янада эътиборлиси, биз «бўйсунмас» деб таърифла-



ган тоифадагилар ҳам жалб этилган. Бўйсунмасликда донг чиқарган ўсмирга бош рол ижроси берилганда барча ажабланибди. Аввалига ўсмирнинг ўзи ҳам ўзига билдирилган ишончдан гумонсираган. Кейин ижодий муҳитга қўшилиб кетган. Бир куни репетиция пайтида мактабда чироқ ўчиб қолибди. Шунда машғулотни бошқа кунга қўчиришни исташмай, тўгарак раҳбарининг эри бошқарадиган автобусда давом эттиришибди. Оқибатда болалар саҳналаштирилган асар фақат мактабда эмас, Аброр Ҳидоятлов номидаги театр саҳнасида ҳам қўпчиликка намоёниш этилди. Халқ таълими вазири, шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғи ҳам бу томошага келишлари болаларни янада руҳлантирди. Бизда ана шундай фидойилар ҳам бор. Фақат уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватловчи ҳамкасблар ва раҳбар жаноблар камроқ.

Фикрим исботи учун ўтган асрнинг охирларида содир бўлган бир воқеани баён қилай: мен болалигимда улуғ шоир Қуддус Муҳаммадий бошқарган адабиёт тўғарагига қатнашганман. Бу тўгарак менинг йўл танлашимда муҳим аҳамият касб этган ва у кунларни миннатдорлик билан эслайман. Устоз бизга кўп нарсани ўргатиб, қарз қилиб қўйганлар, қарзни узиш керак, деган фикрда жамоатчилик асосида, яъни маош олмасдан адабиёт тўғараги очиш орзуси туғилди. Эски Жўвада Охунбобоев номидаги маданият уйи бўларди. Шу жойга мурожаат этдим. Директор жаноблари «Мендаги тўгаракларнинг ҳаммасига пул тўлаб қатнашишади. Ҳар бир хонага пул тўлаш керак», дедилар. Директорни айблаш ҳам инсофдан бўлмас. Фақат угина эмас, бошқа маданият уйларию саройлари ҳам иқтисоднинг янги бозор усулига ўта бошлашган эди. Маданият уйлари майда-чуйда фирмаларнинг идораларига, биллиардхоналарга, дискотекаларга... айланган дамда адабиёт тўғараги учун бепул хона бериш у кишига галати туюлди. Маънавият ва иқтисодга доир гапларимдан сўнг битта бўш хона берадиган бўлдилар ва дедиларки: «Ўтиришга стулни ўзингиз топасиз». Наилож! Бир сабаб билан Собир Раҳимов (Ҳозир «Олмазор»деб аталади) туман ҳокимига учрашганимда воқеани айтиб, ўн бешта стул топишда кўмак сўрадим. Ваъда берилди. Оқибат шуки, стул ҳам йўқ, хона ҳам йўқ. Тўгарак очилмади. Уч йилдан кейин бу бино умуман бузиб ташланди. Орзунни амалга ошириш учун маорифчиларга мурожаат қилдим. Дуруст, улар стул сўрашмади. Тўгарак очилди. Аммо алоҳида хона ажратилмади. Бир сафар тикувчиларнинг хонасида, бир сафар дурадгорларнинг хонасида адабиёт тўғараги ўтади. Бундан хафалигимиз ҳам, ажабланишимиз ҳам йўқ, чунки биз эллигинчи йилларда тўгаракка қатнаганимизда ҳам аҳвол шундай эди.

Энди аввалги фикримга қайтсам, болалар билан иш олиб боришга мутлақо яроқсиз одамлар ҳам учрайди. Ҳадеб бошқа соҳаларни танқид қилавермай, мисолни ўзимиздан олсам, бир адабиёт тўғарагининг раҳбари, шоир биродаримиз машғулотдан кейин ўсмир йигитлар билан пивоҳўрликка бораркан. Бу одам билан бирга юрган болалардан шоир чиқадими ё йўқми, билмайман. Аммо май-

хўр чиқиши ҳақиқатга яқинроқ. Бунга ўхшаган мисолларни спорт соҳасидан кўпроқ келтиришим мумкин. Болалар қамоқхонасида ўтирган беш ўсмир тренери билан улфатчиликдан кейин йўлтўсарлик қилиб қўлга тушишган. Қонунга биноан тренер ҳам жазоланган. Лекин вақт ўтгандан кейин бериладиган жазодан наф борми?

Давлат болаларнинг бўш вақтини тўғри йўналишга буриш муҳимлигини инобатга олиб, алақанча маблағ ажратади. Бироқ бу соҳадаги ишларнинг самараси билан қизиқиш етарли эмас. Тўғри, вақти-вақти билан ҳисоботлар тўпланади. Қоғоздаги ҳисоботларда ишлар беш, аммо амалдаги натижа қониқарли эмас.

Ҳар қандай жамиятда яхши (яъни ибратли) ёки ёмон (яъни иллатлар ботқоғига ботиб ётган) оилалар мавжуд бўлади. Шундай экан, тарбияга фақат оила масъул, оилага тўла ишониш мумкин, деган фикрга қўшилишим қийин. Айрим мутахассислар бу борада мактабни асосий ўринга қўйиб, мактаб оилани бошқариши шарт, мактаб жамият томонидан белгиланган тарбияни амалга оширувчи воситадир, деб белгилашади. Бу амалга ошса қани эди. Аммо ароқхўрнинг оиласини мактаб томонидан бошқариш у ёқда турсин, унга таъсир этишини тасаввур қилиш қийин. Шунинг учун ҳам бу фикрни орзуга йўғрилган назария, десак, янглишмасмиз.

Ҳали бевошлик кўчасига ўтмаганларни тўғри йўлга йўллаш бир масала бўлса, бу кўчага ўргана бошлаганларни қайтариш ўн карра офирроқ масаладир. Чунки ахлоқи бузилмаган болаларни ўша тўғарақларда кўриш мумкин. Бироқ издан чиққанларни бу жойларда учратмайсиз. Уларни фақат вояга етмаганлар билан шуғулланувчи назоратчи рўйхатидагина кўрамыз. Бирон ерда ўқимайдиган, бирон ҳунар олишга интилмайдиган, бирон тўғаракка қатнашмайдиган ўсмирларни бўш вақтдан тўғри фойдаланишга жалб этиш билан қизиққананда камина суриштирган жойлардаги аҳвол 2-3 фоизни ташкил этди. Ўрганилган жойларда милиция назоратчиси рўйхатида турувчи ўсмирларнинг 30-35 фоизигина турли тўғаракларга қатнайди. 10-11 фоизи бир оз шуғулланиб, сўнг ташлаб кетган. 19-20 фоиз ўсмирда шуғулланишга умуман қизиқиш йўқ, таклиф этилган тўғаракларнинг биронтасига бормайди. 17-18 фоиз ўсмир эса тўғарак дейилса, нариги маҳалладан айланиб ўтадиган бўлган. Албатта, бу рақамлар маълум бир ҳудудга хос, барча жойлар учун умумий, дея олмайман. Аммо рақамлардаги озгина фарқ дейилмаса, ҳамма ерда хўроз бир хилда қичқиряпти. Нега шундай? Бу ўриндаги муаммоларга диққатингизни жалб қиламан:

1. Ўсмирга «шахмат-шашка тўғарагига кел», деб таклиф қилсангиз, сизни мазах қилиб кулади. Ўсмирларни ўзига жалб қила оладиган муассасаларимиз эса оз.

2. Қамалиб чиққан ўсмир шу тўғаракка келса ҳам, қабул қилмасликка уринамиз. Чунки у, бошқаларни ҳам бузиб юборади, деб ҳисоблаймиз. «Эҳтиёт шарт!» – бизнинг шиоримиз шундай, тўғри эмасми? 3. Ўсмирларни қизиқтириши мумкин бўлган тўғараклар оз экани бир масала, уларнинг асосан шаҳар марказида экани иккинчи масала. Айримларининг пулик экани яна бир муҳим масала.

Агар Тошкентнинг Бешқайрағочида яшайдиган ўспирин чавандозликни ҳавас қилса, у шаҳарнинг нариги бурчагига боришига тўғри келади. Қишлоқлардаги аҳволни айтмасак ҳам бўлар. Тоғдаги бир қишлоқда яшайдиган бола скрипкачи бўлишни хоҳласа, эҳтимол орзу орзулигича қолиб кетар. Пуллик тўғарақлар янада мураккабликлар туғдиради. Ўспирин ҳали пул ишлаб топмайди, демак, ота-онасига юк. Агар у теннис билан шуғулланишни истаса-ю, отаси хоҳламаса, демак, пул йўқ. Агар ота истаса-ю, бола хоҳламаса, пул бекорга совурилди ҳисоб.

Баъзан мана бундай ҳолат ҳам юз бериши мумкин: бола авиамоделчилар тўғарагига қатнайди. Оиласи шаҳарнинг бошқа даҳасига кўчгач, қатнаш имкони бўлмайди (Имкон дейилганда фақат моддий масала тушунилмаслиги керак). Янги уйларига яқин ерда эса бундай тўғарақ йўқ. Ота-она уни мавжуд тўғарақлардан бирига, айтайлик, мусиқага даъват этади. Бола истамайди. Ота-она унинг ўжарлигидан ранжийди. Ҳатто уришишади. Боланинг руҳий ҳолатини эса ҳисобга олишмайди. Аввал айтганимдай, айрим болалар қизиқишларини тез-тез ўзгартираверишлари мумкин, айримлари эса битта танлаганларида собит турадилар. Бундайларга шароит яратиб берилмаса, ҳамма нарсадан совийди, қизиқишлари сўниб «кўча боласи»га айланиб қолади. Ўрни келганда, узоқдаги тўғарақларга қатновчи салоҳиятли болалар учун шароит яратиб бериш масаласига диққатингизни тортмоқчиман. Ҳатто моддий жиҳатдан камчилиги йўқ оилалар ҳам болаларига йўлкира беришни истамай, узоқдаги тўғарақка бормай қўя қолишини хоҳлашади. Кам таъминланган оилаларнинг аҳволи эса маълум. Шундай экан, тўғарақларга қатнайдиган болалар йўлкира тўлашдан озод қилинсалар бўлмасмикин? 15 йил муқаддам маънавият масалалари кўрилаётган мажлисда шу таклиф билан Тошкент шаҳар ҳокимига мурожаат қилдим. Шу болалар йўлкира тўлагани билан шаҳар хўжалиги бўйиб, тўламасалар камбағал бўлиб қолмайди, дедим. Таклиф маъқул келгандай бўлди-ю, аммо амалга ошмади, ҳатто ўрганиб чиқилмади. Маънавиятга катта эътибор берилаётгани яхши. Лекин болалар ва ўсмирларнинг бўш вақтига тааллуқли муаммолар ҳам маънавият доирасига киришини унутмасак дурустмиди?

Болаларнинг бўш вақтидан унумли фойдаланиши ҳақида гап кетганда, уларни жисмоний тарбия – спортга тортиш фикри ҳам илгари сурилади. Бу фикрни ҳеч ким инкор этмаса керак. Руҳий саломатлик жисмоний саломатликни ҳам талаб этади. Спорт билан шуғулланувчи ўсмирлар билан ўтказган суҳбатларимда уларнинг 80 фоизи спорт ҳаётлари учун муҳим эканини айтишди. 20 фоиз ўсмир эса ҳаётдаги қийинчиликларни енгиб ўтишда спорт катта ёрдам берганини таъкидлашди. Ҳатто «бўйсунмас»ларнинг 80 фоизи ҳам шунга яқин фикр билдиришди. Тўғри, жисмоний тарбия боладаги мавжуд ирода кучига қувват беради. Абдулла Авлоний ҳазратлари бадан тарбиясига эътиборларини қаратиб, шундай фикр билдирганлар: *«Бадан тарбиясининг фикр тарбия»*

сига ҳам ёрдами бордир. Жисм ила руҳ иккиси бир чопоннинг ўнг ила терси кабидир. Агар жисм тозалик ила зийнатланмаса, ёмон хулқлардан сақланмаса, чопонни устини қўйиб астарини ювуб овора бўлмоқ кабидур-ки, ҳар вақт устидаги кири ичига урадур. Фикр тарбияси учун маҳкам ва соғлом бир вужуд керакдур... Имом Шофеъи ҳазратлари: «Илм икки хилдур: бири – бадан илми, иккинчиси дин илми», - демишлар. Бунга қараганда, энг аввал ҳифзи сихат қоидаларини билмак, саломатликка терс бўлган нарсалардан сақланмак ила бўладур...» Спортнинг ҳар бир киши учун кони фойда экани ҳақида кўп гапирмасак ҳам бўлар. Аммо айни шу соҳада тарбияга оид жиддий муаммоларга дуч келамиз. Айнан шу соҳада боланинг маънавий камолотига эътибор кам.

Ҳозир кўчаларда машина серқатнов бўлгани учун болаларни уйда олиб ўтиришга интиламиз. Кўчага чиқса ҳам қўлидан маҳкам ушлаб оламиз. Унинг эркин ҳаракат қилишига, юришига, югуришига рухсат бермаймиз. Ҳолбуки, боланинг кўп юриши унинг жисмоний ўсишига ёрдам беради. Одамдаги мавжуд 639 мушакнинг 400 таси юрган пайтда ҳаракатга келар экан. Спорт билан шуғулланишни жуда эрта, ҳатто бола эмаклашидан олдинроқ бошлаш тавсия этилади.

Бола маълум бир спорт турига қизиқиб ёки акаси, дўстигами эргашиб тўгаракка борса, тренер энг аввало унинг қобилиятини текшириб кўради. Ҳар бир тренерга фақат қобилиятли бола керак. Унга шунчаки тўп тепиб, бўш вақтини ўтказадигани керак эмас. Агар лаёқат сезилмаса, тренер ундан осонгина қутулиб қўя қолади. Унга натижа керак. Болада бугун бўлмаса эртага қобилият юз очиши мумкин, деган гап унга ёқмайди. Айнан спорт тренерларида тарбиячига зарур бўлмиш билим етарли эмас. Айнан шу спортда бола фирромга дуч келади. Болалар спортида айниқса фирром кўп учрайди. Маълумки, мусобақалар ёшга қараб босқичма-босқич ўтказилади. 12-13 ёшлилар бошқа, 14-15 ёшлиларники бошқа. Шунга яраша талаб ҳам, шароит ҳам ўзга-ўзга бўлади. Тренерлар мусобақада фолиб келиш учун 12-13 ёшлилар мусобақасига 14-15 ёшли ўсмирни бошқа исм-насабда қўядилар. Яъни, 15 ёшли Болтаев 12 ёшдаги Тешаевнинг ҳужжати билан мусобақада қатнашади. Кўпинча шундай ўйинчилар фолиб келишади ва ёрлиқлар ҳам бировнинг номига берилади. Бировнинг номидан фирром равишда мусобақада қатнашаётган боладан яхши тарбия кутиш мумкинми? У ҳаётида фирром йўлини танлаб олмайдими?

Спорт билан доимий шуғулланиб, оқибатда профессионалга айланганлар вақти келиб, майдондан четга чиқишганда қийнала бошлашади. Энг биринчи гада улар шуҳрат шоҳсупасидан тушиб, эътиборсиз қолганларида руҳан қийналадилар. Аввалги даромадлари ҳам бўлмай, моддий жиҳатдан машаққат чека бошлайдилар. Натижада, улар тирикчиликнинг осон йўлини қидирадилар. Маълумки, жиноятчи тўдаларга чиниққан йигитлар керак. Спортдаги фаолиятини тўхтатганлар айнан шу тўдаларда паноҳ топганларига мисоллар бор. «Қонундаги ўғри»лар, қиморбозлар, афюнфу-

рушларнинг атрофидаги бақувват йигитларнинг таржимаи ҳолига қарасак, улар орасида жаҳон ва олимпиада чемпионларини ҳам учратамиз. Мен барча спортчиларнинг йўли шу, деган таъкиддан узоқман. Лекин биттагина мисол ҳам бизни сергаклантириши зарур бўлгани сабабли, бу ҳақиқатни четлаб ўта олмадим.

Бизда спорт ишларига тобора кўп эътибор берилляпти. Спортчиларимиз жаҳонда ўзларини кўрсатишляпти. Оммавий спорт эса бу соҳада озгина орқада. Ҳар маҳаллада спорт майдони бўлиши керак, деган талаб бор. Талаб яхши. Аммо маҳаллада бўш жой йўқ-ку? Кўп қаватли уйлар шу даражада зич қурилганки, озгина бўш жой ҳам гаражлар билан банд. Ҳокимиятларга келган маълумотларга қараганда, бу талаб ҳамма ерда бажарилган. Бу маълумотларни кўриб ажабланасиз: спорт майдончаси томлар устидамикин? Мени бир нарса қувонтиради: тадбиркорлар бу борада анча хайрли ишларни қилдилар. Қаровсиз ётган майдончаларни жиҳозлаб, сунъий майса қоплатдилар. Бу майдончаларнинг бўш турганини кўрмаймиз. Аммо... бу ажиб майдонча остонасини ҳатлаб ўтиш учун пул тўлаш керак. Тадбиркорларга даъво йўқ. Улар анча маблағ сарф қилишган. Демак, фойда олишга ҳақдилар. Бироқ савоб нуқтаи назаридан болаларга имтиёз берилса яхши эди. Шундай жойлар борлигини ҳам эшитдим. Бу танти тадбиркорларни дуо қилайлик: азиз болаларимизга кўрсатган саховатлари учун Аллоҳ уларга кўплаб ажрлар берсин, омийн!

Спорт тўғарақларидаги рўйхатларда милиция назоратида турадиганларни кам учратасиз. Қамоқдан чиқиб келган ўсмирни ҳеч бир тренер қабул қилмайди. Биронта шогирди жиноят билан қўлга тушса, «Мен айбдор эмасман», деб ўзини оқлайди. Мактаб эса «Бу бола спортга қатнашиб, бузилиб кетди», деб ҳукм чиқариб қўя қолади.

Камина суҳбатлашган мактаб муаллимларининг аксари спорт билан шуғулланиш боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини айтишди. Айни чоғда ўқувчилари қатновчи спорт тўғараги билан қизиқмасликларини ҳам тан олишди. Муаллимларнинг гапларида озгина ҳақиқат бор: спорт билан шуғулланувчи ўқувчи мактабда ўзини бошқача тута бошлайди. Ўқишга қизиқиши сусяди. Илм олиш зарурати ҳақидаги гапларни эшитгиси ҳам келмайди. Чунки яхши спортчи бўлгани учун илми бўлмаса ҳам олий ўқув юртига осонгина кира олишини билади. Олий ўқув юртида ўқимай туриб, диплом олиши мумкинлигини ҳам билади. Шундай экан, муаллимларининг гапи қулоғига кирармиди? Бундай бола айниқса мусобақаларда ғалаба қозона бошлагач, такаббуриликни касб қилади. Синфда, ҳатто мактабда «зўр»ликни – «лидер»ликни талаб қила бошлайди. Уни камтарлик кўчасига қайтариш мактаб учун фоят машаққат бўлиб қолади.

Мазкур рисолаи ёзишга тайёргарлик жараёнида собиқ иттифоқ даврида бу соҳада олиб борилган ишларни эслашга, бу ҳақда ёзилган китобларни варақлашга тўғри келди. «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси», «Коллективизм», «Социалистик

меҳнат...», пионер ва комсомол ташкилотлари... Шиорлар ҳам кўп эди, болалар билан шуғулланадиган ташкилотлар ҳам анчагина эди. Аммо самара йўқ эди. Аввал зикр этганимдек, кўп ишлар қорозда бажариларди. Энди замон ўзгарди, жамият ўзгарди. Мафкура ўзгарди. Ҳаммаси яхши. Аммо биз ўрганаётган масалада ҳали бош қотирадиган ўринлар бор. Эскисини рад этиб, янгисини тавсия этолмаяпмиз. Тошкент маҳаллаларида бўлган суҳбатларим чоғидаги сўровлардан маълум бўлдики, мактаб муаллимларининг 65-70 фоизи, оналарнинг 80 фоизи, оталарнинг 60 фоизи болалар бўш вақтларини шаҳарнинг қаерида, қай муассасасида фойдали равишда ўтказишлари мумкинлигини билишмас экан. Ҳолбуки, кейинги йилларда мамлакатимиздаги болалар ва ўсмирлар спорти ҳайратланарли даражада яхши томонга ўзгарди. Болалар учун спорт иншоотлари, сув ҳавзалари, санъат мактаблари қурилишига миллиард-миллиард сўмлар сарф қилиняпти. 2013 йилда 113 спорт иншооти ва сузиш ҳавзаси, 55 болалар санъат мактаблари қурилган бўлса, 2014 йилда 115 спорт иншооти, 48 болалар санъат мактаби қурилди ва эскилари таъмирланди.

Рақамларни айтмасак ҳам, бу қурилишларни ўз кўзимиз билан кўриб турибмиз, жаҳон ва олимпиада чемпионлари сафида ўзбекистонликларни кўриб фахрланяпмиз. Таъбир жоиз бўлса, бу соҳада экилган умид ниҳоллари бўй чўзиб, ширин ва мўл ҳосил беряпти. Эртанги ютуқлар бундан-да самаралироқ бўлади, деб ишонч билан айтишимга сабаб: расмий маълумотларга қараганда, бугун 2 миллионга яқин бола спортнинг 30дан зиёд тури билан мунтазам шуғулланяпти. Битта спорт иншоотидан кунлик фойдаланиш вақти 9,5 соатни ташкил этяпти. Бу демак, иншоотлар сира бўш турмаяпти.

2014 йилнинг биринчи чорагида оммавий спорт тадбирлари сони 1671, ундаги иштирокчилар сони эса 509 мингтани ташкил қилган бўлса, 2016 йилнинг биринчи чорагида бу рақамлар 2951, иштирокчилар сони 747 мингтага етди. Болалар ва ўсмирлар ўртасидаги мусобақалар ҳам тобора кўпаймоқда: 2013 йилнинг биринчи чорагида ўтказилган 1117 мусобақада 233978 бола (шундан 98 мингтаси қизлар) иштирок этди. 2016 йилнинг биринчи чорагида эса 2374 мусобақада 476300 бола (шундан 209388 қизлар) қатнашишди. Энди катталар спортга назар солсак, 2014 йилнинг биринчи чорагида 371 азаматимиз (шундан 135 таси қизлар) 68, 2016 йилнинг биринчи чорагида эса 474 азаматимиз (шундан 160 таси қизлар) 97 халқаро мусобақаларда иштирок этдилар. Мусобақаларда 2014 йилнинг биринчи чорагида 121 (шундан 39 таси олтин, 38 таси кумуш ва 44 таси бронза), 2016 йилнинг биринчи чорагида эса 185 (шундан 69 таси олтин, 61 таси кумуш ва 55 таси бронза) медалларини қўлга киритдилар. Спортчиларимизнинг Бразилиядаги олимпиада ўйинларида қўлга киритган ютуқларини ҳар қанча шарафласак оз! Энг қувонарлиси, бу ютуқларнинг чўққиси эмас, балки мазкур соҳада ишлар давом этяпти.

Мазкур рақамларни баён этишимдан мақсад, ҳамонки, ҳукумат томонидан болалар ва ўсмирлар спортга, санъатига катта эътибор

берилаётган экан, мактаб, лицей, коллеж муаллимларининг бу соҳага бўлган муносабатларида ҳам янгилик томон ўзгариш бўлиши шарт. Чунки спортда олий чўққиларни эгаллаётган болалар ва ўсмирларнинг маънавий олами ҳам олтин медалларга мос бўлиши керак.

\* \* \*

Тарбияга масъул одамлар ўйлаб ўйларига етгунларича ҳар томондан турли мафкура оқимлари ёпирилиб келяпти. Катталар тайин бир гап айтолмагач, ўсмирлар ўзларича яшашга интиляптилар. Ҳозир уларнинг диққатини жалб этадиган тарбия учун зарарли бўлган муассасалар кўпайяпти. 15-20 йил муқаддам шулардан бири видеобарлар, яна бири дискотекалар эди. Видеолар ҳақида қисман фикр билдирдим. Дискотека деган бало ҳақида ҳам икки оғиз айтмасам бўлмас. Чунки ўсмирлар бўш вақтларини шу бало билан тўлдиришга ишқибозлар. Мен 15 йил муқаддам «Дискотека» деб номланган бир асар ёзиш мақсадида бу жойларни ўрганишга ҳаракат қилдим. Бир қараганда беозор жой. Ёшлар келишади, ўйин-кулги қилишади, вассалом. Лекин сиртдан қаралгандагина бу жой беозор кўринади. Аслида эса бузуқлик ва жиноятнинг остонаси ҳисобланади. Бу ерни ўзига хос бузуқлик бозори десак ҳам бўлар. Дастлаб ўсмир ва ёшларнинг қилиғини кўриб ажабландим. Асабий мусиқа қулоқни кар қиладиган даражада жаранглайди. Йигитчалар ва қизчаларнинг ҳаракатини рақс дейиш ҳам қийин. Аллақандай телбаликнинг намойишидай кўринади. «Рок мусиқа», «Поп мусиқа» дейилмиш санъат турлари (агар уларни санъат деб аташ мумкин бўлса) ёшлар онгига гиёҳванд каби таъсир ўтказди. Айримлар ўзларини билмай қоладиган даражада талвасага тушадилар. Олимларнинг тажрибасига ўзим гувоҳ бўлганман. Кичик товукхонада осойишта мумтоз куйлар қўйилганда товукларнинг юришларида ҳам хотиржамлик бор эди. Кейин ўша жазавали «рок мусиқа»дан қўйилди. Аввалига товукнинг кўзлари бесаранжом бўлди. Кейин титрай бошлади. Охири тутқаноқ тутгандай, йиқилиб оёқлари акашақдай тортишди. Агар ўша дамда куй тўхтатилмаганда унинг ўлиб қолиши ҳам мумкин эди.

Ана шундай жойларда ёшларимиз бўш вақтларини ўтказяптилар, биз эса бу ҳолга лоқайд қараяпмиз. Энг афсусланарлиси, кундузги вақтини спорт (ёки санъат) тўғарақларида ўтқазган ўсмир кечки вақтини айнан шундай жойларда ўтқазяптики, бу унинг маънавий тарбиядан узоқ эканига далилдир. Гиёҳвандлик кўпайяпти, деймиз-у, бу иллатга айнан шу ерда ўрганишлари мумкинлигини ҳисобга олмаймиз. Бузуқлик кўпайяпти, деймиз, айнан шу жойнинг бузуқлик манбаи эканини тан олгимиз келмайди. Бизда расман тунги дискотекалар йўқ. Аслида эса кўп дискотекалар туни билан ишлайди. Бу ҳолатни назорат қилиши лозим бўлган милиция ходимлари шу дискотекалар ёнидан ўтишаётганда кўзларини юмиб оладилар. Нима учун бундай қилишлари ёлғиз ўзларига-ю, Худога маълум.

Дискотекалар билан танишгач, шаҳар халқ таълими бошқармаси бошлиғига ундаги аҳволни баён қилиб, «У ердагиларнинг кўпи мактаб, лицей, коллеж ўқувчилари, чора кўрилмаса бўлмайди», дедим. Бу фикрим у кишига маъқул бўлди. «Эртага шу масалада катта мажлис бор, гапларингизни етказаман», деди. Эҳтимол, гапимни етказгандирлар, буниси менга қоронғи. Лекин гапни эшитган мажлис аҳли ҳам милиционерлар каби кўзларини юмиб олдилар, шекилли. Умид шуки, бу масъул жаноблар қачондир кўзларини очарлар, аммо унда кеч бўлиб афсуслар дарёсида сузиб қолмасмикинмиз?

Видеобарлар ҳозир камайди, ўсмирларнинг дискотекаларга боришини ҳам чеклай олармиз балки. Лекин улар ўқишдан ташқаридаги бўш вақтларида нима билан шуғулланадилар? Ахир энг аълочи, энг одобли бола ҳам китобга тинимсиз тикилиб ўтира олмайди-ку?

Фаоллик катта ёшдаги кишилар ҳаётида нечоғлик аҳамиятга молик бўлса, болалар учун ўйин ҳам шундай муҳим аҳамият касб этади. Бола ўйинда ўзини қай ҳолда тутса, ўсиб-улғайгач, ишда ҳам аксари ўзини шундай тутати. Шу боисдан ҳам бўлажак арбобнинг тарбияси аввало унинг ўйинида юз бериши ҳаёт тажрибасида ўз исботини топган. Болалар гўзаллик, ўйин, эртак, мусиқа, расм, хаёл, ижодиёт оламида яшамоқлари керак. Ўйин шундай бир улкан ёруғ ойнадирки, у орқали боланинг руҳий дунёсига уни ўраб олган олам ҳақида ҳаётбахш тасаввур ва тушунчалар тўлқини кириб туради. Ўйин синчковлик ва қизиқувчанлик оловини ўт олдирувчи учқун кабидир.

Болангиз ўйинқароқми? Сиз бундан безормисиз? «Кун бўйи кўчадан бери келмайди», деб нолийсиз. Мактабдан тўғри уйга келиб, шу бўйи кўчага чиқмай ўтиришини истайсиз ва истагингизни амалга оширишга ҳам ҳаракат қиласиз. Болангиз эса, аксинча, кўчага интилади. Иложини топса, кўзингизни шамғалат қилиб секингина чиқиб кетади. Тополмаса, ёлғон баҳоналар тўқий бошлайди.

Энди ўзимизга қарайлик: вақтимизни бирон ўйин билан ўтказмаймизми? Нарда, шахмат, қарта... овунчоғимиз эмасми? «Ўйинқароқ» деган сифатни катталарга нисбатан ҳам қўллашимиз мумкин. Бунинг ўрнига биз «Шахмат (нарда, пирра) ишқибози», деймиз. Ўйинқароқлик чегарадан чиқса, зарарли бўлгани каби, бу ишқибозликнинг ҳам салбий томонлари бор. Меъёрдаги ўйиннинг ижобий томони борми? Бор. Бекорчиликнинг зидди бўлган ўйин чарчоқ вужудга кучни қайтаради. Лекин кун бўйи идорада ўтириб чарчаган одам чойхонага келиб шахмат ўйинига берилса, чарчоқ кўтарилмайди. Аксинча, теннис, футбол, волейбол сингари серҳаракат ўйинлар билан машғул бўлиш хизматда орттирган толиқишни ҳайдайди. Болаларда ҳам айни шу ҳолат юз беради. Бола ярим кун давомида мактабда толиқади. Танаффуслардаги югуришлари унга кифоя эмас. Агар мактабдан тўғри уйга келиб, компьютер ўйинларига киришиб кетса, баттар чарчайди.

Сиз ниманидир ёзиб ўтирибсиз. Уч ёшли фарзандингиз ўйинчоқ ўйнашни истамайди, балки ёнингизда ўтириб ёзишни хоҳайди.



Унга худди ўзингизники каби дафтар, худди ўзингизники каби қалам беришингиз шарт. Сизнинг дафтарингиз кўк бўлса-ю, унга сариқ дафтар берсангиз олмайди. Бир ёшли фарзандингиз эса атрофингизда атак-чечак қилиб, эмаклаб, юмалаб қувнайди. Бу ҳаловатли ҳолат узоқ давом этмайди. Ёзиш сиз учун иш, бола учун эса ўйин. Бир неча дақиқада зерикади, энди янги ўйин ўйнаши керак. Агар ёзишни бас қилиб, катта ўғлингиз билан шахмат ўйинини бошласангиз, энди фақат уч ёшли эмас, бир ёшли фарзандингиз ҳам шахмат доналарни ўйнашни истайди. Истаги бажарилмаса, хархаша қилаверади.

Тарбия соҳасида болалардаги мана шу қизиқишлардан фойдаланиш керак. Ўйин – тарбияга зид эмас, ақл билан йўлга қўйилса, тарбиянинг энг фаол ёрдамчисидир. Қадим-қадимдан алломалар бунга аҳамият берганлар. Афлотун ҳаким ҳисоб (арифметика) дарсидаги қўшув-олув амалларини бажаришни ўргатишда илк бор олмалардан фойдаланган. Яна бир аллома қурувчиликка қизиқаётган бола қўлига ҳақиқий арра, болға беришни тавсия қилган. Арасту ҳаким болаларни турли ўйинларга кўпроқ жалб этишда уларнинг катталарга тақлид қилишга ўчлигидан фойдаланишни тавсия қилганлар. Ота мих қоқяптими, ёнидаги болага ҳам «мих қоқиш» ўйини учун шароит яратиб бериш керак. Ота суваяптими, болани ҳайдамай, андавани бир-икки суришига ижозат берсин. Ота ош пиширяптими, ҳеч бўлмаса, капгирнинг бир учини ушлашига монелик қилмасин. Болани ёнига олган ота, четдан кузатаётган она унинг ҳаракатларига албатта яхши баҳо бериб туришлари керак: «Болгани бирам яхши ушладингки», «Мендан ҳам яхшироқ сувар экансан...» Бу ўйин келгусида шу ишларга меҳр уйғотишга сабаб бўлиши мумкин.

Сиз болангизга ўйинчоқ динозаврларни олиб келиб бердингиз. Вазифангиз шу билан тугайди. Беш ёшли ўғлингиз ўзича ўйин ўйнайди. У телевизорда кўрган динозаврлар жангини бошлайди. Бири бирининг бўғзини чайнаб ташлаган, думини тишлаган... Ҳамонки, шундай ўйинчоқ олиб келдингизми, энди болангиз билан бирга ўйланг. Динозаврлар бир-бирларига зулм қилмасин, балки дўст бўлиб ўйнасин, осмонда учиб, бир-бирини қувласин. Ана шунда сиз фарзандингизни келажакдаги зулмлардан асраб қолган, бошқалар билан дўстларча ўйнаб-кулиш лозимлигини ўргатган бўласиз.

Бола учун ўйинчоқнинг қиммат ёки арзонлиги фарқсиз. Агар унга синган чойнакнинг қопқоғи ёқиб қолса, қимматбаҳо ўйинчоққа алишмайди. Бола талаб қилган ўйинчоқларни олиб беравериш онгининг шаклланишига салбий таъсир қилади. Уларга тайёр ўйинчоқларни эмас, ўзлари йиғиб, ясаб оладиган машина ёки роботни совға қилган дурустроқ. Ҳар турли кубиклар, леголлар боланинг фикрлаш қобилиятини, фантазиясини оширади.

Айрим оилаларда, ҳатто мактабларда ҳам болаларни ўзлари истаган ўйинлардан қайтармоқчи бўлишади. Биз болалигимизда варрак учирсак, чиллак ўйнасак, мактабдаги катта йиғинда танбеҳ бериб уялтиришарди. Болаларнинг ўйинига ҳалал бермаслик баробарида

уларни ўйинга буткул берилиб кетишларидан сақлаш керак. Ўйинга қизиқиб кетган бола дарс тайёрлаши кераклигини унутлади. Болаларнинг ўйинига диққат қилайлик: кўпинча бу ўйинларда чуқур маъно ётган бўлади. Чунки болаларнинг кўп ўйинлари катталарнинг фаолиятига тақлиддир. Айнан шу нуқтада зийрак ва эҳтиёт бўлиш зарур. Айтайлик, қиморга олиб борувчи ўйинлардан албатта чеклашимиз керак. Ҳозир болалар орасида «кетка ўйини» расм бўлган. Бунинг учун тадбиркор азаматлар босмаҳоналарда турли расмли «кетка»ларни чиқариб беришяпти. Бу ўйинда икки зарар кўраман: биринчиси – «кетка»лардаги расмларга эътибор беринг, хориж фильмларидаги даҳшатли манзаралар акс этган. Иккинчиси ва энг ёмони – бу ўйин болаларнинг ўзига хос қимор ўйини ҳисобланади. Бири иккинчисидан кўпроқ ютиб олишга уринади, фирром қилади, муштлашади. Кўпроқ ютганлари ютқазганларга сотади. Катталар эса буни мириқиб томоша қилиб ўтираверишади. Бола ўсмир ёшига етганида қўлига қарта олиб «пирра», «дурак» деган ўйинларни ўйнай бошлаганда ҳам ота-она буни зарарсиз деб билиб индамайди. Ҳолбуки, бу катта қиморга кириб келишдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Боласи катта қиморга кириб қолиб, қарзга ботганини билган айрим ота-оналарнинг уни оқ қилишлари таажжубли ҳолдир. «Ота-оналар айни ўзлари сингдирган нуқсонлари учун фарзандларини камдан-кам кечира оладилар», – деб ёзган немис драматурги Иоганн Шиллер мутлақо ҳақ эди.

Олимлардан бирининг таъбири билан айтганда, болаларнинг ўйини атом бомбанинг кучидан ҳам қудратлироқдир. Бу гапда боланинг ўйиндан оладиган завқи, руҳий қуввати назарда тутилади. Ҳозир баъзи оилаларда 3-4 ёшли болани ўқиш, ёзишни ўрганишга мажбур қилишади. Агар боланинг зеҳни ўткир бўлса, оз-оздан ўргатиш мумкин. Лекин ўйин билан банд боланинг қўлидан машинасини олиб қўйиб, «Ўтириб ёзасан», дейиш нотўғри.

Математика дарсида чарчаган, зериккан ёки юраги сиқилган болалар танаффусга қўнғироқ чалиниши билан ҳовлига отилишини кўргансиз. Уларнинг югуришлари, сакрашлари, қичқиришлари шўхлик ёки шумлик туфайли эмас, балки вужудларида сиқилиб қолган салбий эҳтиросларини чиқариб юборишга бўлган эҳтиёжларидир. Болалар ўзаро ўйнаганларида уларга кулги ҳамроҳ бўладими, бу ҳам ижобий ҳолдир. Агар бола асабийлаша бошласа, ўйинни тўхтатган маъқул. 5-синф болалари қувнаб ўйнаётган пайтда юқори синф ўқувчилари уларга тегажоқлик қилишса, туртишса, бола руҳиятидаги ижобий ҳолат йўқолади. 5-10 дақиқалик ҳаракатлари муаллимлар томонидан чекланса, кейинги дарсда улар баттар чарчайдилар. Жисмоний ҳаракатни талаб қиладиган ўйинлар, айниқса, ўсмирларга жуда зарур. Бу ўйинлар жинсий уйғониш оқибатида тўпланувчи эҳтиросларни жиловлашга хизмат қилади. Жинсий эҳтирос кучайган пайтда ўсмир руҳан қийналади. Ҳолдан тойгунга қадар жисмоний ўйин билан шуғулланса, бу азоб чекинади (Бундай пайтларда ўсмирга рўза тутиш ҳам тавсия этилади). Буни сув қувурларига ўх-

шатиш мумкин. Агар катта қувурга сув катта босимда берилаверса, қаердандир тешиб чиқади. Катта қувурга майдалари уланса ва лозим ерда фойдаланилса, кўнгилсиз ҳолат юз бермайди.

Профессионал футболчи машқ пайтида югуради, тўп тепади, сакрайди. Боксчи ҳам шундай. Арқон билан сакраш у учун ва-зифани бажариш, ўйин эмас. Шу боис роҳатланмайди, аксинча, чарчоқ сезади. Тўп тепаётган болалар, арқонда сакраётган қизлар эса жисмонан толиқсалар-да, бу ўйиндан ҳузурланадилар.

Катталар чарчоқни, хизмат ва одамлар билан муомала қилиш жараёнида тўпланиб қолган салбий ҳис-туйғуларни чиқариш учун бирон ўйин билан банд бўладилар. Болалар-чи? Бирон ўйинга киришганларида уларда аниқ мақсад бўлмайди. Лекин югуриш, тўп тепиш, арғимчоқ учиш каби ўйинларда вужудларига тўпланадиган ортиқча қувватни, болаларга хос бўлган эҳтиросни чиқариб юборадилар. Буни тўп ўйнаётган мушукда ёки бир-бири билан олишаётган кучук болаларида ҳам кузатишимиз мумкин.

Агар 30 – 40 йил аввал ота ва оналар фарзандларининг вақти чиллак ўйини, варрак учирини билан ўтаётганидан нолиган бўлишса, кейинчалик бу ўйинларга тўп тепиш кирди. Бу ўйинлардан нолишмаса ҳам бўларди. Чунки агар вақт исрофи назарга олинмаса, бу ўйинлардан болага фойда кўп: у ҳамиша очиқ ҳавода ва ҳаракатда бўлади. Ҳозир болалар варрак учиринмайди, чиллак ҳам ўйнашмайди. Энди улар компьютер ўйинлари қулларига айландилар. Энди улар телевизордаги томошаларга ҳам унчалик қизиқишмайди. Қўлларида телефон ёки планшет бўлса бас. Бўлмаса, кўчаларда компьютер ўйинхоналари бор. Бу ўйинга берилишни ўзига хос гиёҳвандлик дейиш ҳам мумкин. Компьютер ўйинларига берилган болани бу ёмон одатдан қайтариш жуда қийин бўлиб қолади. Узоқ вақт ўйинларга тикилиб ўтирган боланинг миясида салбий ўзгаришлар юз бера бошлайди, буни руҳий касалликнинг бошланиши деб белгилаш ҳам мумкин. Бола энди ўзини бошқара олмай қолади. Ҳозир компьютер ўйинларига берилишни Фарб мутахассислари касаллик сифатида белгилаб, уни даволаш чораларини топишга оид илмий изланишлар олиб боришяпти. Бир бола компьютерхонада ҳушидан кетиб қолган. Сабабини аниқлашса, компьютер экрани қаршисида 15 соатдан ортиқ вақт давомида қимирламасдан ўтирибди. Бир ўсмир қизнинг 20 соат давомида тинмай ўйин ўйнай олишини айтиб, мақтанганини ўзим эшитганман.

Бу ўйинга берилиш нимадан бошланади? Одам боласи бир иш қилиб, тезда мукофот олишни истайди. Компьютер ўйинларида бола ютуққа тез эришади. Унга шуниси қизиқ. Бу ўйинлар ўрнига дарс тайёрлаб илм олиши натижасида йиллар ўтиб катта мукофотларга эришиш ҳақидаги гап уни қизиқтирмайди. Бу ўйинларга берилган бир гуруҳ болаларга «Қилган ишингиз учун бутун 10 доллар олишни маъқул кўрасизми ё бир ойдан кейин 100 доллар олганингиз яхшими?» деб савол берилганда, 90 фоизи шу бутун 10 доллар олиш истагини билдирган.

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### «МЕН» – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

#### БИРИНЧИ БОБ

#### «МЕН КИММАН?»

- «Менинг ўрним қани?»
- Энг осон чора – ўлим
- Тақдир манглайи ўзгаради
- Сизнинг замонангиз эмас

#### **Биринчи воқеа:**

Онанинг фарёди кўкларни тутди – ўғли ўзини ўзи осибди! Имом келиб, «Бундайларга жаноза ўқилмайди», деб кетди. Онанинг бир алами минг бўлди. Ўғлига ҳамманинг ҳаваси келарди. Бўйлари ўсиб, овози раста бўлиб кўзга ташланиб қолган эди. Нима бўлди? Кўз тегдими?

Аёллар йиғи-сиғи орасида гўшанга ясадилар. Бу дунёдан гўшангасиз кетмасин...

Гўшангага кирди... Ҳис-ҳаяжон билан эмас, совуқ жасадда... тобутда...

Совуқ юзларига гуллар сочилди...

Ичкарида ирим-сиримлар... Ташқарида эса гумонлар: бола ўзини нега осди? Биров «Гиёҳванддир, доридан кўпроқ олволгандир», дейди, иккинчиси унга эътироз билдиради: «Доридан кўп олса тил тортмай ўлади, ўзини осолмайди. Дори тополмай қийналгандир...» «Бирор қизни зўрлаб қўйиб, қўрққанидан осгандир...»

#### **Иккинчи воқеа:**

Она дод-фарёдидан йиғилганлар титраб кетди – қизи ўзини ёқибди! Бўйи етиб, дуркунгина бўлувди-я! Совчилар ўғринча қараб-қараб қўйишарди-я! Мактабни битиргач, файзли бир хонадонга келинсалом билан кириб борарди-я! Бир йигитни бахтлигина қиларди-я! Гўшангага кирмай кетди... Келинсалом қилмай кетди...

Совуқ қабр уни бағрига олди. Унга жаноза ўқилмади. Ундан сўнгги хотира – бир парча қоғоз ва ундаги сўнгги ўтинч: «Онажон, мени кечиринг...»

У совуқ қабрда ётибди, атрофда эса у ҳақдаги совуқ миш-мишлар...

Маъсума ҳақида қандай миш-миш бўларди, баён этмайин...

### **Учинчи воқеа:**

Тўққизинчи синфнинг баҳори... Тўққиз йил давомида бирга бўлган ўқувчилар уч ойдан сўнг мактаб билан хайрлашадилар. Фақат... 28 эмас, 27 ўқувчи «Сўнгги қўнғироқ» байрамида иштирок этади. Бу байрамни узоқ кутишган эди. Соғинтирган айём куни улар шодликдан ўйнаб-қулармикинлар ё 7 март куни ўзини осган синфдошларини эслаб қайғуга берилармикинлар?

14 январда ўлим сиртмоғи томон дастлабки қадам қўйилган эди. Қизлар пул тўплашиб, ўғил болаларга байрам совғаси улашишди. Н. исмли қиз оиласи ночор бўлгани сабабли пул бера олмади. Қизлар синфдошларини Ватан ҳимоячилари байрами билан табриклашаётганда у ўзини четга олди, унга ҳеч ким, ҳеч нима демаса-да, хўрлиги келди. Мактабларда одат бўлиб қолган таомилга мувофиқ, ўғил болалар баҳор айёми арафасида пул тўплаб, қизларга совғалар тарқатишди. Фақат Н. исмли қизга совға беришмади, табриклашмади. Бу сафар ҳам қизга ҳеч ким, ҳеч нарса демади. Унинг қалби пора-пора бўлди. Қизлар ва ўғил болалар синфдошларига нисбатан шафқатсизлик қилганларини англамадилар. Н. аламдан йиғламади. Бошини эгганича уйига кетди. Уйга келди-ю, кийимини ҳам алмаштирмай, бошини сиртмоққа берди.

9 йил бирга ўқиган ўқувчилар синфдошининг ўлиmidан қайғуга тушишди, қизлар йиғлашди... Лекин уларнинг ҳеч бири бу фожиада ўзининг айби борлигини тан олмади. Тўғри, уларни ҳеч ким жиноий жавобгарликка тортмайди. Лекин... орадан йиллар ўтиб, қариган чоғларида бу фожиани эслаганларида юраклари эзилмасмикин?

### **Тўртинчи воқеа:**

Иккинчи синф ўқувчиси ўзини осибди!

Сабаби: паст баҳо олган экан...

Бу тўрт фожиани келтириб чиқарган сабабларни ҳозирча четлаб ўтайлик. Оз бўлса-да учраб турадиган шунга ўхшаш воқеани эҳтимол сиз ҳам эшитгандирсиз. Сиз ҳам турли гумонларга боргандирсиз. Баён этганим тўрт воқеа ҳақида ҳам бир оз ўйланг, сабабини топишга уриниб кўринг. Бу масалага биз сал кейинроқ алоҳида тўхталамиз.

Биз «Менинг фикримча», «Менинг назаримда», «Мен ўйлайманки», деган ибораларни кўп ишлатамиз. **«Мен»** – шахс демак. Дунёни кўрувчи, дунёни идрок этувчи, фикр билдирувчи бир шахс иккинчисига сира ўхшамаслиги сир эмас. Бир ота бир онанинг фарзандлари қош-қўзлари ўхшаса-да, шахс сифатида фарқланадилар. Киши онгини бошқарувчи «Мен» нима, унинг жиноят оламига қандай дахли бор?

Кишилиқдаги «Мен» масаласи кўп асрлардан буён файласуфларнинг, руҳшуносларнинг, табиатшуносларнинг тадқиқот манбаи бўлиб келган. Ҳозирги кунларда ҳам айнан шундай. Жаҳон фани ҳалигача Конфуций, Декарт, Кант, Фрейд, Хейгел, Нитше, Уотсон каби файласуфларнинг фикрлари атрофида баҳслашади. Файла-

суфлар назаридаги «мен» – оддийроқ айтилса, кишининг ўзини ўзи таниши, шахс сифатида шаклланиб, жамиятдаги ўз ўрнини топишидир. Шу жиҳатдан қараганда, русча «Я»нинг таржимаси ўлароқ қабул қилганимиз «Мен» ўрнига «Ўзлик» деб ишлатганимиз ҳам маъқулроқ.

Франциялик файласуф Рене Декарт «Фикрляяпман, демак, мавжудман» деган ғояни илгари сурган экан. Шунга кўра, ўзини, ўзликни англаш қачон бошланади, деган савол ҳам ўртага қўйилиши мумкин. Рўё ва ҳақиқатни фарқлаб олиш учун киши фикрлайди. Бу фикрлаш ўн яшар болага хос эмас. Эҳтимол 20 – 25 ёшда бу масала хусусида фикрлай бошлар. Унда ўз-ўзини танимоқликни шу ёшда белгилаймизми? Агар шундай қилсак, олти ёшли боланинг фикрлашини нима деб атаймиз? Масалан, ўша бола дарахтни кўради, гуллашини, мева тугишини кузатади. Мева бор пайтда олиб беришни талаб қилади. Мевалар тугагач, талабни ҳам бас қилади. Келгуси йили дарахт гуллагач, оқибат мева бўлишини билиб, кутади. Агар шу ёшдаги бола катталарнинг кўчат ўтқазинини кўрса, у ҳам чўпларни ерга суқишга интилади. Ўз хаёлида кўчат эккандай бўлиб қувонади. Бу иши учун катталардан олқиш кутади. Демак, у ҳам фикрляяптими? Онги борлиқдаги ўзгаришларни қабул қияптими? Таҳлил этияптими? Демак, у ўз-ўзини танишни бошлаган, борлиқда ўз ўрни борлигини бияпти, шунга яраша ўзига эътибор талаб қияпти. Айрим олимлар буни онгсиз равишда англаш, деб ҳисоблаб, «фикрлаш» тушунчасига қўшмайдилар. Камина бу қарашни маъқуллай олмайман. Гўдак туғилиб, кўзи очилди – борлиқни кўрди. Мия ҳужайралари шакллана бошладими, демак, ўзига хос равишда фикрлай бошлади. Олти яшар бола билан ўн олти ёшли боланинг «Мен кимман?» деган саволга жавобан ўзини ўзи танишдаги ҳолати, талаб, интилиши бир хил эмас, албатта. «Мен» масаласида бош қотирувчи файласуфлар учун бу фарқ унча муҳим эмасдир. Аммо тарбия учун масъул одам бу фарқни эътиборга олишга мажбур.

Тарбия бобида боланинг ақлий ривожланишини мутахассислар тўрт босқич асосида ўрганадилар. Сизги-ҳаракат жараёни – туғилган кунидан то икки ёшгача, 2 – 7 ёш оралиғи тезкорлик даври, 7 – 11 ёш ўртасида ўзини қизиқтирган масалалар бўйича фикрлай бошлайди, 11 – 18 ёшда мавҳум фикрлашни тарк этиб, мантиқий таҳлилларга асосланган хулосалар жараёнига ўтади.

Шарафли ҳадисга кўра, бола беш ёшгача подшоҳ мақомида бўлар экан, унинг шаҳаншоҳлиги уч ёшида айниқса кучлироқ сезиладики, ота ва она айнан шу даврда зийрак бўлиши керак. Бола икки ёшдан ўтгач, ўзининг ташқи кўринишига эътибор бера бошлайди. Айниқса, қизлар «Бошқаларнинг кўзига қандай кўриняпман», деган ўйда бўладилар, яъни бошқаларнинг кўзига ғоят чиройли кўриниш учун интиладилар. Энди она олиб берган ҳар қандай кўйлакни қувониб киявермайди, аксинча танлайди, «Буни киймайман», деб ғалва қилади. Уч ёшли болани бошқариш

қийинлашади. Болакай аввал инжиқлик билан енгган бўлса, энди ғазабланиш ҳолати кучаяди. Бу ёшдаги ўзаро муомала катталар учун ҳам, боланинг ўзи учун ҳам мураккаблашади. Ўзаро тил топиш қийинлашаверади. Уч ёшли боланинг «Мен»и катталарни додиратиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Авваллари болага катталар томонидан билдирилган бирон таклифнинг маъно-мазмуни ёқмаган бўлса, энди шу таклифнинг айнан катталар томонидан билдирилгани ёқмагани учун уни рад этади. Инкор қилиш билан чекланмай, айтилган ишнинг тескарисини қилади. Болага янги ўйинчоқ – машина олиб бердингиз, у хурсанд. Сиз «Олдингисини уч кунда пачоқ қилувдинг, буни бузма», деб огоҳлантирддингиз. Болада янги ўйинчоқни бузиш нияти йўқ. Лекин сизнинг гапингиздан сўнг ғилдиракларини бир-бир суғура бошлайди. Аввал катталарнинг алдовига кўниб, қарорини осон ўзгартирадиган бола, энди аҳдида қатъий туради. Катталарнинг талабига кўна қолмайди. Буни биз «қайсарлик» деб номлаймиз. Машинани бузаман, дедими, демак бузиши шарт! Буни шунчаки хоҳиш деб қабул қилманг. Унинг мақсадини тушунинг: «Шу машинани бузгим келяпти» эмас, «Машинани бузишни **МЕН** хоҳлаяпман!». Бу ҳолат уч ёшигача белгилаб келинган тарбия мезонига қарши ўзига хос исёндир. Иёсн натижасида ўзбилармонлик бош кўтаради. Ҳамма нарсани ўзи бажаргиси келади. Машинасини тузатмоқчимиз, катталарнинг аралашинини истамайди. Урина-урина эплотмай, чорасиз қолган тақдирдагина ўзи ёрдам сўрайди. Катталар ёрдам сўрашини сабр билан кутишлари керак. Ҳаётимизда аксинча бўлади: бола тузатишга киришгандаёқ эплотмаслигини биламиз ва «Билмайсан, бу ёққа бер!» деб қўполлик қилиб, ўйинчоқни қўлидан тортиб оламиз. Шу ҳаракатимиз билан боланинг «**ЎЗ**»лигини камситган бўламиз. Бола бу «ёмонлигимиз»ни дарров кечирмайди. Унинг катталарга қарши исёни баттар кучаяди: отаси ёки онаси, акаси ёки опаси билан уриша бошлайди. Катталарга ўз ҳукмини ўтказишнинг янги-янги усулларини топишга интилади.

Биз «қайсарлик» деб нолиймиз, ҳолбуки, бу бола онгининг ўсиши, ривожланиши жараёни. Бола «Шу ишни **ЎЗИМ** қиламан», дедими, «хоҳлайман» билан «бажаришим керак» деган тушунчаларни фарқлай бошлабди. Агар бола беғамроқ бўлса, қайсарлиги камроқ, кучсизроқ бўлса, қувонамиз. Аслида бу яхшилиқдан дарак эмас, боланинг ривожланишидаги суслик белгисидир. Халқимизда «Бола бўлсанг, шўх бўл, шўх бўлмасанг, йўқ бўл», деган мақол бекорга айтилмаган. Шўхлик «Мен»ни ҳам ўз ичига олади. Қайсарлик ва ўзбилармонлик боланинг шахс сифатида шаклланаётганидан дарак. Унда ирода кучи пайдо бўла бошляпти. Агар катталар ўзбилармонликка сира йўл бермасалар, болада ўз кучига, зеҳнига бўлган ишонч сусая бошлайди. Катталар боланинг ўзбилармонлик билан қилган ишидан кулсалар, масхара қилсалар ёки жазоласалар, тарбия бобида катта хатога йўл қўйган бўладилар. Бу жараёнда боланинг «ўзим»и билан катталарнинг «мумкин эмас»и

орасида кучли зиддият пайдо бўлмаслиги учун кичкинтойларнинг ҳаракати учун озгина кенглик майдони бериш керак. «Хоҳлайман», «мажбурман», «мумкин эмас» деган тушунчаларни катталарнинг буйруғи билан англатиш қийин. «Шу ишни хоҳлаяпман-у, лекин мумкин эмас, чунки зарарли», деган тушунча боланинг онгида ўз ҳаракатининг маҳсули ўлароқ уйғонсин. Болага ўзига хос орол яратиб бериш керак. Бу оролда катталарнинг назорати остида (ҳадеб аралашуви эмас) у ўзининг мустақиллигига аста-секин эриша борсин. Катталар бу оролда хўжайинлик қилмасинлар, балки бола билан турли ўйинлар ўйнаш орқали «эркинлик – бевошлик эмас», деган тушунчани сингдириб борсинлар. Ўйин – тарбиянинг энг самарали усули. Бола чақалоқ давридан ниманидир ўйнашни ёқтиради. Бола уйқу ва овқатланишдан ташқари барча вақтини ўйинга бағишлайди. 3-7 ёшдаги ўйинлари энди шунчаки вақт ўтказишдан иборат эмас. Ўйин орқали чор-атрофни ўрганади. Уч ёшга қадар нарсаларнинг ранги, овози, шакли ҳақида тасаввурга эга бўлади, ўйинчоқни синдиради, отади ва бу ҳаракатига катталарнинг муносабати қандай бўлишини зийраклик билан кузатади ва шу жараёнда ўзининг кейинги ҳаракатларини белгилаб олади. Уч ёшдан ўтгач, ўйин чоғи фикрлай бошлайди. Катталарнинг ҳаракатларини ўйинчоқларига кўчиради. Масалан, ўзи доктор, қўғирчоғи эса бемор қиз бўлади. Агар полиция машинасини совға қилган бўлсангиз, ўзи полиция бўлиб, ўғриларни қувлайди. Яъни ўйинида аниқ мазмун пайдо бўлади. Энди бола ҳар қандай ўйинчоққа қувонавермайди. Мультфильмларда ёки эртақ-фильмларда кўрган нарсаларини талаб қилади. Энди унга камон ёки тўппонча камлик қилади. Мультфильмларда акс этган турли шакллардаги роботлар керак унга. Шу жараёнда ота ва она ғоят зийрак бўлиши керак. Чунки бола зolim роботларга ёки диназаврга меҳр қўйиб, уларнинг зулмларини ўз ўйинларида акс эттира бошлайди. Бир ўйинчоқ билан иккинчисига азоб бериб, ҳузурланади. Унинг бу қилиғи катталар учун огоҳлантириш бўлиб кўриниши керак. Агар бола бу ҳузурланишда давом этаверса, эртага ўйинчоқ билан кифояланмай, кичик жониворларни азоблашга ўтиши мумкин. Ўйин болада шафқатсизликни эмас, балки атрофдагиларга бўлган меҳр-муҳаббатни уйғотсин. Бола диназаврнинг қуённи тирнашидан завқланмасин, балки қуёнчани зolim чангалидан қутқариб олишга интилсин ва бу билан ўзи ҳам қўрқувдан қутулсин.

Ҳар бир ота-она истайдими-йўқми, фарзандининг «Мен»ига рўпара бўлади. «Мен» ижобий кўринишда зоҳир бўлса, қувонади. Фарзанднинг «Мен»и оилага лаънат келтирадиган натижада кўринса, ота-онанинг аламли дунёсини тасвирлашга ҳожат йўқ. Бола «Мен»нинг яхши кўринишидан астойдил завқланадиган муҳитда бўлса, хайрли ишларини кўпайтириш ҳаракатига тушади. Шунинг учун боланинг мустақил «Мен»и туфайли қўлга киритган кичкинагина яхши ишини, ҳаётдаги ўзига хос ғалабасини тақдирлаб, рағбатлантириб туриш керак. 7 ёшли болага ўқитувчи пластилин-



дан сигир ясаб келишни топширган. Ота ёки она ёрдам бермоқчи бўлса, «ўзим ясайман», дейди. Урина-урина ниманидир ясайди. Вазифа берган муаллимдан олдин ота ёки она баҳо беради: «Кучук ясадингми?» дейди. «Кучук эмас, сигир», дейди бола. «Ҳечам сигирга ўхшамайди, эплай олмабсан, ёрдам берай десам, кўнмадинг, энди ўзингдан кўр, эртага «икки» оласан», деган гапдан кейин бола йиғини бошлайди, эртасига мактабга боришни истамайди. Бола: «Кучук эмас, сигир», дегач, ота ёки она бундай баҳо берса-чи: «Ие, мен адашибман. Қани, яхшилаб қарай-чи. Ие, роستانам зўр сигир ясабсан. Мана бу думими? Қойилман! Ўзинг ясаганинг яхши бўлибди, мен бунақа чиройли ясай олмасдим. Бу сигиринг қора бўлибди, энди қизил сигир ясаганг, эртага «беш» оласан...» Шундан сўнг бола янада тиришқоқлик билан ишга киришади. Эҳтимол, ота-она шу мақтови – рағбати билан келажақда зўр ҳайкалтарош бўлиб етишадиган фарзандига оқ йўл тилаган бўлар. Аксинча бўлса, фарзандидаги ҳайкалтарошлик истеъдодини беланчакдаги чоғидаёқ бўғиб ўлдирар? Қай йўлни маъқул кўриш фақат унинг ихтиёрида эмас, фаросатига ҳам боғлиқ. «Мен» шаклланаётган даврда боланинг шаштини қайтармаслик керак. Айниқса, ўсмир ёшида эҳтиёт бўлиш талаб этилади. Ўсмир қандайдир буюм ясади. «Намунча қўпол ясадинг», демай, «Роса бақувват қилиб ясабсан», дейилса олам – гулистон! Ота-она фарзанди ясаган буюмни кераксиз матоҳ бўлса ҳам, дарров ташлаб юбормай, эҳтиётлаб сақлаганлари дуруст. Иккинчи, учинчи уринишда ўсмир ўша буюмни нозик дид билан ясагач, уни ўзи ташлаб юборсин ёки дастлабки укувсизлигидан хотира сифатида ўзи олиб қўйсин.

Фарзанднинг мустақил ишига баҳо беришда ота-она ўзининг шу ёшда нималарга қодир бўлганини эслаб кўрсин. 7 ёшида ўзи кучукка ўхшаган шакл ясай олганмиди? Ўғли ясаган буюмни танқид қилган ота 14 ёшида ранда ишлатишни билгани бир масала, ҳозир бир тахтани эплаб арралай оладими?

Гўдакнинг ўрганиб, ширин тили билан айтган ҳар бир сўзи ота-она кўнглига қувонч бағишлайди. Ўсмирнинг мактабдаги математика муаллими билан баҳслашиб, мураккаб тенгламани исбот эта олгани ҳам, халқаро аҳволни шарҳлаб билдирган фикри ҳам ота-она қалбини шодликка тўлдиреди. «Менинг фикримча, араб дунёсида олиб борилаётган сиёсатда хатолик бор», деб гап бошлашининг ўзиёқ унинг «Мен»и эътиборга молик эканини англатади. Шундай пайтда она ёки ота: «Буларни гапиришга ёшлиқ қиласан, бор дарсингни тайёрла ёки «Бор, қўйларга хашак ташла», дегандан кўра, болани бўғиб ташласа, унга оғир ботмасди. Бу ҳолатда «Ота-она фарзандининг шаштини қайтарди», десам жуда юмшоқ гапирган бўламан, дангал айтай: улар боланинг «мен»ини бўғиб ўлдиришди. Ўсмир ота-онаси билан суҳбатда маънавий лаззат олмайди. Қўшниси ёки қариндоши билан эса эркинроқ гаплашиши мумкин. Чунки улар ота-она сингари гапни шарт узишмайди, «молга хашак ташла», дейишмайди. Боланинг суҳбатига аралашилари,

ҳатто баҳслашишлари ҳам мумкин. Ақллироқ, илмлироқ бўлсалар, боланинг фикрларидаги хатоликни айтиб, тузатишади. Улар жимгина тингласалар ҳам, ўсмир қалбан шодланади, кўпроқ нарсани билиш учун илҳомланади. Қўшни ёки қариндош ота-онанинг хатосини тузатади, ўсмирнинг «Мен»ини тан олиб, унга фикрлашиш кенглигини инъом этади. Агар мактабдаги устоз ҳам шундай қила олса, янада яхши!

Пиллага ўралган қуртнинг маълум муддат ўтиб, шароит пишиб етилгач, капалакка айланиб учиб чиқишини эшитгандирсиз. Капалакнинг пиллани тешиб чиқиши осон эмас. Сиз бу жараёни кузатиб, қийналаётган капалакнинг ёруғликка тезроқ чиқишига ёрдам берсангиз, яъни пилланинг бир учини тешиб қўйсангиз, уни ҳалок қиласиз. Боладаги «Мен»нинг қарор топиши ҳам капалакнинг заҳматига ўхшайди. Агар бола барча қийинчиликларни ўзини ўтишга тиришса, ўқиса, ўрганса, келажаги порлоқ бўлади.

Боланинг «Мен»и қандай шаклланаётганини аниқлаш учун ўзингиз учун кутилмаган ўнта ишини дафтарингизга бир-бир ёзинг. Сўнг уларни алоҳида-алоҳида ўрганинг: қайси бири сизни шодлантиради, қайси бири хавотир уйғотади, қайси бирига тушунмадингиз? Болангизнинг қайси иши ёки гапи фақат ўзига хос, бошқаларда учрамайди, буни ҳам аниқланг. Таҳлил жараёнида «Боламнинг нима учун шу ишни қилганига (гапни гапирганига) тушуниб турибман», деган тўхтама келишга урининг. Бу хулосага келолмасангиз, «Боламнинг эндиги ҳаракати (гапи) қанақа бўларкин?» деган саволга жавоб топинг. Агар «Болам бу гапдан кейин бунисини айтади», деган тахминингиз тўғри чиқса, қувонасиз. Фарзандингиз сиз кутган гапни айтмай, сиз кутган ишни қилмаса, демак, унинг «Ўзим»ида ўсиш бор экан, сиз эса сал орқада қолибсиз. Шунга қараб, ўзингизни ислоҳ қилишингиз керак. Ўзингизни ўзгартирмасангиз, болангиз сиздан узоқлашаверади. Бола ўзининг муаммоларини ўзи ҳал қилишга интилади, сиз билан маслаҳатлашишни истамайди. Энди унинг «Мен»и яхшилик томон ривожланмай, «ўзбилармончилик» деган иллатга айлана боради.

Фарзанд билан узоқлашиш ёки яқинлашишни аниқлашга доир ота-оналар билан кичик бир тадқиқот ўтказайлик. Ота-она фарзандини назорат остига олгани каби, бола ҳам уни кузатади. Ота-она «Болам энди нима қиларкин?», деса, бола «Адам (ёки онам) нима қиларкинлар?» деб, яхши ёки ёмон гапни, ё калтакни кутади. Тадқиқотимизда ота-онанинг хаёлидаги гапига боланинг хаёлан муносабати қандай эканини аниқлашга ҳаракат қиламиз:

**Ота-она:** Боламнинг қилган иши учун *мен* жавобгарман.

**Бола:** Қилаётган ишим учун **мен** жавобгар эмасман. Бунга адам (ёки онам) жавоб берадилар.

**Ота-она:** Болам *мен* тақиқлаган ишни қилмайди.

**Бола:** Адам (онам) рухсат бермаган ишни **мен** қилмайман.

**Ота-она:** Болам *мен*сиз мустақил равишда бир қарорга кела олмайди.

**Бола:** Мен бир қарорга кела олмайман.

**Ота-она:** Болам *менинг* назаримда – нодон.

**Бола:** Мен нодонман.

**Ота-она:** Боламнинг эси *менинг* назаримда – жойида эмас.

**Бола:** **Менинг** эсим жойида эмас.

**Ота-она:** Болам мактабга вақтида боргани, озода юргани, *менинг* гапимга кираётгани учун мақтовга лойиқ.

**Бола:** Катталарнинг хоҳишларига мос бўлганим учун **мени** «маъқул бола» дейишади. **Ўзим** учун бирор қарорни қабул қилишим уларга ёқмайди.

**Ота-она:** Болам *менинг* ёрдамимсиз ўзини ўзи эплай олмайди.

**Бола:** Адамнинг (онамнинг) ёрдамларисиз **мен** ўзимни эплай олмайман.

Ўсмирнинг шу хулосага келишидан қўрқиш керак. Агар фарзанд 14-15 ёшида ўзига ишонмаса, келажаги қандай бўлади? Мустақил бир иш бошлашга қачонгача чўчиб юради?

Энди бу тадқиқотни бошқача кўринишда таҳлил этайлик:

**Ота-она:** Болам қилган иши учун **ЎЗИ** жавоб бера олади.

**Бола:** Қилаётган ишим учун **мен** ўзим жавоб бераман.

**Ота-она:** Ҳар қандай ҳолатда ҳам, болам *ўзи* учун яхши бўлган ишни қилади.

**Бола:** Албатта, **мен** шундай қиламан.

**Ота-она:** Болам *менинг* аралашувимсиз ҳам, *ўзи* қарор қабул қила олади.

**Бола:** Албатта, тўғри қарор қабул қилишга **ўзимнинг** ақлим етади.

**Ота-она:** Болам *ўзига* ишонгани учун ҳам барча иши жойида, *менинг* хавотиримга ўрин йўқ.

**Бола:** Тўғри йўлдан бораётганимга **ўзим** ишонаман. Ҳамма ишим жойида, адам (онам) ташвишланмасалар ҳам бўлади.

**Ота-она:** Болам ҳали ёш бўлса ҳам, *ўзини ўзи* эплашига ишонаман.

**Бола:** Мен **ўзимни ўзим** эплай оламан ва шундай қилишим шарт.

**Ота-она:** Эртага бу ишининг қандай давом этишини билмайман. Бугун бу иш *менга* жуда қизиқ туюлди.

**Бола:** Мен онамнинг (адамнинг) гапларига безътибор қарамайман. Адам **мен** қилаётган ишнинг тўғрилигига ишонадилар.

Мазкур тадқиқотнинг хулосасини чиқаришга ошиқманг, ҳали қиладиган ишларингиз бор. Яна кўлингизга дафтар-қалам оласиз. Бир неча кун давомида фарзандингиздаги салбий ўзгаришларни сезган пайтингизда хаёлингизда уйғонадиган норозилигингизни, фикрингизни ёзасиз: «Бу болага қачон ақл кираркин?», «Қайсарлиги жонимга тегди, тўяр бўлсам тўйиб бўлдим!», «Бу бола мени инфаркт қилади», «Ҳали қараб турсин, онага бақириш қанақалигини мен унга кўрсатиб қўяман», «Йўқ, энди бунақасига йўл қўйиб бўлмайди», «Ақлдан озяптими, ҳар ҳолда нимадир бўл-

япти»... Шу каби норозилигингизни дафтарнинг бир саҳифасига, иккинчи саҳифасига эса сизнинг норозилигингизни эшитган боланинг нима деб жавоб қайтариши ёки нима деб ўйлаши мумкинлигини ёзиб қўйинг. Фарзандингизнинг хаёлингиздаги гапи ёқимли ёки ёқимсиз бўлишидан қатъи назар, хулоса ўрнига: «Болам ўзининг ҳаётига ўзи масъул, мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга», деб ёзинг.

Бу тадқиқот билан доимий равишда шуғуллансангиз, фарзандингиздаги «Мен»ни аниқроқ ҳис қиладиган бўласиз, ҳудабехудага ўзингиз ҳам сиқилавермайсиз, болангизни ҳам сиқувга олавермайсиз. Натижада ота-она ва ўсмир оралиғида ҳалокатли бўшлиқ пайдо бўлмайди.

Уч ёшли боланинг «Ўзим»и ўн уч ёшда яна қайта куч билан бош кўтаради. Уч ёшидаги «Мен»и оила даврасида қайсарликнинг кўриниши сифатида қабул қилинган, бола оиладаги ўз ўрнини талаб қила бошлаган бўлса, 13 ёшда «Мен ўзим» ижтимоий аҳамият касб эта бошлайди. Яъни ўсмир оиладагина эмас, жамиятда ўз ўрнини топмоқчи бўлади. Унинг катталардан талаби ҳам шунга яраша бўлади. Катталарнинг масъулият хусусидаги талаби ҳам унинг талабидан келиб чиқади: «Жамиятдаги мана бу мартабага эгаллик қилишни истаяпсанми, шунга яраша ўқи, ҳунар эгалла, бошқаларнинг ҳурматига етишмоқликни истасанг, аввал ўзинг уларни ҳурмат қилишга одатлан». Бу ёшга қадар бола ота-онанинг талабларига осонроқ бўйин эгиши, муроса қилиши мумкин. 13 ёшдан ошганда эса эркинлик доирасининг кенгайишини талаб қила бошлайди. Айниқса 14-16 ёшда бу ҳолат кучаяди. Энг муҳими, «Мен» қисман чекиниб, «**БИЗ**» пайдо бўлади. Бола кўнглига яқин, фикрдошлар билан яқинлашади. Фикрдош бўлмаганлар улар учун бегона. Бегоналар билан эса ҳар қандай зиддиятга бориш мумкин. «Биз» агар яхши тарбия назоратида бўлса, ижобий самара беради. Акс ҳолларда эса бу гуруҳда жиноятга мойиллик пайдо бўлади. «Мен» қисман чекинади, дедим. Бу оиладаги «Мен»га хос кўриниш. Бола учун энди оиласидаги «Мен» муҳим эмас. У фикрдошлари даврасида – «Биз»да ўз ўрнини топишни истайди.

Болаликка менсимаслик билан қараш мумкин эмас, аксинча, иззат-икром билан муносабатда бўлиш талаб этилади. Инсон шахсиятини чинакамига ҳурмат қилувчи киши уни ўз фарзанди сиймосида, яъни бола ўз «Мен»ини ҳис этиб, теварак-атрофдаги оламдан ажралиб чиққанини англаган дақиқалардан бошлабоқ ҳурмат қилмоғи зарур. Болани сўкишса, уришса ва турли йўллар билан ранжитишса, у энг кичик ёшиданоқ ўзини ёлғиз сеза бошлайди. Гўдак идрокли вужуддир. У ўз ҳаётидаги эҳтиёжлар, қийинчиликлар ва тўсиқларни яхши билади. Бу ўринда унга нисбатан золимона амру фармонлар, мажбурий тартиб-интизом, ишончсиз назорат эмас, балки ширин муомалали муроса, тажрибага ишонч, ҳамкорлик, аҳил яшаш кўпроқ қўл келади. БМТнинг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш-

га ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларининг 1-моддасида қайд этилганидек, ўсмирларнинг умумий қоида ва қадриятларга мос келмайдиган қилиқлари ва хулқи аксарият ҳолларда ўсиш ва улғайиш жараёни билан боғлиқ экани ва қоидага кўра, улғайган сари кўпчилик кишиларнинг хулқ-атвори ўз-ўзидан ўзгариб бориши ҳисобга олиниши лозим.

Боланинг ўзлигини англаши фақат оиладаги ёки мактабдаги муҳитга боғлиқ эмас. Замонга, ҳатто халқаро аҳволга ҳам боғлиқ. Ўтган асрга мурожаат этсак, уруш давридаги болаларнинг онги билан 80-йиллардаги болаларнинг ўзини англаши орасида жуда катта фарқ бор. Ёки бугунги араб дунёсида тарбия топаётган болаларни кузатайлик. Фақат уруш, ўлим, турли фожиаларни кўраётган бола онгида шафқат, меҳр-оқибат деган фазилатлар қай даражада шаклланар экан? «Одам одамга дўсту биродар» деган ақида устун келадими ёки «Одам одамга бўри» деган ҳаёт ҳақиқатими?

Урушларнинг бола онгига салбий таъсирини ҳамма кўриб турибди. Уруш болалари 20-30 ёшларида ҳаёт ҳақиқатларига қандай баҳо берадилар? Ҳаётда болаларнинг онгини заҳарловчи урушдан баттар фожиаларга дуч келамиз. Боланинг уйда, мактабда, кўчада шафқатсизликларга дуч келиши беиз кетмайди. «Нима эксанг, шуни ўрасан», деган мақол бор.

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **ДЎЗАХ ЎТИНИНГ ТУТАНТИРИҒИ**

Айрим олимлар гўдакнинг дастлабки ойлардаги ҳаракатларини фикрлашдан ҳоли деб биладилар ва бу даъволарини исботлаш учун «Одам бир-икки ёшгача кўрганлари, эшитганларини эсламайди, унутади», дейдилар. Уларнинг айтишларича, унутишларига сабаб – тиллари чиқмагани, гапира олмасликлари экан. Агар бу фикрни тўғри деб қабул қилсак, фикрлаш гапириш билан боғлиқ бўлса, соқовлар умуман фикрламайдиларми? Ўша олимларнинг таъкидига кўра, боланинг ўзликни англашдаги биринчи ҳаракати «Мен» деган сўзни айтишидан бошланаркан. Бу фикрга кўра сиз: «Бу қанд кимники?» деб сўрасангиз, бола «Меники (ёки «ўзимники»)» дейди. «Бу кимнинг аяси?» десангиз, «Меники!» дейди. Ёки боланинг қўлидан ушлаб етакласангиз, «Ўзим юраман», дейди, бирор ишни ҳам (гарчи эпломаса-да) «Ўзим қиламан», дейди. Эътибор беринг, бу шунчаки хархаша эмас, бола ўзининг ҳаққини талаб қиляпти. Жамоада ўзининг ўрни борлигини фаҳмляпти. У ўз ўрнини, ҳаққини турли йўллар ва усуллар билан талаб қилади, кўп ҳолларда талабининг бажарилишига эришади. Баъзан эр-каланади, баъзан йиғлайди, баъзан катталарни ёмонлайди ёки чақимчилик қилади. Бу жараён, яъни боланинг ширин сўзлари, қилиқлари бизни фақат қувонтиради. Шахснинг етуклик сари қадам ташлаётганини эса сезмаймиз ёки эътиборсиз қолдирамиз.

«Талаб қилинаётган нарсага ёлгон айтиш ёки чақимчилик орқали осон эришиш мумкин», деган фикр аста-секин қувват олиб, бола феъл-атворининг шаклланишида ҳукм ўтказа бошлагач, уни бу йўлдан қайтариш ҳаракатига тушамиз. Ҳар қандай нотўғри фикр бирданига туғилмайди, тасодифан юзага чиқиб, амалда кўринмайди. Боладаги фикр ерга қадалган уруғга ўхшайди. Униб-ўсиб, мева туггунча анча вақт, ҳатто йиллар ўтади. Биз фақат мевасига дуч келганда ажабланамиз. Отаси олиб келадиган ширинликка шерик бўлувчи ака уч ёшли бола учун асосий рақиб саналади. У рақибни четга суриш йўлини излайди. Бир марта қилган чақимчилиги яхши самара берса, ака ширинликдан маҳрум этилса, у ўзининг галабасидан қувонади. Сўнг бу «қурол»ини тез-тез ишга сола бошлайди. У олти, саккиз, ўн етти ёшида ҳам рақибларни суришда айнан шу услубдан фойдаланадиган бўлиб қолади. Каминани баландпарвозликда айбситманг, ватан хоинлари асосан чақимчилардан чиқади. Чақимчиликни ислом дини ҳам қоралайди. Ривоят қилишларича, Муҳаммад алайҳиссалом мазор ёнидан ўтаётиб, бир қабрга қараб қолибдилар. Сўнг дарахтдан бир шохча синдириб олиб, суқиб қўйибдилар. Саҳобалар бунинг маъносини сўраганларида у муҳтарам зот «Бу ерда ётган одам, ҳаёт чоғидаги чақимчиликлари учун қабр азобида қийналяпти. Мана бу барглар то қуригунларига қадар Аллоҳга тасбеҳ айтиб туради ва бу онда марҳум азоблардан холи бўлади», деган эканлар.

Биз боламизнинг чақимчилигини билмай туриб, уни рағбатлантириб қўямиз. Агар «Нима учун чақимчилик қиляптийкин?» деб ўйласак, чақимчилиги учун мукофот бермай, айбласак, боланинг келажаги ўзгача бўлиши шубҳасиз. Ҳамонки, чақимчилик боланинг ўзликни англашдаги йўлида аждаҳодек турган иллат экан, бу масалага енгил қарамайлик. Бу хусусда суҳбатлашиш учун ҳам озгина вақтингизни ажратинг. «Уруш икки тан ўртасида олов, чақимчи ўтин ташувчи, мохов», деган мақоланинг маъносини фарзандимизга қачон ўргатишимиз керак?

«Гап ташиш»га қандай қарайсиз?» деб сўрасам ажаблансангиз керак. Ҳа, баракалла, бу иллатни деярли барча қоралайди. Айниқса, оналар тўйдан аввал қизларига бу ҳақда насиҳат ҳам қиладилар. Чунки «гап ташиш» оқибатида оиланинг бузилиб кетиши мумкинлигини яхши биладилар. Биладилару, аммо... қизлари келинлик уйларидаги гапларни қизлик уйларига таший бошлаганларида уларни тўхтатмайдилар. «Орқалаб келган гап халтангни кўтаргину изингга қайт», демайдилар. Аксинча, қизларига қўшилиб, қуда хонадон аҳлини гийбат қила бошлайдилар. «Ташиб келтирилган гап» қиз ва она орасида қолса майли эди. Бундай гап «ҳомиладор» бўлади ва «болалаб» тарқайверади. Кўп ўтмай қуданинг қулоғига ҳам етиб боради. Қарабсизки, уйига «гап ташиб борган» келин боши узра қора булутлар тўпланади. «Йўл қувлаган – хазинага йўлиқар, гап қувлаган – балога йўлиқар», деб бежиз айтилмаган. «Гап қувлаш» – «гап ташиш»нинг айнаи ўзидир ва уни «чақимчилик»

деб атасак тўғрироқ бўлади. «Гап ташиш» – чақимчилик туфайли қиз қайтиб келганда қуда томон айбланади-ю, ота-она энг биринчи айбдор ўзи эканини тан олмайди. Ахир қизни чақимчи қилиб ким тарбиялаган? Тўғри, ҳеч бир ота ва она «Болам, чақимчилик қилсанг, бахтга эришасан», демайди. Лекин биринчи синфдаги боласи ўқитувчисини ёмонлаб келганда ота, биринчи гада она «Чақимчилик қилма!» деб танбеҳ берадими? Бермайди! Оқибатда фарзанди биринчи синфда бошлаган чақимчилиги тўққизинчи синфда камолга етган ҳолда давом этади.

Тўғри, «гап ташиш»да ёмонликни қасд қилиш йўқдек туюлади. Гўё келин онасига кўрган, эшитган, билганларини маълум қилиш билан чеклангандай. Аслида шу гапларни айтмаса ҳам бўлаверади. Айтилмай қолган гап учун кўнгли азият чекмайди. Чақимчиликда эса ёмон ниятни қасд қилиш бор. Чақимчи бир гапни етказмаса, ичи қайнаб адо бўлади. Бировнинг бошига ташвиш ёғилишини истагани учун чақимчиликка аҳд қилади. «Гап ташиш» ва «чақимчилик» орасида бундай тафовут бўлгани билан аслида иккала иллатнинг илдизи бир. Таъбир жоиз бўлса, бу ҳол боғбоннинг олча ниҳолига гилос пайванд қилганига ўхшайди. Афсус шундаки, бу иллат дарахти ҳар бир оилада мавжуд. Фақат баъзилар унинг шох отиб, мўл мева беришига йўл қўймаслик чораларини кўрадилар, баъзилар эса ҳар куни суғориб, озуқа бериб қувватлантирадилар. Ана шундай адашганлар учун айрим эслатмаларим бор:

Пайғамбаримиз алайҳиссалом: «Энг ёмонларингизни айтсам, улар чақимчилик билан юриб дўстлар орасини бузувчи, бегуноҳ одамларнинг бузуқлик, ҳалокат ва машаққатга мубтало бўлишларини изловчи кишилардир» деганлар. Яна «Яширин равишда кишилар гапига қулоқ солиб, уни ёмон ниятда бошқаларга нақл қилувчи одам жаннатга кирмайди», деб таъкидлаганлар.

Бир донишманд шогирдларига насиҳат қилди: «Чақимчилик қилиб одамларни бир-бирларига душман этган одамлар энг ярамас, энг ёмон кишилардир. Бирингиз иккинчингиз сўзини менга етказманг. Мен саломат ва роҳатда бўлган қалб билан сизларга йўлиқишни истайман». Фикрига ойдинлик киритиб яна дедик: «Фалон киши сенинг ҳақингда бундай сўзлади», «Фалончи сени ёмонлади», деб сўз юритишга «чақимчилик» дейилади. Чақимчиликни инсофли, одамгарчилиги бор киши қабул қилмайди. Чақимчилар ҳар хил бўлмағур сўзларни **адоват ва ҳасадлари** туфайли сўзлайдилар».

Энди ўйлаб кўрайлик: адоват ва ҳасад иллоти фақат катталарда мавжудми ё кичикларда ҳам учрайдими? Ҳа, учрайди! Боғча болаларининг гапларига диққат қилсак, бунга амин бўламиз. Адоват ва ҳасад чақимчиликни «туғдириш» билан кифояланса майли эди, у яна бир қанча иллатларга, хусусан, фитна, иғволарнинг туғилишига ҳам «доялик» қилади.

Оила муаммолари ҳақида сўз кетганда муҳтарама оналарни танқид қилмайин, дейман-у, аммо уларнинг кўпчилигига хос камчиликдан кўз юмиб ўтолмайман. Шундайлар борки, фарзан-

дининг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир босган қадамини зийраклик билан кузатади. Бу одатлари яхши. Бироқ озгина камчилик кўрганида тузатишга ўзининг кучи етмаса, эрнинг келишини орзиқиб кутади. Чақимчилик қилиш онага роҳат бағишлайди, дея олмайман. Айниқса, бу чақимчилик оқибатида бола отадан калтак еса, ҳар қандай онанинг юраги тилим-тилим бўлиб кетади. Лекин чақимчилиги оқибатида ота ва бола ўртасидаги муҳаббат ришталарини бир-бир узаётганини, фарзандининг бахтли келажаги устунларига болта ураётганини фаҳм этмайди. Энди бола отасини соғиниб эмас, қўрқиб кутадиган бўлади. Ота ва бола орасида ҳурмат ва муҳаббат гулшани эмас, қўрқув девори қад кўтаради. Худди шунга ўхшаб, онаси устидан шикоят қилиш учун отасининг ишдан қайтишини орзиқиб кутувчи гўдаклар ҳам бор. Отаси онани ҳазилакам уришиб қўйса ҳам, у чексиз роҳатланади. Ўзаро чақимчилик туфайли ота ва фарзанд, она ва фарзанд орасидаги меҳр занжирини узишга уриниш хайрли оқибат бермаслигини ҳаётдаги кўп мисоллар тасдиқлайди.

Шоир Аваз Ўтарда чақимчиликка доир ажиб ҳикмат бор:

*Фалониким суҳанчинликни (чақимчиликни) расмин ўзига  
қилмиш фан,  
Солурга халқи оламнинг бошига балъажаб савдо.  
Айирмоққа ота бирла ўғилни бир-бирисидан,  
Бирин бор айбини минг айлаб, айлар бири ифшо (фош этиш).  
Оносига қизни душман қилур, қизга онасини,  
Дебон ёлгонни чин монанд бўҳтон айлабон гўё.*

Чақимчилик борасида яна бир муаммо мавжуд. Танишларимдан бири менга ҳасрат қилиб қолди. «Келинимни ёмонламайман-у, аммо ўғлимнинг айбини яширганини кечиролмайман. Ўғлимнинг чакки йўлга кираётганини гумон қилардим. Лекин у кеч келганда мен ухлаб қолган бўлардим. Ичган-ичмаганини назорат қила олмасдим. Ўғлимнинг ҳолати – ичганми-ичмаганми, чекканми-чекмаганми, биринчи гада келинимга маълум бўларди. Шу боис гумонимни унга бир неча марта айтдим. Лекин келиним бирон марта бўлсин: «Ўғлингиз ичиб келяпти, димоғларидан наша ҳиди ҳам келяпти», демади. Бунини аниқлаганимда чора кўриш вақти бой берилганди. Ўғлим йигирма уч ёшида майхўрлик жарига ағанаб, гиёҳвандлик балчиғига ботиб бўлган эди. Келинимга даъво қилсам, «Мен чақимчилик қилишни истамовдим», дейди. Айтса чақимчилик бўлармиди?»

Савол ўринли. Зимдан қаралса, эрнинг айбини айтиш чақимчилик бўлиб туюлади. Лекин эрни гуноҳ жаридан асраб қолиш учун ота ва онасига маълум қилиб қўйиш чақимчилик эмас, балки савоб. Албатта, эр «Нега чақдинг?!» деб ғазабланади. Лекин хотин эрини ёмонликдан сақлаб қола олмаса, яна нима қилиши керак? «Эримга инсоф бер», деб йиғлаб ўтиравериши керакми? Дуо қилиш, у ижо-



бат бўлиши учун ҳаракат ҳам қилиш лозим. Бу ҳаракатга ота ва она қўшилмаса ижобий натижа кутиш қийин. Демак, келиннинг эрга тааллуқли гапи чақимчилик эмас, чунки унда ёмонлик қасди йўқ, аксинча яхшилик нияти мавжуд. Худди шунга ўхшаган ҳолатни болалар, айниқса, ўсмирлар ҳаётида учратиш мумкин. Бир тоифа болалар ўртоқларининг айбини муаллимига чақиб, ҳузурланса, яна бир тоифа яширади. Яширувчилар уч тоифага бўлинади: бирлари – дўстларини ғоят қадрлаганлари учун айбини яшириб, ўзича ҳимоя қилган бўлади; бошқалари айбдордан кучсизроқ бўлгани сабабли кўрқади; яна бирлари «Менга нима, баттар бўлмайдими?» деган шиор асосида яшайди. Бу ҳолатда чақимчи ҳам, яширувчининг учала тоифаси ҳам айбдор. Айниқса, учинчиси – лоқайдлар тоифаси хавфли. Буларни тўғри йўлга тортиш қийин. Уларнинг лоқайдлиги ўсмирлик чоғида атрофидагиларга сезилмаса-да, улғайишгач, жамиятга зарар келтира бошлайдилар.

Бир ўрмонга ўт кетиб, ёнғин бўлибди. Жониворларнинг бир қисми кучи етган нарса билан сув ташиб, оловни ўчирмоқчи бўлишибди. Иккинчи қисми эса бундан ҳеч нарса чиқмайди, дебди ва беҳавотир жойдан томоша қилиб тураверибди. Бир чумоли ҳовучига сув олиб ўтни ўчиришга кетаётган экан, буни кўрган қарға: «Шу сувинг билан ўтни ўчирмоқчимисан?» деб ундан кулибди. Чумоли эса унга бундай жавоб берибди: «Биламан, бу сув билан ўтни ўчириб бўлмайди. Лекин мен бу ҳаракатим билан кимлар томонида турганимни ҳам биламан». Бу масални катталар яхши англаб, кичикларга ўргатсалар, жамият лоқайдлик хасталигидан қутулган бўлармиди... Лоқайдликдан қутулган жамият эса жуда кўп фожиаларнинг олдини олган бўлади.

Набий муҳтарам саҳобаларидан: «Тухмат ва чақимчилик нима, биласизларми?» деб сўрадилар. Саҳобалар: «Буни Аллоҳ таоло ва Унинг расули яхши билади», дейишди. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бу – **одамларнинг орасини бузиш учун** гапни бир-бирларига нақл қилиб юришдир», дедилар. Масалага шу шарафли ҳадис нуқтаи назари билан боқсак, эрининг айбини қайнотага маълум қилувчи келин ҳаракатида бузғунчилик мақсади йўқ. Балки тузатишга бўлган интилиш бор. Агар эр: «Адам мен ишлаб топган пулни еб юборяпти», деса-ю, келин бу гапни қайнотасига етказса, чақимчилик қилган бўлади. Чунки бу гап ота ва бола муносабатига путур етказди.

Қалбида хайрли ният, виждонида ҳассослик бўлмаган одам ҳар қандай ёмон сўзни осонгина ошкора қилади. Атрофга ёяди. Ёмон сўзнинг тарқалиши кишиларни ва жамиятларни разолат ботқоғига ботирувчи ҳолдир. Ёмон гап-сўзларнинг тарқалиши кишилар ўртасидаги ўзаро ишончни йўқотади. Жамиятда ёмонлик ғолиб бўлгандек қилиб кўрсатади. Одамлар қалбида ишончсизлик ва умидсизлик руҳини тарқатади. Ёмон гапни ошкор қилиш икки одамнинг бир-бирини сўкишидан, ёмонлашидан ва ғийбат-бўхтон қилишидан бошланади. Сўнгра аста-секин катталашиб жамият-

ни ҳалокат жари сари олиб келади. Ёмон сўзни ошкор қилишга мазлум, жабр чеккан одамгагина рухсат бор. Мақсад – золимнинг зулмидан жамиятни хабардор этиш.

Ҳазрат Навоийдан ҳикмат: «У ердан бу ерга гап ташувчилар элнинг гуноҳини ўз бўйнига олувчилардир. Чақимчилик ҳатто чин гап бўлса ҳам, кўнгилсиздир. Ёлғон бўлса янада нафратлидир. Сўз етказувчининг хоҳ каттаси, хоҳ кичигини – дўзах ўтининг тутантириғи деб бил.

*Ким сўзни териб айтгувчи оғзига бергай,  
Молик ани дўзах ўтининг дудига тергай».*

Мусо алайҳиссалом замонларида жуда қаттиқ қурғоқчилик бўлди. Мусо алайҳиссалом бани Исроил билан биргаликда ёмғир талабида дуолар қилдилар. Лекин ёмғир ёлмади. Шунда Аллоҳ азза ва жалла Мусо алайҳиссаломга ваҳий юборди: «Мен сенинг ва сен билан бирга чиққан кишиларнинг дуосини қабул қилмайман. Чунки орангизда чақимчи бор». Мусо алайҳиссалом: «Эй Раббим, ким экан у, айт, биз уни ўз орамиздан чиқариб юборайлик», дедилар. Аллоҳ азза ва жалла ваҳий қилиб деди: «Эй Мусо, мен сизларни чақимчиликдан қайтариб, энди Ўзим чақимчилик қилайинми?!» Бу танбеҳни эшитгач, Мусо алайҳиссалом бани Исроилга: «Барчангиз чақимчиликдан тавба қилинг!» деб буюрдилар. Улар тавба қилдилар ва Аллоҳ таоло уларга ёмғир берди.

Ақд эгалари учун шу ҳикматларнинг ўзи кифоя қилар, дейман. Агар бу баёнлар камлик қилса, мавзунини бир ривоят билан яқунлайлик.

#### **Ривоят:**

Қадим замонда амир овга чиқди. Ялангликка кўнган маҳалларида амир жиловдорини ёнига чақирди-да, деди:

– Сен билан пойгада от чоптиришни истайман. Кўрайлик-чи, кимнинг тулпори учқур экан?

Жиловдор амирнинг истагига итоат этди. Отларни елдириб, шикор майдонидан узоқлашдилар. Бир маҳал амир отининг жиловидан тортиб, тўхтатди-да, деди:

– Эй жиловдор, кўнглимга келган бир фикрни айтмоқчи бўлиб, сени атайин бу овлоққа бошлаб келдим. Ҳаммадан кўра кўпроқ сенга ишонганим учун сиримни ўзингга айтаман, эҳтиёт бўл, биров билмасин.

– Модомики, сиз менга ишонган экансиз, сирингизни ҳеч кимга ошкор қилмайман, ҳеч ким воқиф бўлмайди, – деб жиловдор онт ичди.

Амир қувониб, кўнглида яшириб юрган сирни унга айтди:

– Укамнинг шу кунларда қилаётган ҳаракатларидан шубҳадаман. Назаримда, мени ўлдириб тахтга ўлтиришга уриняпти, шекилли. Шунинг учун менга тажовуз қилишини кутиб ўтирмай, уни маҳв қилмоқчиман. Сен шикор чоғи ёнимдан бир қарич ҳам узоқлашма, укамнинг ҳар бир ҳаракатини кузат.

Овдан қайтишгач, жиловдор қасамини унутди, бевафолик қилиб, хиёнат кўчасига кирди. Амирдан эшитганларини унинг шубҳаси остидаги укасига баён қилди. Амирнинг укаси бу чақимчиликдан қувониб, унга суюнчи берди.

Амир укасини йўқ қилишга улгурмай, ўзи вафот этди. Ука тахтага ўлтириши ҳаманоқ жиловдорни ўлимга ҳукм қилди. Жиловдор зору тазарру қилавергач, мақсадини аён қилди:

– Бировнинг сирини фош қилишдан, чақимчиликдан ёмонроқ гуноҳ йўқдир. Акам сенга ишониб сирини айтди, сен хиёнат қилиб, сирини фош этдинг, менга келиб чақдинг. Акамга вафо қилмаган одам менга вафо қилармиди? Ана энди чақимчилигининг мукофотини олавер...

Нима учун «чақимчилик» ёки «чақмачақарлик» деймиз, ўйлаб кўрганмисиз? Менимча, бу сўз «чақиш» феълидан олинганга ўхшайди. Яъни, чақимчилик илоннинг чақишига ўхшатилаяптими? Ахир илон заҳар солиб, инсонни ўлдирса, чақимчи инсоннинг бахтини ўлдиради. Айрим ҳолларда чақимчилик орқасидан қотиллик ёки бошқа оғир жиноятлар рўй бериши мумкинлигини тарих кўп кўрган. Шу боис Саъдий Шерозий ҳазратлари бу иллатга «уруш икки тан ўртасида олов, чақимчи ўтин ташигувчи мохов» деб таъриф бериб ёзганларки:

*Эрур ҳаммадан ҳам чақимчи ёмон,  
Унингдек разил кўрмадим ҳеч қачон.  
Бузуқ фикру нодонлиги бирла ул,  
Бузар икки дўст ўртасини бўлиб жону дил,  
Уятга қолур ўртада ул разил.*

Яна ёзганларки:

*Чақимчи яна эски кек қўзгатар,  
Ювошган кўнгилни газаблантирар.  
Сен унга яқинлашма мумкин қадар.  
Ки ўлган илон бошини қўзгатар.*

Чақимчидан ҳамма ёшдаги одамлар ҳазар қиладилар. Ҳатто болалар ҳам бундай иллатли ўртоқларига «қулоқ» деб лақаб қўйиб оладилар. Болалигимизда ўқитувчига яхши кўринишга уринган чақимчини «Чақмачақар – олов ёқар, томга чиқиб битини боқар», деб калака қилардик. Жиноят оламида, айниқса, ўғрилар даврасида чақимчига «қанжиқ» деган тамға босилиб, ўлимга ҳукм қилинади.

Энди чақимчиликнинг оилаларимизда тутган ўрнига яна бир бор диққат билан разм солайлик: аслида, чақимчилик кўп ҳолларда яширин равишда амалга оширилади. Лекин муҳтарама оналар бу иллатга нечоғлик боғланганларини ошкора намойиш этиб, фарзандларига салбий томондан ўрнак бўладилар.

Диққат қилайлик: болалар шўхлик қилганда оналар уларни нима деб қўрқитадилар? «Ҳали қараб тур, аданг ишдан келсинлар, бир **чақиб берайин**, бир адабингни берсинлар...» Бундай пўписалар деярли ҳар бир оилада янграб туради. Афсус шуки, пўписалигича қолмайди, чақмачақарлик амалга оширилади. Бу чақимчиликнинг икки айби бор: аввало ота ва бола орасидаги меҳр ўрнида қўрқув кўз очади. Аввалроқ айтганимдек, бола отасининг ишдан қайтишини соғиниб эмас, қўрқув билан кута бошлайди. Иккинчидан: чақмачақарлик туфайли жазо олган бола онгида қандай ҳис уйғонади, ўйлаб кўрмаганмисиз? Эҳтимол, ёмон кўрган одамидан чақмачақарлик ёрдамида қасос олиши мумкинлигини шу жазодан кейин кашф этар? Бола икки ёки уч ёшлигида опаси ёки акасини ота-онасига чақади. Чақимчилиги учун жазо оладими ё мукофотми? Кўп ҳолларда мукофотланади. Болалар мана шундай тарбия билан улғаяр экан, вояга етганларида уларни чақимчиликдан қайтариш мумкин бўлармикин? Бу иллатнинг оила доирасидан чиқиб, илдиз отиб, жамият офатига айланишига мутлақо йўл қўймаслигимиз зарур.

### **УЧИНЧИ БОБ**

#### **«БУ МЕНИНГ ОНАМ!»**

Фарзандининг келажакдаги ҳаёти ҳаловатли бўлишини истаган ота-она уни ҳасад касаллигидан ҳимоя қилиб бориши керак. Одам ҳамини яширадиган, яширишга уринадиган иллат – ҳасаддир. Ҳасад – бирон танишининг, ҳамкасбининг ёки яқин қариндошининг муваффақияти, ютуғи учун тутилган азадир. Ҳасад иллоти билан касалланмаган одам йўқ. «Менда ҳасад йўқ», дегувчи одамнинг гапига эҳтимол, сиз ишонарсиз, бироқ мен ишонмайман. Ҳасад ҳаммада бор. Билмадим, миянинг қайси бир ҳужайрасидами ё юракнинг бирон бир томиридами, ҳар ҳолда жойлашиб олган бўлади. Ҳасад – шайтоннинг энг ишончли қуроли. Ким: «Ҳасад менда ҳам бор, аммо бош кўтаришига йўл қўймайман. Ҳар нафасда у билан олишаман, менга ҳукм ўтказмаслик чораларини кўраман», деса гапига ишонаман ва уни шарафлайман. Аммо не фожиаки, биров ҳасадга юрагининг тўридан жой бериб қўяди. Не бахтки, бошқа бировнинг вужудида писиб ётган ҳасад эркин нафас ололмайди – ақл бўғиб туради. Демак, ақл ожизланса, ҳасад кучга киради. Минг йиллардан бери одамзотга бу борада маълум бўлган ҳақиқат шуки, ҳасад бахтнинг эговидир, у давлатни ҳам, иззат-ҳурмат, шуҳрат чаманини ҳам нобуд қилади. Шунини яхши англаган одам ҳасаднинг қалбига кириб боришига йўл қўймаслиги керак.

Ҳасад Одам Атонинг ўғли Қобилдан қолган энг разил одатдир. Биласиз, ҳасад туфайли Қобил укаси Ҳобилни ўлдирди. Одамзот тарихидаги биринчи қотиллик ҳасад туфайли бўлди.

Ҳасад кишининг гўдаклик чоғида туғилади. Агар киши ўзидаги ҳасад ўтини ўчира олмаса, одамлар ундан нарига қоча бошлайди-

лар. Ҳасадгўйлигини яширмайдиган одам хавфли эмас, балки ўта усталлик билан яширувчи кимса ҳар бир жон учун хатарлидир.

Бировдан эшитдим: аканинг «Матиз» автомобили бор экан. Ука акасига ҳавас қилиб худди ўша рангдаги уловдан олибди. Ўша кундан бошлаб, аканинг уйида ғалва бошланибди. Хотин: «Буни сотиб, «Нексия»га ҳаракат қилинг», деб қийин-қистовга олибди. Оилаларда бунақа ғалвалар тез-тез учрайди, тўғрими? Кичик овсин катта овсини бўйнида тилла безак кўрса, ҳасад оловидан бўғила бошлайди. Қиз янгасининг бармоғида янги узукни кўрган нафасда, ўзининг ўн бармоғи учун йигирмата тилла узуги бўлса-да, ҳасаддан ёниб кетаверади.

Бир оилада тутай бошлаган ҳасад ўти вақтида ўчирилмаса, аланга олиб атрофга тарқайди. Бу ўт жабрини бир киши эмас, балки кўпчилик тортади. Ҳасад шундай ўтдирки, агар тутаса, ҳўлу қуруқ баравар ёнади. Ҳасаддан оиладаги катталарнинг ўзлари жабр чексалар майли эди, бу иллатни фарзандларига ўзлари юқтирадилар. Ҳасад туфайли уйғонган жанжаллар, гап-сўзлар боланинг қулоғига кирмайдими?! Қайсики ўсмир ҳасад туфайли жиноят кўчасига кириб қолган бўлса, ота-она бу иллатнинг илдинини кўчадан эмас, ўзининг уйдан қидирсин.

Айтадиларки, бир-бирига ҳамроҳ бўлиб, уч киши сафарга чиққан эди. Ёши улуғроғи қолган иккисига деди:

– Сизлар нима сабабли ўз ватанларингиз роҳатидан кечиб, сафар қийинчиликларини ихтиёр этдингиз?

Бири деди: «Мен иши юришаётган одамларга ҳасад қилиб, уларни кўра олмасдим. Ўйлаб-ўйлаб, оз вақтга бўлса-да, ватандан чиқиб кетсам, кўра олмайдиган нарсаларни кўрмай кўя қолсам, деган қарорга келдим».

Иккинчиси деди: «Мен ҳам шу сабабдан мусофирликни ихтиёр этдим».

Савол сўраган сайёҳ ҳам қалбини куйдираётган ҳасад олови туфайли даштга чиқиб кетганини айтди.

Учала ҳасадчи топишганларидан қувониб, бошлари оққан томонга қараб равона бўлдилар. Йўлда бир ҳамён олтин топиб олдилар. Олтинни теппа-тенг бўлиб олишга қарор қилдилар. Лекин ҳар бирининг юрагидаги ҳасад ўти кучга кириб, бошқасининг улушига кўз олайтира бошлади. Бир кечаю бир кундуз жазирама биёбонда оч, ташна ва уйқусиз ҳолда жанжал қилдилар.

Подшоҳ овга чиққан эди, эртаси кун маҳрамлари билан шу ердан ўтиб қолди. Уч ҳасадчини кўриб, ҳол-аҳвол сўради. Улар бор гапни айтиб бердилар:

– Биз учовимиз ҳам ҳасад ўтида куйиб-ёнамиз. Шу сабабдан ватандан жудо бўлган эдик. Мана энди топиб олган олтинимизни тақсимлашда орамизда низо чиқди. Бу олтинларни инсоф юзасидан тақсимлаб берувчи одамга муҳтож бўлиб турганимизда марҳаматли ва одил шоҳимизнинг ўзлари келиб қолдилар. Энди умидимиз сиздан, олампаноҳ.

Подшоҳ деди: «Адолат бўлишини истасангиз, аввал ўзларингизнинг қай даражада ҳасадчи эканингизни менга сўзлаб беринг. Олтинни ҳасадингиз даражасига қараб тақсимлайман».

Подшоҳнинг бу шарти уларга маъқул келиб сўз бошладилар. Бири деди: «Менинг ҳасадим шу даражада кучлики, ҳеч вақт бировга эҳсон ҳамда шафқат қилишни ва бирон кишининг хушвақт бўлишини хоҳламайман».

Иккинчиси деди: «Шуни ҳасад деб юрибсанми?! Бу ҳасаднинг арзимас бир учқуни-ку! Биров бировга молидан эҳсон қилса ҳам, менинг жоним чиқиб кетади».

Учинчиси деди: «Икковинг ҳам ҳасаддан бебаҳра ва бенасиб экансанлар. Менга биров яхшилик қилса, ўзгаларга ҳам яхшилик қилар экан, деб куйиб кетаман».

Подшоҳ буларнинг ичи қоралигига ҳайрон қолиб, деди:

– Сўзларингизга қараганда, бу олтин учовингизга ҳам ҳаром. Сизларнинг ҳар бирингизга ҳасадингиз даражасига қараб олтин эмас, жазо бериш керак. Бировга бир нарса эҳсон беришни хоҳламаганнинг жазоси шуки, уни бадном қилиб, дунё неъматларидан маҳрум этмоқ керак. Бировга бировнинг эҳсон қилганини кўролмайдиган одамни ўлдириб, ундан қутулган яхши. Ўзгага ҳам, ўзига ҳам ҳасад қилувчи одамни дунёдаги барча азоб турлари билан қийнаб, жонини олиш зарур.

Подшоҳ амри билан биринчи ҳасадчининг оёғидан осдилар. Иккинчисининг бошини кесдилар. Учинчисининг баданига заҳар суртиб офтобга қўйдилар.

Ҳасад давосиз дарддир. Ҳасадчи ҳамиша бировнинг шодлигидан ғамнок, роҳатидан аламнок бўлади. Ҳасад шундай ёмон иллатки, унинг касридан одам ўзига ҳам яхшиликни раво кўролмай қолади. Бошқаларнинг бахти ва саодатини кўролмаган ҳасадчи доимо қайғу-алам остида бўлади. Арасту ҳаким деганларки: «Дунёда ҳаммадан кўра ҳасадчининг юки оғирдир. Чунки у бечора бахтли одамларни кўролмай, ҳасад туфайли келадиган ҳамма қайғу-аламлар юкини ўз устига ортиб юради». Ўзгаларнинг яхши турмушлари унинг юрак-бағрини ёндиради.

Ҳасадни тарк эта олган кимса эса тинчланиб, роҳатланади. Фозил Асмаий бир юз йигирма ёшга тўлган кишидан узоқ умр кўриш сирини сўрадилар. Қария айтди: «Бунинг беркитадиган сирли ери йўқ. Мен умрим давомида ҳасад ва кинчиликдан парҳез қилдим». Агар ҳасаднинг бировни эмас, ҳасадчининг ўз танини куйдириши ва қайғусини орттиришини ҳисобга олсак, бу иллатдан парҳез қилган кекса отахоннинг ҳаётларини ўзимизга ибрат қилиб олган бўлардик. Агар юрак сиқилишининг сабаби қалбдаги ҳасад ўти бўлса, дори-дармонга пул сарфлашнинг ҳожати йўқ. Ўша киши ҳасаддан тийилса бас, тез орада шифо топиб, юраги сиқилмайдиган бўлади.

Барчамиз учун тарбия асоси бўлган Қуръони каримнинг, хусусан, Нисо сурасидаги ояти кариманинг маъно таржимасига

диққат қилайлик: «Аллоҳ бирон неъмат билан бирингизни бирингиздан ортиқ қилиб қўйган бўлса, сизлар уни ҳасад ва адоват билан орзу қилманг. Эр кишилар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир, аёллар учун ҳам қилган меҳнатларидан насиба бордир. Ҳақ таоло ўз ҳикмати ва тадбири билан ҳар кимга лойиқ ризқни муқаддар қилган. Сизлар бировларга берилган неъматларга кўз олайтириш ўрнига Аллоҳнинг фазлу марҳаматидан файз-баракот ва ризқ-рўз сўранглар».

Демак, бир кишининг кўпроқ молини кўриб ҳасад қилмаслик барчага вазифа қилиб қўйилапти. Инсон кўп жиҳатда ўзидан афзал шахсни кўриб, унга ҳасад қилади, деймиз. Шунга кўра, гўё камбағал бойни кўролмайди, деган фикр тўғрига ўхшаб қолади. Аслида ундай эмас. Кўп ҳолларда бой бойни кўролмайди. Ҳасадгўй ҳар қанча бой бўлса-да, кўзлари бировнинг молида бўлади. Худди мана бу ҳикоятдаги каби:

Қадим замонда Бағдод шаҳрида хасислик ва ҳасад дардига мубтало бир бойнинг ахлоқли, тарбияли қўшниси бор эди. Унинг бойлиги кўп эмас, аммо саховати билан ном қозонган, эл қошида иззат ва ҳурматга эга эди. Ҳасадчи бой бунга асло чидолмасди. Барча ҳасадгўйлар сингари у ҳам айбсиз одамни кўрганида жаҳли чиқаверарди. Қўшнисининг хато қилиб қўйишини интиқ кутарди, фазилатларига тоқат қила олмасди. Қўшнисининг обрўсини тўкишга, халқ назаридан туширишга ҳарчанд ҳаракат қилса ҳам муддаосига етолмасди. У нодон чексиз алам ва ситамлари ўзидаги ғаразгўйликнинг меваси эканини фаҳм этмасди. Душманига азоб беролмай, ҳамма вақт ўзини ўзи азоблаб яшарди. Ҳасад ўтида ёна-ёна охири бир шумликни кўнглига тугиб, қул бозорига борди-да бир ёш йигитни сотиб олди. Икки-уч ой уни яхши еб-ичириб, лутфу карамлар кўрсатиб, меҳрибонлик кўрсатган бўлди, кейин мақсадини унга аён қилди:

– Меникида яшаётганингдан бери қандай яхши одам эканимни билиб олгандирсан. Мен сенга яна бир улуғ яхшиликни ният қилиб турибман. Айтганларимни бажариб, ҳожатимни чиқарсанг, сени озод қиламан, қўлингга олтин тангалар бераман. Шу туннинг ўзида бошқа шаҳарга жўнайсан ва фароғатли ҳаёт кечира бошлайсан.

Қул хожасининг хизматини сўзсиз бажаришга тайёр эканини билдирди. Бундан бой қувониб, режасини баён қилди:

– Билгинки, қўшнимнинг дастидан тўйганман. Уни кўрсам, ичим ёниб кетаверади. Қўшнимга нисбатан яхшироқ бўлсам ҳам, атрофдагилар нима учундир уни қадрлашади. Унинг ёмонлигини исботлашга, шу орқали шикаст етказишга кўп уриндим, лекин натижа чиқмади. Биргина чора қолди: шу тун иккимиз қўшнининг томига чиқамиз. Сен мени шу томда сўйиб ўлдирасан. Эрталаб жасадимни қўшнининг томида кўрганлар унинг ваҳшийлигига ишониб зиндонга ташлашади. Ундан нафратланишади. Мол-мулки эса талон-тароҷ бўлади.

Шундай деб озодлик varaғи билан олтинни қулининг қўлига тутқазди.

Қул хожасининг бу гапларини эшитиб, таажжубдан қотиб қолди. Хожасининг гаплари чинлигига аввалига ишонмади.

– Хожам, бу тадбирингиз ғалати-ку? – деди у. – Ўлганингиздан кейин қўшнингизнинг обрўси тушиши ёки тушмаслигидан сизга нима фойда? Ақлли одам бундай аҳмоқликка рози бўлмайди.

Ҳасадчи сахий бўла олмайди, хасиснинг ҳасадсиз яшай олмаслиги эса аниқ: қул ҳар қанча насиҳат қилса ҳам бой кўнмади. Бой: «Агар талабимни бажармасанг, қўшнимни ўлдираман-у сени қотил деб жазога топшираман», деб кўрқитгач, амрини бажарди – хожасининг ўлигини қўшни томига ташлаб, ўзи Исфaxonга жўнаб кетди.

Эртаси куни қўшнини зиндонга ташладилар. Қотиллиги асосли далиллар билан исботланмагани учун жазо бериш кечиктирилди. Бу орада бойнинг бошқа қўшниси савдо важдан Исфaxonга бориб қолди. Хожаси берган тиллардан фойдаланиб тижорат юритаётган қул у билан тасодифан учрашиб қолиб, Бағдоддаги янгиликлар билан қизиқди. Томдаги қотиллик ҳақидаги гапни эшитиб деди:

– Бу ишда покиза қўшнининг ҳеч айби йўқ. Хасис ва ҳасадчи бойни ўзининг қистови билан мен ўлдирганман, – деб барча воқеаларни бир-бир баён қилди.

Қулнинг гаплари қоғозга туширилиб, икки гувоҳ имзоси билан тасдиқ этилгач, қўшни уни Бағдод ҳукмдорига етказди ва бегуноҳ одам озод этилди.

Бу ҳикоятдаги бойнинг ҳасад қурбони бўлишини рамзий маънода ҳам тушуниш мумкин: ким юрагида ёна бошлаган ҳасад ўтини ўзи ўчира олмаса, шу ўтда куйиб ўлади. Бунинг рамзий маъноси бор: ҳасадгўйлиги туфайли тухматчиликни ёки иғвони, ё фитнани касб қилган одам мақсадига етишиш учун энг азиз нарсасини ҳам қурбон қилиб юборади. Ўз жонини қурбон қиляптими ё боласиними – фарқи йўқ унинг учун. Бизга муҳими, шундай разилликлардан қайтмайдиган одамдан ниҳоятда эҳтиёт бўлишимиз керак. «Бунақа воқеаларни ҳаётда учратмаймиз», деяпсизми? Ҳа, тўғри, учратмаймиз. Лекин ҳасадгўйлиги учун элнинг назаридан қолиш – тириклайин ўлиш эмасми? Ҳазрат Навоий дедиларки: «Ҳасадчи – бемор, балки ҳалокатли дардга гирифтор. Бидъатчи ўз динидан узоқда, ҳасадчи ўз феълидан азобда».

Инсонларнинг қўлидагига ҳасад қилмайдиган кишининг кўнгли роҳатда бўлади. Ҳасад қалбни, ахлоқни ўлдиради. Одам танаси турли сабаблар билан ўлади. Ўлимга сабаб бўлувчи касаллик турлари кўп, фалокат турлари ҳам кўп. Қалбни ўлдирадиган иллатлар ҳам турли-туман. Шулардан бири, балки асосийси, ҳасаддир.

Бир донишмандга дедилар:

– Атрофингизда ҳасадчилар кўплигини биласизми?

– Биламан, – дедилар.

– Билганингиз ҳолда уларга қарши нечун курашмайсиз? – деб ажабландилар.

– Ҳасадчилар – хастадирлар. Касал одамга қарши курашайми?

Киши астойдил истаса, вужудида гимирлаётган ҳасадни енгишга ўзида руҳий-маънавий куч топа олади. Бунинг учун ҳушини олаётган,



ҳасадни уйғотмоқчи бўлаётган нарсалардан ўзини баланд қўйишга ҳаракат қилса бас. Бир синглизмига овсинларининг қулоғидаги олмос кўзли тилла зирак тинчлик бермаяптими? Ўйлаб кўрсинлар, шу зираксиз ҳам яшаш мумкин-ку? Нима учун шу матоҳни деб юракни сиқиш керак? Дунёда неча миллиард аёл шу матоҳсиз яшаб юрибди-ку? Бу синглизмига деймизки: бошқалар сизга ҳавас қилсин. Ақлингизга, тафаккурингизнинг бойлигига ҳавас қилишсин. Тилла матоҳсиз яшаш мумкин, ақл бойлигисиз яшаш жуда мушкул.

Бир дўстингизни кўчада кўриб қолдингиз: янги «Шевролет»да кетаётган экан. Яна ҳасад ғимирлаб қолдими? «Мен ундан ақллироқ эдим, яхши ўқиган эдим...» деган фикрлар юрагингизни ўртай бошладими? Олдин билинг-чи, ўша дўстингиз аслида бахтлимикин? Эҳтимол, бойликка муккасидан кетиб, оила бахтини қўлдан чиқаргандир? Сиздай ақл эгасининг ҳасад ўтида куйиши яхши эмас. Майли, агар автомашина орзуси сизни тинч қўймаётган бўлса: «Худойим, шу нарсани унга берибсан, менга ҳам насиб эт», деб сўранг. Ҳасадни ҳавасга айлантинг. Энг яхшиси – «Раббим, мени бу нарсаларга қул қилиб қўйма, бойлик бермасанг майли, машина бермасанг майли, лекин оилам бахтини бер!» деб муножот қилинг. Яна билингки, вақти-соати етганда киши лаҳадга тилла зираксиз, «мерседес»сиз қўйилади. Жаннат боғларига ҳам зеб-зийнатлар тақиб, қимматбаҳо «Лимузин»да кириб борилмайди.

Табобатдан чуқур билимга эга бўлмасангиз ҳам биларсиз, арзимаган деб ҳисоблайдиганимиз шамоллаш ҳам ўзидан жиддий асоратлар қолдиради. Ё ўпка ёки буйрак каби аъзоларни жиддий дардга рўпара қилиб қўяди. Ҳасад ҳам шунақа. Киши арзимаган нарсага ҳасад қилади-ю, жиддий иллат қулига айланганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳасадни енга олса, демак, бошқа иллатларни ҳам маҳв эта олади. Тўғрироғи, бошқа иллатларнинг бош кўтаришига йўл бермайди. Табобат тили билан айтганда, шамоллашни яхшилаб муолажа қилса, ўпка ҳам тинч, буйрак, юрак ҳам тинч ва саломат.

Сўфий Оллоҳёр бу хусусда ёзганлар:

*Ҳасад этган киши дуну дағалдур,  
Бу сўз бир халқ аро эски масалдур.*

Дейилмоқчики: ҳасадчи киши ёвуз бир пасткашдир. Бу сўз эскидан бор бир масалдир.

*Мусулмонега ҳеч бўлма муқобир,  
Борур жой бир эрур, э нафси жобир.*

Дейилмоқчики: мусулмон кимсага такаббурлик қилма. У азиз кимса бўлса, итоат қил. Кўнгилдан ҳасадни чиқар. Зеро, азиз ва мартабали кишига бировнинг ҳасади қанчалар кучли бўлгани сари, унинг иззати ва мартабаси яна ҳам ошар. Буни уққин, эй ўзига зулм қилувчи инсон!

Дўстларнинг ҳасади душманнинг хусуматидан ёмонроқ ҳисобланади. Набий муҳтарам дедилар: «Диндошинг бошига тушган балодан севинма! Чунки Аллоҳ уни халос қилиб, ўша балога сени гирифтор қилади». Ким ўзгаларни қийнаётган дардга мубтало бўлишни истаса, дўсти бошига тушган кулфатдан қувонаверсин. Ҳа, ўзганинг кулфатидан қувониш ҳам ҳасаднинг бир кўринишидир.

Бунақа гуноҳкорларни узоқлардан қидирмайлик, ён-атрофимиздаги оилаларда ҳам кўп учратамиз. Кундошларни қўя турайлик, ҳатто бошқа-бошқа ҳовлида яшовчи овсинларнинг қулоқлари ҳаминша «динг» туради. Эр-хотин ўртасида ғавфо чиқса, овсин қалбида тантана бошланади. Келин эридан сўкиш эшитганда, қайнона чапак чалиб ўйнагиси келади. Бунга аёлларгагина хос касаллик десак, бировнинг қамалганидан қувонадиганларни нима деймиз? Ўзингиз айтинг, қалблари ҳасад дуди билан хиралашган кишиларда бирон мисқол виждон топилармикин?!

Шайхул машойих Жунайд Бағдодийнинг душманлари халифга арз қилиб: «Халқни буткул ўзига эргаштириб олди, чорасини қилмасангиз, ғафлатда қоларсиз», деб фитна қилдилар. Тахтга меҳр қўйган халифа **ҳасадчилар** фитнасига учди. Бироқ халқ эъзозидаги валийни бир ҳамла билан йўқ қила олмас эди. «Уни ҳужжатсиз даф қилиб бўлмас», деган қарорга келиб, **фитнани** ишга солди. Унинг уч минг тиллага сотиб олган ғоят гўзал канизаци бор эди. Уни ясантирдилар, кўнгилини қитиқлаб, фитнага сола олувчи хушбўй атирлар сепдилар.

«Жунайднинг олдига бор, унга юзингни кўрсат ва: «Эй Шайх! Менинг ҳеч кимим йўқ. Молим ҳам йўқ. Мен кўнглимни дунёдан уздим. Сендан тиларманки, мени хизматкорликка ва қариндошликка қабул этгин. Сенинг суҳбатингда тоат билан машғул бўлайин. Ҳаргиз бу кўнглим дунё аҳли билан қарор топмайди», деб айтгин», дедилар. Канизакнинг изидан бир хизматкорни кузатувчи қилиб юбордилар. Канизак шайхга салом берди. Ўтирди. Юзини очди. Жунайд Бағдодий беихтиёр бир қарадилар. Филҳол, бошларини қуйи эгдилар. Канизак ўргатилган гапларни тўлиқ айтди. Жунайд Бағдодий ҳазратлари бирдан бошларини кўтариб, бир «оҳ» тортдилар-да, канизакка қараб пуфладилар. Канизак шу заҳоти йиқилиб ўлди. Бу ҳодисадан хабар топган халифанинг жонига ўт тушди. Пиёда юриб, Жунайд ҳазратларининг ҳузурларига келди, узр тилади. Шайхул машойих дедилар:

– Сени «Амир ул-мўминин» дейдилар. Шафқатинг умум мусулмонларга ғолиб ва шомил (*умумга тегшли, кенг қамровли*) бўлмоғи лозим. Менинг қирқ йиллик тоатимни ҳадар (*бекорга чиқариш*) этмоқчи бўлдинг. Сенинг шафқатинг шу тарздамидир? Эртага халқнинг ҳузурида нима деб жавоб бергайсан?

Халифа шайх ҳазратларининг оёқларига йиқилди, кўп узрлар айтди...

Нодон ва жоҳил одамларнинг бир-бирлари билан дўст бўлиб кетишлари таажжуб эмас, аммо онгли ва фозил кишиларнинг

бир-бирларини кўролмай, душманликка боришлари таажжублигина эмас, афсуслидир. «Гадонинг душмани гадо бўлади», дейилганидек, олимнинг душманини ҳам олимлар даврасида кўрамизми?

Нега ажабланимиз? Ахир бу ҳасаднинг иши-ку?! Энди бир савол: ҳасадни енга олишга кучи етмаганларни доно дея оламизми? Олимлар ўз ғаразларини кўп ҳолларда «илмий баҳс» деган ниқоб билан тўсмоқчи бўладилар. **Олимлар орасидаги ҳасад жамият учун офатдир.**

«Ҳасад» сўзи бир иллатни англатгани билан унинг эшиклари кўп. Ғаззолий ҳазратлари шулардан еттитасини санаганлар: кибр, ўзига ром бўлиш, яхши кўрган нарсаларини йўқотишдан қўрқиш, мартабага муҳаббат, тубан нафс ва бахиллик. Ҳасад уйғотувчи ашаддий сабаблардан бири адоват, иккинчиси эса яхшилиқни кўролмасликдир.

Оила деб аталмиш муаззам сарой мунтазам равишда ҳасад зилзиласидан титраб турибди. Қамровни кенгроқ олиб мулоҳаза қилсак, инсоният ҳасаддан озор чекапти. Аҳиллик ва тотувлик билан тикланган не-не мустаҳкам қалъалар ҳасад туфайли емирилиб қулаяпти. Қариндошлар ётга, қўни-қўшнилар бегонага, дўстлар душманга айланиб кетяпти. «Ҳасаддан куйиб, адойи тамом бўлди», дейилганда рамзий маъно тушунилади. Лекин ўсмирнинг ҳасаддан ёниб кул бўлиши ҳақиқатга айланадиган ҳоллар ҳам учрайди. Ҳасад ўтига чидолмаган ўсмир ё ўзининг жонига қасд қилади ёки уйдан қочиб кетади. Фарзанд 13-14 ёшга етганда ўзи кўникиб қолган, роҳатланиб яшаётган болалик саройини тарк этади. Эркинликни истайди ва ўсмирлик даштига чиқади-ю, агар яхши тарбия олмаган бўлса, яхши ва ёмоннинг фарқига боролмаса, қаён бормоғини билолмай гангиб қолади.

Азизлар, суҳбатларимга тоқат қилиб, баёнларимни ўқиб, фойдаланишга уринаётганингиз учун сизга раҳмат. Биламан, насиҳат кўпайиб кетса, айримларнинг (айниқса ёшларнинг) энсалари қота бошлайди. Лекин на илож, ҳаётни нурлантирувчи фазилатлар, қора дудга кўмувчи иллатларни фарқлаб олишимиз керак. Умидворманки, бу гапларни қўлдан қўймай ўқиётгандирсиз? Лекин шошма-шошарлик билан ўқиш дуруст эмас. Ҳар бир суҳбатдан кейин бир оз ўйлаб, мулоҳаза қилиш лозим. Масалан, ҳасад ҳақида етарли маълумотга эга бўлганингизга ишонсангиз, энди ўйланг: кейинги кунлар давомида кимларга ва нима учун ҳасад қилдингиз? Ҳасад ўтини ёқишга сабаб бўлган нарса ёки воқеа юрагингизни сиқишга арзийдими ўзи? Ҳасад ўтининг алангаси қай даражада ва у неча кундан бери бағрингизни куйдирыпти? Бу ўтни ўзингизнинг идрокингиз, иродангиз билан ўчира оласизми? Фикримча, бунга қодирсиз. Фақат астойдил урининг. Ўзингизни ислоҳ қилиш баробарида фарзандларингизни кузатинг: уларга юқтирганингиз ҳасад иллати авж олмаётими? Фарзандингиз ўсмир ёшига етганида ҳасад чўғи аланга ола бошлайди. Ота-она ўзини куйдираётган ҳасад оловини ўчирмай туриб, фарзандини ямлаб юта бош-

лаган ҳасад алангасига қарши бирон чора кўра олмайди. Ота ва она унутмасин ва фарзандлари онгига сингдирсинки, ҳасад ва рашкдан ҳеч ким фойда кўрмаган. Аксинча, эл орасида хору зор бўлиб эътибордан четда қолган.

Баъзи эгизакларнинг бир-бирларига ёпишган ҳолда туғилганларини телевизорда кўрган бўлсангиз керак. Одамийлик фазилатларининг зидди бўлган иллатлар ҳам шунга ўхшайди: бир-бирига ёпишиб кетган. Бири бор жойда иккинчиси, учинчиси... ҳам юз очади. Фарзанддаги ёлғончилик, чақимчилик каби иллатларни даволаш учун ишни ҳасад ва рашк хасталигини муолажа қилишдан бошлаш керак.

Ҳар бир оилада ўзаро рашк бўлади. Аслида рашкнинг бўлгани ҳам яхши. Чунки улуғларимиздан Сўфий Оллоҳёр айтмоқчи:

*Жамиъ жонворлар тушса кўзга,  
Ҳамийятлик бўлур тўнғиздин ўзга.*

Дейилмоқчимки, барча ҳайвонларда ҳам рашк бор, фақат тўнғизда йўқ, модасини қизганмайди.

Агар рашк бутунлай бўлмаса, эркак тўнғиз табиатли ҳисобланаркан. «Қобуснома»да: «Ғайрат мардин (ҳақиқий рашкни) бажо келтурғил. Беғайрат кишини киши демағил», дейилади. Демак, рашк керакли фазилат экан. Бироқ рашк ўти ҳаддан зиёд аланга олса, иллатга айланади. Эр хотиннинг ёки хотин эрнинг ҳар бир қадамини кузатаверса, орада ишонч йўқолади. Ишонч йўқолган уйдан файз кетади. Шу туфайли арзимаган нарсадан жанжал чиқаверади. «Бошқасини топганга ўхшайсиз-да, менинг ҳамма ишларим кўзингизга ёмон кўриниб кетяпти», дейди хотин. «Битта-яримта хушторинг борми, пардозларинг бошқача бўлиб кетяпти», дейди эр. Қарабсизки, яхшиликка хизмат қилиши керак бўлган рашк оилани бузишга олиб келади.

«Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфиқроқ бўлур ва сенга ундин дўстроқ киши топилмас. Агар унга ғайрат кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар қилиб бўлмас». Кайковуснинг бу панди рашкни меъёрдан ошириб юборадиганларга ибрат бўлиши лозим. Агар эр хотинига рашкни ошириб, уни айблайвермаса, хотин унга ўз ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлар экан. Меъёрдан ошса, душмандан ҳам баттарроқ душманга айланар экан.

Бир оиланинг бузилишига сабаб бўлган воқеани айтиб беришган эди. Уйга эрнинг дўсти меҳмон бўлиб келган. Хотин хизматда. Эрнинг кўзи пойабзалларга тушади. Қарасаки, меҳмоннинг туфлиси ёнида хотинининг калиши турибди. Хотинини чақиради: «Нега калишинг унинг туфлиси ёнида туради?» Хотин, турган гапки, бунга эътибор бермаган. Шунда эр бошқачароқ даъво қилади:

«Нима учун сенинг калишинг унинг туфлисига кулиб қараяпти!» Бу ҳолат сизга тентакнамо бўлиб туюляпти, а? Албатта, бу аҳмоқона рашкнинг кўриниши.

Баъзилар эҳтимол «Рашк фақат катталарга хос иллат», десалар янглишган бўладилар ва бола тарбиясидаги энг муҳим йўналишни четлаб ўтадилар. Ҳолбуки, боладаги рашк ҳасад, ёлгончилик, чақимчилик иллатларидан олдинроқ, ҳали эмакламасидан, тили чиқмасидан олдинроқ уйғонади. Буни биз «Онасини қизғаняпти» ёки «Ғайрилик қияпти» дейишга ўрганганмиз. Аслида бу рашк туфайли уйғонган қизғанишнинг дастлабки босқичларидан бири. «Рашк» ва «қизғаниш» атамаларининг маъноси бирдек кўринади, лекин бола улғайгани сайин қизғанишнинг янги кўринишлари пайдо бўлади. Рашкни одамга нисбатан, деб англасак, қизғаниш буюмга нисбатан ҳам бўлади. Онасини акаси ёки укасидан қизғаниш бошқа, рангли қаламларини қизғаниш бошқа-бошқа нарса. Лекин буларни бирлаштириб турадиган илдиз бор. Бу илдизнинг номи: «МЕНИКИ» деган тушунча: «онам меники», «қалам меники»...

Келинг, сиз уйда унча эътибор бермайдиган айрим воқеаларни бирга эслайлик:

Бола эмаклай бошлаганда унинг ҳаракатларини чеклаш учун «Манеж» деган доира тўсиқни ўйлаб топишган. Тўғри, бу оналар учун қулайлик туғдиради. Лекин тўсиқдан чиқишга уринаётган гўдакни кўрганимда юрагим эзилади. Тасаввур қилинг: манежда гўдак қўғирчоқ ўйнаб ўтирибди. Сиз унинг онасини кучиб, «Бу менинг ойим», десангиз, боланинг феъли ўзгаради. Аввал нажот излаб, кўзлари жавдирайди. Ўрнидан туришга интилади. Сўнг ўзининг чорасиз эканини англаб, бақириб йиғлай бошлайди. Мана шу ҳолат ундаги рашкнинг кучини кўрсатади. Сиз буни билиб туриб, унинг гашига тегдингиз, унинг рашкидан ҳузурландингиз. Агар гўдакнинг 3-4 ёшли акаси онасига эркаланса ҳам, худди шу ҳолат такрорланади. Агар 2-3 ёшли гўдакнинг рашкини уйғотмоқчи бўлсангиз, у энди бақирмайди, қўлида ўйнаб ўтирган нарсани сизга отади. Шу гўдак ўзининг ака-опасидан ҳам, ҳатто жажжи чақалоқ укасидан ҳам онасини қизғанади. Ака-опаларининг сочидан тортиши, юмдалаши, тишлаши, қўлига илинган нарсани отиши мумкин. У ҳатто чақалоқни ҳам аямайди. Боладаги рашк шундай – бошқариб бўлмайдиган куч ҳисобланади. Энг ажабланарлиси шуки, боладаги рашк кучли муҳаббат туфайли уйғонади. Баъзилар боладаги рашк укачалари туғилганда уйғонади, деб янглишишади. Оиладаги ёлғиз фарзандда ҳам кучли рашк бўлади. Онанинг вақтини, эътиборини ўзига тортадиган ҳар бир нарса болада нафрат уйғотади.

Бир оилада тўнғич фарзанд 16 ойли бўлганда укачаси туғилди. Дастлаб уни қўғирчоқ деб ўйлаб, ўйнагиси келди. Қимирлаганини кўриб, қўрқди. Сўнг онасига ўхшаб эркалагиси келди. Эмаётган укачасининг бошини силади. Она тўнғичида укасига нисбатан меҳр уйғонганидан қувониб, «Солижоннинг укаси ширингина, асалгина...» деб эркалашни бошлагани ҳамон, тўнғичидаги меҳр сўнди.

Силашдан тўхтаб, чақалоқнинг бошига мушт туширди. Орадан уч ҳафта ўтиб, она фарзандларини сайрга олиб чиқиш мақсадида аввал кичигини, кейин каттасини аравача (коляска)га ўтқазди. Бошига рўмол ўраш учун бир зум чалғиди-ю, кейин қўрқиб кетди. Каттаси чақалоқни суриб, аравачадан туширмоқчи бўларди. Ҳали икки ёшга тўлмаган гўдак аввалига онасини рашк қилаётган бўлса, энди ўзининг аравачасида чақалоқнинг ётишини истамади.

Бунга ўхшаган воқеаларни деярли ҳар бир оилада кўп учратамиз. Учратамизу аҳамият бермаймиз. «Улғайиб, эси кириб қолади», деймиз. Тўғри, етти ёшли бола укасини аравачадан суриб туширмайди. Лекин онаси эркалай бошлаганида уйғонган ғайирлиги, ғашлигини ичига ютади. Ота-она шуни эътибордан қочирмаслиги керак. Бола ҳатто ўсмир ёшида ҳам ота-онасининг меҳрига ёлғиз ўзи эгаллик қилишни истайди. Бунга эриша олмагач, уйдан совийди. Ота-она фарзандларининг неча ёшда бўлишидан қатъи назар, барчасига бир хилда меҳрибон бўлишга мажбурлар. Оила қуриш ёшига етган фарзандларнинг талабларига эътибор қилайлик. Иккинчи қизни узатаётган ота-она қандай муаммоларга дуч келади? Катта қизга қимматбаҳо гилам олиб, кичигига арзонроғини тортиқ қилган ота-она қандай маломатларга қолади? Уйланаётган йигит катта гилам олиб беришларини талаб қилибди. «Гиламни келин олиб келади», дейишса, «Менинг униси билан ишим йўқ, опамга бергансизлар, менга ҳам берасизлар», деб қайсарлик қилади. Бу ўринда молпарастлик рашк туфайли туғилган.

Опанинг ёши 25да, оилали, икки фарзанди бор. Ука 21 ёшда. Уйланмаган. Она қизи билан суҳбатда «Укангнинг тўйига атаб узук олиб қўйдим», деса, опа ўйлаб ҳам ўтирмай, «Нега сиз оласиз, ишлаб топган пулига ўзи олсин», дейди. Агар келинга қимматбаҳо совға қилинса, қайинэгачининг юрагида ҳасад ўти ёнади.

Баён қилинган воқеалар оила ҳаётидан. Энди боғча ва меҳрибонлик уйдаги воқеалардан бир шингил:

Янги йил арафасида Қорбобонинг совға улашиши кўп йиллардан бери одат тусига кириб қолган. Ўзимизда Қорбобонинг ўрнини боса оладиган эртак қаҳрамони бўлмагани учун, европаликларнинг одатлари бизга ҳам сингиб кетди. Мактаб ёшидаги болалар Қорбобога ишонмасалар ҳам, унинг иштирокидаги байрамда ўйнаб-куладилар. Боғчадаги гўдаклар орасида эса унга ишонадиганлар, совғасини орзиқиб кутадиганлар кўп. Болаларга шодлик улашиш истагида бўлган боғча тарбиячилари гўдаклардан: «Қорбобо сенга қандай совға олиб келсин?» деб сўрашади. Ширинтойлар хаёлларига келган биринчи истакни айтишади: бири машина, бири қўғирчоқ... Гўдакларнинг руҳий олами шундайки, икки соатдан сўнг сўрасангиз, «қўғирчоқ» дегани самолёт, «машина» дегани шоколадни хоҳлашини айтади. Боғча опалар энди ота-оналарни йиғиб, гўдакларнинг истакларини билдиришади. Ҳар бир ота-она фарзанди хоҳлаган совғани олиб беради. «Қорбобо» эса байрам куни уларни ўз эгаларига тарқатади. Сиртдан қарасак, яхши тад-

бирга ўхшайди. Лекин совға улашиш жараёнида қанча боланинг юраги эзилишини, ҳатто ўкинчдан йиғлашини нега сезмаймиз? Бадавлат ота-она азиз фарзандига қимматбаҳо совға олиб беради. Камчиқим оиланинг фарзандига битта коптокча ёки пуфак... Гўдакдаги ўкинч унинг қалбида ҳасад ўтини ёқади. Камситгани учун Қорбободан нафратланади. Сўнг зўр совға олган болани ёмон кўриб қолади. Ҳар куни гўдаклар орасида бўлувчи тарбиячи наҳот буларни фаҳмламаса?! Совға олиб келишни ота-оналарга юкламай, улардан пул тўплаб, барча болага бир хил ўйинчоқ тарқатгани яхши эмасми?

Меҳрибонлик уйига келган ҳомийлар энг катта совға – велосипедни ота-онаси йўқ етим болага тортиқ қилишди. Бу бола фақат етимлиги учун эмас, баодоблиги, яхши ўқиётгани учун бу мартабага лойиқ кўрилган эди. Отаси ёки онаси, қариндошлари бор болаларнинг кўнгли оғриди. Чунки аввалги сафар ҳам бу болага яхшироқ совға берилган эди. Бу велосипедни бола ўзиники қилиб олмайди. Меҳрибонлик уйида тургандан кейин ўртоқлари ҳам минишади. Шундай экан, бундай совғаларни алоҳида болага эмас, жамоага топшириш керак. Камина меҳрибонлик уйларига борганимда совға учун олволган китобларимни кутубхонага тақдим этаман.

Сиз азиз фарзандингизни кунда неча маҳал қучоқлаб, бағрингизга босиб ўпасиз? Уч ёшгача бўлган гўдакни ҳисобсиз равишда эркалаймиз. Бола улғая бошлагани сайин қучоқлаб ўпишлар ҳам камая боради. 10 – 12 ёшдаги боласини бағрига босиб ўпувчи онани, айниқса, отани кам учратамиз. Ҳолбуки, каттароқ ёшлардаги болаларда бу меҳрга эҳтиёж бор. Руҳшуносларнинг тавсияларига кўра, ҳатто ўсмир ёшидаги болани ота ва она ҳар куни камида саккиз марта бағрига босиб, ўпиши керак экан. Уч ёшли ширинчангизни ўпиб, эркалаётганингизда ўн ёшли фарзандингизнинг кўзларига бир қаранг-а, нималарни кўрар экансиз? Ота-она унутмасинки, фарзандни маҳкам бағрига босиб ўпаётган пайтда унинг қалбига кучли меҳр оқими қўйилиб келади. Агар қалби бирон ташвишдан эзилаётган бўлса, боласининг қувончдан тепаётган юрагидан руҳий қувват ўтади. Баъзилар нимадандир ранжиб, дунё кўзига тор кўринаётган пайтда боласига қарагиси ҳам келмайди. Бу унинг хатоси. Чунки айнан болани қучоқлаб, меҳр билан ўпиш уни бу руҳий зарбадан қутқариб қолиши мумкин.

Гўдак йиғлаётганида она (баъзан ота) уни дарров қўлга олиб, бағрига босса, бола йиғидан тўхтайдди, қувониб кула бошлайди. Америкалик олим Гарри Харлоу бир тажриба ўтказган. Янги туғилган маймун боласини онаси бағридан олиб, ясама маймунларга рўпара қилган. Кўкрагига сўрғич қўйилган қўғирчоқ маймунларнинг бири дағал матодан, иккинчиси ипақдан ясалган. Она маймуннинг ҳидини бериш учун у ер-бу ерига жониворнинг жунидан ёпиштириб қўйишган. Улар худди она маймун каби овоз чиқариб, ҳатто тебраниб ҳам ўтиришган. Маймунчани аввал дағал матоли қўғирчоққа рўпара қилишган. У сўрғичга талпингану, аммо

дарров чекинган. Ипак маймунни эса маҳкам қучоқлаб олган. Хулоса шуки, одам боласи ҳамиша онанинг иссиқ ва юмшоқ бағрига интилади, фарзандларни бу бахтдан бенасиб қилмаслик шарт.

Ўдакликда муолажа қилинмаган рашк йиллар ўтиб, фақат оилани бузишга сабаб бўлмайди. Қонли фожиаларни ҳам туғдиради. Фикримнинг исботи учун Навоий вилоятида содир бўлган бир қотиллик баёнини исмларни ўзгартирган ҳолда баён этаман: Аливой коллежда ўқишни бошлаган ҳафтасидаёқ учинчи босқичда ўқийдиган Насибани севиб қолди. Насиба ҳам ўзидан икки ёш кичик бу йигитчага кўнгил қўйди. Аливой илм олишга шошилмади, балки севгилисига тезроқ етишмоқ орзусида яшади. Унга «Аввал ўқишни битириб олайин», деган фикр бегона эди. Орадан ойлар ўтиб, у дилидаги зорини холасига баён қилди. Оила даврасидаги муҳокамада «Ҳеч бўлмаса бир йил кутиш керак», деган қарор ҳам кучга кирмади. «Фотиҳа қилиб турайлик, тўй кейинроқ бўлар», деган ниятда совчилар ишни пиширишди. Бундан қувонган Аливой дўстларига зиёфат берди. Отасининг чўнтаги бақувват бўлгани учун зиёфат дастурхони шоҳона эди. Аливойнинг дўсти Валижон ҳам Насибани бир кўришда севиб қолган, лекин оиласи бадавлат бўлмагани сабабли унга етиша олмаган эди. Аливойнинг бахти кулиб боққанига у чидай олмади. Ҳасад ўти бутун вужудини куйдириб ташлади, ақл кўзини юмдирди. Тўйни бузиш қасдида фитна ва туҳмат кўчасига кирди. Зиёфат авжга чиқиб, ичилган ароқ ақлдан бегона қилган онда Аливойга «дўстона» маслаҳат берди: «Сен сал шошдинг, жўражон, «Бахтлиман!» деяпсан-у, лекин енгилтак қизга уйланган йигит ҳеч қачон бахтли бўлмаган». Аливой: «Бунинг кайфи ошиб қолибди», деб гапларига аҳамият бермади. Валижон эса битта гап билан тинчий қолмади. Зиёфат тугаб, барча тарқай бошлагач, яна фитнани давом эттирди: «Ўзим ҳам икки марта қучоқлаб ўпганман!» дегач, Аливой ғазабига чидолмай, унга мушт туширди. Мушт зарбаси ҳам Валижонга таъсир қилмади. «Ўлдирсанг ҳам майли, жўражонлик ҳурмати учун тўғриси айт-япман, кейин афсусланасан, агар хоҳласанг, ҳозирнинг ўзида исбот қиламан», деб чўнтагидан телефон чиқариб, Насибанинг рақамларини терди. Фитнадан беҳабар бокира қизнинг овози эшитилиши билан: «Насиба, сен менга тегмоқчи эдинг-ку, ўпишганимиздан кейин ваъдалар берган эдинг-ку!» – деди. Бу гапдан гангиб қолган қиз нима қилишини билмай, «Аҳмоқ!» деди-ю, телефонини ўчириб қўйди. Аливой бу фитнага бир ишониб, бир ишонмай, боши айланиб қолди. Сўнг бир қарорга келиб, «Ҳозир юзма-юз қиламан, гапингни исботлайсан», деганича Валижонни бўйнидан чангаллаб, машинасига судради. Насиба уларни деразадан кўриб, аввалига уйдан чиқмади. Синглизи «Опамнинг бошлари оғрияпти» деса ҳам, Аливой изига қайтмади. Охири қўшниларида уялган Насиба кўчага чиқиб, икки бадмастга рўпара бўлди. Валижон ҳеч бир уялмай яна туҳмат гапини айтди. Бундан ғазабланган Аливой қизни қистовга олди. Насиба ўзини қанча оқламасин, Аливой ишонма-



ди. Кичик туҳмат билан қаноатланмаган Валижон қизнинг бокира эмаслигини айтгач, Аливой уни аввал муштлаб, кейин тепкилай кетди. Ура-ура хумордан чиқмади. Яна қизга ёпишди. Қаллиғига гап тушунтиролмай эзилиб кетган қиз «Ишонмасангиз, боринг, келган жойингизга кетаверинг», деб юборди-ю, ўша заҳоти кучли мушт зарбидан чайқалиб йиқилди. Жонҳолатда: «Уринг, ураверинг. Хоҳдасангиз ўлдилинг. Энди кўзимга кўринманг!» деб юборди. Йигитчанинг назарида қиз бу нидоси билан айбини бўйнига олгандай бўлди. «Кўзимга кўринманг», деб ҳайдашига эса чидай олмади. Машинасидаги пичоқни олди-ю, қизнинг кўксига санчди... Албатта, унинг қотил сифатида жазога ҳукм қилиниши табиий ҳол. Лекин Валижоннинг четда қолиши ажабланарли эмасми? Бу йигитча қотилликка шерик эканини англаганмикин? Виждони азоб берганмикин? Бермагандир. Чунки фитначи, туҳматчида виждон бўлмайди... Воқеа баёни билан танишгач, диққат қилайлик: ҳасад фитнани, сўнг туҳматни, сўнг рашкни туғдирди.

Бу жиноят тафсилоти билан танишгач, машҳур адиб Александр Ширвонзоданинг «Номус» романини эсладим. Мен баён қилган воқеа 150 йил муқаддам Кавказда содир бўлган фожиага ўхшаб кетади. Асардаги фитначи йигит қиз билан бирга бўлганини исбот қилиш учун унинг курагида хол борлигини айтади. Бу далилга ишонган эр номус азобидан келинчакни ўлдиради. Бу асар ўзбек тилига таржима қилинган бўлса-да, ёшлар билмаслиги мумкин. Лекин «Отелло» фожиасини кўпчилик билади. Бу каби асарларни ўқиш ёки кўриш шунчаки томоша эмас, балки ёшларимизга ибрат дарси бўлиши керак.

## **ТЎРТИНЧИ БОБ**

### **ДАРАХТ ҚУШНИ ТАНЛАМАЙДИ**

Руҳ камолоти йўлидаги зилзилалар, инсон майллари, тушунча ва тасаввурлари, эҳтиёж ва талаблари, изтироб ва қийноқлари, зиддиятлар ва мувофиқликлар, кураш ва ғалаба, йўқлик ва борлиқ, жисм ва жон... Одам боласининг ўзлик сари шаклланиши шулар каби сўқмоқлардан ўтади. Ҳар бир тушунча ҳар ёшда ўзига хос тарзда такрорланади. Масалан, эҳтиёж ва талабни ёки изтироб ва қийноқни ўн ёшли болада ҳам, ўн саккиз ёшли йигитчада ҳам қузатиш мумкин. Шундай экан, ўзликни англаш табиатнинг ўзи каби доимий ҳаракатдадир.

Файласуф олимлар ўзликни англаш жараёни ҳақида сўз юритишганда кўпинча динни танқид остига оладилар. Асли яҳудий ёки насаро, ё мусулмон бўлмиш олимларда ҳам буни учратамиз. Уларнинг фикрича, дин кишининг ўзликни англашида тўсиқ экан. Улар «Тақдири азал», яъни «Инсон тақдири ҳали туғилмасиданоқ белгиланган», деган ақидани юзаки тушуниб, танқид қиладилар.

Умар Ҳайём ҳазратларида шундай тўртлик бор:

*Ё Раб, лойимни-ку қорган ўзингсан,  
Ўриш-арқоғимни ўрган ўзингсан.  
Ёмонманми, яхши, мен нима қилай?  
Тақдир манглайини берган ўзингсан.*

Агар шундай фикрланса, боланинг жиноят кўчасига кириши ёки яхши инсон мартабасига етишмоғи – туғилмасиданоқ белгилаб қўйилган бўлиб чиқади. Яъни бола жиноятчи бўлиб туғилади, уни тарбиялашга уриниш шарт эмас. Шундайми? Йўқ, асло ундай эмас. Агар одам яхши фазилат ёки ёмон иллат билан туғилса, тарбия этмоқликдан фойда бўлмаса, Аллоҳ илоҳий китобларини туширармиди, пайғамбарларига «Бандаларимни тўғри йўлга бошлашга масъулсан» деб вазифа юклармиди? Ахир Таврот, Инжил, Қуръон – барчалари насиҳат, одамларга тарбия-ку? Аллоҳ инсонни азиз ва мукаррам қилиб яратганини Қуръони каримда айтади. Инсонга ақл берилган. Унинг рўпарасида икки йўл туради: агар яхшиликни касб этса – саодатга етишади, зулми танласа, Бобур мирзо ҳазратлари ёзганларидек: «Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир». Боланинг ана шу йўлдан қай бирини танлаши ўзликни англашдаги муҳим нуқталардан биридир. Мақол тили билан айтсак: дарахт қушни танламайди, қуш дарахтни танлайди. Шунга кўра, тақдир кишини танламайди, киши тақдирини танлайди. Одам боласи Худони таниши учун аввал ўзини таниши керак.

Бола пешонасида икки тақдир – икки хил йўл мавжудлигини дарров фарқлай олмайди. Буни фарқлагунича борлиқдаги ҳодисалар уни кўп гангитади. Ана шундай гангиб юрганида катталарнинг муносабатлари ҳал қилувчи омил бўлиб хизмат қилади.

Гарчи файласуфу бошқа олимлар «Мен» хусусида кўп асрлардан бери бош қотирсалар-да, биз ўз фарзандимиздаги бу жараёнга етарли эътибор бермаймиз. Сиз билан биздан масалага файласуфона ёндашиш талаб этилмайди. Биз боламизга меҳрибон, синчков ота-она сифатида яқинлашсак бас.

Бирон танишимиз ёки қариндошимизникига бир йил ўтказиб борсак, болаларини кўриб: «Қаранг-а, ўғлингиз кап-катта бўлиб қолибди», деб ҳайратланишимиз ҳақида фикрлашган эдим, яна шу ҳолатга қайтишга ҳожат сезилди. Гап шундаки, ўз фарзандимиз ўз қанотимиз остида кун сайин эмас, соат, дақиқа сайин ўсиб улғаяётганини эса сезмаймиз. Бола ўзини англаш жараёнида биз бераётган адабдан ташқари атрофдан олаётган таассуротлари асосида ўзича фикр юритади. Боллага мактабда ёки уйда шарафли ҳадисдаги «Бешиқдан то лаҳадга қадар илм эгалла» ҳикматини ёки Хитой файласуфи Конфуцийнинг: «Уйда ёшлар ота-оналарини иззат қиладилар. Хонадондан ташқарида катталарнинг гапларига қулоқ осадилар, ҳақиқатгўй ва эҳтиёткор бўладилар. Барчага, айниқса, одамийликни фан қилган инсонларга муҳаббатда бўладилар. Шу ҳаракатларидан сўнг куч-қувват топа олсалар, илм олмоққа интиладилар», деган доно сўзларини сингдиришга

ҳаракат қилинди, дейлик. Бола бу сўзларнинг тўғри эканини тан олади. Лекин кўчада, масалан, чойхонада доимий равишда бекор лақиллаб ўтирувчиларни кўриб, бу ҳақиқатга амал қилиш шарт эмас экан, деган фикрга келмайдими?

Баъзи ота-оналар фарзандидан ранжиб «Ҳеч гап тушунтиролмаيمان», деб нолишади. Чиндан ҳам болага гап уқтириш осон эмас. Хўш, ўзимиз-чи, фарзандларимизнинг гапларини, хоҳишларини дарров тушунамизми? Ота-она билан фарзанд ўртасида тушунишлик бобидаги келишмовчилик қачон пайдо бўлади-ю, у қандай ҳал этилади? Ҳал этиш чоғида боланинг ўзини таниш, англашга интилаётгани ҳисобга олинадими? Баъзи ўсмир отаси ёки онасига мақсадини англата олмай «Сиз тушунмаяпсиз!» деб юборади. Ота-она бунини эшитиб: «Ҳа, энди биз тушунмайдиган бўлиб қолганмиз», деб ранжишади. Ранжиш ўрнига боламиз айтаётган масалага унинг кўзи билан қараб, унинг онги билан фикрлаб кўрсак-чи?

Афлотун ҳаким дебдиларки: *«Фарзандларингиз илм ва адабини ўзингизнинг илм ва адабингиз билан чекламанг, уларни келгуси замон учун тайёрланг, чунки улар сизнинг замонангиз эмас, келгуси замон одамлари бўладилар»*. Бу доно фикрнинг исботи учун бир мисолга мурожаат этайлик: ёшларнинг кийинишлари ҳар йили бир хил бўлавермайди. Катталарнинг бу масаладаги қарашлари ҳам бир хил эмас. Дейлик, ўсмир қиз тор шим кийишни ёқтиради. Бу – унинг замонавий кийиниш маданиятига бўлган муносабати, маданиятни ўзича англаши. Бу кийинишда у заррача ёмонлик кўрмайди. 40-45 ёшли ота-онаси ҳам унга эътироз билдирмай, «Ҳа, энди ёшларнинг расми шу-да», деб қўя қолар. Аммо қизчанинг шим кийишига бувиси ва буваси мутлақо қарши бўлади. Бунда улар беҳаёликни кўрадилар. Ўзни энди-энди англай бошлаётган қизчага бу зиддият ҳам таъсир этиши мумкин.

Ўрни келганда таъкид жоизки, бола тарбиясида буви билан бобонинг иштироки жуда муҳим. Тўғри, улар болани ота-онага нисбатан кўпроқ эркалатадилар. Бола ота-онаси томонидан жазога тортилишини билса, дарров бувиси ёки бобоси ҳимоясига ошиқади. Шунинг баробаринда маслаҳат лозим бўлса, биринчи галда уларга мурожаат этади. Барчамизга маълумки, 50 – 60 ёшлардаги буви билан бобонинг ҳаёт тажрибаси 35 – 40 ёшлардаги ота билан она-ниқидан бойроқ. Шундай экан, улар томонидан берилувчи фойдали маслаҳатларнинг қадрига етмоқлик лозим бўлади. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бувиси ва бобоси бор хонадондаги боланинг тарбияси бошқаларниқидан фарқланади. Ҳозир айримлар йигирма ёшидаёқ ота ёки она бўлишяпти. Агар улар алоҳида яшашса, болага бериладиган тарбиянинг қандай бўлишини тасаввур қилаверинг. Телевизордаги қизиқ ҳангомага гувоҳ бўлган эдим: биринчи фарзандни кўрган ота хотини ва чақалоқни туғруқхонадан олиб чиқади. Кечки пайт қараса, хотини чойшабларни ювяпти. «Нима қиляпсиз?» деб сўрайди ёш ота. «Ўғлингиз бўктирибди, ювяпман», дейди ёш она. «Ие, дарров-а?» деб ажабланади ёш ота.

Қаранг, ота бўлмиш йигит чақалоқ бир-икки ёшидан бошлаб бўк-тирса керак, деб ўйлаганмикин? Ҳали ўзлари тарбияга муҳтож, ҳали ҳаёт сўқмоқларини яхши англамаган ёш ота-оналарга буви ва боболарнинг эътибори, кўмаги жуда-жуда зарур.

Таъбир жоиз бўлса, болалиқдан ўсмирлик оламига ўтишлик – кишининг қайта туғилишидир. Энди фақат атрофни кўрадиган одамча эмас, бу борлиқда ўзини ҳам кўра оладиган, фикрлайдиган шахс туғилади. Биринчи туғилишда гўдак чинқириб гўё дейдики:

«Мана мен ёруғ дунёга келдим! Қувонинг ва бундан буёғига мен учун ташвишлар чекинг. **Мен ҳозирча сизнинг ёрдамингизга муҳтожман.** Бир дақиқа бўлсин, мени унутманг. Мени авайланг, ҳар бир нафасимни кузатиб, бешигим ёнидан жилманг. Сизларнинг меҳрингизга, шафқатингизга эҳтиёжим бор! Сал ўтмай мени атак-чечак қилиб юрғизинг, йиқилсам – турғизинг, бошимни силанг...»

Одам иккинчи бор туғилишида бутунлай ўзгача оҳангда дейдики:

«Энди мен қанотларингиз остидаги полапон эмасман, ҳадеб қўлимдан ушлаб етаклайверманг, ҳадеб изимдан юраверманг. Босган қадамларимга ишончсизлик билан қараманг. Йўргакда тутишга интирманг, бешиқдаги ҳолимни унутинг. **Мен мустақил одамман!** Қўлимдан етаклашга уринманг. Мен рўпарамда баланд тоғни кўриб турибман. Унинг юксак чўққилари бор. Бу тоғдан ўзим мустақил равишда ошиб ўтмоқчиман. Бу – менинг ҳаётдаги мақсадим. Мен чўққига кўтарилишни бошляпман. Ҳар бир қадамим билан мен юқорига кўтариляпман. Рўпарамдаги уфқ тобора кенгайяпти. Янада кўпроқ одамларни кўряпман. Уларни тушунишга ҳаракат қиляпман. Меҳр ўрнига адолатсизлик, илм ўрнига жоҳиллик, шафқат ўрнига зулмни кўрганимда кўрқиб кетяпман. Мен бу борлиқда таянчга муҳтожлигимни сезяпман. Мен ақлли, доно, адолатли одамга зорман. Мен ёнимдаги кучли ва донишманд одамга суюнсамгина чўққига чиқа оламан. Аммо мен буни ҳеч кимга айта олмайман. Муҳтожлигимни тан олишим – мен учун иснод. Ҳамма мени «Мустақил қадам ташловчи одам бўлиб етилибди, чўққини ўзи забт эта олади», деб ҳисоблашини хоҳлайман».

Агар ўсмирлик оламига ўтган фарзанд ота-онасига бир нима демоққа журъат ва истак топа олса эди, эҳтимол шуларни айтарди.

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **КАТТАЛАР АҲАМИЯТ БЕРМАЙДИГАН МУҲИМ МУАММО**

Фарзандларимизда 10-11 ёшдан то 14-15 (ўғил болаларда баъзан 16) ёшгача тиббий тил билан айтганда, анатомио-физиологик жиҳатдан кескин ўсиш содир бўлади. Гўё табиат ҳайкалтарошу ўзининг ижодига хос бу жонли ҳайкални тезроқ такомилга етиштиришга уринаётгандай. Бу жараён сиртдан қараганда овознинг дўриллашида (Буни «овози раста бўлибди», деймиз) сезилади,

бўйнинг ўсишида кўринади ва биз асосан шунигина пайқаймиз. Ички тўлқинларни, ўзгаришларни сезмаймиз. Биз ҳайкалтарошга ўхшатган табиат ўсмирнинг ҳам жисмоний, ҳам жинсий ўсиши-ни ҳисобга олишга улгуролмаётганга ўхшайди. Боланинг суяклари шу даражада тез ўсадики, унинг мушак тўқималари бу ўсишга монанд ривожлана олмай қолади. Ана шунда ўсмирнинг мушакларида оғриқлар пайдо бўлиб, ўзини ҳам, ота-онасини ҳам хавотирга солади. Боланинг ташқи кўринишида (айниқса 13-14 ёшида) кескин ва сезиларли ўзгариш содир бўлади. Унинг қомати кўполлашади, узун ва ингичка кўл-оёларини қандай бошқаришни билмай қолади. Бу ўсиш ёшида қизлар қадрларини эгиброқ юришга одатланиб қоладилар. Агар айнан шу ёшда болаларнинг ўзларига, юриш-туришларига эътибор беришлари ортажаги инобатга олинса, уларнинг бу беўхшовликдан қанчалар изтиробга тушишлари, оқибатда асабий ва қайсар бўлиб қолишлари сабабини тушунишимиз мумкин. Ўсмир доимий равишда ўзининг қомати билан бошқаларникини солиштиради. Агар бошқалардаги адл қоматни ўзида кўрмаса, сиқила бошлайди.

Бу ёшда бадандаги қувватнинг асосий қисми жисмоний ўсишга сарф этилиши натижасида ўсмир ўзини беҳол сеза бошлайди. Қўшимча дам олишга, тартибли равишда қувватли таом истеъмол қилишга эҳтиёжи кучаяди. Агар бола биз айтган ишни бажара олмаса, асабийлашамиз, уни уришамиз. «Чарчадим» деса, буни баҳона сифатида қабул қилиб: «Ёш бола нарса уялмайсанми, шу ёшда ҳам чарчайдими?» деб уялтирамиз. Ота-оналарнинг жуда оз қисми фарзандидаги бу жисмоний ва жинсий ўзгаришларни ҳисобга олади. Ўзининг ҳам бир пайтлар шу жараёни босиб ўтганини унутиб қўяди. Тиббиётчи олимларнинг кузатишича, бу ёшда юракнинг ҳажми ҳам кенгаяр экан. Қон томирлари эса шунга мос равишда кенгаймай, икки-уч йил аввалги ҳолатини сақлаб қоларкан. Қон босими ошишини биз катталарга хос касаллик деб биламиз. Ҳолбуки, айнан шу ўсмирликка ўтиш ёшида (ўғил болаларда 12-13, қиз болаларда 10-12 ёшда) қон босими 140, баъзан 150га қадар кўтарилади. Тўққиз ёшли боланинг қон босими 90 экани ҳисобга олинса, бу ўсишнинг миқёсини ҳис этиш мумкин. Босимнинг бундай ошиши вақтинчалик ҳолат. Бу пайтда ўсмирнинг боши айланади, овқат ҳазм қилиши ҳам бузилади, қорин атрофида оғриқлар сезади. Жинсий ўзгариш жараёни қизларда ўғил болаларга нисбатан тахминан икки йил аввал бошланиб, қисқароқ муддат – 3-4 йил давом этади. Ўғил болаларда эса бу жараён 4-5 йил давомида қизларга нисбатан қийинроқ кечинмаларда ўтади.

Ўсмир ўзидаги бу нохуш ўзгаришлар сабабини англай олмай қийналади. Сабабларни ота-онасидан сўрашга уялади. Ҳаракатларини жонлантириш эвазига бу нохушликлардан қутулмоқчи бўлади-ю, аммо баттар ҳолсизланиб қолади. Бадандаги турли аъзоларнинг бир хилда, бир-бирига мос равишда ўсмаслиги кўкрак қафаси ва ўпкада ҳам сезилади. Қон босими ошиши

оқибатида боланинг кўкраги қисилади, юрак уриши тезлашиб, кечалари ухлай олмайди. Ҳатто юрак уришида меъёр бузилади.

Бу ёшга етган ўсмирнинг мия қобиқларида, асаб ҳужайраларида ҳам жиддий ўзгаришлар кузатилади. У болаларча фикрлашдан воз кечиб, мавҳум фикрлашга ўта бошлайди. Ўсмирларнинг (қизларда эртароқ, йигитчаларда сал кечроқ) фикрлаш тарзида муҳим ўзига хосликни кўриш мумкин. Яъни: мактабда эшитганлари, китоблардан ўқиб билганлари, атрофни кузатиш натижасида тушунганларини ўзининг шахсий ўй-хаёллари, ҳислари, ташвишлари билан солиштириб кўради. Кўрган-эшитганларидан ўзининг манфаатига, қизиқишига, қарашларига мосларини айириб олади. Айириб олиш, солиштириш вақт ўтган сайин кучайиб бораверади. Ўзини ўзи англаш жараёнидаги муҳим омил ҳисобланмиш бу нарса руҳшунослар тилида ўз қилмишига ўзича баҳо бериш, ўзича фикр билдириш, ўзича кузатиш, ўзича қабул қилиш деб аталади ва ота-оналар, муаллимларни ташвишга солувчи турли келишмовчиликларни юзга чиқаради. Ўсмир онгида «Ота-онам каби, ўқитувчиларим ва бошқа катталар сингари мен ҳам алоҳида шахсман», деган фикр уйғонади. Бу фикр ажиб бир кашфиёт сингари уни аввалига ҳайрон қолдиради, сўнг янги-янги фикрлар оқимига йўл очади. Гўдаклик чоғида ҳеч ким ўзини отаси ёки муаллими билан тенглаштирмайди. «Мен ҳам отам каби шахсман», деган ишонч ўсмир онгидаги шоҳсупада ўтирган ота-онани, муаллимни пастга туширади. Энди ўсмир катталарнинг хатти-ҳаракатларини диққат билан кузатиб, олам-олам камчиликлар топа бошлайди. Бошқаларни кузатгани сайин ўзига бўлган эътибори ҳам кучаяди. Ўзига бўлган эътибор ҳамма вақт ҳам ўзини яхшилашга қаратилмайди. Мана шу нуқтада атроф-муҳитнинг тарбия кучи, маънавий бойликлардан фойдаланишнинг қай даражада экани муҳим аҳамият касб этади.

Ўсмирлик давридаги боланинг ички ҳис-туйғуларини вулқонга ўхшатиш мумкин. Фақат бу вулқон унинг ичида отилади ва руҳан қийнайди. Мутахассисларнинг кузатишларича, улар ўрганган 14 ёшли ўсмирларнинг 50 фоизи баъзан ўзларини гоят бахтсиз ҳис қиладилар, ҳатто ўзларининг қисматларига ачиниб, яширинча йиғлайдилар, ҳамма нарсани унутиб, қаёқларгадир кетиб қолишни истайдилар. 25 фоиз ўсмирнинг назарида катталар уларни доимий назорат қиладилар, фақат улар ҳақида гаплашадилар, улардан куладилар. Ҳар 12 ўсмирдан бирининг хаёлига ўзини ўлдириб, ҳаммасидан қутулиш фикри келади.

Қадим-қадим замонларда бола улғайиб, овози раста бўлганда унинг ўсмирлик дунёсига киришига доир одатлар бўлган. Унинг билак томири кесилиб, қони оқизилган ёки тиши суғурилган... Бу ишлар «Биродарлар, фалончининг фарзанди болалик ёшидан ўтди, энди унинг тарбиясига бошқачароқ қарашимиз керак», деган мақсадда одат тусига киритилган бўлса керак.

Ёш бола тарбиячининг (ота-она ёки муаллимнинг) «Бу яхши – бу ёмон, бу мумкин – бу мумкин эмас», деган гапларига ишонади. Бу

гапларни у ҳақиқат ўрнида қабул қилади. Тарбиячи ҳам ўзини ёш боладан устун қўйиб ўрганиб қолади. У кечаги ёш боланинг бугун ўсмирлик оламига кирганини, унда катталар билан тенгҳуқуқлик даъвоси уйғонганини, катталар сингари энди ўзини ўзи эркин бошқариш истагида ёнаётганини, атрофида фақат борлиқни эмас, бу борлиқда ўзини ҳам кўраётганини, ўзи учун жой – ўрин талаб қилаётганини тасаввур ҳам этмайди. Тасаввур этмадими, буйруқ ва талаб йўлидан воз кечмадими, демак, у янги шахснинг туғилаётганини сезмабди, тарбияда хатога йўл қўйибди. «Болам (ёки ўқувчим) менинг гапларимни сариқ чақага олмайди», деган нолишлар айнан мана шунинг оқибатидир. Бу ўринда сабабни боланинг қайсарлигидан эмас, ўзимиздан ҳам қидиришимиз керак бўлади. Сергак тарбиячи ўсмирнинг феълидаги ўзгаришларни назардан четда қолдирмайди. Ўсмирнинг катталар гап-сўзларига эҳтиётлик, баъзан танқидий муносабатда бўлиши, ўжарлиги, арзимаган нарсага ҳам тез асабийлашиши, баъзан эса қўполлашиб қолиши тарбиясининг бузилишдан нишона эмас, балки вужуддаги табиий ўзгаришларнинг таъсиридир. Бунақа пайтда «Тамом, бола бузила бошлабди!» деб ҳукм чиқариб, дарров кескин чоралар кўра бошлаш ярамайди.

Биз, катталар болаларни кузатиб юрамиз, уларнинг хатти-ҳаракатларига баҳо берамиз, турли давраларда улар ҳақида сўз юри-тамиз. Бу соҳада биз осмонда, болалар ерда. Биз ерда ҳам шундай ҳаёт давом этишини ўйлаб кўрамизми? Болалар бизни синчиклаб кузатишларини, тилимиздан чиққан гапларни муҳокама этишларини, баъзан бизнинг шаънимизни ҳимоя қилиб, баъзан эса балчиққа булғашларини, энг муҳими, айтган гапимиз билан ишимизнинг бир-бирига мос ёки мос эмаслигини таҳлил этиб, хулоса чиқаришларини биламизми? Ким «Фарзандим мен ҳақимда мана бу, мана бу фикрда», деб аниқ айта олади? Бир хонадонда кузатган эдим: ота сигаретни бемалол тутатиб олиб, чекишга ўрганаётган ўғлига танбеҳ берган эди. Чекишнинг зарари ҳақида гапиргач, агар гапга кирмаса, калтакланиши аниқлигини маълум қилиш билан тарбиявий соатни якунлади. Бола «Ўзингиз-чи?» деган саволни бергиси келади, аммо ваъда қилинган калтакка муддатидан олдин етишиб қолишидан қўрқиб индамайди. Индамайди-ю, пана-панада чекишини давом эттираверади. Ичкиликнинг зарари тўғрисида гапирган бобога набира «Ўзингиз ҳам роса ичгансиз-ку?» деб таъна қилади. Бобо «Ҳа, ичганман, ўшанинг зараридан ҳозир кўп касал бўламан», деб фатво топади. Бироқ ўсмирга бу гап таъсир қилмайди. Бу ўринда аввал айтганимиз, шахсий намунани, хурмо ейишни камайтирган донишмандни эсласак жоиз.

Ота-она ўзининг болалигини унутиб қўяди. Бир аёл онасининг вафотидан кейин нарсаларини тартибга солаётганда ўзининг 13 ёшдаги хатини кўриб қолади. Унда «Қиз боланинг қош қорайганда кўчада юриши яхши эмаслигини тушундим, бундан буён кўёш ботмай туриб уйда бўлишга ваъда бераман», дейилган экан.

Яқинда бир киши менга хотира дафтарини кўрсатди. Ўн олти ёшида у ибратли бир кашфиёт қилган экан. Дафтарнинг бир саҳифасида ота-онаси, қариндошлари, ўқитувчиларнинг таъриф тавсифи, уларнинг ўсмир кўзига кўринган қусурлари, иккинчи саҳифасида эса унинг ўз ишлари, хато-камчиликлари баён этилган эди. Ажабки, катталарнинг хато-камчиликлари, ҳатто ёмонликлари ўсмирникидан анча кўп экан. Бундай кузатишларини ҳамма ҳам дафтарга ёзавермайди. Аммо деярли ҳаммада бундай таҳлил мавжуд. Озми-кўпми, деярли ҳар бир ўсмир атрофда кўрган-билганлари асосида ўзини ўзи тарбиялашга ҳам ҳаракат қилади. Ташқи таъсир бизнинг гапимиздан кўра кўпроқ қувватга эга бўлади. Халқда «Ҳамма ўз қаричи билан ўлчайди», деган нақл бор. Ўсмир ўқиган, кўрган, билган нарсаларини ўз онги даражасида таҳлил қилади ва кўпинча биз кутмаган воқеалар содир бўлади. Айтайлик, бир китобда ўсмир ўлимнинг тасвирини, ҳаёт ва ўлим ҳақидаги мушоҳада баённи ўқиди. Сиз билан биз учун бу оддий баён. Одамларнинг, ҳатто энг яқин кишиларимизнинг вафотига кўникканмиз, бу масалада дийдамиз қотиб қолган. Қачондир бу дунёни тарк этишимизни ҳис қилмасак ҳам, биламиз. Бу дунёда кўрганимизни кўрдик, у дунёга риҳлат қилиш катталар учун у қадар фожиа бўлиб туюлмас. Аммо ўсмир буни бутунлай бошқача қабул қилади. Ўлим баённи ўқигач, унда «Мен ҳам ўламанми!» деган азобли фикр уйғонади. Руҳий қийноққа ҳам тушади. Мен шундай болани кузатган эдим. У бирданига ҳамма нарсага бепарқ бўлиб қолган эди. Кўчада ўртоқлари ўйнаса қўшилмайди, ўртоқлари қизларга гап отадилар, тегажоқлик қиладилар, у эса эътиборсиз. Уни «Ҳамонки ҳамма ўлар экан, одамлар нима учун бу қадар ўйнаб-куладилар, нима учун майда-чуйда нарсаларни талашадилар, бир-бирлари билан уришадилар», деган савол қийнарди. Авваллари агар бирон ўсмирда бундай ҳолат кузатилса, тарбиячиларимиз «Диндорлар ёшларни у дунё азоблари билан қўрқитиб, миясини заҳарлаган», деган хулосага келишарди. Бу нотўғри тушунча. Ўсмирга диний гап айтилмаса ҳам, биз зикр этганимиздай, китобда ўлим ҳақида ўқимаса ҳам, ҳаётдаги қандайдир воқеа сабаб бўлиб, шундай руҳий азобга банди бўлиб қолиши мумкин. Кузатинг-а, отаси ёки онаси (ёки ака-опаси) вафот этган 25 – 30 ёшли одам билан ўсмирнинг руҳий ҳолати бир хилмикин? 25 – 30 ёшли одам отасини дафн этиб келгач, кечаси ётиб ухлаши мумкин. Аммо ўсмир ухлай олмайди. Ҳатто ҳафталаб кўзига уйқу келмайди. Руҳий азоблари катталар ҳис қила олмайдиган даражага етади. Отасининг вафотидан сўнг хотиржам яшашда давом этаётган ака-опаларидан нафратлана бошлайди. «Агар ҳаётнинг интиҳоси шу бўлса, бу дунёда яшаш шартми? Мен ҳам бир куни уйланаман, хотинимни, болаларимни боқаман, катта қиламан, кейин ўламан. Гўрга қўйиб келишгандан кейин улар ҳам чақчақлашиб яшайверишадими?..» Ўсмир ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатини шундай англади. Энди у борлиқда ўзига ажратилган ўриндан ҳам норози.



Атрофдагилар кўзига хунук кўришиб, улар билан кўришмоқликни, гаплашмоқликни истамайди. Ҳамма нарсага лоқайд қарайди. Ҳатто бу дунёдан кетишни ҳам ўйлаб қолади. Бундай ҳолда ўсмирнинг яқинлари уни руҳий касалликка чалинган деб ўйлайдилар. Фолбинларга югурадилар, домлаларга бориб дам солдирадидлар. Агар ўсмир уларнинг бу ҳаракатларини сезса, дарду газаби баттар ошади. Тўғри, ўлим воқеаси сабаб бўлиб, ўсмирнинг руҳи парчalandи. Буни тиббий тилда «шизофрения» дейишади. Лекин бу телбалик, девоналик ёки жиннилик эмас. Бу дардни кимёвий дорилар билан даволаб бўлмайди. Бу дарднинг давоси – яхши муносабат, чидам. Катталар ўсмирнинг барча қилиқларига чидашлари керак. Ўсмирнинг бу дарди бир неча йилга ҳам чўзилиши мумкин. Уни фожиа издан чиқарди, қутилмаган яхшиликнинг таъсири яна аслига қайтариши мумкин. Бу жараёнда ўсмирга дилдан сўзлаша оладиган, сирлаша оладиган меҳрибон суҳбатдош керак, жуда керак!

Танишимизнинг жанозасига борганимда ўн беш ёшли қизи «Амаки, ҳамма ўлиб-ўлиб, охири дунёда ҳеч ким қолмайдими? Одам билан жониворнинг нима фарқи бор унда? Бари бир шундай ўлиб кетаверса, дунёда яшашнинг нима қизиғи бор? Мени ўқишга мажбурлашади. Бари бир ўлиб кетсам, бу озгина ҳаётда билимнинг менга нима кераги бор?» деб сўраб қолди. Бунақа пайтда биз – катталар болаларни деярли бир хил гаплар билан овутамиз. Чунки бизнинг юрагимизда бола қалбини тирнаётган дард, азоб бўлмайди. Дардли саволга қайтарилган дардсиз жавобдан эса ўсмир қониқмайди.

Танишларимдан бири ташвишланиб:

– Кейинги кунларда қизим ғалати бўлиб қолди. Ўйланиб ўтираверади, мен билан гаплашгиси келмайди, – деди.

– Бирор кўнгилсиз воқеа юз бердимми? – деб сўрадим.

– Йўқ, кўнгилни оғритадиган гап-сўз бўлмади. Уч кун олдин эрталаб турсам, ҳовлида ўтирибди. Битта китобни кўксига босиб олган. Йиғлаяпти. Қизимнинг эрталаб турадиган одати йўқ эди. Жин-пин чалиб кетибди шекилли, деб қўрқиб кетдим.

– Кўксига босгани қандай китоб экан? Қизиқмадингизми?

– «Ўтган кунлар» экан. Кумушнинг ўлиmidан таъсирланиб йиғлабди. Энди китоб ўқишга қўймайпман.

Танишим қизидаги ўзгаришнинг сабабчиси деб китобни айблаб, қисман тўғри хулоса чиқарган. У энг асосий сабабни тушунмаган: фарзандининг энди ёш қизча эмаслигини, қизлик оламига кириб, фикрлай бошлаганини сезмаган.

Шу воқеадан сўнг бир мактабда кичик тажриба ўтказдим. Юқори синф ўқувчиларидан Кумушнинг тақдирига оид эркин иншо ёзиб беришларини илтимос қилдим. Болалар иншони уйда ёзиб келишлари лозим эди. Кутганимдек, ўғил болаларнинг саксон беш фоизи иншо ёзмади. Ёзганлари ҳам дарсликдан ташқарига чиқмаган. Қизлар томонидан ёзилган иншонинг қирқ фоизида эркин фикрлашга интилиш бор эди. Мазмунли деб ҳисобланган

иншоларнинг ярмидан кўпроғида Кумушнинг тақдирига ачиниш бор. Кумушнинг ўлимида айримлари Отабекни айблашган. Агар иккала хотинга бир хилда муносабатда бўлганда Зайнаб кундошини заҳарламас эди, деган хулосага келинган. Каминани ажаблантирган иншоларда қизлар Кумушнинг ўлимига ачинмай, балки «Ўлимига ўзи сабабчи бўлган, ўзи кундошининг гашига теккан», деб ҳукм чиқаришган.

Қизларнинг бу фикрлари «Ўсмирларнинг дунёқарашлари замонга хос равишда ўзгариб туради», деб аввалроқ баён этган даъвоимни яна бир бор тасдиқласа керак. Ҳар ҳолда олтмишинчи ёки етмишинчи йиллардаги мактаб ўқувчилари бу тарзда иншо ёзмас эдилар. «Отабек ва Кумуш (Фарҳод ва Ширин) чин муҳаббат эгаси», деган гапдан нари ўтмас эдилар. Кумушнинг ўлимига бўлган турлича қараш, фожиадан турлича таъсирланиш ўсмирнинг борлиқдаги ўз ўрнини қандай топишини белгиловчи омилардан бири десам ҳам бўлади. Кумуш ўзининг ўлимига ўзи сабабчи, деган қиз эрта наҳорда туриб, китобни бағрига босиб йиғламайди. Атрофдагилардан нафратланмайди. Унинг ҳис-туйғулари, ирода кучи бўлакча. Ҳаётдаги адолатсизликни кўрганда тушкунликка тушмайди. Енгиб ўтишга интилади.

## **ОЛТИНЧИ БОБ**

### **АҲМОҚОНА ТАРБИЯ**

Биз, катталарнинг камчиликларимиздан бири фарзандларимиздаги жисмоний ўсиш жараёнида жинсий уйғониш бошланишини эътиборсиз қолдирамыз. «Боламыз катта бўлиб қолди, улғайяпти», деб қувониб юраверамиз. Бу жараён туфайли боланинг фикрлашида, ҳис-ҳаяжонларида, катталар билан, ҳатто ўз тенгдошлари билан муомаласида жиддий ўзгариш содир бўлаётгани эса бизларни ташвишлантирмайди, сергаклантирмайди. Тўғри, фарзандимиз муомаласидаги ўзгаришни сезамиз, аммо биз ҳам муомаламизни ўзгартиришимиз зарурлигини фаҳм этмаймиз. Афсусли ери шундаки, бизнинг оилаларимизда жинсий тарбия масаласи иккинчи, ҳатто учинчи даражали ҳисобланади. Ота-она фарзандлари билан бу ҳақда гаплашишни уят деб биладилар. Яхшики, айрим оналар қизларига керакли эътиборни қаратадилар. Оталар эса ўғиллари билан бу ҳақда деярли гаплашмайдилар. Шунинг натижасидамикин, ота билан ўғилнинг орасидаги масофа яқинлашиш ўрнига узоқлашиб бораверади. Зарур тарбия ота-она томонидан берилмагач, ўсмир ўзига керакли одобни хорижнинг беҳаё фильмларидан олади.

Танишимнинг ўн еттига тўлмаган фарзанди бир қизни зўрлашда айбланиб, қамалди. Иккинчи танишим бу воқеани шарҳлаб дедики: «Айб отасида. Бир куни ҳожатхонасига кирсам, яланғоч аёлларнинг суратларини осиб ташлашибди. «Бу нима қилганинглар?» десам, «Ҳозирги ёшларнинг эротик тарбиясига эътибор бериш

керак, шунақа суратларни кўрса, кўзи пишади-да, ёмон йўлдан тийилади», дейди. Мана, оқибат – кўзи ҳам пишмади, ўзи ҳам тийилмади, баттар бўлди, эротик тарбияси ўзининг бошига ташвиш солди». Европаликлар «эротик тарбия», деб атаётган нарсани биз «жинсий тарбия», деб тушунадиган бўлсак, бу соҳада ниҳоятда эҳтиёткор бўлинмоғи шарт. Чунки «эротика»нинг нечоғлик зарар эканига бу тарбиянинг тарафдорлари бўлмиш Европа ва Америка қитъаси мамлакатлари гувоҳ бўлиб туришибди. Ўсмирлар орасида жинсий хасталикларнинг ва қамалишларнинг ортиб бораётганини таъкид этмасак ҳам бўлар. Бу тарбия аламини тортаётган мамлакатларнинг фифони кўкка учаётган дамда шарққа олиб келмоқликка уриниш ақлсизлик эмасми? Америка ёки Европадаги «донишмандлар» «Санъатдаги эротика тарбияга ёрдам беради, сексни кўрсатиш зарарли», дейишади. Биз уларга ўзбек мақоли билан жавоб берайлик: «Оқ ит, қора ит, бари бир ит эмасми?» Энди мазкур атаманинг луғавий маъносига келсак, асли юнонча бўлган бу сўз жинсий ҳирсларни бениҳоя даражада қўзғатишни, ишқий майшатга интилишни англатади. Эси бутун одам учун бунда ижобий маъно мутлақо йўқ. Ижобий тарбия ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Баъзилар «Эротикага доир фильмларни ўсмирлар ҳам кўрса бўлади, фақат унинг оқибатини тушунтириш керак», дейдилар. Бу «донолар»га дейликки: «Афандилар, сиз ўсмирга беҳаё лавҳани кўрсатдингизми, тамом, унинг кўзи кўр, қулоғи қар бўлди. Яхши нарсани кўришни, яхши гапни эшитишни истамайди. Унинг хаёли фақат кўрган лавҳаси билан банд». Шундай экан, эротикани жинсий тарбия усули демоқлик – аҳмоқликдан бошқа нарса эмас.

Ўрни келганда яна бир муҳим масалага диққатингизни тортаман. Кўпчилик хориж кинофильмларининг салбий таъсиридан нолийди. «Келиним, қизларим билан бирга кино кўришдан уяламан», дейдиганлар сафида камина ҳам бор. Юз йил муқаддам зиёлилар орасида Европа маданиятидан ўрганишга даъватлар бўлган. Совет даврида бу даъватлар хунук кўринишларда амалга ошди. Афсуски, менда аниқ далиллар йўқ, бўлса эди, 1915 йилда қанча қизлар зўрланган-у, 2015 йилда неча минг қизларнинг номусига тажовуз этилганини ёзган бўлардим. Аниқ далиллар бўлмагач, 1915 йилда ўн қиз (балки камроқдир), 2015 йилда минг қиз (балки кўпроқдир) зўрланган, деб тахмин қиламан ва «Эртага-чи? Эртага бу рақамлар камаядими ё баттар бўладими?» деган саволга жавоб топишга сизларни даъват этаман.

Европадан ўрганиш масаласига келсак, илм олишга доир ҳаракатларидан ибрат олиш керак, аммо ахлоқ-одобга доир тарбияларидан узоқроқ бўлган маъқул. Бу ҳақиқатни ўтган асрлардаёқ донишмандлар англаб етганлар. Ҳинд адиби Рабиндранат Тҳакур 1941 йилда ёзган эди: «Бир кун келарки, тақдир карвонининг бурилиш пайти инглизларни ўзларига қарашли Ҳиндистон империясини ташлаб кетишга мажбур қилар. Лекин уларнинг қолдириб кетадиган Ҳиндистони қандай Ҳиндистон бўларкин? Улар қандай

мудҳиш қашшоқликни мерос қолдираркинлар? Уларнинг бир асрдан кўпроқ давом қилган ҳукмронлик тўлқинлари пасайганда қанча балчиғу қанча вайроналар қоларкин? Ёшлик чоғимда мен маданият бешиги бўлиш Европа пешонасига ёзилган, деб астойдил ишониб юрардим. Лекин бугун ҳаёт билан видолашаётган кунларимда бу ишончим йўқолди... Ҳозир мен сўнгги саёҳатимга тайёргарлик кўряпман. Мен ўзимдан кейин нималарни қолдираман? Кулбаи вайроналар, бир замонлар ғурур манбаи бўлган маданият қолдиқлариними? Лекин инсонга ишонмаслик жуда катта гуноҳ, бинобарин, бундай гуноҳ ишга қўлим бормади! Катаклизмдан кейин, муҳит тозалангандан кейин доғ тегмаган янги тарих саҳифаси бошланишига ва тонг Шарқдан, қуёш чиқадиган жойдан бошланишига иймоним комил».

Баъзан барча ёмонликларни Европа билан боғлашадими, бу ҳам нотўғри. Масалан, майхўрликни руслар олиб келган, деган гапларни эшитамиз. Руслар келмай туриб ҳам юртимизда майхўрлар, нашавандлар, гиёҳвандлар, бўзахўрлар, баччабозлар, қиморбозлар, ўғрилар, каллакесарлар бўлган. Ўн ёшли қизчани никоҳлаб олганлар ва буни шаръий деб ҳисоблаганлар. Лекин қизларни зўрлаб, ўлдириб, сўнг гўштани пишириб емаганлар. Демокриманки, бу кунларда жиноятлар ақл бовар қилмас даражага етди ва бу Европа тарбиясидаги ожизликнинг мевасидир. Эротик тарбия эса шуларнинг биридир.

Бугунги Европанинг эротик тарбиясига қарши қўядиган бизнинг қудратли қуролимиз мавжуд. Бу қуролнинг номи **ҳаё!** Фаҳмлаган одамлар учун ҳаё беҳад қудратли кучдир, фақат уни билиб, ўрнида итоат этиш шарт. Шу боис, мавзудан сал четга чиқсам-да, фарзандларимизга сингдиришимиз лозим бўлган бу фазилат ҳақида ҳам тўхталишни лозим топдим.

Дониш аҳлининг: «Ҳаё дилни равшан қиладирган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби – ҳаёдир. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборақдир-ки, анча-мунча хатоларни беркитиб йўқ қилур. Агар дурга садаф пардаю либос бўлмаса эди, сувга қўшилиб йўқ бўлиб кетмасмиди?» деган ҳикматларини болаларингиз биладиларми? Ўзингиз-чи? Ҳар бир одам бу борада ҳам икки хил тарбия олади: биринчи тарбияни ўз ҳаёт тажрибаларини сингдириш йўли билан ота-она беради, иккинчиси, янада муҳимроғини эса унга ҳаётнинг ўзи ўргатади. Ана ўша «муҳимроғи» нимадан иборат? Ҳаёт ўргатадиган нарсалар ичида яхшисидан ёмони кўп эмасми? Бугун қамоқхонада ўтирган болалар ёмонликларни ҳаётдан ўрганмаганмилар?

Бир ҳукмдор хизматчисининг хотинига хуштор бўлди. Хизматчини бир баҳона билан сафарга жўнатди. Шомдан сўнг хотинни хобхонасига чорлади ва «Барча эшикларни ёп», деб амр қилди. Хотин амрни бажарди. Ҳукмдор «Эшикларни беркитдингми?» деб сўради. «Уй эшикларини маҳкамлаб ёпдим, лекин ҳарчанд урин-

май, бир эшикни беркита олмадим», деди хотин. «Қайси эшикни айтяпсан?» деб ажабланди ҳукмдор. «Ҳаё ва ифбат эшикларини», деб жавоб берди хотин. Ҳукмдор бу жавобдан уялди. Ундаги ҳаё ҳам уйғониб, хотиндан узр сўради.

2015 йили Янгийўл томонда икки ўсмир қиз ўзини тезюрар поезд остига ташлаб ҳалок бўлди. Маълум бўлишича, уларни кўнги қўйган йигитлари зиёфатга чорлашган. Қизлар бу чорловда ёмонлик бўлишини фаҳм этмай келишган. Зиёфат чегарадан чиққан. Қизларнинг ҳар бири аввалига ўзлари кўнги қўйган йигитлари билан бирга бўлганлар. Диққат қилинг: бу гуноҳ ҳаракатдан уялмаганлар. Сўнг бошқа йигитлар ҳам зўрлагач, уларда ҳаё уйғонган ва бу шармандалиқдан қутулиш учун жонларига қасд қилганлар. Йигитчаларнинг гуноҳи аниқ. Хўш, қизлар-чи? Уларни ҳаёли эди, дея оламизми? Албатта, йўқ! Улар йигитларнинг таклифини қабул қилган ондаёқ ҳаёларини йўқотганлар. Ҳаёли қизлар бунақанги зиёфатларга келмайдилар. Қизлар ҳам, йигитчалар ҳам ҳали ўн саккизга кирмаган. «Ёшлик – гўрлик қилишибди-да, оқибатни билишмаган-да», деб уларни оқлаш мумкинми? Агар уларни оқласак, фарзандларига ҳаё фазилатини сингдирмаган ота ва оналарни қоралашимиз керак! Баъзилар «Билмай хато қилиб қўйгани учун ёшларга ғазаб тўкмаслик керак», дейди. Дуруст, ғазаб яхши насиҳатчи эмас. Лекин бузуқликдан қайтмаган ўсмир-ёшларни «билмай хато қилган», дея олмаймиз-да!

Бу ёшларни бузуқликлари учун қонун жазолайди. Қизлар ҳам зино учун, ҳам жонларига қасд қилганлари учун гуноҳкорлар. Ўсмир қизлар ва йигитчаларнинг биргаликда зиёфатда ўтиришларини ота ва оналар ҳам, қонун ҳам тақиқламайди. Лекин дунёвий қонун тақиқламаганни иффату ҳаё тақиқлайди.

Зийраклик билан кузатсак, ҳар бир одамда ўзига яраша уят бўлади. Ўғри ҳам, фоҳиша ҳам уятни ўзича тушунади. Лекин ҳаё фақат иймонли қалбда бўлади. Шунини фарқламоқ лозим. **«Ақл ва ҳаё ажралмас дўстдир**, – дейилади «Калила ва Димна» асарида. – Бири йўқолса, иккинчисини ҳам топиб бўлмайди». Зеро, уятдан қизарган юз қора қалбдан яхшироқдир. Шарму ҳаё ниқобидаги чеҳра қутида сақланган қимматбаҳо гавҳарга ўхшайди. Бу хусусда ҳазрат Алишер Навоий дедиларки:

*Иймонга эрур нишон - ҳаё бирла адаб,  
Ҳурмат била таъзим – саодатқа сабаб.  
Ҳаййию муаддаб ангаким, бўлса лақаб,  
Мақсудига кеч етса ажаб англа, ажаб.*

*(Ҳаё билан адаб – кишининг иймон-эътиқодидан нишондир. Ҳурмат билан таъзим эса оқибатда саодатга сабаб бўлади, яъни еткази. Ҳаёли ва адабли деб танилган киши мақсадига албатта етади, бироқ, қутилмаганда мақсадига кечроқ етгудай бўлса, бундан ажабланмоқлик керак бўлади)*

Одам болалари пок ва шарафли фитратда яратилган. Шу фазилати билан инсон энг юксак шараф эгаси ҳисобланади. Эртанинг ота-онаси, келажак наслнинг суйанчиғи ва муаллими бўлмиш эр-хотиннинг зиммасида кўп масъулият мавжуд. Шулардан бири иффат ва ҳаё фазилатига эга бўлиш ҳамда қадрлаш, эҳтиётлаш бурчидир. Ким табиатан хунук бўлса, уни ҳеч ким айбламайди. Аммо иффати ва ҳаёси хунук бўлса, жамият ундан юз ўтиради. Фақат ўзигина лаънатланмайди, ўтган насаби-ю туғилажак наслига ҳам нафрат ёғилади. Бугун «Бу беҳаё фалончининг қизи», деб маломат қилсалар, эртага «Бу иффатсиз хотин фалончининг онаси», деб фарзандини ҳам хижолат қилаверадилар. Демак, ҳаёли бўлиш ё бўлмаслик билан ҳар бир инсон насабу наслига ё шараф келтиради, ё лаънат. Шу боис фарзанд тарбияси айнан ҳаё тарбиясидан бошлангани мақсадга мувофиқдир. Хожа Самандар Термизий айтмоқчи:

*Гўдакликдан ёмон феълга ўрганса,  
Юз меҳнат-ла уни кам қилиб бўлмас.  
Яхши йўлга солай дебон уринма,  
Ўсиб қотган шохни ҳам қилиб бўлмас!*

Бу фикрни Сўфий Оллоҳёрнинг байтлари қувватлайди:

*Насиҳат тингламас дили сахт маҳжуб,  
Кўжармас, тошга йағмур ёғса ҳам кўп.*

*(Тош устига қанчалик кўп ёмғир ёғиб сув тушса-да, ўт чиқиб кўжармагани каби кўнгли қотган кишиларга қанчалик ўғитлар қилсанг ҳам, қулоқларига олмаслар. Ўзлари учун бирор фойда ола билмаслар).*

Тилимизда «иффат», «шарм», «ҳаё»... каби атамалар бор. Бир қараганда булар маънодош сўзларга ўхшайди. Лекин ундай эмас. Ҳар бирининг ўзига хос маъноси мавжуд бўлгани ҳолда «уят» дейилмиш сўз тушунчасига боғланади. Масалан, «шарм» уятни англатади, «Фалончи шарманда бўлди» деганимизда эл аро уятга қолди, деб тушунамиз.

Бу ривоятни диққат билан ўқиб, хулоса чиқаринг: бир ҳасадчи хотиннинг ҳаёли хотинни кўрарга кўзи йўқ эди. У ҳасад ва адоватнинг зўрлигидан бир кеча ўзининг кенжатой ўғлини ўлдириб, ҳаёли хотиннинг ҳовлисига ташлади. Эрта тонгда ҳукмдор ҳузурига бориб: «Ўғлимни қўшим ўлдирди!» деб дод-фарёд қила бошлади. Ҳукмдор фаросатли одам эди. Ҳаёли аёлни чақириб сўроқ қилди. Ҳаёли хотин бундай ярамас ишдан беҳабар эканини, ўзининг мутлақо бегуноҳлигини сўзлади. Шунда ҳукмдор унга дедики:

– Агар алдамаётган бўлсанг, ҳузуримизда либосларингни ечиб, кип-яланғоч турасан. Шундагина сўзларингга ишонажакмиз.

Ҳаёли хотин ҳукмдорнинг талабини эшитиб, бошини қуйи эгдида, деди:

– Бу ҳолга тушганимдан кўра ўлганим афзал. Мен бу шармандалиқни сира қабул қила олмайман. Буюринг, мени қатл этсинлар...

Ҳаё – юракнинг ҳақиқий кўзгуси, деб бежиз айтмаганлар. Аёлнинг сўзлари ҳаёсини, ҳаёси эса юрагининг пок эканини кўрсатди. Ҳукмдор бу бокира аёлга дилида офаринлар айтиб, уни чиқариб юборди-да, ҳасадчини чақиртириб:

– Агар ҳузуримизда ечиниб, қип-яланғоч бўлсанг, даъвоинг тўғри эканига ишонамиз ва қўшнингни қатл этажакмиз, – деди. Тухматчи хотин ҳукмдорнинг бу талабини фикр ҳам қилиб ўтирмай, ечинмоқни бошлади. Шунда ҳукмдор уни тўхтатиб:

– Сен тухматчи экансан. Бу қабиҳ ишни ўзинг қилиб, номусли аёлни айблагансан. Ҳаёсиз ва номуссизлигингни ўзинг исбот этдинг, – деб уни жазога ҳукм қилди.

Ҳаёсизлик инсонга бало эшигини очади, деганлари шу-да!

«Иффат» атамасининг маъноси бир оз кенгроқ. Аҳли донишнинг баёнига кўра, иффат – поклик ва маъсумликни англатади. У комил инсон учун талаб этилувчи тўрт фазилатнинг учинчисидир, яъни: ҳикмат, шижоат, иффат, адолат. «Иффат» дейилганда шаҳват, яъни лаззат ва манфаатга бўлган интилишнинг ақлга бўйсундирилиши тушунилади ва у **етти** нарсани ўз ичига олади: **ҳаё** – уят ва енгилтаклик ҳисобланган ишлардан тийилиш; **ҳусн-и ибтидо** – яхши хислатларни эгаллаш ва имкон борича ўз яқинларининг оғирини енгил қилишга ҳаракат қилиш; **сабр** – нафсоний қувватларни жиловлаш; **қаноат** – еб-ичмак ва кийинмакнинг бориға рози бўлиб, имкон ва зарурат даражасидан ортиғини талаб қилмаслик; **виқор** – талаб қилинган нарсаларга эришишга бўлган ишонч ва бу йўлга шошма-шошарлик қилмасликдир. Виқор – вазминлик, улуғворлик, матонат. «Виқор шамъин ўчир» дейилганда мағрурликни емирмоқ назарда тутилади; **хайрият** – маишатни ҳалол кечириш, молни яхшилик билан топиб, яхшиликка сарф қилиш. Хайрият – эзгулик демак; **саховат** – ачинмасдан, қизғанмасдан, ҳаддан ошмасдан, молни керакли ўринларда ўзига, яқинларига ва муҳтожларга сарф қилиш малакаси.

Имом Ғаззолий ёзадилар:

«Ким иффат билан ҳулқланса, саховатли, ҳаёли, сабрли, кечиримли, қаноатли, парҳезкор, латиф, зариф, барчага кўмакчи, бетама бўлади. Агар иффат меъёридан ошса ёки кам бўлса, ҳирс ва очкўзлик, қўполлик ва беҳаёлик, исрофгарчилик ва хасислик, риёкорлик ва шармсизлик, ҳасад, ичқоралик, бойларга ялтоқланиб, камбағални камситиш каби иллатлар юзага чиқади».

Мухтасар тарзда айтилса, иффат – ёмон нарсалардан ўзини пок сақлаш, демак. Бизда уят маъносида қўллаш расм бўлган. Масалан, баъзан «Пул сўрашдан уялди», демай, «пул сўрашга иффати йўл қўймади», деймиз. Бу ўринда иффатнинг фақат бир шохчаси назарда тутилади.

Биз ҳаётда иффат ва ҳаё фазилатини кўпроқ аёлларга хос деб биламиз ва талабимиз ҳам шунга қараб бўлади. «Иффатли ёки

ҳаёли йигит» деган сифатни кам эшитамиз. Ҳолбуки, «иффат» фазилати қиз учун қанчалар ҳусн бўлса, йигит учун ҳам шундайдир. Юқоридаги воқеада фақат қизларни эмас, йигитчаларни ҳам иффатсизликда айблаймиз. Бу борада талаб бир, Аллоҳ таоло ҳузурида жавоб ҳам бирдир. Бу фикрнинг яна бир далили учун ҳазрат Навоийга мурожаат этаман: «Хожаким, биби борида додакка айлангай, бибининг иффат этаги қулға булгангай». Дейилмоқчики, агар эр иффатсизликни касб этиб, ўз хотинига вафосизлик қилса, хотинининг иффат этагини унинг қули булғайди (Қадимда иффатли кишини «иффатмаоб», деб, покдомонликни эса «иффатпаноҳ» деб атаганлар).

Демак, ҳаё иффатнинг асосларидан экан. Иффат ва ҳаё йўқолмас бир ҳусн, ҳаёсиз юзнинг жонсиз жасад эканини унутмаслик ҳар бир одамнинг бурчи. Ҳаё дилни равшан қиладирган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шу маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир. Иффатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби – ҳаёдир. Ҳаё пардаси ила ўралмиш инсонларнинг иффат пардаси йиртилмас. Бу чодир шундай муборақдирки, анча-мунча шундай хатоларни беркитиб йўқ қилур. Агар дурга садаф пардаю либос бўлмаса эди, сувга қўшилиб йўқ бўлиб кетмасмиди?

Дунёда шундай одамлар учрайдики, ҳаёнинг нима эканини яхши билади, аммо ҳаёсизликдан ўзни тиймайди. Ҳазрати шайх Абдуллоҳ Манозил бундай кишилар ҳақида дедиларки: «Мен ул кишидин таажжуб этарманки, ҳаёдан сўз айтиб, ўзи Аллоҳ таолодан ҳаё қилмагай».

Ким фарзандини кичиклигидаёқ ҳаёсизликка ўргатса, уларни, катта бўлишгач, ҳаёга ўргата олмайди. Ота-она болага ҳаё ҳақида ўғит қилади. Агар бола бу фазилатни эгаллаб олмаса, инсонийликдан маҳрум бўлади. Ҳаёсизларнинг ёмон ўлим топишини тарих кўп маротаба тасдиқ этган. Болага бир ёки юз маротаба «Ҳаёли бўлиш керак», дейишнинг ўзи кифоя қилмайди. Аввало ота-онанинг ўзи ҳар бир ҳаракати ва сўзлари билан боласига ибрат бўлиши керак. Бола кўчада ёки телевизорда кўрган ҳаёсизликларини тарозининг бир палласига қўйсақ, ота-она иккинчи палласига қандай тарбияни қўяди?

Айбга буюрманг-у, ёшларимизни баъзан тушунмай қоламан. Радио ёки телевизорда берилаётган беҳаё қўшиқларни маъносига эътибор бермай, дарров ёдлаб олишади-ю хиргойи қилиб юраве-ришади. Қани айтинг-чи, бизнинг қизлар йигитга тик қараб туриб: «Мен сизни севаман! Мени қучоғингизга олинг!» дейдими? Демайди. Табиатан шундай яралганки, қушларнинг модаси эмас, эркаги сайрайди. Ашулачи қизлар эса аксинча. «Келсанг, тиззамга ўтқазиб, новвот чой қилиб бераман», дейди. Беҳаёликни биз санъат ўрнида кўрмаймиз. Бу санъатни булғашдир.

Айниқса, кейинги йилларда пайдо бўлган «клип» деб номланувчи беҳаёлик томошасида санъатнинг заррасини ҳам тополмаймиз. Унда ярим яланғоч ҳолда рақсга тушаётган қизлар беҳаё қилиқлари



билан санъат асари яратяпмиз, деб ўйлашса хато қилишади. Ёш қизларимиз эса уларни томоша қилаверадилар. Жоҳилликлари туфайли уларга эргашаверадилар. Тўйларда шундай беҳаё ашулаларга қиз-жувонлар рақсга тушадилар. Ҳозир кўёвнинг келин белидан ушлаб европача рақсга тушиши ҳам одат тусига кириб бораётганмиш. Биз нима ҳам дердик, уялмасангиз ундан баттар қилиқларни ҳам қилаверинг. Аммо ҳаёсизлик оқибатида оила бузилса, бировлардан ўпкалаб юрмасангиз бас. Бизнингча, кўёв тўранинг, айниқса, келинпошшанинг тўйдаги энг гўзал ҳолати – ҳаё билан ўтиришидир.

«Калила ва Димна»да ибратли фикр бор:

«Ҳаёни қўлдан берган одам кек сақлайдиган ва сўкинадиган бўлади. Ғам пардаси унинг ақлини қоплайди, фаросати, зеҳнзаковати озаяди. Бундай бахтсизликка мубтало бўлган одамнинг бутун қилган иши, сўзи ҳаммага ёмон кўринади. Берадиган маслаҳатлари ўзига зиён етказди. Илгари уни яхши, деб юрган дўстлари энди уни ёмон деб ҳисоблайдилар. Бошқаларнинг гуноҳини ҳам унинг бўйнига тўнкайдилар».

Ҳаёсини йўқотган одам ҳар қандай пасткашликка ҳам рози бўлиши мумкин. Агар у бир кетган ҳаёнинг қайтиб келиши мушкул эканини англай олса, балки ўзини ўзи тарбия эта олармиди? «Ўзингдан ҳам худди бошқа одамлардан орлангандек орланишинг ва бир ўзинг бўлиб туриб ҳам бошқалар билса-билмаса, бундан қатъи назар, бари бир ёмон ишдан тортилишинг керак. Аммо ҳаммасидан ҳам ўз виждонингдан уял», деб ўгит берган Демокрит ҳақли эди. Одамлар ҳузурда уялиш ҳам яхши фазилат, лекин бундан ҳам афзали кишининг ўз-ўзидан уялишидир. Уятдан қизариш – яхшилик либоси ҳисобланади. Чунки одамнинг маънавий камолотда қай поғонага кўтарилганини нимадан уялиши ва уялмаслигидек аниқ кўрсатиб берадиган нарса йўқ.

Айрим оилаларда фарзандларини ҳамма нарсага ўргатишадую, аммо андишага ўргатишмайди. Ҳолбуки, улар билимдонлик билан эмас, ўзлари ҳеч қачон ўрганмаган ўша андишалилик билан ажралиб туришга кўпроқ интиладилар. Абу Ҳомид Ғаззолийнинг «Фарзандларингизнинг уятчан бўлиши уларнинг келажақда яхши феъл-атворли бўлишидан хушхабардир», деган ҳикматлари бизнинг кундалик тарбиямизда ибрат бўлиши керак.

Яна бир ҳақиқатки, ҳаё ва иффат ҳайвонларда йўқ. Уларнинг юзлари уятдан қизармайди. Буни тушуниб етиш ҳам фазилат. Иффат ва ҳаё барча иллатлар йўлидаги ишончли тўғондир. Агар бу тўғон бўлмаса, кишининг ҳаёт йўлига иллатлар сели ёпирилади. Уялмасанг, ғийбатдан бўшама, уялмасанг, пора ол, уялмасанг, зино балчиғига бошинг билан шўнғи, уялмасанг, зулм қилавер, уялмасанг, бахил бўл... Фикрни давом эттирай, десам, дўзах оловлари кўз олдимизга келиб, юраклар қўрқувдан зириллаб кетяпти...

Вақти келганда баъзи нарсалар учун жонни фидо қилиш мумкин. Аммо номусни ҳеч нарсага фидо қилиш мумкин эмас. Чунки

номус жондан ҳам қимматлидир. Сувнинг софлиги унга қиймат бергани каби, инсоннинг номуси ҳам унга қадр келтиради.

Сиз Россия телевидениесини кўрасизми ё йўқми, билмайман, лекин уларда кўп бемаъни, ҳатто аҳмоқона суҳбатлар бўлиб туради. Шулардан бирида («Пусть говорят» – «Майли, гапиришсин») «Қиз боланинг турмушга чиқишидан олдин номусли ҳолда бўлиши шартми?» деган мавзуда баҳс юритилди. Эътибор беряпсизми, баҳс юритилди. Чунки студияга тўпланганларнинг ярми «шарт эмас», деган аҳмоқона тўхтама тарафдорлари эдилар. «Аҳмоқона» деб қўполлик қилишим боиси – агар қиз боланинг турмушга чиқишидан олдин номусли ҳолда бўлиши шарт бўлмаса, Аллоҳ уни бокира қилиб яратмас эди.

Яна бошқа бир кўрсатувда хотинларни уриш масаласи кўрилатётганда «хотинлар номус билан яшасалар эрлар урмайдилар», деган фикр ўртага ташланди. Кўрсатувни олиб бораётган хоним бу фикрга қарши чиққанида иштирокчилардан бири унга «Қизингизни бокира ҳолида узатиш бахтидан қувонмайсизми?» деб сўради. Хоним «Мен учун бу шарт эмас, мен учун қизим йигитни севса бас», деди. Шунда баҳслашаётган йигит «Сиз олиб бораётган кўрсатувда иштирок этишдан ҳазар қиламан», деб чиқиб кетди. Қолганлар эса уни маломат қилишди.

Одобни номусдан, номусни эса одобдан ажратиб бўлмайди. Башарти, униси ҳам, буниси ҳам нурай бошласа ва емирилса, кўркама оила биниси йиқилади, қадрсизланади ва энди нафратдан бўлак ҳеч бир туйғу уйғонмайди.

Нафратга лойиқ бу воқеани эслаш, айниқса, баён қилишдан ўзим ҳам ғашланыпман. Чунки Худога шукр, бизда бундай муаммо йўқ, бундай бемаъни баҳслар йўқ. Лекин афсуски, шу фикрдаги айрим одамлар топилади. Вақти келганда улар ҳам вайсаб қолишлари эҳтимоли борлиги учун огоҳлантириш мақсадида мавзунини шундан бошладим, айбга буюрмайсиз. Шоир Маъруф Жалил айтмоқчи:

*Ота-она меҳрисиз ҳам яшамоқ мумкин,  
Аммо мумкин эмас, номуссиз яшаиш.*

Номус инсон қалбидаги буткул эҳтиросларнинг энг кўрками бўлиши севгининг жонидир. Ҳа, энг асл гўзаллик – номусда. Инсон ақлининг пойдевори ҳам номус. Номус туйғуси туғма бўлади. Шу учун халқда «Номусингни болалигиндан бошлаб асра», деган ҳикмат бор. «Қон билан кирган – жон билан чиқади», деганларидек, номус ота-онадан ўтувчи фазилат. Ота-она покиза бўлса, фарзанд ҳам номусли ҳаёт йўлидан боради. Ота ёки она этагига номуссизлик балчиғи сачраган бўлса, унинг доғи фарзанд ҳаётида ҳам акс этади.

Ҳаёт ҳақиқати шуки, номус эгалари ҳеч қачон хорланмайди. Аксинча, киши номусига тажовуз қилганларни Худо жазосиз қолдирмайди. Номус тушунчаси ғоят кенг, таъбир жоиз бўлса,

«шохлаб» кетган. Лекин барчаси бир ўзак атрофида бирлашади. Бу ўзакнинг номи – нафс. Нафснинг балолик қудрати бор. Нафс – шайтоннинг энг ишончли қуроли. У алайҳилаъна одамнинг ёшига қарамайди, болага ҳам, ўсмирга ҳам, ёшу қарига ҳам тўхтовсиз ҳужум қилаверади. Ҳа, унинг ҳужуми тўхтовсиз давом этади. Демак, инсоннинг номус поклиги учун нафс балоси билан олишуви гўдаклигида бошланиб, сўнгги нафасигача давом этади. Ҳеч ким «Мен комил иффат ёки номус эгасиман!» деб мақтана олмайди. Мақтангудай бўлса, номуси комил эмас экан, чунки мақтаниш – шайтоннинг ғолиблигидан бир даракдир. Номусга доир тушунчаларнинг барчаси бир ўзак атрофига бирлашади, дедим. Барча тушунчаларнинг душмани ҳам бир – нафс қуроли билан ҳамла қилувчи шайтон. Айни чоғда номуснинг соқчиси ҳам бир – ақл!

Бир гапни афсус билан айтишим шарт: кейинги пайтда одам савдоси ҳақида, фоҳишалар ҳақида гапириляпти. Баъзилар бунга иқтисодий қийинчилик билан боғлашга уринишяпти. Ўтган асрда халқимиз бошига кўп балолар ёғилди. Қашшоқлик нима экан, қаҳатчиликни ҳам кўришди. Лекин ўша азобли кунларда яшган қиз-жувонлар ўзларини сотмадилар. Шунга кўра, бузуқликка иқтисодий камчилик сабаб эмас, балки маънавий қашшоқлик сабаб дейман. Бу ривоятни ўқиганлар, фикримга қўшилишса керак, деб умид қиламан:

Бир обид ниҳоятда фақир яшар эди. Шундай бўлдики, уйда ейишга бир тишлам ҳам нон қолмади. Болалари очлик азобига чидаёлмай йиғлайвердилар. Очликдан обиднинг ҳам силласи қуриган эди. Ҳатто кўчага чиқиб тиланишга қурби етмай қолди. Унинг ўрнига хотини чиқди. Бир кишидан нон тилаган эди, у ноинсоф: «Эй нозанин, агар танингни менга бахш этсанг, сенга сўраганингни берурман», деди. Бу талабдан ғазабга келган хотин вужуди титраган ҳолда уйига қайтди. Онанинг қуруқ қўл билан қайтганини кўрган болалар яна нола қила бошладилар. Фарзандларининг ўлар ҳолга келганига чидолмаган хотин яна кўчага чиқди. Яна тиланди. Унинг ҳуснига маҳдиё бўлган киши нафси талабини айтди. Хотин ундан юз ўгириб, яна бир одамга бориб тиланган эди, яна ўша беҳаё талабни эшитди. Бас, ночор хотин рози бўлди. Хилват жойга борганларида аъзои бадани титроқдан ларзага келди. У одам: «Эй нозанин, нега титраяпсан?» деб сўради. «Бу гуноҳни қилмакка Худодан кўрқиб, вужудим ларзага кирди», деди хотин. Бу гапни эшитиб, у одамнинг виждони уйғонди. «Эй хотин, шунчалар фақир бўлсанг ҳам сен Аллоҳ таолодан кўрқяпсан. Бас, менга бу қадар неъматлар берган Аллоҳ таолодан менинг ҳам кўрқишим зарурдир», деб гуноҳдан қайтди ва хотинга кўп неъматлар ҳадя этди.

Бу ривоятнинг бир неча хулосаси мавжуд. Бирида «у киши Худодан кўрқиб, нафсини тийгани учун барча гуноҳлари кечирилган» дейилади. Яна бир хулосага кўра, бечора хотин унинг ҳаққига дуо қилиб: «Ё Аллоҳ, бу банданг нафсини тийиб, қўлини баданимга етказмагани учун гуноҳларини кечир ва унинг қўлларини икки дунё

оловларидан асра!» деб илтижо қилган экан. Дуо ижобат бўлиши натижасида у киши чўғни кафтига олса ҳам қуймас экан...

Киши ўз номусини асрашга масъул бўлгани ҳолда ўзгалар ному-сига даҳл қилишга ҳақсиздир. Номуснинг ор (уят) ва қадр тушунча-ларига ҳам маънодошлиги бор. Шунинг учун «ор-номус» атамасини ҳам кўпинча ишлатамиз. «Ор-номус» асосан эр-йигитларга нисба-тан қўлланилади. Оилани, Ватанни, дўстни... ҳимоя қилиш – эр-йи-гит учун ор-номус саналади. «Эр йигитга икки номус – бир ўлим», деган мақол бор. Бунинг маъноси – йигит ўз жони ҳузури учун но-мусини парчалайдиган бўлса, унинг учун ўлим афзалроқ, дегани.

*Бедов от туёғидан тойиларми?  
Мард йигит тўғри йўлдан қайриларми?  
Номуси, орияти бор йигитлар  
Ақча деб туққанидан айриларми?*

Бу халқ қўшиғига изоҳнинг ҳожати йўқдир.

Айрим ёшлар, эҳтимол, бизнинг бу суҳбатимизни ўқишни истамаслар. Шундай бўлса, муҳтарам ота-оналар, гап мавриди ке-либ қолганда, тушунтириб қўйинг: ҳар ҳолда эр ор-номусини бой бериб қўйса, ҳар қандай хонадон ҳам иснодга қолиши аниқ.

Бирор кишининг камчилигидан сўз очилса, уни ҳимоя қилиш мақсадида: «Ҳа энди, Ойда ҳам доғ бор», деб қўйилади. Ойнинг бизга кўринадиган томонида доғларни кўрамиз. Орқа томонида нималар бор, билмаймиз. Одамларнинг гуноҳлари ҳам шундай. Айрим гуноҳлари барчага равшан – кўриниб туради, айримлари эса пинҳоний. Икки киши орасидаги гуноҳларини ўзгалар билмай-ди, деб ўйлаб янглишадилар. Бу ўринда, англагандирсиз, номус-нинг зидди бўлган номуссизлик, бошқачароқ айтсак, бузуқликни назарда тутяпман.

Бугунги кунда жамиятдаги жуда кўп гуноҳларнинг бошланиши, хусусан, бу гуноҳлар оқибатида бола-чақаларнинг хор-зор бўлиши Европа томонидан оқиб келаётган фаҳш ишларнинг кенг тарғиб этилиши ва зинонинг – ношаръий жинсий муносабатларнинг кенг авж олгани оқибатидадир. Зино дунё ва охиратда инсонни бено-мус, хору расво, аламли азобларга мубтало қилади.

«Эр кишининг ўз никоҳида бўлмаган аёл билан жинсий алоқа қилиши», деб таърифланган зинонинг гуноҳи кўпчиликка маълум бўлса-да, «Худо кечиради», деган аҳмоқона умид билан баъзилар бу гуноҳдан ўзини тиёлмайди. Кундузи «зарур ишларим бор», де-ган баҳонада кўчага чиққан эр кун бўйи бузуқ маишатини қилиб, шом (ёки хуфтон) чоғи хизматида ҳориб-чарчаган кўринишда уйига кириб келади. Алҳазар!! Маишатхонадаги ювиниши би-лан ўз назарида гўё поклангандай бўлади. Уйига бир арава иф-лос ахлат кўтариб кирганини, наҳс босганини эса ўйламайди, қўрқмайди. Аксинча, болаларини қучиб, ўпиб, эркалайди. Хотини билан бир тўшакда ётади. Янада афсуслар бўлсинки, айрим

аёллар ҳам шу ишни қилишади. Тирикчилик важҳидан танасини сотувчини «фоҳиша» деймиз, улардан нафратланамиз, улар эса бу ишларини касб ўрнида кўриб, уялишмайди ҳам, яширишмайди ҳам. Аммо эрли зинокор аёлларни нима деймиз? Улар қандай лаънатга лойиқлар? Фаҳшга шўнғиган эр «хотиним билмасин», деб эҳтиётини қилар. Фаҳшга шўнғиган хотин эса «эрим билиб қолмасин», деб чўчийди. Аммо бу гофил бандалар «Худо кўриб-билиб турибди-ку?!» – деб ўйлашмайди, қўрқинмайди-я! Кейинчалик қариган чоғларида фарзандлари бемехрлик қилишганда эса нолиб юришади. Фарзанднинг бемехрлиги – жазонинг бошланиши. Жазо уларни дўзахда кутиб турибди, дейсизми? Бу дунёдаги жазо-чи? Бир одам фоҳишадан касал юқтириб, сўнг хотинига юқтирган. Хотиннинг қорнидаги боласи эса ўлиб қолган. Оқибатда хотин ҳам жон берган. Бу жазонинг аниқ кўриниши. Лекин юқтирилган касаллик болаларни, қариндош-уруғларни иснод ўтида ёндирмайди-ми? Ўша одамнинг ўзи ҳам касаллик туфайли азоблана-азоблана ўлади. Лекин унинг булганган номи узоқ йиллар сақланиб қолади. У одам бир неча дақиқалик роҳати учун оиласига шармандалик юкини мерос қилиб кетади... Ўғиллари вақтида уйлана олмайди, қизларга совчи бўлиб келганлар воқеадан огоҳ бўлиб қайтиб кетишади... «Рўзғорига файз кирмоқни ақли расо ёр келтирар, ёрнинг ори бўлмаганда оилага зор келтирар», деб шунга айтадилар-да.

«Зинокор аёл ва зинокор эркак – икковларидан ҳар бирини юз даррадан уринлар. Агар сизлар Аллоҳга ва Охират кунига имон келтиргувчи бўлсангизлар, Аллоҳнинг бу ҳукмида (*яъни зинокорларни дарралашда*) сизларни уларга нисбатан раҳм-шафқат туйғулари тутмасин! Уларнинг азобланишига бир тоифа мўминлар гувоҳ бўлсинлар!» (*Нур сурасидан*). Ояти каримада зикр қилинган юз дарра уриш жазоси ҳали оила қурмаганлар учун тайин этилган. Яъни, никоҳда бўлмай, эр-хотинлик муносабатида бўлмаган кишилар зино қилсалар, юз дарра уриладилар.

Зино барча замонларда, барча жамиятларда ахлоқий жиҳатдан разолат, диний жиҳатдан гуноҳ, ижтимоий жиҳатдан номуссизлик саналган. Инсонийлигини йўқотган жамиятларгина бу умумий қоидадан четга чиққанлар. Соф инсоний табиат ҳеч қачон зинони яхшилик сифатида қабул қила олмайди. Чунки инсониятнинг боқий қолиши, камол топиши учун эр ва аёлнинг ўртасидаги алоқа доимий ва мустаҳкам аҳду вафо, жамият шоҳид бўлган аҳду паймон асосида бўлиши керак. Шундай бўлмаса, наслу насаб поклиги ҳам, ота-болалик туйғуси ҳам, оила ҳам, жамият ҳам қолмайди. Инсоният таназзулга юз тутади. Зино поклик ва олиймақомликни йўққа чиқарадиган амалдир. Шунинг учун ҳам ҳамма халқлар, ҳамма динлар, ҳамма жамиятлар зинони қоралаганлар. Инсоний табиати бузилмаган жамиятлар зинони ҳеч иккиланмай, жазога лойиқ иш деб ҳисоблаганлар. Масалан, қадимги мисрликлар эркакни таёқ билан қаттиқ калтаклашган, хотиннинг эса бурнини кешишган. Ҳиндлар аёлни итларга егизишган, эркакни қиздирилган

темир сўрига ётқизиб, атрофидан олов ёқишган. Рим қонунлари бўйича қадимда зинокорларнинг мол-мулки мусодара қилинган, сўнгра умрбод қамоқ жазоси билан алмаштирилган. Яҳудийларда эса ўлимга ҳукм этилган...

Табиати бузуқ, маънавий покликдан кўра шаҳватга кўпроқ интиладиган жамиятларда эса зинони икки тоифага бўлиб қарашган: биринчиси – оддий зино, яъни эрсиз аёл билан жинсий алоқада бўлиш. Бу зинога эътиборсиз қарашган, жуда борса, жарима солиш билан чекланганлар. Бугун «Эрсиз хотинни қувонтириш савоб», дейдиган аҳмоқлар «фатво»ни ўша бузуқ жамиятлардан олган бўлсалар ажаб эмас. Иккинчиси – эри бор хотин билан алоқа қилиш. Бу хилдаги зинони «Турмуш ўртоғига хиёнат қилиш» деб аташади. «Хиёнат қилганларга» турли жазолар ҳам тайин этилган.

Ўлимидан сўнг «Қизил иблис» деб ном олган Лаврентий Берия фақат қонхўрлиги билан эмас, бузуқлиги билан ҳам тарихда қолган. Маълумотларга қараганда, унинг мингга яқин ўйнаши бўлган. Лекин расмий айблов ҳужжатларида олтмиш бир аёлнинг зўрлангани таъкидланган. Шулар ичида еттинчи синф ўқувчиси ҳам бўлган. Бу қизча ҳатто ундан ҳомиладор ҳам бўлган... Берия ўлдирилди. Лекин ундан оққан қон ифлосликларини юва олдимикин?

Бу ўтмиш. Бугун аҳвол қандай? Асримизнинг бошларида АҚШ Президенти бўлган Клинтон бузуқлигини тан олиб, халқидан узр сўраган эди. Исроилнинг собиқ президенти фаҳш ишларда айбланди, Италиянинг бир неча йиллар давомида Бош вазири бўлган Берлусконининг маишатлари ҳам фош қилинганди... Қани жазо? Ким жазо беради?

Мавзуга қайтсак, масиҳийларда биринчи тоифа – «оддий зино»га жазо йўқ. Ҳозирги кундаги зинога оид қонунлар шу қоидаларга асосланган. Бу фалсафадаги мантиқсизликни, бемаъниликни қаранг-ки, икки тарафнинг розилиги билан бўлган зино жиноят ҳисобланмас эмиш. Бугунги кунда зинонинг кенг тарқалиб, унинг касофати ҳамма ёқни босиб кетгани ҳам шундан.

Ислонда зино улкан жиноят ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бу жиноят оила кўрган кишилар томонидан содир этилса, Пайгамбаримизнинг (с.а.в.) суннатларига асосан тошбўрон қилиб ўлдирилганлар.

Ҳозир сўлим ерлардаги хонадонлар шаҳарликларни дам олишлари учун уйларига қўядилар. Шаҳарликлар баъзи ҳолларда фоҳишаларни бошлаб келадилар. Ҳовузда чўмиладилар... Хонадон пул учун ўзи яшайдиган гўшани ифлос фоҳишахонага айлантирганидан уялмайди. Бузуқлар кетишгач, пок бир оила дам олгани қўйилади. Улар, айниқса болалар, яқиндагина бузуқлар чўмилган ҳовузда чўмиладилар... Уйини фоҳишахонага айлантирган хонадонда тарбия топаётган болалар нимани ўрганишади? Қизлари-чи? Фарзандларига фаҳшдан топилган луқмани едириб, булар нимага эришадилар?

Йигитларнинг қизлар билан маишат қилишлари одат тусига кириб бораётганини афсус билан таъкидлайман. Ёз чилласида

шундай «дўстлар давра»си «дам олиш учун» тоққа чиқди. Улфатдагилардан бири машинасига ўтириб, қимиз олиб келгани кетди. Ҳадеганда қайтавермагач, хавотирланиб, изидан боришди. Қарашса, машина ағдарилган, ёниб ётибди. Йигитнинг қарийб ярми кўмирга айланиб бўлган. Ҳали ҳаёт аломати сезилиб турган танани ўтдан олиб, ерга ётқизишди. Жон талвасасидаги йигит «Олов! Олов!» деганича алаҳсирай бошлади. Кейин «Энди нима дейман унга! Нима дейман унга!» деб ҳайқирди. «Кимга?» деб ажабланиб сўрашди. Йигит: «Аллоҳга! Аллоҳга!» деди-ю, жон берди.

Бу воқеа баёнини эшитганда «Қани эди, бошқалар ҳам «Унга нима дейман?!» деб яшасалар. Фаҳш сари қадам босганларида ўша машинада ёнаётган йигитни кўз олдиларига келтирсалар. Машинада ёниш – ҳолва, ҳали дўзахда ёниш бор...» деган фикр хаёлимни ёритиб ўтган эди.

Агар шу йигитнинг ёки СПИДдан ўлим топган бошқа бир бузуқнинг яқинлари орасида «Энди у дўзах азобларига гирифтор бўлади», десангиз, балога қоласиз. «Нега ёмон ният қиласиз?» деб, сизга маломат тошларини отишади. Тўғри, марҳум ҳақида ёмон сўз айтилмайди, ёмон тилак ҳам тиланмайди. Дўзах азобини бериш ҳам Аллоҳ таолонинг ихтиёрида. Лекин Аллоҳ таоло айтадики: «Эй Одам фарзанди, бирор гуноҳ ишга қўл урмасдан бурун ҳамиша бўлғувси жазо ва азобларимни эсла». «Агар сен дўзахни ёмон кўрсанг, Парвардигоринг гуноҳ ишларни ёмон кўради. Бас, У ёмон кўрган ишларни қилма! Раббинг сени ўзинг ёмон кўрадиган жойдан асрайди». «Қачонки сенга бирор мусибат ёки офат етса, қара: агар ўша мусибат сенга нопок ҳолда турганингда етган бўлса, демак, билгилки, бу офатнинг сабабчиси ўзингсан!» (*Ҳадиси қудсийдан*).

«Педофилия» – гўдаклар билан жинсий алоқа қилиш Европада жазоланади. Шу боис бузуқлар Осиёдаги «курорт»ларга келиб, нафсларини қондириб кетарканлар. Дунёда «сексбизнес» деган тушунча ҳам пайдо бўлган. Махфий «сексбизнес» билан шуғулланмайдиган мамлакат кам бу дунёда. Таиланддаги табиий офат чоғида ота-онасини йўқотган ўн икки ёшли ўғил бола шифохонада ётган пайтида германиялик бир бузуқ уни ўғирлаб кетибди. Бундан ҳам ортиқ аблаҳлик бўладими?

Педофилия ҳақида сўз айтдик. Бу жиноят гомосексуализмдан ҳам баттарроқ офат бўлди. Агар «педофиллар»ни «хайвон!» деб сўксангиз, жониворлар ранжиса керак. Чунки хайвонлар бунақа ифлосликни қилишмайди. Бир ойлик ғунажинга буқанинг сакраганини ҳали ҳеч ким кўрмаган. Аввалги йили Францияда олтмиш олти одам педофилияда айбланиб, суд жараёни бошланди. Улар зўрлаган болаларнинг ёшига диққат қилсангиз, даҳшатга тушасиз: зўрланган болаларнинг энг каттаси ўн икки ёшда, энг кичиги... олти ойлик чақалоқ! Ишонмаяпсизми? Мен ҳам ишонмаган эдим. «Евроњьюс» телеканоли тарқатган бу хабарни қайта-қайта эшитдим. Бу олтмиш олти аблаҳ орасида ўз фарзандини зўрлаб

роҳатлангани ҳам бор, фарзандини бир неча қути сигарет эвазига бегона тўшакка отганлар ҳам бор. Бу қабоҳат ҳақида ўзингиз бир нима денг. Мен сўз топа олмаяпман...

Агар одамларга шаҳватларини тартибсиз равишда, хоҳлаган йўл билан қондираверишларига ижозат берилса, тезда инсоният ва унинг маданияти, маънавияти ҳалокатга учрайди. Агар инсон оилавий ҳаётнинг масъулияти, оғирликлари ва машаққатларини бўйнига олмасдан, фақат шаҳватини қондиришга ҳаракат қиладиган бўлса, ундан ҳеч қачон бола тарбиялашда, оила ва жамиятда бирор фойдали ишни кутиб бўлмайди.

Эр киши билан эр кишининг никоҳланиши тарафдорлари Лут алайҳиссалом қиссаларини билмасмикинлар? Рим папаси Фарб мамлакатлари раҳбарларига нома йўллаб, бу ҳаракатдан сақланишни талаб қилган. Аммо давлат раҳбарлари бир жинсдагиларнинг никоҳини чеклашни инсон ҳуқуқларининг топталиши, деб ҳисоблаганлар. Бу ҳаракатга (улар тилида «гомосексуализм» дейилади) қарши чора кўрмадилар, чекловчи қонунлар қабул қилмадилар. Аввалги замонларда бу ҳаракат уят ҳисобланарди, энди эса турли мамлакатларда очик намоишларга чиқишяпти (улар тилида «гейпарад» дейилади). Савол туғилади: улар қанақа инсон ҳуқуқини назарда тутишяпти? Инсонга бундай қабиҳ ҳаракат учун ким ва қачон ҳуқуқ берган? Умуман, бузуқликда ҳуқуқ бўлиши мумкинми? Ҳар ҳолда Исломда бундай ҳуқуқ йўқ, аксинча, тақиқ бор. Шуаро сурасида ўқиймиз: «Одамлар ичида эркакларга борасизларми? (яъни «эркаклар билан жинсий алоқа қиласизларми?» – дейдилар Лут алайҳиссалом) Ва Раббингиз сиз учун яратган жуфти ҳалолларингизни тарк қиласизларми?! Йўқ!!! Сиз ҳаддан ошган қавмсиз (инсонлик чегарасидан чиққан қавмсиз)! Ва уларнинг устига бир ёмғир ёғдирдикки, бас, огоҳлантирилганларнинг ёмғири қандоқ ҳам ёмон бўлди».

Аллоҳ таоло уларнинг устига **тошдан** ёмғир ёғдириб, битга ҳам қўймай ҳалок этди. Шунинг учун ҳам ҳанафий мазҳабидаги баъзи фақиҳлар Лут алайҳиссалом қавми кирдикорини қилган баччавозларни тошбўрон қилиб ўлдириш керак, дейдилар.

Евроиттифоқнинг адлия ва хавфсизлик комиссарлиги лавозимига номзод, италиялик депутат Бутириони «бесоқолбозлик (гомосексуализм) гуноҳ, хотинлар ўз эрларидан бола туғишлари керак», деган фикри учун қаттиқ танқид остига олинди, у инсон ҳуқуқларини топташ, чеклашда айбланди. Комиссарликка сайланишда жиддий қаршиликка учради ва сайланмади. Евроиттифоққа аъзо бўлиб кирмоққа интилаётган Туркия эр-хотин орасидаги хиёнат учун қамоқ жазоси жорий қилиш ҳақида қонун лойиҳасини мамлакат Миллий мажлиси муҳокамасига қўйганда ҳам, ўз миллат вакиллари бу ёнда қолиб, Евроиттифоқ норозилигига, қаршиликка учради.

Рус православ черковининг олдинги раҳбари, Москва ва бутун Рус патриархи Алексей II Евроиттифоқ йиғинида диний масалалар



хусусида фикр юритаётиб, инсон ҳуқуқлари ва маънавият бир-бирига зид қўйилмаслиги лозимлигини таъкид этиб, Европада инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш баҳонасида маънавият парокандаликка учратилаётганига алоҳида эътибор қаратган эди. Православ черкови «гейпарад» ўтказишга қаршилигини билдирди. Бунинг гуноҳ эканини тасдиқловчи сўзлари Евроиттифоқнинг айрим депутатларига ёқмабди. Патриархни у нодонлар инсон ҳуқуқларига чанг солганликда айблашди. Ҳолбуки, Патриарх ўз сўзлари эмас, Инжил сўзлари билан жавоб қайтарган эди. Гомосексуалистлар «Биз шундай туғилганмиз, шундай яшашга ҳаққимиз бор», деб даъво қиладилар. Бекор айтибдилар! Улар бундай бузук ҳолда туғилишмаган!

Дарвоқе... «гейпарад»... «Парад» сўзини биз «намойиш» деб нотўғри ишлатамиз. «Намойиш» – «демонстрация». «Парад» эса ғолибона, дабдабали юриш. Яъни, ғолибликни намойиш этиш. Хўш, инсоф юзасидан айтсинлар-чи, улар иймон устидан ғолибларми? Поклик тарафдорлари, иймон эгалари бутунлай мағлуб бўлдиларми? Бу юриш Ер юзида поклик бутунлай маҳв этилганига бир ишорами? Фашистлар ҳам фаолиятларини шундай ғолибона юришлар билан бошлаган эдилар!

Во дариф! Қуддуси Шариф – мусулмонлар, насронийлар, яҳудийлар учун муқаддас ҳисобланган шаҳарда «гейпарад» уюштирилишига нима деймиз?! Ақлга сиғадиган нарсами?! Қайсидир йили Исроил ҳукумати кўчаларда намойишкорона юришга ижозат бермай, уларнинг ихтиёрига стадионни топширган эди. Номи «жамоат тартибини сақлаш», аслида эса бузуқларни ҳимоя қилиш учун стадион полис томонидан қўриқланган, бу бузуқликдан нафратланган яҳудийларни бузуқлар маконига яқинлаштиришмаган эди. Кейинги йили бадбахтларга Қуддуси Шариф кўчаларида тантана қилиш ижозатини берганларнинг ўзлари ҳам «майдақадам» эмасмикинлар, деган фикрга борилиши табиий. Бу ҳолатда полисни айблаш нотўғри бўлур эди. Чунки улар буйруққа итоат этишади. Ажабки, полис аблаҳлар тинчини ҳимоя қиляпти. Наҳсга қарши чиққанларни эса тўқмоқ билан уряпти, ҳибсга оляпти. Аслида акси бўлиши керак эмасми?

Европа мамлакатларида бир жинсдаги икки аҳмоқнинг қўшилиувини «оила» деб атаганлари камлик қилиб, уларга бола асраб олишга ижозат берувчи қонун қабул этилди. Хўш, бу «оила»да «тарбия» олган боладан келажакда нималарни кутиш мумкин? Яна бир масала: бир жинсдан таркиб топган «оила»лар кўпаяверса, бола қаердан туғилади?

«Киши номаҳрам аёл билан ёлғиз қолмасин, агар қолса, учинчиси шайтон бўлади», дедилар Расулуллоҳ (с.а.в.). Ислонда ҳатто номаҳрамга қараб қўйиш ҳам ман этилганки, бунини «кўз зиноси» дейдилар. Кўчадаги аёлга тасодифан қаралса, айби йўқ. Аммо иккинчи дафъа қаралса, айниқса, бу қарашда шаҳват ҳисси бўлса, гуноҳ ёзилади. Кўзлар ҳам зино қилади, қўллар ҳам. Кўз зиноси

– номаҳрамга қараш билан. Қўл зиноси эса номаҳрам билан қўл бериб саломлашиш орқали ҳам юзага келади. Пайғамбаримиз алайҳиссалом аёллар билан қўл ушлаб кўришмаганлар, қўлларини тутмаганлар. Байъат қилган аёллар ҳам қўлларини ушламаганлар.

Ҳазрати Усмон (р.а.) ҳузурларига бир киши кириб келганда у зот: «Сенинг кўзларингда зино изларини кўряпман», деганларида у киши қўрқиб кетади. Чунки йўлда кетаётиб бир уйнинг чала ёпиқ эшигидан қараганида юзини юваётган аёлни кўрган экан...

Ҳазрати шайх Самадоний Боязид Бистомий дедилар: «Ҳар кимнинг кўнглида шаҳват кўп бўлса, ложарам уни лаънат кафанига ўрагайлару надомат туфроғига дафн қилгайлар. Ҳар ким шаҳват нафсини ўлдирса, ложарам уни раҳмат кафанига ўраб, саломат туфроғига дафн айлагайлар».

Кўз зиноси, қулоқ зиноси... деган тушунчаларни ёшларга ким ўргатади? Юқорида айтганимдай, радио ёки телевизорда беҳаё ашулаларни тинмай айлантиришади: бири «Фақат сенга тегаман!» деб ҳайқиради, бири «Ачом-ачом қиласизу, аммо хиёнат ҳам қилиб турасиз», деб нозланади. Яна бири: «Бировнинг ёрини олдим омонат», деб мақтанади ва ҳ.к. Фарб қўшиқлари-чи? Булардан беш баттар! Кўп ота-оналар чет тилларни билмайдилар, аммо қўшиқларни берилиб тинглаётган ёшлар биладилар. Чет қўшиқларда беҳаёлик ва аҳмоқликни таърифлашга сўз ожиз! Мана шулар бугунги тарбиямиз! Яна эротик тарбия деган балолар ҳам бор...

Шулар ҳақида фикр юрита туриб, ўз-ўзимизга хитоб қилайлик: *«Бу манзараларни кўриб, ичингни маънослик қопламайдими? «Сен ҳам одамсан-ку! Шу ахлоқсизлик тўфонини тўхтатиш сенинг зиммангда йўқми? Шуларни кўра-била туриб, хотиржам виждон билан яшаяпсанми?!»*

Кейинги йилларда «Одам савдоси» деб аталган жиноят тури юзага келди. Яъни, қуликнинг янги кўриниши яратилди. Бунда эрлар қул каби ишлатилса, қиз-жувонлар фоҳишалikka тортиладилар. Хорижга бориб фоҳишалик қилиб келганлар афсусланиб «Мени алдаб олиб кетишди», дейишяпти, ўзларини оқлашяпти. Сизнинг фикрингизни билмайман-у, мен бунга кўпам ишонмайман. Ахир улар конфет бериб қўлларидан етакласа, индамай кетаверадиган кичкина қизалоқ эмас-ку! Миллат номини булғаётганлари учун мен бундайлардан нафратланаман! Шунақа фоҳишалардан бири Москва телевидениесига Инжилдан мисол қилиб гапириб: «Сен ўзингни ўзинг кечира олсанг, Парвардигор ҳам кечиради», дейди. Во, ажаб! Булар Инжилни ҳам билишади-я!!

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти маълумотига кўра, МДХ, Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларидан Фарбий Европа ва АҚШга бир йилда бир миллионга яқин қиз-жувонлар «экспорт» қилинаётган экан. Италиялик эксперт Гианпиэро Кофано ўз мамлакатигаги фоҳишабозлик муаммосини таҳлил қила туриб, дейди: «Мен бир сиёсатчидан нега мамлакатдаги ноқонуний инсон савдоларига қарши дастур билан чиқмайсиз?» – деб сўра-

дим. У эса: «Ҳозир Италияда ўн миллионга яқин эр хорижлик фоҳишалар хизматидан фойдаланади. Мен сайловларда ўн миллион овозни ўзимга қарши қўйишни истамайман», – деб жавоб берди». Бу ҳолатга изоҳнинг ҳожати йўқ.

Бировнинг номусини қадрламаган кимсада номус йўқдир. Номусли одам бошқаларнинг номусини ҳам муқаддас деб билади. Ҳеч кимсанинг номусига ёмон кўз билан олайиб қарамаслик керак. Ақлли одам бўлмоқ лозим. Номуссизлик инсон ақлини йўқотади. Инсонни тўғри йўлдан адаштиради.

Шу ўринда азиз ёшларимизга айтадиган яна бир гапим бор: ярамас, бузуқ ишларнинг эшиклари саноқсиздир. Ҳушёрлик, сезгирликни сира ҳам қўлдан берманг. Эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилмасангиз, бузуқ йўлларга кириб кетганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Эҳтиётсизлик – шайтонга асир бўлишдир!

Энди «Жинсий тарбияни қачон бошламоқ керак?» деган саволга жавоб топишга уриниб кўрайлик:

Чақалоққа муносабатда биз унинг жинсига жуда эрта аҳамият бера бошлаймиз. Ҳатто кийимнинг рангига ҳам эътибор берамиз. Ўғил болани «Улғайганида министр бўлади, олим бўлади», деб, қиз болани «Улғайганида гўзал қиз бўлади», деб эркалаймиз. Ўғил болага машина, қизчага қўғирчоқ оламиз. Ўғил бола опасининг қўйлагини кийиб олса ёки қўғирчоқни талашса, уят қиламиз. Машҳур болалар руҳшуноси Ван Орнштейннинг тадқиқоти натижаларига кўра, бола уч ёшдан кейин ўзининг қиз ёки ўғил эканини фаҳмлай бошлайди. Яъни ўғил бола уч ёшга тўлгач, катталар айтмаса ҳам, қўғирчоқ ўйнашдан уяла бошлайди. Энди уларнинг қизиқиши ҳам, ўйинлари ҳам ўзгаради. Мана шу ўзгариш ота ва она диққатидан нари бўлмаслиги керак. «Жинсий тарбияни мактаб ёшида бошлаш керак», деб ҳисобловчилар адашадилар. Бола уч ёшида ўзининг ўғил ва қиз эканини ҳис этади. 13-14 ёшида уйғониш бошланади. Уч ёшида отаси ва онасининг вужуди бошқа-бошқа эканини англайди. Агар ҳаммомда бирга чўмилса, бунга қизиқиши ортади. Агар оилада укаси туғилса, унинг қандай пайдо бўлгани билан қизиқади. Шундай савол берса, гапни кулгига бурамиз. Бола эса ота-онанинг нега алдаётганига тушунмайди. Бугун бола катталар билан телевизорда юзлаб кинофильмларни томоша қилишини инобатга олсак, 3 ёшда эмас, аввалроқ жинсни фарқлайди, деган хулосага келишимиз мумкин. Ота-онанинг тунги шивир-шивирини ҳам англайдиган бўлиб қолади. Демак, жинсий тарбияни бола 2-3 ёшда эканида бошлаган мақсадга мувофиқ. Бу тарбия узоқ йиллар, ҳатто бола турмуш қуриш ёшига етгунга қадар давом этади. Шунга қараб, тарбия усуллари ҳам ўзгариб боради, бошқача айтганда, соддадан мураккабга қараб борилади.

ЯРАЛАНГАН ҚААБ ИСЁНИ

Ўсмирнинг ҳаётда ўз ўрнини топишга интилиши билан бир озгина танишгач, энди ўз жонига қасд қилган йигитча билан қизнинг ва иккинчи синфда ўқийдиган боланинг тақдирига қайтсак бўлар. Бу ҳақда сиз ҳам ўйлаб кўргандирсиз. Аслида воқеа бундай бўлган: ўсмир тарбияси бузилган ёмон бола эмас. У ўз маҳалласидан узоқроқда, шаҳарнинг бошқа қисмида жойлашган лицейда ўқийди. Ҳар бир мактабми, лицей ёки коллежми, кинохонами, шунинг атрофида «зўр»лар ин қўйган бўлишади. Бу зўрларни балоғатга етмаган бевош болалар билан шуғулланувчи милиция ходими ҳам билади. Ўтган-кетганда «Бу ерда ўтирмаларинг», деб танбеҳ ҳам беради. Милиция ходимининг бундан бўлак ҳаракатга ҳуқуқи йўқ. Бекор гап сотиб ўтирганларни олиб бориб қамай олмайди. Агар улар бировни уришса ёки тунашсагина ҳибсга олишга асос бўлади. Ўша «зўр»лар эртами-кечми бу жиноятга албатта қўл уришларини билса ҳам, чора кўра олмайди. Хуллас, биз айтган йигитча ўша «зўр»ларнинг зуғумига дуч келади. Улар ҳар куни пул талаб қилишади. Уларнинг одати шундайки, ким айтилган пулни бериб турса, талабни ошираверадилар. Пул бермаган бола калтакланади. Маълумки, баъзи болалар калтакдан кўрқмайди, мушт еса ҳам чидаб юраверади. Айримлар эса ҳатто чертишдан ҳам зириллаб туришади. Мен айтган йигитча шундай тоифадан эди. У аввалига овқатланиш учун берилган пуллар билан қутулиб юрди. Кейин талаб оша бошлагач, бувисининг қутисидаги пулдан ола бошлади. Бунақа пайтда баъзи болалар ота-онасига воқеани айтади. Катталар аралашгач, масала ижобий ҳал этилади ҳам. Лекин дардини ичига ютадиганлар ҳам оз эмас. Улар чора излашади, лекин топа олишмайди. Ўша йигитча ҳам отасига айтиши мумкин эди. Лекин айтолмади. «Э, латта, шуларга кучинг етмайдими, мишифингни оқизиб юровур...» деганга ўхшаган гап эшитишни хоҳламай айтмади. У икки ўт орасида қолди. У ўзини ҳам ўғирлиги учун, ҳам кўрқоқлиги учун айблади. Тунлари ухламай, ўша «зўр»лар билан олишиб чиқди. «Эрталаб бораман, «Нима қилсанг қил, ўлдирсанг ўлдир, пул йўқ, дейман», деб қарор қилади-ю, «зўр»ларни кўргач, дами чиққан пуфак ҳолига тушади. Бора-бора бувиси пули йўқолганини билади. Йигитча унинг «Ўлимлигимга йиғиб қўйган пулим эди-я, қайси бемехр олди?» деган гапларини эшитиб қолади-ю, ўн азоби минг бўлади. Ичга ютилган дард уни кемира бошлайди. «Мен олувдим, шунақа воқеа бўлувди», деса – олам гулистон. Ота-онаси ҳам, бувиси ҳам бир оз койиб, сўнг унутишарди. Йўқ, бу бизнинг фикримиз. Ўсмирнинг фикри, унинг ғўр ғурури бошқача йўлга ундайди. Бир неча сўздан иборат гапни айтишдан кўра ўлимни танламоқлик унга осон туюлади. Бу нуқтада ирода заифлиги, борлиқни тўғри англай олмаганлик, фикр оқсоқлиги, таҳлил ва нотўғри хулоса чиқариш устунлиги учрашиб,

ўзига ўлим ҳукмини танлаган. Ўша «зўр»лар билан курашиш, отаси ёки онасига адолатсизликни тушунтиришга уринишдан кўра ўлиш унга осонроқ туюлган. Бу ўринда ўсмир **ўзлигини танишда адашди**. Боласини ҳамиша тергаб турувчи ота-она эса фарзанди билан ўзлари ораларидаги масофа узоқлашиб бораётганини сезишмади. Ўртада ишончсизлик девори кўтарилаётганини кўришмади.

Оила аъзолари орасида ёки ўқувчи билан устоз орасида ишончнинг йўқолиши тарбия борасидаги катта фожиадир. Тарбияда бутун иш тарбиячининг ким эканлигига боғлиқ. Тарбиячи ўз тарбияланувчисини ҳар жиҳатдан билиши баробаринда тарбиячи билан тарбияланувчи орасида тўла ишонч бўлмоғи зарур. Чунки инсон тарбиясининг бош йўли – ишончдир... Тарбиячи болани комиллик йўлида тарбиялашни истаса, даставвал ўзи унинг руҳий олами ни ҳар томонлама ўрганмоғи лозим. Тарбиячи тарбия кучининг нақадар беқиёслигига, ундан ҳеч қачон бутун борлигича фойдалана олмаслигига ишонган бўлиши керак. Тарбиячи мансабдор тўра эмас, агар у мансабдор тўра бўлса, тарбиячи эмас.

Тарбия ҳақида гап кетганда айримлар «ота-она боласига дўст бўлиши керак», дейдилар. Шундай суҳбатда бир аёл «Мен – онаман, боламга дўст эмасман. Мени она сифатида ҳурмат қилишини хоҳлайман», деди. Аёлнинг бу талабини инкор этмоқ қийин. Лекин «болага дўст бўлиш» деганда асл маънони англамаслик керак. Маълумки, ўсмир ота-онага айта олмайдиган айрим гапларни ўртоқларига айтади, улар билан маслаҳатлашади. Уларнинг маслаҳати билан бирон яхши ёки ёмон ишга қўл уради. «Бола билан дўстлашиш» – фарзандингизга шундай яқин бўлингки, у дардини ўртоғига эмас, сизга айтсин, сиз билан маслаҳатлашсин, демакдир. Биз боладан ота ва онасини, устозларини ҳурмат қилишини талаб этамиз. Ўзимиз уларни ҳурмат қилишимиз лозим эканини ё унутиб қўямиз, ё бу талабни кўр-кўрона инкор этамиз. Қолбуки, муваффақиятли тарбиянинг сири – болага ҳурматда... Болаларга ҳурмат – уларни эркалитиб қўйиш, айтганларига сўзсиз юравериш эмас. Болалар ўз тарбиявий талабларини ҳаётга қатъият билан татбиқ этувчи муаллимларни ҳурмат қиладилар.

Ўсмирлардаги ҳис-туйғу даражасининг бир-биридан фарқланиши ҳаётда ўз ўринларини танлашларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ўзининг жонига қасд қилган йигитча таъсирчан, туйғуларига банди бўладиган тоифадан эди. Агар у ҳис-туйғуга берилмаганида бу йўлни танламасди. Афсусланарди, узр сўрарди, вассалом. Демокчиманки, тарбиячи ўсмирлик оламига ўтаётган ёки ўтган боланинг ҳис-туйғулари билан ҳам ҳисоблашишга мажбурдир.

Ўсмир ўзини ўзи ўлдирдимми ё уни ўлдирдиларми? Жавоб битта – **ўлдирдилар**. Дунёвий қонунга кўра, ҳеч ким жазога тортилмайди. Ўсмирдан пул талаб қилган «зўр»ни ўлимга мажбур қилишда айбашлари мумкин. Лекин айнан шу болага тазйиқ ўтқазганларига гувоҳ топилармикин?

Иккинчи воқеага келсак, бу фожиада ҳам ҳис-туйғунинг кучи инобатга олинмаган. Бизда ғалати бир одат бор: мактаб ўқувчиси

севиб қолибди, деган гапни эшитсак, хаёлимизга дарров ёмон фикр келади. Севибдими – демак, бузила бошлабди. Мактаб ёшида севиш мумкин эмас – бизнинг дунёқарашимиз шундай. Шу хато дунёқарашга асосланган ҳолда «Мактаб ёшида фақат ўқиш керак», деб ҳисоблаймиз. Буни ҳақиқат ўрнида қабул қилиш – бизнинг нодонлигимиздир. Чунки севиш-севилишни биз белгиламаймиз, бу бизнинг истагимиз билан бўлмайди. Бу – табиий жараён. Бола табиат томонидан уйғотилдими, бас, уни тош қалъага яшириб қўйсангиз ҳам, қўнглига севги оралайди. Биз севгига қарши юрмай, бунинг муқаддас туйғу, беназир неъмат эканини аввало ўзимиз тушуниб, сўнг фарзандимизга англатишга уринишимиз керак.

Бир мактабда шундай бўлмабди. Юқори синфда ўқийдиган қизга шу синфдаги йигитча муҳаббат изҳорини ёзади. Иттифоқо мактуб ўқитувчининг қўлига тушади-ю, олов бўлиб ёнади. Бу муаллима юқорида зикр этганим – севгини жиноят ўрнида қабул қилувчи тоифадан эди. У қизни турғизиб қўпчиликнинг ичида изза қилади. Бу ҳам етмагандай «Синфдошинглар бузуқ йўлга кирибди, унга тупуринглар», деб болаларни тупуришга мажбур қилади. Қиз бу номусга чидай олмай, уйига келиб, ўзига ўт қўяди. Қиз бу билан ўзича исён этади. Лекин унинг бу исёнини атрофдагилар тўғри қабул қилишмайди. Аксинча, «Бузилган экан, шармандалиқдан қўрқибди», деб ҳукм чиқаришади. Агар қизнинг туйғулари кучли бўлмаганида у дардни йиғи билан енгарди ёки муаллима билан гап таллашиб бўлса-да, ўзини ҳимоя қиларди.

Бу фожианинг оқибати – қизни «хаёли қилиб тарбияламоқчи» бўлган устоз жазоланди.

Энди камдан-кам ҳолларда юз берувчи фожиа – иккинчи синф ўқувчисининг ўзини осиши воқеасини таҳлил қилиб кўрайлик. Болакай дарсда устозининг саволларига яхши жавоб бера олмай, паст баҳо олиб, йиғлаб юборади. Шунда устоз уни овутиш ўрнига «Шунга ҳам йиғлайсанми, ундан кўра ўзингни осиб қўя қол», деб пичинг қилади. Бола гапдаги пичинг оҳангини англамайди. Балки устози энг тўғри йўлни кўрсатгандай бўлади.

Кўп оилаларда болаларнинг дарс тайёрлашлари қаттиқ назорат остида бўлади. Шунга яраша ундан фақат аъло баҳоларга ўқиш талаб этилади. Бола пастроқ баҳо олган куни жазоланади. Жазо турлари ҳар хил: қўлидаги телефонни олиб қўйишлари ёки ваъда қилинган нарсани олиб бермасликлари, ширинликдан маҳрум қилишлари баробарида ҳатто аёвсиз калтаклашлари ҳам мумкин. Мен айтаётган боланинг отаси ана шундай бераҳмлардан экан. Бола «тўрт» баҳо учун ҳам тарсаки ер экан. «Икки» баҳо учун бериладиган жазодан қутулиш учун ўзини оседи. Жонига қасд қилаётган болаларнинг аксари бу дунёдан бутунлай кетаётганларини ҳис этмайдилар. Ота-оналари бироз дод-фарёд қилгач, ҳаётга қайтадигандай бўладилар. Уларнинг назарларида худди кўчага аразлаб чиқиб кетиб, сал ўтмай қайтиб келадигандай туюлади.

Бу фожиага ким сабабчи? Ҳуқуқ идоралари муаллимани айблаганлар. Муаллима эса бунда бошқалардан гуноҳ қидирмай, ўз тилини ва бу тилни бошқарувчи ақлни айблаши керак. У яхши муаллима бўлиш учун нимани ўқитса – ўшанга, кимни ўқитса – ўшаларга меҳр қўймоғи зарур эканини англамаган. Сўз деган нарса тарбиячи-муаллимларга ўз фикрларининг баёни учун эмас, балки бошқалар тафаккурини уйғотиш учун берилган. Қаердаки бўлмасин, сўз одамлар ўртасидаги воситачилик хизматини ўтар экан, айниқса таълим соҳасида ортиқча гапириш ҳам, гапни тўмтоқ тугатиш ҳам номақбул эканига шу фожиа далил-исботдир.

Болани қўрқувда ушлаган ота-она қамалмайди. Худо уларга бундан-да азобли жазо – яраланган, тирналган қалб азобини берган. Шайх Саъдий: «Ҳўкизлар гуноҳ қилса ҳар қачон, пода соҳиби тўлайди товон», деганларида ҳар қандай ҳолатда ҳам ота ва она зиммасидаги масъулият соқит бўлмаслиги назарда тутилган бўлса ажаб эмас...

Қуриядаги жаҳон биринчилигида иштирок этган Туркия терма жамоасида Умид Давала деган футболчи ўзининг маҳоратли ўйини билангина эмас, сочи билан ҳам кўпчиликнинг диққатини тортган эди. Унинг сочи худди жўжаҳўрознинг тожини эслатарди. Ўсмирликда машҳур кишилардан бирини ёки бир нечасини «кумир» деб билиб, унга ўхшашга интилиш бўлади (*Кумир – асли мажусийларнинг санамга топиниши маъносини билдиради. Ҳозир бирор кимсага гоят равишда кўнғил қўйиб, уни жони-дилидай кўриб, унга сажда қилиш даражасида яхши кўриши тушунилади*). Туркиялик бир йигитча учун бу футболчи «кумир» экан. Умид Давалага ўхшаш ҳаваси билан сартарошга бориб, сочини жўжаҳўрознинг тожидай қилиб олдирибди. Бу иши отасига ёқмай сочини олдириб ташлашни талаб қилибди. Ота-бола орасидаги келишмовчиликнинг якуни – бола исён қилиб, ўзини осибди. Бу сатрларни ўқиб «Шунақа аҳмоқлар ҳам бўлади», дерсиз. Тўғри, боланинг иши аҳмоқлик. Лекин, биз – ақллар унинг ақлсизлиги сабабини нега вақтида тушунмаймиз?

Шунга ўхшаган воқеа ўзгача якун топганига камина гувоҳ бўлган эди. Ота сартарошга «Ўғлим келса, сочини таг-туги билан олиб ташланг», деб илтимос қилиб кетади. Сартарош унинг илтимосини адо этади. Ўғил бундан ғазабланади, лекин у футболчининг ихлосманди йўлини танламайди. Унинг исёни бўлакча – икки ўртоғи билан кечаси келиб, сартарошхонани вайрон қилиб ташлайди. Бу иши учун қамалган бола билан суҳбатлашганимда у қилмишидан мутлақо афсусланмади. «Сартарош жазоланиши керак эди, мен уни жазоладим», деди фахр ва мамнуният билан. «Бу отангнинг талаби билан бўлган-ку?» деган сўроғимизга «Отам ҳам бундан буён менинг ҳаётимга ўйлаб аралашадиган бўладилар», деб жавоб қайтарди.

Булар нима: Ўжарликми? Нодонликми? Ожизликми? Ҳа, ўжарлик! Ҳа, нодонлик! Ҳа, ожизлик... Энг муҳими, ўсмирнинг ҳаётда

даъво қилаётган ўз ўрни учун кураши. Бу курашда у енгиб чиқиш учун у ҳар қандай чорадан фойдаланишга тайёр. Биз бу курашнинг моҳиятини англаб, уни ҳаёт-мамот жангига айлантирмай, баъзан чекинишимиз ҳам керак. Урушда доно саркардалар фақат ҳужум билан эмас, балки тадбир билан ҳам енгадилар. Тарбияда ҳужумни афзал билувчилар унутмасинларким, бундай «жанг»да фарзандлар қалбларидан яраланадилар. Яраланган қалбга малҳам топа оламизми? Бу мажруҳ қалбни даволай оламизми? Яралаш осон. Тузатиш-чи?

Юқорида баён қилганим ўз-ўзини ўлдириш воқеалари ўрганаётган мавзуимизга алоқаси йўқ, дерсиз. Асти ундай эмас. Тўғри, биз жиноятга олиб бориши мумкин бўлган йўллари кузатяпмиз. Ўз-ўзини ўлдириш эса жиноятнинг айнаи ўзи. Бундай қотилликни барча динлар қоралайдилар. Биз – мусулмонларда жаноза ўқилмайди, насароларда булар ҳатто қабристонга киритилмайди, ташқарига кўмилади. Шарафли ҳадисда ривоят қилинишича, ғазотда ном чиқарган лашкарга ҳавас қилиб саҳобалар: «Эй Аллоҳнинг расули, бу одам жаннатими?» деб сўраганларида пайғамбар алайҳиссалом: «Дўзахи», деб жавоб берган эканлар. Саҳобалар бу жавобнинг маънисига етмай юрган кунлардан бирида, оғир жангда ўша жангчи яраланибди-да, оғриқдан қутулиш мақсадида ўз кўксига ханжар санчиб, жон берибди. Ислом йўлида жонбозлик қилганлари ҳам инобатга олинмай, дўзахи қавмида кетган экан. Аввал айтганимдек, атрофдагиларга исён сифатида ҳар бир ўсмир ҳам ўзини ўзи ўлдиравермайди ва мен ортиқча ваҳима қилаётганим йўқ. Мақсад – ўсмирнинг руҳида кечувчи ҳар қандай ўзгаришга нисбатан эътиборни тортмоқликдир.

Ўсмирнинг биологик томондан тез ўсишини айтдим. Атрофмуҳитни англаши, яъни ижтимоий жиҳатдан камолга етишуви эса бу ўсишдан анча ортда қолгани сабабли катталар билан зиддият келиб чиқади.

Энди тасаввур қилайлик: ота ва ўғил ёнма-ён туришибди. Кўзлари бир нуқтага қадалган. Бу нуқтани «Борлиқни баҳолаш», деб атайлик. Ўғил биологик ва ижтимоий етуклик орасидаги фарқни ажрата олмайди – ота эса бу икки етукликни фарқлайди. Ўсмир биологик ва ижтимоий етукликни бир деб билади – ота ўғлини ҳали камолга етмаган шахс сифатида кўради. Ўғил балоғат ёшига етганини англаб, ўзини катталар сафида кўришни истайди – ота эса ўғилнинг бу даъвосини тан олгиси келмайди ёки гапни чўзиб ўтирмай, шартга инкор этади-кўяди.

Айни шу нуқтада фарзанд ва ота-она орасида келишмовчилик, ҳатто кучли зиддият пайдо бўлади. Ўсмир ўзини камситилган ҳисоблайди, кўнгли оғрийди. Камситган одамга нисбатан, агар у ота ёки онаси бўлса-да, нафрат уйғонади. Катталарнинг меҳрибонликлари ҳам ёқмай қолади, ҳатто ғашини келтира бошлайди. Ўзини катта, мустақил одам эканини исбот этиш чорасини излайди (Сартарошхонани вайрон қилган болани эслайлик). Одоб



доирасидан узоқлаша бошлайди. Катталарнинг иллатларидан нусха кўчиришга уринади (Чекишга ёки майхўрликка ўрганиш бунга мисолдир).

Бу ўринда ота-она муносабатининг икки хил кўринишини кузатамиз. Бир тоифа боласини ҳали ҳам гўдак фаҳмлайди ва ҳаёт йўлларида доимо қўлидан ушлаб, етаклаб юришни хоҳлайди. Бошқа тоифа эса «Болам энди катта бўлиб қолди», деб уни ўз ҳолига ташлаб қўяди. Менимча, ҳар иккала йўл ҳам хатарлидир. Тарбиячи олимлар орасида: «Бола эмас, катта ҳам эмас», деган ибора юради. Мана шу нарса ҳам зиддият келтириб чиқарувчи омидир. Биз боламизни тергасак: «Энди ёш бола эмассан, каллангни ишлат!» деб танбеҳ берамиз. Бошқа ҳолатда эса «Сен ҳали ёш боласан, бунақа ишларга ақлинг етмайди», деб камситамиз. Ҳолбуки, бу даврга келиб, фарзандимиз биз сезмаган даражада маълум оқилликка ҳам эга бўлади. Ота-оналар кўпинча «тарбия» сўзи билан «маълумот» сўзини чалкаштириб қўядилар ва болага маълум дарсларни ўқитиб-ўргатиш билан унга тарбия бердик, деб ўйлайдилар. Йиллар ўтгач, ота-оналарининг ҳафсалалари пир бўлишининг сабаби ҳам мана шунда. Баъзан ота ёки онанинг: «Тарбия қилавериб чарчадим», деган нолишини эшитиб қоламиз, тўғрими? Уларга айтар сўзим шу: бошқа соҳаларда толиқсангиз ҳам, тарбия бобида чарчашга ҳаққингиз йўқ. Бу муҳим ишда собитлик ила бардавом бўлиш сизнинг бурчингиз. Унутмангки, тарбия бобида оғир масалаларни четлаб ўтмаслик, хаспўшламаслик керак, аксинча, уларни биринчи даражали масала сифатида кун тартибига кўндаланг қўймоқ лозим. Яна унутмангки, бугун сиз яхши тарбия беришга кечиксангиз, эртага фарзандингиз кўчадан ёмон тарбияга илинади. Ёмон тарбия кўрган одамни эса қайта тарбиялашдан оғирроқ нарса йўқ. Боланинг ўсиб-улғайиши фақат жисмоний жиҳатдан эмас, балки унга уйғун ҳолда ақлий, ахлоқий, гўзаллик ва латифлик жиҳатдан ҳам мутаносиб бўлмоғи шарт, яъни, тарбияланаётган болада ахлоқий софлик, маънавий бойлик, жисмоний баркамоллик уйғунлашиб кетмоғи шарт. Агар «чарчадим», деб бир кунгина кўз юмсангиз, бу уйғунликка путур етиши шубҳасиз. Яъни, жисмоний ўсиш жараёни давом этаверади, ақлий баркамоллик ўрнини маънавий қашшоқлик эгаллай бошлайди. Маънавий қашшоқлик шундай сурбет иллатки, уни эртага ўрнидан силжитмоғингиз анча қийин бўлиб қолади. Тарбиянинг вазифаси болани тўғри йўлдан оздирмай туришдангина иборат эмас, боланинг эгри йўлга оғишидан сақлашга интилишингизнинг ўзи кифоя қилмайди. Кундалик тарбия давомида дунёни таниётган фарзанднинг яхши фазилатлари тобора ортиб бормоғи лозим. Маърифатли одамлар инсониятнинг келажаги ўсиб келаётган авлоднинг тарбиясига батамом боғлиқ эканини яхши биладилар. Ҳар бир ота ва она ҳамда тарбиячи-устоз шу маърифатли одамлар сафида бўлсалар, қандай яхши!

«Ёш авлодни тарбиялаш керак», дейиш осон. Бунинг учун «Қай тарзда?» деган саволга юзларча жавоб топиш лозим бўлади. Агар тарихга мурожаат қилсак, тарбия ишларининг йилдан йилга мураккаблашиб бораётганини кузатамиз. Дунёдаги барча жамиятлар учун тарбия масаласи келажак тақдири билан боғлиқ ҳаёт-мамот масаласидир. Аввалги замонларда ворислик ёрдамида, асрий урф-одатлар, уруғ-аймоқчилик ва халқ удумлари ёрдамида эришилган нарсаларга эндиликда фақат таълимнинг кўмаги билангина эришиш мумкин бўлиб қолди. Бугун компьютерга боғланган болани урф-одатларга суяниб тарбия қилиб бўлмайди. Масалан, замонавий эстрада санъатига берилган ўсмирнинг «Шашмақом»ни эшитишга тоқати йўқ эканини билмаймизми? Биламиз! Лекин ўзимизни билмаганга оламиз. Мактаблар ёки лицейларда қадрлашимиз лозим бўлган урф-одатларимиз ҳақида кўп суҳбатлар ўтказилади. Юқорида, минбарда катталар жон куйдириб гапирадилар. Пастда, зални тўдириб ўтирган болалар эснашдан ўзларини тийсалар ҳам, гапларни эътиборсизлик билан тинглайдилар. Агар бу фикримга қўшилмасангиз, кичик бир тажриба ўтказинг: мактабнинг бир хонасида қадриятлар ҳақида суҳбат бўлишини, иккинчи хонасида янги смартфонлар, компьютерлар, планшетлар... ҳақида суҳбат бўлишини, кириш ихтиёрий эканини эълон қилинг-да, кузатинг. Тажриба натижаси ҳақида мен афсусларимни гапирмай қўя қолайин.

Ровийлар айтмишлар: *«Подшоҳнинг ўнг томонида ўз ўғли, чап ёнида хос хизматкорининг фарзанди ўтиришарди. Подшоҳ ўғлидан сўради-ки:*

– *Ўғлим, сен бу фоний дунёда нималарни орзу қилурсан, кўнглинг нималарни қўмсайду?*

– *Могу мулким беҳадлиги билан шуҳрат қозонмоқликни, ҳамиша шароб ичмоқлигу бетўхтов шикорларга чиқмоқликни, айшу ишрат денгизида сузмоқликни орзу қилурман, – деди шаҳзода.*

*Шунда подшоҳ мазкур саволни хос хизматкорнинг ўғлига берди.*

– *Давлатпаноҳим, мен шафқатли ва марҳаматли, хайр-саховатли бўлмоқликни, халққа хизмат этмоқликни, жамиятга фойда етказмоқликни, барчанинг меҳру муҳаббати, олқишини олишга етишмоқликни орзу қиламан, – дебди хизматкорнинг ўғли.*

Ривоятдан муддао шулки, ҳар икки фарзанд оламини ўз отасининг ёнида туриб кўрди ва унда шунга яраша дунёқараши шаклланди. Уларнинг айтганлари шунчаки ҳавога учувчи орзулар эмас. Айнан шу орзулар уларнинг ҳаёт йўлларини белгилайди. Қобил фарзанд – ота-онаси учун мисли гавҳар бўлса, ноқобил фарзанд улар бўйнини бўғиб турувчи мисли илондир, дейдилар. Унинг гавҳар ёки илон бўлмоғи бизнинг тилимиздан учувчи сўзларнинг маънисига, босажак қадамимизнинг пок ёки нопоклигига боғлиқ. Донолар дерларким: *«Фарзанд – ота-она учун жондир. Борди-ю, фарзанд ноқобил бўлса – озори жондир. Ёмон фарзанд ота-она*

*учун бадандаги оғриқ бармоқдир. Кесиб ташласа оғрир, кесмаса яна бир балодир. Фарзанд ота-она кўзининг меҳрғиёси бўлса ҳам, ноқобили хас-хашак билан баробардир. Демишларким, агар фарзанд ёмон йўлга кирса, ундай фарзанднинг боридан йўғи яхшидир. Бирон аъзони илон чақиб олса, ўша ер кесиб олиб ташланмаса, одам ўлим топади...»*

Албатта, донолар фикри анча қатъий ва аёвсиз кўринади. Лекин начора? Ота ёки она жуда камдан-кам ҳолларда фарзандидан воз кечади. Агар илон чаққан ерни кесиб ташламоқ фикрини бугунги кун тилига ўгирсак – ёмонликни касб этган фарзанднинг қамоққа ҳукм қилиниши ёки бевақт ўлим топиши бўлиб чиқар? Ҳар нима бўлганда ҳам бундан Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Фарзандимизнинг болаликдан ўсмирлик оламига қадам ташлаши муборак бўлсин. У ўзини ўзи англай бошладими, билайликки, бу ҳам улуғ неъматдир. У улғайганини билдирмоқчими, марҳамат қилайлик, кўкрагидан итармай, сафимизга олайлик. Фарзанд – талабларимизни сўзсиз бажарувчи қул эмас. У ҳам фикрловчи онгли инсон. Бизнинг талабларимиз эса ҳамма вақт ҳам тўғри бўлавермайди.

## ТҮРТИНЧИ БҮЛИМ

### ҚИЛ КҮПРИК

#### БИРИНЧИ БОБ

#### КИМ АЙБСИЗ ДҮСТ ҚИДИРСА...

- «У билан ўйнама»
- «Менинг дўстимни билмайсиз»
- Икки кўзи дўст учун фидо
- «Биринчи пахан»

Фарзандимиз ўзлигини бирданига таниб олмайди. Унда бир кечада «Мен» туйғуси туғилмайди. Борлиқни танишда фақат ўзининг фикрига асосланмайди. Атроф-муҳит таъсирини четлаб ўтолмайди. Буни биз биламиз ва ўғил-қизларимизнинг дўстлари билан **баъзан** қизиқиб ҳам қўямиз. Унинг дўстлари таъбимизга ўтирмаса ёки бу дўстнинг ота-онасини ёқтирмасак, фарзандимизни бундай дўстдан узоқлаштиришга уринамиз. Бундай вазиятда биз даъвоимизни исбот этолмаймиз. «У билан ўйнама», деб талаб қилиш билан чекланамиз. Бундай жараённи ҳаммамиз бошимиздан кечирганмиз. «Фалончи одобсиз, у билан ўйнама», дейиш бизларга ота мерос.

Дўст танлаш ҳаётдаги энг мураккаб масалалардан бири. Одамга ота-онани танлаш ҳуқуқи берилмаган, аммо дўст танлаш учун ақл-идрок берилган. «Дўст деб юриб қўйнимда илон сақлаган эканман», деб афсус чекувчиларни кўп кўрганмиз. Дўст масаласида бир-икки куймаган одам топилмаса керак. Шунинг учун ҳам фарзандимизнинг дўстлари бизларни бефарқ қолдирмайди. Аммо бу дўстларни яхши ўрганмай, яхши билмай туриб, инкор этишимиз фарзандимизга ёқмайди. Фарзандимиз дадилроқ бўлса «Сиз ўртоғимни билмайсиз», деб баҳслашиб, уни ҳимоя этиши мумкин. Дардини ичига ютадиганлари эса «Адам (ёки ойим) билсалар-билмасалар ҳар нарсага аралашаверадилар», деб эзилиб юраверади. Биз ёнимиздаги дўстимизнинг қандайлигини билмаганимиз ҳолда бир-икки марта кўрган ёки эшитганимиз – фарзандимизнинг ўртоғи ҳақида ҳукм чиқариб қўямиз. Биз ароқхўрнинг ўғлини ёки кўчада писта сотиб ўтирувчининг қизини фарзандимиз билан дўстлашишини истамаймиз. Агар ҳокимнинг ўғли билан дўстлаш-

са, қувончдан бошимиз осмонга етади. **Чин** дўстлик билан **манфат** дўстликни ўзимиз фарқламай туриб, фарзандимизни шу дўстлик сари ундаймиз. Агар фарзандимиз ҳокимнинг ўғлини бошлаб келса, уни энг азиз меҳмондай қутиб оламиз. Соясига кўрпача соламиз. Ҳоким ишдан кетгандан кейин келган ўғилни эса энсамиз қотиброқ қаршилаймиз. Фарзандимизнинг ундан узоқлашишини хоҳлаб қоламиз. Бу ҳақиқатни фарзандларимиз кўриб, фаҳмлаб туришади. Сиз буни инкор этмассиз?

Албатта, фарзандимиз атрофида ёмонлар бўлиши ҳам мумкин. Балки уларнинг ёмонликлари фарзандимизга яхши бўлиб кўринар, эҳтимол ундан кўрққани учун яқин юришга мажбурдир. Биз буни ҳам ҳисобга олишимиз шарт. Биз кўпроқ «Қозонга яқин юрма – қораси юқади, ёмонга яқин юрма – ёмонлиги юқади», мақолини амалга ошириш пайдамиз. Лекин «Ҳар ким айбсиз дўст қидирса, дўсти камайиб қолади, дўстларини ранжитаверса, душмани кўпаяди», ҳикматини ҳам унутмаслик керак. Сиз, муҳтарам тарбиячи, ўғлингиз ёки қизингиз, ё икковини ёнингизга олиб, қандай одамлар билан дўстлашмоқ мумкину, қандайлардан нарида юрмоқ афзал, деган мавзуда ҳеч суҳбатлашганмисиз? Суҳбатлашган бўлсангиз, нималар дегансиз? Агар суҳбатлашмаган бўлсангиз-у, фарзандингиз «Ада (ёки ая) дўст танлашимда менга маслаҳат беринг», дейишса жавобга тайёрмисиз? Сиз ҳозир шу саволни ўйлаб туринг, мазкур бобнинг ниҳоясида бу масалага қайтамиз. Ҳозир эса диққатингизга бир ҳикоятни ҳавола этаман:

*Кўчада кетаётган отлиқ қария болаларнинг ўйинига разм солибди. Аниқроғи, ўйинга эмас, болаларнинг хатти-ҳаракатларига эътибор қилибди. Болалардан бири қарияни кўриб ўзини четга олибди-да, қўл қовуштириб салом берибди. Бошқалар қарияга қараб қўйишибди-ю, ўйинларини давом эттираверишибди. Шунда қария улар ёнидан ўтаётиб узугини ташлабди-да: «Ким узугимни олиб узатса, суюнчи бераман», дебди. Болалар талашиб-тортишибди. Чаққонроғи узукни кўтариб узатибди-да, суюнчидан умидвор бўлибди. Қария ёнини кавлаган бўлиб «Аттанг, ҳамёним уйда қолибди, суюнчини кейинги сафар оласан», дебди. Шунда гўё узукни тақаман деб яна тушириб юборибди. Суюнчидан умидини узган болалар энди эгилишмабди. Салом берган бола эса узукни олиб, чангини артиб, қарияга тавозе билан узатибди...*

Бу баённи ўқиган ҳар бир одам боласининг шундай баодоб бўлишини истайди. Ёки фарзандининг дўстлари шу бола каби бўлишини орзу қилади. Лекин...

Кўчада болаларнинг ўйинини ҳаммамиз кўрганмиз, аммо кўпинча эътиборсиз ўтиб кетишга одатланганмиз. Келинг, энди тасаввуримизда бўлса ҳам уларнинг ўйинини синчиклаб қузатайлик:

Кўчада ёки майдончада болалар ўйнашяпти. Ёшлари бир хил эмас. Ёш болалар ҳам, ўсмирлар ҳам бор. Бир уйдан Али исми бола чиқиб келади. Ўйиндагилар уни қувнаб қарши олишади. Бир оздан кейин бошқа уйдан Вали чиқиб келади. Ўйиндагилар унга эъти-

бор ҳам беришмайди. У болаларга яқинлашади. Валини «Нари тур», дейишмайди. Чунки Вали асли ёмон бола эмас. Лекин айна чоғда болалар учун унинг пайдо бўлишидан кўра ўйин қизиқроқ. Хўш, бу икки болага нисбатан бўлган муносабатнинг сири нимада?

Сиз, муҳтарам тарбиячи, ўз фарзандингизга нисбатан кўчадаги ёки мактабдаги тенгдошларининг муносабати билан ҳеч қизиқиб кўрганмисиз? Болалар сизнинг ўғил ёки қизингизга Алини қувониб кутгандай пешвоз чиқишадими ё Валини қаршилагандай эътиборсиз бўлишадими? Эҳтимол уни ўйинга қўшгилари келмас, эҳтимол ундан безиб қолгандирлар. Балки у болаларнинг ота-оналари ҳам сизнинг фарзандингизни ёқтиришмас. Сиз «Али билан ўйнама, у ёмон бола», деганингиз каби, улар ҳам «Вали билан ўйнама» деб тайинлашгандир? Агар биров сиздан «Ўғлингизнинг дўстларини танийсизми?» деб сўраса, жавобга қийналмайсиз. «Ҳа, биттаси Болтавой, яна биттаси Тешавой», дейсиз. Сизнингча, шу танишликнинг ўзи кифоя. Ҳафсала қилсангиз, унинг ота-онаси билан қизиқарсиз. Қизиққанда ҳам биринчи галда уларнинг қаерда ишлаши сиз учун муҳим бўлади. Агар яна ҳафсала қилсангиз, ўғлингиздан «Ўртоғинг яхши ўқийдими?» деб сўраб кўярсиз. Сиз «Ўғлим нима учун Али билан эмас, Болтавой билан дўстлашиб юрибди? Болтавойнинг қандай фазилати ўғлимга ёқиб қолдийкин?» деб ўйлайсизми? Бу дўстлик фарзандингизга нима беради? Ақлини бойитадими? Ёки аксими? Дўстликка интилиш ким томонидан бошланган – Болтавой томониданми ёки фарзандингизданми? Уларни боғлаб турган нарса чириган ипми ёки пухта занжирми? Унинг номи нима – адолат, меҳр-оқибатми ёки худбинликми? «Гап кимнинг боласи эканлигингда эмас, ким билан улфат тутинганлигингда», «Агар энг яқин дўстларингиз ўйлаганчалик яхши бўлмасангиз, демак, сиз яхши инсон эмассиз», деган ҳикматларни ҳеч ким инкор этмаса керак?

Тан олаверайлик, бу нарсаларни ҳаммамиз ҳам ўйлайвермаймиз. Айтайлик, фарзандингиз кейинги кунларда ғамгин бўлиб қолди. Бировга кўшилгиси келмайди, гаплашишни истамайди. Саволга кўрс жавоб беради. Сиз буни сезасиз ва навбатдаги тарбиявий соатларни бошлайсиз. Аввалроқ айтганимдай, тарбиянгиз насиҳат ўқишдан иборат бўлади. Насиҳатлар кор қилмагач, жазолашга ўтасиз. «Фарзандингиз ҳасрат ўтида куйяпти, руҳи азоб чекапти», десам, «Ёш болада ҳасрат нима қилади, руҳий азобни тушунадими?!» деб мени жеркиб берарсиз балки. Фарзандингизга бир қаранг-чи, у энди ёш бола эмасдир, ўсмирдир? Оқ билан қорани ажрата бошлагандир? Бу ёшда болада сиз билан биз кутмаган кучли ҳасрат тўлқини айнан дўст масаласида бош кўтаради. Дўстлар даврасига кўшила олмаслиги у учун оғир мусибатдир.

Бошланғич синфларда боланинг ўқитувчиси асосан битта бўлади. Сўнг муаллимлар кўпайиб боради. Бу дегани ҳаётга, хусусан, дўстликка бўлган қарашлар тури ҳам ошади. Бошланғич синфдаги дўстлик талаблари билан ўсмирликдаги талаблар ҳам бошқа-

бошқа. Бола кичиклигида катталар унга кўпам эътибор бераверишмайди. Ўсмирлик ойлари бошландими, насиҳат қилувчилар кўпайиб қолади. Ота-она уйга келган меҳмондан «Жиянингизга насиҳат қилинг, яхши ўқисин, кўрс бўлмасин», деб илтимос қиладилар. Айрим меҳмонлар «Мен болангизнинг феъл-атворини, нималарга қизиқишини билмайман, менинг насиҳатим ўринли бўлармикин», деб ўтирмай, мезбоннинг лутфидан илҳомланиб кетиб, гапни бошлаб юборадилар. Чавандозликдан хабари йўқ одам отни қандай миниш ҳақида маслаҳат бермайди. Аммо ахлоқ масаласида биз бошқачароқ иш тутамиз. Бу ерда биз ўзимизни ҳамма нарсани биладиган ва истаган одамга насиҳат қилишга қодирмиз, деб ҳисоблаймиз.

Боғча болаларининг ўзаро ўйинларини кузатайлик: айрим қизлар худди мураббиялари каби бошқаларни тергайдилар. Боғча опалари қандай бақирсалар, қандай уришсалар, булар ҳам айнан қайтарадилар. Бола улғайгани сайин бу муносабат мураккаблашиб бораверади. Ўсмирнинг вақти энди кўпроқ ота-онаси билан эмас, ўртоқлари билан ўтади. (Сиз ҳам бир чамалаб кўринг, фарзандингиз кунда умумий ҳисобда неча соат сиз билан бирга бўларкин?) Шунинг учун ҳам баъзан сизга ўз ўртоғига қилган муомалаларини қайтаради. Сиз эса «Мен сенинг ўртоғингманми?» деб ғазабланасиз.

Бир аёл кўшнисига айтяпти:

– Майдончада ўйнаётган болалар орасида Болтавойингизни кўрдим. Нақ генералнинг ўзи-я! Ҳаммага буйруқ беради: «Сен у ёққа ўт, сен чиқиб тур»... Бола бечоралар ҳам индамай қулоқ солишади.

– Менинг Болтавойим-а? – деб ажабланияпти она. – Адашаётгандирсиз. Менинг болам мўмин-қобил. Уйда чурқ этган овози чиқмайди. Бировга буйруқ берадиганларданмас у.

Она ўғлининг бошқаларга буйруқ беришини тасаввурига сиғдиролмади. Лекин уйдаги аҳволни ҳам таҳлил қилиб кўрмади. Бу уйда ҳамма: бобо ҳам, буви ҳам, ота-она, ака-опалар ҳам Болтавойга буйруқ беришади. У уйдагиларга итоат этгани ҳолда ўзи ҳам бошқаларга буйруқ беришни ўрганарди.

Бошқа бир хонадонда ўзгачароқ ҳолатни кузатамиз. Қизчани уйда ҳамма эркалатади. Унинг айтгани – айтган, дегани – деган. Хоҳлаган нарсаси муҳайё. Уни бувиси «Хонзодахон», деб алқайди. Оилада нақ малика мақомидаги Хонзода мактабда бутунлай бошқа – қуйироқ мартабада. Талтаймайди, бошқаларга ҳукмини ўтказмайди, аксинча, ўзидан ёши каттароқ ва эътиборлироқ қизларга бўйсунди.

Бу ўринда ўзаро муносабатларнинг икки хил тизимини кузатамиз: биринчиси – «ўсмир – катталар», иккинчиси – «ўсмир – ўсмир». Буларнинг ҳар иккиси бола учун икки олам. Бирида у тобе, кузатади, ўрганади, маъқулини танлайди. Иккинчисида ўрганганини татбиқ этишга уринади. Шу боис ўсмирнинг тенгдошларига муносабати катталарнинг эътиборидан четда қолмаслиги керак. Бу шунчаки ўзаро муносабат эмас, оддий ҳаракатлар замирида ҳам

жисмоний, ҳам руҳий-маънавий кураш мавжуд. Бола тенгқурлари билан бўлган бу ғойибона олишувда ўзининг нималарга қодир эканини англаб боради. Бу жараён унга қизиқарли туюлиб, ғайрати ошиб бориши ҳам мумкин. Ёки аксинча, тенгқурлари орасида ўзи хоҳлаган мақомга эришолмаслигига кўзи етса, тушкунликка тушади, одамовиликни касб қилади. Ўртоқларининг таъсирида фарзандингиз бирданига ўзгариб қолиши мумкин. Сиз тарбия соҳасида эпломмаган ишни ўртоқлари амалга ошириб берса ажабланиб юрасиз. Сиз ўғлингизнинг жисмоний тарбия билан шуғулланишини, соғлом, бақувват ўсишини истайсиз. Лекин танбал ва эринчоқ болангиз сўзингизга кирмайди. Ўзингизча куйиб юрганингизда бир куни эрталаб қарайсизки, у барвақт ўрнидан туради, кўчага чиқиб югуради. Сиз ажабланасиз, сабабини аниқламоқчи бўласиз.

Дўстларнинг таъсирида бола яхши томонга ўзгаргани каби ёмон томонга ҳам бурилиши ҳеч гап эмас. Ўша эрталабки бадантарбиядан мақсад фақат чиниқиш эмас, балки ёмон мақсадларга тайёргарлик бўлишини сиз у дамда тасаввур қила олмайсиз.

Ота-она дўстга нисбатан тўғри танбеҳ берса ҳам, фарзанд буни ўз вақтида қабул қила олмайди. Фозилардан бирининг айтган сўзлари диққатга молик:

*«Ўсмирлик чоғларим бир йигитча билан дўст эдим. У хушчақчақлиги билан мени ўзига ром қилган эди. У билан юрганимда сира зерикмас эдим. Лекин у ўрни келиб қолса, ўғирлик қилишдан қайтмасди. Мен буни билардим ва уни бу йўлдан қайтариш учун кўп насиҳат қилардим. Отам ҳам дўстимнинг иллатини сезганлар шекилли, менга бир неча марта: «Ўғлим, бу ошнангдан яхшилик чиқмайди, дўстлик алоқангни уз», деб танбеҳ бердилар. Бироқ мен ўз билганимдан қолмадим. Бир куни кўчада кетаётган эдик. Дўстим бир сакраб бегона богнинг деворидан ошди. Бог эгасининг ити ҳуриб қолди. Хизматкорлар кўринди. Мен ҳам ўртоғимга қўшилиб қочдим. Далада чўпонларнинг итига рўпара келдик. Хуллас, бизни ўғри гумон қилиб ушлаган чўпонларга кимлигимизни билдириб, аранг қутулдик. «Бўлма ножинс билан ошно, бўл ўзингга эҳтиёт», деганларидай, мен отамнинг насиҳатига амал қилдим ва у билан дўстлик алоқамни уздим...»*

Бир йигитча ёки қиз ўғлингизни ёки қизингизни чақириб келди. Сиз уни яхши танимайсиз, лекин ташқи кўриниши сизга ёқмади. Сиз фарзандингизга хавф солувчи кўча таъсиридан хавотирда бўлганингиз сабабли уни эҳтиётлаш мақсадида «Ўғлим (ёки қизим) уйда йўқ», деб юборасиз. Буни фарзандингиз эшитиб туради ва сиздан ранжийди. Бу ранжиш ошкора равишда бўлиши мумкин: болангизнинг «Нега ундай қилдингиз?» деган танбеҳига сиз «Ҳар хил қаланғи-қасанғи чақириб келса, чиқиб кетаверсанми?» деб қўполлик билан жавоб қайтарганингизни ўзингиз ҳам сезмай қоласиз. Шунда фарзандингиз дардини ичига ютар ёки яна гап қайтарар: «Сиз унинг кимлигини билмайсиз, у яхши



бола!» Шунда сиз донолик қиларсиз: «Мен одамнинг башарасига қараб кимлигини дарров биламан. Ярамаслигини афт-ангори айтиб турибди. Бунақаларга яқин юрма...» Шундай ҳолларда ўзаро қўрслик анча давом этиши мумкин. Ёки болангиз сиз билан гап таллашиб ўтирмай, шарт уйдан чиқиб, ўртоғига етиб олиши, ундан узр сўраши ҳам эҳтимол. Агар сизни ўртоғига ёмон кўрсатгиси келмаса «Ухлаб ётувдим, онам (ёки отам) уйдалигимни билмабдилар», деб ёлғон воситасида ҳимоя қилади. Демак, сиз тўқиган ёлғон иккинчи ёлғонни туғдирди. Сизнинг ёлғонингизда ғараз мавжуд. Фарзандингизникида эса ҳиммат борга ўхшайди. Аслида эса унинг ёлғони замирида «Мен ёмон одамларнинг боласи эмасман», деган ҳақиқат ётади. Сизнинг ёлғонингиз болангизни сергаклантириб қўяди. Агар ўртоғи: «Эртага уйингга кириб чақириб ўтаман, футболга бирга борамиз», деса, унинг юраги бир титрайди-да: «Уйимга келиб овора бўлма, фалон ерда учраша қоламиз», дейди. «Онамнинг (ёки отамнинг) ёмон одатлари бор, уйимга келсанг мени «йўқ», деб юборадилар», деб ҳақиқатни айта олмайди. Бу ўткинчи нарсалар эмас, балки ота-она билан фарзанд орасидаги зиддиятларнинг тобора авжга чиқиб боришидир. Бу худди ер остида куч тўплаётган вулқонга ўхшайди. Ҳамонки, вулқон куч тўплар экан, бир кунмас-бир кун портлайди. Фарзандингизнинг портлаши қандай бўларкин? Сизга қараб бақириб берадимми ё уйдан чиқиб кетадимми? Учинчи йўлдан Худонинг ўзи асрасин...

«Ҳадеб болангнинг кўнглига қарайверма», деган ўғитни ҳаммамиз биламиз ва ҳаммамиз бу насиҳатга амал қилмаймиз. Айниқса, пулдорлар бу ўғитни эшитгилари ҳам келмайди. Агар танбеҳ берсангиз, «Мен шу нарсаларни кўрмай ўсдим, болам кўрсин», деб ўзларини оқлашади. Болани ғоят талтайтириш, ғоят яхши кийинтириш, бошқалардан ажратган ҳолда ўстиришнинг ҳалокатли жиҳатларини биздан аввалги тарбиячилар кўп таъкидлашган. Худо хоҳдаса, биздан кейин ҳам қайта-қайта гапирилади. Мен болалар ва ўсмирларни тарбиялашдаги машаққатларни ёзиб ўтирибман. Боладан кўра ота-онани тарбиялашнинг ғоят оғир эканини айтмасам ҳам бўлар. Болага ҳаддан ташқари оро бермоқлик уни худбинлик, кибр тўрларига ўрабгина қолмай, дўст танлашда ҳам адаштиради. Унинг атрофида чин ўртоқлар эмас, манфаат дўстлари тўплана бошлайдилар. Бундай бола улғайганида чинакам дўст тополмай қийналади. Дўст ниқобидаги мунофиқ ва хонлардан азият чекади.

Каминага бир одам отасининг донолиги хусусида сўзлаб берган эди. У кишининг отаси савдо ходими бўлган экан. Отасининг пулдорлигини билган йигитча эркаликлар қилиб тураркан. Бир куни у «Ота, менга магнитофон олиб беринг», деб хархаша қилибди. Отаси:

– Магнитофон олиб берсам, ўртоғинг Эшматга ҳам бериб турасанми? – деб сўрабди.

– Нега берарканман, бермайман, ўзининг отаси олиб берсин, – дебди йигитча.

– Шундай хаёлинг борлиги учун ҳам олиб бермайман-да. Эш-матнинг отаси рўзгорини зўрға тебратади, ўғлига магнитофон олиб беролмайди. Мен сенга олиб берсам, ўртоғингнинг кўнгли оғрийди. Сен қизганиб бермасанг, ораларингдаги ўртоқчилик узилади. Яхшиси, томорқада икковинг деҳқончилик қилларинг, етмаганини мен қўшаман, – ота шундай деб, деҳқончиликка ҳам ўзи бошчилик қилибди.

Ота бир ўқ билан икки, балки уч қуённи урди, десам муболаға бўлмас. Аввало, икки йигитчанинг дўстлигини сақладигина эмас, уларни меҳнат орқали янада яқинлаштирди. Яхши кўрилган нарсага меҳнат туфайли етишмоқ афзаллигини амалда исбот этди. У киши ота мақомидан ўсиб, фарзанди ва унинг ўртоғи учун дўст мартабасига чиқди. Ўсмир ёшидаги қизми-ўғилми, аввал айтганимдай, айнан шундай дўстга муҳтож бўлади. Биз баъзан фарзандимиздан ранжисак: «Мен сенинг ўртоғингманми!» деб жеркиб берамиз. Озгина фикр қилиб кўрайлик: эҳтимол фарзандимизга чин дўст бўлганимиз маъқулроқдир?

Бир қадрдонимиз кўпчилиқни ўйлатиши мумкин бўлган воқеани сўзлаб берди. Қадрдонимиз катта фарзандиникига борганида қирқ ёшли ўғли билан ўн тўққиз ёшли набирасининг ўзаро баҳсларига гувоҳ бўлибди. Набирасининг фикрлари унга маъқул келса-да, баҳсга аралашиб, ўғлига танбеҳ беришни лозим топмабди. Баҳс ниҳоясига етиб, набира чиқиб кетгач, ўғлига қараб: «Аввало, сен ноҳақсан, болангнинг фикрлари тўғри, ҳамонки баҳслашишга ўрин бердингми, мағлубиятнингни ҳам тан олишга мажбурсан. Боланг билан баҳслашмасанг, янада яхши», дебди. Ўғил бу танбеҳга жавобан кулимсираб: «Ада, худди шу масалада сиз билан мен икки хил йўлдамиз. Мен неварангизга фақат ота эмасман, у билан дўстман. Биз кўп баҳслашамиз. Мен унга тўла фикр эркинлигини берганман. Болалигимизни эслаб кўринг: сиз биздан фақат талаб қилардингиз, муомалангизда кўпинча дўқ-пўписа оҳанги бўларди. Сиздан қўрқишимизни истардингиз. «Дарс тайёрладингми?» «Айтиб кетган ишимни бажариб қўйдингми?» Сиз билан гаплашадиган гапимиз фақат шу эди. «Ўғлим, ҳаёт сўқмоқлари жуда нотекис бўлади, эҳтиёт бўлиб юр, қоқилиб кетма», деганингизни эслайсизми? Эслолмайсиз. Мен ўғлимни ҳаёт ҳақиқатларини билиб ўсишини истаганим учун шунақа баҳсларга чорлаб тураман. Сиз тўғри айтдингиз – неварангиз ҳақ эди. Мен атайин нотўғри фикримда қаттиқ турдим. Ахир ҳаётда оқни қора деб, қайсарлик қилиб турадиганлар оз эмас-ку?» дебди. Қадрдонимиз ўйлаб қараса, ўғли ҳақ экан. Аччиқ ҳақиқат олдида лол қолибди.

Биз ҳам ўйлаб кўрайлик-чи, фарзандларимиз иқболи йўлида эҳтимол озроқ бўлса-да чекинишимизга тўғри келар?

Фарзанд ўсмир ёшига етганида ота-онанинг доимий назоратидан, доимий насиҳатларидан безиб, улардан узоқлашишни истайди ва бу жараён аста-секин амалга ошиб боради. Ота-она дўст мартабасида бўлишга интилишса ҳам, бола дўст даврасини

кўчадан излайди. Мантиқан олиб қаралса, узоқлашиш ота-онага эмас, ўзига кўпроқ зарар келтиради. Лекин ўсмир бу ҳақиқатни англашга ожиз. Бир танишим шикоят қилди: «Дадаси билан икки кун қишлоққа кетгандик. Ўртоқларини бошлаб келиб, икки кун шовқин-сурон билан уйни бошларига кўтаришибди. Қўшнилар шикоят қилишди. Бугун эрталаб қарасам, жавонга яшириб қўйган пулнинг ярми йўқ. Ўзи олганми ё ўртоқларидан бири ўғирлаганми, ҳали аниқлаганим йўқ». Баъзи оилаларда фарзанд ўртоқларини бошлаб келса, катталар қувонишади, уларни меҳмон қилишади. Баъзиларда эса аксинча. Шу оиланинг фарзанди ота-онаси йўғида ўртоқларини уйига таклиф қилади. Кўчадаги дўстлари даврасида ким яхши, ким ёмон, ким тўғри, ким ўғри ҳали яхши билмаса ҳам, уларни уйда кўришни хоҳлайди. Шу болалар ота-она уйда эканида келишса, «Пулим йўқолиб қолибди», деган шикоятлар бўлмайди.

Бола ўсмир ёшига етмай туриб, кўчадаги ўртоқларининг велосипедига ҳавас қилади. Ота-онага «Менга ҳам олиб беринг», деб аввалига ялинади, сўнг талаб қилади, талаби бажарилмаса ғазабланади. «Велосипедга пулимиз етмайди», деган ота-она ўзига янги кўйлак олса, бола «Ана, ўзларингга пул топасанлар!» деб баттар ғазабланади. Отаси кийиб юрган кўйлакнинг ёқаси титила бошлагани ва энг арзон кўйлак олганлари билан боланинг иши йўқ. Ўсмир ёшига етганида бойвачча ўртоқларининг автомашина миниб юришига ҳавас қилади. Уйдаги моддий аҳволни билгани учун «Машина олиб беринг», деб ғалва қилмайди. Бунинг ўрнига ўша бойвачча билан яқинлашиш ҳаракатини қилади. Машинасида бирга сайр қилган куни роҳатланади, ўртоғи «Сенам ҳайдаб кўр», деб бошқарув чамбарагини берса, ўзини дунёдаги энг бахтли одам ҳисоблайди. Бола велосипед олиб беришларини талаб қилганида баъзи ота-оналар маблағлари бўлса ҳам, кўчадаги транспорт ҳаракатларидан хавотирланиб олиб бермайдилар. Бола эса ўртоғини велосипедини миниб, катта кўчада автомашиналар ҳаракатидан чўчимай пойга ўйнаб юраверади. Ўсмир ёшига етгач эса ўртоғининг велосипедидан дўстининг автомашинасига ўтади. Кўп нохуш воқеалар, ҳатто ҳалокатлар шунинг натижасида юз беради. Аввал ўртоқнинг пачоқланган велосипеди ҳақини тўлаган ота-она энди пачоқланган машина ҳақини тўлашга мажбурлар. Зарар фақат пул тўлаш билангина қоплана қолса кошки эди...

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **ТЕНГ – ТЕНГИ БИЛАН**

Али болаликдан мўмин бўлиб ўсди. Хархашалари кам эди. Боғчага боришда ҳам дод солмасди. Расмни китобларни варақлаб ўтиришни яхши кўрарди. Мактабга боргач, тенгқурларига нисбатан яхши ўқиди. Ота-она муаллимлардан фақат раҳмат эшитишарди. Сал улфайгач, техникага қизиқди. Радио-телевизор

тузатишни, компьютерни ўрганди. Отаси ёрдамида автомобил сирларини ҳам ўргана бошлади. Унинг хотираси ўткир эди, дарс тайёрлашга қийналмасди. Техникага оид чизмаларни ҳам тез ўрганарди. Аммо у кўчага кам чиқарди. Тенгдошлари билан кам ўйнарди. Болалар ҳам Алини сафларига чорлашмасди. Ота-она бундан аввалига қувонишди, «Кўчадаги ёмонларга қўшилмагани дуруст», деб ҳисоблашди. Аммо кейинроқ ўйлаб қараб, хавотирга тушишди. Ўғиллари ўсмир ёшига етибди-ю, битта дўст орттирмабди. Бирон бола уларнинг эшигини тақиллатиб: «Али, юр, ўйнайсанми?» деб келмабди. Сайргами, киногами, футболгами... таклиф қилиб, чақиришмабди. Оқибат боланинг ёлғизланиб қолишидан чўчиган ота-она мактабга бориб, муаллимлар билан маслаҳатлашишди. Турли йўللарни мулоҳаза қилишди. Ниҳоят, мактабда радиоҳаваскорлар (ёки компьютер) тўгарагини очиб, унга Алини раҳбар этиб тайинлайдиган бўлишди. Бу таклиф Алига ҳам, бошқа болаларга ҳам маъқул келди. Али аввал ўртоқлари билан яқин эмаслигидан қайғурмасди. Таъбир жоиз бўлса, унинг ўз осмони мавжуд эди ва бу осмонида ёлғиз «сузиб юриш» унга роҳат бахш этарди. Радиотўгарак баҳонасида у ўзи яратган осмонидан «пастга тушди», тенгқурлари билан яқинлашди. Ўзини қайта кашф этди. Аввалги ёлғизлик асосига қурилган ҳаёти энди зерикарли туюла бошлади. Ўсмирда жонланиш сезилди.

Валининг ҳаёти аввалига Алига ўхшарди. У ҳам яхши ўқирди, вақтини кўпроқ уйда ўтказарди. Отаси ишдан бўш вақтида расм чизишни яхши кўрарди. У чойхонада ёки бошқа маишатларда вақт ўтказадиганлар тоифасидан эмасди. Валининг кўпроқ уйда бўлишидан қувониб, «Ўғлим ўзимга ўхшади», дерди. У ўғлининг уйда бўлишидан қувонарди-ю, бироқ фарзандининг қизиқишларига бефарқ қарарди. Ўғлининг ўртоқлари йўқлигини бу ота фаҳмламади. Мактабга бормади. Мактаб муаллимлари, одатда, бевош болаларнинг ота-оналарини йўқлаб туришади. Яхши ўқийдиган, тўполон қилмайдиганларнинг ота-оналарини чақиришмайди. Улар эса ўзларича «Боламнинг мактабдаги аҳволи қандай экан?» деб қизиқиб келишмайди. Вали уйда ота-онаси билан бирга бўлса-да, ўзини ёлғиз сезади. Мактабда ҳам, кўчада ҳам болалар билан тил топиша олмайди. Оқибатда у сиқила бошлайди. Болаларнинг эътиборини ўзига тортишни истайди. Афсуски, бошқаларнинг эътиборини тортишга арзигулик алоҳида қобилият унда йўқ эди. Унга йўл кўрсатувчи ҳам бўлмади. У ўзи йўл топишга уринди. Ўртоқлари борадиган тўгаракларга унча қизиқмаса ҳам бораверди. Аста-секин ундаги бефарқлик қизиқишга айлана борди. Шундай бўлди-ки, тўгараклардаги машғулотлар унинг учун асосий бўлиб қолди. Ҳатто баҳолари пасайгани сезилди. Уйда кам ўтирадиган бўлди. Ана шунда унинг ота-онаси мактабга чорланди. Валидаги ўзгаришдан ота-она ҳам, муаллимлар ҳам ҳайрон. Вали уйда қайсар, гап қайтаради. Мактабда эса одобли. Ўқитувчининг гапларини диққат билан тинглагани ҳолда, уйда дарс тайёрламай қўйган. Бу қандай ҳол?

Валининг ота-онаси Худого шукр қилса ҳам бўлади. Фарзандлари уйда ўзига нисбатан эътибор топа олмагач, кўчада «зўр»лар тўдасини танлаши ҳам мумкин эди. Энди унинг мактабда бошқа, уйда бошқа одобга риоя қилишига келсак, ҳар қандай бола каби Вали учун ҳам кўпчилик орасида, айниқса, қизлар ҳузурида катталардан танбеҳ эшитиш оғир. Катталарнинг гапи жамоа фикрига айланиб қолиш хавфи мавжуд. Шу сабабли болалар, айниқса ўсмир ёшида жамоадаги катталар билан зиддиятга бормасликка ҳаракат қиладилар. Уйда зиммаларида бундай масъулият йўқлиги учун ўзларини эркин тутадилар.

Дилобарнинг ҳаёти Алиникига ҳам, Валиникига ҳам ўхшамайди. Қизча боғча ёшиданоқ атрофидагилар билан тезгина тил топишиш фазилатига эга бўлган. Мактабда эса синфдагиларнинг жону дили бўлган. Қизлар ҳам, ўғил болалар ҳам унга интилишган. Дилобар «Сен қора, сен пучуқ», деб болаларни хилларга ажратмаган, барча билан тенг дўстлашган. Синфдошлари ўзларига хос бўлган сирларини унга айтиб, маслаҳатлар сўрашган. Дилобарнинг уйи ҳамиша ўртоқлари билан гавжум бўлган. Чунки унинг онаси болаларга меҳрини аямаган. Шунга қарамай, ўсмирлик оламига ўтаётган қизнинг муомаласида, дўстларга нисбатан муносабатида ўзгариш сезилган. Энди атрофидаги болаларни у фақат синфдош сифатида қабул қилмайди, қиз учун уларнинг фазилату иллатлари муҳим бўлиб қолади. Дилобар дугоналарини зимдан кузатади. Уларнинг аввал сезилмаган иллатларини энди билади. «Гулчеҳра яхши қиз, лекин жаҳли бурнининг учида туради, арзимаган нарсага дарров ранжийди. Аразчи билан ҳеч кимнинг дўстлашгиси келмайди. Моҳира яхши қиз. Лекин... мен ундан ҳеч қандай сиримни яширмайман. У негадир мен билан очик гаплашгиси келмайди...» Қизнинг сезгир нигоҳи адолатсизликни, ғурурнинг поймол бўлишини четлаб ўтолмайди. «Мурод ўзидан зўрроқ болаларнинг малайига айланиб қолибди. Наҳотки ўғил бола бўла туриб, шунақа паст кетса?!» Дилобарнинг ўғил болалар билан бўлган муносабати бир оз оғирлашди. Йўқ, у ўзини четга тортмади. Фақат унинг муомаласида бўйи етган қизга хос ибo ва ғурур мавжуд эди. Синфдош ўғил болалар қизлардаги бундай ўзгаришни дарров фаҳмламайдилар. Чунки улар бу оламга қизлардан сал кечроқ кириб келадилар. Мана шу тафовут улар орасидаги ўзарo муносабатга салбий таъсирини ўтказди.

Дилобар атрофидагиларга ўзгача талаб билан қарай бошлади. Айниқса тенгқурларининг феъл-атворларини, ақл-фаросат даражаларини назардан қочирмайдиган бўлди. Тенгқурларининг яхши-ёмон одатларини ўзича таҳлил қилди. Атрофидагилар орасидан фикрдош, сирдош излай бошлади.

Дилобарнинг бу ўзгариши оилада ҳам сезилди ва у ўзини катталар сафида кўрди. Онаси қизининг катталар сари интилишини фаҳмлаб, унга пешвоз чиқди, «Сен ҳали ёшсан», демади, фарзандининг ишончини қозонди, унинг сирдошига айланди. Дилобар-

нинг мустақил фикрлашга интилиши, бирон масалани мустақил ҳал этишга уринишига монелик қилмади.

Тоштемир биринчи синфданоқ яхши ўқиди. Одобли бўлди. Катталар чизган чизиқдан чиқмади. Ҳар бир мажлисда мақталади, бошқаларга ўрناق қилиб кўрсатилади. Болалар билан бирга бўлган Тоштемирнинг чин ўртоғи йўқ эди. Ҳадеб бошқаларга ўрناق сифатида кўрсатилиши болалар билан унинг ўртасига ғов бўлиб тушганди. Бу ғовни билибми-билмайми, катталар тиклашган эди. Бошланғич синфларда Тоштемир бунга унчалик эътибор бермасди. Болалик олаmidан хайрлашган кезлари бу ғовнинг азобларини ҳис қила бошлади. У тенгқурлари орасида ёлғиз яшай олмаслигини англади. Ана шунда «Нега мен бошқачаман, нега бошқалар каби эмасман, нега мен бошқаларга ўрناق бўлишим шарт, нега мен бошқалардан ўрناق олмаслигим керак?» деган муаммога ўзича жавоб излади. Топди ҳам: «Бошқалар қандай бўлишса, мен ҳам шундайман!» У энди шундай яшашга интилди: дарсда гаплашиб ўтиради, баъзи дарсларга умуман кирмайди. Аълочи боланинг давомати сезиларли равишда пасайди. Ҳатто сўкишни одат қилди. Синфдош қизларнинг танбеҳига эса «Нима, менинг бошқалардан кам ерим борми?» деб жавоб қайтарди. У оёқ-қўлларини боғлаб турган «бошқаларга ўрناق бўлиш» занжиридан шу таҳдидда қутулиб, ўзини **эркин** сезди. Янада тўғрироқ ифода этсак, **бевошлик** шамолида боши айланди. Дастлабки кунларда интизомнинг бузишларидан, катталарнинг норозилиklarидан ўзи ҳам лаззатланди. Бунини у улғайиш, катталар сафидан ўрин олиш деб билди: «Нима, мен ёш боламанми, ким нима деса «хўп», деявераманми?» Аммо бевошлик шамоли унинг бошини кўп айлантормади. Вақт ўтиб, энди у ўзининг хатти-ҳаракатига разм солиш баробарида ўртоқларига нима ёқиши-ю, нима ёқмаслигини, катталар олами билан тенгдошлари олами орасидаги фарқни фаҳм эта борди. Гарчи катталар олами ўзига маҳдиё этса-да, унда ҳукм сурувчи қоида: «Сен кичкина – мен катта», бездириб, ўртоқлари даврасига ошиқарди. Бу оламдаги «Тенг – тенги билан» қоидаси уни кўпроқ қониқтирарди. Ҳар бир ўсмир ўзи учун сув билан ҳаводек зарур бўлган тенглик, бир-бирларига садоқат, бирдамлик, ҳамжиҳатлик руҳини катталар орасидан эмас, ўз олаmidан топади. Тўғри, биз – катталар ҳам бу фазилатларни қадрлаймиз. Фақат бундай лутфимизни ўзимизнинг дўстларга ёки катталаримизга кўрсатамиз. Кичиклардан – фарзандларимиздан эса дариф тутамиз.

Яна Тоштемирга қайтсак, у ўзида йўқ, синфдошларида мавжуд чаққонликни, кучни, саботни ҳам қадрлайдиган бўлди. Бу ўсмир учун ўзига хос кашфиёт эди ва у мазкур кашфиётдан роҳатланди.

Тоштемирнинг аълочи ва ўрناق бўлувчи боладан ҳамма қатори турли қусурларга эга ўсмирга айланиши ота-онани бефарқ қолдирмайди. Уни яна аввалги мақомга қайтаришга уринишлар бўлади. Бундай уринишлар кўп ҳолларда бесамар яқунланади. Чунки фарзандини яна ибратли бола мақомида кўришни истаган ота-

она (ёки муаллим) болалик олами билан ўсмирлик оламидаги талаб-қоидалар ўзга-ўзга эканини ҳисобга олишмайди. Боланинг мақоми интизоми, хулқи, яхши ўқиши муаллим томонидан баҳолаш билан белгиланади. Муаллим: «Болалар, синфдошингиз Тоштемирдан ўртак олинг», дедими, демак, у яхши экан. Болалар муаллимнинг баҳосини ҳақиқат ўрнида қабул қиладилар. Ўсмирлик оламида эса муаллимнинг баҳоси аввалги қудратини йўқотади. Тоштемирдан ўртак олиш мумкинми ё йўқми, буни болаларнинг ўзлари ҳал қиладилар. Тенгдошлари орасида обрўни сақлаш учун фақат аълочи ва интизомли бўлишнинг ўзи кифоя қилмайди. Ўқитувчига чақимчилик қиладиган, ўртоқлари дарсдан қочганда, уларга қўшилмай, синфда қоладиган боладан тенгқурлар нафратланишади. Агар муаллим ёки мактаб директори дарсдан қочганларни уришиб, қочмаганини мактаб, бошқаларга ўртак қилиб кўрсатса, уларнинг нафратлари янада ошади. Чунки улар буни ибрат ўрнида қабул қилишмайди, балки дўстга хоинлик деб ҳисоблашади. Бошланғич синфларда аълочилиги учун синфнинг эркасига айланган бола энди ўртоқларининг уй вазифаларини беминнат бажариб берадиган дастёрга айланиши ҳам мумкин. Агар дастёрлик қилмаса, мақтанчоқ, дўстга бевафо саналиб, тенгқурлари даврасига қўшила олмайди. Унинг гапи мутлақо эътиборга олинмайди.

Ўсмирлик олами ўз ҳукмини ўтказа бошлагач, синфда ўзига хос гуруҳлар пайдо бўлади. Бир неча бола «зўр»ликка даъво қила бошлайди. Бу «зўр»лар турли авлодда турли номлар билан аталади. Ҳозир синфдаги болаларнинг мавқеи «биринчи пахан, иккинчи пахан» деган номлар билан белгиланаркан. «Биринчи пахан» бўлиш учун яхши ўқиш, интизомли бўлиш мутлақ шарт эмас. Энг муҳими, кучли ва катталарга бўйсунмасликда ибрат бўлиш керак. Мазкур мавқе белгиланишида отанинг бойлиги ҳам инобатга олинади. Агар отаси бой бўлса-ю, ўзи кучда, иродада, мардликда оқсаса, у «биринчи пахан»ликка даъво қилолмайди. Ўзининг атрофида кичикроқ гуруҳ ташкил қилиб «биринчи» билан муросада яшайди. Агар биринчи камбағалроқ оиланинг фарзанди бўлса, моддий рағбат ҳисобига унга хизмат қилади. Ҳар бир синфнинг ўз «пахан»и бўлгани каби мактаб бўйича ҳам «пахан»лар мавжуд. Биринчи, иккинчи, учинчи...лар мутлақ ҳоким бўлиш учун турли йўллар билан – баъзан очиқчасига, баъзан пинҳона кураш олиб борадилар. Баъзан бу курашга мактаб учун бегона бўлган кўча болалари ҳам жалб қилинадилар. «Биринчи пахан»нинг мавқеини кўча томоннинг қай даражада қувватлаши ҳам белгилаб туради.

Ўсмир ёшига етган болалар катталар орасидаги ўзларига ёққан одамлардай бўлишга интилишларини биламиз. Қизлар гўзал артистларга тақлид қилишади, улардай кийинишни, ўзларига оро беришни исташади. Ўғил болалар кучли шахсларга ихлос қўядилар. Уларнинг тақлидлари бу билан кифояланмайди. Улар ўзларининг тенгдошлари орасидаги айрим болаларга ҳам ихлос билан қарайдилар. Уларнинг одат ва одобларини ўзларига сингди-

ришга уринадилар. Айниқса, «пахан»лар атрофида бирлашадиган болаларда бу кучли сезилади. «Пахан» баъзи болаларга «ҳариф» деб мурожаат этса, демак, уларнинг тилидан ҳам бу сўз тушмайди. Бу билан «пахан»га яқинликларини намойиш этмоқчи бўлишади.

Авваллари бундай «пахан»ларга қарши «коллективизм» – яъни, жамоа таъсири мавжуд эди. Коммунистик мафкура билан «қуролланган» пионер ва комсомол ташкилоти буларга қарши турарди. Улар ўзларини эркин ҳис қила олмас эдилар. Ҳозир уларга қарши фақат синф раҳбаригина бор. Ҳали шаклланишга улгурмаган болалар ташкилотининг мавқеи эса йўқ даражада.

Ҳикоя қилаётганим Тоштемирга қайтсак, синфдоши Зафарнинг мардлиги, ростгўйлиги, энг муҳими, мақтанчоқ эмаслиги уни ўзига тортди. Зафар ўқишга бефарқ эди. Тоштемир буни биларди. «Зафар агар истаса, яхши ўқиши мумкин», деб ҳисобларди. Бу фикрини ота-онасига тушунтира олгани учун ҳам Зафар билан дўстлашишига монелик бўлмади.

Ўзига дўст танлаш, кимгадир яқинлашиш, кимдандир узоқлашишни ўсмир учун «қилкўприк» деб атасак ҳам бўлар. Бу қилкўприкда сал тойдимиди, тамом «жиноят олами» деб аталувчи жарга қулаши ҳеч гапмас.

Келинг, яхшилик билан тугаган ҳикояларимизни бошқачароқ тасаввур этайлик:

Алининг ота-онаси унинг ёлғиз экани, дўсти йўқ эканини сезишмади. Мактабга ҳам боришмади. Радиотўғарак (ёки компьютер тўғараги) ҳам очилмади. Алининг техника соҳасида иқтидори борлигини сезган кўча «зўр»ларидан бири аввал ундан телевизорини тузатиб беришни илтимос қилади. Кейин яна шунга ўхшаш илтимослар билан мурожаат этиб, уни ўзига яқин ола бошлайди. Али ўзича яхши дўст топгандай қувонади. «Зўр» учун Али дўст сифатида эмас, жиноятга оид ишларини амалга оширишда мутахассис сифатида керак эди. Катта ўғирликни мўлжаллаган одам илгари замонлардагидай том ошиб, девор тешиб юрмайди. Киноларни кўравериб, кўзлари пишиб кетган. Энди унга компьютерни пухта биладиган ёки огоҳлантирувчи манбани (сигнализация) ўчириб қўя оладиган зўр мутахассислар лозим. Али аста-аста унинг тўрига ўрала боради-ю, кейин чиқиб кета олмайди. Чиқай деса, калтакланишдан чўчийди, ўлдириб кетишларидан қўрқади. У иложсиз, суянадиган дўстлари йўқ, ота-онасининг ҳимоя қила олишига эса ишонмайди. Тасаввуримиздаги ҳолатда Алининг қилкўприкдан ўтаётганини тарбиячи сезмай қолди. У жарга қулади.

Валининг тақдири ҳам шундай бўлди. У кўча «зўр»ларига аралашиб юрувчи ўртоғи билан каратэга борди. Муштлашиш санъатини ўрганди. Ўзини ҳимоя қилиш учун эмас, ҳужум қилиш учун, ўзгаларга зулм қилиш учун ўрганди. Тарбиячи «ўғлим чиниқяпти», деб хотиржам юрди. Чиниқиш бошқа томондан бўлди ва якуни... ўзингизга маълумдир.

Дилобар дугоналарининг хулқ-атворини таҳлил қилганида Хонзодага маҳдиё бўлди. Доим чиройли кийиниб юради, юқори синф-



даги ўғил болалар ҳам унинг атрофида парвона. У эса бу болаларни менсимайди. Хонзода эса Дилобарнинг ўзига маҳдиё эканини сезиб, яқинлашади. Дилобар – чиройли қиз. Отасининг топиш-тутиши ҳам яхши. Хонзода дугонасини кўча томон бошлайди Аввал дискотека... ундаги хурсандчиликлар. Келишган, пулдор йигитларнинг хушомадлари... Энг муҳими, унга ёш қизча, деб эмас, етилган қиз эканини тан олиб муомала қилишлари... Бу қиз ҳам қилкўприкдан ўта олмади...

Тоштемирнинг ҳам қисмати шундай бўлиши мумкин эди. Агар Зафар кўча томон оғса, Тоштемир ҳам иккиланмай унга эргашарди. Аввалги «аълочи, одобли» деган мартабалари уни бу йўлдан қайтара олмасди. Демокчиманки, ўсмирликкача бўлган одоб-ахлоқ кейинги тўғри ҳаётни кафолатлай олмайди. Ўсмир учун ҳаммаси янгидан бошланиши керак.

Дўстлик ҳақида ҳар биримиз ўнлаб мақол ёки ҳикматларни биламиз ва буларнинг барчаси катталар учун мавжуд, деб биламиз. «Зўр гап экан!» деб тан берамиз, лекин ҳаётга татбиқ этишни ўйламаймиз. Бу ҳикмат ва мақоллар фарзандларимиз ҳаёти, тақдирига ҳам оид деган тушунчадан узоқроқмиз. Бизнинг бу даъвоимиз сиз, муҳтарам тарбиячига (ота-она, муаллимга) эҳтимол малол келаётгандир. У ҳолда ўйлаб кўринг, фарзанду аржумандингиз (ўқувчингиз) билан дўстлик мавзуида қачон суҳбатлашган эдингиз? Суҳбатингиз чоғида қайси мақол ёки ҳикматни мисол сифатида айтиб, шарҳлаб, тушунтириб бердингиз?

Қадим файласуфларидан Цицерон шундай деган экан: *«Биз билан биргалашиб ҳеч ким қувонмаса, бахтимиз ҳам жозибасини йўқотади. Биз учун биздан ортиқроқ қайгурувчи дўстимиз бўлмаганида, кулфатларга чидашимиз ҳам қанчалар оғир бўларди!»* Балки «Бу ҳикматнинг болаларга алоқаси йўқ, уларда кулфат нима қилади», дерсиз? У ҳолда оламга бола кўзи билан қарайлик-чи? Бизга оддий қувонч бўлиб кўринган нарса уларга энг олий бахт бўлиб туюлмайдими? Биз бирон нарсадан шунчаки ранжиб, бир-икки кундан сўнг бу нохушликни унутиб юборармиз. Бола учун эса ўша нарса шунчаки хафагарчилик эмас, улғу бир кулфат бўлиб туюлади. Олам кўзига қоронғи бўлиб кўринади (Бунинг оқибати нима билан тугаганини аввалроқ баён қилиб эдим). Шундай экан, боланинг ўртоғи туфайли бахтли бўлиши ёки кулфатга дуч келишини арзимас нарса сифатида қабул қилсак, хатога йўл қўйган бўламиз.

Азизлар, каминадан ранжиманг ва тўғри тушунинг: ният сиз томонга ҳадеб таъна тошларини отавериш эмас. Мақсад: фарзандлар тақдири хусусида сиз билан бирга бақамти бўлиб фикр юритмоқлик холос. Сиз дейсизки, «Болам ҳамма нарсадан азизроқ, мен уни жуда яхши кўраман». Дуруст, бу фазилатингизни инкор этмайман. Аммо халқда дерларким: «Бола – азиз, одобни ундан азиз». Яна ҳақиқат шуки, ҳар бир ота-она боласини севади. Бола ҳам ўз ота-онасини севади. Лекин бу «олам – гулистон» деган гап эмас. Қўполроқ ўхшатиш учун айбситманг: барча жони-

ворлар ҳам болаларини севадилар, уларни жонларидан кечсаларда, ҳимоя қиладилар. Уларнинг болаларига чанг соладиган хавф ногаҳоний, онгсиз бўлади. Ўзларидан кучлироқ ҳайвон ёки табиий офат олдида улар ожизлар. Қўзичоқ онгсиз бўлса-да, йўлдан адашиб, бўри билан дўстлашмайди. Қуён билан шернинг дўстлигини биров кўрмаган. Дўстлашган тақдирда ҳам бу ўртоқчиликнинг мукофоти ўлим экани сир эмас. Сиз билан бизнинг фарзандимизга бўлган муҳаббатимиз қондошлик билангина эмас, балки қалб ва онг орқали ҳам боғланмоқлиги шарт. Биз фарзандимизни қўзичоқ каби ҳимоясиз билиб, бўрилар тўдасининг ҳамласидан асрашга уринамиз. Турли чораларни кўрамиз, аммо барча саъй-ҳаракатимиз зое кетаверади. Жонивор қўзичоқдан фарқли ўлароқ, онгли, одам-қўзичоғимиз рўпарасидаги бўри эканини кўриб, била туриб унга муҳаббат қўяди. Бўрига дуч келган жонивор-қўзичоқнинг тақдири бир – ўлим бўлса, одам-қўзичоқнинг икки йўли бор: бири – қамоқ жазоси, иккинчиси – ўлим. Биринчи йўл охир-оқибат кўп ҳолларда иккинчи йўлга туташади.

### УЧИНЧИ БОБ

#### ҚАЙСАРЛИКЛАР ТЎҚНАШУВИ

Милицияга «ўғлим (ёки қизим) уйдан қочиб кетди», деган мавзуда аризалар тушиб туради. Уйдан чиқиб кетувчилар баъзан қисқа хат ёзиб қолдирадилар. Уларни излаб топиш умиди бўлади. Баъзилар эса индамай кетишади. Улар аразлаб чиқиб кетишдими ё бирор фалокатга учрашдими – уйдагилар ҳам, милициядагилар ҳам гаранг. Кўп ҳолларда аразчилар топилади, уйга қайтарилади. Айрим ҳолларда эса...

Аразчиларнинг бири ташландиқ ерларда ётиб юрарди. У милицияхонага олиб келинганда дастлаб гапиргиси келмади. Кейин аразининг боисини айтиб берди. Маълум бўлишича, онаси унинг дўстларини уйга яқинлаштирмас экан. Бола «Мен уларнинг уйларига бемалол кириб-чиқаман, бирга дарс тайёрлаймиз, мусиқа эшитамиз, улар яхши болалар», деса, онаси «Мен уларни ёмон деяётганим йўқ, сенинг опаларинг бор, совчи келиб турибди. Ўғил болалар ўралашиб юрса, кўнглига бошқача гап келади», дер экан. Бола ҳайрон: опаларининг ёшлари йигирмадан ошган бўлса. Унинг ўн уч ёшдаги ўртоқларини кўриб ким бошқача ўйлаши мумкин? Ўсмир ўртоқлари олдида уялгани учун ҳам уйдан кетишга аҳд қилган. Бунақа пайтда болада аниқ бир режа бўлмайди. Уйдан, уни тушунмайдиганлар даврасидан нари кетса бас – ўсмирнинг ягона мақсади шу. Уйдан чиқиб кетдими, тамом, ўғри-безориларга қўшилиб кетди, деб ўйлаш ноўрин. Тўғри, айримлари ихтиёрсиз равишда кўча болаларига қўшиладилар. Баъзиларини ош-овқат, бошпанага муҳтожлик бу тўдага қўшади. Яна бирлари ўзларини безорилар тўдасидан эҳтиёт қиладилар. Аразчи

қочоқларнинг маълум қисми кўчанинг заҳматларига чидамай изига қайтади. Агар таҳлилга мурожаат қилсак, қайтувчиларнинг оз эканини кўрамиз. Демак, уларнинг кўп қисми уйдаги яхши моддий шароитдан кўчадаги зорликни афзал кўришаркан? Нега шундай? Мен бу саволга: «Бола учун уйдаги моддий шароитдан кўра руҳий-маънавий муҳит муҳимроқ», деб жавоб бераман.

Сиз қандай фикрдасиз?

Жавобни ўйлагунигизча, эътиборингизга яна бир воқеани ҳавола этайин.

Маълумингизким, болалар турли ҳайвонларга меҳр қўядилар. Бири итни, яна бири мушукни, бошқаси тошбақаними, қуённими яхши кўради. Баъзилари уйда аквариум бўлишини истайди. Айни шу истак атрофида катталар билан зиддият келиб чиқади. Оталар болаларнинг хоҳишларига камроқ қаршилиқ билдирадилар. Асосий норозилик она томонидан бўлади. Оқибатда бола ўзи севган жониворлар мавжуд жой томонга интилаверади. Оқилбекнинг ҳаёти ҳам шундай бўлди. У каптарларни севарди. Бу гўзал мавжудотнинг самода сузишини кузатиш унинг жону дили эди. Аввалига «Ҳеч бўлмаса иккитагина каптар олиб беринглар», деб ота-онасига ялинди. Лекин ота-онаси «Каптарга ўралашиб ўқиши пастлашиб кетади», деган фикрда унинг илтимосларини эътиборсиз қолдиришди. Авваллари «каптарвоз» деган атама нима учундир салбий маънони англатарди. Катталарнинг назарида каптарвоз болаларнинг хулқи бузуқ бўларди. Қизиқ-да, қўй ёки мол боқса яхши, каптар боқса ёмон бола бўлса? Каминага болаликдан муаммо бўлмиш бу саволга ҳануз жавоб топа олмайман. Эҳтимол, ўша салбий маъно йиллар оша ўтиб келиб, ҳозир ҳам сақланаётгандир? Агар Оқилбек каптар эмас, хўроз ёки мушук боқишни ихтиёр этса рухсат тегармиди? Тегмасди. Яна ўша ўқиш баҳона бўларди. Бу ўринда болани табиатга муҳаббат руҳида тарбиялаш масаласига кўп тўхтамайман. Қисқа қилиб айтаманки, табиатни бутун вужуди билан сева олувчи боланинг кўнглида шумлик уйғонмайди, келгусида жиноят оламига кириб кетмайди. Акси бўлса-чи? Унда Пифагорнинг **«Ҳашаротни ўлдиришда айбдор топилган фарзандингни қаттиқ жазола, чунки одамни ҳам ўлдириш шундан бошланади»**, деган ҳикматини назардан четда қолдирмаслигимиз лозим бўлади. Эрамиздан аввалги беш юзинчи йилларда айтилган бу фикр содир этилган бирон жиноят асосида туғилганмиди, бу каминага қоронғи. Лекин ўтган асрнинг охирларида юз берган ваҳшийлик мазкур ҳикматнинг нақадар тўғри эканини тасдиқлайди. Бир одамнинг кетма-кет қотиллик қилиши жиноят олами учун янгилик эмас. Қизларни зўрлаб, ўлдириб, гўштини емоқлик ҳам тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Лекин қизларни зўрлаб, сўнг қийнаб-бўғиб, жон беришидан аввал бош терисини шилиб олингани ҳақидаги хабарни эшитган ҳар қандай одамнинг эти жунжикиб кетади. **Қотил** ўн иккинчи ўлжасини бўғаётганда қўлга олинган. Бундайлар руҳий касалликда гумон қилиниб, текшири-

лади. Қотилнинг ҳаёти, хусусан, болалиги ўрганилганда маълум бўлдики, у мушукларни қийнашни яхши кўраркан. Ўн уч ёшида бир мушукнинг тириклайин терисини шилиб олаётганда қўлга тушиб, милиция рўйхатига тиркалган экан...

Сизлардан узр сўраган ҳолда чекинишни бас қилиб, мавзуга қайтай: Оқилбекнинг ота-онаси мазкур ҳолатда икки хатога йўл қўйдилар: биринчидан, фарзандларини табиатга бўлган муҳаббатини тарбия этиш ўрнига бу фазилат қанотларини қайирдилар. Иккинчидан, унга бевош кўча эшигини ўзлари очиб бердилар. Англашимиз жоизки, ўсмир бир нарсага астойдил меҳр қўйдими – уни энди тўхтатиш қийин. Уни совутиш учун куч ишлатиш, мажбурлаш мутлақо ўринсиздир. Бунақа пайтда оқилона ва одилона тадбир топиш керак. Аввало ўйлайлик: фарзандимиз меҳр қўйган нарса зарарлими? Зарарли бўлса, шошилиш чоралар кўрмоғимиз шарт. Агар зарар сезилмаса, арқонни узунроқ ташлаб ўринга ўрин бирон нима топишга уринишимиз керак. Оқилбекнинг меҳри тушган машғулот аслида зарарли эмас. Бунда фақат ота-онанинг ортиқча инжиқлиги ва талаби мавжуд. Қаранг, шу ерда ҳам ота-онанинг, ҳам боланинг инжиқлиги, қайсарлиги тўқнашяпти. Тўқнашувда иккала томон ҳам ғалабадан умидвор. Иккала томон ҳам чекинишни истамаяпти. Боланинг чекинмаслиги аниқ. Чекина туриб, айланма йўлга ўтиб кетиши ҳам аниқ. Шундай экан, тадбирли ота-она озгина чекинса, олам – гулистон. Агар ота-она ўғлига иккитагина каптар сотиб олиб берса, Оқилбек орадан вақт ўтиб, бу машғулотида бешиб, ташлаб кетиши ҳам мумкин. Адолатли ота-она «Каптар боқса, ўқиши пастлаб кетади», демай, синаб кўриши керак. Агар кўпроқ вақти каптар билан ўтса, бунинг зарарини тушунтириш шарт. Тушунмаса, чора сифатида каптар боқишни ман этишга тўғри келади.

Оқилбек ота-онадан рад жавобини олгач, уйдаги саноқсиз талаб ва тақиқлардан безди. Хоҳишидан эса воз кечмади. Шу маҳаллада Тўрабек исми каптарвоз йигитча билан яқиндан танишди. Каптархонасини тозалади, у-бу ишларига ёрдам берди. Уйда онаси «Чангни артиб қўй», деса малол келарди. Каптархонани тозалаш эса унга роҳат бахш этарди. Тўрабекнинг ўзига эркин эканлиги эса Оқилбекнинг хаёлини бутунлай ўғирлаган эди. Ўсмирлар «ўзига хон, ўзига бек» тенгдошларини жуда ҳурмат қиладилар. Оқилбек шуларнинг бири эди. То ота-онаси уйдан қайтгунича у Тўрабек билан бирга бўлди. Тўрабекнинг оиласи нобоп эди. Ундан ташқари, Тўрабек каптарларни севгани учун эмас, олиб-сотиш учун боқарди. Устига-устак у кўча зўрларига яқин эди. Оқилбек ҳам аста-секин бу муҳитга мослаша бошлади. Ана шунда ота-она хавотирланган воқеа юз берди: боланинг ўқиши пастлашди, синфда ўзини туттиши ҳам салбий томонга ўзгарди. Таъбир жоиз бўлса, ота-онанинг «қўлидаги каптар» учди-кетди. Энди у қайтиб қўнадими, йўқми?

Тасаввур этайлик, Оқилбекнинг отаси ёки онаси сиздан маслаҳат сўрашяпти. Болани тўғри йўлга қайтариш учун улар қандай чора

кўришлари керак, нима дейсиз? Назоратни кучайтирсинларми? Болани маълум муддатга «уй қамоғига» ҳукм этсинларми? Онаси ишдан бўшаб, боласига қараб ўтирсинми?

Оқилбекни «қайта тарбиялаш» одатдагидек, кўп синалган, аммо дуруст натижа бермаган ота-она, муаллим иштирокидаги суҳбатлардан бошланди. Табиийки, тўғри яшамоқликка мисол зарур бўлганида улар узоққа бориб ўтирмай, ўз ёшлиқларини эсладилар. Уларнинг гапларига қараганда, болалик, ўсмирлик, ёшлиқлари шу қадар мусоффо эканки, буни билса, ҳатто фаришта ҳам лол қолиши мумкин бўларди. Ҳолбуки, отанинг ўсмирлиги билан Оқилнинг шу кундаги ҳаёти таққосланса, ўртада фақат каптар боқиш иштиёқи йўқ эди холос. Оқилбекни ўртага олган тарбиячилар худди чилёсин ўқиб дам солувчи азайимхонга ўхшашарди. Азайимхон ўқилмиш дуоларнинг кор қилаётгани ёки ҳавога учаётганидан беҳабар бўлгани каби улар ҳам гаплари таъсир этаётгани ёки бесамар кетаётганини билмасдилар. Оқилбекнинг индамай тинглаётганини «Сукут – ризолик аломати», деб билиб, суҳбатнинг фойда беришига ишондилар. Уларнинг назарида Оқилбек шу ондан бошлаб яна аввалгидай одобли, мўминтойга айланиши керак эди. Улар билмайдилар-ки, ёшлиқларини мисол келтираётган пайтларида Оқилбекнинг хаёли Тўрабекда, бутун оқшом сотиб олинажак ажойиб ўйинчи каптарда бўлган. Яна билмайдиларки, Оқилбекка уларнинг мисоллари мутлақо таъсир этмайди. Унинг учун тирик мисол – Тўрабек. Истаган каптарини сотиб олади, истаганини сотиб юборади. Ёнидан пул узилмайди. Хоҳлаган жойига боради. Бировдан сўраб ўтирмайди. «Фалон жойга бориб келдим», деб ҳисобот ҳам бермайди. Мана бунақа тарбиячиларнинг ўртасида шумшайиб ҳам ўтирмайди. «Борларинг-е!» деб шартга туриб кетади...

Бундай суҳбат яна бир-икки такрорлангач, ота-она тарбия усулини ўзгартиришга қарор қилишди. Тўрабек билан дўстлашишнинг зарари ҳақидаги гапларини бас қилиб, уни уйга таклиф этишди. Оқилбекка бу ғалати туюлди. Таклифнинг самимий эканига унча ишонмади. Таклиф такрорланавергач, Тўрабекни бошлаб келди. Ота-онанинг мақсади энди Тўрабекни «қайта тарбиялаш» эди. Бу миллиард ўйинидаги бир соққани учинчи соққа билан уриб туширишга ўхшаш ғоят нозик усул эди. Бу тарбия усули уйдаги нарсалар йўқола бошлагач, тўхтатилди. Аммо ота-она ҳаракатларини тўхтатишмади. «Ўртоғинг ўғри экан», деб маломат тошларини ёғдиришмади. Буни Оқилбекнинг ўзи мулоҳаза қилди. «Ўртоғининг уйдан нарса ўғирловчи одам қандай дўст бўлди?» деган муаммо уни анчагача қийнади. Шунда ота ижобий самара берувчи тарбия усулини қўлади. Автомобилга, уни тузатишга қизиқмайдиган ўсмир бўлмаса керак. Ота ўғлидаги шу қизиқишдан фойдаланмоқчи бўлди. Унинг бир биродари уста эди. Энг муҳими, иймон бобида бошқаларга ўрнак бўлувчи адаб соҳиби ҳам эди. Ўғиллари Тўрабекка қўшилмасидан илгари ҳам уни ҳунарга бериш масаласи кўтарилганида, она «Болам қора

мойга беланиб юрадими», деб кўнмаганди. Бу сафар ноилож рози бўлди. Ота автомобилни тузаттириш баҳонасида Оқилбекни ҳам бошлаб борди. Уста ишлай туриб, Оқилбекка ҳам бир-икки юмуш буюрди. Мой тегмасин, деган мақсадда қўл учида бажарса ҳам, танбеҳ бермади. Аксинча, «Ўғлингиз зийрак бола экан», деб мақтаб қўйди. Кейин бир ўзи қийналаётганини айтиб, «Менга шогирд бўлмайсанми?» деб сўради. Шу ўринда у отадан эмас, унинг ўзидан сўраб донолик қилди. Оқилбек иккиланганича отасига қаради. Ота кўнди. Уста «Астойдил қизиқсанг келарсан, жонингга тегса, ташлаб кетарсан. Сени зўрлаш йўқ. Уста бўлишинг шарт эмас. Катта йигит бўлиб қолибсан, машиналарингни ўзинг тузатишни ўрганиб олсанг бас. Қачонгача менга ўхшаган усталарга сарғайиб юрасизлар. Отангга «ўрган», десам, ўргана олмади. Мен одамнинг калит ушлашидан биламан. Сен бир-икки ойда моторни мустақил ечиб, жойига жойлайдиган бўласан. Битта шогирдим бор эди, беш йилда ҳам мурватни бурашга қўли келмади. Бўлмайдигани бўлмайди-да, сен бошқачасан...» деб Оқилбекда ишонч уйғотди. Оқилбек дарслардан кейин устага қатнай бошлади. Ҳар куни ота она унинг ҳикояларини қизиқиб тинглайдиган бўлишди. Ота дўстининг фазилатларини айтганда Оқилбек зийраклик билан тингларди. Чунки у мазкур фазилатларни амалда кўрарди. Оқибат, Оқилбек фақат ҳунар ўргатадиган устага эмас, сирдош дўстга эга бўлди. Каптарларни ҳам, Тўрабекни ҳам унутди.

*Подшоҳнинг боғбони тенгсиз бир гул яратиб олампаҳога тақдим этибди. Подшоҳ гулни кўриб тасаннолар айтибди-да, ёнидаги қулга буюрибди:*

*– Бу гул тенгсиз гўзал қизнинг чиройига чирой бўлиб қўшилиши керак. Боққа чиқиб қарагин-да, ўша гўзалга бунни бер.*

*Хабаш таъзим билан чиқибди. Боғда подшоҳнинг қизи – гўзал малика канизаклари билан сайр қилиб юрарди. Хабаш гулни эгасига топшириб изига қайтди.*

*– Гулни бердингми? – деб сўрабди подшоҳ.*

*– Бердим, – дебди хабаш қул, – энг гўзал қизга бердим.*

*– Ким экан у, гўзал қиз?*

*Подшоҳ «тенги йўқ гўзал қиз сизнинг фарзандингиз, менинг маликам», деган жавобни кутиб, атай шундай деб сўраган эди. Аммо жавоб подшоҳни ҳам, бошқаларни ҳам ажаблантирадиган бўлибди:*

*– Мен гулни ўз қизимга бердим, – дебди қул.*

Бу ривоятга «Кўнғиз боласини оппоғим, типратикан юмшоғим, дейди» мақолини илова қилсак айни муддаодир.

Биз фарзандларимизга маҳлиё бўлиб, унинг жамоадаги ўрни билан кам қизиқамиз. Фарзандимизнинг дўстларига нисбатан талабларни қалаштириб ташлаймиз-у, аммо ўғлимиз ёки қизимизни биров ўзига дўст деб қабул қиладими ё йўқми, бунни камроқ ўйлаймиз.

Бир мактабда муаллимлар ёрдамида тажриба ўтказдим. Аввал саккизинчи синфдаги болаларнинг феъл-атворлари билан қизиқдим. Болаларнинг бир-бирларига муносабатини муаллимлар

Ўзларининг кузатувлари асосида гапириб беришди. Ташқи кузатув алдамчи бўлиши ҳам мумкин. Шу боис ўша синфга кириб «Мен қайси синфдошимни ёқтирмайман? Ёқтирмаслигимнинг сабаби нима?» деган мавзуда иншо ёзиб беришларини илтимос қилдим. Иншога имзо қўймасликларини, ундаги фикрлар бошқаларга маълум қилинмаслигини, сир сақланишини ҳам айтдим. Кутганимдек, иншони ёзишга барчада бирдай рағбат уйғонмади. Баъзилар, айниқса, ўғил болалар умуман ёзишмади. Айримлар «Менга ҳамма ёқади», деб гапни қисқа қилиб қўя қолишди. Шундан сўнг бошқа синфда мавзуни ўзгачароқ тарзда баён қилдим: «Иншо мавзуси: «Дўстлик». Қуйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг: Сиз қандай болани яхши ўртоқ деб ҳисоблайсиз? Сизнингча ким ёмон ўртоқ ҳисобланади? Нима учун сиз уни ёмон деб ҳисоблайсиз? Сиз нима сабабдан ўртоғингиздан ранжишингиз ва у билан дўстлашмай қўйишингиз мумкин? Сизнингча ҳақиқий ўртоқ қандай бўлиши керак?» Бу иншода болаларнинг учдан икки қисмигина илтимосимни бажаришди. Шунга қараб ҳам хулоса чиқариш мумкин бўлди. Муаллимлар синфдаги бир неча болага салбий фикр билдиришган эди. Иншолар буни тасдиқлади. Мана, шулардан айримлари:

*«Шораҳим – безбет бола. Агар бировга иши тушса, атрофида гирдиқапалак бўлаверади. Иши битгач, юзини буриб кетади. У кучига ишониб, бошқаларни менсимайди».*

*«Унга ишониб бўлмайди, дўстини ҳам алдашдан тоймайди. Ёмонроқ ниятини дўстининг қўли билан амалга оширмақчи бўлади, ўзи эса четда томошабин бўлиб тураверади».*

*«У мактабда писмиқ, кўчада зўравон ўртоқлари олдида шердай бўлиб кетади».*

*«Ўзидан катталардан қўрқади, кичикларга зўрлик қилиб, масхаралайди».*

Мени ҳам, муаллимларни ҳам таажжубга солган иншо Шоакбар деган боланики бўлди. Муаллимларнинг айтишича, Шоакбар синфдаги энг заиф, қўрқоқлардан саналаркан. Синф зўрларидан бирини ўзига яқин дўст тутиб юраркан. Кўпчилик, хусусан, муаллимлар ҳам бу дўстликни ҳимоя воситаси сифатида қабул қилишаркан. Шоакбар иншода дўст деб юргани ўша зўрнинг барча иллатларини санаб, «Мен ёзган иншони ҳаммага ўқиб беринг. Мен у билан дўстликни уздим. Дўстлар орасида манфаат бўлмаслиги керак», дебди. Боланинг талабини бажариб, иншони ўқиб берайликми ё йўқми, деб иккиландик. Ундан «Шу талабингда қатъиймисан?» деб алоҳида сўрадик. У талабидан қайтмади. Шунда иншо ўқиб берилди. Синф бирдан жимиб қолди... Қўрқоқ ва заиф саналган боланинг шу ондан эътиборан довлорак йигитчага айланганини ҳис қилдик. Боланинг ўзидаги қўрқоқликни енгиши синфдагиларга, ҳатто ўша «зўр»га ҳам таъсир қилди. Хавотири-миз ўринсиз чиқди – «зўр» Шоакбарга тегмади. Бир ҳафтадан сўнг муаллимлар илтимосимга кўра, «Тоққа саёҳатга чиқамиз. Кичик

автобуста йигирма бешта одам сигади. Кимлар ортиқчалигини рўйхатда ўзингиз белгиланг», деб болаларга мурожаат қилишди. Болалар ортиқча деб ҳисоблаб, рўйхатдан ўчирилганлар орасида ўша «зўр»нинг номи ҳам бор эди. Сафар бир сабаб билан баҳорга қолдирилиб, яна рўйхат тарқатилганда «зўр»нинг номи ўчирилмабди. Сабабини билсам, «зўр» Шоакбарни таъзирини бериш ўрнига унга яқинроқ бўлишга ҳаракат қилибди. Иншоода баён этилган иллатларидан қутулишга интилибди. Гарчи Шоакбар дўстликдан воз кечган бўлса-да, чин ўртоқ топганини англабди.

Баъзиларимиз фарзандимизнинг дўст танлашига талабни кучайтирсак, айримларимиз лоқайд бўламиз. «Фарзандимиз ақлли, ўзига ўхшаган ақлли болалар билан дўстлашади», деб хотиржам юрамиз. Ҳозирги кунда ўсмир ёшига етганлар болалиги ўтган мактабни тарк этиб, лицей, коллежларга боришяпти. Улар учун фақат ўқув даргоҳи янги эмас, дўстлар давраси ҳам мутлақо ўзгачадир. Турли маҳалларда, турли оилаларда, одоб ва маданият даражаси турлича бўлган муҳитда тарбия кўрган болалар ўзлари учун янги оламни кашф этишга киришганларида ўзаро танишадилар. Ўзларига хос камчиликларни яширишга уринадилар. Дастлаб улар орасида юзаки дўстлик пайдо бўлади. Бу дўстликнинг умри унча узоқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Мактабда синфнинг эркаси бўлган бола янги жойда эътибордан четга чиқиши табиийдир. Айтмоқчиманки, бу янги шароитда бола оғир руҳий кечинмалар тўлқинини енгиб ўтишга киришади ва бунда тарбиячининг мадади зарур бўлади. Фарзандининг янги дўстларини эҳтиётлик билан ўрганишга тўғри келади. Бу лицейга ёки коллежга бориб уларни суриштириш шарт, деган гап эмас. Уйдаги самимий суҳбатларда мавзунини янги ўртоқларга буравериш керак. Агар болангиз бирон фильм ҳақида фикр юритса, «Ўртоқларинг ҳам кўрибдими, улар нима дейишяпти?» каби саволлар билан янги дўстларнинг қизиқишларини, уларнинг дунёқарашларини билиб олса бўлади.

Кўпгина оилаларда туғилган кунларни юқори мақомда нишонлаш одат тусига кириб боряпти. Шубҳасизки, бу зиёфатга бола ўзининг бир қанча дўстларини айтади. Улар орасида синалганлари – гўдакликдан бирга катта бўлган маҳалладошлари ва янги дўстлари ҳам таклиф этилади. Ота-она, айниқса, мана шу ҳолатга эътибор бериши шарт. Чунки бир-бирини танимаган икки гуруҳ суҳбат чоғида гап талашиб қолиши мумкин. Баъзи жиноятлар айнан шундай гап талашишлардан бошланади.

Замоналининг туғилган кунини шундай бўлди. Ўсмирлар «Таклиф этилмаган ерга борма», деган одобни ҳали яхши билмайдилар. Бир бола ўртоғига «Юр, зиёфатга бирга борайлик», деса, буниси «Танимаган жой, қалай бўларкин», деб истиҳола қилиб ўтирмай, кетаверади. Замоналининг лицейдаги дўсти меҳмонга бир ўзи боргиси келмай, икки ўртоғини эргаштирди. Чақирилмаган меҳмонлар уйдаги айрим буюмларга қизиқиб, уни ўғирламоқчи бўлишганда жанжал чиқиб, кўнгилсиз воқеа юз берди.



Бу баёндан мақсадим: дўст танлашдек нозик ва масъулиятли ишда фарзандимизни сира-сира ёлғиз қўймаслигимиз керак. Бизнинг бу масалага аралашувимизни асаб ҳужайраларига тиф урувчи жарроҳнинг ишидаги масъулиятга қиёслашим ҳам мумкин. Ана энди юқорида диққатингизга ҳавола этилган саволга жавоб қайтариш вақти етди:

Донолар вафоли ва муҳаббатиде ихлосли дўст танлашда зикр этилажак мана бу муҳим маслаҳатларга эътибор қаратадилар:

• Биров билан дўст бўлишни *истасангиз, унинг дўстларини текширинг*. Агар уларнинг феъл-атвор, одоб ва тарбияларини яхши текшириб билсангиз, унинг ҳам феъл-атворини англайсиз. Чунки ҳар ким ўзига муносиб киши билан дўст бўлади.

• Унинг юриш-туришига диққат қилинг, ахлоқини ўрганнг.

• У билан доимо мулоқотда бўлувчилардан унинг муомаласини сўранг, *ундан рози ёки норози эканликларини, унга ишонган ёки ишонмаганликларини биласиз*.

• Унинг кўринишига, *ташқи қиёфасига алданманг, чунки ичи қора бўлиши мумкин*.

• Бошқаларни *ғийбат қилувчи, уларнинг сирларини сўзловчи билан дўст бўлманг*.

• Ёмон йўлга бошловчи киши билан дўст бўлишдан ҳазар қилинг.

Фарзандингиз сиздан «У ўртоғимни ёмон дедингиз, бунисини ялпоқ дедингиз, қанақа одам билан дўст бўлайин?» деб сўраб қолса, жавобга тайёرمىсиз? Эҳтимол, ҳикмат аҳдининг мана бу жавоблари сиз билан бизга маъқул келар?

– Ким дўстларига нисбатан макру ҳийла билан иш тутса, дўстлари унга нисбатан ёлғонни «туҳфа» қиладилар. Душман билан яқинлашган кишидан унинг дўстлари қочадилар. Сўрасаларким: «Номуносиб дўстдан қандай қутулмоқ мумкин?» Жавоб булдирким: «Зиёратига бормаслик ва бирон нарса сўрамаслик билан». Сўрасаларким: «Жондин ҳам ширинроқ нарса надир?» Жавоб булдирким: «Беғараз дўст суҳбати». Сўрасаларким: **«Кимлар билан дўстлашмоқ мумкин?»** Жавоб бундайдир: қаноатли кишилар; ўз сўзидан қайтмайдиганлар; олим ва ҳунар соҳибларини қадрлайдиганлар; хиёнат ва номардликдан нафрат этадиганлар; яхши хулқли назокатли кишилар; ғазаб вақтида ўзини қўлга оладиганлар; сахийлар; бадахлоқ одамларнинг айшу ишрат мажлисларидан нафратланувчилар билан дўст бўлувчиларнинг йўли **саодат йўлидир**.

Сўрасаларким: **«Кимлар билан дўстлашиб бўлмайди?»** Жавоб бундайдир:

– Ақлдан маҳрум бўлганларнинг маслаҳатларига амал қилувчилар; ўз сўзида турмайдиганлар, сўзидан тонувчи ва ёлғончилар; буюк ишлардан сабри тез тугайдиганлар ва камҳафсалалилар; нон-кўрлар; ёшининг катталигига қарамай одоб қонун-қоидаларига амал қилмайдиганлар; осонликча хиёнат йўлига тушиб кетадиганлар; пулни ҳаётдан афзал кўрувчи очкўзлар; пасткаш ва маишатпарастлар; ҳаёсизлар; одамлардан сабабсиз шубҳаланиб,

уларни асоссиз гуноҳкор қилувчилар; ўзининг заиф эканини била туриб, узоқ сафарга чиқишни қасд қилганлар; ўз муаллимини ва бошлиғини танимаган худписандлар билан дўст тутинган кимсанинг йўли оқибат **хорлик йўлидир**.

Яна дейликки:

– Сенинг ранж-аламингни баробар тортадиган, шодлигинга шодланадиган дўстни изласанг, бундай дўст ноёбдир. Сенга ўзини дўст қилиб кўрсатадиган тасодифий дўстлар эса жуда кўп.

Сўрасаларким: «Агар ҳақиқий дўст топиш менга муяссар бўлса, у билан қандай муомала қилишим керак?» Жавоб бундайдир:

– Ҳақиқий дўст топсанг, унга содиқ бўл, хиёнат қилма. Ҳамма вақт дўст тутмоқни одат қилгил. Зероки, ҳар кишининг дўсти кўп бўлса, айблари шунча сир тутилувчи ва фазилати кўпаяди. Ҳар кишики дўстларини ёд қилмаса, дўстлари ҳам уни ёд қилмаслар ва оқибат бу киши дўстсиз қолғусидир. Кўнглингдаги дўстлик муҳаббатини сўзинг ва ишинг билан кўрсат, дўстинг сирин ошкор қилишдан сақлан, унинг ёнида бошқаларни ғийбат қилма. Дўстинг муҳтожликда қолса, дарҳол унга ёрдам бер. Унда бирор айб содир бўлса, **холи жойда (!)** айбини айтиб, юмшоқлик билан насиҳат қил. Агар дўстинг сенинг айбингни айтиб, насиҳат қилса, ундан миннатдор бўл. Ҳар дўстким, сендан ҳеч сабабсиз гинали бўлса, унинг дўстлигидан тама қилмагилки, жаҳонда ундан айблироқ ва ундан ёмонроғи бўлмагай. Билгилким, жаҳонда айбсиз одам бўлмас, аммо сен салоҳиятли, мурувватли бўл, чунки бундайларнинг айби кам бўлувчиси аён. Агар дўстингнинг кўнгли ҳеч гуноҳсиз сендин қолса, уни қайтаришга машғул бўлмагил, бундай тамагир ва кечки дўстдан узоқроқ бўлганинг маъқулоқ. Бундайларнинг дўстлиги ҳақиқий саналмайди, балки тама учун бўлади. Ҳасадли кишилар билан яқинлашишдан ҳам парҳез қил, чунки ҳасадли киши дўстликка сира ҳам лойиқ эмас, чунки ҳосиднинг ҳасади ҳаргиз кетмас ва сендан гина қилишни сира қанда қилмас. Мурувватсиз, фазилатсиз кишини ҳам дўст тутмагилким, бундай кишининг хосияти бўлмас, уларни мол-дунё дўстлари сафида кўр, улар ор ва номус дўстлари қаторидан жой ололмаслар. Дўстингга ёлғон сўзлама. Унинг душмани билан дўстлашма. Дўстинг бошига бирор мушкул иш тушса, қайғули ҳодиса юз берса, уни шу мусибатдан қутқаришга жону дилинг билан кириш, дўстингнинг ота-она ва оила аъзоларига меҳрибон ва шафқатли бўл. Ҳар вақт янги дўст топсанг, эски дўстларни тарк этма ва воз кечма. Дўстинг ҳамиша кўп бўлаверсин, чунки яхши дўст киши учун бебаҳо хазинадир, деганлар. Одамлар билан дўстлигинг ўртача бўлгани маъқул. Дўстим кўп деб барчасига умид билан кўнгли боғлайвермагин, орқа-олдингга қарагин. Дўстларингнинг эътиқодларидан ғофил бўлмагин. Уларни фароғатли ва ташвишли кунларингда имтиҳон қилгин. Агар ўзинг қашшоқ бўлсанг, бой дўст талаб қилмагин, чунки қашшоқни дўст тутувчилар кам бўлади. Абу Ҳамза Бағдодий дебдурларким: «Фақирларни дўст тутиш оғир, унга сиддиқлардан бошқалар чидай олмайдилар».

Ҳаётда кўп учратамизки, молдорлар қашшоқларни хуш кўрмаслар. Шу боис киши ўзига тенг дўст ахтаргани маъқул. Аммо киши молдор – бой бўлса-ю, қашшоқдан дўсти бўлса, бу унинг аъло фазилатидир. Билмоқ жоизким, дўст уч хил бўлади: 1) дўст; 2) дўстнинг дўсти; 3) душманингнинг душмани. Душман ҳам уч хил: 1) душман; 2) дўстингнинг душмани; 3) душманингнинг дўсти. Энди билгилким, дўстларнинг дўстлари ҳам сенинг дўстларингдир. Эҳтимолки, унинг ўша одамга дўстлиги сенинг дўстлигингдан аълороқдир. Агар дўстнинг сенинг душманингни севса, бундай дўстдан эҳтиёт бўл. Чунки бундай дўст душман тарафидан сенга ёмонлик қилишдан ҳам андиша қилмайди. Сенинг дўстингга душман бўлган дўстдан ҳам парҳез қилганинг яхши. Ҳар дўстки, сенинг душманингни душман тутмас, уни дўст демагил.

Яна сўрасаларким: «Тасодифий дўстлар билан қандай муносабатда бўлиш лозим?» Жавоб бундайдир:

– Тасодифий, юзаки дўстларга ҳам қўлингдан келганича яхшилик қил. Лекин сиру асрорингдан хабардор этма, улар ёнида ҳар хил сўзлар сўзлашдан тилингни тий. Уларни юзаки муомала билан қувонтириб, кўнгилларини ўз тарафингга мойил қил. Улардан бири кўринмай қолса, бошқа шундай ошна-оғайнилардан унинг аҳволини сўра, бироқ мол-ашёларингни уларга айтма, ўз аҳволингни яширин тут. Сенга ярим дўст бўлувчилар ҳам учрайди. Улар билан ҳам соз муносабатда бўл, улар сендан яхшиликлар кўравергач, якдил дўст бўлишлари мумкин. Искандардан сўрабдиларким: «Оз сармоя билан бунча кўп мулкни қандай қўлга киритдингиз?» Искандар дебди: «Раҳмдиллик билан душманларимни қўлга олдим, аҳдга вафо билан дўстларимни йўлга солдим». Яхши ва ёмон одамни бир-биридан кўнгил кўзи ила ажрата олгил. Уларнинг икковига ҳам дўстлик қилгил. Яхшиларга кўнгил билан, ёмонларга тил билан дўстлик қилгилким, токи икки тоифанинг ҳам дўстлиги сенга нисбатан пайдо бўлсин. Чунки кишининг ҳожати бир дўст билангина раво бўлмас. Бир вақт бўлурким, кишининг ҳожати зарурат юзасидан ёмонларга ҳам тушиши мумкин. Демак, ҳар икки тоифанинг дўстлигига эътибор қил. Нохуш хабарни чин бўлса ҳам дўстингга етказма. Кўявер, ўша чин хабарни душман етказсин ва сен сабр қил. У айб можаросини душман қилаверсин. Чунки адоват қилмоқлик – душман ҳунаридир.

– Ақлсиз одамлар билан ҳаргиз дўст бўлмагил. Ақлсиз дўст ақлли душмандан ёмонроқдир. Чунки ақлсиз дўст шундоқ ишлар қилурки, ақлли душман уни қила олмас. Мурувватли, илми ва вафоли кишилар билан дўст бўлсанг, уларнинг фазилатлари туфайли сенинг ҳам шуҳратинг ортгай. Бемурувват, меҳр-шафқатсиз, илму ҳунарсиз кишилар билан бирга бўлгандан кўра танҳолик афзалроқдир. Дўстга лойиқ одамни икки нарсадан билса бўлур. Бири – дўстининг ҳоли танг бўлиб қолса ёки қашшоқликка юз тутса, ундан юз ўтирмайди, балки молини ундан дариф тутмайди. Яна бири – дўсти вафот этганидан сўнг ҳам дўстининг фарзандлари, қариндошларини ва дўст-

ларини зиёрат қилиб тургай. Уларга яхшилик қилгай. Дўстининг мазорига бориб зиёрат қилгай, ҳасрат чекиб дуолар қилгай. Ривоят қилурларким, Суқрот ҳақимга «Бутпараст бўл!» деб кўп айтдилар. Ул зот «Бундоқ сўзни айтурдин тил чекингларким, мен ҳаргиз ул ишни қилмасман!» – дедилар. Суқрот ҳақимни ўлдиришга олиб борардилар. Шогирдлари зорлиғ қилиб сўрадилар: «Эй ҳақим, энди ўлимга кўнгил қўймишсиз, айтинг, сизни қай ерга дафн этайлик?» Суқрот бу саволни эшитиб, табассум билан дебдиларким: «Қай ерни кўнглунгиз тиласа, ул жойга дафн этинг, жасадим қайда бўлса, сўнгақларим унда бўлгай. Сиз мени ёд қилсангиз бас!»

Фарзандимизнинг ким билан дўстлашганини билишимиз, кузатишимиз, маслаҳат беришимиз шарт экан. Лекин уларни дўстлар даврасидан юлиб олишга, ихота қилишга интилишимиз дуруст эмас. Катталар эҳтимол, дўстлар даврасисиз яшаши мумкиндир, лекин бола бундай қила олмайди. Агар болани дўстлари даврасидан ажратиб олсак, унинг руҳиятида салбий ўзгаришлар бошланади. Бу фикримнинг исботи учун олимларнинг тажрибасини баён қилай, хулосасини эса ўзингиз чиқаринг:

Янги туғилган маймун боласини алоҳида катакка олишди. Қуруқ девор ва сўрғичли шишадан бошқа ҳеч нима йўқ. Ташқаридан овозлар ҳам эшитилмайди. Уч ой ёлғизликда сақланган маймунчани эркин яшаётган тўдага қўшишганда, у тенгдошлари билан аралашиб кетолмади. Бир четда ётсираб, шумшайиб ўтираверди. Фақат саккиз кундан сўнг сал элакишди. Бошқа маймунчани ёлғизликда олти ой сақлашди. Эркин яшаётган маймунчалар даврасига қўшишганда у ўзини олиб қочди. Бир йил давомида ёлғиз сақланган маймунча эса ўзи каби ёлғизликда бўлганлар билан ҳам қўшилиб кета олмади. Шундан сўнг олимлар ўзгача йўл тутдилар. Ёлғиз яшаган маймунчалар даврасига кўпчилик билан эркин яшаган маймунчани қўйдилар. Озодликдаги кўпчиликка кўниккан маймунча ихота қилинганлар орасида ўзини ёлғиз сезиб, асабийлаша бошлади. Ҳатто қочиб кетиш учун ўзини деворга урди. Олимлар маймунчалар онгининг ўсишини ҳам кузатишди. Ёлғизликда яшаган маймунчалар онгининг ўсишида қолоқлик аниқ сезилди.

Эмаклаб юрган чақалоқ ўйинчоқларини бир ўзи ўйнаб ўтиравериши ҳам мумкин. Лекин 2 ёшдан ошганда бир ўзи зерикади, дўстга эҳтиёж сезади. Дўст ўзининг тенгдоши ёки катта одам ҳам бўлиши мумкин, бунинг унга фарқи йўқ. Тенгдоши ёки 4-5 ёшли бола билан қанчадир муддат аҳилликда ўйнайди, кейин ўйинчоқ талашиб уришиб кетади. Мана шу одати катталарга ёқмайди. Ҳолбуки, талашининг, уришиб кетишнинг ҳам оз бўлса-да ижобий томони бор. Талашини фақат қизғанчоқликни англамайди, бу билан бола ўзининг ҳаққини талаб қилади, яъни ундаги «Мен» шакллана бошлайди. Бунда уч ҳолатни кузатишимиз мумкин: бола рақибидан устун келади; бола рақибига ён босади; бола мушт туширган рақибига жавоб қайтаради. Ўзаро талашини ва олишини турли ёшда турлича кўринади. Масалан, 2 ёшида ожизлик қилса,

3 ёшида жанжални ўзи бошлаб беради. «Мен»нинг қай даражада шаклланаётгани шу жараёнда ҳам сезилади. Дўст танлашда боланинг ўзига хос мантиққа асосланган дунёқараши мавжуд. Катталар байроқ қилиб олган мантиқни улар қабул қила олмайдилар. Ўсмирга «Тошмат билан ўйнама, ундан узоқроқ юр», дейилса, буйруқни бажариши мумкин. Гўдаклар бундай амрга мутлақо бўйсунмайдилар. Агар Тошмат ўйинчоғини тортиб олса ёки синдириб қўйса, ундан юз ўтиради. Агар ўсмирнинг бир ўртоғидан кўнгли қолса, у билан яна яқинлашиши учун кўп вақт талаб этилади.

Фарзандингизнинг «Ким билан дўстлашиш мумкин?» деган саволига тўлиқ жавоб бериш учун бу насиҳатларнинг ўзи кифоя қилмас. Қани, ўзингиз яна нималар дея оласиз? Мушқулингизни осон қилиш учун ўликни тирилтиргувчи **дўст меҳри** ва тирик қалбни вайрон этгувчи **дўст хиёнатлари** хусусида биргаликда фикр юритишга таклиф этаман.

### **ТЎРТИНЧИ БОБ**

#### **«ҚАНАҚА ОДАМ БИЛАН ДЎСТ БЎЛАЙИН?»**

Бир ажиб қушни кўз олдингизга келтирингким, унинг қалби Аллоҳга ишқ бўлса, қанотларидан бири ота-онага, иккинчиси дўстга муҳаббат ва вафодир. Дўстлик ҳақида, дўстликдаги вафо ва хиёнатлар ҳақида шу қадар кўп ривоятлар тўқилган, ҳикматлар битилганким, барчасини тўплаб, нашр этилса, дунёнинг қоғозлари етмас, эҳтимол. Кишининг ҳаётида тиш ўтмас муаммолар кўп. Шулардан бири айнан дўст топиш, дўст танлаш муаммосидир. Киши умри давомида адаш йўлларда кўп қоқилади. Энг кўп қоқилиш дўст кўчасида бўлади. Киши ўлгунига қадар кўп дўст топмайди, аммо кўп дўст йўқотади. Нега шундай? Бунга ким айбдор? Кишининг ўзими ё дўстми?

Кўнглимиз ҳамиша вафоли дўст тилайди. Айни дамда кимдир бизнинг садоқатли дўстлигимизга муҳтож. Бирорта дўсти бўлмаган одам дунёда яшамаса ҳам бўлади. Биз дўст деб юрганимиз душманлик чопонига бурканиб олса, азиятлар чекамиз, аммо ўзимиз баъзан билиб, баъзан билмай бошқа бир одамга душманлик қилиб юрганимизни англаймизми? «У ёмон одам, шунинг учун менга душман», деймиз. Эҳтимол, ўзимиз ёмондирмиз, эҳтимол дўстлик бурчи нима эканини яхши англамагандирмиз, эҳтимол яхши дўст тарбиясини четлаб улғайгандирмиз?

Азиз фарзандимизга дўстлик ҳақида лоф уришдан олдин шу ёшимизга етгунча топган ва йўқотган дўстларимизни бир-бир кўз олдимизга келтирайлик. Уларнинг фазилат ва иллатларини эслайлик-да, сўнг ўзимизга савол берайлик: «Шу фазилат менда борми, бу иллатдан қутула олганманми?» Расулуллоҳ (с.а.в.) «Аллоҳ наздида энг яхши дўст деб одамларга доимо хайрли ишларни қилиб юрувчи кишига айтилади», – деганлар. Яъниким, дўстларнинг яхшироғи ҳамдамларини ўз шафқати соясида тутар ва ка-

рам эшигини улар юзига очиб қўяр, тилакларини ва ҳожатларини юзага чиқарар. Биз шундаймизми? Ёки дўст деб юрганимиз бир гуруҳгина кишиларгагина яхшилик қилиш билан чекланамизми?

Саволлар кўп... Жавоб ўйлаш баробаринда ҳикматлардан қувват олайлик-чи...

Дўстликнинг аввали – танишмоқликдир. Таъбир жоиз бўлса, танишиш – дўстлик манзилига олиб борувчи бир йўлдир. Агар бу йўлдан тўғри бормай, пойинтар-сойинтар, эгри-бугри қадам ташланса, ғийбат, ифво, ҳасад ариқларидан сув ичиб турилса, ўртада душманлик пайдо бўлиши шубҳасиздир. Бир киши билан танишиб, уни дўстликка қабул қилишда ғоят эҳтиёткорона ҳаракат қилиш керак.

Дўст йўлидаги боғлардан бири – яхшиликни эътироф этишдир. Яъни дўстнинг дўстга қилган яхшилигини тан олишдир. Агар бу йўлда миннат дарахти соясида роҳат қилинса, дўст манзилидаги кўшкка умид қилмай ортга қайтаверган маъқул.

Табиийки, ҳар қандай аҳил дўст орасида тортишув бўлади. Шундай ҳолларда майда-чуйда нарсаларга ўралашиб, киши дўстдан ажраб қолиши ҳеч гапмас. Демак, икковидан бири йўл бериши шарт. Дўстлик оламида кибр қуёшидан баҳра олиш мукофоти – юлдузсиз тундир.

Хушмуомала – дўстлик боғидаги дарахтларга ҳаёт суви берувчи бир чашмадир. Ширинсўзлик, очиқ юзлик, гўзал ифода, тавозуъ, мулойимлик, тилни маъносиз беҳуда сўзлардан тийишлик каби гўзал хулқлардан хушмуомала ҳосил бўладиким, бу душманлик саҳросидан ёпирилажак офатлар йўлини тўсмоқликка қодир бўлур.

Дўстга муҳаббатнинг ҳақиқий таржимони ихлос саналади. Дўстга хайрихоҳ бўлиш, керакли вақтда унинг манфаати йўлида хизмат қилиш бунини исбот этади. Муҳаббат ихлосга тескари эмас, аксинча, уни қувватлайди, чунки икки дўст орасидаги муҳаббатдан мақсад – бир-бирларига манфаат етказиб, ёрдамлашишдир. Агар икки дўстдан бирининг кўнглидан бу чиқиб кетса, унинг муҳаббати фақат мунофиқлик, риёкорликдан иборат бўлиб қолади.

Бир киши пулга муҳтож бўлиб, дўстининг уйига келди-да, мурудини айтди. Хижолатлиги туфайли дўстининг таклифини қабул қилмади – уйига кирмади. Дўст ичкаридан айтилган пулни олиб чиқиб бериб, биродарининг кўнглини кўтарадиган, хижолатликдан ҳоли қиладиган оқил сўзларни айтди. Муддаоси ҳосил бўлган киши изига қайтгач, дўст уйига кирди-ю йиғлай бошлади. Хотини «Эрим кўпроқ пул бериб юбориб, ачиниб йиғлаяпти шекилли», – деган хаёлда «Бирор нарсани баҳона қилиб пул бермасдан қайтариб юборсангиз бўлмасмиди, энди пушаймонлигингиздан нима фойда?» деб таъна қилди. Шунда дўст дедик:

– Йиғлаётганим сабаби сен ўйлаганча эмас, мени ғафлат босибди, дўстим пулга муҳтож бўлиб қолганини билмабман. У келиб сўрамасидан аввал ўзим бориб, мушкулени осон қилишим керак эди. Дўстнинг ҳожатидан беҳабар мендай ғофилнинг дўстлигидан Аллоҳ рози бўлармикин?

Қарз сўраш жараёни дўстлик кўчасидаги оғир ва нозик муаммолардан, айна пайтда жиддий синовлардан саналади. Пул гўё ўт-кир қилич, дўстлик занжирларини узишга, дўстликнинг бузилмас иморатини барбод этишга ҳам қодир. Қарз сўраш бошланса, заиф дўстлик иплари узилиб бораверади.

Бир одамнинг қадрдон уч дўсти тақдир тақозоси билан уч шаҳарда яшар эди. У дўстларининг садоқатини синамоқни хаёл қилди. Аввал бирига хизматкорини жўнатди. Хизматкор хожасининг иши юришмай, қарзга ботганини айтди. Дўст уни юпатиб, у айтган қарзни тўлашга етгулик миқдордаги пулни бериб, изига қайтарди. Синовчи дўст биродарининг бу карамидан қувониб, хизматкорини иккинчи шаҳарга жўнатди. Иккинчи шаҳардаги киши ҳам дўстининг қарзга ботганини эшитиб ғоят қайғурди. Эртасига хизматкорнинг қўлига қарзни қоплайдиган ва яна ўн йил давомида тирикчиликка асқотадиган маблағ бериб жўнатди. Синовчи дўст бундан ҳам қувонди, шундай дўстларни берганига Аллоҳга шукрлар қилди. Учинчи шаҳарга жўнатишдан олдин хизматкорига қаттиқ тайинлади:

– Бу дўстим бадавлат эмас, ўзи олим одам. Унда илмдан бошқа нарса йўқ. Шу сабабли «Хўжайинимнинг аҳволи хароб, катта қарзга ботган», деб ваҳима қилма. «Ишлари ёмон эмас, фақат беш тангагина қарзлари бор, Худо хоҳласа яқин кунларда қарздан қутулиб, ишлари авж олиб кетади», – дегин.

Хизматкор олим дўст ҳузурига бориб, хожасининг буюрганини билдирди. Олим дўст бу хабарни эшитиб, бошини эгди. Сўнг ўр-нидан туриб, ташқарига чиқди. Хизматкор ўтирган уйига назар солди: йиртиқ палосу эски кўрпачадан бошқа ҳеч вақо йўқ экан. «Ҳеч бўлмаса беш тангаси бордир», деб ўтирганида уйга нотаниш одам кирди-да:

– Хожаси беш танга қарз бўлиб қолган хизматкор сенмисан? – деб сўради.

– Ҳа, – деб жавоб берди хизматкор.

– Мана сенга беш танга, буни шу уй эгаси бериб юборди.

– Ўзлари қанилар?

– Ўзи меникида. У қул бозорида ўзини менга беш тангага сотди.

Бу гапдан хизматкор ҳам ажабланди, ҳам даҳшатга тушди. Қулдорга эргашиб унинг уйига борди ва олим дўст қаршисида тиз чўкиб:

– Ундай қилманг, пулни қайтариб берайлик, – деб ялинди.

– Мен бу одам билан шартлашиб, беш танга эвазига беш йил ишлаб беришга ваъда берганман. Ваъдамга хилоф қила олмайман. Дўстимни муҳтожликдан қутқариш учун беш йил ишлаб бериш мен учун ҳеч гап эмас, – деган экан олим дўст.

Мазкур ривоятни бир даврада ҳикоя қилиб берганимда кимдир дедик:

– Ўша синаётган одам бу биродарининг қашшоқлигини билар экан, ўзи унга ёрдам берса бўлмасмиди?

Бу саволда ўзимиз учун икки ибрат бор:

- олим ўзини қашшоқ санамайди, чунки унинг илми бор. У илми ҳар нарсадан устун қўяди, биродарининг ёрдамини қабул этмайди. Бадавлат биродарлари ҳисобига яшаса, у олим бўлмайди.

- бошқани синамоқчи бўлган одам аввал ўзини синаб кўриши керак.

Бу дунёнинг одамлари бир-бирларига маҳрам бўлишни истасалар, дўстлик йўлида ўз азиз жонларини ҳам аямайдилар. Бундай одамлар садоқатли асл дўстлардир. Лекин бу дунёда шундай тоифа одамлар ҳам борки, улар ёлғиз ўз вазифаларини яхшиламоқ, қўлга бир нарса киритмоқ, яхши кун кечирмоқ учун дўст бўладилар. Бундай одамлар мол-давлат дўстларидир. Улар қушларни тўйдириш учун эмас, тутиш учун дон сепадиган овчига ўхшайдилар. Дўсти учун жонини фидо этадиган одамларнинг қадр-қиммати молини фидо этувчидан жуда ва жуда юксакдир. Ривоятдаги олим дўстни ана шу юксак мартабада кўрамир.

Дўстлар икки хил бўладилар: биринчилари – ўз ихтиёрлари билан самимий дўст бўлганлар. Иккинчилари – мажбурият ва зарурият юзасидан аҳду паймон боғлаганлар. Буларнинг мақсади фойда кўрмоқ ва зарардан қочмоқдир. Лекин самимият ва садоқатга асосланган дўстлик ҳамиша, ҳар ерда ва ҳар шароитда ишончли бўлади. Зарурият ва мажбурият натижасида пайдо бўлган дўстлик эса ундай бўлмайди. У дарё каби гоҳ тошиб, атрофни босади, гоҳ қуриб, суви озайиб қолади. Зарурият юзасидан пайдо бўлган дўстликка ишониш дуруст эмас. Зарурият ўртадан кўтарилиши замон дўстлик адоватга айланиши эҳтимол. Демокчиманки, олим агар зарурият туфайли дўст бўлганида ўзини беш тангага сотмас эди.

Қарға, оҳу, сичқон ва тошбақа дўст эдилар. Иттифоқо оҳу йўқолиб қолди. Қарға осмонга учиб, уни қидирди. Қарасаки, оҳу овчининг тўрига ўралиб, азоб чекиб нолалар қиляпти. Қарға сичқонни фожиа ерига бошлади. Сичқон тўр арқонларини қирқди, оҳу озод бўлди. Шунда оҳу дўсти тошбақага қараб, ажабланиб сўради:

– Сен нега келдинг? Овчи бу ерга қайтса, сичқон тешикка кириб беркинади, қарға осмонга кўтарилади. Тўрдан қутулдим, энди мен ҳам қочиб қутула оламан. Сен-чи?

Тошбақа бу гапни эшитиб бошини чайқаганича дебди:

– Биродар, қандай қилиб келмайин? Дўстлардан узоқда, фироқ ва ҳижронда кечган ҳаётнинг нима лаззати бор? Қандай ақлли одам айрилмоқни афзал кўради? Бахтсизлик юз берганида одамга тасалли берадиган, офир кунларингда дардингни енгил қиладиган дўстлар билан бирга бўлиш лозим. Ҳижрон ўтида ёнган, дўстлардан узоққа тушган одамнинг дили ҳамиша ғам ва алам билан тўла, сиҳатлик унинг вужудидан йироқ бўлади. Сабр ва қаноат уни тарк этади. Ақл ва камолот ўз кучини йўқотиб, фойдасиз бўлиб қолади... Дўстдан ажралишдан ҳам офирроқ мусибат борми дунёда? Фироқ алангаси етти дарёни қуритади...

Ривоятдан олинажак фикр шуки, шижоатли ва кучли ботирлар урушда, хотин ва фарзандлар камбағалликда, дўстлар бошга кулфат тушганда таниладилар.



Ҳайвонлар дунёсини тарк этиб, ўзимизнинг ҳаётга назар ташлайлик-чи, нималарни кўрар эканмиз:

Бир йигитнинг бошига иш тушиб, бойлигидан ажралди, ўзи эса қамалди. Шунда унинг хотини ҳар ҳафтада ошхўрлик қилувчи улфат-дўстлардан ёрдам кутди. Дўст қамоқда, ошхўрлик эса ўша-ўша давом этарди. Ошхўр улфатлар болаликдан бирга катта бўлган ўртоқларини эслаб қўйиш билан дўстлик бурчларини адо этардилар гўё. Тўғри, улар сичқон каби тўр арқонларини қирқиб, дўстларини тутқунликдан қутқара олмайдилар. Аммо фақат одам боласига хос фазилат – тутқунликдаги дўстнинг ота-онаси, оиласидан хабар олиб туриш-чи? Қамоқдаги дўстнинг хотини эрини қутқариб олиш умидида елиб-югурарди. Иттифоқо автомашинаси бузилиб қолиб, эрининг энг яқин дўсти ҳисобланган одамникига бориб илтимос қилди:

– Кунда беш-ўн идорага учрашишга тўғри келяпти, машинаси улгура олмайдиганга ўхшайман. Темирни қизигида босмаса, армонда қоламиз шекилли. Машинангизни икки-уч кунга бериб турсангиз.

Дўст хотиннинг илтижосига жавобан шундай деди:

– Биров менинг хотинимни сўраса бериб туришим мумкин, аммо машинани бериб тура олмайман.

Тўғри, машинани бировга бериш қонунга зид, дерсиз. Лекин кўнгил тоза бўлса, шу машинани «Ишонч қоғози» билан ҳам бериб туриш мумкин-ку? Ёки агар у чин дўст бўлса, «Бир-икки кун эмас, қанча лозим бўлса, ўзим машинам билан хизматингизда бўламан», демасмиди? «Улфат», «ошна» деган тушунчалар бор. Чойхонадаги ошга ёки уйдаги «гап»га келмаганлардан гина қиламиз, бундай улфатга қўшилмаганлардан ҳатто нафратланамиз. Аммо... қўполроқ бўлса ҳам бир ҳақиқат бор: от ва эшак бир оҳурда хашак есалар ҳам дўст бўлмайдилар.

Бир одамнинг афсус билан айтиб берган ҳикоясига сиз ҳам гувоҳ бўлинг: икки йигит. Иккови ҳам бадавлат отанинг эрка фарзанди. Бирига отаси «Мерседес» инъом этиб, улфатда «ювиди». Зиёфатдан қайтишда уларнинг бири ҳалокатга учради: машинаси пачоқ бўлди, ўзи оғир жароҳатланди. Унинг изидан келаётган дўст – янги «Мерседес» эгаси тўхтади. Дўстининг аҳволини кўриб, йўловчи машинани тўхтатди. Бу воқеани ҳикоя қилаётган одам машинасини тўхтатганда йигит: «Дўстимни шифохонага олиб боринг, мен изингиздан етиб бораман», деб пул тутқазди. У одам эса «Бу қонга беланиб ётган йигит дўстингиз экан, ўзингизнинг машинангиз бор экан, ҳар нафас ғанимат-ку, нега ўзингиз олиб бормай, машина тўхтатдингиз?» деб сўраса «дўст» дебди-ки: «Ие амаки, менинг машинам янги-ку, уни ўтқизсам қон бўлади-ку?»

Бу ҳикояга изоҳ шарт бўлмаса керак. Яна бир воқеа хусусида эса эҳтимол баҳслашишга ҳам тўғри келар. Аммо ундан аввал ибрат сифатида бир масал билан танишсак:

Бир хушманзара, ажойиб чаманзордаги баланд дарахт устида қарғанинг ини бор эди. Бир куни овчи шу дарахт атрофига дон сочиб, тўр ёйди. Қарға буни кўриб ўйланди:

– Бу одам бир балони бошляпти. Кимни тўрга солиш қасдида экан? Мени тутмоқчими ё бошқаними? Ўз жойимда қимир этмай турай, қани нима бўлар экан?

Шу онда кабутарлар учиб келдилар. Уларнинг бошлиғини Чинкабутар дер эдилар. У ғоят зеҳли, чаққон эди. Кабутарлар донни кўргач, эҳтиёткорликни унутдилар ва тўрга илиндилар. Кабутарлар патиллаб, жонларини халос қилиш учун бир-бирларига урилавердилар. Шунда Чинкабутар деди:

– Ваҳимага тушманглар. Ҳар бирингиз ўзингизни эмас, ҳамманинг бараварига халос бўлишини ўйланглар. Биз бараварига парвоз қиламиз.

Кабутарлар унинг айтганини бажариб, кўкка кўтарилдилар. Овчи уларнинг ортидан югурди. Қарға эса ўз-ўзига деди:

– Мен буларнинг ортидан бориб, иш нима билан тугагини кўрай, чунки шундай ташвиш эртами-кечми менинг бошимга ҳам тушиши эҳтимол. Бошқаларнинг бошига тушган ҳодисадан ўзи учун ибрат олганни ҳушёр ва фаросатли дейдилар.

Овчининг изма-из югуриб келаётганини кўрган Чинкабутар ёронларига деди:

– Бу сурбет овчи биздан воз кечадиганга ўхшамайди. Агар кўзидан ғойиб бўлмасак, биздан кўнгил узмайди. Очиқ жойга эмас, дарахтзорларга бориб кўнайлик, шунда у бизларни топа олмай, изига қайтиб кетади. Шу яқин орада менинг бир сичқон дўстим бор, унга айтсам, бу тўрни қирқади ва биз озод бўламиз.

Кабутарлар у айтган томонга учдилар. Овчи уларни йўқотиб, изига қайтди. Қарға эса улар изидан учиб бораверди. Чинкабутар айтган дарахтзорга учиб келдилар. Сичқонни чақирдилар. Исми Зийрак бўлган бу сичқон жуда ақлли ва чаққон эди. Бирор фалокат юз берса, қочиб чиқиб кетиш учун инидан анчагина тешикчалар очиб қўйган, бир неча кунга етарли озуқа ҳам ғамлаган эди. Дўстининг аҳволини кўриб, Зийракнинг кўзлари ёшланди. «Сени ким бу аҳволга солди?» – деб сўради. Чинкабутар дўстига шундай деди:

– Яхшилик ҳам ёмонлик ҳам тақдирдан. Кимнинг пешонасига нима ёзилган бўлса, эртами-кечми, шу нарса унинг бошига келади, ундан қочиб қутулиб бўлмайди... Қисмат бизни бу бало гирдобига солди. У бизга дон кўрсатиб, кўзимизни боғлади ва ақлимизни қора пардага чулғади. Ҳаммамиз бало занжирига банди бўлиб, бахтсизлик чангалига тушдик. Мендан кўра қувватлироқ ва шаъншавкатлироқ бўлганлар ҳам қисматдан қочиб қутула олмаганлар. Вақти-соати келганда кун ва ой тутилади, балиқ дарё тагидан юзага қалқиб чиқади, қуш осмон бағридан ерга тушади, нодонлар мақсадга етади, ақллилар ожиз қоладилар.

Зийрак бу сўзларни эшитгач, Чинкабутарни ўраб турган тўр ипларини қирқа бошлади.

– Аввал дўстларимни ўраб турган ипларни қирққин, – деди Чинкабутар. Зийрак унинг гапига эътибор қилмади. Шунда Чинкабутар унга ялинди: – Эй азиз дўстим, сен биринчи галда ўртоқларимни банддан озод қил.

– Сен ўз жонингни халос этишни истамайсанми, яшашга сенинг ҳаққинг йўқми? – деди Зийрак.

– Мен уларга раҳбар бўлишни ўз зиммамга олганман, – деди Чинкабутар. – Шунинг учун уларнинг менда ҳақлари бор. Уларни асраш менинг бурчимдир... Бунинг устига мен уларнинг ҳаракати ва ёрдами туфайли овчининг таъқибидан халос бўлдим. Энди мен ҳам ўз бурчимни адо этиб, ўзимдан аввал уларни қутқазим керак. Яна шуниси бор-ки, сен мени ўраб турган ипларни қирқа бошласанг, чарчаб қолишинг ва оқибатда дўстларим тўрдан қутула олмай ҳалок бўлишлари мумкин. Лекин мен тўрда эканман, сен қанчалик чарчамагин, бари бир, мени бу тўрда қолдирмайсан. Тушунгин, ҳаммадан олдин ўзимни қутқарсам, умрим таъна ва маломат тамғаси остида ўтади. Мен бунга чидай олмайман.

– Бу мурувватли ва инсофли одамларнинг хосиятидир. Бу хосият дўстларнинг сенга бўлган ишончи ва муҳаббатини янада мустаҳкамлайди, – сичқон шундай деб бошқа кабутарларни ўраб турган ипларни қирқа бошлади. Шу тарзда кабутарлар озод бўлиб, Зийракка миннатдорлик сўзларини айтдилар-да, учиб кетдилар. Бу воқеани кузатиб турган қарға эса сичқоннинг маҳоратига қойил бўлиб, «Кабутарлар бошига тушган ташвиш менинг бошимга ҳам тушиши мумкин, менга бундай дўст бугун бўлмаса, эртага керак бўлиб қолади», – деган фикрда у билан дўстлашмоқни истади. Пастга тушиб, сичқонни чақирди ва мақсадини айтди. Сичқон унга деди:

– Сен билан менинг ўртамада ҳеч умумийлик йўқ. Бинобарин, дўст бўлишимиз ҳам мумкин эмас. Нодонлар аҳволига тушмаслик ва ҳикмат аҳлига калтафаҳм бўлиб кўринмаслик учун ақл эгалари мумкин бўлмаган нарсаларни орзу қилмасликлари керак. Қуруқликда кемадан, денгизда эса отдан фойдаланишни истаганлар ўзларини қулгили ҳолга солган бўладилар. Сен билан менинг орамизда қандай муҳаббат бўлиши мумкин? Ахир мен сенинг таомингман, демак, сенинг ёнингда бир лаҳза бўлса-да, тинч ва беҳавотир яшай олмайман. Кимки ўз тенги билан бўлмаса, охирда пушаймон ейди...

Энди ваъда қилганим яна бир воқеа:

Болаликдан бирга катта бўлган икки дўст тижорат билан шуғулланмоқчи бўлишди. Бири қаердандир арзон-гаровга шампан виноси олиб, харидор топиш мақсадида бозорга келишди. Машина эгаси бўлмиш дўст дўкандор билан савдолашмоқ мақсадида ичкари кирди. Иккинчиси кўчада қолди. Ўзича савдо қилиб кўрмоқчи бўлиб, машинадан уч-тўрт шиша вино олиб, кўчанинг ўзида сотувга қўйганда милиция ходимларининг қўлига тушди. Дўкандан чиққан машина эгаси дўстининг бу аҳволини кўргач, «Мен бу одамни танимайман», деб жўнаб қолди. Уни қутқаришга ҳаракат ҳам қилмагани дўстга хиёнат эмасми? Виждонан қаралса шундай. Лекин масалага иқтисодий томондан ҳам қараш керак. Дўстлар даврасида, яъни «улфат гап»ида бу воқеадан хабар топганлардан бири биринчи дўстни айблади. Аммо у дўст айбига иқроор бўлмади. «Мен унга кўчада сот, дедимми? Ўзининг аҳмоқлиги учун

ўзи жавоб бериши керак», – деди. Орада баҳс бошланганида тижорат илмидан яхши хабардор дўстларнинг бири орани очик қилди. «Бу дўстимиз кетиб қолиб тўғри қилган, – деди у. – Агар шу менинг дўстим деса, милиса уни ҳам ушларди. Қутулиш учун икки ҳисса кўп пул тўлаш керак бўларди».

Сиз бу ҳукмга қандай қарайсиз?

Иқтисодий манфаат бор жойда дўстликка ўрин йўқми? Дўстлик ўрнини бевафолик эгаллайдими? Эҳтимол, саволимга бу ривоят жавоб берар? Маълумингизким, бевафо дўстлар ҳақида кўп ривоятлар битилган. Қадим фозилларидан бирининг ҳикояси билан танишсак:

«Хоразмга сафар қилганимда бир киши менга йўлдош бўлди. Уни едириб-ичириб юрдим. У эса менга нисбатан бўлган муҳаббатини, самимий дўстлигини тинмай сўзларди. Йўлда бизга бир ит ҳам ҳамроҳ эди. Овқат қолдиқларини мен итга бериб турардим.

Йўлда икки ўғри бизга ҳужум қилди. Йўлдошим ўғриларни кўрибоқ, мени ёлғиз ташлаб қочиб кетди. Ит эса мени ҳимоя қилди. Бир ўғрининг оёғидан тишлаб йиқитди, талади, оқибатда ўғри аранг қочиб қолди. Иккинчи ўғрини мен ўзим мағлуб этдим. Шундай қилиб, итнинг ёрдамида ўғрилардан қутулдим. Ҳамроҳим ўғриларнинг қочганини кўриб ёнимга қайтди, риёкорлик қилиб, ҳолимни сўради. Мен эса «Сен каби дўстдан шу вафоли ит яхшироқ», деб уни ёнимдан нари қувдим.

Иймонга суянмаган биродарликда яхшилик йўқдир. Бу отасининг мол-мулкани совурган шаҳзодани эслатади. Дейдиларким, бир шаҳзода отасининг вафотидан кейин юртни идора қилишни унутиб, дўстлари билан айшу ишратга берилибди ва тез муддатда хазинани кўкка созурибди. Бу ҳолдан хабар топган бир қариндоши вазиятдан фойдаланиб, мамлакатни босиб олибди. Подшоҳликка ҳаваси йўқ шаҳзода бунга парво қилмай, тожу тахтни топширибдида, ўзи ўша текинхўр дўстлари билан ялло қилиб юраверибди. Охиروқибат бор-йўғидан ажраб, кафангадо бўлгач, эски ёр-дўстларидан бирортаси унинг ҳолидан хабар олмабди, аксинча, барчаси ундан юз ўгирибди. Шаҳзода ҳар куни бозор бошига чиқиб ўтирар, отасининг содиқ гуломларидан бири унинг қорнини тўйғизар экан. Бир куни собиқ дўстлари уни мазах қилиш мақсадида зиёфатга таклиф этишибди. Ҳаммалари кайфу сафога берилганларида ит келиб гўштни кўтариб кетибди. Дўстлар: «Бу шаҳзоданинг иши, неча кундан бери гўштнинг афтини кўрмагани учун кўзи очлик қилиб яшириб қўйган», деб маломатлар қилишибди. Шаҳзода: «Гўштни мен олганим йўқ», деб қанча онт ичмасин, ишонишмабди. Маломатдан эзилган шаҳзода паришон ҳолда дўстлари даврасидан чиқиб кетиб, қон-қон йиғлабди. Унинг бу ҳолини кўриб қолган энагаси: «Болажоним, сенга нима бўлди?» – деб сўрабди. Шаҳзода аҳволини баён қилибди. Шунда кампир подшоҳнинг васиятини етказиш вақти келганини англаб, шаҳзодага учта мактуб берибди. Биринчисида айтилишича, фалон ердаги каптархонага ўн минг тилла яширилган экан, иккинчи мактубдаги баёнга кўра, фалон шаҳардаги фалончи

исмли кишига ўн минг тилла бериб қўйилган экан. Учинчи мактубда пистон шаҳардаги пистончи исмли кишига ўн минг тилла танга омонатга бериб қўйилгани билдирилган экан. Шаҳзода бу пулларни олиб, бировга муҳтож бўлмасдан яшай бошлабди. Унинг ишлари юришиб қолганидан хабар топган эски жўралари яна хира пашшадай пайдо бўлишибди. Шаҳзода бир куни уларни зиёфатга чорлабди. Улар келгунга қадар тоштарошни чақиртириб, катта бир тегиримон тошини илма-тешик қилдириб тешдириб, кўзга кўринарли жойга қўйибди. Зиёфатга келган жўралар бу тошни кўриб, «Унда қандай ҳикмат бор экан?» деб ажабланишибди. «Отам замонида, – дебди шаҳзода, – арабистонлик одам бир талай чумоли олиб келган экан. Ўша чумолилар шу тошни илма-тешик қилиб ташлашибди». «Шундай бўлгани аниқ, – дейишибди жўралар, – биз ҳам шунақа чумолилар борлигини эшитганмиз».

Бу сўзларни тинглаган шаҳзода ўзича шундай дебди:

«Ана холос, бир бурда гўшт учун ўша куни қанча қасам ичсам ҳам, буларнинг ҳеч қайсиси менга ишонмаган эди. Ҳозир ақл бовар қилмас ёлғонни айтсам, барчалари тасдиқлаб ўтиришибди. Демак, буларнинг барчаси яхши кунимдагина пайдо бўладиган дўстлар экан. Менга эса ёмон кунимга ярайдиган, ноним учун эмас, жоним учун дўст бўлувчилар керак...»

Одамнинг ҳаётда дўстлари кўпдай туюлади. Аммо ўзини дўст деб юрганларнинг юздан саксони манфаат дўстлари, десам фикримга қўшиласизми? Биласиз, қоғоз пулларнинг, ҳатто дурру жавоҳирнинг сунъийлари, қалбакилари учраб туради. Уларни махсус мосламалар саралаб беради. Ҳаётда сохта дўстларни саралайдиган мослама йўқ, ҳар ким ўз зеҳни, ҳаётий тажрибасига қараб ажратиб олади-ю, аммо ажратиб олгунича кўп азиятлар чекиши ҳам мумкин. Ҳаётда учраб турадиган таҳдикали ва мусибатли кунларнинг фойдали томони шунда-ки, бир-бирларини танимаган одамларнинг танишиб, дўст бўлишларига йўл очиб беради. Айни чоғда дўстнинг садоқатини синайди. Дўстларга манфаат етказмасдан улардан манфаат кутиш, ерга уруғ сепмасдан туриб, дон олишни тама қилиш каби маъносиздир. Машойихлар «Киши ёндирмайин суҳбатда шамни, ёруғликнинг нишонин кўролмас», деб бежиз айтмаганлар. Шайх Саъдий Шерозийдан бир ҳикмат бор: «Бир азиздин ихвони сафо сийратидин сўрдим, яъни қариндош ва ақрабо ва ошнолар ҳақида на тариқа равиш ва на янглиғ иш қилмоқ муносибдур?» Ул азиз деди: «Адноси улким, ёрларнинг хотири муродни ўз муродидан муқаддам тутғайларким, ҳақимлар ва донишмандлар дебдурлар: «Ҳар биродарким, ўз ишининг бандидадур, биродар эмастур». Дейилмоқчиким, дўстларнинг муроду манфаатларини ўз манфаатингдан устунроқ қўй, агар киши фақат ўз мақсадлари ва ишлари билан банд экан, ундан дўстлик кутма.

Ўз нафсини ўйлаб қилинган дўстликка жуда тез соя тушади. Дейдиларким, дўстни фойда-зарар ичида синамоқ керак. Яъни, сен дўстинг учун оёқ қўйсанг, ўзингни маҳкам тут. Дўстнинг ҳақиқий

дилини билмоқчи бўлсанг, синаш учун унга тилингда ғазаб қилиб ёки қовоғингни солиб кўр. Дўстнинг сенга қанчалик муҳаббати борлигини билмоқчи бўлсанг, унинг энг яхши кўрган нарсасини сўра. Шу иккаласидан сўнг ҳам у қовоғини солмаса, бундай дўстни бошга кўтариш, ширин жон билан баробар тутиш керак.

Бир донишманддан «Қанча дўстингиз бор?» деб сўрадилар. Жавобан дедик:

– Буни билмайман. Ҳозир туриш-турмушим яхши. Умрим фаровонлик билан кечиб турибди. Шунинг учун ҳамма менга хушомад қилиб, ўзларининг дўст эканликларини билдириб турибдилар. Мабодо давлатим қўлимдан кетса, у чоғда қанча самимий дўстим борлигини билиб оламан.

Ҳорун Рашид Баҳдулдан «Энг яқин дўстинг ким?» – деб сўрадилар.

– Қорнимни тўйдирган киши, – деб жавоб берди Баҳдул.

– Қорнингни тўйдирсам, мени ҳам дўст деб биласанми? – деб сўрадилар Ҳорун Рашид.

– Дўстлик ҳам насия бўладими? – деди Баҳдул.

«Бу одамни танитайман», деган «дўст» ва унинг ҳаракатини оқлаган улфат бу ҳикматларни ва энди баён қилинажак масални билса, мағзини чақса, эҳтимол, бошқача хулосага келармиди? Сиз ҳам танишинг:

*Туя билан тулки ҳар ишда ҳамдам ва ҳамдард бўлишга аҳду паймон қилишибди. Бир куни тулки ов қилиб юриб, шерга дуч келибди. Шер унга ташланмоқчи бўлганида тулки унга ёлборибди:*

*– Эй ҳайвонлар султони! Менга шафқат қилинг, бунинг эвазига шу яқин ўртада ўтлаб юрган азиз дўстим туяни кўрсатай. У серғўшт, мен эсам қоқсуякман.*

*Тулки туяни кўрсатибди. Аммо шер аввал унинг ўзини бурда-лаб, сўнг туяга ташланибди.*

*Қиссадан ҳисса шуки: дўст танлашда шошилмаслик керак. Аввало уни синаб, сўнг эътиمود этмоқ даркор. Киши дўстлик иplarини бевафолик, гаддорлик болтаси билан узмасинки, ўз бошига ҳам хийлагар тулкининг кунни тушгай. «Кимки дўстликни хор айлабди, уни қисмат жазолагай» – дейишлари бежиз эмас.*

Дўндамас ва Амазак деган йигитларнинг дўстлиги ҳақида қадим афсона бор. Бу афсонани Александр Македонский тарихчилари юрти-мизда бўлганларида ёзиб олганлар ва бу тарих китоби юнонлар диёри кутубхонасида сақланади. Иккинчи асрда яшаган Лукианнинг «Дўст-лик» деб номланмиш асарида бу садоқатли дўстлик баёни берилган. Биз ҳам танишайлик, зарар қилмас: Дўндамас ва Амазак қиёматли дўст бўлишга аҳд қиладилар. Қабила одатига кўра, бир-бирларининг қонларини ялайдилар ва бу билан аҳдларини қатъийлаштирадилар. Улар шундай дўст эдиларким, гўё икки танда бир жон ва бир кўкрак-да икки юрак каби... Аҳднинг тўртинчи кун уларга душман ҳужум қилади. Қабиланинг маълум бир қисми Сирдарёни (у пайтларда дарё Танаис деб аталган) кечиб ўтиб, жон сақлайдилар. Дўндамас ҳам дарёдан сузиб ўтади. Дўсти Амазак эса қоча олмай, душман

қўлида қолади. У алам билан фарёд уриб, дўсти Дўндамасни ёрдамга чақиради. Дўстининг ноласини эшитган Дўндамас ўйлаб ҳам ўтирмай ўзини дарёга ташлаб, у қирғоққа сузиб ўтади. Душман уни найзага рўпара қилиб ўлдирмоқчи бўлганида «Олтин!» деб ҳайқиради. Бу сўз ўзига тегишли асирни пул ҳисобига қутқариб олишни англатгани учун уни ўлдирмай, лашкарбошига рўпара қиладилар. Дўндамас дўстини озод этишни сўрайди. Лашкарбоши эса бунинг эвазига кўп олтин талаб қилади. Шунда Дўндамас:

– Бойлигимизни талаб адо қилдинг. Энди менинг ҳеч вақом йўқ. Дўстимнинг ўрнига мени асир эт, истагингни бажарай, – деди.

– Нега бойлигим йўқ, дейсан? Сен бебаҳо бойлик эгасисан-ку? – деди лашкарбоши унга синовчан тикилиб. – Сенинг шу икки кўзинг – энг бебаҳо бойлигинг, шуни билмайсанми? Сен шу икки кўзингни дўстинг учун бера оласанми? Биз кўзларингни ўйиб олайлик-да, сен дўстингни олиб истаган томонингга жўна!

Дўндамас бу шартга кўнди. Кўзларини ўйиб олишаётганда дўстини қутқаришга эришгани учун Парвардигорига шукр қилди. Сўнг икки кўзи ўйиб олинган ҳолида дўстига суяниб, қабиласига бориб қўшилди. Амазак дўстининг бу ҳолига чидамади. У ҳам ўзининг кўзларини ўйиб ташлади. Шундай қилиб, икки дўст бир-бирига суяниб, дўст садоқати ҳақида дostonлар айтиб, ер юзи бўйлаб юрдилар... Асрлар ўтди, урушлар ўтди, қирғинлар ўтди... Аммо бу воқеа унутилмади. Афсус шуки, буни кам одам билади. Фарзандлар тарбиясида бу ибрат четлаб ўтилиши янада афсуслидир.

Эҳтимол, айримларга баён қилаётганимиз афсоналар ёки ривоятлар ибрати таъсир этмас. Унда бутунги воқеа билан танишинг:

Ҳаж зиёрати охирлай деб қолган, ҳамма ерларда ҳожиларни кутиб олиш тадориги бошланган дамда, Қурбон ҳайити арафасида бир уйга ўт тушди. Ёнғин қўшниникига ҳам ўтди. Бу хонадон эгалари айни дамда Ҳаж ибодатида эдилар. Энди тасаввур қилинг: кексайиб қолган эр-хотин улуг ибодатдан қайтсалар-у, куйиб ётган уйларини кўрсалар! Хонадон соҳибларининг фарзандларига Аллоҳ садоқатли дўстларни берган экан. Дўстлар бу уйни бир неча кун ичида тиклаш аҳдини қилдилар. Ҳар ким имкониятидан зиёдароқ ҳисса қўшишга ҳаракат қилди. Гап бу ерда фақат маблағ тўплашда эмас. Дўстларнинг барчалари ёнғин соатидан бошлаб, то уй қайта қурилиб, ҳожи ота ва ҳожи она кутиб олингунига қадар шу ерда бўлдилар. Иш кун чиқардан то қоронғи кечгача давом этди. Дўстлар усталар ва мардикорлар сафида хизмат қилдилар. «Битта кулчани иккига бўлиб, ярмини оч одамга берганни «сахий» деб, ўзи емай, ҳаммасини муҳтож одамга берганни «сахий дўст» деб бил», деганларидек, маҳалла аҳли шу кунлар ичи сахий ва беғараз дўстликнинг яхши намунасини кўрдилар. «Яхши либос – танга оройиш, яхши ўртоқ – жонга осойиш», деб бежиз айтмаганлар. Яна ҳазрати Алишер Навоий ёзадиларким:

*«Ҳар ким биров билан дўст-ёр бўлса, дўст-ёрлик даъвосини қилса, ўзига раво кўрмаганни унга ҳам раво кўрмаслиги керак.*

Баъзи нарсаларни ўзига раво кўрса ҳамки, ёрига раво кўрмаслиги лозим. Кўп машаққатлардан киши руҳига алам етади. Жисму жони бунга тоқат қилади. Аммо бундай машаққат дўсти бошига тушишини хаёлига ҳам келтира олмайди. Мабодо хаёлига келтиргудек бўлса, даҳшатдан ҳаёти сўнади.

*Ёр улдурки, ҳар неким ўзига  
Истамас, ёрига ҳам истамагай.  
Ўзи истарки, ёр учун ўлгай,  
Ани мундоқ шарик айламагай».*

(Дейилмоқчиким: ўзи дўсти-ёри учун ўлмоққа тайёр, аммо бу ишга дўстини шерик қилмайди.)

Сўфий Оллоҳёр ҳазратларининг таъбири билан айтилса, сен биров билан дўст тутинсанг, уни сут устидаги қаймоқдек кўргин. Уни азиз жонингча, балки ундан ҳам ортиқроқ кўргин:

*Тут ул дўстингни сут устинда қаймоқ,  
Азиз жонингча кўргил, балки беҳроқ.*

Ҳаётда энг қадрдон дўст орасида ҳам келишмовчилик, тушунмовчилик ва бунинг оқибати ўлароқ аразлаш ҳам учраб туради. Банда хато ва камчиликлардан холи эмас. Аммо йўл қўйилган хато икки дўстни бир-биридан ажратиб юбормаслиги керак. Ҳақиқий дўст биродарининг айбини дарров кечира олиши шарт. Бир оғиз хато гап учун ёки ноўрин ҳаракат учун ажралиб кетадиган дўстнинг дўстлиги ҳақиқий эмас. Баъзан жума намозларида ҳам кузатамиз: намозни ёнма-ён ўқийдилар, намоздан сўнг эса бир-бирларига тескари қараб кетдилар. Аллоҳ буюрган бир ибодат бажарилади. Иккинчиси эса унутилади. Бир ибодат бажарилганини атрофдагилар кўриб туришади, иккинчиси бажарилмаётганини кўпчилик билмайди. Аразлашиб юрган одамлар унутмасинларки, бир-бирлари билан оға-инидек бўлиш Аллоҳ томонидан фарз қилинган. Бир-бирларига тескари қарадиларми, бас, фарз тарк этилди. Расулulloҳ (с.а.в.): «Ҳеч бир киши ўз биродаридан уч кечадан ортиқ аразлаб юрмоғи **ҳалол эмас**. Иккаласи тўқнашиб, бири у ёққа, иккинчиси бу ёққа юз ўгириб кетмасин. Уларнинг яхшироғи аввал салом берганидир», деб марҳамат қилганлар. Яна деганларки: «Улардан қайси бири аввал яхшилик, меҳр-шафқат қилиш томонига ўтса, гуноҳига каффорот бўлади. Улар шундай гаплашмай юрган ҳолича дунёдан ўтсалар, иккаласи ҳам жаннатга кирмайди. Агар улардан қайси бири салом берса, иккинчиси жавоб қайтармаса (алик олмаса), салом берганига фаришта ва жавоб қайтармаганига эса шайтон жавоб қайтаради».

Мазкур шарафли ҳадисда аразчиларнинг жаннатга кирмаслиги ҳақидаги таъкидни унутмаслигимиз керак. Биродарларнинг уч кундан ошиқ аразлаб юришлари мумкин эмаслиги ҳақида яна



бошқа ҳадисларда ҳам қайта-қайта таъкид этилади. Ҳатто Абу Харрош Суламийдан ривоят қилинган ҳадисда ўз биродари билан бир йилгача аразлашиб юрса, гўё унинг қонини тўккан бўлади.

Бир маҳаллада икки дўст яшардилар. Икковларининг ёшлари етмишдан ошган. Агар йигирма яшар дўстлар аразлашса, тушуниш мумкин: уларнинг ҳаёт тажрибалари кам, қизиққонлар. Бугун бир дўст йўқотсалар, эртасига бошқасини топишлари мумкин. Аммо етмиш ёшда дўстни йўқотиш?! Аразлаш учун биттагина ҳазил кифоя қилган. Атрофдагилар уларни яраштириш учун кўп ҳаракат қилишди. Сўфи Оллоҳёр ёзадиларким:

*Худонинг буйруғидан тойса ногоҳ,  
Биродарлик ўшалдир қилсанг огоҳ...*

Демоқчиларким, дўстинг бехосдан Аллоҳнинг буюрганидан қайтиб, йўлдан чиқса, уни бу бузуқ ишдан огоҳлантириб, тўғри йўлга қайтаргин. Ҳақиқий биродарлик ана шундай бўлади, деган ҳикматга амал қилиб, улардан бири уйида махсус зиёфат уюштирди. Масжид имомини ҳам таклиф қилди. Имом бу икки аразчи қариянинг аҳволидан беҳабар, қавмнинг илтимоси билан икки мусулмоннинг аразлашуви дуруст эмаслиги ҳақида маъруза қилди. Зиёфат яқун топгач, аразчи қариялардан бири соҳиби эҳсонга: «Сен менга ақл ўргатиш учун чақирдингми?» – деб дағдаға қила кетди. Хуллас, улар ярашишмади. Кимки аччиқ бўлса ҳам, ўз дўстлари насихатига қулоқ солмас экан, ишнинг оқибати пушаймонлик бўлади. Бу – табиб буюрган дориларни ишлатмай, парҳез қилмай, ўзининг кўнгли тилаган таомларни еган, истаган ичимликларини ичган беморнинг ҳар дақиқа дарди оғирлашиб кетгани кабидир. Орадан шу зайлда икки-уч йил ўтиб, олдинма кейин вафот этишди. Биринчи дўст вафот этганида ярашишни хоҳламаган киши жанозага келди. Шунда биродарлар дедиларки: «Бари бир келар экансиз, аввалроқ келиб рози-ризалик тилаб қолсангиз бўлмасмиди?» У киши эса шунда ҳам паст келмай: «У «менинг ўғлим сеникидан бойроқ» деб керилган, шунисини кечира олмадим», – деб изоҳ берди. Унинг бу изоҳи тўпланганларга шу даражада бемаъни туюлдики, айримлар ундан юзларини ўгирдилар ҳам. Аразлашишга сабаб бўлган баҳона биродарларига ҳам эриш туюлган бўлса, уларнинг қиёматдаги аҳволлари қандай бўларкин?

Бу қария болалигида яхши тарбия олганида, аввало, дўстидан аразламаган бўларди. Шайтон васваса қилиб, аразлаган тақдирда ҳам, дўстининг вафотидан сўнг ғафлатдан уйғонарди. Агар диёнат комиллиги йўлида ҳаракат қилиб яшаганда, виждони уйғониб, унга: «Эй адашган банда, Аллоҳнинг марҳамати билан топган дўстингни йўқотиб қўйдинг-а! Энди уни қиёматда қайда ва қай ҳолда топгайсан?» деб хитоб қилган бўларди. Ўзининг хатосини англаб етгач, тавба-тазаррудан сўнг фарзанду набираларини бу гуноҳдан асраш учун уларга шундай насихат қиларди: «Дўстини

йўқотган ҳар бир одам кўпроқ айбни унга юклайди. Сен ундай қилма, кўпроқ айбни ўзингдан қидир. Сўнгги нафасинг чиққунига қадар дўстлигингни қайта тирилтиришга улгуриб қол! Бир оғиз ноҳуш гап учун аразлаб юриш эвазига дўзах отабини сотиб олиш наҳот сен учун лаззатлироқ бўлса?! Олий ҳимматли, мард одам бир лаҳзада дўст орттиради, пасткаш эса неча йиллик ошналагини бир лаҳзада барбод қилади. Сен пасткашлардан бўлма. Фаровонликни истасанг, бахтли онларингда ҳам дўст-ёр орттириб ол. Биласанки, денгиз тўлиб-тошса ҳам, дарё сувига муҳтождир. Дўстлар қанча кўп бўлса, кишига бало шунча кам ёпишади...»

Донодан сўрабдилар: «Дўстларингдан қай бири барчадан кўра сенга кўпроқ ёқади? Қайси бирини чин биродарлик даражасига етган, деб ўйлайсан? Қайси бирига сенинг муҳаббатинг кучлироқ?» Донишманд жавоб бердиким: «Айб қилсам – яширадиган ва узр сўрасам – кечирадигани менга ёқиб тушади...»

Баён қилганим икки қария узоқ йиллар ўзларини бир-бирларига дўст деб билганлар, аммо қалбларида дўст меҳри йўқ эканидан беҳабар яшаганлар. Ҳатто муборак ҳаж ибодатига борганларида ҳам Аллоҳ уларнинг қалбларига дўст муҳаббатини солмаган экан, на илож? Дўстнинг васли кўрар кўзларга роҳат беради. Уларнинг кўзлари бу роҳатдан бенасиб экан. «Емайсан, аммо тўясан, бу дўст меҳридир». Улар дўст меҳрига оч яшадиларми? Ҳар ким айбсиз дўст қидираверса, дўсти камайиб бораверади, дўстларини ранжитаверса, душманлари кўпаяверади. Бу қариялар умрлари давомида қанча дўст йўқотиб, қанча топдилар экан? Ҳар бир гулнинг тикани бўлгани каби, ҳар бир дўстнинг ҳам нуқсони бўлиши табиий. Ўз дўстларининг хатоларини кечирмасликнинг, уларга етказган зарарни унутмасликнинг одам учун нима фойдаси бор? У қандай инсонки, ўз дўстининг тавба ва узрини қабул этмасин ва уни севинч билан қарши олмасин?! Олижаноб ва мард одам оғир кунларда ҳам ўз дўстини ташлаб кетмайди. Ҳар қандай шубҳа ва гумонга асосланиб, ўртоқлик алоқаларини узмайди, бориш-келиш, салом-аликни қанда қилмайди.

Араб фозилларидан Асмаий ёзадилар: «Бир кишини зиёрат қилиб кирдим. У зот кичик бўйра устида ўтирар эдилар. Сурилиб, ёнларидан жой кўрсатдилар. Мен бу илтифот учун раҳмат айтиб дедимки: «Бўйрангиз тор, мен ҳам ўтирсам, сиз роҳатсизланасиз». У зот дедиларким: «Бир-бирига гапи тўғри келмаган икки кишига бутун жаҳон ҳам танглик қилади. Аммо дўстлар учун бир қарич ер ҳам бемалол етади». Аразлаган ҳолларида бу дунёни тарк этган икки қарияга жаҳон торлик қилдимикан?.. Ўзлари ҳовли-жой, озми-кўпми бойликларини фарзандларига қолдириб, дунёни ташлаб кетдилар. Маънавий мерослари қандай бўлди экан?

Дўстларни бир-бирларига яқинлаштирадиган нарса, албатта, зиёратдир. Юрилмаган йўллар устини тикан ва буталар қоплагани сингари зиёратдан ҳоли дўстлик йўллари ҳам беркилиб қолади. Биров сизга «Дўстимни бир-икки ойдан бери кўрганим йўқ», – деса

биллингки, у муҳаббатли чин дўст эмас экан. Шарафли ҳадисда марҳамат қилинади: «Бир киши дўстини зиёрат қилса, Аллоҳ таоло унга: «Ҳаётинг яхши ўтсин! Яхши иш қилдинг ва жаннатдан ўзинг учун жой ҳозирладинг», – дейди». Бу соҳада ҳам биз баъзан меъёрни орттириб юборамиз ёки меъёрга етказмаймиз. Расулуллоҳ «Дўстингни унга малол келадиган даражада эъзоз-икром қилма», деб таъкидлаганлар. «Гулистон»да шундай баён этилади:

«Абу Ҳурайра (р.а.) Пайғамбаримизнинг (с.а.в.) хизматлариға келур эрди. Ул ҳазрат дедилар: «Эй Абу Ҳурайра, ҳар кун келмагил, то ўртада муҳаббат зиёда бўлғай ва соҳиби диллар дебдурларким, агарчи офтобнинг мунча ҳусн ва ҳўблиғи бордир, аммо ҳеч киши ани дўст тутмоғусидур, онинг учунким, ҳар кунда кўрунодур ва лекин қишдаким аксари вақт маҳжубдур, бу жиҳатдин ҳаммага маҳбубдур». Байт:

*Дўстни кўрмакка бормоқ айб эмас,  
Лек безор ўлғудек кўб бормогил.  
Қил муҳаббатни фузун кам-кам бориб,  
Беҳуда ортуқсан, ранжи ахтармагил.*

Одамлар бир-бирларига муҳтождирлар. Ўзаро муносабат пайдо қилмасалар, ишлари нотамом қолади. Одамларга аралашмасдан ёлғизликни севиш, жамиятдан қочиб юриш ақлга мувофиқ иш эмас. Шунинг учун ҳам янги бир одам билан дўст бўлган мусулмоннинг даражасини Аллоҳ жаннатда бир даража юқори кўтаражаги ҳадисларда таъкид этилган. Ёлғизликни севиш ножоиз дейилади. Аммо ҳаётда яна бир ҳақиқат бор – нодон дўстдан кўра ёлғизлик яхшироқ. Нодон одам дўст бўла туриб, шундайин кунларни бошингга соладики, кейин душманларинг чангалидан мутлақо қутулиб чиқа олмайсан. Биз дўстни нодон деймиз, ҳолбуки, сўраб-суриштирамай ҳар қандай одам билан дўстлашиб, унга кўнглидаги борини очиб ташлайдиган одамнинг ўзи нодон эмасми? Низомий ҳазратлари ёзганлар:

*Жоннинг душмани ҳам гар бўлса доно,  
Ақлсиз дўстдан у юз карра аъло.*

Тилимизда «сирдош дўст» деган атама бор. Ҳар кишининг юрагини қон қилувчи сирни бўлганидек, бу сирни ошкор қилишга арзигулик дўсти ҳам бўлади. Дўст-ку, сирингизни эшитар, ошкор қилмасликка ваъда ҳам берар, аммо ваъдасига вафо қилишидан кўра хиёнат қилиши аниқроқдир. Дўстларни бир-биридан айириб юборадиган сабаб ҳам айнан шундадир. Дўстига сир айтиб, сўнг пушаймон бўлганларнинг сон-саноғи йўқ. Ҳолбуки, жаноби Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир одамни жуда яқин олмагинки, у вақти келиб душман бўлиб қолиши мумкин», деб огоҳдантирганлар. Яқин деб билинган дўст душманга айланмаса ҳам айтилган сирга хиё-

нат қилиши кутилажак ҳолдир. Бир шогирд донишманд устозидан сўраган экан:

– Менинг жуда муҳим сирим бор. Шу сиримни дилимда сақлайвериб, юрагим қон бўлиб кетди. Ишончли дўстимга сиримни айтиб, юрагимни бўшатиб олмоқчиман.

Бу гапни эшитиб устоз деди:

– Сенинг сиринг фақат ўзинггагина керак, бошқа одамга сира ҳам керакмас. Модомики, ўз сирингни ўзинг сақлай олмасанг, бошқа киши ўзига мутлақо кераги бўлмаган бу сирни қандай сақлай олади? Агар у сирингни ошкор қилса, бунга таажжуб этишининг ҳожати бўлмайди.

Табиатда ҳамма нарса ўз хили билан юради. Оққуш қорақушга қўшилмайди. Одамлар гарчи бир хилга ўхшасалар-да, бирининг қалби оққуш, иккинчисиники қорақуш кабидир. Ҳаттоки учар қушлар ҳам ўз шерикларини ажратишни уддасидан чиқар экан, инсоннинг бунга амал қилмоғи мутлақо шартдир. Шу боис шоир дейдики:

*Бўлмагил ҳар кимга жонинг бирла, йўлдош ўзгадир,  
Айтмагил ҳар кимсага сирингни, сирдош ўзгадир.*

Яхши ўртоқни бошқалар орасидан ажрата олиш ҳам ақлга боғлиқ. Ақлли одамлар учун дўстликдан азизроқ ҳеч нарса йўқдир. Дўстлик беғараз бўлмоғи шартлиги баробарида дўстлик тилсимларининг калити сирни сақлай билишдадир. Учунчи одам билмаган сир ёйилмайди. Чунки учунчи одам эшитган сир албатта офиздан офизга ўтади ва бунинг олдини олиш мумкин эмас. «Беҳаё дўстликка ярамас, нопок сирдошликка», деган мақол бор. Тўғри, барчани нопокликда айблаш ёки гумон қилиш ақлдан эмас. Аммо орада шайтон борлигини ҳам унутмай, дўстимизни асраш учун унга сиримизни айтмай қўя қолганимиз минг марта афзал.

Айрим биродарларимиз «ҳеч кимга айтманг, фақат сизга айтяпман буни» деб сирларини бир неча кишига маълум қилиб қўядилар. Тўрт кишидан учтаси ваъдага вафо қилиб, сирни сир тутиб юраверади. Аммо биттаси «гуллаб» қўяди. Оқибатда сир айтган одам тўрттала дўстидан гумонсираб ёки ранжиб юраверади. Баъзан эса шу баҳона бўлиб, дўстлик ипларини узиб юборади.

Кичкинагина, тажрибасиз сичқон боласи ҳеч қўрқмасдан ҳар жойларга кириб-чиқаверарди. Бир куни у хўроз билан мушукка дуч келди. Хўрознинг қичқириғидан қўрқиб кетган сичқонча югурганича уясига қочиб кирди-ю, онасига деди:

– Онажон, бугун икки ҳайвонни кўрдим. Бириси шундай ақлли, ёқимли ҳайвон эканки, уни қучоқлаб олгим келди. Иккинчиси катта қанотли, ёқимсиз шовқин соладиган гердайган ҳайвон экан. Хушфеъл, ипақдай майин жунли, ҳатто бизникидай думи бор ҳайвон билан дўстлашмоқчиман.

Она боласининг гапини эшитиб дакки берди:

– Болагинам, ўша гўзал, хушфеъл кўринган ҳайвондан кўр-қишинг керак. Қичқирган хўроз бизга егулик ҳозирлайди. У бизга зиён етказмайди. Сенга майин кўринган ҳайвон эса ўта маккордир. Мушукнинг ичи билан сирти бир хил эмас.

Бу баёнда кишилар учун зарур ибрат бор. Кўпгина содда одамлар сезмаганликлари туфайли душманларини дўст деб эъзозлайдилар. Уларнинг ташқи кўриниши – зоҳирига қараб ақлли ва одобли, тоза қалбли деб ҳисоблайдилар. Бир шоир дўст бўлиб кўринувчи душман кимсалар тўғрисида шундай ёзган экан:

*На гулдир ва на лола  
Оловдир, тегма, ёнарсан!*

Ҳаётда ҳам ташқи кўриниши худди гул, лола каби гўзал сувратли кишилар кўп. Аммо уларнинг ичлари ёмонлик оловига тўладир.

Хўрозларга ўхшаган бақироқ кишилар ҳам бордир. Аммо улардан жамиятга маккор, буқаламун кимсалар каби зиён етмайди. Айёрлик маккор кимсаларнинг яширин қуролидир. Дўст танлашда киши ўз ҳаётини таҳликага қўймаслиги керак.

Дўстлик масаласида айрим фикрлар мавжудким, баҳслашишга ҳам тўғри келади. Масалан, сиз бу фикрга қандай қарайсиз:

*Тўғри ва соф одамлар дарров дўст бўлиб оладилар ва бу дўстлик узоққа чўзилади. Фитначи одамлар дарров дўстлаша олмайдилар, муносабатлари тез ва осон бузилади. Яхши ва олижаноб одамлар бир соатли кўришиши ва бир кунли танишиши муддатида одамнинг кўнглини овлайдилар. Аммо кўндан бери танишиши ва дўст бўлиши орзусида юрган ичи қора одамлардан марҳамат ва лутф кўзлаб бўлмайди. Улар қўрқув ва гараз туфайли дўст бўлишни истайдилар.*

Албатта, бу ҳикматни рад этмаймиз. Аммо ҳаётда бунинг аксига кўпроқ дуч келамизким, каминанинг эътирози ҳам айнан шунда. Тўғри ва соф одамлар, олимлар **агар дўстлашсалар** уларнинг биродарликлари арзимаган нарсага бузилмайди. Тўғри ва соф одамларни, олимларни биз «зукко, доно» каби сифатлар билан улуғлаймиз. Демак, улар яхшини ёмондан тез ажрата олиш қобилиятига эгалар. Бироқ янги танишларини яхши одам эканини билиб турсалар ҳам, у билан дўстлашишга шошилмайдилар. Нега? Эҳтиёткорликни бу қадар ошириб юборишлари ўринлими? Ёки атрофларидаги фитначиларнинг сўзларига қулоқ тутадиларми? Ахир фитначилар билан дўст бўлган кимса энг яхши одамлар ҳақида ҳам ёмон фикрда бўлади, вақт ўтганидан сўнг эса кўзлари мошдай очилади-ю аммо пушаймон ейишдан ўзга чораси қолмайди. Ариқ ва сой суви денгизга қуйилгунга қадар ширин бўлади. Қардошлик ва дўстлик муҳаббати разил одамлар орага тушгунга қадар мустаҳкам бўлади. Афсусли ери шундаки, разиллар айнан яхшилар орасига тушади. Яхшилар бир-бирларини англаб етгунларича разиллар бирлашиб оладилар. Ҳаётда ку-

затамизки, яхшилик мақсадидаги дўстликка мустаҳкам пойдевор қўйилгунига қадар разиллар ўз биродарликлари саройини қуриб бўладилар. Тўғри, уларнинг бу саройлари мустаҳкам эмас, тез орада бузилиб кетади. Бироқ бузилгунига қадар яхши дўстлик иморати пойдеворини ҳам яксон қилишга улгуради. Кўрамизки, айрим иқтидорли олимлар, баъзи қобилиятли шоирлар бир-бирлари билан тез дўстлаша олмайдилар. «Гадонинг душмани гадо бўладир», дейилганидек, бу доноларнинг ўзаро дўстлашувларига эҳтимол вужудларига эгалик қилаётган ҳасад ўти йўл қўймас? Разил ва хоин одамлар улардаги айнан шу хасталикдан фойдаланишар? Разил ва хоин одамларнинг дўстлиги илонни тарбия қилишдек бир нарса. Илон эгаси уни қанчалик яхши парвариш этса ҳам, пайт келганда бир кун ўз эгасининг ёруғ кунини қоронғи кечага айлантиради, ўз вафосизлигини намоён этади. Саҳар шабадаси ҳам дўстликка ўхшайди. Агар у гулзор томондан эсса, хушбўй бўлади. Нажосат бор ердан эсса, бадбўй бўлади. Тарихда бунга мисоллар кўп. Ўтган асрда Сталин замонидаги репрессияларда жон берганлар, азоб чекканлар дўстлик либосидаги айнан шундай разилликнинг қурбони бўлган эдилар. Донолар бир-бирларини ҳимоя қила олмадилар, демак, улар чин дўстлик мақомига ета олмаган эканлар. Алдамчи дўстликнинг фожиаси шунда. Бир масал борким, уни унутмасак, фойдадан ҳоли бўлмас:

Бир мамлакатдаги ўрмонзорда каламуш билан мушук яшар эди. Овчи келиб, дарахт остига қопқон қўйиб кетган эди, нодон мушук илиниб қолди. Каламуш бу ҳолни кўриб қувонди. Аммо кўзи ўзига ташланишга тайёр турган лайчага тушди-ю, юраги орқасига тортиб кетди. Тепага қарасаки, бойқуш ҳам уни мўлжаллаб турибди. Нима қилсин? Олдинга юрса мушукка йўлиқади, орқага қайтса, латча парчалаб ташлайди, индамай қотиб турса, бойқушга ем бўлади. Каламуш ўзига ўзи дебди: «Бало денгизи тугёнга келиб, фалокат тўфони ҳужумга тайёр турибди. Шунга қарамай, мен нумид бўлмаслигим, ўз ҳаётимни қутқаришим керак. Бу ҳолда менга ақлдан яхши мададкор йўқдир. Ақлли ҳеч қачон саросимага тушмаслиги, қалбини даҳшат ва ташвиш чулғаб олмаслиги керак. Энди мен учун ягона нажот йўли бало занжирида талпиниб ётган ва менинг ёрдамимга муҳтож бўлган мушук билан келишиб, дўстлашмоқликдир. Балки у ўз вазиятини назарда тутиб, менинг сўзларимга қулоқ осар ва душманликдан воз кечиб, халос бўлиш учун маслаҳатларимни қабул этар. Шундай қилиб, ҳар иккаламиз балодан омон қоламиз». Шу қарорга келган каламуш мушукдан: «Ҳол-аҳволинг қалай?» – деб сўради.

– Бундай бало домига тушиб, азият чекканларнинг аҳволи қандай бўлар эди? – деди мушук зорланиб.

– Шу вақтга қадар сен ғамнок бўлсанг, мен қувонар эдим. Ҳозир иккимизнинг бошимиз хатарда қолди. Мен бу балодан қутулиш учун сендан нажот кутаман ва шу сабабли сен билан дўстлашмоқчиман. Агар менга тегмасанг, ёнингга бориб, бандларингни кесиб, сени

ҳам озод қиламан. Сўзларимга ишон, хайрихоҳ эканимга шубҳа қилма. Ҳеч кимга ишонмайдиган ва ҳикмат эгаларининг сўзларига қулоқ солмайдиган киши бахтли ҳаёт кечиролмайди. Ақл эгалари ишни пайсалга солиб, фурсатни қўлдан бермайдилар. Кема дарғанинг саъй-ҳаракати билан соҳилга етиб боргани каби халос топишимиз икковимизнинг ҳаракатимизга боғлиқ бўлиб турибди.

– Сенинг бу гапларинг ақлга мувофиқ, – деди мушук қувониб. – Таклифингни бажони дил қабул этаман ва ўлгунимча сендан миннатдор бўламан. Дебдурларки, душман сен билан сулҳ тузишни истаса, унинг узатган қўлини қайтарма.

– Мен ҳозир сен томон юраман. Олдинга борганимда мени меҳрибон дўст каби кутиб ол, душманлар иноқлашганимизни кўриб, жўнаб қолсинлар. Шундан кейин мен тузоқ ипларини қирқишга киришаман.

Мушук бу маслаҳатни ҳам қабул қилгач, каламуш ишга киришди. Лекин мушукнинг назарида у имиллаётгандай кўринди.

– Мен сенинг аҳдинга ишонган эдим, – деди тоқати тоқ бўлган мушук. – Душманларинг кўздан йўқолиб, хатардан қутулганингдан кейин сўзингдан қайтмоқчимисан?

– Мен берган сўзимнинг устидан чиқаман, лекин ўз жонимни сақлашни ундан афзалроқ деб биламан. Мен душманларим ҳужумидан сенинг ёрдаминг туфайли омон қолиш мақсадида дўстлашишга мажбур бўлдим. Аммо сенинг у душманларимдан ҳам хавфлироқ эканингни унутганим йўқ. Мен таҳликани даф этиб, хатарли ишларнинг олдини олиш учун сен билан муроса қиляпман. Бу вақт ва замон тақозоси билан қилинган бир тадбирдир. Ҳар ишнинг ўз ери, ҳар соатнинг ўз ҳукми бордир. Вақтни ўтказиб, мавқеини қўлдан бермоқлик калтабинликдир. Мен тўрнинг ипларини қирқаман, хотиржам бўл. Аммо битта асосий бандни жонимнинг гарови сифатида сақлаб тураман. Уни сен ўзинг билан овора бўлиб, менга ҳужум қилишдан кўра муҳимроқ ташвиш билан машғул бўлиб, ўз жонинг ғамини еб қолганингдагина кесаман. Ана шунда сен банддан озод бўласан, мен ҳам сендан қутуламан.

Каламуш айтганини қилди. Бир оздан кейин узоқда овчининг қораси кўринди.

– Энди охирги бандни кесмоқ, ваъда устидан чиқмоқ вақти етди, – деди каламуш.

Мушукнинг кўзи овчига тушиши биланоқ ўлим ваҳмида қолди. Каламушни ҳам унутди. Шунда каламуш охирги бандни қирқди. Мушук жонҳолатда сапчиб, дарахт устига чиқиб кетди. Каламуш эса инига кириб кетди. Эртаси куни инидан мўралаб мушукни кўриб қолди.

– Эй дўстим, нега менадан хавфсирайсан? – деди мушук. – Қўлга киритилган энг яхши ноёб нарсани – дўстлигимизни сақлаб қолиш керак. Яқинроқ кел, мен яхшилигингни қайтарай, мурувват қилиб, мардлигим ва сахийлигимни кўрсатай.

Мушук садоқатдан қанча гапирса ҳам, каламуш инидан чиқмай деди:

– Зоти душман бўлиб, дўстликдан лоф урганларга, дилида ганим, тилида дўст бўлганларга ишониш мумкин эмас.

Бу каби масалларни ўқиб ёки эшитиб ҳайрон қоласан киши. Ҳайвонларнинг ақли етган нарсаларга онгли жонзот ҳисобланмиш одамларнинг ақли калталиқ қилиб қолади. «Сен ўзингга дўст ахтар, душман ўчоқ бошидадир», деган ҳикматга кўпинча аҳамият берилмайди. Ўша – ўчоқ бошидаги манфаат дўстлиги кўзни шамғалат қилиб қўяди. Тўшаги тикандан, ёстиғи илондан бўлган одамнинг уйқуси ширин бўла олмайди. Инсон идрокининг расолиги, ақли комиллигининг аломати шуки, дўстларидан бири душманлик қилса ё ғурурланиб кетса, бунга қарши дарҳол чора кўради. Масалан, аввал юмшоқ сўз билан, сўнг эса кескир сўзлар билан кўнгли яраланади. Бу ҳам таъсир этмаса, қўл билан урилади. Бу ишлар ёмонлик эмас, эзгулик саналади. Шунда ҳам тўғри йўлга келмаса, у билан дўстлик ипи узилади. Чунки у фосиқдир. Фосиқ билан бўлиш эса яхши амалларни бузади. Лекин у биродарига Аллоҳдан ҳидоят тилаб, яхши дуолар қилаверади. Худди Робиъа (раҳматуллоҳи алайҳо) каби. Робиъа доим муножотда дер эканларким: «Илоҳи! Дунёда менга неки берар бўлсанг, душманларга ҳам бер! Охиратда менга не берар бўлсанг, дўстларга ҳам бергил!» Бу дуода чуқур маъно ва ҳикмат бордир. Яъни бу дунёда менга берилган ҳидоятни, ишқни, иймонни... душманларимга ҳам бергилким, улар залолатдан чекинсинлар. Охиратда эса менга жаннатни раво қилсанг, дўстларимга ҳам бергин бу неъматни, дейилмоқчи.

Истиқдол шарофати туфайли Сталин замонидаги яширин ҳужжатлар билан танишиш имкони туғилди. Фожиа шунда эканки, ўша йиллари қамалган ва отиб ташланганларга ўз дўстлари «халис хизмат» қилиб берганлар. Абдулла Қодирийни олайлик. Сталин ўзбекда шундай ёзувчи борлигини биларканми? Ёки «Ўткан кунлар» китобини ўқибдими? Усмон Носир қамалганларида Сибирдан туриб Сталинга хат ёзган эканлар, ўзларининг айбсиз эканликларини исбот этмоқчи бўлганлар. Масковдаги идора бу хатни текшириш учун Тошкентга юборган. Тошкентдаги «дўстлар» Усмон Носир ижодида халқ душманига хос мазмун борлигини таъкидлаб, жавоб йўллаганлар. Бу ўринда биз хусумат, ҳасад, ғараз каби иллатлар булоғидан сув ичиб семирган «дўстликка» дуч келяпмиз. Дўстларнинг ҳасади душманларнинг хусуматидан ёмондир, деган ҳикмат шу ўринда ўз исботини топади. Ҳа, душманлардан кўра баъзи дўстлар кишига кўпроқ зарар етказадилар. Чунки душмандан эҳтиёт бўласан, аммо дўстларнинг душманлигидан қутулиш қийин. Дейдиларким: «Чин душманнинг агарчи ҳийласи таъсир этмади, макр этмакдин ожиз бўлса, ҳийла била дўстлик мақомига келур ва ондин сўнг дўстлиғ сурати била андоқ ишларни қилурким, ҳеч бир душман они қила олмас».

Ножинс кишининг зарар етказишини ўйламай, у билан дўстлашиб, суҳбатдош бўлиб юрган одамнинг охири ғам-ҳасратга гирифтор этилажагига тоғам – Мирзакалон Исмоилийнинг қамалишларига



доир ҳужжатлар билан танишиб чиққанимда ишонган эдим. Тоғам бу воқеалар ҳақида гапиришни истамасдилар. Мени ажаблантирган нарса – ёзувчига қарши туҳмат қилганлар унинг энг яқин дўстлари эди. Уруш йиллари елкама-елка турган дўстлар туҳматдан ўзларини тия олмаганлар. Мен у кишиларни танир эдим. Чунки тоғам қамоқдан чиққанларидан кейин ҳам улар билан дўстликларини узмаганлар. Уларнинг туҳматчи эканликларини билганлар, аммо айбларини кечирганлар. Тоғам-ку, дўстликни сақлаб қолиш учун кечиргандирлар. Аммо Аллоҳ кечирганмикин? Донолар дерларким: «Душман сўзи билан дўст паймони синдурдинг. Кўргилким, кимдин жудо бўлуб, ўзунгни кимга еткурдинг?» Туҳмат билан қамалганлар озодликка чиққанларида туҳматчи дўстлари уларнинг кўзларига қандай қарадилар экан, мен шу ҳақда кўп ўйлайман.

Жалолиддин Румий ҳазратлари «Оқил дўсти бор кишининг ойнага муҳтожлиги йўқ», деган эканлар. Биз шуни сал ўзгартириб: «Хоин дўсти бор кишининг душманга муҳтожлиги йўқ», десак қалай бўларкин? Аввалги йили марҳум бир ёзувчининг туғилган куни нишонланди. Сўзга чиққанлар унга дўст бўлганларини қайта-қайта таъкид этиб, у зотни шарафладилар. Аммо бирортаси «Биз у билан дўст эдик, ошхўрлик ёки пивоҳўрлик қилардик, афсуски, қамаладиган пайтда уни ҳимоя қила олмадик», демади. Ҳолбуки, ҳужжатлар далолат беришича, дўстларини ҳимоя қилишга уриниш у ёқда турсин, Ёзувчилар уюшмаси сафидан ўчириш чоғида ёмонлаганлар, «халқ душмани» деган тамғани ўзлари тайёрлаб берганлар. Бу дўстлар ўша даврда қўрқоқлик қилгандирлар ёки бошқа сабаб бўлгандир. У замон учун айблашимиз балки нотўғридир. Энди ноҳақ жабр кўрган дўст вафот этган, туҳматчи, бевафо дўстларнинг умри ҳам куз япроғига ўхшаб бир шохчага илиниб турибди. Шуни фаҳм этиб, тавба қилиб олсалар бўлмасмикин? Уларни тавба қилмаганлари учун айбласак, тўғрироқ бўлар. Бироқ мақсадим уларни айблаш ва ҳукм чиқариш эмас. Бу воқеаларни эслашдан мақсад – ёшларнинг эътиборини тортишдир. Чунки бу каби хоинликлар фақат битта замонга хос эмас ва бутунлай йўқ бўлмайди. Бугунми ё эртагами бошқача кўринишда юз очаверади.

Дўстлар орасидаги муҳаббат занжири қанчалик бақувват бўлмасин, уни уза оладиган куч топилади. Унутмаслик керакки, муҳаббатли, чин дўстларнинг биродарлигини кўролмайди-ган ҳасадгўйлар кўп учрайди. Улар шунчаки ҳасад қилиб юра қолишмайди, дўстлик занжирини узишга обдан уринишади, уза олишса, роҳатланишади. Булар жоҳил инсонлардир. Яна бир масаланинг ўрни келди:

Бир оролда маймунлар салтанати мавжуд эди. Подшоҳи ақли ва доно эди. Бироқ умрининг баҳори ўтиб, қарилик исканжага ола бошлагач, ўрнини пешонасида саодат нури порлаган ёшга бериб, ўзи денгиз қирғоғидаги ўрмонда ёлғиз яшай бошлади. У бир анжир дарахтига чиқиб, меваларидан тановул қилди. Шу онда бир анжир меваси узилиб, сувга шалолаб тушди. Бу овоз маймунга

ёқиб қолиб, дам-бадам анжир узиб сувга ташлайверди. Шу сувда бир тошбақа сузиб юрган эди. У маймун ташлаган анжирларни тутиб, маза қилиб егач: «Маймун буларни атайин мен учун ташла-япти, таниш бўлмагани ҳолда шунчалар меҳрибонлик кўрсатяпти-ки, агар дўстлашиб олсам, муҳаббати бундан-да зиёда бўлар», деб ўйлади-да, қирғоққа чиқиб у билан саломлашди. Шу тарзда дўстлашиб қолдилар. Маймун подшоҳ бўлганини, энди кучдан қолиб, шу ерларда ҳасрат билан яшаётганини сўзлаб берди. Тошбақа унга маҳлиё бўлиб қолдиким, ҳатто уй-жойига, хотини ҳузурига қайтишни ҳам унутди. Тошбақанинг хотини эрининг узоқ муддат хабарсиз кетганидан хавотирланиб, қўшнисига арз қилди. Қўшниси: «Мен эшитдимки, эринг бир маймун билан дўстлашиб, унга мафтун бўлибди, унинг васлини сенинг ҳижронингдан устун тутиб, сенинг фироқинг оловини унинг висоли суви билан ўчириб юрибди. Энди ғам чекишнинг фойдаси йўқ. Бир тадбир кўриш керакким, токи эринг уйга қайтсин ва у дўстни унутсин», деб маслаҳат берди. Улар ўйлай-ўйлай «Маймунни ўлдиришдан бошқа чора йўқ», деган қарорга келишди. Тошбақанинг хотини «оғир хастаман», деб эрига хабар жўнатди. Тошбақа маймунга узр айтиб, уйига келиб қарасаки, хотинининг аҳволи оғир. Тошбақа савол сўраса жавоб бермайди. Шунда қўшниси:

– Беморнинг дарди оғир, маймуннинг юрагини пишириб емаса, ўлиши тайин, – деди.

Тошбақа «Маймуннинг юрагини қаердан топсам экан?» – деган ташвишда ғамга ботди. Қанча ўйламасин, бирон-бир чора топа олмади. Охири дўсти бўлмиш маймун ёдига тушиб, ўзига-ўзи деди:

– Агар орамиздаги дўстлик ва садоқатга қарамай унга хиёнат қилсам, бу номардлик ва инсофсизлик бўлади; агар аҳдга вафо қиламан десам, уйимнинг таянчи, ҳаётимнинг безаги, фарзандларимнинг паноҳи бўлган хотинимдан ажралиб қоламан.

Тошбақа анчагина вақт бу ҳақда ўйлаб изтироб чекди, шубҳа ва тараддуд ичида қолиб, ниҳоят хотинининг ишқи ғалаба қилди. Оқибатда у вафодорликдан воз кечиш қарорига келди. Лекин яхши биларди-ки, маймунни бу ерга келтирмагунича мақсадига эриша олмади. Шу боис у маймуннинг ҳузурига қайтди. Айрилиқ ўтида ёнаётган маймун уни зўр қувонч билан кутиб олиб, оиласининг ҳол-аҳволи, хотинининг сиҳат-саломатлиги билан қизиқди.

– Сенинг фироқинг ўти шундай ёндирдики, уларни кўришдан бирон ҳам лаззат ололмадим, – деди тошбақа. – Ёлғизлигинг эсимга тушганида тинчлигим бузилиб, дунё кўзимга қоронғи бўлиб кетди. Мен сени уйимга олиб кетгани келдим. Марҳамат қилиб, борсанг, фарзандларимни кўриб, хаста хотинимни ташрифинг билан севинтирсанг, қавм-қариндошларим, дўст-ошналарим олдида бошим осмонга етарди. Улар тайёрлаб қўйган овқатларини олдингга қўйиб, меҳмондўстлик бурчларини бажарсалар. Шу билан менга кўрсатган меҳрингга яраша, оз бўлса-да, жавоб қайтара олганимдан қувонардим.

Бу гапларни эшитган маймуннинг қалбига ҳаяжон оралаб деди:

– Сен дўстлик ва аҳд-вафода мени ўзингдан устун қўйма, чунки орамиздаги дўстлик ипини сен бошлаб, мустаҳкамладинг. Энди мен ўз кўнглимнинг хоқониман. Сен билан дўстлашганимдан бери бахт-саодат ичида яшаяпман. Агар бу дўстликнинг роҳатбахш шамоли менинг димоғимга аввал етганда эди, бундай тинч, бахтли яшашнинг шундай ширин эканлигини билсайдим, фойдаси оз, гами эса кўп ҳукмдорликдан алақачонлар воз кечиб юборган бўлардим. Саховат аҳли назарида дўстлик гоят бебаҳо нарсадир. Ҳақиқий дўстларнинг бири машриқда, бошқаси мағрибда бўлса ҳам, бир-бирларини эслаб ва шундан тасалли топиб яшайверадилар. Денгиз сафарига чиққан одам ўзига ҳамроҳ ахтаради, лекин дўстлари бундай сафарга бормасалар, буни душманлик деб ҳисобламаслик керак. Мени меҳмонга таклиф қилипсан, майли борай, аммо сувдан сузиб ўта олмаслигимни биласанми?

– Хотиринг жам бўлсин, сени ўз орқамда кўтариб, манзилимга олиб бораман. Сен у ерда роҳат ва фароғатда яшайсан, – деди тошбақа.

Хуллас, маймун ўз тақдирини дўстига топширди. Тошбақа уни орқасига миндириб, сувда сузиб кетди. Ярим йўлга етганда ўйла-ниб қолди ва ўз-ўзига деди:

– Олимлар «Вафосизлик ва хиёнат, айниқса, эътиборсиз хотинлар учун қилинган хиёнат энг катта гуноҳдир», дейдилар. Улуғларнинг яна шундай гапи бор: «Олтиннинг софлигини ўтда, ҳайвоннинг кучини оғир юк ортилганда, инсоннинг тўғрилигини омонатга хиёнат этмаслигида билса бўлади». Ҳар ҳолда донолар хотинларнинг макр-ҳийлаларига алданмасликни аъло кўрадилар.

Тошбақа бир-бирига зид шундай фикрларга банди бўлиб, сув ўртасида тўхтаб қолди. Унинг қалбида қандайдир ғалаён мавжудлигини сезган маймун шубҳаланиб, дўстидан сўради:

– Сенга нима бўлди, фикрлар уммони сени гарқ этяптими ё мени кўтариш сенга оғирлик қилиптими? Сезиб турибман, сени виждон азоби қийнаяпти. Сен шу дамда ўз нафсинг билан курашяпсан.

– Виждоним қийналаётгани рост. Сен бизникига биринчи марта боряпсан. Хотиним касал, уй ивирсиб ётгандир, сени кўнгилдагидек кутиб ололмасам-чи, деб кўнглим ғашланаяпти, – деди тошбақа сир бой бермасликка тиришиб.

– Сенинг номусли ва тўғри бўлганлигинг, мени дилдан дўст ҳисоблаб яхши ният билан уйингга олиб бораётганлигингни билиб турибман. Ўтиришимиз қанчалик содда, дастурхон қанчалик фақирона бўлса, суҳбатимиз шунчалик самимий ва ширин бўлади. Сен бу борада ташвиш тортма.

Тошбақага бу далда маъқул келгандай бўлиб, яна бир оз сузди-ю, ўй-хаёлга берилиб, яна тўхтади. Бундан маймуннинг шубҳаси ортди ва ўзига-ўзи деди:

– Дўстидан шубҳа қилган одам ўша соат тадбир кўриб, унга нисбатан эҳтиётли муносабатда бўлиши, ўзини сақлаши керак. Агар

шубҳалари тўғри чиқса, муқаррар бўлган фалокатдан ўз жонини сақлаб қолган бўлади. Гумони хато бўлиб чиқса, эҳтиёткорлик қилгани учун уни койимайдилар.

Юрак тез-тез ўзгариб тургани учун уни қалб<sup>1</sup> деб атаганлар. Ҳар дақиқада у нима хаёлга тушади, нияти яхшими ё ёмонми билиб бўлмай қолди.

Маймун хаёлидан шуларни ўтказиб дўстидан «Яна нима бўлди, яна хаёл дарёсига чўқдингми?» – деб сўради.

– Нима қилай, хотинимнинг касалиги, сиҳатининг ёмонлиги хаёлимни паришон қилмоқда.

– Дўстлик ҳурмати учун юрагингдаги ташвишни очиқ айтдинг. Хотинингнинг дардига нима даво экан, табиблар айтишибдими?

– Табиблар шундай дармон белгилашганки, уни топиш мумкин эмас.

– У қандай дармон экан?

– Маймуннинг юраги...

Буни эшитиб маймуннинг кўз олди қоронғилашди ва ўзига-ўзи деди:

«Мени бу даҳшатли фалокатга судраган нарса баднафслик ва очкўзлик бўлди; мени бу қўрқинчли гирдобга шуҳратпарастлик ва ҳарислик солди. Энди эса мени ҳийла ва тадбирдан бошқа ҳеч нарса халос эта олмайди. Агар оролга борсам, ўлишим муқаррар, ўзимни бу ерда сувга ташлаб қочмоқчи бўлсам, чўкиб кетишим тайин...»

Маймун шу фикрларни хаёлидан кечириб, дўсти тошбақага деди:

– Олимлар айтибдирларки, халққа зарур бўлган озуқани яширган шоҳ, биродарларининг бахтли бўлиши учун керак нарсани бермаган дўст «шоҳ» ва «дўст» деган номларга нолайиқдирлар. Мен хотинингни қанчалик севишингни биламан, унинг соғайиб кетиши учун зарур бўлган дармонни бермаслик, дўстликка хиёнат қилиш демакдир. Менга хотинингнинг дарди маълум, чунки бизнинг маймун хотинларда ҳам бунақа хасталик тез-тез учраб туради. Биз уларга юракларимизни бериб, даволардик. Ўзимиз эса юраксиз ҳам яшаб юраверардик. Агар сен буни соҳилда айтганингда, мен юрагимни ўзим билан бирга олиб чиқар эдим. Қариган вақтимда менга юракнинг сираям кераги йўқ. Қайтага уни кўтариб юриш мен учун ортиқча юк, ортиқча заҳмат. Чунки шу пайтгача юрагимга қўнган ғам-андуҳлар жуда ҳам кўп. Кеча юрагимнинг дарди бир оз камайсин, деб жойидан олиб қўйган эдим.

– Юрагингни нима учун уйда қолдирдинг? – деб сўради тошбақа ажабланиб.

– Маймунларда бир одат бор: яқин дўстларининг уйларига кетаётганларида меҳмондорчилик яхши ва ширин ўтсин, деб ғам ва алам маскани ҳисобланган юракларини ўзлари билан олиб бормайдилар. Ақлли ва ифбатли хотинингнинг хасталигини эшитгач, юрагимни олиб борсам, эзилиб кетади, деб ўйладим. Албатта, сен менинг дўстлигимни синагансан, шунинг учун сўзларимга ишо-

---

<sup>1</sup> Қалб – араб тилида «айланувчи», «ўзгарувчи» деган маънони англатади.

насан. Лекин сенинг қавму қариндошинг «Қалин дўст бўлса ҳам ўзига унча зарур бўлган нарсани бизга беришни истамаяпти», деб бадгумон бўлишлари мумкин. Яхшиси, орқага қайтайлик-да, юрагимни ололайлик.

Тошбақага бу таклиф маъқул келиб, орқага қайтди. Қирғоққа етишгач, маймун бир-икки сакраб, дарахт устига чиқиб кетди...

Масалдан олинажак маъно шуки, дўстлик саройини тиклаш босон эмас, тикланган саройни турли офатлардан сақлаш унданда қийинроқ. Офатлардан бири айнан шу – фитна. Фитна бўронини ҳар томондан кутиш мумкин. Аввал айтганимдек, ўзини дўст деб танитган учинчи одам, фарзандига дўсти томонидан ёмонлик келишидан гумонсираган ота-она ёки масалда баён этилган – хотин. Дўст либосидаги фитначилар ҳаётда бошқаларга нисбатан кўпроқ учрайди. Уларнинг қўлларида гараз қиличи бордир ва бу қилич аёвсиздир. Фарзандини дўстидан айирмоқчи бўлган ота-онада гараз йўқ. Фарзандлари танлаган дўст айрим ҳолларда ота-оналарга ёқмаслиги мумкин. Ота-она бу дўстга баҳо беришда кўпроқ унинг ота-оналари нуфузига эътибор қаратишларини яна таъкидлайман. «Яхши оиланинг фарзанди, демак, у билан албатта дўстлашиш керак». Уларнинг ҳукми шу! Бу ҳукм кўпинча алдамчи хулосаларга асослангани учун хато бўлади. Ота-оналар ўзларининг калтабинликлари ва ўжарликлари туфайли фарзандларини яхши дўстлардан ҳам айириб юбордилар. Аввал насиҳат билан, сўнг қатъий талаблар билан, агар булар таъсир этмаса, бирон-бир ифво билан бўлса-да, муддаоларига эришадилар. Фарзандларининг дўстдан айрилиши ота-она учун жиддий масала бўлиб туюлмайди. Фарзандлари бирон тугмача ёки рўмолча йўқотсалар ачинишлари мумкин, аммо дўстни йўқотсалар ачинмайдилар. Бу йўқотиш ўзларининг ҳаракатлари натижаси бўлса «Шу боладан узоқлашганига шукр», деб қувонадилар.

Азизлар, эҳтимол шу онда сизнинг кўнглингизда ҳам ўғлингиз ёки қизингизнинг бирон дўстига нисбатан норозилик бордир. Сиз уларни ажратиб юборишга киришишдан аввал ўйлаб кўринг: у йигит (ёки қиз) сизнинг фарзандингизга дўст бўлишга нолайик экан. Хўш, ўзингизнинг фарзандингиз бошқаларга дўст бўлишга лайикми? Сиз фарзандингиздан дўстини узоқлаштириш чораларини ўйлаб ўтирганингизда қайсидир хонадон соҳиблари сизнинг фарзандингизни ноқобил дўст ҳисоблаб, ўз фарзандларидан нари қилишни ўйлашаётгандир? Икки дўстни ажратишдан аввал яна ўйлайлик: фарзандимиз бундан кейин яна шундай дўст топа олармикин? Эҳтимол, биз ёмон деб тамға босаётган дўст даражасидаги бошқа одамга умр бўйи муҳтож бўлиб яшар? Албатта, фарзандларимизнинг дўст танлашларига эътиборсиз қарамаслигимиз керак. Уларнинг бу борада тажрибасиз эканини унутишга ҳаққимиз йўқ. Аммо биз билан ёшлар ўртасида йигирма-ўттиз йиллик фарқ борлигини ҳам унутмайлик. Замонлар ўзгарувчан эканини ҳам ҳисобдан чиқармайлик. «Менинг ёшлигимда дўстим шундай эди», деган гаплар бугунга тўғри келмай қолиши мумкин.

**ЎЗ УЙИГА СИГМАГАНЛАР**

Дунёдаги ижтимоий бўҳронлар фақат давлатлараро сиёсатнинг ўзгаришигагина сабаб бўлмай, одамлар онгидаги руҳий тўлқинларга ҳам жиддий таъсир этипти. Ижтимоий адолатсизликларни катталар таҳлил қилиб, ўзларича хулоса чиқаришга уринсалар, болалар ва ўсмирлар бундай қила олмайдилар. Тарихдан биламиз, уйсиз, боқимсиз, дайди болалар бўлган. Уруш, қаҳатчилик каби фожиали кунларда болалар етим қолиб, кўчада хору зор яшаганлар. Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида Россиядан нон излаб келган болаларни ва уларнинг «самарска» деб номланганини айтган эдим. Бугун «Дунёнинг зўрларидан бириман!» деб кўкрак кераётган мамлакатдаги болаларнинг аҳволи қандай экан?

Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Россиядаги 37 минг бола ҳатто бошланғич синфларни тугатмаган, 23 минг бола эса мутлақо саводсиз. Бизда «Меҳрибонлик уйи» деб аталувчи маскан Россияда «Детдом» (Болалар уйи) деб номланади. Россиядаги ҳар беш боланинг бири «детдом боласи» экан. Улғайгач, детдомдан чиққан болаларнинг 30 фоизи дайдига (бомжа), 20 фоизи жиноятчига айланаркан. Россия ИИВ маълумотига қараганда, ҳар йили ўртача 90 минг бола уйдан қочиб кетаркан. Қочоқларнинг 10 фоизи жонига қасд қиларкан, 10 минг бола изсиз йўқоларкан. Шундай аҳволдаги мамлакатнинг эртаси нима бўларкин? Кейинги беш йил ичида катталарнинг ўсмирларни жиноят оламига тортиши 170 фоизга кўпайибди. Ҳеч шубҳа йўқки, уларнинг кўпчилиги дайди болалардир. Ўтган асрда «самарска»ларнинг ёпирилиши ўғрилиқ ва безорилиқнинг авж олишига сабаб бўлган эди. XXI асрнинг «самарска»лари биз томон келмайдими, улардан нима кутиш мумкин? Кўпчилик қатори мени ҳам шу савол қийнайди.

Чет эллардаги аянчли манзараларга нима деймиз? Телевизорда оч-наҳор етимлар кўрсатилганда ҳар биримиз уларга ачинамиз. Лекин тинчликда, ҳаловатда яшаётган мамлакатларнинг кўчаларида дайдиб юрган қаровсиз болаларнинг келажаги қандай бўлади? Уларнинг уйлари бор, ота-оналари бор, қоринлари тўқ, устлари бут бўла туриб, нима учун уйдан қочиб кетишади? Биз оддийгина қилиб: «Уйдан қочиш» деймиз. Аслида бу боланинг юрагини қон қилиб юборган нохуш муҳитдан узоқлашишга, руҳий азоблардан ёки қўрқувлардан қутулишга интилишдир. Бу интилишнинг дастлабки босқичи уйдан қочиш бўлса, иккинчи босқичи – чидаш мумкин бўлмаган фожиа – жонига қасд қилишдир. Мутахассислар бу ҳолатни жиддий ўрганишади, чунки бу иллат эртага янада даҳшатлироқ фожиаларни туғдириши мумкин. 20-30 йил илгари уйдан кўпроқ 10-13 ёшдаги болалар қочишарди. Бугунга келиб, 6-7 ёшли болаларнинг қочаётганига ҳам гувоҳ бўлиняпти. Авваллари нобоп, нотинч оилаларнинг болалари уйдаги жанжаллардан,

калтаклардан ёки ота-оналарининг майхўрликларидан уялганлари учун қочардилар. Энди тинч оилаларнинг фарзандлари ҳам уйда яшашни истамай қолишган. Москвадан олинган маълумотга қараганда, бугунги кунда бу катта шаҳарда 29 мингга яқин қаровсиз, дайди болалар рўйхатга олинган. Уларнинг 85 фоизи ўз уйдан, қолгани етимхонадан қочган. 43 фоиз бола мактабдаги устозларидан, қолганлари ўз ота-оналаридан норози бўлганлари сабабли қочишган. Булар орасида руҳий хасталикка мойил болалар ҳам учрайди. Лекин қочоқларнинг асосий қисми эс-ҳуши жойида, ҳатто ақли болалар. Маълумотда айтилишича, дайди ва безори болалар орасида Россияга иш излаб борганларнинг фарзандлари, хусусан, ўзбекистонликлар ҳам бор экан. Мана шу далил барчамизни зийрак торттириши лозим. Хорижда болаларини қаровсиз қолдирган бепарво ота ва она ҳар қандай лаънатга лойиқ, десам каминани шафқатсизликда айбламанг.

Кўчада юрганингизда ҳар турли жойларга ёпиштириб ташланган эълонларга кўзингиз тушади. Улар орасида бедарак йўқолган боланинг қидирилаётгани ҳақидаги ташвишли сатрларга ҳам эътибор қилганмисиз? Бундай эълонларни баъзан газеталарнинг саҳифаларида ҳам учратамиз. Кўпчилик боланинг суратига ачиниб қарайди-ю, танимагани учун индамай кўя олади. «Бу бола нима учун йўқолди? Йўқолганми ё уйдан қочиб кетганми? Нима сабабдан қочган?» деган саволлар камдан-кам одамларни безовта қилади. Кўчада дайдиб юрувчи қаровсиз болалар ҳақида сўз очилса, кўпчилик «Бунақалар Россияда ёки шунга ўхшаган чет мамлакатларда учрайди», деб ўйлайдилар. Камина ҳам мавзунини Москвадаги аҳволдан мисол келтириш билан бошладим. Чунки у томонларда қаровсиз ва дайди, безори болалар чиндан ҳам кўп ва йилдан йилга уларнинг сони ошиб борапти. Бизда эса бунақалар оз, лекин бундан хотиржам бўлиш ёмон оқибатларга олиб келади. 15-20 йил аввал Тошкентда бундай болалар сезиларли даражада кўпайган эди. Айниқса, Чилонзор, Юнусобод, Миробод, Учтепа мавзеларидаги кўп қаватли уйлари ертўла (подвал)ларида, томларида, хуллас, кўздан пана жойларда дайди болаларнинг кичик-кичик гуруҳлари пайдо бўлганди. Баъзилари гавжум жойларда йиғламсираб, отаси ёки онасининг офир хаста эканидан нолиб, тиланчилик қиларди, чапдастроқлари эса ўғирлик билан банд эди. Бундай ҳолга бефарқ қаралмагани сабабли, дайдилар камайди, йўқ даражага келди, дейиш ҳам мумкин. Бугун қилган ишимиздан мамнун бўлиб, хотиржамликка берилсак, эртага бу илат яна бош кўтариши ҳеч гап эмас. 1996 йили Наманганда милиция томонидан тунда ўтказилган тадбирда кўп қаватли уйлари ертўлаларида яшовчи 400га яқин дайди аниқланган. Уларнинг кам қисми халқ тилида «бомжа» дейилувчи майхўрлар, кўпроқ қисми эса вояга етмаган болалар экан. «Постда» газетаси Намангандаги бир воқеани баён қилган эди, сиз ҳам танишинг:

Милиция ходимлари қурилиши битмаган кўп қаватли иморат ертўласидан тутун чиқаётганини кўриб, пастга тушишади. У

ерда совуқдан дийдираб ўтирган, кийимлари юпун беш ўсмирни идорага олиб боришади. 13-14 ёшли болаларнинг бири Чустдан, бошқаси Попдан, қолганлари Андижон ва Гулистондан экан. Улар 6-7 ойдан бери шу аҳволда яшашаётган экан.

Милиция ходимларига раҳмат айтишимиз керак, улар ишни шунчаки расмийлаштириб қўймай, хизмат сафарига отланиб, қаровсиз болаларнинг оилалари билан танишишган ва уларнинг уйдан қочиб кетиш сабабларини аниқлашган. Қўқонлик ўсмирнинг отаси майхўрликка берилган, оилам, болам дейиш ўрнига уйда ҳар куни жанжал кўтарадиган нодон экан. Ўсмирга мактабда ҳам меҳр-оқибат кўрсатишмаган. Болалар жанжалкаш оиланинг фарзандини ўзларидан четлатишга уринишган. Бу бемехрликларнинг барчаси тўпланиб, ўсмир қалбини яралаган, адолатсизликлардан қутулишнинг бирдан-бир йўли уйдан қочиш, деган қарорга келган. Оч-юпун юриб қанчалик қийналса-да, уйига қайтишни истамаган. Унинг андижонлик шериги бошига тушган ташвиш янада ачинарли. Унинг ота-онаси уч фарзандини қўшниси ихтиёрига топшириб, пул ишлаб келиш мақсадида Россияга кетган. Ён қўшни ваъдасига вафо қилиб, икки йил давомида болаларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб турган. Кейин хасталаниб, болаларни ўз ҳолига ташлашга мажбур бўлган. Ота-она меҳрига зор болалар ўзларича чора излаганлар. Ўсмир икки укасини бошқа туманда яшовчи қариндошлариникида қолдириб, ўзи Наманган томон жўнаган. Милиция ходимлари билан суҳбатда у ҳасрат дафтларини очди: «Ота-онам кетишгач, уйимиз ҳувиллаб қолди. Ҳатто кечалари қўрқиб чиқдик. Ҳар кунимиз, ҳар бир соат уларни соғиниш билан ўтди. Айниқса, саккиз яшар синглим тез-тез иситмалайдиган бўлиб қолди. Қўшнимиз олиб келган дориларни ичирардим, лекин «ўлиб қолса-я!» деб қўрқардим. Ота-онам харажатлар учун қўшнимизга пул юбориб туришарди. Дастурхонимизда нон бор эди, оч қолмадик. Лекин ота-онамизнинг меҳрига ташна эдик. Кундан кунга уйдан совий бошладим. Ўзимни тирик етим ҳис қилдим. Охири чиқиб кетишдан бошқа чора топмадим».

Совуқ ертўлада қалтираб ўтирган ўсмирларнинг яна бири ота-онаси ажрашгач, қаровсиз қолган. Бошқаси мактабда яхши ўқимагани учун ҳар куни ота ва она томонидан жазоланган. Улар «Бизнинг обрўйимизни тўқяпсан», деб болани уриб, ҳатто кўчага ҳайдаб чиқаришган. Ота ва она инсофга киргунга қадар бола кўчада кўз ёши тўкиб ўтираверган. Ота ва она бу тарбия эрта-ми-кечми яхши натижа беришига ишонган, аммо навбатдаги ҳайдалишдан сўнг бола уйига қайтмаган. Ота ва она болада ҳам ғурур борлигини ҳисобга олмаган.

Бу сатрларни ўқигач, қаровсиз болаларнинг ота-оналарига нисбатан нафратингиз ошиши табиий. Лекин оч ва юпун болаларнинг совуқда дилдираб юришларини атроф уйларда истиқомат қилувчилар ҳам кўришган. Сахийроқлари тиланчи болаларга 200 сўм пул ҳам бергандир ва савоб иш қилганидан мағрурлангандир. Битмаган иморатнинг ертўласидан тутун ўрлаётганини кўрганлар



ҳам бўлган. Лекин нима учун улар бефарқлик қилишган? Баъзилар дайди ит-мушукларга раҳм қилиб таом беради. Наҳот, бу чорасиз болаларнинг шу жониворчалик қадри бўлмаса?! Бугун уларга лоқайд қараганлар эртага ўғрига айланган боланинг жабрини чекишлари мумкин-ку?

Ҳозирги кунда қанча бола қаровсиз дайдиб юргани бизга маълум эмас. Биргина тезкор тadbир давомида битта шаҳарда 400 одам аниқланган бўлса, мамлакат бўйича ҳисобласак, кўнгилни хира қиладиган рақамларга дуч келишимиз мумкин, деб ўйлайман. Қаровсиз болаларни рўйхатга олган билан бир хил манзара қайд этилмайди. Бугун мингта бўлса, эртага бир ярим минг, индинга беш юзга тушиб қолиши мумкин. Россия ҳукумат маъмурининг маълумотига қараганда, мамлакатдаги қаровсиз дайди болаларнинг сони 700 мингдан ошмас экан. Жамоат ташкилотларининг ҳисобига кўра бир ярим миллион, инсон ҳуқуқларига доир ташкилотларнинг кузатишича эса 6 миллион дайди бола бор ва уларнинг 60 фоизи охир-оқибат жиноятчи тўдаларга қўшилиб кетади. Кейинги рақам тўғри бўлса керак. Чунки расмий маълумотга қараганда, Россияда ҳар йили 120-130 минг етим пайдо бўлади. Ҳар куни 200-250 ота ёки она оталик ёки оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади.

Кундалик ҳаётимизда «Стресс» деган сўзни кўп эшитамиз. «Унинг аҳволини кўриб, стрессга тушиб қолдим», «Стрессдан чиқиб кетолмаяпман», деган гаплар ҳам қулоққа чалиниб туради. Бу сўз ўзбек тилида кучли ҳаяжон, янада тўғрироғи – **руҳий зарба**ни англатади. Ҳаяжон ижобий ёки салбий воқеалар таъсирида уйғонади. Йигит қиз билан танишаётган чоғда ёки никоҳ кечасида, кўрикда қатнашаётган ёш санъаткор эса биринча марта саҳнага чиққанида ҳаяжонланади. Агар танишув жараёни яхшилик билан тугаса, қиз ширин жилмайиш ҳадя этиб хайрлашса, ижобий ҳаяжондан руҳ ҳузурланади. Акси бўлса, қиз қўполлик қилса, «Иккинчи яқинлашманг!» – деган зарда билан бурилиб кетса, ҳаяжон руҳий зарбага айланади. Кўрикда иштирок этиб, ғолиб бўлишни орзу қилган ёш санъаткор юқори баҳо олса, қувонч ҳаяжонидан ҳатто йиғлаб юбориши ҳам мумкин. Бу қувонч йиғиси, бу ҳаяжон унга ҳузур бағишлайди, яшаш завқини оширади. Санъати паст баҳоланса, айниқса, ҳакамлар ҳайъати буни қўпол оҳангда баён қилса, ўсмир кучли руҳий зарбага (стрессга) учрайди. Бу зарба уни бутунлай руҳий ногирон қилиб қўйиши ҳеч гап эмас. Дастлабки салбий ҳаяжонини енгиб, ўзини босиб олса ҳам, ундаги орзу бўғилиб ўлган бўлади. «Иккинчи ашула айтмайман, саҳнага чиқмайман», деб онт ичади ва қасамига умр бўйи содиқ қолади.

2016 йили Ўзбекистон телевидениесининг «Наво» канали «Юлдузча» номли кўрик-танлов ўтказди. Ният яхши, болалар ва ўсмирлар орасидан қобилиятли санъаткорларни кашф этиш. Аммо ниятнинг ижроси ёмон бўлди. Болаларнинг санъатини баҳоловчи тўрт нафар Халқ артисти истеъдодларни кашф этишмади, балки ёш юракларга руҳий зарба беришди. Ишонасизми, болаларга

қўшилиб менинг кўзимга ҳам алам ёшлари келди. Учинчи кўрсатув охирига етмай, телевизорни ўчириб қўйдим. Номдор тўрт қўшиқчининг санъати юқоридир, лекин уларда бола ва ўсмирнинг руҳиятини ҳис этиш туйғуси йўқ экан. Бошқача айтганда, улар тарбиядан, педагогикадан ғоят узоқ эканлар. Бундай кўрикларга болаларнинг юрагини, ҳаяжонини ҳис этадиган санъаткорларни жалб этиш керак эди. Шундай бўлсинки, бола ўз санъатини намойиш қилаётганда ҳакамлар бола каби завқлана олишсин.

Телевидениега борганлар билишади. Телекамера рўпарасида тажрибали ижодкорлар ҳам баъзан довдираб, сўзларини йўқотиб қўйишади. Шундай экан, боланинг ҳаяжонини ҳис этиш керак. Менимча, бундай кўрикларда боланинг истеъдодига очиқчасига баҳо қўйиш нотўғри. Авваллари ҳам кўрардик, ҳакамлар ҳайъати рақамлар ёзилган тахтачаларини кўтариб, «5» ёки «10 балл» деб қўйишарди. Баҳоловчиларда холислик ва адолат етишмаслиги баъзан аниқ сезилиб қоларди. Қайсидир йили икки институт талабаларининг зукколик бобидаги мусобақалари жиддий тўқнашув билан яқунланган ва телекўрсатув шу баҳонада ёпилганди. Айтиш керакки, бу каби кўрик-танловлар ҳам, баҳолашлар ҳам Россия телевидениесидан нусха кўчириш оқибатида юзага келган. «Юлдузча»даги ҳакамлар рақам ёзилган тахтача кўтаришмайди, бал(баҳо)лар қўшиб ҳисобланмайди. Улар болаларга қараб туриб «Ҳа» ёки «Йўқ» дейишади. Бу усул ҳам руслардан кўчирилган. Руслар бу услубни катталарнинг кўрсатувида ишлатишган. Олам-олам орзулар қанотида саҳнага чиққан болага кўзини лўқ қилиб: «Сен айтган ашулага менинг жавобим: «Йўқ», дейиш маданиятдан эмас. Барча иштирокчиларнинг санъати билан танишиб, уларнинг кўнглини кўтарадиган гаплар айтиш керак. Баҳони эса ҳакам ўз дафтарчасига ёзиб олсин. Кўрик яқунлангач, ўзаро маслаҳатлашиб, «Фалон-фалон қўшиқчилар кейинги босқичга чиқишди», деб эълон қилишса, ўтолмаган болалар бироз ранжийдилар, аммо руҳий зарбага дуч келмайдилар.

Мисол тариқасида келтирилган воқеа баёнидан кейин болалар ва ўсмирларнинг қандай ҳолларда, қандай даражадаги руҳий зарбага учрашлари ҳақида фикрлашайлик. Гўдақларимизнинг йиғлашлари сабабига диққат қилайлик: янги уйга кўчиб ўтсангиз, янги шароитга кўника олмай йиғлайверади, боғчага ўрганолмай, «бормайман», деб йиғлаб кетади. Биринчи синфга боришда ҳам йиғлайди. Буларнинг барчаси руҳий зарбанинг таъсиридан эканини ота-она ўз вақтида сезмайди. Боксда барча зарбалар ҳам рақибни қулатмайди. Спортчи уч-тўрт зарбада гангийди, қаттиқроқ зарбада ногдаун, кучли зарбада эса нокаутга учрайди. Боладаги ҳолат ҳам шундай. Қандай болалар қандай ҳолатларда руҳий зарбага (стрессга) учрайди:

Биз мўмин-қобил деб эъзозловчи болалар руҳий зарбаларга жиддий аҳамият бермайдилар. Аммо зарбалар давомли бўлса, кучайиб бораверса, уларнинг руҳиятида, феъл-атворида ҳам салбий ҳолат юзага келади.

Ўқиш бошқа мактабга кўчирилса ёки нотаниш болалар даврасига тушиб қолса, ё дўсти (дугонаси) билан аразлашса ёинки уйда ўзи учун алоҳида хона бўлмаса, ота-оналарининг ўзаро зиддиятлари узлуксиз давом этаверса, бола **енгила** руҳий зарбага учрайди. Эр-хотин жанжаллашаётган пайтда болаларнинг қалблари пораланиб туради. Бу жанжал фақат 6-7 ёки 12-13 ёшдаги болаларгагина эмас, 5-6 ойли чақалоққа ҳам салбий таъсир кўрсатади. Тез-тез жанжаллашиб турадиган эр-хотинларга маслаҳатим: жанжални бас қилиб, ҳовурингиз босилгач, азиз фарзандларингизнинг мунгли кўзларига боқинг. Ҳатто чақалоғингиз кўзида ҳам хавотир, беҳаловатлик кўрасиз. Зора шу қарашлар сизларни инсофга келтирса!

Мактабда кўпчилик ўртасида танбеҳ беравериш, масхаралаш, ўқишдан ҳайдаш билан қўрқитиш, оилада чақалоқларнинг туғилиши оқибатида ўзига бўлган эътиборнинг сусайиши, отаси ёки онасининг оғир дардга учраши ва меҳнат қобилиятини йўқотиши, ота-онасининг доимий равишда зуғум қилавериши оқибатида бола қалбига **ўрта** меъёрдаги руҳий зарба берилади.

Ота-онасининг ажрашиши, оила аъзоларидан бирининг қамалиши, ота-онасининг шафқатсизлиги, тарбия учун ўзгаларнинг жалб қилиниши болани **оғир** руҳий зарбага дучор қилади.

Отаси ёки онасининг вафот этиши, зўравонлик, ўзини жинсий жиҳатдан ожиз ҳис қилиш оқибатида **жуда оғир** руҳий зарбадан эзилади.

Мана шу зарбалардан бирига учраган бола ҳимояни кўчадан топишга интилади. Ҳимояни-ку, топмайди, аммо ҳаётини барбод қилувчи жиноят кўчасига кириб кетиши аниқроқ. Таъбир жоиз бўлса, ўсмир жаннатни кўчада топмоқни орзу қилади, амалда эса дўзахни топади. «Дўзахда топади», деганим рамзий эмас, том маънода. Бола жиноят кўчасига кириб кетса, дўзахилар оламидан жой олади. Олам-олам гуноҳларни орттиргандан сўнг тавба қиладими, бу тавбаси қабул этиладими – билгувчи Аллоҳдир. Сўнг чора сифатида жонига қасд қилиб ўлим топса, Қиёматдаги азоблари аниқ.

В. исмли ўсмир оилада ёлғиз фарзанд, ҳамма нарсаси муҳайё, кам-кўсти йўқ. Ота-онаси тижорат билан шуғулланади. Икки ойда бир хорижга бориб келишади. 10-15 кунлик емоқ-ичмоққа доир барча нарсани қўйиб, яна унинг қўлига пул ҳам бериб кетишади. Она кунда икки маҳал телефонда гаплашиб, унинг аҳволини назорат қилиб туради. В. 15 ёшга тўлгунига қадар уни ёлғиз қўйишмас эди, хорижга кетишганда қариндошлардан бири келиб турарди. 15 ёшга тўлган фарзандларини мустақил ҳаётга ўргатиш учун уйда ёлғиз ўзини қолдиришди. В.нинг чўнтаги сира бўш юрмаслигини билган тенгдошлари унинг атрофида парвона бўлишарди ва бу эътибор унга ёқарди. Уйда ёлғиз қолгач, кўнглига хуш ёққан қизга яхши кўриниш учун сарф-харажатларни кўпайтирди. Онаси бериб кетган пул тутагач, тижорат учун олиб қўйилган молдан озгина-озгина олиб сотди. Табиийки, бу бойваччалик мактаб муаллимларининг эътиборидан четда қолмади. Ав-

вал В.га танбеҳ бериб, кейин «Ота-онангга айтиб берамиз», деб пўписа қилишди. В. бу пўписадан астойдил қўрқиб, эртасига мактабга келмади. Ота-онасининг қайтишини қўрқув билан кутишга тоқати етмай, автобусга ўтирди-ю, пойтахт сари йўл олди. Катта шаҳарни телевизорда кўрган, унинг чиройига мафтун бўлган, бундаги ҳаёт ҳам ҳашаматли бинолари ва кўчалари сингари гўзал, деб ўйлаган эди. Аммо шаҳарга келган куниёқ бор пулини ўғирлатиб қўйиб оч қолди. Эртасига очликдан қутулиш мақсадида ўғирларга қўшилди. Шаҳар гўзаллигидан ҳузурланишга улгурмай, ўзини милицияхонада кўрди. Хориждан қайтган ота-она фарзандларининг уйдан қочганидан ранжишмади, балки унинг иродаси сушт эканидан газабланишди. Лекин «Боламнинг иродали қилиб тарбиялаш учун нималар қилдим?» – деган савол хаёлларига келмади.

14 ёшли Ж. исми боланинг тақдири сал ўзгачароқ. У оиладаги иккинчи ўғил. Опаси ўқишда аълочи. У эса ҳунарга қизиқади, лойдан турли нарсалар яшашни яхши кўради. Унга маъқул иш ота-онага ёқмайди. Бунинг устига Ж.да буқоқ касаллиги авж олаётгани маълум бўлади-ю, ота-она буни лойга беланиб ўтириш натижаси деб билади. Бола ўзи ёқтирган ишдан ажралгани етмай, ота-она уни турли шифокорларга кўрсата бошлайди. Бирининг ташхиси ёқмайди, бошқасининг ёзиб берган дориларига гумон билан қарашади. Шифокорма-шифокор юраверишгач, Ж.да «Жиддий касалга учрабман», деган ваҳима уйғонади. Касалнинг тобора авжга чиқиши оқибатида оғир азобларга дуч келиши ҳақидаги фикр уни ҳоли-жонига қўймайди. Қариндошлардан бирининг «Бола дарё бўйида офтобда кўпроқ юриши керак», деган маслаҳати Ж.га маъқул келиб, сафарга ошиқади. Аммо ота-онаси ишдан ортиб боролмайди. Ж. эса кутишни истамай, ярим кечада уйдан чиқиб кетади. Қўшни вилоятдан ўтувчи дарёни топиб боради. Яланғоч бўлиб олиб, дарёда чўмилади, офтобда тобланади. Учинчи куни ўзини беҳол сезади. Оғир азоблар бошланаётганидан қўрқиб, сувга тушиб тезроқ ўлишни истайди...

Ўсмирлик остонасидан ўтаётган боланинг хаёлот олами тизгинсиз бўлади. У ҳаддан зиёд кўп ўйлаш оқибатида ҳатто ақлга сиғмас нарсаларни ҳам ҳаётий ҳақиқат деб қабул қила бошлайди ва унга етишмоққа интилади. Бу ҳали руҳий касаллик эмас, унга олиб борувчи йўлнинг бошланиши.

К. исми қиз оиланинг тўнғичи. 4 ёшида укаси туғилгач, ўзига нисбатан эътиборнинг сусайганини билиб, онасини қизгана бошлайди. 10 ёшида синглизи туғилгач, укаларига нисбатан кўнглида нафрат уйғонади. Уларга зарар етказишдан ҳам тоймайди. Укасини чалиб йиқитгани учун аввал онасидан, кейин отасидан калтак егач, унда «Мен уларнинг ҳақиқий боласи эмасман, мени боқиб олишган, укам билан синглимни онам тукқан», деган фикр уйғониб, кун ўтгани сайин кучга кириб бораверади. Қариндошларидан бирининг «Қизингиз бирам чиройлики, Фалончи ашулачига жуда ўхшайди-я, улғайганида бу ҳам артист бўлармикин», деган гапи-

ни эшитгач, «Фалончи артист – менинг онам!» деган фикрга келади. Ўша ашулачининг телевизорда чиқишини интиқ кута бошлайди. Ўзини кўзгуга солиб, ашулачига жуда-жуда ўхшашлигига ишонч ҳосил қилгач, дугоналарига «Мен Фалончининг қизиман, яқинда келиб, Тошкентга олиб кетади, ўша ерда артист бўламан», деб мақтана бошлайди. Дугоналари аввалига куладилар, масхара қиладилар, ҳатто «Бу жинни бўлиб қолган», дейдилар. Лекин ундаги ишонч тобора мустаҳкамланаверади. Ота-она ҳам бу гаплардан хабар топади, аммо «Болаликнинг хомхаёллари» деган ўйда унга аҳамият бермайдилар. «Хомхаёл» эса тобора «пишиб» бораверади. Қизча хомхаёл чегарасидан ўтиб, амалий қадамга тайёргарлик кўради. Пул тўплагач, уйдан «Мактабга кетяпман», деб чиқади-ю, ўқишга эмас, катта шаҳарга йўл олади. Фалончи ашулачини топади ҳам. Ашулачи хоним: «Жон қизим, мени қидириб топдингми?!» – деб уни бағрига олиш ўрнига ажабланиб қараб-қараб қўйиб, бурилганича ўз йўлига кетавергач, қизчанинг умид чинниси чил-чил синиб, юраги ларзага келади. Ўз хаёлида тиклаган муаззам бахт саройига ўт кетгач, бунинг оқибати нима бўлишини ўзингиз тасаввур қила қолинг. Азиз фарзандингизнинг гап-сўзларига, хатти-ҳаракатларига эътиборсиз бўлманг. Уни хаёл олаמידан ҳаётнинг ҳақиқат дунёсига қайтариш ҳаракатини қилинг.

Гимнастика бўйича тренернинг С. исмли ўғли 17 ёшга тўлганда ўзини бахт кошонасида эмас, ахлоқ тузатиш колониясида кўрди. Қамоқхонага олиб келувчи узун йўл яширин эмасди. С.нинг ҳар бир ҳаракати, ҳар бир қадамини ота-онаси кўриб-билиб турарди. Унинг хато ишига гувоҳ бўлишганда, «Ҳали ёш, эси кириб қолар», деб ўзларини овутишди. Ёш экани тўғри. Аммо эс, яъни ақл осмондан тўсатдан бир тугунда тушадиган нарса эмас. Кўп йиллик тарбия машаққати билан эришиладиган неъмат.

Ота спортда ўзи эришолмаган юқори мартабаларда ўғлини кўриш учун ҳаракат қилди. Онанинг асосий эътибори ўғилнинг билим олишига қаратилди. 6-7 ёшда спортда маҳоратини, ўқишда зеҳнини намойиш қила бошлагач, унинг келажакда буюк спортчи, улуғ олим бўлишига шубҳалари қолмади. Бундай нурли келажакка боланинг ўзи ҳам ишонди. Аввало, 6-7 ёшли болаларнинг мусобақаси билан 10-12 ёшдагиларнинг мусобақаси шартлари орасида фарқ бор. Кичик ёшдагиларнинг мусобақасида қобилиятсиз болалар ҳам иштирок этаверади. Кейин-кейин маҳоратлилар сараланиб, чемпионликка эришиш тобора оғирлашиб бораверади. Гўдакликдаги «Мен зўрман», деган ишонч болани астойдил машқ қилишдан чеклайди. Шу ҳолатимда ҳам ютуққа эришавераман, деган фикрда енгил-елпи машқ қиладиган бўлади. Мактабда ўқиш ҳам шундай: бошланғич синфда математикадан аъло баҳолар олган бола еттинчи-саккизинчи синфда бунга осонликча эриша олмайди. Гап дарсларнинг тобора мураккаблашиб боришидагина эмас. Гўдакликда бола дарс тайёрлаётганда ота-она ёнида бўлади, қийналган пайтларда ёрдам беради. Юқори синфларда барча масалаларни ўзи

ечиши лозим бўлиб қолади. С. улғайгач, шу каби муаммоларга дуч келиб гангиб қолди. Уни яшаб турган уйдан бездирадиган яна бир ташвиш бор эди. Бу ташвиш укасининг туғилган кунидан бошланди. Ота ва онанинг чақалоқ билан овора бўлишлари унга ёқмади. Бу ҳам ҳолва эди. Укаси атак-чечак қила бошлаганида отаси ундан «Зўр гимнаст» чиқишини башорат қила бошлади. Гўдакнинг тили чиқиб, бир-икки шеърларни ёд олгач, она унинг «фавқулодда зўр хотираси» борлигидан ҳайратланди. Ука улғайиб, дастлабки сальтони бажарганидаги оила қувончи С.га ёқмади. Олдинлари гашланиб юрган бўлса, энди ота-онасидан ҳам, укасидан ҳам нафратлана бошлади. Укасига бақираверадиган, урадиган, ҳатто уни тепадиган бўлди. Ота-она бу ҳолатни «болалик ўйинлари, гашликлари», деб баҳолаб, муолажа қилишни ўйлашмади. Бундай ҳолатда ота-она ўзларини тузатишлари, дастлабки қадам сифатида С.га бўлган меҳр-эйтиборларини оширишлари, унинг олдида кичик ўғилни мақтамасликлари лозим эди.

Шундай бўлдики, кичик ўғил дастлабки мусобақаларда голиб бўлиб, С. эса ёши катта болалар ўртасидаги мусобақаларда мағлуб бўлди. Унча аҳамиятли бўлмаган мусобақада тўртинчи ўринни ҳам ололмаган кунни уйига қайтмади. Учинчи чоракни иккита «уч» баҳо билан яқунлагани маълум бўлган кунни ҳам бу ҳол такрорланди. Энди машқларга, дарсларга бўлган қизиқиши сўна борди. Гўдаклигида «Зўр гимнастикачи» бўлишига ишонган бўлса, энди бу соҳада ҳеч нимага эришолмаслигига ўзини ишонтирди. Кичик ўғилни чемпионликка тайёрлаётган тренер-ота бунга етарли аҳамият бермади. У ҳам тўнғичининг қобилияти етарли эмаслигига ишонди. Натижада С. уйдан чиқиб кетди-ю, қайтмади...

Бола уйдан қочганидан кейин ўзини бирданига бахтли ҳис қилмайди. Қилиб қўйган ишидан озми-кўпми афсусланади. Уйидаги ҳаёт тарзи жонига теккани билан кўча муҳитига дарров кўника олмайди. Шунинг учун ҳам айримлари уйдан бир қочиб, бир қайтиб юради. «Менга хиёнат қилмайдиган, мени яхши кўрадиганлар кўчадаги ўртоқларим», деган фикри қатъийлашгач, уйига қайтмайди.

Бир бола уйдан қочиб кетавериб, ота-онанинг жонига тегади. Қайтиб келган кунни она унга дарс бўлар деб, эшикни қия очиб, «Ҳа, дайди келдингми? Энди уйга кирмайсан, қаёққа борсанг боравер», дейди. Қилган ишидан пушаймон еб, энди ота-онасини хафа қилмаслик аҳдида қайтган бола бу гапдан кейин нима қилсин? Европаликларнинг ибратли бир эртагида қуёнча онасидан ранжиб: «Мен уйдан қочиб кетаман», дейди. Агар ҳаётда б ёшли бола шундай аҳд қилса, ота ёки она нима дейди? «Қани, кўчага чиқиб кўр-чи!» деб пўписа қилади, тўғрими? Эртақдаги она қуён ҳаётдаги онадан анча ақлли. У дейдики: «Жоним болам, агар сен уйдан қочсанг, мен ҳам сен билан бирга қочиб кетаман. Чунки сенсиз яшай олмайман. Сен менинг жажжигина қуёнчамсан».

Болалигимизни эслашга уриниб кўрайлик: ота ва онамиз уришишмаганми? Адолатсизликдан кўнглимиз яраланмаганми? Шўх-

лигимиз ҳаддидан ошганда кўчага қувишмаганми ёки ўзимиз қочиб кетишни ўйламаганмизми? 7 ёшли бола уйдан қочишни истаса, ота-онасига айтиши мумкин. Лекин ота-она бу қарорни жиддий қабул қилмайди. Ўсмир эса аламларини юрагида йиғайиғи бир куни тўсатдан ғойиб бўлади. Иккала ҳолатни «уйдан қочиш» деб таърифлаймиз. Аммо уларнинг сабаби ва натижаси бутунлай ўзгача. Ота-онанинг муносабати ҳам бошқача.

8 ёшли қизча халтачасини кийимларига тўлдириб, онасига «Мен уйдан кетяпман», дейди. Она бу хабардан гангиб қолмайди. Қизчанинг қарорини жуда хотиржамлик билан тинглайди-да, «Мен сенга тухум пишириб бераман, яна йўлда қорнинг очиб қолмасин», деб ошхона томон юради. Онасининг ғазабланишини, бақиришини, ҳатто уриб қолишини кутиб чўчиган қизча ажабланиб қолади. Она сувда пиширилган тухумларни нонга қўшиб қоғозга ўраётганда «Озгина туз ҳам қўйдим, туз сепиб есанг маза қиласан», дегач, қизча йиғлаб юборади. Агар она бемехрлик билан уришиб берганида қизча бугун бўлмаса эртага бари бир қочарди. Икки соатми ё бир кунми уйдан нари кетарди. Бошқа оилада шунга ўхшаш воқеа содир бўлган: 9 ёшли ўғилнинг ит боққиси келади. Ўртоғидан кучукча ҳам олади. Лекин она бунга йўл қўймайди. «Кучугингни ҳам ўзингни ҳам ҳайдайман», деб пўписа қилади. Кеч кирганда бола хонасига кириб ётади. Лекин кўзига уйқу илинмайди. Кучукча билан бирга ҳайдалишга рози бўлади. Ўрнидан туради-да, ич кўйлақда онасига рўпара бўлиб, «Эрталаб уйингиздан кетаман», дейди. «Кетсанг, ҳозироқ кет», дейди она. Болага шу гап етарли бўлади. Она бу гапни юракдан айтмаган, «Қоронғида қаёққа борарди», деган хаёлда кўрқитмоқчи бўлган эди. Бола онанинг мақсадини тушунармиди? Онасининг танбеҳларидан безган бола ташқаридаги қоронғиликдан кўрқармиди?! Устига кийимини илмасдан шу ҳолича чиқиб кетади. Она шундагина айбини тушуниб етади. Жонҳолатда боласининг изидан югуради. Бола уйга қайтади, аммо она-бола ўртасидаги зиддият анчагача давом этади.

Бошқа бир оилада 12 ёшли бола қочиб кетгач, ота-она ҳаловатини йўқотиб, уни излайди. Она кўз ёшларини тўқади. Эртасига бола қайтиб келади, она уни бағрига босиб, «Энди мени бунақа кўрқитма», деганида бола: «Энди мени қочиб кетишимга мажбур қилманг», деб жавоб беради.

Боланинг табиати жуда қизиқ, ҳатто тушуниб бўлмайдиган даражада зиддиятли. Бир одам хотини билан аразлашиб, ўзини поезд тагига ташлашга аҳд қилибди. Уйдан чиқиш олдида қоғоз халтага егулик солиб олаётганида «Ўладиган одам нон-гўштни нима қиласиз?» деб, хотини ажабланибди. Шунда жонидан тўйган эр: «Нима, поезднинг келишини кутиб, очдан ўлиб қолайинми!» деган экан. Бу-ку, бир латифа. Лекин болаларнинг ҳаётида шунга ўхшаган ҳолатлар кўзга ташланиб туради. Бола ҳар қанча аразласа ҳам, шу уйда олган одоби доирасидан четга чиқмайди. Милиция ходими бир болакайнинг катта кўча бўйлаб қайта ва қайта бориб

келаётганига эътиборини қаратиб, «Бу ерда нима қиялсан?» деб сўрайди. Бола: «Мен уйдан қочиб кетяпман», деб тўғриси айтиди. «Уйдан қочаётган бўлсанг, нега битта жойда айланяпсан?» деб ажабланади милиция ходими. «Аям менга катта кўчадан битта ўзинг ўтма», деб тайинлаганлар», дейди бола ўксиниб.

Ота-онасидан ранжиган бола чинакамига қочишни ўйласа ҳам, икки истак орасида қийналади. Биринчи истаги – қочиш. Иккинчиси ота-онасининг қочишга йўл қўймаслиги. «Агар мени уришаверсангиз, уйдан қочиб кетаман, кейин сиз йиғлайсиз», дейди онасига. Болага жавоб беришдан аввал гапининг оҳангига эътибор бериш, мўлтилаган кўзларига яширинган маънони уқишга интилиш керак. Аслида бола «Сиздан ранжиганим учун уйдан кетмоқчиман, қочишимга қаршилик билдирмайсизми» демоқчидир? Балки «Уйдан кетиш ниятим бор, лекин қочишни истамайман, илтимос, менинг кетишимга йўл қўйманг», демоқчидир? Эҳтимол, аҳдини билдирган бола ота-онасидаги меҳр ва муҳаббатнинг қай даражада эканини аниқлаб олмоқчи бўлгандир? Бола «Жоним, бизни кўрқитма, кетиб қолма», деган жавобни эшитмаса, ундаги «Ота-онам мени яхши кўрмайди», деган нотўғри фикр ҳақиқатга айланмайдими?

Бундай ҳолатга дуч келган ота ва она ғазабланмай, балки бола юрагида туғилган қаршиликларнинг сабабларини аниқлашга уришишлари керак. Адолатсизликка йўл қўйганларини тушуниб етишса, бунинг муолажасини қилиш лозим. Хато ёки камчиликларга қарши туриш учун уйдан қочиш шарт эмас, биргаликда тузатиш мумкин эканлигини болага тушунтира билиш шарт.

Милиция идоралари дайди болаларни ўз ҳолларига қўймайди. Лекин бу борада уларнинг ҳуқуқлари чекланган. Хизмат хонасига келтирилган вояга етмаганлар уч соатгача, адашган ва ташлаб кетилган, шахси ноаниқ ва дайди вояга етмаганлар саккиз соатгача ушлаб турилиши мумкин. Мен қабул қилинган қонунга эътироз билдира олмайман. Чунки биздаги қонун халқаро талаблар асосида ишлаб чиқилиб, қабул қилинади. Биз милиция ходимларидан кўп нарсаларни талаб қиламиз. Аммо қочоқ ва дайди болаларни уч ёки саккиз соат мобайнида қандай тарбиялашлари мумкин, шунга тушунмайман. Улар боланинг ота-онаси топилгунига қадар ушлаб турадилар, ота-онадан дарак бўлмаса, болани бошқа муассасага топширадилар.

Ҳаётда ота-она, оила, жамият эътиборидан четда қолган қаровсиз болалар ота-оналари билан бир хонадонда турмуш кечирсалар ҳам, оилавий алоқалар жуда заифлашган ёки мутлақо барбод бўлган вазиятда яшайдилар. Тегишли қаров ва парваришнинг йўқлиги, ривожланиб келаётган шахс эҳтиёжлари ва манфаатларига бепарволик, ота-оналар томонидан эътиборсиз муносабатда бўлиш қаровсиз боланинг психофизик ривожланишига, ахлоқий тараққиётига жиддий таҳдид туғдиради. Илмий адабиётларда қаровсиз (дайди) болаларнинг қуйидаги тоифалари баён қилинган:



1. Турли хилдаги вазиятлар таъсирида мунтазам кўчада яшайдиганлар. Бир ойдан ортиқ кўчада яшайдиганлар шу тоифага киририлган. Тажриба шуни кўрсатадики, бу тоифадаги болалар шаҳар кўчаларида унчалик кўп эмас. Асосан улар қишлоқ жойларидан, баъзи ҳолларда қўшни республикалардан ишлаб пул топиш ва янги таассуротлар олиш мақсадида келишади. Ўсмирларнинг бошқа бир қисми эса уй-жойсиз қолган, ишлаб пул топишга келган, лекин ҳали ҳеч қаерга жойлаша олмаган ота-оналари билан катта шаҳарларга келиб қолишади. Ота-оналаридан кўра ўсмирлар кўчада яшаш кўникмасини тезроқ орттирадилар: бозорда арава тортадилар, сув, чой сотадилар, автомашиналарни ювадилар. Бироқ кўп ҳолларда улар дарҳол ўғирлик малакасини эгаллайдилар, кўп танишлар орттирадилар, қонунни бузадилар, ўз танишлари томонидан жиддий хавф-хатарга йўлиқадилар. Шундайлардан бири бозорда ўзимга йўлиққан эди. Автомашинамни тўхташ жойига қўйишим билан бўйнига халта осиб олган бола яқинлашиб, одоб билан салом берди. Гапга чечангина экан, «Амак зира олинг, энг яхши зирани мендангина оласиз», деб каминани аврай кетди. Зирани кўриб ёқтирмадим, «Қарға чўқиган зирани мақтама», деб танбеҳ берган бўлдим. Бола гапираётган машина ичини кўздан кечираётганини сезсам ҳам, аҳамият бермаган эдим. Бозордан чиқиб қарасам, эшикни очиб, портфелимни ўғирлаб кетишибди. Бола ўғирларнинг югурдаги экан. Портфелимдан пул олганимни кўриб, катта акаларига дарров хабар қилибди. Зира сотувчилик унинг ниқоби экан. Бир неча ойдан кейин уларни бошқа бозорда қўлга олишди. Мен бу воқеани «Иблис девори» деб номланган китобда, сўнг кинофильмда баён қилиш билан чекландим, эҳтимол танишгандирсизлар.

2. Вақти-вақти билан кўчада яшайдиганлар. Бу болаларнинг кўчадаги ҳаёти бир неча кундан бир неча ҳафтагача чекланган. Ушбу тоифадаги болалар ота-оналарининг сурункали ичишидан кўчага чиқиб кетадилар, «Меҳрибонлик уйи» деб аталувчи муассасадан қочган етим болаларнинг кўчаларда юриши тарбиячи билан низонинг бартараф қилинишига ёки милиция идоралари ходимлари томонидан аниқланиб, «Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари»га олиб боришга қадар давом этади.

Бу тоифадаги қаровсиз болалар эркин турмуш тарзини танлаган, кўпчилиги интернатлар, меҳрибонлик уйларидан қочганлар, кам ҳолларда «уй болалари» учрайди. Маст қилувчи ичимликлар ва афюн моддалар истеъмол қилиш бу тоифадаги ўсмирларни бир-бирларига узвий боғлаб туради. Гуруҳнинг асосий мақсади ва фаолияти афюн топиш йўлларини қидириш; қаердан ва қандай усулда топиш муаммосини ҳал қилишгач, қаерда ва қай усулда истеъмол қилиш масаласини ечишга киришадилар. Улар учун атрофда ҳеч ким ва ҳеч нарса йўқ. Бошқача айтганда, улар аста-секин жамият билан алоқани батамом узишади ва мунтазам кўчада яшовчилар гуруҳига қўшилишади. Айтиш жоизки, кўча гуруҳлари ўзини ўзи таъминлай олади ва йирик шаҳарларда озиқ-овқат, ту-

наш учун жой билан таъминловчи етарли даражада яхши уюшган тизимга эга. Шу сабабли уларни тўғри йўлга тортиш анча мураккаб. Бу болаларнинг асосий пул топиш йўллари – тиланчилик, машина ювиш, бозорларда ўғирлик қилиш... Охир-оқибат уларнинг руҳиятида жиноятдан тап тортмайдиган хулқ-атвор шакллана бошлайди. Дастлабки қадамларда тиланчилик қилиш иснод эмас, улар учун оддий юмуш ҳисобланган бўлса, орадан кўп вақт ўтмай, қотиллик ҳам шундай осон ишга айланиб қолади.

3. Уйда яшайдиган (тунайдиган), лекин ўз эҳтиёжларини кўчада қондирадиган болаларни шаҳар кўчаларида, мактабларда учратиш мумкин. Аслида уларни қаровсиз деб бўлмайди. Чунки улар уйда яшайди ва уларнинг ота-оналари бор. Улар уйларига қайтишганда ота-оналари билан мулоқот қилишмайди. Ўзлари хаёлан қурган ҳаёт чайласида яшаб, ўзларининг маънавиятларини ўзлари билган ҳолда шакллантираверадилар. Айнан шу ўсмирлар ҳуқуқбузарлар, психотроп моддаларни истеъмол қилувчилар сафида милиция ходимлари назарига тушиб қоладилар.

Кўча болалари келгусидаги ҳаётларини тасаввур эта олмай иккиланишади. Бунинг оқибатида бола ўзини қандай бўлса шундайлигича қабул қила оладиган, ўзини тан оладиган ва ҳурмат қиладиган инсонни танлайди. Кўпинча бу инсон криминал ўтмишга эга ёки бирон-бир норасмий гуруҳ аъзоси бўлиши ҳам мумкин.

Қаровсиз қолдирилган болалар кўп ҳолларда «кўча болалари»га айланадилар. Айрим кўча болалари эса турли хилдаги психотроп моддаларни истеъмол қилишади. Кўпчилиги чекади, 8-14 ёшдагилар токсик (заҳарли) моддалар (ўткир ҳидли елим, бўёқ, бензин) қабул қилади. Шу тарзда аста-секин спиртли ичимликларга, сўнг эса афюн моддаларига ўтишади. Бу жараёнларни босиб ўтган ўсмирларни тўғри ҳаётга қайтариш амри маҳол бўлиб қолади. Бу жараённи «Жувонмарглик йўли» деб аташ тўғрироқ бўлади.

Боланинг ўзини кераксиз деб ҳис қилишига қуйидагилар сабаб бўлади:

а) болани доимий равишда танқид қилиш, камситиш, унга нисбатан умуман ижобий баҳо бермаслик;

б) болага ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан жисмоний-руҳий зўравонлик қўлланилиши;

в) ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан боланинг мантиқан фикрлаши, ўз фикрини айтишга тўсқинлик қилиниши;

г) оила ва мактабда боланинг муваффақиятсизликлари учун доимо айбланиши, у тушкунликка тушган вақтда маънавий-руҳий далда берилмаслиги;

е) оила, мактаб ва тенгдошлар орасида боладаги физиологик ва психологик камчиликлардан кулиш;

ж) ота-она томонидан болани моддий жиҳатдан таъминламаслик, яъни боланинг тенгдошлари орасида юпун кийиниши ёки очнаҳор юриши...

Энди бу сабабларга кенгроқ назар ташлайлик:

Бола биринчи марта уйдан қочганда ота-онага дунё қоронғи бўлиб кетади. Уларнинг (айниқса онанинг) руҳий азобларини тасвирлашга қалам ожиз. Уларнинг қалб азобларини бу дардга яқин одамгина ҳис қилиши мумкин. Ота-онани бир томондан «Болам ўликмикин-тирикмикин» деган хавотир исканжага олади, иккинчи томондан атрофдагилардан уялишади. Кўчага чиққан маҳалларида учраган бола кўзларига ўз фарзандлари бўлиб кўринаверади ва қалб ярасини тирнайверади. «Болам нима учун уйдан қочиб кетди?» деган савол уларда кейинроқ уйғонади ва жавоб топиш жараёнида айбни кўпроқ боладан излашади. Ота-онанинг бу азобларига бевош бола айбдор, деймиз. Ўйлаб кўрайлик-чи, балки ота-онанинг ўзи айбдордир? Ота-она боланинг ҳар бир ҳаракатини кузатишга ўзини масъул ҳисоблайди ва назоратни кучайтирса кучайтирадики, сусайтирмайди. Назорат сусаймаган экан, бола қандай қилиб қочди? Аслида қочиш бола учун муаммо эмас. Уйда қулфланган эшикни бузиб қочмайди. Эрталаб ўқишга кетади-ю, бу ёнига билганини қилаверади (Иккинчи, учинчи қочишидан кейин «уй қамоғига» олинганда эшикни бузишдан ҳам қайтмайди). Шундай экан, **«Қандай қилиб қочди?»** эмас, **«Нима учун қочди?»** деган саволга жавоб топиш керак. Ота-она яқинларига ҳасрат қилганида: «Кўнглига қарардим, сўраганини олиб берардим, уйдан бездирадиган сабаб йўқ эди», дейди. Бола эса кўчада топган ўртоқларига қочиш сабабини тушунтиришда ота-онасини ёвуз, шафқатсиз, қизғанчиқ... деб тушунтиради. Бир воқеа юзасидан икки томоннинг фикрларида зиддият бор. Бу зиддият «масъулият» деган тушунчадан бошланади. Яъни, ота-она боласининг тақдирига масъул, бу исбот талаб этилмайдиган ҳақиқат. Айни чоғда бола ҳам ўз ҳаёти ва тақдири учун масъул. Бунини ота-она тан олмайди ва болага бу ҳақда тушунча бермайди. Бола ҳар бир ҳаракати учун жавоб бериш масъулияти мавжудлигини билмаса, уни қанақасига назорат қилиш мумкин?

Фарзандининг хулқида ўзгариш сезган ота ва она назоратни ҳаддан ошириб юбориш ўрнига бола тарбиясига доир масъулиятини озгина ислоҳ этса қандай бўларкин? Яъни, зиммасидаги масъулиятнинг бир қисмини фарзанди зиммасига юклашнинг натижаси ижобий бўлармикин? Масалан, яхши ўқишдан аввало боланинг ўзи манфаатдор. Болаликда эгаллаган билимининг келажақдаги ширин меваси аввало ўзига буюради. Демак, бу соҳадаги асосий масъулият боланинг зиммасида бўлиши мантиқан тўғри. Лекин ота-она масъулиятини болага ўтказиш жуда нозик жараён. «Керак бўлса, ўқи, энди мен ишингга аралашмайман», деб шартта кескин қарор қилиш масъулиятни ўтказиш эмас, болага ўзбошимчалик дарвозасини ланг очиб бериш бўлади.

Ўсмир ёшига етган фарзандимизни «Ўқишга вақтида бор», «Вақтида дарс тайёрла», деб уришавермай, муомалани ўзгартирсак-чи? Масалан, мана бундай:

«Ўғлим (ёки қизим) кеча **мен** «Ўқишга борасан!» деб сени зўрладим. Ўтган куни дарсдан қолганингда аввалига **менинг** жаҳлим чиққани рост. Лекин **менинг** ташвишга тушганимни сен сезмадинг. **Мен** ҳатто «Ўқишингда бирон ноҳуш воқеага аралашиб қолдингмикин?» деб қўрқдим ҳам. **Мен** кечаси билан ухламай шуни ўйлаб чиқдим. **Мендан** хафа бўлишинг тўғри экан. Ўқишга бориш-бормаслигинг ўз ихтиёрингда экан, **менинг** аралашувим, зўрлашим ақлдан эмас экан. Чунки яхши ўқисанг, ўзингнинг мартабанг улуғ бўлади. Одамлар орасида обрўйинг ошади. Тўй-ҳашамга борсанг ҳам, сени алоҳида ҳурмат билан кутиб олишади. Қадимги дунёдан то ҳозирга қадар илмми одамларнинг обрўлари халқ орасида анча баланд бўлиб келган. Одамлар олимларнинг номларини табаррук деб ҳисоблаб, минг йиллардан бери эъзозлашади. Ўқишга муносабатингни ўзгартирсанг, коллежни битириб, истасанг Англияда, истасанг Хитойда ё Японияда билим олишинг мумкин. Шундай юраверсанг, ўзинг биласан. Илмсиз, ҳунарсиз одамларнинг аҳволини кўриб тургандирсан. **Мен** ўйлаб қарасам, бу икки йўлнинг афзалини танлашга ўзингнинг ақлу фаросатинг етар экан. Шунинг учун энди **мен** сенинг ишингга аралашавермайман. Лекин четдан кузатиб тураман, **мен** ютуқларингдан қувонаман. Агар зарур бўлиб қолсам, агар ўзинг илтимос қилсанг, **мен** қўлимдан келганича, ақлим етганича ёрдам бераман».

Эътибор берган бўлсангиз, «мен» олмоши ўн бир марта ишлатилган. Жумлаларда сўроқ ёки ундов белгиси йўқ. Нутқингиздаги мана шу оҳанг «Нега ўқишга бормадинг?!» деб бақиришингиздан кўра кўпроқ ижобий натижа беради. Сўроққа тутилган бола жавобни ҳаяллатмайди, албатта бирон баҳона топиб, ота-онани алдаш пайида бўлади.

«Мен» олмошининг ўзгачароқ оҳанги ҳам бор:

«**Мен** ўқишингга аралашмайман, қандай ўқисанг, ўқийвер, лекин **мен** санқиб юришингга йўл қўймайман».

«**Мен** дарсдан қочиб дайди ўртоқларингга қўшилишингни истамайман».

«**Мен** зиммангдаги вазифангни бехато бажаришингни талаб қиламан».

«**Мен** боқиманда, текинтомоқ бўлиб улғайишингни истамайман».

Оиладаги мунозаралар чоғида юқоридаги эмас, кейинги муомага кўпроқ гувоҳ бўламиз. Баёнда мен ҳар бир гапнинг охирига нуқта қўйдим. Аслида ундов белгиси қўйишим керак эди. Чунки бу гаплар фармон оҳангида, эътирозга, изоҳга ўрин қолдирмайдиган тарзда айтилади.

Менга маслаҳат сўраб мурожаат қилган ота-оналарга юқорида баён этилган муомалани тавсия қилганимда, кўплари эътироз билдирдилар:

«Нималар деяпсиз, болани назоратсиз қолдириб бўларканми?!»

«Боламни ўз ҳолига қўйсам, қандай балоларга учаркин?»

«Демак, мен тарбиячилик масъулиятимдан воз кечишим керакми? Ҳеч қачон!»

«Мен боламнинг тақдири учун жавоб бераман!»

«Агар мен сиз айтган йўлни тутсам, болам бошимга чиқиб олади. Истаган номаъқулчилигини қилаверади»...

Таклифим катталарга маъқул бўлмади. Психотерапевтлар таъбири билан айтилганда, «Назоратни топшириш» жараёни оғир вазифа. Шунинг учун ҳам эътирозларни кутган эдим. Бир томон масъулиятининг озгина улушини боласига ўтказишдан норози, иккинчи томон-чи, қабул қилишга тайёрми? Тасаввур қилайлик, ота-она боласига ширин гапириб, масъулиятдан воз кечишини билдирди. Бола бирданига қувониб кетадими? Йўқ, ажабланади. «Рост гапиряптиларми? Нега бундай қилмоқчилар? Мени синаяптиларми? Жонларига тегдимми? Уйдан чиқиб кетсам ҳам индамайдиларми?» каби саволлар исканжасида қолади. Дарров жавоб бермайди, эҳтимол умуман индамас, муносабатини билдирмас. «Ота-онамнинг менга меҳри йўқ», деган гумонда юрган бола эса бу гаплардан кейин шубҳасининг ҳақиқат эканига ишонади.

Эркинликка доир масалани ўрганиш жараёнида болаларни икки тоифага ажратиб кузатган маъқул: ўсмирларнинг кўпчилиги ҳаётда ўзининг мустақил ўрнини эгаллашни истайди, эркинликка интилади. Озроқ қисми эса бу эркинликдан чўчийди. Ота-онасининг иссиқ бағридан чиқишни истамайди. Бу худди қафасга қайтиб кирган арслон тақдирини эслатади. Испанларнинг оламари машхур адиби Сервантеснинг «Дон Кихот» асарида шундай воқеа баёни бор: циркда томоша кўрсатувчи арслон озодликни умид қилади. Кенгликлар, ўрмонлар бағрида эркин равишда югуриб юриш орзуси билан яшайди. Иттифоқо, кунларнинг бирида қафаснинг эшиги очиқ қолиб, у шодланиб, эркинлик сари отилиб чиқади. Лекин озодликдаги ҳаётнинг бошига солган кулфатларига чидай олмай, ўзи қафасига қайтади. Бу масаланинг моҳиятини болалар дарров англай олишмас, аммо ота-оналар яхши тушунишлари лозим.

Агар масъулиятни узатиш таклифи ота-онага маъқул бўлиб, фарзанди билан гаплашса, унинг кескин ёки эътиборсиз муносабатидан ажабланмаслик, айниқса ранжимаслик, сўроқ гапларни бошлаб юбормаслик керак. Гапини қандай хотиржам оҳангда бошлаган бўлса, юраги така-пука бўлиб кетса ҳам, ўша оҳангни сақлаб қолиш керак. Бизнинг бу тадбиримиз ўзига хос бир тажрибадир. Тажриба натижаси эса кутилмаган бўлиши табиий.

Ота-онанинг ҳолати каминага бегона эмас. Таваккал ва тажриба дегани жарликнинг музлаган қирғоғида юришдек бир гап. Ўзининг зиммасидаги масъулиятни боласига ўтказишни хоҳламаслиги фарзандига ишонмасликда ёки тажрибанинг ёмон натижа билан тугашидан кўрқишидагина эмас. Гап шундаки, ҳар бир ота-она ўзини яхши ва бошқаларга ибрат бўладиганлар сафида кўришни истайди. Бу сафдан жой олиши учун фарзанди «Ота-онангга раҳмат!» деган миннатдорлик сўзларини кўп эшитувчилар сафида бўлиши керак. Ота-онага биров: «Сенинг масъулиятинг мана бу ишлардан иборат», деб буюрмаса ҳам, билими, дунёқараши, таж-

рибаси, имконияти, мантиқан фикрлай олиш қобилиятига қараб ўз вазифаларини ўзи белгилайди:

«Фарзандим ҳар томонлама камол топиши учун унга керакли шароитларни яратиб беришим баробарида бу шароит ва имкониятлардан қандай фойдаланаётганини назорат қилиб боришим шарт».

«Одам ҳалолликни четлаб ўтиб, ёлғончиликдан нафратланмай туриб, камолга эриша олмаслигини боламга яхшилаб тушунтиришим керак. Эртага бир тишлам нонни ҳалол йўл билан топса, одамлар ҳурматига сазовор бўлади, менга ҳам раҳмат эшиттиради. Одамлар орасида ўзини қандай тутишини, билим олишга муносабатини кузатиб туриб, тўғри йўлдан сал четга чиқса, чора кўриш менинг бурчим. Бу бурчни бажаришни ўзимдан бошқа ҳеч ким ўз зиммасига ололмайди. Олган тақдирда ҳам, менчалик чиройли равишда адо этолмайди...»

«Боламнинг раҳбари менман, у эса менга тобе. Бошқача бўлиши мумкин эмас».

«Худо кўрсатмасин, агар боламнинг бошига бир ташвиш ёки кулфат тушса, уни менгина қутқара оламан».

«Боламнинг бахти учун мен жонимни ҳам беришга тайёрман. Унинг камол топиши учун мен ҳамма нарсамдан воз кечаман. Унинг ҳаётда гўзал ўринга эга бўлиши, менинг эга бўлишимдан муҳимроқ».

«Боламни ҳар қандай кулфатдан фақат менгина ҳимоя қила оламан. Шунинг учун ҳамиша сергак туришим керак. Ҳар қандай хатарни энг аввало мен сезишим ва йўлига тўсиқ қўйишим шарт».

«Боламни турли хатоликлардан, омадсизликлардан, кўнгилсизликлардан, руҳий азоблардан асраш менинг биринчи галдаги вазифам. Зиммамдаги оталик (оналик) вазифаларимни бажара олмасам, ўзимнинг бошимга кулфат ёғилишини бир нафас ҳам унутмаслигим зарур»...

Дунёдаги жуда кўп ота-оналар бурчларини шу тарзда белгилаб, тарбия ишларини юритадилар. Кузатувлардан маълумки, бурчларни бу тарзда белгилаш ва адо этиш ёмондан кўра кўпроқ яхши натижалар беради. Ота-она боласидаги салбий ўзгаришларни сезиб ташвишга тушдими, демак, ўз бурчларини яхши англаган экан.

Мутахассисларнинг узоқ йиллик кузатувлари натижаси ўлароқ юзага келган, илмий асосга эга тавсиялар қайсидир ота-онанинг тарбия ишларида қониқарли ҳосил бермаган бўлса, дарров чекинмаслик керак. Тарбия ишларининг қайси нуқтасида камчиликка йўл қўйилганини аниқлаш ҳаракатида бўлган дуруст. Қайсидир ҳолларда ота-она қандайдир ҳаракати ёки гапи билан боланинг нафсониятини камситиб қўйганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ота-она қанчалик ақли ва тажрибали, билимли бўлмасин, фарзандининг ғурури билан ҳисоблашишга мажбур.

«Сен ҳеч бир ишни мустақил бажара олмайсан. Сени отанг (онанг) ҳамиша етаклаб юриши керак. Сен ҳаёт ҳақида фикр юритишинг шарт эмас. Сен учун ота-онанг ўйлайди. Хатога йўл

қўйсанг, сен айбдор эмассан...» Ўсмирнинг хаёлига бу хато фикрлар ўз-ўзидан қўйилиб келмайди. Балки бу ота-она тарбиясидаги хатоликнинг натижаси. Агар бу фикрлар ўтқинчи эмас, бола онгини эгаллаб олган бўлса, хатолик энди жиноятни туғдиради.

Беш ёшли боламизга «Велосипединг билан катта кўчага чиқмайсан», деймиз. Ўн бешга етганида «Фалончи билан ўртоқ бўлмайсан, у милиция назоратида экан», деймиз. Ҳар икки ҳолатда фарзандимизни хатардан ҳимоя қилган бўламиз. Велосипеда кўчага чиқадиган болакай дуч келадиган хатар билан 15 ёшли ўсмир олдидаги хатар бир хил эмас, биринчиси иккинчисидан хавфлироқ. Милиция назоратига олинган ўртоқдан ҳеч қандай хатар бўлмаслиги ҳам мумкин. «Мен учун ота-онам ўйлайди» деб ишонган ўсмир бу талабга осонгина кўнади.

Фарзандига мустақилликни бермасликка интилувчи ота-онанинг мақсадини яхши тушунаман. Улар кўчада юз бераётган фожиалардан қўрқишади. Болалар ва ўсмирларнинг безори тенгдошлари томонидан калтакланаётгани, катталар томонидан зўрланаётгани, ҳатто ўлдирилаётгани ҳақида баъзан даҳшатли мишмиш, баъзан чин хабарларни эшитиб, кўриб туришибди. Италия ёки Испанияда содир бўлган фожа ҳақида эрталаб «Евроньюс» хабар тарқатса, уни эшитган тошкентлик пешинда чойхонадаги улфатларига «кўпиртириб» етказди. Уни чала-чулпа эшитганлар ёки аравани қуруқ олиб қочишни хуш кўрадиганлар эртасига эрталаб шундай воқеа Тошкентнинг Сергелисида содир бўлганини айтиб, ўз кўзи билан кўрганига қасам ҳам ичиши мумкин. Шунақа ваҳимали гапларни эшитиб турган ота-она 13-14 ёшли фарзандини ўз ҳолига қўйиб, кўчага чиқариб юбориши мумкинми?

17 ёшли қизнинг ота-онаси ундан норози. Барча оилаларда учрайдиган ўша гап: қайсар, гапга кирмайди, ўқишдаги баҳолари ҳам пасайибди, телефонини текшириб қарашса, ўғил болалар СМС юборадиган бўлишибди. Қиз ўзини ўзи таъминлаш мақсадида дарсдан бўш вақтларида ошхонада ишлай бошлаганида ота-она ва фарзанд ўртасидаги зиддият кучайган. Ота-она унинг ишдан бўшаб, яхши ўқишини талаб қилишган ва 23 ёшдаги катта қизларини намуна қилиб тилга олганлар. Тўнғич қиз ўсмирлик ёшида ота-онасини бунақа қийин аҳволга солмаган. Улар нима дейишса, қулоққа олган ва талабларига тобе бўлган. Олий маълумот олган, аммо бир жойда узоқ ишламайди, кўпроқ уйда, онасининг ёнида бўлишни истайди. Турмушга чиқмаганининг сабаби: бўлажак куёвни у танламайди. Онасига совчиларнинг битта гапи ёқмаса бас, рад жавоб берилади.

Баъзилар катта қизнинг одобини мақташлари мумкин. Лекин кичик қизга нисбатан унинг ҳаётда ўз ўрнини топиши қийинроқ. Чунки шу пайтгача у учун ота-онаси ўйлаган, қарор чиқарган. У ижрочи, ундаги ижодий ҳаракат сўндирилиб, йўқ даражага туширилган. 17 ёшли қайсар қиз ота-онаси билан муроса қилолмай уйдан кетиб қолиши, кўнглига ёққан биронтасига турмушга чиқиши,

ўқишни давом эттирмаса ҳам, ҳунар эгаллаб, ҳаётда ўз ўрнини топиши мумкин. Ўз онги қувватига ишонмаган, ношудлик даражасига тушиб қолган 23 ёшли қиз эса 30 ёшида ҳам, ҳатто ундан кейин ҳам шу ҳолда қолиб, ҳаётда кўп қоқилиши мумкин.

Болани уйдан бездирадиган яна бир нарса ҳаддан ташқари чеклашдир. «Мумкин эмас», деган тақиқни чақалоқ ҳали тили чиқмасидан олдин эшитади. «Мумкин эмас» деган тушунча одамга худди соя каби эргашиб юради. Чақалоқ онасининг қулоғидаги зиракка, бувисининг ялтироқ кўзойнагига талпинса, қўли қайтарилади. Гўдаклик чоғида фарзанд куйиб қолмасин ёки тугмачани ютиб юбормасин ёки қўлига игна санчилмасин деган хавотирда «мумкин эмас» дейилади. Бола улғайгани сайин «мумкин эмас»нинг доираси кенгайиб бораверади. Буларда ҳам хавотир зоҳир бўлади. «Ўғирлаш мумкин эмас», «Муштлашиш мумкин эмас», «Чекиш, ароқ ичиш мумкин эмас», «Сўкиш мумкин эмас»... Бола «Мумкин эмас»ларнинг чегарасини бузиб чиқса, қамалади ёки бошга яна қандайдир бало орттириб олади. «Мумкин эмас»нинг узун йиллардаги йўлини кузатсак, қари одамлар учун ҳам турли тақиқлар мавжуд. Қари ота-оналарининг бетобланиб қолишидан хавотирда бўлган фарзандлар врачларнинг тақиқларини ошириб бажарадилар: қалампир, шўр бодринг истеъмол қилиш мумкин эмас, қўй гўшти солинган палов ейиш мумкин эмас, қаҳва ичиш мумкин эмас... Агар қария бу тақиқларни четлаб ўтгани, парҳезни бузгани сабабли хасталикка чалинса, фарзандлар ҳам, врачлар ҳам айбдор бўлмайди. Айб интизомсиз қариянинг ўзида.

Бола шакарни сочиб ўйнашни, қошиқчаларни отишни ёқтиради. Она дўкондан гуруч олиб келиб, гилам устига қўйди-да, шошганича бир иш билан чиқиб кетди. Икки ёшли болакай қоғоз халтани очиб, гуручни сочиб ўйнади ва бу ҳаракатидан олам-олам завқ олди. Қайтиб кирган она буни кўрди ва... боланинг қўлига урди. Бу билан гуручни сочиш мумкин эмаслигини тушунтирмоқчи бўлди. Аслида айб онанинг ўзида эмасми? Гўдак гугурт ёқса-чи? Электр асбобларни ўйнаса-чи? Буларга боланинг онгсизлиги эмас, катталарнинг нодонлиги сабабчи.

Бола мактабда ёмон ўқиса ёки тўполончи бўлса, дарслардан қочса, муаллим ота-онасини чақиради. Нохуш суҳбатга асосан оналар борадилар. Фарзандининг аъло ўқиши, аъло хулқи учун раҳмат эшитиш истагида юрган онанинг аҳволини тасаввур этайлик. Тўғри, муаллимнинг шикоятчи ҳали фожиа эмас. Муаллимнинг шикоятларига ўрганиб қолган ота-онани милиция идорасига чақиришса-чи? Ёки суддан чақирув қоғози келса-чи? Мактабга чақирган муаллим билан таллашиб-тортишиш, ҳатто уни ҳақорат қилиш мумкин эди. Терговчи хонасида, сўнг суд жараёнида жиноятга тегишли ашёвий далилларни кўрган ота-она мактабга чорлангандаги қилиқларини эслармикин? Муаллим билан тортишмай, аксинча, тарбия ишларини у билан биргаликда олиб борганида бу аянчли чорловларга дуч келмасмиди...



Деярли барча ота-оналар фарзандларини дарс тайёрлашга мажбур қиладилар. Лекин ҳеч бир бола мажбурланиши оқибатида дарс тайёрламаган. Отаси ёки онасининг нари кетиши учун ўзини дарс тайёрлаётгандай қилиб кўрсатган холос. Бир оилада эрталаб эр-хотин гап таллашиб, асаблари бузилган. Бундай ҳолатнинг давомини мен айтмасам ҳам, ўзингиз тасаввур этасиз: эр тўнғиллаб-тўнғиллаб ишга кетади, хотин минғирлаб-минғирлаб уйда қолади. Жабрни эса бола тортади. Асабийлашган хотин иккинчи синфда ўқийдиган боласига дарс тайёрлашни буюради. Биринчи синфнинг биринчи кунидан бошлаб ўқишни истамаган бола бу сафар ҳам қўлига китоб-дафтар олмаганда онадаги асабийлик ғазабга айланади. Боланинг қўлидаги ручкани тортиб олиб, панжасига санчади. Бола ҳам оғриқдан, ҳам қўрқувдан додлаб юборади. Боласининг қўлида қон кўрган она ҳам қўрқиб кетади. Ярани боғлайди, боласини эркалайди ва... бугунги дарс тайёрлаш азобидан озод этади. Эртасига «Дарс тайёрла», деб буюргани ҳамон бола итоат билан қўлига китоб олганда кечаги «тарбияси» яхши самара берганидан қувонади. Билмайдик, бола ўқишни истагани учун эмас, кечаги жазо такрорланишидан қўрқиб китоб варақлайди. Қарийб бир соат давомида битта китобнинг бир саҳифасига тикилиб ўтираверади. Бу манзара эртасига ҳам, кейинги кунлар ҳам такрорланиб, одат тусига киради.

Кўча ҳаракати қоидаларига қарасак, торроқ кўчаларда автомашиналар фақат бир йўналишга қараб юрадилар. Ўсмирлар тарбиясига бу қоида тўғри келмайди. Ҳаракат икки томонлама бўлиши шарт. Яъни бир ҳаракат – ота-онанинг ҳуқуқи ва бурчи, иккинчи ҳаракат – боланинг ҳуқуқи ва бурчи. Кўча ҳаракати қоидаси бузилса, ҳалокат юз беради. Қарама-қарши йўналишдаги ҳуқуқ ва бурчлар тўқнашганда ҳам оила ҳаловати бузилади. Бизнинг оилаларимиздаги тарбия тор кўчадаги бир йўналишли ҳаракатни эслатади. Бу кўчалар узун бўлмайди. Истаймизми, истамаймизми, икки йўналишли катта кўчага чиқишга мажбур бўламиз. Баъзи давлатларнинг қонунчилигида шу масалага алоҳида эътибор бериб, тўғри ҳал қилинган. Қонунга кўра, ота-она болага бошпана бериши, боқиши, ўқишга шароит яратиш бериши шарт. Қонуннинг иккинчи бандида боланинг мактабга интизом билан бормоғи, яхши ўқишга интилиши, ота-онаси ва устозларининг адолатли талабларини бажариши белгиланган. Бизда ҳам ота-она ва фарзанд бурчи белгиланган қонунлар мавжуд. Лекин уларда боланинг ўқишига доир бурчлари кўрсатилмаган. Ота-она бурчини бажармаса жазоланади. Боланинг зиммасида эса бундай мажбурият йўқ. Дарслардан қочаверса, ёмон ўқиса жазоланмайди. Наридан борса, милиция назоратига олиб қўйилади. Жамоат тартибини бузса, бирон дўконнинг ойнасини синдирса, жавобгар – ота-она жарима тўлайди. Мен буни адолатсизлик деб билмайман. Ота-онанинг фарзанди хулқи учун жазоланиши бола тарбиясида йўл қўйган ҳаттоликлар учун берилган «мукофотдир».

Кўп оилаларда болалар истаган пайтда овқатланишади. Очиққанларида ошхонага кирадилар-у, қўлга илинган нарса билан қоринларини чала-чулпа тўйғазадилар. Ёки нонушта болаларнинг уйқудан уйғонишларига қараб, эрталаб 8дан 10га қадар давом этади. Сарёғ эриб, дастурхон усти икки соат давомида ивирсиб, пашша босиб туради. Бу одатни кўча ҳаракатидаги бир томонлама йўналиш, деб белгилайлик. Кунлардан бир кун отанинг (кўпроқ онанинг) жонига тегади-ю, «Пешин соат бирда ҳаммамиз биргалашиб овқатланамиз», деб қарорини эълон қилади. Демак, икки хил йўналишдаги кўчага чиқади. Лекин фарзандлари бунга кўниқишмаган. Пешинга қадар чидай олмасдан, соат ўн иккиларда ошхонага кириб-чиқаверадилар. Бундан ғазабланган уй бекаси «Ҳой, нафсинг бунча бузуқ бўлмаса», деган маънода норозилигини ифода этади. Ўсмирга бу малол келади. «Онам бир парча колбасани қизғаняпти», деб ўйлайди-ю, бир тишлам тишлаган колбасани стол устига отади. Соат бирда онасининг зўри билан дастурхон атрофида ўтирса ҳам, таомга қўл узатмайди. Шунда она (ота) «Борларинг, нима қилсаларинг қилаверларинг», деб яна бир томонлама йўналишга қайтиши керакми ё кечикиб кашф этилган икки хил йўналишдаги ҳаракатнинг моҳиятини тушунтира бошлаши керакми? Жаҳл билан қўл силташ осон. Бу билан болага бепартиб ҳаёт кечириб дарвозаси очиб берилади.

Болаларни ўз уйларидан бешишлари сабабларини ўзингиз мендан яхшироқ биласиз. Мен уларнинг айримларинигина баён қилдим. Азиз оталар ва оналар, меҳрибон мураббийлар-устозлар, уйдаги ва мактабдаги тарбия ишлари билан чекланиб қолмасангиз, янада яхши бўларди. Биз касбимиз, ёшимиздан қатъи назар, бир-биримизга насиҳатчимиз. Айниқса, фарзандлар тарбиясига доир билганларимизни, таҳлил натижасида юзага келган хулосаларимизни бир-биримизга айтишимиз керак. Ҳар турли давраларда «Вой, эшитдингизми, Фалончининг ўғли уйдан қочиб кетганмиш», деган хабар қулоғимизга чалиниб қолади. Ана шундай ҳолларда бу борадаги тарбия ишлари ҳақида фикрлашсак, нур аланнурдир.

## **ОЛТИНЧИ БОБ**

### **СУИЦИД**

Боланинг уйдан қочиб кетиши ёки қамалиб қолиши оиланинг фожиаси. Лекин бу фожиани ўткинчи, деб ҳисобласак ҳам бўлади. Чунки уйдан қочган бола бугунми, эртагами изига қайтади. Қамалган бола ҳам жазо муддатини ўтагач, озодликка чиқади. Оила бошига ёғадиган бир бало дўли борки, буни ҳеч қайси фожиага таққослаб бўлмайди. Боланинг ўз жонига қасд қилиши айрилиқда қолган оила аъзолари учун муолажаси йўқ азоб ҳисобланади. «Ўз жонига қасд қилиш» деб номланувчи бу фожиа расмий тилда «суицид» деб аталади. Бу ҳақда аввалги бобларда қисман сўз юритган эдим. Энди масалага чуқурроқ ёндашиш вақти етди.

Соғлиқни сақлаш халқаро ташкилотининг маълумотиغا қараганда, ҳар йили дунёда 1 миллиондан зиёдроқ одам ўзини ўзи ўлдирар экан. Бу ҳар дақиқада бир одам жонига қасд қиляпти, деганидир.

Расмий маълумотларга қараганда, дунё бўйича ҳар 100 минг боладан 16 ўсмир жонига қасд қилаётган экан. Бу борада Россия дунёда биринчи ўринда экан. Тергов қўмитасининг маълумотиغا қараганда, Россияда йилига 500га яқин ўсмир ўзини ўзи ўлдирар экан. Украинада эса ҳар 100 минг боладан 35таси жонига қасд қиларкан. Дунё таҳлилчиларининг фикрича, бу рақам 20дан ошса, жамият учун катта фожиа саналаркан. Кейинги 15 йилда катталар ўртасидаги суицид нисбатан камаяётгани, ўсмирлар орасида эса ошаётгани кузатиляпти. Ёшга нисбатан олинса, 10-14 ёшлилар орасида ҳар 100 боладан учтаси, 15-19 ёшлилар орасида эса 17 ўсмир жонига қасд қилар экан. Бу борада Россиядаги вилоятлар орасида ҳам ғалати фарқ мавжуд: Шимолий Кавказ вилоятларида ҳар 100 мингдан 3-4 бола, Сибир ва Узоқ Шарқда эса 70-80 (!) суицид тўғри келаркан.

Кузатишлардан маълум бўлишича, қизларга нисбатан ўғил болаларнинг ўлими 4-5 марта кўп экан. Лекин қизлар орасида жонга қасд қилишга уриниш ўғил болалардан 3 баробар кўп экан. Жонга қасд қилишни болалардаги руҳий хасталикка боғлайдиганлар ҳам бор. Лекин кузатувлар бошқа манзарани кўрсатади: жонига қасд қилганларнинг 70 фоизи ақли расо болалар. Энг ажабланарлиси, уларнинг 60 фоизи ўзига тўқ, яхши оилаларнинг фарзандлари. Ўзини ўлдирган болаларнинг 47 фоизи оиладаги келишмовчиликдан бешиш оқибатида, 14 фоизи дўстлари билан жанжаллашиш ёки муҳаббат можароси туфайли жонига қасд қилган. Суициднинг турлари ҳам хилма-хил: заҳарланиш, томирни кесиш, баланд иморатдан ташлаш, ўзини ёқиш, осиш, поезд тагига ташлаш...

Олимлар суицидни яширин, ҳақиқий (чинакам) ва намойишкорона деб уч хилга ажратишади. Яширин суицидда ўсмир ўзига ўзи жабр қилиб роҳатланишни ўйлайди. Унинг назарида жонига қасд қилиш қаҳрамонона бир ҳаракат. Бу ҳаракат оқибатда унинг жонига ҳақиқий ором бахш этибгина қолмай, ўлимидан сўнг мангу обрў ҳам беради. Чинакам суицид бирданига юз бермайди. 6-7 фоизигина тўсатдан юз берган нохуш воқеа туфайли, ғазабдан ёки аламдан бўлади. Руҳшунос олимлар томонидан ўтказилган суҳбатларда маълум бўлишича, 85 фоиз ўсмир бир марта бўлса ҳам ўзининг жонига қасд қилишни ўйлаб қўяди. Бу аҳд эмас, шунчаки чақмоқ нури каби хаёлни ёритиб ўтади-ю, ўчади. Бола қийинроқ аҳволдан қутулиб кетиш йўларини излаётган онларида нажотни ўлимдан топишни ҳам ўйлаб кўради. Кўпроқ ҳолларда ўсмир онгида жонига қасд қилиш аҳди туғилганда «Мени кимдир бу йўлдан тўхтатиб қолиши керак» деган фикр ҳам уйғонади. У ўзини ўзи ўлдиришдан тўхтаб, номардлик ёки қўрқоқлик қилишни истамайди. Буни бошқа бир киши бажаришини хоҳлайди. Бошқа бир киши тўхтатса, у мардлиги ва қаҳрамонлигича қолаверади. Бундай тои-

фа доирасига кирувчи ўсмирлар ўзларининг туйғуларини бошқара олмай қоладилар. Улар учун барча нарса зерикарли туюлаверади. Қатнашаётган спорт тўғараги, ҳатто дискотека ҳам жонига тегади. Ўзини болалар даврасидан олиб қочади. Баъзан хаёлида пишиб етилаётган аҳдини баён қилиши ҳам мумкин. Масалан, ота айфон олиб беришдан бош тортса, «Олиб бермасангиз, ўзимни ўлдираман!» дейди. Буни ота-она шунчаки пўписа, ўсмирликнинг қайсарлиги деб қабул қилади. Катталар нуқтаи назаридан олиб қаралса, айфон учун ўзини ўлдириш қип-қизил аҳмоқлик! Лекин масалага ўсмир кўзи билан қараб, ўсмир кўнгли билан ҳис қилиш керак. Ўсмир дастлаб ота-онасини кўрқитиш учун айтгандир. Лекин уларга гап таъсир этмагач, пўписа ҳақиқатга айланиб бораверади. Агар бола кўшни мактабда ёки шаҳарда тенгдошининг ўзини осганини эшитса, аҳдини амалга ошириш истаги кучаяди. Боланинг спортчи ёки санъатчи ўртоғига ҳавас қилиши, ҳатто тақлид қилишига кўп марта гувоҳ бўламиз. Ўзини ўзи ўлдирган нотаниш ўсмирга тақлид қилишга мойиллигини эса ўйлаб кўрмаймиз. Оила даврасида бу каби шумхабарларни тилга олмаслик мақсадга мувофиқдир.

Бу масалани ҳал қилишда яна бир хатар бор: оила даврасида суицид ҳақида сўз очилмаса ҳам, ўсмир интернет тармоқларида бу ҳақда ҳаддан ташқари кўп маълумотлар билан танишиш имконига эга бўлиб қолди. Ҳатто Европадан оқиб келаётган интернет оқимларида суицидга доир клублар тузилаётганига гувоҳ бўлиши мумкин. Расмий маълумотларга қараганда, Россияда 5 мингга яқин шундай виртуал ресурслар фаолиятига чек қўйилган. Жамият бу фалокатнинг олдини олиш чораларини кўряпти, аммо бутун чекласа, эртага бошқалари пайдо бўляпти. Бу сайтларга шунчаки қизиқиш билан кирган ўсмир кейинчалик суицидга доир хабарларга боғланиб қолиши ҳеч гап эмас. Европа мамлакатларида айнан шу интернетдаги мулоқот туфайли жонига қасд қилиш ҳоллари кўпаяётгани бизни ҳам хавотирга солиши керак. Яна бир хатарли томони шуки, аввал жонига қасд қилганлар ўзини ўзи осган, отган ёки заҳар ичган бўлса, энди гуруҳ-гуруҳ бўлиб ўлдиришлар одат тусига кирапти. 3-4 ўсмир жонига қасд қилса, биттаси дўстларининг «мардларча» жон беришини суратга олиб, сўнг интернет саҳифаларига жойлаштиради. Бу хабар билан танишган ўсмирларнинг кўпчилиги уларни айбласа ҳам, айримлари ўзини ўлдирганларга «қаҳрамон» мартабасини беради. 2016 йили бутун дунё Россиядаги бир фожиага гувоҳ бўлди. Ўсмир ёшидаги йигитча ва қиз аввалига полиция билан олишади. Ўзларини ҳимоя қилиш учун эмас, балки ўлимдан кўрқмасликларини, қаҳрамонликларини барчага билдириш учун полицияни ўққа тутадилар, сўнгра ўзларини отиб ўлдирадилар. Барча ҳаракатларини видеосуратга оладилар. Фожиа юз бергач, уларнинг компьютерлари текширилганда суицидга доир кўп ёзишмалар олиб борилгани аниқланди. Қиз ҳам, йигитча ҳам полиция билан отишма бошланмасидан одиноқ ўзларини ўзлари ўлимга ҳукм этиб бўлишган экан. Бу Россияда

юз берган биринчи фожиа эмас. Бундан икки йил аввал Сибирдаги шаҳарлардан бирида 17 ёшли йигитча билан қиз учрашади. Улар бошқа-бошқа шаҳарларда яшашса ҳам, интернетдаги «Суицид олами» клуби орқали танишишган, ўз жонига қасд қилишнинг ҳаётдаги энг тўғри йўл эканига ҳамфикр бўлишгач, меҳмонхонада учрашишган эди. Дикқат қилинг: улар севги изҳор қилиш учун бир-бирларига интиладилар. Биргаликда жон бериш учун учрашдилар. Уларнинг учрашувлари бир соат ҳам давом этмади. Узоқ ҳафталар ва ойлар давомида қалбларида пишиб етилган аҳдни биргаликда осонгина амалга ошира қолдилар. Қизнинг махсус порталдаги ёзувлари кўпчиликини даҳшатга солди. У суицидга доир хабарларни синчиклаб ўрганган ва ўзини ўлдирган ўсмирларнинг бирига «Ландавур», бошқасига «Ўртача қаҳрамонлик», «Мақсадсизлик», деб баҳо берган. Интернетдаги дўстларига мурожаат қилиб, «Қандай ўлиш чиройли бўларкин?» деб маслаҳат сўраган. «Жоним чиққанидан кейин ўлигим чиройли тарзда кўриниши керак», деб изоҳ ҳам берган. Бошқа бир қиз ўз жонига қасд қилишни «Авлиёлик фазилати» деб билиб, «Бу дунё ярамасликларидан безиб», «ҳақиқий ҳаловат дунёсига кўчиш» истагини баён қилган: «Ёшим ҳали 16га етмагани билан атрофимда нималар содир бўлаётганини кўриб-билиб турибман. Ота-онам мени ҳеч нарсага тушунмайдиган гўдак деб билишади. Ахир атрофимдаги мунофиқлик, нафрат, сўкиниш, мушглаш, зўравонлик, хоинлик, лаганбардорликларни кўриб туриб тушунмаслик мумкинми? Бу дунёдаги ҳамма нарса ёлғон! Муҳаббат ва бахт фақат кинофильмларда бор, ҳаётда йўқ! Ота-онам мени ҳали ҳам бола бўлиб яшашимни иташади. Қандай қилиб шундай яшашим керак?! Янги йилда уйимизга Қорбобо кириб келган эди, ҳамма қувонди. Қорбобо укамга совға бериб, унга шеър айттирди. Мен бир четда эътиборсиз ўтирган эдим, онам уришдилар. Қорбобо келгани учун мен ҳам қувонишим шарт экан. Совғанинг отам сотиб олиб берганини мен билмайманми? «Қорбобо» деган шахснинг фақат эртақларда бўлишини англаганимга ўн йилдан ошса ҳам қувонаверишим керакми? Бетига соқол ёпиштириб олган, оғзидан ароқ ҳиди уфуриб турган бесўнақай одам мени қучоқлаб ўпиши керакми? Бундай яшаш жонимга теғди. Бундан буёғига янада баттар бўлишини ўйласам, кўрқиб кетаман. Баъзан ота-онамнинг кўнгли учун жилмайиб қўяман. Лекин жилмайганимда юрагимда оғриқ туриб, ўзимдан ўзим нафратланаман. Мен бу ҳаётга мослаша олмайман...»

Мактуб интернетда эълон қилингандан беш кун ўтмай, қизнинг дугонаси унинг ўлими ҳақида хабар берди. Эътибор берайлик: ўсмир ўлим сари узоқ йўлни босиб ўтди. Неча тунларни бедор ўтказди. У ўлимдан қўрқмади, ўлимни эмас, ўлимидан кейинги воқеаларни кўпроқ ўйлади. Уни фожиадан сўнг ота-онаси қанчалар фиғон чекиши қизиқтирмайди. Аксинча, қанча кўп азоб чекса шунча яхши, деб ҳисоблайди. Ўсмир учун энг муҳими: тенгдошлари унинг ўлимни мардларча қарши олганига қойил қолиб, юқори баҳо берсинлар, узоқ вақт эслаб юрсинлар...

17 ёшли йигитчанинг жони сақлаб қолинганда у руҳшуноста ғалати орзусини айтиб берган: «Дориларни ютиб заҳарланганимдан кейин аста-секин ўламан, дори жонни осонгина олади, қийнамайди. Кейин мени кўмишга тайёрлайдилар. Ҳамма йиғлайди, «Шундай тилла болани сақлаб қололмадик», деб ачинишади... Шунда мен тобутдан туриб кетаман. Аввалгидан ҳам чиройли ва кучли бўлиб тураман. Шундан кейин ҳаётим янада гўзал равишда давом этади».

Тақрор айтаман: бу каби воқеалар узоқларда содир бўлаётгани билан бизларни лоқайд қолдирмаслиги керак. Бу борада Россия бонг уряпти, масалани ижобий ҳал этиш йўллари қидиряпти. Финляндия, Швеция, Германия каби мамлакатларда суицидга қарши давлат дастурлари ишлаб чиқилган. Агар қирқ йил илгари Европада жиноятчиликка хос бирор ярамас одат туғилса, биз томонларга бир неча ойларда ёки йилда етиб келган. Энди эса мафкурага оид иллатларнинг етиб келиши учун бир неча дақиқа кифоя қиляпти. Бугун барчамизни ташвишга солаётган «Оқ кит», «Кўк кит» каби интернет ўйинлари фикримга далил. Аслида буларни «Интернет ўйинлари» дейилиши мантиққа тўғри келмайди. Булар ўйин эмас, қотилликка даъватлар ва бу иш билан шуғулланувчилар жинойий жавобгарликка тортилишлари керак. Жиноят кодексига «Эҳтиётсизлик оқибатидаги қотиллик» деган модда бор. Интернетдаги ўз жонига қасд қилишга даъват эҳтиётсизлик оқибати эмас, балки онгли ва давомли равишда қилинаётган жиноятдир ва жазо ҳам шунга яраша аёвсиз бўлмоғи даркор. Интернетдаги бир «ўйин»га барҳам берилса, иккинчиси, ҳатто олдингисидан ваҳшийроғи бош кўтаряпти. «Огненная фея» деганини эшитгандирсиз? Унинг даъватига кўра, бола кечқурун ётар олдидан газ плитасининг мурватини бураб, очиб қўйиши керак. Шунда у эртасига эрталаб оловли фаришта кўринишида «қайта тирилади»... Диққат қилинг, энди унинг бир ўзи ҳалок бўлмайди, оила аъзолари, ҳатто қўшнилари ҳам ўлим топадилар. Бунинг жазоси нима бўлади? Жиноятчи ким? Газни очиб қўйган нодон болами ё уни бу ҳаракатга даъват қилган «кўринмас одамми?».

Биринчи галда ота-оналар, тарбиячи-устозлар, болалар врачлари (терапевтми ё кардиологми, қатъи назар) суицидга доир маълумотларни яхши билишлари, болаларнинг руҳидаги ўзгаришларни бир дақиқа ҳам назардан четда қолдирмасликлари шарт. Мактаблар билан руҳшунос мутахассисларнинг доимий алоқасини йўлга қўйиш керак. Балки юқори синфларда руҳшунослик илмидан дарс бериш керакдир? Биринчи галда болаларни ҳаётни севишга, қадрлашга ўргатиш керак. Бу ишни ҳеч қандай қонун амалга ошира олмайди. Бунинг ота-она ва устозлар ўзларининг ибратлари билан фарзандга сингдиришлари керак. Ҳаётдан ноийверадаган ота-она болага ҳаётни севишни ўргата олармикин? Фарзандининг бахтли бўлишини истаган ота-она, ташвишлардан қийналган онларида ҳам бунинг сездирмаслиги, ҳар қандай ҳолатда некбин (оптимист) бўлишлари, бадбинликдан (пессимизм) нари юришлари зарур.

Ота-она ва тарбиячи боланинг хатти-ҳаракати ва гап-сўзларини кузатганда нималарга эътибор беришлари зарур?

\* бола ўлим ва ўзини ўлдиришга доир хабарларни тез-тез тилга олаверса;

\* ҳар нарсани баҳона қилиб, ёлғиз ўтиришни истайверса;

\* «Менинг ҳеч кимга керагим йўқ» ёки «Мен йўқолиб кетсам ким соғинарди» деганга ўхшаган гапларни такрорлайверса;

\* ўзига ёқадиган нарсаларни дўстларига тарқатиб, гўё хайрлашишга тайёргарлик кўрса;

\* «Эртага мен йўқ бўламан», «Менсиз осмон остин-устун бўлиб кетармиди», «Руҳларнинг кўчиб юришига ишонаман» каби гапларни айтса;

\* «Яшаш жонимга тегди», «Энди мени бошқа кўрмайсизлар», «Шунча яшадим. Етар, бу ёғига қизиғи йўқ», «Ўзимдан ўзим нафратланияпман», «Мен қандай нодон, ландавурман-а! Бундай яшагандан кўра ўзимни оссам, ҳамма мендан қутулади», «Агар бошқа кўришмасак, сизларга раҳмат, мендан ранжиманглар», деган гапларни яширмаса;

\* Бола ўзига қарамай қўйса, қизиқишлари сўна бошласа ҳам эътиборсиз бўлмаслик керак. Уни тинмай кузатиш, таъқиб этиш, назорат қилиш эмас, унга бўлган меҳр-муҳаббатни ошириш зарур.

Ўш шаҳрида ўзини ўлдирган ўсмирнинг отаси «Болам масжидга чиқаётгани, имом жаннатни мақтайверганидан кейин ўғлим жаннатга тезроқ бора қолай деб ўзини ўлдирди», деган фикр билан имомни айблади. Бу айбловда қисман ҳақиқат бўлиши мумкин. Чунки айрим ўсмирлар онгида чиройлироқ ва ҳузурли оламга, ҳаловатлироқ ўзга дунёга кўчиш орзуси бўлади. Бу орзу имомнинг ёки бошқа одамнинг мақтовлари туфайли туғилмайди, балки бу боланинг ўзига хос фантазияси маҳсули, янада аниқроқ айтилса, руҳий оламидаги салбий ўзгаришларнинг бошланишидир. Ота-она сезгир бўлса, буни боланинг ўйчан бўлиб қолишидан ёки гапларидан билиши ва чора кўриши керак. Имомларнинг жаннатни мақташлари тўғри. Лекин жаннатга тезроқ бориш учун ўзини ўлдириш ҳоллари деярли учрамаган. Агар ўшлик имом жаннатни мақташ баробаринда ўзини ўлдирганга жаноа ўқилмаслиги ва у дўзах азобида мангу қолажаги ҳақида гапирганда, ўсмир аҳдидан қайтган бўларди. Лекин имом баъзи-баъзида бир кўрувчи бу бола қалбида қандай ғалаён юз бераётганини, онгини нималар хиралаштираётганин қайдан билсин?

Жонига қасд қилган 15 ёшли қизнинг кундалик дафтаридаги сўнгги ёзувларга диққат қилинг:

«Жасур Муҳайёга кўп тикилиб қарайдиган бўлиб қолди. Муҳайё ҳам унга ҳадеб ишшайверади. Биламан, Жасур аввал мени ёқтирарди. Муҳайёнинг адаси оқ «Мерс» олгандан бери Жасур ўзгарди. Тўғри-да, мени бошига урадимми?! Адам оддий ишчи бўлсалар... ҳеч нимага қизиқмасалар... ишдан келганларида овқат тайёр бўлса бас. Онам адам билан аразлашиб қолсалар, аламларини мендан оладилар. Кеча юзимга тарсаки тушириб, «Аслида сени

аборт қилдириб, олиб ташлаттирсам бўларкан!» дедилар. Тушуниб турибман, жаҳл устида ўйламай айтиб юбордилар. Лекин шу гаплари юрагимга санчилиб қолди. Бугун дугонам билан имтиҳонга тайёрланиб, шом кирганини сезмай қолибман. Уйга келганимда адам «Қаёқларда дайдиб юрибсан!» деб урдилар. Қаердалигимни онам билардилар, ёнимни олмадилар. Кейин билсам, кечки овқат тайёр бўлмагани учун уришиб қолишган экан. Адам менинг кеч қолганимдан эмас, оч қолганларидан газабда эканлар. Кўриб, билиб турибман. Мен бу уйда ортиқчага ўхшайман...»

10-14 ёшида бола «Мен кимман? Қўлимдан нималар келади?» деган саволга жавоб излайди. Доно ота-оналар унга бу борада ёрдам берадилар. Пул топиш, тирикчилик ташвишидагиларнинг эса бола онгидаги ўзгаришлар билан ишлари бўлмайди. Бу оилада «Раҳбар – итоатгўй» қонуни ҳукм суради. Бирон муаммога дуч келган ўсмир шаҳаншоҳ тахтида ўтирган отаси билан қай йўсинда маслаҳатлашсин? Бола уйида қулдай итоаткор бўлиш билан бир қаторда ўзини даладаги ёввойи кўкатдай ҳис қилади.

Дунёнинг қайсидир шаҳрида қайсидир номдор одам ўзини ўлдирган бўлса ёки гиёҳвандлиги туфайли ўлим топган бўлса, телевидение ва матбуотда тинмай жавраш бошланади. Мухбирлар учун гапиришга баҳона бўлса бас. Улар бу фожиалар ҳақидаги хабарларнинг болалар онгига салбий таъсир қилишини ўйламайдилар. Америкалик олим айнан шу масалани чуқур ўрганиб, кўп шовшувга сабаб бўлган бир суицид кейингиларининг тез туғилишига туртки бўлади, деган ғояни илгари сурди ва исботлаб берди. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида Мерилин Монронинг ўлими ҳақида тинмай гапирилаверилгач, АҚШда ўзини ўлдириш ҳоллари 10 фоизга кўпайгани қайд этилган. Австрияда эса Венадаги метро поездига ўзини ташлаган одамнинг ўлими тафсилоти телевидениеда кўрсатилаверилгач, айнан шу ҳолда жонга қасд қилиш сезиларли кўпайган. Шундан сўнг бу каби фожиалар ҳақида телевидение ва матбуотда хабар бермасликка келишилган ва тўғри қилинган.

Мен бир нарсадан ажабланаман: қаердадир террорчилик ҳаракати содир бўлса, бутун дунё шу ҳақда гапира бошлайди. Одамлар хаёлларига ўрнашиб олган террорчилардан ҳар қадамда қўрқа бошлайдилар. Ҳолбуки, уларнинг террорчиларга рўпара бўлишлари ёки улар қўлидан ўлим топишлари эҳтимоли жуда кам. Шундай бўлса ҳам эҳтиёт чоралари кўрилади. Самолёт ёки автобус ҳалокати юз берса ҳам, дунёдаги барча матбуот саҳифаларида бонг урилади. Баъзилар қўрқиб самолёт ёки автобус саёҳатидан воз ҳам кечади. Ажабки, бундай ҳалокатга учраш эҳтимоли ҳам кам. Лекин болалар ва ўсмирлар орасида юз бераётган фожиалар негадир дунёни ларзага солмайди. 15 ёшли ўспирин террорчи томонидан ўлдирилса, дунё бўйлаб айюҳаннос солинади. Лекин ўша ўспирин ўзини ўлдирса, жимгина дафн этиб қўйилади. Жамият учун ўлимнинг қай бири аянчлироқ? Террорчи томонидан ўлдирилганими ё ўз жонига қасд қилганими?



ҚОРА БОШГА ЁВУЗ ЁВДИР ҚИЗИЛ ТИЛ

Аслида бу мавзуда аввалроқ суҳбатлашиб олсак дурустроқ бўларди. Чунки барча катта-кичик жиноятлар тарихи билан синчиклаб танишсак, «асосий сабабчи – тил» деган хулосага келамиз. Ажабки, «мастликда ўлдирибди», деган айбномаларни кўп эшитамиз. Бироқ «Тили туфайли бошига бало ёғилибди», демаймиз.

Хуросон ҳукмдори Ҳусайн Бойқаро илм толибларига сабоқ бераётган доно вазири Алишер Навоийга яқинлашиб, кўрсаткич бармоғи билан бошини кўрсатди. Навоий ҳазратлари ҳам кўрсаткич бармоқлари билан тилларини кўрсатдилар. Ҳукмдор бу ишорадан бош чайқади-ю, илм толиблари даврасига яқинлашмай, изига қайтди. Бу ҳолатни кузатиб турган шогирдлар устоздан имо-ишоранинг маъносини сўрадилар. Устоз бу жумбоқни ечишни уларнинг ўзларига ҳавола этдилар. Улар қанча ўйлашмасин, тайинли жавоб топа олишмади. Шунда жавобни устознинг ўзлари бердилар:

– Имо-ишорада мураккаб маъно яширинмаган. Жавоб жуда оддий: дўстим Ҳусайн мендан «Бошга балони нима келтиради?» – деб сўрадилар. Мен эсам унга «Тил», деб жавоб қилдим.

*Ҳар кимки чучук сўз элга изҳор айлар,  
Ҳар нечаки агёр дурур ёр айлар.  
Сўз қаттиги эл кўнглига озор айлар,  
Юмшоғи кўнгилларни гирифторм айлар.*

Дарахтни кессалар, унинг илдизидан бир шохча кўкариб, унинг ўрнини босади. Танадаги қилич ва ўқ яраси ҳам битиб кетади. Лекин тил яраси ҳеч вақт тузалмайди. Қалбга санчилган сўз ўқини чиқариб бўлмайди. Бадан заҳардан, қалб ёмон сўздан ўлади. Чунки сўз қиличи темир шамширдан ҳам ўткирроқдир.

Қиличдан етган жароҳат тилдан етган жароҳатга қараганда енгилроқдир. Чунки қилич баданни, тил эса қалбни жароҳатлайди. Вужуд яхши таом билан жонланганидек, қалб ҳам яхши сўзлардан ором олади.

*Синса кўнгил шишаси, тадбир билан бўлмас бутун,  
Устухон эрмаски, они рост қилса мўмиё...*

Масал: бир одам айиқ билан дўстлашиб, уни уйига бошлаб келди. Бу меҳмоннинг ташрифидан норози бўлган хотини: «Фу, шу сассиқ билан ошно тутиндингизми?» – деб афтини бужмайтирди. Бунга эшитиб ранжиган айиқ болгани олиб, дўстига узатди-да илтижо қилди:

– Шу болта билан пешонамга бир ур!

Айиқ илтимосини қайтаравергач, дўст унинг пешонасига болта урди. Жонивор оғриқ азобидан ўкириб, ўрмонга қараб югурди. Орадан ҳафталар ўтгач, у яна дўстига рўпара келиб дедики:

– Қара, болтанинг изи битиб кетди, лекин хотининг тилидан учган сўз яраллаган юрагимга даво тополмаяпман...

«Кимки кўнгилни қаттиқ сўз билан жароҳатлар экан, унга аччиқ тил заҳарли найзадек санчилади, – деганлар ҳазрат Алишер Навоий. – Кўнгилда тил найзасининг жароҳати битмас, у жароҳатга ҳеч нарса малҳамлик қилмас. Агар бир кўнгилда тил найзасининг жароҳати бордир, фақат яхши сўз ва ширин тил унга малҳам ва роҳатдир. Мулоим сўз – ваҳшийларни улфатга айлантиради. Сеҳргар – оҳанг билан афсун ўқиб, илонни инидан чиқаради... Сўзда ҳар қандай яхшилиқнинг имкони бор. Шунинг учун айтадиларки, «нафаснинг жони бор».

Сўз – туя бурнига ўхшаш, унга жилов солса бўлади. Ёхуд у туянинг бўйни кабидир, етовга юраверади. Демак, масала – уни қай томон етаклашда! Кишининг сўзи жонга роҳат бергувчи бўлмаса, сўзламаслик керак.

*Қилур қаттиқ такаллум ўнг ишинг чап,  
Сўзинг тиклаб кўнгул бузгунча тик лаб.*

Сўфий Оллоҳёр ҳазратлари мазкур байтда гўёким устоз Навоий фикрларини давом эттирадилар: қаттиқ сўз бўлар ишингни бўлмас қилар. Нина қўлни санчиб азоблаганидек, қаттиқ сўз ҳам кўнгилларни санчиб яралайди. Аммо нина санчиғи битиб кетар, дил яраси битмас. Қаттиқ сўзинг дилни яраламаслиги учун ўша сўзни айтадиган лабингни ёпиқ тут, яъни кўнгилни бузғувчи сўзлар учмасидан олдин лабингни тикиб ташла.

Гўзал сўзлар фақат амалга оширилгандагина чиройли натижалар беради. Муолажа йўлини топган бемор одам унга амал қилмаса, табобат илмини билгани мутлақо фойдасиздир. Ёмғир томчилари ерни жонлантиргани каби комил инсонларнинг сўзлари кўнгилларни жонлантиради. Қудсий ҳадисда марҳамат қилинадиким: «Эй Одам боласи! Агар сўзинг ялтироқ – майин бўлиб, амалинг қабиҳ бўлса, унда сен мунофиқларнинг мунофиғисан». Кимки тилини яхшиликка ишлатса, қуролидан усталик билан фойдаланувчи овчи каби бўлади. Ўзи тушунмаган сўзга аралашаверадиган киши эса нуқул беҳуда ўқ узаверадиган ношуд овчига ўхшайди. Бир оғиз ширин сўз шундай қудратлики, у ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб турган кишини ҳаётга қайтарадики, «яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан пичоқ қинидан чиқар», деб бежиз айтмаганлар. Яхши сўзларни сўзлашга одат қилмаган киши фалокатга учрайди. Ақлли одам ўз сўзига ҳоким бўлади. Уқув ва билимнинг тилмочи (таржимони) – тилдир. Кишига рўшнолик, яхшилик ва эзгуликлар оқил сўзламаклик ила келади. Шу боис ҳам демишларким: «Тил – арслон, мисоли ётар қафасда, эй тил эгаси, бошингни асра!» Қадимдан

қолган одобга доир қайси китобни варақламанг, «тилингни сақла, бошинг саломат бўлади», мазмунидаги насихатга дуч келасиз. Шундай бўлиши бежиз эмас, зотан, ўринсиз сўзламоқликнинг натижаси – пушаймонлик экани ҳақида тарихдан мисоллар излашга ҳожат йўқ. Ҳар биримиз ўз тилимиз туфайли неча-неча марта пушаймонлар еганмиз, шуни унутмасликнинг ўзи кифоя.

Подшоҳ тўрт олимни чорлаб дебдики:

– Ҳар бирингиз битгадан шундай ҳикмат айтингизки, у тарбиянинг асоси бўлсин.

Биринчиси айтибди:

– Донишманд одамларга ярашадиган нарса – сўзламасликдир!

Иккинчиси дебди:

– Дунёда энг фойдали нарса шуки, инсон ўз ақли билан маслаҳатлашмасдан сўз бошламасин.

Учинчиси:

– Инсон учун энг хайрли нарса – ўйламасдан сўзламасликдир.

Тўртинчиси айтибди:

– Инсон учун энг тинчи шуки, у ўзини толе ихтиёрига топширсин.

Энди баён этилажак доно фикрлар ҳазрат Алишер Навоийданки, англаб, амал қилган киши барака топади.

Сўзлар – ўзликнинг ифодаси. Катта дарахтлар кичик уруғларда яширинганидек, кишининг асл кўриниши сўзларига яширинган бўлади. Тили бошқа, дили бошқа мунофиқлар бир кунмас-бир кун ўз сўзларидан илинадилар. Бугун уларнинг мунофиқликларини яширган ширин сўзлари эртага заҳарга айланиб, фош қилади. Чунки заҳарнинг устини ширин қобиқ билан қоплашнинг фойдаси йўқ. Қобиқ емирилади, заҳар эса заҳарлигича қолади.

«Олдин ўйла, кейин сўйла» дейдилар. Чунки ўйламай айтилган сўзлар қалбларни ўлдиради. Осмондан қор ҳам, дўл ҳам, ёмғир ҳам ёғади. Бу ёғинлардан экинзорлар ё яшнайдилар ёки фалокатга учрайди. Инсон оғзидан чиққан сўзлар ҳам бамисоли қор, ёмғир, дўл каbidир. Улар кишиларга ё ҳаёт бағишлайди, ё ўлдиради. Яъниким, қор вақтида ёғса – ҳаёт манбаи, бевақт ёғса талафот.

Фойдасиз сўз – фойдасиз дори каbidир. Бошқачароқ айтилса, дорининг ҳам, сўзнинг ҳам ортиқчаси зарарлидир. Сукут вақтида сукут сақлашни, суҳбат пайтида сўзлашни билган киши бахтиёр инсонлардан ҳисобланади. Маъносиз, пойма-пой сўзламоқдан кўра сукут қила билиш нодир фазилатдир. Зеро, сукут лозим бўлганда сукут сақлаган, суҳбат лозим бўлганда суҳбатлашишни билган инсонни буюклар сафига қўшарларки, вақтида сукут сақламак – оқил сўзламакнинг шартларидан биридир. Тушунмай, ўйламай гапирадиган киши сархуш каbidир. У нима деганини билмайди, ҳам ўзига, ҳам атрофидагиларга фалокат келтиради. Унутмаслигимиз шарт бўлган шарафли ҳадиским: «Кимки Аллоҳга ва охират кунига имон келтирган бўлса, фақат яхши нарсаларни гапирсин ёки жим турсин... Эрнинг мусулмонлигин кўркамлиги улдулки, фойдасиз нарсаларни сўзламагай».

Сўзлар мисоли ерга сочилган уруғ дони. Агар оғиздан чиққудай бўлса, уларни битгалаб териб олиш мумкин эмас. Эл-юрт эшитганидан кейин уларни пардалаб бўлмайди. Ширин ва эзгу сўзлар оқиб турган зилол сувга ўхшайди. Зилол сув қаерга оқиб борса, у ердан анвойи чечаклар униб чиқади.

Мазҳабимиз раиси Имоми Аъзам ҳазратларининг муҳрларида мана бу сўзлар ёзилган экан: «Сўз айтсанг эзгу сўз айт, агар ундайин сўзни айтолмасанг, тек тур». Шайх Саъдий айтганларки: «Нодонга хомушлиғдин яхши нима йўқдур, агар муни билса эрди, нодон бўлмас эрди. Қитъа:

*Фазлинг гар йўқ эса они билгил,  
Ки сўз айтурга очма ҳаргиз тил.  
Одамини тил этгуси расво,  
Очма оғзингни, бўлма бепарво.*

Луқмони Ҳакимнинг насиҳатларига эътибор берайлик: «Эй жоним ўғлим, бир нодон кимса олдинга келиб, сўз сўраб, баҳслашмоқ истагида бўлса, жавобини юмшоқ ва ширин сўзлар билан бергил. Шоядки, ўша нодон жаҳолат мастлигидан ўзига келса. Ул нодонга сучуклик билан жавоб берган сўзинг фойда қилмаса, сўзингни такрор қилма. Зероки, такрор қилганинг сайин нодоннинг ўпкаси қабариб, жаҳолати ошар. Агар у жоҳил юмшоқ сўзни ҳам англамаса, унда тек турмоғинг афзалдир». «Бир одам билан бир масала устида сўзлашар экансиз, сўзингизни жанжалга бош бўладиган даражасига олиб борманг. Тилингизни тийинг» – Суқрот ҳакимнинг бу ҳикматлари Луқмони ҳаким насиҳатларининг давоми ўлароқ ибратлидир.

«Сукут сақламоқ»ни халқда «тилни тиймоқ» деб ҳам атайдилар. Тилни тиймоқнинг маъноси фақатгина жим турмоқ эмас. Маъно биз ўйлагандан кўра чуқурроқдир. Яъниким, тилни тиймоқ – хонлик, туҳмат, ёлғон, ғийбат, чақимчилик, истехзо, бировни масҳара қилиш, ёлғон қасам ичишдан тийилишдир. «Тил бўлса ҳам, бўлма-са ҳам бошга бало», дегувчилар йўқ эмас, бор. Аммо ҳақиқат шуки, керак сўзнинг сўзланмоғи шарт. Тўғри, ортиқча айтилган сўз киши кўнглига малолдир. Аммо сўзламаслик ҳам дуруст эмас. Бу ҳолда «соқов» деган маломат юзага чиқиши мумкин. Йўриқни ўртача тутган одам қут-иқболга эришади. Тилнинг зараридан қўрқиб юрилса, кўпгина фойдали фикрлар ҳам пинҳона қолиб кетиши мумкин. Ёмон ва яроқсиз сўзлар билимсиз одамнинг тилидангина чиқади. Шунинг учун ҳам билимсизларни ҳайвон қаторига қўшганлар.

Камгаплик – донолик йўлининг бошланиши. Сергап одам вайсақи бўлиб қолади. Унинг билим ўрганишга вақти етишмайди. Бироқ киши сўзламас экан, унинг билимдон ёки билимсиз эканлиги ҳам маълум эмас-да. Киши учун жуда керакли бўлган икки аъзо бор: бири – тил, иккинчиси – юрак. Тил – сўз учун, юрак – кўнгли эса шу сўздан лаззатланиш учун берилган. Шу туфайли тўғри,

рост сўзни сўзлаш учун тилни тебратмоқ, яъни ҳаракатлантирмоқ керак. Эгри, яроқсиз сўзларни ташқарига чиқаргандан кўра тилнинг ҳаракатсиз қолгани маъқул.

Фаридиддин Аттор «Кўп гапирадиганларнинг қалби касалдир», деганлар. Сергап одамнинг ақли тилида бўлади. У нима гапираётганини ўзи ҳам билмайди. Бошқалар ҳам унинг сўзларига аҳамият бермайдилар. Маҳмадана, валдировчи одам очиқ бир мактубга ўхшайди. Уни истаган одам ўқийверади. Қудсий ҳадисда марҳамат қилинадики: «Эй Одам фарзанди! Агар дилингда қаролик ва баданингда дангасалик ва ризқингда танглик бўлса, бас, билгилки, буларнинг сабаби беҳуда ва бемаъно сўзларни кўп сўзлашингдандир, демак, бундан сақлан».

Баъзан давралар бир одамнинг гаплари маънили туюлиб, аввалига диққат билан эшитадилар. Агар нотик бу эътиборни суистеъмом қилса, гаплари қанчалик маънили бўлмасин, давра зерика бошлайди. «Сўзга усталик нима?» деб сўралса, донолар «қисқа сўзлаш, аммо гапнинг маъносини бузмаслик», деб жавоб берадилар. Агар сўз қалбдан чиқиб келса, эшитгувчининг қалбига дарров таъсир қилади, аммо тилдан содир бўлса, қулоқдан нарига ўтмайди. Гарчи нотикнинг сўзини бўладиганлар бамисоли йўлтўсар, ҳаёсиз қароқчига қиёс этилса-да, сергап одамнинг ўзи давра аҳлини йўлтўсарга айланишларига мажбур қилиб қўяди. Ўзаро гап-сўз бошланади. Зийрак нотик даврадаги ўзгаришни сезиши, гапни дарҳол мухтасар қилиши шарт. Акс ҳолда давра аҳлидан бетоқатроғи «Бўлди-е!» деб нотикни беҳурмат қилиб қўйиши ҳам мумкин. Шайх Абу Бакр ибн Аййош деганларки: «Тупроқ сувни тортиб қуритгани каби, кўп гапириш ҳам савобларни қуритади».

Камтар одамлар кўп гапиришдан қочадилар. Улар кўпроқ эшитмоқни истайдилар ва ёқтирадилар. Эшитмоқ – кишини бойитади, кўп гапирмоқ саёзлатади. Кўп гапирган кўп янглишади. Кўп еган – кўп йиқилади. Ҳақиқатким, кўп сўзга ёлғон албатта аралашади. Одам боласи илми даражасидан қатъи назар, кўп гапни ёқтирмайди, аниқроғи, ҳазм қила олмайди. Лекин ўзи кўп гапиришни ёқтиради, гапира-гапира сира чарчамайди. Шуниси ажабланарли!

«Сўз – ҳақиқатнинг сояси ва парчасидир, – демишлар мавлоно Румий. – Модомики, соя ўзига тортар экан, у ҳолда ҳақиқат янада яхшироқ жазб этади. Сўз – баҳонадир. Бир инсонни бошқа бир инсонга тортган нарса сўз эмас, балки иккаловида мавжуд бўлган руҳий бирликдан бир парчадир».

Яъни, агар руҳий бирлик бўлса, суҳбат ширин бўлади. Ёки аксинча. Масалан, майхўрларни ҳам руҳий бирлик бирлаштиради. Уларнинг бемаъни суҳбатлари ҳам шу сабабли ўзларига ҳузурли туюлади. Ҳидланган ўлимтиклар устидан эсган шамол ҳар тарафга ёқимсиз ҳид тарқатади. Нафасни бўғади. Бандалик лаззатидан маҳрум фосиқларнинг суҳбатидан худди шундай бад бўй тарқалади. Улар ўзларининг бузғунчилиги билан ичма-ич бўлиб кетганлар. Бузғунчиликларидан лаззат оладилар.

Бир киши донодан сўради:

– Фалон обид ҳақида на дея олурсанки, ўзгалар анинг изидан таъна қилиб, кўб сўз айтурлар.

Доно у обид билан сира суҳбат қурмаган эди, шу боис деди:

– Зоҳирида ҳеч айб кўрмасмен ва ботинида на айби борин билмасмен.

Яъни, ташқи кўринишида камчилик йўқ, аммо сўзларини тингламай туриб, унинг камоли ҳақида фикр билдириш амри маҳолдир.

Туғилган одам вақти-соати етгач, албатта, ўлади. Ундан ҳеч бир нишона қолмайди. Лекин унинг сўзлари оқил, эзгу бўлса, бошқалар юрагидан жой олиб улгурса, унинг номи мангу қолади. Инсон икки нарса туфайли қариллик нималигини билмайди: бири – хуш қилиқ, яна бири оқил сўзламаклик. Одамдан қоладигани ҳам оқил сўздир. Ҳамиша очиқ, самимий сўзловчи одам мардона яшаб, мардона ўлади.

Халқимиз фитратида латиф сўзламоқликка интилиш бор. Латиф сўзлар барча давраларда қадрланади. Қўпол ифодадан барча нафратланади. Маълум бир ҳолатни ифодаловчи сўз қулоққа қўполроқ эшитилгани учун рамзлардан фойдаланилади. Масалан: «Фалончи ўлди» ёки «Фалончи ўлиб қолибди-да», дейилмайди. «Қайтиш қилди», «Омонатини топширди» ёки «Бандалик-да» дейилади. «Туғди» дейиш ҳам қўпол эшитилгани сабабли «кўзи ёриди» ёки эркалагансимон «кўзилади», деб ҳам қўйилади. Ҳар қандай хунук хабарни ҳам доно одам чиройли тарзда ифода этиб бериши мумкин. Бунинг учун одам айтадиган сўзининг маъносини яхши билиши керак. Сўзининг таъсирини аввал ўзи ҳис қилиши шарт. Кейинги йилларда бизда сўзни ҳис қилмаслик, сўзни тушунмай ишлатиш анча кучайганга ўхшаяпти.

Биз «лутфан» деган сўзни ишлатишни яхши кўрамиз. Таклифномаларга «тўйга лутфан таклиф этамиз», деб ёзамиз. Ўзимизча чиройли шаклда таклиф қилгандекмиз. Сўзнинг маъносини билган одам эса бу таклифномадан гаҳланиши мумкин. Чунки лутфан таклиф қилишимиз, «Асли сиз тўйимизга айтишга арзийдиган одамлардан эмассиз-ку, лекин бизнинг марҳаматимиз кенглиги туфайли истисно сифатида таклиф қиляпмиз», деган маънони англатади. Агар шу чиройли сўзни ўз ўрнига қўйиб «Тўйимизга лутфан ташриф буюринг», десак гўзал маънони баён қилган бўламиз. Яъни, «Марҳаматингизни аямай, тўйимизга ташриф буюриб, бизларни қувонтиринг», деган бўламиз. Кишининг киши томонидан ҳурматланиши тил – ширин сўз орқали бўлади. «Сен» ҳам, «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади», дейдилар. Халқимиз «сиз»га одатланган. Ҳаётда барчани сенсирайдиганлар ҳам учраб туради. Гўё сизласа, амал отидан тушиб қолгандай туюлса керак-да. Сенсираш бизда манманликни намойиш қилади холос. Водий томонларда гўзал одат бор – фарзандларини ҳам сизлайдилар. Тошкентда кишининг ўзи бўлмаса-да, сизлаб ҳурматланади. Масалан: «Аданг уйдаими?» деб эмас, «Аданг уйдадилар?» деб сўралади. Жавоб ҳам шунга яра-

ша: «Адам ишда» эмас, «Адам ишдалар». Фарзандларимизни оқил сўзлашга ўргатмоқлик айнан шу ҳолатдан бошланади. «Мактабда ўқитувчинг нима деди?» деб эмас, «Ўқитувчинг нима дедилар?» десак фарзандимизни чиройли тарбия қилган бўламиз. Чиройли ва оқил сўзловчиларнинг «Ота-онасига раҳмат!» деб дуо қилиниши бежиз эмасдир. Оқил сўзламакни бола кўчада ёки мактабда эмас, дастлаб уйида ўрганади.

Сафарда эканимда бир одамни кўрсатиб, унга таъриф бердилар. Ўша одам ҳеч кимни сизламас экан. Маълумки, «лар» кўшимчаси фақат сизлашни эмас, кўплик маъносини билдиради. «Ҳорманглар», десак асосан кўплик маъноси назарда тутилади. Ўша одам ҳурмат маъноси англашилиб қолмасин учун «Ҳорманглар», демай «Ҳамманг ҳорма!» дер экан.

Истанбулда чорраҳадаги ҳаракат тартибини назорат қилаётган полиснинг муомаласидан ғоят таъсирланган эдим. Биздагилардан фарқли ўлароқ, у ердаги полис автомашина ҳайдовчиларининг кўча ҳаракати қондасини бузишини пойлаб турмай, йўловчиларга хизмат қилар эканлар. Лозим бўлган онда автомашиналар ҳаракатини тўхтатиб, пиёдаларга йўл очар эканлар ва «Ўтайлик» дер эканлар. Биз шу сўзга эътибор қилдик. «Ўтинглар!» ёки «Ўтинг!» дейилса ҳам ҳурмат оҳанги сақланади. Лекин бу шаклда буйруқ оҳанги ҳам мавжуд. Шу оҳангдан қочиш учун лутфан «Ўтайлик», дейишар экан. Таққослаш дуруст бўлмаса-да, ибрат юзасидан ўзимиздаги аҳволга боқайлик: аввало милиционер биродаримизнинг пиёдаларга бундай хизмат қилганларини учратганимизча йўқ. Шундай хизмат қилган тақдирларида ҳам «Қани, тезроқ бўлақолларинг! Ҳой ота, намунча лаллаясиз!» каби муомалаларга гувоҳ бўлармидик, валлоҳи аълам! Ҳар ҳолда автобусларда шунақа муомалаларга кўникиб қолганмиз. «Тушадиганлар олдинга ўтсин», «Кира ҳақини тўлаб қўйинглар»... Бунинг ўрнига «Барака топкурлар, кира ҳақини тўлашни унутиб яна гуноҳқор бўлиб қолмайлик», дейилса-чи? Ажаб! Ажаб! Биз кира ҳақини тўлаймиз. Эҳтимол, ҳайдовчининг ширин сўзлиги учун кўшимча ҳақ тўлашимиз керакдир? Сўз шамол бўлса, ҳақоратли ёки кўпол сўз елвизак каби зарарли эканини билсак-да, «елвизакка чидаймиз», деб ўзимизни ўзимиз қийнаб юрамиз.

Ҳазрат Сўфий Оллоҳёрдан ўқиймиз:

*Мусулмон йғлида бўлса сучук тил,  
Олиб келса бўлур бир қий била фил.*

Дейилмоқчики, мусулмон боласи ширинсўз бўлса, филни ип билан йўлга солса бўлур. Инсон боласи ҳатто душманига ҳам ёмон сўз айтмасликка ҳаракат қилиши керак. Душманни ислоҳ этувчи сўз айтиш уни кўп балолардан асрайди.

*Сучук лафзи билан мўри хирадманд,  
Солур зўр аждаҳонинг оғзина банд.*

Дейилмоқчики, ширин сўз билан ақлли қумурсқа (чумоли) баҳайбат аждаҳонинг оғзига банд солади. Бундан мурод: кимсанинг ўзи заиф бўлса-да, яхши гапи билан улуғ мартаба эгаларига ўғит тузоғини солиб, тўғри йўлга йўллай олади.

*Мулойим тил билан беҳарбу безарб,  
Бировни келтурурлар шарқдин гарб.*

Дейилмоқчики, мулойим сўз билан ҳеч бир уруш-талашсиз бировни машриқдан мағрибга келтура олурлар.

*Бу эрлар олмайин бир игна қўлга,  
Солурлар неча гумроҳларни йўлга.*

Сучук тилли эрлар ҳеч бир уруш қуролини қўлга олмай, биргина юмшоқлик билан қанча йўлдан озганларни тўғри йўлга соладилар («игна» сўзи уруш қуроли маъносида келади).

*Сучук тилдир ажаб ганжи муаззам,  
Ато қилган билан ҳеч бўлмагай кам.*

Яъни: ширин сўз шундайин ажойиб хазинаки, сарф қилган билан камаймас, шу боис уни бошқалардан қизғаниб юрма.

*Дема ҳарфеки, бўлса бемаоний,  
Агар тил ҳарзе бўлса, сан тил они.*

Маъноси будир: агарчи гапирар экансан, сўзингнинг ақалли бир ҳарфи ҳам маъносиз бўлмасин. Мабодо тилинг ботил ва беҳуда сўзлар сўзлайверса, унда сен бундай тилни тишлаб ташласанг ҳам бўлади («Ҳарза» – беҳуда, маъносиз вайсаш демак. Китобнинг айрим нашрларида «агар тил заҳарли бўлса, тил они» деган шаклда ҳам ёзилган. Яъни, беҳуда вайсайверадиган тилни тилиб-тилиб ташла, дейилмоқчи).

*Калиди ганжи маъноким, забондур,  
Анга бир нуқта тушса, кўп зиёндур.*

Дейилмоқчики, маънолар хазинасининг очқичи – тил. Қулфнинг ичига бирор майда нарса – чўп тушса ҳам зиён бўлади. Калит ишламай қолиши мумкин. Байтдаги «нуқта»дан мурод – араб ҳарфларида «забон» сўзидаги «б» нуқтаси ёнига яна бир нуқта тушиб қолса, маъно ўзгариб, бу сўз «зиён» деб ўқилиши мумкин.

Ривоят: Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум подшоҳлари бир ерга йиғилиб: «Ҳар биримиз биттадан ҳикмат айтайликки, дунё тургунча турсин», дедилар.

Хитой шоҳи деди:

– Мен айтган сўзимни қайтариб олишдан кўра, сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиламан.



Ҳинд шоҳи деди:

– Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалок қилган одамга ҳайрон қоламан.

Эрон шоҳи деди:

– Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим эса – ҳожам.

Рум шоҳи деди:

– Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон бўлмаганман. Айтганимдан эса тез-тез пушаймон бўламан. Шоҳларнинг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни суҳбатлардан кўра яхшидир. Инсон ҳар нарсадан кўпроқ ўз тили туфайли балога йўлиқади.

Рум подшоҳининг ҳикматини шоирнинг бу байти бойитади:

*Тил бўлсайди ўз қалбининг сирдоши,  
Кесилмасди тил эгасининг боши.*

Оқил сўзламак фазилати ҳақида гапирганда суҳбатда ким аввал сўз бошлаши керак, сўрамоқ одоби қандай бўлиши керак деган саволларни четлаб ўтиш мумкин эмас. Аввали шуки, катталар сўрамасдан туриб, ёшларнинг сўз бошлалари одобсизлик саналади. Ишончли бўлмаган кишининг олдида айтар сўзни ўйлаб гапириш икки қарра муҳимдир. Кимки бошқаларни ўз ҳузурига чорлар экан, сўзни шу чорлаган киши бошламоғи жоиз. Сўрамасдан олдин сўз бошлаш инсоний одатларга зид бўлиб, оқиллар таърифига кўра, бу ҳайвонлар қаторидаги иш бўлур эди. Телба, тентак, ақли заиф бўлганларгина бошқаларнинг савол ва қизиқишларини кутиб турмасдан гап бошлаб юбораверадилар. Шунинг учун улар кўп дакки эшитишади. Байт:

*Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил,  
Не-не бошни еди, яна егай, бил!*

Латифа: бир гадо овқатланиб ўтирган кишилардан: «нима еяпсизлар?» деб сўради. «Заҳар» деб жавоб бердилар. Шунда гадо бетакаллуф равишда таомга қўл узатиб дедик: «Заҳардан менга ҳам беринглар, сизлар ўлсангизлар, менга ҳаётнинг қизиғи йўқ». Ҳар куни ҳар биримиз ўнлаб, ҳатто ундан-да кўп савол-жавобларнинг гувоҳи бўламиз. Ўзимиз кимлардандир, ниманидир сўраймиз, кимларнингдир саволига эса жавоб қайтарамиз. Баъзан «Шунақа ҳам бемаъни савол бўладими?» деб рашланамиз. Баъзан саволга яраша жавоб бўлганини ўзимиз ҳам сезмай қоламиз.

Бир одам вазири аъзамнинг уйини излаб юриб, унинг ўзига дуч келди. Танимагани учун:

– Вазири аъзамнинг уйлари қаерда? – деб сўради.

Вазири аъзам ўзининг уйини кўрсатиб қўйди-ю, йўлига давом этаверди. Излаган одам унинг уйини топиб бориб, эшикни тақиллатди. «Ҳожамиз яқиндагина чиқдилар», деган жавобни эшитиб, кечгача кутди. Кечки пайт вазири аъзам қайтгач, «Вазири аъзам сизмисиз?»

Ҳали ўз уйингизни менга кўрсатиб кетавердингизми? Ахир мен сизни излаб келувдим-ку? Бир бечорани куттириш адолатданми?» – деб ранжиди. Шунда вазири аъзам дедики:

– Биродар, сиз мендан «Вазири аъзамнинг уйлари қаерда?» деб сўрадингиз. Сўроғингизга муносиб равишда уйни кўрсатдим. Агар «Вазири аъзамни қаердан топаман?» деганингизда, «Менман», деган бўлардим ва сиз кутиш азиятидан қутулар эдингиз. Сиз мендан эмас, тилингиздан шикоят қилганингиз дуруст.

Шу вазири аъзамга подшоҳ: «Пойтахтда нечта сўқир, нечта басир бор, аниқлаб беринг», деди. Шунда вазир уйига бориб йиғма сўрини (каравот) хизматкорига кўтартириб, бозорга олиб борадиган серқатнов кўчага келтирди-да, бир қисмини йиғиб, қолганини йиғмоқчи бўлаётгандай ҳаракат қилиб турди. Шу пайт подшоҳ аъёнлари билан шу кўчадан ўтиб қолди. Аввал аъёнлар, сўнг подшоҳнинг ўзи «Нима қиляпсиз?» деб сўради. «Нима қилаётганимни ҳали кечки пайт айтаман», деди вазири аъзам. Улар кетгач, бошқалар ҳам қизиқиб сўрайверишди. Вазири аъзам хизматкорнинг қўлига бир дафтар бериб: «Нима қиляпсиз?» деб сўраганларни кўзи ожизлар саҳифасига, «Бу ерга нима учун сўри қўймоқчисиз?» деганларни кўзи очиклар рўйхатига ёзмоқни буюрди. Кеч киргач, рўйхатни подшоҳга тақдим этди. Подшоҳ кўзи ожизлар рўйхатида ўз номини кўриб газабланди. Вазири аъзам изоҳ бердики:

– Давлатпаноҳим, ҳали кўчада сўрини йиғаетганимда «Нима қиляпсиз?» деб сўрадингиз. Бошқалар ҳам шундай деб сўрашди. Кишининг нима қилаётганини кўрмаган одамгина «Нима қиляпсан?» деб сўраши мумкин. Шу боис сизни ҳам кўзи кўрмайдиганлар рўйхатига ёздирдим. Қаранг, бу рўйхат кўрадиганлар рўйхатига нисбатан анча узун.

Бу изоҳ подшоҳга маъқул келиб, вазирига ҳадя берди.

Суҳбатлашиб ўтирган одамнинг бири иккинчисидан баъзан «Мен боғдан келсам, сен тоғдан келасан-а!» деб ранжиди. Айрим суҳбатлар Мавлоно Румий ҳикматларидаги воқеани эслатади:

Анчадан бери хаста ётган одамнинг бир кар маҳалладоши бор эди. Дўстлари унга «хаста биродарингни шу пайтгача ҳам йўқламабсан-а?» деб танбеҳ бердилар. Бу гап карга таъсир қилиб, дарҳол зиёратга отланди. Йўлда бора туриб ўйланди:

– Мен карман, у эса хаста – гоят паст овозда гапиради. Ҳеч нарсани эшитмасам, қандай гаплашаман?

Ўйлай-ўйлай «Беморнинг гапларини юздаги ифодадан билиб оламан, – деб қарор қилди. – Уйга киргач «Қандайсан?» деб сўрайман. У ҳазин табассум қилади, шу жилмайиши «яхшиман», дегани бўлади. Шунда мен «алҳамдулиллаҳ, жуда ҳам хурсандман», дейман. Кейин «нима ичиб, нима еяпсан?» деб сўрайман. Албатта «шўрва» ёки «сут» деб бирон таомнинг номини айтади. Шунда мен «ош бўлсин», деб дуо қиламан-да, «қайси табиб қараяпти?» деб сўрайман. «Фалончи табиб», деб биронтасининг номини билдиради. Мен «У табибнинг гоятда қўли енгил, яхши даволайди», деб

кўнглини кўтараман», – деган тайёргарлик билан беморнинг уйига кириб борди. Режаси бўйича «Қалайсиз, қўшнижон», – деб сўради. Бемор шукр ва сабр қилувчилардан эмасди. Шу боис кар кутгандай «Худога шукр, яхшиман», дейиш ўрнига маҳзунлик билан:

– Касалим оғир, ўляпман, – деди. Кар бу гапни эшитмаса-да, юзидаги ҳазин табассумдан ўзича хулоса чиқариб, суҳбатини давом эттирди:

– Оҳ! Оҳ! Жуда хурсандман, Худога шукур!

Бемор бу одамнинг карлигини унутиб, гапидан ғазабланди. «Бу одам душманним экан-да, билмай юрган эканман», деб ўйланди. Кар эса давом этди:

– Нима еб, нима ичяпсиз?

– Заҳар еб, заҳар ичяпман, – деди бемор аччиқланиб.

– Ош бўлсин, – деди кар. – Қайси табиб келиб турибди?

– Азроил келиб-кетяпти.

– Оҳ, оҳ! Унинг қўли жуда енгил-да, яхши даволайди.

Шундай деб ўзича беморнинг кўнглини кўтарган бўлиб, ўрнидан турди. Унинг душман эканига қатъий ишонган бемор эса ғазаб ўтида қовурилиб қолаверди.

Мавлавийнинг бу қиссалари кишилар ўртасидаги баъзи англашилмовчиликларни яққол кўрсатиб беради. Салкам саккиз аср илгари баён қилинмиш бу каби воқеа бугун айнан эмас, рамзий маънода ҳаётда кўп учрайди. Айримлар бу дунёнинг машаққатлари остидаги касал одамга ўхшайдилар. Баъзи одамлар эса илмдан, одоб-ахлоқ ва фазилатдан жуда узоқ бўлганлари туфайли нозик туйғуларни англамайдиган, ҳақиқатни тушуниб етмайдиган карга ўхшайдилар. Уларнинг ўзаро суҳбатлари, ҳатто меҳрибончиликлари ҳам ҳақиқий эмас. Бундай кишилар ҳар қандай гапни ўз тушунчасига кўра англаб, шунга қараб, бошқалар билан дўст ёки душман бўладилар. Баён этилган воқеа сувратга эмас, сийратга қараб иш тутсанг тўғри бўлади, деган мазмундаги сабоқдир. Чунки яхши тушунмаган сўзлар ҳар икки томонни ранжитади. Гапини яхши тушунтира олмаган киши охирида надомат чекади.

Мавлавий ҳазратлари ташқи белгилар, сўзлар шаклига эътибор қилмаслик, балки сўзнинг маъносига ва самимийлигига эътибор бериш лозимлигини кўп таъкидлайдилар. Кимнингдир сизга айтган сўзлари содда, тўпори туюлиши ҳам мумкин. Лекин чиройли гапирган одамга нисбатан унинг муҳаббати сохта эмас, тамағаразга асосланмаган. У сизга садоқатли. Юракдан айтилган гаплар айтувчининг садоқатини ифодалайди. Шу боис ҳам қалби пок кишиларнинг суҳбати барча учун ёқимли бўлади. Сўз – қурол, мақсад эса – кўнгил. Кўнгил ўртанмаса, эҳтиросларга тўлишмаса, сўзда таъсир бўлмайди. Айниқса, бир ғарибнинг кўнглини шод қиладиган сўз айтиш олтин хазинаси топишдан афзалроқдир. Чунки бу асл инсонийлик гавҳарини улашишдир.

Азизлар, юқорида баён этилган ҳикматларни аввало ўзимиз яхши ўзлаштиришимиз, сўнг фарзандларимизга ибрат бўлишимиз керак.

Фарзандлар бемаъни қўшиқларни ёд олмай, донолар ҳикматларини ёдласинлар, сиз эса бу соҳада доно тарбиячи бўлинг.

Энди сизга савол: фарзандингизнинг «тили чиқа бошлаган»да биринчи айтар сўзи нима бўлади? «Дада», «Ая», «Нанна» ва «Ассалом». Шундайми? Буларни ким ўргатади? Она! Шунинг учун ҳам «Она тили» дейилса керак. Ота қайси сўзларни ўргатади? «Онаниги...» Деярли барча оилаларда шундай.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломдан сўрадилар: «Қайси амал энг яхши амалдир?» Жавоб бердилар: «Таниган ва танимаган одамнинг таом ва салом бермоғинг».

Салом бериш – суннат, алик олиш вожибдир. Салом ўзига хос дуо, ибодатдир.

Эртакларда кўп ўқиганмиз: даҳшатли аждаҳолар ёки алвастилар маконига келиб қолган қаҳрамонлар ёвузни кўриши ҳамон салом берадилар. Шунда аждаҳо нима дейди, эсингиздами? Ҳа, «Саломинг бўлмаганда икки ямлаб, бир ютардим», дейди. Бу нима англатади? Салом дуоסי ҳар қандай ёвузнинг кўнглини юмшатиш қудратига эга. Расулulloҳ (с.а.в.) Анас ибн Моликка хитобан дедилар: «Эй ўғлим, уйингга ва қариндош-уруғингникига борсанг, саломлаш, бу салом сенга ва оила аъзоларингга барака келтиради». Яна дедилар: «Қариндошларни салом билан бўлса ҳам йўқланг». Демак, совға-саломлар ўз йўлига, саломнинг қадриси эса ўзгача. Қариндошларимизнинг қутлуғ хонадонларига саломсиз кириб боргудай бўлсак, олиб борган қаймоқ-нонларимиз уларга татимайди. Ўша қаймоқ-нон ейилгач, адо бўлади. Салом туфайли қилинган дуо эса яшаб қолаверади. Хонадонга гўшт ёки қовун кўтариб кирмасак, «нега гўштсиз қуруқ келдинг?» деб ранжишмайди. Остона ҳатлашимиз билан салом бермасак, оғринадилар. Эҳтимол, «бу одобсизни, бу бесаломни ким тарбия қилган?» деб газабланишлари ҳам мумкин.

*Худойим берибди инсонга калом,  
Бемаврид иш қилиб тортмагин алам.  
Яхши ҳам, ёмон ҳам шундан билинар,  
Ким бўлса олдидан ўтма бесалом...*

Буни ҳаммамиз биламиз, шунинг учун ҳам азиз фарзандимизнинг ҳали тили чиқмаёқ, жажжи қўлчаларини кўксига қўйиб салом беришга ўргатамиз. Тилидан биринчи марта «ассалом!» деган тотли сўзни эшитганимизда беҳад қувонамиз.

Саломнинг шаклида, ташқи кўринишида ҳар бир миллатнинг ўзигагина хос томонлари бўлиши мумкин. Бизда ўнг қўлини чап кўксига қўйиб, тавозе билан саломлашишнинг гўзал одоби мавжуд. Шунга қарамай, айрим биродарларимиз икки кафтларини киндиклари устига қўйиб, эгилиб салом берадилар. Уларнинг бу ҳолати саломга нисбатан рукуга ўхшаб кетади. Киноларда кўрганмиз, ҳукмдор ёки бошқа амалдорлар ҳузурида руку нима экан,

саждага ҳам борадилар. Эмаклаб келиб, ҳукмдорнинг оёғи остига сажда қиладилар. Мана шундан сақланиш керак. Салом бировнинг устунлигини, ўзининг эса пастдалигини таъкидлаш учун эмас. Бу одат қадим подшоҳларнинг ўзларини Худо деб ҳисоблаган даврларидан мерос бўлиб ўтиб келган бўлса эҳтимол. Советлар замонида, айниқса, Брежнев замонида эрларнинг эрлар билан лабни лабга босиб насронийчасига уч маротаба ўпишиши расм бўлган эди. Брежнев шундай ўпишишни яхши кўргани учун катта-кичик амалдорлар унга тақлид қилардилар. Оқибатда, айниқса зиёлилар орасида бу хунук саломлашиш одат бўлиб кетди. Ажабки, бунақа ўпишишнинг ихлосманди ўтган асрда ўлиб кетганига қарамай, унинг қилиғи ҳамон сақланиб келяпти. Ҳозир кўча-кўйда кўп учратамиз: айниқса қиз-жувонларимиз бир-бирлари билан уч марта ўпишиб кўришадилар. Шу одатни хуш кўрувчи сингилларимизга, қизларимизга тайинлаб қўйишимиз шарт: бунақа тарзда ўпишиш хунук қилиқ саналишидан ташқари, динимизга ётдир, насроний динидагилар учун бу одат хосдир. Файридин одатини қилиш мусулмонга ярашмайди.

Саломнинг шакли турлича бўлгани билан мазмун-моҳияти бир. Саломлашишни бизга Яратган роббимизнинг Ўзи буюради. Нисо сурасида айтадики: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки худди ўзидек жавоб беринг. Албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсанинг ҳисобини олувчи зотдир». Солмон Форсийдан (р.а.) мазкур оятнинг амалдаги ҳолатини акс эттирувчи шарафли ҳадиски: «Бир одам Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳузурларига келиб:

– Ас-салому алайка, йа Расуллуллоҳ! – деди.

Расуллуллоҳ (с.а.в.) у одамга:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи, – дедилар.

Кейин бошқа бир одам келиб:

– Ас-салому алайка, йа Расулаллоҳи ва роҳматуллоҳи, – деди.

Расуллуллоҳ (с.а.в.) унга:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу, – дедилар.

Сўнгра яна бир одам келиб салом берди:

– Ас-салому алайка, йа Расулаллоҳи ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Расуллуллоҳ (с.а.в.) унга худди ўзидай жавоб қайтардилар:

– Ва алайкас-салому ва роҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Шунда у одам мазкур жавобдан ажабланиб, деди:

– Эй Аллоҳнинг расули! Ҳузурингизга мендан олдинроқ фалончи ва фалончилар келиб салом бердилар. Сиз мендан кўра уларга яхшироқ жавоб қайтардингиз.

Шунда Пайғамбаримиз алайҳиссалом дедилар:

– Сен менга салом берганинда ошириб айтишим учун ҳеч нарсани қўшмадинг. Аллоҳ: «Қачонки сизга бир саломлашиш ила салом берилса, сиз ундан кўра яхшироқ алик олинг ёки ўзидек жавоб беринг», деган. Сенга ўзидек жавоб бердим.

Кўпинча давраларда салом бериш одоби ҳақида сўз кетса «Аввал ким салом бериши керак?» деган савол кўтарилади. Эр ва аёл рўпара келганда биринчи бўлиб аёл салом бериши керак. Бу билан аёл камситилаётгани йўқ. Агар эр салом берса, гўё аёлни гапга тортишга баҳона излагандай бўлади. Ўрнида айтиш лозимки, аёллар билан қўл бериб кўришилмайди. Салом ва аликнинг ўзи кифоя.

Кўчада пиёда билан суворий (ҳозир машинадаги одам) учрашиб қолса, пиёдага машинада ўтирган одам салом беради. Чунки пиёда олдин салом берса, бу саломдан мақсад замирида «Тўхтанг, мени ҳам ола кетинг», деган тама бўлиши мумкин. Бир киши кўпчилик орасига кирганда бир марта салом беради, ҳар бир одамга алоҳида-алоҳида салом бериши шарт эмас. Улардан бири алик олса кифоя. Агар ҳаммалари алик олишса савоб бўлади. Ўн киши ўтирган жойга тўрт киши кирса, бирлари салом берса бўлади, тўртовлари ҳам салом бериши афзалдир, ўтирганларнинг ҳар бирлари алоҳида-алоҳида тўрт марта эмас, бир марта алик олсалар кифоя. Ўтирган ёки тик турган одамга юриб келган киши салом беради. Таомланаётган киши эса, аксинча, яқинлашган одамга салом беради. Чунки дастурхонга яқинлашаётган одам аввал салом берса, «Овқатингга шерик қиласанми?» деган тама яширинган бўлиши мумкин.

Ўтирган одамларга салом бериш масаласида яна бир баҳсли жой бор: айтайлик, чойхонада ўн одам шахматми ё нардами ўйнаб ўтирибди. Кириб келган одам одоб юзасидан уларга салом бериши керак. Лекин бу ҳолда салом бермагани маъқул. Чунки ўйинга банд одамлар алик олмасликлари ва бунинг оқибатида гуноҳкор бўлиб қолишлари мумкин. Кўпинча чойхонадаги ўйинчиларнинг бош ирғаб алик олганларини кўрамизки, бу ҳам кишининг ғашини келтиради. Халқимиз одобига кўра салом берилгач, алик олиниб, сиҳат-саломатлик, ҳол-аҳвол сўралади. Бош ирғаб алик олувчиларда бундай одоб йўқ. Бугун чойхонага бир юмуш билан кириб қолган ўсмир саломига шундай алик олинишини кўргач, эртага бош ирғаб алик олган беодобни кўчада кўрса, салом бермай ўтиб кетса, ким айбдор бўлади?

Кўчадаги ҳаракатни назорат қилувчи милиция ходимлари машинани тўхтатган онларида ўзларини таништирадилар, ҳужжатни талаб қиладилару ҳайдовчига салом беришни унутиб қўядилар. Эҳтимол панжаларини чаккаларига олиб келишлари, русчасига айтганда «чест» беришларини салом ўрнига ўтади, деб ўйлашар. Йўқ, азизлар, бу ҳаракатингиз салом ўрнига ўтмайди. Сиз одоб юзасидан аввал салом беринг ва бунинг эвазига аликдан иборат хайрли дуо олинг. Агар кун давомида элик одамни тўхтатиб салом берсангиз, элик одамдан дуо олган бўласиз.

Савдо ходимларига ҳам буни эслатиб ўтиш жоиз. Тижорат аҳли бошқа касб эгаларидан чиройли муомалалари билан ажралиб туришлари шарт. Баъзан дўконга кирсак, сотувчи шериги билан гаплашиб турган ёки кроссворд ечаётган бўлади. Кирган харидорга бир қараб қўяди-ю, «Сен келдингми ё ит келдими?» дегандай ўз

юмуши билан банд бўлаверади. Айниқса, қизларда бундай беодоблик кўп учрайди. Агар сотувчи савдо билан банд бўлса ҳам, кириб келган харидорга салом берса, нур аланнур бўлади.

Биз бир даврага кирганимизда салом беришга одатланганмиз. Хайрлашар маҳалида «ассалому алайкум» дейиш хулқидан узоқроқмиз. Бу хулқни ҳам эгаллаб, хайрлашув саломини берсак, гўзал ва ёқимли бўлади. Қабристон ёнида ўтилаётганда, ичкарига кирилмаса ҳам, салом берилади. Ўз уйимизга кираётганимизда ҳам, хонадон аҳлига салом беришимиз керак.

Ҳаммомда, ҳожатхонада салом берилмайди. Кўп жойларда эрталаб уйғонгач, таҳорат қилинмагунча ёки то юз-қўл ювилмагунча салом берилмайди. Айрим жойларда эса бу одобга эътибор берилмайди. Уйқудан бош кўтарилиши билан кўринган одамга салом берилади. У одам эса ювуқсиз бўлса ҳам алик олаверади. Бу одатнинг қайси бири тўғри, деб баҳслашиш ортиқча. Албатта, салом дуоси покиза ҳолда қилингани маъқул. Лекин маҳалла ёки қишлоқ аҳли бунга одатланмаган бўлса-ю, сиз меҳмонга борганингизда ювуқсиз ҳолда салом бермаганингиздан ажабланишса, ўз одатингизни ҳилмик ила тушунтириб берганингиз яхши.

Қуръон ўқиладиганда, номаҳрам хотинларга, намоз ўқиб турган одамга салом берилмайди.

Бизнинг одобимизга кўра, кичиклар катталарга салом берадилар. Лекин кичиклар баъзан болаликларига бориб ё бирон нарсага чалғиб, салом беришни унутишлари мумкин. Шунда катталар уларни дарров урушмай, салом берсалар, шунинг ўзи дакки ўрнида ўтади. Қўл бериб кўришишда эса кичиклар аввал қўл узатишдан тийилишлари керак. Агар катта киши қўл узатса, эҳтиром юзасидан қўш қўллаб кўришмоқ афзал. Катта киши қўл узатмаса, салом беришнинг ўзи кифоя. Ҳол-аҳвол сўраш ҳам аввал каттадан лозим. Болалар, ёшлар салом беришганда «Ваалайкум ассалом» дейишдан ташқари яна улар тушунадиган тилда «Баракалла!» ёки «Ота-онанга раҳмат!» ёки «Илоҳим бахтли бўл!» деб қўшимча дуо қилиб, мақтаб қўйсак, унинг келажакда янада гўзал ахлоқ эгаси бўлиб етишишига ҳисса қўшган бўламиз. Қани эди, барча шу одатни ўзлаштиради! Кўчага чиққан фарзандларимиз уйга янада кўпроқ, олам-олам дуолар билан, таниган-танимаган ўнлаб одамларнинг хайрли тилаклари билан қайтган бўлардилар.

Салом бераётган одамнинг чеҳраси очиқ ва хурсанд бўлсин. Алик олувчининг қувончи юз-кўзларидан сезилиб туриши керак.

Телефон орқали саломлашиш ҳам ўзига яраша одобни талаб қилади. Телефон жиринглаганда гўшакни кўтарган одам «Ассалому алайкум, лаббай», деса, гўзал хулқ соҳиби эканини намоеън этган бўлади. Ҳеч бўлмаса «Лаббай» деса ҳам чиройли бўлади. Баъзан эшитиб, кўнгилни хира қиладиган жавобларга диққат қилайлик: «Ҳа, ким керак?» ёки «Алло, кимсиз, сизга ким керак?» Баъзилар эса русларга тақлид қилиб «Да!» деб қўйишади. Шундайлардан бири гўшакни кўтариб «Да, да!» деса қўнғироқ қилган киши «Мен дадангиз

эмас, поччангизман», деган экан. Ҳар ҳолда инглизча «алло», русча «да»нинг ўрнига ўзимизнинг «лаббай» яхшироқ эшитилади. Дейлик, гўшакни кўтариб «лаббай!» дейилди. Шунда қўнғироқ қилувчи албатта салом бериши, бу томон алик олгач, мулоқот бошланиши керак. Баъзан бунинг аксига гувоҳ бўламиз: «Алло, Гули борми?» ёки «Алло, Гулини чақриб беринг»... Баъзан эса ҳе йўқ, бе йўқ сўралади: «Бу ер қаердан?» ёки «Ким бу?» Шундай дейилгач, шубҳасиз «Сизга ким керак эди?» деган савол берилади. Ёки «Аввал қаерга қўнғироқ қилаётганингизни билиб, сўнг рақам теринг», деб жеркиб берилиши ҳам эҳтимол. Гўшак кўтарган кишининг кайфияти яхши, ҳазилга мойил бўлиб турган бўлса «Бу ер қаердан?» деган саволга «ҳаммомдан» ёки «ўликхонадан» деб майна қилиши ҳам мумкин.

Телефон ҳақида гап кетганда, мавзудан салгина четга чиқсамда, қўл телефонларидан фойдаланиш одобига тўхталиб ўтсам: ҳозир каттаю кичикнинг қўлида телефон кўрамиз. Қаерда бўлса ҳам, баралла овозда гаплашаверадилар. Бир куни хорижлик меҳмон билан ошхонада тамадди қилиб ўтирган эдик, ёнимиздаги сўрида ўтирган йигитлардан бири телефонда гаплаша бошлади. Меҳмон унга ажабланиб қараб-қараб қўйди. Йигит гапини мухтасар қилмади. Бундан гашланган меҳмон ошхона ходимини чорлаб: «Бу укамизга айтинг, биз бунга таомланиб, ҳузурланиш учун келганмиз, гаплари бўлса, идораларида гаплашсинлар», деди. Ошхона ходими мижозини бездириб қўйишдан чўчиб, уни инсофга чақирмади. Шунда меҳмоннинг ўзи танбеҳ берди. Хайриятки, йигит инсофли экан, айбини тушуниб, дарров узр сўради.

Бир куни тонг саҳардаги тўй ошида телефон жиринглади. Йигит бемалол гаплашаверди. Ҳатто «Ҳозир ошдаман», деб кекириб ҳам қўйди. Таассуф шундаки, йигит ўша гапларини уч соат кейин, ҳатто кечки пайт ҳам гаплашса бўлаверарди... Ана шундай ҳолатларда беодоб укаларимизга қўнғироқ қилиб: «Алло, фаросат борми?» дегим келади.

Асосий мавзуга қайтсам:

Тасаввур қилингки, сиз бир идора раҳбари ҳузурига кирдингиз. Улуғлар одобидан ибрат олган раҳбар сизни салом бериб қарши олса, ишингиз битмаса ҳам бу хонадан кўнглингиз ёришиб чиқасиз. У билан қадрдонлардай сўрашасиз, ўртадаги суҳбат ҳам самимий бўлади. Агар тунд равишда, ўтирган жойида саломингизга истар-истамас бош ирғаб алик олса-чи? Бу хонага кирганингизга пушаймон ейсиз. Ишингиз битса ҳам, кўнглингиз хира бўлиб чиқасиз. Бу раҳбарга иккинчи учрашмасликка онт ичасиз ва бундай кишиларга бу шарафли ҳадисни эслатгингиз келади: «Одамларнинг энг ожизи – дуога ожизлик қилган одам. Одамларнинг энг бахили салом беришга бахиллик қилган одамдир».

Ҳикоят: Ўзини хокисор олиб юрувчи, бойликни менсимовчи, доимо илм кетидан қувган киши бир олимнинг шуҳратини эшитиб, зиёратига отланди. Қўлида ҳеч нарса бўлмагани учун йўл-йўлакай бир райҳон шохини олиб, тухфа сифатида олимнинг олдига



қўйди, ҳурматини баён қилиб, салом берди. Олим унинг саломига алик олмади, лутфига эътибор ҳам бермади. Илм толибининг бундан дили офриса-да, изига қайтмай, бир чеккага ўтиб, индамай ўтираверди. Олимнинг ҳаракатларини кузатиб ўзича деди: «Бу олим илмига мағрурланиб кетибди. Бироз ўтирай-чи, қани, нима гап бўлар экан, шунга қараб иш тутарман». Бу орада эшик очилиб, башанг кийинган бир киши кириб келди. Орқасидан эса тугун кўтарган хизматкори кўринди. Меҳмонни кўрган олим дик этиб ўрнидан турди, саломга алик олди, икки қўллаб сўрашиб, уни тўрға таклиф қилди. Хизматкор тугунни олимнинг қўлига тутқазди. Олим: «Хуш келибсиз, сизни кўришдан бағоят хурсандман», деб меҳмондорчиликнинг қоидасини ўрнига келтириб, зиёфатни бошлади. Зиёфатдан сўнг барча шогирдлари китобларини кўтариб, унинг атрофидан жой олишди. Олим билан бой ўртасидаги суҳбатни қизиқиб кузатаётган хокисор йигит: «Бу олим одобсиз киши экан, адабини бериш пайти келди», деган қарорда ўрнидан туриб, олимнинг рўпарасига ўтирди.

– Муҳтарам олим, бир мушкул масалани ечишга ёрдам берсангиз,-деди у одоб билан.

– Қандай масала, айт, – деди олим.

– Мавлоно, сиз бугун илму фазл даъво қилмоқдасиз. Айтинг-чи, сизнинг фикрингизча, салом неча хил бўлади?

– Салом бир хил бўлади. Салом-алик қилиш барча кишиларга вожибдир, – деди олим.

– Китоблардан мен ҳам шундай маъно топганман. Лекин сизнинг ҳузурингизда салом икки хил экан. Сиз ўз гапингизга ўзингиз қарши чиқяпсиз.

– Бу бемаъни даъвони қаердан олдинг? – деб ғазабланди олим.

– Сиз салом ва аликда бой билан камбағал орасида фарқ бор, деб билар экансиз. Мен бир неча дақиқа илгари ҳузурингизга кириб, салом бердим. Қўлим бўшлигини кўриб, сиз алик олмадингиз. Кейин ёнингизда ўтирган бадавлат киши кириб келди. Хизматкорининг қўлидаги тугунни кўрдингиз-у, саломига алоҳида лутф билан алик олдингиз. Ўрнингиздан туриб, қаршиладингиз, ёнингиздан жой бердингиз. Шу ҳаракатингиз билан «Салом бир хил бўлади. Салом-алик қилиш барча кишиларга вожибдир», деган гапингизга ўзингиз қарши чиқдингиз. Илоҳий китобда «Биров сизга салом берса, унинг саломидан кўра яхшироқ қилиб алик олинг», дейилмаганми ахир! Сиз илмни бойлик топиш учунгина ўқиган экансиз. Биздек бечораларни шунинг учун ҳам хор тутдингиз!

Ўтирганлар илм толибининг гаплари ҳақ эканини тасдиқлаб, бош қимирлатдилар. Илм толиби бундан руҳланиб, гапини давом эттирди:

– Инсон учун меҳмон азиз. Мен уйингизга меҳмон сифатида келдим. Сиз эса инсонлар одатини ҳам поймол қилдингиз. Меҳмонни ҳурматлаш ўрнига, саломига алик олишни ҳам лозим кўрмадингиз. Китобларда: «Кимки меҳмонни эъзозламаса, у одам эмас», дейил-

ган. Яна бир ўринда: «Меҳмонга очиқ юз ва ширин сўз бўлиш савоби юз йиллик тоат-ибодат кабидир», дейилган. Сиз илмингизга мағрурланиб, ён-атрофингизга ҳар хил китобларни йиғиб, бойлик тўплаш йўлига кирибсиз. Тўплаган китобларингиздаги илмга амал қилмасангиз, бундан нима наф?

Илм толибининг гапларини эшитганлар унга офарин айтдилар. Юзлари қизара бошлаган олим эса: «Эй биродар, нега менга ёпишиб олдинг? Ахир мен нима гуноҳ қилдим?» – деб гўдранди.

– Сизни илмига амал қилмовчи десам, гапга ҳам тушунмас экансиз, – деди илм толиби. – Шунча гапим ва келтирган далилларим ҳам сизга таъсир қилмабди. Барча китобларда «Фақир ва бечора кишиларга кўмаклашинг, толиби илмларни ҳурмат қилинг», дейилган. Сиз бунинг аксини қилдингиз. Ёнингизда ўтирган бойни эъзозладингиз. Бизларни эса хор тутдингиз. Илм сиздек кишига ҳайфдир!

Бу гаплардан кейин олим хатосини тан олиб, узр сўраган бўлсада, илм толиби бундай кишидан илм ўрганишни номуносиб деб билиб, изига қайтди...

Ҳар қандай ишқ-муҳаббат, меҳр-оқибат саломнинг тилла занжири билан боғланади. Суқрот ҳақимдан ибратки: «Дўстингга йўлиққан вақтингда кулиб, очиқ юз билан кўриш. Яхши сўз билан унинг кўнглини кўтар. Дўстликнинг бошланиши мадҳ-сано биландир». Ҳа, дўстлар бир-бирлари билан «Ассалому алайкум» деб сўрашишмаса, саломнинг нима қиймати қолади? Биз саломнинг аҳволлар эшигини очувчи сеҳрли калит эканини унутмаслигимиз шарт.

«Салом»нинг маъноси «тинчлик» демак. Бизнинг «Ассалому алайкум» дейишимиз билан айрим турк биродарларимизнинг «гун айдин» (қунигиз хайрли бўлсин), айрим озарбайжон дўстларимизнинг «сабоҳингиз хайр» (тонгингиз хайрли бўлсин), инглизларнинг «гўд монинг», русларнинг «доброе утро»си орасида катта фарқ бор. Буларнинг барчасига нисбатан «Ассалому алайкум»нинг маъноси теранроқдир. Чунки салом эътиқод билан ҳам боғлиқ. Бу сўз: «Бу дунёда ҳам, охиратда ҳам саломат бўлинг! Дарду мусибатларга йўлиқманг. Сиз охиратда ҳам салим (саломат) бўлинг, жаннатга киринг, Аллоҳ сизни «Дорус салом» бўлган жаннат аҳлидан қилсин: азобдан, ғамдан, кадардан йироқ бўлинг!» каби хайрли тилакларнинг маъноларини ўзида жамлайди. Хайрлашар чоғида фарбликларнинг «бай-бай», русларнинг «до свидание»си билан бизнинг «Аллоҳга топширдим!» ёки «Аллоҳ паноҳида асрасин!» орасида ҳам жуда катта фарқ бор. Биз Аллоҳга топширамыз. Бир киши билан ажралаётган пайтимизда у кишининг муҳофазаси-омонлигини Аллоҳдан сўраймыз. Яъни, «сизни Аллоҳга топширдим, сизни Аллоҳ асрасин», деб дуо қиламыз.

Бу дуоларимиз эриниш ёки билмаслик оқибатида чала бўлиб қолади. Нима учун шундайлигини аниқ билмайман. Эҳтимол, айрим ҳолларда русчадан таржима таъсир қилгандир? Масалан, таом еб ўтирган кишига қараб улар «Приятного аппетита» деб тилак тилашади. Бу ўринда улар «желаю» («тилайман») сўзини туши-

риб қолдиришади. Биз бу тилакни айнан таржима қилиб «ёқимли иштаҳа» деб қўямиз. Диққат қилмаймизки, иштаҳанинг ёқимсизи бўлмайди. Иштаҳа ё бўлади ё бўлмайди. Шунинг учун ҳам ота-боларимиз бу ҳолда «ош бўлсин», деб қўйишган. «С праздником!» табриги ҳам шундай. Унда «Поздравляю» («табриклайман») табриги тушиб қолган. Юқорида зикр этганимиз «желаю Вам доброго утро» – «сизга кунингизнинг хайрли бўлмоғини тилайман», бўлиши керак. Гапдаги сўзларни қисқартириб ишлатишни хуш кўрувчи руслар хайрли тилакларини ҳам «думи юлинган товуқ» ҳолига келтириб қўйганлар. Хусусан, «здравствуйте» – «соғ бўлинг» деганидир. Ҳарбийлари «здорово желаю», деб тўлиқ айтадилар. Бу муаммони ҳал этиш рус тилшуносларининг ўзларига ҳавола. Биз қисқартиришни улардан ўрганмасак бас, деймиз-у, ёмон одатларини такрорлаётганимизни сезмаймиз. Масалан, «раҳмат», «ташаккурлар» ёки «узр» деб қўйиш одатимиз бор. Булар ҳам «думи юлинган» тилаклардир. «Раҳмат» – Сизга «Аллоҳнинг раҳмати бўлсин!», (Русларнинг «спасибо»си ҳам «Спаси тебя Бог» – «сени Худо асрасин», демакдир) «Ташаккуримни (ёки «узримни») қабул қилинг», деб тўлиқ айтишга эринамиз. «До свидание», «пока», деган тилакларни «Ҳозирча хайр», «кўришгунча» ёки «кўришгунча омон бўлинг», деймиз. Афсусли жойи шундаки, бундай чала тилакларни теле ёки радио бошловчилар тилидан кўп эшитамиз. Қизиқ-да, кўришгунча омон бўлсак, ундан кейин-чи? Бунинг ўрнига «Ҳамиша омон бўлинг» ёки «Сизни ҳамиша Аллоҳ паноҳида сақласин», десак дуо мукамал бўлади. Биз бировдан раҳмат эшитганимизда русларга тақлид қилибми «не за что» – «арзимаиди», дейишга ўрганиб қолганмиз. Бу сўзни икки хил маънода тушуниш мумкин. «Менинг қилган бу яхши ишим арзимаган бир иш» ёки «Мен катта иш қилдим-у, айтаётган раҳматингиз бу хизматим олдида ҳеч гап эмас, арзимаиди». Русларда бошқа жавоб ҳам бор: раҳмат айтилганда «пожалуйста» – «марҳамат», дейишади. Бировдан раҳмат эшитганимизда «Аллоҳ рози бўлсин!» дейишга тилимиз бормаса, «марҳамат», деб қўя қолайлик.

Баъзи бировлар «Ассалому алайкум», деб тўлиқ айтишга эринибми, «салом» ёки «саломалайкум» ёки «сомайкум» тарзида ифода этадиларки, бу гоят хунукдир ва товушларнинг бузилиши тескари маъно англатиб қўйиши мумкин. Масалан, «ас-сому алайкум» дейилса, «сизга ўлим бўлсин!» деган маъно келиб чиқади.

Ҳамонки, салом бериш ва алик олиш дуонинг кўринишларидан бири экан, бу ҳақда ҳам фикрлашиб олсак ёмон бўлмас.

Мусулмон аҳли ҳамиша бир-бирини дуо қилиб юришга буюрилган. Ёмон дуодан, ўзгага ёмонлик тилашдан қайтарилганмиз. Хайрли дуо – бошқаларга ҳамиша яхшилиқни раво кўриш. Кимнингдир дарддан фориг бўлиб, шифо топишини, кимнингдир фарзанд кўриб шодланишини, яна кимнингдир ҳожатлари раво бўлишини, сафардагиларнинг йўллари бехатар бўлишини исташ. Бу истакларни банданинг ўзи амалга оширолмайди ва шунинг учун Аллоҳ таолога илтижо қилиб сўрайди. Дуо холис – ғараз ва риёдан, тама

ва миннатдан ҳоли бўлмоғи шарт. Шунингдек, дуо шаръий бўлиши ҳам керак. Шоирларнинг қачондир шеърий тарзда ёзган дуоларини ёдлаб олиб айтавериш ҳам яхши одат эмас. Ҳар бир одам ўз ҳожатини ўзи билади ва юраги ўзига яраша ёнади, ўзига яраша Аллоҳ раҳматига талпинади. Дуоси ҳам шунга яраша бўлади.

Саъд ибн Абу Ваққос «Эй Расулulloҳ, Аллоҳга дуо қилипман, лекин дуойим мустажоб бўлмаяпти», дедилар. Пайғамбар (с.а.в.) айтдилар:

**– Саъд, ҳаромдан сақлан, чунки қоринга бир луқма ҳаром кирса, унинг дуоси қирқ кунгача қабул бўлмайди.**

Ҳаётда ажабтовур воқеалар ҳам учрайди. Масалан, жанг олди-дан ҳар иккала томон ҳам ўзига ҳимоя, душманга эса ўлим тилайди. Бир неча йиллар илгари Ироқ ва Эрон урушида жанггоҳнинг ҳар икки томонида мусулмон бандалар шундай ҳолатда дуолар қилганлар. Қайси томоннинг дуоси ижобат бўлиши бандага номаълум. Уруш тугагандан сўнг ҳар икки томоннинг омон қолган жангчилари эҳтимол Ҳаж ибодатига боргандирлар, яқиндагина жанггоҳнинг икки томонида бир-бирларига милтиқ ўқталиб, ўлим тилаган бандалар Каъбатуллоҳда энди ёнма-ён ўтириб, Аллоҳ таолога муножот қилгандирлар. Бунақанги урушларда душман аскар-рига ўлим тилагандан кўра, шу урушни бошлаган ҳукмдорларга инсоф беришни сўраб дуо қилган хайрлироқ бўлса керак.

Дуо қилинаётган чоғда айримлар кафтларини умуман қўтар-майдилар. Айримлар қўлларини тиззалари устига қўйиб оладилар. Икки жимжилоқни ўзаро туташтириб, кафтларни очиб юрак-нинг рўпарасида тутиш керак. Шарафли ҳадисда: «Агар Аллоҳдан сўрасангиз, кафтларингизнинг ичини очиб сўранглар, орқаси билан сўраманглар ва кафтларингизни юзларингизга суртинглар», дейилган. Кафтларимизни очиб илтижо қилаётган пайтимизда Аллоҳ таолонинг раҳматлари ёғилиб туради. Кафтимизга кўнган бу илоҳий раҳматларни юзимизга суртамиз...

Аллоҳ фақат хайрли дуо қилмоққа буюрган, «дуойибад» – ёмон тилақдан қайтарган. Дуойибад қилмоқ, яъни бандага Аллоҳ таолодан ёмонлик соғиниш одам фарзандига хос эмас. Дуойибад кўпинча қарғиш кўринишида бўлади. Баъзан қарғишларни эшитиб қоламиз: банда кўзларининг кўр ёки оёқ-қўлларининг шол бўлиб қолиши сўралади Аллоҳ таолодан. Бу каби қарғишларда икки хил нодонлик мавжуд: агар банда айбдор бўлса, унга қандай жазо беришни Яратганнинг ўзи билади. Жазо тури банда томонидан белгиланмайди. Фараз қилайлик-ки, қарғиш тегиб, ўша одам кўр бўлди. Хўш, бундан дуойибад қилган кимсага бирон наф борми? Фақат кўнгил қувончи бордир. Бу кўнгил қувончининг эгаси эса иблисдир.

Баъзилар ўзлари ёмон деб фараз қилувчи кишиларнинг ўлимини ҳам истайдилар. Аввало ўлим дуо билан келмайди. Бу тақдир ёзуғидир. Хўш, ўша одам дунёни тарк этса, дуойибад қилувчининг ҳаёти чиройлироқ бўлиб қоладими?

Ёмон ниятли дуодан кўра хайрли – яхши дуо қилмоқлик Одам фарзанди учун фойдалироқ эмасми? Ёмон деб ўйлаганимиз одамга Аллоҳ таолодан инсоф, ҳидоят сўрасак-да, дуоларимиз ижобат бўлиб, у киши яхшилик йўлига ўтса, фақат бизга эмас, жамиятга фойда-ку?

Ҳазрати Сўфий Оллоҳёр Бухоро божхонасида хизмат қилиб, зулмлари туфайли кўпчиликка озор беравериб, дилларини оғритаверганларидан безган одамлар пири муршидга бориб бу кишини дуойибад қилишни сўраган эканлар. Пир ҳазрат эса хайрли дуо қилиб, Оллоҳёрга ҳидоят сўрабдилар. Оқибат шуки, дуо ижобат бўлди – божхона хизматчиси бу хизматдан воз кечиб, оқибатда «Ҳазрат Сўфий Оллоҳёр» деб эл аро ном чиқардилар.

Дуойибад учун савоб йўқ. Аллоҳ таоло яратган бандаларининг бир-бирларига яхшилик қилишларини истайди ва шу мақсаддаги хайрли дуолар учун ажр беради. Яхши мукофотдан юз ўгириш эса нодонликдир.

Бу масалада яна бир мулоҳаза бор: кимнингдир кўр ёки шол бўлишини ёки тезроқ ўлишини истовчи банданинг қалби қандай экан? Кир ва қора эмасмикин? У ҳолда бошқа бир юраги қора уни дуойибад қилиб ўтирмаганмикин?

Не афсуски, айрим оилаларда доимий равишда дуойибадни эшитиб турамиз. Буни авом тилида «қарғиш» деймиз. Оналарнинг ўз фарзандларини қарғашлари янада ачинарли ҳолдир. «Жувонмарг бўлгур!», «Кўлгинанг синсин!», «Тилгинанг кесилсин!», «Қорнинг ёрилсин!» Албатта бу қарғишлар юрак қаъридан отилиб чиқмайди, тил учида, жаҳл натижаси ўлароқ айтилади. Бироқ, «Яхши гапга ҳам, ёмонига ҳам фаришталар «Омийн!» дейди». Дуоси ижобат бўлиб қолса, она додини кимга айтади? Агар «Жувонмарг бўлгур» деган ибора «Ёшлигингда ўлиб кет!» деган маънони англатишини билганларида эди, оналарнинг ҳеч бири бу сўзларни тилга олмаган бўлардилар.

Ташқи гўзалликни кўз ила кўриб, баҳо бермоқлик мумкин. Ички гўзаллик, хусусан, ҳусн чиройига тил ила ифода этилувчи салом ва дуо гувоҳлик беради. Шундай экан, тилимизни фақат салому ширин сўзлар қулига айлантириб қўя олсак қандай яхши! Афсуски, тилни қул қилмоққа шайтон алайҳилаъна ҳам харидор. Шайтон тилни эгаллаб олса, қалбни маҳв этиши ҳам осон кечади. Тил мазах ва сўкишдан парҳез қилмадими, саломни қуруқ, дуоси ижобатсиз бўлиб қолиш эҳтимоли борки, бу иллатдан Аллоҳ таоло сақласин!

Кўнгилини хира қилувчи воқеа содир бўлганида саҳобалар «Ё Расулуллоҳ, мушриклар ҳақиқа дуойибад қилинг!» дейишганда, Аллоҳнинг элчиси (с.а.в.) **«Мен дуойибад қилувчи ёки лаънат этувчи эмас, балки марҳамат қилувчи бўлиб юборилганман»**, деганлари ҳар биримиз учун ибратдир. Чунки ҳар бир одам бир-бирига яхшилик қилиш учун яратилган. Бировни лаънатлаш дуойибаднинг бир тури ҳисоблангани сабабли бу борада ҳам тилни эҳтиёт қилиш шарт.

Ҳаётимизда баъзан билиб, кўпроқ ҳолларда эса билмай, ҳатто яқинларимизни ҳам лаънатлаб қўямиз. Масалан, бир оила бузилиш жари ёқасига келиб қолган. Эр томон хотин томонни, хотин томон эса эр томонни шунчаки айбламоқчи бўлади-ю, лекин тилига лаънат сўзлари аралашиб қолаётганини фаҳмламайди. «Менинг яхшилигимни билмасанг кўр бўласан», «Тирик етимлар кўзидан оққан ёшларнинг уволи тутуди сени»... каби гаплар гўё қалбларни овутгандай бўлади. Айбланиш ва лаънат ўқиш билан оилани сақлаб қолиш сира мумкин эмас. Бунинг ўрнига юрак-юракдан: «Ё Аллоҳ, аввало ўзимга, сўнг хотинимга (ёки эримга ёки кувим ё келинимга) инсофу тавфиқ бер, орамиздаги меҳр-муҳаббатни зиёда қилиб бер...» деб хайрли дуо қилса, ижобат бўлиши аниқ.

Ҳазабланган пайтда «Падарингга лаънат!» деб юбориш одати кенг тарқалган. Эҳтимол, кимсани ҳазаблантирган одамнинг отаси тақводор мўмин кишидир. Буни билмай туриб, унга лаънат ўқишимиз қандай бўларкин? «Ўғлини ёмон тарбиялаган, шунинг учун лаънатга лойиқ», деймизми? Кимса ҳазабланган ониди ҳали ким ҳақу ким ноҳақлиги аниқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Унга ноҳақлик содир этилгандай туюлди ва отани ўртага қўшиб лаънатлади.

Лаънатлаш дуойибаднинг бир тури бўлиши билан бирга, сўкишнинг пардали кўриниши ҳамдир. Баъзи ҳолларда «онангни...» деб сўкишдан уялган ҳазабноқ одам «падарингга лаънат!» билан хуморидан чиқади. Киши дуойибаддан, лаънатлашдан ўзини тутиши қийин эмас, чунки ҳар кун ёки ҳар соатда бу иллатларга банди бўлмайди. Аммо ҳар кун, ҳар соатда эмас, ҳар дақиқада ҳам сўкувчилар бор. Одам ёлғиз ҳолатида ҳам бировни дуойибад қилиб, лаънатлайверади. Лекин сўконғич одам ошкора сўкмаса, хумори босилмайди. Сўкишни ҳар жойда – бозорда ҳам, мазорда ҳам, автобусда ҳам, турли идораларда ҳам эшитишимиз мумкин. Бозорда харидор сўкади – сотувчи бўш келмайди, «қайтим» қайтаради. Мазорда ўлик эгаси гўрковни сўкади – гўрков аламини ўликка қўшиб кўмиб қўя қолмайди, ҳазабини сўкишга айлантириб қайтаради. Автобусда биров бехос туртди ё оёқни босиб олди. Эшитадигани – сўкиш! Идора раҳбари ўзининг ким эканини кўрсатгиси келса, мажлис пайтида ходимларининг онасию бувиларини бир-бир «эслаб» қўйишни маъқул топади. Уйда эр хотинни, ота фарзандларини, ака-ука сингилларини сўкади. Не додди, ота боласини, ака укаларини, ҳатто ука ака-опаларини «онангни...» деб сўкиб турса?! Шундай оилалар борки, чой ичиб, нон ейиш қандай одатий ҳол бўлса, сўкиш ҳам улар учун худди шундай ҳол. Бундай хонадонда ярим кечада биров уйғониб чой ичса, «тинчликми, нега чой ичяпсан?» дейишлари мумкин. Лекин тун ярмида сўкинса, эътибор ҳам берилмайди.

Сўкиш эшитиладиган жойдан ҳаё қочади. Ҳаё қочган хонадондан файз кетади, барака кўтарилади. Сўкиш – кучли томондан айтилади, демак, ўзига яраша куч ва мартабанинг қай даражада эканини кўрсатувчи омилдир. Жисмоний жиҳатдан кучсиз одам мушаклари ўйнаб турган бақувват одамни сўкмайди, мартабаси

пастроқ киши хўжайинини сўкиб кўрсин-чи? Хотин зулм ҳаддан ошган маҳалда эрни қарғаб юбориши мумкин, аммо сўкмайди. Сўкиш беҳаё, майпараст кўча хотинларига хос иллат.

Сўкишнинг ёмонлигини ҳамма билади, лекин ҳамма бу иллатдан қутулишни ўйламайди. Фарзандимиз ўн икки – ўн беш ёшларида бировни сўкаётганини эшитиб қолсак, ғазабланамиз, «Бу ёмон одатни қаердан, кимдан ўрганди?!» деб бош қотирамиз. Лекин шу фарзандимиз бир-икки ёшида, энди тили чиқаётган пайтида «Онангни (ёки «акангни») сўкиб қўй», деб ўргатганимизни унутиб юборамиз. Уч ёшли ўғилчамиз ёки набирамиз ширин тилчалари билан онасини сўкаётганини эшитганимизда қувонамиз. Иллат кулбасининг пойдеворини ўзимиз тиклаб қўйиб, оқибатда «Бу қора кулба қайдан пайдо бўлди?» деб гангиб юрамиз. Болага сўкишни оналар ўргатмайди. Боланинг тили чиқмай туриб ҳам саломни ўргатишлари юқорида айтилади. Гўдакка саломни ўргатувчи отани кам учратамиз. Сўкишни ўргатувчилар эса етиб ортади. Агар ота фарзандига «ассалом»ни, «бисмиллаҳ»ни, «субҳаноллоҳ»ни ўргатса, бола ширин тилчалари билан бу гўзал сўзларни айтганида қувонса, «Кишиларни ёмон иборалар билан сўкувчи ва оғзини шундай сўкишга ўргатган бандани Аллоҳ таоло яхши кўрмайди», деган шарафли ҳадисни мурғак онгига сингдира олса, унинг хурсандчилиги доимий бўлади, умрининг охиригача татийди.

Сўкиш ҳақида фикр юритилганда сўзнинг маъносига тушунмаслик оқибатида айтиладиган айрим ибораларни четлаб ўтолмайман ва бунинг учун биродарларимиздан, айниқса, опа-сингилларимиздан узр сўраймиз. Турли жойларда, турли одамлар тилидан «вой баччағар!», «Вой даюс!» ёки «энағар», «қизигар» деган сўзларни эшитиб қоламиз. Ажабланарли томони шундаки, буларнинг барчаси эркалаш оҳангида айтилади. Ҳолбуки, бу оғир ҳақорат саналади. Агар шу сўзларни айтувчилар «баччағар» – боланг фоҳиша, «энағар» – онанг фоҳиша, «қизигар» – қизинг фоҳиша, деган маъно англатишини билсалар, тилларини тийган бўлармидилар? «Даюс» эса эр учун оғир ҳақорат, ўз аёлини бошқалардан қизганмайдиган одам шундай аталади. Баъзилар русча сўкишларни тилдан қўймайдилар. «Вой блин», «вой бляд» дейиш улар учун одат тусига кириб қолган. Маданиятлироқ руслар «бляд»ни пардалаб «блин» дейдилар (ҳар икки сўз «қанжиқ» маъносини англатади).

Ҳаётда биров сўкканда иккинчи томоннинг жим туриши ҳоллари кам учрайди. Сўкишга сўкиш билан жавоб қайтарилади ва оқибатда катта жанжаллар келиб чиқади. Айёз ибн Ҳаммор (р.а.) айтдилар: «Мен Расулуллоҳдан: «Ё Расулуллоҳ! Бир киши мени сўкса нима қилай?» деб сўрадим. Расулуллоҳ (с.а.в.): «Бир-бирини сўкувчи икки кишининг иккаласи ҳам шайтондир. Улар ёмон гапни гапиради ва ёлғон сўзлайди», дедилар. Албатта, кимдир онадан сўкса, индамай эшитиш анча оғир. Ҳарбий хизматда бўлган пайтимизда айнан шундан қийналардик. Рус аскарлар, ҳатто командирлар икки гапнинг бирида «онангни» деб туришарди. Бу сўкиш

оҳанги ғазаб ва таҳдиддан ҳоли эди. Яхши гапни гапираётганда ҳам шу сўкиш ишлатиларди. Лекин осиеликлар, айниқса, кавказликлар бунга чидай олишмасди. Кўп муштлашувлар «оналар элаганидан» кейин бошланиб кетарди. Оқибатда сўккан эмас, мушт кўтарган жазоланарди. Бир куни қисм командири осиелик аскар йигитларни йиғиб, узр сўраган, «онангни» дейилишида ғараз бўлмагани учун рус йигитлардан ранжимасликларини илтимос қилган эди. Бу сўкишни эшитиш ҳар қанча оғир бўлмасин, чидаган маъқул. Бу ҳусусда шарафли ҳадис:

– Кишининг ўз ота-онасини сўкиши катта гуноҳдир, – дедилар Расулulloҳ (с.а.в.).

– Ё Расулulloҳ, киши ўз ота-онасини ҳам сўкадимми? – деб сўрадилар саҳобалар.

Аллоҳнинг элчиси дедилар:

– Киши бир одамини сўкканида сўкиш эшитган одам сўкканининг отасини ҳам, онасини ҳам сўкади, – дедилар.

«Қобуснома»дан ҳикмат: «Иттифоқо, бирор киши билан уришсанг, оғзингга келган бузуқ сўз ва ҳақоратлар билан сўкма, шундай уришгилки, ярашмоққа жой қолсин ва бирданига бешарм, беҳаёлик қилма, чунки бундай иш безориларнинг одатидир. Одатнинг яхшироғи тавозуъли, кибрсиз бўлишдир».

Бир-бирларига ғазаб қилувчилар ўзларини босиб олишгач, сўкиш борасида қайси бирлари айбироқ эканини аниқлаштириш мақсадида масала талаша бошлайдилар. Бундайларга Пайғамбаримизнинг (алайҳиссалом) ажримларини эслатамиз: «Бир-бири билан сўкишувчи кишиларнинг айби сўкишни аввал бошлагани устига тушади, башарти иккинчиси сўкишни ҳаддан ошириб юбормаса». «Қутадғу билиг»дан ҳикматким:

*Сени ким сўкар эрса ўгил они,  
Утун ул булур сен тузунлар сони.*

Дейилмоқчики: ҳар ким сени сўкса, сен уни мақта. Натижада сен адаблик, ул қўпол, жоҳил бўлур.

Аҳмад ибн Яҳё ибн Вазирмдан ривоят:

– Бир куни имом Шофиъий билан чироқ бозорига чиқдик. Бир пайт кимдир илмли кишини сўка бошлади. Шунда имом ҳазратлари бизларга юзланиб дедилар:

– Тилларингизни фаҳш сўзлардан сақлаганингиз каби, қулоқларингизни ҳам фаҳшни эшитишдан сақланглар. Зеро, фаҳшни эшитиб турувчи одам гуноҳда уни сўзловчи билан шерикдир.

Ҳазрати имомнинг бу танбеҳлари сўкишаётганларни инсофга чақирмай томоша қилиб турганларга тааллуқли, деб ўйлаймиз. Муштлашаётганларни ажратишга ҳамма ҳам жазм қилавермайди. Биров жисмоний жиҳатдан кучсиз бўлгани туфайли аралашмайди, бошқаси эса қўрқоқлиги учун. Сўкишаётганларни инсофга чақиришга ҳам айнан шу сабаблар баҳона бўлади. Ҳаётда ким



ўзгани масхаралашни яхши кўрса, фасод ботқоғига ботади – оқибатда ўзи масхара бўлади, уришишдан лаззат олса – эртами кечми ўзи калтак азобидан дард чекади. Сўкинувчи эса сўкиш дўллари остида қолади. Шундай экан, фисқ оламидан, яъни калака, мазах, масхаралашдан, уришишдан, сўкинишдан нари юривчи инсоннинг турмуши тинч бўлади.

«Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат», деган мақол оддий гапга ўхшайди, бироқ бу ҳикматнинг замирида улуғ бир ҳақиқат мавжуд: халқнинг фасодга берилиши буюкларга ҳурмат, кичикларга муҳаббат кўрсатмасликдан бошланади. Юқорида зикр этганим иллатлар зоҳир бўлган онда орадан ҳурмат ҳам, муҳаббат ҳам кўтарилади. Буни ҳамиша ёдда тутмоғимиз шарт.

Ҳозир телевидениеда турли «ток-шоу»лар кўпайди. Мухбирлар ўзаро мулоқотни шундай аташяпти. Мен бу «шоу»ларни, айниқса Россия телевиденисидаги бу мулоқотларни 5-10 дақиқадан ортиқ кўра олмайман. Чунки даврага тўпланганларда мулоқот қилиш маданияти, айниқса суҳбатдошни тинглаш маданияти етишмайди. Назаримда, бу одамлар китоб ўқиб, билим тўплайверган-у, аммо болалигида тинглаш, суҳбатлашиш одобини ўрганишмаган.

Тинглаш ва суҳбатлашиш одоби фақат телевидениеда эмас, ҳар соҳада муҳим. Айниқса, тарбия соҳасида ишловчилар бунга алоҳида эътиборни қаратмоқдари зарур. Агар ота ва она оилада илиқ муносабат қарор топишини истаса, фарзандини тинглашни ва у билан суҳбатлашишни ўрганиши керак.

Ўзимизга четдан назар ташлайлик: фарзандимиз ўзини руҳлантирган ёки таъсирлантирган бир воқеани тўлқинланиб гапириб берапти. Биз эса эшитяпмиз. Қандай ҳолатда эшитяпмиз? Болани тўлқинлантирган воқеа биз учун аҳамиятсиз эканини билдириб қўймаяпмизми? Бола гапираётганда эснамадикми?

Бола гап бошлаганда унинг рўпарасидан жой олган маъқул. Болангизнинг қизиқарли баёнини қизиқиб тинглаётганингизни сездириб туриш учун ҳам кўз-қўзга тушиб туриши керак. Боланинг ҳаяжонли гапларини тинглаётганингизда салобат билан, яъни оёқларингизни чалиштириб, хотиржам ўтирманг, аксинча, ўзингизни ғоят эркин тутинг, қизиқиш билан тинглаётганингиз сезилиб турсин.

Агар гапираётган фарзандингиз томон сал энгашиброқ ўтирсангиз, янада яхши. Бу ҳаракатингиз билан боланинг муаммоларига бефарқ эмаслигингиз, унга чин дилдан яхшилик тилаётганингизни маълум қилиб, қалбида хайрли бир умид чироғини ёққан бўласиз. Бироқ бу ҳолатингизда сунъийлик сезилиб қолишидан эҳтиёт бўлинг. Бола ниҳоятда зийрак бўлади. Бола томон эгилиб, кўзларига кўз тикиб турсангизда, хаёлингиз ўзингизнинг муаммоларингиз билан банд бўлса, болада ноқулайлик ҳисси уйғонади, сўз бошлаганига пушаймон қилиб, гапини тўхтатади.

Кўз қараш шахслараро мулоқотнинг аҳамиятли воситаси ҳисобланади. Шунинг учун суҳбатдошга ҳамиша самимият ила боқишга интилинг. Боланинг гапларидан зерикаётганингиз ёки бошқа салбий

ҳолатингиз сезилиб қолмасин. Боланинг кўзларидан нигоҳингизни олиб қочаверманг. Аксинча кўзингиз ҳамиша қулиб турсин.

Ўзингизни эркин тутинг. Бола кулса кулинг, ҳайратланса – ҳайратланинг. «Ростданми? Зўр-ку!» каби ишоралар қилиб, уни янада руҳлантинг. Унутмангки, сиз учун аҳамиятсиз бўлган воқеа баёни болангиз учун эътиборлидир. Бола гапини тугатгач, ўз ҳикоясидан ўзи ҳузурлансин.

Ҳеч қачон, ҳа, ҳеч қачон «Шуни гап деб кўтариб келдингми?» деб унинг шаштини қайтарманг. Боланинг гапларидан энсангизнинг қотганини маълум қилиб қўйишингиз, юзига тарсаки туширишингиздан ҳам баттарроқ салбий таъсир қилади.

Тинглай билиш маҳоратига эга бўлиш фазилати фақат ота-она учун эмас, мактабда устозлар учун, айниқса профилактика инспекторлари ва тарбия иши билан шуғулланувчи турли комиссияларнинг аъзолари учун ҳам жуда муҳим.

Болалар руҳий оламини ўрганувчи олимлар тингловчини «яхши» ва «ёмон» тингловчи деб икки тоифага ажратишади.

Яхши тингловчи болани қандай бўлса, шундайлигича қабул қилишга интилади. Унинг ҳар бир гапини муҳокама қилишдан ва гап маромини ўзи истаган йўлга буриб юборишдан тийилади; суҳбат чоғида бола билан илиқ, табиий ва хайрихоҳлик билан муносабатда бўлади; гапга аралашиб, ўзининг гапларидан завқданмай, аксинча, боланинг фикрларини диққат билан эшитади. Боланинг фикри бўлинганда ёки гапдан тўхтаб қолганда фикрларини жамлаб олиб, баёнини давом эттириш учун имкон беради.

Ноўрин саволлари билан боланинг фикрларини бўлаверадиган киши ёмон тингловчи тоифасига киради. Бу тоифа боланинг эҳтиёжларини назар-писанд қилмайди, суҳбат мавзуини ўзи истаган йўлга буради. Боланинг муаммоларига биргаликда жавоб излаш ўрнига насиҳатларни қалаштириб ташлайверади. Болани бошқалар билан таққослаб, камчиликларини юзига солади. Бола гапдан тўхтаб қолганда ўзининг фикрларини баён қилишни бошлайди. Боланинг ўзига, айниқса жўн саволларига беписанд қарайди. Боланинг ҳис-туйғуларига парво қилмайди.

Биз – катталар ҳар куни, ҳар хил шароитда, ёши ва онг даражаси турлича бўлган болалар билан суҳбатлашамиз. Бола билан суҳбат бошламай туриб, тингловчининг қайси тоифасига мансуб эканимизни ўйлаб кўрганимиз яхши. Ёмон тингловчи тоифасига хос камчиликларимиз бўлса, уни тез тuzатишга ҳаракат қилсак, тарбия бобида янада яхши натижаларга эришамиз.

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

### ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ

#### БИРИНЧИ БОБ

#### БАЛО ДАРЁСИГА БОТИРУВЧИ ҚУЛТУМ

- *Шоҳ Жамшиднинг кашфиёти.*
- *Саккиз ёшида пиво ичган нодон.*
- *Қамоққа олиш учун 0,01 грамм морфин кифоями?*
- *Гиёҳвандни ким даволайди?*

Жиноятнинг узун йўлига назар ташлаяпмиз. Жиноят содир бўлган вақт, жой, яъни узоқ йўл юриб, етиб келинган манзил аниқ. Йўлнинг бошланиши-чи? Аниқ эмас. Мушукнинг терисини шилиб олган болакай милиция рўйхатига тушган ондан бошланадими бу йўл? Йўқ, анча илгари. Бу ҳақда баҳоли қудрат суҳбатлашдик. Ҳали сизга айтадиган гапларим кўп, толиқмаган бўлсангиз, давом этсам.

Баъзи жиноятларнинг йўли қисқароқ, баъзилариники узунроқ. Баъзилар биринчи жиноятларидан сўнг ақлларини йиғиб оладилар, яхшилик йўлига ўтадилар. Баъзилар биринчи жиноятлари пайтидаёқ ўлим топадилар. Баъзи жиноят йўли гўдакликдан, айримлари ўсмирликдан ёки ёшлиқдан бошланади. Баъзи жиноят йўлини ота ва она кўрсатиб берса, баъзиларига дўстлари етаклаб олиб киришади.

Одамзотнинг иллатларини: «Буниси яхши», «Буниси жуда ёмон» деб саралаб бўлмайди. Яхши одам иллатнинг барчасидан нафратланади. Шундай бўлса ҳам, майхўрлик ва гиёҳвандликни энг ёмон иллат, десак адашмаймиз. Чунки жуда кўп ёмонликлар айнан шу иллатлардан туғилади.

Майхўрлик ва гиёҳвандликка «Аср вабоси» деб ном берганлар. Лекин бу иллат XX асрда дунёга келди, деган гап эмас. Бу иллатлар одамзотни минг йиллар давомида азоблаб келади. Айниқса, майхўрликнинг тарихи қадимийроқ. Туркиялик аллома Муҳаммад Камолнинг ёзишича, унинг бошланиши Эрон ҳукмдори Жамшид номи билан боғлиқ.

Жамшид Жамнинг номи биринчи бўлиб ароқни ясагани боис ҳам тарихда қолган. У Эронда зардуштийлар динидан аввал ҳам

шароб ичиш маросимларини ўтказган, йиғинларда ҳар турли ичкиликлар билан аёнларини меҳмон қилган. Шароб ичиш аста-секин урфга кириб, инсонлар сархушлик балосига йўлиққанлар ва ахлоқсизликка юз тутганлар, жирканч ҳаёт тарзи вужудга келган. Асрлар ўтиб, Жамшид базмлари тилларда дoston бўлган, инсонлар бир-бирларини шароб билан сийлаб, ўша базмларни ёдга олганлар ва ёмонликларга қўл урганлар. Шу тариқа шаробни ўйлаб топган Жамшид Жамнинг номи одамлар орасида машҳур бўлиб қолаверган. Майхўрлар доимо Жамнинг шарафига ичишган, устозларини хотирлаб, май қадаҳини «Жоми Жам» деб аташган. Майпараст шоирлар уни шарафлаб шеърлар айтишган. Шундай қилиб, инсонлар орасига ёмонлик уруғларини сочишган, авлодларни разолатга бошлашган.

Жамшиднинг шаробни кашф этиши аслида тасодифан бўлган:

У бир куни ов қилиш учун аёнлари билан тоққа йўл олади. Кетаётиб, тасодифан фарқ пишиб ётган узумларга дуч келади. Кейин узумларни тердириб, ачитқисини ўлимга маҳкум қилинган қотилларга беришни амр этади. Орадан бироз муддат ўтгач, ачитқидан сиқиб олинган шарбатни маҳкумларга мажбурлаб ичирадилар. Шунда маҳкумларнинг биттаси қаттиқ уйқуга кетади. Бир қанча вақт ўтиб, уйғониб, ўзига келади ва яна озгина ичиришларини сўрайди. Иккинчи марта шаробга тўйиб олгач, кўзлари шавқ-завққа тўлиб, порлай бошлайди. Бу ҳолатни ҳайрат билан кузатиб турган Жамшид ҳам шарбатдан татиб кўришга журъат этади. Кейин аёнлар ичиб кўрадилар. Ҳаммалари ичкиликнинг кайфи билан ҳушларини йўқотишади. Шундай қилиб, Жамшиднинг барча маросимларида узумдан тайёрланадиган ичкиликлар ичиш одат тусига айланади. Ҳар гал дастурхон тузатилиб, Жамшид ёронлари билан давра қураб экан, маст бўлиб, вақтичоғлик қилишар эди.

Бу анъана вақт ўтиши билан атрофга ҳам ёйилди. Унга «Жам анъанаси, Жам маросими» деб ном беришди. Бизнинг юртларда бу иллат «Базми Жамшид» ибораси машҳур. Кейинчалик асма дарахтининг узумлари ажратиб олиниб, ачитқисидан тайёрланган шарбат қўшни халқларга ҳам тарқатилган. Қадимги мисрликлар, ибронийлар, юнонлар шу ичкиликка мубтало бўлган эдилар. Кейинчалик Ҳиндистон, Рум, Хитой, Арабистон, Сурия ва Мисрда турли шакллардаги ичкиликлар пайдо бўлди, инсоният ичкилик сари тез-тез одимлаб кета бошлади.

Бу тарихнинг қисқа баёни. Бугун бола гўдак ёшидаёқ майхўрлик нима эканини билапти. Аввало телевизордаги кинофильмларда кўради. Ота ва онасининг уйдаги зиёфатларида гувоҳ бўлади. Майхўрнинг болалари отасининг кўчадан маст ҳолда келиши сабабли уни кўрқув билан кутадилар. «Майхўрнинг боласи ҳам оқибатда майхўр бўлади», деган фикр нотўғри эканини, кўп болалар майхўрликка нисбатан нафрат билан улғайишларини аввалги суҳбатларимизда айтган эдим. Назаримда, сиз бу фикрга қўшилгандай бўлиб эдингиз. Шунга қарамай, боланинг майхўр-

ликни ўрганишида ота ва онани ҳам бевосита, ҳам билвосита айбдор деб биламан. Болага билвосита таъсир – ота ёки онанинг кўчада ичиб келиши, уйда зиёфат дастурхони ароқ-коньякларга тўкин бўлишида. Бевосита таъсирга мисол: бир оилада ёлғиз ўғилнинг ўн ёшга тўлиши муносабати билан зиёфат берилди. Зиёфат чоғида ота ўғлига мусаллас қўйиб берди. Меҳмонлардан бири эътироз билдирганда: «Бизнинг полвон – ўғил бола! Ота ўғил! Мен саккиз ёшимда пиво ичганман», деб мақтанди. Ҳадиси шарифда ҳаромдан ҳалолни ажратмайдиган, болаларига шароб ичирувчиларнинг жаҳаннамга тушиши ва улар энг ёмон, аччиқ ичкиликлар билан суғорилиши айтилганидан бу нодон хабардор эмасмикин?

Тўйларда ёки уйдаги зиёфатлар чоғида пивоми ё мусалласни-ми яширинча ичиб юрган болакайларга сизларнинг ҳам кўзингиз тушгандир, газаблангандирсиз. Уларга танбеҳ бериб, қўлидаги пиёлани тортиб олиб, ичидагини сочиб юборгандирсиз? Шундай қилган бўлсангиз, отангизга раҳмат! Ёмонликнинг бошланишига лоқайдлик билан қараганларга ўзингиз баҳо бера қолинг.

Майхўрлик билан гиёҳвандликнинг бошланиш нуқтасида кескин фарқ бор. Ота ва она боласига гиёҳвандликни ўргатмайди, шахсий намуна ҳам бўлмайди. Майхўрлик жуда эрта бошланади, гиёҳвандлик эса кеч бошланиб, эрта тугайди. «Эрта тугайди» дегани гиёҳвандликни ташлаш эмас, балки ҳаётнинг эрта тугашидир.

Масаланинг аҳамиятини инобатга олиб, бу мавзуда алоҳида суҳбатлашиб олайлик.

\* \* \*

Майхўр бир одам маст бўлиб олиб, сийдиги билан аввал қўлини, кейин юзини юва бошлади. Ундан: «Нима қиялсан?» деб сўрадилар. «Покланияпман», деб жавоб берди у.

Бошқа бир майхўрнинг дудоқларини ит ялай бошлади. Маст одам итга: «Эй жанобим, сен мени сийлаяпсан, Худо сени сийласин!» деб тумшуғидан ўпди. Ит орқа оёғини кўтарди-да, мастнинг юзига қараб «чоптир»ди. Маст итнинг бу иши учун ҳам ташаккур айтди.

Бу икки воқеага ишонмагандирсиз ёки латифа ўрнида қабул қилгандирсиз. Эҳтимол лофдир? Нима бўлганида ҳам, маст одамнинг ҳаракатларини диққат билан кузатсангиз, бундан баттар ҳолатларга гувоҳ бўлишингиз мумкин. «Мастлик – ростлик», деб бежиз айтмаганлар. Менимча, «Мастлик – аҳмоқлик!» Мастлик инсоннинг ақлини олиб қўяди ва уни ўзлигидан, яъни инсонликдан узоқлаштирадиган аянчли бир ҳолга келтиради. Ит мастнинг юзига «чоптираётганда» у аҳмоқ одам юзимни бир меҳрибон ювяпти, деб роҳатланди. Мастларнинг бадбўй оғизларидан қандай уят сўзлар чиқишини билмайдиган одам йўқ. Маст ака-укалар бир-бирларини «онангни...»лаб сўкишяпти. Ё, алҳазар! Ўз оналарини-я? Қайси аҳмоқдан бундан баттарроқ аҳмоқлик кутиш мумкин? Маст одам номус ва шарафини сақламайди, чунки ўша пайтда ақлидан айрилган бўлади. Мастлик қанча давом этса, аҳмоқлик ҳам шунча давом

этади. Маст бундай пайтда нима қилаётганини билмайди. Номус, ор, шараф каби қадриятлар қушдек учиб кетади-ю, қайтиб келиб қўнмайди. Қанча номусли қиз-жувонларнинг номуси мастликда булғанди. Бундай чиркин хатарларни эшитиб-қўриб юраверамиз. Ичкилик заҳарли илон кабидир. Бир чақса – ўлдиради. Яхшиликка олиб келмайди. Шунинг учун ичкиликнинг барча турлари ҳаром – ман қилинган. Майхўрларнинг аксари Қиёматда жаҳаннамга бо-ражакларини, ёниб, кул бўлажакларини билсалар ҳам, ўзларини ти-йиб ололмайдилар. Бу қандай нодонлик? Балки «касаллик» дерсиз? У ҳолда нима учун томоғи ёки жигари оғриган инсон даволаниш чорасини излайди, ҳаракат қилади-ю, майхўр нафсини енгиш чо-расини қидирмайди? Ажаб, ичкиликни чақиб ўлдирадиган илонга ўхшатдим-у, айнаи чоғда ўйланиб қолдим: илон аҳмоқлиги учун би-ровни чақмайди, жонини ҳимоя қилиш учун чақади. Майхўрлик-дан қайтмаётган одам эса ўз жонини авайлашни ўйламайди.

Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримиз алайҳиссалом ҳузур-ларига келиб: «Жаъфари Тайёрий тўрт фазилати туфайли Аллоҳнинг мақтовига сазовор бўлди», деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-саллам Жаъфари Тайёрийдан бу мартабага қандай эришганлиги-ни сўрадилар. У деди-ки:

– Қарасам, ичкилик ақлни йўқотади. Шунинг учун ичкиликни ичмадим. Бут-санамларга қарадим, фойдаси йўқ, шунинг учун уларга сиғинмадим. Оиламни рашк этганим сабабли бошқалар би-лан зино қилмадим. Ёмон оқибатга олиб келишини билганим учун ёлғон сўзламадим.

Эътибор қилинг: сабабларнинг аввалида ичкиликдан юз ўгириш турибди. Агар инсон майхўрликни ташламаса, бут-санамларга ҳам сиғинаверади. Юзига «чоптирган» итга миннатдорлик билдирган мастнинг бутга сиғиниши қийин эканми? Ишонмасангиз, синаб кўринг: хумор тутиб азобланаётган майхўрга бир пиёла ароқни кўр-сатинг-да, «шу бутга сиғинсанг, ароқ сеники», денг. Сиғиниш нима экан, шу бир пиёла ароқ учун ўша ёғоч бутни ялай-ялай адо қилиб беради. Майхўр одам зинодан ҳам, ёлғондан ҳам қайтмайди.

Майхўрликнинг Аллоҳ томонидан ҳаром қилинганини (*қатъий тақиқлангани*), бу ҳақда Қуръони каримда оятлар ва шарафли ҳадислар мавжудлигини кўпчилик билади. Билади-ю... аммо минг афсуслар бўлсинким, фаҳм этмайди. Асли мусулмонобод бўлган юртимизда, асли мусулмоншева бўлган одамларнинг фарзандлари орасида ўз насабларини унутиб, ёмонликлар онасининг фарзанди-га айланиб қолаётганлар бор. Ҳа, айнан шундай: Пайғамбаримиз алайҳиссалом маст қилувчи ичимликларни ёмонлик онаси, деб таърифлаганлар. Майхўрликка қарши гапириш, майхўрларни ин-софга чақириш – шамолга қарши ҳайқириш каби бесамар кетяп-ти. Яхши билан ёмоннинг фарқига борувчи кишилар гапиргудек бўлишса, «Сен майнинг қадрини қаердан билардинг?» деган маъ-нода афтларини бужмайтирадилар.

Бир куни камина ҳам майхўрликка қарши сўз айтган эдим, «Ҳадеб ароқни ёмонлаб маломат қилаверасизми, биз унақа кўп ич-

маймиз», деб таъна қилишди. Қизиқ баҳона! Кам ичдинг нима-ю, кўп ичдинг нима, фарқсиз – игна ҳам, йўғон қозиқнинг учи ҳам кўзга кирар бўлса, бари бир кўр қилади. Менга таъна қилган жамоатга қараб дедимки: «Сиз бутун дунё бўйича бир одамни топдинг. Агар у: «Илгари касал эдим, шу ароқни ичиб тузалдим, илгари камбағал эдим, шу ароқни ичиб бойиб кетдим, илгари хор эдим, шу ароқни ичганимдан кейин обрў топдим, шарафландим», деса, сизларни ичкилик билан ўзим таъминлаб тураман. Шундай одамни топа олмайсиз. Чунки ароқ (ароқ деганда барча маст қилувчи ичимликларни назарда тутяпман, халқ орасида буни «шайтон суви» дегувчилар ҳам бор) соғлом одамни касал қилиши, бойни камбағалликка гирифтор этиши, шарафли одамни эса хорлик жарига судрашини барча билади. Аммо нафс олдида мағлуб ҳолда тураверадилар.

Кўп йиллар муқаддам ёз кунни сўлим чойхонада икки ижодкор – бири адиб, бири шоир билан ўтирган эдик. Адабиётдаги йўллари бошқа-бошқа бўлса ҳам, майхўрликдаги йўллари бир эди. Фақат каминадан сал ҳайқишарди, мен бор жойда ичишмасди. Неча марта тавба қилишган, лекин нафс гимирлаб қолганда тавба нима, экан, борлиқни унутишарди. Бир кун олдин бўкиб ичишганидан хабарим бор эди. Бош оғриқдан қутула олишмагани учун шўрваннинг сувини симириш билан чекланишган онда чойхона ёнидан бир майхўр ўта бошлади. Соч-соқоллари ўсиб кетган, эгнига ирkit кийим илган, кечаси билан молхонада ағанаб чиққанми ё ундан баттар жойдами – ҳар ҳолда башарасидан ит ҳуркадиган даражада эди.

– Анави нусхага қаранглар, – дедим.

Қарашди, ўзларича ниманидир тушунгандай бўлиб индашмади.

– Дарвиннинг «Одам маймундан пайдо бўлган» деган назарияси қандай яратилган, биласизларми? – Улар бир-бирларига маънодор қараб қўйдилар-у яна индамадилар. Мен эсам давом этдим: – Дарвин анавинга ўхшаган одамни кўриб, ўша назариясини ўйлаб топган. Яхшилаб қаранглар, унда нима кўряпсизлар?

– Жулдур кийимми? – деди бири.

– Роса калтак еган шекилли, башараси ёрилиб кетибди, – деди иккинчиси.

– Буни ҳамма кўради. Мен ҳеч ким кўрмаётган нарсани кўряпман, – шундай деб икковига диққат билан тикилдим. Улар гапимнинг давомини тоқат билан кутишди. Шунда дедимки: – Мен бу башарага қараб туриб, унда икковингизнинг келажагингизни кўряпман...

Бу гап уларга қаттиқ таъсир қилди. Бошларини эгдилар. Шундан кейин бирлари майхўрликни бутунлай бас қилди. Кейинроқ намозга ҳам кирди. Иккинчиси ўша аҳволида қолди. Бошига жиддий ташвишлар тушса ҳам, ақлини йиғиб олмади. Иккита китоб чиқарганича ижодни ҳам тарк этди. Адабиётимиз қобилиятли ижодкорни тириклайин йўқотди. Ҳозир ёши олтмишдан ошди. Ташқи кўриниши боғдаги майхўрдай бўлмаса-да, уст-боши тоза бўлгани билан бари бир «Дарвинга илҳом берган» ўша нусхага яқинлиги бор.

Мени бир нарса ажаблантиради: айтайлик, телевизор сотиб олдик. Дарров қўлланмасини ўқиймиз. Телевизорни яратган олимлар, усталар бизларни огоҳлантиришади: 220 волтли токка уланг, иситиш ускунасидан нарироқда турсин... Буни билиб, биз ҳеч қачон телевизоримизни 380 волтли токка уламаймиз, телевизорнинг бузилишига йўл қўймаймиз. Қўлланмага амал қилмасак, пулга куямиз. Ҳолбуки, Инсонни яратган Аллоҳ Одам болаларига тўғри яшаш йўлларини ўргатувчи қўлланма – илоҳий китобларни туширди, тўғри йўлга бошловчи элчиларни юборди. «Қўлланма»нинг энг улуғи, шубҳасиз, Қуръони каримдир. Элчиларнинг энг шарафлиси, шубҳасиз, бизнинг Пайғамбаримиз алайҳиссаломдирлар. «Мўъминлар учун насиҳат, кофирлар учун ҳасрат» бўлмиш Қуръони карим одамларга қарата: ичма, бу дунёда хор бўласан, у дунёда азобга қоласан, деб турса-ю, кимдир-бирова эшитмагандек, билмагандек ичаверса?! Бу дунё азобига дуч келганида, айтайлик, тузалмас хасталикка чалиниб, тўшакка миҳланганида ёки фарзандлари ёмон хулқлари билан куйдира бошлаганида «Эй Худо, мен Сенга нима ёмонлик қилувдимки, менга шунча ғам-алам берасан», деб нолалар қилади, кўз ёшлар тўкади. Фиръавннинг иймон келтириши каби кечиккан бу ҳасратларидан фойда бўлармикин?

Кечагина «Ичманг, биродар», дегани учун кўзига ёмон кўринган имомни чақиртириб: «Бир ўқиб қўйинг», дейди. Мулла қирқ марта «Ёсин» сурасини ўқиса, нариги дунёга гўё гуноҳлардан ҳоли бўлиб кетиладигандай туюлади. Кошки эди, буларнинг фойдасизлигини билса! Юқори кучланишли токка уланган телевизор куйгани каби охирати куйиб бўлганини англамайди. Телевизор куйса, пулига ачинади. Умрининг энг гўзал онлари куйиб адо бўлаётганини эса фаҳмламайди.

Жаҳон соғлиқни сақлаш идораси 2014 йили тарқатган маълумотга кўра, **ҳар ўн сонияда бир одам бўкиб ичгани учун ўлар** экан. Яъни, бир дақиқада олти одам, бир йилда 3 миллион 300 минг майхўр жон бераркан. Бу битта кичикроқ мамлакатнинг аҳолисига тенг рақам. Ҳар дақиқада ўлаётган олти одам рўйхатига сурункали майхўрлиги учун жигари қуриб ўлаётганлар, маст ҳолда автомашина бошқариш натижасида ҳалокатга учраб жон берганлар, мастлик чоғида пичоқланиб ё уриб ўлдирилганлар кирмайди. Бу ҳисобни фақат ичиб ўтириб ўлганлар тўлдиради. Табобатда «ароқдан заҳарланиш» (*водочное отравление*) деган тушунча бор. Агар вақтида аниқланса, ҳаётини сақлаб қолиш мумкин, вақт бой берилган бўлса, жон ҳам кетади.

Ароқ одамнинг ўзигагина ёмон таъсир қилса, чидаш мумкин-дир балки. Ароқнинг зурриётга таъсири-чи? Мажруҳ туғилаётган болалар, туғилмаёқ ўлаётган болалар-чи?! Бирор кишини бехос уриб ёки туртиб юбориб, оёғини ёки қўлини майиб қилиб олган киши, қонун олдида жазоланади. Лекин қўл-оёқсиз ёки ақлсиз туғилаётган болаларнинг мажруҳлигига сабабчи майхўр ота ёки она жазоланмайди. Тўғри, бу дунё қонуни жазоламайди, аммо Қиёматдаги жазо тайин-ку, қўрқишмайдими?



Биларсиз, ҳуқуқбузарлар ҳамиша милиция назоратида бўлишадди. Булар «профилактик ҳисобда турувчилар», деб номланади. Ана шу ҳисобда турувчиларнинг 46 фоизини ашаддий майхўрлар, 31 фоизини муқаддам судланганлар, 15 фоизини гиёҳвандлар, 8 фоизини руҳий хасталар ташкил этади. Муқаддам судланганларнинг кўпчилиги ичкиликка ружу қўйганини инobatга олсак, биринчи тоифанинг нақадар кўплиги аён бўлади. Оилага доир жиноятлар, хусусан, хотинни уриш, ҳатто ўлдириш мастлик чоғида юз беришини расмий маълумотларга қарамасак ҳам биламиз. Қариндошлар, қўшнилар орасида бунақасини кўп кўрганмиз, эшитганмиз.

Бугунги кунда заминимизда содир бўлаётган жиноятларнинг аксариятига ароқхўрлик «оналик» қилмоқда. Бунга оилавий нотинчликларни, жамиятдаги нохушликларни, салбий кўринишларни, турли хил хасталикларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Замонавий тиббиёт тақдим этаётган кашфиётлар ароқнинг касофатини англашга яхши ёрдам беради: ичкиликка мубтало бўлганлар, аввало, саломатлигини йўқотади. Энг ёмони, бу нарса фарзандларига ҳам таъсир қилади. Сил, асаб ва бошқа турли хасталиклар ичкилик оқибатида пайдо бўлмоқда. Буйрак, жигар, меъда-ошқозон касалликларининг аксарияти маст қилувчи ичимликларни истеъмол қилиш туфайли юзага келади.

Ичкиликка ружу қўйганларнинг наслари ҳам бузилади. Ҳар бир янги туғилган чақалоқда унинг оқибатини кўриш мумкин. Майиб-мажруҳ, ақлан заиф дунёга келаётган гўдакларнинг сўлғин нигоҳларига қараш осонми?

Машҳур доктор Ванкамо айш-ишрат қилувчиларнинг фарзандларини тиббий кўрикдан ўтказганида учтасидан иккитасининг бошида чандиқ кўрган. Уларнинг руҳияти текшириб кўрилганда эса бундан-да аянчли ҳолатларга дуч келинган.

Болаларда ахлоқий бузилишлар, асабий ҳолатлар, жиноятга қўл уриш каби салбий жиҳатлар оиладаги майхўрлик туфайли пайдо бўляпти. Айниқса, оналарнинг ароққа ружу қилишлари келажак авлод ҳаётига раҳна солаётганига лоқайд қарашнинг ўзи ҳам жиноятдир.

1866 йил Нью-Йоркда икки мингта фоҳиша текширувдан ўтказилганда 569 тасининг отаси, 347 тасининг онаси мунтазам равишда майхўрлик қилгани, қолганларининг оиласида эса, ўрта меъёрда ичилгани маълум бўлган. Хуллас, уларнинг барчаси ичкилик туфайли ёмон йўлга кириб кетганлиги кўрилган. Бу бир юз элик йил аввалги аҳвол. Бугун мазкур рақамларнинг бир неча мартага ошгани аниқ.

Машҳур доктор Алфина Деброч ҳаёт ва ароқ ҳақидаги мулоҳазаларида бундай ёзади: «Спиртли ичкиликларни кўп истеъмол қиладиган миллатларда ўлим кўпайиб, туғилиш камайиб кетади. Ароқнинг мудҳиш оқибати миллат фаолиятини сусайтиради, жиноятларни авж олдиради, ижтимоий иллатлар ҳам кўпайиб кетади. Сархушлик натижасида кўплаб ҳалокатлар рўй беради. Касалманд болалар туғилади, шунингдек, ўлим кўпаяди. Ҳар бир

инсон миллатини сақлаб қолишни ўйласа, ичкилик деб аталувчи заҳри қотилга қарши турмоғи лозим».

Ароқхўрлик ҳақида гапирилса, европаликлар бузди бизларни, деймиз. Бу гапда жон бор. Лекин улар ҳар биримизни ётқизиб олиб, оғзимизга зўрлаб ароқ қуймадилар-ку? Европаликларнинг маданиятга оид дуруст одатларини олмаганимиз ҳолда нима учун фақат бузуқликларини маъқул кўриб қолдик? Яна ҳақиқат шуки, (такрор ва такрор айтаётганим учун каминани айбламанг) европаликлар келгунига қадар ҳам майхўрликлар, бўзахўрликлар, нашавандликлар... бўлган («Ўткан кунлар» романида Абдулла Қодирийнинг асли мусулмонобод бўлган юртдаги бузуқликларни тилга олганларини эслайлик). Европаликларнинг келиши яширин гуноҳларни ошқора қилиш дарвозасини очиб берди. Олдин атрофдагилардан уялиб ёки қўрқиб ичишган, чекишган бўлишса, энди қўрқув ҳам, уят ҳам йўқ. Авваллари фақат эркаклар ичиб-чекишган бўлишса, энди у гуноҳкорлар сафида аёлларни ҳам кўрамиз. Тўйларда дастурхон тўрини эгаллаб ичишади. Бундан ташқари ўзларининг «гап» деб аталмиш хос зиёфатлари ҳам бор. Майхўрлиги учун оналик ҳуқуқидан маҳрум этилаётганлар ҳам учраб турибди, тўғрими?

Тошкентни руслар эгаллагач, Ўрда суви чегара бўлиб, шаҳарнинг шарқий қисмида истилочилар ўрнашган, ресторан, фоҳишахона... хуллас, Европадаги барча бузуқликлар ўрин олган. Аслида бу кўнгилочарлик русларнинг ўзлари учун эди. Лекин анҳорнинг кунботар томонида истиқомат қилувчи бойвачча йигитлар аста-секин бу чегарани бузиб ўта бошладилар. Шундай мунофиқлик, фисқу фасод юзага келдики, анҳорнинг бу бетида намоз ўқийдилар, бу бетига ўтиб ароқхўрлик қиладилар. Тошкентда ўша йиллари машҳур бўлган «Истаконда чой ичган лўм-лўм Мамажон» деган қўшиқ ўша бузуқликлардан бир хотира. Унинг юзага келишига Мамажон деган бойваччанинг қилиғи сабаб бўлган, дейишади. Бойвачча ресторанда маишат қилиб ўтириб, бир фоҳишага муҳаббат изҳор қилади. Ҳам мастлик, ҳам рус тилини билмаслиги оқибатида «люблю» сўзини айтолмай, «лўм-лўм» дегани учун русларга кулги бўлган экан...

Ҳозир бир неча мусулмон мамлакатларда «майқатагон» (руслар «Сухой закон» дейдилар) эълон қилинган. Лекин бу мамлакатнинг барча аҳолиси солиҳ бандалар экан, деб бўлмайди. Ливиядаги аҳволни айтиб беришган эди. Бу ернинг бойваччалари бузуқлик кўчасини қўмсаганларида кемага ўтириб, денгизни сузиб ўтарканлару, Италиядаги ресторанларда тўйгач ёки пуллари тугагач, яна «мусулмонобод» шаҳрига қайтиб келиб, мўмин либосига кирарканлар. Бу мамлакатнинг бугунги ачинарли аҳволини кузата туриб, Аллоҳ бу юртда фосиқлик авж олгани учун кейинги йиллардаги азобларни юборгандир, деб ўйлайман.

Бир йили Рамазон ойида Туркия сафарига отландик. Учишга тайёргарлик кўрилаётган онда ифторликни учоқ ичида қилдик. Учоқ осмонга кўтарилгач, аввал мусаллас тарқатилди, сўнг таом бе-

рилди. Олдинги ўриндиқларда аёллар ўтиришган эди. Мусалласни ичиб, таомни еб олишгач, учоқ бекаси пулга сотиш учун олиб чиққан қимматбаҳо ароқдан бир шиша олишди. Сўнг сумкаларидан пиширилган товук, нон ва яна аллақанча нарсалар олиб, зиёфатларини бошладилар. Зиёфат қарийб уч соат давом этди. Шунда ҳамроҳим ажабланиб, «Бу ердан қиммат ароқ олгандан кўра шаҳардан ола қолишса бўлмасмиди?» деб ажабланди. Шунда дедимки, «Кузатувчилар орасида эрлари борлигига эътибор қилмабсиз-да, ахир эрлари учун улар баодоб, ҳаёли хотинлар-ку?» Хорижда уларни бир неча эркаклар кутиб олишди. «Ўйнашлари» дея олмайман, чунки бузуқликларини ўз кўзим билан кўрганим йўқ. Лекин йўл-йўлакай ичиб, маст ҳолда келган жувонларни одобли эркаклар кутиб олишмаса керак? Кейинроқ шунга ўхшаш воқеани Бишкек орқали Техронга учганимда ҳам кузатдим. Ундаги ширакайф аёллар этаги калта, енгсиз кўйлақда ўтирган эдилар. Учоқ қўнишга шайланган дамда ҳожатхонага кириб, узун кўйлақ кийиб, бошларига рўмола ўраб «муслима»га айландилар. «Аёл кишининг макри қирқта туяга юк бўлади» дейилганда балки шу каби аёллар назарда тугилгандир?

Кузатгансиз, баъзилар ичганда ҳам гўё маданийча ичишга ўрганишган. Яъни «тамада» деганни сайлаб оладилар (Бу сўзни ўзбекчага айнан таржима қила олмадим, рамзий маънода «Шайтоннинг бош ёрдамчиси», десам ранжимасинлар). Чиройли сўзлар, яъни, «тост» айтадилар. Тилаклар тилайдилар. Соғлиқ, омад, бахт... Кимдан тилайдилар? Албатта, Худодан тилашади. Ўйлашмайдики, яратган Тангри «Ичма, бу ҳаромдир», деб қўйибди. Шу ҳаромни ича туриб, Ундан яна бахт сўрасалар, берармикан шу бахтни!

Баъзан ичкилик қўйилган давраларда ўтиришга мажбур бўлман. Шунда айримлар сал истиҳола қилган бўлиб: «Чарчоқни кўтарди, ижозат берсангиз, озгина-озгина ичсак», дейишади. Шунда: «Рухсатни мендан сўраманг, чунки буни мен ҳаром қилган эмасман», деган мазмунда жавоб бераман. Баъзиларга шу гап таъсир қилади, бошқалар: «Худонинг ўзи кечиради», деб ичаверишади. Худди Худо уларга «Тўйиб ичиб олаверларинг, кейин сенларни кечираман», деб тилхат бергандай ёки ваҳий юборгандай ишонч билан гапиришади.

Бир неча йил бурун Туркистон шаҳрида, ҳазрат Аҳмад Ясавий мақбараларидан икки чақиримча нарида аянчли бир даврада ўтиришимга тўғри келган эди. Воқеа тўйнинг эртасига содир бўлди. Дастурхон атрофида турли ёшлардаги одамлар ўтирибмиз. Айтишим жоизки, шундай муқаддас ва шарафли шаҳарда яшовчи, ўзини мусулмон деб атовчилар ароқхўрликда «чемпион» эканлар. Хуллас, мендан «тост» айтишимни илтимос қилишди. Дастлаб рад этдим. Талаблар такрорланавергач, дедимки: «Хўп, гапираман, аммо ранжимайсизлар. Ҳозир сизларга, «ичманг», деганим билан ёқмайман. Лекин бир нарсани ўйлаб кўринглар: мана бу йигит ўғлингиз экан, ота билан ўғил нима деган одам бўлдиларинг энди?! Мана бу йигит сизнинг куёвингиз экан, сиз билан ичиб, маст бў-

либ, уйга боргач хотинини, яъни қизингизни урса, қизингиз додини кимга айтади? Сўнг эса сиз додингизни кимга айтасиз?»

Бу гапдан кейин ўғил ва куёв чиқиб кетишди. Бир-икки киши гапимни маъқуллаб, ароқ қуйилган пиёлани нари суриб қўйишди. Бошқалар эса «Худо кечиради», деб ичишни давом эттираверишди. Бундай одамларни «эш-шакдай қайсар», дейишади. Йўқ, азизлар, эшакларни ранжитманг, эшаклар уларга ўхшамайди, чунки эшакни тарбия қилса бўлади: «иш-ш» десангиз тўхтайди. Бундай одамлар эса тўхташмайди. Ҳазрат Навоийнинг бир байтларида (*мазмун*): «Ичувчилар ўзларини шер деб тасаввур қилганлари билан нафс ити олдида забундирлар (*мағлубдирлар*)», дейилади. Яъниким, бадмаст одамлик доирасидан чиқади-ю ҳатто ота-онаси, ака-укалари, дўстларига қараб акиллайди, ҳатто уларни қопишдан ҳам қайтмайди. У ҳатто ит ётишга ҳазар қиладиган ерларда ҳам ётиб қолаверади. «Маҳбуб ул-қулуб» бу иллат ҳақидаги фикрларини батафсилроқ баён этганларким, бу барча учун ибратдир:

*«Майнинг бир неча қултумини баданингга киритиб, ундан бир-икки қатрани чиқазиб ташлама. У қултум ташвиши билан роҳатингдан айрилиб, у қатранинг хуружидан бало дарёсига ботма. У қултум дин ва иймоннинг уйини йиқувчи бало селобидир. У қатра ранж-кулфатдирки, у билан ҳаётнинг нақди – жонинг чиқар. Ахир баданинг қутчасидан қатра-қатра дурларни тўкиш билан, у қутини гавҳардан бўшатасан, жисм шишасига у қултумлар учун йўл очасан. Бу билан нафсу ҳаво қурбони бўласан. У қултум фасодга ўхшаган бир моддадирки, уни танингга яқинлатма: у қатра ҳаёт нақдидирки, ундан воз кечма. Май ичиш билан шайтоннинг истагини юзага чиқазган бўласан... Май ичмоқ – жигар қонин ичмоқдир; май ичиш билан заҳар ютма, жонинг нақдинасини сочиш билан наслинг тухумини қуритма!»*

Ароқхўрлик қанча-қанча улуғларни хорлик ботқоғига ботирди. Жуда кўп истеъдод эгалари бу бало оқибатида умрларини ҳам, қобилиятларини ҳам бой бердилар.

Шу ўринда ҳазрат Бобур Мирзонинг милодий ҳисобда 1525 йили имзоланган майқатағон ҳақидаги фармонларини яна эслайлик.

Тарихдан маълумки, Ҳусайн Бойқаро бошқарган мамлакатни айна шу ичкилик барбод қилган. Айна шу ичкилик (*уни «чоғир» деб атаганлар*) умидли ва суюмли набира Мўмин Мирзонинг бошини узган. «Бобурнома»даги бир далилга эътибор қаратайлик: Ҳусайн Бойқаро «сабухий» қилмас экан. Яъни, русчасига «похмел» – эрталабдан ичмас экан. Бадиъуззамон мирзо ва Музаффар мирзолар фақат тахт ворисигина эмас, отадаги иллатнинг меросхўри ҳам эдилар. «Бобурнома»га назар ташлайлик:

*«(Султон Ҳусайн мирзо) аввал тахт олгон маҳалда олти-етти йил тоиб эди. Андин сўнгра ичкуга тушти, қирқ йилга ёвуқким, Хуросонда подшоҳ эди, ҳеч кун йўқ эдиким, намози пешиндин сўнг ичмагай, вале ҳаргиз сабухий қилмас эди, ўғлонлари ва жамиъ сипоҳига ва шахрига бу ҳол эди. Ифрот била айш ва фисқ қилурлар эди...»*

Хусайн Бойқаронинг вафотидан сўнг Бобур Мирзо Ҳиротга келади. Икки меросхўр – Бадиъуззамон Мирзо ва Музаффар Мирзолар оталаридан фақат Хуросон мулкани эмас, майхўрлик иллатини мерос қилиб олганларини Бобур Мирзо ўз кўзлари билан кўриб, воқеалар баёнидан ўрин беради. Темур салтанати ташқи душманлар зарбаси туфайли емирилмаган, аксинча, теурийзодаларнинг ҳаромхўрликни касб қилиб олганлари туфайли барбод бўлганини унутмаслигимиз керак. «Вақоийи санайи исно ашара ва тисъа миа» – тўққиз юз ўн иккинчи (1506–1507) йил воқеалари бобида кўнгилини хира қилувчи воқеаларга гувоҳ бўламиз:

*«...Яна бир навбат Бадиъуззамон мирзо қошига боргонда намози пешиндин сўнг **чоғир мажлиси** бўлди, мен ул маҳаллар ичмас эдим, тавр ораста мажлисе эди, хонларда ҳар навъ газаклар ясаб эдилар: товуқ кабоби ва қоз кабоби ва ҳар жинс атъимадин торттилар. Бадиъуззамон мирзонинг мажлисини хейли таъриф қилурлар эди, филвоқиъ бегилу гаш ва оромида мажлис эди. Мурғоб ёқасида эканда икки-уч қатла мирзонинг **чоғир мажлисида** ҳозир бўлдум. Ичмасимни чун билурлар эди, таклифе қилмадилар...*

*...Ҳар икки-уч кунда бориб, Боғи Жаҳонорода Бадиъуззамон мирзога кўрунуш қилур эдим. Неча кундин сўнг Музаффар мирзо уйига чорлади. Музаффар мирзо Боғи Сафидда ўлтурур эди. Хадичабегим ҳам анда эди. Жаҳонгир мирзо менинг била борди. Хадичабегим қошида ош ва таом тортилгандан кейин Музаффар мирзо бизни Бобур мирзо солгон Тарабхона отлиқ иморатқа олиб борди. Тарабхонада **чоғир мажлиси** бўлди.*

*...Ишрат паймоналарин тўлдуриб, соқийлар юруб мажлис аҳлига тута кириштилар. Мураввақ чоғирларни мажлис аҳли ҳам ҳайвон суйидек юта кириштилар, мажлис қизиқти, чоғирлар бошқа чиқти, бу хаёлда эдиларким, манга ичиргайлар, мени ҳам бу доирага кюргайлар, мен агарчи бу чоққача нашъа бўлгунча чоғир иртиқоб қилмайдур эдим, мастлиқ ва сархушлуқ кайфияти ва ҳолатини камоҳаққуҳу билмайдур эдим, вале чоғир ичмоққа майлим бор эди ва бу водийни тай қилмоққа **кўнглум** тортар эди. Кичикликта бемай эдим, чоғирнинг нашъа ва кайфиятин билмас эдим. **Отам гоҳиким чоғир таклифи қилсалар** ҳам, узрлар айтиб, иртиқоб қилмас эдим. Отамдин сўнг Хожа Қозининг юмни қадамидин зоҳид ва муттақий эрдим. Шубҳалиқ таомдин ижтиноб қилур эдим. Не жойи улким, чоғир иртиқоб қилгайман, сўнгралар йигитлик ҳавасидин ва нафс тақозосидинким, чоғирга майл пайдо бўлди, таклиф қилур киши йўқ эди, балки чоғирга майлимни билур киши йўқ эди. **Кўнглум** агарчи мойил эди, мундоқ қилмагон амрни ўзлук била қилмоқ **мушкул** эди. Хотирга кечдиким, чун мунча таклиф қиладурлар, яна Ҳиридек ораста шахрига келиб туриббизким, жамиъ айш-ишрат асбоб ва олоти мукамал ва муҳайё ва бори такаллуф ва танаъум ашё ва адовати омода ва пайдо, ҳоло ичмасам қачон ичармен деб ичмакка азм қилдим ва бу водийни тай қилмоқни жазм қилдим.*

Вале хотирга кечтиким, Бадиъуззамон мирзо огадур, анинг илигидин ва анинг уйида ичмай, инисининг илигидан ва инисининг уйида ичсам, хотирига нима келгай деб, бу тараддудимни айттим. Бу узрумни маъқул деб, бу суҳбатга чоғир таклифи қилмадилар. Муқаррар андоқ бўлдуким, Бадиъуззамон мирзо билан Музаффар мирзо бир ерда бўлгонда иккала мирзонинг таклифи била ичилгай...

...Музаффар мирзо бир камар шамшир, бир қўзи жубба, бир бўз тупчоқ манга берди. Бу уйга келганда Жонак туркий айтти. Музаффар мирзонинг Катта Моҳ ва Кичик Моҳ отлиқ қуллари бор эди, мастлиқ маҳалларда бир пора бемаза гармхўлиқлар қилдилар. Кечгача гарм суҳбат эди, **мажлис тарқалди**. Мен бу оқшом ушбу уйда-ўқ бўлдум. Манга чоғир таклифи қилур хабарини Қосимбек эшитиб, Зуннунбекка киши йиборибтур. Зуннунбек мирзоларга насиҳат йўсунлиқ қаттиқ-қаттиқ айтиб, чоғир таклифини тамом бартараф қилибтурлар.

Бадиъуззамон мирзо Музаффар мирзонинг меҳмондорлигини эшитиб, Боғи Жаҳонорода Муқаввийхонада мажлис тартиб қилиб, мени тилади. Бизнинг баъзи ичкиларни ва йигитларни ҳам тилалар, менинг ёвуқдагиларим менинг жиҳатимдан ича олмас эдилар. Агар ичарлари ҳам бўлса, бир ой-қирқ кунда эшик-элини боглаб юз дагдага била ичарлар эди. Андоқ кишиларни чарладилар. Мунда ҳамки келдилар, гоҳи мени гофил қилиб, гоҳи иликларини паноҳ қилиб, юз ташвишлар била ичар эдилар. Агарчи мендин суҳбатдаги кишига рухсати ом бўлгон йўсунлуқ бўлуб эди, не жиҳаттинким, бу суҳбат ота-оғамиздек кишининг суҳбати эди...»

Бугун оддийгина «ароқхўрлик» деб атаётганимиз тадбирни Бобур Мирзо шоирона лутф билан «Чоғир мажлиси» деб атайди. Эътибор берган бўлсангиз, болалик чоғларида дадалари чоғир ичмоққа даъват этган эканлар. Демак, Андижон вилоятининг подшоҳи Умаршайх Мирзо саройида ҳам бузуқдиклар мавжуд бўлган. Юқорида ўн ёшли ўғлига мусаллас тутган отани нодонликда айбладим. Бу ота шариат тақиқлаган ишлардан беҳабардир. Унда Умаршайх Мирзога нима деймиз? Бадиъуззамон Мирзо-чи? У илк марта неча ёшида чоғир ичган экан?

Аллоҳ Бобур Мирзога ҳидоят берди. Унга қадар Ҳиндистон шароби ёқмаганиданми, Кобулдан келтирилган. 1526 – 1527 йил воқеалари баёнида ўқиймиз:

«...Ушбу фурсатда Кобулдин Султон Ҳусайн мирзонинг қиз набираси, Қосим Ҳусайн Султон ва Аҳмад Юсуф, Саййид Юсуф ва Қивом Ўрдушоҳ яна баъзи якка-яримдин беш юзча киши келдилар. Шариф Мунажжим шумнафас ҳам булар била келди. Бобо Дўст сувчиким, **чоғир учун Кобулга бориб эди. Ҳазнининг муважжаҳ чоғирларидан уч қатор (!) тевада юклаб**, (таъкид каминаники: Т.М.) ул ҳам булар била келди...»

Ҳидоят йўлининг очилиши бу тарзда баён қилинган:

«...Душанба кун, жумодиул аввал ойининг йигирма учида сайр қила отландим. Сайр асносида хотиримга еттиким, ҳамиша

**тавба** дагдагаси хотиримда бор эди, бу номашруъ амр иртикобидан аладдавом кўнглумда губор эди, дедимким, эй нафс:

«Чанд боши зи маоси мазакаш,  
Тавба ҳам бемаза нест бичаш». (Қачонгача гуноҳ ишлардан завқ оласан,  
Тавба ҳам бемаза эмас, ундан ҳам тотиб кўр).  
Неча исён била олудалигинг,  
Неча хирмон аро осудалигинг.  
Неча нафсингга бўлурсен тобеъ,  
Неча умрунгни қилурсан зоеъ.  
Нияти газв илаким юрубсен,  
Ўлмакингни ўзунга кўрубсен,  
Кимки ўлмак ўзига жазм этар,  
Ушбу ҳолатта билурсенки нетар,  
Дур этар жумла маноҳидин ўзин,  
Аритур барча гуноҳидин ўзин,  
Хуш қилиб ўзни бу кечмакликдин,  
Тавба қилдим чоғир ичмакликдин.  
Олтуну нуқра суроҳию аёқ,  
Мажлис олоти тамомин ул чоғ,  
Ҳозир айлаб борини синдурдум,

### **Тарк этиб майни, кўнгул тиндурдум.**

Бу синдурулгон олтин-кумуш суроҳий ва олотни мустаҳиқларга ва дарвешларга улашилди. Ул кишиким, тавбада мувофақат қилиб эди. Асас эди. Соқол қирмоқта ва қўймоқта мувофақат қилиб эди, ул кечаси ва тонгласи беклардин ва ичкилирдин ва сипоҳийлардин ва гайри сипоҳийдин **уч юзга яқин киши тавба қилдилар**. Ҳозир чоғирларни тўктуруб, Бобо Дўст келтурган чоғирларни буюрдукким, туз солиб, сирка қилгайлар. Чоғирларни тўккан ерда бир «вайн» қоздурулди. Ният қилдимким, бу вайнни тош била қўпортиб, бу вайннинг ёнида буқъайи хайре қилгайлар.

Муҳаррам ойи, тўққуз юз ўттуз бешдаким (милодий 1528 йил), бориб Гвалийарни сайр қилдим, ёнғонда Дўлпурдин Секрий келдим. Бу вайн тамом бўлуб эди.

Бурунроқ ният қилиб эрдимким, Раана Сангаа кофирга зафар топсам, тамгани мусулмонларга бағишлай. Тавба асносида Дарвеш Муҳаммад сорбон била Шайхи Зайн тамга бахшишини ёд бердилар. Дедимким, яхши ёд бердингиз, илигимиздаги вилоятларда мусулмонларнинг тамгаси бахшиш бўлди. Мунишийларни тилаб, буюрдукким, бу икки азимуш-шаън умурким, воқиф бўлди, бунинг ихборига фармонлар битгайлар. Шайх Зайннинг иншо-си била фармонлар битилиб, жамиъ қаламравға йиборилди. Ул иншо будур:

## **ФАРМОНИ ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР:**

Наҳмаду таввобан юҳиббут таввобина ва юҳиббул-мута-таҳҳирин ва нашкуру ваҳҳобан яҳдил музнибина ва яғфирул-мустағфирин ва нусалли ало хайри халқиҳи Муҳаммадин ва олиҳит-таййибина ва саҳбихит-тоҳирин.

Сабаблар сурати инъикосининг тўпланиши жойи ва садоқат, тўјерилик инжулари нақшининг хазинаси бўлган ақл эгаларининг фикр ойинаси бу маъни чечаклари жавҳарининг нақшини ўзига олур-ки, инсон табиати ўзининг яратилиши бўйича нафс лаззатларига мойилдир, завқ келтирувчи ёқимли нарсаларни тарк этиши Худонинг тавфиқ беришига ва осмоний кўмакка боғлиқ. Башар нафси ёмонликка майл этишдан узоқ эмас, «Вамо убарриу нафсий иннаннафса ла амморатун бис-суъ» (Нафсимни поклай олмадим, чунки нафс ёмонликка амр этгувчидир). Ундан қайтиши бағишловчи Маликнинг лутф-марҳаматидан бошқа мумкин эмас. «Ва золика фазлуллоҳи юътиҳи ман яшоъ, валлоҳу зул фазлил азийм» (Бу Аллоҳнинг эҳсонидир, кимга хоҳласа, бахш этади. Аллоҳ катта эҳсон эгасидир).

Бу сўзларни ифодалашдан ва бу гапларни баён қилишдан гараз шуки, инсонлик тақозоси, подшоҳлар расм-русми, подшоҳлик лавозими, мансабдорлар одати бўйича шоҳдан тортиб сипоҳийгача гўзал ёшлик кунларида шарият манъ қилган баъзи нарсаларга ва айрим ўйин-кулгуларга ружуъ қилинарди. Бир қанча вақтдан кейин пушаймонлик кунлари келиб, уларни битта-битта тарк қилинар ва **чин тавба** билан уларга қайтиши эшиги ёпилар эди.

Аммо мақсад ва матлабларнинг муҳими ва буюғи бўлган ичкиликдан қайтиши тавбаси «ал-умуру марҳунатун биавқотиҳо» (ҳар иш ўз вақтига боғлиқ) деган нарда остига беркиниб, юзини кўрсатмас эди, токи бу яхши соатда зўр гайрат билан уруш эҳромини боғлаб, шавкатли Ислом аскарлари ёрдамида кофирларга қарши жангга киришганимизда гайб Илҳомчиси ва ҳақиқат Жарчисидан «Алам яъни лиллазина оману ан тахшаа қулубаҳум бизикриллоҳи» (Иймон келтирганларга вақт келмадимики, қалбларини Аллоҳнинг зикри билан юмшатсалар?) мазмуни эшитилиб, гуноҳ ва саркашлик асбобини илдизидан қўйиб ташлаб, тавба эшикларини тўлиқ жиддият билан қоқдик. Тавфиқ йўловчиси «ман қараа бобан валажжа валажа» (Кимки астойдил эшик қоқса, киради), мазмунига мувофиқ иқбол эшигини очди ва бу урушни нафсга қаршилик кўрсатишдан иборат бўлган зўр уруш билан бошлашни буюрди.

Алқисса, «Раббано, заламно анфусано» (Эй Роббим, нафсларимизга зулм қилдик)ни ихлос тилига келтириб, «тубту илайка ва ана аввалул-муслимин» (Сенинг олдинда тавба қилдим ва мен муслмонларнинг биринчисиман), деган гапни дил лавҳига нақш қилдик. **Кўнгул хазинасида махфий қолган ичкиликдан қайтиши тавбаси истагини юзага чиқардик.**

Зафар нишонли ходимлар муборак ҳукм юзасидан кўплик ва зийнатда юксак юлдузидек бўлган, гўзал мажлисни безаб



турган олтин ва кумушдан ясалган май идиш ва қадаҳлар ва бошқа асбобларни ерга уриб, Худо хоҳласа, яқинда синдиришга муваффақ бўладиганимиз бутлар каби, пора-пора қилиб, ҳар бирини мискин ва бечорага бердилар. Қабул қилинишга яқин бўлган бу тавба баракатидан даргоҳ муқаррабларидан кўплари «Ан-носу ало дини мулукиҳим» (кишилар подшоҳлари изидан борадилар), тақозосича, бу мажлисининг ўзидаёқ тавба шарафига эришдилар ва май ичишдан бутунлай қайтдилар. Худонинг буйруқ ва қайтаришларига бўйсуниб, чекинувчилар ҳолига қадар тўда-тўда бўлиб, соат сайин шу саодат билан бахтиёр бўлмоқдалар. Умид шуки, «аддоллу алалхайри ка-фоилиҳи» (яхшиликка ундовчи киши – яхшилик қилган кишидай) деганлари каби бу ишларнинг савоби хушбахт подшоҳнинг ҳаётига оид бўлмай ва бу саодат баракатидан олга босиш ва галаба кундан кунга орта боргай.

Бу орзу ва осойишталик тўла-тўқис охирига етгандан кейин, олам бўйсунуши лозим бўлган фармон ижро шарафига эришдики, тинч сақланган мамлакатда (харасаҳаллоҳу анил-офот вал-мухофот – Худо офат ва хавфлардан омон қилсин) мутлақо ҳеч бир киши ичкилик ичишга уринмасин, уни ҳосил қилишга тиришмасин, ичкилик ясамасин, сотмасин ва олмасин, ўзида сақламасин, элтмасин ва келтирмасин: «фажтанибуҳу лааллакум туфлиҳун» (Ичкиликдан қочинглар, шоядки, нажот топсангизлар).

Бу галабанинг шукронаси ва бу чин тавбанинг қабул даражасига эришмоғининг садақаси учун подшоҳликнинг бахшиши дарёси жўш уриб, олам ободонлиги ва кишилик обрўйи бўлган карам тўлқинларини пайдо қилди: бутун мамлакат бўйлаб, ўтган султонлардан қолиб келган ҳам даромади ҳаддан ортиқ кўп бўлган тамгани, ўзи ҳам шарият қоидаларидан ташқари бўлгани учун мусулмонлар устидан олиб ташлаб, фармон содир бўлдики, ҳеч шахр, қишлоқ, йўл, кўча, гузар ва бандарларда тамга олмасинлар ва ундирмасинлар, ҳам бу ҳукмнинг қоидаларига ўзгартиш киргизмасинлар: «Ва ман баддалаҳу баъда мо самиаҳу фаиннамо исмуҳу алаллазина юбаддилунаҳ» (Кимки бунга эшитгандан кейин ўзгартирса, гуноҳи ўзгартирувчиларга бўлади).

Подшоҳнинг меҳрибончилигига сизинган турк, тожик, араб, ажам, ҳинди, форсий фуқаро ва сипоҳ – бутун миллатлар, ҳамма инсон тоифалари бу мангу бахшишга суяниб, умид тутиб, абадийликка бириккан давлатимиз дуосига машғул бўлсинлар ва бу ҳукмлар ижросидан ташқари чиқмасинлар ва бурилмасинлар, фармонга мувофиқ иш олиб борсинлар. Бу ҳукм улуғ подшоҳ имзоси билан етишса, эътимод қилсинлар.

Кутиба биамрил-олий аълаллоҳул-мутаолий ва халлада нафозаҳу; фи 24 шахри жумодиул аввал, сана 932 (Амри олий билан 932 (1525) йили жумодиул аввал ойининг 24-кунида ёзилди).

Бобур Мирзодан анча аввал, 1440 йилда Хуросон ҳукмдори Шоҳруҳ Мирзо ҳам шаробларни тўкишга амр қилган эди. Бу ҳақда Абдураззоқ Самарқандийнинг «Матлаи саъдайн ва мажмаи баҳрайн» асарида ўқиймиз:

«Онҳазрат (яъни Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо) саккиз юзинчи ҳижрий йили Хуросон мамлақати тахтига тайин қилинди. Салтанат ҳаракатида бўлган гўдаклик чоғларидан то жаҳон халифалик тахтига чиқиб қарор топгани шу замонгача унинг олий истакка интилувчи ҳимматининг кўзда тутган мақсади ҳамиша ҳақ динни мустаҳкамлаш, пайгамбарлар саййиди Муҳаммад алайҳиссалом шариатини кучайтириш бўлиб келди ҳамда илоҳий фармонни ижро этишида, айниқса ман этилган ва номуносиб ишларни йўқотиш ва жиловлаб олишида гоҳида жидду жаҳд кўрсатди.

Шу ҳолда муҳтасиблик олий мансабига мансуб бўлган шариф кишилар ифтихори Саййид Муртазо Саҳҳоф ва воизлар раҳбари мавлоно Абдужалил ал-Қоинийлар арзга етказдилар:

«Онҳазратнинг адолати кўмагида бутун мамлакатда мастликни мушқин хатлик оҳукўз Хитой гўзаллари кўзидан бошқа ерда кўриш душвор ва хуморликни ёрнинг шаҳло кўзидан бошқа ерда учратиш мумкин эмас бир пайтда шаҳзодалар Мирзо Муҳаммад Жўкай ва Мирзо Алоуд-Давлаларнинг хумхоналари шаробга тўла, уни тўкиб ташлаш у ёқда турсин, у ерга етиб боришининг ўзи ҳам беҳуда хаёлдан иборат эди». Ҳазрат хоқони саъид ўз шариф вужуди билан шароб тўкишига отланди, давлат оёғини саодат узангисига қўйиб отга минди ва Дарвозайи Хушдан ташқари чиқиб, Сепалак тарафига, хумхоналар ўрнашган жойга жўнади. Бадахшон лаълию румоний ёқутнинг рашқини келтирувчи соф шароблар билан тўлатилган хумларни ҳеч ачинишсиз тупроққа тўкдилар. Шариат юқори қўйилганидан мамлакат янгидан равнақ олди ва салтанат бу гамхўрлик шарофати билан ўзга бир тароват топди».

Қарангки, Шохруҳ Мирзонинг вафотларидан кейин темурийзодалар яна майхўрликларини авжга чиқардилар. Шохруҳ Мирзонинг бу ҳаракатларидан Бобур Мирзонинг хабардор бўлганларига шубҳам йўқ. Ҳиндистонда 1525 йили имзо чекилган фармоннинг юзага келишига 1440 йили Ҳиротда юз берган воқеа туртки бўлган, демоқликка асос бор.

Ароқ инсонни жиноятга бошлайди. Ривоят бор, бир одамнинг йўлини тўсиб дедиларки, ё ароқни ичасан ё бу бузуқ аёл билан зино қиласан ёки мана бу гўдакнинг бошини узасан. У одам ўйлай-ўйлай бир қарорга келди: «Ароқ ичганим гуноҳ, лекин каттароқ икки гуноҳдан қутулгайман». Ароқни ичди... сўнг унинг кайфида зино ҳам қилди, гўдакни ҳам ўлдирди.

Баъзилар айтадиларки: «Ароқ бировларники бўлгани учун ҳаром қилинган». Йўқ, азизлар, ароқ, чўчқа гўшти бошқалар истеъмол қилгани учун эмас, одамга зарар бергани учун ҳаром қилинганини яна таъкидлайман. Агар у биродарларимиз айтгандай бўлганида эди, бировлар ейдиган мол ёки қўй гўшти ҳам, бошқа неъматлар ҳам ҳаром қилинар эди. Яна ўйлайлик, нима учун айнан ароқ ва чўчқа гўшти ҳаром қилинди? Нега мураббо ёки қовун-тарвуз ҳаром қилинмади?

Биз майхўрликни қоралаганимизда Қуръони карим оятлари ва шарафли ҳадислардан мисоллар келтирамиз. Ҳолбуки, Таврот ва Инжилда ҳам маст қилувчи ичимликлар тақиқлаган. Тавротнинг 10-боби 8–9-қисмларида баён этилгани каби, Юҳанно Инжилнинг 2-боби 8–9-қисмларида бундай дейилади: «Парвардигор Хорунга деди: «Сен ва ўғилларинг жамоат чодирига кирганингизда шароб ва мускир (*маст қилувчи*) ичадиганлардан бўлмангиз».

Тавротнинг Сулаймонийа қисмига ўхшаш 20-бобида эса: «Шароб шарманда этади, мускир жанжалкашга айлантиради. Унга мубтало бўлган ақлли эмасдир», дейилган. 23-бобнинг 20–21-қисмларида эса: «Сархушлар, вужудини хор қилганлар билан улфат бўлма», деб айтилган. Ва яна 23-бобнинг 29–35-қисмларида: «Уларнинг ҳолига вой, бу шовқин-сурон, сабабсиз жароҳатлар, қизарган кўзлар кимники? Шаробдан ажралмайдиганларники, уни қидириб юрадиганларники. Шаробнинг қизиллигига, қадаҳдаги рангига ва ажойиб қуйилишига алданиб қолма!.. Охир-оқибатда илон каби чақади, кўзларинг, қалбинг ёмон нарсаларни сўзлай бошлайди. Денгизнинг ўртасида ёнаётган кеманинг тубида ухлаётган каби бир ҳолатга тушасан», дейилади Ийсо алайҳиссалом замонларида ҳам шаробхўрлик ниҳоятда авж олган, деярли ҳамма шароб ичарди. Инжилда ҳам бакрийлар (*доимий ичадиганлар*)нинг малакути самовотга ворис бўла олмаслиги айтилган. Самовий салтанат инсонлар эришиши мумкин бўлган шундай бир юксакликдирки, шароб ичганлар унга асло етиша олмайдилар. Чунки ичкилик кишини ёмонликка ундайди, руҳониятдан ҳайвониятга етаклайди.

Ароққа қарши бутун насоро олами ҳам курашган. Урушдан аввал ҳатто АҚШда ҳам майқатагон эълон қилинган. Большевиклар замонида ҳам бир-икки уриниш бўлди. Бу ҳақда миллатпарвар зиёлиларимиздан Вадуд Маҳмуднинг 1923 йили «Туркистон газети»да босилган мақоласида бу сатрларни ўқиймиз:

*«Бўза, май, умуман кайф берадургон ичкиликларнинг зарарли бўлиши тўғрисида сўзлаб ўтириш ортиқчадир. Унинг қандайин захри беомон экани илман собитдир. Яқинда бутун Россия олимларининг Масковда бўлуб ўтган қурултойи ақлсизлик – жинниликнинг ичкиликка жуда яқин алоқада бўлганини исбот этди.*

*Бу нарса Туркистоннинг бутун шаҳар ва қишлоқларига ёйилгон. Ҳатто баъзи бир зиёлилар ва хотинларига ҳуррият тарафдори бўлгон кимсалар ўз оилалари билан ҳам «расман» ичишмакка бошлагонлар.*

*Кўп кишилар бунинг кўп ичилишини **билимсизликдан**, зарарини **тушунмаганликдан** келадир, дейдирлар. Лекин бу тўғри эмас. Дўхтурлар ҳам тамаки ва «алкагул»нинг зарарини жуда яхши билатуриб, ўзларини шундан торта олмайдурлар. Бу, тўғриси, **тарбиясизликдан** келгандир. Бундай кишилар ўзларини идора эта олмайдургон зотлардир. Бунга ўргангандан кейин қутулиш қийин.*

*«Туркистон газети»нинг ўткан сонларидан бирида Туркистон Халқ Комиссарлар шўросининг кўкнори экишни ман қилиб*

чиқарган қарори ёзилди. Биз буни кўруб, халқни заҳарлайдургон моддалардан бирини камайтириш ва битириш йўлига киришилганини кўруб жуда севиндик ва олқишладик. Бугун ичкилик тўғрисида ҳам ўз товушимизни халқнинг ҳомийи ва мураббийи бўлган юқори ҳукумат доираларига эшиттирмакчимиз.

Ичкилик ўзгаршидан кейин (1917 йилги Октябр тўнтариши назарда тутиляпти. Т.М.) бир неча вақтлар ман қилингон бўлса ҳам, «иқтисодий сиёсат» билан яна эски ҳолига қайтди. Самогун ва мусаллас пиширгувчилар билан кураш олиб боргон бўлса ҳам, ул кўп вақт давом этмади. Шундан сўнг яна ривож олиб кетди.

Мана бу курашни тўхтатмаслик керак. Юқори доираларимизнинг, айниқса, бўлис ва қишлоқ ташкилотларининг ва халқимизни маданий ҳаётга яқинлаштирмоқ дардида бўлгон ишчиларимизнинг бу масалага жиддийроқ қарамоқларини ўтинамиз».

Яна бир улуғларимиздан бири Алихонтўра Соғуний «Туркистон қайғуси» хотира-асарларида ўтган асрнинг 20 – 30 йилларини шундай эслаганлар:

«Шундоқки, Ислом шариатида ароқ ичиш мусулмонларга қандай ҳаром қилинган бўлса, ундан фойдаланиб тижорат қилишлари ҳам қатъиян ҳаром қилинмишдур. Фулжага келганимизда англамиш эдик, советдан ўтган мол ичида энг кўп фойда чиқадиған нарса ичимлик экандур. Шунинг учун ҳаромхўр бой савдогарлар буни кўрганда бошқа молларга қарамай, оз ҳалолдан кўп ҳаромни ортиқ кўришиб, шунга киришганликдан кўпларининг қилган тижоратлари ҳаромга айланмиш эди. Ахири «Ал хобийсоту лил хобийсин», яъни «палид – палидга» деган Қуръон ояти мазмунича, узундан бери йиғилиб келган ҳаром моллари ўз лойиғи ҳаромхўрлар оғзига тушиб туғади».

Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари иккинчи ярмида, «Қайта қуриш», деб аталган даврда ҳам ичкиликка қарши курашилди. Биз бу курашни жону дилимиз билан қувватлаш ўрнига норози бўлдик, ўзимизча найранглар ўйлаб топдик. «Тўйларда ичкилик қўйилмасин», дейилди. Хўп дедиг-у, баъзиларимиз битта самоварга сув қуйиб қайнатдик, иккинчисини ароқ билан тўлдириб, чойнакда тарқатдик ва бу «ихтиро» билан фахрландик. Бундан ортиқ нодонлик бўлармикин?

Ёшлигидан ароққа берилган одамнинг кейин-кейин бу йўлдан қайтиши қийин бўлади. Чунки бу ҳам ҳаёт имтиҳонларидан бири. Кимки нафсини жиловлай олса, имтиҳондан ўтади. Кимга марҳамат қилинса, нафсни енга олади. Аммо одам деган Худонинг марҳаматига эришмоқ учун жон куйдириши ҳам керак. Нафсга қарши уруш очиш учун ўзида куч топа олмаган, иродасига қувват бера олмаган одам бу марҳаматга ета олармикин, валлоҳу аълам?

Бир тақводор дебдики: «Қудуқ ичига ичкиликдан (масалан, ароқ) бир томчи тушса, қудуқ сувини поклаш учун ташқарига чиқариб тўксалар, сув тўкилган ерда ўт-ўлан ўсиб чиқса, шу ўт-ўланларни еган қўй-сигирнинг гўштини емайман». Бу ерда муболаға, бўртти-

риш бор. Муболағадан мақсад – одамларни «арзимас ҳаром» деган тушунчадан эҳтиёт қилиш. Қабристонда ўсган ўт-ўланни молга бермаслик тавсия этилади. Чунки юқумли касаллик билан вафот этган одамнинг мурдасидан тарқалган микроблар ўт орқали сут ва гўштга ўтиш эҳтимоли бор.

Бир кишига дедингизки: «Чўчқа гўштидан е!» Шубҳасиз, у дерки: «Емайман, бу гўшт ҳаром!» Баракалла, бу киши ҳаром-ҳалолнинг фарқига борар экан, деб қувонасиз. Аммо қарайсизки, у ароқнинг ҳаромлигини билса ҳам ичади, бузуқликдан ҳам қайтмайди, тарозидан ҳам уради... «Булар ҳам ҳаром-ку, билмайсизми?» деб ажабланасиз, ҳатто ғазабланасиз. У эса ишонч билан: «Билишга биламан, гуноҳимни Худонинг Ўзи кечиради», дейди. Ажабки, гуё Аллоҳ таоло унга гуноҳини кечиришга ваъда берган. Чўчқа гўштини жуда зарур ҳолатда, дейлик, ўлиб қолмаслик учун маълум миқдорда истеъмол қилишга ижозат бор. Аммо ўлиб қолмаслик учун ароқ ичишга, зино қилишга, пора олишга... мутлақо ижозат йўқ! Яна бир гап: биров чўчқани етаклаб келиб, бир-икки кун ҳовлингизда тура турсин, деса унамайсиз, лекин тўйга атаб олинган беш-ўн қути ароқ уйингизда тура турсин, деса рад этолмайсиз. Бунга нима дейсиз?

Ресторан қоровули ичкарига кириб қолган итни ушлаб олиб, ураётган экан. Бечора итнинг вангилашини эшитиб, кўчадан ўтаётган бир одам эшикни очибди. Ит қоровулнинг қўлидан чиқиб қочибди. Шунда кўчадаги киши дебди:

– Э биродар, сен итдан ранжима. Жониворнинг ақли йўқ, ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаи кириб қолган. Бизнинг эс-ҳушимиз жойида, шунинг учун бундай жойга кирмаймиз...

Худога шукр, атрофимизда эс-ҳуши жойида бўлганлар кўп. Азиз ёшларимиз ва уларнинг дўстлари ана шундай ақли одамлардан ибрат олишларини истардим. Лекин бузуқ ошёнларнинг оҳанрабои кучига нафси дош беролмаётганлар-чи? Қўшнилар орасида борми? Бор! Қариндошлар орасида борми? Бор! Ҳамкасблар орасида борми? Бор! Хонадонимизда борми?.. Ёшларимиз ана шундай нодонлардан қочсинлар, уларга зинҳор эргашмасинлар. Мавлоно Са-ноийнинг «Мастлик қилмайди доно, май ичмас оқил одам, Ақл эгаси мастликка қўймайди оёқ бир дам», мавлоно Хоқонийнинг «Бодани ақлингдан ғолиб этмагил», деган ўғитларини ва шу каби юзларча донишмандларнинг насиҳатларини унутмасалар янада яхши!

Бир одам: «Ўғлим мени менсимайди, гапимга кирмайди, дўстларим олдида мени шарманда қилди», деб зорланди. Маълум бўлишича, дўстлари билан майхўрлик қилиб ўтириб, ўғлига «Дўкондан ароқ олиб кел», деб буюрганда, у ота буйруғини бажармабди. Бу ўринда биз отага бўйсунмаган ўғилни қоралайликми ё ақли ўғилнинг қадрига етмаётган нодон отаними? Энди фикр қилайлик: ўғил отага бўйсунди, сўнг улфатлардан қолган ароқни ичиб олди, кейин аста-аста майхўрликни ўрганди, ярим кечада маст келиб, тўполон қилди ёки мастликда бировни сўйиб қўйди (Аллоҳ сақласин). Хўш, бу ҳолда нодон ота арзини кимга айтади?

Қонун нуқтаи назаридан қаралса, отанинг буйруғида жиноят унсури мавжуд. Агар бу қилиғини давом эттираверса, уни жиноий жавобгарликка тортиш ҳам мумкин.

Агар диққат қилиб кузатсак, кўп жиноятлар маст ҳолда уйда қилинади. Нега шундай? Одам ҳаловатда яшайин деб уй қуради. Лекин бу уй ҳаловат саройи эмас, балки ғурбат ботқоғига айланади. Унинг ҳаловатини биров ўғирламайди, майхўрлик туфайли ўз илдизига ўзи болта уради. Мен икки воқеани баён қилайин, ҳулосани ўзингиз чиқаринг: ака ва ука. Иккови ҳам мактабда яхши билим олмаган. Ҳунар ҳам эгалламаган. Бу борада ота ва она зиммасидаги вазифани бажармаган. Катта ўғилни бир амаллаб уйлантиришди. Ака-ука ҳунарсиз ва билимсиз бўлгани билан ялқов эмасди. Тирикчилик ўтказиш йўлини топишди. Отадан қолган эски эшак аравани таъмирлаб, кўчама-кўча юриб, қоғоз, темир чиқиндиларини тўплаб сотишди. Отадан фақат эски арава эмас, майхўрлиги ҳам мерос бўлиб қолган эди. Ҳавонинг иссиқ-совуғига қарамай, қийинчилик билан топган сўмларни совуришни одат қилишди. Кунда бўлмаса ҳам, кунора топилган пулнинг бир қисми ароққа ҳарж қилинар эди. Қотиллик юз берган куни ҳамма хотиржам, барча ўз иши билан банд эди. Ука тўплаган чиқиндиларни топшириб, хизмати эвазига 29 минг сўм олди. Бўшаб қолган аравасига йўлда сочилиб ётган ўтинларни ортди. Сўнг дўконга кириб, қийинчилик билан топган пулнинг ярмига бир шиша ароқ, ярим кило тузланган бодринг, озгина колбаса олиб уйга қайтгач, акаси билан «чарчоғини чиқара» бошлади. Иккинчи пиёладан сўнг боши баттар оғриб, уйига кириб кетди. Энди кўзлари илинганда акасининг бақирғини эшитиб уйғонди. Ҳовлига чиқиб қараса, янгаси бир четда қўрқувдан титраб турибди, акаси эса бўралаб сўкяпти. Сўкишга қаноат қилмай, гандираклаганича хотинини қува кетди. Ука ўртага тушиб, уни қучоқлаб олди-да, «Янга, ҳовурлари босилгунча қўшниларикида ўтира туринг», деди. Акасини судраганича сўрига олиб бориб ётқизмоқчи бўлди. Ака энди: «Нега хотинимнинг ёнини оласан? Сен ўйнашимисан?!» деб заҳрини укага соча бошлади. Ўзининг тухматига ўзи ишониб, ғазаби алангалайверди. Охири хонтахта устидаги пичоқни олиб, укасига санчмоқчи бўлди. Акасининг гапларидан, қилиғидан ғазабланган ука чаққонлик қилиб, пичоқни олиб қўйди, лекин четга улоқтирмади, балки акасининг кўксига санчди! Кўзлари олайиб жон берган акасига қараб қўрқиб кетди. Бир оз талмовсираб тургач, қўшниникига югурди. Янгасига «Акам ўзини пичоқлаб қўйди», деди. Дастлаб бу гапга янга ҳам, қўшнилари ҳам ишонишди. Лекин терговчи ишонмади. Уканинг қотиллиги аниқ далиллар билан исботлангач, маҳкама уни узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилди.

Бу воқеадан хабардор бўлган ҳар бир киши, хусусан, сиз ҳам: «Ҳа, бу ичкиликбозлик оқибати-да», деб ароқни лаънатлайсиз. Бунга жавобан мен дейманки: «Ароқни айбламанг, шиша ичида бечорагина, ювошгина бўлиб турувди. Ака-уканинг оғзига биров мажбурлаб қуймади. Жиноятга сўнгги қултум эмас, биринчиси

сабабчи. Ака 1996 йил август ойининг учинчи куни ўлдирилди. Расмий ҳужжатда уканинг қўлга пичоқ олган вақти шу куни соат 19.40 деб белгиланган. Расмий ҳужжат шундай аниқликни талаб қилади. Лекин жиноят сабабларини таҳлил қилсак, ака ҳам, ука ҳам бу жиноят сари биринчи қадамни беш йил муқаддам отасидан қолган ароқни ичган кунда бошлаганлар».

Беш йил аввал ака-ука ёш бўлган, майхўрликнинг оқибати ёмонлик билан тугагини эшитган бўлишса ҳам, дуруст англашмагандир. Оталарининг ўлимига сабабчи бўлган жигар қуриши хасталиги майхўрлик оқибати эканини ҳам яхши билишарди.

Ресторанда туғилган кунни нишонлаган ёшлар-чи? Майхўрлик оқибатида жанжал чиқиши, жанжал баъзан қотиллик билан яқунланиши мумкинлигини билишмасмиди? Билишарди! А. исмли йигитча март ойининг тўртинчи куни туғилган. Шу куни қариндошларнинг муборакбод қилиб келишлари одат тусига айланган. Қариндошларнинг келиши, албатта ёқимли, бироқ А. дўстлари билан яйраб ўтиролмади. Шу сабабли яқин ўртоқларини икки кун аввал ресторанга таклиф этди. А.нинг отаси бой, ўзи бойвачча эди. Ҳотамтойлиги тутиб, зиёфатни «қуюқ» қилди. Дўстлар А.нинг бахти учун ичишди, сўнг омади учун. Кейин нима учун ичаётганларини ўзлари ҳам фарқламай қолишди. «Ароқ билан дўстлашган одам ақли билан хайрлашади», деганларидай, ҳали йигирмага тўлмаган йигитлар мастликда кўнгилларига келган қилиқларни қилавердилар. Ўртага чиқиб ўйнайвердилар, қийқиравердилар. Меҳри жўшиб кетган Б. бир қўли билан А.нинг бўйнидан қучди, иккинчи қўлини яна бир дўсти елкасига ташлади. Аммо мастликда адашди: иккинчи йигит унинг дўсти эмас, бегона эди. Бу йигит ҳам ширакайф эди. Унинг адашганини фаҳмламай, кўкрагидан итариб юборди. Жанжалнинг бошланиши учун шунинг ўзи кифоя қилди. Ресторан хизматчилари уларни ажратиб, кўчага чиқардилар. Ана шунда Б. чўнтагидан пичоқ чиқариб, хизматчининг кўкрагига урди. Кейин шеригини қутқариш учун ташланган иккинчи хизматчини ҳам пичоқлади...

Ака-ука фожиасида ота қисман айбли. Бу ёшлар воқеасида эса ота ва оналар айби кўпроқ. Ёш йигитлар майхўрликни қачон бошлаганлар, кимдан ўрганганлар? Ресторанда маишат қилишлари учун чўнтақларини ким пулга тўлдириб қўйган?

Яқинда бир киши каминага шикоят қилиб, маслаҳат сўради. Маълум бўлишича, оилада ота-ўғил орасида зиддият туғилибди. Уйланаётган ўғил: «Тўйда дастурхонга ароқ қўймаймиз», деса, ота: «Мен тўйларда ичганман, қўймасам уят», дебди. Ажаб, ота тўйларда насияга ичган эканми? Одам кимдан уялиши керак? Аллоҳдан уялса бўлмайдимми? Отага шу оддий ҳақиқатни тушунтиришим жуда қийин бўлди.

Шунга ўхшаган воқеаларни эшитганимда қофқазлик мужоҳид имом Шомилнинг ёшлигини эслайман. Биласиз, қофқазликлар мусаллас тайёрлашлари ва ичишлари билан ном қозонганлар. Доғистон

аҳди орасида ҳам бу иллат Исломни қабул қилганларидан сўнг ҳам давом этган экан. Шомилнинг отаси мусаллас тайёрлаб сотаркан, шубҳасизки, ўзи ҳам тотиб турган. Бундан Шомил кўп сиқилган, охири отага қарши сўз айтишга журъат қилган. Отасининг «Ёшликда ўйнаб-кулиб олиш керак. Қуръон ўқиш, рўза тутиш учун, ана, қарилик даври бор», деган сўзидан кейин Шомил Қуръонни ўлиб, пешонасига қўяди-да, титроқ овозда хитоб қилади:

– Мен ўфилман, сизга қарши боришга ҳаққим йўқ. Аммо онт ичиб айтаманки, сизни яна бир марта бадмаст кўрсам, ўзимни ўлдираман!

– Бу гапинг бекор, – дейди ота унга жавобан, – Қуръонни ўқибсану, маъносини англамабсан. Ўз жонига қасд қилишни Қуръон тақиқлаган. Бундай гуноҳкорнинг жасади мусулмонларнинг қабристонига қўйилмайди. Лекин майхўр одам ўлса, унга бундай жазо йўқ.

– Қаерга кўмишлари менга фарқсиз. Қиёматда икковимиз Аллоҳ ҳузурида юзма-юз бўлганимизда қайси биримиз кўпроқ гуноҳкор эканлигимиз айтилади.

– Мусалласдан яхши даромад оляпмиз. Мен уни фақат кофирларга сотаман.

– Мусаллас кофирларга ҳам сотилмаслиги керак. Ичкилик душманнинг зулмини оширади. Ақлини тамоман чиритиб, ҳеч қачон инсофга келтирмайди.

Шундан кейин ҳам ота тийилмайди. Бир куни шаҳарга мусаллас сотгани кетиб, шармандали ҳолда қайтади:

...Энсиз кўчада олти эшакдан иборат карвон кўринади. Йўл бошлаб келаётган эшакнинг бошига папоқ қўндирилган, эр-ўғлон учун шараф тожи ҳисобланган папоқ эшаклар учун шармандали рами эдим, ҳар ҳолда эшак бечора уялгансимон бош эгиб келарди. Эҳтимол, у бошидаги папоқдан эмас, балки хўжайинининг қилиқларидан иснод ўтида ёнаётгани сабабли кўча четид ва томларда саф тортган томошабинларга қарай олмаётгандир. Орқадаги эшаклар бепарво қадам ташлайдилар. Уларга ортилган саватлардаги хумлар бўшаган, елкаларида офир юк ҳам, бўлак ташвиш ҳам йўқ. Ғирт маст хўжайинлари тойиб йиқилганда эшаклар карвони тўхтамади. Гумбаз бўлиб ётган одамни танимаймиз, дегандай четлаб ўтиб кетаверди. Олдинда бораётган папоқли эшак ортига қайрилиб қарамади, томошабин болаларнинг қувноқ қийқириқлари, катталарнинг асабий бақириқлари остида шерикларини ҳовлига бошлаб кирди...

Шомил отасини бу аҳволда кўргач, уятдан ёниб, аҳдини бажармоқ учун ўзини жарликка ташлайди. Лекин Аллоҳнинг мўъжизаси билан тирик қолади. Ана шундан кейингина ота ичкиликдан юз ўгиради.

Ўйлайлик: отани нодонликдан қайтариш учун наҳот фарзанд жонини қурбон қилиши керак бўлса? Тўғри, бизда бунақа манзара – эшаклар карвони йўқ. Лекин маст одамнинг иркит дўп-



писини эшакнинг бошига қўндириб қўйиш қийин эмас. Тасаввур қилайликки, шундай бўлди. Кулибгина қўя қоламиз. Бу манзара маст одамнинг оиласини иснод ўтида қовжиратганини эса ўйламаймиз. Қанчадан-қанча оталарнинг кўчада гандираклаб юриши учун фарзандлар уялишяпти?

Яқинда бир улфатда намозхонлар шайтон йўриғидаги биродарларини инсофга чақирдилар. Болаликдан бирга улғайган дўстларнинг кўплари иймон йўлида, айримлари ҳануз шайтон йўлидан қайтмаган эканлар. Иймонлилари бу дўстларига насиҳат қилишиб: «Ёшларинг олтмишдан ошди, шунча йилларни ароқхўрлик билан ўтказганларинг етар энди. Аллоҳ ҳузурида гуноҳкор эканликларинг бир масала, яна бир масала – фарзанду набираларинг сенлар туфайли иснодга қоляптилар. «Ароқхўрнинг фарзанди» деган маломат тошини кўтариб юришга орланяптилар», – десалар, у адашганлар: «Биздан орлансаларинг, улфатдан чиқдик!» – деб ўринларидан туриб кетишди. Ўзларича гўё мардлик қилишди. Ҳолбуки, бу мардлик эмас, нодонликнинг навбатдаги кўриниши эди. Агар улар десаларки: «Биродарлар, сизларга раҳмат, бизларга тўғри йўлни кўрсатдиларинг, сизларнинг ҳурматинглар учун шу ондан бошлаб ароқ ичишни ташладик, шу ондан эътиборан пешонамиз жойнамозга теккувси. Саждани зинҳор тарк этмасмиз...» – мана шуни чин мардлик атасак бўларди. Улфатчиликдаги нохуш ҳолатга гувоҳ бўлгач, устозлар баёнидаги бир ибратли воқеа хаёлимга келди:

Ривоят қилишларича, Утбатулғулом исми бир киши фисқу фуҷур аҳлидан эди. Бузғунчиликда ва шаробхўрликда унга етадигани йўқ эди. Ана шу фасодчи ва майхўр одам бир куни Ҳасан Басрий ҳазратларининг даврасига кириб қолибди. Ҳасан Басрий издиҳом аҳлига Ҳадид сурасини ўқиб бераётган эдилар. *«Иймон келтирган зотлар учун диллари Аллоҳнинг зикрига ва нозил бўлган ҳаққа (яъни Қуръонга) мойил бўлиш вақти келмадими?! Яна улар учун илгари китоб ато этилган, сўнг пайгамбарларидан кейинги муддат узайгач, диллари қотиб кетган кимсалар (яъни яҳудий ва насронийлар) каби бўлиб қолмаслик вақти келмадими? Улардан кўплари фосиқдирлар (яъни итоатсиздирлар)»*, – мазмунидаги оятни ўқиётган онларида у киши кириб келди. Оятни ўқиганларидан сўнг чиройли суҳбат қилдилар, шундай суҳбатки, бутун жамоатни йиғлатдилар. Шу орада ёшгина бир йигит ўрнидан турди ва Ҳасан Басрийга хитобан шундай деди:

– Эй мўъминларнинг энг гўзал ахлоқлиси! Аллоҳ мендай фисқу-фуҷур соҳиби – гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиладими?

– Ҳа, азаматим, агар бошқа бундай қилмаслик шарти билан ёмон феъл-атворларининг тарк этсанг ва Аллоҳдан афв тиласанг, сени ҳам кечиради.

Йигит бу сўзларни эшитганда ранги ўчиб, бир «оҳ» тортди-ю хушидан кетди. Ўзига келганда Ҳасан Басрий унга яқинлашдиларда, бу байтни ўқидилар:

*Эй Аллоҳга қарши йигит, осий санги,  
Гуноҳкорнинг жазоси не, биласанми?  
Осийларнинг жойи – сақар. Ёнар ўзи,  
Шиддатли ўт ичра пишар гўзал юзи.  
Майли, ўтда ёнар десанг – Ҳақни унут...  
Ё ўзингни гуноҳлардан узоқда тут...*

Бу байтни эшитиб, Утбатулғулом ҳам бир «оҳ» кўтариб, ҳушидан кетди. Ҳушига келганида Ҳасан Басрийга юзланиб:

– Эй, устод, – деди. – Марҳамати кенг бўлган Аллоҳ мендай гуноҳкорнинг тавбасини ҳам қабул қиладимми? – деб сўради.

– Ўз ўзига жафо қила олган банданинг тавбасини карамли Аллоҳдан бошқа ким ҳам қабул эта оларди? – деб жавоб бердилар Ҳасан Басрий.

Шундан кейин Утбатулғулом бошини кўтариб, Аллоҳга уч хил дуо ўқиб ёлборди:

– Аллоҳим, тавбамни қабул қил, гуноҳларимни афв эт, менга тушунишни ва ўрганишни ҳамда ўрганганларимни муҳофаза эта олиш қобилиятини берки, ўзлаштирганларимни ва унинг илмий асосларини ақлимда тутай.

– Аллоҳим, менга шундай бир гўзал овоз берки, менинг Қуръон ўқишимни эшитган ҳар кимсанинг, қалби қайғуга чўмган бўлса ҳам, унда меҳр ортсин!

– Аллоҳим, менга ҳалол ризқ насиб эт ва ўзим кутмаган жойдан ризқлантир...

Аллоҳга дилдан қилинган бу дуоларнинг натижаси ўлароқ, йигитнинг тушуниш қобилияти ва закоси ортди, ўрганган илмий асосларини ҳеч унутмайдиган бўлди. Унинг Қуръон ўқишини эшитган ҳар киши тавба қилар, ёмон феълларидан воз кечар эди. Ҳар куни уйига бир коса шўрва билан икки лочира келарди. Булар қаердан ва ким томонидан юборилганини ҳеч кимса билмас эди. Бу ҳол то унинг ўлимига қадар давом этди...

Ҳа, ёмон феълларидан воз кечиб, илоҳий ахлоқ асосларига риоя қилганларнинг ҳаёти шундайдир. Аллоҳ ёмон феълларни тарк этиб, яхши феъл-атвор билан нақшланган ва гўзал амаллар адо этганларнинг мукофотларини албатта беради.

Гувоҳ бўлганим улфатчиликдаги адашганларга бундай мукофот насиб этмади, афсус... Билишимча, улар аразлаб кейинги йиғинга келмабдилар. Улар дебдиларки: «Бизнинг ичишимиз билан уларнинг нима ишлари бор, ароқни ўз пулимизга олсак, ичиб, уларни урмасак, сўкмасак...» Диллари бу қадар қотиб кетган экан, фосиқлик либосига бу қадар чирмашиб ўраниб олган эканлар... Аллоҳ инсоф берсин уларга.

Ҳеч биримизга сир эмаским, адашган бандалар орасида ўзимиз учун энг ардоқли бўлмиш инсонлар – бировимизнинг ота-онамиз, бировимизнинг оға-иниларимиз, яна бировимизнинг яқин ёки узоқроқ қариндошимиз, яна қўшнимиз, ҳамкасбимиз... ҳам бор.

Эҳтимол, улар ҳидоятдан адашганларини биларлар, эҳтимолки, билмаслар. Билмаганларга билдириб қўйиш вазифамиз эмасми? Эҳтимол улар иймонсизлик жаридан қутулмоқчилар-у, аммо тўғри йўлга чиқишга кучлари етмаётгандир. Уларга ёрдам қўлини узатиб, иймонсизликдан қутулишга кўмаклашиш бурчимиз эмасми?

Айрим майхўрлар нодонликларини оқлаш учун ўзларича фатволар ҳам топиб олишади. Бири дейдики: «Умар Хайём «Май ич, оқилу доно билан ич» деб айтган». Ҳа, улуг донишманднинг шундай сатри бор. Лекин «май» кўчма маънода келяпти, яъни илм олишга даъват этиляпти. Сатрнинг асл маъноси: «Олим ва донолар суҳбатидан баҳраманд бўлиб илм эгалла!» Яна бири дейдики: «Ибн Сино «Май мастга душману хушёрга ёрдир, ози тарёк, кўпи бир заҳри мордир», деган, демак, оз-оз ичишнинг фойдаси бор экан». Бу борада ҳам нодонлар янглишадилар. Тўғри, қадим адабиётида бунга ўхшаш гаплар бор. Масалан, «Қобуснома»да «Гарчи бир ҳол била шароб ичар бўлсанг, ичмак расмини билғил, нединким, агар билмай ичсанг – заҳардур, уни билиб ичсанг – позаҳардур», деган сатрларни учратамиз. Ҳазрат Навоийнинг Ҳусайн Бойқарога йўллаган мактубларида: «Аллоҳ таоло ичкиликдан тийинишни ўзи насиб этсин, деб умид қиламиз. Агар ичкилик истеъмол қилгандан сўнг ухламоқчи бўлинса, албатта пешиндан олдин бўлмаса. Икки намоз орасида шуни йўлга қўйилсаки, белгиланган вақтда ухланса, тонг намозини ўқиш вақти ўтиб кетмаса... Мажлис қуриб чоғир ичишга кўп берилмасангиз, агар аҳёнда зарурат туфайли ичишга тўғри келиб қолса, хизматчиларга тайинлаб қўйилсаки, даврага айтилмаган киши мутлақо иштирок этмаса...» деган насиҳатларни ўқиймиз.

Аввали шуки, бу насиҳатлар хос бир кишига қаратилган ва бошқаларга фатво бўла олмайди. Энг муҳими шуки, бу насиҳатлар хатодир. Бу насиҳатга амал қилган кишилар гуноҳдан четда бўлмайдилар. Аллоҳ таоло маст қилувчи ичимликнинг бир томчисини ҳам, ўн косасини ҳам ҳаром қилган экан, донишмандларнинг ўйлаб топган бу каби имтиёзлари ўринсиздир.

Ҳаром дунёсидаги энг қабиҳ иллат – ичкиликбозлик зарари тўғрисида, гиёҳвандлик балоси ҳақида уламолар ҳам, дунёвий олимлар ҳам тинмай гапиришади. Раҳбарият томонидан чоралар белгиланади. Лекин ижобий натижадан ҳали узоқмиз. Чунки бу иллатни ҳукумат қарорлари билангина тuzатиб бўлмайди. Уламо­ларнинг насиҳатлари ҳам кифоя эмас. Қачонки, ҳар бир муслим биродарини ҳаромлик ботқоғидан суғуриб олишга киришмас экан, «Ичкилик туфайли жиноятчилик кўпайиб кетди, ёшларимиз бузилиб кетишяпти», деб вой-войлаб юраверамиз. Ҳозир ресторанлар, дискотекалар... кўпайгандан кўпайди. Мени икки нарса ажаблантиради: биринчиси, ресторанда кечқурун ароқхўрлик, маишат қилинади, тонгда эса амри маъруф, наҳйи мункар? Иккинчидан, ресторанларнинг номлари ҳам ғоят жозибали: «Улугбек», «Хувайдо», «Беруний», «Меърож», «Кавсар»... Ҳаром ичимликка «Умар Ҳайём» номининг берилиши-чи? Менимча, ҳар нарсага ўзига муносиб ном

берилгани яхши. Масалан, мен маст қилувчи ҳаром ичимликларга «Шайтонсув», «Иблис тупуги», «Шайтон муҳаббати», «Буюк алкаш» каби номларни, маишатхоналарга эса «Дўзахга йўл», «Дўзахнинг оташин боғи», «Вайл», «Самум» сингари номларни тавсия этган бўлардим. Шу маишатхоналарнинг хўжайинлари майхўр шоирларга илтимос қилишса, «Дўзахда бирга бўлурмиз то абад» деган ялма-ёримларни ёзиб беришади.

Ичкилик ва гиёҳвандлик вабоси дунёни еб адо қиляпти. Қаранг-а, бир йилда Европада 105 миллиард АҚШ доллари маст қилувчи ичимликларга сарфланар экан. Бу Ер юзидаги барча аҳолининг тоза ичимлик сув билан таъминланиши учун сарфланаётган маблағдан ўн марта кўп демакдир. 2009 йилдаги иқтисодий бўҳрон чоғида Европадаги сармоядорлар пиво ичиш камайганидан ғоят ташвишланишди. У томонларнинг инсофга киришига кўзимиз етмайди. Мен бу ўринда энди катталарга ҳам мурожаат этаман: ўзимизга қараб, болаларни, ёшларни тўғри тарбиялашга кўпроқ аҳамият бермасак, Европа аҳволига тушиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Маълумотларга қараганда, спиртли ичимлик ичиш бўйича Ўзбекистон Европадан анча орқада экан. Сиёсатчилар тили билан айтганда, Ўзбекистон хушёр мамлакат саналаркан (Худоба шукр). Европада спиртли ичимлик бир кишига йилда 14 литр атрофида, Ўзбекистонда эса 2 литр атрофида тўғри келар экан. Бу рақамни янада пастга туширсак, юртимиз янада тараққий этади, янада обод бўлади. Олимларнинг маълумотларига қараганда, қайсики мамлакатда ароқ киши бошига 8 литрдан ошса, бу юрт таназзулга юз тутар экан. Бу рақамга эътиборсиз қарамаслик керак.

Ичкилик ва қиморга мубтало бўлганлар ўзларига ўзлари суиқасд қиладилар. Маст ҳолда фалокатга учраб ўлган кишиларга жаноза ўқилмаслигига айрим уламоларимиз фатво берганлар. Ҳуқуқ идоралари содир этилган жиноятларни таҳлил қиладилар. Таҳлиларида «мастлик оқибатида содир этилган» деган алоҳида банд бор. Шунга кўра, оғир жиноятларнинг кўпи айни маст ҳолда содир этилар экан.

Одамийликни бир муаззам сарой десак, унинг ичига кирмоқ учун юриб бориш керак, балки тиканзорни ялангоёқ кечиб ўтишга тўғри келар. Одамийлик саройига ҳам сизу бизни биров кўтариб олиб кирмайди. Бобур Мирзо таъкид этганларидек, эшикни астойдил қоққан одамларгина кирадилар. Асалариларнинг кўриқчилари ёмон жойга қўнган асалариларни уяга қўймас эканлар. Шунга кўра, одамийлик саройига оғзидан ароқ ҳиди гупуриб турганлар қўйилмайдилар. Уларнинг жойлари комил инсонлар роҳатда яшайдиган саодат саройи эмас, шайтон кулбаси бўлиб қолади. Шоир Садриддин Салим Бухорий ёзганки:

*Аввал иймонини сотади майхўр,  
Кейин ҳар онини сотади майхўр.  
Ору номусидан ажралиб, э воҳ!  
Охирда жонини сотади майхўр.*

Одабийликнинг саодат саройига кирмоқ мушкул, аммо ундан чиқиш осондир. «Ёмонликлар онаси»дан юз ўгириб, ҳидоят онасига фарзанд бўлмоқлик барчаларимизга насиб этсин.

Умумий гаплардан кейин ҳаётий масалага қайтсам, болалар, ўсмирлар, ёшлар ўртасидаги майхўрлик ўз ҳолига ташлаб қўйилмаган. Майхўрликнинг зарарини ҳамма билади ва фарзандларини бу балодан асраш чораларини кўради. 16 ёшдаги ўғлининг оғзидан ароқ ҳиди келганда отанинг биринчи тарбиявий чораси – бетига шапалоқ уради. Кейин дўқ-пўписа, сўнг насиҳатлар бошланади. Бу ҳам таъсир қилмаса, насиҳатгўйлар сафига қариндошлар қўшилади. Бола майхўрлик ботқоғига ботишда давом этгани сайин уни қутқариб олиб қолувчилар сони кўпаяверади. Демокчиманки, жамият бу илатга бефарқ қарамайди. Қонунлар, қарорлар қабул қилинади, турли комиссиялар тузилади. Комиссия аъзолари профилактика инспекторлари билан ҳамкорликда қонунларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини кўрадилар. «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 5-моддасида баён қилинадики: «Ота-она ёки унинг ўрнини босувчи шахслар фуқаролар йиғини ҳузуридаги Ёшлар билан ишлаш комиссиясига, мактаб маъмуриятига муаммонинг сабабларини аниқлаш ва ҳал этишда ёрдам беришни сўраб мурожаат қилади. Улар бамаслаҳат ва ҳамкорликда: биринчи навбатда зарур деб ҳисобланса, психолог мутахассис иштирокида боланинг эҳтиёжи, қизиқиши, ўзи ва ҳаёти билан боғлиқ муаммолар аниқланади; боланинг эҳтиёжи, қизиқиши ҳамда муаммоларини ҳисобга олган ҳолда у билан **якка тартибда** (таъкид меники – Т.М.) тарбиявий профилактик суҳбатлар ўтказилади; боланинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишини ташкил этиш ва назорат қилиш учун устоз-мураббий ёки жамоатчи тарбиячи бириктирилади; зарур ҳолларда ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ва бошқа амалий ёрдам кўрсатиш ҳамда аниқланган муаммоларни ҳал этиш бўйича ваколатли идораларга мурожаат қилинади». Мутахассисларнинг тавсиясига кўра бу тадбирларни амалга ошириш бўйича иштирокчилар фаолиятларини мувофиқлаштириш масъулияти мактаб маъмурияти вакилига юклатилиши мақсадга мувофиқ. Мутахассислар биз ўрганаётган масалани ечиш учун кўп тадқиқотлар ўтказганлар. Бу тадқиқотлар ҳулосасига кўра, боланинг ичкиликбозликка берилишига олиб келувчи сабаблар қуйидагича бўлиши мумкин экан: болада бекорчи вақтнинг кўплиги ва ота-она томонидан унинг назорат қилинмаслиги; боланинг ўзидаги мавжуд муаммоларни спиртли ичимлик ичиш орқали вақтинчалик унутишга ҳаракат қилиши ва бунинг натижасида унда иродасизлик ортиб, спиртли ичимликка ружу қўйиши (Катталар жисмонан толиққанда ёки асабийлашганда «Чарчоқни олади», «Стрессни олади» деб, майхўрликларига фатво топадилар. Бола буни эшитади. Кинофильмларда ҳам айни ҳолат кўп кўрсатилади. Шунинг натижаси ўлароқ, бирон нимадан кўнгли оғриган бола бу руҳий қийноқдан чиқиш учун

ароқдан нажот кутади); бошқалардан ажралиб туришга ҳаракат қилиши, спиртли ичимликни ошқора равишда ичиш орқали ўз хатти-ҳаракатларининг бошқаларникига ўхшамаслигини намоёйиш этишга ҳаракат қилиши; уйда меҳмонларни кузатиб бўлгандан кейин болаларнинг қолган спиртли ичимликни, жумладан, ароқ, вино ёки пивони ичиб кўриши ёки яшириб қўйиб кейинроқ ичиши натижасида унга ўрганиб қолиши; бола организмнинг спиртли ичимликни истеъмол қилган вақтида роҳатланиши, ҳузур қилиши натижасида боланинг уни яна такрор истеъмол қилишга хоҳиши пайдо бўлиши; катта ёшдагиларнинг болани савдо дўконига спиртли ичимликларни олиб келиш учун жўнатиши ва дўконларда болаларга спиртли ичимликларнинг сотилиши; болалардаги спиртли ичимликларни кўп истеъмол қилиш бўйича баҳслар натижасида уларнинг сурункали ичкиликбозликка кириб қолиши; ота-онанинг болага ҳаддан зиёд меҳр қўйиши натижасида керагидан ортиқ ишониши; ота-онанинг болага эҳтиёжидан ортиқ пул бериши ва бола томонидан унинг сарфланишини назорат қилмаслиги...

Боланинг ичкиликбозликка берилиши сабабларини ўрганишда унинг аждодида ичкиликка ружу қўйганлар бор-йўқлигини аниқлашни унутмаслик лозим.

Буларнинг барчаси яхши. Лекин биз ижро маҳоратига ҳам аҳамият бермоғимиз шарт. Бу соҳадаги вазифаларни амалга оширувчи комиссия аъзолари ва профилактика инспекторлари кимлар? Улар бола руҳиятини тушуна оладиларми? Боланинг дардига шерик бўладиларми? Энг муҳими, бола тилини биладиларми? Ароқхўр ўсмир катталарнинг кўзига хунук кўринади ва у билан кўпол равишда муомала қилинади. Натижада гапирилган гаплар ўсмирнинг «у қулоғидан кириб, бу қулоғидан чиқиб кетади». Бир маҳалладаги «тарбиявий соат»да шундай бўлган. Ўсмир ўзини сурбетларча тутган. Айниқса, бир киши гапираётганда истехзо билан тиржайиб турган. Бу истехзо пардаси ортида «Ўзинг-чи?» деган савол мавжуд эди. Бу насиҳатгўй киши уч кун олдин тўйда бўкиб ичган, икки йигит судраб, уйига ташлаб келган, қўшни ўсмир унинг аҳволини кўрган эди. Боланинг чекишни ўрганиши ҳақида ҳам шуларни айтиш мумкин. Аслида ёмон йўлга кириш айнан чекишни ўрганишдан бошланади. Уйда ота (ҳатто она!), кўчада кўплаб одамлар, мактабда эса муаллимлар чекадилар. Буларни кўрган бола ҳатто боғча ёшидаёқ катталарга тақлид қила бошлаши мумкин. Ҳар турли қуриган ўт, барглардан ўзича сигарет ясайди ёки кўчада ётган сигарет қолдигини олади. Уйдаги бўшаган чиройли сигарет қутуларни ўйнаётган болага аҳамият бермаймиз, тўғрими? Кўчага ташлаб кетилган қутини олиб чўнтагига солиб олса-чи? Сигарети тутаб, хумори тутган кашанда ота (ёки ака) ўн ёшли ўғлини дўконга чиқарганини кўрмаганмизми?

Ота ва оналарнинг бу соҳадаги тарбияларида хилма-хилликни кўрамиз: бирлари дўқ қиладилар, яна бирлари ялинадилар, бошқалари дўппослайдилар... лекин расмий тарбиячилар, ҳар тур-

ли комиссия аъзолари эса бир хил услубда иш юритадилар: мажлисга йиғилдилар, болани ўртага олиб муҳокама қиладилар. Ақл ўргатадилар ва қарор чиқарадилар. Биринчи марта шундай бўлади, иккинчи, учинчи маротаба ҳам айти шундай. Боланинг феъл-атворини ўрганган ҳолда иш услубини ўзгартириб туриш яхшироқ натижа бермасмикин?

## ИККИНЧИ БОБ

### ЗУЛМАТ САЛТАНАТИ

Зулмат салтанати...

Бу салтанат бошқа сайёрада жойлашмаган, эртақлардаги хаёл маҳсули ҳам эмас. Бу салтанат сиз билан биз яшаётган она Ер қуррасида. Бу салтанатнинг ўз султонлари, ўз қироллари, ўз баронлари ва фуқаролари бор. Бу зулмат салтанати пойдеворига неча юз йиллар олдин тош қўйилган бўлса-да, йигирманчи асрда кучга кириб, Ер қуррасини мўр-малахдай босди. Фашизм, коммунизм сингари тузумлар йўқ бўлди. Бу салтанат эса сиёсий зилзилалардан фойдаланиб, куч олаверди. Фуқаролари сони тобора ошаверди ва афсусларким, ҳануз ошиб бормоқда. Султонлари ва қироллари эса ер юзидаги энг бой одамларга айланишмоқда. Мазкур салтанат киши кўзига дастлаб зулмат бўлиб кўринмайди, аксинча, сеҳрли туюлган домига тобора кўплаб ёшларни тортаверади. Ҳа, бу лаънати салтанатнинг сирти кўзни олар даражада жилва қилади. Салтанат чегараси босиб ўтилгани ҳамон эса одам ўзини зулмат қучоғида кўради, ўлим тўрлари оёқларига чирмаша бошласа-да, ўзини жилва ҳукмига топшириб, кулфат сари бораётганини англамайди. Бу зулмат тўрлари ёш вужудни шу даражада чирмаб ташлайдики, ундан қутулиш оғир, жуда-жуда машаққатли бўлади.

Камина мажозий маънода «зулмат салтанати» деб атадим. Халқ эса оддийгина қилиб буни «гиёҳвандлик» дейди (*илмий-расмий адабиётда «наркотизм», «наркомания» дейишга одатланишган*).

Фарзанд туғилганида нақадар қувонамиз. Тетапоя қилаётган гўдак йиқилса, юрагимиз қинидан чиқиб кетай дейди. Фарзандимизнинг оёғига зирапча кириб, йиғласа, бу зирапча гўё қалбимизга санчилгандай бўлиб зириллатади. Умид билан ўстирамыз фарзандларимизни. Кўзга кўрингувчи барча фалокатлардан асрашга уринамыз. Аммо боши узра зулмат салтанатининг ўлим ёмғири ёғдирувчи аянчли булутлари сузиб юрганини ўйламамыз. Бу булут лоқайд ота-оналарнинг фарзандларини таъқиб этади. Авваллари совчилар куёв боланинг маълумоти, ароқ ичиши ёки ичмаслиги билан қизиқардилар. Ҳозир «қуруғидан тортмайдимиз?», «нашаванд (ёки гиёҳванд) эмасми?» деган хавотир билан суриштирадилар. Ўғлининг бу иллатга чалиниб қолганини билган ота-оналар «ўйланганидан кейин яхши бўлиб кетади», деган умидда ҳақиқатни яширадилар. Оқибатда эса... ёш оила кўп ўтмай бузилиб кетади.

Хўш, гиёҳвандлик нима ўзи? Тиббий касалликми ё ижтимоий хасталикми? Унинг чеку чегараси мавжудми, унга қарши восита борми? Ароқхўрлик билан гиёҳвандликнинг қандай фарқи бор?

Ёмонлик, гуноҳ нуқтаи назаридан иккови ҳам бир гўр. Икковининг оқибати ҳалокат билан яқунланади. Бошланиши ҳам ўхшайди, бири пиво ҳўплаш билан, иккинчиси бир марта наша тортиш ёки кукун ҳидлаш билан бошланади. Икковининг панжаси оқибатда ажал панжасига айланади. Фарқи шундаки, ароқхўр атрофидагилардан иллатини яшира олмайди. Ичимликни дўкондан сотиб олади, ҳамманинг кўз олдида ичади, мастлиги ҳам кўришиб туради. Ҳаммаси очиқ-равшан бўлгани учун бу хасталикнинг олдини олиш мумкин. Гиёҳвандлик эса аксинча, барча ишлар хуфиёна, яширинча. Афюн беркитиқча сотиб олинади. Одамлар кўринмайдиган жойда томирга игна санчилади. Миқдори ошиб кетиб ўлиб қолса ҳам биров билмай, жасад қаровсиз ётаверади. Бу иллатлар одамнинг ўзига зарар етказишидан ташқари жиноят эшикларини очади, жамиятни беҳаловат қилади.

Гиёҳвандликнинг бошланиши тиббий касаллик бўлмаса-да, уни тиббий жиҳатдан даволашга уринишлар бор. Гиёҳвандлик маълум бир ижтимоий тузум келтириб чиқарган хасталик ҳам дея олмайман. Чунки бу хасталик эндиликда барча жамиятларда илдиз отган. Шу боис бу касалликни ижтимоий муаммолар қаторида даволашга интилиш бор. Менимча, хасталикни келтириб чиқарувчи омилларни маънавий тарбия соҳасидаги ожизликдан излаш керак. Бу жараёнда ёш йигит ёки қизнинг иродаси заифлигини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик зарур.

Гиёҳвандлик – ўлим ва ҳаёт орасидаги кўз илғамас чегарадир. Яхши тарбия кўрмаган одамнинг бу чегарани бузиб ўтиши эса қийин эмас. Аммо... ортга қайтмоқ мушкул. Иродаси заиф одам учун ғоятда қийин.

Бу салтанат сари қўйилган биринчи қадам... Ёшлар давра қурганларида улар орасида бир-икки нашаванд бўлса кифоя. «Битта тортиб кўрсам ҳеч нима қилмайди», деган фикр ўлим жари сари дастлабки қадамни ташлашга ундайди. Баъзан «битта тортиб кўришдан» бўйин товлаган болани қўрқоқликда айблашади ва у мардлигини исбот қилиш учун ҳам нашани чекади. Боланинг умрини хазон қилиш учун ана шу «битта тортиб кўриш» кифоя. Эртага хумори тутади. Сўнг ўзи излай бошлайди. Давраларда ҳозир наша чекиш ўрнига афюн кукунини ҳидлаш одат бўлган. Ҳар ҳолда нашанинг тутуни ва ҳиди ошкор қилиб қўйиши эҳтимоли бор, кукундан эса пинҳона равишда, истаган жойда ва истаган вақтда роҳатланавериши мумкин.

Аёллар қамоқхонасидаги учрашувимда бир синглимиз ўтмишини афсус билан тилга олган эди: «Наша чекишни болаларча ҳавас деб ўйлардим. Бир-икки тортиш зарарсиз, деб ўйлардим. Бир-икки чеккандан сўнг эса ўзимни тўхтата олмай қолдим. Йигирма ёшимда нашанинг кайфи етарли бўлмай, афюнга ўтдим. Оқибатда болам



туғилди-ю, кўп яшамади. Эрим ҳам ўзимга ўхшаган гиёҳванд эди. Аввалига у дори топиш илинжида ўғирлик қилиб, қамалиб кетди. Мен ҳамма нарсадан жудо бўлдим. Дунё кўзимга қоронғи бўлиб кўринди. Дори топиш учун мен ҳам ўғирлик қилдим. Илгари мени сархуш қилган кайфдан энди нафратланаман».

Бу афсус, бу нафрат кучи қанча экан? Қамоқдан чиқиб келиб, остона ҳатлаши билан эридан «Дори борми?» деб сўради. Дори бор эди. Нафрат ҳам, афсус ҳам чекинди. Кўп ўтмай у яна озодликдан маҳрум этилди. Яна афсус...

Унинг ёнидаги ёш жувон ҳам афсусини яширмайди. Нима учун қамалгани сўралса «Дори ўғирлаётган эдим», дейди. Қандай дори? Бирон оғир хастанинг дардига даво излаган эдими? Ҳа, оғир хастанинг... Оғир хаста – унинг ўзи! «Дори» эса – афюн. Унинг номлари ҳам, турлари ҳам кўп: **марихуанна (жаннабис), наша, опий, кўкнори, морфин, героин, кодеин...**

Бу жувонни бундай пасткашликка нима даъват этди? Ўн саккиз ёшида Термиз шаҳридан пойтахтга келиб ўқишга кирганида орзулари бўлакча эди. Икки йил аёло ўқиди. Баҳорда дўсту дугоналари билан тоғ сайрига чиқди. Наша чекиш қандай бўлишини ўшанда билди. Ана шу бир неча дақиқалик қизиқиш, шу қизиқиш олдида ўзини жиловлай олмаслик, иродасизлик уни тубсиз жарга қулатди. Ўқишни ташлаб, турмушга чиқди. Ҳомиладор бўлди. Аммо тўққиз ойлик орзуси кафанга бурканди – боласи ўлик туғилди.

Кимдир ўлик бола туғади. Кимдир эса оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади. «Оналик ҳуқуқи» деб аталмиш улуғ унвондан, бебаҳо шарафдан маҳрум этилмоқлик... нақадар даҳшат! Бу даҳшат балки ёшлик йиллари унча сезилмас, аммо эликни қоралаган аёлинг фарзандларидан тирик ҳолда ажралиши оқибатида тортаётган азобларига ўзим гувоҳ бўлдим. Тўрт марта қамалган бу аёл ҳам афсусланади. Наша чека бошлаган ўн олти ёшли дамларини ланат билан эслайди. Ўзини оғир ва бедаво хаста деб ҳисоблайди. Суяклари зир-зир қақшайди. Устига устак вос-вос касалига ҳам йўлиққан. Турли шарпалар уни ҳамиша таъқиб этади. Ҳукм адоғига етиб, қамоқдан чиққач, уни ким бағрига олади? Ким унга меҳр кўрғази? «Онадан меҳр кўрмай ўсган, болалик чоғларидаёқ онадан тириклайин жудо бўлган фарзандлар унга меҳр беради», деб ким ишонч билан айта олади?

Тиббий кузатишлар шуни кўрсатадики, гиёҳвандлик чегарасини бузиб ўтиш фақат «ёшлик-бебошлик» оқибати эмас. Баъзан ён-атрофдаги одамларнинг нотўғри маслаҳатлари ҳам бу йўлга ундаб қўяди. Бир аёл фарзанд кўргач, икки оёғи шол бўлиб қолади. Қўшнисининг маслаҳати билан шифо умидида кўкнори эзиб ичaveraди. Халқ орасида кўкнори шифо сифатида тилга олинади. Аммо бу ҳақда «Ози – тарёб, кўпи – заҳри мор» деган мақол ҳам мавжуд. Яъни, ҳар қандай дорининг ози шифо беради, аммо кўпи илон заҳри каби ўлимга рўбарў қилади. Шифонинг бундай тури ўзбошимчалик билан амалга оширилмайди, ўтмишда ҳам табиблар кузатувида меъёрда берилган.

Қорақалпоғистонлик бир жувон қизлик маҳали хасталанганида онаси кўкнорини эзиб ичираверган. Бечора онаизор... омилик билан қилган иши оқибатида қизининг гиёҳванд бўлиб кетиши, бахтсизлик ботқоғига ботишини ўшанда ўйлабдими экан? Яна бир аёлнинг эри ва қизлари автомобил ҳалокатида нобуд бўлишгач, у афюндан нажот топмоқчи бўлди. Орадан икки йил ўтиб, ҳожатхонада билагига дори юбораётганда ўлим топди... Шифо марказидаги бир йигитни «Ҳали ўттизга кирмаган», дейишса ишонмабман. Беш йил аввал тушган суратини кўрсатишди. Тоғни урса талқон қиладиган бақувват йигит... энди эса қуруқ суяк қолган, десам муболаға бўлмас. Бармоқлар қалтирайди. Кўзларни ҳаёт қувончини ифодаловчи нур тарк этган. Беш йил аввал оила можароларидан нолиганида дўсти уни бу ҳасратдан қутқариш учун билак томирига афюн юборган. Можароларни унутган-у, аммо оилани бутунлай барбод этишни бошлаганини, ўзини эса хорликка ўзи ҳукм қилганини фаҳм этмаган. Буни орадан йиллар ўтиб англаган. Англаган-у... Нима, энди кечми? Энди ортга йўл йўқми? Йўл бор. Умид ҳам бор. Бу йигитни шу умид ҳаётда ушлаб турибди.

Биз алкоғол, яъни майхўрликка кўникиб қолганмиз. Кўчада маст-аласт думалаб ётган ёки чайқалиб юрган одамлар бизни айтарли ажаблантирмай қўйган. Уларни даволовчи масканлар борлиги ҳам маълум. Лекин гиёҳвандлар-чи? Юқорида айтганимдек, улар кўчаларда ағанаб ётишмайди, чайқалиб, гандираклаб юришмайди. Уларнинг фаолияти барчанинг назаридан четда. Барча ишлари яширин. Ҳаёт ўз маромида давом этади. Ҳаётнинг лаззатини ҳар ким ҳар нарсада кўради. Биров китоб ўқиб, биров кўп пул топиб лаззатланади. Биров спортда, биров меҳнатда бахтини топиб ҳузурланади. Яна биров эса ҳаётнинг маъносини эм игнасида билак томирига юбориладиган қорадориди, чекадиган нашада ёки ҳидлайдиган афюн кукунида деб билади.

Гиёҳвандлик кишини жиноятга бошлашидан ташқари турли касалликларга ҳам сабаб бўлади. XX аср қора ўлати ҳисобланган СПИДнинг пайдо бўлиши, дунё бўйлаб тез тарқашида гиёҳвандликнинг ҳиссаси катта экани сир эмас. Руҳий хасталиклар ва наслнинг бузилиши каби иллатлар назарга олинса, гиёҳвандликдан фақат битта шахс ёки оила жабр тортмайди, балки унинг касридан жамият озор чекишини яна таъкидлаймиз.

Баъзилар ашаддий гиёҳвандларни даволаб бўлмайди, деб ҳисоблайдилар. Бу хато фикр. Тўғри, даволаниш жуда қийин ва узоқ давом этадиган жараён, лекин ноумид қарамаслик керак. Гиёҳвандни даволаш учун дори-дармонларнинг ўзи кифоя қилмайди. Бу борада яна икки муҳим омил бор: бири – бемордаги **ирода кучи**, иккинчиси – атрофидагиларнинг, яъни сиз билан бизнинг унга нисбатан меҳр-шафқатли бўлишимиз. Ундаги ироданинг куч олишига сиз билан бизнинг хайрихоҳлигимиз жуда муҳим. Ҳам жисмоний, ҳам руҳий азобларни енгаётган бемор ёнида меҳрибонларнинг туриши зарур аҳамият касб этади.

Уни айблаш, танқид қилиш маъносидаги гаплар узундан-узоқ насиҳатлар, «Гиёҳванд бўлиб нима орттирдинг?» каби дашномлар уни баттар эзади. Иродасини баттар парчалайди. Майхўрни майхўрлар, гиёҳвандни гиёҳвандлар ўз бағриларига мамнуният билан олишди, биз нима учун уларни кўкракларидан итаришимиз керак? Нега ботқоқдан тортиб олишга ҳаракат қилмаймиз? Тўғри, ҳамма ҳам шундай эмас, барчани бирдай айбламоқчи эмасман. Лекин майхўр ва гиёҳванд ўсмир учун асосан унинг ота-онаси ва яқинлари қайғурадилар. Даъвоимни ўзгачароқ тарзда ифода этайин-чи: майхўр ёки гиёҳванд ўзига етти ёт бегона болани бағрига олади. Биз-чи, биз етти ёт бегона болани бу ботқоқдан тортиб, ўзимизнинг бағримизга олишга уринамизми?

Шифоланиш жараёнида бемор меҳрга ғоят ташна бўлади. Биз кўпинча тилимизда «Гиёҳвандликка қарши кураш» деган иборани қўллаймиз. Умумий томондан тўғридир, аммо шифо умидидаги гиёҳвандга бу «кураш» атамаси мутлақо ноўриндир. Энди у билан курашилмайди, балки гиёҳвандлик ботқоғидан қутулиб чиқишига ёрдам берилади. Боласининг гиёҳванд бўлиб қолганини билган отанинг газабланиши табиий, эҳтимол дўппослаб урар ёки уйга қамаб ҳам қўяр. Хўш, бундан бирон наф борми? Йўқ. Болага яхши муомала қилиш керак. Тўғри, бола бундай яхши муомалани суистеъмол қилар, қилиғини давом эттиришга уринар, ёлғон гапирар... Ота-она, қариндошлар бу ҳолда тушкунликка тушмай, тиббий шифо баробаринда маънавий томондан даволашни собитлик ила давом эттиришлари зарур.

Гиёҳвандлик йўлига тўсиқ қўйиш расмий идораларнинггина вазифаси эмас. Агар бирон ерни сел босиш эҳтимоли бўлса, «Бу иш қурилиш ташкилотининг иши», деб қараб турилмайди. Бутун қишлоқ ёки шаҳар аҳли кўтарилади. Гиёҳвандлик сели табиий селдан ҳам хатарлироқ бўлатуриб, нима учун жамиятда бу ҳолга лоқайд қарайдиганларни учратамиз? Жиноятчиликка доир рисолага маълумотлар тўплаш чоғида бир мактабда ва яна бир маҳаллада кичик тадқиқот ўтказган эдим. Маълум бўлдики, ёшлар гиёҳвандлик, унинг келиб чиқиши, зарари ҳақида етарли маълумотга эга эмаслар. Маҳалла гузаридида ўтириб олиб карта ўйинидан бўшамайдиган ёши улуглар эса бундан-да баттарлар. Гиёҳвандликнинг пайдо бўлиш тарихидан деярли беҳабарлар. Турларини умумий тарзда биладилар. Нархларини бутунлай билмайдилар. Неча грамм афюн боланинг қамоққа тушиб қолишига асос бўлишини ҳам билмайдилар. «Афюн моддаларининг жиноят иши қўзғатиш учун белгиланган миқдори» ҳақида қабул қилинган қарорга кўра, жиноят иши очиш учун боладан (ёки каттадан) 0,0001 грамм героин ёки 0,01 грамм морфин топилишининг ўзи кифоя қилинишини айтсак, «йўғ-е!» деб ажабланишади. Гиёҳванд хумори тутиб талвасага тушганида қандай ваҳшийликларга қодир эканини тасаввур қила олмайдилар. Содир этилаётган ҳар уч қотилликнинг бири гиёҳвандлик оқибатида экани, дунё бўйича гиёҳвандларнинг сони элик миллиондан ошиб

кетгани уларни ташвишга солмайди. «Маҳаллада гиёҳвандлар борми? Бўлса, уларни қандай тарбия қилиш мумкин?» деган саволга маҳалла гузарида доимий равишда ўтирувчи қариялар елка қисиб қўя қолишди. Савол такрорлангач, «Тарбия қиладиган ота-онаси бор», деб қўйишди.

Кечки пайт мактабнинг ҳожатхонасида наша чекиб ўтирган болаларни ушлаб, маҳалла идорасига олиб келишгани, икки боланинг ота-онаси узр айтиб, фарзандларини олиб кетишгани, учинчиси эса келмагани ҳақида гапирган эдим. Учунчисининг гаплари ёдингиздами? Телефондаги қайта-қайта чорловга жавобан у: «Ўғлимнинг наша чекишини биламан. Бу йўлдан қайтара олмайман. Қамасаларинг қамаб юбораверинглар, менга бунақа боланинг кераги йўқ, оқ қилдим!» деб жавоб берганди. Болани оқ қилиш осон. Аммо бу билан ота ва онанинг жамият олдидаги масъулияти соқит қилинмайди. Диний томондан олиб қаралганда ҳам, ота-она боласининг жинояти учун жавобгардир.

Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади, деган нақл бор. Гиёҳвандлик фақат битта ёки беш-ўнта мамлакатлардаги хасталик эмас. Давлат чегараларини ҳам, ижтимоий тузумларни ҳам, маълум тузумларга доир ғояларни ҳам тан олмайди. Собиқ иттифоқ даврида гиёҳвандлик «капитализм меваси» деб қаралар эди. Коммунистлар тузумида бундай хасталик урчиб, кўпайиши мумкин эмас, деб дунёни ишонтирмоқчи бўлишди. Ўша дамларда (яъни ўтган асрнинг саксонинчи йилларида) АҚШ аҳолисининг 30 фоизи гиёҳванд моддалардан фойдаланарди, Германия, Франция, Англияда бу хасталик авж олган кезларда «коммунизм кураётган ёш авлод» орасида ҳам гиёҳвандлик тез суръатлар билан тарқалаётгани яширилди. Оқибат шу бўлдики, гиёҳвандлик советларнинг Европа қисмидаги мактабларига қадар кириб келди. Мактабларнинг ертўлалари, томлари гиёҳвандларнинг махфий қароргоҳларига айланди. Бу хасталик хавфи ҳақида гапира бошланганида кўп нарсалар бой берилган эди. Детектив жанрида ижод қилувчи адибларнинг 1990 йилдаги йиғилишидан сўнг бизни Москва шаҳридаги шундай мактаблардан бирига олиб боришган эди. 13-14 ёшдаги болалар гиёҳвандга айланиб бўлишган. Улар «Уруш ва тинчлик» романини Толстой ёзганми ёки Пушкинми – билишмайди. Аммо афюн моддаларнинг турларини, таъсир кучини, кайфдаги фарқини, нархини аниқ билишади. Бу болалар ҳеч нима билан қизиқишмайди. Уларга китобнинг ҳам, кинонинг ҳам, спортнинг ҳам қизиғи йўқ. Уларнинг асосий ташвиши – вақтида афюнни топиш. Хумор талвасаси бошланганида ўзларини қўйгани жой тополмай қолишади. Ҳатто ўзларининг томирларини кесиб ташлашади ёки тишлаб-тишлаб узишади...

Москва телевидениеси кўрсатувларидан маълумки, бундан 25 йил аввалги аянчли аҳвол яхши томонга ўзгармабди. Яқин ўтмишни, ўзга мамлакат пойтахтидаги аҳволни нима учун эслаяпман? Шукурки, бизнинг юртимизда гиёҳвандлик даражаси у то-

монлардагига нисбатан анча паст. Бизда гиёҳвандликка қарши кураш давлат миқёсида жиддий ва кескин олиб борилади. Ҳуқуқ идораларининг бу борадаги ишларини алоҳида таъкидлаш керак. Лекин гап шундаки, ён-атрофдаги мамлакатларда гиёҳвандлик авжга чиқар экан, уларнинг хавфи ҳам ошади. Гиёҳвандлик ҳам бошқа жиноят турларига ўхшаш юқумли касал кабидир. Кураш сал сусайдими, катта ҳудудларни тезлик билан қамраб олади. Ҳамдўстлик мамлакатлари қаторидаги Украина бугунги кунда СПИДнинг тарқалиш тезлиги бўйича дунёда «илғорлар»дан саналади. СПИД билан гиёҳвандликнинг ўсиш суръати эса ҳамиша тенг юради. Дунё бўйича қаралганда, СПИДга чалинган ҳар икки одамнинг бири гиёҳванд экани роят ташвишли ҳолдир. Шундай экан, Киевнинг қайси бир мактаби ертўласида болалар билан томирларига қорадори юборар эканлар, биз бунда хотиржам ва беташвиш яшай олмаймиз.

Ҳар бир гиёҳванд сиртдан ювош кўринса-да, ён-атрофдагиларни бу хасталикка даъват этувчи, бу оғуни тарқатиш билан шуғулланувчи жиноятчига айланиши ҳеч гап эмас. Шу сабабли ҳам гиёҳванднинг доимий назорат остида бўлиши жуда муҳимдир.

Ўсмирларни дунёга машҳур спортчилар ёки санъаткорлар ўзига мафтун қилади. Бундай ўсмир ўша машҳур кимсага кўр-кўрона тақлид қила бошлайди. Не гамки, ҳозир профессионал спортда «допинг»дан бошлаб, сўнг аргентиналик машҳур футболчи, эндиликда тренер Марадонага ўхшаб ашаддий гиёҳванд бўлиб кетганлар кўп. Спорт оламида-ку, бу ҳолга қарши кураш мавжуд. Аммо санъатда гиёҳвандларга тўсиқ йўқ. Бугун саҳнада бемаъни ҳаракатлари билан ёшларни ўзига жалб қилаётган гиёҳванд санъаткордан мухлислари бу иллатни ҳам олишлари мумкин эмасми? Гиёҳвандликдан ўлим топган Майкл Жексон каби санъаткорларнинг ҳалокати ёшларга таъсир этмайдими?

Зулмат салтанатининг султонлари, қироллари, баронлари бор, дедим. Ҳа, шундай. Лекин улар зулматда яшириниб яшамайдилар. Башанг кийиниб юрадилар. Базмларда хонимларга лутф кўр-газиб, юксак маданият намуналарини намойиш этадилар. Улар минглаб ёш жонларнинг ўлимига сабабчи бўлсалар-да, қўлларида қон кўрмайсиз. Улар ўзларини қотил санамайдилар. Афсусли ери шундаки, дунё жиноят кодексларида ҳам уларга қотиллик айби қўйилмайди. «Афюнфуруш» айби билан қамоққа олинадилар.

Афғонистон, Покистон, Колумбия каби мамлакатлар ҳамиша афюнфурушларнинг диққат марказида. Чунки бу мамлакатлар деҳқонларининг асосий даромадлари айни шу афюн етиштиришда. Илм-фан ривожининг ижобий самаралари билан бирга салбий томонлари ҳам кўриняпти. Ҳозир афюнфурушлар кўкноризорлар билан кифояланмайдилар. Кимёгарлар уларга наркотик моддаларнинг турли-турли хилларини кашф этиб беришяпти. Яширин кимёвий лабораториялар дунёнинг кўп мамлакатларида иш олиб борапти. Энди германиялик афюнфурушлар Афғонистонга қараб

қолишгани йўқ. Берлиндами ё Мюнхендами яширин ишлаётган лабораториялар уларга қанот бўляпти. Билиш жоизки, кимёвий афюн табиийсига нисбатан анча хавфли, унга ўрганиш, яъни домига тушиш ҳам осонроқ.

Эрон ва Покистон гиёҳвандликка, хусусан, афюн етиштиришга қарши қаттиқ кураш бошлагач, Европа афюнфурушларининг асосий эътиборлари энди нотинч Афғонистон ва Марказий Осиёга қаратилди. Уларнинг режасича, Марказий Осиё Афғонистондан оқиб келувчи афюн моддаларни Европага олиб ўтишда бир даҳлиз вазифасини ўташи керак эди. Ундан ташқари, бу ерларда, хусусан, Қирғизистонда, ёввойи тарзда ўсувчи нашазорлар катта бойлик манбаи эди. Ўзбекистонда бу ҳолга қарши жиддий кураш олиб борилмаганида, эҳтимол, улар муддаоларига осонгина эришар эдилар.

Афюнни Марказий Осиё орқали олиб ўтишга ҳали ҳам барҳам берилгани йўқ. Кўнгилни хира қиладиган жойи шуки, барча афюн тўлалигича олиб кетилмайди, маълум миқдори Марказий Осиё жумҳуриятларидаги гиёҳвандлар учун қолдирилади. Жаҳон кутувчиларининг маълумотига қараганда, Марказий Осиёдаги гиёҳвандлар **бир йилда ўн бир тонна (!)** афюн истеъмол қилар эканлар. Бу даҳшатли рақам ҳар бир одамнинг юрагини ларзага келтириши табиий!

Гиёҳвандликнинг тиббий касалликка айланишини кўпчилик билмаслигини инобатга олиб, бу хусусда ҳам тўхталишни лозим топдим.

Гиёҳвандликнинг касаллик сифатида вужудга келиши, шаклланиши ва ривожланиши уч асосий аломат: руҳий боғлиқлик, жисмоний боғлиқлик (бунинг асосий кўриниши илмий тилда «абстинентив синдром» деб ҳисобланади; «синдром» – келиб чиқиши умумий бўлган ва вужуднинг огриқли ҳолатини ифодаловчи белгиларнинг мос келиши) ва ўзгарган толерантлик (реактивлик)нинг пайдо бўлиши («толерантлик» – атамаси «чидамлик» маъносини англатади), кучайиши ва мустаҳкамланиши билан тавсифланади.

Афюн истеъмол қилиш кўпгина ҳолларда ўзига хос бўлган руҳий ҳолат – эйфорияни келтириб чиқариш хусусиятига эгадир. Бунда гиёҳванд кайфиятининг яхшилангани, тетиклашгани, кучига куч қўшилганини ҳис қилади ва ўзини чексиз имкониятларга эга бўлган ҳисоблайди. Баъзан эйфория ҳолатида шахс енгиллик, ўзига хос руҳий мувозанатни ҳам ҳис этади. Қатор ҳолларда эйфория субъектив, ёқимли соматик-вегетатив (жонланиш, ўсиш) ҳислар билан уйғунликда содир бўлади (яъни танага ёқимли иссиқлик ёйилади). Эйфория ҳолатининг жадаллилиги гиёҳвандликнинг шаклланиш тезлигини белгилайди. Эйфориянинг хусусияти ва кучи бир хил эмас, балки афюн воситасининг тури ва сифатига, миқдори (дозаси) ва истеъмол қилиш усулига (чекиш, ҳидлаш, хапдори (таблетка) ютиш ёки эм игнасида томирга юборилиши), гиёҳванднинг «малакаси» ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлади.

Афюн мунтазам равишда истеъмол қилинаверилгач, кўп ўтмай, эйфория ҳолати киши учун доимий эҳтиёжга айланади, унда руҳий

боғлиқлик (маълум ёқимли туйғуни яна ва яна ҳис қилиш, шунингдек, руҳий азоблардан қутулиш ва ўзи учун қулай бўлган руҳий ҳолатга кириш мақсадида афюн воситасини истеъмол қилишга бўлган онгли ва онгсиз эҳтиёж) ривожланади. Руҳий боғлиқлик бутун руҳий фаолият соҳасини қамраб олади ва ҳар хил кўринишларда намоён бўлади.

Биринчидан, у афюн мунтазам истеъмол қилинган барча ҳолларда (гиёҳвандликнинг барча шаклларида) вужудга келади. Иккинчидан, гиёҳвандда афюнга ноёб нарсага бўлгани сингари ижобий муносабат мустаҳамланиб боради. Яъни, дунёнинг лаззати фақат шунда, деган ишончи кучаяди. Учунчидан, боғлиқлик дастлаб эпизодик равишда (доимий эмас, дам-бадам), кейинчалик эса мастлик (кайф) ҳолатини ҳис қилишга бўлган турғун истак-хоҳишида ифодаланади. Тўртинчидан, гиёҳванднинг руҳий (психик) турмуши ва бошқа шахслар билан муносабатларини, шунингдек, ижтимоий йўналишини ўзгартиради. Бешинчидан, руҳий боғлиқлик узоқ вақт мобайнида сақланиб қолиб, у афюндан ўзини тийишга бўлган уринишлардан (ремиссия даврлари) сўнг гиёҳванднинг уларни яна истеъмол қилишга қайтишида ҳал қилувчи ўрин тутаяди.

Гиёҳванд афюнни мунтазам истеъмол қила бошлаганидан сўнг маълум вақт ўтгач, унинг миқдорини оширишга эҳтиёж сезади. Чунки аввалги миқдор олдингидек ҳузур бахш этмай қўяди. Унинг вужуди заҳарли воситанинг таъсирига мослашади ва кўникади, миядаги алоҳида қисмлар – «комфорт зоналари»нинг афюнни сезувчанлик даражаси пасайиб боради. Афюннинг тобора ошиб борувчи миқдорига вужуднинг (организм) бундай мослашиши «ўзгарган реактивлик синдроми» деб номланади. Жиддий эътибор бериш керакки, афюн воситаларидан бирини истеъмол қила бошлаган гиёҳванд «Бу ишимга истаган вақтимда барҳам беришим, ўзим хоҳлаган пайтда истеъмол қилишим мумкин», деб ўзини тинчлантиради. Бу ўзини ўзи алдашдан бошқа нарса эмас! Чунки вужудга – қон-қонига афюннинг сингиб кетиши ва таъсирининг тобора пасайиши (толерантликнинг ўсиши) оқибатида гиёҳванд аста-секинлик билан миқдорни ошириб бораётганини ўзи ҳам сезмай қолади. Оқибатда афюнга боғлиқликнинг янада оғирроқ шакли – жисмоний боғлиқлик вужудга келади. «Жисмоний боғлиқлик» деганда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг таърифига кўра, вужуднинг афюнга мослашуви (бошқача айтганда, **вужуднинг афюнга қул бўлиши**) тушунилади. Бундай ҳол у ёки бу турдаги афюннинг қабул қилиниши тўхтатилганида содир бўладиган интенсив (ортиқ даражада жадал) жисмоний касалликларда намоён бўлади. «Тўхтатиш синдроми» ёки «абстинентив синдром» деб аталадиган бу хасталиклар (кучли бош оғриши, безгак тутиши, қўл-оёқлар суягини қақшатувчи оғриқ) афюннинг моддалар алмашинувида иштирок этиши ва ушбу восита вужудга киритилмаса, тана аъзоларининг бир меъёрда ишлай олмаслиги туфайли вужудга келади. Абстинентив синдром афюн охирги марта қабул қилинганидан сўнг маълум вақт ўтгач пайдо

бўлади. Абстинентив синдром ривожланганида афюнга эҳтиёж эйфория ҳолатига тушиш (яъни **жузурланиш**) мақсадида эмас, балки оғриқ ва **азоблардан қутулиш** мақсадида вужудга келади. Шунинг учун ҳам гиёҳванд ўзини бу азоб-уқубатлардан халос этадиган афюнни топиш учун ҳар қандай ишга, жумладан, жиноятга қўл уради. Азобдан титраётган пайтда афюнни кўрсатиб, «Онангни сўйсанг, шуни оласан», дейилса, бу шартни бажаришга ҳам тайёр руҳий ҳолатга келади.

Гиёҳвандликнинг сўнгги босқичи, одатда, шахснинг ахлоқий ва маънавий таназули (ижтимоий декомпенсация, оиладаги муносабатларнинг бузилиши, жамият ва қонунда белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик) ҳисобланади. Гиёҳвандда бундай таназул алкоғолли ичимликларни суиистеъмол қилишдан **15 – 20 баравар тезроқ** вужудга келади.

Баён қилинган фикрлар **гиёҳвандлик – касалликдир**, деган ягона хулосага олиб келади. Зотан, гиёҳвандликнинг кўринишлари ҳамда унга дучор бўлган кишиларнинг хулқ-атворидаги биологик ўзгаришларни фақат мутахассислар, яъни нарколог-врачларгина аниқлашлари мумкин. Шу сабабли жонли тилимизда ва матбуотда ёки ҳуқуқшуносликка доир адабиётларда «гиёҳвандликка қарши кураш» деган иборанинг қўлланилиши, юқорида зикр этганимдек, тўғри эмас. Модомики, гиёҳвандликни касаллик дедикми, **унга қарши курашиш эмас, балки уни даволаш керак**.

«Гиёҳванд» деган атамани кўп тилга оламиз, ёзамиз. Шу ўринда ҳам бир нуқтага эътибор қаратиш керак: афюнни бир марта истеъмол қилган, ора-сира оладиган, ҳали бу заҳри қотилга бутунлай боғланиб қолмаганлар «гиёҳванд», дейилса унча тўғри бўлмайди. «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида айтилганидек, тиббий текширишлар натижаларига кўра ташхис қўйилган шахсгина «гиёҳванд» деб аталади. Гиёҳвандлик – эйфорик, тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатадиган, банги қилувчи ёки қўзғатувчи табиий ва ва синтетик моддаларга патологик (оғир хасталикка) мойил бўлишликни англатади.

Ўсмирлар (вояга, яъни ўн саккиз ёшга етмаганлар) гиёҳвандлиги муаммоси алоҳида масаладир. Афюн моддаларини истеъмол қилишга бўлган ишқибозликнинг бошланиши, шаклланиши, унинг ижтимоий-руҳий механизмлари, руҳий ва жисмоний боғлиқлик динамикасида, «ўсмирлар» ва «катталар» гиёҳвандлигининг босқичларида ўхшашлик бор, аммо фарқлар ҳам мавжуд.

Вояга етмаганлар гиёҳвандлигининг ўзига хос хусусиятларига: биринчидан, афюнни эрта истеъмол қилиш ёш, ҳали чиниқмаган вужуд учун бир неча баробар хавфлироқ эканлигини, чунки ўсмирнинг ақдий ва жисмоний ривожланишида ҳар хил патологияларнинг вужудга келишига сабаб бўлиши мумкинлигини, бинобарин, **киши гиёҳвандликка қанчалик ёш ружу қўйса, бунинг оқибатлари янада даҳшатли бўлишини**; иккинчидан, ўсмир



вужудининг қаршилиқ кўрсатиш даражаси пастроқ эканлигини, шунинг учун ҳам уларнинг афюнга тез кўникишини; учинчидан, афюнга берилиш сабабларининг турлича эканлигини; тўртинчидан, тозароқ бўлгани учун қимматроқ сотиладиган афюн воситаларини сотиб олишга пули етмаганлиги сабабли ҳаёти ва соғлиғи учун хатарли бўлган арзон ва сифатсиз моддаларни сотиб олишга мажбурлигини киритиш мумкин. Бу эса ўз навбатида касалликнинг оғир кечиши ва рўй берган оқибатларнинг хусусиятларида намоён бўлади.

Ҳозирги вақтда турли соҳа мутахассислари (биринчи галда тиббиёт ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари) давр эпидемияси бўлмиш гиёҳвандликнинг тарқалишидаги асосий хусусиятлардан бири сифатида афюн истеъмол қиладиган ўсмирлар сонининг кескин ортгани, шунингдек, афюн истеъмол қилишнинг қуйи ёш чегараси (дунё бўйича) 10-12 ёшгача пасайганини қайд этмоқдалар. Наркотик мастлик ҳолати ўсмирлар учун жиноий хулқ-атвор детерминациясининг (умумий алоқадорлик ва сабабий боғланиш) муҳим омили эканлиги ҳисобга олинса, бу нафақат тиббий, балки криминологик (жиноятга доир) аҳамиятга ҳам эга бўлган муҳим муаммо экани ойдинлашади.

Афюн сингари одам вужудига ва руҳиятига салбий зарба берувчи, тафаккурни сусайтирувчи таъсирга эга бўлган кимёвий, биологик моддалар ва дори-дармонлар жуда кўп. Бироқ улар турли сабабларга кўра (масалан, ижтимоий хавфлиқ даражасининг пастлиги, вужуднинг унга қаттиқ ўрганиб қолмаслиги) афюн воситалари жумласига ҳозирча киритилмаган. Ўша кимёвий дориларни суистеъмол қилиш «заҳарвандлик» – «токсикомания» деб аталади. Афюн истеъмол қилиш натижасида юзага келадиган ҳолат – «наркотик мастлик», заҳарвандлик моддаларининг таъсири эса «заҳарли мастлик» деб номланади. Токсикомания ҳам зарарли ва хатарлидир. Унда ҳам гиёҳвандликдаги сингари боғланиб қолишлиқ ва ўзгарган реактивлик кўринишлари пастроқ даражада бўлса-да ўзини кўрсатади. Даража пастроқ бўлишига қарамай, бу моддаларнинг истеъмол қилиниши оқибатида гиёҳвандликдагидан кам бўлмаган руҳий ва жисмоний бузилишларга олиб келади. Шу сабабдан ҳам мутахассислар заҳарвандлик моддаларининг (токсикант) бир қисми афюн воситаларининг расмий рўйхатига киритилиши шарт, деб ҳисобламоқдалар.

XX аср тил бойлигида «наркобизнес» деган атама ҳам пайдо бўлди. Энг ваҳший жиноятлар айнан шу наркобизнес томонидан амалга ошириляпти. Жаҳоннинг кўп мамлакатлари, ҳуқуқ ва тартибот идоралари уларга қарши ҳамкорликда курашмоқдалар. Ўзбекистон бу ҳамкорлик занжирининг муҳим ҳалқаларидан бирига айланган. Бундан бир неча йил муқаддам Тошкентда ўтказилган Халқаро семинар-кенгаш бу фикрнинг ёрқин далили бўлган эди. БМТ экспертлари, интерпол зобитлари, божхона ва хавфсизлик хизмати ходимлари, дипломатлардан иборат икки юзга яқин

мутахассис афюн моддаларни назорат қилиш бўйича фикр юргизиб, бу соҳадаги Ўзбекистоннинг тажрибасини юқори баҳолаган эдилар.

Наркобизнесга қарши кураш ҳозир авж палласига кирган. Афсусли ери шундаки, бу соҳада мамлакатлар орасида якдиллик йўқ. Турли мамлакатлар турлича йўл тутишни маъқул кўришяпти. Масалан, Европанинг бир неча давлатлари гиёҳвандларга қарши курашмай, уларга эркинлик яратиб бериш таклифини илгари суряптилар. Бу таклифга кўра, гиёҳвандлик жиноят эмас, гиёҳвандлар тиббий рўйхатда турадилар ва оғир хасталарга доир имтиёزلардан фойдаланадилар, яъни эм игнаси ва қорадори уларга давлат томонидан арзон нархда ёки текинга берилади. Билишимча, Швейцарияда бу соҳада амалий ишлар ҳам бошлаб юборилган. У ерлардаги истироҳат боғлари дам олиш куни гиёҳвандлар ихтиёрига берилиб, қорадори ва эм игнаси билан таъминланадилар. Бу усул ўлимни бўйнига олган чорасиз одамнинг аҳволини эслатади ва ёмон оқибатларга олиб келади.

Айрим мамлакатлар афюн моддаларни ишлаб чиқарувчига, тарқатувчига ва истеъмол қилувчига қарши жазо чораларини кучайтирдилар. Айтиш мумкинки, аёвсиз чора кўрадиган бўлдилар. Хитой, Эрон ва Покистонда бу жиноятлар учун ўлим жазоси белгиланди. Шундай бўлишига қарамай, наркобизнеснинг чекингиси йўқ. Покистонда ўлим жазоси жорий қилинганидан кейин ҳам юзга яқин гиёҳвандлик лабораториялари аниқланиб, маҳв этилган. Мамлакатдан олинган маълумотларга қараганда, у ерда бир ярим миллион одам қорадори истеъмол қилади. Бу рақамлар кураш учун жазо чораларининг кучайиши ҳам кифоя этмаслигини кўрсатади.

Менимча, бу хасталикнинг давоси – маънавий тарбияда. Оиладаги тарбия қандай ва жамиятда бу борада қандай тарбиявий ишлар олиб бориляпти? Оила бошлиқлари – ота ва она маънавий жиҳатдан қандай даражада? Жамиятдаги маънавий ишлар хўжақўрсинга, юқори идораларга маълумот бериш учунгина қилинмаяптими? Очигини айтсам, шундай ҳоллар ҳам учраб турибди. Бир тадбирни телевизорда мақташди. Тадбирни ўтказишда «Камолот», «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият ва маърифат маркази, милиция бошқармаси, прокуратура... каби ўнга яқин ташкилот қатнашган. Йиғилган ёшлар сони эса ўттиздан ошмайдди. Демак, камида ўн ташкилот юқори идорасига шундай тадбир ўтказдик, деб маълумот беради. Натижа эса...

Бошқа масалаларда шундай лоқайдлик қилиш узридир. Аммо гиёҳвандликка қарши курашни қоғозлардаги маълумотномаларда олиб бориш зинҳор мумкин эмас. Бу курашда бутун халқнинг биргаликдаги ҳаракати зарур. Ўзбекистонда гиёҳвандликка қарши кураш олиб боришнинг яхши намунаси мавжуд. Яъни, маҳалла аҳлини тўлалигича жалб этиш. «Битта болага кўни-қўшнилари ҳам ота-онадир», деган ёзилмаган қоидани ҳамма жойда бир хилда жо-

рий бўлиши бу соҳада айниқса қўл келади. Бир куни эрта саҳарда қариялар билан бирга тўйга бораётганимда кўчадага ариқ бўйида ўтирган тўрт йигитча дарров саросимага тушиб, ўринларидан туриб кетганини, ўша томондан наша ҳиди келганини айтган эдим. Қарияларни кўриб, ўзгаришларининг ўзиёқ уларни тарбиялаш мумкин, деган умидни туғдиради. Қайси маҳаллада гиёҳвандлар кўпроқ экан, демак, ўша маҳаллада қарияларнинг эътибори суст экан, муҳтарам оқсоқолларимиз буни ҳам ўйлаб кўрсалар чакки бўлмайди.

Гиёҳвандлик бир оиланинг ташвиши эмас. Бир маҳалла, бир шаҳар, бир мамлакатнинг ҳам ташвиши эмас. Бу бутунжаҳон ташвишидир. Польшанинг барча аҳолиси гиёҳвандликка қарши курашда якдил эканликларини изҳор этиб, кўчаларга чиқиб қўлни қўлга берибдилар. Бутун Польша бўйлаб жонли ҳалқа ҳосил бўлибди. Бундай жонли ҳалқа бутун жаҳон бўйича қалбан ташкил этилиши керак. Шундагина гиёҳвандлик маҳв этилади. Шундагина зулмат салтанати чекинади.

**ШАЙТОНЛАР БОШҚАРУВЧИ ОЛАМ**

**БИРИНЧИ БОБ**

**ҚОЗОНГА ЯҚИН ЮРСАНГ...**

*«Болалар, ўсмирлар ва ёшларни жиноят кўчасига кириб кетишларидан асрайлик», деб кўп гапирамиз. Аммо жиноят оламини ва бу олам кўчаларини ўзимиз тасаввур эта оламизми? Бу оламнинг қонун-қоидалари, одатлари ҳақида нималарни биламиз? Жиноят олами кўзга кўринмайdimи? Наҳотки? Келинг, шу ҳақда ҳам гаплашиб олайлик.*

2016 йилнинг ёз чилласи табиатининг инжиқликлари, ҳаттоки фожиалари – қайдадир ўрмон ёнғинларининг бўйсунмаслиги, қайдадир тўфон қудратининг машъум асоратлари, қайсидир вулқоннинг уйғонганлиги, Қуёшдаги кучли портлашларнинг заминга таъсири... кундалик гап-сўзларда иккинчи ўринга ўтди. Салом-алиқдан кейин бошланадиган мавзу Бразилиядан олинаётган хабарларга тааллуқли бўлиб қолди. Фақат спортчилар эмас, миллиардлаб мухлислар олимпия ўйинларини тўрт йил кутишди. Спортчилар, устозлар бу мусобақаларга тўрт йил давомида тинимсиз тайёргарлик кўрганлари сир эмас. Шунингдек, Бразилия бу ўйинларни ўтқозиш ҳуқуқини қўлга киритганидан бери миллиардлаб маблағ сарфлаб, тайёрлангани ҳам барчага маълум. Санъат аҳлидан тортиб, тижорат аҳлигача бу кунларга олдиндан тайёрланишганини биламиз. Лекин яна бир оламнинг вакиллари бу кунларни орзиқиб кутдилар, астойдил тайёргарлик кўрдилар ва... «майдонга тушиб» ўз ҳунарларини кўрсатдилар. Буларни «чақирилмаган меҳмонлар» десак ҳам бўлади. Спортчиларни, санъаткорларни кўрганда мухлислар олқишлашади. Чақирилмаган меҳмонларни эса ҳеч ким кўрмайди, фақат... қолдирган ноҳуш изларига гувоҳ бўлишади-ю, лаънатлашади.

Булар кимлар?

Ҳа, тўғри топдингиз, булар – ўғрилар. Улар ҳам худди спортчилар каби дунёнинг турли мамлакатларидан келишган. Келишдан аввал нозик бармоқларини қайта-қайта машқ қилдириб, чўнтак ёки ҳамён кесиш бўйича маҳоратларини оширишган.

Олимпиадага ёки шу каби халқаро тадбирларга ўғрилар оқимининг оқиб келиши янгилик эмас. Қаерда шу каби маросимлар ўтказилса, қаерда одамлар кўп тўпланса, ўша ерда албатта ўғрининг ўрни бўлади. Шундай жойларда полиция хизмати кучайтирилади, аммо кейинги йилларда уларнинг диққат-эътибори асосан террористларнинг пайини қирқишга қаратилган. Бундан ўғрилар олами усталик билан фойдаланади. Ҳатто Ҳаж маросими ҳам ўғрилар устларига эҳром ташлаб, мўъмин-мусулмон қиёфасида кириб келадилар. Ҳатто Каъбада ҳам жиноят қилишдан ўзларини тўхтата олмайдилар. Маккаи мукаррама кўчаларида қўллари кесилган ўғриларнинг тиланчилик қилиб ўтиришлари ҳам турли мамлакатлардан келган ўғриларга сабоқ бўла олмайди. Ҳатто Каъба атрофидаги жинояти учун, қўл кесилишидан ташқари яна ўлимга ҳукм бўлишлари ҳам уларни қўрқита олмайди.

Жиноят оламини «Шайтанат» яъни, «шайтонлар олами», янада аниқлаштирсак, «шайтонлар бошқарувчи олам», деб таърифлайман. «Қозонга яқин юрсанг, қораси юқади», деган мақолни яна эслайлик. Жиноят оламини ана шу қораси юқувчи қозонга ҳам ўхшатиш мумкин-у, лекин гап шундаки, жиноят қорасини юқтирувчи бу қозон, бу шайтонлар олами кўзга кўринмайди, шуниси чатоқ. Кўзга кўринмас, аммо одамларга азоб берувчи бу олам қачон пайдо бўлган, бу оламнинг тоғлари борми, даштлари борми?

Биринчи жиноят – қотиллик Одам Атонинг ўғиллари Қобил томонидан амалга оширилган. Укаси Ҳобил уйланиши керак бўлган синглисини таллашиб ўлдиргани ривоятлар орқали бизга етиб келган. Демак, одамзотнинг маълум бир қисми Қобилдан тарқалган. Эҳтимол, бутунги жиноятчиларнинг шажараси ўша Қобилга бориб тақалар? Бу шунчаки гумон, ҳақиқатни эса Аллоҳ билади.

Нима бўлганда ҳам, биз яшаётган чиройли олам билан ёнма-ён кўринмас шайтанат олами ҳам бор. Неча минг йиллардан бери у одамзотга соя каби эргашиб юради: чопса чопилмайди, кўмса кўмилмайди. Барча замонларда, давлатларда жиноятчиликка қарши тўхтовсиз кураш олиб борилган. Айрим ҳукмдорларнинг тадбирлари бу борада яхши самара ҳам берган. Масалан, Соҳибқирони акбар, ҳазрати Амир Темур замонларида ўғрию қароқчиларнинг пайи қирқилгани маълум. Дейдиларки, бир болакайнинг бошига тилла танга тўла саватни қўйиб, йўлга чиқарилса, бу бола мамлакатни айланиб чиққунича йигит ёшига етади, аммо саватдаги битта танга ҳам камаймайди. Қайсидир шаҳарда ўғрилик қилинса-ю, жиноятчи топиб жазоланмаса, ўша шаҳар беги жазоланган ва дейилганки, «Жиноятчига шериксан, шерик бўлмаганингда у бемалол жиноят қилмас эди ва қочиб қутулмас эди». Ҳозир Россия ёки дунёнинг бошқа мамлакатларидаги жиноятчиларнинг давлат идоралари амалдорлари ёки полиция зобитлари билан ҳамкорлиги (шерикчилиги) ҳақидаги хабарларни эшитганимда Амир Темурнинг ўша тадбирларини эслайман.

Даврлар ўзгарди, кучли давлатлар емирилди, ўрнига бошқалари қад ростлади. Одамларнинг тирикчилиги, дунёқараши ўзгарди.

Дунё катта-кичик урушлар туфайли қонга ботди. Урушлар ҳозир ҳам давом этипти, ҳозир ҳам инсон қони дарё бўлиб оқяпти. Бу урушлар тарих китобларида ўз баёини топган, топяпти.

Жиноят оламида ҳам ўзгаришлар бўлди. Бу оламда ҳам катта-кичик урушлар бўлди, ҳозир ҳам давом этипти, ҳозир ҳам инсон қони тўкиляпти. Лекин бу фожиалар тарих китобларида эмас, полиция идораларининг дафтарларида зикр этиляпти. Иккинчи жаҳон урушида Совет Иттифоқида қанча, Олмонияда неча миллион одам ўлдирилгани айтилади. Лекин худди шу даврда, шу давлатлар ҳудудида жиноятчилар томонидан қанча одам ўлим топгани ҳақида аниқ маълумот билдирилмайди.

Йигирманчи асрга «Атом асри», «Космос асри» каби сифатлар бериларди. Тўғри, фан-техника ривожини кучли бўлди. Айни дамда шайтанат олами тинч тургани йўқ. Фан-техника тараққиётидан у ҳам баҳраманд бўлди. Айниқса, ҳарбий аслаҳалар ва шунга ўхшаш бошқа таъминотларда у пешқадамдир. Бирон-бир янгилик яратилса-ю, жамият уни қабул қилишга иккиланиб турса, жиноят олами бу масалани ҳал этишга тўхтовсиз ва дангал киришади. Масалан, бугун қурилишларимизда иш бераётган газпайванд (автоген) Англияда кашф қилинган. Кашфиётчининг чизмаларини олимлар «бўлмаган гап!» деб рад этишган. Бундан хабар топган ўғрилар олим ҳузурига келиб, «Шу асбобингиз пўлат сандиқни теша оладими?» деб сўрашган. Кашфиётчи олим «ҳа», дегач, унга пул беришган. Чизмалар асбобга айланган ва ўғрилар қўлига ўтган ўша биринчи автоген Лондондаги катта банкнинг пўлат сандиқини кесиб, «синов»дан ўтган. Ғалати манзара: олимлар рад этишган, ўғрилар эса амалда синаб беришган!

Даврлар ўзгариши билан жиноят оламининг услублари янгиланиб борди. Якка-ёлғиз ҳаракат қилишдан энди уюшишга ўтибди. Илгари бирон-бир амалдорга пора бериб ишини битирган ўғри энди бундай майдалашмайди, энди у «ёлғиз бўри» эмас. Энди у уюшган тўда, демак, у маълум қудратга эга. Энди у бир идора ходимини ўзи томон оғдиришга ҳаракат қилмайди, энди у губернаторни, мэрни ёки ундан каттасини ишга қўйиш ёки олиб ташлаш қудратига эга бўлиб қолди. Аввалги ўғри дўконни ёки банкни уриш учун том тешса ёки лаҳм кавлаган бўлса, энди тўппонча яланғочлаб, тўғри бостириб киради, қаршилиқ билдирганни шартга отиб ташлайди. Ўн доллар олиш учун ўн одамни ўлдиришдан ҳам тоймайди.

Шайтанат олами аҳолиси сон жиҳатдан қай даражага етди, камайдимиз ё кўпайдимиз, буни ҳеч ким аниқ айтиб бера олмайди, лекин сифат жиҳатдан даражаси ошгани сезилиб туради.

Бугунги кунда шайтанат оламида «киллер» – ёлланма қотил «касби» пайдо бўлди. Дунёнинг ҳали у шаҳри, ҳали бу шаҳрини «ҳирсий маньяклар», канибаллар – қиз-жувонларни зўрлаб, ўлдириб, гўштини еювчи ваҳшийлар титроққа соляпти (Бу хусусда сал кейинроқ яна алоҳида сўз юритамиз). Ёш болаларни, қизчаларни зўрловчи «педофил»лар ҳатто черков ходимлари орасида пайдо бўляпти. Бу-

лар камлик қилиб, «одам савдоси» деган гаплар чиқди. Қотилларнинг ваҳшийлиги эса ақл бовар қилмас даражага етди. Норвегияда содир бўлган фожиани эслайлик. Дам олаётган ёшларни аёвсиз ўлдирган кимсани «одам» дейиш мумкинми? Бундай фожиалар оқими сира тўхтамаяпти. Лондон олимпиадасида америкалик спортчилар олтин медалларни қўлга киритиб, ҳаммани қойил қилаётган дамларда Колорадодаги қотил кинотеатрга кириб ўнлаб томошабинларни ўлдирди, яралади, бошқаси сикҳлар ибодатхонасига кириб, художўйларни ўққа тутди. Ўқувчиларнинг устозлари ёки тенгдошларини отиб ташлаётгани одатий ҳолга айланиб қолди, десак ҳам бўлади. Бундай жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини ҳали ҳеч ким ўрганиб, айтиб беролгани йўқ. Тахминлар бор холос. Сабаб аниқланмас экан, бундай жиноятларнинг олдини олиб бўлмайди.

Ҳар бир одам жамиятни жиноятчиларсиз равнақ топишини истайди. Ҳеч кимнинг боласи жиноятчи бўлиб туғилмайди. Ҳеч қайси ота-она фарзанди туғилганда «ўғлим (ёки қизим) ўғри бўлсин, гиёҳванд бўлсин», деб орзу қилмайди. Лекин афсуски, маълум ёшга етганда айримлар жиноят кўчасига бурилиб, шайтанат оламига кириб кетганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. Дунёдаги тараққий топган мамлакатларда туғилиш камайган, аҳоли ўсиш суръати пасайган. Лекин жиноят оламида бу тушкунлик йўқ. Нега?

Сиз қамоқда ўтирган болаларни кўрмагансиз. Уларнинг кўзларидаги мунг ҳам сизга бегона. Аммо уларнинг ота ва оналари, қариндошлари қалбидаги дардни ҳис қила олгандирсиз. Агар қамоқдаги юзларча мунгли кўзларни кўрганингизда эди, қалбингиз «Шу болалар қамоқда ўтирадиган болаларми? Ўқийдиган, ўйнаб куладиган вақтларида-я!» – деб нола чеккан бўларди.

Бу саволни ҳар бир одам, миллати, яшаётган мамлакатидан қатъи назар, тез-тез такрорлаши керак: нима учун болалар жиноят оламига кириб қоладилар? Адашибми? Нима учун катталар улар адашгунларича қараб турадилар? Бу муаммо бир мамлакатнинг муаммоси эмас, дунё муаммоси. Жиноятчиликни бир мамлакат ҳудудида янчиб, адо қилиб бўлмайди. Тўғри, маълум бир мамлакат, маълум вақт мобайнида бу борада маълум ютуққа эришиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, юқумли касалликни бир мамлакат енгиши мумкин, лекин қўллаган чора-тадбири сал сусайса, қўшни мамлакатлардаги хасталик яна ёпирилиб кираверади. Шайтанат оламининг юқумли микробларини тўхтатишга «Интерпол» аталмиш ташкилотнинг кучи етмайди.

Сизнинг боғингиздаги олмаларга қурт тушса, дори сепиб, қуритгандай бўласиз. Аммо қўшни боғда бу чора кўрилмагани учун кўп ўтмай боғингизда яна қурт пайдо бўлади, тўғрими? Ҳамонки жиноятчиларнинг оламини «шайтанат олами» деган эканмиз, бу оламнинг ўз тоғларию саҳролари мавжудлигидан ташқари ўз шаҳарлари ҳам бор. Шаҳарда эса жин кўчалар ҳам бўлади. Тоғлар ва катта майдонлар билан ҳам вақти келганда танишармиз. Ҳозирча бу оламнинг жин кўчаларига назар ташлайлик.

**«ҚОНУНДАГИ ЎҒРИЛАР» КИМЛАР?**

Жиноят оламининг ўзига яраша одатлари, анъаналари мавжуд. Ўзига яраша мартабаю «унвонлари» ҳам бор. Ўзига яраша улуғларию хиёнаткорларидан ҳам холи эмас. Ўғрилар жиноят оламининг энг юқори табақаларидан ҳисобланади ва уларни русларда «Цветная масть» деб аташ расм бўлган (ўзбекчасига «Тож гули» десак ҳам бўлади). Маълумки, ҳар бир мамлакатни давлат бошлиғи бошқаради. Давлатнинг асосий ва қўшимча қонунларига риоя этмоқлик барчанинг бурчи саналади. Жиноят оламидаги бу юқори мартабани эса ўғрилар эгаллашган. Мана шу «олий табақа» бутун жиноят оламини бошқаради. Ўғрининг тиззаларидаги икки юлдуз татуировкаси «Давлат олдида тиз чўкмайман», деган аҳдни англатади. Ҳа, улар жамият риоя қилувчи қонунларни тан олишмайди. Уларнинг олами ҳам, қонуни ҳам бошқа.

Жиноят оламида «Қонундаги ўғри» («Вор в законе») деган тушунча ҳам бор. Тўғрироғи, бу оддий тушунча эмас, балки юқори мартаба, унвон ҳисобланади. «Қонундаги ўғри» номини олиш учун, бу мартабага етиш учун кўп синовлардан ўтиш керак. У шунчаки оддий ўғри эмас, «рецидивист», яъни бир неча марта қамоқда ўтирган бўлиши, мартабали ўғриларнинг эътиборини қозонган бўлиши шарт. Ҳам ёзма, ҳам оғзаки тавсияномалар берилгач, ўғрилар тўплантисида (сходка) юқори мартабали тўдага қабул қилинади. Тавсиянома берган «қонундаги ўғри»нинг масъулияти ғоят юқори ҳисобланади. Тож кийдирилган ёш ўғри бирон хато қилса, тавсия берувчига ҳам лаънат ёғилади. Тўпланти тавсияномаларни шунчаки тасдиқлаб қўя қолмайди, балки сафга қўшилаётган ўғри ҳаётининг икир-чикирларигача ўрганиб чиқади. Шунинг учун ҳам тож кийдирилган ўғрилар бу олам учун ғоят садоқатли бўладилар. Ўғрилар иши жон фидо қилишга ҳамиша тайёр турадилар. Мартабали ўғрилар сафига қабул қилиш билан бирга унинг сафидан чиқариш жараёни ҳам мавжуд. Кимки бу оламга нисбатан хиёнат қилса ёки бошқа гуноҳга йўл қўйса, бошидаги тождан Мосуво қилинади. Бош тождан Мосуво бўлгач, жони омон қоларканми?

Хатога йўл қўйган ўғри, ёши ва мартабасидан қатъи назар жазоланади. Жазо гуноҳга қараб белгиланади: энг кичик гуноҳ, айтишлик, ҳақорат учун кўпчилик ҳузурида тарсаки туширилади. Жазонинг иккинчи турида мартабаси пасайтирилади. Энг кўп тарқалган ва энг оғир жазо – ўлим. Тўпланти жазони ижро этиш тарзи ва усулини белгилаб беради. Ҳукм муҳокама этилмайди, қайта кўрилмайди, жазога лойиқ ўғрининг аввалги хизматлари ва ҳурмати ҳам эътиборга олинмайди. Айбланувчи қочмоқчи ёки яширинмоқчи бўлса, то тутиб ўлдирилмагунча тўда тинчимайди. Жазони ижро этиш кўпинча кўпчилик иштирокида бўлади.

Мисол тариқасида айтсам, шундай маросимлардан бири Москва атрофидаги Малахов ўрмонида юз бергани маълум. Айбланувчи-



нинг гуноҳи аниқ. Йўқ, у ўғрилар ақидасига хиёнат қилмаган, шеригини сотмаган. «Оқсоч» (Седой) лақабли ўғри очкўзлик қилиб, киссавурликдан тушган пулнинг бир қисмини ўмариб қолган. Бу ўзиникини ўғирлашга киради ва олий жазо билан жазоланади. «Оқсоч»ни ўрмонга маишат учун таклиф этиб олиб борадилар. Бу ерда уни кутиб турган ўттиздан зиёд мартабали ўғрилар гапни чўзмай, айбини бўйнига қўядилар. «Оқсоч» тиз чўкиб, «Сўйманг, мартабамни туширинг, ялангоёқлар (босьяк) орасида юрсам ҳам майли», деб ялиниб-ёлборади. Бу оламда ялиниш паст кетиш ҳисобланади, пасткашга эса ҳеч қачон шафқат қилинмайди. Тўдада ёши каттароқ ҳисобланган Ваня тоға лақабли ўғри ўлим талвасасида турган «Оқсоч»га раҳм қилгандай сигарет тутати. У эса ароқ сўрайди. «Ма, тўйгунингча ичиб ол», деб сийлайдилар. Маҳкум бир шишани бўшатса ҳам, мастлик нишонаси сезилмайди. Ваня тоға жазо турини ўзгартиришни, сўйиш ўрнига отишни таклиф қилади. Таклиф тасдиқлангач, «Оқсоч»нинг қўлига тўппонча тутқизишади. Тўппончада биттагина ўқ бор. Унга мардларча ўлиш имконини шу тарзда берадилар...

Ёшларни баланд мартабалилар сафига қўшиш озодликдаги тўплантида тантанали равишда ўтказилади. Бўлажак тождор: «Мен ҳалол ўғлон сифатида **ўғриларнинг шарафли йўлини** танладим, тўплантига йиғилган мўътабар ўғрилар ҳузурида онт ичманки, ўғрилар оиласига муносиб бўламан, ментларнинг ҳеч бир айёрлигига алданиб қолмайман», деган маънода қасамёд қилади. Ёшларни қабул қилиш қамоқхона шароитида ҳам амалга оширилган. Масалан, бир қамоқхонада ўнта «қонундаги ўғри» ўтирган бўлса, тавсиялар асосида сиртқи тўпланти ташкил этилган. Муҳокама мактуб (улар тилида «ксива») орқали амалга оширилган. Дастлаб мактубда тавсия этилаётган «гўдак» (малютка)нинг фазилатлари баён этилади: бу гўдак ёш бўлишига қарамай, етарли фазилатларга эга ва ўғрилар олами учун етарли хизмат қилган. Чунончи, унинг ҳаётдаги интилиши ва одоби ўғриларга хос: қамоқхона интизомига итоат этмайди; кучайтирилган тартибдаги баракдан ташқарига чиқмайди; ўғриларнинг топшириғига биноан бир неча ой мобайнида қамоқхонада маҳбуслардан пул йиғиш билан шуғулланди. «Ёш бўлса ҳам ақли бизларга мос. Шундай боланинг сафимизга кириб келишидан қувонамиз», деб яқунланган тавсияномага бошқа камерадагилар «Биз унга ишонамиз, уни Худо ҳамаша қўллайди», «Унинг **қалби тоза бўлса, бизнинг бахтимиз**», деб қувватлашади.

Олий ўқув юртига кирмоқ учун синовларда баъзан пул иш беради. Билимсиз бола ҳам айрим ҳолларда пулнинг кучи билан ўқишга кириб қолиши мумкин. Аммо «Қонундаги ўғри»ликка кириш имтиҳонида ҳеч қандай пул, таниш-билиш ўз сўзини ўтказа олмайди. Ҳар ҳолда кейинги ўн-ўн беш йилга қадар шундай бўлган. Уларнинг қонунига биноан, қамоқхонага тушмаган ўғрига юқори мартабалар берилмаган, «тож» кийдирилмаган. Бу оламда «Ўғри қамоқхонада ўтириши керак!» деган дабдабали шиор мавжуд. Айрим ўғрилар бу шиорга

кўра, қамоққа тушгач, чиқишга шошилишмайди, балки чўзишга ҳаракат қилишади. Улар ўзлари ўтирган «зона»ни бошқаришдан ташқари ёш ўғриларни тарбиялаш билан ҳам шуғулланишади. «Ўғри қамоқхонада ўтириши керак!» деган шиорнинг «Арзирли иш учун ўтириши шарт» деган иловаси ҳам бор. Ношудлиги учун ёки хоинлиги учун қамоққа тушиб қолиш уларга шараф келтирмайди. Ўғирлик чоғида қотиллик қилишдан ҳам эҳтиёт бўладилар ва бу жиноятни «шилта иш» (мокруха) деб атайдилар. Фақат ўз жонларини сақлаш учунгина қўлга қурол олишлари мумкин. Бу қонунларга ҳам кейинги йилларда ёшлар аҳамиятсиз қарайдиган бўлганлар. Ўғриларнинг умум хазинасига (обшак) кўпроқ пул ўтказган ўғрига ҳам тож кийдирадиган бўлиб қолишган. Бундайларга катталар «лаврушник» деб лақаб бериб, сафларига қабул қилишдан бош тортадилар. «Апельсин» лақаби билан танилган ўғри тождорлар сафига шундай кириб келган. Ўғриларнинг катта авлоди буларни тан олмайди ва бир-икки суҳбатдаёқ фош этади. Қамоқхона кўрмаган ўғри дарров тилидан тутилади. Чунки қамоқхонанинг ўзига яраша «тил бойлиги» бор ва ўғрилар асосан шу тилда сўзлашадилар. Айрим ибораларни фақат уларнинг ўзларигина тушунадилар. Масалан, бирон маҳкумга нисбатан «трамвайга қўйилсин», деган амр бўлса, номусга тегиш айби билан қамалгани учун бу ерда ўзига яраша жазо олади. «Раскладушка» ҳақида гап кетса, билмаганлар йиғма каравотни тушунадилар, ўғрилар эса бузуқ хотин ҳақида гапираётган бўлади.

«Қонундаги ўғри» атамасини «қонуний ўғри» деган маънода тушуниш керакмас. Айрим биродарларимиз бу мавзуда ёзганларида «Вор в законе»ни «Тоза ўғри» деб ҳам таржима килибдилар. Бу унчалик тўғри эмас. «Қонундаги ўғри» – ўғрилар оламининг қонунқоидаларини ҳеч бир оғишмай амалга оширадиган, ўғрилик одатларига содиқ, ўғри дўстларига ҳеч қачон хиёнат қилмайдиган, бутун ҳаётини шу оламга бағишлаган одамдир. «Қонундаги ўғри» деган тушунча қачон пайдо бўлгани ҳақида аниқ бир маълумот йўқ. Ҳар ҳолда ўтган асрнинг иккинчи чорагига келиб, фуқаролар уруши алангаси босила бошлангач, ўғрилар ҳаётида ҳам маълум ўзгаришлар содир бўлган. Улар «Сиёсатга ҳам, давлат ишларига ҳам аралашмаслик керак, ўғри фақат ўғирлик билан шуғуллансин» деган тўхтамага келиб, бу борадаги ўз қонунларини ишлаб чиқишгач, «қонундаги ўғри» деган юқори мартаба шаклланган, деган тахминлар бор. Яна бир тахминга кўра, бу номни уларга НКВД ходимлари 20 – 30-йилларда беришган. У вақтда бу ибора «ашаддий ўғри», «ашаддий жиноятчи» деган маъноларда қўлланилган. Ўғрилар эса ўзларининг юқори табақаларини «Ҳалоли» (честняга) деб аташган. Яъни энг яхши ўғри – ҳалол ўғри. Биз учун бу кулгили туюлади. Чунки ўғрилик, талончилик жиноят ҳисобланса, шайтон йўлидаги ҳаром ишлардан бўлса-ю, яна унга «ҳалоли» деб сифат берилса. Ҳа, ажабланарли ери ҳам шунда. Жамият уларни жиноятчи деб ҳисоблайди, улардан нафратланади ва уларни жазолайди. Улар эса ўзларини жамият устидан ҳукмронмиз, деб ҳис этадилар. Улар

жамиятдаги ҳеч қандай қонун-қоидаларни тан олмасдан яшайдилар. Уйланмайдилар, уларга «оила» деган муқаддас тушунча бегона (Тўғри, кейинги йилларда ўғрилар оламининг ёш аҳолиси бу қонунга бўйсунмай қўйган, кўпларининг оиласи бор, шу сабабли ёшлар ва кексалар орасида жиддий келишмовчиликлар, ҳатто зиддиятлар келиб чиқади). Кўп ўғриларнинг баданига татуировка қилиб, «Унутмасман сени онажон!» (Не забуду мать родную) деб ёздириб оладилар. Бу аҳдда туққан онаси эмас, балки она ўрнига она ҳисобланувчи ўғрилар оиласи назарда тутилган. Ўғри давлат ишида ишламайди. Сиёсатга аралашмайди, ҳатто газета ўқиши мумкин эмас. Бунинг ўрнига қимор ўйнашни билиши шарт. У «ўғрилар ғояси»га ҳар қандай ҳолатда содиқ қолади. Қийноқлар туфайли ёки афюн кайфи таъсирида ёки бошқа сабаб билан, ҳатто эси оғиб қолиши туфайли сотқинлик қилган бўлса-да, айби кечирилмайди. Ўғрилар оиласининг ҳар бир аъзоси орасидаги муносабат ака-укадан ҳам афзал билиниб, бир-бировини уриш у ёқда турсин, ҳақорат қилмоғи ҳам ман этилган. Ўғри фарзанд тарбияламайди, балки ёшлар орасидан ўзига мосини танлаб, тарбиялайди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин жиноят оламининг табақаланишуви тезлашди. Аввало жарима батальонларида (штрафбат) жанг қилиб, тирик қайтган жиноятчи-жангчилар ҳукуматдан қурол олдилар. Ўғриларнинг ҳукумат билан муроса қилиши жиноят оламининг қонунига мутлақ зид бўлгани сабабли уларга «қанжиқ» деган «мартаба» берилди (Уруш арафасида ёки уруш даврида қўлга тушиб қамалган ўғриларга «Тирик қолишни истасанг, жангга бор», деб таклиф қилишган. Уларнинг айримлари бунга кўнганлар. «Штрафбат»да, яъни жанг майдонининг энг олдинги сафида тирик қолиш амри маҳол бўлса-да, уларнинг айримлари қамоқ азобларидан кўра, ҳаёт-мамот жангини афзал кўрганлар. Кўпчилиги қирилиб кетган, айримлари асирга тушган, оз қисмигина тирик қолган).

Уруш пайтида ғарбий Европага кетиб қолган айрим жиноятчилар урушдан кейин тижорат билан шуғуллана бошлашган. Ўғрилар қоидасига кўра, бу ҳам мумкин бўлмагани сабабли уларни «польшалик ўғрилар» деб атай бошлашди. Мана шулар ва шуларга ўхшаб ўғри номусини қадрлай олмаганларга «эшилувчи ўғрилар» деган ном берилди. Эллигинчи йилларнинг атрофида шу каби гуруҳлар орасида ўзаро «уруш»лар бўлиб турди. Бу урушлар аёвсиз эди. У кўпнинг ёстиғини қуритди. Оқибатда жиноят олами фуқаролари орасидаги «қонундаги ўғри»ларнинг сони кескин камайиб, фақат 3-4 фоизнигина ташкил этди. Кейинчалик бу рақам аста-секин ошиб борди. Шу билан бирга, ўғрилар олиб бораётган ишларида ҳам сифат ўзгаришлари юз берди. Ҳуқуқ идоралари уларни қўлга олиш бўйича услубларини мураккаблаштирганлари сайин «тожгули» ҳисобланмиш олий табақа ҳам улардан қутулиб қолиш услубларини шу қадар такомиллаштириб бораверди.

70 – 80-йилларда компартиянинг калтабинлиги туфайли жиноят кодексларидан «бандитизм», «шайка», «уюшган жиноятчилик»

каби тушунчалар чиқариб ташланди. СССРда гўё бундай хавфли жиноятчилар йўқдай кўрсатилмоқчи бўлинди. Компартиянинг бундай нодон сиёсатидан жиноят олами унумли фойдаланди ва ривожланди. Оқибатда аввал 300 ўғри расмий равишда «Қонундаги ўғри» тожини кийган бўлса, кейинчалик уларнинг сони 1500 дан ошди. Бу усталик жиҳатидан малакалари ошган, ўғрилик номуси қоидаларига риоя қила оладиган ёшлар сафи кенгайди, демакдир. «Ўғрилик» деганда биз уйга бостириб кирадиган, йўлда тунаган ёки чўнтак кесган одамларни тушунамиз. Тўғри, бу ҳам ўғирлик, аммо бу олам йўлидаги биринчи босқичлардан ҳисобланади. Буларни уларнинг ўзлари «Дайди» (бродяга), «Ялангоёқ» (босяки), «Чўнтак-кесар» (киссавур, ширмач), ёшроқларини эса, «Қўнғизча» (жучок, қизларни жучка – «лайча ит») деб атайдилар.

Ўғрилар дуч келган жойга шўнғиб кетавермайдилар. Уларнинг ўзларига яраша ҳунарлари бор. Бу оламда киссавурлик алоҳида маҳорат талаб қилгани учун улар уй ўғрилари ёки идора ўғриларига қараганда юқорироқ мартабага эгалар. Ўз ўрнида киссавурлар яна табақаларга бўлинадилар. Уларнинг айримлари бозорларга мосланган бўладилар ва улар «бозорчилар» (рыночники) деб аталадилар, ҳунарларини метрода кўрсатувчи тоифани «юмронқозик» (кроты), темир йўлдагиларни «майдончилар» (майданщики), шаҳар транспортида кун кўрувчиларни «пойгачилар» ёки «маршрутчилар» (гонщики, маршрутники), дўконлар ва томоша жойларида маҳоратларини намоён қилувчилар «дўкондорлар» ёки «театрчилар» («магазинные», «театральные»), кўча-кўйда ов қилувчилар «йўлчилар» (уличные) деб аталадилар. Вақти-вақти билан улар «иш жойлари»ни ўзгартириб туришлари ҳам мумкин. Лекин кўплари ўз услубларига содиқ қолишни афзал биладилар. Киссавурлик четдан қараганда бир хил кўринса-да, ўғрилар олами бу соҳада турли услубларда иш юритади.

Ўтқир тиф ёрдамида кийим, портфель ёки сумка кесишга уста киссавурлар «бадхатлар» (писаки) деб, қўлини кийим ёки қандайдир буюм орқасига беркитиб ўғирловчилар «ниқобчилар» (ширмачи), чўнтакдаги ёки халтадаги пулни махсус ясалган қармоқ билан олувчилар «балиқ овловчилар» (рыбаки), яхшилаб яширилган пулни пинцет (тиббий қисқич) ёрдамида усталик билан олувчилар «хирурглар», одамлар тўпланган жойларда ҳеч бир ёрдамчи ашёсиз иш кўрадиганлар «чимчилоғич» (щипачи), кескин ҳаракатлар ёки туртиб-суртиш жараёнида иш битирувчилар «титратгичлар» (трясуны), аёллар сумкасини ўмарувчилар «сумкачилар», хўжалик халтасидаги пулни ўғирловчилар энг паст табақа ҳисобланади ва «тўнка» (дубило) лақаби билан аталади.

Киссавур асосий ишни ўзи бажарса-да, атрофида ҳамиша ёрдамчилари бўлади. У ҳамённи кесиб, пулни олади-ю, ёнида сергак турган ёрдамчисига узатади. Ёрдамчи кўп ҳолда оёқ-қўли чаққон ўсмирлардан иборат бўлади. Ўғридан пулни олган ёрдамчи олдиндан белгиланган йўналиш бўйича қочади. Агар уни

кимдир қувласа, пастқам жойдаги пистирмага дуч келади. Ўғрини ушламоқчи бўлган одам икки-уч бақувват йигитнинг тепкисини еб, баъзан чалажон бўлиб ётиб қолаверади. Ўғирлик шу тарзда аниқ режа билан амалга оширилгани учун ҳам, ҳуқуқ идоралари уларни қўлга ололмай, баъзан иложсиз қоладилар.

Уйларга турли усулларда кириб ўғирлик қилувчилар ўғрилар оламида кенг тарқалган. Ўғирликларнинг тахминан 40 фоизи шу тоифа зиммасида. Қўлга тушувчилар ҳам кўпроқ шу тоифадан. Киссавурларга нисбатан уй ўғрилари ўн барабар кўп қамалади. Эҳтиёткор, маҳоратли уй ўғрилари ойда камида бир-икки марта овга чиқадилар. Лекин бир-икки йил давомида 150 марта ўғирлик қилганлар ҳам топилади. Уларнинг баъзилари эшикларни ясама калитлар билан очса, баъзилари турли идора ходимлари ниқобида кириб оладилар, баъзилари эшикни бузиб кирадилар ёки деразадан тушадилар. Ҳозир дуч келган уйни «уриш» камайган, аксинча, яхши ўрганилган ёки шу хонадонни яхши билган кишининг аниқ маълумотига асосланган ҳолда иш кўриш йўлга қўйилган.

Булардан ташқари дўкон, банк ва бошқа муассаса ўғрилари ҳам борки, ҳар бирлари ўғрилар оиласида ўз маҳоратларига кўра мавқени эгаллаганлар. Уларнинг услублари бир хил бўлмаганидай, даромадлари ҳам турлича. Киссавур ойда камида 500 доллар ўмара олса, уй ўғрисининг топгани минг доллар ва ундан юқори бўлиши мумкин.

Жиноят олами бизнинг ҳалол оламдан фарқли ўлароқ, миллат ва динга аҳамият бермайди. Бугунга келиб собиқ иттифоқ ҳудудидаги «қонундаги ўғри»ларнинг 33 фоизини руслар, 32 фоизини грузинлар, 5 фоизини озарбайжонлар, қолган 22 фоизини эса курдлар, абхазлар, қозоқлар, украинлар ва бошқа миллат вакиллари ташкил этиши аниқланган. Бир неча йил аввал Москва ва Москва атрофидаги грузин жиноий гуруҳларига қарши жиддий кураш олиб борилди. Отари Квантришвили каби жиноят оламининг зўрлари маҳв этилди. Шунинг натижасида грузинларнинг жиноят оламидаги мавқеи бир оз пасайган бўлиши мумкин.

Жиноятчиларнинг ўзлари белгилаб қўйган бу юқори мартабаларига келишлари хилма-хил бўлади. Айримлари бу йўлга болаликлариданоқ кирадилар. Баъзилари эса йигит ёшларида шайтоний ҳирсларга берилиб, «ажалидан аввалроқ ўлиш» йўлини маъқул кўрадилар. Масалан, ўғрилар оламини «гуллатган» Бондар биринчи велосипедини саккиз ёшда ўғирлаган. Ўн ёшида бегона уйга ўғирликка тушган. Ўн ёшли бола шунчаки қизиқиш орқали кирмаган у уйга, балки ишнинг мураккаблигини ҳис қилгани учун синфдошларини ҳам жалб қилган. Ўн ёшли ўғри қўлга тушган. Бу ёшда қамаш мумкин эмас, ўзига хос чора бор. Лекин бу чоралар, ҳатто қамоқ ҳам ижобий таъсир бермайди. Буни ўша Бондар тақдирида кўриш мумкин. Махсус мактабда бўлса ҳам, доимий назоратда бўлса ҳам, жиноят йўлидан қайтмади. Ўн саккиз ёшга етганда қамалди. Лекин бундайлар учун қамоқхона жазо маскани эмас, балки «Маҳоратни ошириш мактаби»

ҳисобланади. Бўлажак «тождор»лар жиноят олами сирларини тенгдошлари ўқийдиган одатий мактабларда ўрганмайдилар. Уларнинг мактаби айнан шу – қамоқхона. «Лагеръ», «колония» ёки «зона» аталмиш бу қамоқхоналарнинг икки хил кўриниши мавжуд: биринчиси – давлат қонунлари асосида иш юритилувчи жой, иккинчиси кўзга кўринмас, аммо бошқариб бўлмайдиган ҳаёт. Бу ҳаётнинг ўз талаблари, ўз қувончлари ва ташвишлари, ўз орзулари ва кўрқувлари, ўз мартабалари ва хорликлари бор. Янги асрда ном чиқарганлардан бири – Равшан Ленкаранский лақабли ўғрибошининг отаси милиция ходими бўлган, ўз хизмат бурчини бажариш пайтида ўлдирилган. Равшан Жониев ўн етти ёшида маҳкама хонасига тўппончада кириб, қора курсида ўтирган айбланувчини – отасининг қотилини отиб ташлайди. Кавказликлар одати бўйича бу қасос олқишланади. Лекин Равшан қамоқда бутунлай бошқа йўлга кириб кетади. Озодликка чиққач, 2006 йилга келиб, Москвадаги Озарбайжон жиноий тўдасига бош бўлади.

«Қонундаги ўғри»лар, одатда, узоқ яшамайдилар. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, уларнинг ўртача умри кўпи билан 50 – 55 ёшдан ошмайди. Айримлари кам ҳоллардагина 60 ёки ундан сал зиёдроқ умр кўрадилар. 65 ёшдан ошганлари бармоқ билан санарли. 70 дан ошганлари иккитагина эди. Шулардан бири саратовлик «Мордак» лақабли одам ўзининг 75 йиллик таваллуд тўйини ҳайратомуз тантана билан ўтказган эди. Бундай тўйга энг машҳур одамлар ёки давлат раҳбарлари ҳам ҳавас қилсалар арзийди. Узоқ умр кўрганларнинг иккинчиси «Кац» лақабли «қонундаги ўғри» 80 йиллигини АҚШда тантана қилган эди.

Бу табақа жиноятчилар орасида ҳатто 18 – 20 ёшлилари ҳам учрайди. Уларнинг кўплари йигит ёшларидаёқ ўлим топадилар. Кавказликлар дунёда энг узоқ умр кўришлари билан шуҳрат топганлар. Лекин уларнинг жиноят оламидаги вакилларига бу шуҳрат насиб этмаган. Мана, бир неча мисоллар: «Худо» лақабли Гасоян 1953 йилда Тбилисида туғилган, 1997 йилда ўлдирилган. «Скот Тбилисский» лақабли Паато Гудушуари 1962 йилда Грузияда туғилиб, 1994 йилда ўлдирилган. «Гедемос» лақабли Реваз Гамцемлидзе 1957 йилда Тбилисида туғилиб, 1994 йилда ўлдирилган. «Валтер» лақабли Валерьяр Джанашия 1957 йилда Абхазияда туғилиб, 1997 йилда ўлдирилган. 1940 йилда Грузияда туғилган «Шакро» лақабли Шакро Какачия нисбатан узоқроқ яшаган. У 1996 йилда Берлин яқинида ўлдирилган. Маълумотларга қараганда, «қонундаги ўғри»ларнинг 80 фоизини 30 – 35 ёшдаги жиноятчилар ташкил этар экан. Бу рақам бугунги кунга келиб жиноят оламининг тобора ёшариб бораётганига бир мисолдир.

Ўғрилар оламининг ёшариб бориши иш услубларининг ўзгаришига, ҳатто юқорида айтганимдек, қонунларга муносабатда ҳам кўриняпти. 1991 йилдан кейинги ўғрилар олами аввалгиларига ўхшамай қолган. Жамият ўзгариши билан жиноят олами ҳам янги ҳаётга юз тутди. Таъбир жоиз бўлса, «янги демократия» янги «жи-

ноят олами» билан бир пайтда туғилди. Лекин «янги демократия» қоғозда қолиб кетаверди. Янги жиноят олами эса қаддини дадил тутиб олди. Ҳуқуқ идораларининг тилида «уюшган жиноятчилик» деган ибора пайдо бўлди. Энди улар шунчаки «қонундаги ўғри» эмаслар, дунё тилида айтилса, «мафиозия»га айландилар. Энди ўғрилар оламининг «авторитети» шерикларига бош бўлиб, бойларнинг уйларига бостириб кирмайди. Йўл, пайт пойлаб жонини хатарга қўймайди. «Тадбиркорлик, тижорат ишлари билан, нарко-бизнес билан шуғулланиш мумкин эмас», деган қонунларга амал қилиш мажбуриятларини ҳам унутганлар.

1987 йилда кооперативларга кенг йўл очилиши оқибатида бойлар кўпайди. Бу ҳолат ўғрилар олами тирикчилик қиладиган йўлни ҳам кенг очиб берди. Жиноятнинг «рэкет» деган тури авж олди. У пайтларда Совет Иттифоқида «мафия» деган тушунча йўқ эди. Уларнинг қилмиши «талончилик», «босқинчилик» деб аталарди. Рэкет тўдалари шаҳарни, айниқса бозорларни, дўконларни ўзаро бўлиб олган эдилар. Дўкондор ёки ресторан эгаси уларга кундалик ёки ҳафталик даромадидан мунтазам равишда ҳақ тўлаб турарди. Жиноятчилар аввалгиларга ўхшаб қийналишмасди (аввалгиларнинг услублари ҳақида кейинроқ баён қиламан). Рэкет тўдасининг ўзига хос таъсир услублари шаклланган эди. Шулардан бири – дўкондорни бўйсундириш учун сўкиб урмасди, балки пештахта устига қони қотиб қолган бармоқни ташлаб, ёнига озода тоққайчини қўярди... Рэкетчилар орасидаги маданийроқлари бойларни «менинг комерсантим», деб аташса, бошқалари «бу менинг сигирим, мен соғиб оламан», деб керилишарди. Уларнинг айримлари олган пуллари ҳисобига бойларни ҳимоя қилишарди ва улар «том» (крыша) деб аталардилар. Улар ўз «сигирлари»ни бошқа рэкетчилардан асрардилар. Агар бир тўда иккинчи тўда ҳудудига киргудай бўлса, ўзаро нифоқ, ҳатто уруш келиб чиқарди. Шундай урушлардан бири компьютер савдоси билан шуғулланган тижоратчиларни талашиш орқасида бошланган эди. Тадбиркорлик билан шуғулланган зиёлилар Россияга компьютер олиб келиб сотиш оқибатида уч ой ичида юз миллион доллар фойда олганлар. Бундан хабар топган рэкетчилар улардан олти миллион доллар беришни талаб қилганлар. «Бу менинг сигирим», деган тўдага қарши бошқаси «йўқ, меники», деб ўзаро уруш бошлаганлар.

Тўқсонинчи йилларнинг бошларида республикамизда ҳам рэкетчилар пайдо бўла бошлаган эди. Бир куни бозорда гўшт олаётсам, сотувчилар безовталаниб қолишди. Ҳар бири пул санаб, бозор оралаётган икки йигитга бера бошлашди. Мен ажабланиб «паттачими?» десам, таниш қассоб афсус билан бош чайқаб «йўқ» деди. «Милициями?» десам, яна бош чайқаб, «рэкетчи, ҳар куни шу пайтда худди инкассаторга ўхшаб келади. Ҳар биримизнинг бўйнимизга солиқ илган, бермасак, эртага бизни бу ерда кўрмайсиз», деди. «Жойни олиб қўядими?» деб сўрадим. «Жойни олса майли-ю, жонни ҳам олади бу энағар», деб «гапимни эшитиб қолмадимикин?» деган хавотир билан атрофга аланглаб қўйди. Кейинроқ бир дўконга кир-

ганимда елкадор, бақувват уч йигит кириб, сотувчидан ҳол-аҳвол сўради. Ишлар тинч-осойишта эканини билишгач, омад тилаб чиқиб кетишди. «Булар ким эди?» деган саволимга таниш дўкондор «Булар бизнинг «танк»ларимиз. Шулар бор, тинч савдо қиламиз, биров бизга дағдаға қилолмайди. Ҳафтада бир марта хизмат ҳақини тўлаб турамиз», деб жавоб берди. Россия томонларда «том» аталувчи рэкетчиларни бизда «танк» дейишларини ўшанда билган эдим.

Европа томонларда тўдалар орасида қирғин авжга чиққан йилларда бизда ҳам бу каби жиноят дарахти мева бера бошлаган эди. Тошкент ҳалқа йўлига яқин жойда икки тўда иштирокидаги отишма жамиятни ларзага солди. Муҳтарам Президентимиз бу фожиага алоҳида эътибор қаратиб, ҳуқуқ идораларига қатъий топшириқлар берди. Ана шундан кейин юртимизда уюшган жиноятчиликка қарши жиддий кураш бошланди ва у ўзининг ижобий самараларини берди. Ўша йиллари одамлар шом қоронғисидан кейин кўчага чиқишга қўрқиб қолган эдилар. Ҳатто боғлар, ором майдонлари бўшаб қоларди. Автомобил ўғриларининг йўлини тўсадиган куч йўқдек эди. Одамлар машиналари ичида ухлардилар. Ҳатто машинага қўшиб эгасини ҳам ўғирлаш ҳоллари юз берган. Жиноятчиларнинг бу қадар қўрқмасликларининг сабаби – жиноятга бериладиган жазо ғоят юмшоқ эди. Машина ўғриси қўлга тушса, қамоқнинг бу эшигидан кириб, наригисидан чиқиб кетаверарди. Бу масалада ҳам Президентимизнинг қатъийлиги яхши натижа берди. Машина ўғриларининг катталари қўлга олинди. Бу жиноят учун кўп йиллик қамоқ жазоси жорий қилинди. Ўзбекистонда жиноятчиликка қарши олиб борилган кураш ва унинг натижаси ўша йиллардаёқ кўпнинг назарига тушди. Бу соҳадаги ютуқларни Россия Президенти Елцин ҳам тан олиб гапирган эди.

Тан олмасдан ўзга чораси йўқ эди. Чунки ўша йиллари Россия жиноят оламининг даҳшатли тўрларига тобора ўралиб борар эди. Советлар замонининг охириги йилларида расмий рўйхатда турувчи «қонундаги ўғри»лар сони 600ни ташкил этган бўлса, иттифоқ таназзулга юз тутгач, Россиядаги тождор ўғрилар сони мингдан ошиб кетди. Йигирма биринчи асрнинг дастлабки ўн йиллиги охирида бу ўғриларнинг фақат олтмиштаси қамоққа олинган эди. Бу мартабаси баланд ўғриларнинг беш фоизини ташкил этади.

Илгариги замонларда мартабали ўғрилар бир масалани ҳал қилиш учун вайрона уйларнинг ертўласидами ё қаровсиз ертўлалардами яширин равишда тўпланишар эди. Янги замон уларга кулиб боқиб, энди тўплантиларини («сходка») махфий эмас, шоҳона кемаларда ёки денгиз бўйидаги ресторанларда кимнингдир туғилган қуни ниқобида ўтказадилар. Бундан хабар топган полиция ёпирилиб келади, ҳаммаларини гўё қўлга олади, полиция маҳкамасига олиб боради, ҳужжатларини текширади ва... қўйиб юборади. Чунки уларни қамоққа олиш учун полицияда ҳеч қандай ашёвий далил йўқ. «Сен қонундаги ўғримисан?» деган саволга ўғри «Ҳа», деб жавоб беришга мажбур. Бу мартабасидан бўйин товла-



майди. Полициянинг саволига «Ҳа, мен қонундаги ўғриман», деса-да, бу иқдор қамаш учун асос бўла олмайди. Чунки ҳеч ким улар устидан шикоят қилмаган, улар ҳеч кимни ўз қўллари билан ўлдирмаганлар. Кўпчилиги Россияда яшаса-да, бошқа мамлакат фуқароси саналади. Горбачев давридаги эркинликлардан бошқа соҳа вакиллари каби ўғрилар ҳам усталик билан фойдаланган эдилар. Яҳудий аёлга уйланиб, Исроилга кетиб, ўша мамлакатнинг фуқаролигини олган ўғри учун дунё эшиклари ланг очилган эди.

Россияда ўғриларни қамоққа олиш муаммоси бор. Грузия президенти Саакашвили эса, бу борада қатъий чорани татбиқ қилди. «Қонундаги ўғри»ларгина эмас, уларга алоқадор шахслар ҳам қамоққа олинди. Ўша йиллари тождорлик мартабасига етган 45 ўғри қамоққа олинган. Бундан кўрққан кўп жиноятчилар бошқа республикалардан паноҳ топганлар. 2005 йил «қонундаги ўғри»ларнинг йигирматаси Испанияда қамоққа олинди. Улар Испания қамоқхонасида бўлсалар-да, Россиядаги шогирдлари орқали жинорий ишларини давом эттиравердилар. «Ёш Шакро» лақабли жиноятчи ҳам Испаниянинг жаннатдай кўринган боғларидан ором топмоқ истаганда, қамоққа тушди. Бунга қадар у Грузия маҳкамаси томонидан ўн саккиз йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди.

Бизда жиноятчиликка қарши кураш доимий равишда олиб борилди. Собиқ Иттифоқнинг бошқа республикаларида эса бунинг акси бўлди. Оқибатда жиноят олами ўз қудратини оширса оширдик, камайтирмади. «Ўғрилар қонун»ида «Унутманг, инсон тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқи ўғридан бошқа ҳеч кимга берилмаган», деган банд бор. Одамзот устидан ана шундай ҳукмронликка даъво қилувчи бу тўда янги замонда янгича яшаётгани, айрим қонунларига бўйсунмаётганлари билан жиноятга доир ақидаларидан воз кечмаганлар. Таъбир жоиз бўлса, уст-бош – либос ўзгарган, аммо вужуд, ваҳший қалб ўзгармай турибди. Бундан ўзгача бўлиши мумкин ҳам эмас.

2004 йилнинг кеч кузида Россия ахборот воситалари жиноят оламида «Япончик» лақаби билан машҳур Вячеслав Иванковнинг АҚШ полицияси Россия ихтиёрига берганлиги ҳақидаги хабарни тарқатдилар. Россия телевидениеси қўллари кишанланган «қонундаги ўғри»нинг Москвага олиб келинишини худди оламшумул воқеа содир бўлаётгандай қайта-қайта кўрсатди. Йўлдаги одамларни, ҳатто мухбирларни тепиб, тупуриб, сўкиб, телекамераларини синдириб ўтаётган бу одамнинг кимлигини ҳамма ҳам билавермаса керак. Эҳтимол, баъзилар «Япончик» деган лақабни эшитгандир-у, бу одамнинг асли кимлигини билмас. Гарчи Япончик қўлида кишан билан қайтган бўлса-да, уни шарафлаганлар ҳам кўп эди.

Орадан беш йил ўтиб, 2009 йилнинг 28 июль куни соат 18.00да Москванинг Хорошевск кўчасидаги «Тайский слон» (Тай фили) ресторанидан чиқаётганида мерган томонидан узилган ўқ қорнига қадалди. Бир йилдан кейин, 16 сентябр куни уй эшиги остонасини ҳатлаётган «Дед Ҳасан» лақабли «қонундаги ўғри» Аслан Усо-

ян жонига қасд қилинди. Мерган унинг қорнига икки ўқ қадади. Мерганнинг иш услуби бир хил эди. Мерган уларнинг бошини ёки юрагини мўлжалга олмай, қорнига отгани бежиз эмас. Жиноят оламида бу ҳол азобланиб-азобланиб ўлишга ҳукм қилинганликни билдиради (Автоматдан ўқ узилиши эса, маҳкумнинг **ҳурматга лойиқ зот** бўлганини эътироф этиш ҳисобланади). Қорин нишонга олинишидан чиқадиган маъно: «Бу одам гарчи муҳтарам бўлсада, осон ўлим топмаслиги керак, у азобли ўлимга лойиқ». Чиндан ҳам шундай бўлди. Япончик икки ойдан зиёд ўлим билан олиш-олиша жон берди. Тасодифни қарангки, у устози Монгол жон берган касалхонада омонатини топширди.

Жиноят оламининг устунларидан ҳисобланган бу икки одамга ўқ узган мерган ҳанузгача топилгани йўқ. Япончик АҚШдан қайтганда Дед Ҳасан уни хурсандчилик билан кутиб олган эди. Чунки у грузин тождорлари ва ёшлар билан чиқишмай қолган эди. Япончик билан яқинлашуви унинг мартабасини юқори қилуви мумкин эди. Лекин Япончик ўлдирилгач, унинг шериклари ва шогирдлари қотилликда айнан Дед Ҳасаннинг қўли бор, деган гумонга бордилар. Дед Ҳасанга қилинган суиқасд айнан шу гумон натижаси дегувчилар ҳалигача шубҳаларини исбот қилиб беролганларича йўқ.

## УЧИНЧИ БОБ

### МОНГОЛНИНГ ШОГИРДЛАРИ

Йигирманчи асрнинг охириги чорагида собиқ Иттифоқ ҳудудидаги жиноят оламида бир неча «қонундаги ўғри»лар бағоят зўр обрў-эътиборга эга эдилар. Уларнинг номлари баъзан матбуот саҳифаларида ҳам кўриниб қоларди. Шулардан бири Вячеслав Слива бўлса, иккинчиси «Япончик» лақаби билан машҳур бўлган Вячеслав Иванов эди (Ажабки, ўтган асрнинг бошларида ҳам «Япончик» лақабли ўғри Одесса томонларда давр сурган. Ҳатто большевикларга хизмат ҳам қилган. Лекин айнан шу большевикларнинг фитнаси туфайли ўлдириб юборилган. Йигирманчи асрнинг охири ва йигирма биринчи асрнинг бошларида яшаган Япончикнинг ҳаёти ҳам, аламли ўлими ҳам ўзгача). Слива билан Япончикни мустаҳкам дўстлик занжири бир-бирига боғлаб турарди. Иккови ўғрилик фаолиятини «Монгол» лақабли машҳур ўғрибоши гуруҳида биргаликда бошлаганлар. Ўтган асрнинг охирида Канада полицияси Сливани ҳибсга олиб, Россия ихтиёрига берган эди. У пайтда Япончик АҚШ турмасида эди. Орадан йиллар ўтиб, юқорида айтганимдай, у ҳам дўсти каби ватанига қайтди.

Уларнинг устози Монгол – Геннадий Карков олтмиш йил умр кўриб, Москвада жон берган эди. У шунчаки «авторитет» – оддий «қонундаги ўғри» эмас, балки бу жиноят оламининг тутинган, нарсоний таъбир билан айтсак, «чўқинтирган отаси» эди. У жиноят оламига оддий ўғри сифатида кириб келган эди. Калуга вилоятининг Боровск

шаҳридаги қурилишда ишлаётган кезлари умум мулкани сотиб, маишат қилиш мумкин, деган қарорга келиб, бу қарори эвазига қамоқ жазоси билан «мукофотланган» эди. Қамоқдан чиққач, 1969 йилдан эътиборан Москвада қўним топди. 1972 йилда жиноят устида қўлга олиниб, катта шов-шувлар билан яна 15 йилга қамалди. Ўша йиллари бу энг узоқ қамоқ муддати ҳисобланарди. Ана шу жиноят содир этилганида Слива ҳам устози билан бирга қамалди. «Япончик» исми ўша «Жиноят иши» дафтارينинг бир неча саҳифаларида қайд этилса ҳам, у сувдан қуруқ чиқди. Уни қамашга негадир асос топилмади. Слива ва Монгол қамоқдалигида Япончик ўз тўдасини ташкил этди. Монгол қамоқдан қариган, кучдан қолган ҳолда чиққани сабабли катта ишларга раҳбарлик қила олмади. Унинг ишини Япончик давом эттирди. Слива унга шерик бўлиб қўшилди. МУР (Москва жиноятга оид қидирув бўлими) бу тўдани то 1981 йилгача маҳв эта олмади. Ўша йили тўда аъзолари турли муддатга қамалдилар. Ўн тўрт йилга қамалган Япончик – Иванков 1992 йили муддатидан аввал озод этилди. Совет қонуни бўйича босқинчилик билан қамалганларга бундай имтиёз берилмас эди. Лекин ўша алғов-далғовли йилларда эътиборли одамлар ўртага тушгани маълум. Машҳур кўз шифокори Фёдоров, қўшиқчи Кобзонларнинг номлари бу борада тарихга кирган. Яна бир тахминга кўра, Москва ва пойтахт атрофидаги жиноий гуруҳларни баргараф этишга ожизлик қилган милиция Япончикни озодликка чиқариб, тўдасини тиклаб, унинг хизматидан фойдаланмоқчи бўлган. Лекин Япончик Россияда қолишни истамади, 1992 йилнинг март ойида машҳур кинорежиссёр ва актёр Ролан Биковнинг ижодий гуруҳига қўшилиб, АҚШга кетди.

Ундан сал илгари Москвадаги «Фидан» ресторанида икки турк фуқароси отиб ўлдирилади, яна бири эса яраланади. Слива билан Япончик қотилликда айбланиб, қамоққа олинади. Аввалига қотилларни кўрганлигини айтган гардеробчи, кейин гапидан тонган. Оқибатда етарли далил бўлмагани учун жиноий иш ёпилган. Орадан етти йил ўтиб, Япончик АҚШ қамоқхонасида ўтирганида бу воқеа Россия милициясининг «ёдига тушиб», Россия жиноят кодексининг 105-моддасига биноан Иванков қотилликда сиртдан айбланиб, жиноий иш қайта очилган.

АҚШда бахтини топтоқчи бўлган Япончик дастлаб муддаосига етгандай эди. У Броклен шаҳрида қўним топиб, кечалари «Парадейс» ресторанида маишатларини давом эттирган. Лекин у ресторанга фақат маишат учун келмасди. Шу ердан туриб Россиядаги «бизнес» ниқобига ўралган жиноий ишларини бошқарарди. Бошига бирон ташвиш тушган россиялик бой ёки ўғри уни шу ерда топиб, арзи ҳол қиларди. Япончикни ўғрилар оламининг энг ҳалол ва энг адолатли тождори ҳисоблаганлари учун ҳам унга мурожаат қилишарди. Россиядаги бирон-бир масала бўйича Броклендаги ресторанда айтилган гап – гап! Ўзгача ҳукм бўлиши мумкин эмасди.

АҚШдаги қамоқхонада эканида Россия телемухбири Япончик билан суҳбатлашган эди. У ўша суҳбатда: «Мен ҳеч қачон ҳеч

кимдан қўрқмаганман. Мен ҳамиша тўғри яшаганман. Дунёда битта одам йўқки, одамларнинг кўзларига дадил тик қарай олса?! Мен ҳамиша тик қарайман!» – деган эди.

Иттифоқ қулагандан кейин товламачилар учун ҳам қулай шароитлар юзага келди. Турли банкларнинг эгалари одамларни лақиллатиб, миллионлаб пулларни ўғирлаб қочишди. Шулардан бири «Чара банк» эди. Банкка оз пул қўйиб, кўп фойда олишни «Пирамида» дейдилар. (2016 йили фош этилган чинозлик Аҳмадбойнинг ўзига хос пирамидасининг оқибатини эшитгандирсиз?) Шу усулга одамларни ишонтирган «Чара банк» раҳбарлари Волошин ва Волков уч ярим миллион доллар билан АҚШга қочиб келиб, сиёсий бошпана сўрашган. Муддаога етиш йўлини осонлаштириш учун Япончик билан учрашишган. Япончикнинг адвокати ва дўстининг айтишича, у товламачиларни инсофга чақирган, гўё «Россияда қолганлар қашшоқ, сенлар бойсанлар, йўқотганларингни тезда тиклаб оласанлар», деб даъват қилган. АҚШ федерал қидирув бюроси эса бошқа далилларга эга эди. Япончик билан товламачилар учрашган қаҳвахона бу идора ходимлари билан тўлган, адвокатнинг таъбири билан айтганда, яширин микрофонлар столлардаги ликопчалардан ҳам кўп эди. Шундай экан, уларнинг нима ҳақда гапирганлари сир эмасди. Ана шу далилларга кўра, Япончик қамоққа олинди ва ўн йил ўтирди. 2004 йили ёзида озод қилинган, Россиянинг талабига кўра, Москвага жўнатилди. Япончикнинг атрофдагиларни менсимасдан гердайиб келиши бежиз эмасди. Қамалмаслигини биларди. Чунки, биринчидан, асосий гувоҳ – яраланган турк маҳкамага келмаслиги аниқ эди. Иккинчидан, бу жинойи ишнинг муддати тугаб қолаётган эди. Шундай ҳам бўлди. 2005 йил 18 июлда ёши етмишга яқинлашган тождор ўғри озод этилди.

...Ҳа, вақт кутилмаган натижани кўрсатди. Москва суди 2005 йилнинг июль ойида Япончикни мутлақо айбсиз деб топди ва маҳкама залидан озод қилди. Россия прокуратураси «Иванков икки одамнинг қотили» деган ҳужжатлар, далиллар билан АҚШ ҳуқуқ идораларини ишонтира олган эди. Москвадаги район судини ишонтира олмади. Бу ўринда ким янглишди? Америкаликларми, Россия прокуратурасими ё маҳкамами? Маълум бўлишича, маҳкамадаги ўн маслаҳатчининг еттитаси илгари қамалганлардан экан. Эҳтимол, Иванковнинг ўша қотилликка чиндан ҳам алоқаси йўқдир. Чунки гувоҳлардан бири «қотил малла одам эди», деган экан, Япончик эса малла эмас. Россия прокуратураси шу далилга илгари эътибор бермаганмикин? Эҳтимол, Япончикни қотилликда айблаш уни Америка турмасидан озод қилиб, Ватанига қайтариш учун бир баҳона бўлгандир? Россия турмасидан бир пайтлар «руҳий касал» деб чиқарилган Япончик ўн икки йил мобайнида Америкада балки «шифоланиб» қайтгандир? Саволлар кўп. Жавоби эса каминага маълум эмас. Эҳтимол, бу жавоб бир неча кишидан бошқа ҳамма учун сир бўлиб қолаверар. Эҳтимол, умри яқун топган Япончик бу сирни ўзи билан гўрига олиб кетгандир?

У ҳамиша яхши яшашни истаган ва бунга эришган йиллари ҳам кўп эди. У Америкада ором топмоқчи эди. Аммо зулмнинг ҳеч қачон жазосиз қолмаслиги хусусидаги ҳақиқат унинг тақдири ми-солида яна намоён бўлди. Инсонлар тақдирини ҳал этишга фақат менгина тўла ҳукуққа эгаман, дегувчи зулмкорнинг умри қандай якунига етгани маълум бўлди. У Америкада эканида телемухбир-га тик қараб: «Мен ўз ҳаётим билан фахрланаман. Мен ҳеч қачон ўзгалар қаршисида титрамаганман, ҳамиша тўғри юрганман», деган эди. Телемухбирга шундай дейиш мумкин, кимдир бу гаплар-га қойил ҳам қолар. Лекин Қиёматдаги ҳисоб пайтида шу дадил-лик ва ишонч билан гапира олармикин? Унинг бу гапларига биров қойил қолармикин? Бу дунёда бировдан қўрқмабди, титрамабди. Дўзах остонасидан ҳатлаётганида ҳам титрамасмикин? Буни Худо билади. Банданинг билгани: милтиқ тепкисини босаётганда мер-ганнинг қўли титрамаган, зулм билан ўтган умрга нуқта қўйиш учун шунинг ўзи кифоя қилди.

Япончикнинг аянчли тақдирини баён қилишда бир оз шошил-ганга ўхшайман, ижозат беринг, яна бир оз ортга қайтай:

Япончик АҚШга кетганда Слива Москвада қолган эди. Шу йил куз фаслида МУР унинг изига тушиб, «Солнечный» деб номланган меҳмонхонада бир неча «қонундаги ўғри»лар билан биргаликда қамоққа олди. Сливанинг чўнтагидан афюн чиққани учун уни узоқ муддатли қамоқ жазоси кутарди. Аммо унинг шериклари (ҳатто «СССР халқ артисти» мартабасидаги машҳур бир кўшиқчи) Япончикни қандай қутқарган бўлсалар, уни ҳам қутқариб қолиш чораларини кўришди. Оқибат у Канадага йўл олди. Канада поли-цияси Россияниқидан фаросатлироқ эканми, унинг жиноий ўтми-шини аниқлаб, яна изига қайтарди.

Жиноят оламининг тождорларидан ҳисобланмиш Япончик 1940 йилнинг 2 январиди Москвада туғилган. Унинг лақаби ҳақида икки хил гумон бор: баъзилар «Унинг юз кўриниши шарқона бўлган-ни учун «Япончик» лақабини олган», дейишса, баъзилар «Иванков «джиу-джитсу» деб номланган япон курашининг устаси эди, лақаб шундан келиб чиққан», дейишади.

Энди Япончикнинг қилиқлари билан ҳам бир оз танишсак:

...Юк машинаси. Москва атрофидаги ўйдим-чуқур нобоп йўллар-дан юриб боради. Билмаган одам «Ҳайдовчи ГАИга рўпара ке-лишни истамаяпти, шу боис ёмон йўлни танлаган», дейиши мумкин. Ҳайдовчининг ГАИдан қўрқишига асос бор: гап унинг ширакайфли-гида ёки машинанинг ўғирланганида эмас. Гап – юкда! Юк – қўпол тахталардан ишланган тобут. Аммо унинг ичида мурда эмас, калтак-ланган тирик жон бор. Ҳеч бир кутилмаган дамда, ҳеч бир кутилма-ган ерда милиционер пайдо бўлиб, таёқчасини кўтарди.

– Ҳужжатларингизни беринг, – деди лейтенант қатъий тарзда.

– Ҳужжатларимиз жойида, – деди ҳайдовчи, – мана йўл қоғози.

Мана бу ўлим ҳақидаги далолатнома. Номаълум одамнинг мурда-сини ўликхонадан олиб, кўмгани олиб кетяпмиз.

– Шунақами? Номаълум одамнинг мурдасини ҳозир кўрамизда, – лейтенант шундай деб чаққонлик билан юкхонага чиқди.

Жабрдийда тобут тахталари орасидаги тирқишдан милиционерни аниқ кўриб турарди. У бир бақриб берса етарли эди, милиционер уни қутқариб оларди. Бироқ калтаклар зарбиданми ё кўркувданми у ҳатто овоз ҳам чиқара олмади.

– Қани, тобутни оч, – деб буюрди милиционер.

– Мурдани безовта қилиш яхши эмас. Кўмишга тайёрлаб, қопқоғи михлаб ташланган. Михланган бўлса ҳам оч!

– Ҳайдовчи каловланиб турганида милиционернинг ўзи тобут ёнида ётган болтани олиб, қопқоғини очишга уннай кетди. Шу он тўппончадан ўқ узилиб, милиционер тобут ёнига йиқилди.

– «Мент»ни отдингми! Эсинг жойидами! Ишни шилталаштирибсан-ку?! – деб бақирди ҳайдовчининг пастда қолган шериги.

– Бошқа илож йўқ эди, кўриб турибсан-ку, тобутни очса, иш расво бўларди.

Ҳайдовчининг шериги чаққонлик билан юкхонага чиқди.

– «Мент» ўлибди. Энди буни ҳам тинчитиш керак. Дарё томон ҳайда. Иккаласини битта тобутга тиқиб сувга ташлаймиз. Ичига беш-олтита тош ташлаб қўйсак, чўкиши осон бўлади. Буларни қиёматгача ҳам биров топа олмайди.

Бу гап тобут ичида қалтираб ётган жабрдийдага таъсир қилиб, унга тил-забон битди:

– Дарёга ташламанг, илтимос, айтганларингизнинг ҳаммасини бераман, – деб чийиллади у.

– Гапинг чинми? Агар лақиллатсанг баттар бўласан!

Шу пўписадан кейин тобут қопқоғи очилди. Титраб ётган семиз бир киши инқиллаганича қадини ростлади-да, уларнинг қўлига калит тутди.

– Бу калит махфий пўлат сандиқники, – у шундай деб хазинаси қаерга яширилганини айтди.

– Ҳа, лаққа гўшт! Ақлинг энди кирдим! Шуни аввалроқ айтсанг ўлармидинг!

Ҳозиргина ўқ еб, тобут ёнида «ўлиб ётган милиционер» шундай деб ўрнидан турди. Антиквар (эски ноёб моллар) дўконининг мудири Волдемар Миркин «ўлдирилган милиционер» Иванков эканини билиб, ҳайратдан эси оғиб қолаёзди. Бу воқеа содир бўлганида Иванков «Япончик» ёки «Ассирийский зять» (Оссурия куёви) лақаблари билан ҳали машҳур бўлмаса-да, бу оламнинг иззат мартабасига чиқа олган ўғрилардан эди.

– Бу лаққа гўштни ким тинтиган эди? – деди «милиционернинг қотили» Монгол шогирдларига қаҳр билан тикилиб.

– Мен, – деди ҳайдовчи.

– Калитни нега тополмадинг? Ё найранг қилдингми?

– Найранг қилсам, умрим қамоқда чирисин. Роса тит-питини чиқардим, калит йўқ эди.

Машина орқага қайтди. Улар «лаққа гўшт» деб аталаётган Миркинни олиб, Болотников кўчасидаги махфий хоналарига йўл

олишди. Япончик эса «Балда», «Сиска», «Зяма» лақабли шериклари билан бирга Миркиннинг уйини тинчитиш учун жўнашди. Миркиннинг турар-жойини «уй» десак, бир оз қадри тушар, шу боис «шоҳона сарой» деб аталгани маъқул. Миркин уларни ишонтирганидай, сарой кимсасиз эди. Япончик шериклари билан қўлга илинарили нарсаларни олиб кетаман, деб турганида ошхона томонда кимдир «Қоровул! Ўғри босди!» деб қичқирди. Бу қичқириқ тўрттала ўғрини тошдек қотирди-қўйди. Биринчи бўлиб, Япончик ўзига келди-да, ошхонага аста мўралади. Қичқирган одам эмас, Миркиннинг тўтиқуши экан. Бечора Миркин бойликни йиғишга йиғиб, қачондир ўғриларга ем бўлишини билибми, тўтиқушга «Қоровул! Ўғри босди!» деб қичқиришни ўргатган экан.

– Эркакман, деб юрибсанларми! – деди Япончик маҳмадана кушнинг бошини узиб чиққач, улардан кулиб.

Сарой гадонинг уйидай бўлмаса-да, ҳар ҳолда анча ҳувилаб қолди. Лекин Монгол учун бу камлик қилди. Миркинг қармоқ ташлаганда у бундан бир неча баробар кўпроқ бойликни қўлга киритишни мўлжал қилган эди. Япончик қимматбаҳо буюмлар орасидаги Миркиннинг паспорти ва ҳарбий билетини «Омонат кассада пули бордир», деган ниятда олволган эди, зийрак ақли адаштирабди. Улар қайтган маҳалда Вольдемар Исаакович қўланса ҳидга тўла хонада, эски диванда Худога нолалар қилиб ётарди. Албатта, у қўлдан кетган бойлигига ачинарди. Бироқ бу зиндондан омон-эсон чиқиш у учун ҳамма нарсадан қимматлироқ эди. Ҳар ҳолда бу ердан чиққач, қўлдан кетган бойликлар ўрнини тез орада тўлдиришга унинг ишончи бор эди.

Эшик очилиб, қаҳрланган Монгол билан Япончик кўринди.

– Сен сасиган лаққа гўшт, мени алдамоқчи бўлдингми! Калитни беришга бериб, сандиққа пул ташлаб қўйишни унутдингми! – Монгол шундай деб уни тепди.

– Нега унутарканман, пул кўп эди-ку! – деди жонҳолатда Миркин.

– Сен учун кўпдир. Мен учун эса кам. Ҳаётингни асраб қолишга етмайди. Энди тобутга чинакамига тушасан!

Япончик «Сен кимни лақиллатяпсан, ўзинг!» деб уни муштрай кетди.

– Сен қуруқ ҳаводан ҳам пул ясашга устасан, бунга биз билмай-мизми? – деди Монгол. – Ким билан боғлансанг боғлан, агар яна йигирма минг топмасанг, ўласан!

Муштра зарбидан эсини йўқотаёзган Миркин Харьковда яшайдиган сингласига телефонда қўнғироқ қилди:

– Равзи, меҳрибоним, бу мен – Волдемарман. Бошимга кўп оғир кулфатлар ёғилди. Пулдан ёрдам бермасанг бўлмайди. Мен бир йигитни юбораман. Паспортим билан тилхат ҳам бериб юбораман. Йигирма минг тайёрлаб қўй, жоним.

(Ҳозирги пулга ўрганганларга йигирма минг арзимас маблағ бўлиб туюлиши мумкин. У пайтда бу пулга иккита «Волга» – ГАЗ-24 автомобили сотиб олиш мумкин эди.)

У пайтларда ўғрибошилар ишнинг тепасида ўзлари турардилар. Четдан туриб бошқармасдилар. Шу боис Монгол пулни олгани Ук-

раинага ўзи борди. Волдемарнинг синглизи хасислик ва маккорликда акасидан ҳам ўтар экан. Йигирма минг рублга ёзилган тилхатни олиб, Монголнинг қўлига ўн етти минг берди-да: «Топган-тутганим шу, бошқа йўқ», – деб туриб олди. Монгол унинг тилла билагузугини тортиб олгач, тилла зираklarини ўзи ечиб бериб, ҳисобни тўғри қилди.

Ҳар иш бошида ўзи туриши Монголнинг бошини еди. Уни талончилик устида қўлга олишди. 15 йил қамоқ жазоси ўғрилар учун унчалик даҳшатли эмас. Чунки афви умумий (амнистия), яхши хулқи учун муддатдан олдин бўшатиш деган гаплар уларнинг жонига аро киради. Монголнинг яқин шогирдларидан бири Косой лақабли ўғри 40 ёшга тўлганида қилган жиноятлари учун судларнинг ҳукмларини ҳисоблаб кўрса, умумий ҳисобда қамоқда етмиш йил ўтириши керак экан. Хуллас, устози қамалиб, ўзи жазодан қутулиб қолгач, Япончик ўз тўдасини ташкил этганида устозидан фарқли ўлароқ икки нарсага катта аҳамият берди: тўдага кўп одам жалб қилмади. Монголнинг тўдасида ўттиздан зиёд одам тўпланган бўлса, Япончик ўн киши билан кифояланди. У сон билан эмас, сифат билан иш юритишни маъқул кўрди. Кўп ишларини милиция офицерининг кийими ва сохта ҳужжатлари ёрдамида бажарди. Иккинчидан, ҳар бир ишнинг тепасида ўзи турмай четдан бошқаргани учун қўлга тушиши осон бўлмади. Бу одатини тарк қилган онда эса чув тушди.

Бир куни Москва милициясига Михаил Глиоза деган одам мурожаат қилиб, тамагирлардан ҳимоя этишларини сўради. Қаҳвахона маъмури бўлмиш бу одам МУР ходими кўрсатган суратлар орасида Япончикни таниб, шу одамнинг «Ўртоғимдан икки минг рубл қарз экансан, уч кун ичида тўламасанг отиб ташлайман», деб пўписа қилганини айтди. Пўписа қуруқ бўлмай, гаров сифатида машинасини олиб қўйганини ҳам билдирди. Милиция учун бу хабар айни муддао эди. Лекин Глиоза икки соатдан сўнг Япончик билан учрашувга чиқиши керак эди. Шубҳасизки, МУР ходимларининг тайёргарлик кўришлари учун фурсат қолмаганди. Япончик учрашувга Глиозадан тортиб олган машинасида келди. Ўзига ишонгани сабабли ёнида гўзал хонимдан бошқа шериклари йўқ эди. Япончикнинг зийрак нигоҳи тузоқ қўйилганини дарров пайқади. Ўраб олмоқчи бўлган милиция ходимларига қарата ўқ узиб, қочишга шайланди. Милиция ходимлари отган ўқдан машинанинг тўрттала филдираги тешилгач, машинани ташлаб қочишга улгурди. Машинани титиб кўришганда тўппонча топилмади. Битта пичоқни топиш ва эсхонаси чиқиб кетган хонимчани ушладан бошқа иложлари бўлмаса-да, унга талончилик ва милиция ходимининг ҳаётига қасд қилиш айбини қўйишди. Бу айб билан суд ўлим жазосига ҳам ҳукм қилиши мумкин эди. Тергов ишлари бошлаб юборилганида Калина (лақаби «Кали») Никифорова милицияга ариза билан мурожаат қилиб, Глиозанинг чиндан ҳам икки минг рубл қарздор эканини тасдиқлади. Кали «қонундаги ўғри»лар



билан мустаҳкам алоқада юрувчи товламачилардан бири эди. Ўзи валюта билан шуғулланарди, ўғирланган антиквар моллар билан савдо қиларди. Унинг Фарбий Берлинда антиквар дўкони бор эди, Москвада эса пивохонада тирикчилигини ўтказарди. Унинг ёлғиз ўғли ҳам «қонундаги ўғри» тожини кийганлардан эди. Айримлар уни Япончикнинг ўғли деб ҳам юришарди. Бу исбот қилинмаган гап бўлса-да, лекин жиноят олами Япончикнинг бу болага эҳтиром билан муомала қилишини назардан қочирмаган эди. Аммо кейинчалик Япончик «Калина» лақабини олган Виктор Никифоровга тутинган, чўқинтирган ота бўлди. Аммо тутинган ўғил узоқ яшамади, отиб ўлдирилди. Кали пинҳона валюта бозорининг маликаси, афюнфурушларнинг яқин ҳамкори сифатида юриб, бу оламнинг сирларидан вақти-вақти билан милицияни огоҳ қилиб турарди. Шу йўл билан йўлидаги нобоп рақобатчилар супуриб ташланарди.

Ҳатто энг ашаддий ўғрилар ҳам унинг маккорлигига тан берар эдилар ва унга қарши бирон ҳаракатдан ўзларини тиярдилар. Кали ҳуқуқий масалаларини ҳам яхшигина еча олиш қобилиятига эга эди. У Глиоза ишига оддий гувоҳ сифатида қўшилмади. Унинг асосий вазифаси – ҳуқуқ идораси билан жиноят оламини боғлаб турувчи алоқачилик эди. У бу вазифасини аъло даражада удалади. Натижада Япончикка қўйилаётган айблар аста-секин юмшай бошлади. Аввалги талончилик жинояти оддий тамагирлик билан алмаштирилди. Милицияга қуроли қаршилиқ кўрсатиш, деган айблов ҳам йўқолиб, совуқ қурол, яъни пичоқ сақлаш айблови қад ростлади. Уни ўша йиллари Москвада машҳур бўлган адвокат Генрих Падва ҳимоя қилди. Терговчининг хизматлари бекор кетмади. Жиноят олами томонидан тўртта «Волга»га етадиган маблағ билан «мукофотланди». Иш бу даражага келгунича Япончик яшириниб юрди. Кейин уни сабзавот дўконига хотиржам харид қилаётган дамда қўлга олишди. Олажак жазосини арзимаслигини билгани учун ҳам қаршилиқ кўрсатишга ҳатто уринмади. У қамоққа олингач, руҳий хасталиги «маълум» бўлиб қолди. Аниқланишича, у тергов жараёнларида ғоят асабийлашиб, бу хасталикка чалинибди. Хуллас, у ана шу касаллиги туфайли жазодан озод қилинди. Бунда фақат пул эмас, Япончикнинг руҳий хасталар клиникаси бош врачининг ўринбосари бўлиб ишлайдиган ўйнаши ҳам керакли улушини қўша олди. Шундай қилиб, икки марта судланган, аммо бирон марта жазо муддатини тўла ўтамаган Япончик озодликка чиқди. Энди у ғоят эркин юрарди. Унга қарши чиқмоқчи бўлганлар эса изсиз йўқолаверарди. Одамлар орасида Иванков душманларини тириклигича ерга кўмиб ташлайди ёки ваннадаги кислотада куйдириб юборади, деган ваҳимали гаплар юради. Энг ажабланарлиси шундаки, Москвадаги айрим газеталарда Иванковни ёқловчи мақолалар ҳам пайдо бўлди. Уни «Автомобилдан сақланинг» фильмидаги Деточкинга ҳам қиёслашди. Бундан руҳланган Япончик «Бу шаҳарда МУР эмас, мен хўжайинман!» дейишгача борди. У Россияда эндигина оёққа тураётган рэкетни юқори поғоналарга олиб чиқди.

## ТҮРТИНЧИ БОБ

### «ҚОРА КАРДИНАЛ»

Москва шаҳридаги Ваганков мазорига кирган киши ака-ука Амиран ва Отари Квантришвилиларнинг қабрлари ёнидан эътиборсиз ўтиб кетолмайди. Қимматбаҳо тошдан тикланган икки қабртош ўртасига икки қанотли фариштанинг ҳайкали ишланган. Гўё бу фаришта уларни қиёмат азобларидан асраётган каби турибди. Бу манзарани кўрган одам биринчи галда ҳайкалтарошнинг санъатига таҳсин ўқийди. Кейин «Фаришта паноҳидаги бу бечоралар кимлар экан?» деб ўйлаши табиий. Бу ака-укаларнинг қилмишидан беҳабар киши уларни ёвузлар томонидан ўлдирилган беозор фаришталардан деб билиб, ҳақларига дуо ҳам қилиши мумкин. Тўғри, улар ёвузлар томонидан ўлдирилганлар. Амиран 1993 йил охирида 49 ёшида, Отари эса орадан ярим йил ўтиб, 46 ёшида ўлдирилди. Ҳазрати Бобур Мирзонинг «Ҳар кимки жафо қилса жафо топғусидур» деган ҳикматлари бу ака-ука қисматида ҳам ўз исботини топди.

Жиноятчилар оламига энди шунчаки адашганлар тўдаси сифатида қараш керак эмас. Жиноят оламига жамият ичидаги кичик жамият деб қараш тўғрироқ бўлар. Чунки уларнинг ёзилмаган бўлса-да ўз қонунлари, бу қонуннинг сўзсиз бажарилишини назорат қилувчилари бор. Агар қонунга итоат этилмаса, бетўхтов жазога тортувчилари ҳам бор. Шу билан бирга иш юритиш услублари, ўз жамиятчаларини бошқариш йўриқларига ҳам эгалар. Жиноятчиларнинг ўз жамиятчалари ўзлари учун гўё бир мамлакат кабилар. Унга биров даҳл қила олмайди. Ким бу «мамлакат» ҳудудига ўзбошимчалик билан қадам қўйса, ўлим топиши шубҳасиздир. Шу билан бирга, ҳаминиша ўлим жари ёқасида турганини бу жамият етакчисининг ўзи ҳам, тобелари ҳам билишади. Шу боис, етакчи тўсатдан ўлим топган пайтда унинг ишини давом эттирувчини топиш муаммо бўлмайди. Гўёки қадим подшоҳлар каби «тахт вори си» шай туради. Агар шундай бўлмаса, бу «мамлакат», яъни жиноий тўданинг ўзи ҳам ўлим жари ёқасига келиб қолади. Тўдада етакчилик вазифасини таллашиш бошланса, у икки найза орасида қолади. Биринчи найза ўзлари каби жиноий тўдаларники, иккинчиси эса ҳуқуқ идоралариники. «Отнинг ўлими – итнинг байрами» деганларидек, агар бир тўда бутунлай маҳв этилса, бошқалар ўз «мамлакатлари чегарасини» кенгайтириб олишлари мумкин. Соддароқ тилда айтсак, илгари маълум тўдага «чўтал» тўлаб турганлар, улар йўқ қилинган, энди янги хўжайинларига тўлай бошлайдилар.

Япончик фаолиятига бағишланган аввалги баёнимда унинг устози Геннадий Карков – «Монгол»ни ҳам тилга олиб ўтган эдим. Ўтган асрнинг олтинчи йилларида давлатманд одамларни доимий кўрқувда ушлаб турган Монголнинг тўдаси етакчисиз қолмади. Унинг ишини саксонинчи йилларда Япончик ғоят уста-

лик билан давом эттирди. Ундан кейин «квант» – Отари Квантришвили бу тўдани янги чўққиларга олиб чиқди. Ҳа, шундай: улар ҳаминиша чўққи сари интилиб яшайдилар. Аммо чўққи ортида жарлик бўлиши мумкинлигини фаҳм этмайдилар.

Ушбу китобда «қонундаги ўғри»лар фаолияти ҳақида батафсил ёзишимнинг сабаби ҳам ёшларни ана шу охири жарлик билан тугайдиган тўдаларга қизиқишлари, интилишларини олдини олишдир.

«Квант» лақабини Отари қамоқхонада олган эди. Москва шаҳар суди уни қиз боланинг номусига тегишда айблаб, 1966 йилнинг 19 декабрида 9 йилга озодликдан маҳрум қилиш ҳақида ҳукм чиқарган эди. Лекин у қамоқда кўп ўтирмади. Ҳамхонасининг қулоғини тишлаб олиши баҳона бўлиб, тиббий кўриқдан ўтказилди ва руҳий бемор сифатида қамоқдан озод қилинди. Квантнинг жазодан осонгина қутулиши кўпчилик учун ҳанузгача муаммо бўлиб келяпти. Чунки бундай жинояти учун қамоққа тушганлар кейинчалик беайб саналиб, суд ҳукми билан озод этилсалар ҳам, қамоққа тушган кунларидаёқ жиноят оламининг вакиллари томонидан зўрланардилар, яъни ўзига хос тарзда жазоланар эдилар. Квант бундай шармандалиқдан ҳам қутулиб қолди. Бу ўринда тахминлардан бири ҳақиқатга яқин: унинг ҳар икки жазодан қутулишида Япончикнинг хизмати бор. Тиббий кўрик масаласида унинг шу соҳада ишлайдиган маъшуқаси ёрдам берган бўлса, қамоқдаги жиноят оламининг вакиллариغا Монгол орқали таъсир этилган.

Квантнинг устозлари «қонундаги ўғри»лардан эди. Аммо унинг ўзи бу мартабага эриша олмади. Баъзилар «Буни ўзи хоҳламаган эди», дейишади. Лекин ўзи хоҳлаган тақдирда ҳам ўғрилар оламининг қонунига кўра, номусга тегишда айбланганларга баланд мартабалар раво кўрилмайди.

Квантни кейинчалик «Қора кардинал» деб улуғлай бошладилар. «Кардинал» – католик динида Рим папасидан кейин турувчи мартабаси улуғлиги жиҳатидан иккинчи шахс ҳисобланади. Эҳтимол, унга бу янги ном берилишида Япончикдан кейинги иккинчи шахс бўлгани назарда тутилгандир. Қора кардинал устозларидан ҳар томонлама фарқ қиларди. Унга «қонундаги ўғри» тожининг кийдирилиши ҳам унчалик мантқиққа тўғри келмасди. Чунки Монгол ҳам, Япончик ҳам ўзларининг жиноят олами улуғларидан эканликларини яширишмасди ва бундан фахрланишарди. Қора кардинал эса аксинча, ўзини жиноятчи сифатида эмас, балки олижаноб хотамтой кўринишида кўрсатарди. У собиқ иттифоқ даврида ҳам, кейин ҳам Россия телевидениеси орқали тез-тез чиқиб турарди. Атрофида Россиянинг машҳур артистлари, зиёлилари бўларди. Россия милициясининг катта амалдорлари билан улфатчилик қиларди. Унинг халқаро миқёсдаги спорт устаси бўлгани – «Динамо» спорт клубида тренерлик қилгани бу дўстлик заминини ташкил қиларди. Маълумингиз бўлсинки, «Динамо» спорт клуби СССР Ички ишлар вазирлиги ихтиёрида бўлган. Бу клуб номидан мусобақаларда иштирок этувчилар эса милиция ходимлари саналганлар ва уларнинг машҳурларига

юқори офицерлик унвонлари ҳам берилган. Шулардан бири «Динамо» футбол жамоасининг дарвозабони Лев Яшин эди. У 50 – 60-йилларнинг жаҳон миқёсидаги энг доврўқли спортчиси эди. Саксонинчи йилларда хасталиги туфайли оёғи кесилиб, анча азобланганди. Қора кардинал айнан шу спортчининг номидан фойдаланиб, хайрия жамиятини очади ва спортдан кетганларга ҳомийлик қила бошлайди. Албатта, бу олижаноблик жамоатчилиқнинг, айниқса, мухбирларнинг диққат-эътиборидан четда турмаган. Унинг номини шуҳрат шоҳсупасига олиб чиққан. Лекин бу «олижаноблик» нималар эвазига бўлаётгани билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Қизиққанларга эса Қора кардинал: «Биз илтимос қиламиз, улар берадилар», деб жавобни калта қиларди. Ўша йиллари турли фирма ва кооперативлар очиб бойий бошлаганларнинг маблағ берганлари аниқ, аммо улардан қандай «илтимос қилингани» ноаниқ эди.

Монгол билан Япончик бирон бойнинг изига тушса, қийнаб бўлса ҳам шўрини қуритишарди. Бу иш устида ўзлари туришарди. Шунинг учун уларни қўлга олиш, жазолаш унча муаммо бўлмаган. Қора кардинал эса бундай қилмасди. Ўзи ҳамини четда турарди, унинг «илтимосини» етказадиганлар бошқа одамлар эди. Россия милицияси ўзига яқин бўлган бу одамнинг жиноятларини биларди, аммо жиноят устида ушлаш, айбини исбот қилиб беришдан ожиз эди. У гўё қўлда ушлаб туриш мумкин бўлмаган балиққа ўхшарди. Милицияни қийнаган яна бир муаммо унинг жабрини тортган, яъни «илтимосини бажарган»лар ўзларини жабрланган ҳисобламасдилар, даъво ёки шикоят ҳам қилмасдилар. Агар биронталари тилидан шикоятга мойил гап чиқса, кўп ўтмай даъволаридан тона бошлардилар.

Қора кардиналнинг атрофида жипслашган собиқ спортчилар саксонинчи йилларнинг ўрталарида кучга кирдилар. Дзюдо бўйича бир неча марта Европа чемпиони бўлган Александр Изотов спортдан кетиб, жиноят оламига кириб келгач, «Буқа» (Бык) лақабини олди. Бокс бўйича спорт усталигига номзод Иван Ўғли «Циган» лақаби билан Москва атрофида энг кучли ҳисобланган Люберци бригадасини ташкил қилди. Бауман, Домодедово, Орехово ҳудудидаги тўдаларни ҳам шунга ўхшаш собиқ спортчилар ташкил этдилар. Буларнинг барчаси Қора кардиналга тобе эди.

Бу гуруҳлар аввалига ўша даврга хос «валюта операциялари» билан шуғулланардилар. Ўша йиллари йирик шаҳарларда «Березка» номи билан махсус дўконлар очилган эди. Бу дўконларда чет эл моллари фақат «Внешпосилторг» деб аталмиш ташкилотнинг махсус чекларига бериларди. У дамларда чет элнинг яхши молларига эга бўлиш ўзига хос мартаба ҳисобланарди.

Жиноятчи тўдаларнинг вакиллари шундай дўкон атрофида ўралашиб юришиб, чеки бор одамни пайқашса, уни илтиришга ҳаракат қилганлар. Масалан, кимдир келиб хотинига қимматбаҳо кийим олмоқчи экани, аммо чеки етмаётганидан нолиб, бундай чекни бозор нархидан баландроққа сотиб олишга ҳам рози эка-

нини билдиради. Чекини сотиб, катта фойда олишга иштиёқманд лақма қармоққа илинганини ўзи ҳам сезмай қолади. Баъзан бундай чекни сотиб олишда чиройли томоша ҳам кўрсатишади. Яъни, чек савдоси бошланганида милиция ходими пайдо бўлади. Ҳар икки томонни ҳибсга олади. Баённома ёзади, чекни мусодара қилади ва чек эгасини эртага фалон соатда фалон милиция идорасига келишини тайинлаб, қўйиб юборади. Лақма одам айтилган соатда айтилган жойга бориб, фалончи милиционерни сўрайди ва... бу ерда бундай одам ишламаслигини эшитади. «Нега ишламайди?» деган саволи навбатчи офицернинг сўкиши билан тақдирлангач, икки бармоғини бурнига тиқиб изига қайтаверади.

Товламачиларни собиқ спортчилар ҳар қандай ҳужумдан асрардилар ва бунинг эвазига талаб этилган «чўтал»ни олиб турардилар. Собиқ совет милицияси бу ишлардан беҳабар қолаверарди, деб ўйлаш ноўрин. 1985–1987 йил оралиғида Москва шаҳрининг ўзида бундай товламачилардан 130 киши қўлга олиниб, жазога тортилган эди. Лекин булар «майда балиқчалар» эди, катта балиқни ушлайдиган «тўр» ҳали йўқ эди.

Қора кардинал ҳаммомдан чиқаётганда отиб ўлдирилган. У ҳаммомда чўмилиб, покланиб чиқаётган экан, деб ўйлаш ноўрин. Тўғри, жиноят олами ҳаммомни яхши кўрган. Москванинг «Красная пресня» деб номланмиш ҳудудида машҳур рус ҳаммомлари жойлашган. Бу ерга келишдан мақсад фақат ювиниш эмас, балки катта-катта ишлар шу ерда кўрилган, кимнингдир яшаш ёки яшамаслиги масаласи ҳам шу ерда ҳал бўлган. Бу «машаққатли» юмушлардан кейин эса «дам олинган». «Дам олиш» – ўсмир ёшидаги нозанинлар иштирокидаги маишат билан якун топган. Ҳаммомни Қора кардиналнинг ўзига хос «қабулхонаси» деб аташ ҳам мумкин. Бу «қабулхона»да собиқ Иттифоқнинг катта-кичик амалдорлари ҳам баъзан-баъзан кўриниб туришган. Бошқача айтганда, айрим зарур ҳужжатларга шу ҳаммомда имзо чекишган ва шунга яраша мукофотларини олганлар. Тўғри, унинг «Интурист» меҳонхонасида идораси бўлган, лекин айрим ҳужжатларга у ерда имзо чекишга мансабдорлар чўчишган. Балки улар ҳаммомда гуноҳ ишга кўл уриб, кейин шу ернинг ўзидаёқ покланиб чиқиб кетишни хаёл қилгандирлар. Уларнинг назарларида сув ҳар қандай гуноҳни ювса керак-да. Афсуски, ундай эмас. Қора кардиналнинг ўлимидан кейин ҳам бундай ҳаммомлар бўшаб қолмаган. Бундан бир неча йил аввал Россия Бош прокурорини шундай ҳаммомлардан бирида маишат қилаётганида суратларга олиб, шарманда қилишган ва у истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.

Ҳаммомга донғи кетган қиморбозлар ҳам йиғилиб туришган. Чунки Қора кардиналнинг акаси Амираннинг асосий юмуши қиморбозлик бўлган. Унинг яна яширин юмушлари ҳам бор эди. Айримлар унинг милиция билан ҳамкорлиги бўлган, уларни керакли маълумотлар билан таъминлаб турган, дейишади. Лекин бу гумонни тасдиқловчи ҳужжат ҳозирча йўқ. Эҳтимол, милиция тарихи билан шуғулланувчи бирон тарихчи олим шундай бир ҳужжатга дуч келиб, ошкор қилар. Лекин ўша пайтда Амираннинг иккинчи

яширин юмушини қўпчилик билган ва ундан қўрқиб турган. Гап шундаки, катта пул ютган одамни у укасига ёки укасининг югурдакларига маълум қилиб қўйган. Катта пул ютиб ўзини бахтиёр санаган қиморбоз кўп ўтмай хонавайрон қилинган.

Хуллас, бу ҳаммомда жуда катта миқдордаги пул тикиб ўйналган, баъзан тикилган пул ярим миллион рублдан ҳам ошиб кетган. Бу ҳозирги ҳисобда ярим миллион доллардан зиёдроқни ташкил этади. Голибга яна қўшимча мукофот – нозанин қиз яланғоч тарзда ҳадя этилган. Хуллас, покланиш учун ихтиро этилган ҳаммом ўз вазифасини ўзгартириб, бузуқлик масканига айланган эди.

1984 йилда шу ҳаммомда Игор Бродский бор-йўғини ютқазди ва бунинг устига 400 минг рубл қарз бўлиб қолди. Фан номзоди, университет доцентининг ўша дамдаги ойлик маоши 350 рублни ташкил этишини эсласак, бу қарзнинг нечоғлик катта эканини тасаввур қила оламиз. Игорь Бродский чакана одамлардан эмасди, ўзига яраша тўдаси, жиноят оламида эътибори бор эди. Лекин ака-укаларга тенг келолмаслигини биларди. Икки йил олдин Амиранга 50 минг рубл ютқизиб қўйиб, бир амаллаб узилганди. Эндиги қарз!.. Бу оламда бир томон ён босса, келишмайдиган иш йўқ. Бродский бу қарзни бир-икки қалтис ишдаги иштироки орқали узадиган бўлди.

Ўша йили ёзда Бродский Москвада анча эътиборли саналган «Прага» ресторанида синглизининг туғилган кунини нишонлаётган эди. Маишат авжига чиққанида унга икки бақувват эркак ва бир аёл яқинлашди. Эркакларнинг бири оғир вазнли машҳур боксчи Олег Коротаев, иккинчиси махсус қисмининг собиқ офицери, каратэ усулларини мукамал билувчи Владимир Попов эди. Бродский уларни танирди ва нима учун келишганларини тахмин қиларди. Шундай бўлса ҳам, айрим кинофильмларда кўрсатилгандек қочиб кетишга ёки бирон найранг ишлатишга уринмади. Аксинча, дастурхонга лутфан таклиф этди. Бродский Коротаев билан ҳаммомда учрашганди. Попов билан учрашуви эса ўзгачароқ бўлганди. Бир йил аввал «Салтиковка» ресторани ҳожатхонасида нотаниш йигитлар унинг нақ бўғзига тўппонча тираб, 30 минг рубл талаб қилишди. Ана ўшанда Попов уни қутқариб қолган эди. Энди эса ака-укаларнинг элчиси сифатида келиб турибди. Бу элчи шунчаки гап етказувчи эмас, балки буюрилган вазифага Бродскийнинг ё розилигини, ё жонини олиб кетиши шарт. Бродский буйруқни ҳеч бир мулоҳазасиз қабул этди. Чунки бу вазифа унинг учун янги эмас, демак, мураккаб ҳам эмасди. Сартарош соч-соқол олишни одатий иш деб билгани каби Бродский ҳам биров тўплаган бойликни шилиб олишни шундай юмуш деб биларди.

Бир ҳафтадан сўнг кичик тўдага бош бўлиб Латвияга қараб йўл олди. 16 июлга ўтар кечаси Самович деган кишининг уйига бостириб киришди. «Менда ҳеч қандай бойлик йўқ» деб туриб олган уй соҳиби ва унинг кўёви обдан дўппосланди, бу ҳам иш бермагач, ақлий жараённи фалаж қилиб қўювчи дори билан эмланди. Оқибат 114 минг рубл нақд пул ва бир талай олтинни ўлжа олиб изларига қайтишди.

Ярим йилдан кейин милиция бу тўданинг изига тушди. Жиноий ишга доир ҳужжатларнинг у ер-бу ерида «Амиран», «Отари» деган исмлар учрарди. Ҳа, айнан учрарди, иш бундан у ёғига ўтмади. Ака-укага қарши чора кўришга сабаб бўлгувчи бирон жўяли айб топилмади. Лекин ўша пайтдаги милиция чекинишни истамади. Уларга қарши далилларни излашни тўхтатмади. Отари буни яхши биларди ва у ҳам ўз навбатида ўзини оқлаш чораларини излаб топарди. Унинг атрофидаги давра ажабтовур эди: уни ўраб турган «дўстлар ҳалқаси»да «қонундаги ўғри»лар ҳам, КГБ (Давлат хавфсизлиги кўмитаси) ва милиция ходимлари ҳам, машҳур артистлар ҳам бор эди. Хуллас, ҳужум қай томондан бўлса, бу зарбани ўша томоннинг ўз вакиллари қайтариб туришлари мумкин эди. Шу ўринда киши ақлини лол қолдирадиган ғалати ҳолат ҳам ҳукмрон эди. МУР (Москва жиноятга доир қидирув бўлими) Қора кардинални фош этиш учун тинимсиз равишда далил-ҳужжатлар тўпларди, гумондаги бу шахс эса милиция байрамларида сўзга чиқиб, фаол милиция ходимларини турли мукофотлар билан тақдирларди. МУРнинг таъқибидан мутлақо чўчимаслигини у ошкор равишда билдирарди. Ҳатто телевидениедаги бир чиқишида «Рушайло бола-чақаси борлигини унутмасин», деб очиқ пўписа ҳам қилди (Владимир Рушайло ўша пайтда МУРда хизмат қиларди, кейинчалик у Россия Ички ишлар вазирини, сўнг эса Хавфсизлик кенгаши котиби мартабаларида ҳам хизмат қилди). Унинг пўписалари бекорга эмасди. МУР тўплаган маълумотларни вазирлик сўраб олди ва бу иш билан ўзлари шуғулланишларини билдирдилар. Вазирликдан эса КГБ сўраб олди ва мақолда айтилгандек: «ёпиғлиқ қозон ёпиғлиғича» қолди.

Агар ўшанда МУР муддаосига етиб, уни ҳибсга олганда ҳам Россия жамоатчилиги оёққа турган, милицияни тўхматда айблаган бўларди. Чунки Отари атрофида шундай муҳит ярата олган эди. Жамоатчилик учун у Қора кардинал эмас, балки меҳрибон ва олижаноб, совет спорти шуҳратини оламга ёйган буюк инсон эди. Ҳар ҳолда дафн маросими буюк инсонлар мартабасида бўлди.

1992 йилда Совинцентр (Ташқи алоқалар маркази)да «Рэд стар» деган ташкилот «Йил чиройи» деб номланмиш гўзаллар кўригини ўтказди. Низомга кўра, кўрик ғолибаси 30 минг доллар мукофот билан тақдирланиши лозим эди. Россиянинг юзлаб шаҳарларидан нозик ва гўзал қизлар худди шамчироққа интилган нодон парвоналар каби пойтахтга интилдилар. Уларнинг фақат биттаси шод, қолганлари мотам йиғисида турганларида ҳакамлар ҳайъати орасидаги «олижаноб инсон» Отари Квантришвили ўрнидан турди ва навбатдаги олижаноблигини намоёиш этди: у гўзаллик маликалари орасидаги яна олти қизга махсус соврин беражагини маълум қилди. Соврин ҳаммани лол қолдирди. Бу олти гўзалга Испаниянинг Барселона шаҳрида бўлиб ўтадиган Жаҳон олимпиадасига йўлланма берилди. Россия матбуоти бу ҳотамтойликни ҳам юқори баҳолади. Аммо ҳеч ким олимпиададан кейин бу қизларнинг

аҳволи билан қизиқмади. Қизларнинг Испанияга боришлари билан меҳмонхоналарга қамалганлари ва мусобақалар тамом бўлгунига қадар Қора кардинал ҳомийлик қилаётган спортчиларга фоҳиша сифатида хизмат кўрсатганлари, уйларига ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан мажруҳ ҳолда қайтганликлари эса омма учун сир бўлиб қолаверди.

Шу тарзда Қора кардинал ҳамisha пинҳона иш юритган устозларидан ўзиб кетди. Бизда «Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич», деган мақол бор. Жамоатчилик назарида Қора кардиналнинг «оши ҳалол» эди ва у ҳеч нарсадан тап тортмай, ошини ошкора ичиб роҳатланарди. Демокчиманки, Отари Квантришвили яширин жиноят оламини ошкора йўналишга олиб чиқди. Унинг режасича, ана шу ошкоралик унинг барча жиноятларини қалқон сифатида тўсиб турарди. У бир нарсада адашмади – ҳуқуқ идоралари ва жамоатчилик учун унинг қалқони ишончли тўсиқ эди. Аммо бошқа томондан бериладиган зарба учун бу қалқон бўкиб ётган қоғозчалик аҳамиятсиз эди. Қора кардинал ўзи яратган қалқонга маҳлиё бўлиб яшаётганда кутилмаган томондан берилган зарба – 1994 йилнинг 5 апрель куни унинг вужудига қадалган тўрт ўқ ўз ишини қилди. У ўз устози Япончикдан аввал ўлим топди. Япончик бу шум хабарни АҚШда эканида эшитди.

Қора кардинал ўлдирилди. Лекин унинг ўлими ҳақидаги турли тахминлардан биронтаси ҳали ўз исботини топгани йўқ. Акаси Амиран отиб ўлдирилгач, у нима учундир ўч олишни ўйламади. Бу ҳол кўпчиликни ҳайрон қолдирди. Отарининг ўлимида баъзилар чеченлар тўдасидан гумон қилдилар. Айримлар эса Кавказ ва славян жиноий тўдаларининг ўзаро олишуви деб баҳоладилар. Бу иккала гумонда ҳам етарли асос йўқ эди. Қора кардинал айниқса славян тўдалари билан яхши алоқада бўлган. Айримларини милиция ҳужумидан асраб ҳам келган. Апрель ойининг бошларида Грузия Ички ишлар вазири Москвага келиб, россиялик ҳамкасби билан учрашган эди. Баъзилар айнан шу учрашувда икки вазир Россиядаги грузин жиноий тўдаларини йўқотиш масаласини кўриб чиққанлар, деб тахмин қилишади. Россия ҳудудидаги грузин жиноий тўдаларининг Грузиядаги ички аҳволга таъсирлари кучли эди. Эҳтимол, Грузия ҳукумати бу таъсирнинг илдизини қирқиш чораларини кўрган бўлиши ҳам мумкин. Чунки ярим ой ичида Москва атрофида ва Грузиянинг ўзида ўндан ортиқ эътиборли жиноий гуруҳларнинг етакчилари ўлдирилди. Бу қотилликларнинг биронтаси ҳам ҳозирга қадар очилмади. Шу ўринда ғалати мантиқсизлик бордек кўринади. Дейлик, Отари Квантришвилини ёки машҳур ўғрибоши Автандил Чиквадзени (лақаби Квежо) милиция қамоққа олишга кўп уринди. Улар ўлдирилганларидан кейин эса қотилларни излай бошлади. Аслида бир жиноятчи иккинчи жиноятчини ўлдирди. Яъни, бир жиноятчи бошқа бир жинотчини ўлдириб, жамиятни бир ёмон одамдан тозалаб берди. Унга раҳмат айтиш керакми ё уни қидириб топиб, жиноятчи сифатида жазолаш шартми?



Нима бўлганда ҳам Қора кардинални ўз ишига пухта қотил ўлдирган эди. Ўқ отилган жойдан қуролнинг топилиши бунга далил. Фақат профессионал киллер (ёлланма қотил)гина ўз ишини бажариб бўлгач, қуролни ташлаб кетади. Аммо ўқ узилган ердан уч ўқ гильзаси топилган. Ҳолбуки, Қора кардинал тўртинчи ўқдан сўнг ўлган. Учта ўқ кўкрак ва бўйнига теккан, тўртинчиси эса бошга. Демак, тўртинчи ўқни бошқа қотил бошқа ердан туриб узган.

Орадан йиллар ўтар, вақти келиб бу қотилликларнинг илдири очилар. Лекин унга қадар айрим хулосаларга ўрин бериш ҳам мумкин. Дастлабки хулоса: Россияда кейинги 10 – 15 йил ичида жиноятчилик кескин даражада ошиб кетди. Жиноят турлари ҳам кўпайди, ҳам ваҳшийлашди. Баъзилар бунга собиқ иттифоқнинг барбод бўлиши ва Россиядаги бебошликлар сабаб деб исботлашга уринадилар. Бу сабабни бутунлай инкор этиш ноўрин. Лекин кейинги йилларда авжига чиққан жинойий тўдалар ишни қачон бошлаган эдилар? Уларнинг юзага келиши, шаклланиши совет даврида юз бермадими? Демак, совет даврининг ич-ичидан емирила бошлаши жиноят оламига куч ва қувват берди. Жиноят оламининг тобелари барча тенгдошлари каби пионер ва комсомолнинг тарбиясини олган эдилар. Яъни «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» асосида вояга етган эдилар. Нима бўлди, коммунизм қурувчисининг ахлоқи деган тушунча шу қадар пуч бўлиб чиқдими?

Бу энди тарих. Тарих эса одамларни ҳамиша хушёрликка чақиради.

Ваганков қабристонидagi фаришта ҳайкали вақти келиб ёмғирқорлар таъсирида емирилади. Лекин бу икки қабрда ётган ака-укаларнинг ваҳшийликлари қайд этилган ҳужжатлар йўқолмайди. Қоғоз-ҳужжатлар йўқолиши мумкин, лекин банданинг яхши-ёмон ишларини ёзиб борувчи фариштанинг ёзувлари ўчмайди. Вақти келиб, бу ёзувлар кўтарилганда, бу дунёдаги ишлардан ҳисоб берилганида қабр тепасига тиклаб қўйилган тош фаришта ёрдам бера олмайди.

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **ЎЛИМ УЧБУРЧАГИ**

Ўтган аср ўзининг қирғинлари билан аввалги замонлардан ўтиб тушди. Жаҳон урушлари ва бошқа катта-кичик муҳорибалар миллионлаб одамларнинг ёстиғини қуритди. Минг йиллар давомида инсониятга номаълум бўлган бедаво хасталиклар юз очиб, унданда кўп одамлар жонини олди. Шунинг баробарида, қутилмаган табиий офатлар ҳам беадад кулфатлар келтирди. Зилзила, тошқинлар сабабини олимлар тушунтириб бера олишади. Аммо инсон онгини ожиз қолдираётган табиий мўъжизалар ҳам борким, шулардан бирини «Бермуд учбурчаги» деб атайдилар. Атлантика уммонидаги Бермуд оролларига яқин маълум бир жойдан учиб ўтмоқчи бўлган самолёт, сузиб ўтмоқчи бўлган баҳайбат кемаларнинг изсиз йўқолиши

неча ўн йиллардан бери инсониятни ҳам даҳшатга соляпти, ҳам таажжуб тўрига ўраб турибди. Кема ва самолётларнинг йўқолган нуқталари харитада чизиб белгиланганда учбурчак ҳосил бўлган. Бу учбурчакнинг ташқарисида ҳеч қандай ҳалокат юз бермайди. Ҳалокатларнинг сабабини аниқлаш учун турли-туман илмий тахминлар билдириляпти. Буни коинотдаги ўзгаришлар билан ёки шу жойга хос магнит тўлқинлари билан ҳам изоҳлашмоқчи бўлишади. Лекин шу пайтгача ҳеч бир тахмин ўз исботини топмади. Бирдан-бир чора – шу учбурчак ҳудудини четлаб ўтиш.

Қаттол Бермуд учбурчагининг хатари дунёга маълум. Яна шундай қотил учбурчак мавжудки, уни кўпчилик билмайди, унинг номи ҳам йўқ. Камина ўзимча уни «Ўлим учбурчаги» деб атадим.

Ўтган асрнинг қирғинлари турли давраларда тез-тез тилга олинади. Лекин жиноят оламининг қирғинлари улар олдида арзимас гапдай туюлади. Афсуски, жиноятчилар қўлларидан ўлим топаётганлар сони дунё бўйича ҳисоб-китоб қилинмайди. Аниқ ҳисоби бўлганда эди, жиноятчилар томонидан ўлим топаётганлар сони урушларда ҳалок бўлганлардан кам эмаслиги билинарди. Аниғи шуки, қотиллик йилдан йилга кўпайиб боряпти. Қотиллик турлари ҳам ошиб боряпти. Илгари асосан уриб ёки пичоқлаб, заҳарлаб ёки бўғиб ўлдирилган бўлса, энди отиляпти, майдалаб чопиляпти, ўликнинг гўштлари ейиляпти, кислотада куйдириляпти ёки ёқиб ташланыпти, ҳатто машинасида ёки уйида портлатиб юбориляпти... Хуллас, қотиллар тобора ваҳшийлашиб боряптилар. Одамлар тинчини ҳимоя қилиши зарур бўлган идоралар кўп ҳолларда ожиз қоляптилар. Жиноят олами улардан кўп соҳаларда олдинда боряптилар. Бу фикр фақат бир ёки икки мамлакатга хос эмас. Камина дунёдаги жиноятга доир ҳолатни кузатиб, шу тўхтамга келдим.

Назаримда, дунё юзлаб катта-кичик мамлакатларга эмас, балки икки оламга бўлинган: биринчиси тўғри йўлдаги одамлар, иккинчиси шайтон йўлидаги жиноятчилар. Бу соҳада дунёни динларга ҳам бўлиш мумкин эмас. Чунки жиноят оламининг дини – миллати йўқ. Уларнинг ваҳшийликларига сифат беришда қайси мамлакат вакили эканини суриштириб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки бугун у ёки бу ваҳшийлик маълум бир мамлакатда ҳам айнан шундай, балки ундан-да ваҳшийроқ тарзда юз бериши мумкин.

Европа неча ўн йиллардан бери кичик болаларни зўрлаш ва ўлдириш (педофилия) жиноятдан азият чекади. Бунга қарши кураш олиб боради. Францияда 66 педофил устидан суд жараёни бошланганини баён қилган эдим. Франциядаги суд жараёни бошланган дамда Испанияда бундан баттарроқ жиноят фош этилди. Мамлакатлараро қанот ёйган педофиллик фош этилди. Ҳозир унинг аниқ натижалари айтилмаяпти. Аммо ўзига хос халқаро жиноий гуруҳдаги юзлаб ваҳшийларнинг қора курсига ўтиришлари кутиляпти. Яқиндагина Францияда қўлга олиниб, жазога тортилган белгиялик педофилни жаҳон аҳли лаънатлаган эди. Куни кеча унинг хотини яна бир жиноятини бўйнига олиб, тавқи лаъ-

нат остида қолди: маълум бўлишича, у ёш болаларни алдаб, эрига рўпара қилар экан! Бу ваҳшийликни тасаввурга сиғдириш қийин. Ахир аёл зоти эрининг бегона жувонга қарашидан ҳам рашк қилади. Ёмон йўлга кирганини билса, қайтаришга уринади. Бу эса... Алҳазар! Алҳазар!

Буларни нима учун ёзямиз? Тошкентда ҳам шундай жиноят содир бўлиши жамоатчиликни сергаклантирди. Икки қизчанинг ўлдирилиши, биттасининг эса тасодифан омон қолиши биз учун фавқулодда ходиса бўлиб туюлди. Ана шундан кейин болаларни эҳтиётлаш чоралари кўрилди. Ҳолбуки, бундай чораларни ота-оналарнинг ўзлари аввалроқ кўришлари керак эди. Афсус шундаки, ҳуқуқ идораларининг тавсиялари билан болаларни эҳтиёт қилиш чоралари кўрилса, айрим нодон ота-оналар норози бўлиб юришибди. Бошланғич синфларда ўқийдиган фарзандларини мактабга олиб бориб-олиб келиш улар учун ғоят қийин вазифа бўлиб туюлибди. Бизда ҳам ёппасига шундай жиноятлар бошланади, деган фикрдан узоқман. Аллоҳ сақласин! Ваҳимага берилмаган маъқул. Бундай пайтда ваҳима бизга яхши ҳамроҳ бўлолмайди. Бизга ваҳима эмас, сергаклик зарур. Аллоҳ бандаларини ўзи паноҳида асрайди. Бироқ бунинг учун бандада ҳам ҳаракат бўлиши керак. Демокчиманки, жиноят оламига қарши ҳуқуққа доир идоралар ёлғиз кураша олмайдилар. Кураш олиб борган тақдирларида ҳам ғалабага эриша олмайдилар. Бунинг учун халқ билан ҳамжиҳат бўлишлари зарур. Қайсики жамиятда одамлар жиноят оламига бефарқ қарасалар, бу жамиятнинг келажаги аянчли бўлади. Жиноятчини ушлаш ва жазолаш муҳим эмас, балки жиноятнинг олдини олиш зарурроқ ва муҳимроқ эканини барча билмоғи лозим.

Айтайлик, 30 – 40 йил муқаддам жиноят оламига қарши кураш бутунгидай мушкул бўлмаган. Чунки жиноят турлари бутунгидай кўп эмасди. Аввал ўғрилар қўлида қурол билан банкка ҳужум қилган бўлсалар, энди компьютерда ўтириб миллионларни ўмаришади. Ўғриликнинг бу турига «хакер» деб ном беришган. Агар илгари қотиллик бирон жанжалнинг оқибати бўлса, энди қотилларни ёллаш мумкин. Ёлланма қотилларни «киллер» деб аташади. Яна одамхўрлар – ганнибал, товламачию тамагирлар тури кўпайгандан кўпайди. Дастлабки савол: жиноят олами нима сабабдан эркин равишда гуллаб-яшнапти? Иккинчи савол: нима учун жиноятчилар тобора ваҳшийлашишпти? Бу саволларга кўпчилик жавоб изляпти. Аниғи шуки, полиция ёки милиция бу саволларга жавоб бера олмайди. Чунки уларнинг таҳлилга фурсатлари йўқ. Биринчи жиноятчини ушламай туриб, иккинчисининг изига тушишга мажбурлар. Ҳа, бу саволга илм аҳли жавоб бериши шарт. Аммо жавоб излаётганлар асосан ҳуқуқ илмининг вакиллари. Бу сафда баъзан психолог олимларнинг вакиллари учратамиз. Психиатрларни эса деярли учратмаймиз. Уларнинг вазифаси жиноятчида руҳий хасталик борми ё йўқми – шуни аниқлашдан иборат. Жиноятчи руҳий хаста бўлса, уни маълум муддат махсус шифохонада даволашга уринишади.

Эҳтимол, бу соҳада илмий ишлар олиб борилаётгандир, жиноятларга алоқадор бўлгани сабабли бу илм сир сақланаётгандир. Буниси каминага қоронғи. Бу борада мени ана шу «махфийлик» деган нишон ажаблантиради. Ҳатто ҳуқуқ илмига доир айрим мавзулар ҳам махфий сақланади. Ҳолбуки, жиноятга доир хулосалар билан халқ бохабар бўлса, ҳуқуқ идоралари билан ҳамжиҳатлик яқинроқ бўларди. Масалан, қайси вилоятда жиноятнинг қандай тури кўпроқ учрайди? Буни яширишнинг нима ҳожати бор? Эҳтимол, жиноятнинг шу тури айна шу вилоятда бекорга авж олмаётгандир? Эҳтимол, атроф-муҳитга доир қандайдир таъсирлар мавжуддир?

Фикримнинг исботи учун Россиянинг Ростов-Дон вилоятидаги воқеаларни таҳлил қилиб кўрамиз. Ўтган асрда Дон казакларининг довуғи баланд бўлган. Подшонинг жазо отрядлари ҳам аксар шу казаклардан ташкил топган эди. Казаклар ўзларининг жасурлиги, айна пайтда аёвсизлиги билан бошқалардан ажралиб туришган. Иван Грозний даврида татар хонларига, хусусан, Қучумхонга ҳужум қилган Ермак ҳам шу атрофнинг фарзандларидан бўлган. Йигирманчи асрда бу вилоят яна тез-тез тилга олинадиган бўлиб қолди. Айна шу ерларда асрнинг энг мудҳиш жиноятлари содир бўлди, десак, адашмаймиз.

Ўтган асрнинг сўнгги чорагида жиноятчиликка доир адабиётларда ёки матбуотда «маньяк» (жиноятни кетма-кет содир қилгани учун «бардавом маньяк» ҳам дейишади), «каннибал» (одамхўр) деган сўзлар кўп учрайдиган бўлиб қолди. Совет жамияти бундай жиноят турлари мавжудлигини яширишга ҳаракат қиларди. «Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади», деганларидек, хасталик ошкор бўлган вақтда кўп нарса қўлдан бой берилган эди.

Маньяк – бирон нарсага, айтайлик, қотилликка ружу қўйган руҳий хасталик ҳисобланади. Маньяк одам ўлдиришдан лаззатланади. Бу жиноят турида яна «садист» («садизм» сўзи XVIII асрда яшаган француз адиби Маркиз де Сад номидан олинган) дегани ҳам бор. Садистлар одамга тан азоблари ва жароҳатлари етказишдан роҳатланишади. (Ёки жинсий алоқа пайтида аёлга азоб бериб роҳатланишади). Улар учун шунчаки ўлдириш муҳим эмас. Улар ўлжаларининг ит азобида қийналишларини кўришлари шарт. «Каннибал» эса ўлжанинг ўлими билан кифояланмайди. У мурданинг гўштини еб роҳатланади. Бу қотилларнинг ўлжалари ёш жувонлар ёки болалар ҳисобланишади.

Бу жиноят оламининг энг машҳур вакили Андрей Чикатило эди. Бу ваҳшийни қўлга олиш осон бўлмаган. Биринчи қотиллигидан то **ЭДЛИК ИККИНЧИ** қотиллигига қадар орадан 12 йил вақт ўтди. Собиқ совет милицияси ва прокуратураси уни ўн икки йил бадалида тута олмади. Бир неча қотиллик бошқа одамларнинг зиммасига тўхмат билан юклатилиб, беайблар жазоланди. Ҳатто қурбон бўлган аёлларнинг эрлари ҳам қотилликда айбланиб, жазоланишди. А.Чикатило 1990 йилда ҳибсга олиниб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Ҳукм 1994 йилда ижро этилди. Кўзлари катта-катта, киртайган, жусса-

си озгиндан келган бу одамнинг бунчалар ваҳшийлиги ҳеч бир кишининг тасаввурига сиғмайди. Маньяк маҳв этилди, дейилганда айнан ўша жойларда, айнан ўша услубда янги-янги қотилликлар содир бўла бошлади. Шулардан бири – одамхўр Владимир Муханкиннинг мухбир билан суҳбатини эшитган эдим. Айтишича, у А.Чикатилони ўзининг кумири деб биларкан (кумир – бутларга сиғинмоқ демакдир. Бу ўринда жиноятчини ўзининг худоси деб сиғиниш назарда тутилади). Кишининг худоси одамхўр ваҳший бўлса, ундан нималарни кутиш мумкин? В.Муханкин барча ишларида А.Чикатилонинг услубларидан фойдаланган ва унга тақлид қилган. Ҳатто А.Чикатилонинг дарё бўйидаги чайласини қидириб топиб, ўша ерда яшаган. «Шогирд устозидан ўтибди», деганларидек, у тезкорликда ҳаммани ҳайратда қолдирди. Агар устози 12 йилда 52 одамни (ўртача ҳар икки-уч ойда бир одам) ўлдирган бўлса, у икки ойда саккиз аёлни ўлдирди. Ҳолбуки, қотилликдаги тезкорлиги учун Чикатило «Экспресс Чикатило» (бетўхтов Чикатило) деган лақаб олган эди. Муханкин агар устозига ўхшаб 12 йил қўлга тушмай юрса, Худо билади, ярим мингга яқин одамни ўлдириши мумкин эди. У шунчалар хотиржамлик билан одам ўлдирардики, бу ҳам бошқалар учун ҳайратланарли ҳол ҳисобланади. Масалан, сўнгги ўлжасини ўлдиргач, қассобларга хос усталик билан унинг танасини бўлакларга бўлиб, чарчагани учун ётиб ухлаб қолади. Тасаввур қилинг: зўрлаб, ўлдирилган аёлнинг гўшт парчалари ёнида хотиржам ухлаб ётиш одам боласига хосмикин? Ваҳший ҳайвон қорнини тўйдириш учун ўлжасини ўлдиради. Ваҳший одам-чи? Зўрлашни тушуниш мумкин – шаҳватни қондиради. Ўлдириш, танасини бўлакларга ажратиш, сўнг унинг гўштидан чучвара тугиб ейиш-чи? Африкада қадимдан одамхўр қабилалар бўлган. Шу қабилалардан бирининг вакили ўтган асрнинг охирида (қадим замонларда эмас!) ҳокимиятни қўлга олгач, мухолифларни биринкетин ўлдириб ея бошлабди. Унинг энг «ақлли» иши – мухолифларнинг гўштини болаларига едирмас экан. Бунинг сабаби: унинг ақидасига кўра, болалари бу гўшtdан есалар душманларининг ёмон иллатлари фарзандларига ўтиб қолиши мумкин экан. Буни жаҳолат дейишимиз мумкин. Чикатило ва Муханкинни-чи?

Бардавом маньяклик шу билан кифояланса кошки эди. Худди шу атрофда кейинги ўн йил ичида 37 маньяк аниқланди, уларнинг қўлидан юзлаб одамлар ўлим топди. Бу нима, тасодифми? Ёки касалликми?

Мазкур жиноят иши билан шуғулланганлар ғалати ҳолатларга эътиборни қаратдилар: қотиллик содир бўлган жойлар харитада белгиланганда учбурчак ҳосил бўлди. Яъни, Ростов-Дон, Таганрог, Шахти шаҳарлари шу учбурчакнинг учта бурчагига жойлашди. Барча ваҳшийликлар айнан шу учбурчак оралиғида юз берган. Бошқа жойларга ўтмаган. Бу нима? Бу ҳам тасодифми?

Энг эътиборли томони, ваҳшийлар танлаган ўз услубларидан сира чекинмаганлар. Масалан, бир маньяк фақат қора колгот-

ка кийган жувонлар пайида бўлган. Бошқаси ўлжаларини фақат лифтда зўрлаб, сўнг ўлдирган. Айримлари ўлжаларини асосан баҳор ёки кузда ўлдиришган. Бошқа бирлари чақмоқ ва момақалдироқ таъсирида овга чиққанлар. Уларнинг бу қилиқлари милиция ходимларига қўл келган. Муханкин эса ўлжасини фақат ҳаво булут тошган, майдалаб ёмғир ёғаётган дамларда пойлаган. Прокуратура терговчиси айнан шу ҳолатга эътиборини қаратиб, қотилни ушлаш режасини шу асосда тузган. Бу нима? Бу ҳам тасодифми?

Айрим ваҳшийлар нима учун қотиллик қилишганини ўзлари ҳам билишмайди. «Билмадим, мени қандайдир куч шунга мажбур қилди», дейишади. Айримлари эса сабабини айтишади. Муханкин онасининг фоҳиша бўлганини, уйга эркакларни бошлаб келганида кўчага ҳайдаб чиқарилганини яширмай айтди. Аёлларга бўлган нафрат унда ўша пайтларда уйғонган. Улғайгач, онасининг бузуқлиги учун бошқа бегуноҳлардан ўч ола бошлаган. Қотилларнинг баъзилари ваҳшийликларини эслаганларида изтиробга тушадилар, кўзларига ёш оладилар. Муханкин эса қотилликларини табиий ҳолат деб қабул қилади. У ҳатто ёзган шеърларини ҳам ўқиб берди. Айрим сатрларини эслаб қолиб, ўзбекчага таржима қилиб эдим, мана у:

*Умр ўтаёттир аста ва секин,  
Мен шоир эмасман, даъвоим ҳам йўқ,  
Оддий бир маҳкумман, лақабим – Ленин.*

Ҳа, у 22 апрелда туғилгани учун ўзига «Ленин» деган лақаб қўйган эди.

Чикатило отиб ўлдирилган эди. Муханкин ва у каби бошқа ваҳшийлар умрларининг охиригача қамоқда ўтирадилар. Ўлимни кутиб яшайдилар. Ўлим улар учун энг яхши нажот бўлади. Яқинда Россия қамоқхоналаридаги бир неча ваҳший қотиллар билан суҳбат қилинди. Улар дастлаб ўлимга ҳукм қилинганлар, сўнг ўлим жазоси тўхтатилгач, умрбод қамоқ жазоси белгиланган. Лекин турли сабаблар билан (масалан, қамоқдаги яхши хулқи учун) бу жазо 15 йил қамоқ жазосига алмаштирилган. Ўша ўн беш йил ортда қолиб, улардан бири озодликка чиқиши керак. Мухбир билан суҳбатда у ҳеч тап тортмай: «Озодликка чиққач, бари бир яна одам ўлдиравераман, чунки бу менга ёқади», дейди. Ана энди савол туғилади: қамоқ одамни қайта тарбия эта оладими? Қамоқдаги ҳамма одам ҳам ўз қилмишининг ёмонлигини англаб етавермайди. Кўпчилиги аламзадалик билан яшайди ва озодликка ҳам аламзадалик билан чиқади. Бунинг натижаси эса маълум. Яна бир маньякдан «Озодликка чиқиб ҳаётни янгидан бошлайсанми?» деб сўралганида у: «Билмайман, мен кўп ҳолларда ўзимни бошқара олмайман, мени қандайдир куч одам ўлдиришга ундайверади. Мен бу ҳақда кўп ариза ёздим, даволашларини сўрадим. Аммо мени айёрлик қиляпти, деб ўйлашди», деди. Ҳа, кўпинча шундай бўлади. Жиноятчилар орасида енгилроқ жазо олишни ёки умуман жазодан қутулиб кетишни истаб, айёрлик

қилувчилар, яъни ўзларини жинниликка солувчилар учраб туради. (Машхур ўғрибоши Япончик ҳақидаги баёнда ёзган эдим). Шу боис ҳам психиатр врачлар баъзан зийракликни ҳаддан ошириб юбордилар. Бу ўринда эҳтимол врачлар янглишмагандирлар. Эшитсангиз, қотилнинг гаплари бинойи. Алжиш ёки талмовсираш йўқ. Врачлар руҳий хасталикни аниқлашда асосан барча учун бир хил услубни қўллайдилар. Масалан, кишининг ақлий даражасини аниқлашдаги энг оддий усуллардан бири – савол-жавоб ҳисобланади. «Эшак билан эчкининг нима фарқи бор?», «Фил каттами ёки тошбақами?» каби саволларга биз тилга олган маньяк тўғри жавоб бергани аниқ. Чунки унда ақлдан озиш белгилари йўқ. У ҳар доим эмас, балки маълум бир вақтда ўзи ҳам англай олмаётган ёвуз бир кучга қаршилиқ қила олмайди. Бу куч унга қай пайтларда хуруж қилади? Бунини ўзи ҳам билмайди, врачлар эса уни пойлайди деб ўйлайсизми? Демак, у ҳадемай озодликка чиқади. Яъни, қамокдан озодликка чиқади, аммо номаълум ёвуз куч тобелигидан озод бўла олмайди.

Бизда халқ орасида кетма-кет одам ўлдирган қотилни «Қонсираб қолибди» дейишади, ёки «Жин чалибди», деб ҳам қўйишади. Ўша қотилни жиноят кўчасидан қайтариш учун «Қон ичиб туриш керак», деб тавсия ҳам қилишади. Бунга қадим замонлардаги жаллодлар ҳаётини мисолга келтиришади. Ёки айрим жойларни «жин теккан», «қарғиш теккан», деб эълон қилишиб, у ерларга қадам босмай қўйишади, айниқса, болалар ва ёшларни ўша ерларга боришдан қайтариб туришади. Хаёли чалғиган одамларни эса «ажина чалган» деб азайимхонларга ўқитишади. Қадимда бундай жойлардан безиб, одамлар қишлоқлари ёки шаҳарларини ташлаб, бошқа ерларга кўчиб кетишган. Булардан ташқари «Ёмонлик истаб илму амал қилиш» деган гаплар борки, бунини европаликлар «чёрная магия» деб аташади. Бу асосан бир инсон иштирокида бошқа бир инсон руҳиятига таъсир этишдир. Аввалги ҳолатларда эса табиатнинг биз билмаган сирлари киши руҳиятига таъсир этади. Баъзан кучли қўрқув ёки таъсирланиш оқибатида одам эсини йўқотиб қўйиши, талвасага ёки васвасага тушиб қолиши мумкин. Врачлар бундай ҳолатларда даволашга уриниб кўришади. Айнан шундай ёки бундан-да кучлироқ қўрқув беморни асл ҳолига қайтариши мумкин, деган тахминлар ҳам бор. Лекин табиатнинг киши руҳига таъсир этувчи бошқа таъсирлари сирлигича турибди. Ростов-Дондаги «ўлим учбурчаги»ни шунга мисол қилиш мумкин. Бу жойга тааллуқли бир неча илмий тахминлар бор: биринчиси – бу жойларда қирғинлар кўп бўлган ва бу шаҳар, қишлоқлар асосан эски қабристонлар устига қурилган. Бу қабристонлар ўзидан қандайдир тўлқинлар ажратади ва бу тўлқинлар маълум вақтда маълум одамлар руҳияти билан кесишади. Шундай дамда ўша одам васвасага тушади. Ўзини бошқара олмай қолади. Эски қабристонларнинг таъсири, турли фалокатлар келтиришига мисолни биз томонлардан ҳам келтириш мумкин. Маълумки, Тошкентнинг бир неча еридаги автомобил йўл-

лари советлар замонида қабристонлар устидан қурилган. Айнан шу жойларда ҳозиргача автомашина ҳалокатлари тез-тез бўлиб туради. Қадим донишмандлар отлиқ одам қабристон ёнидан ўтаётганида отдан тушиб, пиёда ўтишини тавсия қилганлар. Бу фақат қабристон аҳлига нисбатан ҳурмат юзасидан бўлмаса керак. Отнинг ниманингдир таъсирида бехос ҳуркиб кетиши, чавандозни йиқитиб юбориши ҳам назарда тутилгандир. Шунга кўра, ҳозир ҳам автомашина ҳайдовчиларига қабристон устидан ёки ёнидан ўтган йўлларда уловни секинроқ ҳайдаш, куй ёки ашулани ўчириб ўтиш тавсия этилади. Бу ирим ёки бидъат эмас, балки биз тушунмайдиган сирли ҳолатлар эҳтиётини қилишдир. Ундан ташқари қадимда қабристонлар шаҳар ташқарисида бўлган. Эндиликда, шаҳарларнинг кенгайиши натижасида деярли барча қабристонлар ичкарида қолиб кетди.

Саксонинчи йилларда америкаликлар ишлаган бир фантастик фильмни Москвада ёзувчи биродарлар ҳамроҳлигида кўрган эдим. Унда ҳикоя қилинишича, қорли тоғ ёнбағрида даҳшатли воқеалар юз бера бошлайди. Бир ёзувчи бундай ваҳималарга, иримларга ишонмаслигини айтиб, оиласи билан шу меҳмонхонага келади. То баҳорга қадар қоровуллик қилиш вазифасини зиммасига олиб, янги асарини ёза бошлайди. Орадан бир неча кун ўтгач, уни ғалати шарпалар таъқиб этади. Кейин аллақандай куч уни хотини ва боласини ўлдиришга ундай бошлайди. Сўнграқ маълум бўлишича, бир неча аср аввал худди шу ерда ҳиндулар қирилган ва бу меҳмонхона айнан уларнинг қабристони тепасига қурилган экан. Мен фильмни кўриб бўлгач, бизларнинг қабристонларга муносабатимизни айтганимда москвалик ёзувчилар қизиқиб қолишди. Хулоса шуки, «ўлим учбурчаги»нинг айрим одамлар руҳиятига таъсири айнан қабристонлар туфайли бўлиши мумкин. Афсуски, психиатрлар буни аниқлай олишмайди ва ваҳшийлик сари ундаётган куч олдида ожиз қолган қотиллар оддий жиноятчилар каби жазога тортиладилар. Агар шу тахмин рост бўлса, бу одамларни ваҳший жиноятчи сифатида лаънатлашимиз инсофдан эмасдир.

Иккинчи сабаб деб олимлар шу учбурчак остидаги ер қобиқларининг ёрилишини кўрсатишади. Ер қатламлари остида турли ёриқлар борлиги аниқ ва бу ҳолатнинг ер юзасига таъсири, хусусан, магнит майдонларига таъсири ҳам қисман ўрганилган. Яна бир тахмин: бу учбурчак остида ер ости кўлининг мавжудлиги. Бунинг ҳам ер сиртига албатта таъсири бўлади. Бундай ер ости кўллари ёки қобиқларининг ёрилиши бошқа жойларда ҳам учрайдики, жиноятга доир ҳодисаларни ўрганишда эътибордан четда қолмагани дуруст. Яна бир тахмин – коинотдан келувчи нурларнинг таъсири билан ер ости ҳодисаларининг кесишуви натижасида киши руҳига таъсир этиш. Бошқа олимлар гуруҳи бу атрофда кўмир конлари кўплиги, шахталардан ва чиқиндилардан ажралаётган зарарли газларнинг киши руҳига таъсири деб ҳисоблашади. Тахминлар кўп, аммо илмий ҳақиқат ҳалигача йўқ. Эҳтимол, бу ҳақиқатни очиш учун илмнинг махсус тармоғи вужудга келиши зарурдир?



Энди яна бир савол туғилиши мумкин: нима учун бу жойларда минглаб одамлар яшайди-ку, аммо фақат айрим одамларгина таъсирланишади? Жавоб шуки, аввало табиат ҳодисалари ҳаммага бир хил таъсир этавермайди. Масалан, «магнит бўрони» деган ҳолатни эшитгансиз. Бундай бўрон куни айрим одамларнинг касалликлари хуружга киради. Айримлар эса ҳеч нарсани сезмайди. Ҳавога булут чиққанда баъзиларнинг оёғи ёки бели зирқираб оғрий бошлайди, баъзиларнинг юрак ўйноғи бошланади. Бировларнинг руҳи баҳор ёки кузда енгил тортади, бошқаларники эса аксинча. Бировлар бошқа шаҳарга бориб «ҳаво алмаштирганим ёқди» деб роҳатланади, бошқа бировлар эса руҳан эзилиб, қийналиб кетади. Руҳий таъсир ҳам шунга ўхшаса керак. Эҳтимол, киши руҳиятининг кучли эмаслиги, ожизлиги ҳам аҳамиятлидир? Чунки гипноз ҳаммага ҳам бирдай таъсир этмайди-ку?

Ростов-Дон атрофидаги жиноятлар ва бу жиноятларнинг вужудга келишига сабаб бўлувчи табиий омиллар ҳақидаги тахминларни ўрганаётган мухбир йигит ҳам талвасага туша бошлаган. Уни ҳам алақандай куч ёвузликларга зўрлай бошлаган. Аммо бошқаларга бу ҳолатни баён этишга куч топа олган, маслаҳат сўраган. Табиийки, маслаҳатлар кўп эди, бироқ энг тўғри маслаҳат – бу вилоят ҳудудини тарк этиш, бошқа ерга кўчиб кетиш бўлган. Мухбирни фақат шу чора сақлаб қолиши мумкин эди.

Яна бир сабабни халқ таъбири билан айтганда «киши вужудига иблиснинг жойлашиб олиши»да деб изоҳлаш мумкин. Иблис (баъзилар уни мавҳум равишда «ёвуз куч» ҳам дейишади) киши танасига жойлашиб олиб, унга ҳукмронлик қила бошлайди. Бу одам жисмонан ўлим топгач, бу танадан чиқиб бошқасига киради, деган тахминлар ҳам бор. Шунга кўра, айримлар А.Чикатилони ўлдирмаслик керак эди, деб ҳисоблашади. Уларнинг фикрича, Чикатило ўлдирилгандан кейин ўша ёвуз куч Муханкин вужудига эга чиққан. Чикатилонинг ўлими ёвуз кучларни банди қилиб турган занжирни узиб юборган. Гарчи бу тахминнинг илмий асоси бўлмаса-да, ваҳшийлик руҳиятини илмий асосда ўрганиш учун уни ўлдирмай турилгани дуруст эди.

Бу ўринда яна бир илмий масалани зикр қилиб ўтиш фойдали:

1993 йилнинг августда Ой тўлган кунлари Германияда одам ўлдириш, ақдан озиш ва ўзини ўзи ўлдириш ҳодисалари ортгани кузатилган. Тадқиқотлар натижасига кўра, тўлин Ой фақат Европа ўлкаларида эмас, Ер юзининг ҳамма жойларида инсонларнинг руҳий ҳолатига таъсир кўрсатар экан. Кейинги пайтда олимлар Ой тўлган пайтда айрим инсонларда кучли, баъзиларда ожизроқ руҳий ўзгаришлар содир бўлишини таъкидламоқдалар. Француз олими Рене Клауде Гуиллот ойнинг бу кунларида ақдан озишнинг ортинини қайд этган ва шу кунларда содир этилган жиноятларни текшириб чиқиб, мавзу билан алоқадор «Тўлин Ой телбаликлари» деган китоб ҳам ёзган. Китобда шундай таъкидни ўқиймиз: «Фақатгина Францияда эмас, Америкадаги полиция қайдларида ҳам тўлин Ой кечалари жиноятлар сони ортганини кўриш мумкин».

Бундан ташқари, ҳиндистонлик икки олим тажрибасида 1980 – 1984 йиллари тўлин Ой чиққанда жинойтлар сони кескин ошгани аниқланди. Бу икки олимнинг тадқиқотлари нуфузли «Британия тиббий журнали»да эълон қилинган.

Тадқиқотчи профессор С.Р.Тхакурнинг фикрича, жинойтларнинг ортишига инсон вужудидаги баъзи тўлқинлар сабаб бўлар экан. Тўлишган чоғида Ойнинг тортиш кучида ўзгариш бўлиб, инсон вужудидаги сув миқдори баъзан 60 фоизга ошади. Бу туфайли вужудда пайдо бўладиган жисмий ва руҳий ўзгаришлар инсонда кимгадир зулм қилиш майлини орттиради. Тадқиқотчилар беш йил мобайнида уч полиция маҳкамасида тўпланган маълумотларни компьютерга юклаб, натижаларни тўлин Ой вақтлари билан солиштиргач, ана шундай хулосага келдилар.

Тўлин Ой борасидаги тадқиқотлар «Айёми байз» (оқ тунлар) деб таъбир этилган ва қамарий ойнинг ўн уч, ўн тўрт, ўн бешинчи кунларида тутилиши суннат ҳисобланган рўзани хотирага келтиради. Бир неча ривоятларда зикр этилган шарафли ҳадисга кўра, Пайғамбаримиз алайҳиссалом Ой тўлишган бу уч кунда рўза тутишга умматларини даъват этганлар ва марҳамат қилиб деганларким: «Сабр ойи (яъни Рамазон ойи)нинг рўзаси ва ҳар ойда уч кун рўза тутиш кўкракнинг ваҳарини кетказди». («Ваҳар» сўзи араб тилида «кек», «газаб», «адоват», «васваса», «асабийлашмоқ» каби маъноларни англатади). Яна бир ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом марҳамат қиладиларким: «Ҳар ой уч кун рўза тутиш қалбнинг мағалласини кетказди». Саҳобалар сўрадиларким: «Ё Расулуллоҳ, қалбнинг мағалласи надир?» Жавоб бердиларким: «Шайтоннинг ёмонлиги».

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг тўлин Ой кунлари рўза тутишни тавсия этишлари Исломи динининг қиёматга қадар давом этадиган мўъжизаларидан биридир. Тўлин Ойнинг инсон вужудида ўтказадиган зарарли таъсирини Аллоҳнинг марҳамати ила Пайғамбаримиз алайҳиссалом билганлар. Орадан ўн тўрт аср ўтиб, ўзга дин олимлари бу ҳақиқатни илмий асосда исботлаб беришди. Демокриманки, Исломининг бу борадаги тавсиялари жаҳон бўйлаб амалга оширилса, жинойтлар сони камаяр, валлоҳи аълам! Кўкрагида ой давомида зулмга даъват қилувчи руҳий куч тўпланган банд рўза тутиши билан бу кучни бартараф эта олса не ажаб? Бу ҳолат кунлар давомида баданнинг қайси бир нуқтасида тўпланган йирингнинг яна ёрилиб чиқиб кетгач, жисмни азобдан қутқаришига ўхшаган жараённи эслатади.

Жинойтлар турининг кўпайишига табиий жараёнларнинг таъсири ҳозирча илмий жиҳатдан ўрганиляпти. Лекин яна бир таъсир кучи бор-ки, бу кучни инкор этиб бўлмайди. Мен ваҳшат акс этган фильмлар ва оммавий матбуот воситаларини назарда тутяпман. Киши руҳиятига салбий таъсир этувчи фильмлар ҳақида кўпчилик кўпдан бери бонг уради, булар орасида камина ҳам бор ва буни юқорида баён этдим. Аммо афсуским, бу огоҳлантирувчи сўзлар-

га эътибор йўқ. Ярамас фильмларни кўравериб, оқибатда жиноят кўчасига кириб кетганлар ҳақида мисоллар билан ҳам сизларни таништирдим. Жиноятчиларни милиция қўлга олади, прокуратура жазо талаб қилади, суд ҳукм ўқийди. Бу – уларнинг вазифаси. Аммо уларнинг ҳеч бири эсли-ҳушли бир ёш йигитнинг қотилга айланиб қолиш сабаби билан қизиқмайди. У ёки бу фильм ёшлар тарбиясини бузаяпти, унинг намоёишини тақиқлаш керак, деб талаб қилмайди. Бир мисол: бобо неварасининг номақбул ишига танбеҳ бериб «Агар гапга кирмасанг, қулоғингдан чўзаман», деса, уч ёшли набира «Қулоғимдан чўзсангиз, мен қорнингизга пичоқ тикаман», дейди. Бундан бобо ажабланиб: «Вой, бетамиз, бу гапни қаердан ўргандинг?» деса, набира: «Кеча кинода Александро шунақа қилди-ку?» – деб жавоб беради. Бобо ва набиранинг бу суҳбати уйдирма эмас, ўзим гувоҳ бўлганим учун юрагим ачишган ҳолда яна қайта баён этяпман.

Оммавий ахборот воситаларини айблашимдан эҳтимол ажаблангандирсиз. Гап шундаки, кейинги пайтда криминал, яъни жиноятга оид хабарлар биринчи ўринга чиқиб қоляпти. Интернетда, Россия газета-журналлари ва телевидениесида жиноят тафсилотлари аниқ-равшан бериляпти. Айрим хабарларни бизнинг матбуот ҳам беряпти. Масалан, яқинда Япониядаги бир ўқувчи ўқитувчиларини сўйиб ташлабди. Хўш, бу хабарнинг биз учун нима фойдаси бор? АҚШдаги мактабларда тез-тез шунга ўхшаш воқеалар содир бўлиб тураркан. Шуларни биз эълон қилишимиз шартми? Мактабдан безиб юрган, кўнглида жиноятга мойиллик бўлган ўсмирга бу туртки бўлмайдими? Агар шу воқеа таҳлил қилинса, унинг ёмон экани тушунтирилса ёки сабаблари ўрганилса, шундай жиноятнинг олдини олиш чоралари ҳақида сўз юритилса, бошқа гап. Шунчаки икки-уч оғиз сўз билан маълум қилиб қўйишдан сақланишни тавсия этган бўлардим.

Тарихдан маълумки, бирон-бир мамлакат бошқа мамлакатга уруш ҳолатида бўлганида узоқ муддат урушга тайёргарлик кўради. Сўнг қилич яланғочлайди. Дунёдаги барча мамлакатлар ичида ҳам шундай ҳолат мавжуд. Уруш ҳолати бошқа мамлакатга эмас, балки ўз ҳудудидаги жиноят оламига нисбатан бўлгани учун бир дақиқа ҳам сусаймаслиги керак. Сусайдими, жиноят олами қақшатғич зарба беришга шай туради. Уруш чоғи ҳамма фарзандларини душман ўқидан ҳимоя қилади. Жиноят олами билан олиб борилаётган кўзга кўринмас урушда бу эҳтиёт чораси ғоят муҳим. Чунки жангдаги душман ўқидан яраланган боланинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин, аммо жиноят олами томонидан узиладиган ўқ заҳарли бўлади ва ёш умрни барбод этади. Шундан эҳтиёт бўлмоқ шарт. Мазкур баённи қоғозга тушириб, сиз, азизлар эътиборига ҳавола этишимдан мақсад жиноят олами билан олиб борилаётган урушдан сизларни яна бир огоҳ этиш ва бу жангда четда туришнинг жамият учун зарарли эканини эслатишдан иборатдир.

## ЕТТИНЧИ БЎЛИМ

### ТУТҚУНЛИК

#### БИРИНЧИ БОБ

#### ЖИНОЯТ КЎЧАСИНИНГ ОЧИҚ ДАРВОЗАСИ

- *Остона ҳатлангач...*
- *Қотил... 13 ёшда?*
- *Расулulloҳ дедиларким: ...болаларингизни урманг!*
- *Бола жинни эмас, аммо...*

Йигитча ёки қизча ўсмирликнинг нотекис сўқмоғида қоқилди, қил кўприқдан ўтолмади. Озодликнинг қуёши энди унга саодатли нурини сочмайди. Бу ёқда ота-онанинг дили хуфтон, у ёқда ҳаётнинг лаззати нимада эканини англашга улгурмаган тутқун бўлажак йўлида йилт этган нур кўролмай бадбинликка берилади. Айримлари бу руҳий қийноқлар исканжасида тамоман таслим бўладилар. Улар учун энди яшашнинг қизиғи қолмайди. Баъзилари қилиб қўйган гуноҳларини фаҳм этиб, ўзларини оқлаш чораларини излайдилар, белгиланган жазо муддати тугагач, ҳаётга қай тарзда қайтмоқликларини ўйлайдилар. Айрим тоифа эса ўзини шафқатсиз ҳаётдан ўч олган ҳисоблаб, бу йўлдан қайтмасликни қасд қилиб ўтиради.

Бола ҳаётга мослашиш шартлигини билмайди. У тасавуридаги ҳақиқат ва адолатга ҳаётнинг бўйсунини истади. Ҳаёт эса... аёвсиздир.

Жиноят кўчаси остонасида турган ўсмир билан бу остонани босиб ўтиб, қамоқ жазосига ҳукм қилинган маҳкумнинг руҳий кечинмалари орасида катта фарқ мавжуд. Худди шунингдек, қамоқда ўтирган катталар билан ўсмирларнинг руҳий олами бири-бирига асло ўхшамайди. Катталар ҳаёт тажрибасига асосланиб, руҳ азобларини қаноат билан енгмоққа уринадилар. Ҳаёт тажрибасига ҳам, сабр-қаноатга ҳам эга бўлмаган ўсмирлар эса ўз ғам-аламлари билан ёлғиз қоладилар.

Болаларга жазо бериш масаласини аввалги бўлимда қисман ечмоққа уриниб кўрилган эди. Энди эътиборингизни асосан шу муаммога қаратсам.

Инсон яхши тарбия кўрмаган ва турмушда тажриба орттирмаган бўлса, у кўп нарсаларни назарга илмайди ва ундан жирканади. Бундай нарсалар унга ноўрин кўринади. Ва айнан шу нарса унга тутқунлик эшигини очиб беради. Инсон билим ва тажрибага эга бўлгандан сўнг фикри ўзгаради, ноўрин бўлиб кўринган нарсалар зарурий бўлиб чиқади. Америка адиби Марк Твен «Отам ўн тўрт ёшимда аҳмоқ эди, йигирма тўрт ёшимда ўйлаб қарасам, отам ақлли, мен эсам аҳмоқ бўлган эканман», деб ёзади. Ҳақиқатни англаб етиш учун йиллар керак. Афсус шундаки, баъзи ўсмирларнинг оқибатда ҳақиқатни англаб етмоқликлари учун тутқунлик имтиҳонидан ўтмоқликларига тўғри келади.

### **Бола неча ёшида жазоланиши мумкин?**

Саволга жавоб қайтармоқ учун жазо турини иккига ажратсак: яъни, уйдаги шўхлиги ёки бевошлиги учун биз – ота-она томонидан белгиланувчи жазо. Иккинчиси – жамиятга етказган зарари туфайли бериладиган жазо. Ота-онанинг ҳукми ва бу ҳукмнинг ижроси орасида баъзан бир нафас ҳам вақт ўтмайди. Боланинг айби аниқланиши ҳамон ё сўкилади, бақиради, ёки тарсаки тушириб қолинади. Уйда болани жазолаш учун аниқ ёши белгиланмайди. Фарзанд гўдаклик чоғидаёқ жазога мубтало бўлади. Агар кўпроқ йиғлаб юборса, тагини бемаврид ҳўл қилиб қўйса ёки пиёладаги чойни бехос тўкиб юборса... дарров жазога тортамыз. Ҳолбуки, бола бу ишлар учун айбдор эмас. Агар атайин айб қилса, жазо тўғрисида ўйлаб кўриш мумкин. Аввалги боблардан биринида айтганим японларнинг, яҳудийларнинг болаларни жазоламасликларини яна бир бор эслаб ўтишни лозим деб билдим. Бола кўчадаги дўконда кўзларни ўйнатиб турувчи ўйинчоқни кўриб «олиб беринг», деб хархаша қилса ҳам уришимиз керакми? Бола бизнинг хатти-ҳаракатимизни синчиклаб кузатади. Қайси нобоп иши учун кимдан қандай жазо олишини билади ва ўзича шунга яраша чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Онаси кўпинча танбеҳ билан шуғулланади. Демак, ундан чўчимаса ҳам бўлади. Отасининг қаҳри ёмон, ундан кўрққулик... Боланинг ёлғон тўқиши ёки айбни бошқаларга ағдаришга уриниши жазонинг ким томонидан кутилишига боғлиқ бўлади. Шафқатсиз жазолашга одатланган хонадонда бола айбга иқрор бўлиш, тантилик, мардлик, кўрқмаслик, инсоф, қатъийлик каби фазилатлардан бегона равишда улғаяди.

Бола бувисининг чиройли пиёласини синдириб қўяди ва кўрқиб кетади. Шунда ота унга бақирмади, аксинча, бошини силаб, «Кел, иккаламиз бувингдан кечирим сўраймиз, эртага бундан ҳам яхшисини олиб берамиз», дейди. Халқимизда бунақа вазиятда айтиладиган яхши гап бор: «Келган бало-қазо шунга урган бўлсин». Оилаларимизда шу каби ижобий ҳолатга дуч келамизми ё синдирилган пиёла учун калтакланган боланинг мунгли кўзларигами?

Оилаларнинг одоб ва маданий даражаси бир хил эмаслиги маълум. Шундан келиб чиққан ҳолда болалар тарбиясига эътибор ҳам турлича. Айрим оилалар бола тарбияси билан шуғулланмоқчи бўлади,

боласининг баодоб тарзда вояга етишини истайди, аммо бунга ўзларида етарлича илм ва тажриба етишмаслигидан қийналади, бу тоифадаги баъзи оила бошлиқлари «тирикчилик ташвиши» деган баҳона билан ўз истакларига ўзлари ғов бўладилар. Айрим оилалар ғоят даражада маданий ва зиёли бўлганлари сабабли бола тарбиясига вақт ажрата олмайдилар ва бу иш билан шуғулланишни ўзларига ортиқча ташвиш деб биладилар. Бола тарбияси уларни асосий ишдан чалғитгандай туюлади гўё. Афсуслар бўлсинким, яна шундай оилалар борки, улар бола тарбияси билан шуғулланишни иташмайди. Буларни «оғир оила», деб аташади, биз эса булар оила деган муқаддас номга умуман нолайиқ деб ҳисоблаймиз. Фарзанди ҳам, иймони ҳам бузуқлик ва ароқхўрликдан иборат икки жинсининг ҳайвоний қўшилувини «оила» деб аташ мутлақ ноўриндир. Шунинг учун ҳам жамият уларни кўп ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этади. Бу маҳрумлик эҳтимол оддий жазо бўлиб туюлар. Ҳар ҳолда айбдор қамалмаяпти, жарима ҳам солинмаяпти. Моддий ва жисмоний оғриққа мубтало этилмаяпти. Лекин, бизнингча, тушунган одамлар учун бу ўлим жазосидан ҳам баттарроқдир. Ўз фарзандига оталик ёки оналик ҳуқуқидан, уни суйиб эркалашдан, кексайганда эса унинг роҳатини кўришдан маҳрум бўлгандан кўра ўлиб кетгани минг карра афзалроқ. Ўйлаб қарасак, маҳрумлик – ўлимнинг ўзгинаси. Фақат жисман эмас, руҳан ўлмоқликдир. Ота-оналик ҳуқуқидан маҳрумлар аслида руҳан ўлиб бўлган – тирик ўликдирлар.

Ўрни келганда қандай ҳолларда ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинишини эслатиб ўтай. Оила кодексида баён этилишича: ота ва она ёки уларнинг бири ота-оналик мажбуриятларини бажаришдан бош тортса, шу жумладан алимент тўлашдан бўйин товласа; узрсиз сабабларга кўра ўз боласини туғруқхонадан ёки бошқа даволаш муассасасидан, тарбия, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш муассасаси ва шунга ўхшаш бошқа муассасалардан олишдан бош тортса; ота-оналик ҳуқуқини суистеъмол қилса, болаларга нисбатан **шафқатсиз муомалада** бўлса, жумладан, жисмоний куч ишлатса ёки руҳий таъсир кўрсатса; муттасил ичкиликбозлик ёки гиёҳвандликка мубтало бўлган бўлса; ўз болаларининг ҳаёти ёки соғлиғига ёхуд эри (хотини)нинг ҳаёти ва соғлиғига қарши қасддан жиноят қилган бўлса, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиниши мумкин. Суд боланинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда ота-онани ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилмай туриб, болани ота-онадан (уларнинг биридан) олиш тўғрисида ҳал қилувчи қарорни чиқариши, яъни ота-оналик ҳуқуқини чеклаши мумкин. Бу ҳолда ҳуқуқи чекланган ота-она болани шахсан тарбиялаш ҳуқуқидан, шунингдек, болалик фуқаролар учун қонун ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва нафақалар олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Ҳуқуқининг чекланиши ота-онани болага таъминот бериш мажбуриятидан озод қилмайди.

Уйда болага жазо бериш ҳақида сўз кетганда олимларнинг бир тадқиқотига эътиборингизни жалб **этишни** лозим деб билдим.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган оилаларнинг 46 фоизида болани шафқатсиз равишда калтаклаш кузатилган, 15 фоизида айб иш қилиб қўйган бола уйдан ҳайдаб чиқарилган, 11 фоизида ўз фарзандларини таомланишдан маҳрум қилишган, яъни оч қолдиришган, 13 фоизида боғлаб қўйишган ёки ертўлага қамашган, 10 фоизида уриб, майиб қилишган. Болаларга офирмиенгилми жазо берилаётганини кўрсам ё эшитсам, туркларнинг ашуласини эслайман, ўзбекча ифодаси бундай: «Бизим гўдакларимиз улар, бизим авлодларимиз, меҳрга, шафқатга эҳтиёжлари бор. Севинг уларни, севинг уларни, пешонасидан ўпинг уларни!»

Фарзандларини жазолашни афзал билувчиларга шарафли ҳадислардан бирини эслатмоқни лозим кўрдим: «... хотин ва болаларингга калтак кўтарма, тўғри йўлдан юрмаса, бола-чақаларингни Аллоҳ таолонинг қаҳри-ғазабига дучор бўлишлари билан қўрқит».

Уйдан қочиб кетувчи болалар ҳақида гапирган эдим. Улар орасида айнан ҳақсиз жазодан безиб кетганлар кўпчиликни ташкил этади. Яқинда бир қарашда суюнчли, бир қарашда афсусли хабар билан танишдим. Россиялик опа-сингил ўғирланиб, Юнонистонга сотиб юборилган экан. Улар бир неча йил ичида топилиб, Ватанга қайтарилганлар, лекин... улар оналари бағрига қайтишни истамаганлар. Бунга нима деймиз?

## **ИККИНЧИ БОБ**

### **«ЭТИ СИЗНИКИ, СУЯГИ БИЗНИКИ»**

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларидаги мактабни эсласам, биз ўқитувчиларимиздан қўрқар эдик. Айрим болалар оталаридан ва муаллимларидан кўрққанлари учун ҳам мактабга келардилар, уйга берилган вазифалар ҳам илм олишга интилиш туфайли эмас, жазога учрамаслик учун бажариларди. Устозларнинг «қулоқчўзма»лари, тарсаки туширишлари одатий ҳол эди. Қадимда болани мактабга ёки ҳунарга беришда ота-она «Эти сизники, суяги – бизники» дер экан. Бунинг маъноси: ҳар қанча уриб тарбияласангиз ҳам розиман, фақат ногирон қилиб қўймасангиз бас. Бугун аҳвол бутунлай бошқача. «Қулоқчўзма» ҳам йўқ. Ўқувчини койиб қўйган муаллимани оналар (оталар мактабга кам келишади) юлиб ташлашга тайёр бўладилар. Болани мактабда жазолаш мумкинми, деган масала ниҳоятда жиддий бўлгани сабабли, сизни хаёлан ўтмиш сафарига таклиф этай. Устоз Абдулла Қодирий айтганларидек, «Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик, дейдилар». Биз кейинги пайтда янги мактабларимиз, янгича ўқитиш услубларини мақташ билан овора бўлиб, эскиларини бутунлай унутиб қўйдик. Ҳолбуки, ўтмишдаги мактаб бизларга икки томонлама ибрат бўлиши керак. Ўтмиш мактабини биз кўрмаганмиз, шунинг учун кўрганларнинг баёнидан, тоғам Мирзакалон Исмоилийнинг «Фарғона тонг отгунча» китобларидан бир лавҳани эътиборингизга ҳавола этаман:

«Ҳар бир ота боласининг ўзидан ўтик, ўзидан етук одам бўлишини орзу қилади. Уста Баҳром ҳам ўзи ололмаган билимни ўглига олиб бермоқчи бўлди. Дилшод саккиз ёшга қадам қўйганда уни яхши умид билан Тешиктош мачитидаги мактабга элтиб берди. «Эти сизники, устухони бизники, ишқилиб, ўқитиб одам қилинг», деб Дилшодни жоҳил Сумбут домлага топшириб кетди. Худди қўйни бўрига топширгандек топширди.

Дилшодда ёшлиқда илмга ҳавас бор эди. Мактабга борадиган кузи қанчагача суюниб юрди. Индинга мактаб деганда суюнганидан икки кеча ухламади. Отаси «эту суяк» савдосини қилиб турганда ҳам, уни бир пўписа деб ўйлаб тариқча қўрқмади, кулиб жилмайиб тураверди.

Шундай қилиб, Дилшод мактаб бола бўлди. Мактабга қатнайдиган бошқа болалар қатори абжадини кўтариб юраверди. Лекин нима ўқиётганига тушунмас эди. «Ўзим шундайми», деб қараса, бошқа болалар ҳам тушунмас экан. Шундай бўлса ҳам икки йил жон куйдириб ўқиди. Икки йил ичида «алиф», «бе», «вов», «итқи», «изғи», «дол», «зол», «сот», «зот», «қоф», «коф», «лом», «мим», «нун», яна шуларга ўхшаган бир қанча тил келмайдиган ҳарфларни ўрганди. Аммо буларни бир-бирига қўшиб ўқишга ҳар қанча ҳаракат қилса ҳам бўлмади. Қандай қўшишни, қандай ўқишни билмас эди. Домла эса бу ҳарфларни қўшиб ўқиттиришга эмас, тўғри айттиришга зўр берар эди.

Бир кун бундай бўлди. Қишнинг совуқ кунларидан бири эди. Болалар шумтирашиб мактабга келдилар. Дилшод ҳам абжадини қўлтиқлаб совқотиб кирди. Мактабхона отхонага ўхшаган кенг эди. Дераза деган нарса йўқ. Ёруғ фақат қишин-ёзин очиқ турадиган эшикдан тушади. Шунинг учун ичи ола қоронғи. Болалар бўйи икки қарич қилиб гувала билан урилган охурга ўхшаш чуқурда ўтиришади. Остларида бурга бижиллаб ётган похол, орқаларида зах уриб турган девор. Домла бўлса эшикнинг ўнг томонидаги кенг супага қурилган сандалга қўл-оёғини тикиб, иссиқда мудраб ўтиради. Гоҳ-гоҳида кўзларини очади-да: «Ҳа, ўқинглар!» деб ўшқириб қўяди. Болалар совуқда музлаб, қўлларини енгарига, бошларини елкаларига тикиб дилдирашади. Дилдираб ўтириб, ҳар ким ўз сабоғини қайтариб қичқиради. Бир нима деётганига ўзи ҳам тушунмай: «апаламза, ал, ҳевамиза ҳам-алҳам, дол пешду, алҳамду», деб чинқирса, бошқа бирови сўфи Оллоёрдан:

*«Ёмон хотун шаётун қамчисидир  
Қўлин боғлогувчи аргамчисидур!» –*

деб ёшига тўғри келмаган насиҳатини айтиб қичқиради. Бошқа бир бурчакдан чор китоб ўқиётган «Фарз айн» ўрганаётган, Қуръон ёдлаётган пешқадам болалар, халфаларнинг чурқиллаши эшитилади. Бу ер мактабхонани эмас, неча хил катта-кичик қушлар йиғилиб, ҳар қайсиси ўз тилида, ўз йўриғида чурқиллаган шовқинли оролни эслатади.



– Дилшод!

Бир-биридан овозини оширишга тиришиб чурқиллашаётган болалар шовқини ичида Дилшод домланинг чақирганини эшитмади. Домланинг жаҳли чиқди. Бурчакда суёғлик узун таёқни олдида, сабоғини қайтариб ўтирган Дилшоднинг бошига қақиллатиб туширди. Дилшод бошини ушлаб, домласига қаради.

– Бу ёққа кел, ҳароми!

Бу домланинг оғзидан чиқадиган оддий гап бўлгани, болалар бу хил ҳақоратларга ўрганиб қолгани учун Дилшод ҳам хафа бўлмай, абжадини кўтариб борди. Дилшоддан домла «зол», «зот», «изғи» ҳарфларининг ёзилишини, қандай айтилишини сўради. Сўраганда ҳам қош-қовоғини солиб, хўмрайиб сўради. Дилшод бу ҳарфларнинг ёзилишини, бир-биридан фарқини яхши билса ҳам, айтишга ҳеч тили келмас эди. Айтолмади, «зол» билан «зот»ни айтганда «з» бир хил бўлиб эшитилди. Домла жаҳли чиқиб, Дилшоднинг ўнг бетига тарсаки тортиб юборди. Бояқишнинг бурни қонади, лекин йиғламади. Бурнини энги билан артиб, «зот» билан «зол»ни тўғри айтишга ҳаракат қилди. Бари бир тили келмади. Унинг она тилисида бундай товуш йўқ эди. Кейин домла айтиб кўрсатди. Лекин унинг айтгани ҳам Дилшодникидан унча узоқ эмасди.

– Мановини айт! – деди ахири домла, бармоғини уч нуқтали «с» га қадаб.

Араб ёзувида уч хил «с» бор эди. Шулардан бирига болаларнинг тиллари келарди-ю, иккитасига ҳеч тиллари келмас эди. У икки «с» араб тилининг ўзбек тилига ёт табиати учун киритилган шакллар эди. Буларни айтилишига қараб эмас, кўпинча шаклига, ёзилишига қараб фарқ қилардилар. Шунинг учун Дилшод ҳам:

– Уч нуқтали «с», – деб жавоб қилди.

Домланинг яна жаҳли чиқди. Урмоқчи бўлди-ю, лекин бу сафар инсоф қилди.

– Кўриб турибман, уч нуқтали! Сен айтиб кўрсат, қандай айтилади? – деди кўзларини ола-була қилиб.

– «С», – деди Дилшод.

Домла энди Дилшоднинг чап бетига тарсаки тортиди:

– Ҳайвон!

Бу қичқирдиқ болалар шовқинини яна кучайтирди. Ҳар бир бола Дилшод кунига тушмаслиги учун овозининг бориचा қичқирди. Тил учини остки қатор тишларга тегизиб, устки қатор тишлар билан хиёл босиб айтиладиган чораки овозли «С» дан ҳеч нарса чиқмагандан кейин домла «айн»ни сўради.

– «Айн», – деди Дилшод содда қилиб.

Домла яна асабийланиб қалтиради:

– Қандай айтилади, кучукбачча!

Бу ҳам «зол», «зот», уч нуқтали «с» каби араб тилининг нози билан бояқиш болалар бошига калтак бўлиб тушган ўндан ортиқ ёт товушларнинг бири эди. Бу кичкина тилни томоққа кўндаланг қилиб қўйиб, оғзига бир қошиқ бўтқа солиб олинганда гапирилгандай қилиб айтиларди. Дилшод бўлса ўзи билганича:

– «А», – деди-қўйди.

Домла ҳурмат билан чўккалаб ўтирган Дилшодни кўкрагидан итариб юборди. Бола супадан пастга ағдарилиб тушди.

– Йўқол кўзимдан, эш-шак! Одам бўлмайсан, ҳайвон! – деб ўшқирди домла ерда ағдарилиб ётган Дилшодга.

Дилшод араб товушларини тўғри айтолмаганига ўзи ҳам қойил эди. У, «одам бўлиш учун фақат шунигина билиш шарт бўлса, одам бўлишнинг бирдан бир шарти шу бўлса, чиндан одам бўлмас эканман», деб ўйлади-да, одам болалари учун қилинган охурдаги ўринга эмас, очиқ эшикка қараб юрди. Домланинг: «Эшшак! Ҳайвон!» деб қилган ҳақорати кичкина гавдасидаги катта инсоний иззати нафсини хўрлаган эди.

Домла Дилшоднинг аразлаб чиқиб кетаётганини кўриб, жонининг борича қичқирди.

– Тут ҳаромини!

Шундай вазифаларни бажариш учун жўрттага четда ўтирадиган Зуннун номли зўпидин бор эди. Домла «тут» дейиши билан икки ҳатлаб Дилшодни тутиб келди.

– Кўтар орқанга баччаталоқни!

Зуннун Дилшодни гираклаб турган эди. Домланинг буйруғидан кейин қўзини бир силтов билан орқалаб олган оч бўри сингари, Зуннун ҳам Дилшодни чаққонгина орқасига олди. Тожибой баззознинг ўғли Носирбой билан Худойберди вофурушнинг ўғли Бердиқул Зуннунга ёрдам қилиб юборишди. Дилшод аввал оёқларини типирчилатиб қаршилиқ қилди. Қўлларини Зуннун омбуридан, оёқларини икки ёрдамчи чангалидан чиқаролмаганидан кейин эса бошини Зуннун бошига қўйиб, кўзларини мўлтилатиб турди.

Домла шифтга осиб қўйилган бир боғлам нозик тут новдасидан бирини суғуриб олди. Дилшоднинг эғнида гуппи тўн борида, уни бошидан қайтариб қўйдилар, бадани қўйлакчан қолди. Домла супа четида, Зуннун эса Дилшод орқасини унга тўғрилаб пастда турарди. Болалар жим. Калтак ўз орқасига тушадигандек ҳамма ваҳимада. Домла болаларга қараб:

– Бу хурофот Оллоҳу таолонинг калому шарифларини бутмоқлик учун ўз осий бандаларига табаррук қилиб юборилмиш хурофоти шарифдирким, ани бузмоқлик катта гуноҳдир. Гуноҳкорнинг жазоси шу бўлур! – деди.

Дилшоднинг икки кураги ўртасига юмшоқ тут новдаси шит-шит туша бошлади.

Дилшод ҳар новдада сапчиб-сапчиб тушса ҳам йиғламади. Кўзидан бир қатра ёш чиқмади. Фақат пастки лабини маҳкам тишлаб тураверди. Лаби қонади. Ўнинчи говрон урилгандан кейин ерга туширишди. Ана шундагина Дилшоднинг кўзлари тинди. Гандираклаб бориб остонага йиқилди.

Домла қичқирди:

– Обор, жойига ташла!

Зуннун суяб бориб охурига ўтқазди, Дилшод шилқ этиб йиқилди. Ёнида Тўфақизнинг акаси – Қамбарали ўтирар эди. У Дилшодни қучоғига ётқизиб олди. Дилшод ҳушидан кетди. Аммо узоққа чўзилмади. Болаларнинг ҳар хил овоз ва ҳар хил баландликда қичқиришлари уни яна ҳушига келтирди. У болаларнинг ўзлари тушунмаган сабоқларини бақириб-чақириб қайтаришганларига қулоқ солиб ётди. Болалардан бирининг овозини эшитиб, мийиғида кулди, у ҳазиллашибми ё биров шундай ўргатганми, нуқул:

*«Апаламза – ал,  
Тўхтаҳўжа – кал,  
Биби – шапоқ,  
Қамбар – бўқоқ...» –*

деб қайтарар эди. Балки бу айтилиши қийин араб товушларини осон ўргатадиган ўнғай усуллардан биридир! Дилшод ётган ерида: «Нимага илгари эшитмаган эканман? Мунча қизиқ!» – деб ўйлади. Бола эса ҳамон «Биби – шапоқ»ни қўймай такрорлар эди. Аммо бундан нима ўрганишини, қандай наф чиқишини бошқалар тугул ўзи ҳам билмас эди. Дилшоднинг қулоғига яна бир боланинг овози эшитилди. У нуқул: «Ватнад», «Дахнав», «Хатнаб», «Тафто» деб қичқирар эди. Дилшод ичидан эзилиб хафа бўлди. «Бизни шундай қийнагандан кўра, ўз тилимизда: олти ерда тўққиз – элик тўрт, етти ерда саккиз – элик олти, саккиз ерда тўққиз – етмиш икки, **тўққиз** ерда тўққиз саксон бир, деб ўргатишса нима қилар экан?» – деб ўйлади.

Дилшод шу хил ўксиб, хўрлиги келиб «озодлик»кача ётди. Домла озодлик эълон қилгандан кейин болалар қамоқхонадан чиққан маҳбуслар сингари ирғишиб, суюнишиб, ҳар оҳангда қичқиришиб уй-уйларига югуришди. Фақат иккита болагина болалар шодлигига қўшила олмади. Булар – орқасини говрон ялаган ярим ҳушсиз Дилшоду, уни суяб кетаётган дўсти Қамбарали эди.

Ана шундан кейин Дилшод бир ҳафта ўқишга бормади, тўғриси – боролмади. Бир неча кун иситма чиқиб алаҳлаб ётди. Тузалгандан кейин онаси бағрига босиб, бошини силаб ўтириб насихат қилди.

– Боравер, болам. Домланинг урган еридан у дунёда гул **униб** чиқади. Домла уганда суюниш керак. Урган билан одам ўлиб қолмайди, қайтага, гул унади. Кўнглингни бўлмай ўқий бер, жон болам...

\* \* \*

Бу манзарани биз Садриддин Айнийнинг «Эски мактаб» китобида, сўнгроқ Кибриё Қаҳҳорованинг хотираларида ҳам ўқиган эдик. Адашмасам, айбдор боланинг оёқларини савалаб, ёрилган товонига туз босишар эди ва буни одатий ҳол, тарбия ўрнида қабул қилишган. Ҳолбуки, бу тарбия эмас, ваҳшийликнинг бир кўриниши бўлган. Шунинг учун ҳам жадидлар мактабнинг бу усулига жиддий қаршилик кўрсатганлар. «Фарғона тонг отгунча»даги

Дилшод мактабдан бешиб, меҳрибонлик билан таълим берувчи рус аёлига боради. Ҳаётда ҳам шундай бўлган. Рус-тузем мактаблари очилгач, ота-оналар шу янгича таълимни афзал билишган.

Тўғри, ўтмишдаги улуғ алломалар шу каби биз «эски» деб атай-диганимиз мактабларда билим олганлар. Жоҳил мактабдорлар билан бир қаторда билимли, меҳрибон устозлар ҳам бўлишган.

Бугунги мактабларга назар ташласак, меҳрибон устозларни ҳам кўрамиз, шафқатсизларини ҳам учратамиз. Болаларни калтаклаш хусусида баҳс очилса, калтак тарафдорларини учратишимиз табиий. Фақат муаллимлар эмас, ҳатто ота-оналар орасида ҳам «болани уриб туриш керак», деб ҳисобловчи аёвсизларни кўрамиз. Муаллим бировнинг боласини уради. Ота ёки она эса ўз фарзандини уради, баъзан аёвсиз равишда, ногирон қилиб қўйиш даражасида урганларни кўриб ёки эшитганимда юрагим эзилиб кетади. Ўз фарзандини урувчи ота ёки онанинг юраги тошдан бўлса керак. Аллоҳ намозни фарз қилган ёшгача болаларга гуноҳ ёзилмайди. Агар белгиланган ёшда намоз ўқимаса уриш тавсия этилган. Лекин биздаги каби аёвсиз тарзда эмас, балки тўннинг этаги билан пўписа ўрнида уриб қўйиш назарда тutilади. Фарзандларини гўдаклик чоғиданоқ уриб ташлайдиган ота-оналарга улуғ олим Пифагорнинг бир гапини эслатаман: «Қабрингиз устида йиғлай олишлари учун фарзандларингизнинг кўз ёшини тўкманг».

Бизнинг мактабларда болаларни уриш қатъий тақиқланган бўлишига қарамай, жазонинг турли усулларида фойдаланиш ҳоллари учрайди. Айрим мамлакатларда болаларни уришга қонун йўли билан ижозат этилади. АҚШнинг баъзи штатларида калтаклаш тақиқланган, баъзиларида эса рухсат берилган. Шунинг ўзиёқ одамзот бу масалани адолатли ҳал этишга ҳамон ожиз эканидан далолат беради.

Менинг бу борадаги шахсий фикримга келсак, ким бўлса бўлсин: муаллимми ё ота ва онами, болани уришига мутлақо қаршиман, ҳатто баъзи ўринларда шафқатсиз ота ва оналардан нафратланаман. Ота-онасидан кўрқиб яшайдиган болаларга ачинаман, уларнинг кўрқувдан мўлтиллаб турган кўзларини кўрсам йиғлагим келади. «Мен ор-номусга ва эркинликка ҳурмат руҳида ўстирилаётган ёш қалбни тарбиялашдаги ҳар қандай зўрликни қоралайман. Қаттиққўллик ва мажбурийликда қандайдир қўллик белгилари бор, мен ақл, эҳтиёткорлик ва маҳорат билан қилиш мумкин бўлмаган нарсага куч билан асло эришиб бўлмайди, деб ҳисоблайман» Камина XVI асрда яшаган француз адиби Мишель Монтеннинг бу ҳикматли гапларига ҳамфикрман.

Оилада ота ва онанинг зўравонлиги ҳукм сурса, бола ҳамини кўрқувда яшайди ва бу кўрқув унда турли иллатларни тарбиялайди. Онасининг қўлида пичоқни кўриб, «Энди ўлдирадилар!» деган кўрқувда тилдан қолган қизчани эслайлик. Ўзини осган иккинчи синф ўқувчиси-чи?

«Ўзингни осгин» деган муаллиманинг нодонлигини бир эслаш асосида тарбиячилар масъулиятини ҳам эслатиб ўтай. «Тарбиячи»

– шунчаки бир касб эмас, балки ҳам шараф, ҳам масъулиятдир. Биз Аллоҳга «Раббим», деб илтижо қиламиз. «Раббим» – «тарбиячим» демақдир. Аллоҳ фақатгина яратувчи – Холиқгина эмас, бандаларининг тарбиячиси ҳамдир. Ердаги тарбиячилар Аллоҳнинг бу борадаги холис хизматчилари бўлганлари боис ҳам уларнинг касби шарафлидир. Яхши муаллим бўлиш учун нимани ўқитсанг – ўшанга, кимни ўқитсанг – ўшаларга меҳр қўймоқ зарур. Сўз дегани тарбиячи-муаллимларга ўз фикрларининг баёни учун эмас, балки бошқалар тафаккурини уйғотиш учун берилган. Қаердаки бўлмасин, сўз одамлар ўртасидаги воситачилик хизматини ўтар экан, айниқса таълим соҳасида ортиқча гапириш ҳам, гапни тўмтоқ тугатиш ҳам номақбулдир. Ота ва она ҳам, устозлар ҳам энг аввало тарбияланувчининг том маънодаги одам бўлиб етишиши ҳақида ғамхўрлик кўрсатишлари шарт. Чунки қобилиятли одамни тарбия қилмаслик – зулмкорликдир. Ноқобил одамга эса тарбия хайф ҳисобланиб, тарбияни аяб, унисини нобуд этмаслик, бу тоифага эса тарбияни зое қилмасликни тавсия қилганлар. Донолар айтганидек: «Агар тарбия кўрмаса одам, эшак бўлиб қолур юзга кирса ҳам». Ҳазрат Навоий дейдиларки:

*Қобилга тарбият эрур ул навъким, гуҳар,  
Тушса нажосат ичра юргай кимса они пок.  
Гар ит узумига киши май бирла берса сув,  
Бу тарбият била қила олғайму они ток.*

*(Қобилиятли кишига берилган тарбия гавҳар каби қимматлидур. Гавҳар нажосатга тушса ҳам ювилса тозаланади, қимматини йўқотмайди. Итузум май билан сугорилса ҳам итузумлигича қолади, ҳеч замон токка айланмайди.)*

Мактаб вояга етаётган авлод тафаккурини шакллантириш устaxonасидир; агар келажакни қўлдан чиқаришни истамасанг, мактабни қўлда мустаҳкам тутмоғинг керак... Мактабнинг вазифаси муайян билимларни беришдангина иборат эмас, балки шу билимларнинг жонли ҳаёт билан чамбарчас боғлиқлиги ва улар қай тарзда шу ҳаётни ўзгартира олишини кўрсатишидадир. Тарбиячи-муаллимнинг бутун фахри ўқувчиларида, ўзи сочган уруғларнинг ўсишидадир... Муаллим энг масъул вазифани адо этади – у инсонни шакллантиради. Илмда кучли бўлган, уни яхши эгаллаган ва унга ихлос қўйган муаллимгина жами ўқувчиларга самарали таъсир кўрсата олиши мумкин. Софоклнинг «Инсон учун хизмат қилмаган тафаккур ниҳоятда даҳшатлидир», деган ҳикмати бугунги кунимиз учун ҳам долзарблигини эслатиб ўтаман. *(Софокл)*.

Мавзуни яқунлашдан олдин ўтмиш донишмандларининг фикрларига асосланган ҳолда яна болани уриш масаласига қайтмоқчиман.

«Болани сўксанг – бети қотар, урсанг – эти» деган мақолга эътирозим йўқ. Баъзи одамларнинг айбини айтиб, танбеҳ берсангиз, кўзини лўқ қилиб, без бўлиб тураверади. Назаримда, бу тоифа одамлар

болалигида кўп сўкиш эшитаверганидан бети қотиб кетган бўлса керак. «Таёқ айиқни ҳам мулла қилар» – бу мақолни бола тарбиясига қўлаб бўлмайди. Агар таёқ яхши тарбия воситаси бўлганида эди, унинг ижобий самарасини энг кўп таёқ ейдиган эшакда кўрган бўлардик. Бу борада Суқрот ҳақимнинг «Сўз таъсир қилмаган одамга калтак ҳам ўтмайди», деган ҳикматлари гоят ўринлидир. Абулқосим Замахшарийнинг «Виждон азобию таънадан тўғри бўлмаган кимсани таълим-тарбия ва қийнаш билан ҳам тўғрилаш амри маҳол», деган ҳикматлари неча асрларни оралаб бизга етиб келибдими, демак, ҳаёт тажрибасидан ўтган айни ҳақиқатдир.

Болани сўкишса, уришса ва турли йўллар билан хафа қилишса, у энг кичик ёшиданоқ ўзини ёлғиз сеза бошлайди. Агар бола ёмон иш қилганлиги учун жазоланиб, яхши иш қилганлиги учун тақдирланса, у яхши ишни фақат фойдаси учун қиладиган бўлади. Кам таҳқирланган бола ўз кадр-қимматини яхши англайдиган киши бўлиб етишади.

Худди бола фикри каби бола ҳиссиёти ҳам зўрлик қилмасдан бошқарилмоғи лозимлигини унутмаслик керак. Кўпол куч ишлатганга қараганда яхши гап билан ҳар доим кўпроқ натижага эришилишини барча билади-ю, лекин бу ҳақиқатга амал қилувчилар кам. Тарбия бобида болани сўкиб мақсаднинг учдан бирига, севиш ва сийлаш билан ҳаммасига эришилади. Яхши гап билан эриша олмаган одам қаттиққўллик билан ҳам эриша олмайди. Мажбурлаб ўргатиш, зўрлаш туфайли эришилган ҳамма нарса омонат, нотўғри ва ишончсиздир. Тарбия соҳасидаги бола учун биринчи сабоқ, майли, итоаткорлик бўла қолсин – шунда муаллим ёки ота-она нимани зарур деб топса, ўша иккинчи сабоқ бўлади.

### **УЧИНЧИ БОБ**

#### **«БОШҚАЛАР НИМА БЎЛСА, БИЗ ҲАМ ШУ»**

Ҳуқуққа доир расмий ҳужжатларда «Бола – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс», деб белгиланади. Бу соҳани ўрганувчи мутахассислар эса ўсмирлик ёшини 12-14, 15-16 ва 17-18 деб белгилайдилар. Албатта, бу тахминий бўлиниш. Унда болаларнинг табиий ва руҳий ўсишларидан кўра мактабда ўқийдиган синфлари кўпроқ эътиборга олинган. Жиноят учун жазо белгилаш масаласига келсак, бўлиниш сал ўзгачароқдир. Яъни бола бизда 13 ёшидан жазога тортилиши мумкин. Бу ёшда асосан бола қотиллик учун жазоланади. 14 ёшдан эса ўғирлиги учун жазога тортилади. 13 ёшдан кичикроқ болалар жиддийроқ айб қилсалар, улар махсус мактабларда тарбияланадилар (Бу ҳақдаги баҳслар хусусида аввалги бобларда сўз юритилиб, мавзуга яна қайтамиз дейилган эди, ёдингиздадир).

Жазо ҳақида гап кетганда Ўзбекистон Республикасининг жиноят кодексига мурожаат қилмоқликка тўғри келади:

«Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганларнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади».

«Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларнинг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн икки йилгача тайинланади».

«Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси – ўн икки йилгача муддатга, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса, ўн беш йилгача муддатга тайинланиши мумкин».

Жиноят кодексидан айрим баёнларни келтирганим бежиз эмас. «Биз жиноят ва жазога тааллуқли қонунлардан яхши хабардор эмасмиз», дейилса, рад этишга шошилманг. Мазкур даъвони осмондан олганим йўқ. Ота-оналар, муаллимлар, болалар орасида тарқатилган сўровларимнинг натижаси каминани шу фикрга олиб келди. 13 ёшдаги болани жинойий жазога тортиш мумкинлигини кўпчилик билмас экан. Сўралган ота-оналарнинг 80 фоизи 15-16 ёшдан ошган бола жинояти учун қамалиши мумкин, деб ўйларкан. 15 фоизи 14 ёшли боланинг қамалиши мумкинлигини биларкан. 5 фоизи эса «14 ёшли бола ҳам жинояти учун қамалиши мумкин», деган гумонда экан. Бу кўрсаткич муаллимларда бир оз яхшироқ, яъни ҳақиқатга яқинроқ. Бунинг сабаби: улар бевош, бўйсунмас болалар туфайли милиция билан алоқадалар ва шу жараёнда ҳуқуққа доир маълум билимга эга бўладилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган дастурий принциплари»нинг 1-моддасида: «Балоғатга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш – жамиятда жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим қирраси ҳисобланади», деб белгиланган вазифа барчанинг диққат марказида бўлиши керак. Чунки болалар ўртасидаги жиноятчиликка тўсиқ қўймай туриб, катталар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашиб бўлмайди.

Ҳуқуққа доир билим олишнинг даражаси суст экани ҳақида ташвишланиб кўп гапирилади. Болалар ва ўсмирларнинг жиноят кўчасига кириб қолишларига шу билимнинг етишмаслиги ҳам сабаб, дегувчиларнинг фикрларига қўшилмоқлик керак. Ота-оналар ва муаллимлар билан фикрлашганимда уларга бир ўғирликнинг икки кўринишини баён этдим: синфдаги компьютер ўғирланган. Биринчи ҳолатда ўғри очиқ қолган эшикдан кириб, кўтариб чиқиб кетган. Иккинчи ҳолатда деразани синдириб кирган. Бу жумбоқни ечишда 87 фоиз ота-она «Ҳар иккала ҳолда ҳам бир буюм ўғирланяпти, демак, жазо бир хилдир», деб ҳисоблашибди. 9 фоизининг фикрича, жазо белгиланаётганда буюмнинг нархиға

синдирилган дераза ойнасининг қиймати қўшиб ҳисобланаркан. Фақат тўрт фоиз ота-она бир ҳолатда «ўғирлик», бошқа ҳолатда «талончилик» деган моддага асосан ҳукм чиқарилишини билганлар. Болалар эса бунинг фарқига мутлақо етмаганлар.

Жамият тартиб-қоидалари билан жиноят кодекси орасидаги фарқ кўпчиликти чалғитиши мумкин. Яъни: ўсмир 16 ёшга тўлганда унга паспорт берилади. Шунинг учун баъзилар айнан шу ёшда жазога тортилиши мумкин, деб ўйлайдилар. 18 ёшга тўлганда сайловда овоз бериш ҳуқуқига эга бўлади, йигитлар шу ёшда ҳарбий хизматга борадилар. Демак, балоғатга етадилар, жазо ҳам шу ёшда берилади, дегувчилар ҳам мавжуд. Бу фикрларда жон бор, уларни мутлақ инкор этиб бўлмайди. Жиноят кодекси ҳам жазо турларини белгилашда улғайиш ёшларини ҳисобга олади.

12-14 ёшда болаликдан ўсмирликка ўтиш жараёни, яъни бўйсунмасликнинг бошланиши кузатилади. Аввал айтганимдай, бола ўзини катталар сафида кўргиси келади, онг шакллана бошлайди. Исломда ўғил болалар учун 11, қизлар учун 9 ёшдан намоз фарз қилинган. Ўйлаб кўрайлик-чи, нима учун шундай? Айнан шу ёшда боланинг онги ҳақ-ноҳақни аниқроқ фарқлай бошлайди. Ўз хатти-ҳаракатини онгли равишда бошқаришга ўтади. Энди у ота-онаси айтгани (зўрлагани) учунгина эмас, Аллоҳ билан онгли равишда боғлана бошлагани учун намоз ўқийди. Демак, энди унинг бирон айбини болалик шўхлигига, ақли етмаганига йўйиш тўғри ҳам эмас. У ўғирликнинг жиноят эканини, жиноятга лойиқ жазо борлигини билади. Билмаса, қилғиликни қилиб қўйиб қочмаган, яширинмаган бўларди.

13-14 ёшдаги жиноятчилар кўп эмас. Ўсмир улғайгани сайин жинояти учун жиддий жазо мавжудлигини тўлароқ ҳис этади. Жиноятга яраша жазо тортажагини билгач, у ўзини тийиб бормоғи лозим. Мантиқан олиб қаралса, шундай. Аммо жиноят оламининг ўзига тортиш қонуни бизнинг ҳаёт ҳақиқатидан келиб чиқадиган мантиғимизга мос келавермайди. Мана бу рақамлар эҳтимол фикримни тасдиқ этар, сиз ҳам диққат қилинг: камина ўрганган бир жойдаги жиноятчи ўсмирларни 100 фоиз деб олсак, шундан ўртача 8,2 фоизини 14 ёшлилар, 26,8 фоизини 15 ёшлилар, 30,2 фоизини 16 ёшлилар, 34,8 фоизини эса 17-18 ёшдаги йигитчалар ташкил этди. Бошқа жойдаги тадқиқотда рақамларда фарқ бўлса-да, мазмун ўзгармади. Мана ўша натижа: 14 ёш – 2,2, 15 ёш – 10,2, 16 ёш – 35,9, 17 ёш – 51,7. Бу рақамларни келтиришимдан мақсад, ўсмирларга нисбатан эътиборимизни йил ўтган сайин сусайтирмасдан, балки кучайтириб боришимиз лозимлигини эслатиб қўймоқдир. Фарзандимиз 14-15 ёшлигида биз унинг юриш-туришига кўпроқ аҳамият берамиз. Чунки унинг ўсмирлик оламига кириш чоғидаги хатти-ҳаракати, гап-сўзларидаги ўзгаришлар сезиларли бўлгани учун доимо диққат-эътиборимизда туради. Ўсмирлик олами чегарасидан ўтиб олгач, у ўзини анча босиб олгандай, назаримизда «ақли тўлишиб қолгандай» туюлади. Тўғри, ақлига ақл қўшилади. Аммо бу ёшда жиноят жари яқинидаги кўчадан узоқлашмаган бўлади. Эътиборимиз



сусайдими, кимгадир эргашибми, қўрқибми ё бошқа сабабданми шу жарга қулаши эҳтимоли борки, бундан барчанинг фарзандини Аллоҳнинг ўзи асрасин!

Тадқиқотлар жараёнида каминага маълум бўлдики, қайси ёшдагилар қайси жиноятлари учун қамалишлари мумкинлигини катталар ҳам, болалар ҳам яхши билишмас экан. Ҳолбуки, буни билиш тарбия соҳасида асқотади. Шунини эътиборга олиб, Жиноят кодексига асосланган ҳолда айрим ҳолатларни баён қиламан:

Жиноят содир этгунга қадар **ўн уч ёшга тўлган** шахслар жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда, қасддан одам ўлдирганликлари учунгина жавобгарликка тортиладилар.

Вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси олти ойдан ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида **ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача** бўлган шахсларга нисбатан: оғир жиноят учун – олти йилгача; ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Озодликдан маҳрум қилиш жиноят содир этиш пайтида **ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача** бўлган шахсларга нисбатан: оғир жиноят учун – етти йилгача; ўта оғир жиноят учун – ўн йилгача муддатга тайинланади.

Вояга етмай туриб ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган ёхуд қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинланмайди.

Ўн уч ёшдан ўн олти ёшгача бўлган вақтда жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноятлар мажмуи тариқасида жазо тайинланганда озодликдан маҳрум қилишнинг энг кўп муддати ўн йилгача, агар содир этган жиноятларининг биттаси ўта оғир жиноят бўлса (масалан, қизни зўрлаш ва уни ўлдириш), ўн икки йилгача тайинланади.

Шу каби жиноятларни ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган шахс содир этган бўлса, жазо муддати ўн беш йилгача деб белгиланади.

Суд вояга етмаганларга жазо тайинлашда жазо тайинлашнинг умумий асосларига амал қилади, вояга етмаганнинг ривожланганлик даражаси, турмуш шароити ва тарбиясини, соғлиғини, содир этган жиноятининг сабабларини, катта ёшдагиларнинг ва бошқа ҳолатларнинг унинг шахсига таъсирини ҳисобга олади. *Қонунга кўра шундай бўлиши шарт. Аммо ҳаётда ўзгача жараённи ҳам кузатамиз. Бунинг сабаби – вояга етмаганларнинг «Иш»и кўп ҳолларда болалар руҳиятини яхши билмайдиган ҳакамлар қўлига тушади. Шу боис, вояга етмаганлар «Иш»ини кўриш педагогика, болалар психологияси каби илмлардан хабардор, бегона боланинг ҳам тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳакамларга топширилишини қонун даражасида тартибга солинишини таклиф қиламан.*

Кимёда «катализатор», «занжир реакция» деган тушунчалар бор. Шиша идишда зарарсиз турган моддага бир томчигина ўзга модда томизилса, у қайнаб, жунбишга келиб, даҳшатли кучга ай-

ланиши мумкин. Худди шунга ўхшаб жиноятчиликда ҳам ўзига хос «катализатор»лар мавжуд. Буни оддийгина қилиб «сабаб» ҳам деймиз. Қотилликнинг сабаблари ўрганилганда мана бу рақамлар юзага келди: қотилликнинг 8,8 фоизига ғайирлик сабаб экан. 19,1 фоизига қасос ҳисси, 11,3 фоизига рашк, 29,4 фоизига безорилик, 20,7 фоизига эса гап талашиш, муштлашиш сабаб бўлган.

Болалар ва ўсмирларга хос жиноятчилик катталарниқидан кўп жиҳатлари билан фарқланади. Шулардан бири – кўплашиб олиб жиноят қилиш. Бола ёки ўсмир камдан-кам ҳоллардагина ёлғиз ўзи жиноят қилади. Ўрганилган даврда қамалган ўсмирларнинг фақат 24 фоизигина ёлғиз ҳолда, 76 фоизи эса тўда бўлиб жиноят қилишган.

Энди уларнинг табиатини кузатайлик: бола ёки ўсмир кўчада ёлғиз юрганида мўмингина бўлади. Агар биров жиғига тегса ҳам индамаслиги мумкин. Ёнида ўртоқлари (айниқса қизлар) бўлишса-чи? Ўша мўминтой нақ шерга айланиб кетади. Болалар ва ўсмирлар бирлашиб қолишса, ҳар қандай одобни унутадилар. Баланд овозда гапирадилар, арзимаган ҳазилга ҳам қаҳ-қаҳ отиб куладилар, қизларга гап отадилар, чекмайдиганлар айнан шундай даврада чека бошлайдилар. Булардан мақсад – атрофдагиларга ўзини кўрсатишга уриниш. Бундай ҳолларда алоҳида шахсга хос феъл-атвор бошқарув тизгинидан чиқиб, умум гуруҳга хос бўлган феъл-атворга бўйсунди. Одоби, хатти-ҳаракати билан бошқалардан ажралиб турувчи бола тўдага қўшилгач, ихтиёрсиз равишда ўзгаради. «Бошқалар қандай бўлишса, мен ҳам шундайман», деган ўйда бўлади. «Бошқалар томдан ташлашса, сен ҳам ташлайсанми?» – деган ҳақиқатдан йироқлашадилар. Бу масалада ўсмирларни уч тоифага бўлиш мумкин:

*\*Қонунни бузмайдилар ва бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтаришга уринадилар.*

*\* Қонунни бузмайдилар, бошқалар билан ишлари йўқ.*

*\* «Бошқалар нима бўлса, биз ҳам шу».*

Икки лицей ўқувчилари билан суҳбатлашганимда бу уч тоифа мана бундай манзара касб этди:

*Биринчи тоифа – 50-52%*

*Иккинчи тоифа – 11-13%*

*Учинчи тоифа – 39-35%*

Катталарга нисбатан ўсмирларда жиноятчи тўдани ташкил этиш осонроқ. Тўда ташкилотчиси ҳаминша ҳам бошлиқ бўлавермайди. У ташаббусчи, тадбиркор ёки тўданинг ғоявий раҳнамоси сифатида бошлиқнинг энг яқин кишисига айланиши мумкин. Қўлга олинган катта-кичик ўнта тўданинг тўрттасида бошлиқ мартабаси бошқаларга нисбатан бақувват бўлган ёки спорт билан шуғулланган, қўл жанги усуллари яхши билган йигитчага насиб этган. Иккитасини жиноят оламини яхши билувчи, тажрибали, бошқачароқ айтсак, қамалиб чиққанлар бошқаришган. Иккитасига шафқатсиз, қурол ишлатишдан ҳам қайтмайдиган, бўйсунмасларни аёвсиз равишда жазолайдиганлар бош бўлганлар. Иккитасининг бошлиғи ўз-

галардан ақлан баландроқ турувчи, режа тузиб уни амалга ошириш йўллари яхши билувчилар бўлишган. Айнан шу кейинги икки гуруҳни фош этиш, қўлга олиш қийин бўлган. Ўсмирлар ташкил этувчи тўда узоқ яшамаслиги билан ҳам катталардан фарқ қилади. Тўданинг тарқаб кетишига ёки фош этилишига бир қанча сабаблар мавжуд: 1. Тўдабоши мартабасини таллашиш, тўдабошининг буйруқларидан бўйин товлаш. 2. Тўданинг маълум аъзолари томонидан тўданинг мақсадларига қарши чиқиш, қилинаётган ишларнинг натижаларидан қониқмаслик. 3. Тўда аъзолари орасида фош бўлишдан қўрқувчиларнинг кўпайиб бориши.

Ўсмирлар орасидаги жиноятчи тўдалар баъзан ташқи таъсир натижасида ибтидоий равишда юзага келиши ҳам мумкин. Аввалги бобларда бемаъни кинофильмларнинг болалар одобига салбий таъсири ҳақида гапирган эдим. Бу масалага яна қайтишга тўғри келяпти. Сабаб, айнан фильмлар таъсирида тўдалар ташкил этилгани яқин тарихдан маълум. Аслида унчалик зарарли бўлиб туюлмаган айрим фильмлар кутилмаганда акс таъсир қилиши ҳам мумкин экан. Етмишинчи йилларда Америкадан «Беқиёс еттилик», «Етти ўғлонга етти келин», «Зорро» каби дастлабки жангари руҳдаги фильмлар келтирилди. Бу фильмлар адолат учун кураш ғояси билан йўғрилган эди. Аммо айрим ўсмирлар бу ғояларни ўзларича талқин этиб, жамиятда ўзларича адолат ўрнатмоқ учун «Беқиёс еттилик»лар ёки «Зорро командаси»ни ташкил қилишди. Ҳатто кулгига мойил, самимий ҳисобланган «Автомобилдан сақланинг» деган фильмдан кейин ҳам «Деточкин болалари» каби гуруҳлар пайдо бўлиб, шахсий автомобилларга зарар етказиш билан шуғулландилар. Агар Деточкин айрим текинхўр шахсларни аниқлаб, сўнг машинасини ўғирлаган бўлса, унга тақдид қилувчи болалар саралаб ўтиришмади. Кимнинг машинаси тўғри келса, миҳ билан чизишди, филдиракларини бигиз билан тешишди, ҳатто ўғирлашдан ҳам қайтишмади. Қўлга тушган болалардан «Нима учун бундай қилдиларинг?» – деб сўралганда: «Нима учун уларда машина бор-у, бизда йўқ», – деб жавоб қилишди. Улар ўзларини жиноятчи деб тан олишмади. Балки «Адолат иши учун қурбонлар», деб ҳисоблашди. Уларнинг бу даъволаридан ажабланишнинг ҳожати йўқ. Уларнинг тушунчасидаги адолат мезони советлар ғоясига асосланган эди.

Агар бошқа гуруҳ билан жанжал чиққудай бўлса, муштлашувни давранинг зўри эмас, нисбатан заифроғу, аммо манманликда илғор бўлмиш бола бошлаб беради. Муштлашувда енгилиш аниқроқ бўлиб қолса, айнан шундайлар биринчи бўлиб қочадилар. Муштлашув оғир жиноят, айтайлик, одам ўлдириш билан якун топса, шу болалар ёлгон гувоҳликни бера бошлайдилар. Ким кимни қандай ургани, тепганини зийраклик билан кузатиб тургандай батафсил тасвирлаб берадилар. Терговчини чалғитувчилар ҳам шу тоифадагилар бўлишади. Кўплашиб қилинган жиноятларнинг аксари тасодифий воқеадан бошланади. Бу онгли равишда, ҳуқуқшунослар таъбири

билан айтилса – қасддан амалга оширилган жиноятлар сирасига киритилмайди. Жиноятчиларга нисбатан енгилроқ жазо берилади. Атрофдагилар ҳам уларни жиноятчи сифатида танимай, уларнинг қилиқларини «ёшлик бевошлиги»га йўйишади. Уларга нисбатан қаттиқ талаб қўйилмаслиги бир томондан тўғри, бундай болаларнинг ўндан олти ёки еттитаси эндиги қадамини ўйлаброқ босадиган бўлади. Шу сабабли бу тоифа болаларга «жиноят оламининг тобеси» гувоҳномасини беришга шошилиш ярамайди. Булар бевошлик чегарасидан чиққану, аммо жиноят кўчасига тўла кириб улгурмаганлардир. Уларга суднинг «қора курсиси»да ўтиришнинг ўзи кифоя қилади. Қамоқ жазоси берилмаса ҳам, эсларини йиғиб оладилар. Ҳамонки, болалар қамоқхонасини «Ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси» дейилар экан, адашганларнинг ахлоқини қамамай туриб ҳам тузатса бўлади. Бироқ бу ўринда масаланинг мушкул жиҳати ҳам бор.

Кинотеатрга мажбурлаб олиб келинган бир неча мактаб ўқувчиларининг орасида жой таллашиш оқибатида жанжал чиқади (*Шундай жойларга турли мактаб ўқувчиларини тўплаш тажрибасидан воз кечиш кераклигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бир-бирларини танимаган ўсмирлар орасида жанжал чиқиши эҳтимолини бензин тўла идиш олдида гугурт чақишига қиёсласак бўлади*). Агар турли мактаблардан турли гуруҳлар тўпланмаганида бола жой таллашиб ўтирмас эди. Бу ҳолатда у ўзининг ёлғиз эмаслигини билади, агар индамаса «қўрқоқ» деган ном олиши ҳам унга маълум, ўртоқлари ҳеч бўлмаганда «Нега индамадинг, тумшуғига туширмайсанми!» деб маломат қилдилар. Бу ёқда қизлар кулиб қараб туришибди...

Хуллас, кинозалдаги муштлашувни муаллимлар тезда тинчитишади. Кинотомоша тугагач, ўсмирларнинг томошалари ташқарида давом этади. Энди бу ҳолатда «Яккама-якка чиқиш» деган гап йўқ. «Учга икки» ёки «еттига беш» ҳам йўқ. Жанжалнинг аввалида бўлган бўлмаган болалар муштлашуви авж олади. Муаллималар болаларни бошқара олмай қоладилар. Шу жанжалда бир бола нобуд бўлади. Уни ҳеч ким қасддан ўлдирмаган, тасодифий тепкидан кейин жон берган. Муштлашувда иштирок этган болалар сўроқ қилинганда уларнинг тўқсон фоизи «Жанжалга нимага аралашганимни ўзим ҳам билмайман», деб жавоб берганлар. Тергов жараёнида етти бола асосий айбдор сифатида аниқланди. Ана энди шу еттигадан қайси бири адашган, эртага бу йўлга қадам босмайди, қайси бирининг эса тузалиши қийин – буни аниқлаш жуда қийин. Эҳтимол марҳумни тепган болани кўпроқ айбларсиз. Айнан шу бола жанжални бошламаган, урушаётганларни томоша қилиб турганида бехос мушт еб, беихтиёр тепиб юборган бўлса-чи? Тергов ва суд жараёнида мактаб ва маҳалла томонидан ёзиб берилган тавсифномаларга эътибор берилади. Қамалиши эҳтимоли мавжуд ҳар бир боланинг руҳий олами, оилада ва мактабда ўзини тутиши, қизиқишлари эса алоҳида ўрганилмайди. Милиция тавсифномаларга, гувоҳларнинг кўрсатмаларига, сўроқ натижаларига асосланади, суд учун эса терговчининг хулосаси асосий манба бўлади. Бу ўриндаги таклифим ажаб-

ланарли, ҳатто ақлга сифмас бўлиб кўриниши мумкин. Суд ёки терговчининг ҳар бир болани ўрганишга вақти йўқ, буни ҳимоячилар бажарсин, дейишингиз ҳам мумкин. Буни рад этмайман. Бироқ ҳимоячининг шуғулланиши бошқа масала, ҳимоячининг фикрлари ҳаммиша ҳам ҳақ гап сифатида инобатга олинавермайди. Иккинчи томондан биз жамиятимизнинг эртаси бўлиши ўсмирларнинг тақдирини ҳал этиямиз, шундай экан, бу муаммони адолатли равишда ечишда барча масъулдир.

Баён этилган оммавий муштлашув бундан ўн беш йил муқаддам содир бўлган эди. Ўтган йили Тошкентда содир бўлган аянчли воқеалар яна «Жиноятлар тобора ваҳшийлашиб боряпти», деган фикрга қайтаради. Бу воқеалардан ўзингизнинг ҳам хабарингиз бор: икки лицей ўқувчилари шунчаки муштлашмадилар, пичоқлаш билан ҳам кифояланмадилар. Бир-бирларига оловли идишлар отдилар! Тенгдошларини ёндиришдан қайтмадилар! Бу ваҳшийликдан кўз юмиш мумкинми? Бу воқеадан сўнг мактаб, лицей, коллежларда болаларни назорат қилиш кучайтирилди. Аммо кўп ўтмай ваҳшийлик яна такрорланди. Бу нимани кўрсатади? Агар поезд вағони издан чиқса, уни кран ёрдамида жойига қўйиш кифоя қилмайди. Издан чиқиш сабаби яхшилаб ўрганилиши шарт. Эҳтимол, электровоз бошқарувчиси хатога йўл қўйгандир, эҳтимол, темир йўлда нуқсон бордир?

Ачинарли жиҳати шундаки, ўсмирларга хос жиноят турлари ўрганилса, майхўрлик оқибатида қилинган жиноятларга ҳам дуч келинади. Янада ачинарлиси шуки, айримлар ҳали ўсмирлик оламига кирмасдан аввалроқ ароқхўрликни бошлаб юборадиларки, бу ҳақда суҳбатлашган эдик. Кишини афсусларга соладиган ери шундаки, бу соҳадаги тарбияни анча кеч бошлаймиз. Айрим болаларга чекишнинг зарари ҳақида тушунтиришга уринаётган пайтимизда улар нафақат чекиш, балки ичкиликнинг кайфини тотишга улгурган бўладилар. Бунга фақат кўчанинг ёмон таъсирини сабаб қилиб кўрсатмаслик керак. Асосий сабабни ўзимиздан, баодоб, тарбияли ҳисобланмиш одамлардан ҳам излаб кўрайлик.

«Бадмаст улфат – даврага кулфат», деб бежиз айтмаганлар. Ўсмирлар жиноят қилган пайтларда кўпинча бадмаст бўладилар. Мастлик чоғида ҳатто катталар ҳам ўзларини бошқара олмаганларидан кейин ҳали жисмонан етилмаган ўсмирнинг аҳволини гапириб ўтирмасак ҳам бўлади. Маълумотларга кўра, ўсмирлар оламидаги жиноятнинг 70 фоизи айнан шу бадмастлик оқибати экан. Қотил ўсмирларнинг ярмидан кўпроғи жиноят қилаётганларида маст бўладилар.

Ж. исмли ўсмир 17 ёшида қурилишга ишга кирди. Ҳунар ўргана бошлади. Ҳунарга қўшиб майхўрликни ҳам ўрганди. Оқибат шу бўлдики, бу соҳада устозларидан ҳам ўтди. Ишдан кетди. Энди нафсини қондириш учун нима қилиш керак? Ўғриликдан ўзга чораси борми? У атрофига 15-16 ёшли ўсмирлардан еттитасини тўплади-ю, босқинчиликни касб этди. Улар асосан озиқ-овқат

дўконларини босардилар. Тўққизинчи босқинда қўлга олингунларига қадар маишатдан бўшамадилар. Ҳали ўн саккизга тўлмаган Ж. бу вақтга келиб, кунда ичмаса чидолмайдиган хасталикка йўлиқиб бўлган эди.

Ўсмирларнинг жиноятлари ўрганилганда мана бу ҳолатнинг гувоҳи бўлдим: одамларнинг уйларига ўғирликка тушганларнинг 24 – 30 фоизи, давлат мулкани ўғирлаганларнинг 42 – 45 фоизи, безорилик билан қўлга олинганларнинг 75 – 95 фоизи, босқинчиларнинг 60 – 70 фоизи, талончиларнинг 60 – 70 фоизи, номусга тегишда айбланганларнинг 50 – 66 фоизи, тан жароҳати етказган муштумзўрларнинг 90 – 100 фоизи маст бўлган.

Бир хонадон соҳиби бадмастликни касб қилиб олган. Кун йўқки, ичмаса. Топганини совуради. Кўп ҳолларда ҳамшишаларини бошлаб келиб, уйда маишат қилади. Хотини ортиқча бир сўз айтиб юборса, дўппослайди. Д. исмли бола ана шундай шароитда улғайди. Бунақа шароитда иккидан бири бўлади: аввалроқ қисман айтганимдай, ичкиликка, зўравонликка қарши куч уйғониши ва ўзи ичмай, ичганлардан ҳазар қиладиган, аёлларни ўзи урмай, урганлардан нафратланадиган тарзда яшаши мумкин. Афсуски, бунақаси кам учрайди. Иккинчи йўл – «ота ўғил» сифатида шу ярамас йўлдан юриш. Д. шундай тоифадан эди. Отасининг маишатидан кейин шишаларда қолган ичимликларни ичиб, майхўрликни ўрганди. Сўкиб гапиришни одат қилди. (Ширинсўзликни унга ким ўргатсин?) Кунлардан бир кун ширакайф ҳолатда уйга келганида яна эр-хотин жанжалига гувоҳ бўлди. Отаси одати бўйича муштини, тепкиларини ишга солганида уни тинчитишга уринди. Бадмаст ота энди ўғилга ёпишди. Д. отасига нисбатан нимжонроқ эди. Унга кучи етмади. Оқибат ошхонадаги пичоқни олиб чиқиб, отасининг қорнига санчди. Қотилик қасддан қилинмади. Айтарсизки, Д. ўзини ҳимоя қилди, уни жазоламаслик лозим. Фикрингизга қўшила олмайман. Чунки бу ҳолатда ота ўғлини ўлдириш қасдида бўлмаган, Д. ўзини ҳимоя қилиш учун пичоқ кўтармаган. У маст бўлгани, ғазабини жиловлай олмагани учун отасини ўлдирган. Эҳтимол, пичоққа югурганда отасини қўрқитмоқчи бўлгандир, «Отам пичоқни кўриб шаштидан тушар», деб ўйлагандир. Агар маст бўлмаганида шундай пўписа билан чекланарди. Бироқ мастлик унинг ҳушини ўғирлаган, ўзини бошқара олиш қувватидан маҳрум этган эди. Отани ўлдирганларни «падаркуш» дейдилар. Бу ҳолатда Д.ни шундай аташ мумкинми? Қисман мумкин. Агар ота майхўр эмас, онгли, баодоб бўлганида эди, жанжални Д. бошлаб, уни ўлдирганида эди, «падаркуш» деб атасак ярашарди. Ота ўғилдан ўлим топмоқликка ўзи харидор бўлди, бу ўлимни ўзи арзон-гаровга сотиб олди. У-ку, ўлиб кетди, бундайларнинг боридан йўғи яхши, дейдилар. Бироқ зурриётининг ҳаётини ҳам заҳарлаб кетди, ана шуниси чатоқ!

Россияда Янги йил кунни ташвишли воқеа юз берибди. Бир киши Қорбобо кийимида кўчага чиққан экан. Ярим кечада 15-16 ёшлардаги уч ўғил ва уч қиз болага дуч келибди. Ўсмирлар ҳаммаси маст,

кўчани бошга кўтариб шовқин солганлари учун Қорбобо: «Кеч бўлиб қолди, уйларингга боринглар», дейди-ю, балога қолади. Аввал ўфил болалар, сўнг қизлар унга ташланишиб, тепкилаб ўлдирадилар. Жиноятга аралашган қиз болаларни атайин таъкид этдим. Афсусланмасдан иложимиз йўқки, йигирманчи асрда тарқаган ваболардан бири – айнан ёш қизлар орасида майхўрликнинг кўпайиб боришидир. Европада 14-15 ёшли қизларнинг ичкиликка майл қўйишлари ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида қарийб икки мартага ошган. Агар аввалроқ қизларнинг майхўрлиги асосан 15 ёшдан кейин кузатилган бўлса, майхўр қизлар анча ёшаришди – 13-14 ёшлардаги қизлар ҳам милиция назоратига ўтишди.

Озодликдан маҳрум этилган ўсмирларнинг элликтаси билан суҳбатлашилганда, шуларнинг 12 фоизигина ичмаслигини айтди. 48 фоизи доимий эмас, унда-бунда ичаркан. 40 фоизи эса доимий равишда ичган. Болалар колониясининг хизматчилари камина билан суҳбатлаша туриб, фарзандларини йўқлаб келувчи айрим ота-оналарнинг ароқ ташлаб кетишга уринишларини афсус билан гапириб беришди. Чиндан ҳам афсусланарли ҳол. Булар қандай нодон ота-оналарки, болаларини бу ерга бошлаб келган нарсанинг айнан шу ароқ эканини фаҳм этмасалар? Улар ташлаб кетган ароқ эгасига етиб борди, деб фараз қилайлик. Уни ичиб олиб, мастликда яна бир жиноят қилса, уч йиллик қамоқ муддати яна ўн беш йилга кўпайса, айбдор ким бўлади?

Болалар колониясидаги бир гуруҳ тарбияланувчилардан «Наша тортганмисиз?» – деб сўраганимда уларнинг 34 фоизи «Ҳа», деб жавоб беришди. Болалар ва ўсмирлар орасида гиёҳвандликдан ташқари «таксикомания» деган бало ҳам мавжуд. Гиёҳвандлик маълум маблағни талаб қилса, таксикоман озроқ пул билан маст бўлиши мумкин. Масалан, бир-икки шиша пиво ичади-да, сўнг бошини целлофан халта билан буркаб, ўткир ҳид тарқатувчи бензинми ё пашша дори – дихлофосними ҳидлайди. Шу тарзда кайф қилади. Бу кайф оқибатда заҳарланиш, ҳатто ўлим билан ҳам тугаши мумкин. Кўп қаватли уйларнинг, ҳатто айрим мактабларнинг ертўллари ва шунга ўхшаш хилват жойлар гиёҳванд ва таксикоманларнинг роҳатбахш масканига айланиб қолиш эҳтимоли бор. Шу боисдан ҳам хилват жойларни назоратдан четда қолдирмаслик зарур.

Бирон боланинг гиёҳвандга айланиб қолганини эшитсак, афсусланиб: «Шундай ақлли бола уларга қандай аралашиб қолди?» деймиз. Гиёҳванд тўдалар фақат ўзлари кайфланиб қолмасдан, ўзгаларни ҳам бу йўлга тортишга ҳаракат қиладилар. Гиёҳванд моддаларни сотувчилар сафларига янги болани тортганларни бепул қора дори бериш билан рағбатлантириб турадилар. Бу сафга қўшилиб қолиш эса унча мураккаб эмас. Гиёҳвандлик ҳақидаги ҳужжатли фильмга сценарий ёзиш учун маълумотлар тўплаётганимда кўпгина кутилмаган воқеаларга гувоҳ бўлган эдим (Шуларнинг айримларини аввалроқ баён қилган эдим). Гиёҳвандлик

оламининг эшигини очиш учун нашани бир марта чекиш ҳам кифоя қилади. Камдан-кам болалар кейинги чекишдан ўзларини тўхтатиб қола оладилар. Бу мавзуга яна қайтишимнинг сабаби бор: биринчи марта тотиб кўриш турли ўсмирларда турлича ҳолатда бўлади. Уларнинг кўпроқ қисмига гиёҳвандларнинг ҳаёти озод ва эркин, тотли ва ҳузурбахш кўринади. Мана шу алдамчи ҳис ёки ҳавас уларни бу оламга тортади. Яна маълум бир қисми даврадагилар кўрқоқ демасликлари учун биринчи марта тотиб кўради. Бошқа бир тоифа эса гиёҳвандлар мақтаган кайф-сафодан баҳраманд бўлиш истагига бўйсуниб қолади. Суҳбатлашилган гиёҳвандларнинг ҳар иккидан бири ўртоқлари олдида уялиб қолмаслик учунгина наша чекишни бошлаганларини айтишди. Даволанаётган гиёҳвандлар билан суҳбатлашилганда уларнинг 25 фоизи кўчада, улфатчиликда ўрганганларини билдиришди. 12 фоизи дискотекада орттирган танишларидан ўрганганини, яна боғда сайр қилиб юриб, тўдага дуч келганини ёки ётоқхоналардаги танишлари таклифи билан тотиб кўрганларини айтишди.

*(Жинойтчилар ҳақида гапирганимда «ўсмир» деб асосан ўғил болаларни назарда тутяпман. Бунга сабаб, жиноятчиларнинг ўндан тўққиз қисмини ўғил болалар, ўндан бир қисминигина қизлар ташкил этади. Авваллари қизларнинг асосий қисми чайқовчилиги ёки ўғрилиги учун қамаларди. Ҳозир жиноят турлари ўзгарди. Энди «чайқовчилик» деб аталмиш жиноят тури йўқ. Олди-сотди эркин тарзда. Ҳозир қизлар ўғирлиги ёки ўғриларга шериклиги, товламачилиги, гиёҳвандлиги ёки афюн сотиш билан шугулланганлиги каби жиноятлари учун озодликдан маҳрум этиладилар. Улар орасида оғир жиноятлар жуда кам, йўқ даражада десак ҳам бўлади.)*

Жиноятчилар орасида руҳий хасталар ҳам учрайди. Улар қамалмайдилар, махсус муассасаларда даволанадилар. Майхўр ва гиёҳванд жиноят қилаётган пайтида руҳий хастадан фарқданмайди. Аммо руҳий хасталарнинг касаллиги табиатдан, майхўр ва гиёҳвандлар эса ўзларини ўзлари мажбурлаб шу ҳолга олиб келадилар.

Ўсмирларнинг руҳий ҳолатини тиббий кўриқдан ўтказиш анча мушкул масала. Агар бирон ота-онага «Фарзандингизни психиатр кўригидан ўтказинг», десангиз, улар «Нима, менинг болам жинни эканми?» деб ранжишлари табиий. Ўсмирлик оламига ўтаётган боладаги биологик ўзгаришларни айтган эдим. Руҳдаги ўзгаришлар ҳам ана шунинг натижаси ўлароқ юзага келади. Тиббий тилда буни «Руҳнинг парчаланиши» деб номлайдилар.

Бир мактаб ўқувчисининг юриш-туриши, гап сўзларида ўзгариш сезилади. У дугоналарига, муаллимларига, ҳатто ота-оналарига ҳам кўполлик қила бошлайди. Ўқиш ҳақида ўйламай қўяди. Тиббий соҳадан бир оз билими бўлган муаллима қизнинг ота-онасига уни психиатр врачга кўрсатишни тавсия қилганида аввал балага қолай дейди. Қизнинг феъл-атвори ёмон томонга қараб ўзгариб бо-



равергач, ота-она ноилож врачга учрайдилар. Тажрибали психиатр ўсмир қиздаги ўзгаришнинг сабабини аниқлади. Маълум бўлишича, қизчанинг ошқозон ва ичагида хасталик юз оча бошлаган. Бунинг оқибатида у жинсий жиҳатдан балоғатга етиш бобида дутоналаридан ортда қолган. Ўғил бола ҳам, қиз бола ҳам бунақа пайтда руҳан тушкунликка тушади. Улардаги руҳнинг парчалана бошлашига ички касаллик ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Шунингдек, оиладаги нобоп ҳолатлар, яъни эр-хотин жанжаллари, эрнинг хотинни дўппослаши каби воқеалар ҳам бола руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Боланинг руҳиятида ўзгариш бўлди, деган гап врач томонидан дарров жиннихонага ётқизилади, дегани эмас. Психиатрдан ташқари руҳшунос (психолог) каби мутахассислар ҳам бор. Кўпгина ўсмирларга айнан уларнинг ёрдамлари зарур бўлади. Афсуски, ота-оналар уларга ҳам кам муурожаат қилишади. Кунлари фолбинларга югуриш билан ўтиб, вақтни бой берадилар.

К. исмли бола ҳам ота-онанинг **беъэтиборлиги** оқибатида жиноят кўчасига **беихтиёр** кирди. Буни илмийроқ таъбирда: «Ихтиёрида бўлмаган, бошқаришга қурби етмаган руҳий куч таъсирида жиноят қилди», десак ҳам бўлади. К. болалик чоғидаёқ ақдан заифлиги билан тенгдошларидан ажралиб турарди. Ҳозир ўқишни эплай олмаган болалар синфда қолдирилмайди. Ҳар қандай шароитда ҳам унга «уч» баҳо қўйиб бўлса-да, синфдан синфга ўтказадилар. Лицейда ҳам, коллежда ҳам аҳвол айнан шундай. Илгари бундай эмасди. Бир синфда икки ҳатто уч йил ўқийдиганлар учрарди. Уларнинг аксари дангасалиги учун эмас, ақдан заифлиги учун дарсларни ўзлаштира олишмасди. Ота-она ва ўқитувчилар эса уни зўр бериб яхши ўқувчига айлантиришга уринаверишарди. Ҳозир бешинчи-олтинчи синфга қадар ҳам муаллимлар бундай болаларни чидам билан ўқитаверадилар. Тасаввур қилинг: ҳарф таний олмаган бола олтинчи синфда ўқиса?! К. ҳам шундай эди. Муаллимлар унинг ақдан заифлигини сезишарди, ота-онасига тушунтиришга ҳаракат қилишарди, бироқ улар «Менинг боламни жиннига чиқаряпсанларми?» деб жанжал кўтаришарди. Улар ҳатто алоҳида муаллимлар ёллаб, К.ни қўшимча равишда ўқитишди. Фойда бўлмади. Улар «Душманларимиз боламизни дуо билан боғлаб ташлашган», деб фолбину домлалардан мўъжиза кутишди. Тўғри, К. жинни эмас эди. У фақат атроф-муҳитни ақдан танишда ғоят суст эди. Кўрганини таҳлил этиш, хулоса чиқариш қобилиятидан маҳрум эди. Шу боис бирон нотўғри иш қилаётганини ўзи англаб етолмасди. К. ота-оналарининг истаги билан тўққизинчи синфни битирди. Сўнг уни ишга жойлашди. К. дастёрликни ҳам эплаб бажаролмасди. У ёши каттароқ ишчилар учун эрмак эди. Уни масхаралаб кулардилар. Баъзан масхара бўлаётганини англаб аччиқланарди. Баъзан эса одамларнинг нима сабабдан кулаётганларини билолмай ажабланарди. Оқибат шу бўлди-ки, К. доимий масхараланаётгани учун уларни жазолашга аҳд қилди. Жазони ўзи белгилади. Ишхонадагилар учун эрмак бўлмиш магнитолани ўғирлади. Эси бутун одам

бу ихчам магнитолани кундуз куни ҳам олиб кетиши мумкин. Чунки ишчиларнинг дам оладиган хонаси ҳамиша очиқ бўлади. К.эса кечаси келиб, эшик қулфини бузди. Буюмни олиб чиқиб кетаётганида қоровул уни тўхтатди. К. эса гувоҳдан қутулмоқчи бўлди. Бу ишда К. айбдор деб топилди. Ундаги руҳий хасталик жиноятга етакловчи сабаб, деган хулосага келинмади. Буни биз электр лампочкага қиёслаймиз: бурагични бурасангиз, лампочка ўчади. Руҳий хасталик ҳам шундай. Маълум муддатда онги тамоман хиралашади, рўпарасидаги оқ-қорани ажрата олмайди. Кейин эса лампочка ёришгани каби одатдагидай яшайверади. Агар К.нинг ақли расо бўлганида қоровулнинг жонига қасд қилмасди. «Шу магнитофон зарур бўлиб қолди», – деб кетаверарди. Қоровул ҳам «Сен ўғирлик қилдинг», – деб ёқасидан бўғмаган эди. Аммо, наилож, руҳий касалликларга доир фаннинг бу масалаларга қараши ўзгача. Шундай экан, руҳан хасталиги сезилган ўсмирларни назардан қочирмаслик керак. Уларнинг ҳар бир ҳаракатлари, гаплари ота-она, қариндош-уруғнинг эътиборида турмоғи лозим. Уларни масхаралаб кулиш оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик шарт.

Ақлан заифларни халқимиз орасида турлича номлайдилар: тен-так, аҳмоқ (ақсиз), телба, меров, девона, жинни (ёки девонасифат, жиннисифат...). Тиббиёт соҳасида ҳам буни турларга ажратиб ўрнади-лар, жиноятга доир ҳолатларда ана шу турлар инобатга олинади. Бу соҳада «шизофрения» (ақлан заифликнинг, бошқача айтганда, руҳ парчаланишининг бошланиши) деб номланмиш хасталикнинг болаликка хос эканини унутмаслик керак. Мутахассисларнинг аниқлашларича, бу хасталик қизларга нисбатан ўғил болаларда уч марта кўпроқ учраркан. Бу далил кимларга кўпроқ эътибор бермоқ лозимлигини кўрсатади. Катталар мазкур хасталикнинг дастлабки даврига эътиборсиз қарайдилар ёки буни боланинг инжиқлиги, тарбиясизлиги ёки асабийлиги натижаси, деб ўйлайдилар.

Н. исми қизнинг тақдири ҳам шундай бўлган. 12 ёшига қадар яхши ўқиб, яхши юрган қизчада дастлаб инжиқлик бошланган. Ота-онаси буни ўсмирликка ўтиш жараёнининг аломати, деб ҳисоблашган. Кейин гапга қулоқ солмаслик, гапга терс жавоб қайтаришликка ўтилган. Кейин асабий равишда қўлига нима тушса отиб юбориш бошланган. Унинг кулиб юбориши ҳам, асабийлашиши ҳам осон бўлиб қолган. Мактабда ҳатто болалар ҳам ундан қўрқадиган бўлиб, «псих» деб лақаб қўйиб олишган. Мактаб ундан тезроқ қутулиш чораларини излаган, у «безори» сифатида милиция назоратига ҳам ўтказилган. Лекин милиция унинг хатти-ҳаракатида жиноятга мойилликни сезмагани учун жиддий эътибор бермаган. Н. 16 ёшга тўлганида отаси вафот этган. Отадан ажралгани ҳақидаги хабарни мутлақо ҳиссиз равишда қабул қилган. Ҳассол иш бошламай туриб, «Отанг билан хайрлашиб ол», деб чақиришганда ўликка қараб туриб кулиб юборган. Биров «Жинни бўлиб қолибди», деган, бошқаси «Ўткинчи ҳолат», деб ҳисоблаган. 17 ёшга тўлганида дискотекада тасодифий танишган

Йигитга ризоликсиз, тўйсиз эрга тегеди. Орадан кўп ўтмай ажралишади. Онасининг гапларига мутлақо қулоқ солмайди. Батафсил баёнимдан сезаётган бўлсангиз керак, оддий инжиқлик кўринишида бошланган хасталик аста-секин кучайиб боряпти. Унинг сўнг нуқтаси шу бўладики, онанинг навбатдаги нолишидан безиб, уни бўғиб ўлдиради. Кейин мурдани жойига ётқизиб қўяди. Шунда ўлик унга қараб кулгандай туюлади. Н. ошхонадан болтани олиб чиқиб, каллани чопади. Кейин чарчагандай бўлиб, ётиб ухлайди. Уйқудан тургач, боши чопилган онасини кўриб даҳшатга тушади-да, милицияга югуради. У тергов пайтида ҳам, суд жараёнида ҳам хатти-ҳаракатларини тунунтириб бера олмайди. Бировлар унинг ваҳшийлигидан даҳшатга тушишган бўлишса, бошқалар шу пайтгача хасталикни даволатишга уринилмаганидан ажабланишади. Суд Н.ни махсус руҳий хастахонада узоқ муддатли мажбурий даволашга ҳукм этди. Эндиги даволаниш қандай самара берар экан? Шифо топган тақдирда ҳам, боши узилган онасининг қиёфасини унута олармикан?

Руҳий хасталикка доир тиббиётда тутқаноқ, маникал-депрессив психоз, миянинг лат ейиши оқибати, турли касалликларнинг асорати ҳисобланмиш энцефалит каби ўнлаб турлари мавжудки, буларнинг аксари болаликда бошланади ва мутахассисларнинг фикрича, муолажа вақтида бошланса, ёмон оқибатларнинг олди олиниши мумкин.

Матбуотда бир жиноят тафсилотини ўқиб қолдим. Унда бир йигитчанинг ўз кеннойисини ўлдириши тафсилоти берилган. Қотил жиноят содир бўлишидан анча аввал бошидан жароҳатланган экан. Шундан кейин бош оғриғидан шикоят қилиб юраверган. Суд жараёнида у тиббий текширувдан ўтганда руҳий касаллик йўқ, деб хулоса беришган. Уларнинг таъкидлашларича, қотил кеннойисини дазмол билан уришдан олдин уни электр токидан узган, мурданинг устидан қайнаб турган шўрвани қуйишдан аввал газни ўчирган, уйдан чиқишда эшикни қулфлаган. Тиббий таҳлил буни эси соғликнинг белгиси, деб белгилаган. Камина бу борада улар билан баҳслашмайман, чунки қотилни кўрмаганман, у билан суҳбатлашмаганман. Лекин бошининг жароҳатланиши туфайли хасталикдан нолиб юриши бежиз бўлмагандир. Кеннойиси билан жанжални бошлаганида эҳтимол, эси соғ бўлгандир. Аммо асабийлаша бошлагач, ундаги руҳнинг парчаланиши тезлашган, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай қолган бўлиши ҳам мумкин. Чунки онги хиралашмаган ҳолатида кеннойисини дазмол билан ура бошласа, унинг жони чиққанини кўргач, қўрқув талвасасига тушади. Мурданинг устига қайнаб турган шўрвани ағдариши унинг айна ўша онларда хасталикка банди бўлганини бидирмасмикин? Бундай хасталик доимий давом этмайди. Буни халқда «Жиннилиги (ёки касаллиги) **тутиб қолди**», деб ҳам атайдилар. Қотил билан кеннойи орасидаги жанжални келтириб чиқарган яна бир омил бўлиши мумкинки, бу ҳақда яна бир жиноят тафсилотини баён қилгач, фикрлашамиз.

Биз қайнона-келин муносабатлари ҳақида кўп гапирамиз. Аммо қайни (ёки қайноға) – келин орасидаги муносабат эътиборимиздан четда қолади. Агар қайни ёш бола бўлса, кеннойиси уни ўз укасидай кўриб, меҳрибонлик қилади. Ёш қайни ҳам кеннойисини ўз опасини яхши кўргандай иззат қилади. Лекин ўсмирлик оламига кирган қайнида ўзгача ҳис уйғониши эҳтимоли ҳам мавжуд. Буни «Орада шайтон бор» дейдилар. Тиббий тилда айтилса, ўртада ҳирс деган жиловланмас туйғу бор. Ака ва ука йигирма йилнинг нариберисида ҳамиша бирга бўладилар. Ҳатто бир хонада ётиб турадилар. Ака уйлангач, ука ёлғиз қолади. Кеч тушганда келин-куёвнинг ётоқларига кириб кетишлари ўсмир руҳига сезиларли таъсир этади. У тун билан тўлғаниб, ухламай чиқиши ҳам мумкин. Бунақа пайтда унинг онгини ҳирс заҳарлай бошлайди ёки акасидан айириб қўйгани учун кеннойисидан нафратланади. Бошқача айтилса, ўзига хос рашк пайдо бўлади.

Дам олиш куни ака укасига пул бериб, пиво олдириб келади. Аканинг меҳрибонлиги тутиб, укасини ҳам пиво билан сийлайди. Суҳбатлашиб ўтириб, гап кеннойисига бориб тақалганда ука: «Хотинингни ҳайдаб юбор, оймни ҳурмат қилмайди», дейди. Маълумингизким, хонадонда қайнона-келин орасида жанжал чиқса, қайни ҳамиша кеннойисига қарши туради. Онасининг ноҳақлигини билиб турса ҳам, унинг ёнини олади. Пиводан сархуш уканинг талабига фақат онага бўлган беҳурматлик сабаб эмасди. Асосий сабаб – юқорида зикр этганим руҳий ҳолат эди. Аммо бу ички сирнинг ҳеч замон сиртга чиқарилмаслиги ҳам маълум нарса. Хуллас, ака-ука орасида жанжал бошланиб, ука паншахани акасининг кўксига санчади. Жиноят содир бўлгандан кейингина ота-она «Боламда руҳий касал бўлса керак, бўлмаса акасини ўлдирармиди», деб даъво қилишади. Мен барча қайнилар кеннойисига нисбатан шундай муносабатдалар, деган даъводан йироқман. Бироқ ота-оналар бу масалага эътиборсиз қарамаганлари маъқул, деб ҳисоблайман. Айниқса, йигитчаларнинг кеннойилари билан бир уйда ёлғиз қолишларига йўл қўйилмагани маъқул. Чунки орада ўсмир руҳини осонгина парчалашга қодир шайтон алайҳилаъна бор...

Шаҳардаги жиноят билан қишлоқдагисини айри-айри ҳолда таҳлил этмоқлик талаб қилинади. Шаҳарда ўсмирнинг жиноят кўчасига кириши осонроқ. Шаҳарда жиноят қилиш учун ҳам, унинг изини ёпиш учун ҳам шароит қишлоқдагидан яхшироқ. Шаҳарда ўсмирнинг назоратсиз бўш вақти кўп, қишлоқдаги ўсмир бу имкониятдан маҳрум. Шаҳарда кўча «зўр»лари, нашаванд, гиёҳванд тўдалари етарли. Ўсмир баъзан ўзи истаб, интилиб, баъзан беихтиёр равишда уларга қўшилади. Қишлоқда бу имконият ҳам чекланган. Шу каби сабаблар туфайли шаҳарда жиноятчилик қишлоқдагидан кўра кўпроқ. Жиноят турларида ҳам сезиларли фарқ мавжуд. Қотиллик, номусга тегиш, катта миқдордаги ўғирлик ёки босқинчилик қишлоқда камроқ учрайди. Қамалиб чиққан ёки бўйсунмас ўсмирни қишлоқда назорат қилиш осонроқ.

Кўпчиликнинг назоратида остидаги ўсмирни жиноят кўчасининг остонасида ушлаб қолиш имконияти мавжуд.

Аввалдан пухта ўйланган, режаланган жиноятлар ҳам қишлоқда камроқ учрайди. Бу ердаги жиноятларнинг кўпи тасодиф туфайли бўлиши мумкин ёки катталар томонидан уюштирилади. Тошкент яқинидаги шаҳарчада икки ўсмир телефон кабелини кавлаб ўғирлаётганда қўлга тушишади. Уларни катталар ишга солгани шубҳасиздир. Улар оддий нарсани – кабелнинг бир ери кесилса, ўша заҳоти кузатувчиларга сигнал берилиб, маълум бўлишини билмаганлар. Шунингдек, давлатга тўрт минг доллар зарар келтирганларини хаёлларига ҳам келтирмаганлар. Бу ишга даъват қилган катталар уларга ўн доллар ваъда қилганлар. Ўсмирлар кабелдаги мис ва қўрғошин қопламалар эритилиб, сотилишидан ҳам беҳабар бўлганлар. Назоратчилар етиб келишганда ўсмирлардан бири қочган, қўлга тушгани эса «Кабелни бир ўзим олаётгандим», деб туриб олган. «Нима учун белкурак иккита эди?» деган саволдан кейингина шеригини айтган. Шунда ҳам иш буюрувчиларнинг кимлигини айтишмаган. «Бозорда кўрувдик, танимаймиз», деб туриб олишган. Катталар ўн доллар ваъда қилишганда ишнинг бу томонини пишиқлаб қўйишгани аниқ. Ўсмирларнинг ота-оналари учун бу жиноят арзимас гапдай туюлган. Кабелни кавлабди, кесибди... Шунга шунчами?! Болаликда бунақа бевошлик бўлиб туради-да. Моддий зарардан ташқари агар ўша алоқа воситаси мудофаа аҳамиятига эга бўлса-чи? Ёки касалхоналар маълум муддат алоқасиз қолган бўлишса-чи? Шу туфайли беморга вақтида ёрдам берилмаса-чи? Ота-она буларни ўйламайди. Улар биринчи гада болаларини қамоқ жазосидан қутқариб қолмоқ ташвишида бўладилар. Милициядагиларни кўндиришгач, улар меҳрибонлик қилиб, болаларни қутқариш «йўли»ни ўргатадилар. Даъво қилувчи ташкилот, яъни алоқа идораси «Даъвоимиз йўқ», деб ариза берса, болаларни қўйиб юборамиз», дейишади. Шубҳасиз, ота ва она шу идора раҳбарига учрайдилар, аввалига ялинадилар, сўнг «Сенда виждон борми, болаларни жувонмарг қиласанми!» деб койишади, айблашади. Қаранг, ота-она жиноят қилган боласини эмас, жабр кўрган идорани айбляпти. Айтайлик, алоқа идораси даъвосидан воз кечиб, моддий зарарни давлат ҳисобидан қоплади. Яъни таъмир ишлари давлат ҳисобидан бўлди. Болалар озод этилди. Эҳтимол, улар бу ишга бошқа қўл уришмас. Лекин ишбоши-жиноятбоши катталар бошқаларни даъват этмайдиларми? Бошқалар «Қўлга тушсак бари бир қамалмас эканмиз», деб ишга киришмайдиларми?

Ўсмир ҳали бола ёшидаёқ ўзини бошқалар билан таққослайди. Ҳам ҳуснини, ҳам кийим-бошини, ҳам оила ва мактабдаги мавқеини солиштиради. Бу дегани унинг қалбида рашк, ўзининг омадсизлигидан норизолик уйғона бошлайди. Бу иллат кейинчалик бошқа бир иллатни уйғотади, уни ўч олишга ундайди. Ўч олиш аввал кичик доирада бўлади. Масалан, ўсмирнинг кўнгил қўйган қизини бошқа бир бойроқ ёки чиройлироқ, эътиборлироқ бола ўзи-

га қаратиб олса, унинг адабини бериб қўйиш чорасини излайди. Агар жисмоний жиҳатдан кучи етмаса, турли пасткашликлардан: чақимчилик, туҳмат, бирон буюмига яширинча шикаст етказишлардан ҳам қайтмайди. Бир кўчада яшовчи бадавлатроқ хонадоннинг кўчада қолдирган автомашинасини кимдир мих билан чизиб ташлайди. Бу воқеа такрорлангач, айбдорни пойлаб ушлашади. Маълум бўлишича, шу хонадон фарзандининг синфдоши ўч олиш мақсадида номаъқул ишни қилар экан. Майда ўч олишлар шу билан тугай қолса кошки эди. Бу норозилик бола улғайгани сайин кучайиб боради. Энди улар алоҳида шахсдан эмас, жамиятдан ўч олишни режа қиладилар. Уларни жиноят оламига айнан шу иллат бошлаб киради.

Ана шундай омадсизлардан бири ўзига хос тўда тўплайди. Унинг ўзи ўқишни яхши кўрса-да, олий ўқув юртига киролмаган, болалик орзулари хазонга айланган. Ёнига олган шериклари ҳам шундай: бирининг спортда, бошқасининг мусиқада, яна бирининг тижоратда омади юришмаган. Улар ўзларини ҳаётда адолатсиз равишда жабр кўрган ҳисоблаб, «омадсизларни» жазолашга ўтганлар. Жазолаганда аёвсиз, шафқатсиз бўлганлар. Ҳам талаганлар, ҳам ўлдирганлар. Улар қўлга олинганларида маълум бўлишича, тўдабоши ичмас, чекмас, аёллар билан маишат қилмас экан. Топилган пулнинг оз қисми билан қаноат қиларкан. Ҳолбуки, талончи ва босқинчи тўдаларнинг асосий мақсадлари – бойиш ва маишат қилишдан иборат. Тўдабошида бундай истак йўқ экан. Унинг нияти – фақат ўч олиш бўлган.

## **ТЎРТИНЧИ БОБ**

### **ЎНГ ҚЎЛИ КЕСИЛАДИГАН ШОГИРД**

Кузатишлардан маълум бўлдики, болалар ва ўсмирлар орасидаги жиноятчиликнинг асосини ўғрилиқ ташкил қилар экан. Жиноят оламининг тобелари орасида ёш ўғриларнинг кўплиги қадим-қадим замонлардан бери жамиятни ташвишлантириб келган. Ўғрилиққа доир турли ривоятлар, ҳикоятлар ва ҳикматларнинг мавжудлиги бежиз эмас. Бугунги ўғрилар дунёсига назар ташлашдан аввал, сиз азизларни икки ибратли ривоят билан таништирмоқчиман, зора, бу борадаги тарбия ишларида ёрдами тегса:

Бир йигитча ўғрилиқ ҳунарини эгалламоқчи бўлибди. Унга: «Энг зўр ва маҳоратли ўғри Бағдодда яшайди, бориб, ўшанга шогирд туш», деб маслаҳат берибдилар. Йигитча маслаҳатга амал қилиб, Бағдод шаҳрига борибди, машҳур ўғрини топиб, муддаосини айтибди. Ўғри мамнуният билан уни кутиб олиб, меҳмон қилмоқчи бўлибди. Йигитча таомга ўнг қўлини узатиши билан билагига уриб: «Овқатни чап қўлинг билан ейсан!» – деб буюрибди. Йигитча буйруққа итоат этмоқчи бўлибди-ю, аммо чап қўлда таом емоқликнинг иложини қилолмабди. Охири: «Устоз, мен узоқ

йўл юриб келдим, толиқдим, очман. Чап қўлда егин, деб мени қийнаманг», – деб ёлборибди. Шунда устоз бўлмиш ўғри дебдики: «Таомни фақат ва фақат чап қўлда ейсан. Ўғри бўлмоқликнинг биринчи шарты – шудир. Сабабки, ўғрилик қилиб юриб, қачондир тузоққа тушишинг тайин. Ана шунда сенинг ўнг қўлингни кесадилар. Ўнг қўлдан ажралганинда чап қўлда овқат ейишга қийналмайсан». Бу гапни эшитган йигитчанинг кўз олдига кесилган қўли келиб, ўғрилик ҳунарини олмоқлик орзусидан воз кечиб, қочиб қолган экан.

Бошқа бир йигит донишмандга бориб, «Нима ҳунар қилсам, бахтимни топаман», деб сўрабди. «Отангнинг касбини қил», дебди донишманд. «Отам ўғри эдилар», дебди йигитча. «Мен сенга отангнинг касбини қил, дедим. Фақат инсоф билан қил», дебди донишманд.

Йигитча подшоҳнинг хазинасига йўл топиб, ўғриликка тушибди. Қопни тилла билан тўлдирганда, донишманднинг «Инсоф билан қил», деган ўғитини эслаб, юз танга санаб олибди-да, чиқиб кетибди. Эрталаб бир тангага чой-нон, қаймоқ олиб, чойхонада нонушта қилиб ўтирса, жарчи жар солиб, подшоҳнинг хазинаси ўғирланганини билдирибди. «Хазинада сариқ чақа ҳам қолмабди», деган гапни эшитиб, йигитча ажабланибди-да, саройга бориб подшоҳга: «Хазинангизга мен тушган эдим. Аммо фақат юз танга олганман. Бир тангани ишлатдим. Мана қолгани шундай турибди», дебди. Подшоҳнинг амри билан хазиначилар тинтув қилинган экан, сирлари фош бўлибди. Шунда подшоҳ «Сен ўғри эмас, энг тўғри одам экансан», деб уни хазиначи қилиб қўйган экан.

Ҳозир ўғрининг қўли кесилмайди. Подшоҳнинг хазинасига ҳам тушилмайди. Лекин ўғриликнинг турли-туман усуллари юзага келди.

Энди айрим оилаларда эшитиш мумкин бўлган ҳасратлар билан танишайлик:

«Устанинг ҳақини тўлаганимдан кейин пулни қаерга қўйганимни ўғлим кўрган эди. Бугун санаб кўрсам, кам чиқди».

«Узугим йўқолиб қолди, гумоним ўғлимдан»...

16 ва 18 ёшга тўлган қизлари оналарининг кийимларини кийишни, атир-упаларидан фойдаланишни яхши кўрардилар. Она бунга кўпам эътибор бермас, «Ёшлигимда ўзим ҳам шундай эдим», дерди. Лекин бир куни зираги йўқолганини билиб, эсхонаси чиқиб кетди. Уйга бегона одам кирмаган. Икки қизидан қай бири ўғри? Она ҳақиқатни ойдинлаштириш учун икковини ҳам баравар сиқувга олди. «Кечгача зирагим жойида бўлсин. Бўлмаса, сочларингни битталаб юламан...» деб пўписа қилди. «Сочни битталаб юлишини» кичик қизига қараб айтди. Бу гапдан кейин қизнинг ранги ўзгарди, лаблари титради. Кўзларида ёш кўринди.

– Мен олганим йўқ! – деб бақирди.

– Қайси биринг олган бўлсаларинг ҳам, жойига қўйларинг. Бўлмаса... ҳар бир бармоғингга биттадан игна санчиб чиқаман...

Бунинг шунчаки пўписа эмаслигини кичик қиз биларди. Ўн йил олдин онасининг ҳамёнидан икки юз сўм олгани учун бармоқларига

игна санчилганини унутгани йўқ эди. Ҳозир ўша азобни эслаб, баданига юзларча игна санчилгандай туюлиб сесканди. У зиракни опаси олганини биларди, лекин чақимчилик қилишни истамади. У вужудини қамраган руҳ азобига чидай олмасдан уйдан қочиб чиқди. Тўнғич қиз шундагина тилга кирди:

– Зирагингизни мен олувдим. Лекин ўғрилаганим йўқ. Бугун дугонам бўлажак куёв билан учрашувга чиқади. Ўзи камбағал. Зирак билан туфлимни берувдим. Эртага қайтариб беради. Эрталаб-гача чидамасангиз, ҳозироқ бориб олиб келаман...

Шундай дегач, кўчага отилди. Синглизига етиб олиб, уни овутди.

Бу ҳолатга қандай баҳо берамиз? Ўғриликми? Ҳа. Ширинликми ёки қимматбаҳо нарсами сўралмай олинса ўғрилик бўлади. Катта ўғриликлар гўдак ёшида ширинликни сўрамай олишдан бошланади. Аниқроқ айтадиган бўлсам, сўрамай олишнинг катта гуноҳ эканини тушунтирмасликдан бошланади.

Қизча боғчасидан чиройли қоғоз гул олиб келди. Отаси «Қаердан олдинг?» деди. Қизча «Мен ашула айтувдим, боғча опам бердилар», деди. Бунақа пайтда кўпчилик «Яхши бўлибди», деб қўя қолади. «Қизим буни ўғрилаб келгандир», деган гумон уйғонмайди. Қизчалар чиройли нарсани кўрганларида ўзларини тўхтата олмай қоладилар. Шу нарсага эга чиқишни жуда-жуда истайдилар. Ўғрилик гуноҳ эканини ҳали билмаганлари учун уни сўрамай олаверадилар. Буни яхши англаган ота: «Қизим, бу гулни боғча опангдан сўрамай олган бўлсанг, эртага жойига элтиб қўйиш керак», деб яхши гап билан тушунтириши лозим.

Ўзига ёққан нарсага эга чиқиш истаги ўсмирлик чоғида ҳам сақланиб қолади. Ўсмир дўстининг ёки қариндошининг кийимини бесўроқ олиши мумкин. Агар биз буни ўғрилик сифатида қабул қилиб, яъни болани ўғриликда айблаб, кўпчилик орасида уялтирсак, унга катта жиноятлар йўлини очиб берган бўламиз. Болани дарров жиноятда айбламаслик керак. Ўсмир ўзининг етуклигини, дадиллигини, ботирлигини бошқаларга намоиш этиш учун ҳам бировнинг нарчасига эга чиқишга уринади. Бу хатоликдан қайтаришда унинг руҳий ҳолатини инobatта олиш лозим.

Масалан, пул **йўқолганини** аниқлагач, болага қарамай, аммо болага эшитиларли қилиб: «Кимдир **пулимдан олганга** ўхшайди. Энди пулни беркитиб юраман шекилли?» дейилгани маъқул. Диққат қиляпсизми: «пулнинг йўқолганини» дедим. Биз «йўқолди» эмас, «ўғриланди» дейишга одатланганмиз ва ўз фарзандимиздан гумон қиламиз. «Пулимдан олганга ўхшайди» эмас, «Кимдир пулимни ўғирлабди», – дейилса, оилада қандай ҳолат юз беради? Болага «Сен олмадингми?» – дейилса, шубҳасиз: «Текканим ҳам йўқ», – дейди. Баландроқ овозда «Сен олгансан!» – дейилса, бола асабийлашади, бақририши ёки қочиб кетиши ҳам мумкин. Шунинг учун биринчи гада бола ўғрилаши мумкин бўлган нарсаларни яшириш керак. «Қўшнингни ўғри тутма, ўзингни эҳтиёт қил», дейилиши шундан. Лекин бир нарсадан эҳтиёт бўлиш керак. Бола уйдан пул



олишга ўрганиб қолган бўлса, бу йўл беркилгач, кўчада ўғрилиқ қила бошлайди.

Француз адиби Виктор Гюгонинг романида ажиб воқеа баёни бор: ибодатхона руҳонийси бир бечорага бошпана бериб, қорнини тўйғазади. Ўзини бечора қилиб қўрсатган бу одам кечаси кумуш буюмларни ўғирлаб қочади. Йўлда уни жандарм ушлаганида «Буларни ўғирламадим, руҳоний отанинг ўзлари менга совға қилдилар», – дейди. Жандарм бу гапга ишонмай, уни ибодатхонага бошлаб келганида руҳоний «Ҳа, буларни совға қилган эдим», дейди. Мана шу гапи билан ўғрини жазодан қутқарибгина қолмади, балки бир одамнинг тўғри йўлга ўтишига, умрининг охирига қадар бошқаларга яхшилик қилиб яшашига сабабчи бўлди.

Ёзги таътил кунлари қўшни республика шаҳарларидан бирида барчани лол қолдирган ўғрилиқлар содир бўлди. Ёлғиз қарияларнинг аризалари бўйича жиноят иши қўзғатган милиция ходимлари жиноятчилар изига тушиб, ўзлари ҳам лол қолдилар. «Банкомат-2» деб номланган жинорий гуруҳ аъзолари 11 – 13 ёшдаги қизчалар эди. Гуруҳни ташкил этган ва бошқарган қизчанинг ёши 11 да эди. Улар ёлғиз яшайдиган қарияларнинг уйига бориб, ташна эканларидан зорланиб, аввалига сув сўрайдилар. Кейин чой ичгилари келаётганини айтадилар. Ёлғиз ўзи зерикиб ўтирган қария қизчалар билан бирга чой ичгиси келиб, ҳаракатини бошлайди. Дастурхонга ширинликлар, мураббо қўяди. Қария меҳмонларни қувонтириш ҳаракатида ивирсиб юрганида чаққонроқ икки қиз унинг уйини титиб чиқади. Қариянинг дори олишга асраб қўйган пулларигача ўғирлашади. Энг ажабланарлиси – қизчаларнинг биронтаси ҳам нобоп ёки камбағал оиланинг фарзанди эмас. Барчалари ўзларига тўқ оилалардан. Яна ажабланарлиси, йўқ, афсуслиси – ўғирланган пулларга музқаймоқ ёки шоколад эмас, пиво ва сигарет сотиб олиб, таксида сайр қилишган.

Қўшни шаҳардаги ўғрилиқ бунисидан ҳам ошиб тушган. Ўғрилар – 5-6 ёшли боғча болалари. Боғчадан қочиб чиқиб, катта дўконга «хужум» қилишган. Сотувчилар аввалига «Булар харидорларнинг боласидир», деб аҳамият беришмаган. Кейин қарашсаки, ўғричалар қўлларига илинган нарсани олишяпти. Боғча тарбиячиси пешиндаги овқат пайтида болаларнинг йўқлигини сезган, бироқ «Изғиб юришгандир, келиб қолишар», деб хавотирланмаган.

Ана энди ўзингиз айтинг: болаларга қандай жазо бериш керак? Уларнинг ота-онасига-чи? Дор остида турган ўғрининг онаси тилини тишлаб узиб ташлашини эслайлик, балки саволга жавоб топилар.

Колонияда ўғрилик билан қамалганларни кўпроқ учратиш мумкин. Рецидивистларнинг кўпроқ қисмини ҳам айнан ўғрилар ташкил этишади. Шу боис ўғри-ўсмирларга хос айрим жиҳатларга эътиборингизни тортаман. Аввало таъкид жоизки, ўғрилиқнинг барчаси ҳам очилавермайди. Бунинг сабаби: ўғрилиқ ҳунари ибтидоий кўринишдан чиқиб, мукамаллик даражасига кўтарилди. Ўғрилар милицияни чалғитишнинг кўп усулларини эгаллаганлар. Иккинчи

сабаби: милиция ходимлари майда ўғирликларни очишга унчалик рағбат билдирмайдилар. Даъвоимнинг исботи учун икки мисол келтираман: меҳмонлар билан музейга кириб кетдиг-у, буюмлар машинада қолаверди. Ҳайдовчи ҳам музейга қизиқиб кирибди-ю, эшикни очиқ қолдирибди. Оқибат маълум: кимнингдир сумкага кўзи тушган-у, эшикни очиб, хотиржамлик билан олиб кетаверган. Гавжум кўча, биров кўрган, биров кўрмаган. Меҳмон ҳузурида хижолат бўлиб, милиция чақирилди. Милиция биринчи навбатда ҳайдовчини буровга олди. Меҳмон кузатиб юборилгач, милиция нозири «ўғрини топайликми?» – деб сўради. (Саволнинг ажабтовурлигини қаранг!) Даъвогар томон «Топа оласизми?» – деб сўраб, очиқчасига «йўқ» – деган жавоб олди-ю, уларни безовта қилгани учун узр сўраб, даъвосидан воз кечувчи аризани ёзиб берди. Иккинчи ҳолатда машина юкхонаси очилиб, дипломат ўғирлангани воқеасига яна қайтайлик: ўғрини кўрганлар бор. Даъвогарнинг ўзи ўғриларнинг шеригини кўрсатиб берган. Унинг айтишича, машинани кўйиб қулфлаётган пайтда бир бола «зира олинг, амаки», деб келган. Шу баҳонада машинани кузатган. Ҳайдовчи шу болани назоратга олишни илтимос қилди. Аммо унинг гумонига эътибор берилмади. Орадан бир ой ўтгач, терговчидан мактуб олди. Унда айтилишича, афви умумий (амнистия) хусусидаги қарорга биноан ўғирликка доир жиноий иш тўхтатилган экан.

Ўсмирлар орасида ўғирликнинг камаймаётганига яна қандай сабаб излаш керак? Ўрни келганда айтиш жоизки, 20 – 25 йил аввал юртимизда машина ўғирлиги авж олган эди. Бу жиноят учун жазо кучайтирилгач ва милиция ходимларининг ҳаракатлари сезиларли жонлангач, ижобий натижага эришилди. Бундай жиноятлар энг паст даражага тушди. Кейинги пайтда жазо юмшатирилгач, жиноятнинг бу оламида жонланиш сезилди. Жазони демократлаштириш ҳақида гапирганимизда масаланинг бу томонини ҳам ўйлаб кўришимиз керакмикин?

Энди аввалги масаламизга қайтсак, тутқундаги ўғриларнинг биз ўрганган пайтдаги 39,6 фоизи биттагина ўғрилиги учун қамалган экан. Умумий ҳисобда олинганда эса ўсмирларнинг 60 фоизи тўда бўлиб иш кўрганлар. Бир неча ўғирликни бўйнига олганларнинг маълумотига кўра, уларнинг 7,5 фоизи ҳафтада икки-уч марта ўғирлик қилган. 17 фоизи ойда икки-тўрт марта, 20,7 фоизи эса уч ойда тўққиз-ўн марта «ов»га чиққан. Ўсмирларга хос ўғирликнинг катталарникидан фарқли томони шундаки, уларнинг ҳаракати махсуслашмаган бўлади. Бошқачароқ айтсак, тасодифлардан фойдаланишга ҳаракат қилишади. Масалан, қаернингдир эшиги очиқ қолган, кимдир пулини яширган жойини ошкор қилиб қўйган ёки автомашина қаровсиз қолган... Машина ичидаги қимматбаҳо буюмни кўрган бола тош билан ойнакни уриб синдиради-ю олади, кетади. Жиддийроқ ўғирликка журъати ёки малакаси етишмайди. Бирон муассасага тушиш учун сигнализацияни бартароф этиш керак, йўл-йўриқни пухта ўрганиш керак. Ундан ташқари

Ўғирланган молни сотиш муаммоси ҳам бор. Ўғирланган велосипедми ё радиога доир асбоб-ускунами, озиқ-овқатми, буларни сотиш қийин эмас. Ўсмирлар ўғирланган молни тезроқ сотишга уриниб, уни жуда арзон-гаровга пуллайдилар. Тижорат аҳли ўсмирлардан мол сотиб олаётганда кимлар билан савдо қилаётганини билади. Аммо кўзини чирт юмиб, худди ҳалол топилган молни олаётгандай бўлади. Милиция изига тушса, «ўламан, саттор, ўғирланганини билмас эдим», деб тонади. Гап савдога тақалганида бир масалани яна қайта равишда кўндаланг қўймасак бўлмас: «бола ва савдо», «савдонинг бола тарбиясига салбий таъсири» деган муаммони жамият ҳал қилиши керакми ё йўқми? Авваллари бу масалага жиддий қараларди. Ривожланган мамлакатларда ҳозир ҳам жиддий муносабатда бўлинади. Балоғатга етмаганлар савдо ишига қўйилмайди. Бизда эса бу тўғон бузилиб кетди. Болаларни ҳамма ерда, катта бозордами ё кичикроқ дўкончадами кўриш мумкин. Улар учун кундуз ва кечнинг ҳам фарқи йўқ. 13-14 ёшли болаларни ароқ ёки сигарет сотаётганларини кўриб ажабланмаймиз-у, аммо «Фалончининг ўн уч яшар ўғли қорадори сотаётганида қўлга тушибди», деган хабарни эшитсак лол қоламиз.

Қамоққа тушган ўсмирларнинг кўп қисми адашганини, жиноятига яраша жазо олаётганини англаб етади, бу ердан қутулиб кетиш кунини орзиқиб кутади. Маълум бир қисми эса бу ерга тушиб қолишга ўзини сабабчи қилмайди, ўғри тўдасининг бошлиғини ёки бошқа бир аъзосини қоралайди. Бу ердан қутулиб чиққач, ишни пишиқроқ қилиш, яъни дурустроқ тўдага қўшилишни режалаштиради. Баъзан шу ернинг ўзидаёқ ишончли «зўр»ни кўрса, унинг этагини туттади. Шу нуқтада «зўр»лар билан уларнинг манфаати бирлашади. Қўлга тушгунича катталарнинг тўдасида дастёрлик қилган, бу ерда эса «зўр»лардан бирига айланган йигит келажагини ўйлаб, атрофига ишончли болаларни тўплашга интилади.

Бир ўсмир маст аҳволда дўконча ойнагини синдиради-ю, қимматбаҳо молни олиб кетаётганида қўлга тушади. Янги ўғрибоши бунақаларга унча қизиқмайди. Бундайларни шу ернинг ўзида ишлатиши мумкин. Бир йигитча пули бўлмагани туфайли дўкондордан қарзга бир қути сигарет сўрайди. Илтимосига жавобан ҳақорат эшитгач, кечаси ўртоғи билан келиб дўконни талайди. Изни беркитиш мақсадида бир кечанинг ўзида яна икки дўкончани талайди. Бўлажак ўғрибоши «зўр»ларга мана шунақалари керак.

## **БЕШИНЧИ БОБ**

### **ЖАРРОҲНИНГ ТИҒИ**

Жамият томонидан берилувчи жазо масаласини дунё мамлакатлари ўзларига хос тарзда ечадилар. Масалан, Францияда 18 ёшга тўлмаганларнинг қамоққа олинмаслиги ва бунинг аянчли оқибатлари ҳақида сўз юритдим. Биз ўқувчи ёшдаги болаларни

мактабнинг ўзида жазолаш (муаллимлар томонидан уриш) тарбияга тўғри келмайди, деб ҳисоблаймиз. Ўтмишда қўлланилган бу усулни қоралаймиз. Американинг 13 штатида эса бу масалага ўзгача қарашади. Бу штатларда қабул қилинган қонунга кўра, мактаб муаллимлари бевош болаларни жазолаш ҳуқуқига эга эканларини ҳам айтдим. Бизда эса бўйсунмас болаларга «Колонияга бериб юбораман», деб дўқ урилади. Бундай дўқдан чўчиб яхшилик томон бурилган болани ҳали ҳеч ким учратмаган бўлса керак. Бола безор қилавергач, мактаб маъмурияти уни милиция назоратига топширади. Аммо бу ҳам етарли самара беролмайди. Чунки болани рўйхатга олган милиция нозири унинг ҳар бир қадамини доимий равишда кузата олмайди, бу – бирламчи. Болани тарбиялаш билан мутлақо шуғулланмайди, фақат назорат қилиш билан чекланади, бу – иккиламчи.

Англияда полиция бола феъл-атворини ўрганишни боғчадан бошлар экан. Боғчада ўйинчоқларни зўравонлик билан тортиб олувчи, ўртоқларини бераҳмлиқ билан урувчи ёки чақимчилик қилувчи ва шунга ўхшаш ёмон иллатларга мойил болалар рўйхатга олиниб, кузатиб бориларкан. Эҳтимол, бу тўғри усулдир, ўртоқларини бераҳмлиқ билан урувчи бола агар тўғри тарбия қилинмаса, келажақда қотилликдан тоймас бўлиб чиқар. Кези келганда биздаги болаларни кузатувчи милиция нозирлари (расмий тилда «ВЕЎҲПХ – Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизматлари тизимида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси хизмати» деб юритилади. Қисқа тарзда «Профилактика инспектори», халқ тилида эса азалдан сингиб қолган «Участковой» деб аталади) – профилактика инспекторлари ҳақидаги фикримни баён қилай. Аввало бу атаманинг ўзбекча маъноси: юнонча «профилактикос» сўзи «сақловчи, олдини олиш», демакдир, яъни бирон ҳодисанинг (ёки касалликнинг) олдини олиш; ҳуқуқ соҳасида жиноят содир бўлишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар назарда тутилади. Лотинчадаги «Инспектор» сўзи бизда кузатувчи, текширувчи маъносини англатади. Биз кўпроқ «Назоратчи» сўздан фойдаланамиз.

Милициянинг назорат рўйхатига тушди, дегани болаларни ёмонликдан оз бўлса-да, тўхтатиб туришини тан олмоқ керак. Аммо бу ўринда «Қандай одам профилактика назоратчиси бўла олади?» деган муаммо ҳам мавжуд. Аввалги бўлимда тўғарақларнинг раҳбарлари биринчи галда тарбиячи бўлмоқликлари лозим, деган фикрни билдирган эдим. Шунга кўра, милиция назоратчиларининг тарбиячи мартабасида бўлишлари ғоят зарурдир. Ўсмирга дўқ уриб «Нима қилиб юрибсан, ишляяпсанми ё ўқияпсанми, бекор лақиллаб юрсанг қаматиб юбораман», деган билан иш битмайди. Милиция нозири ўсмирлар боши узра қамчи ўйнатувчи эмас, яқин, ишончли, маслаҳатгўй дўст мақомига етмас экан, унинг хизматидан наф кам. У адашган ўсмирга бевошлиқ кўчасидан чиқиб кетиш йўлини кўрсата оладими? Ечими мушкул масала айнан шу ерда.

«Ким милиция нозири бўла олади?» – деган саволга жавоб топиш осондай туюлади. Ички ишлар вазирлиги Академиясида бу соҳада махсус йўналиш бор. Юридик университетини битирганлар ёки бошқа институтда билим олганлар ҳам шу соҳада хизмат қилишлари мумкин. Масалан, «агроном» ёки «қурувчи-муҳандис» дипломи билан хизмат қилувчиларни ҳам учратиш мумкин. Улар тўғридан-тўғри бу хизматга қўйилмайди. Махсус қайта тайёрлаш ўқишида билим оладилар. Бу мутахассислар милициянинг бошқа хизматларида яхши фаолият кўрсатишлари мумкин. Лекин тарбияси оғир болаларга рўпара қилишда эҳтиёт бўлган маъқулоқ. Бу соҳага Педагогика институтларида билим олганларни жалб этиш яхшироқ самара берса керак.

Каминанинг кўнглини хира қиладиган бир ҳолат мавжуд: профилактика инспектори вазифасига бу идораларда менсимаслик билан қарайдилар. Масалан, терговчи ўз вазифасини яхши бажаролмаётган бўлса, жазо сифатида уни инспекторликка ўтказишади. Яъни, профилактика инспектори вазифасига ўтказиш мансабда «пастлашиш» ҳисобланади. Янада ажабланирлиси шуки, Академияда мутахассисликка бўлишда энг аълочилар терговчилик ёки жиноятга доир қидирув гуруҳларига, ўрта даражада ўқиётганлар профилактика инспектори ёки криминалистика гуруҳига ўтказилади. Тўғри, терговчилик масъулияти юқори. Лекин болалар билан ишлайдиган мутахассисга кучли билим керак эмасми? Хулоса қилиб айтсам, болалар билан ишлаш хизмати милицияда энг мартабаси паст иш ҳисобланади. Жиноятчиликка қарши курашда яхши натижага эришилсин, десак, милиция идораларидаги бу муносабатни ўзгартириш керак.

Бу мавзудаги ҳаётий мисолларга ўтишдан илгари диққатингизни профилактика инспекторлари зиммасига юкланган вазифаларга қаратмоқчиман. Ўсмирлар орасидаги жиноятчилик ҳақида сўз кетса, «Болалар назоратсиз қолгани учун шундай бўляпти», деган хулоса чиқаришга одатланганмиз. Қарайлик-чи, болалар чиндан ҳам назоратсизми? Аксинча! Ота ва она, қариндошлар назоратидан ташқари маҳалла назорати мавжуд. Яна «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар» ҳам бор. Жамоатчилик асосида ишловчи бу комиссиялар вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бу соҳада иш олиб борувчи идоралар ҳамда муассасаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш билан шуғулланади. Улар ўз ваколатлари доирасида: вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг **ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари** ҳимоя қилинишини таъминлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади; вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳам муассасаларда вояга етмаганларни сақлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш шароитларини назорат қилади... Бу ташкилотнинг вазифалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қабул қилган «Воя-

га етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорда аниқ белгилаб берилган.

Маҳалла ва мазкур комиссиялар иши жамоатчилик асосида бўлгани учун самара ҳам шунга яраша, яъни ижобий натижалар кўзга ташланмайди. Бу соҳадаги асосий вазифа бари бир милиция зиммасида қолаверади. **Хўш**, профилактика инспекторлари зиммасига қандай вазифалар юкланган, биласизми? Юздан тўқсон ҳолатда билмайсиз, десам, даъвоимни рад этмай қўя қолинг. Шу сабабли, келгуси тарбия ишларида асқотиб қолар, деган мақсадда қонунга кўра белгиланган асосий вазифаларнинг айримлари билан таништирай:

Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасидаги назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасида белгиланганидек, ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи махсус бўлинмалари вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг профилактика **бўлинмаларидан** ҳамда вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш **марказларидан** иборатдир. Ички ишлар идораларининг **бошқа бўлинмалари** вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ўз ваколатлари доирасида иштирок этади ҳамда **зарур ёрдам** кўрсатади.

Профилактика назоратчиларининг асосий хизматлари деб белгиланган айрим вазифалари билан танишинг: қидирув эълон қилинган вояга етмаганларни, шунингдек, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни аниқлашга доир чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда белгиланган тартибда уларни вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи тегишли идораларга ёки муассасаларга юборади; вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайри ижтимоий хатти-ҳаракатларни содир этишга жалб қилаётган ёхуд вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этаётган шахсларни, шунингдек, вояга етмаганларни таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаётган ёки лозим даражада бажармаётган ёхуд вояга етмаганларнинг хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатаётган ёки улар билан шафқатсиз муомалада бўлаётган ота-оналарни ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларни аниқлайди ҳамда уларга нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъсир чораларини қўллаш тўғрисида тегишли давлат идоралари ва бошқа ташкилотларга таклифлар киритади; вояга етмаганларнинг, уларнинг ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг, шунингдек, бошқа шахсларнинг вояга етмаганларнинг **ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари** бузилиши билан боғлиқ шикоятлари ва аризаларини кўриб чиқади... *(Ҳужжатлар расмий бўлгани сабабли баёндаги услубни ўзгартирмай, тахрир қилмай, айнан келтирилди.)*

Баён этилган уч бандда белгиланган хизматларнинг ўзиёқ профилактика нозири зиммасида нечоғлик оғир масъулият борлигидан далолат бериб турибди.

Синфдаги бир ўғирлик туфайли милициянинг назорат рўйхати-га тушган боланинг бошида бало булдути чақин чақиб туради. Шу маҳаллада ёки ён-атрофда бирон уйни ўғри урса, жиноятга доир қидирув бўлими нозири болалар билан ишлаш бўйича ҳамкасбига мурожаат қилади ва ишни шу рўйхатда турувчи болани исканжага олишдан бошлайди. Унинг учун энг муҳими, бола ўғрилиги учун рўйхатда туради. «Бола болалик қилиб, шўхлик ёки тушунмовчилик важҳидан ўртоғининг нарсасини ўғирлабди. Ўғирлик кўчасига бутунлай кириш хаёлида йўқдир», деб мулоҳаза қилмайди. Аввало ўша болани яхшилик билан сўроқ қилади. «Агар ўзинг бўйнингга олсанг, шерикларингни айтиб берсанг, қўйиб юбораман», деб алдайди. Кейин исканжага олади. Ана энди туҳматга учраган ўсмирнинг руҳий ҳолатини тасаввур этинг-да, рисоланинг аввалида баён қилганим туҳмат юкига чидолмай, оқибатда ўғирликни касб этган одамни эсланг.

БМТнинг Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар-Риёд) дастурий принципларида «Ўсмирга нисбатан «Бузғунчи», «Ҳуқуқбузар» ёки «Бошловчи ҳуқуқбузар» каби таърифларнинг ишлатилиши, экспертлардан аксариятининг фикрича, кўп ҳолларда уларда барқарор равишда ноҳўя юриш-туриш тарзи ривожланиши учун кўмаклашишининг моҳиятига тушуниб етиш» таъкидланган. Шунга кўра, боланинг камситилишига йўл қўйилмайди. Аксинча, боланинг шаъни ва қадр-қиммати қонун йўли билан ҳимоя қилинади ҳамда болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглиги таъминланади.

Фарғонанинг қишлоқларидан бирида яшовчи биродаримизни йўқлаб бордик. Ниятимиз дарров қайтиш бўлгани учун автомашина ойнакларини очиқ қолдирдим. Тахминан ярим соатлардан кейин чиқиб қарасам, буюмларимиз йўқ. Мезбон хижолат бўлиб, милицияга қўнғироқ қилади. Дам ўтмай кўчада онанинг фигони эшитилди: «Менинг болам ўғри эмас, нега уни қийнайсизлар. Унинг жигари касал...» Ташқарига чиққан эдик, она бизни айблади. Билсак, милиция ўғирлик ҳақида хабар топиши билан шу кўчада истиқомат қилувчи назоратдаги ўсмирни ушлаб олиб кетибди. Улар гумон уйғонмасдан олдин сўраб-суриштиришмаган, ҳатто ўйлаб ҳам кўришмаган. Онанинг «Болам уйда, ёнимдан жигани йўқ», деган ноласига ҳам эътибор беришмаган. Тўғри, ота ёки она боласининг айбини яшириш учун ҳам кўп ҳолларда ёлғон гувоҳлик беради. Шунинг учунми, милиция уларга эътибор бермаган. Лекин гумондаги ўсмирни дарров тергов қамоқхонасига киритиб қўйилишини маъқуллашимиз қийин. Биз «Ўғирлик масаласида даъвоимиз йўқ, буюм топилди», деб тилхат берганимиздан сўнг ўсмирни озод қилишди. Кейинроқ ўғрининг бошқа одам экани маълум бўлди. Агар даъводан воз кечилмаганида, ким билади, бу бегуноҳ ўсмирни нималар кутарди.

Яна бир воқеанинг баёнига ўтишдан олдин изоҳ беришни лозим топаман. Рисоладан ўрин оладиган жиноятга доир воқеалар айрим маъмурларнинг гашига тегмасин, исбот даъво этмасинлар, деган ниятда бу воқеаларнинг бошқа мамлакатларда рўй берганини айтиб, бизларда ҳам учраши мумкинлигини таъкидлаб ўтмоқчиман. Мақсадим кимнидир айблаш эмас, балки шу воқеаларни таҳлил қилиб, фикрлашдир.

Тергов ёки маҳкамадаги иш жараёнида турли хатоликларга йўл қўйилса, юқори идораларга арз қилинади. Иш қайтадан кўрилади. Ҳақиқат қарор топгунча ойлар, ҳатто йиллар ўтади. Катта ёшдагилар сабр билан чидашади. Лекин ўсмирнинг бу адолатсизликка чидаши жуда қийин. Қамоқда ўтирган ҳар бир куни ундаги мавжуд иллатларни эгов каби эговлаб адо қилиши мумкин. Мана бир мисол: Б. исмли йигит қаҳвахонада Ҳ. ва М. исмли йигитлар билан жанжаллашиб, бирининг қорнига пичоқ уради, иккинчисини тўрт марта пичоқлаб ўлдиради. Шу пайт Б.нинг вояга етмаган П. исмли укаси югуриб кириб, аввалдан, қасддан қўлига тақиб олган кастет билан Ҳ.нинг бошига уриб, қаттиқ жароҳат етказди. Маҳкама ҳукмида П.нинг ҳаракати айнан «қасддан, аввалдан тайёрланган», деб сифатланган. Адвокатнинг ҳукмга нисбатан билдирган норози-лигидан кейин, «Иш» қайта кўрилиб, воқеа ўзгача тарзда юз бергани аниқланган. Маълум бўлишича, Ҳ. ва М. исмли ака-укалар Б. ва П.нинг отасини кўчада калтаклашган. Б.нинг қўлига пичоқ олишига, П.нинг кастет тақиб муштлашига айнан шу жиноят сабаб бўлган. Яъни кичик бир жиноят катта бир жиноятни туғдирган. «Иш»ни қайта кўрган маҳкама П.га берилган жазони юмшатган. Лекин, афсуски, бу давр – адолатсизлик билан адолат қарор топиши оралиғида П. Болалар ахлоқ тузатиш колониясидаги оммавий муштлашувга араллашиб қолиб, у ердаги маҳкама ҳукми билан қамоқ муддати яна узайтирилади. Ёши 18га етганда катталар колониясига ўтказилади ва у ерда ҳам икки кишини мажруҳ қилиш даражасида калтаклаб, яна узоқ йилга ҳукм қилинади. Натижа шуки, биринчи маҳкама йўл қўйган хатолик туфайли ўсмир 15 йилдан ортиқ умрини қамоқда ўтказди. Ёши 30дан ошган, умрининг ярмидан кўпи қамоқда ўтган одамнинг бундан кейинги ҳаёти қандай бўларкин?

Энди гап бегуноҳ равишда икки ой қамоқда ўтирган ўн олти ёшли йигитчанинг тақдири ҳақида боради. Мактабдан чиқиб келаётган Эшматнинг қимматбаҳо кийимини кимдир йўлда ечиб олади. Бу ҳақда Эшматнинг онаси милицияга арз қилади. Арзида Тошматдан гумони борлигини айтади. Маълум бўлишича, шу мактабда ўқийдиган Тошмат унинг ўғлини бир-икки урган экан. Болалар бир-бирлари билан арзимаган нарса учун ҳам тез-тез муштлашадилар. Кўп ўтмай яна қадрдонлашиб кетадилар-у, бу ҳаракатларининг вақти келса айб сифатида тақалишини ўйлаб ҳам кўрмайдилар. Эшмат манманлиги, бойлигига керилиб, бошқаларни ҳақорат қилгани сабабли Тошмат унинг эсини жойига келтириб қўйиш учун урган, кийимини ечиб олиш хаёлига ҳам келмаган эди.



Тошматнинг онаси Мавлуда опага синф раҳбари қўнғироқ қилиб, мактабга тез етиб келиши шартлигини билдиради. «Милиция ходимлари ўғлингиз билан гаплашишмоқчи, Тошмат бир-икки масалада гувоҳлик бериши керак», дейди. Ўша куни Тошматнинг иситмаси баланд, уйда ётган эди. Онасининг бу важи қабул этилмай, иш шошқич экани таъкидланди. Мавлуда опа ўғли билан мактабга келди-ю, милиция вакилининг биринчи сўзлариданоқ гап гувоҳлик ҳақида эмаслигини англади.

– Ўғирликни бўйнингга олсанг, ўзингга осон бўлади, ҳозироқ қўйиб юбораман. Агар тонсанг, жабранувчи билан юзма-юз қиламан, у сени албатта танийди. Шеригинг ҳам сени кўрсатади.

Тошматнинг тан олмаслиги милиция учун ҳақиқатни англамас эди. У қоидага мувофиқ, жабранувчи билан юзма-юз қилинди. Жабранувчи бир неча болалар орасидаги Тошматни «Мана шу», деб кўрсатди. Кўча болалари орасида эътибори бўлган «Бўри» лақабли ўсмир ўғирликни бўйнига олиб, шериги сифатида Тошматни кўрсатди. «Бўри»нинг ўғирлагани рост, аммо шериги Тошмат эмас, балки 19 ёшли йигит эди. Агар бу исботини топса, аввал ҳам судланган бу йигит қаттиқ жазо олмоғи мумкин бўларди. «Бўри» уни ҳимоя қилиш мақсадида Тошматни кўрсатди. Эшматни эса «Тошматни кўрсатмасанг – ўласан», деган маънода қўрқитди. Албатта, буни милиция ходими билмас эди ва Тошматнинг ўжарлиги уни ғазабга соларди. У Мавлуда опага ҳам бир неча марта мурожаат қилиб «Ўғлингизга айтинг, қайсарлик қилса ўзига қийин, бўйнига олсин», деб мурожаат қилди. «Мен ўғлимнинг ўғри эмаслигига ишонаман. Ишона туриб унга қандай қилиб «ўғрилигингни тан ол», дейман?» деган жавоб милиция ходимини қаноатлантирмади. «Ўғлингиз ўша куни қаерда эди, нима билан шуғулланган?» деган саволга муштипар она аниқ жавоб қайтара олмади. Чунки ўғирлик салкам бир ой олдин содир бўлган, Тошматнинг қаерда бўлганини эслаш қийин эди. Мавлуда опа милициядан қайтиб келиб, ўғлининг нарсаларини йиғиштираётганида чўнтакдаги чақирув қоғозини кўрди-ю, кўнгли ёришди. Эслади: ўша куни ўғлига ҳарбийдан чақирув қоғози келганди. Мавлуда опа ҳамкасби билан уйга қайтган, ўғли бу чақирувдан қувониб уларни кутиб олган, қоғозни кўрсатган эди. Ҳарбийга чақирув Тошматнинг назарида балоғат ёшига етганлиги, катталар сафига қўшилганини исбот этувчи гувоҳномадай туюлганди. Мавлуда опа бу суюнчи хабар билан яна милиция идорасига келди. Дугонаси гувоҳлик берди. Бироқ бу гувоҳликлар инобатга ўтмади. Чунки Тошматнинг ўша куни уйда бўлгани кеч эсланди, Мавлуда опанинг дугонаси ёлғон гувоҳлик бериши ҳам мумкин. Тарозининг айбланиш палласида эса ёлғонлиги номаълум муҳимроқ далиллар турибди.

Мавлуда опа шундан сўнг ҳақиқат ва адолат истаб кўп идораларга мурожаат қилди. Уни яхши кутиб олишарди, даъвосини диққат билан эшитишарди, лекин сўзларида ҳақиқат борлигига гумон қилиб, милиция идорасидаги ёлғон далилларга ишонишарди. Бу

ҳолатдан ажабланмаса ҳам бўлади. Ҳаётнинг беаёвлиги ҳам шунда: ҳақиқатга ишониш қийин, ёлғонга эса дарров ишона қоламиз.

Оналарга хос метин иродага тан бермоқ керак. Мавлуда опа изига чекинмади. Ўғлининг айбсизлигини исботлаш учун мустақил равишда ўзига хос тергов бошлади. Ўғлининг мактабдаги дўстлари билан суҳбатлашди. Тез орада маълум бўлдики, «Бўри» қилган ишидан мағрурланиб, ўғирликнинг эртасигаёқ айрим болаларга мақтанган экан. «Пахан» оёғидан ушлаб турди, мен ечинтирдим», деган гапи ҳақиқат йўлини ёритувчи нур эди гўё. Аммо болалар, айниқса, уларнинг ота-оналари гувоҳлик беришдан бош тортардилар. Чунки гувоҳлик натижасида «Пахан» ва унинг атрофидагилардан жазо олмақликлари хавфи бор эди. Мавлуда опа «Пахан» ҳақидаги маълумотни милицияга етказганида улар текшириш ўрнига «Ўғлингизни чиқариб олиб, бошқа бегуноҳни ўтқизмоқчимисиз?» деган таънани эшитди. Ажабланарлиси шундаки, «Пахан» – милициянинг доимий назоратидаги йигит. У ҳақдаги ҳар бир маълумот инobatга олинаши шарт. Лекин Мавлуда опа бу сафар ҳам умидсиз қайтди. Унга милиция ходимининг гапи оғир ботди: унинг ўзи ҳам бир айбсизни чиқариб, иккинчи бир айбсизни ўтқазилдан хавотирда эди. Ўша кунлари Мавлуда опанинг ишини Худо ўнглади. Мактабдаги уч бола гувоҳлик беришга кўнди. Раҳбариятга қилган мурожаат инobatсиз қолмай, жиноий иш бошқа ходимга олиб берилди ва янги терговчи барча даъволарни синчиклаб ўрганиб чиқди. «Бўри» ҳам, Эшмат ҳам ёлғон гувоҳлик берганини тан олди. Маълумки, ёлғон гувоҳлик бериш ҳам жиноят, аммо бу ҳолат ўсмир ёшидагиларга нисбатан қўлланилмайди. Шунга кўра, «Бўри» шартли равишда жазоланди. Айбни дарров бўйнига олгани учун у суддан олдин эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ушлаб турилмади. «Пахан» эса талончилик қилмагани, фақат жабрланувчининг қўлидан ушлаб тургани учун энгил жазо билан қутулди. Жабрни адолат истаган йигитча тортди. У оилада яхши тарбия кўргани, иродаси мустаҳкамлиги учун, адолатга ишончи бор бўлгани учун энгиб чиқа олди. Ёмон ном олиб қамоқдан чиқиб кетгунча, азобланса ҳам номини пок сақлаб қолиш унинг учун муҳим бўлди.

Сиз бу воқеани руҳий томондан қандай шарҳлайсиз? Барча ўсмирлар ҳам бу қадар иродага эга эмаслар, деган фикрга қўшиласизми? Энди тасаввур қилайлик-чи, Тошмат қамоқ азоби-га чидолмай ўғирликни бўйнига олди. Шартли равишда жазоланди. Энди ундан нима кутиш мумкин? Адолат борлигига умуман ишончи йўқолган ўсмирнинг ҳаёти энди қандай бўлади? Эртага «Пахан»га қўшилиб, ўша Эшматни ёки бошқа бир болани тунамайди, деб ким кафолат беради?

Энди воқеага ҳуқуқшунос кўзи билан қараб таҳлил қилайлик:

Бу ўринда омматан милицияни, хоссатан ишни юритган терговчинини умумий ҳолда айблашимиз ва «Ҳамиша шундай бўлади, туҳмат билан қамаб юбориш одатий ҳол», деб хулоса чиқармоғимиз ноўрин.

Мазкур воқеада қасддан, атайлаб адолатсизлик қилинмаяпти. Бунда терговчининг ва нозирнинг энг катта камчилиги – ўсмирлар руҳиятини, жинойтчи ўсмир билан ишлашда зарур ўзига хосликни билмаслик. Терговчилар катта ёшдаги жинойтчини, гумондаги шахсни ёки гувоҳни сўроқ қилишганда ҳам, ўсмирлардан бирон гапми ё маълумотми олиш истагида бўлишганда ҳам бир хил услубни қўлайдилар. Уларнинг ишидаги хато айнан шундан бошланади. Тергов чоғида алдаш, гуноҳни бошқага ағдаришга уриниш катталар орасида бошқача, ўсмирлар орасида ўзгачароқ кечади. Биринчи марта жинойтга қўл урган катта ёшдаги одам билан ўсмирнинг руҳий оламида ҳам жиддий фарқлар мавжуд. Айтайлик, биринчи марта одам ўлдирган катта ёшдаги киши яширинишга ҳаракат қилса, ўсмирни жинойт содир бўлган жой ўзига тортаверади. Катта ёшдаги қотилга нисбатан ўсмирда қўрқув кучлироқ бўлади. Катта ёшдаги фақат бўлажак жазодан қўрқса, ўсмирни марҳум таъқиб этгандай бўлаверади. Ўсмирлар худди мана шу кечинмалари туфайли тезроқ қўлга олинадилар.

Тергов қилиш маҳоратига келсак, сўроқ қилинаётган ёши катта одамга «Хўжаев, 21 октябр кuni соат 11.00да қаерда эдингиз?» деган савол билан сиқувга олиш одатий ҳол. Лекин ўсмирга бундай муомала қилиб бўлмайди. Аввало гапни унинг исмини айтиш билан бошлаш керак. Масалан: «Шавкатжон, баъзи нарсаларга аниқлик киритишимга ёрдам бермасанг бўлмайди. 21 октябр кунини яхшилаб эслаб кўргин, соат ўн бирлар атрофида қаерда эдинг? Мактабдами ё уйдами? Мабодо «Зарафшон» ресторани ёнидан ўтмаганмидинг?» Терговчи бу ҳолатда «Яхши гап билан илон инидан чиқар, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқар», деган мақолга амал қилгани дуруст. Шунинг баробарида ўсмир учун тушунарсиз бўлган сўзларни иложи борича ишлатмаслик керак. Масалан, «Ёлғон гапираверсанг, эксгумация қилишга мажбур бўламан», демай, «Қайта текширув учун ўликни гўрдан чиқаришга мажбур бўламан», деган маъқулроқ. Бошқа одамларнинг, айниқса тенгдошларининг фикрини, муносабатини ўсмирдан сўрамаслик керак. Яъни, «Шу ишингга ўртоқларинг нима дейди?» эмас, «Ўзинг нима дейсан?» деган яхши. Чунки ўсмир бошқалар билан таққосланишини ёқтирмайди. Тергов чоғида ижобий натижага тез эришишга интилмаслик, аксинча, сабрли бўлиш керак. Далиллар ва маълумотларни йиғишда ўсмир гапиришни истамаган ёки гапиришга тайёр бўлмаган ҳолатларда унга тазйиқ ўтказиш дуруст эмас. Маълумот беришга мажбурлайвериш ўрнига муаммосини англашга ёрдам бериш маъқулдир. Шунингдек, терговчи ўзини боладан устун қўймаслиги шарт. Ўртада кибр эмас, ўзаро ҳурмат ва ишонч бўлсин. Энг муҳими, ўсмир кўнглидаги туйғуларни тушуниб, сўнг терговга киришса, жараён енгиллашади. Бунинг учун терговчи фақат ҳуқуқшунос (юрист)гина эмас, руҳшунос (психолог) ҳам бўлиши керак.

Ўсмирлар орасида туҳмат, яъни айбни бегуноҳ одамга тўнкаш ёки бошқа бир одамни ҳимоя қилишга уриниш кўп учрайди. Ўсмир

қилғилиқни қилиб қўяди-ю, аммо ҳибсга олиниш, қамоқ, тергов каби ҳолатларга руҳан тайёр бўлмайди. Айрим ўсмирлар нима деб бўлса ҳам милиция қўлидан тезроқ қутулиб кетишни ўйлашади. Баъзи терговчилар «Ўртоғингни ҳимоя қилиб овора бўлма, у айбини тан олди, энди алдаб бизларни лақиллатма, ўзингни ҳам, ўртоғингни ҳам қийнама», деб, уни ёлғон ҳақиқатга ишонтирадилар. Ўсмир «Бари бир адолат йўқ», деган ишончда терговчи чизиб берган чизикдан юра бошлайди. Юқорида зикр этилмиш воқеадаги Тошмат кабилар эса кам учрайди. Мазкур воқеада ашъвий далил, гуноҳкорни таниш маросими терговчи учун асосий қурол вазифасини ўтаган. Бунақа пайтда жабрланувчига терговчи томонидан йўл-йўриқ кўрсатиш ҳолати ҳам кам бўлса-да учраб туради. «Сен унинг кўринишини яхши эслаб қолмагандирсан. Ўнгдан иккинчи болага яхшилаб қара, биз уни яхши биламиз. У айбини бўйнига ҳам олган. Биз сени деб югур-югур қилиб юрибмизми, энди сен ҳам бизларга ёрдамлашиб юбор», дейилса жабрланувчи нима қиларди. Гумондаги шахс жиноятчи сифатида танилгач, у нима қила оларди?

Иккинчи терговчи биринчисидан фарқли ўлароқ, биринчи галдаги вазифа сифатида жиноятчини аниқлашни эмас, адолат қилиш зарурлигини белгилади. У икки ойдан зиёд вақт мобайнида ўсмирнинг «синмай» туришини бефарқ қолдирмади. Бунинг шунчалик ўжарлик эмас, бу қайсарлик заминида ҳақиқат борлигини сеза олди.

Тергов қилинаётган ўсмирга кўпинча ёшига қараб баҳо берилди. Бу хато услубдир. Чунки 16-17 ёшдаги ўсмирнинг дунёқараши, атроф-муҳитни англаш миқёси, ўз қилмишига баҳо бера олиши 14-15 ёшли боланики каби ҳам бўлиши мумкин. Ақл-заковат, қобилият даражаси бир хил бўлмагани сабабли боладаги онгнинг ривожланиши бир хилда кечмайди. Ўсмирнинг сўроқ чоғи ўзини тутишида бу ҳам муҳим аҳамият касб этадики, терговчи мазкур ҳолни эътиборга олмоғи зарур. Ҳарбийлар орасидаги жиноятчини ҳарбий терговчи сўроқ қилгани каби ўсмирлар ишини ҳам алоҳида тажрибага эга терговчилар юритгани дуруст, деб ўйлайман. Яъни, жиноятга доир қидирув ва тергов бўлимларида, суд ва прокуратура идораларида фақат ўсмирлар билан шуғулланувчи мутахассисларнинг мавжудлиги мақсадга мувофиқдир. Тиббиётда болаларнинг ва катталарнинг шифокорлари алоҳида бўлгани каби бу соҳада ҳам бошқа-бошқа бўлгани яхши натижа беради, деган фикрдаман.

Тўғри, жиноятга доир қидирув бўлими ноziри ёки терговчи тарбия ишлари билан шуғулланмайди. Аммо унда тарбиячига хос хислатлар бўлмоқлиги мақсадга мувофиқдир. Чунки сўроқ жараёнида у ўсмирларга хос бир қанча руҳий жиҳатларни ҳисобга олмоқлиги зарурдир. Айтайлик, бир ўсмир қизиққонроқ, жиззакироқ, бошқаси эса аксинча, ғоят босиқ, камгап, яна бири мижғовроқ ёки қўрқоқроқ. Терговчи барчасига бир хилда муомала қилса, ижобий натижага эриша олмаслиги мумкин. Демокчиманки, ўсмирларнинг феъл-атворларига қараб тергов услуби танланиши лозим. Масалан, қатъийлик, талабчанлик, жиддийлик услубини лоқайд,

беғам, совуққон ёки питрак, серҳаракат ўсмирга нисбатан қўллаш мумкин. Дилгир, ғамгинликка мойил, маънос ўсмирга эса бу услуб салбий таъсир кўрсатади. Айтмоқчи бўлган гапни ҳам унутади ёки қайсарлик тўнига ўралиб олиб «Нима қилсанг қилавер», деган маънода жавоб бермай қўйиши ҳам мумкин.

Ўсмирларнинг ҳар бир авлодида ўзига хос ўзгариш кузатилади. Ўтган асрнинг олтинчи йилларидаги ўсмир билан янги асрнинг ўсмирлари орасида катта фарқ мавжудлигини ҳеч ким инкор этмайди. Аммо кейинги ўн йил орасида ўсмирлик оламига кириб келаётганларнинг руҳий оламида, феъл-атворида фарқ мавжудлигини барча ҳам сезавермайди. Мутахассисларнинг кузатишича, ўғил болаларнинг ҳис-туйғуларида, феъл-атворларида (характерларида) илмий тилда «феминизация» деган ҳолат кузатиляпти. Лотинча «фемина» – «аёл» маъносини билдиради. Мазкур илмий атама ўғил болаларда қатъиятсизлик ошиб бораётганини англатади. Кенгроқ маънода шарҳласам, ўғил болалар жиддий бир қарорга келишда сустлик қиладилар, уларда масъулиятга нисбатан қўрқув мавжуд, бошқаришдан бўйин товламоқлик, мустақил қарорга келишдан қочишга уриниш, иродасизлик ва ўта таъсирчанлик сезиляпти. Булар эркакларга хос бўлмаган ҳолатлар эканини таъкидламасам ҳам бўлар. Бунинг асосий сабаби қилиб олимлар мактаб ўқитувчиларининг асосан аёллардан иборат эканини кўрсатишади. Мактаб ўқитувчиларининг 80 – 90 фоизи аёл экани ва бунинг муҳим ижтимоий муаммо экани дунёдаги кўп мамлакатларга хосдир. Қизиқ-да, ўғил болани уйда онаси, мактабда яна аёл муаллима тарбияласа, улардаги айрим одатлар ўтмайди-ми? Жасурлик, шиддат каби фазилатларни кимлардан ўрганади? Оиладаги 4-5 қиз орасида улғайган ўғил боланинг феъл-атвори ни кузатинг. Арзимаган гапдан ҳам таъсирланиб йиғлаб юбориши фикримга далил эмасми? Тарбиячилар орасида эркакларнинг кўпроқ бўлиши масаласига тўхталиб ўтирмайман. Ўғил болалар феъл-атворидаги мазкур жиҳатларга терговчи ва нозирларнинг эътиборларини тортмоқчиман холос.

Ўсмирни милиция назоратига олиш масаласига икки хил муносабат мавжуд. Бир тоифа одамлар буни хонадонлари учун фожиа сифатида қўрадилар ва буни қамоққа олиб борувчи дарвозанинг очилишидай қабул қиладилар. Иккинчи тоифа одамлар назоратга олинмиш боланинг қисматида қамоқ борлигига тўла ишонадилар. Болани назоратга олиш ниҳоятда нозик масала. Тўғри назорат қилиш яхши натижа бериши шубҳасиз, нотўғри назорат эса салбий оқибат билан яқунланади. Ўғирлик билан қамалганларнинг 30 – 35 фоизи аввал милиция назоратида турганлари фикримни исбот этади.

Ҳуқуқшунослар тили билан айтилганда, «Вояга етмаганлар ўртасида якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш» деган муҳим бир вазифа бор. Хўш, кимлар билан якка тартибда назорат-тарбия ишлари олиб борилади? Назоратсиз ва қаровсиз қолганлар; гайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этганлар; ихтисослашти-

рилган ўқув-тарбия муассасаларида ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказларида сақланаётганлар; таълим муассасаларидаги машғулотларга узрли сабабларсиз келмаётган ёки мунтазам равишда қатнашмаётганлар; маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этганлар; амнистия акти асосида ёки қилмиш ёхуд шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги сабабли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги ёхуд ярашилганлиги муносабати билан, шунингдек, вояга етмаганни жазо қўллагандан туриб тузатиш мумкин деб эътироф этилган ҳолларда жиноий жавобгарликдан озод қилинганлар; ижтимоий хавфли қилмишлар содир этган, лекин жиноий жавобгарликка тортиш мумкин бўлган ёшга тўлмаганлар ёхуд руҳий касаллик билан боғлиқ бўлмаган ҳолда ривожланишда ўз ёшига нисбатан анча орқада қолиши оқибатида содир этган қилмишининг аҳамиятини тўла равишда англаб етишга қодир бўлмаганлар; жиноят содир этганликда айбланиб, қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чораси қўлланганлар; мажбурлов чоралари қўлланган ҳолда жиноий жазодан озод қилинганлар; муддатидан илгари шартли равишда жазони ўташдан озод қилинганлар, шахс ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлиги туфайли ёки айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш асосида жазодан озод қилинганлар; ҳукмнинг ижроси кечиктирилганлар; шартли ҳукм қилинганлар, ахлоқ тузатиш ишларига ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар; жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келганлар; руҳий касаллик туфайли соғлиқни сақлаш муассасаларида ҳисобда турганлар ва ҳуқуқбузарликка мойил бўлган болалар ва ўсмирлар билан профилактика ишлари олиб борилади. Якка тартибдаги профилактика ишлари алоҳида болалар билангина эмас, балки ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган оилаларга нисбатан ҳам олиб борилади.

Бир болани милиция назоратига олиниши бир оиланинг, бир маҳалла ёки мактабнинг, ҳатто бир шаҳарнинг муаммоси эмас, бу халқаро миқёсдаги муаммо десам, ажабланманг. Жиноят остонасида турган ва бу остонани ошиб ўтган болалар дунёнинг ҳар бир кўчасида бор экан, демак, бу муаммони алоҳида тарзда ҳал этиш анча мушкул. Бизнинг қонунларимиз ҳам айна шу масалани инobatга олади. Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунида «...бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш бўйича давлат дастурлари ва ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишда ҳамда рўёбга чиқаришда...» бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва халқаро ташкилотлардан услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиш мумкинлиги кўрсатилган.

Яна демоқчиманки, гумондаги ёки гувоҳ ўсмирни сўроқ қилиш шунчаки одатий иш эмас, балки илмий таҳлилга асосланган жараён бўлмоғи зарурдир. Агар болалар жарроҳи амалиёт чоғида эҳтиётсизлик қилиб битта томирчани узиб юборса, бола жисман нобуд бўлади ва баъзан биз у жарроҳни жиноий жавобгарликка тортишга уринамиз. Агар терговчи ўсмирнинг руҳий оламини топтаб қўйса, жамият руҳи соғлом бир одамни йўқотган ҳисобланади. Жисман нобуд бўлган бола туфайли бир оила азият чекади, вақт ўтгач, ғам-алам аста унутилади. Руҳан нобуд қилинган ўсмирдан эса жамият азият чекади ва бунинг ғам-аламлари дарров унутилмайди. Терговчининг тифи – ақл ва тил, тиф уриладиган жой эса ўсмирнинг қалби ва онгидир. Буни унутмаслик шарт.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (Пекин қоидалари)нинг 10.3-қоидасида: «Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари билан болалар ўртасида мулоқот шундай амалга оширилиши лозимки, бунда боланинг ҳуқуқий мақоми ҳурмат қилиниши, унга ҳеч қандай зарар етказилмаслиги ва унинг фаровонлиги учун ғамхўрлик кўрсатилиши зарур», деб таъкидланган. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14(4) моддаси, Озодликдан маҳрум этилган вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича БМТ қоидаларининг 1-параграфида эса «Вояга етмаганларга қўлланиладиган жараёнлар, шу жумладан суд муҳокамаси ҳам бола ҳуқуқларини ва хавфсизлигини ҳимоя қилиши ҳамда унинг ёшини ва тузалишга (тўғри йўлга киришга) хоҳишини ҳисобга олиши зарур», деб белгиланган.

Демак, терговчи қаршисида ўсмир ўтирибди. Терговчига ҳам осон тутиб бўлмайди. Сиз билан биз ўн беш йиллар атрофида ўзимиз тарбия этган фарзандимизни қачон тўғри, қачон ёлғон гапирётганини баъзан фарқлай олмаймиз. Терговчидан эса бир неча сўроқ мобайнида ўсмирнинг хулқини, одатини аниқлаб, бунга эришиши талаб этилади. Гумондаги ўсмир: а) тўғри ва ишончли маълумот бериши мумкин; б) ёлғон гапларни тўқийди, в) адашганлиги туфайли нотўғри маълумотни айтади. Буларни фарқлаб олиши учун терговчидан юксак маҳорат талаб қилинади. Биринчи ҳолатда тўғри ва ишончли маълумот гумонни тасдиқлаши ёки аксинча, гумонни инкор этиб ўсмирни оқлаши мумкин. Иккинчи ва учинчи ҳолатда ҳамма нарса чалкашиб кетади, то ҳақиқатга етиб борилгунигача қадар иш чўзилади.

П. исмли ўсмир ўртоқлари билан тоғ сайрига чиқишига рухсат беришмагани учун ота-онасидан аразлаб, уйдан чиқиб кетади. Икки ойга яқин дайдиб юради. Сўнг ўғирлик қилаётганида қўлга олинади. Бундай ҳолатда тергов иши қийин кечмайди. Аввало бола жиноят устида ушланди. Гувоҳлар бор. Бундан ташқари бола баҳоналарни қалаштирмай айбига осонгина иқрор бўлди. Шу билан бирга бунга қадар яна ўн етти марта босқинчилик қилгани, «Азроил» ва «Иблис» лақабли ашаддий ўғриларга қўшилиб, даҳшатли жиноятларга шерик бўлганини ҳам «тан олди». Унинг берган маълум

мотлари текшириб кўрилганида барчаси ёлгон экани маълум бўлди. Хўш, ёлгон тўқишдан боланинг муддаоси нима эди? Терговчини чалғитиш ёки лақиллатишми? Йўқ, у буни хаёлига ҳам келтирмаган. Тергов жараёнларидан мутлақо беҳабар бўлгани сабабли «Гапимга ишонишади-ю, қамаб юборишади», деб ўйлаган. Айтган жиноятларининг ҳар бири қаерда содир бўлса, ўша ерга бориб, кўрсатиб, исбот қилиб бериши лозимлигини билмаган. Биринчи ва иккинчи маълумоти исботини топмаганидан кейиноқ ёлгонига иқрор бўлган. «Нима учун бундай қилдинг?» деган саволга жавоб бермаган. Бера олмасди ҳам. Ўсмирлар руҳиятини яхши билган терговчи унинг ўзи айтмаса ҳам, мақсадини англаб, оғир жазо бермади. Уйдан кетишни ўзича қаҳрамонликка йўйган ўсмир кичик бир ўғирлик билан қамалиб кетишни ўзига иснод деб билиб, «обрўйи»ни оширмақчи бўлган. Қамокда ҳам, ундан чиққач ҳам майда эмас, эътиборли ўғри мартабасида юрмоқликни орзу қилган.

Катта ёшдагиларнинг тергов жараёнида ҳам ёлгон, иқрор бўлмаслик, тухмат каби ҳолатлар кўп учрайди. Катталар айтадиган ёлгонларини аввал пухта ўйлаб, маълум одамлар билан келишиб олиб, сўнг ишонтиришга ҳаракат қилишади. Ёлгон гувоҳлар ҳам топишади. Ўсмирларда мана шу пухталиқ етишмайди. Видеокассеталарни ўғирлашда айбланаётган Ч. «Ёлғиз ўзим эдим», деб терговчини ишонтирмақчи бўлган. Терговчи ўғирланган 170 видеокассетани қопга жойлаб, кўтар, дейди. Шубҳасизки, у кўтаролмайди ва оқибатда шериги борлигини айтишга мажбур бўлади. Аввалги ҳолатдаги билан бунисидаги ёлгонни солиштирилса, ўзга-ўзга манзара юз очади. Яна бир тергов баёнини лозим кўрдимки, унда бутунлай ўзга ҳолат кўзга ташланади. Дискотекада бошланган жанжал қотиллик билан тугайди. Тўрт ўсмир ўзларига ёққан қизга ўралашгани учун З. исми йигитчани аёвсиз калтаклаб ўлдирадилар. Тўртовлон ўша тундаёқ қўлга олинади. Тўртови З.ни урганини тан олади, аммо ўлимга сабаб бўлувчи зарбани ким берганини аниқлашга келганда ҳар бири ўзини оқлашга тушади. Экспертиза хулосасига кўра, З. темир таёқ билан урилгани туфайли жон берган. Темир таёқда бармоқ излари йўқ – қотил артиб ташлашга улгурган. Айбдорлардан иккитаси «Темир таёқ Ў.нинг қўлида эди», деб кўрсатма бердилар. Ў. эса буни рад этиб, «М. урган», деб қаттиқ туриб олади. Шунда мана бу савол-жавоб бўлиб ўтади:

*Терговчи:* – З. калтакланаётганда сиз қаерда эдингиз, кўчадами?

*Айбланувчи:* – Йўқ, мен ичкарида, дискотекада қолувдим.

*Терговчи:* – Атрофингизда кимлар бор эди?

*Айбланувчи:* – Эсимда йўқ.

*Терговчи:* – З.ни темир таёқ билан М. урди, деб сизга ким айтди?

*Айбланувчи:* – Ўзим кўрдим.

*Терговчи:* – Қандай кўрасиз, ахир сиз ичкарида, дискотекада эдингиз-ку?

Албатта, бу мантиқ олдида айбланувчи дарровгина бош эга қолмайди. Янги-янги ёлгонлар тўқишга уринади.



Мутахассислар ёрдамида 250 тергов ишлари ўрганилганда мана бу ҳолат аниқланди: ўсмирларнинг 158 таси (63,2%) тўғриси айтиб, айбига иқрор бўлган. 73 таси (29,2%) ёлгон тўқиган. 19 таси (7,6%) адашганлари туфайли ишончсиз маълумотларни берганлар. Ёлгон тўқиган 73 бола билан суҳбатлашилганда маълум бўлдики, уларнинг ярмидан кўпроғи шу йўл билан жазодан қутулиб қолиш чорасини излаган. 16,4 фоизи шерикларини яшириш мақсадида, 11,1 фоизи эса шерикларидан ўч олиш учун ёлгон тўқиган. 8,5 фоизи дўстликка садоқат тушунчасини нотўғри англагани туфайли, 9,6 фоизи қариндошларини ҳимоялаш умидида, 3,7 фоизи эса ўзининг мардлигини исботлаш ниятида ёлгон гапирганлар.

Бу рақамлар нимани кўрсатяпти? Тўғриси айтиб, айбига иқрор бўлганлар, пушаймон еганлар озодликка чиққанларидан кейин жиноят оламини бутунлай тарк этадилар, дейишимга асос бор. Тўғриси айтиш – нотўғри йўлга кирганлигини англаб етишининг далолатими? Ёлгон гапирганлар жиноят оламида бир умрга қолиб кетадилар, деб хулоса чиқаришга шошилмайлик. Уларнинг бу зулмат оламига қайтиш ёки қайтмаслиги бизнинг муносабатимизга боғлиқки, бу ҳақда кейинроқ алоҳида фикр юритамиз.

Тўғриси айтиш – жиноятга иқрор бўлди, деган гап эмас. Тўғриси айтиб, айбловни инкор қилиш ҳам мумкин. Шу ўринда терговчига яна қийинчилик туғилади, яъни буни «Ўзини оқлаш учун тўқиладиган ёлгон» сифатида қабул қилади. Оқибатда терговчи хаёлидаги гумонни ҳақиқат ўрнида кўриб, ўсмирнинг шу ёлгонни тан олмағини истайди. Ч.нинг ўлими хусусидаги жиноий ишни ўрганиш жараёнида шундай воқеа юз берди. Ч.исми бола Қ. исми дўсти билан муштлашган. Бу муштлашишни кўрган гувоҳлар бор. Буни Қ.нинг ўзи ҳам инкор қилмайди. Жағидан мушт еган Ч. йиқилиб тушади. Эртасига биқини оғриётганидан шикоят қилади. Уни касалхонага олиб борадилар. Оғриқ тўхтамайди. Икки кундан сўнг амалиёт (операция) қиладилар. Ч. жигари шикастлангани оқибатида вафот этади. Ота-она унинг ўлимида Қ.ни айблашади. Амалиёт қилган жарроҳ жигар қаттиқ зарба туфайли эзилган, деб хулоса чиқаради. Жигар нима сабабдан эзилиши мумкин? Тепки орқали. Терговчининг хулосаси шу эди. Қ. эса урганига иқрор бўлгани ҳолда, «тепмадим», деб туриб олди. Терговчи буни ўжарлик, ёлгон воситасида ўзини ҳимоя қилиш, деб қабул қилди. Муштлашувни кўрган болаларнинг биронтаси ҳам Қ.нинг тепганини тасдиқлашмади. Шунга қарамай, терговчи «Иш»ни яқунлаб судга оширди. Суд эса тергов натижаларидан қониқмай уни қайтарди. Қайта тергов билан шуғулланган ходим шошилмади. Муштлашувга гувоҳ бўлган болалардан одатдагидек «Қ. тепдими?» – деб эмас, «Ч. калтак егандан кейин йиқилдими?» – деб сўради. Болаларнинг барчаси «Йиқилмади, жағини ушлаб қочди», деб жавоб қайтаришди. Шунда терговчи Ч.нинг қайси томонга қочгани билан қизиқди. Болаларнинг бу саволга жавоблари ҳам бир хил бўлди. Терговчи Қ.нинг орқадан қувмаганини ҳам аниқлади. Демак, агар Ч. йиқилмаган

бўлса, Қ. қандай қилиб унинг жигарига қаттиқ зарба бериши мумкин? Агар Ч. жағига тушган мушт зарбасидан йиқилса-ю, бирон тош устигами ё тўнкагами ўнг томони билан тушса, жигари эзилиши мумкин. Қ. спорт, хусусан, жанг усуллари билан шуғуланмаган. Жисмоний жиҳатдан ҳам бошқалардан ажралиб турмайди. Мактабдагилар уни урушқоқ бола сифатида таърифлашмаган. Терговчида унинг кучли зарба бера олишига шубҳа уйғонди. Хўш, унда нима бўлган? Терговчи Ч.нинг муштлашув кунни эмас, эртасига оғриқдан нолиганига эътибор берди. Шунинг баробарида врачларнинг хатти-ҳаракатлари билан қизиқди. Амалиёт нима учун бемор шикоят қилган кунни эмас, икки кундан кейин қилинди, деган саволга жавоб излади. Касалхона жарроҳларининг хулосаси билан кифояланмай, эксгумация қилдирди. Шулардан маълум бўлдики, врачлар вақтни ўтказиб, сўнг муолажага киришганлар. Вақтида амалиёт қилинса, боланинг ҳаётини сақлаб қолиш мумкин экан. Терговчи «Иш»даги энг муҳим нарсани ҳам аниқлади: Ч. эртасига велосипедда кетатуриб йиқилиб, йўл четидаги тошга биқини билан тушган экан. Биқинини ушлаб «вой-войлаб» ўтирганини кўрган болаларни ҳам, Ч.га ачиниб, биқинини силаб қўйган аёлни ҳам топди. Шунинг билан «Эҳтиётсизлик оқибатидаги қотиллик» деган айблов чиппакка чиқди.

Каминага бу воқеани ИИВ Академиясининг тингловчиси айтиб берган эди. У бошига тушган бу савдолардан сўнг терговчи бўлишга аҳд қилган экан. «Ҳаётимни сақлаб қолган терговчига бўлган ҳурматим ҳаққи, унинг касбини эгаллашга, ҳамиша адолат йўлидан юришга аҳд қилганман», деди. Кейин афсус билан: «Ўртоғимнинг ўлимига мен сабабчи бўлмасам ҳам, уни урганимдан ҳозиргача пушаймонман. Бу пушаймонлик то умримнинг охиригача ҳам мени тарк этмаса керак», деди.

З. исми йигитчанинг тақдири эса ўзгачароқ бўлди. У мактабда урушқоқлиги билан ном чиқарган эди. Спорт тўғарагидан айнан шу безорилиги учун ҳайдалганди. Милиция рўйхатига тушиб қолишига ҳам шу иллоти сабаб эди. Лекин уни муштумзўрлиги учун эмас, номуста теккани учун қамашди. Жиноятчини таниш жараёнида қиз терговчининг маслаҳатига амал қилиб, З.ни кўрсатди. Кейин эса кўрсатмасидан қайтди. Бироқ терговчи «Айтилган сўз – отилган ўқ» шиорига амал қилиб, қизнинг кейинги гапларини инобатга олмади, «Иш»ни чалкаштиришни истамади. Қиз қурилиши битмаган иморат ичида зўрланган эди. З. эса шу иморатга яқин дўкончада амакиси билан бирга ишларди. Уни айблаш учун шунинг ўзи кифоя қилди. Қиз битмаган иморат ичига ўз оёғи билан кириб борган, биров уни мажбурлаб судрамаган. Унинг кийим-бошлари бутун. Танасида ҳам шилинган, кўкарган жой йўқ, хуллас, куч билан зўрлаш аломатлари йўқ. Шундай экан, уни зўрланган жабрланувчи дейиш ўринлими? У кўрсатмасида «Уч йигит иморат ичига алдаб олиб киришди», деб ёзган. Битмаган иморат ичига нима деб алдаб олиб кириш мумкин? Уйга бирон

нарсa кўрсатиш баҳонасида алдаб олиб кириш мумкиндир. Мантиқ шуки, қиз нима учун бораётганини билган. Аниқроқ айтилса, ўзида истак бўлган. Агар уч йигит орасида З. бўлган тақдирда ҳам, унга қўйилаётган айбни ўйлаб кўришга тўғри келарди. Ундан ташқари, қизнинг кўрсатмасида уч йигит эканлиги айтилган. Дастлабки терговларда З.га «Шерикларингни айтасан!» – деб зуғум қилган бўлишди. Кейинроқ эса бу далил ҳам эътибордан кўтарилиб, З.нинг ўзи якка айбдор сифатида ҳукм қилинади. Шубҳасизки, З.нинг ота-онаси бу ҳукмга рози бўлишмайди. Қайта бўлиб ўтган суд уни айбсиз, деб топади. Энди прокуратура бу ҳукмга рози бўлмайди. Учинчи марта бўлиб ўтган суд З.ни яна қамоқ жазосига ҳукм қилади. Ота-она энди Республика прокуратурасига арз қиладилар. «Иш» прокуратура терговчиси томонидан қайта кўриб чиқилиб, З. озод этилади. Адолатнинг тантана қилгани яхши. Аммо бу шодлик юзага чиққунига қадар З. бир йил озодликдан маҳрум бўлди. «Ҳаёт – шафқатсиз, адолат эса умуман йўқ», деган фикрни ҳақиқат ўрнида онгига сингдирди. Озодликка хурсандчилик билан чиқмади, юрагида қасос ўти билан чиқди. «Номусга тегиш, зўрлаш қанақалигини сенларга кўрсатаман», деган аҳдини амалга оширди. У то қўлга олингунга қадар бир неча қизни шармисор қилишга улгурди. Биз баъзан «Айрим жиноятлар очилмай қоляпти», деб нолиймиз. Мана бундай очиладиган бўлса, очилмай қолгани ҳам яхшироқ эди. Битта хато бир неча жиноятларни туғдирди.

Бу мисолларни эътиборингизга ҳавола этмоқликдан мақсад – ишда учрагувчи камчиликларни бўрттириб кўрсатиш эмас (Хато-камчилик ҳамма соҳада бор. Фақат «Хато қилмоқлик бордир, тузатмаслик оқибати – хордир», деган ҳикматга амал қилинса, янада яхши). Мақсад – ўсмирлар билан ишловчи терговчи зиммасидаги масъулиятни алоҳида таъкидлаш. Камина ўсмирлар тақдирини ҳал этувчи «Иш»ларни бу соҳани яхши биладиган, ўсмирлар руҳий оламидан хабардор мутахассисларга ишониш керак, деган фикрдаман. Ҳар қандай бастакор болалар ёки ёшлар учун қўшиқ яратавермайди. Жарроҳ ҳар қанча моҳир бўлмасин, болаларга тиф уришга журъат этавермайди. Кўп соҳалар «катталар» ва «болалар» деган бўлимларга ажратилгани каби милиция ва прокуратура тергов бўлимларининг, судларнинг ҳам махсуслашувига вақт етмадимикин? Болалар ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси катталарникидан алоҳида бўлгани каби, бу ерга етиб келгунгача ўтадиган жараёнлар ҳам ажратилгани дуруст эди. Қонунга кўра, судгача бўлган жараёнда болалар ва ўсмирлар катталардан алоҳида қамоқда ушланишлари шарт. Шароит барча ерда мавжуд бўлмаганиданми ёки эътиборсиз қаралганиданми, бу тартибга ҳаммиша ҳам риоя қилинавермайди. Ўсмирлар баъзан ашаддий жиноятчилар ўтирган хонага қўйилади ва бу ерда у яхши тарбия олмайди. Балки, ёши катта жиноятчилардан «маҳорат дарси»ни олади ва болалар колониясига боргач, бу дарсдан унумли фойдалана бошлайди.

Ўсмир ҳар қанча оғир жиноят қилмасин, уни яхшилар рўйхатидан батамом ўчириб, ёмонлар сафига умрбодга тиркаб қўймай, унга «адашган» сифатида муносабатда бўлсак айни муддаодир. Адашган ўсмирни ашаддий жиноятчига айланиб кетмаслигининг чораларидан бири эса – ҳуқуққа доир идоралар вакилларининг жазоловчи куч эмас, шафқатли ва адолатли дўст сифатида иш юритишларидир.

Милиция ишларида «махфийлик» деган тушунча бор. Махфийликни инкор этиш мумкин эмас. Ҳамма ишни очиқ-ойдин олиб бориш имкони ҳам йўқ. Кўп жиноятлар махфий равишда амалга оширилади, излар беркитилади. Уни фош этишда ҳам худди шу йўлдан борилади. Лекин болалар ва ўсмирларга доир ишларда махфийлик чегарасини озгина очиш керакмикин? Масалан, ахлоқ тузатиш колониясидагиларнинг нечтаси қайси вилоят, қайси тумандан экани, жиноят турлари, тарбияланувчиларнинг ўзларини тутишлари каби маълумотлар жамоатчиликка маълум қилиб турилса, ўсмирлар орасида олиб борилаётган ишларда нафи тегармиди, деб ўйлайман.

## ОЛТИНЧИ БОБ

### ЖИНОЯТНИНГ ЎҚ ИЛДИЗИ

Ўсмирларнинг ҳеч бир ҳайиқмай жиноят кўчасига киришлари жамиятнинг оғриқ хасталикларидан биридир. Советлар даврида буни капитализмга хос иллат деб таърифлашарди. Ўша даврларда ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг ошиб боришини тан олгилари келмай, кўп маълумотларни яширишарди ёки камайтириб кўрсатишарди. Оқибат шу бўлдики, касални яширганлари билан иситмаси ошкор қилди. «Бобурнома»да зикр этилганидек:

*Ҳазар кун зи дарди дарунҳои реш,  
Ки реши дарун оқибат сар кунад,  
Баҳам бар мазан то тавони диле,  
Ки оҳе жаҳоне баҳам барзаад.*

*Яъниким, ички яралар дардидан ҳазар қил! Чунки ички яра ахир юзага чиқади. Қўлдан келганича ҳар бир дилга озор берма! Дилдан чиққан бир оҳ бир жаҳонни барбод қилади.*

Донолар башорат қилгандай бўлди – ички яралар юзага чиқди. Жиноятнинг илдизи қаерда? Ўтмиш жамият файласуфлари инсонни инсон томонидан эзиб ишлатилиши, шахсий мулкчилик тузуми ва яратилган неъматларнинг бўлинишидаги адолатсизлик – жиноятни келтириб чиқарувчи асосий сабаблардир, деб ҳисоблашарди. Ажабланарлисиз шундаки, жиноятнинг бу ижтимоий-сиёсий сабаблари собиқ совет тузуми даврида йўқотилди. Аммо жиноятнинг ўсиб бориш жараёнига барҳам беришга ожизлик

қилинди. Ўша даврнинг ва ўша жамиятнинг олимлари бу ҳолни аввалига «капитализм қолдиқлари» деб баҳолашди. Кейинроқ эса «буржуа идеологиясининг ўсмирлар ва ёшлар онгига зарарли таъсири», деб таърифладилар. Уларнинг даъволарича, капитал дунёси мафкураси ва ғояси тинимсиз равишда, турли воситалар ёрдамида ўсмир ва ёшлар онгини заҳарлашга уринар экан. Ўша даврда бу хусусда эълон қилинган мақолаларнинг бирида фикрларининг исботи учун айтилишича, «Америка овози» радиостанцияси турли каналлар орқали 37 тилда, умумий ҳисобда кунига 80 соат радиоэшиттиришлари бераркан. Шундан 56 соати СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар аҳолиси учун экан. Яна капиталистларнинг «Тайм», «Лук», «Лайф» каби журналлари ҳам бор эканки, булар ҳам буржуа тарғиботига хизмат қиларкан. Ўша замоннинг ҳақиқати шу **эдики**: нима яхши бўлса – совет турмуш тарзи, нима ёмон бўлса буржуа мафкурасининг таъсири. Ғоялар ва мафкуралар кураши мавжудлиги аниқ, буни инкор этиб бўлмайди. Иқтисодий манфаат мавжуд экан, бундай кураш ва зиддият турли мамлакатлар орасида сақланиб қолаверади. Ўтмиш мафкурачиларининг даъволари асоссиз эканини англаш учун ўртага бир савол қўйиш лозим бўлади: ўсмирлар ва ёшлар орасида жиноятчилик кўпайиб бораётганига буржуа мафкурасининг зарарли таъсири сабаб экан. Дуруст, у ҳолда жиноят туфайли қамалганлардан сўраш жоизмикин, улар «Америка овози»ни эшитганмикинлар, «Тайм» ва бошқа журналларни ўқиганмикинлар? Совет мафкурачилари қоралаган мафкура воситалари асосан сиёсий йўналишда кураш олиб борардилар. Уларда совет турмуш тарзининг ярамас томонлари фош этиларди. Ўғрилиқка, қизларнинг номусига тегишга, одам ўлдирishга, порахўрликка, талончиликка... тарғиб қилинмас эди-ку? Ундан ташқари «Коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси» деган нарсалар мавжуд эди-ку? Наҳот советча тарғибот буржуача даъват олдида ожиз бўлиб қолган бўлса? У замонларда булар ҳақида ўйланмас эди, барча айбдорларни четдан қидириш билан машғул эди. Ҳақиқат эса ўзгачароқ эди.

Ҳозир ҳам болалар, ўсмирлар ва ёшларнинг онгига, руҳига четнинг ёмон таъсири ҳақида кўп гапириляпти. Буни «Оммавий маданият» дейиш расм бўлган.

Бу мавзуга ўтишдан олдин «Оммавий маданият» атамаси ҳақида фикрлашиб олайлик. Менимча, бу атама рус тилидан нотўғри таржима қилинган. Оммавий маданият дейилганда мен барчага хос яхши одобни, масалан, саломлашиш одобини тушунаман. Матбуотда айтилаётган иллатларни «оммавий маданиятсизлик», десак тўғрироқ бўларди. «Маданиятли» деган сифатнинг келиб чиқиш маъноси: «Мадина шаҳрида яшовчи» демакдир. Қадимда шаҳар атрофида, саҳрода яшовчини араблар «бадавий» деб аталганлар. Кўчманчи турмуш билан шаҳар ҳаёти ўртасида, шубҳасиз, фарқ бўлган. Саломлашиш, билим олиш, фаросат, ўтириш-туриш, таомланиш, кийимни пок тутиш... Шу жиҳатлардан билим-

ли, ораста юрүвчи «мадиналик» бизнинг тилимизда «маданиятли» бўлиб, одобга нисбат берадиган бўлган. Қуръони каримда Мадинада нозил бўлган оятлар «маданий оятлар» деб номланади. «Мадина» сўзининг луғавий маъноси «шаҳар»дир. Шаҳарнинг аввалги номи Ясриб (Ятриб) деб номланган. Ҳижратдан сўнг «Мадинат Расулulloҳ» ёки «Мадинат ан-набий – пайғамбар шаҳри» деб атай бошлаганлар. Сўнграқ «Мадинаи мунаввара» – нурафшон шаҳар деган сифат билан эъзозланадиган бўлинган.

Турклар ўз она тилларини ислоҳ қилиш жараёнида, яъни она тилларидаги форсий ва арабий сўзлардан воз кечишда «маданият» ўрнига европа сўзи – «култур»ни олганлар. Биз билимли, фаросатли, ширинсўз, баодоб... одамларни «маданиятли» деб ҳурмат қиламиз. Илмсиз, ўзгаларни иззат қилиш нималигини билмайдиган, тўйга ҳам калта шимда келувчи, лабидан сигарета тушмайдиган, хунук сўзли, бадмаст кимсаларни эса «маданиятсиз» деймиз.

XIX аср охири – XX аср бошларида пайдо бўлган оммавий маданиятсизлик XX асрнинг иккинчи ярмида янада ривожланди. Бунга оммавий ахборот воситаларининг ниҳоят даражада ривожланганлиги сабаб бўлди. Унинг жанрлари (шоу, триллер, боевик, шлягер, комикс) кенг оммалашган. Оммавий маданиятсизликнинг ҳаммага тушунарли ҳамда кўнгилочарлиги унинг асосий сифат мезонини ташкил этади. Пул топиш учун ахлоқ нормаларидан чекинидди. Оммавий маданиятсизликнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири унинг асосини оддий кишилар учун мўлжаллаб ташкил этишидир. Оммавий маданиятсизлик маданий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олди.

Оммавий маданиятсизлик таъсирига тушмаслик учун миллий ўзликни сақлаш керак. Бунинг ўзи бўлмайди, албатта. Бепарволик, лоқайдлик ҳукмрон жамиятда ҳаммаси аксинча кечиши мумкин. Дейлик, хотин-қизлар саводхонлиги бор-йўғи икки фоизни ташкил этадиган қўшни Афғонистонда бу аҳвол қай даражада? Бошқа мамлакатлардаги оммавий маданиятсизлик таъсирига тушиш одамларни жар ёқасига етакламаяптими? Умуман айтганда, қайси миллатлар миллий ўзлигини сақлаб келяпти?

Юқорида тилга олинган маданиятсизликлар бизга Европадан кириб келяпти. Бу хунук одатларни уларнинг дини ҳам қоралайди. Лекин Европа диндан чиқиб кетган. Рим папаси мамлакатларга сафар қилганида миллионлаб одамлар кутиб олишгани билан унинг даъватларига қулоқ солишмайди.

Оммавий маданиятсизлик Европада оилага муносабатдан бошланади. У томонларда Аллоҳ белгилаган покизалик асосидаги оилалар ғоят камайиб кетган. Оила пок бўлмаса, миллий ўзлик ёки миллат поклиги ҳақида сўз бўлиши мумкинми?

Қайси мамлакат миллий ўзлигини сақлаб қоляпти, деган саволга аниқ жавоб қайтариш қийин. Миллий ғурур, миллий ўзлик деган тушунчалар ҳар бир мамлакатда ўз тарихий анъаналарига қараб талқин қилинади. Африка қитъасида ҳозир ҳам одамхўр қабилалар

мавжуд. Одамхўрлик биз учун ваҳшийлик ҳисобланади. Уларда эса бу одоб доирасига киради. Ҳиндистонда қиз-жувонлар киндикларини очиб юрса уят эмас, бизда эса шармандалик ҳисобланади. Хуллас, таъбир жоиз бўлса, яланғочлар мамлакатади кийим кийиб юриш маданиятсизлик ҳисобланади. Ўзгалар маданиятига интилаётган ёшлар шу нарсаларни фарқлаб олишлари керак. Машҳур санъаткорлар ва спортчиларнинг кийимлари, қилиқларига тақлид қилишни ёқтирадиган ёшлар ҳам бор. Айнан шу масалада ота-она ва фарзанд ўртасида жиддий зиддиятлар келиб чиқяпти.

Кейинги пайтда азиз қизларимизнинг эгнида атлас кўйлак, бошларида ироқи дўппи кўриб қувоняпман. 1976 йилда ҳаж ибодатига борган бир киши саудиялик ўзбеклар бир кийимлик атлас топмагунларича қизларини куёвга узатмай турадилар, деганида таъсирланган эдим. Бугунга келиб, бизда келинлик сарпосида атлас кўйлак қўйилмайдиган бўлган, шекилли. Ҳар ҳолда атлас кўйлак-лозимли келинларни учратмай қўйдим. Йигитларимиз дўппи, тўн ҳам киймай қўйишган. Тошкентда бошга дўппи, эгнига тўн кийиб кўчага чиқилса, «Тинчликми, ким вафот этди?» – дейдиган бўлишган. Бу жойларда тўн ва дўппи аза кийимига айланиб қолгани ачинарли ҳол. Водийда тўн кийиб, белбоғ боғлаб юриш одатий ҳол. Бошқа жойларда белбоғ боғлаш ҳам азанинг белгиси бўлиб қолган. Ҳолбуки, халқимизда йигитларга танбеҳ берилса, «Белинга белбоғинг борми?!» дейилган. Яъни белбоғ боғлаб юриш йигитнинг ҳусни ҳисобланган.

Асосий мақсаддан бир оз чалғисак-да, бугунги жиноятлар илдизини аниқлашга ёрдами тегар, деган мақсадда айрим далилларга мурожаат этмоқчиман:

Советлар ҳукмронлигининг сўнгги ўн йиллигида болалар ва ўсмирлар орасидаги жиноятчилик кескин даражада ўсди. Жиноятчиликни камайтириш эмас, унинг ўсишини тўхтатиш масаласини ечиш ҳам мумкин бўлмай қолди. Бу ўсишни селга ёки қор кўчкисига ўхшатсак, лоф урмаган бўламиз. Бугун Россия ва унинг қўшнилари бўлмиш мамлакатлардаги уюшган жиноятчилик, ёлланма қотиллик, ҳатто жиноятчиликнинг сиёсий ўйинларга аралашуви натижасидаги фожиалар сир эмас. Хўш, бу ёвузликлар қачон туғила қолди? Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида жиноят оламига кириб келган ўсмирлар бугун ўлжаларини ўлдираётганда қўллари қалтирамайдиган ашаддий қотилга айланишган. Бугунги «қонундаги ўғрилар» эндигина киссавурликни ўрганаётган дамларда, яъни 1980 – 1990 йиллар оралиғида, «бепоён» деб сифатланмиш советлар мамлакатадиги жиноятчилик бир хилда ривожланмаган эди. Шу туфайли улар уч даражага бўлинганди. Биринчи даражага болалар ва ўсмирлар орасидаги жиноятчилик бениҳоя тарзда ўсаётган жумҳуриятлар киритилган. Яъни Эстония, Латвия ва РСФСР бу борада «қора рўйхат»нинг аввалида турардилар. Иккинчи даражани Белоруссия, Молдова ва Литва эгаллагандилар. Ўрта Осиё ва Кавказ жумҳуриятлари сўнгги поғоналарда турардилар. Ўша йил-

лари Латвияда ҳар юз минг аҳолига ҳисоблаганда 857 жиноят тўғри келган. Бу рақам бутун СССРга қиёсан олинса, йигирма беш фоиз кўпроқ деган гап эди. Россия ва Эстонияда бу кўрсаткич янада юқори бўлган. Биз ўрганаётган ўн йилликда бу юртларда ўсмирлар орасидаги оғир жиноятлар 30 фоизга ошди. Шундан, қотиллик уч мартага, номусга тегиш, босқинчилик ва талончилик эса икки бара-варга кўпайди. Латвиянинг пойтахти ҳисобланмиш Рига шаҳрида мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми истиқомат қилади. Жи-ноятлар сони тақсимланса, Латвиядаги жиноятларнинг тенг ярми унинг пойтахтига тўғри келган. Шаҳарда ҳар куни 30 – 35 жиноят рўйхатга олинса, шунинг 10 – 15-тасини ўсмирлар амалга ошир-ган. Ўсмирларнинг жиноят оламига кириб қолишларига иқтисодий қийинчиликни сабаб қилиб кўрсатувчилар мана бу далилни ўй-лаб кўрсалар дуруст бўларди. Латвия ва унга қўшни мамлакат-ларда яшовчилар совет даврида Ўзбекистон аҳолисига нисбатан иқтисодий жиҳатдан яхшироқ таъминланган эдилар. Бизда топи-лиши қийин маҳсулотлар, тансиқ неъматлар уларда тўкин-сочин эканини рақамлар ҳам тасдиқлайди, борган одамлар эса тўкинчи-ликларни ўз кўзлари билан кўриб, ҳайратланиб келардилар. Асли бир бўлган мамлакатда ана шундай ноинсофлик ва ижтимоий адо-латсизлик мавжуд эди. Масаланинг бу томонини сиёсатчиларнинг эътиборига ҳавола қиламан-да, иқтисодий жиҳатдан камроқ таъ-минланган Ўзбекистонда болалар ва ўсмирлар орасидаги жиноят-чилик тўкин-сочин Латвияга нисбатан икки баравар кам бўлганини таъкидлайман. Советлар даврида ҳамиша мақтовга сазовор бўлган Москвадаги аҳволга фақат ачиниш мумкин. 1990 – 2000 йиллар мо-байнида Европанинг энг катта шаҳарларидан бири бўлмиш Россия пойтахтида ўсмирлар орасидаги жиноятчиликнинг умум жиноят-чиликдаги ҳиссаси 6,7 фоиздан 25,2 фоизга кўтарилди. Диққатни тортадиган яна бир жиҳати, енгилроқ жиноятлар камайиб, оғир жиноятлар сезиларли даражада ўсди. Фикримнинг далили учун ав-валги бобларда баён қилганим онаси ва акаларини чопиб ташлаган ўсмирни эсласак кифоядир.

Мутахассислар жиноятнинг келиб чиқиши масалаларини ечиш мақсадида яқин тарихга кўп мурожаат этишлари тайин. Тарих-дан ҳақиқат излаганларида Абдулҳамид Чўлпоннинг бир байтла-рини эътиборга олсалар:

*«Дерларки: «Ойларнинг нурида вафо йўқ!»  
Демаслар уларки: «Айб бизда, биз бузуқ!»*

Менимча, жиноятнинг илдизи, ўқ томири ҳар қандай жамиятда бир ерда – нотўғри тарбияда. Жиноят дарахтини қуритиш учун патак илдизларни қирқиб қўйиш кифоя қилмайди.

*Совет замонасини эслашдан муддао шулки, бугун бизнинг жа-миятимизда рўй бераётган жиноятчилик ўша ўтмишдан ўтиб келган ярамас меросдир. Совет тузуми даврида патос боглаган*



*яра бу кунларда ҳам жамиятга азоб бермоқда. Энди замон бошқа, касални яширишга уриниш эмас, уни даволашга ҳаракат қилиш давридир. Содир этилган жиноятларни таҳлил этишдан мақсад ҳам шу – буларнинг такрорланмоғига йўл қўймаслик чоралари излаш.*

Жиноятлар идзизини топиш учун турли мамлакатлар турли йўналишларда фикр юритадилар. Бу табиий. Бир мамлакатдаги шарт-шароит билан иккинчи бир мамлакатдагиси орасида осмон билан ер оралиғи қадарли фарқ бўлиши мумкин. АҚШ билан Мексика ён қўшни. Аммо ҳар иккисида жиноятнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари бир хил эмас. Айримлар жиноятчиликни диний йўналиш бўйича белгиламоқчи бўладилар. Бироқ ҳақиқат шуки, Исломни байроқ қилиб олган мамлакатларда ҳам ўсмирлар орасида жиноятчилик учраб туради. Фалсафий тушунчага кўра, сабаб – оқибатни туғдиради. Ҳар икки тушунчани боғлаб турувчи ички қонуният мавжуд. Сабаб ва оқибат ҳаётнинг беҳисоб занжир ҳалқаларидан биридир. Алоҳида сабаб, алоҳида оқибат бўлмайди. Айниқса, мамлакатлар орасидаги руҳий-маънавий чегаралар бузилиб кетган **ҳозирги** кунларда жиноятларга хос хасталикларнинг «юқиши» осонлашиб қолди. Агар юз йил илгари Мисрда вабо тарқалса, бу хасталик ўша атрофларга юқиши, узоқ ўлкаларга етиб келмаслиги ҳам мумкин эди. Бугунги кунда эса ҳар қандай юқумли хасталик энг узоқ мамлакатга ҳам бир неча кунда етиб бора олади. Маънавий хасталиклар ҳам шундай. Жиноят оламига етакловчи бемаъни одатлар, қилиқлар ҳам ўша жойнинг ўзида йўқ бўлмай тарқаяпти.

Жиноятчиликни оилавий шароитга боғлаб фикр юритишга кўникиб қолганмиз. Бу ҳақда аввалги бобларда бир-икки сўз айтган эдим. Бировлар нобоп оиланинг болалари жиноятчи бўлади, деса, бошқалар бойларнинг тантиқ фарзандларини айблашади. Тадқиқот натижалари эса ўзгачароқ ҳақиқатни аён қилади. Ахлоқ тузатиш колониясига борсангиз, турли оилаларнинг фарзандларини кўрасиз. Бир йил у ерда нобоп оилаларнинг болалари кўпроқ бўлса, иккинчи йил бойларники кўпайиши мумкин. Рақамлар муқим эмас, ўзгариб туради. (Яна ҳақиқат шуки, бойларнинг фарзандлари кам, дегани улар орасида жиноятчилик озроқ эканини англатмайди. Улар жиноятчи болаларини қамоқдан қутқариб қолиш чораларини топадилар.) Биз ўрганган вақтда аҳвол бундай эди: қамоққа тушган болаларнинг 61 фоизи жиноят кўчасига киргунига қадар ота-онаси билан яшаган. Турмуш шароитлари унчалик ёмон ҳам бўлмаган. Жиноятчиларнинг 28 фоизи **фақат** онаси билан яшаган, отасиз ўсган. 7,6 фоизи она ва ўғай ота билан билан, 1,1 фоизи ота ва ўғай она билан бирга яшашган. Жиноятчиларнинг 2,3 фоизини ота-онасиз етимлар ташкил этган. Ўрганилган пайтда жиноятчилар орасида **фақат** отаси билан яшовчи ўсмирлар йўқ эди.

Мазкур тадқиқот жиноят турларига бўлиниб ўрганилганда сал ўзгачароқ манзара юзага келди. Ашаддий ўғриларнинг 27,3 фоизи бу йўлга ўтгунларига қадар ота-оналари билан бирга яшаганлар. Ҳаётдан нолийдиган томонлари бўлмаган. 17,3 фоизи етим бўлган, 49,1 фоизи отасиз ўсган, 6,3 фоизи онасиз улғайган. Бундай тадқиқот безориларга доир ишлар юзасидан ўтказилганда безори ўсмирларнинг 32 фоизи ота-онаси билан яшаганлиги, 68 фоизи эса отасиз ўсганлиги, яъни ота тарбиясидан бебаҳра эканлиги маълум бўлди.

Қишлоқ билан шаҳардаги жиноятга доир аҳволга қисқа бўлса-да, тўхталдим. Энди яна бир муҳим масалага – жиноятлар содир этиладиган вақтга диққатингизни тортаман. Бир неча туманларда фош этилган жиноятларнинг содир этилган куни ва вақти ўрганилганда қуйидаги манзарага гувоҳ бўлдим: Жиноятларнинг 1,1 фоизи эрталабки вақтга тўғри келади (Агар жиноятни ўғрилиқ, деб белгиласак, энг кам ўғрилиқ эрталаб бўлган). Кундузги вақтга 19,2, кечки пайтга 56, тунги пайтга 23,7 фоиз жиноят тўғри келяпти. Бу рақамлардан қизиқ ҳолат аниқланыпти. Биз «Ота-она кундузи ишда банд бўлгани сабабли болалар жиноят кўчасига кириб кетяптилар», деб ташвишланамиз. Рақамлар эса бошқача сўзлаяпти. Жиноятнинг асосий қисми ота-она уйда эканида содир этиляпти. Бу қанақаси? Биз адашяпмизми ёки рақамлар алдаяптими? Шу мулоҳазада орадан бир йил ўтиб, бошқа шаҳардаги вазиятни ўрганганимда ҳам шунга яқин натижага гувоҳ бўлдим. Демак, «Боланинг жиноят кўчасига кириб кетишига асосан ота-она айбдор», деган даъвоим асослироқ бўлиб чиқяпти. Кечқурун ёки тундаги жинояти учун қўлга олинган ўсмирларнинг кўп қисми ота-онаси билан яшаган. Шундай экан, бу ота-она «Кечқурун ёки тунда қайларда ва кимлар билан дайдиб юрибсан?» деб тергамайдими? Аввалги боблардан бирида кўчада давра қуриб ўтирувчи, «столба қоровуллари», деб ном олган, кўринишидан беозор болалар ҳақида гапирган эдим. «Кўринишидан беозор» дейишимнинг боиси шуки, улар бир сониянинг ўзида аёвсиз тўдага айланиб қолишлари ҳеч гап эмас. Айтайлик, шом қоронғисидан кўчадан бир йигитча билан қиз ўтиб боряпти. Эҳтимол улар севишганлардир, балки ака-сингилдир, бунинг фарқи йўқ. «Столба қоровуллари»дан бири беозор равишда қизга гап отади. Унинг кўнглида шумлик бўлмайди (ёки аксинча, жанжал чиқариш мақсадида қитмирлик қилиши ҳам мумкин). Йигитчага бу қилиқ ёқмайди, жавоб қайтаради. Сўз жанги қўл жангига айланади. Олти ўсмирдан учтаси «қўйларинг», деб жанжалнинг олдини олишга уринса-да, қолган учтаси қилғилиқни қилиб қўяди. Қарабсизки, бу ёғи қамоқ, тергов... Ота-она эса «Ўғлим кўчада ўртоқлари билан гаплашиб ўтирибди», деб ўйлаб телевизорини хотиржам томоша қилаверади.

Ўрганилган давр натижаларига кўра, ўсмирлар иштирокидаги жиноятнинг 72 – 95,6 фоизи оддий иш кунларида, 28 – 44 фоизи

байрам кунлари содир этиларкан. Эҳтимол, бунга ҳуқуқ идоралари томонидан байрамларда назоратнинг кучайиши сабаб бўлар? Агар шундай бўлса, назоратни сусайтирмаганимиз маъқулдир?

Жиноят содир этилган жойларга эътибор қилсак, биринчи ўринда дўконлар ва муассасаларни кўрамиз. Кейинги поғонада кўп қаватли уйларнинг ҳовлиларида содир этилган жиноятлар туради. Кейин кўчадаги, сўнг уйларнинг ичидаги, боғдаги, поезд вагонларидаги ва бозордаги жиноятлар олдинма-кейин ўрин оладилар.

Эътиборингизга ҳавола этилган рақамлар вақт ўтгани сайин бир оз ўзгарса-да, моҳияти ўзгаришсиз қолаверади. Кўп йиллик кузатишлар каминани шу хулосага олиб келди.

**ОЗОДЛИК НУРИ  
КЎЗНИ ҚАМАШТИРАДИМИ?**

**БИРИНЧИ БОБ**

**НАҚАДАР ШАФҚАТСИЗСАН, ЭЙ ЁРУФ ДУНЁ!**

- «Ўзингдан кўр...»
- Ёзувчининг кўз ёшлари
- Қамаш шартми?
- Бургага аччиқ қилиб...

Сарлавҳада ўқиганингиз бу нидо хаёлим маҳсули эмас. Юракдан вулқон каби отилиб чиққан бу аламли хитобни мен озодликдан маҳрум этилган йигитчанинг кундалик дафтарида ўқидим.

Қуёш қаердадир тоғ ортидан, қаердадир чўл адоғидан, қаердадир асрий музлар орасидан бош кўтаради. Қаердадир дарахт кокиллари уйнаб, биллурий булоқ сувларига тўйиб олгач, хонадонларга мўралайди. Қаердадир қуриб-қақшаб ётган тиканларни, чанқоқ қум барханларни ялаб ўтиб, одамлар яшайдиган ерларга ошиқади. Қаердадир асрий музликлар орасида паноҳ тополмай, одамзотга дуч келишидан умидини узиб, тезроқ кўз юмишга шошилади.

Баҳор ҳам шундай. У илиқ шабада нафасида, қалдирғоч қанотида, турналар солган арғимчоқда кириб келиб, ташна кўнгилларга тириклик сувини беради.

Қуёшнинг тонгдаги, айниқса, баҳор тонгидаги кўркини кўриш барчага ҳам насиб этавермайди.

«Қуёш барчага баравар нур сочади», дейдилар. Ҳақ гап. Бироқ унинг нуридан ҳамма ҳам бир хилда баҳраманд бўлавермайди.

Тиканли сим, темир панжаралар, баланд деворлар ортидан мўралаган тонгги қуёш кўнгилга озод ҳаётдаги каби илиқликни бера олармикин? Тиканли симлар билан ўралган ҳовлига ҳам баҳор киради, бу ердаги дарахтлар куртаги ҳам кўз очади, сурхчалар барг чиқаради. Аммо баҳор гашти тиканли симларни ошиб бу ерга ўта олармикин?

Озодлик сўзини бу ерда нондай азиз кўришади. Бу ерда ойлар саналади, кунлар, соатлар саналади.

Ҳар бир лаҳза, соат, кун... уларни озодликка яқинлаштиради.

Ҳар бир лаҳза, соат, кун... уларни исканжага олади, улар ўйламай босилган қадамларини лаънатлаб яшайдилар.

Бу ер – болалар ахлоқ тузатиш меҳнат колонияси. Ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жиноятчилар жазо муддатини шу ерда ўтайдилар. Бу ерга автомат тарзда очилиб-ёпиладиган темир эшиклардан кирилади. Бир хил кийим кийган, кўзларида мунг, баъзан алам яширинган болаларни кўрган ҳар қандай одамнинг юраги бир қалқиб тушади.

«Колония» – лотин тилида ўзга юртдан келиб жойлашишни англатади. Шунга кўра, жиноят олаmidан юлиб олиниб жойлаштирилганлар, деган мазмунда қабул қилсак ҳам бўлар. Бу ерга ҳукм қилинганларни катталар каби «маҳкум», деб аташмайди. Бундагиларнинг номи – «тарбияланувчи»дир. Милиция ходимлари эса «тарбиячи зобитлар» деб юритилади. Бу ер нима деб аталишидан қатъи назар, қамоқхона бўлса-да, катталарники каби қуроли соқчилар билан кўриқланмайди. Бунда дарс ўтилувчи синфхоналар, ҳунар ўргатувчи устахоналар мавжуд. Хуллас, жиноятчини эмас, адашган боланинг кўзини очиб, тўғри ҳаёт йўлига йўлловчи барча зарур масалалар инобатга олинган. «Ўзбекистон Республикасининг жиноят-ижроия кодекси»да таъкидланганидек, «Озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларнинг фойдали ташаббусини кучайтириш, уларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва бўш вақтини ташкил этиш масалаларини ҳал этишда қатнашиш, интизомни ва ички тартибни сақлаб туришда муассаса маъмуриятига кўмаклашиш мақсадида маҳкумларнинг турли ташкилотлари тузилиши мумкин».

Менинг тоғам, атоқли ёзувчи Мирзакалон Исмоилий Сталин замонида «халқ душмани» деган тухмат билан қамалиб, Қарағанда конларида умрларининг тўрт йилини ўтказган эдилар. Гап келганда айтиб ўтсам, «Фарғона тонг отгунча» романининг биринчи китоби шу қамоқхонада ёзилган эди. Тоғам қамоқдаликларида суюкли фарзандларидан бири Ойзуҳра опам ўн уч ёшларида вафот этганлар. Тоғам оқланиб, озодликка чиққанларидан сўнг қизларининг хотирасига атаб, ўсмирлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Бизнинг роман» қиссасини ёзган эдилар. Орадан йиллар ўтиб, қарилик ёшига етганларида шу қиссанинг давомини ёзиш истаги туғилди. «Асар қаҳрамони Тўлавоё шўхликдан шумликка ўта бошлаган эди. Шумликнинг оқибати нима бўлади, шуни ёзмақчиман», дедилар. Асар давомини мўлжаллаб қўйган ҳам эдилар. Режа бўйича, ёзувчининг уйига оқшом чоғи нотаниш бир киши кириб келади. Маълум бўлишича, у адибнинг китобдаги қаҳрамони – Тўлавоё экан. «Сиз мени ёзишга ёзиб қўйиб, кейин унутдингиз. Сиз ёзган воқеалардан сўнг мен ёмон йўлга кириб кетдим. Қамалдим. Шундан кейингина кўзим очилди. Энди бошимга тушган савдоларни ёзинг, токи бошқаларга ўрнак бўлсин», – дейди у. Тоғам режаларини гапира

туриб, «Кимнинг бошига нима ташвиш тушса, ўзгандан эмас, ўзидан кўрсин. Янги асарнинг номи шунинг учун «Ўзингдан кўр», деб аталади», – дедилар. Ўша пайтда камина Ёзувчилар уюшмасида жамоатчилик асосида бошқарадиган «Фантастика ва детектив адабиёти кенгаши» болалар ахлоқ тузатиш меҳнат колонияларини оталиққа олган эди. Биз ҳар якшанбада турли адабий учрашувлар ташкил қилар эдик. Тоғамнинг ниятларини эшитгач, «Болалар колониясига бориб келасизми?» – деб сўрадим. Очиги, «Қамоқхона нималигини яхши биламан, боришим шарт эмас», деган жавоб кутган эдим. Лекин хасталикларига қарамасдан, маҳкум – тарбияланувчилар билан учрашиш истагини билдирдилар. Колониядан қайтиб келганларидан сўнг «Учрашдингизми, таассуротларингиз қандай?» деб сўрадим. Шунда ёзувчи кўзларида ёш пайдо бўлди. Лаблари титраб, дарров гапира олмадилар. Бир оздан сўнг йиғламсираб: «Шу болалар қамоқда ўтирадиган болаларми, а? Ўқиш ўрнига, ота-онаси бағрида ўйнаб-кулиш ўрнига нима учун қамоқда ўтиришибди?» – дедилар. Тўрт йил уруш фожиаларини кўрган, Сталинграддан Берлингача борган, сўнг эса туҳмат билан қамоқ жафоларини кўрган одамнинг дийдаси қаттиқ бўлиши керак эди. Лекин ёзувчининг қалби тош эмас эди. У болаларнинг озодликдан маҳрум эканликларига чидай олмади. Ўша учрашув хаста юракка илҳом ва далда бериб, ахлоқий асарни ёздилар. Бу асар ёзувчининг васияти ўрнида қолди.

Ёзувчилар ҳиссиётли бўлишади, дерсиз? Ҳа, тўғри. Лекин ҳиссиётсиз одам ҳам бу ердаги болаларнинг мунгли нигоҳларини кўрса, эзилиб кетиши аниқ. Тарбияланувчилар сиртдан қаралганда мўмин-қобил кўринсалар-да, уларнинг бу ерга келгунларича қилган қилиқлари, айримларининг бу ерда кўрсатаётган ҳунарлари билан танишсангиз, эҳтимол ачиниш ҳиссидан ҳоли бўларсиз. Бу болалар билан танишганларнинг барчалари Мирзакалон Исмоилий каби ҳиссиётга берилиб, кўзига ёш олавермайди. Ўша йиллари яна бир ёзувчини колониядаги учрашувга таклиф қилганимда у қатъий рад этиб: «Бу тадбирларнинг сира фойдаси йўқ, у ерга тушганларнинг биронтаси ҳам одам бўлиб чиқмайди», деди. Унинг гапи менга малол келди. Агар ўша ерда унинг фарзандими ё набирасими, ёки жияними бўлганида бундай шафқатсиз тарзда гапирмас эди. Барчамиз учун афсусли ери шундаки, ўша ёзувчимизга ўхшаб фикрлайдиганлар орамизда озми-кўпми учрайди. «Болалар колониялари янада пишиб етилган, уддабурон жиноятчилар етиштириб берувчи маҳорат мактабидир», дегувчиларни ҳам учратганман. Расули муҳтарам саллолоҳу алайҳи васаллам жаноби Ҳақдан ривоят қилган сўзда Аллоҳ таоло шундай буюради: «Эй бандаларим! Мен бандамнинг гумонидаман. Мен сен билан биргаман. Агар мендан яхшиликни гумон қилсанг, яхшилик бўлади. Ёмонликни гумон қилсанг, ёмонлик бўлади». Шунга кўра, биз қамоқдаги ўсмирларга нафрат кўзи билан қарасак, улардан ҳам нафрат назарини оламиз, уларнинг тўғри йўлни топа

олишларига ишонмасак, зулмни касб қилиб олган ашаддий жиноятчига эртами-кечми ўзимиз рўпара келамиз, чўкаётганга ёрдам қўлини чўзмасак, бу гуноҳимиз учун қачондир ё фарзандимиз, ё яқин қариндошимиз тақдири билан жавоб берамиз. Шуларни унутмасак бас.

Мазкур рисолани ёзишга тайёрланаётган пайтимда жиноятга доир қидирув нозирлари, терговчилар, суд ҳакамлари ва шу соҳага яқин кишилар билан суҳбатимиз чоғида «Ўсмирларни қамаш шартми, уларни тарбиялашнинг ўзга чораси йўқми?» деган савол билан мурожаат этдим. Уларнинг 93 фоизи «Қамаш шарт, қамоқда қанчалик узоқ ўтирса, жамиятнинг ташвиши шунчалик камаяди», деган фикрни билдирдилар. «Жамиятнинг ташвиши», деганда улар энг аввало ўзларининг тинчини ўйлаганлари мен учун сир эмас эди. Каминани ажаблантирган нарса бошқа эди: суҳбатдан маълум бўлишича, болаларни узоқроқ қамаш тарафдорларининг биронтаси колонияга бормаган, ундаги шарт-шароитлар, тарбия усуллари билан таниш эмас экан.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Вояга етмаган болалар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишга ўрнатилган (Ар Риёд) дастурий принциплари»нинг 1-моддасида «Болани ўзининг ривожланишига жиддий зиён етказмайдиган ёки бошқаларга зарари тегмайдиган хулқи учун жазолашдан ҳамда криминализациядан эҳтиёт бўлиш керак», деб огоҳлантирилади.

«Болаларни жинояти учун қамаш шартми?» деган муаммо бутун дунёдаги шу соҳа мутахассисларини ўйлатиб келади ва ҳар бир мамлакатда ўзига хос равишда ечим топишга уринишади. Масалан, Чехияда жиноят билан ушланган болаларнинг 20 – 26 фоизигина қамоқ жазосига тортиларкан. Бу кўрсаткич Германияда 10 – 20, Польшада 4 – 6 фоизни ташкил этаркан. Бу уч мамлакат бир-бирига қўшни эканини эътиборга олсак, масалага ёндашиш бўйича ҳам яқинлик мавжуд эканини кўраемиз. Шу томонлардаги мутахассисларнинг фикрича, болаларни кўпи билан олти ҳафта қамоқда ушлаб туриш кифоя қилади. Бола қамоқда кўп ўтиргани сайин ундаги ижобий хислатлар камайиб, салбий иллатлар кўпайиб бориши мумкин экан.

Кейинги йилларда бизнинг юртимизда ҳам бу масаланинг ижобий ҳал этилишига эътибор қаратиляпти. Айрим ҳолларда болалар қамалмай, жамоатчилик тарбиясига топшириляпти. Баъзи болаларни маҳаллалар ҳимояларига олишяпти. Маълум жиноят учун белгиланган жазо муддати ҳам қисқартириляпти. Афви умумийда ҳам биринчи галда болаларга имтиёз бериляпти. Бу тадбирлар келгусида яхши натижалар беришига умидимиз бор. Аммо жазо белгилашдаги демократлашишда қадим донишманд Афлотун айтгандай, жазо муддатини камайтириш билан чекланмай, масаланинг маънавий томонини ҳам ечишга уриниш керак. Бу нима дегани? Дейлик, бир одамнинг жинояти учун етти йилдан ўн йилгача қамоқ жазоси берилиши керак. Ўша одам ўзининг жиноятини

шу даражада ҳис қилсинки, «Етти йилми, ўн йилми – ўзинг танла», дейилса маънавий юксаклик ила: «Менинг жазоим ўн йилга лойиқ», десин, ҳакам эса унинг айбини тушуниб етганини инобатга олиб, энг кам жазони белгиласин. Шунга кўра, боланинг қамоқда узоқ ўтириши муҳим эмас. Муҳими – у қандай айб иш қилиб қўйганини тушуниб етсин ва бу йўлдан қайтсин.

Қамалган болаларнинг тақдирини кўп йиллардан бери кузатаётган киши сифатидаги каминанинг хулосаси шуки, бургага аччиқ қилиб, кўрпа куйдирмаслик керак. Тўғри, бадбин одамлар ўйлаганидек, тузалиши амри маҳол бўлган йигитчалар ҳам бор. Аммо ундайларнинг кўпи бу ердан қутулиб чиққач, ҳалоллик йўлида юрмоқликни орзу қилади. Озодликка чиққунча эса...

Озодликдан маҳрум этилишнинг ўсмир руҳиятига қанчалар таъсир этишини баён этишга қалам ожиз. Кечагина ҳамма айбни ўз бўйнига олиб мардлик қилаётган йигитча бу остонадан ҳатлагач, бошқача одамга айланади. Озодликдаги, ҳатто тергов давридаги эркаликларини, инжиқликларини бу олам кўтармайди. Бола фақат иссиқ уйидангина, яхшими-ёмонми дўстлари бағридангина эмас, кўника бошлаётгани жиноят олаmidан ҳам юлиб олиниб, бу ерга ташланади. Энди у меҳнат қилишга мажбур, аммо меҳнат турини ўз истагига кўра танлай олмайди. Бунда ўзига ўхшаганлар бор, бироқ истагани билан сўзлашиб, истамаганидан нари юриш ҳуқуқидан маҳрум. Бўш вақти кўп, лекин хоҳлаган мусиқани эшитолмайди, истаган пайтда ётиб ҳордиқ чиқаролмайди. Ҳатто таомланиш борасида ҳам қатъий чегаралар орасида яшай бошлайди. Унинг тўғри гапига ҳам ишонқирашмайди, хатти-ҳаракатини гумон билан кузатишади. Уйдагилар киритган нарсаларни титиб текширишади. Бундай чеклаш, чегаралаш, таъқибларни бола колония тартиби сифатида эмас, балки ўзи учун хорлик ва хўрлик деб қабул қилади.

Боласи колонияга тушган оила янада оғирроқ маънавий азобга дуч келади (Нобоп оилалар бундан мустасно. Улар учун фарзанд ўз бағридами ё қамоқдами – бари бир). Демак, сим тиканли баланд деворнинг ҳар икки томонида алам ва қайғу ўзининг темир тирноқлари билан тирик жонларни азобга солаверади.

*Билмайин босдим тиканни – тортадирман жабрини,  
Билсам эрдим, босмас эрдим, тортмас эдим жабрини...*

Бу – қалб ноласи, кечикиб очилган онгнинг қайғули фарёди. Энди бунинг қанчалар фойдаси бор, Худо билади.

Бундаги тарбиячилар турли усуллар ва услублар билан болаларни тўғри йўлга йўллашга уринадилар. Мен уларнинг ишларини таҳлил этиб, танқид қилиш фикридан узоқман. Аммо ҳақиқат шуки, бундаги қайта тарбиянинг оқибати жамият кутган даражада бўлмапти.



Бағдодлик ўғри ҳузурига борган нодон йигитчани эслайлик. Мазкур ривоят ҳар қанча ибратли бўлмасин, ўнг қўлнинг кесилиши ҳақидаги гап қамоқдаги болага етарли таъсир эта олади, дея олмайман. Бағдодлик устоз бир-икки ҳунарни ўргатиб, бир-икки бор ўғирликка олиб боргандан кейин чап қўлда таом емоқлик шартини айтганида ўша йигитча ҳам орзусидан қайтмаган бўларди.

Колонияда белгиланган тартиб-қоида ҳар қанча назорат қилинмасин, унга бўйсунмайдиганлар ёки тартиб бузувчилар учраб туради. Бу ерга кирганимда бошлиқ бир йигитчани чақиртирди. Тарбияланувчининг эғнида эскироқ пахталик калта тўн диққатимизни тортди.

– Кеча янги пахталик олувдинг, қаёққа гум қилдинг? – деб сўради бошлиқ.

Йигитча дарров жавоб бермай, бошини эгиб тураверди. Саволяна такрорлангач, «Йўқотиб қўйдим», деди. Бошлиқ бизнинг олдимизда ҳақиқатни ошкор қилишни истамай, уни чиқариб юборди-да: «Алдаяпти, – деди, – бир қути сигаретга алмаштириб юборибди». Йигитча ихтиёрий тарзда алмаштирмаса-да, кечаси алмаштириб қўйишлари ёки очиқчасига зўрлик билан тортиб олишлари ҳам мумкин эди. Худди кўчадаги каби бу ерда ҳам «зўр»лар мавжуд ва улар болаларга сезиларли салбий таъсирларини ўтказа оладилар. Айрим болалар колония маъмуриятидан эмас, кўпроқ ўша «зўр»лардан қўрқадилар. Мутахассисларнинг кузатишларича, колониядагиларнинг чорак қисми бошқаларни тартибни бузиб туришга ундар экан. Бешдан бир қисми эса маъмуриятга бўйсунмаслиги, қочишга уриниши билан ажралиб турар экан. 10 – 13 фоизи эса тартибни бузишга бошқаларни ҳам жисмонан, ҳам маънан мажбурлар экан. Мана шундай ташқи таъсир натижасида бу ердаги адашганлар «маънавий бойлик», «жамият манфаати» деган тушунчалардан узоқлашаверадилар. Ҳатто вақт ўтгани сайин улар учун инсон ҳаётининг сариқ чақачалик қадрини қолмайди.

Озодликда уларнинг атрофида озми-кўпми соғлом муҳит бўлади. Тутқунлар эса бундан маҳрумлар. Улар озодликдаги тенгдошларидан ҳар томонлама ортда қоладилар.

Колонияга тушганига ҳали бир йил бўлмаган болалардан «Куч ишлатмасдан бирон нимага эришиш мумкинми?» деб сўраганимда, уларнинг 48 фоизи «Мумкин», деб жавоб беришди. Бу ерда икки ярим-уч йилдан бери ўтирганлардан сўралганда, эса бу рақам 13 фоизни ташкил этди. Бир йил ўтирганларнинг 14 фоизи шафқат ва меҳрибонликни ожизлар иши, деб баҳолаган бўлсалар, икки ярим-уч йил ўтирганларнинг 33 фоизи шундай фикрни билдирдилар. Демак, бола қамоқда қанча кўп ўтирса, шунча кўп шафқатсизроқ бўлиб бораркан.

Баланд девор билан ўралган колониянинг ёзилмаган, аммо бажарилиши мажбур ўзига хос қонун-қоидалари бор. Бу ўринда маъмурият таъсис этган қоидалар назарда тутилмаяпти. Худди катталар қамоқхонасида бўлганидек, бу ерда ҳам норасмий хўжайинлар

– «зўр»лар мавжудлигини айтдим. «Тарбияланувчи»лар орасидаги муносабат кўп ҳолларда уларнинг истаги асосида юритилади. «Хўжайинлар» – ёши катта, қайта-қайта қамалганлардан иборат бўлади. «Тарбиячи-зобит»ларни қийновчи асосий масалалардан бири ҳам шу «хўжайин»лардир. Болаларни қўрқитиб, зўрлаб, ҳатто қийнаб ўз оламларига тобе қилувчилар ҳам айнан шулардир.

Остона ҳатлаб кирган жиноятчи ўсмирни кутиб олувчилар унга жиноятига қараб муомала қиладилар. Қотилга бир муносабат, ўғрига бошқачароқ, номусга тегувчига эса бутунлай ўзгача. Номдорроқ жинорий гуруҳ қаторида қамалганларнинг мартабаси баландроқ, адашиб, пушаймон еяётганларники қўйироқ, эҳтиётсизлиги оқибатида жиноятга тасодифан аралашиб қолганларники янада бошқачароқ. «Тарбияланувчи»лар орасидаги зулм, зўрлик, адолатсизлик оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатлар учраб турадики, бу ҳақда сиз билан бизга маълум қилинмайди. Мазкур суҳбатда буларни тадқиқ қилишни муддао қилиб қўймаганман. Мақсадим – озодликдан маҳрум боланинг руҳиятидаги ўзгаришларни ўрганиш. Бир масала бўйича озод йигитча билан тутқун ўсмирнинг фикри айри-айри бўлиши табиийдир. Ҳаётга қараш, уни тушуниш, хулоса қилиш ҳам турличадир. Сиз билан биз диққат қиладиган нуқта ҳам айнан шу ерда: ўсмир озодликка ҳаёт ҳақидаги ўзгача фикр билан чиқади. Ундаги ўзгача фикр фақат ўз ақлининг маҳсули, дея олмайман. Бола ҳар қанча ақлли бўлмасин, унинг дунёқарошига атрофидагиларнинг таъсири сезиларли бўлади.

«Агар сизга пул зарур бўлиб қолса қаердан топасиз?» деган саволга озодликдаги ўсмирлар бундай жавоб қайтардилар: сўралганларнинг 37 фоизи ота-онаси ёки қариндошларидан илтимос қилишини айтди. 33 фоизи ўртоқларидан қарз олишга умидвор. 24 фоизи бирон ерда ишлаб топишига ишонади. 6 фоизи бирон буюмини сотиши мумкин экан. Тутқундаги ўсмирларнинг жавоблари эса булардан анчагина фарқ қилади. Уларнинг кўпчилиги «ҳар қандай йўл билан ҳам топиш» тарафдори. «Ҳар қандай йўл» дейилганда ўғрилик ёки талончилик назарда тутилгани аниқ. Лекин болалар бу йўлга «Тиланчилик қилиш ҳам айб эмас», деб қўшимча қилдилар. Лекин бу қўшимчага унча ишонмадим, бу ердан чиққанлар тиланчилик қилишмаса керак, деб ўйладим. Тутқунлардан сўралганларнинг яна бир гуруҳи «Мўмай пул топиш учун таваккал қилиш керак», деб айтишди. «Таваккал»нинг маъносини ҳам шарҳлаш шарт эмасдир. Ҳар ҳолда озодликдаги болалар пул учун таваккал қилмоқликни нодонлик деб ҳисобладилар. Қамоқдагилар эса «Пул қандай топилиши муҳим эмас, муҳими пул топиш!» деган фикрда қатъий қолдилар.

Ўсмирлар дунёқарошини аниқлаш учун турли саволлар берилди. «Ўзингга истамаган нарсани бировга ҳам истама» – озодликдагиларнинг 67 фоизи, тутқунларнинг 31 фоизи шу ақида бўйича яшамоқ мумкин, деб ҳисоблайди. «Агар бировнинг манфаатига зид келмаса, ҳар бир одам ўз истаги билан яшаши керак» – озод-

ликдагиларнинг 59 фоизи шундай фикрда. Тутқундагиларнинг кўпи саволни «Ҳар бир одам ўз истагича яшаши керак», деб тузатишибди. «Қизлар эркакларнинг талабини қондириш учунгина мавжуд» – озодликдагиларнинг 29 фоизи, тутқунларнинг 82 фоизи шу фикрда. «Майхўрлик – дунё лаззатидир» – озодликдагиларнинг 28 фоизи, тутқунларнинг 77 фоизи шу шиорни маъқул кўрди. Мазкур тадқиқот ўн олти ёшли ўсмирлар орасида ўтказилди. Қонун масаласидаги сўров ҳам турли натижа берди. Бизга бу борада тутқунларнинг фикри муҳим: 47 фоиз ўсмир қонун билан мутлақо қизиқмайдилар ва қизиқмасликлари сабабини тушунтириб бера олмайдилар. 17 фоизи қонунни ўрганиш истагида, уларнинг фикрича, қонун инсон ҳуқуқларини ҳимоя қила олади. 36 фоиз бола эса бу фикрга қарши.

Болаларнинг кучга муносабатлари ҳам бир хил эмас. Айниқса, қамоқдагиларнинг бу соҳадаги фикрлари бутунлай ўзгача. Улардан: «Ўзаро келишмовчиликларни қандай ҳал қилган маъқул?» – деб сўраганимда ярмидан кўпи куч ишлатишни маъқул кўрдилар. Ҳолбуки, озодликдаги болаларнинг қарийб етмиш фоизи келишмовчиликни тинч йўл билан ҳал қилиш тарафдорлари эдилар (Фарққа эътибор беринг). Тутқундаги 21 фоиз бола тинч йўл тарафдори бўлди. 17 фоизи бошқа бирон йўл топиш керак, дейишди. Аммо қандай йўл эканини ўзлари ҳам аниқ билишмади.

«Бировнинг сўкишига қарши қандай жавоб қилиш керак?» деган саволга озодликдаги болаларнинг 33 фоизи «мушт билан», деб жавоб қилишди (Айримлари «Жавоб сўкишнинг турига боғлиқ. Агар онадан сўкилса, муштан бошқа чора йўқ», деб изоҳ беришди). 55 фоизи «Сўкишга сўкиш билан жавоб қилиб, масалани ойдинлаштириш керак», деди. 12 фоизи «Биров сўкса, эшитса ҳам эшитмаганга олиб индамаслик керак», деган оғир вазифани зиммаларига олдилар.

Ўзаро келишмовчиликларни куч билан ҳал этиш тарафдорларининг қарийб тўқсон фоизи сўккан одамни албатта мушт билан «сийлаш» шарт деб ҳисобладилар. Ўн фоизи сўкишга сўкиш орқали жавоб қайтариш билан кифояланар эканлар. Сўкишни эшитиб, эшитмаганга олиш бу тоифа учун уят экан. Ўзаро келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал қилса бўлади, деб ҳисобловчи болаларнинг 45 фоизи сўкишга сўкиш билан жавоб беришни тўғри, деб ҳисобладилар. Фақат 14 фоизи мушт ишлатишни сўнгги чора, деб билдилар.

Хўш, куч ишлатиш тарафдорлари кимлар? Сиз албатта «зўр»лар, дерсиз? Фикрингизни рад этмайман. Аммо фақат улар эмас, афсусли жойи шунда. Ҳаётда кўп калтакланган ёки ҳақоратланган ўсмирлар, бошқачароқ айтсам, «аламзадалар» куч ишлатиш тарафдорларининг аксарини ташкил этадилар. Яна афсусли жиҳати шундаки, бу аламзадалар фикрларини амалга оширишга жуда яқин бўладилар.

Келишмовчиликларни фақат куч ишлатиш йўли билан ҳал этиш тарафдорларининг озодликдаги ҳаётлари билан қизиққаннимда

мана бу манзара намоён бўлди: уларнинг 13 фоизи отаси томонидан доимий равишда калтакланган, 9 фоизини оналари савалаган, 6 фоизи синфдошлари томонидан, қолган қисми кўчадаги таниш-нотаниш болалар томонидан калтакланиб турилган.

Ўсмир ёшидагиларнинг камдан-кам қисми ёлғиз пайтида биров билан муштлашади. Тўда бўлиб олиб муштлашишларини аввал ҳам айтиб, бир-икки мисол ҳам баён қилган эдим. Энди тутқунликдаги болаларнинг шу масалага доир қарашлари билан танишсак. Албатта, колонияда тўдаларга бўлиниб олиб, очиқчасига муштлаша олишмайди. Маъмурият бунга йўл қўймайди. Калтаклаш пинҳона тарзда амалга оширилади. Лекин бундагиларнинг ҳаммаси бўлмаси-да, маълум бир қисми маълум тўданинг аъзоси сифатида муштлашувларда иштирок этган. Баъзиларнинг бу иштироки жазосиз қолган бўлса, баъзилари айнан шу иштироки учун, ўзларининг тиллари билан айтилса: «арзимаган иш учун» қамалишган.

«Агар нотаниш ёки сизга рақиб бўлган тўда билан муштлашиш зарурияти туғилса, сиз нима қилар эдингиз?» – деган саволга, сўралганларнинг 79 фоизи «Шерикларимни қўллаш учун мен ҳам урушаман», – деб жавоб қайтарди. 20 фоизи олишувни тўхтатишга ҳаракат қилишини айтди. Қолгани бунақа машмашадан ўзини четга олмоғини билдирди. Маълумки, бунақа олишувда баъзан қурол ҳам ишлатишади. Шу масалага муносабатлари сўралганда, дўстларни ҳимоя қилиш учун муштлашувчиларнинг 60 фоизи қуролланишга шай эканликларини билдирдилар. 13 фоизи эса қурол ишлатишни рад этди. Қолганлари аниқ фикрга келишолмади. Қурол ишлатиш тарафдорларининг 28 фоизи қўлига пичоқ, кастет, занжир ёки шу каби совуқ қурол олиши мумкин экан. 23 фоизи ўзи ясаган махсус мосламадан фойдаланишни аъло кўрар экан. Мана шу нуқтага эътибор берайлик. Биринчи тоифа қўлига нима тушса шунини ишлатади. Иккинчи тоифа эса махсус мослама ясаб тайёрланыпти. Биринчи тоифа қуролдан фойдаланмаслиги ҳам мумкин. Иккинчиси албатта ишлатади. 10 фоиз бола газли баллончаларни, 6 фоизи тўппонча ёки қирқма миллиметрликни, 4 фоизи портловчи бирон моддани маъқул кўрди. Бу рақамлар бекорга келтирилмаяпти. Диққат қилинг: улар шунчаки муштлашувни назарда тутишмаяпти. Бу муштлашув болаларнинг безорилиги ҳам эмас. Бу рақамларнинг ортида зулм шарбатидан маст жиноятчилар турибди. Қамоқда ўтирган ерида қурол ишлатишни маъқул кўраётган ўсмир озодликка чиқиб, хомхаёлини амалга оширмайди, деб ким кафолат бера олади?

Жинояти учун жазога ҳукм қилинганларнинг барчаси аралаш тарзда битта колонияга юборилмагани маъқул. Яқин-яқингача бизда майдароқ жиноятлар учун алоҳида, жиддийроқлари учун бошқа колония мавжуд эди. Алоҳида-алоҳида бўлиши ҳам колониядаги табақаланишнинг олдини ололмайди. Ҳар икковида ҳам «зўр»ларнинг табақаси бошқаларга таъсир ўтказаверади. Тутқунликдаги болаларнинг ёшлари ҳам табақаланишга таъ-

сирини ўтказди. Табиийки, 14 – 15 ёшдаги болалар «зўр»лик шоҳсупасига даъво қилолмайдилар. Аксинча, ёш кичик бўлгани сайин юқоридан тазйиқ кучайиб бораверади. Қайта-қайта қамалувчилар - рецидивистлик ўсмирлар орасида ҳам мавжудлиги ҳақида баён қилган эдим. Колонияда ўтирган рецидивистларнинг ярмидан кўпи биринчи марта 14 – 15 ёшида қамалган. 10 – 14 фоизи эса 16 – 17 ёшида қамалган. Ҳолбуки, 16 – 17 ёшлилар 14 – 15 ёшлилардан кўпроқ қамалишади. Шу масалада мутахассислар ўйлаб кўрадиган бир муаммо мавжуд. Юқоридида айтганимдай, майдароқ жиноят қилганлар алоҳида колонияда тарбия қилинади. Кейинги пайтда иккала колония бирлаштирилибди. Назаримда, бу хато тадбир. Чунки тасодифий ўғирлик билан бир йилга қамалган ўсмир билан иккинчи марта қотиллиги туфайли ўн икки йилга қамалган йигитчанинг бир колонияда бўлиши, тарбиявий нуқтаи назардан қаралганда, хатодир. Ўсмир ёшидаги қизларнинг катталар қамоқхонасида ўтириши ҳам хато. Айнан шундай хатоликка қўл қўйилгани сабабли, колония тарбия қилиш масканига эмас, жиноят бобида маҳорат ошириш мактабига айланиб қолиши мумкин, деган фикрга энди эътироз билдирмасиз.

Колонияда тарбиячи-зобитларга мушкуллик туғдирувчи яна бир нарса – бундагиларнинг ҳар бири ўзича бир олам. Руҳий ҳолати жиҳатидан бир-бирига яқинлашмайди. Озодликда бир синфда ўқийдиган болаларнинг дунёни англаш масаласида бир-бирига яқинлиги мавжуд бўлади. Чунки кўп йиллар давомида улар бир муҳитда тарбияланадилар. Тутқунликда эса ўзгача ҳолатни кўзатамиз. Мисол учун қотилларни олиб кўрайлик: ҳуқуқ нуқтаи назаридан уларнинг номлари бир – қотил. Аммо қотиллик сабаблари ва бажариш усуллари ҳар хил бўлганидек, жазо пайтидаги уларнинг руҳий ҳолатлари, пушаймонлик даражалари ҳам турличадир. Аввалроқ баён қилганим, хориж киноларини кўп кўриш таъсирида онаси ва акаларини ўлдирган ўсмирни яна эслайлик. Энди унинг ёнидаги бошқа бир қотилни кўз олдимизга келтирайлик. Бу болани кўчанинг «зўр»ларидан иккитаси узоқ вақт қийнаган. Охири уни қувиб келиб, уйига бостириб кирган. Шунда фарзандини ҳимоя қилмоқчи бўлган отани ҳам калтаклашган. Бу хўрликка чидай олмаган бола ошхонадан пичоқ кўтариб чиқиб, «зўр»ларга ташланган. Уларнинг бири боланинг кўз олдида жон таслим қилган, иккинчиси касалхонада ўлган. Бола эҳтиёт чорасини меёрдан ошириб юборгани учун қамалган. Ана энди ҳар иккала қотилнинг кундалик турмушини ҳис қилишга уриниб кўринг. Иккаласа икки олам эмасми? Сиз айтишингиз мумкин, биринчи бола тузалмайди, озодликка чиққанидан кейин ҳам қонсираб одам ўлдираверади. Бу гумонингизда эҳтимол жон бордир. Лекин бу ўринда ҳам умиддан чекланмаслик керак. Тўғри, дастлабки кунлари бола қандай мудҳиш жиноят қилиб қўйганини етарли идрок эта олмади. Лекин вақт ўтиб, ҳуши ўзига келиши мумкин-ку? Пу-

шаймон оловида куйиши мумкин-ку? Иккинчи боланинг афсусли кунларини баён этмасам ҳам бўлар. Мен бошқа нарсадан хавотирдаман: ўз сафларини ёшлар ҳисобига тўлатиб борувчи жиноят олами буларнинг қайси бирини ўз бағрига тортишга уринар экан?

Ҳозирги кунда барча соҳаларда ислоҳ кетаётганини назарда тутиб, бу йўналишда ҳам жиддий ислоҳотлар зарурлигини таъкид этмоқчиман. Бу соҳа ҳамиша мутахассис олимлар назоратида бўлмоғи ва иш услублари замонга қараб ўзгариб бормоғи шарт. Ўн беш-йигирма йил аввалги жиноятчи ўсмир билан бугунгисининг орасида осмон билан ерча фарқ бор. Бугун катта-катта колониялардан воз кечиш эҳтимол мақсадга мувофиқ бўлар. Бунинг ўрнига ҳар вилоятда, балки ҳар воҳада кичикроқларининг бўлгани дурустдир. Ўсмирларнинг ота-оналари ва яқинлари билан кўришиб туриш имтиёзларини кенгайтириш ҳам яхши самара берармикин. Балки синфдошларининг келишини ташкил этишда маъно бордир? Руҳий томондан доимий равишда тажрибалар ўтказилиб турилиши, илмий-тадқиқот ишларини йўлга қўйилишидан бўладиган фойдани ҳеч ким инкор этмаса керак. Менимча, бу ерда шунчаки «тарбиячи-зобит»лар эмас, руҳшунослик йўналишидаги илмий тадқиқотга мойиллиги бор кишилар кўпроқ ишлагани маъқул. Чунки у колония остонасини ҳатлаб кириб келган ўсмирни назорат қилинувчи шахс деб эмас, тарбияга ва шафқатга муҳтож инсон, деб қабул қилиб олиши керак. Тарбиячи-зобитлар тарбияланувчи ўсмирни жиноий ишда баён этилган маълумотлар асосида биладилар. Мен уларнинг ишларида нафи тегар, деган умидда бир-икки таклифни айтмоқчиман:

Ҳар бир тарбиячи-зобит тарбиясидаги ўсмир ҳақида мана бу маълумотларни сўраб, билиб, аниқлаб олса яхшироқ бўларди:

*\* Колонияга тушгунига қадар қандай шароитда яшади ва тарбия кўрди? Ота-оналари борми, улар қандай юмушлар билан бандлар? Оилада яна бошқа фарзанд борми? Оилада судланиб, қамалганлар бўлганми? Руҳий хасталар ёки майхўрлар мавжудми?*

*\* Оиланинг моддий аҳволи қандай?*

*\* Ўсмирнинг қамалгунига қадар ўқишга ёки ишга бўлган муносабати.*

*\* Бундан аввал қамалганми, милиция рўйхатида турганми, ахлоқи жамоатчиликда муҳокама қилинганми, майда жинояти учун жазо олганми, майхўрлиги туфайли милиция назоратига олинганми?*

*\* Уни тўғри йўлга солиш учун қандай чоралар қўлланилган, бу чоралар нима учун ижобий натижа бермаган?*

*\* Жиноят содир этишига қандай шароит туртки бўлди?*

*\* Жиноят кўчасига кириб қолгунича қилган айблари учун кўрилган чора нима учун унга таъсир қилмади?*

*\* У ҳаётдаги ўрнини тўғри кўра оладими, ўз кучига тўғри баҳо берадими, инсоннинг меҳнат қилиши лозимлигини тўғри англайдими?*

\* У бирон ҳунарга қизиқадими, шу ҳунар туфайли тирикчилик қила олишига ишонадими?

\* Маданий ва маънавий савияни ошириш, деганда нимани тушунади. Ўз савиясини оширишга интилиши борми? Ўқишга қизиқишичи? Ўқиб, юқори мартабаларга эришмоғига ишонадими?

\* Иродаси қай даражада? Феъл-атвори бошқаларникидан қайси жиҳатлари билан фарқланади?

\* У нималарга кўпроқ қизиқади? Унинг қизиқиши жамият манфаатига зид эмасми?

\* Унда қандай қобилият мавжуд?

\* Дўстликни қандай тушунади? Ким билан ўртоғу, ким билан ёв?

\* Колонияга, ўзининг бўлинмасига муносабати қандай?

\* Атрофидагиларнинг муваффақиятидан қувонадими?

Тарбияланувчи ўсмирнинг бошқалар ҳақидаги фикрини билишда жуда ва жуда эҳтиёткор бўлиш талаб қилинади. Буни улар чақимчилик ўрнида қабул қилишлари ҳам мумкин. Тутқунликда эса чақимчиликнинг кечирилиши қийин.

Совет жамиятининг сўнгги ўн йиллигида болалар колонияси остонасини 1,2-1,5 миллион ўсмир босиб ўтган эди. Шу далилнинг ўзиёқ жамият яраларининг йиринглаб кетганини кўрсатиб турибди. Болаларни аёвсиз равишда қамашдан қайтмаган жамиятнинг аҳволи шу бўлди.

Мавзуга якун ясашдан аввал Беларуссия республикасида бу соҳада олиб борилаётган ибратли ишларга эътиборингизни тортмоқчиман. Чунки собиқ Иттифоқ ҳудудидаги республикалар орасида Беларуссияда аҳвол нисбатан яхшиланиб бораётганини Халқаро ташкилотлар ҳам қайд этипти. ЮНИСЕФнинг маълумотига қараганда, Беларуссия Марказий ва Шарқий Европа ҳамда МДХ давлатлари орасида анча илгарилаб кетган. Рақамларга мурожаат қилсак, бу ерда ҳар 100 минг боладан 25 таси қамоқда ўтирибди (Албанияда эса ҳар 100 минг боладан 112 таси қамоққа ҳукм қилинади). 2016 йилнинг биринчи ярмида ўсмирлар томонидан 800 дан зиёд жиноят содир этилган. Шундан учтаси қотиллик, саккизтаси танга оғир жароҳат етказиш, учтаси номусга тегиш. Республикада содир этилган жиноятларнинг 4 фоизи ўсмир ёшдагилар зиммасида. Бу соҳадага дунё амалиёти таҳлилига кўра, ўсмирлар жиноятининг 5 фоиздан ошмаслиги яхши кўрсаткич саналади. Республикада болалар ахлоқ тузатиш колониясини тубдан ўзгартириш ҳаракати бошланган. Аввало бу жой катталар колониясидан ҳар томонлама – ташқи кўриниши, ётоқлари ва хизматчиларнинг муомаласига қадар фарқ қилиши керак. Бола ўзини зулмат қаърига тушиб қолгандай ҳис этмасин. Колония остонасини ҳаглаб ўтган ўсмир дастлаб барча маҳкумлар каби умумий шароитда яшайди. Хулқида яхшилик куртаклари кўрина бошлагач, унга бўлган эътибор ҳам ўзгаради. 30 – 50 кишилик умумхоналардан 4 – 6 кишилик хос хоналарга кўчирилади. Яқинлари билан кўришиш имкониятлари ҳам кенгайтирилади, яъни маҳкум

озод ҳаётга руҳан тайёрлана бошлайди. Яхшиланган шароитнинг қадрига етиб, интизомга қатъий амал қилган маҳкумлар эса энди колониянинг ташқарисидаги уйчаларга чиқарилади. Маҳкум колония назоратида бўлса-да, алоҳида ювиниш хоналари мавжуд бўлган 3 – 4 кишилик уйчаларда эркин яшайди. Ўқийди, ҳунар ўрганади, ҳатто ёнида пул олиб юриши ҳам мумкин. Озодликка чиққунига қадар камида ярим йил шундай яхшиланган шароитда яшаган ўсмирнинг руҳий аҳволида ижобий натижалар сезилган. Тўғри, бу каби тадбирлар учун қўшимча маблағ талаб этилади. Лекин хайрли иш учун чиқимдан қочмаслик **керак**. Бу тадбирга сарфланган чиқим ўзини қоплашдан ташқари жамиятга моддий наф ҳам келтиради. Қандай қилиб? Ўсмир бу тадбир туфайли маънавий-руҳий жиҳатдан тўла покланиб чиққач, жамият ишларида фаол иштирок эта бошлагани фойда эмасми? Тасаввур қилайлик, маҳкум ўсмир колониядаги офир шароитда яхши томонга ўзгармади. Озодликка чиққач, кўп ўтмай яна қамалди. Жиноят туфайли кимгадир қанчалик зарар келтиргани бир масала, қамоққа тушгач, жамият уни яна неча йил боқиши, кийинтириши керак? Ахир жиноятчининг қамоқда ўтирган ҳар бир кунини учун қанчадир маблағ сарфланади-ку? Маҳкумлар сони камайса, колониялар сони ҳам камаяди, у ерда хизмат қилаётганларга қанчадан-қанча ҳақ тўланаётганини тасаввур этамизми?

Беларуссиядаги тажрибалар бизда ҳам қўлланилса, мен яна бир таклиф киритган бўлардим. Болалар ахлоқ тузатиш колониялари жазони ўташ маскани эмас, балки маҳкумни жиноятга бошлаган омиларни чуқур ўрганиш, таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш илмий марказига айланиши **керак**. Бола озодликка чиқишидан олдин илмий марказнинг хулосалари ва тавсиялари ота-она, тарбиячи, профилактика инспекторига юборилиши керак. Озодликка чиққан ўсмирни кутиб олувчилар унинг руҳий-маънавий ҳолати ҳақида тўла маълумотга эга бўлсинлар.

Колония **жазо масканими ё тарбия ўчоғими**, деган саволга дарров жавоб қайтаришга уринмайлик. Нима бўлганда ҳам у ерда гоят зийраклик зарур. Агар ўсмирни қамамай тарбиялашнинг имкони бўлса, шу имкониятдан фойдаланиш зарур. Бу фикр назарий жиҳатдан қаралса, тўғри, аммо амалиётчилар буни қабул қилишлари қийин. Демак, ўрта йўлни топишимиз керак бўлади. Эҳтимол, фаннинг бу соҳасида янги йўналиш очишнинг фурсати етилгандир? Фанда «биофизика», «биокимё» каби қўшма йўналишлар мавжуд. Балки ҳуқуқ илми билан руҳшунослик илми ҳам бир нуқтада бирлашар? «Ҳуқуқшунос-руҳшунос» фани қад ростласа, болалар жиноятчилигига доир кўп масалалар илмий жиҳатдан ҳал бўлар?



АССАЛОМ, ОЗОДЛИК...  
ЁХУД ИШОНЧСИЗЛИК ДУНЁСИ

Узоқ вақт тўшакка михланиб ётган бемор, шифо нишонаси сезилса ҳам, дарров оёққа туриб кетолмайди. Айримларини худди гўдаклигидаги каби атак-чечак билан юришга ўргатишга тўғри келади. Қамоқдан чиқиб келган боланинг руҳий аҳволи ҳам шунга ўхшаш бўлади. У неча йил ўтирганидан қатъи назар, озодликдаги ҳаёт тарзидан анча узоқлашган бўлади. Унинг суҳбатлашишдаги қўполлиги, ноўрин сўзларни кўп ишлатиши, овқатланишдаги шошиши, атрофидагиларга гумонсираб боқишлари – булар бошқалар ҳам сезиши мумкин бўлган ўзгаришлардир. Уларнинг ички туйғулари – ўзгалар учун ёпиқ қасрдир. Қамоқдан қутулиб чиққан ўсмир умид қилгани – озодликда ўзини ноқулай ҳис қила бошлайди. Ҳатто ота-онаси ва яқинлари билан суҳбатлашишдан лаззат олмайди. Балки ўрганиб қолгани – жиноят оламининг тобелари билан гаплашиб ўтиришни қўмсайди. Уйидагилар даврасида хомуш ўтирган чоғида қамалиб чиққан бирон одам йўқлаб келса, унинг чехраси очилади. Ўша одам билан суҳбатлашишни истайди. Унинг бу ҳолатини қамоққа қайтиш илинжи бор экан, деб баҳоламаслик керак. Зеро, айрим ўсмирларни айнан шу қўмсаш жиноят оламига қайтаради. Шу ўринда мантиқсизлик бордай кўринади: ўсмир тутқунлик даврида озодликка интилади, колониядаги тартиблардан безди. Энди ўтмишни қўмсагини нима деб асослаш мумкин? Қамоқда ўтган ойлар, йиллар бегоналар билан яқинлаштирди, айнаи чоғда эса яқинларидан узоқлаштирди.

Агар бола ўғирлиги учун қамалиб чиққан бўлса, ундан ҳадиксираш бошланади. Қайсидир қариндошиникига борса, «Бирон нарсани ўмариб кетмасин», деб изидан кўз узишмайди. Милиция ҳам унинг тавбасига ишонмай, назоратини сусайтирмайди. Бола колония тутқунлигидан озод бўлса-да, ҳар томонлама назорат тутқунлигида қолиб асабийлаша бошлайди. Очиғини айтадиган бўлсак, қамоқдан чиққан ўсмирни **жамият қучоқ очиб кутиб олмайди**. Аксинча, жиноят олами қувониб қаршилайди. Керакли нарсалар, хусусан, маблағ билан таъминлайди. Оқибатда тўғри яшаш истагида чиққанларнинг айримлари тавбаларини унутадилар. Тўғри, қамоқдан қайтганларни қувватлашга қаратилган тadbирлар ҳам мавжуд. Масалан, мослаштирув (реабилитация) марказлари ва турли комиссиялар ҳам бор. Аммо улар вазифаларини кўнгилдагидай бажармайди. Корхона ёки идоралар уларнинг тавсияларини менсимайди. Марказ қамоқдан чиққан одамга бир марта пул беради, вассалом! Эшитишимча, ўша пулни олгунча у одамнинг эси тескари бўлиб кетаркан. Баъзилари эса сансалорликдан безиб, бу пулни олишга келмас ҳам экан.

Ўсмир озодликка чиққач, қайси муҳитдан «юлиб олинган» бўлса, яна ўша муҳитга ташланади. Озодликка чиққан ёши катта собиқ жиноятчи ўзи яшайдиган муҳитни ўзгартира олиши мумкин. Агар истаса бошқа шаҳарга кўчиб яшайверади. Бироқ ўсмирда бундай имконият йўқ. Озодликка чиққан ўсмир тарбиячиларнинг гапларига қулоқ солиб, хулқи ўзгараётгандай бўлиши ҳам мумкин. Лекин унинг онгида бир қатрагина жиноятга мойиллик руҳи сақланиб қолган бўлса ҳам, балоғат ёшидан ўтгач, ўша иллатли қатрадан эгри йўлга кириш истаги туғилиб қолади.

Қамалиб чиққанларни биров ишга қабул қилиши жуда қийин кечади. Улар аввалги ишларига ҳам қайтолмайдилар. Компьютер ўйинхонасининг бошлиғи шундай болани ишга қайтиб олмайди. «Компьютерларим ўғирланса, ҳақини ким тўлайди?» деди. Моддий томондан қаралса, у ҳақ. Лекин уни маънавий томон мутлақо қизиқтирмайди. Қамалиб чиққан бола ундан ўч олиш учун ҳам ўйинхонасини ўмариб кетиши мумкинлигини ўйламайди.

Ч. исми ўсмир безорилиги учун ушланиб, қамалиши лозим бўлганида у ишлайдиган корхона ўртага тушиб, кафиликка олади. Бу албатта, олижаноблик белгиси. Аммо кафиликка олиш – қамоқдан қутқариб қолишгина эмас. Корхонанинг кафиликка олгани – шу йигитчани ўзимиз тарбия қиламиз, деган ваъдани англатади. Ч. қамоқдан қутулиб қолгач, икки ойдан сўнг ишдан бўшаб кетади. Корхона уни олиб қолишга ҳаракат ҳам қилмайди. Кафиликка олишга олиб қўйиб, кейин «Битта безоридан қутулсак қутулибмиз-да», дейди. «Кишини меҳнат тарбиялайди», деймиз. Бу ҳақиқатни инкор этмайман. Аммо ҳар қанча ишлашга мажбур қилинг, агар маънавий камолот масаласи ҳал этилмаса, бу зўраки меҳнат ижобий самара бермайди. Корхонада маънавий камолот масаласи билан шуғулланувчи одам йўқ эди. Ч.дан эртадан кечгача дастгоҳ ёнидан жилмай ишлашни талаб этишди. Кунда неча марталаб уни қамоқдан олиб қолишганини таъна қилишди. Ч. бу ердан кетди-ю, озод қушга айланди ва нодон қуш каби яна тузоққа илинди. У бир ярим йил колонияда ўтириб, яхши хулқи учун муддатидан илгари озод қилинди. Аввал ишлаган жойига қайтмоқчи бўлди. Олишмади. Қамоқдаги «зўр»ларнинг тавсияси билан катталар тўдаси уни бағрига олди.

К.нинг тақдири ўзгачароқ бўлди. У қамоқдан чиқиб ота-онаси ёнига қайтмай, шаҳарда яшайдиган бувисиникига келади. Шу ерда яшаб, тўғри йўлга тушишни ният қилади. Аммо ишга жойлашишга улгурмай бувиси вафот этади. Уйни набираси номига васият қилган бўлса-да, К. шаҳар рўйхати (пропискаси)га олинмайди. Бу дегани уни биров ишга ҳам ололмайди. Оқибатда К. ҳам жиний тўдадан паноҳ топади.

Қамалганларнинг аксари ишдан ёки ўқишдан ҳайдалишган бўлишади. Корхона ва муассасалар 18 ёшга тўлмаган ўсмирни ўз хоҳишича ишдан бўшатишга ҳақли эмаслар. Улар бундай ҳол юзга келганда вояга етмаганлар билан ишлаш комиссиялари билан

фикрлашган ҳолда бир қарорга келишлари керак. Бу ўринда улар қонунни бузсалар-да, ҳеч ким уларга бирон чора кўрмайди. Ҳатто судда «Шу ўсмир ишдан ҳайдалиб кўчада қолгани учун жиноят қилди», деган гапни эшитмаймиз. Аксинча, шахсини аниқлаш жараёнида «Ёмонлиги учун ишдан ҳам ҳайдалган», деб таъкид этилади. «Бола ёмон экан, уни яхши томонга буриш учун қандай чора кўрилади?» деган савол кун тартибига қўйилмайди.

Айрим йиллардаги кузатувлар натижаси шуни кўрсатадики, қамалганларнинг 53 – 60 фоизи жиноят билан қўлга олингунига қадар бирон ерда ишлаган, 35 – 40 фоизи эса ўқиган, 5 – 6 фоизи ҳеч қаерда ишламаган, ўқимаган. Демак, ишлаган ва ўқиганлар қамоқдан чиқиб борадиган жойлари тайин. Аммо... Ҳамма бало шу «аммо»да. Қамоқдан чиққанларнинг бир неча ойдан сўнг яна жиноят билан судланишининг сабаби ҳам ўша «аммо»да.

Қамоқдан чиққан ўсмирларни катталарнинг пишиб-етилган тўдаси эҳтиётлик билан қаторига олади. Уларга жиддий иш топширилмайди. Улар асосан дастёрликка тайинланадилар. Чунки улар ўсмирлар билан ишлашнинг хатарли эканини билишади. Ўсмирларни қаторига бемалол тортавериши мумкин бўлган тўдалар асосан 20-25 ёшдагилар бўлишади. Ёки жиноят оламида иши юришмаган якка шахслар ҳам ўзларига тортишга уринадилар. Ўсмирларни жиноятга тортиш қонун йўли билан жазоланади. Лекин уларни жазога тортиш осон иш эмас. 3. исмли бола такси ёллаб, овлоқроқ ерга борганда ҳайдовчининг бошига болға билан уриб беҳуш қилади-ю, пулини ўмариб қочади. Буни бола ўз ташаббуси билан қилган ҳам бўлиши мумкин. Лекин айни ҳолатда унга қўшни уйда турувчи С. исмли ароқхўр йўл-йўриқ ўргатган. Аммо бу айбни у бўйнига олмайди. Милиция эса оқилона йўл тутиб, 3.ни ҳам қўйиб юборади. Орадан вақт ўтиб, «устоз-шогирд» дўкон қулфини бузишаётганида биргаликда қўлга олинадилар.

Жамиятдан меҳрибонлик кўрмаган ўсмирларнинг айримлари 2-3 ёки 4-5 киши бўлиб, ўзларича тўда тузишлари ҳам мумкин. Лекин бу тўдаларнинг умри узоқ бўлмайди. Тез орада қамоққа қайтиш билан яқунланади. Қамоқдан кейинги чиқишида қандай дунёқарашга эга бўлишини айтиш шартмикин?

Демоқчиманки, бўйсунмас болаларни жиноят жари ёқасида тутиб қолиш учун қанчалик зийраклик, меҳр-шафқат, донолик зарур бўлса, қамоқдан чиққанлар учун бу эътибор икки қарра зарурроқдир. Шуни назарда тутиб, бир таклифни ўртага қўймоқчиман:

Қамоққа тушган ўсмирлар ва озодликка чиқарилганлар билан иш юритувчи бир хайрия жамғармаси тузилса. (Эҳтимол унинг номи «Шафқат» бўлар?) Жамғарма болани қамоққа тушган онидан бошлаб назоратига олса. Яъни вақти-вақти билан ундан хабардор бўлиб турса. Лозим бўлганида колония маъмурияти олдида унинг ҳуқуқини ҳимоя қилса. Агар боланинг ота-онаси ёрдамга

муҳтож бўлса, уларга ҳам кўмак бериб турса. Хуллас, тутқун ўсмир ўз атрофида меҳрибонлар борлигини, озодликка чиқса хор бўлмаслигини ҳис қилиб турса. Жамғарма фаоллари уни қамоқдан чиқиб келишида кутиб олишса. Озодликдаги ҳужжатларини расмийлаштиришни тезлатишга ёрдам беришса. Барча соҳада унинг ҳуқуқларини ҳимоя этса. То ишга жойлашиб, ўзини ўнглаб олгунига қадар моддий жиҳатдан ҳам кўмаклашиб турса. Хуллас, адашган ўсмирнинг ҳаётдаги ўз ўрнини топиши учун нимаики зарур бўлса, шу ишларга масъул бўлса, қамоқхонага қайтариб борадиган йўллар тамоман беркилармиди...

Ҳар бир мамлакатда инсонни вояга етказиш санъати идора этиш услуби билан шу қадар чамбарчас боғланиб кетганки, ижтимоий тарбияга доир у ёки бу муҳим ўзгаришни давлат тузумининг ўзига ўзгартиш киритмасдан туриб амалга ошириш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан қаралса, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг бу гаплари ғоят муҳим аҳамият касб этади: «Шуни тан олиб айтиш керакки, ёшлар ўртасидаги жиноятчилик – бу, аввало, биз, катталарнинг уларни тарбиялашда йўл қўйган жиддий хатоларимиз оқибатидир. Бинобарин, шунинг учун ҳам, руҳий ва маънавий жиҳатдан шахс сифатида шаклланмай қолиб, жиноят содир этган ёшларимизни жамиятга қайтариш – аввало, биз, ота-оналар ва давлатнинг зиммасига тушади».

Қамоқдан чиқиб келган ўсмирнинг кўнгли ўксик эканини зинҳор унутмаслигимиз керак. Кўнгли чўккан одамнинг кўнглини кўтармоқлик, савоб дейдилар. Ҳазрат Навоий бунинг савобини бузилиб ётган Каъбани обод қилиш мартабасига тенглаштирадилар. Дейдиларким:

*Кимки, бир кўнгли бузуқнинг хотирин шод айлагай,  
Ончи борки, Каъба вайрон эрса обод айлагай.*

### **Ва ниҳоят:**

Ва ниҳоят, фикрларимизни хулосалаш фурсати етди.

Аввало фикрларни баён этмоғимда куч-қувват берган, тўғри йўлни кўрсатган раббимиз Аллоҳга шукрлар қиламан. Бирон ерда адашган бўлсам, тавба қиламан ва сиз азизлардан ҳам узр сўрайман. Вақтингизни аямай, камина билан муҳим бир масалада ҳамсуҳбат бўлганингиз учун ташаккурлар айтаман. Аллоҳ то қиёматга қадар зурриётларингизни жиноят олами балоларидан асрасин.

Ҳазрат Навоий деган эканларким:

*Кимса минг йил комронлик қилса билким, арзимас  
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоққа биров коми била.*

(Айтилмоқчиким, минг йил муроду мақсадингга етиб шоду хурамликда яшаганинг ўзгаларни муродига етказмакка сарф этган бир лаҳза умрингга арзимади.)

Камина ҳам шу ниятда сизларни – ота-оналар ва тарбиячиларни суҳбатга чорлаган эдим. Гапни мухтасар қилолмаган бўлсам, айбситманг. Масала шунчалик муҳим эдики, уч-тўрт сўз ила баён этмоқликнинг имкони бўлмади. Эътиборингизга ҳавола этилган мисоллар ва рақамлар бир ойнинг ёки бир йилнинг маҳсули эмас. Кузатишлар кўп йиллар давомида олиб борилди. Суҳбатда келтирилган айрим рақамлар баъзи биродарларимиз учун балки эскириб қолгандай туюлар. Эҳтимол «Қамалиб чиққанларнинг 10 фоизи ярим йил ичида яна қамоққа қайтади», деган мисолимиз 2015 йилда саккиз ёки ўн икки фоизни ташкил этгандир. Мен бу ўзгаришлар мумкинлигини инкор этмайман. Каминани ўйлантирадиган, ташвишга соладиган нарса рақамнинг катта ёки кичиклиги эмас, балки шу ҳолнинг мавжудлиги. Қамалиб чиққанларнинг 1-2 фоизи яна қамалса ҳам, биз эътиборимизни сусайтирмаслигимиз керак. Эътиборимиз сусайдими, демак, бу рақам келгуси йили 20 фоизни кўрсатиб қўйиши ҳам мумкин.

Ўсмирлар руҳиятининг таҳлили жараёнида баён этилган фикрларга қўшилмаслигингиз ёки бутунлай рад этмоғингиз ҳам мумкин. Мен мутлақ тўғри фикрга даъво қилмайман. Баёнларимни эътиборингизга ҳавола этиб, ўзига хос назария яратишни ҳам мақсад қилиб қўймаганман. Баъзи фикрлар қайта-қайта баён этилганини малол олманг, бу рисолаинг камчилиги эмас, бир бобдаги муҳим масалага эътиборсиз қараган бўлсангиз, кейинги такрорда диққат қиларсиз деган мақсадда шу услуб маъқул кўрилади. Шубҳасизки, бу масалаларни мендан кўра яхшироқ биладиган, яхшироқ идрок этадиган олимларимиз ҳам кўп. Камина олим эмас, балки ҳуқуқ илмидан бир чимдим, руҳшунослик илмидан бир чимдим биладиган бандадир. Умид улки, олимларимиз бу мавзудаги суҳбатни давом эттирсалар, ўсмирларнинг руҳий оламига доир яхши-яхши рисоалар битиб халққа инъом этсалар. Уларнинг бундай хайрли ишларига Аллоҳдан мадад сўраймиз.

Дуо қиламиз: ҳеч кимнинг суюкли фарзанди жиноят кўчасига яқин ҳам келмасин. Фарзанд туғилганда ота-она қалбида туғилган ширин орзу-умидлар амалга ошсин. Аллоҳ ҳеч бир бандасини ҳидоятдан адаштирмасин. Омийн йа Раб ал-олабийн.

## МУНДАРИЖА

### БИРИНЧИ БЎЛИМ. АЙБСИЗ АЙБДОРЛАР

Биринчи боб. Бурилиш нуқтаси ёки ким айбдор? .....	7
Иккинчи боб. Шайтоннинг масжиди .....	24
Учинчи боб. Фарзандингизни бахтли қила оласизми? .....	33
Тўртинчи боб. Ҳоиз ўзгаргани билан қиймати ўзгармайди .....	44
Бешинчи боб. Одам какку эмас .....	48
Олтинчи боб. Қўрқув бор жойда бахт йўқ .....	68
Еттинчи боб. Бўйсунмас болалар .....	78
Саккизинчи боб. «Ёвинг кимдир, биласанми? Нодонликдир, яқовликдир» .....	87
Тўққизинчи боб. Озгина заҳар ҳам ҳалок қилғувчидир .....	106
Ўнинчи боб. Бола нима сабабдан жиноят кўчасига киради? .....	121

### ИККИНЧИ БЎЛИМ. ЕЧИЛИШИ МУШКУЛ МУАММО

Биринчи боб. Бўш вақт .....	130
Иккинчи боб. Чекмағуси хорлиғ аҳли ҳунар .....	141
Учинчи боб. «Столба қоровуллари» .....	147
Тўртинчи боб. Китобхонлик надир? .....	148
Бешинчи боб. Гап фақат олтин медалда эмас .....	155

### УЧИНЧИ БЎЛИМ. «МЕН» – ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ

Биринчи боб. «Мен кимман?» .....	171
Иккинчи боб. Дўзах ўтининг тутантириғи .....	180
Учинчи боб. «Бу менинг онам!» .....	187
Тўртинчи боб. Дарахт қушни танламайди .....	200
Бешинчи боб. Катталар аҳамият бермайдиган муҳим муаммо .....	203
Олтинчи боб. Аҳмоқона тарбия .....	209
Еттинчи боб. Яраланган қалб исёни .....	227

### ТЎРТИНЧИ БЎЛИМ. ҚИЛ КЎПРИК

Биринчи боб. Ким айбсиз дўст қидирса .....	235
Иккинчи боб. Тенг – тенги билан .....	242
Учинчи боб. Қайсарликлар тўқнашуви .....	249
Тўртинчи боб. «Қанақа одам билан дўст бўлайин?» .....	260
Бешинчи боб. Ўз уйига сифмаганлар .....	285
Олтинчи боб. Суицид .....	305
Еттинчи боб. Қора бошга ёвуз ёвдир қизил тил .....	312

### БЕШИНЧИ БЎЛИМ. ЁМОНЛИКЛАР ОНАСИ

Биринчи боб. Бало дарёсига боирувчи қултум .....	338
Иккинчи боб. Зулмат салтанати .....	366

### ОЛТИНЧИ БЎЛИМ. ШАЙТОНЛАР БОШҚАРУВЧИ ОЛАМ

Биринчи боб. Қозонга яқин юрсанг .....	379
Иккинчи боб. «Қонундаги ўғрилар» кимлар? .....	383
Учинчи боб. Монголнинг шогирдлари .....	393
Тўртинчи боб. «Қора кардинал» .....	401
Бешинчи боб. Ўлим учбурчаги .....	408

## ЕТТИНЧИ БЎЛИМ. ТУТҚУНЛИК

<i>Биринчи боб.</i> Жиноят кўчасининг очиқ дарвозаси .....	419
<i>Иккинчи боб.</i> «Эти, сизники, суяги бизники» .....	422
<i>Учинчи боб.</i> «Бошқалар нима бўлса, биз ҳам шу» .....	429
<i>Тўртинчи боб.</i> Ўнг қўли кесиладиган шогирд .....	445
<i>Бешинчи боб.</i> Жарроҳнинг тиғи .....	450
<i>Олтинчи боб.</i> Жиноятнинг ўқ илдизи .....	467

## САККИЗИНЧИ БЎЛИМ. ОЗОДЛИК НУРИ КЎЗНИ ҚАМАШТИРАДИМИ?

<i>Биринчи боб.</i> Нақадар шафқатсизсан, эй ёруғ дунё .....	475
<i>Иккинчи боб.</i> Ассалом, озодлик... ёхуд ишончсизлик дунёси .....	488

*Адабий-бадший нашр*

ТОҶИР МАЛИК

**ҚУЁШИНГИЗ БОТМАСИН**

Муҳаррир  
Гавҳар МИРЗАЕВА

Бадий муҳаррир  
Дилфуза СОЛИХЎЖАЕВА

Мусахҳиҳ  
Мадина МАҲМУДОВА

Саҳифаловчи  
Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир  
Умидбек ЯХШИМОВ



Нашриёт лицензияси АI № 160, 14.08.2009 й.  
Босишга 2018 йил 16.05. да рухсат этилди.  
Бичими 70x108 1/16.  
Босма тобоғи 31,0. Шартли босма тобоғи 40,18.  
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.  
Адади 10000 нусха. Буюртма № 12.  
Баҳоси келишилган нарҳда.

«Ўзбекистон миллий энциклопедияси»  
Давлат илмий нашриёти  
100011. Тошкент, Навоий кўчаси, 30-уй.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида чоп этилди.  
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.



# Тоҳир Малик

*Ўсмир ёшидаги фарзандни тарбиялашда аввало ота ва онанинг ўзгариши шарт, деган фикрга қандай қарайсиз? Албатта, кўпчилигингиз "Болам ўзгариш ёшида, мен эмас, ўғлим (қизим) ўзгариши керак", деб эътироз билдирарсиз? Сиртдан қараганда, шундай дейишга ҳақлисиз. Аммо табиатан олиб қарасак, одам ўзгармас мавжудот эмас. Дейлик, сиз 20 ёшингизда ўғил фарзанд кўрдингиз. Сиз 33 ёшга етганда ўғлингиз ўсмирлик дунёсига қира бошлайди. Унда ҳар томонлама ўзгариш юз беради. Сизда-чи? Сиз 20 ёшингизда жисмонан ва ақлан қандай бўлсангиз, 33 ёшингизда ҳам шу ҳолатда қоласизми? Сиз истасангиз ёки истамасангиз ҳам, жисмоний томондан ўзгарасиз. Лекин ақлий камолотингиз фақат истакка боглик эмас. Агар ҳаётий тажриба илм булогидан сув ичмаса, комиллик ҳақида орзу қилиш ҳам ортиқча. Болангиз ўсмир ёшига етганида сизда ақлий комиллик сари ўсиш бўлмаса, фарзандингизга қандай тарбия беришингиз мумкин? Ўсмирлик оламига қирган фарзандингизни қўча тарбиясидан асрашга қодир ақл ва тажрибага эгамисиз?*

*Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китобда фарзанд тарбиясидаги мураккаб вазиятларда ота-она масъулияти ҳақидаги қимматли фикр-мулоҳазалар, хулоса ва тавсиялар билан танишасиз.*

*Tohir Malik*



ISBN 978-9943-07-624-2



9 789943 076242